

# ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БОШҚАРИШ

747.6  
N - 93

«... Оддий ҳақиқатни яна бир бор таъкидлаб ўтишини истардим. Бугун олдимиизга қандай вазифалар қўймайлик, қандай муаммоларни ҳал этишимизга тўғри келмасин, ҳаммаси кадрларга ва фақат кадрларга бориб тақалади. Ҳеч бир мубоғасиз айтиш мумкинки, келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги бизнинг ўрнимизга ким келишига, қандай кадрларни тайёрлашимизга бутунлай боғлиқ».

«... Давлат муассасалари ходимларини тўғри танлаш муҳим масаладир. Кадрларни жой-жойига қўйишда ор-номус ва виждон, эътиқод ва раҳм-шафқат сингари юксак тушунчаларга амал қиласиган кишиларга эътибор қаратиш даркор. Шунингдек ходимларнинг ўз вазифаларини адo этишга бўлган масъулиятини ошириш лозим».

И. Каримов,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

4960/4

# **ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БОШҚАРИШ**

**ТОШКЕНТ  
«ТУРОН-ИҚБОЛ»  
2006**

### **Ш. Қурбонов, Э. Сейтхалилов**

Таълим сифатини бошқариш. Т.: «Турон-Иқбол»: 2006. — 592 бет.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш милий дастури» талаблари ҳамда Кадрлар тайёрлаш милий модели гоялари асосида педагогика назарияси ва амалиётича таълим сифатини бошқариш масалаларини тадқиқ этиш йўлидаги дастлабки изланишлар маҳсулидир.

Китобда таълим сифатини бошқаришнинг можияти, ижтимоий-педагогик ва психологияк хусусиятлари, таълим сифатини ошириш омиллари, хусусан, давлат, жамият, таълим муассасаси раҳбарияти ҳамда педагогик жамоанинг таълим, унга мувофиқ равишда кадрлар тайёрлаш жараёнининг сифатини ошириш йўлидаги фаолияти, асосий жараёни тұтырысада сўз юритилади; таълим сифатини назорат қилиш, баҳолаш ушбу мақсадда амалга оширилётган мониторингнинг ўзига хос жиҳозлари очиб берилади.

Мазкур китоб фан, таълим, ишлаб чиқариши ва бошқарув органдарининг ходимлари, тадқиқотчилар, олий ўкув юртларининг талабалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасида амалга оширилётган ислоҳот, унинг натижалари билан қизиқувчи кенг жамоатчилик вакиллари учун мўлжалланган.

Китобда илгари сурилган гоялардан кенг жамоатчилик ўргасида давлат таълим сиёсатини тарғиб этиш, аҳолини «Кадрлар тайёрлаш милий дастури» можиятидан хабардор қилиш ҳамда ўкув муассасаларида таълим жараёнини такомиллаштиришиша фойдаланиш мумкин.

К **6400217140-105** — 2006  
M351(04)-204

ISBN 978-9943-14-005-9

© «Турон-Иқбол», 2006 й.  
© «Aqaptint», 2006 й.

## МУНДАРИЖА

<b>СҮЗ БОШИ</b>	7
<b>I БОБ. ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ-</b>	
<b>МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ</b>	26
I.1. Таълим тизимларини тадқиқ этишга умумий ёндашувлар	33
I.1.1. Таълим тизимлари ва таълим сифатини тадқиқ қилишнинг методологик асослари	40
I.1.2. Таълим тизимли таҳлил ва моделлаштириши объекти сифатида	57
1.2. Таълим сифатини бошқариш илмий билиш ва амалиёт соҳаси сифатида	78
1.2.1. Бошқарув фанининг предмети, вазифалари ва методлари	79
1.2.2. Бошқарувнинг умумий қонуниятлари, тамойиллари ва функциялари	86
I.2.3. Таълимни бошқариш ва билимдонлик	102
I.2.4. Таълим сифатини режалаштириш	112
I.2.5. Таълим сифатини бошқарувнинг инновацион хусусияти	127
I.2.6. Таълим сифатини бошқариш жараёнини лойиҳалаштириш	138
<b>II БОБ. ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ДАВЛАТ</b>	
<b>КАФОЛАТЛАРИ</b>	160
II.1. Таълим сифатини бошқариш давлат тизими	160
II.2. Таълимни стандартлаштириш – юқори таълим сифатини таъминлаш кафолати ва шарти	176
II.2.1. Узлуксиз таълим тизимида Давлат таълим стандарти	176
II.2.2. Давлат таълим стандартлари – таълим сифатини бошқарувнинг меъёрий асоси	196
II.3. Кадрларни касбий тайёрлаш сифати ва уларнинг раҳобатбардошлиллиги	214
<b>III БОБ. ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БОШҚАРИШ</b>	235
III.1. Таълим муассасаси ҳозирги шароитда	236
III.1.1. Таълим муассасаларининг ташки мұхит ва іжтимои ташкынотлар билан ўзаро муносабатлари	237
III.1.2. Таълим муассасасининг іжтимоий-педагогик түзилмаси ва үннинг фаолияти натижалари	243
III.2. Таълим муассасасининг фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш	250
III.2.1. Бошқарув моделлари ва услублари	251
III.2.2. Тузилма ва таълим тизими	273
III.2.3. Бошқарувнинг ташкилдік түзилмаси ва механизмылари	280
III.3. Таълим муассасаси ва таълим сифатини бошқариш жараёнларини тизимли режалаштириш	290
III.3.1. Таълим муассасасинин ривожланып режалаштириш	295
III.3.2. Даастурлар амалда оцирилешни бошқариш	311
III.3.3. Ривожланишни бошқариш	315
III.3.4. Таълим сифатини ялпи бошқариш тизими	323
III.4. Таълим жараёнини режалаштириш	332

III.5.	Таълим муассасасининг фаолият жараёларини назорат қилиш ...	343
III.6.	Таълим муассасаси жамоасига раҳбарлик қилиш .....	350
III.6.1.	Бошқарув ходимининг фазилатлари ва раҳбарлик функциясини амалга ошириш самарадорлиги .....	359
III.6.2.	Бошқарув кадрларини касбий тайёрлаш .....	372
III.6.3.	Бошқарув ходими кўнгикмаларини ривожлантириш .....	378
III.7.	Педагог кадрлар фаолиятини баҳолаш ва рағбатлантириш .....	387
III.8.	Жамоат бошқаруви шакллари ва методлари .....	413
<b>IV БОБ. ТАЪЛИМ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ</b>		429
IV.1.	Таълим сифатини ўлчаш ҳамда баҳолаш шакл ва методлари, индикаторларини танлаши .....	429
IV.2.	Таълим фаолияти сифатини назорат қилиш масалалари .....	452
IV.3.	Таълим сифатининг назорат ва ўлчов тизими .....	463
IV.3.1.	Таълим сифатини назорат қилишининг комплекс тизими .....	484
IV.3.2.	Педагогик технологиялар орқали таълим сифатини назорат қилиш тизимини амалга ошириш .....	498
IV.3.3.	Таълим муассасаси фаолиятини баҳолаш .....	509
IV.4.	Таълим сифати мониторинги .....	512
<b>ХУЛОСА</b>		539
<b>ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР</b>		558

### Қисқартмалар рўйхати

АЛ	— академик лицей
БКМ	— билим, кўнгикма, малака (маҳорат)
ДТС	— давлат таълим стандарти
КҲҚ	— касб-хунар коллежи
КҲТ	— касб-хунар таълими
КТМД	— «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»
КТММ	— кадрлар тайёрлаш миллий модели
КТТ	— кадрлар тайёрлаш тизими
КҚТМОТ	— кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими
МИБ (КҲҚИБ ёки ОЎЮИБ)	— мактаб ички бошқаруви (касб-хунар коллеки ички бошқаруви ёки олий ўкув юрти ички бошқаруви)
МИF	— миллий истиқдол тояси
ОТ	— олий таълим (маълумот)
ОТМ	— олий таълим муассасаси
ТМ	— таълим муассасаси
ТС(КТС)	— таълим сифати (кадрлар тайёрлаш сифати)
ТСБ (КТСБ)	— таълим сифатини бошқариш (кадрлар тайёрланган сифатини бошқариш)
УТТ	— узлуксиз таълим тизими
ҮУТ	— умумий ўрта таълим (маълумот)
ҮУТМ	— умумий ўрта таълим муассасаси
ЎМКҲТМ	— ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаси

*Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг  
15 йиллигига бағшланади*

## СҮЗ БОШИ

Ўзбекистон учинчи мингийилликка жамият ҳаётиниң сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий соҳаларини, шу жумладан, узлуксиз таълим тизими ва кадрлар тайёрлаш соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш жараёнинда қадам қўйди. Таълим ҳар қандай жамиятниң ажралмас таркибий қисми, маданиятининг кўрсаткичи ва тараққиётининг асосидир. У боғловчи бўғин сифатида, ижтимоий тажриба, маънавий-ахлоқий ва маданий анъаналарниң бирлигини ва ворисийлигини ҳамда жамият ривожини таъминлайди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган таълимий ислоҳотлар ягона мақсад — баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаш ҳамда тайёрлашга йўналтирилган бўлиб, мазкур мақсаднинг тўлақонли амалга оширилиши узлуксиз таълим тизимини қайта шакллантириш, унинг мазмунини ижтимоий талабларга мувофиқ равишда янтилаш асосида таъминланади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» гояларига мувофиқ асосланган кадрлар тайёрлаш миллий модели эса ўз моҳиятига кўра баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялашга хизмат қиласиди. Республика тараққиётининг асосий омилларидан бири — малакали кадрлар эканлиги борасидаги гоялар Президент И. А. Каримовниң асарларида қўйидагича ёритилади: «Биз ҳаётизниң турли жабҳаларида, ҳалқ ҳўжалитининг барча соҳаларида туб ислоҳотларни амалга ошириб, янгиланиш сари борар эканмиз, ушбу ислоҳотларниң турмуш тарзимизни ижобий томонга ўзгартириши, маънавий юксалишимизга кўмак бериши ҳамда миллий фурур ва ифтихоримизни кучайтириши кўп жиҳатдан ҳар томонлама етук кадрларга боғлиқ эканини унутмаслигимиз лозим. Республика мизнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан равнақ топишида, бу соҳалардаги муаммаларни ҳал қилишимизда ҳам миллий кадрлар бош омиллардан бири бўлади» («Замонавий кадрлар тайёрлаш — ислоҳотлар муввафқиятиниң асоси». «Халқ сўзи» газетаси, 1998 йил 24 январ).

Баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялашда муҳим ўрин тутувчи таълим тизимига илғор гояларни татбиқ этиш ва шу асосда унинг мазмунини такомиллаштириш ижтимоий зарурият саналади. Ушбу жараён таълим тизимини бошқариш, уни демократик

ва инсонпарварлик тамойилларига асосланишини таъминлаш ҳисобига кечади. Таълим муассасалари фаолияти ва таълим сифатини бошқаришда ижобий натижаларни қўлга киритиш малакали мутахассисларни тайёрлаш йўлидаги амалий ҳаракатларнинг натижаси сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таълим, Кадрлар тайёрлаш миллий модели ҳамда дастурининг халқнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий ривожланишининг, интеллектуал салоҳиятининг ортиши ҳамда жамият тараққиёти ва равнақини таъминлашдаги аҳамиятини баҳолаб, шундай дейди: «**Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши, ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, бизнинг гуллаб-яшнаётган, кучли демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришдан иборат стратегик мақсадимизга эришишнинг асоси бўлиб ҳизмат қилиши лозим**»<sup>1</sup>.

Таълим соҳасида аниқ мақсад сари йўналтирилган сиёсатнинг амалга оширилиши жамият ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий тараққиётидаги устувор йўналиш сифатида мантиқан **Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва дастурининг қабул қўлинишга олиб келди**.

Жаҳон амалиётида ўхшаши бўлмаган мазкур концептуал модел тарихий ҳамда мамлакатимизнинг таълим соҳасидаги тажрибаси, шунингдек, ривожланган демократик мамлакатларнинг таълим соҳасидаги ютуқ ва тажрибаларини эътиборга олган ҳолда лойиҳалаштирилган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури (КТМД) ва Кадрлар тайёрлаш миллий модели (КТММ) гояларининг амалга оширилиши эркин фикрловчи, ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой, миллий истиқдол гояларига содиқ ва юксак касб маҳоратига эга бўлган Шахс — фуқаронинг шаклланиши учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириши лозим.

Таълим сифатини бошқариш ва назорат қилиш тизими, умуман, узлуксиз таълим тизимини бошқаришни шакллантириш ҳамда уни амалга ошириш давлат таълим сиёсати, шунингдек, Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва дастури (4.6 ва 4.7-бандлар)нинг устувор йўналишларидан бири, илмий изланишларнинг мустақил йирик йўналиши ва илм-фаннынг долзарб вазифасидир. Ҳозирги пайтга келиб бу соҳада қўйидаги чора-тадбирлар амалга оширилган:

- узлуксиз таълим тизими, давлат ва нодавлат таълим муассасаларининг таркибий тузилишида туб ўзгаришлар амалга оширилди,

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Независимость и процветание Родины, свобода и благополучие народа — наша высшая цель. Ташкент, 2000.

шунингдек, улар давлат ташаббуси ва кафолатлари асосида изчил ривожлантирилди;

- «Таълим тўғрисида»ги Қонун (IV бўлим, 25—29-моддалар)га мувофиқ равишда барча бўғинлардаги узлуксиз таълим тизимини бошқариш органларининг ваколат доиралари белгилаб қўйилиши таъминланди;
- кадрлар тайёрлаш ва узлуксиз таълим тизимининг меъёрий-хукуқий базасини ривожлантириш давом этмоқда;
- таълим муассасаларининг молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш ва таълим жараёнини ташкил қилиш борасидаги мустақиллиги ва хукуқлари кенгайтирилмоқда;
- таълим муассасаларида таълим соҳасида фаолият кўрсатиш хукуқини кўлга киритиш учун аттестация ўтказилиши жорий этилди;
- таълим органларидан мустақил бўлган давлат таълим сифати назорати хизмати — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тест маркази қошида Таълим муассасалари Педагог ходимлар сифати назорати, аттестациясидан ўтказиш ҳамда таълим муассасалари бошқармаси ташкил этилди;
- мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг истиқболдаги ва узлуксизлик ҳамда узвийлик талабларига жавоб бера оладиган давлат таълим стандартлари (ДТС) — жорий этилди ва улар тобора такомиллашиб бормоқда, шу билан бирга, улар асосида янги мазмундаги касбий-таълимий дастурлар амалиётта татбиқ этилмоқда;
- замонавий педагогик ва ахборот технологиялари кенг оммадашмоқда;
- таълим муассасалари фаолияти, педагог кадрлар тайёрлаш сифати, шунингдек, ўкувчиларнинг билимларини рейтинг асосида баҳолаш тизими жорий этилди;
- кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилишнинг давлат ва жамоатчилик шакллари ривожлантирилмоқда;
- таълим муассасаларини жамоатчилик асосида бошқаришнинг самарали тизимини барпо этиш, хусусан, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимиятлар, маҳаллалар, ишбильармон доиралар, жамоат ташкилотлари ва жамғармаларнинг вакиллари ҳамда ҳомийларни жалб этган ҳолда фаолият кўрсатадиган васийлик ва кузатув кенгашлари ташкил этилди;
- олий таълим муассасаларигаabituriyentlarни саралаб қабул қилиш, таълим муассасалари битирувчиларини якуний давлат аттестациясидан ўтказиш тизими такомиллаштирилмоқда.

КТМДни амалга оширишнинг ниҳоясига етган биринчи босқичи стратегик йўналишдаги масалаларни ҳал қўлган ва унда тактик

йўналишдаги айрим камчиликларга йўл қўйилган бўлса, иккинчи босқичдаги вазифа таълим сифатини таъминловчи жараёни такомиллаштириш борасида изчил амалий фаолиятни ташкил этишидан иборат.

КТМД ва КТММнинг бош мақсади ва вазифалари — Баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаш, кадрлар тайёрлашнинг юқори сифати ва уларнинг рақобатбардош бўлишини таъминлашга қаратиган чора-тадбирларни амалиётта татбиқ этиш, ушбу жараён механизмини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш иккинчи босқичнинг ўзига хос жиҳатларидандир. Мазкур вазифанинг ечимини таъминлаш, унинг муҳлатлари, изяричилари, молиявий ва ресурслар таъминотини тўла акс этиришни тақозо этади.

Таълим жараёнининг барча қатнашчилари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни қарор топтириш ва ҳақиқий ҳамкорлик тамойилларига амал қилинишига эришиши зарур бўлиб, бу таълим сифатини юқсалтириш ва кадрлар тайёрлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, жамият тараққиётида малакали кадрларнинг тутган ўрни ва ролини цукур англаб этиш имконини беради.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва модели таълимнинг зарур сифатига эришишда мазкур муаммони тизимли — бошқарувнинг давлат ва жамиятдан тортиб, педагог ҳамда ўқувчигача бўлган барча субъектларининг ўзаро алоқада ва, айни пайтда, бирдай масъул бўлган ҳолда ҳал этиш талаб этилади.

Узлуксиз таълим тизими(УТТ)ни ва таълим сифатини бошқариш соҳасидаги ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида КТМДнинг ечими самарали амалга оширилиши билан белгиланадиган қатор муаммолар аниқланганлигини қайд қилиб ўтиш жоиздир. Бундан ташқари, КТМДни амалга ошириш йилларида тўпланган тажриба ва мавжуд муаммолар таҳдили асосида таълим сифатини бошқариш масалалари билан боғлиқ тарқоқ илмий тадқиқотлар ва амалий натижаларни синтез қилиш, УТТ ривожланишининг ижобий натижаларини аниқлаш ҳамда ушбу жараёнга нисбатан янгича ёндашиб, бойитиш вақти келди. Мавжуд муаммоларни пухта асосланган назарий қоида, ташкилий-амалий тадбир ҳамда самарали механизmlар ёрдамидагина ҳал қилиш мумкин.

Бироқ, ушбу ўринда мавхум концептуал қоидалар, таълим сифатини бошқаришнинг назарий моделини яратишни мазкур фаолиятнинг бош мақсади, деб ҳисобламаслик даркор. Илмий тадқиқот ва амалий фаолиятнинг асосий мақсади — ижтимоий-педагогик жараёнларда йигилиб қолган турли муаммоларни ҳал қилишдан, УТТни бошқаришда вужудга келган назарий ва амалий янгиликларни, синов натижаларини эътиборга олган ҳолда, ҳаётга татбиқ этишдан, таълим

сифатини бошқариш самарадорлигини юксалтиришга қаратилған тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Натижада таълим сифатини бошқариш бобидаги юзаки қарашибарга ва нала-партиш хуласаларга, пухта ўйланмаган ва илмий жиҳатдан текшириб кўрилмаган ёндашувларнинг олди олинади, умуман, ислоҳотларни баҳолашда субъективлик бартараф этилади.

**Таълим сифатини бошқариш** — бу кўп функцияли мураккаб муаммо. У муайян миқёсда (чунончи, давлат, тармоқлараро, минтақа, таълим муассасаси доирасида), шунингдек, маълум йўналишларда (ташкилий, таркибий, мазмуний, методик, кадрлар, ресурслар) ҳал қилинади.

Масалан, давлат миқёсида таълим сифатини бошқариш Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», ҳукумат қарорлари, давлат таълим стандартлари ва ҳоказолар асосида ҳамда уларнинг ёрдамица амалга оширилди. Идоралар даражасида эса бу воситалар — Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги, шунингдек, тасарруфида таълим муассасалари бўлган бошқа вазирликлар ва идораларнинг фаолияти, таълимни бошқаришга ваколатли органларнинг бўйруқ ва йўриқнома хужжатларидан иборат.

Таълим сифатини бошқариш хусусида фикр юритилар экан, албатта белгиланган сифат турли шарт-шароитлар ва омилларга мувофиқ кафолатланиши ва бошқариб боришишини назарда тушиб керак. Масалан, аёнки, ресурслар ва кадрлар билан тегишлича таъминланмаган ва, шунингдек ўқув-тарбия жараёни тегишлича мазмунга эга бўлмаган ҳамда ташкил этилмаган ҳолларда таълим сифатининг юксаклиги тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.

Амалда, белгиланган таълим сифатини бошқариш ва унга эришиш жараёнига таъсир кўрсатувчи барча шарт-шароитлар ва омилларнинг таъсири (ёки қарши таъсири)га дуч келамиз. Тадқиқот вазифаси (бизнинг вазиятда) мазкур шарт-шароитларни иложи борича кенгроқ қамраб олиш, таҳлил қўлиш ва эътиборга олишдан иборат. Бироқ амалда биргина китоб ёки илмий-тадқиқот иши доирасида бундай улкан вазифани уddyдалашнинг мутлақо иложи йўқлиги маълум.

**Ана шундан келиб чиқсан ҳолда, таълим муассасаси ва таълим жараёнининг узвий бирликда бошқариб боришишини тақомиллаштириш таълим сифатини ошириш борасидаги илмий изланишлар ва амалий чора-тадбирларни жорий этишининг энг истиқболли йўналиши, деб хисоблаймиз.**

Таълим сифатини бошқариш муаммоларига қатор йирик илмий-назарий ва ташкилий-услубий ишлар бағишиланган бўлиб, уларни

шартли равишда муаммони тадқиқ этиш билан боғлиқ бир неча йўналишга бўлиб ўрганиш мумкин:

- таълимни бошқариш органларининг ижтимоий-давлат ва шахс эҳтиёж ва манфаатларини қондиришда тутган ўрни ва роли, УТТни бошқариш қонуниятларга таянган ҳолда яхлит ёндашишнинг моҳияти ва мақсадга мувофиқлиги, жамият ривожланиши билан боғлиқ талабларни ҳисобга олиш (Р. Аҳлидинов, Р. Жўраев, С. Фуломов, Э. Имомов, Ш. Курбонов, Л. Перегудов, М. Поташник, О. Салимов, М. Саидов, Э. Сейтхалилов, К. Рўзиев, Р. Фолмерх, Ж. Йўлдошев ва бошқалар);
- педагогик бошқарувнинг ижтимоий табиати ҳамда унинг яхлит тизим сифатидаги хоссалари тўғрисидаги концептуал ғоялар (Ю. К. Васильев, Ю. И. Дик, У. Нишоналиев, Х. Рашидов, Р. Х. Шакуров, А. Ҳожибоев, Л. С. Якобсон);
- умумназарий масалалар ва таълим муассасаси раҳбарининг бошқарув фаолияти билан боғлиқ муайян вазифаларининг амалга оширилиши (Р. Ш. Аҳлидинов, Г. Кунц, С. О. Доннел, У. Иноятов, Н. Иорданский, М. Кондаков, М. Мирқосимов, М. Поташник, У. Маҳкамов, М. Тўхтахўжаева);
- таълим муассасасини ҳамда унинг ресурслар ва кадрлар билан таъминланишини режалаштириш, ташкил қилиш, шунингдек, ТМнинг ички бошқарув методлари (Г. Бенвенисте, У. Бредик, А. Бувье, У. Йоҳ, Ю. А. Конаржевский, Т. М. Куриленко, В. С. Лазарев, М. Саидов, М. Шарифхўжаев);
- умумтаълим фаолиятини бошқаришнинг илмий-методик асослари (Е. С. Березняк, Ю. В. Васильев, М. Жонсон, А. Мунаваров, Д. Шодиев);
- ўкувчиларнинг билимларини рейтинг тизими асосида баҳолашга ташкилий-методик ёндашувлар (Г. Я. Алимова, В. П. Беспалъко, С. Волков, Л. Голиш, М. М. Поташник, Б. Л. Фарберман);
- ТМ ва УТТ раҳбар кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш (М. А. Очилов, Р.Х. Жўраев, Ж. Ф. Йўлдошев, Т. П. Афанасьева, И. А. Елисеева);
- ҳозирги замон умумий ва профессионал педагогикасининг назарий-методологик асослари (М. Очилов, Р. Жўраев, Ю. Дик, Я. Ёдгоров, П. Мағзумов, М. И. Маҳмутов, У. Нишоналиев, Ю. Смирнов, К. Ҳ. Ҳошимов, А. Ҳожибоев ва бошқалар);
- таълим мазмуни асослари (Б. Г. Гершунский, Н. И. Думченко, М. Зуев, В. С. Леднев, В. М. Монахов, Б. Скаткин, Ю. Смирнов, Н. Шодиев, А. Е. Шильникова), умумий таълим ва қасб таълимнинг ўзаро алоқаси тўғрисидаги асарлар (С. Я. Батишев, А. Н. Беляев, М. И. Маҳмутов ва бошқалар), узлуксиз таълимнинг ҳозирги тал-

қинига нисбатан тизимли ёндашув назарияси (А. Г. Афанасьев, М. Г. Давлетшин, Ф. Ф. Королев, Н. В. Кузьмина, Ш. Қурбонов, Н. В. Садовский, Э. Сейтхалилов, Э. Г. Юдина ва бошқалар).

Юқорида қайд этилган тадқиқотларда бир қатор муҳим масалалар маълум маънода ўз ечимини топган бўлса-да, ТМни ва, айниқса, таълим сифатини бошқариш муаммосига бутунги кун нуқтаи назаридан қарапганда айрим жиҳатларнинг ишлаб чиқилганлик даражаси жамият, фан, техника ва технологиялар тараққиётининг истиқболдаги эҳтиёжларига, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва модели» талабларига жавоб берга олмайди.

Бу таълим сифатини бошқариш соҳасида ҳозирнинг ўзида ўтказилаётган ислоҳотлар ва илмий изланишлар билан «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболлари ўртасидағи объектив омилни ташкил этади.

Шу муносабат билан ижтимоий институт бўлмиш таълим муасасасини ва таълим сифатини бошқаришнинг яхлит тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш ҳамда унинг тарқоқ элементларини яхлитлаштириш; мавжуд шароитда кадрлар тайёрлаш сифатини юксалтиришга қаратилган бошқарув-педагогика фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ назарий хulosалар ва ташкилий-методик тавсияларнинг амалиётга татбиқ этилишини таъминлайдиган шарт-шароитни аниқлаш ва илмий жиҳатдан асослаб беришдан иборат объектив зарурат юзага келди.

Ўкув-тарбия жараёнининг самарадорлигини ва ўкувчи шахсиятнинг ривожланиш даражасини юксалтириш, Ўзбекистон тараққиётининг асосини ташкил этувчи чукур маълумотли, маънавий дунёси бой, юксак маданиятли, жисмонан ва соғлом ёш авлодни вояга етказиш ва шакллантириш таълим сифатини бошқаришни оптималлаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг оқибат-натижаси бўлиб қолмоғи лозим.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва моделини амалга оширишнинг концептуал йўналишларида кўзда тутилганидек, умуман узлуксиз таълим тизимининг ва таълим муассасаларининг фаолият кўрсатиши ва ривожланиши тегишли зарур ижтимоий-иқтисодий ва педагогик шарт-шароитларнинг мавжудлиги билан белгиланади, ва уларнинг муваффақият билан ислоҳ қилиниши, шубҳасиз, таълим сифатини бошқаришга монанд тарзда методологик, ташкилий-таркибий ва методик ёндашувлар танланишини тақозо этади.

Шу мақсадда таълим жараёнига қўйидаги асосий қоидаларга асосланган маҳсус тизимни киритиш йўли билан давлат ва жамият даражасида, таълимни ва таълим муассасасини бошқариш ваколатига эга бўлган

органилар даражасица таълим сифатини назорат қилиш ва бошқаришнинг назарий ва ташкилий-методик асосларини ишлаб чиқиш зарур:

- таълим сифатини бошқариш муайян ижтимоий ва педагогик шарт-шароитларнинг таъсири оқибатида юзага келган ва кўп функцияли вазифаларни ўз ичига олган мураккаб тизим демакдир;
- таълим сифатини бошқариш тизимининг амал қилиши ва унинг ривожланиши бир қатор объектив ва субъектив омилларга боғлиқ бўлиб, бундай омилларнинг таъсир жараёни янги сифат босқичига кўгарилган сайн ўзгариб бориши мумкин;
- таълим сифатини бошқариш тизимига муайян мазмун баҳш этиш ва уни амалиётда рўёбга чиқариш тўплантган билим ва тажриба ҳамда маҳсус тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳолда босқич-ма-босқич амалга оширилади;
- таълим сифатини бошқариш тизими ислоҳотларнинг стратегик йўналишлари белгиланган пайтдан бошлаб, улар ниҳоясига ет-гунча бўлган узоқ муддат давомида ўзлаштириб олинади ва мазкур жараёни бошқариб бориш имконини берадиган қатор қонуниятларнинг намоён бўлиши билан изоҳланади.

Таълим тизимининг жамиятдаги ўзгаришларга ва ижтимоий буюртмаларга муносабати механизми КТМДда аниқ белгилаб кўйилган, бироқ у батафсил ишлаб чиқишига муҳтоҷ. Айниқса, бу КТМДни амалга оширишдаги иккинчи босқичнинг устувор йўналиши бўлмиш таълим сифатининг юксак даражасини таъминлаш муаммосига тегишилдири. Бунда таълим сифати муаммоларининг ҳал этилиши стихияли эмас, балки онгли равишда бошқариб бориладиган жараён сифатида кўриб чиқилиши лозим.

Юқорида айтилган зиддииятларни бартараф этиш, шунингдек таълим сифатини бошқариш муаммосининг мазкур жиҳатларини ҳал қилиш зарурати ушбу китоб доирасидаги илмий изланишларнинг долзарблигини шарт қилиб қўйди ва ана шу тадқиқотларнинг муайян йўналишини танлашни тақозо этди.

Муаллифлар таълим сифатини (шу жумладан, таълим муассасаси жамоаси ва фаолиятини таълим сифатини юксалтириш нуқтаи назаридан) ҳамда таълим жараёнини биргаликда бошқариш соҳасидаги асосий муаммоларнинг кенг кўламини қамраб олишга ҳаракат қилгандар.

Таълим сифатини бошқаришнинг комплекс тизими кўйидаги ҳолатларда самарали бўлиши тахмин қилинган эди:

- узлуксиз таълим тизимини бошқаришнинг ҳар бир даражасида ва таълимнинг ҳар бир босқичида ҳаётга татбиқ этилса;
- таълим жараёни ва бошқарув жараёнининг барча субъектлари зарур малакага эга бўлиб, ўз фаолиятининг ва таълим сифатининг самарадорлигини оширишдан манфаатдор бўлса;

- ўқувчи шахсининг ривожланиш даражасини баҳолашга қаратилган бўлса;
- ўқув-тарбия жараёни ДТС талаблари асосида ташкил қилинган, режа ва топшириқлар ушбу талабларга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлса;
- таълим сифатини мониторинг қилиш, назорат қилиш ва баҳолашнинг турли усул ва воситаларидан фойдаланилса;
- ўқитувчилар жамоасининг педагогик маҳорати ва малакаси, айниқса, таълим сифатини турли методлар билан, шу жумладан ўқитувчиларнинг ривожланиш даражасини, уларнинг билими, малака ва кўникмаларини рейтинг тизими асосида баҳолашни назорат қилиш билан боғлиқ ҳолатда мунтазам ошириб борилса;
- таълим сифатини баҳолашнинг:
  - ўқувчи ва ўқитувчи шахсининг ривожланиш даражасини;
  - бошқариш ва таълим жараёни қатнашчиларини мотивация даражасини;
  - билимлар, малака ва кўникмалар (таълим сифатини назорат қилиш) даражасини тавсифлаб берувчи кўрсаткичларни ўз ичига олган ўлчовлар мажмуи амал қиласа таълим сифатини бошқариш тизими мажмуи самарали бўлиши назарда тутилади.

Юқорида баён қилинганлардан ташқари, яна қуйидаги шартларга амал қилинса, таълим сифатини бошқаришнинг комплекс тизими самаралироқ бўлади.

1. Мазкур тизим шахснинг шаклланиши учун шароит яратиш ва обьектив баҳолашга йўналтирилган бўлиб, маҳсус ташкилий-бошқарув қарорларини амалиётга татбиқ этиш ва уларни жорий этишини назарда тутади.

2. Таълим сифатини самарали бошқариш билан боғлиқ маҳсус ташкилий-бошқарув, таркибий ҳамда мазмуний шарт-шароит ва чоратадбирлар жорий этиши.

3. Таълим сифатини назорат қилиш тизими таълимнинг ҳар бир босқичида, яъни: кириш, жорий, оралиқ ва якуний назорат босқичларида, шунингдек битирувчининг меҳнат бозорида ва касбий фаoliyatdagi moslashuvli bosqichida жорий этиши.

4. Таълим сифати ўлчовлари тизими:

- умумтаълим билимлари ва малакалари даражасини;
- шахснинг касбий ривожланиш даражасини;
- касбий билимлар, малака ва кўникмалар даражасини;
- умумий ўқув малакаси даражасини;
- мотивациялаш даражасини ўз ичига олади.

5. Таълим сифатини назорат қилиш тизимидағи барча топшириқлар ДТС талабларини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

6. Тизимни таълим жараёнига татбиқ этишда таълим сифатини баҳолашнинг турли шкалаларидан фойдаланиш лозим.

7. Ўқитувчилик жамоасининг таълим сифатини бошқариш тизимидан фойдаланишта тайёрлиги, бунда таълим муассасаси раҳбарияти ва ходимларидан бошқарув кўнимкамаларини эгаллаш ҳамда турли методлар ёрдамида назорат қўила билиш талаб этилади.

Республикада кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизимини барпо этиш ва уни ривожлантириш стратегияси жамият ва давлатнинг малакали, рақобатбардош мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондиришни назарда тутади. Мазкур стратегия, тизимли-таркибий ёндашув асосига қурилади ва у Кадрлар тайёрлаш миљий моделининг вужудга келтирилиши ва самарали фаолият кўрсатишига имкон туғдирувчи асосий принциплар, бош йўналишлар ва тегишли шарт-шароитлар воситасида амалга оширилади.

Таълим тизими инсон ва жамиятнинг таълимга бўлган хилма-хил эҳтиёжларини қондиришга қаратилган кенг имкониятларни, билимларнинг аҳамияти ва нуфузи оширилишини, шунингдек, иқтисодий эҳтиёжлар тинимсиз ўзгариб бораётган шароитда мутахассислар умумтаълим, умуммаданий, касбий ва илмий тайёргарлигининг мослашувчанлиги, улар эгаллаётган билимларнинг мустаҳкамлиги асосида шахснинг ижтимоий муҳофазаланишини таъминлаши лозим.

Таълим ва касб-хунар дастурлари мазмунининг узлуксизлик ва изчиллик принципларига, республика ва унинг минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини, илм-фан, маданият, техника ва янги технологиялар соҳасидаги ютуқларни ҳисобга олишга асосланган янги таълим тизими мустақил фикрловчи, ҳар томонлама ривожланган, юксак маънавий-ахлоқий хислатларни, маданиятилик ва касбий маҳоратни ўзида мужассамлаштирган баркамол шахснинг шакллантирилишини таъминлашдан иборатdir.

Таълим сифатини назорат қилиш ва бошқариш тизимини шакллантириш ва жорий этишда, биз, асосан, шахснинг шаклланниши ва ривожланиши, ДТС талаблари доирасидаги умумтаълим ва касб-хунар сифати шаклланганлиги билан боғлиқ муаммоларни назарда тутдик.

Таълим сифатини ошириш муаммоларининг ечими қўйида келтирилган бошқа долзарб масалалар билан чамбарчас боғлиқлиги шубҳасиз:

- ДТСни муттасил такомиллаштириб бориш;
- таълим турлариаро ташкилий ва мазмуний-методик узлуксизлик ва узвийликни таъминлаш;
- таълим мазмунига миљий истиқбул гоясини сингдириш;
- бошқарувнинг демократлаштирилиши ва марказлашувдан чиқарилиши;

- таълимни бошқариш органлари ҳамда таълим муассасаларининг мустакиллиги ва юқори даражада ташаббускорлигини ривожлантириш имкониятини берувчи функциялар ва ваколатларнинг қайта тақсимланишини таъминлаш;
- УТТ ва ТМни бошқариш масалаларини янги педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш нуқтai назардан қайта кўриб чиқиш ва ҳ. к.

Таълим сифати билан боғлиқ муаммоларнинг умуман ва ҳудудларда ҳамда алоҳида таълим муассасаларида кун тартибига қўйилиши бошқарув таркиби ва унинг таъсирчанилигига, касбий тайёргарлик мазмунига, ўқитищда инновацион ёндашувларга жиддий ўзгаришлар киритилишини ҳамда муҳандис-педагог ходимларнинг малака даражасини юксалтиришни тақозо қилди.

Шу ўринда чет давлатлардаги таълим сифати таърифлари (уларда таълим берувчи, касбий нуқтai назардан аҳамиятли омилларга, кўпроқ эътибор берилади) ва мамлакатимизда жорий этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий моделида шу каби параметрлардаги туб фарқни таъкидлаб ўтиш керак бўлади. Энг муҳими, республика узлуксиз таълим тизими олдига шахснинг ҳар томонлама ривож топишига, унинг маънавий асосларини, оламни яхлит қабул қила олиш қобилиятини шакллантиришига, «...ўзининг жамият, давлат ва оила олдидаги масъулиятини англаб етадиган фуқароларни тарбиялаш...»га ва шу асосда «...юксак умумий ва касбий маданиятта эга бўлган, ижодий ва ижтимоий фаол, ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўз мустақил йўлини топа оладиган, истиқбол масалаларини кун тартибига қўйиш ва ҳал қилишга қодир бўлган кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга» қаратилган мақсад қўйилган.

Бошқача айтганда, таълимнинг сифат мезонларини белгилашда ва уларга эришишда билим, малака ва кўникмалар ҳамда касбий етукликнинг шакллантишигагина эмас, балки, асосийси, маънавий дунёси бой, юксак даражада ахлоқли баркамол шахсни, ўз мамлакатининг ижтимоий фаол фуқаросини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

**Аслини олганда, таълим сифати билан боғлиқ муаммоларни белгилаб олиш ва уларни ҳал қилишда Кадрлар тайёрлаш миллий моделидаги мақсадли кўрсатмалар ҳамда қадрият йўналишларининг туб фарқи мана шундадир.**

Айни ўринда, ушбу китобда берилган таълим сифатида шахснинг зарурий маънавий-ахлоқий савияси шакллантишига эришиш билан боғлиқ муаммоларга ҳамда сифатнинг мазкур таркибий қисмига хос бўлган кўрсаткичларга атайлаб тўхтамадик. Чунки, ишончимиз комилки, мазкур мақсадли кўрсатмалар, жараён ва натижа, кўрсаткич-

лар ва тавсифлар таълим сифатини белгилашда албатта эътиборга олиниши зарур ва, демак, улар маҳсус тадқиқотларнинг ўрганиш обьекти бўлиши шубҳасиз. Бундай ишланмалар яқин келажакда амалга оширилади, деб умид қиласиз. Шу сабабдан, ушбу китобда таълим сифати муаммосининг мазкур жиҳатига доир аниқ мақсад сари йўналтирилган батафсил амалий тавсиялар берилмаган.

Бугунги кунда таълим назарияси ва амалиётида таълим сифатини бошқариш ва назорат қилиш билан боғлиқ қуидаги муаммолар ва замонавий оқимлар вужудга келди:

- **таълим сифати муаммоси** — замонавий мутахассисларни ўқитиш ва тарбиялаш ҳамда касбга тайёрлаш жараёнинда шахснинг шаклланишини баҳолаш билан боғлиқ обьектив тизимларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш нуқтai назаридан долзарб вазифа;

- **таълим сифатининг кафолатлари муаммоси** — таълим муассасаси билан таълим олувчи ўртасидаги шартномага асосан режалаштирилган ва эришилган натижаларнинг таъминланиши;

- **таълим сифатини бошқариш мақсадларини белгилаш** — сифат кафолатига тегишли талабларни баҳариш орқали, шунингдек халқаро ва давлат ҳамда ички ва ташқи миқёсда таълим параметрларини яхшилашга қаратилган миқдорий ва сифат нуқтai назаридан баҳолашга таъсир кўрсатиш йўли билан таълим муассасаси ва, умуман, таълим тизими фаолиятининг барқарорлигини ошириш;

- **таълим сифатининг меъёрлари** — таълим сифатига оид (эътироф этилган ва ҳужжатларда қайд қилинган) талабларни, жамият ва шахснинг эҳтиёжларига мос бўлган муайян таркиб ва даражани аниқлаш;

- **таълим сифатини мезонларини аниқлаш** — таълим сифатининг белгилangan меъёрлар, талаблар, эталонлар ва стандартларга мувофиқлигининг аломатлари ва унинг даражаси;

- **таълим сифатини баҳолаш** — асл хоссалар ўлчамининг сифатининг тегишли этalon даражаси қайд қилинган меъёр кўрсаткичларига нисбатан даражасини ифодаловчи таълим сифати ўлчовини аниқлаш;

- **таълим сифати мониторинги** — таълим сифатининг аҳволи ва ўзгариши таълим сифатини баҳолаш ва прогнозлашни кузатиш билан боғлиқ комплекс тизимни ишлаб чиқиш;

- **таълим сифатини таъминлаш** — таълим сифатини белгилangan меъёрлар, талаблар ва стандартлар даражасида сақлаб туриш;

- **таълим сифатини бошқариш** — «бошқарув субъекти» томонидан таълим соҳасидаги барча обьектлар ва жараёнларга нисбатан таълим сифатининг шаклланиши ва ривожланишини таъминлаш жараёнларига таъсир кўрсатиш ҳамда таърифланган мақсадлар, меъёрлар ва

стандартларга мувофиқ равища уларга қайта алоқа (назорат қилиш, баҳолаш ва таҳдил қилиш) тадбирларини ташкил қилиб бериш;

- **таълим сифатини баҳолашнинг ривожланиш, умумтаълим ва касбий билимдоңликтин текшириш ҳамда баҳолаш билан боғлиқ дидактик тамойилларга жавоб берга оладиган педагогик тизимни ишлаб чиқиши.**

Бундан ташқари, таълим сифатини бошқаришда ўз ечимини куттәётган қўйидаги муаммолар ҳам мавжуд. Таълим сифатини бошқариш ва назорат қилишнинг амалдаги тизимларини тұғри ва мутлақ объектив деб бўлмайди. Назорат босқичлари ўтказилиш вақтига кўра бир-биридан узилиб қолган, мантиқан тугалиланмаган. Аввалдан маълум назорат тизимларига асос бўлган методлар доираси ҳам бирмунча тор. Уқувчиларнинг билим, малака ва кўнимкамларини баҳолашнинг адолатли, холис тизимларига ўтиш таълим сифатининг микдорий жиҳатдан белгиланган параметрларинигина ҳисоблаб чиқиш имконини берувчи индекслар ёрдамида амалга оширилади.

Янгича ижтимоий-иктисодий шароитларда таълим сифати муаммоларининг ҳал қилиниши:

- турли таълим соҳаларидағи битирувчиларнинг рақобатбардошлигига нисбатан қўйилган янги талаблар билан улар учун таълимнинг сифат мезонлари ишлаб чиқилмаганлиги ўртасида;
- таълим муассасалари фаолиятининг ўзгарган шарт-шароитлари билан кам самарали бошқарув усуллари ўртасида;
- таълим муассасаларини бошқаришдаги янгиликлар билан ўқитиш жараёнини ташкил қилиш ва унинг сифати борасидаги жиддий қолоқулик ўртасида;
- битирувчиларни умумтаълим ва касб-хунар билимларини эгаллашга йўналтирган ҳолда ўқитиш зарурати билан педагогик ва ахборот технологиялари тегишлича ишлаб чиқилмаганлиги ўртасида;
- педагоглар жамоаси фаолиятининг самарадорлигига нисбатан қўйилган жиддий талаблар билан уларнинг малака даражаси қоникарсизлиги ўртасида;
- муҳандис-педагог ходимларнинг ўз ижодий салоҳиятларини тўлиқ амалга оширишга тайёрлиги билан таълим жараёнини лойиҳалаштириш ва унинг сифатини баҳолашнинг илмий-методик асослари етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги ўртасида;
- касб-хунар таълими муассасаларининг битирувчилари учун иш ўринларини яратиш имконияти билан уларнинг меҳнат бозорига мослашуви самарадорлигига ўртасида мавжуд бўлган зиддиятлар туфайли янада долзарб тус ола бориши мумкин.

Китобда ижтимоий-психологик ва педагогик таълим сифатини бошқаришнинг мураккаб ва кўп қирралы муаммосини таърифлаш

ва ҳал этишга ҳаракат қилинганд. Таълим сифатини давлат ва таълим муассасаси миқёсида бошқариш муаммосига; раҳбарият ва ўқитувчилар жамоасининг таълим сифатини ошириш борасидаги фаолиятининг моҳиятини ва йўналишини аниқлашга; таълим сифатини назорат қилиш жараёнининг ўзига хос жиҳатларини очишга алоҳида эътибор берилган. Муаллифлар муаммони таҳлилий мушоҳада қилиш орқали замонавий таълим сифатини бошқариш масаласи етарли даражада эмаслигини изоҳловчи шарт-шароитлар, омиллар ва сабабларни аниқлашга интилгандар.

Даставвал, талаб даражасидаги таълим сифатига эришиш борасида таълим жараёни қатнашчиларининг фаолиятини уйғунлаштириш учун зарур бўлган етарли шарт-шароит вужудга келтирилди. Таълим муассасини ички бошқариш принциплари: илмийлик, демократлаштириш, башорат қилиш мумкинлиги ва очик-ойдинлик, инсонпарварлик, фоллик, мақбуллик, амалийлик, билимдонлик ва уддабуронлик, тизимили ёндашув, асосий бўғин, қайта алоқа сингари тамойиллари аниқланди ва таҳлил қилинди. Бундай тамойиллар таълим жараёни ва таълим муассасаси фаолиятининг обьектив алоқаларини акс эттиради. Улар таълим сифатини бошқариш ва назорат қилиш тизимидағи бошлангич талаблар бўлиб, уларнинг бажарилиши — ўқитувчилар жамоасининг муваффакиятли фаолият кўрсатишининг зарурий шартидир.

Таълим сифатини бошқаришнинг ушбу китобда тавсия этилаётган ташкилий-услубий ёндашувлари таълим тизими амалиётига татбиқ этилиши мумкин, деб ҳисоблаймиз ва шундай бўлишига умид боғлаймиз. Улар жумласига қуйидаги ғоя ва қоидаларни киритиш мумкин:

- таълим муассасаларини бошқаришнинг таълим сифати ва самарадорлигини оширувчи ҳамда уларнинг ижтимоий-таълимий институт сифатидаги фаолиятини кучайтирувчи моделлари. Таълим сифати мониторингини ўтказиш бўйича ишлаб чиқилган тизимдан таълимни бошқариш органларида ва барча таълим муассасаларида фойдаланиш мумкин;

- ўқувчиларнинг ижтимоий-шахсий, қасб ва таълим сифатлари га нисбатан кўйиладиган талаблар мажмууни ўзида мужассамлаштирган таълим сифатини бошқариш тизимидан фойдаланиш натижасида таълим муассасаси ишининг самарадорлиги сезиларли даражада ортади;

- ДТС мониторингининг маҳсус дастуридан фойдаланиш (таълим мазмунини назорат қилиш ва баҳолаш) таълим сифатини ошириш имкониятини яратади;

- таълим сифатини бошқариш ва назорат қилишнинг комплекс тизимини кўллаш кадрлар тайёрлаш самарадорлигини юксалтириш

имконини беради. Ишлаб чиқылған таълим сифатини назорат қилиш ва бошқариш тизими, ихтисослик йұналишидан қатый назар, ҳар қандай таълим муассасасида құлланилиши мүмкін;

■ тадқиқотлар натижасида түптаңған материалдар, таълим муассасасини ижтимоий-педагогик бошқариш ва уни ташкил қилиштің мазмуни ҳамда бошқариш циклари ва вазифалари билан бөглиқ тавсиялар. Асosий хulosалардан олий педагогик таълим муассасалари талабалари ва таълим соҳаси ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари тингловчилари учун маҳсус менежмент курсини ўтишда фойдаланиш мүмкін.

Бундан ташқари, китоб материаларидан педагогика мавзуидаги маърузаларда, давлатнинг таълим соҳасидаги сиёсатини ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини башқарув ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилишда фойдаланиш мүмкін.

Аслида, ушбу китобни қуидаги тарзда бир неча мустақил нашрларга бўлиб юбориш ҳам мүмкін эди:

1. Таълим сифати муаммоларини тадқиқ этиш методологияси, назарияси ва методикаси (1-боб).

2. Таълим сифатига оид давлат кафолатларининг таъминланиши (2-боб).

3. Таълим муассасаларида таълим сифатини бошқариш ва ўқитувчилар жамоаси фаолиятини такомиллаштириш (3-боб).

4. Таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолаш шакллари, методлари ва воситалари (4-боб).

Тадқиқот ишининг ана шу тартибда қисмларга ажратилиши, ҳеч бўлмаганда, муайян ўқувчига йұналтирилғанлиги нуқтаи назаридан ҳам тўғри бўларди ва ўзини оқларди. Таълим муаммолари устида иш олиб борувчи назариётчи ва тадқиқотчилар учун, табиийки, биринчи йұналишдаги материал энг мақбул ва фойдали бўлур эди. Башқарув кадрлари ва амалиётчи ходимларни эса учинчи ёки тўртинчи йұналиш кўпроқ қониқтириши мүмкін.

Айни маҳалда муаллифлар таълим сифатини юксалтириш ва шу билан бөглиқ амалий чора-тадбирларни рўёбга чиқаришга қаратилған илмий изланишларнинг юқорида кўрсатиб ўтилған йұналишларини яхлит бир китобга жамлашни лозим топдилар ва шу йўлни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладилар. Бунинг боиси нимада?

Таълим сифатини бошқариш муаммоларига бағищланған соғ назарий-методологик ва амалий-методик таркибий қисмларни бирлаштиришга бундай ёндашув тасодифий эмас. Чунки бутунги кун педагоги ёки тарбиячи-мураббийси ўтган йиллар мобайнида жамият ҳаётida ва, умуман, таълим соҳасида рўй берган ва ҳозир ҳам давом этаётган барча ўзгаришларни муттасил ўрганиб боришларига ва чуқур антглаб етишла-

рига тўғри келади. Нафсијамбириини айттанди, ҳозирги замон педагогикаси шаклан ва мазмунан тинимсиз ўзгариб, бойиб бораёттанилиги ва, оқибат-натајида, ягона, ҳаммабоп назария доирасига сифмай қолганлиги туфайли умуман таълимни сифат жиҳатидан тубдан янтиланган педагогик фаолият тарзида тавсифлаш талаб этилмоқда. Бугунги кунда амалда мавжуд бўлган ва ўзининг долзарблигини йўқотмаган аньянавий концепцияларни янгича талаблар нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш лозим. Аввалги парадигмаларда кўлланиб келинган, лекин ҳозирги шароитда тўлақонли иш бера олмайдиган амалий йўл-йўриқ ва кўрсатмаларни ҳам янгича шарт-шароитларни эътиборга олган ҳолда қайта ўрганиб чиқиш ва тушуниб етиш фойдадан холи бўлмайди.

Педагоглар, мураббийлар, тарбиячилар, бошқарув кадрлари ва таълим ходимлари жамиятдаги қадриятларни чуқур англаб етиш билан боғлиқ ўзгаришларга ўта хушёрик билан муносабатда бўлишлари ва, айни пайтда, таълим ислоҳотлари стратегиясини рўёбга чиқариш борасидаги амалий чора-тадбирларни танлашда, тегишли талаб дараражасидаги таълим сифатига эришишда, ўзаро муносабатда, шунингдек, ёш авлод вакиллари билан муносабатда ниҳоятда жиддий масъулият ҳиссини туйган ҳолда оқилона иш кўришлари зарур.

Шу боисдан ҳам муаллифлар ижодий фикрлай оладиган, чуқур салоҳиятли ва билимдон педагогларга умид билан қарайдилар.

**Замонавий педагог — болага таълим берувчи эмас, балки унинг қандай ўқиётганилиги ва қандай ривожланаётганилигини тўлиқ тушуниб, ҳис қила оладиган ўқитувчидир.** Шахсга йўналтирилган бундай педагогика гояси ҳозирги даврда тобора ривожланиб бормоқда: педагог — ахлоқий меъёрларни болага уқтириш орқали уни ҳаётга, яшашга ўргатувчи шахсгина эмас, балки боланинг ҳаётини ўз шахсий ҳаёти сингари ҳис қилиб, унинг ички, ахлоқий-маънавий, умуммаданий ўсиб-ривожланишига ва болалар ҳамда катталар ҳамжамиятининг мустаҳкамланишига кўмаклаша бориб, ўзи ҳам камолотга интилувчи инсондир.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда шунчаки билимдон киши эмас, балки маданий жиҳатдан ривожланишига ҳамда болалар ва катталар билан ижодий ҳамкорлик қилишга қодир одамгина асл педагог бўла олади.

Янгиликлар ва ривожланишига хайриҳоҳ кишилардан ташкил топган янги ҳамжамият ҳам (кенг қамровли маданий-таълим фаолияти учун) очиқ бўлган янги узлуксиз таълим тизимиға муносиб равища иш олиб бормоғи лозим. Таълимий ёндашувлар ва маданий-таълим мухитларининг кўпқирралилиги бу хилдаги таълим ва бундай жамиятга ниҳоятда мос бўлиб, фақат шу тарздаги ёндашувлар ва мухитларгина ҳақиқий демократик жамиятни, яъни кенг ижтимоий-маданий макон-

даги хилма-хил маданиятлар ва муқобил омиллар (субмаданиятлар)-нинг таркибан мураккаб ва уйғунашувчан ранг-барапглигини тақозо қиласиган ҳақиқий фуқаролик жамиятини тавсифлаб бера олади.

Жамият ҳаётининг хилма-хиллиги ва миллий истиқлол ғоясини амалга оширишта доир назарий-услубий ёндашувлардаги тафовутлар амалиётдаги ранг-барапгликнинг шаклланиши учун замин ҳозирлайди ва бу амалиёт, ўз навбатида, миллий ва умумбашарий қадриятлар (инсонлар ҳаётидаги умум эътироф этилган билимлар ва уларнинг ҳаёт мазмуни)га таяна бориб, кенг қарорвли маънавий-маданий маконнинг ҳар бир қисмида янгидан-янги ғоя ва тамойилларни вужудга келтиради.

Бундан ташқари, мамлакатимиз амалиётида жамоатчилик онтими ва дунёқарашини, айниқса, шахс тарбияси ва таълим соҳасида шакллантиришга (нисбатан янги, аввалипари бизнинг мамлакатимизда қўлланилмаган) янгича ёндашувлар пайдо бўлмоқда. Буларнинг ҳаммаси, турган гапки, таҳдилга муҳтож. Чунки янгиланиш сари йўналтирилган ҳар бир одим таълим соҳасининг умумий мазмунини ўзгартирибгина қолмасдан, унинг фалсафасини ҳам тубдан ўзгартиради ҳамда унинг тараққий топиши учун янгича маънавий-маданий шартшароитларни юзага келтиради.

Ана шундай жараёнлар оқибатида таълим соҳасида бутунлай янги қадриятлар тизими ривожлана боради. Яъни, янгича ёндашувлар ва ислоҳотлар тақозоси билан юзага келган ва педагоглар томонидан янги тажрибалар асоси, хатти-ҳаракатлар ва ишларнинг мақсади сифатида қабул қилинаётган янгича маънавий-ахлоқий идеаллар ва тамойиллар ҳамда борлиқ меъёрлари вужудга келиб, равнақ топа бошлиди.

Айни пайтда, янги ижтимоий қадриятлар (идеаллар, ғоялар) — мустақиллик ва демократик қадриятлар, бир томондан, педагогик фаолиятнинг туб негизи сифатида, бошқа томондан — унинг ўзини ўзи ташкил қилиш ва ўзини ўзи ривожлантириш омили сифатида майдонга чиқади. Улар жамият учун ижтимоий жиҳатдан муҳим, орзу қилинаётган умумлашма тасаввурлардир. Маълумки, ҳамжамият ва таълим қадриятларини авторитар, зўравонлик йўли билан ўрнатиб бўлмайди, улар таълим технологиялари ва мазмунининг ривожланиши, ижтимоий-маданий муҳитнинг ва жамиятнинг ўзгариши билан бирга тадрижий тарзда тараққий топиб боради.

Қадриятларнинг асосий соҳиби бу инсонлар, ўзларининг субъект сифатидаги тажрибаларидан ва дунёқараш йўналишларидан келиб чиқсан ҳолда бу қадриятларни тизимга соладилар, сўнг улардан ўз фаолиятлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда амалий мезонлар сифатида ёки фаолият мақсади билан нисбати даражасининг ўлчами си-

фатида фойдаланадилар. Шунинг учун ҳам жамият ва таълим қадриятлари, туб моҳияти ва оламшумул ўлчовлари ўзгармагани ҳолда аслан Инсонга, унинг ҳуқуқларига, озодлиги ва идеалларига; яшаш шароитларига ва ўзаро муносабатлари меъёрларига йўналтирилган лигича қолган ҳолда муттасил ўзгариб ва аниқлаштирилиб боради.

Қадриятлар умуминсоний, миллий-маданий ва муайян ижтимоий-маданий шаклларнинг синтези бўлгани ҳолда, таълим стандартига ва унинг мазмунига обьектив тарзда кирган бўлади. Мамлакатдаги бутунги вазият тақозоси билан бу қадриятлар таълимнинг: ёш авлодда меҳнатсеварлик, ҳалоллик, омилкорлик, маданий саводлик ва одоблилик, ўз қадр-қимматини ва мустақиллигини англаб етиш, айни пайтда, мажбурият ва бурч, сабр-тоқат ва ҳар бир кишига нисбатан ҳурмат-эҳтиром ҳисларини ривожлантиришдан иборат маънавий ҳамда маданий мақсадлар қаторидан жой олган.

Шу маънода болалар ва ўқувчи ёшлар онгида миллий истиқлол гоясини шакллантириш механизmlари ва чора-тадбирларининг ишлаб чиқилиши олимларимиз, педагогларимиз, таълим соҳаси ходимлари олдида турган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

*«Эндиғи вазифамиз шундан иборатки, — дега таъкидлаган эди мамлакатимиз Президенти И. Каримов, — миллий истиқлол гояси тушиунчалари асосида кенг жамоатчилик, зиёлиларимиз, илм-фан ва маданият намояндалари, аввало, маънавий-маърифий соҳа ходимлари миллий мағкурани тақомиллаштириш ҳамда унинг асосий тамоилларини одамлар онги ва қалбига сингдиришига қаратилган ишларни янги босқичга кўтаришлари зарур».*

Муаллифлар республикамизнинг XXI асрда ривожланиш истиқболарини белгилаб берувчи замонавий ижтимоий қадриятларни чуқур англаб етиш асносида умумий иш устида фаолият кўрсатганлар. Китобда таълим сифатини бошқариш билан боғлиқ мавжуд йўналишлар, қонуниятлар ва тамоиллар, шакл ва воситаларни янгича тушуниш ёки янгича қарашлар талқинини беришга ҳаракат қилингган. Муаллифлар назарияни ривожлантиришни бош мақсад қилиб қўйганлар. Айрим тасаввурлар одатдаги талқиндан жиддий фарқ қиласи ва тадқиқ этилаётган муаммога янгича нуқтаи назардан ёндашишни тақозо этади.

Шунинг учун ҳам Кадрлар тайёрлаш миллий моделини ва дастурини амалга оширишда, шунингдек, янги авлодга нисбатан таълим сиёсатини белгилашда бундай китоб катта аҳамиятга эга. Агар таълим иши қадриятлар бобида мунтазам кузатиб борилаётган ўзгаришлар силсиласига асосланиб йўлга қўйилган бўлса, агар у ўз қадрият мазмунининг динамикасини чуқур англаб етса, у ҳолда таълим ривожланишдаги ижтимоий-маданий оқимларга монанд бўлади ва, айни пайтда, бу ривожланишта илдам суръат бахш этади ва кучайтиради.

Ана шу сабабдан китобда таълим сифатини бошқариш муаммосига тегишли назарий ёндащувлар ва амалий чора-тадбирларни яхлит ҳолда кўрсатишга ҳаракат қилинган. Уларнинг кўпчилиги бугунги кунда аилақачон ҳаётга татбиқ қилинган, бошқалари эса (амалий ва илмий) тажрибага янгича қарашлар билан боғлиқ ҳолда инновацион ёки мунозаралидир.

Китобнинг бош мақсади — педагоглар ва таълимни бошқариш органлари ходимларининг ижтимоий-маданий ва касбий таҳтил билан боғлиқ салоҳиятларини кучайтириш мақсадида уларга таълим сифатини бошқариш муаммоларига оид замонавий фалсафий, психологик ва дидактик foялар тизимини тақдим этишдан иборат. Унда фаннинг турли соҳаларидан, яъни педагогика, психология, фалсафа, социология, маданиятшунослик, аксиология, бошқарув ҳамда лойиҳалаштириш назарияси ва ҳоказолардан олинган foяларнинг умумлаштириб берилиши бежиз эмас. Натижада, ўқувчи таълим сифатини бошқаришга бўлган турлича ёндащувларни ва уларнинг хилма-хил талқинларини таҳтил қилиш оқибатида келиб чиқсан янги муаммоли соҳаларни кўриши мумкин.

Муаллифлар ўз тадқиқот материалларини тақдим этган ташкилотлар ва муассасалар,\* мутахассислардан беҳад миннатдордиrlар. Айниқса, китобни диссертация материаллари ва тажриба маълумотлари билан сезиларли даражада бойитган Р. Ш. Аҳлидинов, У. И. Иноятов, Г. Я. Алимовага алоҳида миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, ҳатто қўлингиздаги улкан ҳажмли илмий асарда ҳам таълим сифатини бошқариш билан боғлиқ мураккаб ва кўпқиррали муаммолар мажмуини ечиш тутул, уни қамраб олишнинг ўзи ҳам ўта мушкул вазифадир. Бундан ташқари, биз ушбу ишдаги айrim мuloҳазаларимиз мунозарали эканлигига ва қўшимча тадқиқотлар ҳамда аниқлашларга муҳтожлигига ҳам аминмиз. Шу ҳолат тадқиқотчилар учун кент ижодий имкониятлар очиб беради ва биз, ўз навбатида, уларга улкан муваффақиятлар ва самарали ютуқлар тилаб қоламиз.

---

\* Олий ва ўрта-маҳсус таълимини ривожлантириши маркази, Ўрта-маҳсус, касбхунар таълими ходимларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти, Т. Н. Кори-Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти.

**I БОБ.  
ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БОШҚАРИШНИНГ  
НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

Бутунги кунда замонавий таълим тизими тобора мураккаблашиб бормоқда, шитоб билан ўзгариб бораётган оламда ўзига нисбатан қўйи-лаёттан талаблар асосида фаолият кўрсатишига тўғри келмоқда. Айни пайтда таълим тизимидан ташқарида ва ичида унинг иш усувлари ва натижаларида сифат ўзгаришлари учун имконият (шу билан бирга мураккабликлар) яратувчи педагогик, бошқарув янгиликлари пайдо бўлмоқда. Буларнинг ҳаммаси таълимни ва унинг асосий таркибий қисми бўлган сифатини бошқариш масалаларининг мураккаблашувига олиб келади ва уларни ҳал қилишнинг янги, илмий асосланган усувларига эҳтиёж туғдиради.

Гарчи таълимни бошқариш муаммоларини таълим сифатини ошириш нуқтаи назаридан таҳдил этиш ва унинг ечимини топиш фақатгина бир неча ўн йиллар давомидагина олиб борилаётган бўлса-да, шу давр ичида катта ҳажмдаги билимлар ва фактик материалларни тўплашга муваффақ бўлинди.

1990 йилда ЮНЕСКО Халқаро Таълимни Режалаштириш Институти илмий тадқиқотларининг устувор йўналишлари қаторида дунёнинг турли мамлакатларида таълим стратегиясини ишлаб чиқиш ва режалаштириш масалалари билан боғлиқ замонавий муаммоларни белгилаб берди. Етук мутахассислардан иборат Таҳrir Ҳайъати тайинланди. Таҳrir Ҳайъатининг 1990 йил январда бўлиб ўтган биринчи кенгашида ҳайъат аъзолари яқин келажақда устувор аҳамиятга эга бўладиган асосий мавзуларни аниқлаб олдилар. Энг долзарб муаммолар қаторига таълим-тарбиянинг сифати масаласи ҳам кирди. Мазкур йўналишдаги илмий-тадқиқот ишлари туркумининг мақсадларидан бири — тажриба ва мулоҳазалар хилма-хиллигини акс эттириш, кeng кўламда ихтисослашган турли муаллифларга ўзгариб турувчи назария ва амалда қўлланилаётган таълим сифатини режалаштириш технологияларига доир ўз фикрларини билдириш имконини беради.

Бусиз таълим сифатини оқилона бошқариш ва мақсадли қарорлар қабул қилиш мумкин эмас. Шу кунгача таълим сифатини бошқариш тизимларининг кўпida кириш, жараён, чиқиш индикаторларига қаратилиб, таълимнинг натижа ва самара индикаторларига ай-

тарлы ақамият берилмаганды. Бундан ташқари, таълим сифати муаммоси одатда, таълим тизими ҳамда таълим мұассасаларини маңырий бошқарувдан ажраттан ҳолда күриб чиқылған ёки узлуксизлик ва узвийлик нұқтаи назаридан тадқиқ этилмасдан, баъзи таълим турига күпроқ ақамият қаратылған.

Таълим сифати мезонлары тизими — анчагина мураккаб ва баҳсلى масала. **Муаллифлар уни амалда психологияк-педагогик ва маңывий-ахлоқий нұқтаи назардан күриб чиқмай атайлаб махсус ижтимоий-педагогик ва бошқарув ракурсларыда тадқиқ этадилар.** Бирок мазкур муаммо таълим сифати муаммолари билан бөғлиқ тадқиқотларнинг энг мұхим ва истиқболли йұналиши эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Моҳияттан, бу ерда биз айнан «таълим» тушунчаси талқынидағы муаммолар билан түқнаш келамиз.

Таълим — мақсад сифатида, таълим — натижә сифатида ва таълим — (шахсий, ижтимоий, давлат ақамиятига ега бўлган) қадрият сифатида ҳамда таълим — жараён сифатида... «Таълим» категориясининг айрим талқынлари ана шулардан иборат.

Чет эл, айниқса, собық Иттифоқ макондаги таълим тизимини ислоҳ қилиш тажрибаларини ўрганиш, илгор олимлар ва мутахасисларнинг асарларини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хуносага келинди: Миллый моделда таълимга қадрият сифатида муносабатда бўлиш ислоҳотлар доирасидаги мақсадли кўрсатмалар тарихий ва илмий жиҳатдан аниқ белгилаб берилди.

Таълимнинг қадриятлик хусусиятини ўзаро бөғлиқ уч хил позиция — давлат, жамият ва шахс нұқтаи назаридан күриб чиқиши қабул қилинган. Мазкур қадриятлик хусусиятини аниқ чегаралаш фақат «таълимдан ким нимани хоҳлаши ёки нимани кутиши»ни белгилабгина қолмасдан, балки, асосийси, таълимни ривожлантиришнинг стратегик мақсадли кўрсатмаларини шакллантиришга ҳам имкон беради.

ХХ аср тажрибасининг кўрсатишича, дунёнинг кўпгина мамлакатларида, айниқса, собық Иттифоқда «таълим давлат ақамиятига молик қадрият» эканлиги етакчи ўрин эгаллаган. Буни қандай тушуниш керак ва у нимага олиб келади?

Сиёсий, иқтисодий салоҳиятни мустаҳкамлаш мақсадида масалан, социалистик давлат, таълим тизимини ривожлантириш заруратини англаган ҳолда, таълим тизими олдига аниқ мақсадлар, яъни «мафкуравий текширилған» фуқарони, «социалистик мулк» доираси билан чекланган ҳамда ўз меҳнат натижаларидан ҳам, ижтимоий жараёнларни бошқаришдан ҳам четлатилған меҳнаткашларни тарбиялаш вазифаларини қўйған эди. Таълимнинг тегишлича маъмурний-бўйруқбозлиқ тарзida ташқыл этилиши ва бошқарилиши унинг мафкуравий ниқобланған мазмуни ва бунинг натижаси ўлароқ «ул-

кан социалистик механизмнинг бир мурвати бўлмиш — бигирувчи»нинг шакллантирилиши шундандир.

«Таълимнинг давлат аҳамиятига молик қадриятлиги» устунлигининг яна бир таркибий қисми — популистик мақсадларга эришиш учун декларативликдир.

Табиийки, ҳар бир давлат ўз таълим тизимини ривожлантиришдан, бу соҳага давлат миқёсида устувор аҳамият беришдан манфаатдор бўлиши керак. Аммо фақат таълимнинг давлат миқёсидаги қимматини таъкидлайверган билан иш битмайди. Чунки уларни амалга оширишнинг аниқ механизми мавжуд бўлмаса, фақат «чиройли гаплар» бўлиб қолаверади.

Кенг кўламли ижтимоий ислоҳотлар (таълим тизимидағи ислоҳотлар ҳам шулар сирасига киради) асосий нарсани — жамоатчиликнинг ўз манфаатларини англаган ҳолда кўллаб-куватлашини, бутун халқнинг, мамлакатдаги ҳар бир фуқаронинг фаол иштирок этишини талаб қиласди.

Таълим-тарбиянинг давлат ва жамият учун қадр-қимматини олдиндан белгиловчи ижтимоий негизлар мухимлигига қарамай, улар асосий нарсани — таълимнинг шахс билан боғлиқ қадриятларини, яъни инсонларнинг ўз билимига, унинг даражаси ва сифатини оширишга рағбатлантирадиган муносабатларини акс эттириши лозим.

Шу нуқтai назардан, таълим қадриятлари таркибицаги умумий ва хусусий жиҳатларни, уларнинг ўзаро бир-бiriни тўлдириши, бойитиб боришини кўриш мухимдир. Мазкур қадриятларни таҳлил қилиш ва умумлаштиришда зарур бўладиган тизимли ёндашиш ўз навбатиша, «таълим қадриятлари» тушунчасининг яхлитлигини назарда тутади.

Миллий модельда асосий мақсадга эришиш йўлида давлат, жамият ҳамда шахс манфаатлари ва эҳтиёжлари узвий уйғунлашиб кетади.

Миллий модел ва дастур ислоҳотлар мақсадини, таълим тизими ни тубдан ўзгартиришда давлат ва жамиятнинг туттан ўрни ва вазифасини (модельда — кадрлар тайёрлаш тизимини нисбатан кенгрок), шунингдек, барча ўзгаришларнинг асосий йўналишини, яъни — «ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантириш, унинг ҳозирги ўзгарувчан жамиятда ҳаётга мослашуви, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равищда танлаш ва ўзлаштириш, оила, давлат, жамият олдидаги масъулиятини англайдиган фуқароларни тарбиялаш»дан иборат стратегик мақсадларни аниқ белгилаб берди.

Бугунги кунда комил ишонч билан айтиш мумкинки: «Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва дастури Ўзбекистон мустақиллигининг натижаси ва ютуғи, умумхалқ иши бўлиб, мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик мақсадига эришишнинг щарти, асосига айланди...»

Шу билан Миллий модел ислоҳотлар нима мақсадда ўтказилади, бунда жамиятдаги бутунлай янги ижтимоий-иқтисодий шароитни ҳисобга олган ҳолда қандай стратегик масалалар ҳал этилиши керак, давлат жамият ва шахснинг стратегик мақсадларига эришишига қай даражада кўмаклашади, деган энг асосий ва жуда муҳим саволга жавоб беради.

Муддао фақат бу саволларга жавоб бериш эмас, балки таълим тизимини яхлит муайян йўлда мақсадли ривожлантиришнинг мажбурий шартидир.

Стратегик мақсадларни қўйиш таълимнинг давлат, ижтимоий ва шахсий қадрият эканлигини аниқ ва равшан белгилаганлиги жиҳатидан Миллий модел ҳалқаро назария ва амалиётда беназир ҳисобланади, деб таъқидлашга журъат этамиз. Таълимни жамият тузилмасидан алоҳида тизим сифатида ажратиб олиш имконини берувчи мезон — унинг *мақсадли вазифасидир*. Миллий моделда кўлланилган мақсадли таҳлил, тизимли ёндашув таълимни мамлакатдаги ва дунё ҳамжамиятидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, демографик, экологик ва бошқа жараёнлар билан боғлиқлик нуқтаи назаридан кўриб чиқиш имконини берди. Таълим тизимидағи ҳар бир таркибий қисм бу боғлиқликнинг муайян жиҳатларини акс эттирган ҳолда, ўз муайян мақсадли вазифасига ҳам эга.

Ўзаро алоқа, муайян боғлиқлик ва иерархияда бўлган таркибий қисмлардан ташкил топган Миллий моделни яхлит ҳолда кўриб чиқиш лозим.

Миллий моделда кадрлар тайёрлаш ва таълим тизими ривожланниб борувчи, динамик жараён сифатида берилган. Инсоният тараққиётининг маълум бир босқичида пайдо бўлган таълим кейинчалик шакли ва ташкил этилиши ҳамда маъноси жиҳатидан доимий ўзгаришларга учраб келди. Бундай ҳодисаларни юзага келтирувчи сабабларнинг аниқданиши таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш жараёнини самарали бошқариш имконини беради.

Кадрлар тайёрлаш ва таълим тизимининг ҳамда уларнинг амал қилишига таъсир кўрсатувчи шарт-шароитнинг етакчи хусусиятлари тадқиқи ривожланиш истиқболлари тўғрисида мулоҳаза юритиш имконини беради. Бундай ёндашувда тизимлар тузилмаси ва уларнинг мазмунидаги ўзгаришларни ана шу тизимларни ислоҳ қилиш ҳамда ривожлантириш жараёнида ўрганиш имкониятлари юзага келади.

Миллий моделнинг юқорида қисқача келтирилган қадрият хусусиятлари ва мақсадли кўрсатмаларидан қандай хулосага келиш мумкин? Уларнинг амалий йўналиши ва аҳамияти нимада?

Бу таълимни ташкил қилиш ва бошқариш бўйича ўтказилаётган ислоҳотлар, таълимий-касб-хунар дастурлари ва тарбиявий-маърифий лойиҳаларнинг мазмунини ишлаб чиқиш, ахборот ва педагогик технологиялар танлаш ва ҳоказолар доирасида таълимнинг давлат, ижтимоий ва шахсий аҳамиятига молик қаҳриятларининг уйғуналигига, Миллий моделнинг асосий мақсадли йўналиши — «баркамол шахсни шакллантиришга» қаратилганлиги; таълим тизимидағи ички сифат ўзгаришларини сўзсиз ҳисобга олган ҳолда Моделнинг стратегик ғоя ва қоидлари асосида тактик қарорларни доимий мослаб бориш, демакдир.

Миллий моделда ғоя ва маданиятни таркиб топтирувчи кучли салоҳият қайд этилган. Бу нимани англатади?

Мингийилликлар чегарасида қўйидагича қатъий ишонч шакллануб келган: таълим — турли фанларга оид билимларни етказиб бериши; маданиятни таркиб топтирувчи функцияни бажариши; маънавий, маданий, ахлоқий қадриятлар ва идеалларни авлоддан авлодга ўтказиши лозим.

Сўнгги икки юз йил ичида таълим соҳасида фанларнинг тез самарса бериши кўзланган, бутунлай прагматик маълумотларни, тор, «технологиялаштирилган» билим, малака ва кўнилмалар (БМК)ни ўтказища чиндан ҳам аҳамиятли ютуқлар қўлга киритилди. Шунинг учун таълим тизими ва ўқитиш технологиялари «мусобақаси» инқирозга юз тутди, БМКни «ким яхшироқ ва тезроқ» шакллантиради, деган гапдан иборат бўлиб келди. Ислоҳот йўналишлари шунга кўра таъланди.

АҚШда машхур бўлган «Миллат хавф остида» таълимотини эслайлик. Унда табиий-илмий фанлар соҳасида билим даражасида ҳаммадан ўзиб кетиши, таълим жараёнига илғор ахборот воситаларини жорий этиш, «технократик билимдонлик» эвазига юқори технологияларга йўл очишини таъминлаш мақсад қилиб қўйилган эди. Нима ҳам дердик? Масала ҳақиқатан ҳам ўта муҳим. Аммо у ягона ҳам эмас ва, афтидан, энг асосий ҳам эмас.

Бундай дастурларда шахс, унинг манфаати ва эҳтиёжлари ислоҳотлар доирасидан четда қолиб кетган эди. Устуворлик таълимнинг «моддий» ҳамда «давлат аҳамиятига молик» қадриятларигагина берилган эди. Ўқувчиларда уларнинг ҳар бирини ўз халқига, ягона башибарий ҳамжамиятга мансублигини англашга: инсонни ўраб турган моддий ва маънавий дунё тўғрисидаги яхлит тасаввурни тарбиялашга; миллий ва умуминсоний маънодаги маънавий, маданий, ахлоқий идеаллар ва қадриятларни авлоддан авлодга узатишга; турли халқларнинг турмуш тарзи, қадриятлари, устувор жиҳатлари билан та-

нишиш орқали маданиятлар мулоқотини амалга оширишга келгандар, бу таълим-тарбиявий, инсонпарварлик мақсадлари аслида, жуда яхши деган қуруқ гапдан иборат бўлади, ёмон ҳолларда эса, эътиборга олинмайди, вассалом.

Миллий моделнинг амалий чора-тадбирларни амалга оширишдаги фундаментал ва амалиётга йўналтирилган фан нуқтаи назарицан муҳим ўрин тутган яна бир таркибий қисмига, яъни — кўп миллатли, кўп элатли ва кўп динли ҳамжамият учун, айниқса, муҳим аҳамият касб этувчи ва, моҳиятан, ана шу моделнинг замирига мужассамлашган «бирлик — ранг-барангликда» тамойилини амалга ошириш масаласига мурожаат қиласиз.

Биз ушбу муаммони ўзаро боғлиқ бўлган икки хил нуқтаи назардан таҳлил этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

*Биринчи ёндашувнинг* моҳияти, бир томондан, Ўзбекистон халқини миллий истиқбол тоғаси мақсад ва тамойиллари асосида бирлаштириш мақсадида, бошқа томонидан эса — турли диний, ижтимоий-сиёсий ва бошқа хусусиятлар, оқимлар ҳамда қараашларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш доирасида жамиятимизнинг «ички» муаммоларини ҳал қилишда Миллий моделнинг ўрни ва ролини, вазифаларини белгилаб олишдан иборат.

*Иккинчи ёндашувнинг* моҳияти — бир томондан, Миллий моделнинг жаҳон таълим тизимидағи ўрни ва роли, вазифаси ва функцияларини, миллий таълим тизимининг халқаро таълим маконига амалий ўйғунлашувнинг йўллари ва усусларини белгилашдан, иккинчи томондан, унинг ўзига хослигини сақлаб қолиш, таълимни ривожлантиришнинг ўз йўлини танлаш ва амалга оширишдан иборат.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделида аниқ белгилаб қўйилган «Бирлик — ранг-барангликда» тамойилининг юқорида айтиб ўтилган таркибий қисмлари Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳам, шубҳасиз, ўз аксини топганлигига ишончимиз комил.

Миллий модел ва дастур прогностик функцияни амалга ошириш, ижтимоий идеалларга таъсир кўрсатиш имкониятларини таъминлаш, уларни такомиллаштиришга хизмат қиласиган тузатиш ишларини фаол олиб борувчи намуна сифатида намоён бўлади.

Бу ўринда «Прогностик илдам борувчи функция» тушунчасини «ички ва ташқи илдамлаб кетиши» маъносидаги икки хил жиҳатдан кўриб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Биринчи жиҳат Модел ва Дастурнинг «таълим ва таълим хизматлари ички бозорида ишлаци салоҳиятини, давлат, жамият ва шахснинг яқин ва узоқ келажакни олдиндан кўра билиш имкониятига эта эканлигини кўрсатиб беради».

Фикримизча, Модел ва Дастаннинг прогностик имкониятлари билан боғлиқ барча жиҳатларни ушбу асар доирасида кўрсатишга зарурат бўлмаса керак. Улар муншарижаша — ислоҳотларнинг мақсадли йўналишларидан тортиб, стратегик йўналишларигача ёритиб берилган.

Иккинчи босқич Моделнинг таълим тизимларини ривожлантиришнинг умумжаҳон йўналишларини эътиборга олиш ва улардан илгарилаб кетиш салоҳиятига тегишилдири. Шулардан бир нечтасинигина санаб ўтамиз: давлат томонидан кафолатланган мажбурий таълим муддатларини малака берган ҳолда узайтириш; шахсга йўналтирилганлик; «доимий» тамоилини амалга ошириш; таълимнинг тарбиявий-ривожлантирувчи таркибий қисмининг таълимий қисмидан устунлиги; таълимнинг маданиятни таркиб топтирувчи функцияси ролини юксалтириш; демократлаштириш; инсонийлаштириш ва инсонпарварлаштириш; таълимни табақалаштириш ва индивидуаллаштириш; таълимда илгор педагогик ва ахборот технологияларини кўлаш ва бошқалар. Айнан шу каби жиҳатларни бошқа давлатлардаги шунга ўхшаш жараёнлар билан солиштирганимизда, Миллий модел ва уни рўёбга чиқариш бўйича амалий чора-тадбирлар уларга асосланибина қолмай, балки кўп ҳолларда улардан ўзиб ҳам кетишини кўрамиз.

Миллий моделнинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда бошқа хукуқий-меъёрий ҳужжатлар ва йўриқномалар орқали стратегик мақсадларни амалга ошириш йўллари, шарт-шароитлари ва механизmlарини аниқлашда намоён бўладиган яна бир ўзига хос жиҳатига, яъни технологик ва процессуал табиатига диққатни қаратамиз.

Миллий моделнинг юқорида айтиб ўтилган таркибий қисмлари, хусусан, унинг прогнозлаш ва ўрганиш учун қулийлиги орқали Модел ва Дастанни амалга ошириш йўлида пайдо бўлиши мумкин бўлган (ёки пайдо бўлган) чеклашлар ва хавф-хатарни аниқ белгилаш мумкин.

«Таълим сифати» тушунчаси ва уни бошқариш муаммоси билан ҳам иш худди шу тарздадир.

Таълим сифатини бошқариш йўллари таълим сифатини баҳолаш ва мониторинг қилиш жараённида кўлаш керак бўлган зарур воситалар билан мослаштирилган, деб ўйлаймиз. Мутахассисларнинг ҳаммаси ҳам бизнинг таълим сифати муаммоларини ҳал қилишга муайян ёндашувларнинг ишончлилигига ва уларни амалда кўлаш имкониятига бўлган ишончимизни қўллаб-қувватлайвермайдилар. Аммо бу ёндашувлар бир-биридан ажратилмаган ҳолда қўлланилган тақдирда, таълим сифатини ва узлуксиз таълим тизимини бошқаришнинг турли босқичларида қарорлар қабул қилиш учун улкан имкониятларни вужудга келтириши мумкин. Таълим соҳасининг ҳар бир мутахассиси, муайян вазиятларда таълим си-

фатини бошқариш билан боғлиқ муайян йўлларнинг самаралилиги устида фикр юритадиган бўлса, уларни бошқа ахборот манбалари орқали тўлдириши мумкин.

Мазкур бобда таълим тизимларининг таълимнинг ҳозирги ижтимоий муҳитдаги роли ва функцияларини тадқиқ этишнинг методологик ва ижтимоий-педагогик асосларини, мамлакатимизда ва хорижда таълимни ва унинг сифатини бошқариш назариясини ривожлантириш билан боғлиқ тавсифлар берилади.

### **1.1. ТАЪЛИМ ТИЗИМЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШГА УМУМИЙ ЁНДАШУВЛАР**

Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини такомиллаштириш йўлларини излаш ўз мамлакатимиз ва жаҳон таълим тизимлари тараққиётининг ҳолати ва йўналишларини ҳар томонлама, қиёсий таҳлил этишни тақозо қиласди. Бундай илмий-педагогик тадқиқотни фақат мустаҳкам методологик асосда амалга ошириш мумкин. Ўрганилаётган муаммоларни ҳал қилиш самарадорлигига айнан шу нарса замин ҳозирлайди.

Кўплаб методологик кўрсатмалар аниқлашни, тузатишни, эскириб қолган бир қолипдаги тасаввурлардан воз кечишини талаб қилаётган бутунги кунда ушбу асос яна ҳам тўғридир. Шунинг учун замонавий педагогик тадқиқот янги педагогик тафаккурга таянибгина амалга оширилиши мумкин.

«Янги педагогик тафаккур» деб аталмиш тушунча ҳозирча кам ўрганилган, аммо комил ишонч билан айтиш мумкини, келажакда бу мавзуда кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилади. Мантиқан эса, ушбу китоб ҳозирнинг ўзида ушбу ҳодисанинг асл моҳиятини умумий тарзда бўлса-да, аниқлашни талаб қиласди. Бу ҳол, фикримизча, умуман таълим тизимини ислоҳ қилиш ва хусусан уни баҳолаш билан боғлиқ муаммоларни таҳдил қилишнинг методологик йўналишлари ни чамалаб аниқлашга кўмаклашади.

Бизни қизиқтираётган муаммога нисбатан олиб қаралганда, янги педагогик тафаккурнинг моҳияти, назаримизда, таълимнинг ўзига хос миллий тизимларини ягона умуминсоний дастур асосида, ўзаро алоқадор ва ўзаро боғланган яхлит нарса сифатида кўриб чиқиш имкониятида ўз ифодасини топади. Бунда уларнинг умуминсоний қиммати асло ўҳшашликни назарда тутмайди ва жиддий тафовутлар мавжудлигини ҳам истисно қилмайди.

Бизнингча, чет мамлакатлардаги таълим тизими назарияси ва амалиётининг таҳдилига муносабатларга жиддий тузатишлар киритиш зарурлиги янги педагогик тафаккурнинг муҳим жиҳатларидан-

дир. Мамлакатимизда педагогика фанида ана шу масалаларни ўрганишга доим жиддий эътибор бериб келинган.

Аммо ўтмишда асосан совет таълим тизимининг муваффақиятларини бўрттириб, салбий жиҳатларини эса хаспўшлаб кўрсатишга, шунингдек, чет эл таълим тизимининг инқирозга юз тутиши билан боғлиқ ҳолатларни, ҳодисаларни аниқлашга қаратилган ўта гоявийлаштириб юборилган ёндашув устун бўлганди.

Мамлакатимизда таълим ислоҳотлари билан боғлиқ жараёнлар ва фактларни холис баҳолаш, халқаро тажрибанинг ижобий унсурларини ҳамда бу тажрибани Ўзбекистондаги таълим тизими фаолиятига оқилона татбиқ этиш имкониятларини излаш янги педагогик тафаккур йўналишида устувор ўрин эгаллайди. Айни пайтда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, бу ҳол чет эл назарияси ва амалиётини танқидий ўрганиш шартлигини мутлақо истисно қилмайди.

Шундай қилиб, бу масалаларни кўриб чиқишининг методологик тамойилларини, фикримизча мамлакатимиздаги ва хориждаги таълим ислоҳотларини холис, ҳар томонлама қиёсий таҳлил қилиш асосида Ўзбекистон таълим тизимини қайта қуриш амалиёти сифатиша таърифлаш мумкин.

Бу методологик тамойилни ушбу муаммони кўриб чиқишининг уч томонлама таҳлили уйғунилигидагина, айниқса, холис, илмий ва мақсадга мувофиқ равищда рўёбга чиқариш мумкин. Бизнинг назаримизда, чет мамлакатлардаги замонавий таълим тизимлари ислоҳотини ўрганишга ёндашишнинг уч асосий тури мавжуд бўлиб, уларни эътиборга олиш тадқиқотнинг самарацорлигини оширишга кўмаклашишга қаратилган ҳамда муайян методологик ва амалий аҳамиятга эга.

Бу масалани қандай тушунишимизни қисқача изоҳлаб берамиз.

**Биринчи тур** — унда замонавий таълимнинг ҳолати ва уни такомиллаштириш йўуллари таҳлили расмий педагогика вакиллари (бу турли даражадаги давлат ҳокимиятлари бўлиши мумкин) томонидан амалга оширилади.

Ривожланишнинг маълум босқичларида таълимнинг давр талабларидан орқада қолиши янги таълим ислоҳотлари йўлига муқаррар равищда кирадиган жамият манфаатлари билан зиддиятга киришади. Бу таълим назарияси ва амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар ҳамда таҳлилий материалларни ишлаб чиқувчи маҳсус комиссия тузишда ўз ифодасини топади. Бу даврда бошқа ривожланган мамлакатлардаги ислоҳотларни ўрганишга катта эътибор берилади.

Таълим муаммоларини таҳлил қилиш ва уларни ечиш йўуларини танлаш борасидаги бундай ёндашувга мамлакатимизда Кадрлар тай-

ёрлаш миллий дастурини тайёрлаш бўйича Республика комиссияси фаолияти (1997 й.), сабиқ Иттифоқда таълимни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиши бўйича маҳсус комиссия (1985 й.), Америка ҳукуматининг машхур «Миллат хавф остида» маъruzаси (1983 й.) ва бошқалар ўзига хос мисол бўла олади-ки, биз ҳали уларни муфасалроқ кўриб чиқамиз. Ҳозир эса қуйидагиларни таъкидлаб ўтамиш.

Таълимни ривожлантиришнинг лойиҳаларини ишлаб чиқишига энг яхши педагог-олимлар, турдош фанлар мутахассислари жалб қулиниади. Таълимга бўлган ижтимоий буюртмадан, ўтказилаётган таҳлилга таъсир кўрсатувчи, ишлаб чиқаришнинг фойдаланиш эҳтиёjlаридан келиб чиқсан ҳолда таълим муаммоларининг таълим тизими фаолиятининг самараదорлигини оширувчи жўнгина, янги, анъанавий ечимларини топадилар.

Ишлаб чиқишига тавсиялар келажакда амалиётта татбиқ этиш учун зарур бўлган улкан сарф-харажатлар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, бу иш маҳсус молиялаштирилари ва етарли даражада сифатли бажарилади. Давлат миқёсида таълимнинг аҳволи ҳақидаги маърузаларни ташкил қилиш, тайёрлаш, чоп этиш, кейинчалик, уларнинг муҳокама қилиниши, фикримизча, амалиёт сифатида биз учун ҳам муҳимdir.

Дарҳақиқат, таълим сифати муаммоси назаримизда, давлат миқёсида синчиклаб ўрганиб чиқишига арзийдиган даражада муҳим ва долзарб. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, хусусан «Давлат тест маркази таркибида Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш бошқармаси, педагог кадрларни ва ўқув юртларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги 1998 йил 11 марта қабул қилинган 109-сонли қарори ва бошқа ҳужжатлар юқоридаги фикримизнинг ёрқин исботидир. Мазкур меъёрий ҳужжатлар фақат таълим тизимининг ва кадрлар тайёрлаш сифатини бошқариш тизимининг таркибини ва ташкил этилишини ислоҳ қилибгина қолмасдан, балки таълим тизимининг мағзини ташкил этувчи таълим сифатига ҳам жиддий таъсир кўрсатади.

**Иккинчи тур** — бу педагог олимлар томонидан таълим аҳволининг ўрганилиши, таълим ислоҳотларининг баҳоланиши ва таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича муқобил таклифларнинг ишлаб чиқиши демакдир. Бу йўналишдаги долзарб муаммоларни ҳал қилишга ёндашув ижтимоий-педагогик йўналишга эгалиги билан ажralиб туради ва бу ҳол асосан, унинг амалий-танқидий табиати билан изоҳланади.

Таълимнинг у ёки бу даражаси, йўналиши ва бошқа жиҳатлари муайян ижтимоий-иктисодий шароитлар ва жамият эҳтиёjlарининг

оқибат-натижаси сифатида майдонга келади. Бу жараённи педагогик таъминлаш таълимнинг ижтимоий мақсадлари билан ўзаро боғлиқ бўлиб, маълум маънода тобе ҳолатда бўлади. Табиийки, таълим тизими соҳасидаги қайта қуришлар жамият ижтимоий таркибининг ўзгаришига ўз-ўзидан олиб келмайди. Айни пайтда, «ижтимоий тизимга прогрессив таълим учун курашишдан-да тўғрироқ таъсир кўрсатадиган бошқа ҳеч нарса йўқ» [Quade E. S., Sharp R.].

Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ўтиш даврини бошдан кечираётган жамият шароитида таълим соҳасидаги салбий ҳолатлар, асосан, таълимнинг ижтимоий ва педагогик мақсадлари ўртасидаги зиддиятлар оқибатида келиб чиқади. Ана шу зиддиятларнинг эътиборга олиниши таълим тизимлари соҳасидаги замонавий ислоҳотларнинг танқидий нуқтаи назардан таҳдил қилиниши учун жиддий асос бўла олади.

Ва, ниҳоят, **учинчى тури** — таълим назарияси ва амалиётини тадқиқ қиласётган олимларнинг асарлариdir. Биз яна мамлакатимиз педагогларининг ҳам, уларнинг чет эллик ҳамкасларининг ҳам тадқиқотларига хос бўлган ижтимоий-педагогик ёндашувга мурожаат қиласмиз (М. Маскино, K. Dorre, Ш. Курбонов, Э. Сейтхалилов).

Тажриба ва далилларга асосланган позитив чоранинг мутлақ ўтилитар изланишлар доирасидан чиқадиган муайян ижтимоий-педагогик жиҳатларини ҳисобга олиш таълим тизими фаолиятининг ўзига хос қонуниятларини чуқур анграб етиш, ислоҳ қилиш йўллари ва долзарб муаммоларни, хусусан, таълим сифатига оид муаммоларни ҳал қилиш методологик нуқтаи назаримизнинг ажralmas таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу муаммонинг мавхумлаштирилганлиги ва унинг фақат педагогик томонларининг тадқиқ қилиниши, бизнингча, таҳдилнинг объективлик ва илмийлик тамойилига зиддир. Бу ўринда таниқли педагог Г. Н. Александровнинг «Педагогик қонуниятлар, аслида, одатда, соф ҳолда юзага чиқмайди», деган фикр-мулоҳазаларига кўшилиш мумкин (Г. Н. Александров, M. Маскино, K. Dorre).

Таълим ислоҳоти, унинг белгиловчи муҳим тавсифларини назарда тутадиган бўлсак — педагогик ҳодисадир. Айни пайтда, ислоҳотлар таълим тараққиётининг ижтимоий манфаатлар билан ўзаро боғлиқлигини муқаррар равишда акс эттиргани ҳолда муҳим ижтимоий жиҳатга ҳам эга. Бунда методологик нуқтаи назардан қараганда, тадқиқотлар жараённида унинг ижтимоий ўзаро алоқаларини ислоҳ қилишни педагогик тадқиқ этишнинг мақсадга мувофиқлиги ёхуд мақсадга мувофиқ эмаслиги билан боғлиқ муаммо келиб чиқади.

Фикримизча, таълим сифати муаммоларини педагогик тадқиқ қилиш доирасини кенгайтириш ҳамда таълим ислоҳотларининг му-

айян йўналишларда олиб борилишини рағбатлантирувчи ижтимоий тараққиёт омилларини ҳам унинг таркибига киритиш зарур ва фойдалидир.

Таълим сифати муаммосини унинг ижтимоий алоқаларини, ижтимоий оқибатларини эътиборга олмаган ҳолда, чўлтоқ тарзда кўриб чиқиш методологик жиҳатдан нотўғри бўлур эди. Чунки, бу ҳолда таълим соҳасидаги ўзгаришларнинг алоқадорлигини тушуниш мумкин бўлмасди.

Таълим тизими ислоҳотларининг педагогик муаммоларга нисбатан ташқи бўлган бир қатор ижтимоий-иктисодий омилларга боғлиқлиги аён. Бунинг устига, айнан ана шулар ўз-ўзидан рўй берадиган ҳодисаларни истисно қылган ҳолда, таълим тизимини қайта ташкил этиш жараёнининг объектив қонуниятларини шарт қилиб қўяди. «Бизнинг таълим муассасаларимизда нималар юз беряпти ва нима учун, — деб таъкидлайди инглиз педагоги И. Ган. — Ушбу масалаларни ижтимоий, иктисодий ва сиёсий алоқаларсиз кўриб чиқадиган ҳар қандай одам уларни ҳаққоний идрок эта олмайди» (И. Ган).

Янги педагогик тафаккур шароитида таълим тизимларининг ўзаро алоқада ривож топишини ҳисобга олиш тамоилии алоҳида аҳамият касб этади. Агар биз илгари таълим тизимларини, педагогик муаммоларни, асосан, миллий фарқи (ўзига хос) жиҳатидан кўриб чиқкан бўлсак, ҳозирги шароитда, бизнингча, умуминсоний ўлчовдаги ўзаро алоқалар кенг ривож топади. Бу эса, янги методиканинг вужудга келишини тақозо қиласди ва шу аснода таҳлилий жараёnlарни мураккаблаштиради.

**Тарихийлик тамоилини таълим ва педагогика тизимларини тадқиқ** этишнинг энг муҳим тамоилларидан бири, деб аташ мумкин. Предметни тўғри англаш учун уни кенг маънода кўриб чиқиш, ҳар бир масалага бу ҳолат тарихда қай йўсинда пайдо бўлган ва у ўз тараққиёт йўлида қандай асосий босқичлардан ўтганлиги ва Эндиликда қандай аҳволга келганлиги нуқтаи назаридан қараш лозим.

Тарихийлик тамоили педагогик тафаккурнинг ривожланиш изчиллигини, унинг методологик асосларини яққол очиб беради. Айнан тарихий ривожланиш мантиғи бизни қонуний равища янги педагогик тафаккурга олиб келди.

Таълим тизимининг аҳволини умумий баҳолаш муҳим методологик аҳамиятта эга. Жаҳоннинг илгор педагоглари ушбу масалани ўз мамлакатларидаги ижтимоий-иктисодий зиддиятлар билан бирликлда кўриб чиқсан ҳолда, таълим тизими таназзулга юз тутганлиги ҳақидаги хulosага келмоқдалар (A. Dacrisse, C. Янг).

Назаримизда, бу ўринда «таълим таназзули» тушунчаси бутунги кун воқелигини акс эттирмаётгандек. Замонавий педагогика салбий

ҳодисаларни ҳар тарафлама ва чуқур таҳлил қилиш; уларни янги педагогик концепциялар асосида бартараф этишга қаратилган амалий ечимларни излаб топиш; шу кунгача мавжуд бўлган тажрибани ўзлаштириб, ундан омилкорлик билан фойдаланиш; таълим тузилмасини, уни бошқаришни ижобий ўзгартиришга, мазмунини ва методларини замонавийлаштиришда муайян даражада қобилиятни намоён қилиш; молиявий таъминотни мустаҳкамлаш заруриятини аниқламоқда. Шу боисдан ҳам ҳозирги таълим тизимининг аҳволини таназзул ҳолати сифатида баҳолашдан тиийлиш лозим. Бизнингча, ушбу соҳадаги ютуқлар билан бир қаторда, айрим қарама-қаршиликлар ҳам мавжудлигини таъкидлаб ўтиш маъқулроқ бўлур эди.

Шундай қилиб, таълим ислоҳотларининг характеристи ва мақсадли курсатмаларини англаб этиш учун, бир томондан, таълимнинг ҳозирги ҳолатини, ундаги зиддиятларни ва, иккинчи томондан, унинг ривожланиш ва илғор ўзгаришларга мойилигини холис баҳолаш зарур. Мазкур хulosани сўнгти йиллардаги ислоҳотларнинг умумий педагогик тавсифини, шу жумладан таълим сифати муаммоларини англаш ва белгилашгага асос қилиб олиш лозим. Бундай тавсифнинг зарурлиги қатор сабаблар билан изоҳланади.

Аввало, ислоҳотларнинг ўзаро нисбатини ойдинлаштириб олиш муҳимга ўхшайди. Тадқиқот обьектининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаб олган ҳолдагина таълим ислоҳотларидағи турли таркибий қисмларнинг ўзаро алоқасини методологик жиҳатдан тўғри баҳолаш мумкин бўлади. Бунинг устига, турли таълим бўғинларидан ҳар бирининг модификация йўналишини англаб этиш учун уларни ислоҳ қилишнинг умумий педагогик мақсадлари билан таққослаш талаб этилади. Ва, ниҳоят, факат педагогик тавсифгина таълим ислоҳотларининг умумий негизи мавжудлигини, бу ҳолатни яхлит бир тизим сифатида кўриб чиқиши мумкинligини аниқлаш имконини беради.

Шундай қилиб, аввало, замонавий таълим модификацияларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш муаммоси юзага келади. Таълим ислоҳотлари борасидаги анъаналарга кўра, аввалги ўзгартиришлар кўпинча юзаки бўлганди. Масалан, замондошимиз бўлган педагоглардан бири 1853 йилда Англияда рўй берган таълим ислоҳотини тавсифлаб, куйидагиларни ёзган эди: «Бу — сўзнинг эски инглизча маъносида ҳақиқий ислоҳотдир. У ҳеч қандай янгилик яратмайди ва ҳеч қандай эски тизимни бекор қўлмайди» (А. А. Барбарига, О. И. Матяш).

Ҳозирги ислоҳотлар туб аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг ҳар бирида ўзигагина хос бўлган хислатлар ва хусусиятлар мужассамлашган. Шу ўринда, бизнингча, ўтган асрнинг 90-йилларидағи ислоҳотлар ўз моҳиятига кўра 70—80-йиллардаги модификацияларнинг бир қис-

ми ва давоми бўла оладими ёки улар сифат жиҳатидан янги ижтимоий-педагогик ҳодисами? Шундай бўлган тақдирда, уларни мустақил тадқиқот обьекти сифатида алоҳида кўриб чиқиш керакми, деган муҳим саволга жавоб бериш зарур бўлади.

Ёндашувлардаги тафовутлар соҳта муаммо эмас, чунки улар методологик аҳамиятга эга ва амалда мавжуд. Хусусан, ҳозирги вақтда айрим педагоглар, уларнинг устунылик қилувчи фарқини сезмаган ҳолда, ўтган йиллардаги ислоҳотларни бирхиллаштироқдалар ва бу ҳол адабиётда ўз ифодасини топмоқда (А. Н. Дружинский).

Бундай ёндашув ҳам муайян асосга эга эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бинобарин, таълимни ривожлантиришща XX асрнинг 60-йилларидан бошланган айрим тамойиллар 80-йилларда ҳам давом этди. Баъзи ислоҳотлар (масалан, сабиқ СССРда 10-йилликдан 11-йиллик умумий ўрта таълимга ўтиш) бунга мисол бўлиши мумкин. Аммо, бизнингча, 90-йиллардаги, айниқса, янги мингийилликдаги ислоҳотларни, уларга мустақил тадқиқот обьекти мақомини берган ҳолда, янги педагогик координаталар тизимида кўриб чиқиш лозим. Ушбу тезисни қондида тарзида асос қилиб олиб, таълимнинг туб мөҳиятини очиб берувчи тавсифларига, шунингдек, «таълим сифати» тушунчасига оид ўзгаришларнинг асосий далили сифатида, 90-йиллардаги таълим ислоҳотларига олиб келган сабабларни таҳдил қилишга ўтамиз.

Бизнингча, 90-йиллардаги ислоҳотларни юзага келтирган дастлабки ва асосий сабаб — бу 70-йилларнинг охирида «микроэлектрон инқилоб» таъсири остида бошланган илмий-техника тараққиётининг ривожланишидаги янги босқичдир. Бунда, аввало, модификациянинг сабаб-оқибат алоқаси таълим мазмуни ва унинг пировард натижаси бўлмиш сифатга қўйилган талабларда намоён бўлди. Фан ва ишлаб чиқариш соҳасида босқичма-босқич амалта оширилаётган жиддий ўзгаришилар муайян йўналишдаги таълим ислоҳотлари учун дастлабки имкониятни яратган ҳолда, таълим мазмунига кириб бормоқда. Бу борада фан-техника тараққиётидаги ҳар қандай янги босқич таълим тизимини янги ислоҳотлар сари бошлаши қонуниятли эканлигини тахмин қилиш мумкин.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ривожланган етакчи мамлакатлар орасида фан-техника тараққиётининг улкан ютуқларига эришиш борасидаги рақобат ҳам босқичма-босқич авж олиб бормоқда. Тараққиёт истиқболларини кўп жиҳатдан белгилаб берувчи асосий тизим таълимда, унинг мазмуни ва пировард натижасида (сифатида) бўлганлиги боис, ушбу соҳадаги ислоҳотлар алоҳида аҳамият касб этиши табиий. Шу маънода таълим сифати жамиятнинг бир дақиқалик эмас, балки истиқболли, ҳаётий муҳим манбаатларини ифодалашини қайд этиш лозим. Бинобарин, келажакка қаратилганлик 90-

йиллардаги таълим ислоҳотларининг ўзига хос хусусиятларидан бири эканлигини тасдиқлаш учун асос бор. Шу маънода ислоҳ қилиш натижалари XXI аср бошидагина тўлиқ кўринади.

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва дастури асосида таълим тизимини ислоҳ қилишнинг туб натижалари, уларнинг таълимнинг юқори сифатига эришишга башоратли йўналтирилганлигини, маданиятни ва шахсни юксалтиришга йўналтирилганлигини, шубҳасиз, ана шундай ислоҳотларнинг ёрқин мисоли деб ҳисоблаш лозим. «Таълим сифати» ва унинг таркибий қисмлари тушиунчаси, умуман ислоҳотларнинг пировард натижаларига ва таълим сифатига қўйиладиган талабларнинг моҳиятидаги туб ўзгаришлар шундан келиб чиқади.

### **1.1.1. ТАЪЛИМ ТИЗИМЛАРИ ВА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

Таълим сифати муаммоларини тадқиқ қилиш методологияси учхил таҳлил даражасини: тадқиқотнинг умумметодологик, хусусий методологик ва аниқ методикаларини ўз ичига олади.

Методология, методика ва тадқиқот жараёнлари ўртасидаги тафовут объектив равишда вужудга келган воситалар тизимини акс эттиради. Бунда гап ҳаққонийликни ўрганиш ва объектга яқинлашишнинг турли даражаларида, яъни олий (унинг барча ўзаро алоқаларидаги жараённи қамраб оловчи), ўрта (ушбу тизимнинг маълум бир тарихий шароитларда ишлашини қамраб оловчи) ва тажрибасинов даражаларида таҳлил қилиш усувларини чегаралаш ҳақида боради.

**Умумметодологик даража** ўрганилаётган муаммога умумий ижтимоий-фалсафий ёндашув бўлиб, у тадқиқот объектини ва предметини, унинг барча жиҳатлари, алоқалари ва воситаларини ҳар томонлама ўрганишни талаб қиласди.

*Диалектик метод* предметни ривожланишида, ҳаракатда ва ўзгаришида ўрганилишини кўзда тутади. Ўрганилаётган жараёнлар ва ҳодисаларни билишга бундай ёндашув ўрганилаётган тизим, ҳодиса ёки жараённинг қарор топиш ва ривожланиш қонуниятларини очиш ҳамда уларни ислоҳ қилиш чора-тадбирларини асослаш имконини беради.

*Диалектик метод* таълим сифатини умумдавлат, жамоат ва шахс нуқтаи назаридан кўриб чиқади, умумжаҳон қонуниятлари ва таъмойилларини эътиборга олади, таълим соҳасидаги миллий маданий-тарихий ва маънавий-ахлоқий анъаналар ҳамда қадриятларнинг ўзига

хос хусусиятларини ҳисобга олади. Бундан ташқари, «таълим сифати» ҳам умуман, ҳам айрим жиҳатлари бўйича доимий «тафтиш» қилинадиган ва тўгрилаб бориладиган динамик ҳодиса сифатида кўриб чиқилади. Бунда таълим сифатининг муҳим хусусиятларини бирлиқда, ўзаро таъсирда, ўзаро боғлиқликда ва ривожланишда таҳлил қилиш кўзда тутилади.

Тадқиқотнинг хусусий методологик даражаси улар асосида тадқиқ қилинадиган методологик тамойиллар йигиндисидан иборат. Булар тизимли-таркибий таҳлил, комплекс, дастурий-мақсадли, шахсий-фаолиятли ёндашувлар, назария ва амалиёт, онг ва фаолият бирлиги тамойиллари ва бошқалардир.

Тизимли-таркибий таҳлил дастлаб XVIII асрда жамиятнинг ижтимоий-иккитисодий тизими мисолида ишлаб чиқилган. Ўшанда тайёр методология ишлаб чиқилмаган эди, бироқ у яхлит ўрганишда тизимли-таркибий таҳлил имкониятлари ва истиқболларини кўрсатди. Кейинчалик ижтимоий-фалсафий, психологик ва педагогик муаммоларни ишлаб чиқишида ушбу тамойил тобора кенг қўлланилмоқда.

Таълимни тизим сифатида жамият тузилмасидан ажralган ҳолда кўриш имконини берувчи мезон унинг аниқ мақсадга йўналтирилганлигидир. Тизимли ёндашувда кўзда тутилган мақсадли таҳлил таълимни ижтимоий-иккитисодий, демографик, сиёсий ва бошқа жараёнлар билан алоқалари нуқтаи назаридан кўриб чиқиши имконини беради. Таълимнинг ҳар бир таркибий қисми ҳам ана шу алоқанинг муайян жиҳатини акс эттирган ҳолда, аниқ йўналишдаги мақсадга эга. Масалан, таълим сифати, таълим тизимининг таркибий-мазмунли қисми сифатида давлат, жамият, шахснинг (ижтимоий-шахс буюртмаси) мақсадли кўрсатмалари ва қадриятлар билан боғлиқ йўналишлари, фан, техника, маданият, технологияларнинг тараққиёт даражаси, шунингдек тизимнинг тегишли тарзда кадрлар ҳамда ресурслар таъминланиши билан белгиланади.

Ижтимоий тизимни ўрганишда «ҳамма нарса ҳамма нарсадан иборат» тамойили мақбулдир. Мураккаб тизимнинг таркибий унсурларга бўлининиши ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларни тадқиқ қилишнинг энг тўғри усулидир.

Тизимли — таркибий таҳлилнинг қўлланилиши куйидагиларни назарда тутади.

1. Таълим сифатини ўзаро таъсирда бўлган таркибий қисмлардан ташкил топган яхлит масала сифатида кўриб чиқиши. Шу боисдан, таълим сифати муайян боғлиқликда ва иерархияда бўлган қатор таркибий қисмларни бирлаштирувчи яхлит тизим сифатида таҳлил қилинади.

2. Таълим сифатини ўрганишда асосий эътибор таркибий қисмларнинг ўзаро ва муҳит билан таъсирига қаратилади. Бунда таълим сифати таркибий қисмларининг функционал иерархиясини ва уларнинг бўйсунишини аниқлаш зарур. Фақат ана шу ўзаро таъсири асосидагина бирмунча юқори даражадаги ҳал қўтувчи таркибий қисмлар янада такомиллашган таълим сифатининг шакллантирилишини таъминлайди. Таълим сифатининг ташқи омиллар билан ўзаро таъсирини ўрганиш, унга таъсири этувчи шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда акс эттирилаётганинг акс эттирилгани учун аҳамиятини ҳар томонлама ва чукур очиб бориш имконини беради.

3. Таълим сифатини динамик ҳолат сифатида кўриб чиқиш. У ҳам шаклан, ҳам мазмунан ва пировард (кутилаётганди, мақсадли ва ҳақиқий) натижага қараб доимий ўзгариб туради. Бу ҳолатларни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш таълим сифатини ривожлантириш жараёнини самарали бошқариш имконини беради.

Таълим сифати ва унга таъсири кўрсатувчи шарт-шароитларнинг асосий тавсифларини тадқиқ қилиш ривожланиш истиқболлари ҳақида фикр юритиш имконини беради. Бундай ёндашувда уни ўзгартириш жараёнида таълим сифати таркиби ва мазмунидаги ўзгаришларни ўрганиш имконини яратади.

Таълим тизимига объектив равищда хос бўлган интеграл сифат — инерциялилик — таълим ва касб-хунар дастурларининг тегишли таркибий қисмларини такомиллаштиришга тегишли даражада прогнозлаштириб ёндашиш зарурлигини англашда, уларнинг аниқ ўзлаштирилишини таъминлашда, шунингдек, тегишли педагогик тизимга сингдирилган илмий билимларнинг башоратли йўналиши шароитида ҳисобга олинниши мумкин. Айнан шу боисдан ҳам, узлуксиз таълим ва педагогика фани соҳасида ижтимоий, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-тарихий, этнопсихологик ва бошқа турдаги прогноз қилиш натижаларини мажбурий тартибда интеграциялашни кўзда тутувчи узлуксиз таълимнинг яхлит тизими ни ривожлантиришни прогнозлашга тизимли ёндашиш долзарб аҳамият касб этади.

Таълим соҳасида прогнозлаш ва истиқболни кўзлаб режалаштириш масалаларини энг муҳим муаммолар қаторига қўшаётган таникли олимлар, педагоглар ва таълим ташкилотчиларининг аксарият ишларида ушбу ғоя қатъий таъкидлаб ўтилмоқда. Аммо вазифа таълим соҳасидаги прогноз тадқиқотларнинг зарурлигини англаб етишдан республикада таълим тизимини ривожлантириш учун амалда аниқ ифодаланган ижтимоий буюртмани амалга ошириш имконини берувчи тадқиқотларнинг ўзига ўтишдан иборатдир. Бунда таълим педагогик прогноз билан боғлиқ ишларда истиқболда таълим иқти-

содиётининг прогнозли муаммоларига, масалан, истиқболли миқдорий параметрлар, яъни педагогик кадрларга, малакали ишчилар ва мутахассисларга бўлган эҳтиёжни аниқлашга, турли хилдаги таълим муассасаларининг тегишли миқдори ва ихтисосини башорат қилишга, уларни оқилона жойлаштиришга, илмий-педагогик тадқиқотлар мавзусини истиқболли режалаштиришга, таълим тизимининг ижтимоий-иктисодий самарадорлитини аниқлаштиришга катта эътибор берилади. Хусусан, узлуксиз таълимнинг турли даражалардаги мақсадларини, таълим сифатини, унинг мазмунини, усуслари, ўкув-тарбиявий фаолият воситалари ва ташкилий шаклларини прогнозли асослаш билан боғлиқ педагогик ва дидактик муаммолар ҳамон етарлича ишлаб чиқилмаяпти. Узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришни башорат қилишнинг асосий методологик ва назарий муаммоларига оид мавзулар доираси жуда кенгdir.

Аввало, педагогик прогнозлашнинг реал илмий мақомини ҳамда билимларнинг ушбу тармоғи қамраб оладиган ўша фан соҳасини аниқлаш, педагогик прогнозлаш мумкин бўлган обьектларни ва асосий йўналишларни кўрсатиш зарур. Шундан сўнг, прогнозлаш обьектлари ва конкрет шарт-шароитларнинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, таълим соҳасида ташхисли тадқиқотларни ташкил этишга нисбатан ёндашувларни белгиловчи методологик тамойиллар тизимини асослаш лозим. Бунда прогнозлаш тавсифидаги ишончли аҳборот олишни ва унинг тўғрилигини таъминлайдиган муайян тадқиқот усусларини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Бутунги кунда педагогик прогнозлаш назарияси ва амалиётининг дастлабки босқичида Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришга оид турли прогноз лойиҳаларни кўриб чиқиш эмас (ваҳоланки, уларни олиш жараёнлари баён қилинмаган ҳолда бунга уринишлар бўлган), балки шунга ўхшаш лойиҳаларни исботланганлик даражасини ошириш воситалари ва усусларини излаш муҳим ўрин тутади. Шу боис ягона педагогика фани педагогик прогнозлаш доирасида янги йўналишни, яъни барча бўғинларда узлуксиз таълимнинг яхлит, мураккаб ва динамик тизимини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Башоратли тадқиқотларнинг биринчи галдаги вазифаларини ҳал қилишга ва, шу билан бирга, ана шундай тадқиқотларни самаралироқ ўтказиш учун муайян методологик йўналишларни белгилаб олишга диққат-эътиборни қаратиш имконини берадиган умумлаштирилган, тартибга солинган обьектларни аниқлаш муҳим.

Қандай педагогик таркибий қисмлар узлуксиз таълимнинг яхлит тизимини ривожлантириш истиқболларини белгилаб беради, прогнозли

асослашни талаб қилади (бу жуда мұхимдір) ва прогнозлаш мүмкін? Бунда, шубҳасиз, мұайян педагогик тизимнің ва шұнға мұвоғиқ рәвишда умуман таълим тизимінің пировард натижаси бўлмиш таълим сифатини шундай жиҳатлар сирасига киритиш лозим. Бошқача айтганда, таълим сифати муаммосига нисбатан олганда, қўйидагилар: ўқувтарбия тизимлари (таълимнинг ҳар бир босқичида) ва педагогик тизим (умуман таълим тизиміга нисбатан олганда) педагогик прогнозлаш объектлари ҳисобланади.

Таълимнинг ҳар қандай даражасида ўқувтарбия тизими бир қатор ўзаро боғланган таркибий қисмлардан ташкил топған прогнозли тадқиқотларнинг мұраккаб ва күп қирралы объектидан иборат. Уларнинг ҳар бири башорат қилишнинг мустақил объекти сифатида хизмат қилиши мүмкін. Бундан ташқари, тадқиқот мақсадида ўқувтарбиявий тизимни тарбиялаш ва ривожлантериш ҳамда ўқитиш каби иккита кичик тизимга шартли равишда бўлиш мақбул. Ушбу кичик тизимларнинг ҳар бири, ўз навбатида, мақсадлари, мазмуни, усуллари, воситалари ва ташкилий шакллари, берилган ёки ҳақиқий таълим сифати каби таркибий қисмлардан ташкил топған. Айнан таркибий қисмлар башоратли тадқиқотларнинг кейинги (бирмунча пастроқ) даражасида педагогик прогнозлаш объектлари бўлиб хизмат қилиши мүмкін (прогноз тадқиқотлар ҳақида гап боргандан, аввало, уларнинг мұраккаблигини, аммо илмий, бунинг устига, амалий аҳамиятини эмас, тафовутини назарда тутамиз). Юқорида санаб ўтилган таркибий қисмларни батағсил текшириш (масалан, таълим сифати, умумий таълим, касбий ёки маҳсус тайёргарлик мазмуни, ўқувчиларнинг билимини ошириш усуллари, ўқитишининг ахборотта оид ёки педагогик технологиялари ва ҳ. к.) тизимнинг у ёки бу даражасида башорат қилишнинг мұайянроқ, маҳаллий объекtlарини аниқлашга олиб келади. Прогноз тадқиқот объекtlарининг шу йўсундаги бир-бирига боғлиқлиги яхлит ўқувтарбия тизимлари фаолиятининг мұраккаб тавсифини акс эттиради, тизимнинг бир-бирига боғлиқ бўлган барча таркибий қисмларини педагогик прогнознинг ягона тадқиқ қилиш циклида прогнозли асослашга ялпі ёндашув зарурлигидан далолат беради.

Бундай ёндашув хусусий прогнозли тадқиқотларни қатъий рәвишда мұвоғиқлаштиришни, уларни умуман ўқувтарбия тизиміга «ишлаёттган» пировард натижаларга йўналтиришни кўзда тулади. Педагогика назарияси ва амалиётида ҳал этилмаган масалалар ва «танг жойлар»нинг кўплиги аксарият ҳолларда ягона пировард мақсад ва умумий тадқиқотчилик тафаккури билан бирлашмаган кўплаб маҳаллий тадқиқотларни келтириб чиқаради.

Бундай тадқиқотлар айрим муваффақиятларга олиб келиши ҳамда хусусий масалаларни ҳал қилиш имконини бериши мумкин. Бироқ уларнинг натижалари, одатда, фақат қатъий чекланган ҳодисалар учун яроқлидир ва кўп жиҳатдан ўзгарган шароитларда фойдаланилмайди. Шу боис, ҳозирги вақтда тизимли педагогик тадқиқотларни ташкил этишга ва бундай тадқиқотларга нисбатан ялпи, дастурий-мақсадли ёндашувдан фойдаланишга катта эътибор берилаётганлиги бежиз эмас.

Кадрлар тайёрлаш мақсадлари, сифати ва мазмуни таълим тизимининг таркибий қисмлари қаторида прогнозли асослашни анча кўпроқ талаб қиласди ва, шу билан бирга, уларни олдиндан прогнозлаш нисбатан осон кечади. Ушбу таркибий қисмлар юзасидан қилинган прогнозни асослаш ва уларга мунтазам равишида тузатишлар киритиш, асосан, таълим усуллари, воситалари ва ташкилий шаклларини танлашга қай йўсинцида ёндашишга боғлиқдир. Шу боисдан, кадрлар тайёрлаш мақсадлари, сифати ва мазмунини дидактик прогнозлаш педагогик прогнозни ривожлантиришнинг ушбу босқичида педагогик тадқиқотларнинг энг истиқболли йўналишларидан бири хисобланади.

Таълим сифатини педагогик прогнозлашнинг методологик муаммоларини тадқиқ қилишга кириштан ҳолда, энг аввало, педагогикка илмий-прогнозлаш фаолияти методологияси ҳал қилиши лозим бўлган асосий вазифаларни аниқлаш зарур.

Ушбу вазифаларни даражаси бўйича кўриб чиқиш мақбулроқдир.

**Биринчи — олий даражада,** гап унинг мақбул фаолиятининг кўп омиллилигини эътиборга олган ҳолда, таълим тизимини ривожлантиришни илмий жиҳатдан англаб этиш жараёнини методологик асослаш ҳақида бормоқда. Бунда ушбу соҳада илдамловчи ахборотни олишнинг фалсафий ва гносеологик муаммолари ҳал этилади, педагогик прогнозлаш стратегиясини олдиндан белгиловчи бошланғич методологик тамойиллар аниқланади.

**Иккинчи даражада** таълим соҳасида башоратли тадқиқотларни ўтказишга нисбатан мавжуд ёндашувлар методология объекти хисобланади. Методологиянинг вазифаси у ёки бу ёндашувдан фойдаланишнинг тўғрилиги ва мақсадга мувофиқлигини асослашдан иборатdir.

**Учинчи даражада** гап педагогик башоратлаш объективининг у ёки бу томонлари тўғрисида прогнозли ахборот олишнинг муайян прогнозли метод ва усуллари ҳақида боради. Вазифа у ёки бу усулнинг асосий белгиларини ажратиш, муайян педагогик муаммоларни ҳал қилишда уни амалда қўлланиш имкониятларини кўрсатишдан иборатdir.

Фалсафий нуқтаи назардан кўриб чиқилаётган илмий билиш методологияси, илмий тадқиқот методологияси ва ҳар бир муайян фан методологияси илмий-тадқиқот фаолиятининг тамойиллари ва усуллари тўғрисидаги ягона методологик билимни ташкил этгани ҳолда, бир-бiri билан узвий боғланиб кетган.

**Объективлик тамойили** башорат билан боғлиқ фаолиятнинг умумий стратегик йўналишини аниқлаш имконини беради. Ушбу фаолият у ёки бу субъектив фикрни мажбуран қабул қилишдан ҳамда педагогик фаолиятнинг объектив хоссалари ва муносабатларини, шунингдек, таълим тизимини ривожлантиришнинг аввалдан мавжуд оқимларини кўр-кўёна қайд қилишдан халос бўлган ҳолдагина муваффақиятли кечади.

**Билиш мумкинлиги** тамойилига мувофиқ, келажакни билиш жараённи билмасликдан билишга, кам билишдан кўпроқ билишга ўтиш сифатида қараб чиқиш керак. Педагогика соҳасидаги прогноз фаолияти, оқибат-натижада, педагогик прогнознинг ўёки бу объектида холис, ҳақиқий билим олишга қаратилгандир.

Педагогик ҳодисаларнинг кўп омиллилиги билан боғлиқ ҳолда масалан, таълим сифати илмий башорат тамойили алоҳида методологик аҳамият касб этади. Педагогикада илмий башорат, ривожланиш тамойилига риоя қилинган ҳолларда, яъни педагогик ҳодисаларга хос бўлган зиддиятлар тегишлича эътиборга олинган тақдирдагина самарали бўлиши мумкин. Уларнинг айримлари ўкув-тарбия жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида рўёбга чиқади, бошқалари эса унга тўсқинлик қиласди.

Ўтган йиллар тажрибасидан фойдаланиш — ўз методологик асосини **тарихийлик** тамойилида топадиган ҳар қандай прогнозни ишланмалар учун тегишли заминдир. Эски ва янги сифат ҳолатларнинг ички боғлиқлигини аниқлаш мухимdir.

**Назария ва амалиёт бирлиги** тамойили ҳам прогнозлашда катта аҳамиятга эга, чунки амалиёт илмий-педагогик прогноз натижада-рининг тўғрилиги ва ишончлилигининг ягона объектив мезонидир.

Педагогик прогнознинг умумий методологик тамойилларини билиш самарадорлиги асосан уларни ташкил этишга ёндашувга боғлиқ бўлган муваффақиятли прогнозни тадқиқотларнинг зарур, аммо етарли бўлмаган шартидир. Замонавий бошқарув назариясида тизимили, комплекс ёндашувни амалиётга жорий қилиш ва чуқурлаштириш воситаси сифатида кўриб чиқиладиган дастурий-мақсадли ёндашув таълимни прогноз тадқиқ қилишга энг самарали ёндашувлардан бири ҳисобланади.

Таълим тизими кўп шакли, ўзаро боғланган функцияларни амалга оширувчи ва атроф-муҳит билан муайян ўзаро муносабатда бўлган,

ўзига хос ривожланиш кучларига эга мураккаб динамик, ўзини ўзи бошқарувчи, кўп даражали яхлит тизимдир. Бундай мураккаб тизимни прогнозлашда тадқиқ қилинаётган объектни комплекс идрок этиш фарқли хусусияти бўлган прогноз шаклларини қўллаш алоҳида аҳамият касб этади. Улар таълимни тадқиқ қилишда тизимли тахлилнинг барча талабларидан фойдаланиш, элементлар иерархиясини ва уларнинг бир-бирига тенг бўйсуниш схемасини аниқлаш, функционал алоқаларини кўриб чиқиши имконини беради.

Дастурий-мақсадли режалаштириш (ёки ёндашув) фундаментал фанда кўплаб кенг кўламдаги муаммоларни ишлаб чиқишида ҳамда умумдавлат аҳамиятига молик илмий-амалий жараёнларни амалга оширишда ўзини оқлади. Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва дастурини ишлаб чиқишида ундан фойдаланилганлиги бунга ёрқин мисол бўла олади.

Аммо шуни таъкидлаш керакки, педагогик жараён жуда мураккаб бўлганлиги ва қатор муҳим хусусиятларига кўра шакллантиришга ва ўтчашибга бўйсунмаслиги боис педагогика фани ва амалиётида дастурий-мақсадли режалаштиришни қўллаш мураккаблашади.

Одатда, у ёки бу соҳада таназзул вазияти вужудга келган ҳолларда йирик тадқиқот ишларини дастурий-мақсадли режалаштиришга мурожаат қилинади. Режалаштиришнинг бундай методологияси ҳар қандай (ҳам асосий, ҳам таъминловчи) ишни бажаришдаги изчилликка, параллел равишда ўтказиладиган тадқиқотларни бажаришнинг келишилган муддатларига қатъий талаблар қўяди, чунки, улар яхлит бир бутунликни тайёрлаган ҳолда (масалан, таълим сифати ва тегишли таълим жараёни, педагог кадрлар билан таъминлаш ва ҳ. к.) бутловчи қисмлар сифатида бир-бири билан боғланган бўлади ёки улардан бири бошқасини ахборот билан таъминлайди.

Таърифланган стратегик мақсад, агар унга эришишта қарор қилинган бўлса, ишланмаларни яратувчиларга, биринчи навбатда, барча ишларни моддий ресурслар ва кадрлар билан таъминлаш ҳукуқини беради. Мақсадга эришиш учун тасдиқланганлигининг ўзи тадқиқот жараёнини авж олдириш (шу жумладан пировард босқич — амалга ошган мақсад сифатидаги натижага ҳам) ишга солиниши мидор, сифат ва вақт жиҳатидан тадқиқот ва амалда жорий қилиш дастурида акс эттирилган барча зарур ресурслар билан таъминланганлигини тушуниш учун юқорида айтилганлар етарли. Шу боис, мақсад, дастур, ресурслар, вақт, натижага каби категориялар муҳим тадқиқотлар бўйича илмий ва ёрдамчи фаолиятни ташкил қилишда тизимни таркиб топтирувчи вазифани бажаради.

Бу борада ҳозирги талабларга жавоб берадиган дастурларни ишлаб чиқиши ва бажаришга илмий асосланган ёндашувни топиш ва

фойдаланиш мұхимдир. Педагогик тадқиқотларни дастурли-мақсадли режалаштириш ва, бунинг устига, кадрлар таълими ва уларни тайёрлаш борасида кенг күламдаги лойиҳаларни режалаштириш ушбу талабларга жавоб беради. Бу йўлда камчиликлар ҳам бўлиши мумкин. Аммо зикр этилган дастурларда кўйилган мақсадлар нечоғли самарали, уларга эришиш воситалари қанчалик тўгри белгиланган?

Фан ва янги тадқиқотларни тадқиқ қилишда фаолиятнинг салбий натижаларидан чиқарилган хulosалар унинг ижобий натижаларидан чиқарилган хulosалар каби мұхим ҳисобланади. Дастлабки тахминда айтиш мумкинки, дастурда улкан мақсадлар кўйилган, моддий ресурслар ва кадрлар у ёки бу даражада етарли бўлган тақдирда ўз методологик сифатларига кўра дастурий-мақсадли режалаштиришнинг қатъий талабларига жавоб бериши мумкин бўлган илмий тадқиқот дастурлари бўлиши, шунингдек, ушбу дастурлар қуидагиларни таъминлаши лозим бўлур эди:

- 1) оралиқ вазифаларнинг юқори даражада аниқдиги (нима, қандай қилиб, нима учун, кимга, деган саволларга жавоблар топилган);
- 2) мувофиқлаштирувчи алоқаларда бўлган ҳаракатларнинг вақт, инстанциялар ва шахслар борасида келишилганлиги.

Узлуксиз таълим тизимининг иерархия поғоналарида педагоглар ва таълим олувчилар, таълим муассасалари ва ижтимоий мухит ўтрасида турли қарама-қаршиликлар тўпланиб қолади. Педагогик жараённинг бузилиши том маънода умуман ортиб бормоқда. Таълим дастурий-мақсадли режалаштириш асосида лойиҳанинг айрим танланган истиқболларини кўпроқ амалга ошириши мумкин эди, бироқ бунда уни чуқур тизимли ишлаб чиқиш шарт бўлади.

Мақсадли ёндашув алоҳида мураккаб шароитларда мақсадни амалга ошириш ва фаолиятни рағбатлантириш учун моддий ресурслардан фойдаланишда бирмунча юқори имкониятларини кўзда тутади. Аммо бунда бошқа нарса: маъмуриятчилик, кўрсатмалар бериш, айрим маҳаллий ютуқлар аҳамиятини умумий ютуқлар тарзида ошириб кўрсатиш — амалга ошириб бўлмайдиган педагогик мақсадларни эришилган деб эълон қилишга йўл кўйилмаслиги ҳам мұхимдир.

Хозирги шароитда таълим тизимини ислоҳ қилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тарғиб қилишда, унинг барқарор фаолият юритиши ва нормал ривожланишини таъминлашда ижтимоий масъулият ва прогноз етишмаяпти. Бизнингча, бундай лойиҳаларнинг педагогик жиҳатдан қодирлиги уларнинг муаллифлари томонидан текширилган бўлиши, яъни тизимлилик, яхлитликнинг асосий умумилмий ва дастурий-мақсадли ёндашув талабларини қонцирадиган бўлиши керак.

Турли ижтимоий ва давлат институтлари мақсадларнинг шаклланишига ҳам ошкора, ҳам пинҳона таъсир кўрсатмоқдалар.

Олий ижтимоий институтлар мақсадни танлашнинг илк босқи чида юқори даражада умумлашган ягона ниятдан келиб чиқадилар. Мақсадни амалга оширишнинг ушбу йўлида жараён юқоридан, умумхалқ аҳамиятидаги мақсадларни ифода этувчи концепциясидан бошлиб, кейинчалик қўйига, тармоқ, назарий ва амалий шохобчаларга оид иерархик декомпозициялаш орқали боради. Ушбу тафсилот жарёнида шохобчаларнинг ҳар бири берилган истеъмолчилик сифатлари (методикалар, қўлланмалар, дарсликлар, лаборатория жиҳозлари, меъёрий хужжатлар ва ҳ. к.) га эга бўлган аниқ йўналтирилган ягона мақсадли моддий ёки маънавий бойликларни ишлаб чиқишнинг маҳаллий лойиҳаси билан тугайди.

Пинҳоний тарзда «юқоридан — қўйи» деб номланган таҳлилий декомпозициядан иборат концепциянинг ушбу қисмида гўё давлат аҳамиятига молик «қўйидан-юқорига», мақсадларнинг янгича таърифи, яъни шохобчалардан «мақсадлар дарахти» илдизига бориш мумкин эмас, деб пинҳоний тахмин қилинади. Дарҳақиқат, умуттаълим муассасаларининг директорлари, ўқитувчилар ўзларининг шахс шаклланишининг жонли жараёни кечадиган муайян ижро ваколатлари доирасида мақсад қўйиш билан шуғулланадилар.

Агар таълим ислоҳотнинг умумхалқ давлат мақсади таълимни бошқаришнинг барча босқичлари орқали бевосита ўқитувчига асл ҳолида, фақат «кириш» ва «чиқиши» рақамлари ўзгартирилиб етказилса, у ҳолда бундай шароитларда «мақсадлар дарахти» барглари тўкилиб бўлган яланғоч дарахт танасига айланади.

Илмий ва тажриба-конструкторлик фаолиятида дастурий-мақсадли режалаштириш тадқиқотчилик ва ўзгартирувчилик фаолиятини мақбуллаштиришнинг энг ишончли йўналишларидан биридир. У ресурсларни тежашга қаратилган, унда илмий ва амалий масалаларни ҳал этиш етарли даражада кафолатланган. Дастурий-мақсадли режалаштириш ғоялари ижтимоий-иктисодий фаолиятнинг у ёки бу соҳасида йўналтириш ва улардан амалда фойдаланиш даражаси бўйича муаммоларнинг тегишли гуруҳларига бўлинади.

**Биринчи гуруҳ.** Фан, маданият, техниканинг ҳамда жамият ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олувчи бозор ва ресурсларни тежаш шароитида дастурий-мақсадли режалаштириш муаммоларнинг биринчи гуруҳини ташкил этади.

Таълим тизими тузилмасини, пировард натижаларни, ўқув-тарбия жараёнини илмий таъминлашни доимий равишда ўзгартириш фаолиятда бўлади. Бироқ ушбу фаолият оқибатлари ҳалқ ва давлат манфаатларига хизмат қилиши ҳамда номақбул чиқимларга барҳам

бериш учун тегишли назарий базага эга бўлиши зарур. У мақсадларни шакллантиришда мураккаблиги бўйича кўп даражали ва ижтимоий жиҳатдан хилма-хил сифатли таърифланиши бўйича эса кўп саволларга жавоб бериши керак. Педагогика фани шаънига қилинган кўплаб танқидий чиқишлиар муносабати билан ушбу муаммонинг долзарблиги ва кенг кўламлилиги айниқса яққол аён бўлди. Педагогика фани мамлакатда кечётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг мақсадли функцияларини англаб этиши, янги тузилмавий тадқиқот марказларини ташкил этиш учун маълум вакт талаб қилинади.

Шундай қилиб, педагогик мақсадлар кўйишга оид принципиал жиҳатдан янги боғланишлар вужудга келди. Жамият таркибида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда юз бераётган жиддий ўзгаришлар ҳамда давлат-жамият курилишидаги ўзгаришлар муносабати билан вазифаларнинг янги тоифаси вужудга келмоқда. Унинг асосий фарқли хусусияти эскича андозалардан, ақидалардан қийинчилик билан ҳолос бўлаётганлигиdir. Барқарор категориялар тизимиға ҳамда умумътироф этилган қонунлар тизимиға эга бўлмаган педагогика фанида ақидалар бошқа ижтимоий фанларга қараганда кўпроқ. Лекин бу алоҳида методологик муаммо.

Педагогика фани муаммоларининг вакиллари жуда ожиз ва кўп танқид қилинациган иккинчи гурӯҳи — бу илмий-тадқиқот иши мақсадлари ва уни режалаштириш муаммосидир. Бунда ИТИни методологик таъминлашнинг қайси бўлимини олманг, уларнинг барчасида тажрибасизлик ва, ҳатто, сарфланган куч-ғайрат самарасиз эканлиги ҳақида гапириш мумкин. Бу мавзуларнинг доимий тақрорланиши, бошланган илмий ишларда муаммо кўйилмаганлиги, уларнинг аниқ йўналтирилмаганлиги ҳам, унинг истеъмолдаги афзалликларини таъминловчи натижанинг технологик сифатлари мавжуд эмаслиги, шунингдек бошқа минтақаларда ва бошқа одамлар томонидан тақрорланиши имконини берувчи экспериментал натижаларнинг йўқлигига намоён бўлди.

Алоҳида фаолият тури назарияси сифатида методология тенг даражада ҳам фанни — унинг назарияси ва тадқиқот методларини ривожлантиришга, ҳам таълим амалиётини такомиллаштиришга йўналтириши мумкин бўлган дастурий-мақсадли режалаштириш камдан-кам учрайдиган ҳодисадир.

Илмий-тадқиқот мақсади уни ташкил этишда асосий методологик йўналиш ҳисобланади. Бошловчи аспирантлар фаолиятида ҳам, катта стажга эга бўлган илмий ходимлар фаолиятида ҳам мақсад амалга оширилаётган илмий изланишларда, умуман, концептуал маънода жуда кам ишлаб чиқилади.

Анъанага кўра, ИТИни ташкил этилишининг сифат босқичида тадқиқот мавзусининг долзарбилигига катта эътибор берилади. Мавзунинг долзарбилиги эса, одатда, ижтимоий-сиёсий ривожланиш, фаол таъсир кўрсатувчи ахборот воситалари, директив ҳужжатлар билан асосланади. Педагогик ва ижтимоий парадигмалар эса (мустақил фикрга эга бўлмаган) илмий ходимларнинг аксариятига нима билан ва қандай шуғулланиш лозимлигини кўрсатиб берувчи таъсир кўрсатади. Бундай шароитда кўпчилик ўзи машғул бўлган иш билан шуғулана бошлайди.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, педагогикага оид эълон қилинаётган кўплаб мақолалар оқимида вазиятдан келиб чиқиб ёндашиш кўзга ташланади. Бундай ёндашувчилар дилетантлик даражасида ҳам, педагогика назарияси ва методологиясининг фундаментал муаммоларини англаб олмасдан, камчиликларнинг ҳам, педагогика фани ютуқларининг ҳам аҳволини асосли ва объектив таҳтил қилмай туриб, ўзларини «қайта қуриб» олдилар, асрлар оша ўз меросига эга бўлган таълим асослари ва унинг мавжуд тизимини инқирозга учратмоқдалар.

Педагогика фани ва реал таълим амалиёти тушиб қолган қониқарсиз ҳолатнинг иқтисодий, ижтимоий ва методологик сабаблари кўп ва хилма-хилдири. Унинг туб илдизи эса мақсад қўйиш назарияси билан боғлиқлигига, аниқроғи, бундай назариянинг йўқлигидадир.

Педагогик мақсад қўйишнинг реал амалиёти икки йўналиш бўйича методологик камчиликлардан қийналиши мумкин.

1. Турли даражадаги мақсадлар баланси ҳақида назарий тасаввур ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқлиги, хусусан:

— Ўзбекистон ҳалқининг умумий мақсадлари — миллий истиқлол ғоясининг;

— таълимдаги умуминсоний мақсадлар ва қадриятларнинг;

— шахс ва касбий тайёргарликни шакллантиришнинг асоси бўлмиш таълимнинг умумий мақсадлари — Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва дастурининг;

— ижтимоий, иқтисодий, миллий, илмий ва бошқа эҳтиёжларнинг хилма-хилдигига мувофиқ хусусий давлат мақсадларининг;

— алоҳида ҳар бир кишининг ўз қобилиятини намоён қилишига оид шахсий мақсадларнинг ишлаб чиқилишини тақозо этади.

2. Мақсадларнинг йўналганлиги, эришиш воситалари билан таъминланганилиги, шунингдек ушбу мақсадларнинг улар натижা сифатида киришиши лозим бўлган тизимга зид эмаслигини кафолатлайдиган (айтиб ўтилган умумийлик даражасини) аниқ методологиянинг йўқлиги. Шу билан бирга мақсадлар илгари сурилгани, уларни амалга ошириш учун талай моддий ресурслар сарфланган экан, демак қандайdir методология ҳам мавжуд бўлган. Унинг асосий кам-

чилиги ишларнинг амалиётдаги ҳақиқий аҳволи билан мутаносиблаштирилмаганлигидадир.

Педагогик мақсад қўйиш методологиясининг заифлиги, шунингдек, эълон қилинган мақсад билан уни амалга ошириш дастури ўтасидаги узилишда ҳам намоён бўлади. Бу узилиш, одатда, прогнозлаш жиҳатидан яхши ишлаб чиқилмаган қатор сабаблар ва шартшароитлар билан белгиланади.

Мақсад билан уни амалга ошириш дастури ўтасидаги зиддиятни бартараф этиш учун қўйидагилар талаб этилади:

1. Педагогик жамоалар, жамоатчилик институтларининг эълон қилинган педагогик мақсадга эришишда қатнашишга ижтимоий тайёрлиги. Тайёрлик даражасини аниқлаш учун мақсадга монанд қатор кўрсаткичлар бўйича муҳит ҳолатини маҳсус тадқиқ қилиш зарур. Булар оммавий равишда анкеталаштириш, интервьюлар, мутахассисларнинг эксперт сифатидаги баҳолари, ибратли воқеа-ҳодисаларни тарихий тадқиқ қилиш ва бошқалар бўлиши мумкин. Ана шу асосда мақсадли дастурларга тузатишлар киритилади.

2. Таълим тизимида ҳар қандай даражадаги умумийликнинг айнан муайян мақсади бўлган оқибат сифатида юзага келган илмий мавзуларни тежамли таърифлаш. Мақсаддан юзага келган илмий муаммоларни англаш — бу мавжуд ва бўлиши лозим бўлган муаммолар ўтасидаги зиддиятларни аниқлаш, зиддиятларнинг ҳаракатлантирувчи кучини англаш; объектив ва субъектив шарт-шароитлар ва ҳолатларни назарий жиҳатдан тушуниш демакдир. Тахминий тушунишнинг ушбу босқичида улар мақсадга бевосита ёки билвосита эришишга тўскىнлик қилувчи омил сифатида юзага чиқади.

3. Шарт-шароитнинг ҳар жиҳатдан (иктисодиёт, маданият, сиёсат, ижтимоий муҳит ва бошқа жиҳатлардан) таҳлил қилиниши ҳал этилган масалаларни, мақсадга эришиш воситаларини танлаш, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларга риоя қилиш учун ахборот базасини таъминлайди. Етарли даражадаги тегишли хатти-ҳаракатларсиз яхши мақсадга эришиб бўлмаслигини ёдда тутиш лозим.

4. Микросоциум ичидаги, мақсадга эришиш учун зарур бўлган унинг аъзолари ўтасидаги муносабатлардаги ўзгаришларни ҳамда ташки ижтимоий муҳит билан алоқаларни тизимли таҳлил қилиш. Тизимли таҳлил тадқиқот дастурида эҳтимол тутилган рағбатлантирувчи хатти-ҳаракатларни, шунингдек қарши ҳаракатни кўзда тутади. Бу педагогик билимнинг назария таркибига кириши мумкин бўлган илғор шаклларида илмий изланишини ривожлантириш йўналишини барҳарор сақлаб туриш учун зарурdir.

Дастурий-мақсадли ёндашувдан фойдаланишда инсон фаолиятининг турли соҳаларини тадқиқ қилишта оид фундаментал ишларда

мақсадли ва ресурсли жиҳатлар комплекс, биргаликда кўриб чиқилади. Мақсадга эришиш жараёни кечадиган шарт-шароит воқелик томонидан яратилган бўлиб, унинг доирасидан ташқарига чиқиш тақиқланган чеклашлар сифатида кўриб чиқилади. Бошқа шарт-шароитлар — ривожланиш истиқболларини таъминлайдиган омиллар бўлиб, улар мақсац сари босқичма-босқич ҳаракат қилиш имконини беради. Бинобарин, мақсад муаммосини бирмунча бошқача таърифлайдиган бўлсак, у мавжуд ва юзага келиши мумкин бўлган ресурслар билан бирга лойиҳа ва натижанинг хаёлан амалга оширилган ўзаро хатти-ҳаракати демакдир. Мақсадга эришиш жараёнини бажариш шартлари эса, одатда, доимий ҳолатни сақлайди. Шарт-шароитнинг педагогик жараён кўрсаткичлари, ўзгараётган сифатлар билан функционал алоқаси ва ҳ. қ.лар, биринчидан ҳаддан ортиқ ташаббусни чегаралайди, унга белгиланган чизиқдан чиқишига йўл қўймайди (тўсиқ вазифасини ўтайди); иккинчидан, ривожланиш мухитини вужудга келтиради (жадаллаштириш функциясини бажаради).

Мақсадга эришиш шарт-шароитнинг айтиб ўтилган функциялари доирасида, гарчи бирон-бир қонунга зид ва педагогикага қарши хатти-ҳаракатларга йўл қўйилмаган бўлса-да, кўплаб моддий ва маънавий ресурслар сарфланиши туфайли, мақсаднинг қадри тушиши мумкин. Чеклашларга риоя қўлган ҳолда мақсадга эришилса-да, ишга солинган ресурслардан тўлиқ фойдаланилмаган ҳолат ҳам бўлиши мумкин. Аммо бундай варианtlар олдиндан прогноз қилинган ва ҳисоблаб чиқильтган бўлади. Улар, одатда, педагогик жараённинг моддий-техника таъминоти масалаларида вужудга келади. Ижтимоий-педагогик фаолиятда мақсадга эришиш жараёни шарт-шароитларининг чегараловчи функцияси аксарият ҳолларда техник фаолиятга нисбатан яхши ишлаб чиқилемаган бўлади. Бундан ҳам хайрли ишларда, масалан, ўзлаштиришида орқада қолганлар билан қўшимча машғулотлар ўтказишида, ҳам номақбул ишларда, яъни амалда ўзлаштирумайдиган ўқувчиларни қониқарли баҳоларга «тортиб чиқариш» сифатида фойдаланилади.

Бироқ, реал амалиётнинг кўрсатишича, илмий-техникавий ва ижтимоий-педагогик муаммоларнинг шарт-шароитларнинг мақсад билан алоқаси нуқтаи назаридан ҳал этилиши мазкур чеклаш ва ривожланишни таъминлаш функциялари билангина тавсифланмайди. Бир қатор ҳолларда яхши ниятлар билан бошланган мақсадга эришиш жараёни мувваффакиятсизлик билан якун топади. Бунда мақсадга ё эришилмайди ёхуд жамият учун талайгина маънавий, психологияк ва моддий харажатлар эвазига эришилади.

Ниҳоят, мақсадни қўйиш ва унга эришиш жараёни келишилмаганлигининг мақсадли ва ресурсли жиҳатларнинг ўзаро муносабатидан иборат учинчи, энг номақбул варианти ҳам вужудга келиши мум-

кин. Мақсадларни таърифлаш жараёни зиддиятдан муаммони англаб етиш ва кейинчалик қонун ижодкорлиги хужжатлари сари ри-вожланиш мантиги бўйича тўғри йўлдан бораётгандек туюлади. Қонун ижодкорлиги лойиҳасида мақсад қайд этилади. Бироқ мақсад кенг кўламли бўлгани билан, кўпинча унга эришишнинг босқичмабосқич жараёнида кутилмагандага пайдо бўладиган бевосита ва билвосита оқибатлар чукур ишлаб чиқилмаган бўлади.

Шундай қилиб, мақсадга эришиш жараёни амалда ноқонуний методлар ёрдамида амалга оширилади. Шулардан бири — умумдавлат статистикасига ўқувчиларнинг билим даражаси — таълим сифати ва қадрлар тайёрлаш тўғрисида соҳта маълумотлар беришдир. Ушбу мақсадга эришишнинг бошқа методи — бу ўқитувчиларни кам унум ишлар (кatta ҳажмдаги кўшимча билимлар ўқувчиларнинг ёзма ишларини текширишга меъёридан ортиқ вақт сарфи ва ҳ. к.) билан кўмиб ташлашлар. Педагогик жиҳатдан ўз ҳолига ташлаб қўйилган болалар ва уларнинг ота-оналарининг аксарияти ўқитувчининг бўш вақтини олиб ва соғлиғига, қайфиятига салбий таъсир этадилар. Бундай шароитда бирон-бир ижод билан шугулланиш, назарий адабиётларни ўрганиш, дастурдан ташқарига чиқиш учун вақт ҳам, куч ҳам етмайди. Бунда ижобий қайта алоқа деган нарса амал қиласди: ўзлаштириш билан боғлиқ ишлар нечоғли ёмон кетаётган бўлса, ўқитувчилар ва раҳбарият томонидан ўзлаштириш даражасини «ошибриш»нинг тақиқланган усуслари кўпроқ кўлланилади, ўқитувчининг нуфузи шунчалик пасаяди, маънавий қадриятлар кўпроқ даражада завол топиб, ўқитувчи касби қадрсизланиб боради.

Илмий-тадқиқот ишида изланишдан мақсад педагогик жараён қонуниягларини англаб етиш ва уларни бирон-бир шаклда акс эттиришдан иборатdir. Бу педагогика назариясига қўшилган ҳисса демакдир. Ана шу асосда турли амалий вазифалар, масалан, таълим сифатининг тавсифи, уни назорат қилиш ҳамда бошқариш методлари, дарсликлар, методикалар, дастурлар ишлаб чиқилмоқда ва ҳ. к. Бу амалиётта қўшилган ҳиссадир. ИТИда эришилган мақсадларнинг ўзига хос хусусияти улар келиб чиқишига кўра, таълим мақсади каби, ижтимоийлигидадир. Турли педагогик жараёnlар аниқ мақсадга қаралтилганлиги билан илмий ва билиш мақсадларини шарт қилиб қўяди.

Шу муносабат билан педагогикада ИТИлар самараадорлигини таъминлаш учун ўтилиши объектив ва зарур бўлган методологик йўналишларнинг мумкин бўлган вариантларини кўриб чиқиш қизиқиши ўйғотади.

Дастурий-мақсадли режалаштириш билан боғлиқ методологик йўналишларнинг умумий кўриниши мана шулардан иборат. Бунда тадқиқот жараёнининг тушунча ва атамаларини ишлаб чиқиш ҳамда

биринчи навбатда, тадқиқот мақсади таърифини чуқур англаб етиш зарур. Тадқиқот нима учун олиб бориляпти, деган саволга жавоб олмасдан туриб, илмий иш бутун илмий изланишнинг тизимни таркиб топтирувчи асосидан маҳрум бўлади.

Методологик билимларнинг йўқлиги ва улардан мақсадли тарзда кўлланилмаслиги тадқиқотлар самара сизлигининг асосий сабабларидан биридир. Педагогика фани баъзан у ёки бу илфор педагогик тажрибанинг намоён бўлишини принципиал, ишончли тарзда назарий жиҳатдан асослашга қодир эмаслигига ҳам заифлик кўринади.

**Методологиянинг учинчи даражаси таълим сифати муаммоларини тадқиқ қилишнинг муайян методикалари йигинди сидан иборат.** Тадқиқотда кўлланилаётган ҳар бир муайян методика илмий таҳлилнинг биринчи ва иккинчи даражаларида кўрсатиб ўтилган муайян «методологик асос»да фойдаланилади.

Иш жараёнида илмий-методик адабиётлар ва меъёрий хукукий хужжатларни; мамлакатимизда ва чет элда чоп этилган маҳсус адабиётларни албатта таҳдил қилиш лозим. Адабиётлар ва хужжатларни ўрганиш жараёнида таълим сифати муаммоларини ҳал қилиш ва конкрет методикаларга методологик ёндашувлар аниқланади. Хужжатлар билан танишиб чиқиш таълим тизимини ривожлантириш ва кадрлар тайёрлаш сифатига доир ишларнинг ахволини аниқлаш имконини беради<sup>1</sup>.

*Назарий тадқиқот методи* муаммони ҳал қилишда алоҳида аҳамият касб этади. У масала тарихини назария ва амалиётда ўрганишда муаммони аниқлаш имконини беради. Тадқиқотлар йўналишини тузиб чиқиш учун ушбу масала бўйича мавжуд турли нуқтаи назарларни таққослаш зарур. Муаммони ишлаб чиқишида қандай илмий маълумотларга таяниш лозимлигини, муаммони ҳал қилишда қандай илмий далилларни ҳисобга олиш кераклигини аниқлаш ва кўрсатиш мухимдир.

Таълим тизимининг тузилтавиий таркиби қисмлари алоқаларини очиш ва уни ислоҳ қилиши йўллари ҳамда воситаларини аниқлаш учун муаммони тадқиқ қилиш жараёнида олинган илмий фактларни назарий жиҳатдан таҳдил қилиш зарур. Назарий тадқиқот методи шундайки, усиз масала можиятини англаб ва далилларни тушуниб бўлмайди. Назарий тадқиқот адабий манбаларни ўрганиш, педагогик тажрибани таҳдил қилиш ва умумлаштириш, фаразларни ишлаб чиқиш ва илгари суритган тахминларни текшириш билан бирга муаммони тадқиқ қилишни бошлаб беради, уни олиб боради ва якунига етказади.

Педагогика фанини ривожлантириш ва унинг амалиётини такомиллаштириш учун экспериментал проблематикадан ташқари, мус-

<sup>1</sup> Шундан келиб чиқсан ҳолда, тавсия этилаётган адабиётлар ва манбалар уч блокка бўлинган, ҳар бир блок алоҳида ҳамда ўзаро боғлиқликда таҳдил қилинган.

тақи́л назарий ва методологик тадқиқотлар олиб бориш, жаҳон таълим тизимини ва таълим тарихини тадқиқ қилиш катта аҳамиятта эга.

Бундай муаммоларни ҳал этишда тадқиқотнинг назарий методлари катта аҳамият касб этади. Педагогика методологиясидаги ушбу илмий ижодиёт методлари ҳанузгача, бир оз истисно билан, маҳсус тадқиқ этилмаган.

Кўрсатиб ўтилган методларнинг қай бири асосий, уларнинг вазифаси ва, хусусан, таълим сифати муаммоларини тадқиқ қилишда улардан фойдаланиш хусусиятлари нималардан иборат?

Уларнинг қисқача рўйхатини келтирамиз.

1. Педагогик хусусиятта эга жараёнлар учун фундаментал қонулар муштараклигига асосланган аналогия методи.

2. Турли хил билимлар унсурларининг мажмуида синтез бўлган педагогик тизимлар, янги назарий тасаввурларни муайян мақсадни кўзлаб тузиш методи.

3. Ечими объектив равишида мавжуд бўлган янги тушунчалар ва тасаввурлар тизимида илмий масалаларнинг бошлангич маълумотлари ва пировард талабларини қайта таърифлаш методи.

4. Аниқлик (эмпирик)дан мавхумликга ўтиш методи.

5. Мавхумликдан (назарий англанган) ўтиш методи.

6. Назарий жиҳатдан мумкин бўлган вазиятни моделлаштириш методи (таълим сифати, унинг тавсифлари, ўкув машғулоти тузилмаси, таълим дастури бўлимининг мазмуни, шахслараро муносабатлар шакли ва мазмуни).

7. Пировардида тегишли таркибий қисмлар билан бирга киришдаги педагогик жараённинг назорат қилинадиган тузилмаси (масалан, билиш фаолияти)ни чиқишида тегишли таркибий қисмлар билан таққослашга асосланган метод.

8. Мушоҳада орқали тажриба-синов қилиш усули (умуман, юз бериши мумкин (бутуннинг янги сифатларини аниқлаш мақсадида бутундаги қисмларнинг функцияларини мушоҳада йўли билан ўзгартириш).

9. Имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш методи.

10. Таққослаш методи (муқобилларни истисно этувчи қарши кураш).

11. Тадқиқотчи аралашувисиз тизимнинг ривожланишини прогнозлаш.

Фаразлар, тахмин қилинаётган педагогик вазиятлар тузилаётган, уларнинг шахс шаклланишига, таълим фаолиятининг (таълим сифатининг) пировард натижасига таъсири ҳисобга олинганда, амалда ҳаққоний педагогик шарт-шароитларни яратиш мумкин бўлмаган ҳолларда назарий тадқиқотнинг санаб ўтилган методлари ўрнини ҳеч нарса босолмайди.

### I.1.2. ТАЪЛИМ ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ ВА МОДЕЛЛАШТИРИШ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

Жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда, унинг жадаллашуви ёки депсиницида таълим ролининг ортиб бориши, аҳолининг янги-янги ижтимоий гурӯҳлари ва қатламларининг таълим фаолиятига жалб қилиниши олимлар ва мутахассисларнинг унга эътиборини кучайтиришни талаб қиласди.

Таълим сифати муайян маънода иқтисодий омилдир, чунки у ишлаб чиқариш жараёнларига, фан-техника тараққиётiga бевосита таъсир кўрсатади. Шу муносабат билан жамиятда жараёнларни таҳлил қилиш ва прогнозлаш воситаси бўлган тизимли ёндашув, тизимли методлар фоялари ва тамойилларининг ҳақиқий ижтимоий фаолият назарияси ҳамда амалиётига жорий қилиш муаммоси муҳим аҳамият қасб этмоқда.

Тизимли таҳлил методларини ижтимоий жараёнларни баҳолаш ва прогнозлашда кўллаш муаммоларини кўриб чиқсан ҳолда бугун ижтимоий муносабатлар мажмуи яхлит ҳодиса сифатида намоён бўлаётганлигидан келиб чиқиш лозим. Бунда, инсоннинг табиат билан ўзаро муносабатларидан фарқли ўлароқ, инсон ёки кишилар гурӯҳининг онгли, аниқ мақсадга қаратилган фаолияти объекти сифатида жонсиз буюмлар ёки жараёнлар эмас, балки онгта эга бўлган ва онгли фаолият юритаётган одамлар ва ижтимоий гурӯҳлар намоён бўлади.

Узбу ҳолатда инсон яшаётган табиий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий мухитнинг бирлиги ва ажralмаслиги ҳақидаги тезис асосий қоида ҳисобланади. Мамлакатнинг маданий, тарихий, миллий ва диний хусусиятлари шароитида таълимнинг ижтимоий-иқтисодий, меъёрий-хукуқий ва бошқа томонлар билан жипс алоқада бўлиши бунинг оқибатидир.

Ижтимоий муаммоларни тадқиқ қилиш моддий объектларни тадқиқ қилишдан тубдан фарқ қиласди. Буни, биринчидан, ижтимоий объектларнинг ўзига хослиги ва тузилиши ҳаддан ташқари мураккаблиги (хусусан, уларнинг таркибий элементлари ва алоқалари кўп функционаллиги) тақозо қиласди. Йиккинчидан, ҳар доим ҳам бир хилда талқин қилинмайдиган объектларни тавсифлаш анъанаси вужудга келтганлиги; уччинчидан, бу ижтимоий фанларнинг ўзи мураккаблиги, улар инсон омилининг тури жиҳатлари билан жипс алоқада эканлигини тақозо этади.

Жамиятдаги реал жараёнларни ўрганиш, одатда, мавжуд ижтимоий вазиятни ўзгартириш ёки ижтимоий ривожланишнинг янги концепцияларини таклиф қилиш эҳтиёжига боғлик.

Алоқаларнинг ҳаддан ташқари мураккаблиги таълим тизимининг хусусиятларидандир. Бунда улардаги сабаб-оқибат алоқалари баъзан

жуда қийин илғанди, шу боис, илмий жиҳатдан таҳлил қилинмай қолади. Бинобарин, унинг тавсифловчи сифат қисмларини, элементларини, омилларини ва хусусиятларини умумий мақсаддан ажратиб олиш муҳим дастлабки шарт, моҳиятан таълим тизимлари ва жараёнларини илмий моделлаштиришга доир ишларнинг илк босқичи ҳисобланади. Кейинчалик объектив равишда ўлчанадиган катталиклар ёрдамиша уларга миқдорий маъно баҳш этилиб, моделда акс эттирилади, сўнг улар ўртасидаги энг муҳим, асосий, қонуний алоқалар белгиланади.

Ушбу ташқиқот обьекти — «таълим сифати»нинг мураккаб ва кўп дараҷали хусусияти уни таҳни қилишга тизимли ёндашув зарурлиги ни тақозо қиласди. Тизимли ёндашувни тадқиқот методологияси сифатида қўлланиш эҳтиёжи бошқа ёндашувлар имконияти тутаб биттанилиги билан эмас, балки унинг пировард мақсад сифатида тадқиқ қилинаётган жараёнларни ташкил этиш самарадорлигини ошириши билан изоҳланади. Айнан тизимли ёндашув барча муайян вазиятлар, нуқтаи назарлар ва мақсадларни ижтимоий-иктисодий омиллар мажмусида тадқиқ қилган ҳолда, бир қатор муаммоларни ҳал элишга янгича ёндашиш имконини беради. Шу туфайли мавжуд ахборотдан тўлиқроқ ва мақсадга йўналтирилган ҳолда фойдаланиш, уни дараҷалар бўйича тўғри тақсимлаш, юз бериши мумкин бўлган нуқсон ва камчиликларни аниқлаш, кечеётган жараёнларни ўрганиш учун зарур бўлган маълумотларни изчилилк билан излаш имконияти вужудга келади.

Таълим сифатига тизимли ёндашув, биринчидан, уни яхлит бир бутун ва ташқи муҳит билан сабабий-оқибатли боғлаган ҳолатда кўриб чиқишини, иккинчидан, таълим мақсадлари ва ушбу соҳада қабул қилинаётган қарорларни ўрганишни, учинчидан, унда юз бераётган жараёнларни моделлаштиришни билдиради.

Китобда тизимли таҳлилнинг асосий қоидаларини тавсифлаш вазифаси қўйилмаган, уларнинг тавсифини эълон қилинган кўплаб мақолалардан қийинчиликсиз топиш мумкин. Бунда, мақсад тадқиқ қилинаётган обьектда уни қўллаш имконияtlари ва чегараларини кўрсатишдан иборатdir.

Турли соҳаларда тизимли таҳлил методларидан фойдаланиш масалаларини кўриб чиқишида икки хил ёндашув мавжуд.

Биринчи ёндашув тарафдорлари тадқиқ қилиш жараённада аниқ қўйилган муаммони ҳал қилиш учун турли ўзгарувчанларни ва чеклашларни ўз ичига олган математик ва мантиқий тенгламалар тизими вужудга келтириладиган **«тизимли математик таҳлил»га** таянадилар. Вазифа математик ёки имитацион методлар асосида тизимнинг таркиби ёки мақбулликнинг пировард мезони нуқтаи назаридан энг яхши бўлган тизимининг конструкцияланиши ёки амал қилиши режасини кўрсатувчи миқдорий белгиланган ечимини топишдан иборат.

Бошқача ёндашувда асосий эътибор «*тизимли мантиқий таҳлил*»-га қаратиласди. Бунда тизимли таҳлил ечимларни ишлаб чиқиш воситаси сифатида, аввало, муаммони тушуниш ва тартибга солиш ёки айни нарса ҳал қилиниши лозим бўлган муаммони «таркиблаштириш» методологияси сифатида кўриб чиқиласди.

Иккинчи ёндашувнинг тизимли таҳлили — бу тадқиқ қилиш бўлиб, унинг мақсади қарор қабул қиласидиган бошқарув ходимига ҳақиқий мақсадларни мунтазам ўрганиш, харажатларни, мақсадга эришиш стратегиясининг ҳар бир муқобили билан боғлиқ самардорлик ва таваккалчилликни микдорий қиёслаш (буни амалга ошириш мумкин бўлган жойда) йўли билан, шунингдек, агар муқобил деб ҳисобланса, қўшимча муқобилларни таърифлаш орқали ҳаракат йўлини танлашда ёрдам беришдан иборатдир.

Бундан, биринчидан, тизимли таҳлил қарор қабул қилишга масъул бўлган шахсларнинг фаолиятига ёрдам бериш учун аниқ йўналтирилганлиги ва, иккинчидан, таҳлил методологиясининг мақсадларини аниқлаш, қайта кўриб чиқиш ва англаб этишни ҳисобга олган ҳолда мақсадга эришишга доир имкони борича кенг кўламдаги муқобил имкониятларни аниқлайдиган, таҳлил қиласидиган ва баҳолайдиган қилиб куриш кераклиги тўғрисида хулоса келиб чиқади. Методологиянинг айнан ана шу қирралари илмий-таҳлилий методларнинг турли фаолият соҳаларида (шу жумладан таълим соҳасида ҳам) қарорлар қабул қилишга таъсири тўғрисида гапириш имконини беради.

Мамлакатимиз ва чет эллик етакчи олимларнинг инсон фаолияти турли соҳаларида тизимли таҳлил усулларидан фойдаланиш методологиясига ёндашувларини таҳлил қиласидаги ҳолда, ҳар бир муаллиф ўзининг таҳлилини ўткизиш босқичларининг у ёки бу маънодаги ўзига хос таснифини таклиф этаётганига қарамай, қарашларда умумийлик мавжудлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Ижтимоий жараёнларни таҳлил қилиш асосига айнан ана шундай ёндашувлар кўйилган бўлиши керак.

Ижтимоий соҳада тизимли таҳлилни қўллаш имкониятлари муайян тарзда чекланган. Мутахассисларнинг фикрича, тизимли таҳлилга мураккаб вазиятларда қарор қабул қилиш тўғрисидаги фан сифатида қарамаслик лозим. Бу буткул амалий ёндашув бўлиб, унинг мақсади раҳбариятта муайян муддатда тақдим этилиши керак бўлган аниқ тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Иккинчидан, тизимли таҳлил предмети ижтимоий ҳодиса ва жараёнлар бўлиб, у кечеётган жараёнлар моҳияти ҳақида илмий фактлар етарлича тўпланмаган билимлар соҳасига тааллуқlidir. Муқобилларни баҳолаш ва энг яхши ечимни излашнинг формал методларини тадқиқ қилиш ва қўллашнинг аниқ таркибий-мантиқий асоси

мавжуд бўлганда ҳам, ҳанузгача унинг барча босқичларида қарор қабул қилиш учун масъул бўлган экспертлар ва шахсларнинг субъектив мулоҳазалари ва интиицияларининг белтиловчи омил сифатидаги роли сакланиб қолмоқда. Шу сабабли ҳам тизимли таҳлилда амалда холислилик, аниқлик ва натижаларнинг тақрорланувчалиги (яъни ўша натижаларга эришиш учун бошқалар томонидан тақрорланиши мумкин бўлган жараён асосида холосалар олиш) каби илмий-тадқиқот стандартларига ҳеч қачон тўлиқ эриша олмайди<sup>1</sup>.

Шуни назарда тутиш керакки, бошқарув соҳасидаги қарорларни асослаш методологияси бўлган тизимли таҳлил, ҳал этиладиган вазифаси ўхшашиб ёки орасида муаммолар хусусиятига кўра белгиланиши билан алоҳида ўрин тутади. Г. Саймон ва А. Ньюэлл<sup>2</sup> таснифига кўра, барча муаммолар уларни билиш даражасига қараб уч синфа бўлинади:

- «яхши таркиблаштирилган» ёки миқдор жиҳатдан шакллантирилган синф, унда асосий боғлиқликларга шунчалик аниқлик киритилганки, улар пировард натижада оладиган баҳо сонлар ёки рамзларда акс эттирилган бўлиши мумкин;
- «таркиблаштирилмаган» ёки сифат жиҳатдан ифодаланган, энг муҳим ресурслар, белгилар ва хусусиятлар ҳамда мутлақо номаълум бўлган миқдорий боғлиқликлар тавсифигагина эга бўлган синф;
- «заиф таркиблаштирилган» ёки ҳам сифат, ҳам миқдорий элементларни ўз ичига олган аралаш муаммоларга эга бўлган синф, бунда муаммоларнинг сифат, яхши маълум бўлмаган ва ноаниқ томонлари устунлик қиласди.

Бизнинг тадқиқот обьектимиз «заиф таркиблаштирилган» муаммоларга таалутукили бўлиб, уларни ҳал этиш учун тизимли таҳлил кўзда тутилган.

С. Оптнер<sup>3</sup> кўрсатишича:

- келгусида ҳал этиш учун мўлжалланган;
- кенг кўламдаги муқобиллар қўлланиши мумкин бўлган;
- кўп миқдорда маблағ сарфини талаб қиласиган ва таваккалчилик элементлари мавжуд бўлган;
- қўймат ёки вақт талаблари улар учун тўлиқ аниқланмаган;

<sup>1</sup> Масалан, қаранг: E.S.Quade. *Systems Analysis Techniques for Planning -Programming Budgeting. «Planning-Programming-Budgeting: A systems Approach to Management.»* Chicago, 1989. p.300

<sup>2</sup> H.Simon. A.Newell. *Heuristic Problem Solving: the Next Advance in Operations Research. «Operations Research». Vol.6. January, 1958. p.4.*

<sup>3</sup> Бу ҳақда батафсил қаранг. Вентцель Е. С. Исследование операций. М., 1972; У. Черчмен, Р. Акоф. Л. Арноф. Введение в исследование операций. М., 1968; ва бошқалар.

■ ҳал қилиш учун зарур бўлган манбаларни комбинациялаш (мужассамлаштириш) оқибатида ички мураккаб бўлган муаммолар шулар сирасига киради.

Тизимли таҳлил амалга оширишда, таркиблаштириш жараёнида муаммо кўп жиҳатдан аралаш муаммога айланади. Бунда унинг айрим элементлари миқдорий ифода касб этади ва элементлар ўтасидаги муносабатлар ойдинроқ бўлиб боради. Тизимли таҳлил қарор қабул қилишининг қатъий миқдорий методларига ҳам, тадқиқотчи-нинг санъатига бутунлай боғлиқ бўлган интуитив-тажрибавий ёнда-шувга ҳам хос бўлган унсурларни ўз ичига олади.

«Суст таркиблаштирилган» муаммоларни ҳал қилиш методологиясига татбиқан «тизимли таҳлил» терминининг мазмуни қуйидаги маъноларга эга<sup>1</sup>:

■ «тизимли» тушунчаси бундай тадқиқот аслида қарор қабул қилиниши лозим бўлган ўша ҳаққонийлик тушуниладиган тизим (шу жумладан ижтимоий тизимлар) категориясидан фойдаланишга асослангани учун қўлианилади;

■ «таҳлил» термини муаммони ҳал қилиш қуляйроқ бўлган таркибий қисмларга бўлиш, айрим муаммоларни ҳал этиш учун мосроқ маҳсус усуллардан фойдаланиш ва, ниҳоят хусусий ечимларни умуман муаммонинг ечимини топадиган тарзда бирлаштиришдан иборат бўлган тадқиқ тартиботини тавсифлаш утун фойдаланилади.

Жамият ҳаётида рўй берәётган ўзгаришлар кишилар ижтимоий фаолиятининг шакл ва методлари жадал ортиб боришига олиб келади. Бу эса, тизимли таҳлил нуқтаи назаридан, давлат ва жамоат тузилмаларининг улар билан ишлаш шакллари ва методлари хилмаки-лиги ортиб бориши кераклигини билдиради. Улар янада динамик бўлиши ва ўзгаришларга тезроқ мослашиши, бошқарув объектигининг муҳим томони бўлмиш номуайянликни ҳисобга олиши ҳам узвий қамраб олиши лозим.

Бошқарув ходими тузилмалари инсон фаолиятини муайян мақсад йўлида ташкил этиш, белгиланган мэрраларга эришишга доир аниқ ижтимоий чора-тадбирлар мажмуасини амалга ошириш бўйича амалий воситага ниҳоятда муҳтоҷ. Объектив қонунларни ижтимоий бошқарув механизмига «ўтказиш», яъни жамият тараққиёти-нинг объектив қонунларини акс эттирадиган мавхум фан тилини кўйилган мақсадларга жуда яхши тарзда эришиш учун одамларни тартибга соладиган ва рағбатлантирадиган қарорлар, нормативлар,

<sup>1</sup> Оптинер С. Системный анализ для решения деловых и промышленных проблем. М., 1969. English J. Morey. Cost-Effectiveness. N. Y. 1968, p. P.13.

Кўрсатмаларнинг аниқ тилига ўтказиш амалга ошириладиган ижтимоий технология ана щундай восита ҳисобланади<sup>1</sup>.

Ижтимоий аҳамиятта эга бўлган ҳар бир ҳаракат бошқарув ва бошқарувдан ташқари кўплаб омиллар натижаси демакдир. Энг қийини, ана шу омилларнинг таъсир кучини ажратиб олиш ва баҳолашдан иборатдир. Айнан шу соҳада ички туйту асосидаги ёндашув ўз ўрнини илмий асосланган технологияга бўшатиб бериши керак.

«Технология» (грекча *techne* — санъат, маҳорат ва *logos* — сўз, таълимот деган маъноларни англатади) тушунчасидан муҳандислик амалиётида машиналар, асбоб ва ускуналар яратища фойдаланилди. Сўнгги вақтларда ушбу тушунчадан келиб чиққан «ижтимоий технология», «педагогик технология» атамалари ижтимоий ва педагогик бошқарув жараёнларини тавсифлаш учун мамлакатимиз ва чет эллик муаллифлар томонидан кенг қўлтанила бошлади<sup>2</sup>. Бу ерда гап кишилар фаолиятига, хусусан, таълим тизими ва жараённига омилкорлик билан раҳбарлик қилиш натижасида қўйилган мақсадларни босқичма-босқич амалга ошириш имконини берувчи илмий усуслар, воситалар, ишлар ҳақида бормоқда.

Бошқарув жараёнларида хилма-хил технологиялардан фойдаланилади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусият ва аломатларга эга. Шу билан бирга, айрим технологиялар нечоғли хилма-хил бўлмасин, уларнинг ҳар бири негизида муйян тузилма ётади. Ҳар қандай технология даставвал мавҳум назарий даражада ишлаб чиқулади. Бу, агар шундай деб аташ мумкин бўлса, «соф», «абстракт» («мавҳум») ҳолдаги технологиядир. Унда бошқарувнинг ўзига хосликлари ижтимоий фаолият тури сифатида ифодаланади.

Технологиянинг моҳияти тартибот ва операция каби икки асосий тушунча орқали аниқланади. Тартибот — технологиянинг моҳиятини ифодалашда ёрдам берадиган ўёки бу жараён (фаза, босқич) амалга ошириладиган ҳаракатлар (ишлар) мажмуси, демакдир. Операцияни эса ушбу аниқ жараён доирасида муйян масалаларни амалий ҳал қилиш, деб тавсифлаш мумкин.

Глобал технологиялар сирасига кирувчи тартиботлар ва операция юқори даражадаги абстракция масалалари билан боғланганда гина унинг таркибий элементлари бўлади, яъни умумаҳамиятга молик технология ҳисобланади. Глобал технологиялар аниқ технологиялар тизимига айланганда у ёки бу тартибот мақоми жиддий равищда ўзгариши мумкин. Жамиятда кечётган жараёнларни таҳлил қилишица ижтимоий соҳа ҳақида тўғри тизимли тасаввур ҳосил қилиш мухим. Социология турли

<sup>1</sup> Қаранг: В. Г. Афанасьев. Общество: системность, познание и управление. М., 1981. С. 369.

<sup>2</sup> Масалан, қаранг: М. Марков.

тизимларнинг ўзгариш жараёнларини таҳлил қилиш имкониятига эга бўлиш учун статистикадан динамикага ўтди. Агар илгари иқтисодиётда «ривожлантириш» ва «замонавийлаштириш» ҳақида гап борган бўлса, эндиликда бир тизимдан замонавийроқ бошқа тизимга ўтишни белгилаётган жараёнларни кўрсатиш учун жамиятда «ривожлантириш» ва «замонавийлаштириш» тўғрисида гапириладиган бўлди<sup>1</sup>.

Ижтимоий-тизимли таҳлил, жамиятдаги жараёнларни билиш ва вазият ҳақида ишончли ахборот олиш методи сифатида қарорларни ишлаб чиқиш ва натижанинг ишончлилик даражасини оширишга вақт сарфини қисқартириш ҳисобига бошқарув тузилмалари ва жамоат бирлашмаларининг иш самарадорлигини ошириш имконини беради.

Юқорида таъкидланганидек, аксарият олимлар ва мутахассислар ҳозирги давлатда сиёсий аппарат фаолиятини режалаштириш ахборот технологияларидан фойдаланишни тақозо қиласди, деб ҳисобламоқдалар. Бундай ёндашув, ўз навбатида, ижтимоий фанлар, хусусан, жамият ҳақидаги фан олдига янги мураккаб вазифаларни кўяди.

Бу ижтимоий-сиёсий бошқарув соҳасида янги илмий-техник во-ситалар — математик статистик ва ахборот технологиялари методларидан самарали фойдаланиш учун куйидаги шарт-шароитлар зарурати билан боғлиқ:

- биринчидан, тадқиқ қилинаётган тизимларнинг фаолият юритиши ва ривожланиши назарияси категориал аппаратининг ишлаб чиқилганлиги ва қатъийлиги;
- иккинчидан, ижтимоий-сиёсий тизимлар ва жараёнларнинг илмий моделларини ишлаб чиқиш;
- учинчидан, математика назарияси, математик мантиқ, дастурлаштириш ва алгоритмлаш тушунчасининг етарли даражада ривожланганлиги;
- тўргинчидан, ривожланган статистика тизими;
- бешинчидан, ахборот маълумотларини тўплаш ва ишлашнинг автоматглаштирилган тизими.

Назарий таҳлил модел билан ишлашнинг барча босқичларида ва, энг аввало, моделлаштиришнинг дастлабки шарт-шароитларини таърифлашда зарур. Бундай таҳлил математик моделни конструкциялашга қадар зарурлиги қўйидаги икки сабабга кўра аён бўлади:

- биринчидан, тадқиқотчи ҳисоб-китоб натижасида ишни амалга оширишга қадар номаълум бўлган маълумотларни олиши лозим бўлганида моделнинг оригиналлик талабига риоя этилиши керак;
- иккинчидан, модел воқеликка максимал даражада яқинлашиши керак.

<sup>1</sup> Р. Ж. Шварценберг. Политическая социология. М., 1992. В 3-х ч. Ч. 2. с. 102.

Ижтимоий жараёнларнинг ўёки бу қирраларини таҳлил қилиш учун ахборот технологияларидан фойдаланишга уриниб кўрилган лигини қайд қилиш керак. Илгари ҳал этилмаган бир қатор техникивий ва табиий-илмий масалаларни ечишда эришилган муваффақиятлар натижасида математиканинг курдати ҳис қилинди ва олимлар иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва бошқа тизимларнинг ўзаро муносабатини ўрганиш билан боғлиқ бўлган ўзлари учун янги соҳаларда энг муҳим муаммоларни ечишга зўр илҳом билан киришиб кетдилар. Гуманитар фанлар билан алоқалар йўлга кўйилгач ва улардан олинган ахборот иккинчи даражали деталлардан «гозалангач», масала кутилганидан ҳам жўнроқ бўлиб кўринди. Шундан сўнг иқтисодиётда, социологияда, сиёсатшуносликда математик моделлар оммавий равишда ишлаб чиқила бошланди.

Афсуски, мазкур моделлар оддийдек бўлиб кўринса-да, улар сифатининг асосий мезонлари соғлом фикрга зид эмаслиги — етарли бўлиб чиқмади. Жиддий танқид қилиш бошланди. Иккинчи даражали бўлиб кўринган деталлар мураккаб ўзаро муносабатда бўлиб, уларнинг бузилиши бутун манзарани номақбул равишда соддлаштиришга, кечеётган жараёнларни бузиб кўрсатишга олиб келиши аён бўлди.

Маълумки, ижтимоий ҳаётнинг мураккаб, кўп омилли, аксарият ҳолларда бир-бирига зид бўлган ҳодисаларини тизимли моделлаштириш осон иш эмас. Ижтимоий-сиёсий жараёнларни компьютерда моделлаштиришдан фойдаланиш масалалари кўриб чиқилар экан, математик модел ижтимоий ҳодисалар, тузилмалар ҳамда жараёнларни расмийлаштирган ҳолда ўзининг бошланғич кўрсатмалари бўйича реал воқеликни соддлаштириши ва, шу билан бирга, уни дагаллаштиришини аниқ тасаввур қилиш мумкин. Кўлланилаётган математик моделда, одатда, сабаб-оқибат муносабатлари эмас, балки функционал ёки корреляцион алоқалардан фойдаланилади. Шу боис математик моделлаштиришга ижтимоий-сиёсий таҳлилнинг оралиқ босқичи сифатида қараш мумкин.

Айнан шу сабабдан ўз ечимини талаб қиласиган ҳамда курдатли ахборот-ҳисоблаш воситаларига эга бўлган ижтимоий ҳаётнинг йирик ва долзарб муаммолари мавжуд бўлган ҳозирги вақтда ушбу соҳада математик усуслардан фойдаланиш хусусий, маҳаллий хусусиятга эга. Буларнинг ҳаммаси фақат миқдорий таҳлил усуслари, математика ва замонавий электрон-ҳисоблаш техникаси, ижтимоий фаолият назарияси ва амалиёти соҳасида етарли деб ҳисобланиши мумкин эмас, деб фикр юритишга асос бўлиб хизмат қиласи. Бундай қарашларнинг тарафдорлари кўпинча ижтимоий жараёнларнинг — фавқулодда мураккаблигини, уларнинг ривожланишига таъ-

сир этувчи омилларнинг кўтиғини, тасодифларнинг роли катталигини, «субъектив» омилларни ҳисобга олиш ва миқдорий баҳолаш қийинлигини рўкач қиласидар. Бундай мулоҳазаларни тушуниш мумкин, аммо уларга қўшилиб бўлмайди.

Қайд этилган омиллар ва ҳолатлар, табиийки, ижтимоий тизимлар ва жараёнларнинг ҳам сифат, ҳам миқдорий таҳдил этишини узвий қўшиб олиб борувчи методларнинг жорий қилинишини қийинлаштиради. Аммо таълим тизими кишисининг фаолият соҳаси сифатида, бошқа ижтимоий соҳалар каби, ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатидан ҳеч бир истисносиз рационал таҳдил қилиниши мумкин. Миқдорий таҳдил ва математик воситалар эмпирик ҳисоб-китобда ишларни юз бериши мумкин бўлган камчиликсиз юритишнинг оқилона варианatlарини аниқ ҳисоб-китоб қилиш, олдиндан кўра билиш ва фойдаланиш имконини беради.

Умуман, ижтимоий фанлар ўзларининг диалектик ўзаро алоқасини тўгри англаб етиш асосида расмий ва норасмий усуllар ҳамда воситаларнинг узвий уйғунлиги ва ўзаро таъсири асосида ривожланадиган даражага тобора яқинлашмоқда. Ҳар бир ижтимоий ҳодисани шакллантириш технологияси стратегик қарорлар талабларини; бу ҳодисанинг бошқа шунга ўхшаш ҳодисалар билан муносабатини; асосий воситалар, методлар, усуllар шаклини ишлаб чиқиши; жараёнларнинг маконда ва замондаги ўринлилигини кўриб чиқиши ҳисобга олган ҳолда, аниқ мақсадга қаратилган сиёсий ёки ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жараёнини акс эттирувчи назарий моделни яратишни кўзда тутади.

Бунинг учун, кўплаб муҳим омилларни ҳисобга олган ҳолда ишталған натижага нисбатан осон ва тез эришиш имконини берадиган оддий эвристик усуllардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Мурракаб ҳодисаларни таҳдил қилиш учун соддалаштирилган математик усуllардан фойдаланиш кенг эътироф этилмоқда.

Назарияни формаллаштириш — бу амалда гуманитар фанларнинг биз учун одатий бўлиб қолган категориялари, қоидалари, тушунчаларини замонавий электрон-ҳисоблаш техникаси фойдаланиши мумкин бўлган математик категориялар (тушунчалар, алгоритмлар, формуалалар) тилига ўтказиш демакдир.

Ижтимоий-иқтисодий тизимнинг илмий модели ўлчанадиган катталиклар ёрдамида ва вақт омилини ҳисобга олган ҳолда ушбу тизимларнинг муҳим унсурлари ҳамда қонуний алоқалари (тузилма қонуллари, иш юритиш ва ривожланиш)ни мос равиша акс эттириши керак. Тизимнинг қайси элементлари (таркибий қисмлари) муҳимроқ, ушбу тизимларда қандай алоқалар қонуний, деган саволга илмий методология ва назария жавоб бериши мумкин ва лозим.

Асосийси ижтимоий муносабатларнинг ҳақиқий илмий назарияси, яъни, илмий қарашлар ва концепциялар тизимини формаллаштиришнинг асоси сифатида тузилмани ва ижтимоий тизимларнинг фаолият юритиш ҳамда ривожлантириш қонуналарини тўғри акс эттирувчи тизимини танлаш ва фойдаланишдан иборат. Бундай назария ёки концепцияни қайд қилиш шакли масаласи эса унинг мазмуни тўғрисидаги масалага боғлиқдир.

Ижтимоий соҳада моделлаштиришдан фойдаланиш масалалари кўриб чиқилар экан, жамият ҳаётининг турли жараёнлари ва ҳолатларини баён қилишда ундан кўпдан бери ва ҳамма жойда фойдаланилаётганинги таъкидлаб ўтиш лозим. Зоро, кент маънода модел объект, тизим ёки тушунча(гоя)нинг уларнинг реал мавжудлиги шаклидан фарқ қўйувчи айрим шаклда тасаввур этилишидир»<sup>1</sup>.

Бу ҳол у ёки бу тавсифий моделлар барча давлат ҳужжатларида мавжудлигини тасдиқлаш имконини беради. Турли даражадаги ҳокимият тузилмалари материалларида таърифлаб берилган моделлар жамиятни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бундай моделлар учта: жамиятнинг ҳозирги ҳолати модели, жамиятнинг келгусидаги ҳолати модели ва ушбу янги ҳолатга эришилиши бўйича ҳаракатларнинг тавсифий модели. Бундай моделлар кечеётган жараёнлар моҳиятини тушуниш ва катта мақсадлар қўйиш воситаси сифатида зарурдир.

Ижтимоий соҳада ишлаш амалиёти инсон фаолиятини муайян мақсадни кўзлаб ташкил этишининг, белгиланган мэрраларга эришиш бўйича конкрет ижтимоий чора-тадбирларни амалга оширишнинг таъсирчан воситасига жуда муҳтоҷ.

Ҳозирги вақтга келиб моделлаштиришнинг чизиқли дастурлаш «харажатлар — ишлаб чиқариш» принципи бўйича таҳлил қилиш, иқтисодий моделлаштириш, схоластик моделлаштириш, тизимли динамика каби маҳсус усуслар ва тартиботлар ҳамда обьектларни ва моделлаштириш методларини тавсифлаш усувларини характерлайдиган бир қанча методологик ТМ вужудга келди. Моделлаштиришнинг ҳар қандай вариантида моделлаштириладиган ҳодисани идрок этиш «мутлақ холис» ҳисобланмайди. У барча босқичларда тадқиқотчининг концептуаллашдан тортиб, натижаларни талқин қилишгача бўлган тасаввурларининг бутун тизимига боғлиқ. Одатда бундай тизим моделлаштиришнинг дастлабки тажрибасини ўрганишда, ҳамкаслар билан мулоқотда ва ҳ. к. беихтиёр шаклланади, шундан сўнггина ҳақиқий ҳисобланниб, танқидий таҳлилга тортилмайди.

<sup>1</sup> Р. Шенон. Имитационное моделирование систем-искусство и наука. М. 1978. с. 15. С. В. Мелихов. Качественные методы в американской политологии. М.: Наука, 1979. с. 27.

Бошқарув самарасига кўп жиҳатдан дастлабки босқичда — моделлаштиришда замин яратилади. Ушбу босқичда тизимнинг бошлангич кўрсаткичлари, муайянчилик ва эҳтимол тутилган динамикаси белгиланади, ташкилий-иктисодий ресурслар ҳисоблаб чиқилади.

Бизнингча, таълимни давлат билан тизимли-нуксанли муносабатлардан олиб чиқиб, уларни тизимли-самарали муносабатларга ўтказа оладиган таълим жараёнларини моделлаштириш зарур.

Тадқиқотда биз моделни бирон-бир объектни акс эттирадиган тизим сифатида тасаввур қиласми. У кўрсаткичлар схемаси шаклига эга бўлиб, бундай ҳолда бошқа (моделлаштирилаётган) объектта ўхшаб қоладиган реал объект сифатида мавжуд бўлиши мумкин.

Тавсифланаётган эмпирик факт ёки таълим жараёни модел бўлиши мумкин. Бизнингча, объектни тегишли кўрсаткичлар билан ифодаланган омиллар тизимида берадиган концептуал моделни тузиш илмий моделлаштиришнинг зарур босқичи ҳисобланади. Концептуал модел сифат ва миқдорий мазмунни очиб берадиган янги кўрсаткичларни жорий қилган ҳолда бошқа ҳар қандай моделни ўзгартириш билан бирга учрайди.

Моделлаштириш ўрганилаётган объектнинг яхлитлигини, унинг тузилмасини, иш юритишини такрорлашда, ушбу яхлитликни тадқиқотнинг излаш-диагностик лойиҳадан тортиб, уни жорий қилишга қадар барча босқичларида сақлаб қолишга ёрдам беради. Ҳар бир ўзгарувчан модел объектнинг қандайдир модели, унинг тузилмаси сифатида тақдим қилинган кўрсаткичлар тизимида акс эттирилганда гина маъно-мазмунга эга бўлади.

Бундан ташқари, моделлаштириш нафақат муайянликни, балки ижтимоий объект динамикасини ҳам қамраб олади. Модел функцияси, пировард натижада, прогнозлаш негизи бўлиб хизмат қилишдан иборатdir. Таълим социологияси учун ушбу тамойил таълим жараёни ва таълим тизими йўналғанлигининг юқори даражадаги динамикасига — хатти-ҳаракатни келгуси ҳолатга мослаш заруратига эгалиги билан муҳимdir. Зотан, таълим — бу субъектни истиқболда ҳамиша йироклашган келгуси фаолиятга тайёрлаш, демакdir. Моделнинг динамиклиги ўзгарувчанларнинг ижтимоий-маданий динамикани тавсифловчи бирон-бир ўзгаришни ўзаро акс эттиришга қодирлигига намоён бўлади.

Таълимда моделлаштириш муаммолари ўзгарувчанлиги миқдорий ўлчашда вужудга келади. У ёки бу сифат кўрсаткичларини киритишдан олдин, жараёнларнинг қадрият табиати билан келишган ҳолда, уларни ўзгартиришга йўл қўйиш мумкинлиги ҳақидаги масалани ҳал қилиш зарур.

Фаолиятнинг аниқ турларини тузишдан олдин концептуал модель яратилади. У гўё кейинги ўзига хос барча моделларга замин яратиб, уларни шарҳдаш ва таққослашда ёрдам беради.

Концепция мазмуни моделда ўз аксини топади. Матнга оид таҳлилий тавсифда киритилган ҳар бир концепт турли талқинлар чегарасини бузмаса, бир-бирига яқинлаштирадиган контекст билан тўлдирилган бўлади. Қандайдир бигта ўзгарувчанинг (концептуал схема бўгинининг) нотўғри идрок этилиши бутун конструкциянинг нотўғри идрок этилишига олиб келади. Фақат ижодий изланиш, хилмажил ёндашувлар орқали чукур мазмунга эга бўлган самарали универсал моделни яратиш мумкин бўлади.

Таълим фаолияти фавқулодда жўшқин бўлиб, унинг элементлари орасидаги алоқалар унчалик бир хилда кечавермайди, айни маҳалда турли ўтчамларда намоён бўлади. Бигта алоқани акс этиришга уриниб, жиддийликда кам бўлмаган бошқа моделни беихтиёр бой берамиз.

Таълим моделида таркибий қисмлар муайян жараёнларнинг акси сифатида намоён бўлиши керак. Шунингдек, таълим фаолияти элементларни қандайдир тартибга, тизимга, уюшишга бўйсундириш усули эканлигига ҳам эътиборни қаратамиз. Айнан ана шу тизимли-ташкилий жиҳатни таълим тизими ва кадрлар тайёрлаш моделида ифодалашга уриниб кўрамиз.

Ушбу тизим даставвал икки томон, яъни, ташқи ижтимоий ташкил этиш ва ташқининг акси бўлган ички ташкил этиш сифатида намоён бўлади. Биз «таълим» деб атайдиган нарса унинг ички ижтимоий ташкил этилишидир.

Кадрлар тайёрлаш ва узлуксиз таълим тизими моделида элементларнинг уч блокини ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар: предмет-функционал ва қадрият йўналиши, ташқи ва ички ташкил этишдир. Предмет-функционал, қадрият йўналиши унсурлари атрофида фаолият майдони ҳосил бўладиган қандайдир ўқни ташкил қиласиди. Унда, иккита кутб ўргасидаги каби ўзаро акс этиш ва унсурларнинг тортишиши юз беради.

Сўнг моделлаштиришнинг навбатдаги босқичи — блок унсурларни ажратиб олиш келади.

Предмет-функционал, қадрият йўналишида мақсад, функция ва натижани ажратиб кўрсатамиз. Уларнинг аҳамияти куйидагича, яъни фаолият предметининг қадрият мазмуни функцияда акс этирилишида, предметнинг ташқи борлигининг субъект эҳтиёжининг ҳолати билан алоқасида намоён бўлиши мумкин. Функция натижада «буюмлашадиган» эҳтиёждада такрорланади.

Ташқи ташкил этишда, чамаси, нафақат субъект ҳаракатлари во-ситалари таркибини, балки улар фаолият турларида қандай акс эт-

тирилишини, субъектга қандай ҳаракат усууларини бахш этишини излаш мұхим. Ушбу блокда қуидагиларни: технологияларни, белгиловчи усуулар таркибини, ҳаракатларнинг усуулари, таркиби, изчиллигини, белгиловчи технологияларни, методларни, сұнгра ижтимоий ташкил этишини, яъни ижтимоий коммуникация, бошқа субъектлар билан мулоқот усууларини, жалб қилинадиган технологиялар ва воситаларни ижтимоий ташкил этишининг функциясини акс эттирувчи инфратузилмани ажратамиз.

Ички ташкил этиш блокига қуидаги таркибий қысмлар киритилиши мүмкін:

- 1) йұналиш — у орқали функцияга ва уни амалға ошириш воситаларига муносабат, диспозиция белгиланади;
- 2) ундаш — у орқали ички ҳолат ифодаланади ва унинг ички фаоллиги, үзини үзи рүёбга чиқариши келиб чиқади;
- 3) мослашиш ва ишлаб чиқыш — улар орқали, таълим соҳасига жалб қилинадиган элементларнинг даставал мослашиши, сұнгра үзгариши жараёни шу ҳаракатлар орқали кечади.

Элементларнинг ўёки бу блокка таалуқлилiği улар динамикасининг умумий йұналишигагина ургу беради. Шу билан бирга, бирон-бир элемент тадқиқотчининг дикқат марказига түшса, тизимнинг бутун тузилмаси унинг ўз ўлчовида намоён бўлади.

Концептуал модел уни изоҳлайдиган тушунчалар шарҳига мұхтож. Концептуал моделни обьект яхлитлигини назарий тушуниш сифатида тасаввур этиш мүмкін, у тадқиқотнинг барча босқычларида үзи ҳақидаги тизимли тасаввурларни кўллаб-қувватлайди, кейинги барча моделлар учун таркибий асос бўлиб хизмат қўлади, назарий қоидалар ва эмпирик маълумотлар асосида курилади, навбатдаги ҳар бир босқичда янги маълумотлар муносабати билан ўзгарувчан моделлар маъно-мазмунини аниқлаш зарур. Таълим тизими ва таълим жараёни реал ҳолатининг модели ўзгарувчаларнинг концептуал моделiga киритилган ўлчов натижаси сифатида берилган.

Биринчидан, модел реал алоқалар ва имкониятлардан келиб чиқади, иккинчидан, у ечимнинг мақбул йўлларини топишга, реал имкониятларда кўпроқ самара олишга эришишга йўналтирилади. Бунда таълим жараёни иккита асосий компонентни — реал ҳолат ва имкониятни ўз ичига олади, яъни бирга олганда бу таълимнинг реал мүмкін бўлган ёки бўлиши мүмкін — реал ҳолати, демакдир.

Прогноз масаласига келсак, у нафақат обьектнинг тавсифини, балки унинг муаммоли ва барқарор вазиятларни аниқлаш ва таҳлил қилишини ўз ичига олган диагнозини ҳам кўзда тутади. Фаолиятдаги муаммолилик, кескинлик, ундовчи, йўналтирувчи, мослаштирувчи, коммуникатив механизmlар ҳолатларининг мувофиқлаштирилган-

лигига боғлиқлигини таҳмин қилиш мумкин. Ўз навбатида, таълимдаги муаммолиликни, бизнингча, ўқув фаолияти реал амалиётнинг амалий ва маданий намуналарига мувофиқлиги ўлчови билан боғлаш мумкин. Прогнозлашда қўйилган энг муҳим қадам муаммоли вазиятларни, объектнинг ривожланиши ва фаолият юритишдаги зиддиятларни ҳал қилиш, прогноз (идеал) моделларни тузиш омилларини излашдан иборатdir.

Прогнозлаш тартиботи — бу киритилаётган омиллар таъсири остида лойиҳавий вазиятларни таҳдил қилиш, бундай омиллар таъсири оқибатларини аниқлаш, баҳолаш демакдир. Янги моделларнинг жорий қилиниши ва эскиларидан воз кечилиши энг жўшқин омил ҳисобланади. Таълим тизими бундай таъсирга жуда сезгирдир. Автоматлаштириш, компьютерлаштириш таъсири остида барча анъанавий касбларда меҳнат мазмуни сифат жиҳатидан ўзгаради.

Ижтимоий ҳаётнинг барча бўғинларини демократлаштириш аслида ҳаётимиздаги янги вазият бўлиб, таълим соҳасида давлат ва жамоат бошқарувининг мавжуд тузилмаларини баҳолашга, шунга мувофиқ равишда, ушбу тузилмаларга кирувчи одамлар нуқтаи назарига бошқача ёндашишга мажбур қилди.

Шу боис прогнозлаш таълим жараёнларининг турли вариантларини экспериментлар асосида тузиш ва таҳдил қилишининг кўп ҳадли жараёни сифатида таърифланган. Ушбу экспериментлар давомида, пировард натижада, муаммоли вазиятларни самарали ҳал қилиш ҳамда ижобий ва салбий ҳаракатлар нисбатининг йўл қўйилиши мумкин бўлган муйян чегараси сифатида мақбул модел белгиланади.

Таълим жараёнининг моҳияти у нималар асосида келиб чиқишини, қандай ҳаракатлар ва ўзгаришларда амалга оширилишни ифодайди. Ҳар бир таълим жараёнининг мазмуни ўзига хос бўлиб, у ҳар қандай ҳолда элементларнинг қўйидаги уч гуруҳини ўз ичига олади:

- 1) таълим жараёнида амалга ошириладиган таълим фаолиятлари ва ўзаро муносабатлар;
- 2) таълим фаолиятлари ва ўзаро муносабатлар предмети, яъни улар нима сабабдан ва нима учун амалга оширилади;
- 3) таълим фаолиятлари ва ўзаро муносабатлар таъсирида вужудга келадиган ўзгаришлар.

Таълим жараёни шаклларининг хилма-хиллиги унинг бир-биридан фарқланувчи шароитларда намоён бўлиши билан боғлиқ. Масалан, кураш яширин, очик ёки оммавий (намойишкорона) шаклларда ифодаланиши мумкин. Курашувчи томонларнинг хатти-ҳаракати бир-биридан шаклан ҳам фарқланади. Бунда кураш намоён бўлишининг эмоционал, коммуникатив, инструментал шакллари ҳақида гапириш мумкин.

Агар таълим жараёни мазмуни, турли шароитларга нисбат берилмасдан, ўзига хос жиҳатларни ифодалайдиган бўлса, у ҳолда шакл унинг айнан ана шу фарқланувчи шароитларни ҳисобга олган ҳолда унинг намоён бўлишини ифодалайди.

Ушбу жараёnda иштирок этувчи айрим индивидлар ёки индивидлар гурӯҳлари таълим жараёни қатнашчилари ҳисобланади. Иштирок даражаси хилма-хил бўлиши мумкин. Бунда жараён субъекти, яъни унинг фаол иштирокчиси ҳам, пассив обьекти ҳам бўлиши мумкин. Масалан, бошқариув жараёнини оладиган бўлсак, бунда роллар бошқариш субъекти — ким бошқариши ва обьекти — ким бошқарилиши аниқ белгиланган. Субъект билан обьектнинг роли ўзини ўзи бошқариш ҳолларида улар субъектив ва обьект роли битта қатнашчиларни жамланади. Айрим ҳолларда жараён қатнашчиларининг тутган ўрни ва роли ҳақидаги масала қизғин баҳс-мунозараларга айланади. Масалан, педагогикада баҳс бир-бирига қарама-қарши бўлган икки концепция: «талаблар» педагогикаси ва «ҳамкорлик» педагогикаси тарафдорлари ўртасида бориши мумкин. Биринчи концепция тарафдорлари ўқитувчи — таълим жараёни субъекти, ўкувчи — обьекти, деб маъкулламоқдалар. Иккинчи концепция тарафдорлари эса ўқитувчи билан ўкувчини таълим жараёниниг тенг хукуқли қатнашчилари деб ҳисобламоқдалар.

Иккинчи концепция, бу — билиш ва предметли фаолият субъекти бўлган ўкувчининг индивидуал хусусиятларини аниқлашдан келиб чиқсан ҳолда унинг шахсини ва ўзини ўзи ривожлантиришни таъминлайдиган шахсга йўналтирилган таълим асоси демакдир. У ҳар бир ўкувчининг таълимнинг мұқобил шаклларини яратиш орқали ўз ривожланиши йўлини таъланаш хукуқини эътироф этишга асосланган.

Шахсга йўналтирилган таълимга оид таълим жараёни ҳар бир ўкувчининг қобилияти, майли, қизиқиши, қадрият йўналиши ва субъект тажрибасига таянган ҳолда унга билим олиш, ўкув фаолиятида ва хулқатворида ўзлигини намоён қилиш имконини беради.

Таълим мазмуни, унинг воситалари ва методлари ўкувчига предмет материалини, унинг тури ва шаклини таъланаш имконини берадиган тарзда тузилган. Ана шу мақсадларда ўқитишининг тадқиқот (изланиш) тафаккурини моделлаштирадиган индивидуал дастурлари ишлаб чиқлади; мұлоқот ва имитация — ролли ўйинлар асосида гуруҳ машғулотлари ташкил этилади; ўкувчиларнинг ўзи томонидан бажариладиган тадқиқот лойиҳалари методини амалта ошириш учун ўкув материали яхлит ҳолга келтирилади.

Шахсга йўналтирилган таълимнинг мезоний асоси эришилган билим, малака ва кўникмаларни кузатиш ва баҳолашдан ҳам кўпроқ

шахсиятга оид ҳосила бўлмиш — ақрі-заковат билан боғлиқ сифатларнинг шаклланганлигидадир.

Билим, кўнирма ва малаканинг йиғиндиси бўлмиш маълумотлик таълимнинг асосий мақсади сифатида ўқувчининг маънавий ва интеллектуал хислатлари қарор тоғишининг энг муҳим воситаси ҳисобланади.

Таълим жараёнидаги иштирок бевосита ёки билвосита бўлиши мумкин. Шунингдек, суст иштироки ёки бутунлай иштирок этмаслик ҳақида ҳам гапириш ўринли бўлади. Айрим ҳолларда бундай иштирок этмаслик позицияси нафақат оқланган, балки ягона мақбул позиция ҳам ҳисобланади.

Таълим жараёни ўлчамлари — таълим кент тарқаладиган макон демакдир. Кўламига кўра маҳаллий ва глобал таълим жараёнларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Маҳаллий жараёнлар таълим жараёнининг бир қисмини, глобал жараёнлар эса — бутун таълим макони (тизими)ни қамраб олади. Масалан, шахснинг ўзини ўзи тарбиялаш жараёнлари унинг ўзини ва атрофидагиларни, ўқитиш жараёни — бутун таълим тизимини қамраб олади. Биргина таълим жараёнларининг ўзи ҳам маҳаллий, ҳам глобал бўлиши мумкин. Номақбул таълим жараёнини муайян таъсир кўрсатиш билан чеклаш ҳамда унинг ёйилишига йўл қўймасликка интилишни маҳаллийлаштириш деб, таълим жараёнини кенгайтиришга интилишни эса, тегишлича «глобал педагогикалаштириш», деб атаемиз.

Таълим жараёни кўламини ҳодисанинг «кўринмас», яширин шакларини эътиборга олган ҳолда баҳолаш, одатда, амалий қарорлар қабул қилиш учун муҳим замин ҳозирлайди. Агар таълимни демократлаштириш ҳақида ноаниқ тасаввурга эга бўлсак, ушбу жараёнга кўмаклаша олишимиз амри маҳол.

Таълим жараёнининг динамик модели вақт омилини ҳисобга олиш, бошқача айтганда, жараённи вақт ўлчовида кўриб чиқиши билан унинг тузилма моделидан фарқ қиласди. Динамик ўзгарувчанлар эса, тегишлича, вақтда ўлчаш жараёнини таҳлил қилиш имконини берувчи ўзгарувчанлардир. Таълим жараёнининг фазалари (босқичлари), унинг давомийлиги, жадаллиги, суръати, мароми, ҳолати, қайтувчанлиги, йўналиши ана шундай ўзгарувчан моделлар сирасига киради.

Таълим тизимининг тугалланганлик даражаси унинг тавсифини тегишли (зарур) босқичлардан ўтиши нуқтаи назаридан ифодалайди.

Ҳар бир таълим тизими, гарчи унинг интервали ташқи ва ички шароитларга боғлиқ ҳолда катта фарқ қилса ҳам, муайян вақт давомида ривожланади ва амалга ошади.

Таълим тизими унинг ҳолатларининг изчил алмасиши хусусиятини ифодалайдиган муайян йўналишга эга. Агар бирон-бир тизимда у ёки бу элементлар вақти-вақти билан тақрорланадиган ва улар ўртасидаги бир хил муносабатлар тақроран юзага келадиган бўлса, у ҳолда тизим амал қилаётгани ҳақида гапириш мумкин бўлади.

Аммо, агар тизимда янги таркибий элементлар юзага келса ёки илгари мавжуд бўлган элементлар йўқолса, ёхуд тизимнинг таркибий элементлари ўртасида янги муносабатлар вужудга келса ё илгари мавжуд бўлган муносабатлар йўқолиб борса, бу тизим ишлаётганидан дарак беради. Бунда бирон-бир таълим тизимида кечётган ўзгаришлар:

- унинг таркибий элементлари ва улар ўртасидаги мавжуд муносабатлар табақалашувига ва бойишига олиб келса, у ҳолда биз тизим ривожланаётгани ҳақида гапирамиз;
- унинг таркибий элементлари ва улар ўртасидаги мавжуд муносабатларнинг йўқолиб кетишига ва бирлашишига олиб келса, у ҳолда тизим инқирозга учраётгани ҳақида гапирамиз;
- ижобий баҳоланадиган муайян идеалга олиб келса, у ҳолда бундай ривожланиш тараққиёт деб ҳисобланиши ҳақида гапирамиз.

Таълим тизимининг манбалари ва омиллари мажмуя ҳолда унинг сабабларини ҳосил қиласи. Таълим тизими манбаларини ички ва ташқи манбаларга бўлиш мумкин. Ички манбалар таълим тизимининг ўзида, ташқи манбалар эса таълим тизимининг бошқа тизимлар билан ўзаро муносабатида амал қиласи.

Шарт-шароит етарли ёки етарли бўлмаслиги мумкин. Шарт-шароит етарли бўлмагандан таълим тизими умуман ишламайди ёхуд бузилган шакида фаолият олиб боради, бу шарт-шароит етарли бўлмаганлик даражасига боғлиқ.

Таълим тизимига, яъни таълим сифатига таъсир кўрсатувчи омиллар масаласига келсак, уларни куйидагича таснифлаш мумкин:

- **ички ва ташқи:** ички омиллар жараёнга ички томондан, ташкиси эса — ташқаридан таъсир кўрсатади;
- **ижобий ва салбий:** ижобий омиллар ривожланишга кўмаклашади, салбий омиллар унга тўсқинлик қиласи;
- **бевосита ва билвосита:** бевосита омиллар таълим тизимининг ўзига, яъни бевосита; билвосита омиллар таълим тизимининг иш юритиш манбалари ёки шарт-шароити орқали зиддан таъсир кўрсатади.

Ўзгарувчан омиллар (манбалар, шарт-шароитлар)ни таҳдил қилиш ва тегишли равишда-баҳолаш таълим тизимига ва уни мақбулаштиришга йўналтирилган тарзда таъсир кўрсатишда принципиал аҳамиятга эга.

Тадқиқотимиз мақсадини эътиборга оладиган бўлсак, у ҳолда таълим жараёнларини улар таълим тизимида бажараётган ролга кўра тавсифлаш ўринлидир. Шу асосда қуйидаги жараёнларни ажратиб кўрсатамиз:

- таълим тизимини шакллантириш;
- таълим тизимини барқарорлаштириш;
- таълим тизимининг иш юритиши;
- таълим тизимининг мослашиши, яъни ўзгарувчан ташқи шароитларга мослашуви;
- ўтиш жараёнлари (масалан, таълим муассасаларини бошқаришни марказлашувдан холос этиш жараёнлари).

Таълим тизимининг бошқарилувчанлик даражаси — унга бошқариладиган ва бошқарилмайдиган ўзгарувчанлар нисбати билан белгиланадиган, умуман олганда мақсадли таъсир кўрсатиш имконини ифодалайдиган ўзгарувчандир. Бошқариладиган ўзгарувчанлар нечоғли кўп бўлса, тизимнинг бошқарилувчанлик даражаси шунчалик юқори, бошқарилмайдиган ўзгарувчанлар нечоғли кўп бўлса, тизимнинг бошқарилувчанлик даражаси шунчалик паст бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, таълим тизими бошқарилувчанлигининг реал даражаси субъект томонидан ҳар доим ҳам мос равишда акс эттирилмайди, у етарли даражада баҳоланмаслиги ёки, аксинча, ҳаддан ташқари юқори баҳоланиши мумкин.

Самарадорлик — таълим тизимининг ўзгарувчанлиги уни баҳолаш кутилаётган натижа — таълим сифати нуқтаи назаридан ифодаланади. Агар ҳақиқий натижа кутилаётган натижага асосан мос бўлса, у ҳолда самарали жараён ҳақида, тўлиқ мос бўлса, — мақбул, қисман мос бўлса — кам самарадор жараён эканлиги ҳақида, мос келмаса — самарасиз жараён эканлиги ҳақида гапириш мумкин бўлади.

Таълим жараёни мисолида таълим тизимининг алоҳида таркибий қисмларини ва уларни моделлаштиришни таҳлил қиласиз.

Ўқув машғулоти ва субъектнинг амалиётда тўлақонли иштирок этишга тайёрлиги шаклланадиган муйян ҳаётий вазият таълим соҳасидаги барча жараёнларнинг динамик негизи ҳисобланади.

Ўқувчилар машғулотларда ўзлаштирадиган қадриятлар таркиби ва мазмуни — муйян ўқув предметлари соҳасидаги мутахассислар ва педагогларнинг ваколатига кирган иш. Агар таълим инсонни фаолиятнинг муйян турларини самарали амалга оширишга тайёрлаш деб қабул қиласиган бўлсак, у ҳолда таълим ва унинг ҳар бир фазасини таълим жараёнида тайёргарлик кўриладиган келгуси фаолиятнинг муйян модели сифатида тасаввур этиш мумкин.

Таълимнинг муҳим хусусияти уни меҳнатдан фарқлайди. Бу меҳнат жараёнида амалиёт инсон олдига кўядиган ҳаётий вазият; таъ-

лим, бу — имитацион модел бўлиб, унинг мазмуни мухим таркибий қисмларда ўқувчи томонидан лойиҳалаштирилган бўлади. Аммо таълим шунчаки имитацион модел эмас, балки ўқувчи билан ўқитувчининг мураккаб, интеграциялашган биргаликдаги алоҳида фаолияти демакдир. Бунда қадриятлар алоқаси юз беради, уларни ўзлашириш механизмлари вужудга келади.

Шундай қилиб, таълимда биз икки турдаги фаолиятнинг алоҳида модели: ўқув фаолияти ва ўқувчи фаолияти модели билан иш кўрамиз. Таълим жараёнини ҳосил қилувчи фаолият, методлар, технологиялар тизими бир турдаги интеллектуал қадриятлар коммуникацииси иккинчи турга ўтишини таъминлашга хизмат қиласи.

Таълим жараёни таркиби уч ўлчовда тақдим этилиши мумкин.

*Биринчидан*, фаолият ва таълимнинг норматив моделлари, уларнинг талаблари ва йўналишларини такрор ишлаб чиқиш ва амалга ошириш фазалари ва шаклларида. Шунга мувофиқ равища ўқув дастурлари, режалар, методлар ва технологиялар, уларнинг таълим тизимида акс эттирилиши ва амалга оширилиши таҳлил объекти бўлиб хизмат қиласи. Таълим фанларининг таркиби ва уларни ўзаро мувофиқлашириш муаммолари тадқиқ қилинади.

*Иккинчидан*, таълим модели ўқувчи билан ўқитувчининг ўзаро муносабати соҳасини, унинг таркибини қамраб олади, ўқув машғулотларининг ҳақиқий туркумидан, яъни таълим жараёни технологиясидан иборат бўлади.

*Учинчидан*, ушбу структура ўқув омиллари ва ўқувдан ташқари омилларнинг кент кўламдаги ўзаро муносабати нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши мумкин.

Таълим амалиётидаги ўзгаришлар назарий жиҳатдан англаб етилган, мавжуд назарий моделга янгича мазмун баҳш этган тақдирда мустаҳкам негизга эга бўлади.

Таълим моделларини тузишга бир неча хил ёндашиш мумкин:

1) таълим фаолиятининг вужудга келган шаклларини таҳлил қилиш ва қайта қуриш, таълимнинг муайян шакллари ва элементлари ўртасидаги алоқаларни, таркибий алоқаларни тиклаш, уларнинг ўқувчиларни ижтимоий-маданий ривожлантиришдаги мазмуни ва функцияларини аниqlаш;

2) фаолиятнинг у ёки бу шаклига хос бўлган муайян машғулотлардан келиб чиқсан ҳолда, амалиёт соҳасида субъектнинг унумли фаолияти ўхшашларидан моделни (ва шунга мувофиқ равища таълим фаолияти шаклларини) лойиҳалаштириш.

Таълим тизимини моделлаштириша ҳам методологик, ҳам методик жиҳатдан ҳал этилмаган муаммолар кўпроқдир. Аммо уларнинг қўйилиши таълимнинг ушбу мухим соҳасини ўзлашириш учун

турткى бўлиши мумкин. Тайёрлаш мақсадлари, мазмуни ва шаклларида умумий таълим билан маҳсус таълимнинг нисбати шулардан биридир. Қандай мутахассисни тайёрлаш керак? Таълимнинг барча шаклларида универсал таълим билан маҳсус таълим ўлчови қандай бўлиши лозим?

Ҳар қандай шаклдаги таълим шу маънода универсалки, бунда унинг мазмуни мутахассис тайёрланаётган фаолият тури билангина изоҳланмай, балки инсон маданиятини универсал ривожлантириш эҳтиёжларидан ҳам келиб чиқади. Касб таълими инсонни касбга тайёрлабгина қолмай, балки уни маданиятни яхлит ҳолида ўзлаштиришга йўналтиради. Шунга мувофиқ равищда касбий таълим модели ҳам камида иккита блок, яъни, таълимнинг умумтаълим ва касб таълими таркибий қисмларидан иборат бўлиши керак. Универсал мазмун жамият маданияти ҳолатидан келиб чиқсан бўлиб, инсоннинг фундаментал ўзаро муносабатларини акс эттиради. Гуманитар, табиий-илмий, технологик таълим — бу таълим унинг мустақил йўналишлари ва унинг маҳсус шаклларидан ҳар бирининг муқаррар ташкил этувчи-си, демакдир.

Бизнингча, таълим сифатининг таркибий элементларини ҳам айнан шу тарзда ажратиб кўрсатиш лозим.

Гуманитар таълим инсонда бошқа одамлар билан мулоқот қулиш маданиятини шакллантиради, унга ўз ҳаётининг мазмуни ва мақсадини белгилаб олишда, жамиятда ўз ўрнини топища, ўз имкониятларини чамалашда ёрдам беради. Табиий-илмий таълим инсоннинг табиат билан ўзаро муносабати мазмунини, унинг табиий ривожланиш тамойиллари ва қонуниятларини очади, уни ўзлаштиришнинг мақбул усусларини топища ёрдам беради. Технологик таълим жараёнида инсон нафақат касб фаолиятида, балки ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида, маданий ҳаётда дуч келиш мумкин бўлган фантехника ютуқларини, замонавий маданий ҳаёт тамойиллари, методлари ва технологияларини ўзлаштиради.

Таълимни моделлаштиришда таълим моделининг «замонавий» таркибий қисмини белгилаш каби жиддий муаммо ҳам мавжуд. Замонавий таълим ўз мазмунига кўра анча мураккаб ва узоқ давом этадиган жараён. Айрим турдаги таълим муддатлари бир неча ҳафтадан ўнлаб йилларгача давом этиши мумкин. Таълим тизими (шунга мувофиқ равищда таълим сифати ҳам) ҳозирдаёт ўз мақсадига кўра технологик ва ижтимоий ривожланишда амалиётдан ўзиб кетиши керак. Лекин бу ўсиш қай йўсинда бўлиши керак? Прогнозланган модельни анча узоқ истиқболга суриб кўяр эканмиз, унинг ишончлилик даражасини пасайтирамиз. Қисқа туркумларда маданий тажрибани мослашган ўкув моделига, ўкув иши методлари ва технология-

ларини ўрганишга ўтказишда қийинчилеклар туғилади. Таълим сиёсатини мувофиқлаштириш учун ушбу жараёнда муйян туркумларни юзага келтирувчи таълим моделларини янгилаш меъёрлари зарур бўлади.

Шуни қайд қилиш керакки, таълим тизимининг омили моделига мувофиқ унга қўйидаги тўрт йўналиш бўйича таъсир кўрсатиш мумкин:

1) тизимнинг ташқи манбаларига, яъни, унинг ташқаридаги фАОЛият кўрсатишини келтириб чиқарувчи ва белгиловчи сабабларига таъсир кўрсатиш;

2) таълим тизимининг ички манбаларига, яъни унинг ичдан фАОЛият кўрсатишини келтириб чиқарувчи ва белгиловчи сабабларига таъсир кўрсатиш;

3) таълим жараёни шарт-шароитига таъсир кўрсатиш;

4) таълим жараёни омилларига, яъни унинг айрим ўзгарувчан моделларига таъсир этувчи сабабларга таъсир кўрсатиш.

Ўтказилган тадқиқотлар умумлашган холосани таърифлаш, таълим соҳасидаги бошқариш ушбу соҳани барқарорлаштириш ва ўзгартиришда мухим ўрин тутиши ҳақида амалий таклиф киритиш имконини берди.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделида кейинги пайтларда ўзаро муносабатларда вужудга келган тизимга оид камчиликларни барта-раф этиш мақсадида давлат, жамият ва таълим ўртасидаги муносабатлар чегаралари белгилаб берилган.

Бизнингча, бугунги кунда таълим ва жамият таъсир кўрсатишнинг тизимили-самарали, тизимили-аҳамиятли, ташкилий-иқтисодий, ўқув-таълим, ижтимоий-сиёсий ва бошқа чора-тадбирларни излаб топилиши ҳамда уларнинг амалий ҳал этилишига муҳтоҷ. Бу таъсирлар жамият ва таълим томонидан ўзаро тўлдирилладиган бўлиши лозим, аммо улар бир-бирига ўхаш бўлмаслиги, айниқса, ўзаро кураш олиб бормаслиги ҳамда мувофиқлаштириш мумкин бўлиши керак.

Бугунги кунда таълим соҳаси, бизнингча, Миллий модел асосида ушбу соҳани ижтимоий-иқтисодий вазият ва мамлакатни ривожлантириш истиқболлари билан мувофиқлаштириш; ўз кучига ҳамда муйян даражада мавжуд моддий-техника базасига таяниш; тегишли мутахассислар тайёрланишидан манфаатдор бўлган тузилмалардан қўшимча молиявий маблағларни жалб қилиш йўналишларида шаклланиб бормоқда.

Шунга мувофиқ равища жамият таълим соҳасида тижорат фАОЛиятини қўллаб-куватлашни таъминлаши; мутахассисларга оид давлат буюргмаларини ва, кейинчалик, уларнинг тақсимланишини таъ-

минлаган ҳолда ушбу соҳани қаттиқ тартибга солиши; таълимни тартибга солишининг бозор механизмидан фойдаланиши; давлат таълим стандартлари бажарилиши, кадрларни тайёрлаш сифати устидан қатъ-ий назорат ўрнатиши зарур ва ҳ. к.

И. Каримов томонидан асосланган илмий моделда юқорида таъкидланган таркибий қисмлар тизимли алоқада бўлгани ҳолда, бирбирига боғлиқ ҳамда ўзаро муносабатда иш олиб боради ва биринчи навбатдаги устувор йўналишлар бўйича амалга оширилади.

Шундай қилиб, ўзаро муносабатда мавжуд бўлган бир-бири билан боғлиқ асосий тушунчалар кўриб чиқилди. Бунда таълим соҳаси ижтимоий институт сифатида берилган. Жонли ижтимоий организм ҳисобланган таълим соҳаси йўналтирадиган бошқариш таъсирига муҳтож.

Таълим соҳасидаги бошқаришнинг ўзига хос ҳусусиятлари қуидагича ифодаланган:

- узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг ўзига хослиги;
- ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари ўргасидаги алоқалар;
- таълим соҳаси таъсири кўрсатишнинг тизимли обьекти бўлиб қолганлиги учун бошқаришнинг тизимлилиги;
- бошқариш обьекти гоҳ таълим жараёнига қадар торайиб бориши, гоҳ давлат ва жамият даражасида кенгайиб бориши;
- таълимда бошқариш обьекти ташкил этишнинг икки: ўқув — предметли ва ижтимоий шакли билан, шунингдек, бошқариш ва ўзини ўзи бошқариш яхлит бир бутуннинг ичидаги умумий ва маҳсус жиҳатлар сингари бирлашиб кетиши;
- таълим ва жамият ўртасидаги таълим хизматларини бевосита бошқариш ва маркетинг билан узвий боғлиқ бўлган тизимли-самарали муносабатларга ўтилиши ва ҳоказолар.

## **1.2. ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БОШҚАРИШ ИЛМИЙ БИЛИШ ВА АМАЛИЁТ СОҲАСИ СИФАТИДА**

Таълим сифатини бошқаришга илмий ёндашувларни ишлаб чиқиш хорижда XX асрнинг 20-йилларида, мамлакатимизда эса 50-йилларида бошланган эди. Бизда бу иш узоқ вақт мобайнида жаҳонда амалга оширилаётган ишлардан ажralган ҳолда олиб борилди. Агар чет элда таълим сифатини бошқариш самарадорлигини ошириш усусларини излаш ишлари аввал бошданоқ ижтимоий бошқарувнинг умумий назарияси ютуқлари асосида амалга оширилган бўлса, мамлакатимизда асосан педагогика назарияси қоидаларига

таянган эди. Аммо 80-йилларнинг ўрталаридан бошлаб бу узилиш жадаллик билан бартараф этила бошлади.

Ижтимоий бошқариш фанини ривожлантириш Ўзбекистонда ва хорижда таълимни бошқариш муаммолари ечимини назарий жиҳатдан идрок этишга ва излашга жиддий таъсир кўрсатди. Ижтимоий ташкилотларни бошқаришнинг умумий фоялари таълим соҳасида бошқариш муаммоларини илмий ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилди.

### **1.2.1. БОШҚАРУВ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА МЕТОДЛАРИ**

Ҳар қандай фаннинг вазифаси ўрганилаётган воқееликни оддий соғлом фикр ва ҳаётий тажриба таъминлаши мумкин бўлганидан кўра чукурроқ тушунтиришдан иборат. Унинг асосий вазифаси — ўрганилаётган жараёнлар қонуниятларини аниқлашдан иборат, токи одамлар улардан фойдаланган ҳолда, бирон-бир ишни илтариғидан яхшироқ бажара олсинлар ёки илгари қўлларидан қелмаган ишларини бемалол бажара олсинлар.

Аммо у ёки бу фан айнан қандай қонуниятларни аниқлаши кераклиги, яъни, нима унинг ўрганиш предмети бўлиши зарурлиги — унчалик осон масала эмас. Бу саволга жавоб бериш учун ўрганилаётган обьект моделига эга бўлиш, у ҳақда маълум нарсаларни, яна нималарни билиш лозимлигини белгилаб олиш лозим. Аммо бундай модел мавжуд эмас. Уни келажакда тадқиқотлар давомида яратиш лозим бўлади.

Айтиш мумкинки, бошқарув фани бошқарув вазифаларини ҳал этиш жараёнларини ўрганиши ҳамда қандай шароитларда бошқаришда ушбу вазифалар ҳал этилиши, уларни ҳал этиш натижаси қандай бўлиши лозимлиги, у ёки бу вазифаларни мувваффақиятли ҳал этишга қандай омиллар таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақидаги билимларни олиши даркор. Ушбу саволларга тайёр жавоб йўқ, уни топиш учун бошқарув ўзи нима эканлиги ҳақида айrim бошланғич тасаввурга эга бўлиш лозим.

Умумбошқарув фоялари эволюциясини кўриб чиқар эканмиз, кўпинча турли бошланғич тасаввурларда бошқарув нима эканлиги, унинг вазифалари нималардан иборатлиги ва бу вазифаларни қай йўсинда ҳал этиши лозимлиги тўғрисидаги турли ёндашувларга асосланганлиги кўзга ташланади. Тадқиқотларнинг турли предметлари шу тариқа ажralиб чиқсан. Масалан, классик назария бошқарув жараёнини бошқарув функцияларининг муайян мажмуини амалга ошириш сифатида ифодалаган. Ушбу функцияларнинг амалга оши-

рилиш сифати, энг аввало, бошқарувнинг ташкилий тузилмаси тавсифи билан боғланган. Шу боис, асосий вазифа қандай ташкилий тузилмада бошқарув функциялари самаралироқ бажарилишини аниқлашдан иборат бўлган. Яъни, ўрганишнинг асосий предмети ташкилий структура тавсифлари билан бошқарув функцияларини амалиётта татбиқ этиш натижалари ўртасидаги алоқадан иборат бўлган.

«Инсоний муносабатлар» назарияси норасмий тузилмани, яъни биргаликдаги фаолият жараёниша одамлар ўртасидаги муносабатларни асосий мақсад қилиб олган ва мақбул норасмий тузилмани яратиш учун нима қилиш лозимлигини аниқлашга интилган. Шундай қилиб, ушбу ёндашув доирасида бошқарув вазифалари бирмунча англаб етилди.

Ташкилотлар, ходимлар, жараёнларни ва ҳ. к. бошқаришнинг ўрганилиши ҳам турли умумбошқарув ёндашувлари ғоялари асосида олиб борилиши мумкин. Шу боисдан, тадқиқотлар предмети ҳам турлича бўлади. Зеро бошқарув назариясининг эволюцияси, энг аввало, унинг предметига бўлган қарашларнинг ўзгаришидир. Гарчи турли ёндашувларда тадқиқотлар предметини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлса-да, уларнинг барчаси, бирон-бир тарзда, бошқарувни ташкил этишдаги алоҳида функция сифатида тушунишдан келиб чиқади. Бу функцияни амалга ошириш билан унинг ҳаёт фаолияти аниқ мақсадга қаратилганлиги ва уюшганлиги таъминланади ҳамда бошқарув тизими таркибий қисмларининг тузилиши ва ўзига хослиги, ташкилот фаолиятининг ички ҳамда ташки шартшароити ва унинг натижалари ўртасидаги алоқаларни ўрганишга йўналтирилган бўлади.

Умумэтироф этилган бошқарув тушунчаси бўлмагани каби таълим муассасалари ва таълим сифатини бошқаришнинг ҳам умумқабул қилинган тушунчаси йўқ. Илмий билим ривожланиб боргани сари бу тушунча доимий равишда бойиб боради.

Бошқарув бошқариладиган обьектдаги жараёнларнинг аниқ мақсадга қаратилганлигини ва уюшганлигини таъминлаши лозим. Бошқарув ўзининг бу вазифасини бўлиши керак бўлган нарсанинг қиёфасини (мақсадлар ва уларга эришиш режаларини) шакллантириш; ижрочилар ўртасида вазифалар ва ваколатларни тақсимлаш (расмий тузилмани яратиш ва сақлаб туриш); ижрочиларнинг самарали меҳнатдан манфаатдорлигини таъминловчи шароит яратиш (раббатлантириш); жамоада умумий қадриятлар ва қулаг муносабатларни шакллантириш (норасмий тузилма яратиш ва сақлаб туриш); ишнинг боришини назорат қилиш каби ва бошқа маҳсус бошқарув вазифаларини ҳал қилиш орқали амалга оширади.

Шундан келиб чиқсан ҳолда *таълим мазмуни, таълим муассасалари тартибини ва таълим сифатини бошқаришни алоҳида фаолият*

*сифатида белгилаш мумкин. Бунда унинг субъекти бошқарув вазифаларини ҳал қилиш орқали ўқувчилар, педагоглар, ота-оналар, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг биргаликдаги фаолиятининг уюшқоқлигини ҳамда таълим мақсадлари ва ривожланиш мақсадларига эришишга йўналтирилганлигини таъминлайди.*

Фан бошқарув тизими қандай вазифаларни, қай йўсинда ҳал этиши керак, турли ички ва ташқи шароитларда бошқарув самараадорлиги таъминланиши учун у қандай тузилган бўлиши лозим, деган саволларга жавоб бериши зарур. Шу боисдан бошқарув тизими хусусиятлари, бошқарув жараёни тавсифлари ҳамда турли ташқи ва ички шаронтларда фаолият юритиш ва ривожланиш натижалари ўртасидаги қонуний алоқалар алоҳида илмий фан бўлганинг умумий вазифаси ҳисобланади. Бошқарув вазифасини шу йўсинда тушуниш уни бошқарувга эскича ёндашиш нуқтаи назаридан уни тадқиқ қилиш мумкин эмаслигидан далолат беради.

### *Таълимни бошқариш фани қандай хусусий предметларни ўрганиди?*

Бунда, шубҳасиз, ўқув-тарбия жараёни бошқарувнинг марказий обьекти ҳисобланади. Бошқарув фани у қай йўсинда амалга оширилиши кераклиги ва вазифалари нималардан иборат эканлигини ўрганимайди — бу педагогиканинг вазифасидир. Аммо ҳозирнинг ўзидаёқ таълим вазифаларини турлича тушуниш, турли педагогик технологиялар мавжуд. Умумий бошқарув назариясига мувофик, турли технологиялар турлича ташкил этишни, режалаشتариш, назорат қилишнинг хилма-хил усулларини талаб этади ва ҳ. к.

Ўқув-тарбия жараёни технологияси хусусиятларига боғлиқ равишда бошқарув қандай амалга оширилиши лозим, деган масала эса бошқарув фанига тааллуқлидир.

Аммо ўқитиш ва тарбия натижалари нафақат педагогик технологияга, балкі педагогларнинг малакасига, уларнинг энг яхши натижаларга эришишдан манфаатдорлигига, жамоадаги муносабатларга боғлиқдир. Кадрларни қандай танлаш керак, уларни қай йўсинда баҳолаш, унумли ишлашга қандай ундаш керак, жамоада қулай психологик муҳитни қандай шакллантириш лозим каби саволлар ҳам бошқарув тадқиқотчилари олдида турган муҳим саволлар сирасига киради.

Таълим муассасаси қанчалик яхши ишламасин, у ўзгармаслиги мумкин эмас. Таълим муассасасида, ўқув-тарбия жараёни билан бир қаторда, унинг ривожланиш жараёни энг муҳим бошқарув обьекти ҳисобланади. Янгиликларни ўзлаштириш ҳам режалаشتариш, ташкил этиш, назорат қилиш ва ундашни тақозо этади. Бошқарув фани инновацион жараёнлар қандай шароитда самарали бўлишини ва бу шароит қандай вужудга келтирилишини тадқиқ қилиши керак.

Таълим муассасаси, ҳар қандай ташкилот сингари ажралган ҳолда эмас, балки муайян ижтимоий мұхитда фаолият күрсатади. Бошқарувнинг бир хил тизими бошқа шароитларда самарали бўлиши мумкин. Шу боисдан бошқарув натижалари у қандай шароитларда амалга оширилишига қай даражада боғлиқлигини ўрганиши лозим.

Юқорида қайд қилингандан хусусий тадқиқот предметлари, шубҳасиз, уларнинг хилма-хиллигини қамраб ололмайди. Таълим муассасининг ижтимоий институт сифатида ривожланишига кўра бошқарувнинг янги вазифалари вужудга келиб, тадқиқотларнинг янги йўналишлари долзарб бўлиб боради.

Таълим сифатини бошқаришга методик-амалий ёндашувлар ва унинг шарт-шароитларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилишдан олдин бошқарув назариясининг асосий категориялари ва тушунчаларини аниқлаш ҳамда белгилаш (материалнинг бир қисми I бобда кўриб чиқилган), менежментнинг умумий қонуниятлари, тамойиллари ва вазифаларини аниқлаш зарур.

Бошқарувда «бошқарув обьекти ва субъекти», «улар ўртасидаги бевосита ва тескари алоқалар», «бошқарув тизими», «атроф-муҳит» каби категориялар ва тушунчалардан фойдаланилади.

Таълим муассасалари даражасида менежментнинг асосий категорияларини кўриб чиқишида улар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва фаолият юритишининг умумий вазифаларини ҳисобга олиш зарур.

**Бошқарув обьекти** — бу бошқариладиган обьект, яъни, тармоқ, муассаса, ташкилот ва ҳоказо. Бошқарув обьекти сифатида фаолият соҳаси бўлмиш таълим, шунингдек, турли хилдаги таълим муассасалари кўриб чиқилиши мумкин. Менежментда бошқарув обьекти сифатида, одатда, фаолияти мувофиқлаштирилайдиган ва муайян мақсадларга эришишга йўналтирилайдиган бир гуруҳ одамлар тушунилади.

**Бошқарув субъекти** — бу бошқарадиган субъект, яъни, тармоқ, муассаса ва ташкилотни бошқариш аппарати. Таълимдаги менежментта нисбатан олганда, бошқарув субъекти бошқарувнинг турли даражаларида конкрет вазифаларни бажарувчи муайян бўгинлари мажмуудан иборат. Бунда ҳар бир юқори бўгин қути бўтинга нисбатан бошқарув субъекти сифатида юзага чиқади.

Бошқарув субъекти ва обьекти бевосита ва қайта алоқалар тизими билан биргаликда **бошқарув тизими** ташкил қиласи. Бошқарув тизимида бошқарув обьекти кўпинча бошқариладиган кичик тизим, субъекти эса бошқарувчи кичик тизим деб номланади. Бошқарув тизимига бир қатор умумий шарт-шароит хосдир. Энг аввало, бошқариладиган кичик тизим бошқарувчи кичик тизим остида ўз параллел

метрларини (ёки хоссаларини) ўзгартиришга қодир бўлади. Бунда самарали бошқариш учун бошқарув обьекти фаолиятининг энг муҳим параметрларини тўлиқ акс эттирадиган мезонлар ва кўрсаткичлар зарур бўлади. Масалан, таълим муассасалари учун: ходимлар сони, ўқувчилар, ўқувчиларнинг билим, кўнишка ва малакалари даражаси, уларнинг давлат таълим стандартларига мувофиқлиги, ана шу хусусиятларга таъсир кўрсатувчи омиллар ва бошқалар шундай кўрсаткич бўлиши мумкин.

Бошқарув тизими обьектга белгиланган мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатади. Бунинг учун бошқарувчи кичик тизим тегишли таъсирандан кейин бошқарув обьекти ҳолатини аниқ тасаввур этиши керак. Мақсадга аниқ йўналганликни амалга ошириш учун таъсир кўрсатишдан олдин ва кейин обьектнинг ҳолати ҳақида бошқарув обьектига ахборот келиб тушиши керак, яъни бошқарув тизимида бевосита ва қайта алоқалар аниқ ташкил этилган бўлиши лозим. Ва ниҳоят, бошқарувнинг ҳар қандай тизими муайян моддий, меҳнат ва бошқа ресурсларга эга бўлиши зарур.

Барча бошқарув категориялари бир-бири билан жипс боғланган ва бир-бирини тақозо этади.

Умуман бошқарув соҳасидаги ва хусусан таълимни бошқаришдаги фаолият менежментнинг методологик асосларини шакллантиришда тўлиқ ҳисобга олинадиган бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга.

Менежментта татбиқан методологик ёндашув билиш ва фаолият усусларининг бошқарув мақсадларига эришишга қаратилган муайян услубларидан фойдаланишни кўзда тутади.

Менежментда **жараёнли ёндашув** кенг тарқалган ҳисобланади, бошқарув бунда бошқарув функцияларининг узлуксиз ўзаро алоқаларига асосланган, таълим муассасаси ва умуман таълим мақсадларига қаратилган фаолият сифатида кўриб чиқлади. Турли муаллифлар функцияларнинг ҳар хил рўйхатларини таклиф қилмоқдалар. Уларнинг мақбули қўйицагиларни ўз ичига олади: режалаштириш, ташкил этиш, йўлга қўйиш (амалга ошириш); назорат қилиш.

Ташки мухитдаги бекарорлик ва кескин ўзгаришлар шароитида таълимни бошқаришда вазиятли ёндашув қўлланилади.

**Вазиятли ёндашувда** турли бошқарув усусларининг танланиши вазият билан белгиланади. Бинобарин, таълим муассасасида ҳам, атроф-муҳитда ҳам кўплаб омиллар мавжудлиги сабабли уларни бошқаришнинг ягона усули йўқ. Конкрет вазиятда унга бирмунча мувофиқ келадиган бошқарув усули энг самарали усул ҳисобланади. Вазиятли ёндашув, илмий қоидаларнинг мавжуд вазият ва шароитларга қараб амалиётда қўлланилишига доир муайян тавсияларга эга бўлганлиги боис, бошқарув назариясига катта ҳисса қўшди.

Вазиятли ёндашув негизида ташкилотнинг фаолият юритишига таъсир кўрсатувчи асосий ички ва ташқи омилларни аниқлаш ётибди. Менежментнинг амалий мақсадлари учун ҳар бир муайян вазиятта таъсир кўрсатувчи омилларгина кўриб чиқилади.

**Тизимли ёндашув** бошқарув ходимлари ташкилотни ўзгарувчан ташқи мухит шароитида турли мақсадларга эришишга йўналтирилган одамлар, тузилма, вазифалар ва технология каби ўзаро боғлиқ элементларнинг мажмуи сифатида кўриб чиқишилари керак.

Тизимли ёндашув — илмий билим ва ижтимоий амалиёт методологиясининг йўналиши бўлиб, унинг негизида бошқарув объектларини тизимлар сифатида тадқиқ қилиш ётади. Ушбу ёндашув ҳодисаларни бошқарув объектининг ҳолати ва динамикасига таъсир кўрсатувчи барча асосий омилларни ҳисобга олган ҳолда ҳодисаларни ялпи ўрганишга асосланган. Тизимли ёндашув таълимни, умуман мамлакатни ривожлантириш нуқтаи назаридан таълимни яхлит тизим сифагида тасаввур этиш ҳамда унинг фаолият юритишининг энг мақбул параметрларини белгилаш имконини беради. Шу билан бирга, ҳар бир таълим муассасасининг фаолият юритиш жараёни тизимли ёндашув ёрдамида аҳолининг юқори стандартларга жавоб берувчи таълимга бўлган эҳтиёжи, уни қондиришнинг муқобил имкониятлари, ташкилотда юқори малакали кадрларнинг мавжудлиги каби ва бошқа турли омиллар таъсир кўрсатувчи, жўшқин ривожланадиган ягона тизим сифатида ифодаланиши мумкин. Бошқарувда тизимли ёндашувнинг қўлланилиши муаммоларни мос равишда йўлга кўйиш ҳамда уларни ҳал этишининг самарали стратегиясини ишлаб чиқиш имконини беради. Ушбу ёндашувнинг ўзига хос методологик хусусияти шундаки, у бошқарув объектининг яхлитлигини очиб беришга, унинг ташқи мухит билан хилма-хил алоқаларини аниқлашга ва уларнинг ягона назарий манзарасини яратишга йўналтирилган бўлади. Мураккаб бошқарув ечимларини тайёрлаш ва асослаш учун фойдаланиладиган, методологик воситалар йигиндисидан иборат бўлган тизимли таҳлил бошқарувда тизимли ёндашувнинг мухим жиҳати ҳисобланади.

Тизимли ёндашув ва таҳлилни қўллаш соҳасини кенгайтириш моҳияти мақсадларни аниқ белгилашдан, қўйилган мақсадларга эришиш учун дастурлар ишлаб чиқиш, уларни бажариш ва ушбу ишга раҳбарлик қилувчи дастурларни амалга ошириш ва ташкилотларни шакллантириш учун зарур ресурслар ажратишдан иборат бўлган дастурий-мақсадли бошқарув тизимини ёйиш билан боғлиқ.

**Дастурли-мақсадли бошқарув** пировард мақсадларни аниқлаш ва аниқ қўйишдан бошланади. Мақсадлар, одатда, берилган вазиятни исталганидан фарқловчи бир қатор муаммолар ҳал этилгач, бошқа-

рув тизими муйаян вақтдан кейин берилган вазиятдан ўтиб бориши лозим бўлган исталган вазиятни акс эттиради.

Шундай қилиб, мақсадни қўйиш босқичидаёқ келажакнинг умумлашган модели вужудга келади. Ушбу босқич ечимнинг муқобил варианtlарини кўриб чиқиш ва тугал вариантини танлаш билан якун топади.

Қарор қабул қилингандан кейин дастурларни ишлаб чиқиш босқичи бошланади. Ушбу босқичда стратегик мақсадга эришиш кичик мақсадларга бўлинади. Ҳар бир босқичда вазифалар ва уларни ҳал қилингандеги устувор йўналишлари ажратилади, шунингдек улар ресурслар (моддий, меҳнат, молиявий, инсон омили) билан мувофиқлаштирилади. Бунда ҳар бир босқичнинг бажарилиши асосий натижажа, ҳажм ва муддат бўйича аниқ белгиланади.

Дастурларни шакллантириш босқичида, асосий мақсадли кўрсатмани сақлаб қолган ҳолда, оралиқ босқичлар ва ечимлар изчилигини уларнинг дастурни амалга оширишнинг пировард натижаларига таъсирини аниқлаш ва таҳлил қилиш орқали таъминлаш жуда муҳимдир.

Мақсадлар ва кичик мақсадлар келишилган ва даражаларга ажратилгандан кейин дастур, одатда, барча ижрочилар учун бажарилиши шарт ҳисобланган директив ҳужжат шаклига эга бўлади.

Қабул қилингандан кейин дастур ижро этилиши зарур. Аммо уни амалга ошириш жараёнида, дастурни қабул қилиш пайтида бошқарув тизимида ёки атроф-муҳитда бъязи (ёки ҳисобга олинмаган) ўзгаришлар юз бериши мумкин. Қўпинча бу ўзгаришлар ҳам бутун дастурни, ҳам унинг айрим босқичларини амалга оширишда жиддий қийинчиликлар туғдиради. Шу боис бутун дастурнинг ва унинг ҳар бир босқичининг бажарилишини доимо комплекс назорат қилиш зарур.

Одатда, бундай назоратни амалга ошириш учун бошқарувнинг матрица тизимига киритиладиган маҳсус бўлинмалар тузилади.

Назорат натижаларига кўра таҳлил ўтказилиб, олинган натижалар дастур мақсадлари (кичик мақсадлари)га доир олинган натижалар таққосланади ва оғишлар юз берган ҳолларда уларнинг сабаблари аниқланади, сўнгра ёки дастурларга тузатиш киритиш ёки камчиликларни бартараф этишга доир чоралар кўрилади. Бунда дастурга тузатиш киритиш ёки камчиликларни бартараф этиш ҳақида қарор қабул қилинишидан олдин дастурнинг белгиланган мақсадларидан (кичик мақсадлардан) оғишга олиб келган муаммолар диагностик таҳлил қилиниши керак. Масалан, таълим муассасаси директори 7 «А» синф ўқувчилари давлат таълим стандартлари талабларини бажармаганликларини аниқлаган бўлса-да, унинг сабабларини ойдинлаштира олмади, дейлик. Бу реактив бошқарув демакдир. Унинг за-

рурлиги аён. Аммо назорат давомида дастур топшириқлари бажарилмаганлиги фаразий эканлиги аниқланган вазиятлар бўлиши, яъни нуқсонлар ҳали юз бермаган, балки юз бериши кутилаётган бўлиши мумкин. Бундай муаммо дастур топшириқлари барбод бўлиши мумкин бўлган вазият сифатида кўриб чиқилади. Масалан, ҳатто дастур муваффақиятли бажарилаётган тақдирда ҳам, таълим муассасасининг иш самарадорлигини ошириш усуллари фаол изланиши огоҳлантирувчи бошқарув ҳисобланади ва у, шубҳасиз, дастурни амалга ошираётган ташкилотта фойда келтиради.

Мамлакатимизда барча даражаларда дастурий-мақсадли бошқарув бўйича муайян тажриба тўплланган. Қайд этилган ёндашувни қўллашга Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва моделини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш жараёни ёрқин мисол бўла олади.

Тизимли ёндашув ва дастурий-мақсадли бошқарув менежмент методологиясининг фундаментал қоидаси сифатида таълимни бошқарув қонуниятлари, тамойиллари, вазифалари ва усуллари билан узий боғлиқ бўлиб, бу ҳақда қуйида гап боради.

### **I.2.2. БОШҚАРУВНИНГ УМУМИЙ ҚОНУНИЯТЛАРИ, ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ**

Таълимни бошқариш қонуниятлари бошқарув жараёнида турли элементлар ва ҳодисаларниң объектив равишда мавжуд бўлган, тақрорланувчи ўзаро алоқаларини акс эттиради. Улар умумий ва хусусийга бўлинади. Умумий қонуниятлар бошқарувнинг барча тизимларига хос бўлса, хусусийлари айрим таълим ташкилотлари ва муассасаларининг амал қилиши билан боғлиқ.

**Куйидагиларни бошқарувнинг умумий қонуниятлари сирасига киритиш мумкин:** устувор самарадорлик ва онгли режали бошқариш; бошқарадиган ва бошқариладиган тизимларниң, бошқариш субъекти ва объектиниң ўзаро муносабати, бошқарувда меҳнат тақсимоти ва кооперацияси жараёнларини кучайтириш. Ушбу қонуниятларни кўриб чиқамиз.

Таълимни онгли бошқаришнинг устувор самарадорлиги қонунийдир, чунки унда кечеётган жараёнларни режали бошқариш тизими амалда ушбу жараёнларни беихтиёр тартибга соладиган бошқариш тизимларидан самаралироқдир. Ҳозирги таълимда бошқаришнинг барча даражаларида дастурий-мақсадли ёндашув, тизимли ёндашув ва таҳлил кенг қўлланилаётганлиги бунинг далилидир.

Бошқарадиган ва бошқариладиган тизимлар, бошқариш субъекти ва объектиниң ўзаро муносабати қонуният эканлиги бошқарув соҳасининг бошқарув объекти талабларига мувофиқлигини билди-

ради. Чунончи, иқтисодиётни ривожлантиришда 90-йилларнинг ўрталаридан кўзга ташланган силжишлар мамлакатимизда бутун бошқарув аппаратини муайян ўзгаришини талаб қылди, бу ҳол 1997 йилдан бошланган таълим ва кадрлар тайёрлашдаги ислоҳотлар мажмуда ўз ифодасини топди. Натижада таълим ва уни бошқариш тизими ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ўзгаришлар, фан-техника тараққиёти талабларига мос тушган ҳолда барқарор ривожланиш тамоилини касб этди.

Бошқарувда меҳнат тақсимоти ва кооперациялаш жараёнларининг кучайишини ҳам таълимни бошқаришнинг умумий қонуниятларига киритиш мумкин. Қонуният, биринчидан, бошқарувда меҳнатнинг бундан кейин ҳам горизонтал ва вертикал тақсимотини акс этиради, бу ҳол бошқарувнинг ривожланганлиги, бошқариладиган тизимлар кўлами кенгайганлиги, янги функциялар ва фаолият турлари пайдо бўлганлиги билан боғлиқдир. Йккинчидан, меҳнат тақсимоти унинг мувофиқлаштирилишини, яъни бошқарув меҳнатини кооперациялашда ўз ифодасини топадиган бошқарув субъектлари иши мувофиқлаштирилишини тақозо қиласди.

Агар умумий қонуниятлар умуман бошқарувга хос бўлса, хусусий қонуниятлар бошқарувнинг айрим томонлари ва тизимлари учун хосдир.

**Куйидагиларни хусусий қонуниятлар сирасига киритиш мумкин:** бошқарув функцияларининг ўзгариши, бошқарув босқичлари сонининг мақбуллаштирилиши, бошқарув функцияларининг жамланиши ва назоратнинг кент тарқалиш қонунияти кабилар.

Таълимни бошқариш функцияларининг ўзгариш қонуниятлари бошқарувнинг турли иерархик даражаларида бир функцияning юксалиши, бошқасининг пасайишини билдиради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги даражасида асосан таълим мазмунини қамраб олган стратегик вазифалар (ўкув режалари, дастурлари, давлат таълим стандартлари, дарсликлар, ўкув қўлланмалар ва бошқалар) ҳал қилинса, таълим муассасаси даражасида кўпроқ умумий ўрта таълим мақсадларини амалга ошириш билан боғлиқ тактик масалалар ҳал этилади.

Бошқарув босқичлари сонини мақбуллаштириш қонуниятлари бошқарувнинг ортиқча бўгинларини бартараф этишни тақозо қиласди, бу ҳол унинг мослашувчанлиги ва тезкорлигини кучайтиради.

Таълимни бошқариш функцияларини жамлаш шундан иборатки, ҳар бир бошқарув босқичи функцияларни кўпроқ жамлашга, яъни бошқарув ҳодимлари сонини кўпайтиришга интилади. Барча мамлакатларда бюрократик аппарат сони ошиб бораётгани ҳақида маълумотлар бу қонуниятни яққол намойиш этади.

Назоратнинг ёйилғанлик қонунияти қўл остидаги ходимлар сони билан бошқарув ходими томонидан уларнинг фаолиятига самарали раҳбарлик қилиш ва ишларини назорат қилиш имкониятлари ўтасидаги боғлиқликни акс эттиради.

**Таълимни бошқаришнинг** (ҳам умумий, ҳам хусусий) қонунийтлари объектив хусусиятга эга бўлиб, кишилар фаолиятини бошқариш жараёнида амалга оширилади. Таълимни бошқариш тамойилларини шакллантиришда бошқарув қонунийтлари тўлиқ ҳисобга олиниши керак.

**Таълимни бошқариш тамойиллари** — бу бошқарув тизими, тузилмаси, бошқарувни ташкил этишининг асосий талабларини белгилаб берувчи қоидалар демакдир. Бошқарув тамойиллари ҳам, қонунийтлар каби, умумий ва хусусийга бўлинади.

**Таълимни бошқаришнинг умумий тамойиллари** универсал табиатга эга бўлиб, бошқарувнинг барча соҳаларига таъсир кўрсатади.

Кўйидагиларни таълимни бошқаришнинг умумий тамойиллари сирасига киритиш мумкин: аниқ мақсадга йўналтирилғанлик, режалилик, билимдонолик, интизомлилик, рагбатлантириш, иерархиклик (погоналилик).

**Аниқ мақсадга йўналтирилғанлик тамойили** дастурий-мақсадли бошқарувнинг моҳияти билан белгиланган бўлиб, ҳар бир таълимни бошқариш органи ва унинг ҳар бир бўлинмаси олдига мақсадлар аниқ қўйилишини кўзда тутади. Бунда мақсад ҳақиқатан ҳам эришиш мумкин бўлган ва иложи борича аниқ-равshan белгиланган бўлиши керакки, бу иш ақлга мувофиқ бўлишини таъминлайди, ходимлар саъй-ҳаракатини унинг ижросига сафарбар этади.

Аниқ мақсадга йўналтирилғанлик тамойили қўйилган мақсадларгина эмас, балки ана шу мақсадларнинг зарур ресурслар билан нисбати даражасини аниқлашни ҳам назарда тутади. Бунда мақсадларни уларга эришиш учун зарур бўлган асосий ресурслар билан боғлашни таъминлашгина эмас, балки диққат-эътиборни мақсадларга эришишга халақит бераётган энг заиф бўғинга қаратиш ҳам керак бўлади.

**Таълимни режали бошқариш тамойили** ҳам дастурий-мақсадли бошқариш билан боғлиқ бўлиб, ҳаракат дастурини тузиш ва уни амалга оширишни кўзда тутади. Режалилик иш шароитини нормаллаштириш ва уни ижрочилар ўртасида тақсимлашда ижрочилар хатти-ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва уларга йўл-йўриқ беришда, шунингдек ҳар бир ишнинг ва умуман дастурнинг бажарилишини ҳисобга олиш ва назорат қилишни ташкил этишда намоён бўлади. Ушбу тамойилнинг амалда бажарилиши бутун бошқарув тизими режа асосида ташкил этилишига олиб келади.

Билимдонлик тамойили менежернинг бошқарув объектини билишини, ҳеч бўлмаганда, қарорлар қабул қилишда мутахассисларнинг фойдали маслаҳатларини қабул қилишга қодирлигини англаради. Билимдонлик тамойили меҳнатнинг функциялар бўйича горизонтал тақсимланиши билан боғлик.

Бошқарувнинг ҳар қандай тизимида ҳар қандай даражада мавжуд бўлиши керак бўлган интизом бошқарувнинг ажралмас тамойили хисобланади. Интизом раҳбар кўрсатмаларининг, лавозим вазифаларининг, йўриқномаларнинг, буйруқларнинг ва бошқа директив ҳужжатларнинг шубҳасиз бажарилишини кўзда тутади. Интизом дараҷаси кўп жиҳатдан бошқарув маданиятини белгилайди.

Таълимга татбиқан бу тамойилнинг роли жуда катта, чунки тармоқнинг хусусияти ижро интизоми даражасигагина эмас, балки молиявий интизомга ҳамда вазирдан тортиб ўқитувчигача бўлган барча ходимларнинг ички интизомига оширилган талаблар қўйилишини тақозо этади. Шу билан бирга, интизом ходимларнинг ташаббусини бўғиб қўймаслиги ва ишга ижодий муносабатда бўлиш учун имконият қолдириши керак.

**Рағбатлантириш тамойили**, энг аввало, моддий ва маънавий рағбатлардан фойдаланиш асосида меҳнат фаолиятини мотивацияланни кўзда тутади. Моддий рағбатлантириш ходимларнинг меҳнат натижаларидан шахсий иқтисодий манфаатдорлигига, маънавий рағбатлантириш эса — асосан ходимларга психологик таъсир кўрсатишга таянади. Ходимларнинг турли маънавий эҳтиёжлари, яъни мансублик, тааллуқлилик ва муваффақиятга бўлган эҳтиёжлари ундовчи сабаблар бўлиши мумкин.

Бинобарин, рағбатлантириш тамойили мазмунини, кўпинча амалиётда бўлганидек, фақат иш ҳақига бօғлаб қўйиш нотўғри. Рағбатлантириш, шунингдек, маънавий рағбат ва сабаблардан фойдаланиши, ходимларга адолатли муносабатда бўлишни ҳам кўзда тутади.

**Иерархиклик (кўп погоналилик) тамойили** бошқарув меҳнатининг вертикал тақсимланишини, яъни, бошқарув даражаларининг бўлинишини ҳамда бошқарув қути даражаларининг юқори даражаларга бўйсунишини кўзда тутади. Бошқарувнинг ташкилий тузилемалари ни шакллантиришда, бошқарув аппаратини тузишда, кадрларни жойжойига қўйишда ушбу принцип хисобга олинади.

Бошқарувнинг барча тамойиллари бир-бири билан узвий боғланган ва бири иккинчисини тақозо қиласди. Масалан, режасиз, билимдон бўлмасдан, интизомсиз ва иерархикликсиз ташкилотнинг аниқ мақсаддага йўналтирилган фаолиятини таъминлаб бўлмаганидек, бошқарувнинг бошқа (аниқ мақсаддага йўналтирилганлик, режалилик, билимдонлик, рағбатлантириш, интизом) тамойилларини инкор эт-

ган ҳолда бошқарув тизимининг аниқ фаолият юритишига эришиб бўлмайди.

Бошқарувнинг умумий тамойиллари билан бирга юқорида таъкидлаб ўтилганидек, маҷаллий хусусиятга эга бўлган ва фақат айрим бошқарув жараёнларини ҳамда бошқарув жиҳатларини тартибга соладиган хусусий тамойиллари мавжуд. Масалан, таълим муассасаларини бошқаришга татбиқан, одатда, бошқарув жараёнларининг узлуксизлиги ажратиб кўрсатилади.

Бошқарув қонуниятлари ва тамойиллари бошқариш функциялари билан узвий боғлиқдир.

**Таълимни бошқариш функциялари** — бу улар бошқарадиган кичик тизим бошқарув обьектига таъсир кўрсатишида ёрдам берадиган фаолият турларидир. Бошқарув функциялари умумий ва хусусий (маҳсус) функцияларга бўлинади. Умумий функциялар бошқарувнинг барча ижтимоий тизимларига хос функциялардир. Хусусий функциялар муайян хусусиятга эга.

Менежментга татбиқан стратегик режалаштириш, ташкил этиш, мотивациялаш, назорат каби умумий функциялар ажратиб кўрсатилади.

*Стратегик режалаштириш ташкилотнинг ўз мақсадларига мақбул даражада эришиш учун қўлланиладиган ҳаракатлар йиғиндишидир.*

Стратегик режалаштиришнинг моҳияти ташкилотнинг мақсадларига эришишга қаратилган ўзига хос стратегиясини ишлаб чиқишидан изборат. Менежментга татбиқан стратегия ташкилотнинг мақсадларига мақбул даражада эришишни таъминлайдиган ҳар томонлама мажмуини режалаштириши билдиради.

Стратегик режалаштириш бошқарув фаолиятининг тўртта асосий турини: ресурсларни тақсимлаш; ташки мұхитга мослашиш; ички мувофиқлаштириш; олдиндан кўра биладиган уюшган стратегияни кўзда тутади.

Стратегияни амалга ошириш бошқарув функцияси бўлмиш режалаштиришнинг энг мұхим таркибий қисми ҳисобланади. Стратегияни амалга ошириш учун, аввало, *тактика* зарур. Ташкилотнинг стратегиясида акс эттирилган узоқ муддатли мақсадлари босқичларга ёки қисқа муддатли мақсадларга бўлинishi керак. Қисқа муддатли мақсадларга эришиш эса батафсил ишлаб чиқилган режага, тактика деб номланувчи ўзига хос қисқа муддатли стратегияга асосланishi лозим.

Тактика *стратегияни* ривожлантиришда ишлаб чиқилади. У стратегияга нисбатан бирмунча қисқа муддатга мўлжалланган. Стратегия натижалари, одатда, бир неча йилдан кейин, тактика натижалари эса тез орада намоён бўлиб, қўйилган муайян мақсадлар билан осон таққосланади. Ва, ниҳоят, агар стратегия, одатда, бошқарув

органининг юқори идоралари томонидан белгиланадиган бўлса, тактика кўпинчча бошқарувнинг ўрта бўгини раҳбарлиги даражасида ишлаб чиқилади.

Узоқ муддатли (стратегик) ва тактик режаларни бир-бири билан боғлаш учун таълимни бошқариш органи(таълим муассасаси)нинг мақсадларга эришишни енгиллаштирадиган ҳаракатлар ва қарорлар қабул қилиш учун умумий раҳбарликни амалга оширадиган сиёсатини ишлаб чиқиш зарур.

Сиёсат эса қоидалар ишлаб чиқиш ва уларга риоя этишни тақозо этади. Қоида муайян вазиятда ҳаракат қилиш тартибини аниқ белгилайди.

Стратегик режанинг амалга оширилиши, тактика, сиёсат ва қоидаларни ишлаб чиқиш билан бирга, қўйилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан назорат қилишни назарда тутади. Бунда назорат топширикларнинг ҳажми ва муддатлари, белгиланган кўрсаткичларнинг бутун мажмуи бўйича бажарилишини текширишни тақозо қиласи. Бундан ташқари, назорат таъсирчан бўлиши, яъни аниқланган камчиликлар бартараф этилиши керак.

*Ташкилот* — таълимни бошқариш органи (таълим муассасаси) мақсадларига эришиш учун одамларнинг биргаликда самарали ишлаши учун шарт-шароит яратишни кўзда тутадиган бошқарув функцияси. Ташкилот ваколатлар ва жавобгарлик мавжуд бўлишини, шунингдек ваколат бериш имконини назарда тутади.

*Ваколатлар* менежернинг ташкилотнинг муайян ресурсларидан фойдаланиш, шунингдек сайд-ҳаракатни у ёки бу вазифаларни бажаришга йўналтириш хукуки демакдир.

*Жавобгарлик* — қўйилган вазифаларни бажариш ва улар нотўғри бажарилганда жазо олиш мажбурияти демакдир.

*Ваколат берииш* — муайян вазифаларни бажариш бўйича жавобгарликни ўз зиммасига оладиган шахсга ваколатни топшириш демакдир. Ваколатлар муайян одамга эмас, балки мансабга берилади. Аммо амалда айрим раҳбарлар бу ишни ўзим бошқалардан яхшироқ бажараман, деб ҳисоблаб ёхуд қўл остидаги ходимларга ишонмай ёки таваккал қилишдан чўчиб, ваколатларини бошқаларга истабистамай берадилар.

*Ташкилотнинг тузилиши* ташкилотнинг бошқарув функциясидан иборат муҳим жиҳати ҳисобланиб, ташкилотнинг стратегик режасига максимал даражада мос бўлган ва унинг ташқи муҳит билан самарали ўзаро алоқасини, шунингдек, белгиланган мақсадларга эришишни таъминлайдиган бошқарув аппаратини тузишни кўзда тутади.

Ташкилотнинг тузилиши бошқарувда меҳнатнинг умумий, хусусий ва ягона турларига бўлининишини кўзда тутади.

Бошқарув аппарати тузилмаси:

- тузилманинг бошқарув мақсадларига мувофиқдигини;
- бошқарув тузилмаси ва функциялари бирлигини;
- функцияларнинг бирламчилигини ва бошқарув органининг иккиласмилигини;
- бошқарув тузилмасида бошқарув функцияларининг марказлашуви ва марказлашувдан чиқарилиши, ихтисослашуви ва интеграциялашувининг оқилона уйғуналаширилишини;
- бошқарув тузилмасида барча турдаги фаолиятнинг комплекс боғлиқдигини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади.

**Мотивация** — бу инсонни шахсий мақсадларга ва (ёки) ташкилот мақсадларига эришиши учун фаолиятта уңдайдиган жараён. Мотивациянинг амалга оширилиши учун эҳтиёжлар ва тақдирлашни аниқ тасаввур этиш талаб қилинади. Ходимларни мотивациялаш (ундаш) менежер томонидан қўл остидаги ходимларнинг билимини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак. Бу эҳтиёжлар муайян иерархияга эга.

Бошқарув жараёнида бошқарув субъекти муайян мақсадларга эришиш учун бошқариладиган объектга таъсир кўрсатади. Бунда бирон-бир мақсадга эришиш учун ҳатто таъсир кўрсатиш тури ва хусусияти бир-биридан жiddий фарқ қилиши мумкин.

Бошқарувнинг умумий қонуниятлари, тамойиллари ва функцияларидан келиб чиқсан ҳолда таълим сифати ва таълим муассасасини бошқаришга методологик ёндашувлар вужудга келтирилади.

**Таълимни бошқариш методлари** — бу бошқарув субъектининг муайян мақсадларга эришиш учун бошқарилаётган объектга таъсир кўрсатиш методлари. Таълимни бошқариш методлари хилма-хил, аммо уларнинг ходимларга (умуман таълим муассасаси ва алоҳида ҳар бир ходимга) таъсири мотивация воситасида қарор топади.

Кишилар ҳатти-ҳаракатида эҳтиёжлар ва манфаатлар муҳим роль ўйнайди. Эҳтиёж — бу инсоннинг бирон-бир камчilikни физиологик ва психологик ҳис қилиши, тақдирлаш эса инсон ўзи учун қадрли деб ҳисблаган барча нарсани ҳис қилиши демакдир. Англаб етилган эҳтиёжлар ҳаракатга уңдайди. Одамларнинг фаолияти билан эришиладиган эҳтиёжларнинг йиғиндиси бошқарув методларининг иқтисодий, ташкилий-бошқарув ва ижтимоий-психологик сингари мотивацион йўналишларини белгилаб беради.

Бошқарувнинг иқтисодий методлари моддий мотивацияни, яъни муайян кўрсаткичлар ёки топширикларни бажаришга ва, улар бажарилгач, иш натижалари учун иқтисодий тақдирлашга йўналтириши тақозо этади. Шундай қилиб, бошқарувнинг иқтисодий методларидан фойдаланиш иш режасини шакллантириш ва унинг амалга

оширилишини назорат қилиш билан, шунингдек меҳнатни моддий рағбатлантириш, яъни муайян микдор ва сифатдаги меҳнат учун тақдирлашни ҳамда микдори мувофиқ келмаганилиги ва тегишли сифатга эга бўлмаганилиги учун жазо чораси қўлланилишини кўзда тутивчи иш ҳақининг оқилона тизими билан боғлиқдир.

Бошқарувнинг *ташкисий-бошқарув методлари* қонунга, ҳуқук-тартиботга, лавозими бўйича ўзидан юқорироқ бўлган ходимга бўйсунишга, яъни ҳокимият мотивациясига асосланади. Бошқарувда бу мотивация гоят муҳим роль ўйнайди. У давлат даражасида қабул қилинган қонуналар ва меъёрий ҳужжатларга шубҳасиз риоя қилинишинигина эмас, бошқарув ходимлари ва улар кўл остидагиларнинг бошқарув ходимининг кўрсатмаси унинг кўл остидагилар томонидан ижро этилиши мажбурий қилиб кўядиган ҳуқук ва мажбуриятлари аниқ белгилаб кўйилишини ҳам тақозо этади. Бошқарув ходимининг кўл остидаги ходимларнинг ушбу муносабатларга риоя этмасликлари жазо чоралари (танбех, ҳайфсан, ишсан бўшатиш ва ҳ. к.) қўлланишига олиб келади.

Ҳокимият мотивацияси ташкил этиш ва ўзаро муносабатлар учун зарур шарт-шароитларни яратади. Ташкилий-бошқарув методларининг ўзи эса уни мақбул ташкил этиш асосида ҳар қандай даражадаги бошқарув тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган.

Ушбу методлар ташкилий режалаштириш, ташкилий меъёрлаш, йўл-йўриқ бериш, бошқариш ва назорат сингари масалаларни ўз ичига олади.

Макродаражадаги ташкилий-бошқарув методларига бошқарув объектларининг ҳуқук ва мажбуриятларини тартибга соладиган ва таълим муассасалари фаолият кўрсатиши учун турли шарт-шароитлар яратадиган қонун ҳужжатларини киритиш мумкин.

Амалиётнинг кўрсатишича, фақат моддий ва ҳокимият мотивацияларининг қўлланилиши ташкилотнинг мақсадларига эришишда ходимлар ва ҳар бир ходимнинг ижодий фаоллигини тўлиқ сафарбар этиш имконини бермайди.

Бошқарувнинг максимал самарадорлигига эришиш учун бошқарувнинг ижтимоий-психологик методларига таянадиган маънавий мотивациялар зарур. Ушбу методлар ёрдамида ходимлар онгига, одамларнинг ижтимоий, ахлоқий ва бошқа манфаатларига кўпроқ таъсир кўрсатилади ва меҳнат фаолияти маънавий рағбатлантирилади. Маънавий мотивация жуда мураккаблиги ва нозиклиги билан фарқ қиласи. Унинг пировард самарасини аниқлаш қийин бўлса-да, натижалари салмоқлидир.

Бошқарув методлари, одатда, сабабларнинг санаб ўтилган барча турларига комплекс таъсир кўрсатади, шу боис уларни асосий ва

иккинчи даражалига бўлган ҳолда, бир-бирига қарши қўймаслик лозим. Аксинча, уларни бирликда ва ўзаро боғлиқлика кўриб чиқиш керак. Чунки улардан комплекс фойдаланиш қўйилган мақсадларга мақбул даражада эришиш имконини беради.

Математик моделлаштириш, эксперт баҳолаш методи, ақлий хужум методи, ўйинлар назарияси ва бошқалар бошқарув қарорларини мақбуллаштиришнинг кенг тарқалган методлари ҳисобланади.

Математик моделлаштириш бошқарув қарорини осонгина шакллантириш мумкин бўлган кенг ишлатиладиган рақамли ахборот асосида қабул қилинган ҳолларда қўлланилади. Математик моделлардан кенг кўламда фойдаланиш муаммони миқдорий тавсифлаш ва уни ҳал этишнинг мақбул вариантини топиш имконини беради.

Кўйидагилар бошқарув қарорини математик методлар ёрдамида мақбуллаштиришнинг асосий босқичлари ҳисобланади:

1. Вазифанинг қўйилиши.
2. Бир маънода, масалан, муайян сон билан ифодаланиши ҳамда қўйилган мақсад ечими натижаларининг мувофиқлик даражасини акс эттирадиган самарали мезонни танлаш.
3. Самарадорлик мезони катталигига таъсир кўрсатувчи ўзгарувчан миқдорлар(омиллар)ни таҳлил қилиш ва ўлчаш.
4. Математик моделни тузиш.
5. Моделнинг математик ечимини топиш.
6. Моделни ва унинг ёрдамида олинган ечимни мантиқий ва экспериментал текшириш.
7. Олинган натижаларни амалиётга қўллашга доир тавсияларни ишлаб чиқиш.

*Эксперт баҳолаш методлари* вазифа тўлиқ ёки қисман шаклланмайдиган ва математик усуслар ёрдамида ечилиши мумкин бўлмаган ҳолларда қўлланилади.

Экспертиза мураккаб маҳсус масалаларнинг бошқарув қарорининг ишлаб чиқилиши босқынчидаги алоҳида билим ва тажрибага эга бўлган шахслар томонидан фикр-мулоҳазалар, тавсиялар ва баҳолар олиш мақсадида тадқиқ қилинишидан иборат. Эксперт хуносаси тадқиқот жараёни ва унинг натижалари қайд қилинадиган хужжат сифатида расмийлаштирилади. Кириш қисмида экспертизани ким, қаерда, қачон ва нима муносабат билан ташкил қилаётганилиги ва ўтказаётганилиги кўрсатилади. Сўнг экспертиза обьекти қайд этилади, уни тадқиқ қилиш учун қўлланилган методлар ва тадқиқот натижасида олинган маълумотлар кўрсатилади. Якунловчи қисмида экспертилар томонидан таклиф қилинган хуносалар, тавсиялар ва амалий чора-тадбирлар бўлади.

Асосан сифат хусусиятларига эга бўлган мураккаб жараёнларни таҳлил қилишда, таълимни ривожлантириш тамоилиларини прогноз-

лашда, қарорнинг муқобил варианtlарини баҳолашда эксперт баҳолаш методини қўллаш самаралироқ бўлади.

Ақлий хужум методи ечиладиган муаммо ҳақида энг кам маълумот бўлган ва уни ҳал қилиш учун қисқа муддатлар белгиланган ҳолларда қўлланилади. Бунда ушбу муаммога алоқаси бўлган мутахассислар тавсия қилинади, уларга ечимни муфассал мұхокама қилиндиша иштирок этиш таклиф этилади. Бунда қўйидаги қоидаларга қатъий риоя этилади:

- барча навбати билан ўз фикрини баён қиласди;
- янги ғояни таклиф этиш мумкин бўлгандагина гапирилади;
- фикр-мулоҳазалар танқид қилинмайди ва мұхокама этилмайди;
- барча таклифлар қайд қилиб борилади.

Одатда, бу усул юзага келган муаммони тез ва тўғри ҳал қилиш имконини беради.

*Ҳакамлар фикри* ақлий хужум методининг кўринишларидан биридир. Ушбу методнинг моҳияти шундаки, муаммо мұхокамасига турли соҳаларнинг ўзаро боғлиқ мутахассислари жалб этилади. Ушбу усулнинг қўлланиши янги ғояларни ва муқобил варианtlарни ишлаб чиқиш имконини беради.

Бошқарув қарорларини мақбуллаштириш методлари мұхим бошқарув қарорларини ишлаб чиқишида бир-бирини тўлдириши ва комплекс фойдаланиши мумкин.

Кишилар томонидан яратиладиган ҳар бир тизим нима учундир керак ва ниманидир қилиши даркор. Таълим муассасасини бошқаришнинг асосий мақсади жамоанинг биргаликдаги фаолиятининг аниқ мақсадга қаратилишини ва ўюшганлигини таъминлашдан иборатлиги юқорида таъкидлаб ўтилди. Таълим муассасасида ўқув-тарбия жараёни аниқ мақсадга қаратилган бўлиши учун таълимнинг ҳар бир босқичида исталган натижаларни белгилаш, ўқув режасини ишлаб чиқиши, машгулотлар жадвалини тузиш, натижаларни назорат қилиш ва бошқа кўплаб хатти-ҳаракатларни амалга ошириш керак. Жамоа иши ўюшган бўлишини таъминлаш учун маҳсус ишларнинг яхлит мажмуаси бўлиши зарур. Ушбу ишларни бажариш таълим муассасаси бошқарув тизимининг функцияси ҳисобланади.

*Бошқарув функцияси* — бу бошқарув обьекти билан бошқариладиган обьект ўртасидаги бошқариладиган жараёнларнинг аниқ мақсадга йўналтирилганлигини ёки бошқариладиган жараёнларнинг ўюшганлигини таъминлаш учун бошқарув тизимидан муайян ҳаракатнинг бажарилишини талаб қиласиган муносабат.

Бошқарув ҳаракатлари ўз мазмуни ва натижаларига қўра бир-бираидан фарқ қиласди. Бошқарув функциялари ҳам шундан келиб чиққан ҳолда фарқланади.

Менежментта доир ишларда бошқарув ҳаракатларининг режалаштириш, прогнозлаш, таҳти қилиш, уюстириш, бошқариш, раҳбарлик қилиш, мувофиқлаштириш, коммуникация, қарорлар қабул қилиш, ҳисбот, назорат, баҳолаш, хабардор қилиш, рағбатлантириш ва ҳоказо хилма-хил турлари ажратиб кўрсатилади.

Кўпинча бошқарув ҳаракатининг ушбу турларини бошқарув функциялари деб номлашади. Аслида, бу ноаниқ тушунча. Бошқарув функцияси нафақат хатти-ҳаракат, балки ўша ҳаракатнинг бажарилишига қаратилган объект кўрсатилганда гина тўлиқ белгиланган бўлади. Масалан, «ўкув-тарбия жараёнини режалаштириш» ва «методик кенгаш ишини режалаштириш», «тажриба-синов ишларини режалаштириш» — бу лар турли функциялар. «Синфдан ташқари ишларни ташқил этиш» билан «тажриба-синов ишларини ташкил этиш» каби функциялар ҳам шу каби бошқа-бошқа функциялардир.

Шундай қилиб, функция тури бошқарув ҳаракати тури сифатида ҳам, ушбу ҳаракат қаратилган объект тури сифатида ҳам белгиланади.

Бошқарув функциялари турли даражада умумлашган ҳолда белгиланиши мумкин. Нисбатан умумий функциялар хусусий функциялар мажмунини ўз ичига олади. Масалан, «ўкув-тарбия жараёнини режалаштириш» функцияси «ўкув режасини ишлаб чиқиши» ёки «машғулотлар жадвалини режалаштириш» сингари функцияларга нисбатан умумий функция ҳисобланади. «Педагоглар жамоасига раҳбарлик қилиш» ва «педагог кадрларни баҳолаш» функциялари ҳам шундай нисбатадир.

Бошқарув функцияларининг турларга бўлининиши бошқарув тизимларини тузишда муҳим аҳамият касб этади, чунки турли функциялар турли методлар воситасида амалга оширилади.

Бошқарув функциялари педагогик жиҳатдан белгиланган муддатларда (ҳар йили, ҳар чоракда, ҳар ойда, кунда) ёки юзага келиш заруратига кўра амалга оширилади. Масалан, ўқув режаси бир неча йилда бир марта ишлаб чиқилиши мумкин, машғулотлар жадвали ҳар йили ишлаб чиқилади, қандайдир куттилмаган ҳолатлар юзага келганда эса унга тузатишлар киритса бўлади; ўқитувчилар ишини раҳбар томондан белгиланган муддатларда, шунингдек, заруратга қараб назорат қилиш мумкин.

Бошқарув функциясини амалга оширишнинг ҳар бир алоҳида ҳолатида бошқарув вазифаси ҳал қилинади. Бошқача айтганда, бошқарув функциялари бошқарув вазифаларини ҳал қилиш орқали баҳарилади. Бироқ бошқарув функцияси билан бошқарув вазифаси бир нарса эмас, улар ўртасида жиддий фарқ бор.

Функция мазмуни нима қилиниши кераклиги («нима талаб қилинади») билан белгиланади, вазифанинг мазмуни эса, бундан ташқа-

ри, шу пайтда ва шу жойда функция амалга ошириладиган шарт-шароитларни ҳам ўз ичига олади. Яъни, *бошқарув вазифаси — бу муайян вақтда ва муайян жойда бирон-бир бошқарув функциясини амалга ошириш учун талаб қилинадиган нарса билан бунинг учун мавжуд имкониятлар (шарт-шароит) ўртасидаги муносабат демакдир.*

Биргина функциянинг ўзини турли шароитда амалга оширишда бошқарув вазифалари турлича бўлади. Масалан, таълим муассасаси ўқитувчи кадрлар билан тўлиқ бутланган ҳолатда машгулотлар жадвалини режалаштириш — бир масала, ўқитувчилар анча етишмаган ҳолатда шу ишни бажариш эса мазмунига кўра мураккаброқ масала.

Муайян таълим муассасасини бошқариша қандай функциялар амалга оширилиши керак? Ушбу саволга бир хил маънода жавоб бериб бўлмайди. Бу — таълим муассасаси ўз олдига қўйган таълим вазифаларига ҳам, унинг ривожланишга йўналганлитига ҳам, у ишлайдиган шарт-шароитга ҳамда бошқарувга ёндашувга ҳам боғлиқдир.

Бошқарув тизими томонидан амалга оширилиши лозим бўлган функцияларнинг барча таълим муассасалари учун бир хилда рўйхати мавжуд эмас. Масалан, болалар боғчаси билан таълим муассасаси бирлаштирилган таълим мажмуа-муассасасини бошқариш таълим муассасаси ўз ҳолича фаолият кўрсатадиган ҳолатта нисбатан кўщимча функцияларнинг бажарилишини тақозо қиласди. Таълимни индивидуаллаштириш, таълим жараёнининг интеграциялашувини ва вариативлигини таъминлаш вазифалари қўйиладиган таълим муассасасини бошқариш бундай вазифалар қўйилмайдиган таълим муассасасидагига нисбатан кенг кўламдаги функцияларни бажаришни талаб қиласди. Агар таълим муассасаси бирон-бир тадбиркорлик фаолияти билан шугулланадиган бўлса, бу унда тегишли бошқарув функциялари амалга оширилиши лозимлигини англатади.

Функциялар таркибига бошқариладиган объектнинг ўзига хос хусусиятларидан ташқари, бошқарувга ёндашув ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Бошқарув фикри эволюциясини кўриб чиқар эканмиз, биз бошқарув жараёнида ишлар қандай амалга оширилиши кераклиги турли ёндашувларда турлича тушунилишини кўрдик. «Зўравонлик ва тилёгламачилик» методига йўналтирилган ёндашувда ташкилотнинг норасмий тузилмаси бошқарувчиларнинг дикъат-эътиборидан четда бўлади ва унга нисбатан бошқарув функциялари ишга солинмайди. Шахсга йўналтирилган ёндашувларда ташкилот аъзоларининг қоникиш ҳосил қилиши, жамоадаги ижтимоий-психологик муҳит, ундаги жорий этилаётган қадриятлар, аксинча, таҳтил ва тартибга солиш предметига айланади.

Аммо, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бошқарувга энг яхши ягона ёндашув мавжуд эмас. Айрим ҳолларда бир турдаги ёндашув самара-

ли бўлса, бошқа ҳолларда — бошқа турдаги ёндашув самарали бўлади. Бу амалга оширилаётган бошқарув функциялари таркиби ҳам вазиятга монаанд бўлиши кераклигини билдиради.

Ушбу функциялар таркиби таълим муассасасининг ривожланишга йўналганилик даражасига ҳам боғлиқ, бўлади. Таълим муассасаси маъмурияти ҳал қилишга интилаётган асосий вазифа унинг барқарор фаолият юритишини кўллаб-куватлашдан иборат бўлса, инновацион жараёнларни бошқариш функциялари ё умуман бажарилмайди, ёхуд жуда оз ҳажмда бажарилади. Инновацион таълим муассасаларида эса, аксинча, янгиликларни излаш ва ўзлаштириш жараёнларини бошқариш функцияларини бажаришга сарфланадиган вақтни ўкув-тарбия жараёнини бошқариш функцияларини бажаришга сарфланадиган вақт билан тақослаш мумкин.

Бошқарув функцияларини амалга ошириш учун бошқарув тизимида зарур ишлар бажарилиши керак. Ана шу ишлардан бири параллел равищда ва муайян вақттacha бир-бираига боғлиқ бўлмаган ҳолда бажарилса, бошқалари — муайян изчилликда бажарилади. Бошқарув вазифаларини ҳал қилишда параллел равищда ва изчил бажариладиган ҳаракатларнинг ушбу йиғиндиси бошқарув жараёнини ҳосил қиласди.

Бошқарув вазифалари ахборот билан ишлаш орқали амалга оширилади, шу боис бошқарув жараёни қатор ҳолларда ахборотни тўплаш, сақлаш, ишлаш ва узатиш жараёни сифатида белгиланади. Аммо бунда асосийси — айнан бошқарувнинг ўзига хос мазмунини ташкил этувчи нарса очиб берилмайди. Телевизон кўрсатувларни тайёрлаш ва трансляция қилишда ҳам ахборот тўпланади, сақланади, ишланади ва узатилади, бироқ бу бошқарув жараёни ҳисобланадиган.

Бошқа ҳолларда бошқарув жараёни қарорларни ишлаб чиқиш жараёни сифатида тушунилади. Бу тўғри бўлса-да, етарли эмас. Ҳар бир инсон ўз ҳаётида кўплаб қарорлар қабул қиласди, бироқ бу бошқарув қарорлари эмас. Бошқарув — бу шунчаки қарорларни ишлаб чиқиш эмас, балки кўплаб одамлар биргаликда унумли ишлаши учун зарур ва етарли бўлган шарт-шароитни таъминлашга қаратилган чоратадбирларни кўришдир.

Шу боис биз бошқарувни бундан бўён бошқарув субъекти томонидан амалга ошириладиган узлуксиз, изчиллик фаолият сифатида тушумамиз. Бунинг натижасида бошқариладиган обьект қиёфаси ва мазмуни шаклланади ҳамда ўзгаради, биргаликдаги фаолият мақсадлари аниқланади, уларга эришиш усуслари белгиланади, унинг иштирокчилари ўргасидаги иш тақсимланади ва уларнииг саъй-ҳаракатлари интеграциялаштирилади.

Бошқарув жараёни туркумлилик хусусиятига эга. У амалий ҳаралларга эҳтиёжни, мақсадларни қўйишини аниқлашдан бошланиб, уларга эришиш ва бундан воз кечиш билан тугайди. Бошқарув туркуми ичидаги турли ҳатти-ҳаракатлар ажратилиши мумкин.

*Уибу ўринда бошқарув туркуми режалашириш, ташкил этиши, раҳбарлик ва назорат қилиш сингари тўрт асосий бошқарув ишининг ётиқ изчилиги сифатида тушунилади.*

Режалашириш — бу фаолият қўринишларидан бири иш бўлиб, уни бажариш натижасида келгусида қандай натижаларга эришилиши (мақсадлар қўйилиши) кўзда тутилаётганлиги, бунинг учун қандай ҳаракатлар қандай изчилиикда ва қайси муддатларда бажарилиши кераклиги, яъни нима, қаерда ва қай йўсинда амалга оширилиши лозимлиги белгиланади. Келгуси фаолиятни режалашириш уларга эришиш учун зарур бўлган ишнинг мақсади, таркиби, тузилмаси ва бажариш муддатларини белгилаш демакдир.

Аммо факат режанинг ўзи етарли эмас. Одамлар биргаликда самарали ишлаши учун ким ва қандай ишларни бажариши (функционал мажбуриятлари, хукуқлари, жавобгарлиги), бунда ким билан ва қай йўсинда ўзаро муносабатда бўлиши лозимлигини белгилаш (тақсимлаш) керак.

Бундай вазифалар ҳал этиладиган иш **ташкил қилиш** деб аталади.

Режалашириш ва ташкил қилиш ишини бажариш туфайли таълим муассасаси жамоаси аъзоларининг куч-гайратини самарали бирлаштириш учун зарур, аммо етарли бўлмаган шарт-шароит яратилади. Амалиётдан шу нарса маълумки, одамлар реал бажараётган ишлар уларга қўйилаётган расмий талабларга ҳар доим ҳам мос келавермайди. Ихтимоий ташкилотларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларга кирувчи одамлар ўз сабабларига эга бўлган ҳолда, ўз олдиларига ўзлари мақсад қўйишга қодирдирлар. Улар ниманидир қилишни хоҳлашлари ва хоҳдамасликлари ва шунга қараб ишлашлари мумкин. Одамлар ташкилотга келгач, у ўзларининг манфаатларини амалга ошириш имконини беришини хоҳлашади. Бу ҳол юз бермаса, улар ё ташкилотдан кетадилар ёки салоҳиятлари ва иқтидорларини ишга тўлиқ сафарбар этмайдилар.

Биргаликдаги иш самарали бўлиши учун, биринчидан, ижрочилар улардан қандай натижалар ва қачон кутилаётганлигини яхши тушунишлари; иккинчидан, улар бунга эришишдан манфаатдор бўлишлари; учинчидан, улар ўз ишларидан қониқиши ҳосил қилишлари; тўртинчидан, жамоадаги ихтимоий-психологик мухит унумли ишлаш учун қулай бўлиши зарур.

Ижрочиларнинг унумли ишлашдан манфаатдорлигини, ундан қониқишини таъминлаш, жамоада қулай ихтимоий-психологик мухит

ҳитни сақлаб туриш учун бошқариш субъекти амалга оширадиган хатти-ҳаракатлар уйғунынг **раҳбарлик қилиш** деб аталади.

Биргаликдаги фаолият яхши режалаштирилган ва уюштирилган бўлса, ижрочилар бу жараёнга тузатиш киритишни талаб қиласидиган қандайдир ички ва ташки шарт-шароит ўзгармагунга қадар нимани, қаерда ва қай йўсинда бажаришларини билиштгандагина у муваффақиятли кечади. Бу ўзгаришлар режалаштирилган ҳаракатларни амалга ошириш учун хавф түғдириши ёки, аксинча, қандайдир янги имкониятларни очиши мумкин. Бошқарув юз берадиган ўзгаришларга ўз вақтида муносабат билдириши, бунинг учун эса бу ҳақда ахборотга эга бўлиши лозим. Бундай ахборотни олиш ва ишнинг боришига тузатиш киритиш зарурлигини аниқлаш учун **назорат қилиш** деб атадиган маҳсус бошқарув ҳаракатини амалга ошириш зарур.

Бошқарув назорат туфайли ўзи усиз фаолият юритмайдиган энг муҳим таркибий қисм — **қайта алоқага** эга бўлади. Назорат бошқарувнинг «кўзини равшан» ва ўзгаришларга нисбатан таъсирчан қиласиди. Ушбу ўзгаришларга муносабат эса режалаштириш, ташкил этиш ва раҳбарлик қилиш орқали амалга оширилади. Натижада бошқарув давраси ёпиқ ҳолга келади.

Режалаштириш, ташкил этиш, раҳбарлик қилиш ва назорат қилиш мураккаб тузилмага эга бўлиб, ўзи ҳам кўплаб бошқа ишлардан ташкил топади. Масалан, у режалаштириш, вазиятни таҳлил этиш, прогностолаш, мақсад кўйиш, самарадорликни баҳолаш, иш режасининг бирон-бир вариантини танлаш ҳақида қарор қабул қилиш кабиларни ўз ичига олиши мумкин. Раҳбарлик қилиш қўл остидаги ходимларга топшириқлар бериш, жамоа аҳволини таҳлил қилиш, қўл остидаги ходимларнинг ишини баҳолаш, тақдирлаш ва жазолаш ҳақида қарорлар қабул қилиш, ходимларни хабардор қилиш, низоли вазиятларни ҳал қилишни ва ҳ. к. кўзда тутади.

Таълим муассасасини бошқаришда битта эмас, балки кўплаб бошқарув туркumlари амалга оширилади. Бу туркумлар иерархик тузilmaga эга — хусусий туркумлар нисбатан умумийлари таркибига киради. Масалан, таълим муассасасида ўкув-тарбия жараёнини бошқаришнинг умумий туркумида бошланғич ва умумий ўрта таълимни режалаштириш, ташкил этиш, унга раҳбарлик ва уни назорат этиш туркумлари ажратиб кўрсатилади. Бу туркумлар ҳам, ўз навбатида, мураккаб тузилмага эга. Масалан, бошланғич таълимни бошқариш туркуми ичida ва айрим синфлар, предметларни ўрганишни режалаштириш, ташкил этиш, раҳбарлик қилиш, назорат қилиш туркумлари ажратилади.

Турли бошқарув туркумларида режалаштириш, ташкил этиш, раҳбарлик қилиш ва назорат қилиш ишининг мазмуни бир-биридан

тубдан фарқланиши мумкин. Масалан, ўкув режасини ишлаб чиқиш, машғулотлар жадвалини тузиш ва таълим муассасасини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш турли ишларнинг бажарилишини талаб қиласди. Педагогларнинг ишини назорат қилиш ва ўқитиш натижаларини назорат қилиш ҳам бажариладиган иш таркибига кўра бир-биридан фарқ қиласди.

Бошқарув жараёнида, айни пайтда, турли бошқарув туркумлари иши амалга ошириласди. Кимдир машғулотлар жадвалига тузатишлилар киритиши, кимдир ўқитувчининг ишини назорат қилиб бориши, яна кимдир педагогика кенгашининг иш режасини муҳокама қилиши мумкин. Бу бошқарув туркумларини нафақат бехабар кузатувчи учун, балки аксарият бошқарув субъектлари учун ҳам ноошкор ҳолга келтиради. Аммо бошқарув фаолиятининг яхлитлиги учун жавоб берувчи таълим муассасаси раҳбари ушбу туркумларни тузиб, уларнинг ҳар бирини кузатиб бориши керак.

Режалаштириш, ташкил этиш, раҳбарлик ва назорат қилиш ҳокимият муносабатларини амалга ошириши туфайли бошқарув иши деб ҳисобланади.

**Самарадорлик** тушунчаси, гарчи ижтимоий муносабатлар жараёнида кўп кўлланилса-да, бошқарув назариясида энг кам ишланган тушунчалардан биридир. Самарадорликнинг умумий назарияси мавжуд бўлмаганлиги боис ушбу йўналишдаги барча уринишлар ҳозирча кутилган натижага олиб келмади. Фаолиятнинг турли соҳаларида самарадорликнинг ўз хусусий кўрсаткичларидан фойдаланилади. Аммо таълимда бутунги кунда бундай кўрсаткичлар йўқ. Шунга қарамай, самарадорлик тушунчаси сифатга йўналтиришда жуда муҳим ва фойдалидир. Вазифанинг бутун мураккаблигини англаган ҳолда, бошқарув самарадорлиги нима эканлигини аниқлашга уриниб кўрамиз.

Самарадорлик ҳақида гапиришдан олдин фаолият унумдорлиги тушунчасини киритамиз. Ҳар қандай фаолият озми-кўлми унумли бўлади. **Унумдорлик** — бу қандайдир вақт ичida олинган натижаларнинг фойдалилиги ва у билан боғлиқ харажатлар ўртасидаги нисбатни кўрсатувчи фаолият хусусияти демакдир.

Унумдорликдан кўпинча бошқарув самарадорлиги кўрсаткичи сифатида фойдаланилади. Гарчи фаолият унумдорлиги билан бошқарув самарадорлиги бир-бирига боғлиқлиги шубҳасиз бўлса-да, бироқ улар битта нарса эмас. Таълимнинг бошқа таълим муассасасига нисбатан юқорироқ натижалари ушбу таълим муассасасида бошқарув сифати юқори бўлишидан ҳар доим ҳам далолат беравермайди.

Масалан, таълим муассасаси ажойиб моддий базага эга бўлса, молиялаштиришнинг қўшимча манбалари ҳисобига ўқитувчиларга бошқа таълим муассасаларидағига нисбатан юқорироқ иш ҳақи тўлай

олса, ушбу барча неъматлардан маҳрум бўлган оддий таълим муассасидагига қараганда таълим сифати юқорироқ бўлишини таъминлаши мумкин. Лекин масала ҳар бир таълим муассасаси ўзида мавжуд имкониятлардан нечоғли яхши фойдаланаётганлигидадир.

Бошқарув сифатини баҳолаш айнан шу саволга бериладиган жавобга боғлиқ. Бошқарув ўз вазифасига кўра фойдали натижка олиш учун имкониятлардан тўлиқ фойдаланишни таъминлаши керак. Ушбу вазифани қанчалик яхши уддаласа, у шунчалик самарадор бўлади.

Бошқарув самарадорлиги деганда эришиш мумкин бўлган унумдорлик ўртасидаги муносабатни акс эттирувчи хусусиятни тушунамиз.

Бундай таърифни фаолият кўрсатишни бошқаришга нисбатан ҳам, ривожланишни бошқаришга нисбатан ҳам ишлатса бўлади. Лекин бу ҳолатларнинг ҳар бирида турли натижалар ва турли харажатлар ҳисобга олиниши керак. Таълим муассасаси ўзи учун таълим сифати иложи борича юқори даражада бўлишини таъминлай олади (бу юқори самарадорлик ҳамда фаолият юритишни бошқаришдан далолат бериши мумкин), аммо айни пайтда у янгиликларни ўзлаштириш ва ўзининг салоҳиятини кучайтириш учун объектив тарзда таълимнинг мавжуд имкониятларидан фойдаланмаслиги мумкин. Бу таълим муассасасини ривожлантиришни бошқариш самарадорлиги пастлигидан далолат беради.

### **1.2.3. ТАЪЛИМНИ БОШҚАРИШ ВА БИЛИМДОНЛИК**

Таълим сифати — бу таълим жараёнининг жамиятдаги ҳолати ва натижадорлигини, унинг шахснинг фуқаролик, турмуш ва касб соҳаларидағи билимдонлигини ривожлантиришдан жамият (турли ижтимоий гуруҳлар) әҳтиёжлари ва кутган натижаларига мувофиқлигини белгиловчи ижтимоий категория демакдир.

Таълим сифати таълим олувчи ёшларнинг хабардорлигини ривожлантиришни таъминлайдиган таълим фаолиятининг турли жиҳатларини, ўқитиш мазмуни, шакллари ва методларини, моддий-техника базасини, кадрлар таркибини ва ҳ. к. тавсифловчи кўрсатичлар йигиндиси билан белгиланади.

«Билимдонлик» («хабардорлик») термини менежментда кенг кўлланилади. Аммо уни таълим тизимида ишлатиш у қадар оммалашмаган. Ўқувчилар ва талабаларга нимани бериш мақсад қилиб кўйилганлигини аниқлаш учун кўпинчя билим, қадрият ёки ишонч ва эътиқод тушунчаларидан фойдаланиб келинган (ҳозир ҳам шулардан фойдаланилмоқда).

Билимдонлик (хабардорлик) тушунчаси билим эмас, балки маҳорат соҳасига тааллуқлилиги аёндек туюлади. Билимдонлик — бу таълим олиш туфайли эгалланган билимларга, тажрибага, майлларга асосланган умумий қобилият. Билимдонлик билимларга ҳам, кўнижмаларга ҳам таянмайди, билимдон бўлиш — олим ёки маълумотли бўлишни билдирамайди.

Инсон ҳатти-ҳаракатининг чексиз ранг-барант ҳаётий вазиятларга мослаштирилиши умумий қобилият — шахсий ҳаётда эгалланган билим ва орттирилган тажрибани умумий тарихга мос тушадиган вазиятда қўллашни назарда тутади.

Бундан ташқари, билимдонлик билан маҳоратни бир-биридан фарқлай билиш керак.

Маҳорат — бу муайян вазиятда ўзига хос ҳаракат қилиш демакдир. Бу билимдонлик ёки қобилиятнинг, ишга янада умумийроқ тайёргарлик кўрилганликнинг ёки ўзига хос вазиятда иш бажариш имкониятининг қарор топишидир. Бироқ маҳоратни кузатса бўлади, билимдонлик эса иш ва маҳоратни кузатиш орқали билинадиган хусусиятдир.

Шундай қилиб, маҳорат ҳаракатдаги билимдонлик сифатида ифода топади. Билимдонликни маҳорат, ҳаракат келтириб чиқаради.

Билимдонликка билим билан вазият ўртасида алоқа ўрнатиш имконияти, кенг маънода олганда эса, муаммога мос бўлган жараённи (билим ва ҳаракатни) топиш қобилияти сифатида қараш мумкин.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам билимдонлик тушунчасини ҳаддан ташқари соддалаштиришдан огоҳ бўлмоқ лозим.

Маҳоратни кузатиш субъектлар вазиятларга баҳш этадиган мазмунни, улар амалга оширадиган талқинни инкор этолмайди.

Билим ва иш ўртасидаги муносабат масаласи таълим ва педагогиканинг бутун тарихи орқали кечади. Масалан, тарих йўл-йўрик ва предметлар бўйича билим беришга йўналтирилган таълим муассасасининг ўқувчиларни ишга тайёрлашга аниқроқ қилиб айтганда, уларни ҳаётнинг турли шароитларига ва ҳолатларига мос келиши эътироф этилган интеллектуал ва амалий билимдонликни намоён этишига лаёқатсизлигини маълум даражада кўрсатди.

Таълим амалиёти, одатда, кўпроқ ўқитувчи шахсига, ўқитувчилар томонидан тайёрланган ва тақдим қилинадиган билимларни беришга, ўқувчиларнинг бунёдкорлик ва билимларни эгаллаш йўлидаги фаолиятига йўналтирилган. Янги таълим концепциялари дуч келган истиқбол ўзгаришларини амалга оширишдаги қийинчилик ишнинг бошланишида талаб этиладиган қайта қуришга қаршилик кўрсатишдан келиб чиқиши мумкин.

Маҳорат маъносидаги билимдонлик тушунчасининг кенг тарқалганилиги далил бўлган амалиётнинг ўзгариши эътиборга сазовор,

чунки терминнинг ўзгариши аксарият ҳолларда тизимлар ва уларнинг атрофида янада чукурроқ ўзгаришлар юз беришига олиб келади.

Куйидагиларни муҳим ўзгаришлар сифатида ажратиб кўрсатиш мумкин:

**Биринчи.** Билимдонликка (ёки маҳоратта) таяниш таълимга ишлаб чиқариш оламидан кириб келган. Сўнгти ўн йилликлар мобайнида ўзининг одам ресурсларини баҳолаш ва бошқариш техникасини бирмунча мукаммаллаштириди ва шакллантириди. Корхоналар олами катта рақобатта ва билимлар ҳамда технологияларнинг тез суръатлар билан ўзгаришига дуч келиб, ортиб бораётган сармояларини инсон капиталига йўналтириди. Йирик корхоналарда, менежментнинг замонавий методларига мувофиқ одам ресурсларини бошқариш бўлими доимо мавжуд.

**Иккиси.** Кадрлар тайёрлаш милий дастурига мувофиқ амалга оширилаётган таълимни ислоҳ қилиш таълим мазмунини замонавий-лаштириш ва таълим-касб-хунар дастурларини билимлар тараққиёти билан мувофиқ ҳолга келтириш жиҳатидан айниқса муҳимдир.

Устувор йўналишларни аниқлаш жараёни зарур ва у таълим фанлари ўргасидаги рақобатдан юқори туриши керак.

**Учинчиси.** Янги билимлар вужудга келишининг жадаллашиши ва айримларининг эскириши эндиликда бир қанча авлодлар тажрибасига мос тушмоқда ва кишилар ушбу тамойилнинг узлуксизлиги истиқболилигига кенг кўламда кўнига бошладилар. Келгуси авлодлар ҳозиргиларга қараганда кўпроқ, яъни бутун умр ўқиши керак, деган ишонч мустаҳкамланиб бормоқда. Бошлангич тайёргарлик ҳар бир инсонни қобилиятли қилиши ва шундай бўлишини истайдиган қилиши борасида талаб кучайиб бормоқда. Бу кадрлар тайёрлаш милий дастури гоялари ва қоидалари билан тасдиқланган.

Умумтаълим тайёргарлиги, таълимнинг маданиятни таркиб топтирувчи функциясини амалга оширишнинг устуворлиги — бу бугунги ва эртанги кун стратегияси, «ўқишини ўрганиш» ва «бутун умр бўйи таълим олиш» каби принципларни амалга ошириш демакдир. Айрим шароитларда касбий фаолият, сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаёт каби, бир маҳаллар озчиликнинг чекига тушган интеллектуал иш воситаларини кўпроқ эгаллашни муайян тарзда тақозо этади.

**Тўртинчиси.** Таълим тизимида амалиётда юз бераётган ўзгаришлар суръатининг қониқарсизлиги таълим тизимларини бошқариш ва уларни тартибга солиш усууллари секин ўзгараётганлигидан келиб чиқади. Бунда қўйилган мақсадлар билан бошқарув усууллари ўргасида муайян қарама-қаршиликни кўриш мумкин. Кундалик бошқариш ва тартибга солиш шакллари даражасида қоидаларига нисбатан мақсадларга; ўқитувчиларга нисбатан ўқувчиларга камроқ эътибор берилади. Шу нуқтаи назардан олганда, ўкув дастур-

лари билан юз берган ҳодиса ибратлиидир. Бу ўқитувчиларнинг ўқитишга доир фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш во-ситаси бўлиб, бюрократик кўрсатмалар ва тавсияларга айланаб ке-тиш тамойилига эга. Уларнинг бажарилишини текшириш мумкин бўлиб, нормал таълим фаолияти давомида (ўқитувчи ўз дастурини бажарган-бажармагани, ўкувчilar тушунча ва билимларга эга бўлган-бўлмагани) текшириб борилади.

Зарур ва исталган деб топилган билимдонлик рўйхати чексиз ор-тиб боради ҳамда ҳаёт учун зарур деб ҳисобланётган билимлар каби қадрсизланади, деган хавф мавжуд. Бунда умумий билимдонлик ҳақида хуоса чиқариш учун бир неча далиллар ёки натижаларни аниқлашнинг ўзи етарли эмас.

Таълим муассасалари ҳозирги шароитда ижтимоий-иктисодий вазиятни, таълим тизимини ривожлантиришдаги ишнинг аҳволини ҳисобга олган ҳолда ёш авлодни қуроллантириши лозим бўлган *энг маъқул билимдонликни аниқлаши* лозим. Бизнингча, қўйидагиларни шундай билимдонлик сирасига киритиш мумкин:

1. Сиёсий ва ижтимоий билимдонлик — бу масъулиятни ўз зими-сига олишга, қарорларни биргалиқда қабул қилишда иштирок этишга, низоларни зўравонликсиз ҳал қилишта, демократик институтларнинг фаолият юритиши ва уларни яхшилашда қатнашишга қодирлик.

2. Кўп маданиятли жамият ҳаётига тааллуқли билимдонлик. Ирқ-чилик ёки ксенофобиянинг вужудга келишига, тоқатсизлик мухити тарқалишига тўсқинлик қилиш учун таълим соҳаси ёшларни тафовутларни тушуниш, бир-бирини ҳурмат қилиш, бошқа маданиятлар, тиллар ва динларга мансуб одамлар билан бирга яшаш қобилияти каби умуммаданий билимлар билан қуроллантириши керак.

3. Оғзаки ва ёзма мuloқотни эгаллашга тааллуқли билимдонлик касбий ва ижтимоий ҳаётда шу даражада муҳимки, бундай фазилатга эга бўлмаганларга жамиятдан чиқиб кетиш хавфи тугилади. Муҳим аҳамият касб этиб бораётган бир қанча тилларни ва ахборот технологи-яларини эгаллаш мuloқотнинг ушбу гурухига киради.

4. Ахборот жамияти вужудга келиши билан боғлиқ билимдон-лик. Бу — янги технологияларни эгаллаш, уларнинг қўлланилиши-ни, кучи ва заиф томонларини англаб этиш, ОАВ каналлари орқали тарқатилаётган ахборот ва рекламага танқидий муносабатда бўлишга қодирлик демакдир.

5. Касбий жиҳатдан, шунингдек шахсий ва ижтимоий ҳаётда уз-луксиз тайёргарлик кўриш негизи бўлмиш бутун умр ўқиб-ўрганиш қобилияти.

Билимдонликни асослаш, унинг рўйхати ва таркибини ажратиш таълим мазмуни билан бевосита боғлиқдир, чунки ёшлар билимдон-

ликни узлуксиз таълим жараёнида эгаллашлари керак. Ушбу муаммо ислоҳотлар ўтказилган йилларда тубдан қайта кўриб чиқулган таълим мазмунини ишлаб чиқишида ҳал этилади.

Таълим тизимларини ислоҳ қилиш сабаблари ва омилилари кейинги йилларда чоп этилган илмий ишлар туркумида батафсил ва асосли таҳтил қилинганд (Р. Ахлидинов, Р. Жўраев, У. Иноятов, Ш. Курбонов, М. Куронов, Х. Рашидов, Э. Сейтхалилов, Д. Шодиев, Н. Нишоналиев ва бошқалар). Бунда таълим-касб-хунар дастурлари мазмунининг қайта кўриб чиқилишини тавсифлайдиган уч йўналишни ажратиб кўрсатиш мумкин.

*Биринчи йўналиш* ўкув дастурларидаги камчиликларни бартараф этиш билан боғлиқ. Бунда мақсад дастурларни зарур деб ҳисобланган янги элементлар билан тўлдиришдан иборатdir.

Аниқ фанлар соҳасида, хусусан, информатика, атроф-муҳитни ўрганиш ёки технологияларни ривожлантириш ва уларнинг таъсири билан боғлиқ билимларни киритиш бугунги кунда шу тариқа зарур деб ҳисобланмоқда.

Камчиликлар, шунингдек, гуманитар ва ижтимоий фанлар соҳасида ҳам аниқланмоқда. Агар ёш йигит экологик ҳуқуқий, социологик, психологик ва бошқа фанларни ўзлаштирмаса, бу қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги барчага аёндир. Тарих, адабиёт ва тил, жамиятшунослик, география, маънавият асослари каби фанлар вақти-вақти билан таълим мазмунни ва методларини қайта кўриб чиқиши зарурлигини тақозо қилмоқда. Таълим тизими жавоб беришга одатланмаган масалалар, тарихий воқеалар ёки жамиятнинг ривожланиши натижасида кутилмагандан юзага келади ва тез ҳал этишни талаб қиласидиган муммоларни вужудга келтиради.

*Иккинчи йўналиш* таълим-касб-хунар дастурлари таркибини қайта кўриб чиқишидан иборат. Уларни тўлдиришга бўлган ҳар қандай уринини дастурларни умумий ташкил этиш масаласига келиб тақалади. Соф қўшимча ёндашув дарҳол ДТС (умумий ўкув нагруззаси ҳажмини камайтириш) талаблари, ҳаммасини яхлит ҳолга келтириш билан боғлиқ мураккабликларга дуч келмоқда. Ушбу масалани ҳал қилиш учун, энг аввало, таълим соҳаларини билимлар йиғиндиси сифатида реструктуризация қилишини кўзда тутадиган турли вариантларни кўйлаш мумкин. Оддий ўхшашиликдан қочиш учун турли фанларни умумий боғлиқ режага киритиш таянч фоя ҳисобланади.

Иккинчи ёндашув, хусусан, таълим беришнинг турли масалаларини таърифлаш мақсадида дастурларнинг янги тузилишини излаб топишдан иборат. Айримлари фанлар бўйича билимларга, бошқалари предметлар ўртасидаги ёндашувга ёки фанлараро билимдонликка боғлиқ. Бундай янги туташув нуқталарини излаш, биринчидан,

билимлар эпистемологияси (билиш назарияси) билан боғлиқ фундаментал масалаларни ва, иккинчидан, дастурнинг ёзма берилиши чизиқли матн кўринишидаги расмийлаштиришга қийин бўйсуниши билан боғлиқ расмий масалаларга дуч келмоқда. Бизнингча, дастур матни кенг маънода, яъни таълимдаги хилма-хил киришлар, мазмун, мақсадлар, ваколатлар ва усусларга мувофиқ ўқилиши керак.

Учинчи йўналишини асосий нарсани айнанлаштириш сифатида белгилаш мумкин. Дастурга киритиладиган қўшимчалар, айтиб ўтгани миздек, уларнинг умумий тузилишини бузибина қолмай, балки зудлик билан саралаб, устувор жиҳатларни ажратиб олиш зарурлигини кўрсатади. Бунда гап, хусусан, таълим муассасаларининг ўкувчиларга ҳар соатда ва ҳар куни берадиган таълими ҳақида бормоқда. Асосий билимлар, маҳорат ва кўникмаларни излаш ҳамда айнанлаштириш билан боғлиқ дастурларни ўрганишнинг иккинчи тури шундан вужудга келади. Таълим муассасалари ўкувчиларга беришта интилаёттан таянч билимларнинг қай бири энг муҳими ҳисобланади? Ўкувчиларнинг ҳаммаси қандай таянч билимларни эгаллашлари лозим эди? Ўтмишда айнанлаштирилган ва мажбурий багажнинг таркиби қисми сифатида синовдан ўtkazilgan билимлар ҳанузгача қадрлими? Ушбу масалалар таълимнинг пировард мақсадларини ҳам, ўкув дастурлари мазмуни сифатида белгиланадиган, кейинги йилларда амалга оширилган тадқиқотлар ва ишларни ҳам у ёки бу маънода фарқлади.

Кўпинча кенг билимларга эга бўлган, аммо имконият тугилганда керакли пайтда уларни тегишлича сафарбар эта олмайдиган одамларни учратиш мумкин.

Инсон амалиётида билим билан иш ўртасида мураккаб муносабатлар мавжуд. Муаммо зарур билимдонликни шакллантиришни таъминлайдиган билимларни аниқлашдан иборатdir.

«Билимдонлик» тушунчасини «малака» тушунчаси билан ўзаро алоқада кўриб чиқамиз. Билимдонлик тушунчасининг вужудга келиши иқтисодий фаолиятдаги ўзгаришлар билан нишонланган касбий тайёргарлик тарихига мос тушади. Бунда билимдонлик тушунчаси меҳнат ва саноат корхоналари оламида қандай пайдо бўлганлигини, шунингдек, осон аниқланадиган касбий вазифаларни бажариш қобилиятидан, умумий билимдонлик, муаммоларни ҳал қилиш, ихтиро этиш ёки мослашишдан ташқари, бутунги кунда қатъият билан биринчи қаторга чиқаётган сабабларни кузатиб бориш лозим бўлади.

Янги технологияларни киритиш билан боғлиқ ҳолда кўплаб касбхунар вазифаларининг жадал ўзгариши янги малакаларни талаб қиласди. Одатда, бирон-бир касбга оид вазифаларнинг бажарилишини тав-

сифловчи маҳорат эндиликда етарли бўлмай қолди. Бундан ташқари қийинчилекларни олдиндан кўра олиш, қарорлар қабул қила олиш, ҳамкорлик қила билиш ва ўз фолиятини мувофиқлаштира билиш ҳам керак. Ҳозирги вақтда қасбий фаолият ва бандликни баҳолашда хукм сураётган ишончсизлик умумий билимдонлик кутганларини янада кучайтиради. Индивидуал билимдонлик натижалари юзага келтирадиган эътибор бу борада жамият ҳаёти бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам боғликроқ бўлган инсон ресурсларига янгича қарашнинг белгисидир.

Таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш шароитида асосий билимлар рўйхатини аниқ белгилашнинг имкони йўқ. Шу боис биз демократик жамиятни қарор топтириш ва бозор иқтисодиётини ривожлантиришда алоҳида аҳамият қасб этувчи билимдонликнинг муайян йиғиндиси ҳақида гапиришимиз мумкин. Куйида анча баҳсли ва фикр-мулоҳаза юритиш учун озиқ бериши мумкин бўлган асосий билимдонликларнинг муайян йиғиндисини келтирамиз. Ушбу рўйхат куйидагича кўринишга эга:

Ўрганиш:

- тажрибадан фойда чиқара олиш;
- ўз билимларининг ўзаро боғлиқлигини ташкил этиш ва уларни тартибга солиш;
- ўқитишининг ўз усулларини ташкил қилиш;
- муаммоларни ҳал қила олиш;
- билим олиш билан мустақил шуғулланиш.

Излаш:

- турли маълумотлар базасини сўраб олиш;
- атрофдагилардан сўраб-суриштириш;
- экспертдан маслаҳат олиш;
- аҳборот олиш;
- хужжатлар билан ишлай билиш ва уларни таснифлай олиш.

Ўйлаш:

- ўтмишдаги ва ҳозирги воқеаларнинг ўзаро алоқасини ташкил этиш;
- жамиятимизни ривожлантиришнинг у ёки бу жиҳатига тандидий муносабатда бўлиш;
- ишончсизлик ва қийинчилекларга қарши турса билиш;
- мунозараларда ўз нуқтаи назарига эга бўлиш ва ўз фикрини пишитиш;
- таълим ва иш жараёни кечайдан сиёсий ва ижтимоий муҳитнинг муҳимлигини кўра билиш;
- саломатлик, истеъмол, шунингдек, атроф-муҳит билан боғлиқ ижтимоий одатларни баҳолаш;

- санъат ва адабиёт асарларини баҳолай билиш.

Ҳамкорлик қилиш:

- гуруҳда ҳамкорлик қилиш ва ишлай билиш;
- қарорлар қабул қилиш;
- келишмовчиликлар ва низоларни бартараф қила билиш;
- келиша олиш;
- шартномаларни ишлаб чиқа олиш ва бажара билиш.

Ишга киришиш:

- лойиҳага қўшилиш;
- жавобгар бўлиш;
- гуруҳ ёки жамоага кириб, ўз улушини қўшиш;
- бирдамликни исботлаш;
- ўз ишини ташкил қила билиш;
- ҳисоблаш ва модельлаштирувчи асбоблардан фойдалана билиш.

Мослашиш:

- ахборот ва коммуникациянинг янги технологияларидан фойдалана билиш;
- тез ўзгарувчан шароитда мослашувчанлигини исботлаш;
- қийинчиликларга нисбатан қатъиятлиигини кўрсатиш;
- янги ечимлар топа билиш.

Асосий билимларнинг ушбу рўйхати тутал ҳам эмас, якунловчи ҳам эмас. У биринчи навбатда ёшларнинг дунёқарашини ривожлантириши лозим бўлган асосий билимларни идрок қилиш масалаларидаги мосликлар ва фарқларни аниқлаш мақсадида ишчи материал сифатида тақдим этилган.

Ёшлардан кутилаётган асосий билимдонлик табиати ҳақидаги мулоҳазалар уларни шакллантириш учун асос сифатида хизмат қиласиган шарт-шароитлар ва жараёнлар масаласини кўриб чиқмай, факат уларни белгилаш билан чегараланилса, тўлиқ бўлмас эди. Эҳтимол, «таълим учун реал ва қулай шарт-шароитлар яратиш учун ахборот имкониятларидан фойда чиқариб олиш» каби билимдонликни ҳар ким ўзича асосий деб ҳисоблаши мумкиндир. Бироқ принципиал келишувга эришилганда ҳам яна ушбу билимдонликни ривожлантириш шакллари ҳақидаги масала қолади, шунингдек, таълимнинг турли стратегиялари кўриб чиқилиши ва тавсия этилиши мумкин. Асосий билимлар ва уларнинг вужудга келиш шарт-шароитлари белгиланишини узвий боғлашдан манфаатдорлик ана шундан келиб чиқади. Асосий билимларга қаерда, қачон ва қай даражада эга бўлинади?

Таълим муассасалари ягона ўқитиш жойи ҳисобланмайди. Кўпинча ижтимоийлаштириш жойи сифатида белгиланадиган, оила ва турли ассоциатив бирлашмалар (спорт клублари, ёшлар ҳаракатлари, клублар, мусиқа тўгараклари ва ҳ. к.), ОАВ, микросоциум

таянч ижтимоий ва интеллектуал билимларни намоён қилишда мұхым рол үйнайды.

Таълим муассасаларида ва улардан ташқарыда нималарға эга бўлиниади?

Билимларга эга бўлиш таълим олувчининг тажрибасига ва фоалиятiga асосланади. Таълим назарияси ютуқларига эришишга асосланган ушбу нұқтаи назарни Пиаже, Виготский ва Брюнер каби кўплаб мамлакатимиз ва чет эл эксперталари маъкуллашмоқда.

*Ишлашини ўрганиш учун амалий ҳаракатни ташкил этиши зарур.* Мулоқот қилишга ўрганиш учун мулоқот ҳақидаги илмий маърузаларни тинглаш фойдасиздир. Кўпроқ мулоқот қилиш керак. Маърузалар, эҳтимол, келгусида ва бутунги кунда тўпланган тажрибани тартибга солишда ёрдам берар. Инглизча сўзлашмай, инглиз тилини ўрганиб бўлмайди; амалиётга таянмай туриб компьютердан фойдаланиб бўлмайди. Авторитар бошқариладиган, ўқувчилар ва ўқитувчилар ўз фикрлари ва нұқтаи назарларини билдириш учун ҳеч қандай имкониятларга эга бўлмаган таълим муассасасида ёшларга демократиянинг амал қилиши учун зарур бўлган билимларни бериб бўлмайди.

Бошқача айтганда, мақсад ўқувчилар томонидан билимларнинг эгалланиши бўлса, у ҳолда ўқув дастурлари ва фанлар методикасини ишлаб чиқишининг ўзи етарли эмас. Билимларга эга бўлиниши ўқувчиларнинг фаоллигига боғлиқ.

Ушбу нұқтаи назарни эътиборга олган ҳолда, ўқувчилар одатда бутунги кунда ўзлари томонидан яратилаётган иш шароитлари ва тажрибада эгаллаётган билимларни, масалан, ўқувчиларнинг билимларини баҳолаш вақтида улар томонидан эгалланган ва қўлланилаётган билимларни аниқлаш мумкин бўлади. Ёшлар нимани қила билишларини эмас, балки нимани ёдлаганликларини кўрсатишлари керак бўлган вазиятга тушиб қоладилар. Бунда гап ўқитувчининг ишончини қозониши учун керак бўлган нарсани ёдлаш, сўнгра билган нарсадан фойда чиқаришга эришиш; имкони бўлса, гўё бу нарса ҳақида кўпроқ билимга эга бўлиб кўриниш; ҳар қандай ҳолатда етарли баҳо бермасликдан қочиш, қисқаси, гап «ўз ролини қойилмақом қилиб ўйнаш кераклиги» ҳақида бормоқда.

Ўқувчи учун бундай билимдонлик жуда мұхимдир. Шунга қарамай, бирон-бир таълим дастурида билимдонликка ўқитиш кўрсатилмаган. Айниқса, умумий ўрга таълимда актив фаолият принциплари ҳали заиф жорий қилинган. Бунда умумий ва жамоавий таълим устунылик қиласи. Аммо, ўқитувчиларни тинглай бориб, ўқитувчиларни тинглашни яхши биладиган бўласан, зеро, тинглаш ҳам фао-

лиятдир. Дарс материали зерикарли бўлса ҳам, уни тинглаёттандек қиёфа касб этасан, ҳар бир ўқитувчининг қизиқиши ва алоҳида талабларини аниқлашни ўрганасан. Фанларнинг аҳамияти, ўкув йилининг вақтига, аввалги натижаларга қараб, саъй-ҳаракатни ўзгартирган ҳолда, тизимга айёрлик билан муносабатда бўлишни ва ўтамиёначиликни, зачётларга тайёрланишини ўрганасан.

Тажриба кўрсатишича, аксарият таълим муассасаларида ўкувчиларда ишончсизлик туйғуси пайдо бўлади, ҳатто катталарнинг улардан нафратланиш ҳиссини ҳам кўриш мумкин. Ўкувчи фаолияти дикқат билан ўрганиб чиқилар экан, унинг тасаввури таълим муассасаси муҳитида узоқ давом этган ўзига хос муносабатлар туфайли эгалланган минглаб билимлардан ташкил топади, деган хulosага келиш мумкин. Яна ана шундай турдаги билимларни ҳамда айни пайтда доим ҳам ўқитиш мақсади ҳисобланмайдиган ижтимоий ва интеллектуал билимларни айнанлаштириш керак бўлади.

Машгулотларнинг дарс шакллари, таърифига кўра, билиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Лекин бугина эмас. Тегишли билим олиш ва тажриба тўплаш учун ўкувчиларга кўп миқдорда маблағ сарфламасдан туриб билимдоноликка эришиш мумкин, деган фикрга йўл кўйилса, билимларни эгаллашга қаратилган фаолият барбод бўлади.

Аммо бундай сармоялаш ўкувчи ва талabalар ўзларига таклиф қилинаётган фаолият ва таълим мазмунини қандай тушунишларига боғлиқ бўлади.

Терминлар ушбу маъно мавзуси атрофида ўзгариб туради: баъзилар сабаб ва қизиқишлар ҳақида, бошқалар — қадриятлар тўғрисида, яна бирлар эса — эмоционал ҳолат ёки маънавий мажбуриятлар ҳақида сўзлайдилар. Бу терминларга бефарқ қараб бўлмайди. Улар воситасида ифодаланадиган шахснинг шаклланиш концепцияларини бирмунча синчковлик билан ўрганса арзиди. Бироқ, аввало шуни таъкидлаш жоизки, чукур билимлар генератори бўлиш учун тажриба нафақат ўқитувчилар ва маъмурият учун, балки ўкувчилар учун ҳам муайян маъно касб этмоғи лозим.

«Билимдонолик», «омилкорлик», «хабардорлик» тушунчасининг моҳияти «Пухта билим қачон орттирилиши зарур?», «Энг муҳим билимлар маҳсус ўрганилиши зарур бўлган фанлар сирасига кирадими?», «Индивидуал ва жамоавий билимлар нималардан иборат?» каби ва бошқа саволларга жавоб излаб топиш жараённида очилади.

Билимларни эгаллаш вақти тўғрисидаги масала ана шу билимлар эгалланиши ва ишга солиниши мумкин бўлган таълим даражалари тўғрисидаги масалалар билан боғлиқ.

Бошлангич таълим муассасаларида кўзда тутилган энг муҳим умумий билим ва тажрибалардан қайси бирлари эгалисанади. Қайсилари умумий ўрта ТМда, ўрта маҳсус, қасб-хунар ва олий таълимда ривожлантирилиши лозим?

Ўкувчилар энг асосий билимларни қачон ривожлантириши лозим, деган саволга жавоб бошлангич ва узлуксиз таълимга тегишли қисмлар белгилаб олинишига ҳам боғлиқ бўлади. Асосий билим ва тажрибаларни «умр бўйи» ривожлантириш ҳақида ҳам худди шуни айтиш мумкин.

#### 1.2.4. ТАЪЛИМ СИФАТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

Сифат тўсатдан пайдо бўлиб қолмайди. Уни режалаштириш лозим. Сифат муассаса стратегиясида энг муҳим кўрсаткич бўлиши ва унга стратегик режалаштириш жараёнига мувофиқ мунтазам эришилиши даркор. Стратегик режалаштириш — таълим сифатини бошқариш тизимидағи энг асосий кўрсаткичлардан биридир.

Таълим сифатини режалаштириш таълим муассасаси фаолиятнинг узоқ муддатли йўналишини ишлаб чиқиш билан чамбарчас боғлиқ. Кудратли стратегик нуқтаи назар — ҳар қандай муассаса муваффақиятининг энг асосий омилларидан биридир.

Таълимдаги стратегик режалаштириш жараёни фанда, ишлаб чиқаришда ва умуман жамиятда рўй берадиган воқеа-ҳодисаларни кўзгулагидек акс эттиради. Унда асосий вазифалар ва мақсадларни аниқлаш, кучли ва заиф томонларни, имкониятларни ва таҳдид соловчи хавф-хатарларни таҳлил қилиш учун фойдаланиладиган омиллар таълим соҳасига ҳам жорий қилинади.

Стратегик режалаштириш узоқ муддатли устувор жиҳатларни шакллантиришга имкон беради ва оқилона ўзгаришларга кўмаклашади. Муассаса стратегияга эга бўлмай туриб, янги имкониятлардан жуда яхши фойдаланиш учун макбул вазиятда эканлигига ишонч ҳосил қила олмайди. Стратегик режалаштиришнинг етакчи мақсадлари таълим муассасасини ривожлантиришнинг муайян вақт оралиғига мўлжалланган умумий дастурини ишлаб чиқиш билангина эмас, балки ушбу таълим муассасаси кўрсатадиган таълим хизматларининг энг муҳим йўналишларини, шунингдек, бу йўналишларнинг истеъмолчилар эҳтиёжларига нечоғли мослигини тушуниб олиш ва уларни қайта кўриб чиқиш билан ҳам белгиланади.

Стратегик режалаштиришда одатда, муҳим муаммоларнинг мавзум бир мажмуини ишлаб чиқишига алоҳида аҳамият берилади. Уларнинг рўйхати куйидагича бўлиши мумкин:

## Стратегик режалаштириш жараёни

Режалаштириш босқичлари	Жавоб топилиши зарур бўлган саволлар
Бош мақсад	Мақсадимиз нима? Бизнинг нуқтаи назаримиз, асосий ва-зиғрамиз ва қадриятларимиз нималардан иборат?
Истеъмолчи (ўқувчи)нинг талаблари	Истеъмолчиларимиз ким? Истеъмолчилар биздан нимани кутади? Уларнинг куттандларига жавоб бериш учун биз нимада кучли бўлишимиз керак? Ўқувчилар муассасалардан нимани талаб қилишади? Биз истеъмолчи (ўқувчи)нинг эҳтиёжларини аниқлаш учун қандай методлардан фойдаланамиз?
Муваффақиятга элтувчи йўллар	Кучли (зиф) томонларимиз, имкониятларимиз ва бизга таҳдид солиб турган хавф-хатарлар нималардан иборат? Қандай омиллар бизнинг муваффақиятларимиз учун хатарли ҳисобланади? Биз қандай қилиб муваффақиятга эришмоқчимиз?
Сифатни амалга ошириш	Қандай стандартларни жорий қилмоқчимиз? Сифатни қандай амалга ошироюммоқчимиз? Сифат бизга қанчага тушади?
Кадрлар	Ходимлар жамоасини қандай тақлаб оламиз? Жамоага ва унинг ривожига қилинаётган сарфлар етарлими?
Жарабённи баҳолаш	Муваффақиятсизлик ёки хагога йўл қўйилган ҳолларда ишга солинадиган механизмлар борми бизда? Муваффақиятли ишлаёттанигитимизни қандай қилиб билиб оламиз?

Гарчанд назариядан амалиёт сари ишлаш оқилона йўл бўлса-да, стратегик режалаштиришга киришаётib риоя қилиш лозим бўлган хатти-ҳаракатлар мажбурий изчиллиги мавжуд эмас. Бироқ келажакни режалаштиришда тизимли ёндашиб ниҳоятда муҳим. Стратегия истеъмолчиларнинг турли гуруҳлари эҳтиёжларига таяниши лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда бош мақсадни белгилаб берадиган ҳамда умуман нуқтаи назарни кенгайтирадиган сиёсат ва режани тузиш зарур.

Стратегик режалаштиришда ҳаракатларнинг муайян изчиллиги бўлиши мумкин.

Таълим муассасасининг бош мақсади унинг йўналишини, бош қалардан фарқини белгилаб беради. Бош мақсаднинг ушбу таълим муассасасининг барча имкониятларидан максимал равища фойдаланишга имкон берадиган зарур ҳаракатларга ўтишини таъминлаш жуда муҳим. Улар ўз соҳасининг пешқадамларидан бўлишни мақсад қилиб қўйганликларини, одатда, истар-истамас ошкора эълон қиладилар. Улар, бу ҳолда, маглубиятта учраш эҳтимолидан чўчийдилар. Сиз асосий мақсадни аниқлар экансиз, узоқ муддатга мўлжалланган, аниқ ифодаланган сифат стратегиясига таянсангиз, бу ҳол, албатта, акс этиши лозим. ТМ бош вазифаларининг асосий қоидаларини белгилашда қўйидагиларни эътиборга олиш зарур:

- ёдда осон сақланиши;
- осон оммалашиши;
- ташкилотнинг нима билан шугулланиши аниқ белгиланиши;
- сифатни оширишга кўшилган ҳисса даражаси;
- ташкилотнинг узоқ муддатли мақсадлари тўғрисида низом бўлиши;
- истеъмолчига йўналтирилган бўлиши;
- мослашувчан бўлиши шарт.

Таълим муассасаси қадриятларни ўзи аниқлаб олиши зарур, аммо улар қўйида тавсия қилинадиганлардан аксариятини ўз ичига олиши мумкин:

- таълим олувчилар (ўкувчи, талаба)ни биринчи ўринга қўямиз;
- қасбий ҳалолликни юқори даражада тутган ҳолда ишлаймиз;
- ягона жамоа бўлиб ишлаймиз;
- доимий яхшиланишга (тараққиётга) интиламиз;
- барчага тенг имкониятлар яратиш устида ишлаймиз;
- таълим хизматларининг энг юқори сифатини таъминлаймиз.

Нуқтаи назар, вазифа ва қадриятлар аниқлангач, уларни эришиш мумкин бўлган мақсадлар билан боғлаш керак. Улар ўлчанадиган бўлиши жуда муҳим, яъни уларнинг ютуқлари натижасини мунтазам равишда баҳолаб туриш мумкин бўлиши лозим. Шундай қилиб, мақсадлар ҳақиқий ва эриша оладиган бўлиши керак.

Эҳтимол тутилган изжобий ва салбий омилларни, истиқбол йўналишлари ва омадсизликларни таҳлил қилиш стратегик режалаштиришнинг зарурий босқичи ҳисобланади. У таълим муассасасининг имкониятларини аниқлашниң самарали воситаси бўлиб хизмат қиласди.

Унда иккита таркибий қисмни, яъни, обьекти таълим муассасасининг ўз фаолияти бўлган ички таҳлилни ва унинг фаолиятидаги ташқи вазиятлар таҳлилини ажратиб кўрсатиш мумкин. Кучли ва заиф томонларнинг нисбатини, моҳиятнан, таълим муассасаси самарадорлигининг ички аудити дейиш мумкин. Имкониятлар ва эҳтимол тутиладиган хавф-хатарлар жиҳати эса ТМ иш олиб борадиган шароитдаги ташқи вазиятларга тегишилидир.

Бу таҳлилнинг мақсади — афзаликни кучайтириб, нуқсонларни мумкин қадар камайтириш, хавф-хатарни сусайтириб, янги имкониятларни яратишдан иборат. Агар таҳлилни ҳам истеъмолчиларнинг талабларига, ҳам ТМнинг талаб бозорида рақобатлашиш имкониятларига қаратсан, таҳлилнинг самарадорлигини ошириш мумкин бўлади. Булар узоқ муддатли корпоратив стратегияни яратишда икки асосий соҳа ҳисобланади. ТМ стратегияси ТМнинг рақобат-бардошлигини ошириб, истеъмолчиларни ўзига жалб этишини максимал даражада кучайтирадиган тарзда ишлаб чиқилиши лозим.

Агар бу миссия ва қадриятларни ўрганиш билан қўшилса, у ҳолда ушбу муассасанинг рақобатчиларидан фарқини белгилаб олиш мумкин бўлади. Муассасанинг фарқли хусусияти белгилаб олингач, унинг учун сифат тавсифномасини аниқлаш анча осон бўлади.

Эҳтимол тутилган ижобий ва салбий омилларни, истиқбол йўналишлари ва муваффақиятсизликларни таҳдил қилиш натижалари куйидагича кўрсатилиши мумкин:

**Ижобий омиллар:**

- ўқувчиларнинг кўп миқдорда қабул қилиниши;
- ижодий бошқарув иши;
- имтиҳонларнинг ижобий натижалари;
- кучли мусиқа ва санъат кафедралари;
- ота-оналарнинг кучли кўмаги;
- ҳокимият органларининг қўллаб-кувватлаши.

**Салбий омиллар:**

- эски, ҳароб бино;
- ходимларнинг ёши (ўрта ва катта ёшдагиларнинг кўплити);
- бюджетнинг озлиги;
- ускуна ва жиҳозлар камлиги.

**Истиқболлари:**

- яхши ерда жойлашган, ўзи каби юқори обрў-эътиборга эга бўлган қўшни ТМ билан қўшилиш;
- предмет бўйича олимпиадаларда ва спортда обрў-эътибор қозониш;
- қўшилиш ва янги муассаса ҳосил бўлиши натижасида умумий юксалиш;
- таклиф қилинадиган таълим хизматлари сонини кўпайтириш учун ходимларнинг касбий савиясини ошириш имконияти;
- бирлашган муассаса қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилиши мумкин.

**Муваффақиятсизликлар:**

- ўз қиёфасини, устунликларини ва обрў-эътиборини йўқотиш хавфи;
- вақтидан илгари нафақага чиқиб кетиши мумкин бўлган тажрибали ўқитувчиларни йўқотиши хавфи;
- бошқа ТМнинг муҳити устун бўлиб қолиши;
- баъзи бир ҳокимият вакилларининг қўллаб-кувватлашларидан маҳрум бўлиш эҳтимоли.

**Муваффақиятнинг танқидий омиллари (МТО)** — бу, агар таълим муассасаси истеъмолчилар талабларини қондиришга ва бош вазифани ҳал қилишга йўналтирилган бўлса, у эришиши лозим бўлган

кўрсаткичлардир. Улар стратегиянинг навбатдаги босқичи бўлиб, ТМнинг асосий тавсифи йўналишини белгилаб беради.

Улар *фаолият кўрсаткичлари* (ФК) билан, жуда бўлмаса ҳам, ўхшаш. Фарқи шундаки, ФК, одатда, МТОдан келиб чиқади ва ТМнинг асосий вазифасига ёки истеъмолчилар талабига доим ҳам тўғридан-тўғри тааллуқли бўлавермайди.

МТО — ТМ ўзи учун белгилаб оладиган муҳим омиллардир. Муваффақиятнинг танқидий омиллари рўйхати ўлчовнинг ташки кўрсаткичларини, масалан, истеъмолчининг қониқсанлиги ёки микрорайон учун фойдани ҳам, ички, яъни кадрларнинг замон талабларига мувофиқ касбий тайёргарлиги ёки жамоа бўлиб муваффақиятли ишлашни ҳам ўз ичига олади. Бу омиллар сифатга умумий тарзда қаратилгани ҳолда корхона томонидан эришиладиган аниқ мақсадларни ўз ичига олиши керак.

#### **Ички МТО қўйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:**

- қабул тизимининг барча учун очиқлиги;
- ўқувчиларнинг талабларига мос ўқитиш методлари;
- иноқ жамоалар;
- имтиҳон баҳоларининг юқорилиги;
- ўқувчиларнинг шахсий, маданий ва ахлоқ бобида камол топиши;
- ўқув технологияларининг такомиллаштирилиши;
- янги тартиб-қоидаларни жорий қилиш ташабусига жамоа ходимларининг кўпчилигини жалб қилиш;
- таълим савиясини ошириш ва таълим муассасаларига кирган ўқувчилар сони.

#### **Ташки МТОга қўйидагилар кириши мумкин:**

- ТМга қабулни такомиллаштириш;
- истеъмолчи нуқтаи назаридан (сўровлар натижасига кўра) ишдан юқори даражада қониқиши;
- талабнинг ошиши;
- камчилик истеъмолчилар ёки номақбул гуруҳларга кўпроқ эътибор бериш ва уларнинг манфаатларини ҳисобга олиш;
- микроҳудуд эҳтиёжларига эътиборни кучайтириш;
- ишлаб чиқариш ва фан билан яқиндан ҳамкорлик қилиш.

Таълим сифатини бошқариш тизимининг навбатдаги таркибий қисми режани ишлаб чиқишдан иборат.

Баъзан муассасани ривожлантиришнинг умумий режаси деб аталувчи стратегик режада, муассаса бош мақсадга эришиш учун қўлла-моқчи бўлган ўша чоралар батафсил аниқлаштирилади. У таълимнинг ўртача муддатини белгилайди, одатда бу уч йиллик даврdir. Ушбу режанинг мақсади — таълим муассасаларига йўналиш бериш.

Бироқ бундай режа қатъий восита бўлиши мумкин эмас, у, агар шароит тақозо этса, ички ёки ташқи шарт-шароитларга мувофиқ ўзгариши мумкин ва лозим.

Таълим бозорида рақобат шароитида стратегик режани ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади. Усиз ТМга фаолиятнинг умумий йўналиши етишмайди. Стратегик режа, муҳим муаммолар (бош мақсад, истеъмолчиларнинг талаблари, муваффақиятга элтувчи йўллар), ижобий ва салбий омиллар, истиқболлар ва омадсизликлар таҳлил қилингандан кейин, шунингдек, муваффақиятнинг танқидий омиллари аниқлангандан сўнг ҳал қилувчи масалалар доирасини белгилаб бериши лозим.

Режалаштиришнинг таълим муассасалари ўз хизмат соҳаларини ва ушбу хизматларга эҳтиёж сезган бозорларни аниқлагандан сўнг, фойдаланиши мумкин бўлган бир қанча стратегиялари мавжуд.

*Стратегиянинг биринчи тури — қийматига кўра биринчилик стратегияси.* У муассасадан ўз бозорида қийматига кўра энг арzon бўлиши талаб қиласди.

Муассаса бунга технологиялардан экстенсив фойдаланиш, кўлами қисқартириш, харажатларни қатъий назорат қилиш ва ҳоказолар эвазига эришиши мумкин. Бу стратегиянинг афзаллиги шундан иборатки, ресурсларни истеъмолчи нуқтаи назаридан тушуниладиган сифат учун танқидий бўлган жиҳатларга йўналтиришга имкон беради. Бироқ арzonчилик ўз-ўзидан муваффақиятни кафолатламайди.

Кўпчилик истеъмолчилар сифат учун ҳақ тўлашга рози. Сифатни паст нархлар курбонига айлантириш мумкин эмас. Биринчи қарашда, бепул таълим соҳаларида бундай стратегия номувофиқдек туюлади. Аммо, харажатларни қатъий назорат қиладиган ёки таклиф этилаётган хизматлар кўламида тежамкорлик қиладиган ТМ, ўз ихтиёрича сарфлайдиган кўшимча маблағни бўшатиб олиши мумкин. Маблағларни самарали тақсимлаш натижалари шу ТМнинг рақобатбардошлигини ошириши мумкин.

*Стратегиянинг иккинчи тури — табақалаштириш — таълим муассасаси ўз рақибларидан фарқли равища, қайсиdir белгиларига кўра, нодирлигини назарда тутади.* Тижорат бозорида бу ҳол компанияяга юқори нарх белгилашга имкон беради. Таълимда эса муассаса эришган ютуқ фақат кўшимча жалб қилинган ўкувчи ва талабалар бўлиши мумкин. Шунингдек, муассаса ўзининг ўхшаши йўқлиги, ноёблиги билан муқобил манбаларни ўзига жалб қилиши мумкин. Бу стратегияни танлаган муассаса учун сифат ҳаётий заруратдир, чунки нодирликка даъво қилган муассасалар синчилклаб текширилиши муқаррар.

*Бозор стратегиясининг эҳтимол тутилган учинчи тури — фокусли стратегия.* Бу дикқат-эътиборни маълум бир географик манзил, ис-

төмөлчилар гуруҳи ёки бозор сегментига қартишни назарда тутади. Бу бозор сегментацияси бўйича табақалаштириш стратегиясидир. Муассаса шундай йўналтириш билан дастурларини ажратилган гуруҳларнинг талабларига рақибларига нисбатан қаттиқроқ боғлашга интилади. Бошқа стратегияларни қўллашдаги каби, бу стратегиянинг ҳам мақсади рақобатбардошлиликни оширишдан иборатdir. Аммо у бутун бозор доирасида ўз имкониятларидан маҳрум бўлиш эвазига қўлланилади. Бу стратегияда яна сифат кенг кўламда зарур бўлади. Агар сифат истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондирсаги на йўналтирилганлик иш бериши мумкин.

Амалий ёки иш режаларини ишлаб чиқиш сифатни бошқариш тизимининг навбатдаги босқичига тегишли бўлади.

Иш режаси ёки амалий режа -- қисқа муддатли, шу муассасанинг узоқ муддатли корпоратив стратегияси доирасида маълум мақсадларига эришишнинг муфассал режаси бўлиб, одатда бир йиллик бўлади. У муайян ўлчовлар ва уларни амалга оширишнинг молиявий механизмларини ўз ичига олади. У бевосита молиявий фойдаларни ҳам, номолиявий фойдаларни ҳам, масалан, юксалган обрўэтибор, ихтисос даражасини кенгайтириш ва бошқаларни ҳам ўз ичига олиши лозим.

Амалий режа ёки иш режаси, агар уни ишлаб чиқувчилар қўйидаги қатор саволларга жавоб берсалар, самарали бўлиши мумкин:

1. Кўрсатмоқчи бўлган хизматларингизни ўзингиз учун қатъий белгилаб олдингизми?
2. Сизда ўз хусусиятингизга боғлиқ ҳолда хизмат кўрсатишнинг аниқ стратегияси борми?
3. Сиз эҳтимол тутилган барча ташки истеъмолчиларни аниқладингизми?
4. Сизда уларнинг эҳтиёжлари тўғрисида аниқ тасаввур борми?
5. Истеъмолчи кутганлар билан маҳсус хизмат кўрсатишнинг бугунги имкониятлари орасида узилиш борми?
6. Бундай узилишни қисқартириш ёки мумкин қадар камайтириш.
7. Истеъмолчиларнинг сиз кўрсата оладиган маҳсус хизматлар билан боғлиқ бўлган эҳтиёжлари тўлиқ инобатта олингандими?
8. Сиз ўзингизга зарур нарсаларни етказиб берувчilarни топдингизми?
9. Етказиб берувчilar сизнинг талабларингиздан тўлиқ хабардорми?
10. Етказиб бериш билан кўйиладиган талаблар орасида узилишлар борми?
11. Бу узилишларни сиз қандай қилиб қисқартирасиз?

12. Ресурсларга қўйилган талабларнинг ҳаммаси аниқланганми?
13. Ресурслар корхонангиз хусусиятларига монандми?
14. Ушбу хусусиятлар талаблари билан мавжуд ресурслар орасида узилишлар борми?
15. Ресурсларга оид талаблардаги нуқсонлар тўғриланиши мумкини?
16. Ходимларни ўқитиш ёки қайта тайёрлаш зарурати аниқланганми?
17. Ўзига хос хизматлар сизнинг фаолиятингиз натижаси бўла оладими?
18. Сизнинг фаолиятингиз истеъмолчиларнинг умидларини оқдай оладими?
19. Муваффақиятли натижа нимадан иборатлигини ўзингиз учун аниқлаб олдингизми?
20. Ўзингиз учун МТОни аниқлаб олдингизми?

Таълим муассасалари учун, таълим жараёни сифати мафкурасини белгиловчи муайян хужжат ишлаб чиқилиши жуда ҳам зарур. Бу хужжатда сифатни аниқлашнинг амалий йўл-йўриқлари очиб берилиши лозим.

Масалан, таълим муассасасининг сифат мафкураси сифатли таълим ва юксак таълим стандартлари талабларига мувофиқ хизмат кўрсатиш бўлиши мумкин. Бизнинг ниятларимиз — аниқ, тез ва одоб билан хизмат кўрсатишни таъминлаш, ва, шунингдек, ўқувчиларимиз, бир-биримиз ҳамда хизматларимиздан фойдаланувчи ва битириувчиларимизни ишга қабул қилувчи буортмачиларимиз учун таълимни таъминлашдан иборат.

Сифат мафкураси сифат сиёсатини амалга оширишда ёрдам бериши мумкин бўлган сифат режасида конкретлашади. Сифат режаси сифатни ошириш билан боғлиқ фаолият амалда қай йўсинда олиб борилишини кўрсатади. Бу режа умумий (корпоратив) ва иш режаси билан боғлиқлиги аён, аммо у ҳолда бошқа бир нарсага йўналтирилган бўлади. Унда сифатни яхшилаш усувлари режасида бажарилиши мўлжалланган иш белгиланади.

Натижада, сифат режаси сифат ва метод борасида аниқ мақсад ва вазифаларни ўз ичига олиши ва уларнинг ёрдамида ҳаётга татбиқ этилиши лозим. Шу билан бирга, режада муассаса ходимлари сифатни ошириш гурухларида ишлашда ёрдам берадиган механизмлар батафсил таърифланиши керак. Сифат режасида коллеж амалга оширадиган сифатни ошириш лойиҳаларини батафсил бериш зарур. Бу катта ниятлар ва истиқболлар бажарилиши мумкин бўлган лойиҳаларга айланади.

Таълим сифатини бошқариш тизимининг амалга оширилиши улкан инсоний ва молиявий саъй-харакатларни талаб қиласди, ушбу

ҳаракатларга ҳақ тўланиши учун эса бундан олинадиган фойда на-  
мойиш қилиниши керак. Сифатни ошириш бўйича ҳар қандай ло-  
йиҳага чиқимни қоплаш, яъни у қулинган харажатдан кўпроқ фой-  
да бериш-бермаслиги жиҳатидан ёндашиш керак.

Таълим сифатини бошқариш тизимини қўллаб, эришилган на-  
тижани баҳолашнинг яна бир йўли — муваффақиятсизликнинг қий-  
матини ўлчашдир. Норози истеъмолчилар, етарли бўлмаган ёки са-  
марасиз фаолият, шунчаки оддий хатолар — булар ҳаммаси муасса-  
сани чиқимдор қиласи. Бу чиқимлар турли манбалардан — жаҳли  
чиқсан ота-оналардан, муассасангизга ўқувчилар кам кирганлиги-  
дан, ортиқча ишдан, йўқотилган фойдадан, ходимларнинг бехуда  
сарфланган саъй-ҳаракатларидан ҳосил бўлиши мумкин. Сифатни  
режалаштириш методи муассасага биринчи мартадаёқ муваффақи-  
ятга эришишга ва нуқсонлардан холи бўлишга ёрдам беради.

Шикоятлар жиддий қабул қилиниши, камчиликлар тузатилиши  
лозим. Қайта алоқа мавжудлиги жуда муҳим. Шикоятлар ва ишда  
йўл қўйилган жиддий хатоларни, уларни келтириб чиқарган камчи-  
ликларнинг олди олинишига ва такрорланмаслигига кафолат берув-  
чи таҳлил қилиш тизимини ишлаб чиқиш керак.

Инсон фаолиятининг таълим сингари соҳасида «Биринчи мартадаёқ тўғри» қоидасига асосан ҳаракат қилиш жуда мураккаб. Бунга ҳамиша ҳам эришилавермайди, аммо ҳар бир муассаса иккинчи бор  
уринишида муваффақиятга эришишга интилиши даркор. Бироқ, бе-  
ихтиёр йўл қўйилган хатоларни айбга йўйиш керак эмас.

Улар инновациялар ва ташабbusлар натижаси бўлиши мумкин ва  
ортиқча эҳтиёткорлик янада хавфлироқ бўлиб чиқиши эҳтимоли ҳам  
йўқ эмас. Энг муҳими, аниқ ҳаракат тизими ва алгоритмлари, яхши  
ишчи жамоа ёрдамида хатоларни мумкин қадар камайтиришдир. Диқ-  
қат билан бажарилган ва пухта ўйланган режалаштириш — биринчи  
маргаданоқ хатосиз бажариладиган хатти-ҳаракатларнинг муҳим во-  
ситасидир. Таълим сифатини умумий бошқариш тизимида ишлов-  
чи муассаса фаолиятининг сифат кўрсаткичи, у хатоларга қанча-  
лик яхши муносабатда бўлишидан, уларнинг такрорланишига йўл  
қўймаслигидан, келажақдаги фаолияти учун хуроса чиқаришидан  
иборат бўлади. Такрорий хатолар ва муваффақиятсизликлар тизим-  
нинг камчиликларини, самарасиз ва тезкор бўлмаган методларини  
кўрсатиб боради.

Хатоликларга йўл қўйилган тақдирда, келажакда улар такрорлан-  
маслиги ва хатоларнинг олдини олиш мақсадида, муваффақиятсиз-  
ликка олиб келган асосий сабабларни аниқлаш муҳим.

Огоҳлантирувчи чиқимлар ички (режани ишлаб чиқиш; ходим-  
ларни ўқитиш; жамоада самарали ишлаш ва сифат тизими; аудит ва

баҳолаш) ҳамда ташқи (ишта ёлловчилар, ота-оналар ва микрохудуд билан бўладиган ўзаро самарали алоқа; истеъмолчининг қониқканлик даражасини баҳолаш ва ҳоказолар) бўлиши мумкин.

Таълим сифатини режалаштиришда муваффақиятсизликларга қилинадиган ички ва ташқи чиқимни назарда тутиш зарурий бос-кич ҳисобланади.

Ички чиқимлар:

- қониқмаган таълим олувчилар;
- кучсиз ўқитиш методлари;
- имтиҳонлар ва назорат ишларининг паст натижалари;
- кучсиз маъмурый тизимлар;
- таълим олувчиларни тенг қўллаб-қувватламаслик.

Ташқи чиқимлар:

- шикоятлар;
- рекламанинг етарли эмаслиги;
- алоқа ва ўзаро муносабат муаммолари;
- обрў-эътиборнинг тушиши.

Сифат тизимлари ҳамиша қайта алоқага муҳтождир. Режаларнинг бажарилиши натижаларининг қиёсий таҳлили имконини берувчи механизмлар амал қўлмоғи керак.

**Мониторинг ва баҳолаш** — стратегик режалаштиришнинг муҳим элементларидир. Таълим муассасаси шароитта мослаша олмайдиган ва турғун ҳолатдан кўра кўпроқ мустақил ўқиб-ўрганиш ва такомиллашиш ниятида бўлса, у ҳолда баҳолаш ва қайта алоқа жараёнлари сўровномалар натижаларини вақти-вақти билан таҳлил қилиб бориши орқали унинг ривож топишида зарурий омилга айланмоғи лозим. Индивидуал қарашлар ва шахс муаммолари гуруҳ жамлаган умумий баҳолар воситасида текислаб юборилади. Мабодо сўровномалар кўпроқ ўқувчиларнинг талаб-эҳтиёжларини ифодалаш мақсадида ишлаб чиқилган бўлса, бундай хавф эҳтимоли ортади. Бундай сўровномалар камдан-кам ҳолларда ўқувчилар учун аслида нималар муҳимлиги тўлиқ таҳлил қилингандан кейин ишлаб чиқиласди. Истеъмолчилар орасида сўров ўтказиш ҳам муҳим албатта. Улар, айниқса, бозор ва стратегик режалаштиришни тадқиқ этиш учун ҳам бебаҳодир. Бироқ бу хилдаги маълумотларни қўлга киритиш учун вақти-вақти билан ҳабул қилинган намуна асосида сўров ишларини ўтказиш кифоя, холос.

Баҳолашнинг муайян муаммоларни зудлик билан ҳал қилиш имконини берувчи оддий, нисбатан жўн щаклларини инкор этмаган ҳолда, баҳолашни яхшилашнинг огоҳлантирувчи ва узоқ муддатли мақсадларини аралаштириб юбормаслик катта аҳамиятга эга. Индивидуал ижрони текшириш ишлари ҳаддан ташқари мураккаб усул-

лар воситасида ўтказилгандан кўра, ҳаракатларни режалаштиришга ва ўқувчиларнинг ривожланишига доир жадвални тузишга асосланган ҳолда ёки пухта ўйланган ва режалаштирилган ўқитиш дастурлари негизида ўтказилса мақсадга мувофиқроқ бўлади.

Таълим сифати борасидаги режалар ва лойиҳаларни ишлаб чиқищдаги муваффақиятнинг муҳим шарти асосан ана шу фаолиятни бошқара оладиган кадрларга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бошқача айтганда, бу ерда гап вазиятни олдиндан кўра биладиган ва, шунга кўра, стратегик йўналишлар ҳамда муайян мақсадларни қатъий белгилашга қодир бўлган пешқадам, етакчи раҳбарлар ҳақида кетмоқда.

Йўлбошчилик ўзининг истиқболни олдиндан кўра билиш салоҳиятини ва муассаса тўғрисидаги билимларини гурухнинг бошқа аъзоларига етказишни, ходимлар ва истеъмолчилар билан муомала қилишини ҳамда ўз шахсий тажрибаларини йигиб, бойитиб боришни тақозо қиласди.

Одатда, сифатни бошқариш асослари кўлланилмайдиган ташкилотлардаги бошқарув ходимлари нуқсон ва камчиликлар ҳамда шикоят аризаларининг сабабларини аниқлаш ва шошилинч масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш учун 30 фойзгача вақт сарфлайдилар. Сифатни бошқариш тизими шарофати билан раҳбар шу хилдаги масалаларни ҳал қилишдан холос бўлади ва умумий раҳбарлик қилиш, истиқболли режалаштириш, янги гоялар устида ишлаш ҳамда истеъмолчилар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш учун кўпроқ вақтта эта бўлади.

Юқори бошқарув бўгини раҳбарлик қилиши, истиқболни олдиндан кўра билиши ва рағбатлантириши керак. Барча раҳбарлар сифатни бошқариш жараёнининг етакчиси ва тарафдори бўлишлари шарт. Улар ана шу жараён ҳақида атрофдагиларга маълум қилилари ва ўз муассасаларида бу жараённи босқичма-босқич жорий қилиб боришлари керак бўлади. Аксарият раҳбарларга, масалан, ўрта бўгин менежерларига умумий сифат (сифатни бошқариш) масалалари қабул қилиш ва жорий этиш учун қийин вазифа бўлиб кўринади. Бу раҳбарларнинг фикрлаш доираси ўзгаришига, шунингдек, уларнинг бошқарувчилик роли ўзгариб кетишига сабабчи бўлади. Бу эса «менга мана бундай йўсинда ишлаш топширилган» қабилида фикрловчи раҳбарнинг фоя тарафдори ва етакчига айланишини анлатади. Йўлбошчилик вазифаси таълим сифатининг юксалтирилишини ва бунга кўмаклашадиганларнинг қўллаб-куватланишини тақозо қиласди.

Сифатни бошқариш тизими таълим муассасаси учун одатий ҳол бўлган анъанавий тарзда ташкил қилинган фаолият доирасини ва шу билан боғлиқ вазифаларнинг табақаланиш тартибини кескин

ўзгартириб юборади. Ушбу тизим ўқитувчиларнинг ролини кучайтириб, уларнинг ташаббус кўрсатишлари учун кенг имкониятлар яратади.

Сифатни бошқариш тизимидан фойдаланадиган таълим муассасида етакчи раҳбар қандай роль ўйнайди? Унинг функциясининг тўлиқ рўйхати йўқ, лекин етакчиликнинг қўйидаги асосий функцияларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

**Бошқарув ходими (етакчи):**

- ўз муассасаси учун умумий сифатни олдиндан кўра билиши;
- сифатнинг яхшиланиш жараёни учун масъулиятни зиммасига олиши;
- сифат тўғрисида аҳборот бериб бориши;
- истеъмолчининг эҳтиёжлари муассаса сиёсати ва амалий фаолиятининг марказида турганлигига ишончи комил бўлиши;
- истеъмолчиларнинг истаклари ҳам айнан шу тарзда эътиборга олинишини кафолатлаши;
- ходимлар малакасининг оширилишига раҳбарлик қилиши;
- хушёр бўлиши ва муаммолар юзага келган ҳолларда далил-исботларга эга бўлмай туриб, бошқаларни айбламаслиги; кўпчилик муаммолар ходимларнинг муваффақиятсизлиги оқибатида эмас, балки муассаса фаолиятининг натижаси сифатида юзага келади;
- ўз институти доирасида инновацияларга раҳбарлик қилиши;
- ташкилий тузилмалар ўртасида уларнинг функцияларига энг кўп мос келувчи жавобгарликнинг қатъий тақсимлаб қўйилишини кафолатлаши;
- ташкилий ёки маданий хусусиятта эга сунъий тўсиқларни олиб ташлашга қодир бўлиши;
- самарали иш олиб борадиган жамоаларни ташкил этиши;
- жараён натижаларини кузатишни ва баҳолашни амалга оширувчи механизmlарни ривожлантириши зарур.

Таълим сифатини бошқариш тизимида ўқитувчининг роли кучайиб боради.

Ўқитувчилар қарорларнинг қабул қилинишида иштирок этадилар ва уларнинг зиммаларида улкан масъулият ётади. Уларда ҳукуқлар кўпроқ бўлиб, катта мустақилликка эгадирлар. Ўқитувчиларда етакчиликнинг муҳимлигига бўлган ишонч тобора кучайиб бормоқда: ҳар йили таълим муассасаси учун сифатнинг қай даражада муҳимлиги тўғрисидаги тинимсиз нутқларга қараганда, масъулиятнинг аҳамияти бекиёсдир. У сифатни яхшилаш бобида битмас-туганмас гайрат ва иштиёқ билан ишлашни талаб қиласи. Шунингдек, у ҳар бир хатти-ҳаракатнинг пухта ўйланиб, таҳлил қилиниши зарурлигини тақозо этади.

Янги таълим мұхитини яратиши билан боғлиқ етакчилік режаси махсус тадқиқотларда ишлаб чиқылған<sup>1</sup>. Мазкур режада қайд қилинишича, таълим етакчилари раҳбарлық қилишлари ва бошқаңтарга ҳам етакчилік хислатларини ривожлантиришта күмаклашишлари лозим. Бунда масъулиятни тақсимлаш ва интерактив иш мұхитини яратиши имконияти юзатын келади. Етакчилік — бу фақат сифат билан «нафас олиб», бу бораңдаги үзгаришлар бирданиға әмас, балки босқырға содир бўлишини ҳамда бундай үзгаришларга фармонбардорлик ва буйруқбозлиқ билан эришиб бўлмаслигини тушуниб етишларицир. Ўқитувчилар ва маъмурий ходимларнинг истеъмолчишлар гурӯҳлари билан ҳамкорликдаги ишида уларга етакчиларга раҳбарлик қилишда кенг ўрин берилган.

*Раҳбарликни кучайтириши учун қўйидагиларни амалга ошириши зарур:*

1. Сифатни назорат қилишнинг асосий илмий методларини ва статистик методини қўллаган ҳолда ўқитувчилар ҳамда барча ходимларни муаммоларни ечиш жараёнига жалб қилиш.

2. Уларга қандай воқеа содир бўлишини айтиб беришдан аввал уларнинг бу ҳақдаги фикрларини сўраш.

3. Масъулиятни тўла ҳис қилишлари учун барча мавжуд бошқарув ахборотларини улар билан имкон қадар баҳам кўриш ва мұхокама қилиш.

4. Истеъмолчишлар — талабалар, ота-оналар, ҳамкаслар учун сифатни таъминлаш беришда уларга нималар (қандай жараёнлар) халал бераётганлигини сўраб билиш.

5. Ўқитувчиларда ишни анча яхшилаш истагининг пайдо бўлиши билан бошқарувнинг «юқоридан қўйига» қабилидаги ёндашувини тушуниш.

6. Қасбий малакани юксалтириш масъулиятини ва бу жараённи назорат қилиб боришни бевосита ўқитувчилар, мұхандис-педагог ходимлар зиммасига юқлаш ҳамда ходимларнинг қасбий камолотга эришувини мазкур жараён натижаларига боғлаб қўйиш.

7. Таълим муассасаси барча ходимларининг мунтазам ўзаро муносабатда бўлишларини таъминлаш.

8. Зиддиятли ҳолатлар ва муаммоларни ҳал қилиш ҳамда музокаралар олиб бориш билан боғлиқ малака ва кўникмаларни ривожлантириш бунда юзага келган вазиятга ҳурмат ва сабр-тоқат билан муносабатда бўлиш.

9. Баъзи саволларга жавоб топилмаган тақдирда ҳам кишиларга наф тегиши ва, айни пайтда, кўнгилчанликка йўл қўймаслик.

<sup>1</sup> Бу ерда Р. Аҳлидинов ва У. Иноятовларнинг диссертацион тадқиқотлари материаллари көлтирилган.

10. Таълимда сифат тушунчасини, шунингдек, жамоа тузиш, бошқарув жараёни, истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш, ўзаро муносабат ва етакчилик каби тушунчаларни изоҳлаб бериш.

11. Ходимлар қандай хислатларга эга бўлиши лозимлигини шахсий намунада кўрсатиш, жараённинг ривожланишини кузатиб бориш, ўқитувчилар ва бошқа истеъмолчиларни тинглаб кўриш.

12. Мустақил ҳаракат қилишга имконият яратиш, масалани адолат билан ва тушунган ҳолда таваккал қилишга қўйиб бериш.

13. Бир томондан, таҳқиқи истеъмолчилар (галабалар, ота-оналар, ишлаб чиқариш) учун сифат кафолатини мувозанатли шаклда таъминлаш, иккинчи томондан эса — ички истеъмолчилар (ўқитувчилар, кенгаш аъзолари ва бошқа ходимлар)нинг эҳтиёжларига эътибор бериш.

Бирорта жараённи, айтайлик, молиявий режалаштириш жараёнини соддалаштириш учун зарур маълумотлар турини аниқлаш, сўнг уларнинг ўлчамлари (формати)ни соддалаштириш муҳим. Маълумотлар миқдори ниҳоятда кўп бўлса, уларни гурухлаштириб олиш ва бир даражадаги маълумотлардан иккинчи даражадагисига ўтиб бориш керак. Акс ҳолда маълумотлар қарор қабул қилувчилар учун бефойда бўлади. Шу муносабат билан индикаторлар ва асосий кўрсатичлар муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистонда таълим сифатини бошқаришининг тегишли индикаторларини аниқлаб олишга бўлган эҳтиёж бутунги кунда, айниқса, етилди. Чунки марказлаштирилган тизимдан марказлашувдан чиқарилган тизимга ўтиш фактлар билан боғлиқ маълумотларга кўшимча ёки муғлақо янги талаблар кўяди.

Марказлашувдан чиқарилган тизимга ўтиш ҳокимият органларининг таълим билан боғлиқ умумий мақсад ва вазифалари эндиликда муайян таълим муассасасининг мақсад ва вазифалари билан ўхшаш бўлмай қолганлигини англатади.

Натижада таълим фаолияти соҳасига оид (фаоллик, унумдорлик, самарадорлик ва ҳоказолар) ишончли, мунтазам ва қиёслаш учун кулагай маълумотларга эҳтиёж тугилади.

Марказлашувдан чиқарилган тизимга ўтиш бошқарув фалсафасида ҳам ҳар қандай қарорни амалдаги назорат қилиш ва қўллаб-куvvatлашдан мақсад ва асосларга таянган ҳолда бошқаришга ўтиш каби ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Бу эса, ўз навбатида, мониторинг ўтказиш, таҳлил ва раҳбарлик қилишни таъминлаш учун ишончли, тизимли ва қиёслаш учун қулагай маълумотларга эҳтиёж тугдиради. Охир-оқибатда, таълим муассасасининг ташкилий ва ҳукуқий тузилмаларидағи ўзгаришлар янги ёки муқобил аҳборотлар, «реал» ҳисоб-китоблар, аудиторлик ҳисоботларига бўлган ва ҳ. к. эҳтиёжнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Индикаторларни категориялар бўйича тақсимлаш мумкин. Баъзилари таянч индикаторлар (бевосита ҳисоблаб чиқилган миқдорлар) бўлса, бошқалари битта ёки бир неча индикаторлар асосида ҳисоблаб чиқилади:

- фаолият турлари;
- ресурслар (молия, штат, маблағ)дан умумий фойдаланиш;
- ресурслардан (чиқимлар турлари: иш ҳақи, асбоб-ускуналар, материаллар ва ҳ. к.) фойдаланиш;
- битирувчилар сони, натижা;
- унумдорлик;
- самарадорлик;
- мўлжалдаги сарф-харажатларни тахмин (башорат) қилувчи индикаторлар.

Энг муҳим индикаторлардан айримларини келтириб ўтамиш.

Фаолият турлари:

- таълим муассасасига киришни хоҳловчи болалар сони;
- ҳар йили таълим муассасасига кирувчи ўқувчилар сони;
- ўқувчиларнинг умумий сони.

Молиявий ресурслардан умумий фойдаланиш:

- ўқитувчиларнинг жами иш ҳақи;
- маъмурий ходимларнинг жами иш ҳақи, таълимга қилинадиган чиқимлар;
- маъмурий фаолиятга чиқимлар, бинолар ижараси, таълим соҳасидан ташқари хизматларга чиқимлар.

Кашрлар ресурсларидан умумий фойдаланиш:

- синфда ишлаш учун ажратилган жами иш вақти;
- бошқа таълим вазифаларини бажаришга ажратилган жами иш вақти;
- таълим муассасасига нисбатан ҳисоблагандан ўқитувчилар сони;
- тўлиқ ставқада ишлайдиган ўқитувчиларнинг эквивалент сонига айлантириб ҳисоблагандан ўқитувчилар сони;
- тўлиқ ставқада ишлайдиган ходимларнинг эквивалент сонига айлантириб ҳисоблагандан бошқа ходимлар миқдори.

Ресурслардан фойдаланиш:

- битта тўлиқ йиллик ўқувчи эквивалентига ҳисоблагандан ўқиш вақти ва ўқишидан ташқари вақт.

Унумдорлик:

- тўлиқ йиллик ўқитувчи эквивалентига ҳисоблагандан ўқувчиларнинг тўлиқ йиллик эквиваленти сони;
- тўлиқ йиллик ўқитувчи эквивалентига ҳисоблагандан ўқитувчининг ўртача иш ҳақи;
- битта тўлиқ йиллик ўқувчи эквивалентига мўлжалланган таълим харажатлари;

- тўлиқ йиллик ўқувчи эквивалентига мўлжалланган жами харажат.

Санаб ўтилган индикаторларнинг баъзилари мухим бўлиб, маълум даражада мунтазам ҳисоблаб борилиши зарур, бошқалари эса, вақти-вақти билан ёки маҳсус топшириқ бўйичагина аниқланиши мумкин.

Айрим индикаторлар таълим муассасасида қўллашга кўпроқ мос бўлса, бошқалари кўпроқ юқори ташкилотларга тўғри келади.

### **1.2.5. ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БОШҚАРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ХУСУСИЯТИ**

Ҳозирги босқичда таълим ва тарбияда новаторлик ёндашуви жадал ривожланаётганлиги таълим муассасаси фаолиятининг ўзига хос хусусиятлардандир.

Янгича шароитларда «таълим» тушунчаси мазмунини тубдан қайта идрок этиш зарур. Бу узлуксиз таълимнинг ўхшаш тизими ёрдамида ижтимоий ва касбий мослашган яхлит шахс мазмунининг мақсади, вазифалари, методлари ва воситаларини шакллантиришни қайта идрок этишни билдиради.

Шу муносабат билан билимлар ва ҳаётга «таълим» тушунчасини шахс ташаббусининг аҳамиятини таъкидлайдиган тарзда ёндашув сифатида тушуниш лозим. Шу боис «таълим» тушунчаси бу тез ўзгарувчан дунёда яшаш учун зарур бўлган янги методологик усуслар, кўникмалар, кўрсатмалар ва қадриятларни ўз ичига олиши керак. Бошқача айтганда, таълим шахсий ва ижтимоий хусусиятга эта янги вазиятларни муваффақиятли уддалай олиши учун ҳаракатланувчи жамият томонидан прогноз қилинган зарур ижтимоий-ахлоқий жараёндир.

Анъанавий тарзда вужудга келган таълим тизими *стратегик жиҳатдан ўйл қўйиб бўлмайдиган «қўллаб-куватловчи»* таълим функциясини бажарган ҳолда «таълим» сўзининг янгича талқинига оид мақсадли кўрсатмаларни амалга оширишга йўналтирилмаган.

Кўмаклашувчи таълим фақат ижтимоий муносабатлар ва шахсий йўналишларнинг мавжуд тизимини сақлашга, яъни консерватив-барқарор жамиятнинг нормал фаолият юритишига йўналтирилган. Шу боис бунда шахс аллақачон маълум бўлган, такрорланувчи вазиятлардан чиқа олиши учун мўлжалланган, қайд қилинган усуслар ва қоидалар устунлик қиласи.

Узлуксиз таълим тизими қарор топиши ва ривожланишининг янги стратегияси, «таълим» сўзининг қайта идрок этилиши «қўллаб-куватловчи» таълимни «инновацион» таълим билан алмаштиришни та-

лаб қылади. Инновацион таълим айни пайтда камиша қуйидаги иккита вазифани ҳал этишга қаратылған:

1. Вокеаларни «олдиндан кўра билиш», ўзини реал воқеликда ва кейинги ижтимоий ва касбий ролини анграб етиш қобилиятини таркиб толтириш; шахсни онгли, олдиндан анграб етилған муқобилларни — умумий хулқ-авторни, ишонч-эътиқодни, ахлоқий қадриятларни, умуман дунёқараашни танлашга йўналтириш.

2. Маҳаллий (шахсий йўналтирилган) ташкилий-бошқарув дарајасидан тортиб глобал даражасигача шахсга ижтимоий аҳамиятта ҳамда касбий қимматга эга бўлган муҳим қарорларни қабул қилиш жараёнича фаол иштирок этиш имконини берувчи «қатнашиш» принципини рўёбга чиқариш.

Бошқарув ва ташкил этищнинг янги тузилмасини щакллантириш, КТМД ва КТММ асосида таълимни таъминлаш, чет эл тажрибасини ўзлаштириш, турли технологиялар, методикалар ва ҳоказоларни жорий қилиш — буларнинг ҳаммаси инновация деб номланган жараён билан боғлиқ.

Бундай ҳодисанинг сабабини таълим тизими ходимлари таълим-касб-хунар дастурлари ва методикаларининг хилма-хил вариантиларни амалга ошириш учун кенг имкониятларга эга бўлганликлари билан изоҳлаш мумкин.

Бошқа сабаби — жамиятдаги ижтимоий вазият ўзгариб бораётганида, демократлаштирилаётгани ва инсонпарварлаштирилаётганида, мамлакат иқтисодиёти бозор муносабатлари йўлидан ривожланишга ўтаётганидадир. Юқори малакали мутахассисларга эҳтиёж се-заётган ишлаб чиқаришнинг талаблари ошиб бораётгани ҳам янгиликларни ўзлаштиришни тақозо қўймоқда. Бугунги кунда рақобатбардош кадрларни тайёрлаш мамлакатимиз таълим тизимини дунё таълим тизими билан мувофиқ ҳолга келтириш йўлларидан бири сифатида кўриб чиқылмоқда.

Рақобатбардош малакали кадрларнинг энг муҳим сифатлари орасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ўқувдаги ўзлаштиришнинг юқори даражаси ва ўзини ўзи ривожлантиришга қодирлиги;
- меҳнат ва таълим хизматлари бозорида тегишли таълим муасасасида олинган малакани тасдиқлаш;
- ишлаб чиқаришда юқори даражадаги ижтимоий фаоллик ва меҳнат унумдорлиги;
- ишлаб чиқаришда интизомлилик, масъулият, ихтирочилик, ижодкорлик;
- ўқув фанлари бўйича олимпиадалар ҳамда танланган касб маҳорати танловларида қатнашиш ва голиб чиқиши;

— таълимни давом эттиришга эҳтиёж.

Таълим муассасасининг айнан шундай хислатларга эга бўлган битирувчиси қўйилган талабларга мувофиқ маҳсулот тайёрлаши ёки хизмат кўрсатиши мумкин.

Таълим муассасалари, ҳар томонлама етук шахсни шакллантириш учун, ривожланиш йўлидан бориши керак. Аксарият амалиётчи ходимлар буни англаб етган ҳолда, эскича ёндашувларни такомиллаштиришни эмас, балки таълим тизимини инновацион стратегия руҳида ривожлантиришни тан олмокдалар. Ёш авлод таълим-тарбиясидаги инновацион ҳаракат жамиятдаги реал ўзгаришларни ва шахс эҳтиёжини ҳисобга олишга йўналтирилган.

Инновацион таълим стратегияси таълим сифатини бошқаришда алоҳида бошқарувчилик ёндашувини тақозо этади. Қуидагилар бундай бошқарувнинг асосий обьектлари ҳисобланади:

- педагог мутахассис, фуқаро шахсини шакллантириш ва ривожлантиришда профессионал ташкилотчи ҳамда ёрдамчи сифатида;
- таълимнинг мазмуний негизи;
- педагогик жараённи ташкил этиш технологияси ва бошқалар.

Илмий-педагогик адабиётларда ҳамда таълим ва тарбия амалиётида «инновация» сўзи қандай тушунилади?

Мамлакатимизда ва хорижда ўтказилган бир қатор тадқиқотлар ушбу ҳодисани ўрганишга бағишлиланган. Масалан, айрим муаллифлар «янгиликлар яратиш, уларнинг педагоглар томонидан ўзлаштирилиши ва таълим амалиётида фойдаланилиши жараёнлари»ни (Н. Юсуфбеков) инновацион жараёнлар деб ҳисоблашни таклиф қилмоқдалар. Улар инновацияни, жамият маданий ўзгаришларининг негизи сифатида кўриб чиқмоқдалар-ки, бу бизнингча, жуда қимматлидирир.

Бошқалар эса «педагогик тизимнинг тартибга солинмайдиган эркин майдонида ривожланиш истиқболига оид эҳтиёжга таъсирчанлиги асосида вужудга келган янгиликлар унинг микроэволюциялар фондини ташкил этади», деб ҳисобламоқдалар (В. Н. Виноградов).

Учинчи тоифа муаллифлар янгиликни анча мураккаб ҳусусият, деб ҳисоблайдилар. Уни ўрганиш учун абстракт ҳусусиятларга назариясини жалб этиш тавсия қилинади-ки, бу назария кўплад тавсифли ҳусусиятларни улар шкаласининг координата ўлчовлари сифатида кўриб чиқади (М. С. Бургин).

Айрим олимлар янги мақсадларни, методларни, методикани, дастурларни, воситаларни, мазмунни, фаолиятни ташкил этиш шаклларини, бошқарув турларини ва бошқаларни янгилик сифатида талқин қилмоқдалар.

«Янгиланиш — янги ҳодиса, янги одат, янги метод, ихтиро», — деган таъриф ҳам мавжуд (Ю. Красовский).

«Мактабни ривожлантириш — инновацион жараён» номли китоб муаллифлари таъкидлаб ўтганларидек: «Педагогик инноватика — таълим муассасасини ривожлантиришнинг янги таълим амалиётини яратиш билан боғлиқ жараёнларини ўрганадиган фан соҳаси. Бу жараёнлар инновацион жараёнлар деб номланади» (С. Г. Хомерики, М. М. Поташник, А. В. Лоренсов). Бундай аниқлик таълим тизими ходимларига муайян фойда келтириши мумкин.

Шундай қилиб, таълимда инновациялар янги жараёнлар, концепциялар, таълим технологияларини яратиш ва ўзлаштиришни кўзда тутади ва ҳ. к.

Аммо, амалиёт кўрсатишича, инновацион фаолият таълим тизимиning ҳамма ходимлари томонидан ҳам тўғри тушунилавермайди ва самарали амалга оширилавермайди. П. Шедровицкий таъкидлаб ўтганидек, «инновацияликни бугунги кунда мавжуд бўлган биронта ҳам функциясини инновациянинг такрорлаш, чиқиш деб номлаш мумкин бўлган нарсани таъминлай олмайди. Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги айрим инновация эмас, балки умуман инновацион ҳаракат кўриб чиқиш ва таҳлил қилишнинг бошланғич параметри бўлиши керак». У «педагогик ёки таълим инновацияларини» эмас, балки «инновацион стратегияни», «фаолиятни инновацион ташкил этиш»ни аниқроқ деб ҳисоблашни кўзда тутади. Биз инновацияни бундай талқин қилиш тадқиқотчиларга бу жараённи кенгроқ ва чукурроқ кўриб чиқиш имкониятини яратади, деб ҳисоблаймиз.

Инновацияларнинг ўзига хос ҳусусияти нималардан иборат?

«Янгилик киритишнинг моҳиятини инновацион фаолият, янни янги натижаларга, уларни олиш воситалари ва усуllibарига эришиш, аньянавий фаолиятнинг эскирган таркибий қисмларини бартараф этиш бўйича фаолият ташкил этади», — деб таъкидлайди Д. М. Гвишиани. Олим инновацион фаолиятнинг радикал ва такомиллаштирилувчи турлари ўргасидаги зиддиятли ҳусусиятига эътиборни қаратади. Такомиллаштириш мавжуд ташкилий тузилмаларга зид эмаслиги ва уларга мақбул мослашиши амалиётдан мавълум. Туб янгиликлар эса уларни парчалайди, шунинг учун кескин қаршиликка учрайди. Таълим сифатини бошқариш жараёни ташкилотчилари инновацияларнинг бундай муҳим ҳусусиятини доимо эътиборда тутишлари керак.

Янгилик киритиш жараёнининг муҳим ҳусусиятини таъкидлаб ўтамиз — инновация ушбу таълим муассасаси долзарб вазифаларни самарали ҳал қилишга кўмаклашиши керак. Афсуски, аксарият таълим ходимлари амалда бунга етарли эътибор бермайдилар, натижада янгиликларнинг ўзлаштирилиши расмиятчиликка айланади.

М. М. Поташник инновацияларнинг бошқа муҳим хусусияти — янгиликлар таълим муассасасини ривожлантириш вазифасини ҳал қилиш имконини бериши деб ҳисоблайди. Бошқача айтганда, инновациялар «мода» учун ва «қизғин» тадқиқотчилик фаолияти олиб борилаётганини кўрсатиш учун эмас, балки ўқувчилар фойдасини кўзлаб киритилади.

Бошқарув ходимлари ва педагоглар муайян шарт-шароитлар мавжуд бўлганда гина янгиликларни самарали ўзлаштириш мумкинлигини англаб етишлари жуда муҳим. Бунга биринчى навбатда қуидагилар киради:

- таълим жараёни қатнашчиларининг фаол ишчанлиги босқич-ма-босқич шакллантирилишига риоя этиш;
- таълим жараёнининг барча қатнашчилари томонидан ўзлаштириш мақсадларининг чукур англаб етилиши ва қабул қилиниши ҳамда келгуси фаолият вазифалари аниқ тушуниб олиниши;
- бунда ушбу вазифаларнинг шахсий мақсадларга зид бўлган қисмининг ҳар доим юзага келадиган қаршилик кўрсатиш омилини ҳисобга олиш;
- фикр алмасиш аниқ ва холис ахборот айирбошлаш;
- амалий қарорларни жамоа бўлиб ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.

Педагогик кадрларни жиддий қайта тайёрламасдан, таълим муассасасини тегишли моддий-техника базаси, молиявий, ўқув-дастурний таъминламасдан туриб инновацион фаолиятни самарали ташкил этиб бўлмайди.

Янгиликларни ўзлаштириш жараёни раҳбарият томонидан мажбурлаш чораси билан эмас, балки ходимларга ҳаракат қилинганда мустақил ва эркин иш олиб бориш имкониятини бериш билан кечади. Педагоглар жамоасининг ишига аниқлик олиб кириш имконини берадиган кўрсаткичлар ва мезонларнинг объектив рўйхатини олдиндан ишлаб чиқиш, уларга бебаҳо ёрдам бериши мумкин.

Педагогик тадқиқотларда инновациялар янгилигини аниқлашга катта эътибор берилади. Киритилаётган янгиликлар аломатларининг варианларидан бирини келтирамиз (П. Шедровицкий):

- бошқача кўрининганда маълум бўлган тузилиш (биринчى даража);
- маълум нарсани унча муҳим бўлмаган ўзгаришлар билан такрорлаш (иккинчى даража);
- маълум нарсани аниқлаш, конкретлаштириш (учинчى даража);
- маълум нарсани муҳим элементлар билан тўлдириш (тўртинчى даража);
- сифат жиҳатидан янги объектни ташкил этиш (бешинчى даражада).

Таълим муассасасида уни тизимли ташкил этиш янгиликларни ўзлаштиришнинг яна бир ўзига хос хусусиятидир. Бунда қуидагилар мұхим таркибий қисмлар ҳисобланади:

- таълим муассасасининг вазифаси, унинг янги мақсадлари ва вазифалари;
- бошқарув ходимлари ва педагоглар шахси, уларнинг ўзларига ва таълим олувчиларга нисбатан нүктаи назари;
- ўкувчи шахси;
- ўкувчилар ўзлаштираётган билимлар функцияси, тузилмаси;
- таълим технологияси ва воситалари;
- ташкилий тузилма, педагогик меңнат мәданияти ва бошқалар.

Янгиликларни ишлаб чиқиши ва ўзлаштириш жараёнини ҳар қандай таълим муассасасини ривожлантириш йўли сифатида кўриб чиқкан ҳолда киритилаётган янгиликлардан кутилаётган натижаларни баҳолашнинг қуидаги асосий мезонларини ажратиб кўрсатамиз:

1. Натижалар таълим муассасасининг аввалги ёки ушбу йўналийдаги таълим муассасалари учун хос бўлган натижалардан юқори, шунингдек мақбул бўлиши керак.

2. Режалаштирилган натижаларни олишга сарфланадиган вақт намунавий ёхуд меъёрий сарфланадиганига нисбатан камроқ ёки уларга тенг бўлиши керак.

Янгилик даражасини аниқлаш учун барчага маълум алгоритмлардан фойдаланилади. Масалан, қуидагича ёндашув мавжуд:

1. Баҳоланаётган обьектнинг мұхим кўрсаткичлари, аломатлари, мезонлари ажратиб олинади.
2. Қиёслаш учун унга ўхшашлари, унинг прототиплари танлаб олинади.

3. Баҳоланаётган обьект танлаб олинган ўхшаш обьектлар билан қиёсланади ва мезонларга мувофиқ янгилик ўлчови ҳам миқдорий, ҳам сифат жиҳатидан белгиланади.

Юқорида баён қилинганлар асосида таълимни бошқариш сифатини янгилик ҳамда бошқарув фаолиятининг янги йўналиши сифатида кўриб чиқамиз.

Янгиликларнинг келтирилган таснифига мувофиқ таълим сифатини бошқаришни биз тўртингчи даражага, яъни таълим тизимидаги бошқарув фаолиятининг мавжуд назарияси ва амалиётини мұхим элементлар билан тўлдиришга киритамиз.

Келтирилган ушбу таъриф мазмунан тегишлича тўлдирилиши ва тузилмаларга ажратилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Биз ишлаб чиқкан тузилмадаги ушбу кўшпимчаларнинг моҳияти қуидагилардан иборат.

**Биринчи.** Таълим сифатини бошқариш мақсади нафақат жамоа фаолияти натижаларини барқарор ҳолатда сақлашдан, балки таълим

муассасасини фаолият (ривожланиш)нинг бундан ҳам юқорироқ дарражасига ўтказиш орқали талаб қилинаётган таълим сифатини таъминлашдан иборат.

**Иккинчи.** Натижалар сифати битирувчиларнинг ижтимоий ва таълим-касб-хунар бобидаги ҳаракатчанлиги даражаси билан ифодаланади, яъни бунда гап таълим муассасаси раҳбарларининг мавжуд малака тавсифларини мутахассиснинг касбий сифатларига қўйилалигига талаблар билан тўлдирилишига йўналтириш ҳақида бормоқда.

Бошқа лойиҳада ҳам шундай гоя мавжуд. Инновациянинг энг муҳим формулаларидан бири куйидаги қоидадан иборат: «Таълим сифати — шунчаки билимлар ҳажми ва кўнникмалар таркиби эмас, балки замонавий мутахассиснинг асосий моделини ташкил этувчи фаолиятнинг муайян турларига шайлик демакдир».

Таълим сифати ўқувчиларни билимга бойитиш ва уларнинг онгида статистик тузилмасини шакллантириш билан эмас, балки ижтимоий ва касбий фаолиятда улар ҳәётини органик динамика билан таъминлаш орқали тавсифланади. Билимлардан конкрет муаммоларни ҳал қилишда фойдаланиш, билимларни доимий равишда тўлдирив бориши бўйича ривожланган қобилият ва интеллектуал ривожланишнинг амалдаги рағбатлари зарур (И. Г. Леонов).

**Учинчи.** Таълим сифатини бошқаришда таълим муассасаси раҳбарларининг асосий эътибори педагоглар ва ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш функцияларини кучайтиришга эмас, балки камчиликлар пайдо бўлишининг олдини олиш ҳамда уларнинг вужудга келиш манбалари ва сабабларини таҳлил қилишга қаратилади. Буларнинг ҳаммаси бошқарув кадрларидан илмий-педагогик тадқиқотларнинг метод ва усусларини эгаллаш, назарий қоидаларни амалиётда қўллаш маҳоратини талаб қиласди. Бошқача айтганда, улар бошқарувда хилма-хил -- интуитив, эмпирик, тажриба, формал ва илмий мантиқий ёндашувлардан фойдаланишлари даркор (М. М. Поташник).

**Үртинчи.** Таълим сифатини бошқариш ушбу жараёнга таълим жараёнининг барча қатнашчиларини киритишни кўзда тутади. Фақат шарти шуки, ташкилий тузилма педагогик жараён қатнашчилари ўргасидаги қатъий «вертикал» алоқалардан «вертикал» билан «горизонтал» алоқаларни бир-бирига уйғун ҳолда қовуштиришга ўтсагина шундай бўлади.

Масалан, қуйида келтирилган ўрта маҳсус, касб-хунар таълими сифатини бошқариш моделида бу — коллеж ички бошқарув тузилмасининг марказий-симметрик модели ҳисобланади. Бундай ташкилий тузилмада раҳбарларнинг ҳам, педагогларнинг ҳам онги «истисносиз барча бўлинмаларни пировард мақсадга эришишга йўнал-

тириш» фойдасига ўзгаради (К. Березняк). Бунда директор ва унинг ўринбосарларининг функционал вазифалари ҳам ўзгаради.

**Бешинчи.** Таълим сифатини бошқариш тизимли методлардан фойдаланишини кўзда тутади, бунда бошқарув обьекти бошқача хусусиятга эга бўлади: ... таълимни инновацион ташкил этишда фаолиятнинг икки (таълим берувчи билан ўқув-билиш) тури эмас, балки яхлит ҳоддаги ўқув-касбий вазият бошқарув бирлиги ҳисобланади (И. Богачек).

Бир гуруҳ олимлар (О. Г. Хомеики, М. М. Поташник, А. В. Лоренцев) таклиф қилган методдан фойдаланган ҳолда таълим сифатини бошқариш жараёнининг таснифини кўриб чиқамиз.

1. *Инновациялар кўламлилигига қараб белгиланади.* Бунда таълим сифатини коллеж ички ёки мактаб ички доирасида бошқариш бутун таълим муассасасини қамраб оладиган тизимли янгилик ҳисобланади.

2. *Янгиликларни ўзлаштириш жараёни салоҳият даражасига қараб белгиланади.* Таълим муассасаси доирасидаги ички бошқарув инновациянинг комбинаторли типидан иборат, яъни илгари маълум бўлмаган элементларнинг ташкилий тузилманинг янги модели асосида янгича конструктив қўшилиши ҳамда илгари бундай қўшиб фойдаланилмаган принципларнинг амалга оширилиши содир бўлади.

3. *Янгиликнинг ўз ўтмишдошига муносабати уларнинг қўйидаги тоифасини тавсифлайди.* Таълим муассасаси даражасида сифатни бошқаришга нисбатан олганда айтиш мумкинки, у бошқарув фаолиятининг шу пайттacha амал қилиб келган моҳиятини ўзгартиради ва тўлдиради. Бу жараён икки босқичдан иборат:

— биринчisi — битирувчиларни тайёрлаш даражасига қўйиладиган номинал, норматив талабларнинг бажарилишига қатъий ва тўлиқ йўналтириш мавжуд бўлган шароитда таълим муассасасининг фаолияти сифатини бошқариш. Бошқарув назариясида бундай ёндашув консерватив ёндашув ҳисобланади (Н. А. Селезнева);

— иккинчи босқич — ривоҷланиш сифатини бошқариш. Бунда ўзгартирувчи-ижодий, тадқиқот хусусиятига эга фаолиятни амалга ошириш, янгиликларни ўзлаштириш, ўз илғор педагогик технологияларни яратиш кўзда тутилади.

Таълим муассасаси барча ходимларининг биргаликда ҳаракат иши бир-бирига мувофиқ бўлишига эришиш ва ташкилий маданият бундай бошқарув самарадорлигининг зарур шарти бўлиб қолиши керак.

Инновацион жараён бўлган таълим сифатини бошқариш қўйидаги белгиларга эга:

**Биринчи белги.** Фаолиятнинг янги усули мавжудлиги.

Таълим сифатини бошқариш, энг аввало, бошқарув кадрлари томонидан таълим ва кадрлар тайёрлаш жараёнини кузатиш каби фаолият туридан фойдаланишини кўзда тутади. Бунинг учун улар те-

гишли методларни, жумладан, квалиметрия асосларини, яъни сифатни миқдорий баҳолаш методини қўллаш орқали таълим сифатининг бошланғич ва берилган ҳолатини аниқ белгилашлари лозим бўлади. Илмий адабиётларда маҳсулот, хизматлар сифатини баҳолаш, бошқарув фаолиятининг баҳолаш обьекти тўғрисида қадрият борасидаги мулоҳазаларни шакллантиришга қаратилган функциясининг алоҳида типига киритилади.

Таълим сифатини ўлчаш сифат ўлчовини белгилаш ва унинг қийматини маҳсус алгоритмлар ёрдамида олишни кўзда тутади.

Бундай жараённинг самарадорлиги баҳолашнинг статистик методларини қўллаш орқали таъминланади. Бу баҳоланаётган обьектнинг сифат кўрсаткичлари қиймати аксарият ҳолларда тасодифий катталиклар деб ҳисобланиши билан боғлиқдир. Бундай ҳолат ана шу сифатга бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатувчи кўплаб омиллар ва шарт-шароитлар билан изоҳланади. Шу боис бошқарув таркиби таълим сифати ҳақидаги ахборотни олиш ва ишлашнинг статистик методларини қўллай билиши керак.

**Иккинчи белги.** Ривожланган ташкилий маданиятнинг мавжудлиги.

Олдинги параграфда таъкидлаб ўтилганидек, жамоада меъёрлар тизимларини, қадриятларни, урф-одатлар ва анъаналарни юқори даражада шакллантирмасдан туриб, таълим сифатини бошқариб бўлмайди. Буларнинг ҳаммаси таълим жараённининг барча қатнашчилари ўргасида ўйғун ўзаро муносабатни вужудга келтириш имконини беради.

Ташкилий маданият таълим муассасасининг энг муҳим қуйидаги вазифаларини функционал жиҳатдан ҳал қилишда ёрдам беради:

- мувофиқлаштириш — белгиланган жараёнлар ва хатти-ҳаракат қоидалари ёрдамида амалга оширилади, бу жамоа барча аъзоларининг келишилган ҳолда ҳаракат қилиши имконини беради;
- мотивация — бажарилаётган иш мазмуни таълим муассасаси раҳбари томонидан тушунтириб берилишини кўзда тутади;
- ихтисослаштириш — таълим муассасасининг шунга ўхшаш таълим муассасаларидан характерли фарққа эга бўлиши демакдир;
- кадрларни жалб қилиш — таълим муассасасининг бошқаларидан афзалигини тарғиб қилиш, педагогларнинг ишлаши учун мақбул шарт-шароит яратиш орқали ҳал қилинади ва ҳ. к. (К. Шольц).

**Учинчи белги.** Таълим муассасаси раҳбарларида инновацион маданиятнинг шаклланганлиги.

Бу уларнинг янги билимлар ва фаолият турларини эгаллашга, ўзгаришларга, хавф-хатарга ва жавобгарликка тайёргарлигини билдиради.

Бошқариш соҳасидаги турли мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш янги типдаги менежер шахсининг энг муҳим сифатларини, хусусан, меҳнат жамоаси билан мақбул муносабатда бўла билиш маҳоратини ажратиш имконини беради. Янги типдаги бошқарув кадрларининг асосий вазифаси — «Янгиликлар киритишга йўналтирилган бошқарув муносабатларининг мос тизимини яратиш»дан иборатdir (Ю. Красовский). Таълим муассасаси раҳбарлари томонидан янги ташкилий-психологик маданият маъносидаги касбий маҳоратни ошириб боришининг қўйидаги объектив даврларининг ўзлаштирилишини ҳам шунга киритиш мумкин:

- ўз имкониятлари билан жамоа имкониятларини ўрганиш;
- ўз муваффақиятлари ва муваффақиятсизликлари орқали жамоа имкониятларини билиш;
- жамоа имкониятларидан ўз касбий маҳоратини ошириб бориш учун фойдаланиш;
- жамоа имкониятларини ўзида ва ўзи орқали рӯёбга чиқариш.

Бошқарув кадрларининг педагоглар ва ўқувчиларнинг ҳар қандай фойдали ташаббусини кўллаб-куватлашга ва ўзлари ҳам шу ишга кўшилишга қодирликларини ҳам инноваций белги деб ҳисоблаш мумкин. Таваккалчилик ва масъулият таълим сифатини бошқаришда бошқарув кадрларининг, айниқса, етакчининг муҳим хусусиятларидандир.

Таълим муассасаси раҳбарларининг касбий билимдонлиги новатор негизини ташкил қиласди. Директор ва унинг ўринбосарларининг касбий билимлари нечоғли даражада эканлигига кўп жиҳатдан инновацион фаолиятнинг муваффақияти бошқарув назарияси, иқтисодиёт ва социология, сиёсатшунослик ва ҳуқуқ, педагогика ва психология, гигиена ва физиология соҳаларига боғлиқ. Замонавий мутахассис шахсига, муданцис-педагоглар таркиби фаолиятини ва ўқувчиларнинг ўқишини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятига оид норматив талабларни билиш ҳам ушбу рўйхатга тўлиқ киради. Бунда замонавий таълим муассасаларини бошқараётган шахсларнинг касбий-ташкилий, ахлоқий-психологик сифатлари биринчи ўринга чиқади.

**Тўртинчи белгি.** Таълим муассасаси бошқарув корпуси психологик-педагогик маданиятининг юқори даражадалиги.

Бундай сифатнинг шаклланганлиги таълим сифатини таъминлашга доир фаолиятни лойиҳалаштиришнинг зарур шартиdir. Таълим сифати ва таълим муассасасини бошқаришнинг асосий функцияларини амалга ошириш учун раҳбарлар конкрет маҳорат ва кўнникмаларни эгаллашлари зарур. Биз психологик-педагогик маҳоратни, энг аввало, шулар қаторига киритамиз. Уларнинг моҳияти, П. Т. Фролов таъкидлаб ўтганидек, топшириқни онгли заруратга, фаолият-

нинг ички эҳтиёжига айлантириш мақсадида мантиқий ва психолого-гик усуллар ёрдамида ходимларга таъсир кўрсатишдан иборатdir» (П. Т. Фролов).

Кўрсатма-методик характердаги маҳорат ҳам энг муҳим аҳамият касб этади. Булар таркибига қуйидаги элементлар киради:

- педагогик, бошқарув фаолияти мақсадларини таърифлаш;
- унинг натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- таълим сифатини бошқаришни ташкил этишда педагогик метод ва усуллардан оқилона фойдаланиш;
- ходимларга малакали ёрдам кўрсатиш;
- илмий конференциялар, семинарларни ташкил қилиш ва уларнинг ишида қатнашиш;
- раҳбарнинг жамоатчилик фикрини вужудга келтириш, иёти-моий фаолликни рағбатлантириш, масъулият ҳиссини тарбиялаш орқали муҳандис-педагог ходимларга таъсир кўрсатиш маҳорати.

Таълим муассасаси раҳбарлари педагогларга, ўкувчиларга ва уларнинг ота-оналарига ягона педагогик талабларни қўйишилари керак. Бунда ҳар бир ходимнинг индивидуал имкониятларини ҳисобга олиш ва чукур ўрганиш, жамоа олдида турган вазифаларни ҳал қилишда ҳар кимнинг ролини кўрсатишга катта ўрин берилади.

**Бешинчи белги.** Таълим муассасасида ўзи ишини ўзи ўюштиришнинг юқори даражаси.

Таълим муассасасининг ўзини ўзи ривожлантириши бошқарув калрларининг педагоглар жамоаси билан биргаликда ташқи таъсирларни идрок этиш ва ички қарама-қаршиликларни бартараф қўлиш асосида таъминланади. Таълим сифатини бошқаришда раҳбарларнинг асосий эътибори педагог ходимларнинг қобиляйтлари ва имкониятларини тўлиқроқ очишга, зарур мустақиликни беришга ва педагогларга нисбатан кераксиз васийликни бартараф этишга қаратилади. Буларнинг ҳаммаси муҳандис-педагог ходимлар ва таълим олувчиларнинг ўзишини ўюштириши имконини беради. Ходимларнинг юксак касбий маҳорати ўзишини ўзи ўюштириши даражасига катта таъсир кўрсатади (И. Каору).

**Шундай қилиб, таълим сифатини бошқаришнинг ишлаб чиқилаётган ва фойдаланаётган тизими инновациянинг асосий белгиларини қаноатлантириши керак.**

Аммо бунда таълим муассасасидаги бошқарув фаолияти умумий ҳусусиятга эга бўлган қуйидаги қонуниятларни ҳам акс эттиришини таъкидлаб ўтиш зарур:

- бошқарув тизими билан педагогик жараённинг бирлиги;
- марказлаштириш билан марказлашувдан чиқаришнинг уй-гунилиги;
- бошқарилувчи ва бошқарувчи тизимларнинг нисбатдорлиги.

### 1.2.6. ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БОШҚАРИШ ЖАРАЁНИНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ

Таълим муассасаларида бошқарув фаолияти муаммоларини олдиндан концептуал тарзда ишлаб чиқиш таълим сифатини бошқарыш тизимини лойиҳалаштиришнинг инвариант асосга эга бўлган жараёнини кўриб чиқишга ўтиш имконини берди. Бу турли таълим муассасаларида ундан фойдаланиш имконини яратди.

Энг аввало, ҳар бир конкрет ҳолда бошқарув жараёнига ва унинг якунларига ишнинг мавжуд реал аҳвол, таълим муассасаси ҳаёт фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, унинг раҳбарларининг индивидуал фазилатлари ва бошқа омиллар катта таъсир кўрсатиши мумкинлигини таъкидлаб ўтамиз. Шу боис таълим сифатини бошқарышни тизимли ёндашув асосида лойиҳалаштириш йўлларини кўриб чиқсан ҳолда, бошқарув таркибининг стандарт, қатъий тартибга солинган ҳаракат дастурини бермасликка интиlamиз.

Бизнингча, таълим муассасаси бошқарув ходимининг эътиборини «таълим муассасасида таълим сифатини бошқариш тизимини таҳлил қилишнинг морфологик, таркибий, функционал жиҳатларини, бошқарув жараёнларининг етакчи йўналишларини, уларни амалга ошириш шакллари ва усулларини эгаллашта қаратиш муҳимдир.

Таълим сифатини бошқариш жараёнини тадқиқ қилишнинг морфологик жиҳати уни таркибий қисмларга, элементларга ажратишни ҳамда асосий хусусиятлари ва сифатларини тегишли равища ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан тавсифлашни кўзда тутади. Бунда, энг аввало, зикр этилган тизим сифатини ва унинг яхлитлигини белгиловчи омилларни ҳисобга олиш муҳимдир.

Объектни шу тарзда ўрганишнинг асосий воситаси декомпозиция методи ҳисобланади.

Тизимли таҳлил схемасига мувофик, тадқиқот предмети морфологик тавсифлангандан кейин унинг таркибий таҳлили бажарилади. Раҳбар ушбу босқичда қисмлар ва элементларнинг ўзаро алоқалари ва муносабатларини аниқлайди ва интегратив натижани белгилайди.

Тузилмани тавсифлаш учун таълим сифатини бошқариш жараёнининг мақсадлари ва пировард натижасини аниқ тасаввур этиш, уни ташкил қилувчиларни ажратиб, уларни барча ўзаро алоқаларда тадқиқ қилиш, бошқарув сифатини ўзгартиришдаги ролини кўрсатиш керак. Бошқарув ходими, таълим сифатини бошқариш тузилмасини таҳлил қилас экан, кучли ва заиф ўзаро алоқаларни, уларнинг тавсифий белгилари ва хоссаларини, таъсир кўрсатиш зарур бўлган алоқаларининг турларини аниқлайди, асосий муаммоларни

белгилайди. Таълим сифати кўп жиҳатдан унинг тузилмасига боғлиқлигини эътибордан чиқармаслик керак.

Таълим муассасасида сифатни бошқариш тизимини *функционал тадқиқ қилишда* бошқарув ходими қандай қилиб тизим шундай ҳолга тушиб қолганлиги сабабларини аниқлади. Бу ерда функцияларнинг ўзаро ҳаракатини аниқлаш, ушбу тизимдаги ана шу таркибий қисмларнинг ҳар бирининг, шунингдек, тизим барча элементларининг аҳамиятини белгилаш каби мураккаб вазифаларни ҳал қилиш лозим бўлади. Бунда элементлар ва кичик тизимлар ўз функционал вазифаларини бажараётган ёки бажармаётганлиги ҳамда уларнинг умуман тизимга қандай таъсир кўрсатётганлиги аниқланади. Маълумки, битта бўлса-да, функционал алоқанинг йўқлиги, ўзаро алоқаларнинг бузилиши тизимнинг бузилишига олиб келади.

Таълим муассасасида сифатни бошқариш муаммосини *генетик тадқиқ қилишда* бошқарув ходими таълим сифатини бошқариш жараёнининг ўтмишдаги, бугунги қундаги ва келгуси ҳолати ўртасидағи алоқани аниқлади. Тизимнинг айнан генетик хусусиятлари тизим ичидаги алоқаларни, шунингдек, унинг ташқи мұхит билан алоқасини шарт қилиб кўяди.

Тизимни таҳдил қилиш технологияси анча мураккаб, аммо бошқаси ҳам аён. Тизимли таҳдил бошқарув фаолияти ҳолатини организм бирликда, таркибий қисмларининг алоқалари ва ўзаро алоқаларни билиш, ушбу ҳолат сабабларини объектив аниқлаш, кейинги ривожланиш истиқболини кўриш имконини беради.

Таълим сифатини бошқаришда асосий эътибор лойиҳалаштириш фаолиятига берилади. Бу сифатни бошқариш методологияси томонидан кўзда тутилган — бунда сифат тақиқ қилиш ва лойиҳалаштириш, ривожланиш дастурлари ва концепцияни ишлаб чиқиш босқичида қўйилиши керак.

Сифатни бошқариш соҳаси мутахассислари маҳсулот ёки хизматлар сифатини лойиҳалаштиришда устуворлик ишлаб чиқариш босқичигача берилади, деб таъкидламоқдалар. Бунга тадқиқотлар, лойиҳалаштириш ва ишланмалар билан боғлиқ фаолият киради, яъни ушбу босқичларда сифат асосларига замин тайёрланади (А. Т. Куракин, И. Г. Леонов, Л. И. Новикова).

Тадқиқотлар ишлаб чиқариш (таълим) жараёнларига лойиҳалаштириш сифати кучли таъсир этишини кўрсатади. Педагогикага оид адабиётларда лойиҳалаштириш деганда бўлғуси ишларнинг таҳминий вариантларини тузиш ва унинг натижаларини башорат қилиш тушунилади. Таълим муассасасида сифатни бошқаришнинг илмий ташкил этилиши лойиҳалаштириш босқичларини аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда ва батафсил ишлаб чиқишини кўзда тутади. Бунда

таълим сифатини ошириш, бунинг учун тегищли шакл ва методларни танлашга доир конкрет вазифалар ва чора-тадбирларнинг асоси тарзда прогноз қилиниши ва белгиланиши назарда тутилади.

Бошқарув ходимлари фаолияти дастури «режали фаолиятнинг умумий стратегиясини белгилаб берадиган принциплар тизими» бўлмиш дастурли-мақсадли ёндашув асосида ишлаб чиқилади (А. Т. Куракин, Л. И. Новикова). Дастурли-мақсадли ёндашув аксарият тадқиқотчилар (В. Г. Афанасьев, Е. П. Голубков, Ю. А. Конаркевский, И. С. Ладенко, Г. А. Тульчинский, И. К. Шалаев ва бошқалар) томонидан тизимли ёндашувни аниқлаштириш сифатида кўриб чиқилмоқда. Масалан, бирорлар ушбу ёндашувни бошқарув фаолиятига татбиқан пировард натижага йўналтирилган мақсадли дастурни ишлаб чиқиш сифатида тавсифлашса (И. С. Шалаев), бошқалар дастурларнинг шакллантирилишини бошқарув жараёнларининг режалаштирилишидан иборат деб ҳисоблашади (И. С. Ладенко, Г. Л. Тульчинский).

Ишлаб чиқиладиган мақсадли дастур таркибиға қуйидагилар киритилади:

- намуна, уни амалга оширувчи мақсад ёки мақсадлар тизимининг норматив тавсифи;
- ҳал этилиши билан мақсадларга эришиш учун зарур бўлган вазифалар;
- ҳар бир вазифани ҳал қилиш билан боғлиқ операциялар, операцияларнинг таъминланиши (А. Т. Куракин, Л. И. Новикова).

Ижтимоий бошқаришнинг ҳозирги назариясида дастур деганда келажакка йўналтирилган инструментал бошқарув билими тушунилади. Концептуал берилган мақсадлар, ушбу мақсадлар эришиш во-ситалари ва усуллари, асосий тартиботлар мазмунни, келгуси фаолиятни ташкил этиш шакллари ана шундай дастурнинг мажбурий таркибий қисмлари ҳисобланади (И. С. Ладенко, Г. Л. Тульчинский).

Таълим муассасалари раҳбарлари учун дастурли-мақсадли бошқариш принциплари, методлари ва режалаштириш билан боғлиқ назарий масалаларни ўзлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш муҳим. Биз мақсадли дастурларни ресурс билан таъминлашни, таълим муассасасининг асосий мақсадига эришиш муддатларини ҳамда педагогик жараён қатнашчиларининг хатти-ҳаракатини интеграциялаш сифатида кўриб чиқамиз. Айнан шу улар таълим муассасасида сифатни илдам режимда бошқариш имконини беради.

Таълим муассасасида сифатни бошқариш тизимини лойиҳалаштиришда раҳбарнинг асосий вазифаси таълим сифатининг талаб қилинадиган даражасини таъминлайдиган шундай вариантни яратишдан иборат, деб биламиз. Раҳбарларнинг ҳаракати муҳандис-педагог ходимлар эгаллаши лозим бўлган сифатларни шакллантиришга, талаб

қилинаётган таълим сифатига эришиш учун уларни шахсий ва жамоавий ривожлантиришга қаратилган бўлиши керак.

Бошқарув ходимларининг энг муҳим функцияларидан бири бошқарув меҳнати натижалари билан ходимларнинг касбий тайёргарлик даражаси ва кадрлар таёйрлаш сифати ўргасидаги боғлиқликни аниқлашдан иборат.

Бошқарув ходимлари ишни лойиҳалаштириш ва амалга ошириш давомида таълим муассасасидаги сифатни бошқариш тизимининг барча хусусиятларини педагогик фаолият мақсадлари, вазифалари, мазмунни, шакллари ва методлари, ишлаб чиқариш-техника базаси, ташқи муҳит билан биргаликда кўриб чиқишлари зарур. Таълим муассасаси лойиҳаларини, ривожланиш дастурларини тузиш учун бошқарув ходимлари ушбу жараённинг барча асосий таркибий қисмларини, уларнинг сифат ва миқдор хусусиятларини ўрганишлари лозим. Аммо обьектни тадқиқ қилишда декомпозиция усулининг кўлланилиши таснифлашнинг юқори даражасини кўзда тутади.

Мутахассислар томонидан таълим муассасалари раҳбар ходимларининг билим ва маҳорат даражасини баҳолаш, шунингдек бошқарувчилик фаолияти натижалари кўрсаткичлари рўйхати тавсия этилган. Ушбу рўйхатта малака, касб маҳорати, фаолият унумдорлиги киради (Н. Тульчинский).

Шунингдек, ушбу кўрсаткичларнинг элементлар бўйича таркиби ҳам муҳим. Айни маҳалда таълим муассасаси бошқарув ходимлари бошқарув фаолиятига хос бўлган кўрсаткичларни ҳам ҳисобга олишлари керак. Улардан қуйидагиларни ажратиб кўрсатамиз:

**«Таснифлаш» блокида** — бошқарув кадрларининг:

- педагогика, психология, физиология ва гигиенани (умумий, касбий, ёшга оид, ижтимоий ва бошқалар);
- таълим жараёнини ташкил этишни;
- ходимлар ва таълим олувчиларнинг психологик-педагогик хусусиятларини;
- умумтаълим, умумкасбий ва маҳсус тайёргарликка, касбга, ихтиносга, бўлғуси мутахассис малакасига оид ижтимоий меъёrlар ва талабларни;
- ишлаб чиқариш таълими ва ишлаб чиқариш амалиёти талаблари мазмунини;
- таълим муассасаларида ва умуман таълим тизимида бошқарувнинг назарий асосларини билиши.

**«Касб маҳорати» блокида** — қуйидаги соҳаларда ижтимоий-психологик маҳорат ва кўнкимларни:

- педагоглар, тарбиячилар, ишлаб чиқариш таълими усталари, умумкасбий, маҳсус ва умумтаълим фанлари ўқитувчиларининг яго-

на жамоасини уларга ягона педагогик талаблар қўйиш, индивидуал имкониятларини ҳисобга олиш ва ўрганиш, жамоа олдида турган вазифаларни ҳал қилишда ҳар бирининг ролини кўрсатиш асосида шакллантириш;

— таълим муассасасининг жамоатчилик органларини тузиш ҳамда бошқаришга уларни жалб қилиш;

— муҳандис-педагог ходимлар ва таълим олувчиларнинг биргаликдаги фаолиятини, ўзаро муносабатларини тартибга солиш, танқид ва ўзини ўзи танқид, тартиб, интизом ва уюшқоқликка қатъий риоя этиши мұхимлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ҳаракатини мослаштириш асосида ташкил қилиш;

— таълим сифатини бошқариш мақсадлари ва вазифаларини таърифлаш;

— таълим сифатини ошириш дастурлари ва жараёнини режалашибтириш;

— кўрсаткичлар номенклатурасини, таълим сифатини ўлчаш ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиши соҳаларидаги ижтимоий-психологик маҳорат ва кўниммалар.

**«Фаолият унумдорлиги» блокида** — таълим олувчилар томонидан давлат таълим стандартлари, конкрет касбни ўзлаштириш кўрсаткичлари мұхим ҳисобланади.

Раҳбар малакасининг юқори даражаси — фаолият дастурини сифатли лойиҳалаштиришнинг зарур шарти.

Кейинги йиллардаги илмий адабиётларда «истиқболни қатъий қилиб, юқори даражада эҳтимоллик билан режалаштириб бўлмайди» деган фикр кўп учрамоқда (Л. Фаткин). Шу боис таълим муассасаси бошқарув ходими лойиҳалаштиришда таҳмин қилинаётган жараёнлар ва ҳодисаларнинг моҳиятини, уларнинг қонуниятларини чукурроқ ўрганиши ва идрок этиши, уларнинг кўрсаткичлар номенклатурасини асослаши ва ишлаб чиқиши керак бўлади. Бу обьект кўрсаткичларининг мунтазам такомиллаштирилиши маҳсулот ва хизматлар сифатини лойиҳалаштириш ва таъминлашнинг зарур шартларидан бири сифатида кўриб чиқишлиси билан боғлиқ. Бунда барча ишлар обьект сифатини ўлчаш ва баҳолашнинг микдорий методларига таянади. Шу тариқа аниқланган таълим муассасаси фаолияти ҳолатининг обьектив кўрсаткичлари бошқаришнинг тегишли тартибини танлашда асос қилиб олинади.

Маълумки, таълим муассасаси ходимлари фаолиятининг икки даражаси мавжуд.

Биринчи даражада таълим муассасасининг фаолияти таълим сифати ва мутахассислар тайёрлашнинг меъёрий қиймати ва кўрсаткичларига эришишга қаратилган бўлади. Масалан, «ЎМҚҲТни таъ-

сис этиш ҳақидаги намунавий Низом»га мувофиқ таълим олувчи-ларга чукур умумтаълим тайёргарлиги билан бирга тегишли малака даражасидаги конкрет касбни эгаллаш кафолатланади. Касб-хунар коллежининг ушбу босқичида бошқарув иши мавжуд тизимни барқарор ҳолатда сақлашта, яъни фаолият юритиш тартибида ишлашига қаратилади.

Иккинчи даражажамоанинг юқорироқ таълим сифати қўрсаткичларига эришишини кўзда тутади. Касб-хунар коллежига оид мисолни давом эттирган ҳолда шуни таъкидлаб ўтишимиз керакки, бу «...таълим муассасаси негизида ЎМКХТ соҳасида шахс ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондирадиган, юқори даражадаги таълим ва касбий тайёргарликни таъминлайдиган малакали кадрлар тайёрлашнинг тегишли ихтисослигига доир илғор методлар ишлаб чиқилиши ва жорий қилиниши мумкин», деган тегишли қоидага биноан кўзда тутилган (Касб-хунар коллежи ҳақидаги Низом).

Бунда бошқарув фаолияти тизимни юқорироқ даражага ўтказиши кўзда тутади, яъни ривожланиш режими амалга оширилади.

Бошқарувнинг бундай даражасига ўтилиши таълим муассасаси томонидан аввалги даражадаги барқарорлашувга эришилгандағина, яъни бошқарув обьекти параметрлари доимий норматив даражада тургандагина ўзини оқлади.

Шундай қилиб, таълим муассасасида сифатни бошқариш режаси тўғри ташланганлигига ушбу жараённи самарали лойиҳалаштиришнинг муҳим омиллари сифатида қараш мумкин. Педагогик лойиҳалаштириш алгоритмida конкрет обьект, уни таркибий қисмлари бўйича таҳлил қилиш, мақсад таърифи алоҳида ажратиб қўрсатилади. Улар таълим муассасасида сифатни бошқариш тизимини лойиҳалаштириш учун ҳам муҳимдир. Аммо бундай лойиҳалаштириш мантиғи, мазмуни ва босқичлари таълим муассасасининг тури тақозо этадиган хусусиятларга эга (В. С. Безрукова).

Сифатни бошқариш назариясига мувофиқ раҳбарлар, энг аввало, таълим муассасасида сифатни бошқариш тизимининг таркибий қисмларини бирон-бир параметрик маконда тавсифлаб, сўнгра уларни ўлчашнинг самарали усусларини топиши, яъни зарур ўлчовни аниқлаш ва шу ўлчов билан қиёслаш методини аниқлашлари лозим бўлади. Пировард натижада барча қўрсатичларни таълим сифатини тавсифлаш имконини берувчи бирон-бир интегратив қўрсаткичга бирлаштириш жараёни белгиланади. Шундагина таълим муассасаси бошқарув ходимлари ишнинг аҳволига мос равишда мақсадларни аниқлаш ва бошқарув фаолияти мазмунини лойиҳалаштириш имконига эга бўладилар.

Таълим сифатини бошқариш мақсадларига эришиш босқичига тўхталиб ўтамиз.

Маълумки, фаолият мақсади стратегия асосида таърифланади. Таълим сифатини бошқариш мақсадларининг белгиланиши шахсга, жамият, конкрет ишлаб чиқариш ва минтақанинг мутахассисларга бўлган эҳтиёжларини прогноз қилишга асосланади. Бунинг учун меҳнат бозорида айнан қайси мутахассислар кераклиги; мутахассисларнинг касбий сифатларига қандай талаблар кўйилиши; ушбу сифатларни баҳолашда нимага таянилиши, уларни ўлчаш ва баҳолаш учун қандай воситалар кераклиги тўғрисидаги тегишли ахборотга эга бўлиш зарур.

Натижада таълим муассасасининг таълим сифатини бошқариш мақсади бўлган замонавий мутахассиснинг қандайдир идеал образи вужудга келади (И. Каору). Бошқарув ходимлари таълим муассасаларининг барча бўлинмаларини, пировард мақсадга эришишга, уни мантиқан асослаган ҳолда, йўналтиришлари керак.

Таълим муассасасининг бошқариш мақсадларини таърифлашда таълим сифатининг мақбул даражасини таъминлаш, яъни ундан юқори ва паст даражада бўлганда кадрлар тайёрлаш масаласи ижтимоий-шахсий ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмайдиган ҳолда, мақбул даражада бўлишига эришиш диққат марказида бўлиши керак. Бундан ташқари, мақсадни кўйиш ДТСда таърифланган таълим сифатига оид ижтимоий нормага, малакага доир тавсифларга ва бошқа меъёрий-йўриқнома ҳужжатларга таянади. Бунда ижтимоий-шахсий ва касбий йўналтирилган мутахассисни тайёрлаш борасида қўйилган асосий талаблар акс эттирилган. Ушбу норматив ҳужжатларда янги касб ихтисослигига доир қуйидаги кўрсатичлар мавжуд:

- ижтимоий ва касбий жавобгарлик;
- касбий сафарбарлик;
- касбий мустақиллик;
- креативлик;
- кооперациялашишга қодирлик (И. Каору).

Масалан, ЎМКХТ таълим муассасалари битирувчиларининг маракасига оид замонавий тавсифларининг фарқли хусусияти — уларни асосий малака билан тўлдиришдир, яъни бунда «нимани билиши ва қила олиши керак» деган анъанавий талаблардан ташқари, кичик мутахассиснинг касбий сифатларига оид аниқ талаблар таърифлаб берилган.

Таълим муассасаси раҳбарлари таълим жараёни қатнашчиларининг ўзаро алоқалари ва ўзаро муносабатларини мунтазам равища ўрганиб борсалар, таълим сифатини бошқариш мақсадлари ва мазмунининг лойиҳалаштирилиши бирмунча самаралироқ бўлур эди. Таълим муассасаси ходимларининг педагогик ишларидағи асосий

ўзаро алоқаларини уларнинг малакали талабларини ўрганиш, аниқлаш ва тегишли матрицани тузиш мумкин.

Касб-хунар таълими тизимида, масалан, «маҳсус фанлар ўқитувчилари — умумтаълим фанлари ўқитувчилари» каби матрица сатрларидан бирининг намунали баёнини келтирамиз.

Зикр этилган ўзаро алоқадаги матрицани, масалан, ўрга маҳсус, касб-хунар таълими даражасида таҳлил қиласиган бўлсак, у қўйидағи кўринишга эга бўлади:

### 1. Ўзаро муносабатлар сабаблари.

Таълим муассасасида ушбу тоифа ўқитувчиларни уларнинг олдида турган умумий мақсад — яъни, ижтимоий-фойдали меҳнатнинг барча асосий йўналишлари бўйича малакали кичик мутахассисларни тайёрлаш мақсади бирлаштиради. Шу боис ўқитувчилар таркиби ўқувчиларда бўлгуси касбий фаолиятнинг назарий асосларини шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратади. Буларнинг ҳаммаси биргаликдаги педагогик ишни лойиҳалаштириш самарали педагогик технологияларни, таълим воситаларини ва тегишли ахборот алмашишини, иш тажрибасини талаб қиласиди.

**Таълим жараёни қатнашчилари фаолиятидаги ўзаро алоқаларини аниқлаш учун матрица**

Таълим жараёни қатнашчилари	Ўзаро муносабат компонентлари						
	сабаби	мақсади	мазмуни	Методлари ва воситалари	шакллари	кулами	натижалари
Бошқарув ходими — директор, директор ўринбосари							
Ўқитувчилар							
Муҳандис-педагог кадрлар							
Ёрдамчи ходимлар							
Ишлаб чиқариш мутахассислари							
Тарбияти (ходим)лар							
Ўқувчилар							
Ота-оналар							
Жамоатчилик вакиллари							

### 2. Ўзаро муносабатлар мақсади.

Педагоглар бир-бирлари билан мулоқот қилишда ҳам амалий, ҳам назарий эҳтиёжларини қондиришта интиладилар. Ўқувчиларнинг имконият ва ўқув-касб фаолияти даражаси ҳақидаги ахборот банки тўлдирилади.

### 3. Ўзаро муносабатлар мазмуни.

Таълим мұассасаси типига, турига ва фаолият йұналишларига боялиқ бўлади. Ўқитувчиларнинг биргаликдаги фаолиятининг асосий мазмуни уларнинг функционал вазифалари билан ҳам белтиланади. Бунга қўйидаги йўналишлар киради:

- ўқувчиларнинг таълим даражасини, ривожланишини диагностика қилиш (касб таълимида ўқувчиларнинг тайёрланганлик сифатининг бошланғич даражасини ва улар қобилияtlарини белгилаш);
- ЎМКХТ сифати кўрсаткичлари номенклатурасини ва баҳолаш мезонларини аниқлаш;
- ўқувчиларнинг касб таълими ҳолатини ўлчаш ва баҳолаш усуллари, воситалари, шаклларини мұхокама қилиш;
- таълимнинг тегишли технологияларини мұхокама қилиш ва ташлаш;
- янги методикалар, инновацияларни ўрганиш ва ўзлаштириш;
- ЎМКХТ мұаммолари бўйича педагогик консилиумлар, семинарлар, конференцияларни ташкил этиш;
- ўқувчилар учун педагогик материал, ўкув-услубий тавсияларни тузиш ва нашр қилиш.

### 4. Ўзаро муносабатлар методлари ва воситалари.

Улар жуда хилма-хил бўлиши мумкин:

- фаолиятни кузатиш;
- педагогик, илмий адабиётларни ўрганиш;
- иш тажрибасини ўрганиш;
- кўрсатиш, гапириб бериш, шарҳлаш, маслаҳат бериш;
- такриз қилиш, оппонентлик қилиш, фикр, норма тузиш;
- техник воситалар, кўргазмали қуроллар, ахборот технологиясидан фойдаланиш ва бошқалар.

### 5. Ўзаро муносабатлар шакллари.

Кенг тарқалган шакллар орасида қўйидагиларни ажратиб кўрсашиб мумкин:

- ўқитувчиларни методик бирлаштириш;
- инструктив-методик машгулотлар;
- педагогик клублар;
- конференциялар, кенгашлар;
- маърузалар, амалий машгулотлар, маслаҳатлар, синовлар, аттестациялар ва ҳ. к.

### 6. Ўзаро муносабатлар соҳаси ва кўламлари.

Педагоглар асосан индивидуал ва гуруҳ даражасида ўзаро муносабатда бўладилар. Уларнинг биргаликдаги фаолияти қатъий ташкил этилган (режалаштирилган) ва ташкил этилмаган (ўз ташаббу-сига кўра, заруратга қараб) бўлиши мумкин.

### 7. Ўзаро муносабатлар натижалари.

Уларни ҳам айрим ўқитувчиларнинг, ҳам бутун жамоанинг юқори касб маҳорати сифатида тавсифлаш мумкин: ушбу таълим муассасаси учун долзарб бўлган педагогик вазифалар ўз вақтида ва тўғри ҳал қилинади; ўқитувчилар ўқувчилар олдига қўйилган талабларда бирликка эришадилар, таълим методлари, воситалари ва шаклларини билиб танлайдилар.

### 8. Ўзаро муносабатлар оқибатлари.

Бу таълим сифатининг бирмунча юқори даражаси. Бундан ташқари, педагогик жамоанинг жисплашуви, микромухитнинг яхшиланиши, педагогик фаолият тажрибасининг ўзгариши, педагоглар ва таълим муассасасининг нуфузи ошиши муҳимdir.

Бундай матрицани тузишни ўқувчиларнинг ихтисосликларини, педагогларнинг таркибини ҳисобга олган ҳолда аниқлаштириш зарур. Бу ишда таълим муассасасининг барча ходимлари қатнашадилар. Шунга ўшааш материални ўрганиш ва таҳлил қилиш раҳбарларга педагоглар жамоаси фаолиятидаги афзалликлар ва камчиликларни аниқлаш, истиқболни тўғри ва тўлиқ лойиҳалаштириш имконини беради. Бошқарув кадрлари бошқарувнинг конкрет мақсадларини таърифлаган ҳолда, низомда кўзда тутилган «Бошқарув тартибини», «Таълим жараёнини ташкил этишнинг асосий тавсифларини» шу тариқа белгилайдилар.

Фаолият юритишининг у ёки бу босқичида таълим муассасаси ҳолатини аниқлаш имконини берувчи асосий восита бўлмиш педагогик таҳлил таълим сифатини лойиҳалаштириш ва таъминлашнинг негизи ҳисобланади. Педагогик таҳлил натижасида ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан олинган маълумотларни таққослаган ҳолда, бошқарув қарори билан белгиланган вазифалар қандай бажарилаётганлиги, тегишли стандартларда ва меъёрий хужжатларда ифодаланган муваҳассислар тайёрлашга оид талабларга нечоғли риоя этилаётганлиги ҳақида етарли даражада тўлиқ тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Педагогик таҳлил бошқарув фаолиятида тизим таркиб топтирувчи бўғин ҳисобланади, бошқарув цикли у билан бошланиб, у билан тутайди (Ю. А. Конаржевский).

Объектнинг педагогик таҳлилига икки хил: функционал ва тузилмавий ёндашув маълум.

Функционал ёндашув таълим муассасасида ўрганилаётган объект сифатини олдиндан таъминлаш ва сифатни бошқариш таркибий қисмлари сифатини аниқлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш мақсадида амалга оширилади. Функционал таҳлил қилиниши керак бўлган айрим, бизнингча, энг муҳим объектларни кўриб чиқамиз.

#### *1. Таълим сифати моҳияти.*

Бошқарув ходимлари:

- кадрлар тайёрлаш, конкрет уларнинг корхоналардаги келгуси фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига;
- кадрлар тайёрлаш жараёнини тартибга солувчи таълим стандартлари, меъёрий хужжатларга;
- буортмачилар томонидан таълим муассасасида кадрлар тайёрлаш даражасига қўйиладиган ва ҳ. к. талабларни ўрганадилар ва таҳлил қиласидилар.

*2. Мақсадларни қўйши ва кичик мақсадларнинг ўзаро алоқаси.* Асосий мақсадларнинг ва кичик мақсадлар ўртасидаги алоқаларнинг ўрганилиши ва таҳлил этилиши таълим муассасасида сифатни бошқариш тузилмасининг марказий-симметрик моделига мувофиқ амалга оширилади. Бошқарув ходимлари мақсадларнинг тўғри ва тўлиқ қўйилишини, мақсадларнинг барча ўзаро муносабатларини, уларни амалга ошириш қоидалари ва принципларига таълим жараёнининг барча қатнашчилари томонидан риоя қилиниши даражасини аниқлайдилар.

*3. Мұхандис-педагогик ходимлар салоҳияти (малакаси, касбий маҳорати).* Бошқарув ходимлари ушбу салоҳиятни, ходимларнинг функционал вазифаларини, салоҳиятни амалга ошириш даражасини, касбий бурчнинг бажарилишини таҳлил қиласидилар. Тегиши хужжатларда баён қилинган умумий талаблардан ташқари, таълим муассасаларида педагогик фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Бунда «заиф» жойларни, бошқарув ходимлари ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг ҳам миқдорий, ҳам сифат жиҳатидан нисбатини; тақсимлаш функцияларини, жамоанинг жипслиги ҳолатини, педагогик қонуниятларни, принципларни, нормативларни, ягона педагогик талабларни эгаллаганлик ва уларга риоя қилиниши даражасини, ўқитилаёттан фан, касб мазмунини рўёбга чиқаришга тайёрлик даражасини аниқлайдилар.

*4. Ўқувчиларнинг салоҳияти таҳлили.* Ўқувчиларнинг салоҳиятини таҳлил қилишда:

- ўқувчиларнинг таълим муассасасига ўқишга кираётганда ва уни битираётгандаги умумтаълим тайёргарлиги даражаси (ДТС талабларига мувофиқлиги)ни;
- саломатлик ҳолатини;
- касбга яроқлилигини;
- маънавий-аҳлоқий фазилатлар ва бошқаларни аниқлаш зарур.

*5. Таълим жараёнини моддий техник жиҳатдан таъминлаш.* Бошқарув ходимлари ушбу омилни таҳлил қилишда моддий-техника базасининг мавжудлиги ҳамда уларнинг меъёрий талабларга, тайёрланётган ихтиносслар даражасига, бошқарувга оид қабул қилинган қарорларга мувофиқлиги тўғрисида ахборот тўплайдилар. Шунинг-

дек, меъёрий-хуқуқий, ўқув дастурига оид ҳужжатлар сифати аниқланади. Моддий базанинг, молиявий таъминотнинг эксплуатацион, санитария-гигиена, ёнфинга қарши талабларга мувофиқлиги белгиланади. Таълим сифатини назорат қилиш, ўлчаш ва баҳолаш учун тестта оид ва бошқа топшириқлар банкини жиддий ўрганиш, шунингдек, таълим муассасасида ўрганилаётган барча фанлар ва ўзлаштирилаётган касбларни методик таъминлаш муҳим.

*6. Бошқарув ходимлари томонидан бошқарувнинг меъёрий базаси таъминлаши.* Қуйидагилар: таълим сифати кўрсаткичлари мажмуаси, мезоний асос, сифатни бошқаришнинг бош обьектларини стандартлаштириш тизими, таълим сифатини ўлчаш ва баҳолаш воситалиари, методлари ва усуслари бирлиги, фойдаланилаётган педагогик технологиялар мажмуаси муфассал таҳлил қилиниши лозим.

*7. Сифатни назорат қилиш.* Биз ушбу омилга таълим сифати ҳақида объектив аҳборот олишни таъминлайдиган принцип сифатида алоҳида эътиборни қаратамиз. Бунда биринчи навбатда таълим сифатини киришда, жорий ва якуний назорат қилишнинг аҳволи ҳолати таҳлил қилинади. Бу ўринда назорат жараёни томонидан турли: таълим, диагностика, прогностик, ривожлантирувчи ва тарбиявий каби функцияларнинг бажарилиши назарда тутилади.

Таълим сифатини назорат қилишнинг ташкилий схемасини аниқлаш, тегишли аҳборотни олиш ва ишлаш жуда муҳим. Шунингдек, назорат обьектларининг рўйхати, муддатлари, кўлланилаётган методлар, воситалар, натижаларнинг шакли ва ишланиши, назоратнинг мунтазамлиги ҳам аниқланади. Бунда гап, аслида, таълим муассасасидаги касб-таълим мониторинги тизими ҳақида бормоқда.

Ушбу ҳолатда бошқарув қарорларининг бажарилишини назорат қилиш ва уларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш мустақил бўлими бўлиши мумкин.

Қуйидагилар «Сифатни назорат қилиш» бошқарув функциясини таҳлил қилишнинг асосий таркибий қисмлари бўлиб хизмат қиласди:

- касб таълим дастурларини амалга оширишда ДТС талабларига, йўриқнома тарзидаги ҳужжатларга риоя қилиш;
- ўқувчилар ва ходимлар ҳаётини ва соғлигини муҳофаза қилишни таъминлаш;
- ўқувчилар, педагогларнинг хукуқ ва эркинликларига риоя қилиш ҳамда уларни ижтимоий ҳимоялаш;
- таълим жараёнини тацкил этиш;
- ўқувчилар жамоасини шакллантириш ва шахсни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;
- касб-таълимига оид қўшимча дастурлар ва хизматларни бажариш;

■ хўжалик-молиявий фаолиятнинг аҳволи ва бошқалар.

Шундай қилиб, барча асосий функциялар ва ижрочиларни, барча бошқарув ишлари сифатини ва уларнинг бажарилиши сифатини аниқлаш зарур.

**Ўзгаришлар сифатини таҳлил қилишнинг тузилмавий ёндашувини кўриб чиқамиз.**

Таҳлил мақсади таълим муассасасида бошқарувни тузилмавий ташкил этишнинг таълим жараёни қатнашчилари амалга оширадиган таълим сифатига, айрим функцияларга, жараёнларга ва ишларга кўрсатадиган таъсири даражасини аниқлашдан иборат.

Биз илгари таълим сифатини бошқаришга доир ишларни тизимли ташкил этиш зарурлиги ҳақида гапириб ўтгандик. Бу кейинги пайтда таълим муассасасида бошқарув фаолияти функциялари ва вазифаларини табакалаштириш ҳамда хилма-хил ишлар, воситалар ва усусларни интеграциялашта мойиллик кузатилётганлиги билан боғлиқ. Буларнинг ҳаммаси таълим сифатига доир ишларни кўп даражали ташкил этиш билан бирга, бошқарув тузилмасини лойиҳалаштиришни кўзда тутади.

Таълим муассасасида таълим сифатини бошқариш — бу фаолият юритувчи ва ривожлантирувчи бир бутун сифатидаги тизим элементларининг қонуний алоқаларини акс эттирувчи тузилманинг фаол, процессуал туридир. Динамик тузилмага барқарор, ботинан зарур бўлган қонуний алоқалар хосдир. Демак, таълим муассасасида таълим сифатини таҳлил қилиш ва лойиҳалаштирища директор ҳамда унинг ўринбосарларининг эътибори тизим асосий ҳосил қилувчи алоқаларни ажратишга қаратилади. Бунда тузилма аҳамиятли ва аҳамиятсиз, бевосита ва билвосита, сабабий, зарурий ва тасодифий каби кўплаб алоқалар билан тавсифланишини назарда тутиш керак.

Таълим муассасасида таълим сифатини бошқаришда тузилманинг мавжудлиги — бу уни сифат жиҳатидан ўзгариши учун замин бўлиб, тизим (ТМ) ичидағи миқдорий ўзгаришларни тўплашнинг зарур шартидир. Тузилманинг бир бутун коммуникацияси ташки шартшароитлар билан ташкил этиши диққатга сазовордир. Бунинг натижасида ушбу тизим муайян шароитларда бошқа, бундан ҳам мураккаброқ тизимга кириши, ушбу тизимнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлиши мумкин.

Айтиб ўтилганларнинг барчаси таълим муассасасида таълим сифатини бошқариш жараёни учун ҳам хосдир. Масалан, бошқарув ходимларининг ишни мувофиқлаштириб олиб бориши даражаси уларнинг бутун фаолияти мантигини белгилайди. Мувофиқлаштирувчи алоқалар таълим муассасаси дастурларининг ўзида, таълим сифатини бошқариш режаларида берилган бўлиши керак. Белгиланган режаларнинг амалга ошишига, уларнинг бажарилиш изчиллигига яго-

на ёндашув бошқарув жараёнининг яхлитлигини таъминлайди. Субординация алоқалари педагогларнинг раҳбарларга ва таълим олувчилик педагогларга бўйсунишига қаратилган. Аммо бундай алоқа ҳамкорлик муносабатларига асосланиши даркор.

Таълим муассасасида мувофиқлаштириш, субординация алоқалари, «горизонтал», «вертикал» алоқалар таълим сифатини бошқариш тузилмасининг марказий-симметрик моделига киритилган. Бундай тузилма қисмларни интеграциялашга, боғлашга, ўзгартеришга, қисмларнинг биронрасига ҳам хос бўлмаган янги хоссаларнинг вужудга келиши учун шарт-шароит яратишга қодир, тизим элементларининг макон-замон алоқаларининг муайян динамик барқарорлигини кўзда тутади.

Айтиб ўтилганларнинг барчаси қуидаги хуносани чиқаришга асос бўлади: таълим муассасасида таълим жараёни сифатини ошириш учун биринчи навбатда тузилмани, бошқача айтганда — тизим таркибий қисмларининг ўзаро алоқалари усусларини пухта таҳлил қилиш ва лойиҳалаштириш керак.

Шунингдек, яхлитликнинг муайян даражаси мавжудлиги тизимнинг асосий белгилари сирасига киради. Яхлит тизимда элементларнинг ўзаро таъсири натижасида алоҳида элементда мавжуд бўлмаган сифат вужудга келади. Шу боис таълим муассасасининг алоҳида олинган ҳар бир раҳбари томонидан лойиҳалаштирадиган ва бажариладиган ишлар жамулжам ҳолда педагогларнинг қасб маҳорати даражаси, таълим жараёни сифати, ҳар бир ўкувчи ўқишида эришган натижалар ҳақида яхлит тасаввурни шакллантиришга қаратилиши керак.

**Бошқа мисол.** Бошқарув ходими томонидан оғзаки ва ёзма сўровлар ўтказиш, ўкув машғулотлари вақтида ўкувчиларни кузатиш, хужжатларни ўрганиш, педагоглар ва ўкувчилар билан сұхбат ўтказиш каби ишларнинг бажарилиши натижасида ўкувчиларнинг билими, маҳорати ва кўникмаси ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Тизимдаги элементлар ўзаро шунчаки боғланган эмас, балки функционал жиҳатдан бир-бирига боғлиқ. Масалан, қасб-хунар коллежида директорнинг ишлаб чиқариш, умумий қасб-хунар таълими ва умумтаълим тайёргарлиги буйича ўринбосарлари иш режаларини тузадилар, уларни олдиндан ўзаро келишиши асосида, шунингдек таълим муассасаси олдида турган асосий вазифаларни ҳисобга олган ҳолда муайян қарорлар қабул қиласидар.

Тизим элементлари бир-бири билан узвий боғланган, бирон-бир элементнинг бўлса-да, бузилиши миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Тизимнинг энг муҳим аломатларидан бири — унинг ташқи муҳит билан ўзаро муносабатидир. Ҳар қандай динамик тизим муҳит таъсири остида ўзгаргани ҳолда, ўзи

унга таъсир кўрсатади, айни маҳалда мустақилликни сақлаб қолади. Тизим мавжуд бўлиши ва ривожланиши мумкин бўлган муҳит шарт-шароитлари зарур ҳисобланади, шу боис таълим муассасаси раҳбарларининг лойиҳалаштираётган бошқарув ишлари таълим тизими олдида турган умумий вазифалардан келиб чиқади.

Бу вазифалар ҳар бир ТМнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаштирилади, бунда ҳар бири ўзининг нисбатан мустақиллигини сақлаб қолади.

Тузилмавий таҳдилни таълим муассасасида таълим сифатини бошқариш тузилмасининг марказий-симметрик моделига мувофиқ амалга ошириш зарур.

Куйидаги таркибий қисмларни таҳдил қилиш фоят муҳим аҳамият касб этади:


- раҳбарлар таркиби ( $A_1B_1C_1$ ) билан муҳандис-педагоглар жамоаси таркиби ( $A_1B_1C_1$ )нинг ўзаро алоқаси ва уларнинг биргаликдаги фаолияти натижалари ( $x; y; z$ );
- муҳандис-педагоглар жамоаси ( $A_1B_1C_1$ ) билан ўқувчилар таркиби ( $A_2B_2C_2$ )нинг ўзаро алоқаси ва уларнинг биргаликдаги фаолияти натижалари ( $x_4; y_4; z_4$ );
- тизимдаги ҳар бир элементнинг ушбу тузилмадаги ўрни. Бунда ўқув ишлари, ишлаб чиқариш таълими ( $BC$ ;  $AC$ ) бўйича директор ўринбосарлари, назарий таълим бўйича ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими усталари ( $B_1C_1, A_2C_2, A_2B_2$ ), таълим олувчилар таркиби ( $B_2C_2, A_2C_2, A_2B_2$ ) назарда тутилади (1-расмга қаранг).

Таълим муассасасида таълим сифатини бошқариш натижалари бошқарув ходимининг ташкилий фаолиятни таҳдил қилиш ва лойиҳалаштириш маҳоратига боғлиқ. Директорнинг бу борадаги фаолияти:

- ходимларни мақсадга мувофиқ танлаш;
- ҳар бир ходимга муайян вазифаларни топшириш;
- фаолият мақсадларини шакллантириш ва ходимларни жамоанинг умумий қадриятларига йўналтириш;
- маслакдошлар жамоасини шакллантириш;
- ходимларнинг самарали ишлаши ва ўқувчиларнинг самарали ўқиши учун шарт-шароит яратиш;
- таълим жараёнининг барча қатнашчилари ўргасида ўзаро уйғун муносабатларни таъминлашдан иборат бўлади.

Биз лойиҳалаштиришнинг энг муҳим ташкилий шакллари орасида таълим муассасаси ходимлари ўргасида функционал вазифаларнинг тақсимланишини ажратиб кўрсатамиз.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги касб-хунар коллежларида ўзини ўзи аттестациядан ўтказишни ташкил этишга доир экспериментал ишлар натижасида директорнинг ходимларнинг функ-



1-расм. ТМда таълим сифатини бошқаришнинг марказий-симметрик тузилмаси конфигурацияси.

ционал вазифаларини тақсимлашдаги маҳорати билан педагогик жамоада иш бирлигини таъминлаш ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги аниқланди<sup>1</sup>.

Касбий вазифаларни аниқлаштириш, уларни аниқ тартибга солиш фаолиятнинг пировард натижалари учун ходимларнинг масъулиятини ошириш имконини беради.

Касб-хунар коллежи ходимлари функционал вазифаларининг вариантиларидан бирини кўриб чиқамиз.

Ўзаро алоқаларни ва нисбий мустақилликни намойиш қилиш учун улар блокларга бўлинади.

**1-БЛОК.** Ходимларнинг касб-хунар коллежининг ташқи муҳит билан алоқаларини таъминлаш, унинг бозор шароитларидағи ва жамиятдаги ўзгаришларга мослашуви билан боғлиқ функционал вазифалари қуидагилардир:

- касб-хунар колледжларида тайёрланаётган мутахассисларга бўлган эҳтиёжни тизимли тадқиқ қилиш;
- касб-хунар коллежи фаолиятини бозор талабларига мослаштириш, касб-хунар коллежини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш;

<sup>1</sup> У. И. Иноятовнинг диссертацион тадқиқоти материаллари келтирилган, 1999—2002.

- буюртмачилар билан шартномалар тузиш, касб-хунар колледжида таълим жараёнини ташкил этишга доир чора-тадбирларни биргаликда ишлаб чиқиш;
- таълим муассасаси ҳақида реклама ташкил этиш;
- ўхшаш таълим муассасаларини аниқлаш, уларнинг тажрибасини ўрганиш;
- тижорат фаолиятини ташкил этиш, ТМ муассиси билан алоқа ўрнатиш;
- ташкил алоқаларга доир ахборотни тўплаш ва тартибга солиш.

**2-БЛОК.** Таълим жараёнини ташкил этиш ва унинг қатнашчиларининг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш учун ички ресурсларни яратиш ва тақомиллаштириш билан боғлиқ функционал вазифалар куйидагилардир:

- ходимлар штати рўйхатини ишлаб чиқиш, педагог ходимларни танлаш, бошқарув тузилмасини аниқлаш, функционал вазифаларни тақсимлаш;
- касб-хунар коллежи фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш, маблағлар ва материаллардан тежамли фойдаланишни ташкил этиш;
- касб-хунар коллежини меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар, ўкув-дастурий адабиётлар билан таъминлаш;
- ўкувчилар ва педагогларнинг ҳаётини муҳофаза қилиш ва соғлигини сақлаш учун шарт-шароит яратиш;
- педагоглар ва ўкувчилар учун ижтимоий шарт-шароит яратиш;
- касб-хунар коллежи тайёрланаётган касбларга оид аккредитация олишига доир ишларни ташкил этиш, касб-хунар коллежини навбатдаги аттестацияга тайёрлаш;
- педагог ходимларнинг малакасини оширишни ташкил этиш.

**3-БЛОК.** Ходимларнинг касб-хунар коллежини ўкувчилар билан бутлаш, ўкувчилар жамоасини шакллантириш, шахс ривожланиши учун шарт-шароит яратишга доир функционал вазифалари куйидагилардир:

- касбга йўналтириш хизматини, ТМ билан касбга йўналтириш ва ўкувчиларни колледжга танлаш бўйича ишларни ташкил этиш;
- ўкувчиларни касб-хунар коллежига, ишлаб чиқаришга мослаштириш, ўкув ва ишлаб чиқариш гурӯҳларида ўкувчилар жамоаларини шакллантиришга доир ишларни ташкил этиш;
- тарбия-профилактика, маданий-ҳордик чиқариш, спорт-соғломлаштириш ишларини, техника ва бадиий ижодиётни лойиҳалаштириш ва ташкил этиш;
- психодиагностика, психопрофилактика, коррекцияни, ўкувчиларни тикилаш ишларини амалга ошириш, ўкувчилар ва ўкув гурӯҳларининг психологик-педагогик тавсифларини тузиш;

- ўқувчиларнинг психологик маданиятини шакллантириш ва қўллаб-қувватлаш;
- иқтидорли ўқувчиларни излаш, танлаш ва ижодий ривожланишига кўмаклашиш, эмоционал ва интеллектуал ривожланишда орқада қолтан ўсмиirlарни аниқлаш ва уларга индивидуал ёрдам кўрсатиш;
- соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ижтимоий хулқ-атвор нормаларидан четта чиқувчи ўқувчиларни психологик-педагогик жиҳатдан тўғри йўлга солиш;
- хуқуқбузарликнинг, ишлаб чиқаришда ва йўлда жароҳатланишнинг олдини олиш;
- ўқувчиларнинг ўзини ўзи бошқариш, мустақил тайёрланиш, мустақил ривожланиш ва ўзини ўзи назорат қилиш органларини ташкил этишда ёрдам кўрсатиш;
- ўқувчиларнинг ички тартиб-коидаларга, маънавий ва ахлоқий хулқ-атвор меъёrlарига риоя этишларини назорат қилиш;
- ўқувчиларнинг ота-оналари билан ишлашни ташкил этиш.

**4-БЛОК.** Ходимларнинг таълим жараёнини лойиҳалаштириш, ташкил этиш, амалга ошириш, унинг сифатини ўрганиш ва баҳолашга доир функционал вазифалари қўйидагилардир:

- касб-хунар коллежи уставини ишлаб чиқиши, унга тузатиш киритиш, мутахассисларнинг моделини, битирувчиларнинг малака тавсифларини мослаштириш;
- касб-хунар коллежи ва айrim ходимларнинг йиллик календар ўкув графикларини, машгулотлар жадвалини, йиллик ва жорий иш режаларини, иш дастурларини, ўкув фанлари модулларини тузиш ва тасдиқлаш;
- айrim ўкув фанлари, уларнинг бўлимлари ва мавзуларини ўрганишга оид таълим вазифалари мажмуасини белгилаш; ўкув материалини танлаш ва мослаштириш;
- таълим жараёни технологиясини лойиҳалаштириш ва таълим жараёнини амалга оширишнинг педагогик воситаларини танлаш;
- ўқувчиларнинг назарий ва ишлаб чиқариш таълими бўйича дастурларини амалга ошириш;
- бошлангич таълим сифатини ўлчаш ва баҳолаш учун кўрсатичлар ва мезонларни танлаш;
- ўқувчиларнинг мажмуавий назорат ишлари, зачётлари, имтиҳонлари, тестларини ва аттестациясини ўтказиш;
- таълим жараёнининг бориши ва натижаларини, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими даражаси, мазмуни ва сифатини таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муаммоларини аниқлаш ва таҳлил қилиш, унинг сифатини яхшилашга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиши;

■ касб-хунар колледжи фаолиятини прогнозлашда, лойиҳалаштириш ва ташкил этишда ахборотни түплаш, тартибга солиш ва ундан фойдаланиш.

Функционал вазифаларнинг блокларга ажратилиши бирмунча шартлидир. Касб-хунар колледжи ҳар бир раҳбарининг иши бу ушбу блокларда санаб ўтилган вазифаларни аниқлаштириш, уларга қўшимчалар, тузатишлар киритиш ҳамда муфассал шарҳлашдан иборат.

Шунингдек, ходимларнинг ҳисобот бериш тури, муддатлари ва шакллари ҳамда меҳнат натижалари учун жавобгарлик даражасини ишлаб чиқиш ва кўзда тутиш лозим. Бундай ёндашув директорга таълим муасасасининг мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжини тўғри белгилаш, уларни фаолият кўрсатиш обьектлари бўйича самарали жойлаштириш, ишдаги такрорлашларга барҳам бериш, улар ўртасидаги ўзаро муносабатни таъминлаш имконини беради. Касб-хунар колледжи ходимлари айнан ўзаро муносабатда бўлгандагина қобилияtlари ва эҳтиёжларини намоён қила олишлари мумкин. Бунда биргаликдаги иш ҳажми, мароми ва интенсивлиги ортиб, таълим муассасасининг яхлитлиги таъминланади.

Шундай қилиб, раҳбарлар ўз олдиларига оддий бошқарув усулини яратиш ва таълим сифатини таъминлаш мақсадини қўйган ҳолда, куйидагиларни амалга оширадилар:

- сифатни бошқариш дастурини ишлаб чиқадилар;
- бошқарув обьектини доимий равища кузатиб, таҳлил қилиб борадилар ва унинг сифати ҳақида обьектив ахборот оладилар;
- бошқарув қарорини қабул қиласидилар ва таълим сифатига таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини ишлаб чиқадилар;
- таълим сифати кўрсаткичлари номенклатурани ва уни баҳолаш мезонлари тизимини шакллантириб, уларга мунтазам равища тузатишлар киритадилар ва ҳ. к.

Аmmo сифатни бошқариш билан боғлиқ ҳар қандай муаммони конкрет ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда обьектив кўриб чиқиш талаб этилади.

Биз таълим муассасасида таълим сифатини бошқариш — таълим жараёни барча қатнашчиларининг кўти қиррали фаолияти, деган фикрдан келиб чиқмоқдамиз. Унинг мазмуни таълим тизими ривожланишининг у ёки бу даврида унинг (ёки унинг айрим тури) олдида турган вазифаларнинг тавсифи билан белгиланади. Ташкил этиш ва бошқариш масалалари бошқарув кадрлари томонидан дарҳол эмас, балки муайян изчилилликда ҳал этилади. Уларни босқичмабосқич ҳал этишни шартли равища тасаввур қилиш мумкин, бироқ уларни амалда кескин чегаралаб бўлмайди, уларнинг айримларини айни пайтда ҳал қилиш мумкин, бошқалари ўзаро қўшилиб кетади ва шу боис бир-бирининг мантикий давоми бўлади.

Таълим муассасаси раҳбарларининг педагогик объект сифатини тадқиқ этиши мантиқини қўйидагича тасаввур қиласмиз:

### **Биринчи босқич. Тайёрлов босқичи.**

*Вазифа* — бўлгуси фаолиятни фаразан ишлаб чиқиш, унинг мақсадини белгилаш, объектни ўрганиш учун зарур ашёларни (дастурлар, режалар, тестлар ва ҳ. к.) тайёрлашдан иборат.

#### *Босқич мазмуни.*

1. Кўрсаткичларнинг тегишли номенклатураси ва унинг сифати мезонлари тизими асосида объект тўғрисида аниқ ахборот тўплаш.

2. Тўпланган ахборотни таснифлаш, олинган маълумотларни олдиндан таҳлил қилиш, ўрганилаётган объект сифатининг тегишли меъёрларга, стандартларга мувофиқлигини баҳолаш.

3. Бошқарув ҳаракатларининг ишчи гипотезасини илгари суриш.

4. Мақсади ва унинг декомпозициясини таърифлаш.

5. Таълим муассасаси раҳбарлари (директор ва унинг ўринбосарлари) ўртасида вазифаларни тақсимлаш, йўл-йўриқлар бериш, муқобил фикр-мулоҳазалар, ечимларнинг варианtlарини муҳокама қилиш, биргаликда қарорлар, фаолият лойиҳаларини қабул қилиш.

*Бошқарув ходимларининг фаолияти турлари ва фойдаланиладиган методлар.*

Зарурлигиги, етарлилиги ва объективлик даражасини ҳисобга олган ҳолда ахборот танлаш; тегишли меъёрий-хукуқий ҳужжатларни, статистик ҳисоботларни ва бошқаларни ўрганиш; педагоглар ва таълим олувчиларнинг фаолиятини кузатиш; улар билан сұхbatлар, оғзаки ва ёзма сўровлар ўтказиш, ўкувчиларнинг ота-оналари, таянч корхона вакилларининг фикрларини аниқлаш; маълумотларни ишлаш, таҳлил қилиш, қиёслаш, таснифлаш, ўлчаш, баҳолаш, моделлаштириш, прогнозлаш ва бошқалар.

*Бошқарув ходимларининг касбий сифатларига қўйиладиган асосий талаблар.*

Квалиметрия, педагогик таҳлил усулларини эгаллаш, таълимни ташкил этишга доир асосий ҳужжатларни билиш, таълим муассасасининг ўзига хос хусусиятлари ва иш шароитларини ҳисобга олиш, тезкорлик, аниқлик, амалга оширилаётган ишларни изчил олиб бориш.

Ушбу босқич жуда мураккаб ва сермеҳнат эканлигини пайқаш қийин эмас. Бунда мувваффақият бошқарув кадрларининг тайёрланганлик даражасига, уларнинг амалий тажрибасига, масъулиятiga боғлиқ. Бу босқичда олинган натижалар кейингиларига бевосита таъсир кўрсатади.

### **Иккинчи босқич. Бошқарув ишларини бажариш.**

*Вазифа* — ўрганиш объективининг миқдорий, сифат тавсифларини аниқлаш, ходимлар ва таълим олувчилар фаолиятида, таълим жараёнини ташкил қилишда номақбул оғишларнинг олдини олиш.

***Босқич мазмуни.***

1. Ушбу объектни мониторинг йўли билан ўрганиш давомида ах-борот тўплаш ва тизимга солиш, таълим сифатини ўлчаш ва баҳолаш.
2. Аввалти босқичда тўпланган маълумотларни тўлдириш, уларга тузатишлар киритиш, аниқлаш, уларни қиёслаш ва умумлаштириш.
3. Таълим муассасасида таълим сифатини бошқариш жараёнида тўпланган материални ҳар куни ишлаш, зарурат туғилганда қабул қилинган бошқарув қарорларини тезкор тартибга солиш, тузатиш.
4. Ходимлар билан ишлаш.
5. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш, улар тақроран йўл кўйилишининг олдини олишга доир чора-тадбирлар қабул қилиш, мұх-тож ходимларга зарур ёрдам кўрсатиш. Таълим сифатига таъсир кўрса-тuvchi шарт-шароитлар ва омилларга аниқ мақсадни кўзлаб таъсир этиш.
6. Пировард мақсадга эришишга доир чора-тадбирларни мувофиқ-лаштириш.

*Бошқарув ходимларининг фаолият турлари ва улар қўллаётган ме-тодлар.*

Таълим жараёнининг бориши, ўқувчиларнинг ўқув-касбий фаоли-ятини кузатиш; ҳужжатларни ўрганиш ва таҳдил қилиш; ўқувчилар орасида назорат ишларини танлаб олиб бориш, ходимлар ва ўқувчилар билан сұхбатлар ўтказиш.

Математик статистика методларини қўллаш, таҳдил қилиш, умум-лаштириш, қиёслаш, таққослаш, аниқлаштириш, ўлчаш, баҳолаш, да-ражаларга ажратиш, хуносалар, тавсияларни таърифлаш ва ҳ. к.

*Бошқарув кадрларининг касбий сифатларига қўйиладиган асосий та-лаблар.*

Бошқарувнинг асосий принциплари ва улардан энг мұхими — ти-зимли ёндашув принципини қўллай билиш; педагогик таҳдил қилиш, кузата билиш, математик статистика усулуларидан фойдалана билиш маҳорати, иш давомида ходимлар ва ўқувчилар билан мақбул ўзаро му-носабатлар ўrnата билиш, таълим жараёни қонуниятлари ва ўзига хос хусусиятларини чукур билиш, квалиметрик асосланганлик ва бошқалар.

Ушбу босқич олдига қўйилган вазифа баъзан педагоглар томонидан бевосита таълим жараёнининг амалга оширилиши жараёнида бажари-лади. Ходимлар ва ўқувчиларни чалғитмасдан, уларга «юқоридан» тазиик ўтказмасдан туриб таълим сифатига, уни яхшилашга доир барча чора-тадбирлар самараадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш лозимлиги туфайли ечим мураккаблашади. Бунда ходимлар ва ўқувчи-лар фаолиятидаги муваффақиятлар ва камчиликларни объектив аниқ-лаш, уларнинг истакларини тинглаш лозим бўлади. Ишларнинг ҳақиқий аҳволини баҳолаш ва конкрет қарорлар қабул қилишда директор ва ўринbosарларининг ишини мувофиқлаштириш ҳам мұхимdir.

### **Учинчи босқич. Якунлаш.**

*Вазифа* — тизимга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатадиган асосий сабабларни аниқлаш, хатоларга такроран йўл қўйилишининг олдини олишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, ўрганилаётган обьект-нинг сифат кўрсаткичлари ва мезонлари тизимини аниқлаш, ўзлаштирилаётган инновациялар самарадорлигини баҳолашдан иборат.

#### **Босқич мазмуни.**

1. Педагоглар жамоаси, ўқувчилар ва бошқарув таркиби фаолиятига тааллукди материалларни таҳдил қилиш.
2. Таълим муассасасида таълим сифатини бошқариш натижаларини ҳужжатли расмийлаштириш.
3. Таълим жараёни қатнашчиларининг фаолият натижаларини биргаликда муҳокама қилишни ташкил этиш.
4. Объект сифатини яхшилашга доир чора-тадбирлар режасини тузиш.
5. Педагогларнинг сифат тизимини таъминлашга доир ишларига тузатишлар киритиш.

*Бошқарув ходимларининг фаолият турлари ва қўлланилаётган методлар.*

Мальумотномалар, маърузалар, суҳбатлар матнларини тузиш; педагогик консилиум ўтказиш, ҳисобот ҳужжатларини тайёрлаш; умумлаштириш, тавсифлаш, изоҳлаш, таҳдил қилиш, абстракциялаштириш, прогнозлаш, моделлаштириш ва ҳ. к.

*Бошқарув кадрларининг касбий сифатларига қўйиладиган асосий талаблар.*

Педагогик таҳдил методларини эгаллаш; амалий қарорлар қабул қилишга қодирлик, ҳисобот ҳужжатларини тузиш кўникмаларига эга бўлиш.

Ушбу босқич аввалгилардан деярли фарқ қўлмайди. Бошқарув ходимларининг фикрлаш фаолияти жараёнининг мураккаблиги ва аҳамиятини кўрсатиш учун уни мустақил босқич сифатида танлаб олдик. Мазкур босқич натижалари, биринчи навбатда, кейинги цикл биринчи босқичининг мазмунини лойиҳалаштириш учун замин бўлиб хизмат қиласди.

Таълим муассасасида таълим сифатини бошқаришда цикл мавжудлиги ҳақидаги хулоса шундан келиб чиқади. Шундагина ҳар бир цикл ТМни янада ривожлантиришни кўзда тутибгина қолмай, балки бошқарув кадрларининг, педагоглар ва ўқувчиларнинг касбий тажрибасини бойитиш имконини ҳам беради.

Шундай қилиб, алоҳида босқичлар ўзаро қўшилиб таълим сифатини бошқаришнинг энг муҳим таркибий қисмлари сифатида катта аҳамият касб этади.

**II БОБ.  
ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА  
ДАВЛАТ КАФОЛАТЛАРИ**

**II.1. ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ТИЗИМИ**

**Ислоҳотларни давлат ва жамият томонидан кафолатли қўллаб-куvvatлаш — Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда моделинин амалга оширишнинг бош омили ва шарти. Бу нималарда намоён бўлади?**

**Биринчидан.** Узлуксизлик ва узвийлик принципи асосида таълим тизимини прогрессив ривожлантиришни таъминлаш учун давлат бошқаруви ва ҳокимият органлари, жамоат ташкилотлари раҳбарларининг сиёсий иродаси ҳамда муайян натижани кўзловчи мақсади мавжуд бўлиши даркор.

Янги ижтимоий-иктисодий шароитда таълим тизимининг устуворлиги, унинг амал қилиши ҳамда барқарор ривожланишининг кафолатлари таалуқли қонунларда қайд этилган.

Инсоннинг дастлабки тенг имкониятлар билан ҳамда давлат таълим стандартлари доирасида таълим олиши мумкинлиги, она тилида ўқиш кафолатлари, маълумотлилик ва истеъодони рағбатлантириш, кам таъминланган болалар ҳамда ёшларни ижтимоий қўллаб-куvvatлаш асосида сифатли таълим олиш борасидаги хукуқ ва эркинликларини амалга ошириш таъминланади.

**Иккинчидан.** Ислоҳотлар жараёнида таълим сифатини ошириш, ўсиб келаёттан авлодни ўқитиш ва қасбий тайёрлаш учун меъёрий-хукуқий, ташкилий-бошқарув ҳамда мазмуний шарт-шароитни шакллантириш ва ривожлантириш таъминланади. Бу нарса аҳолини турли таълим мусассасаларида ўқитиш билан имкон қадар кенгроқ қамраб олиш йўли орқали унинг умуттаълим даражасини оширишга таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қонунлари таълим тизимининг ягона ўкув-ишлаб чиқариш мажмуйи сифатида давлат ҳамда нодавлат таълим мусассасалари негизида ривожланиш учун зарур бўлган хукуқий базани яратиб берди.

**Учинчидан.** Кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва ҳажми билан меҳнат бозорида уларга бўлган талаб тузилмаси ва ҳажми ўргасидаги номугтносибликни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда; давлат ва жамият эҳтиёжларини шакллантириш механизmlари, шунингдек, нодавлат тузилмалар, корхоналар ҳамда ташкилотларнинг тайёрланаётган кадрлар сони ва сифатига буюртмаси механизmlари жорий этилмоқда.

Таълим хизматлари бозори ривожланмоқда ҳамда таълим соҳасида рақобат муҳити яратилмоқда.

**Тўртинчидан.** Узлуксиз таълим тизимининг давлат томонидан мажбурий ва етарлича молиялаштирилиши таъминланмоқда. Чунончи, таълимга умумдавлат харажатлари капитал сарфи ҳиссаси 1995 йилдаги 6,1 %дан 2002 йилда 34 %гача ошиди.

Таълим соҳасига молиялаштиришнинг турли манбалари (молиялаштиришнинг кўп вариантли механизмлари — давлат ва нодавлат маблағлари, шу жумладан, чет эл инвестициялари) фаоллик билан жалб этилмоқда.

**Бешинчидан.** Давлат ва жамият кафолати ҳамда назорати асосида, давлат таълим стандартлари негизида таълимнинг барча турлари ҳамда даражаларининг узлуксизлиги ва узвийлиги, таълим сифати ва самарадорлигининг оширилиши таъминланмоқда.

Таълим сифатини мустақил, объектив назорат қилишнинг мавжуд тузилмалари ва механизмлари такомиллаштирилмоқда, янгилали шакллантирилмоқда. Таълим соҳасида жамоат ташкилотларини, шу жумладан, таълим сифатини ижтимоий бошқариш ва назорат қилишни таъминлаш учун режали шакллантириш амалга оширилмоқда. Таълимни ва унинг сифатини бошқаришнинг янги органлари («марказ — минтақа — муассаса», жамоат бошқаруви даражасида) жорий этилмоқда.

Узлуксиз таълимнинг барча турлари учун таълим олувчиларни тайёрлашнинг умумтаълим ва профессионал даражасига қўйиладиган зарур талабларни тартибга солувчи давлат таълим стандартлари ва давлат талаблари, шунингдек, ўқувчиларни ўқитиш ҳамда уларнинг билимлари сифати кўрсаткичлари ва уларни назорат қилиш услуглари жорий этилган ҳамда мунтазам янгилашиб борилади.

**Олтинчидан.** Ҳукуматнинг таълим муассасаларини ўқув, ўқув-услубий адабиётлар билан ўз вактида таъминлаш муаммоларини ҳал этиши, таълимда замонавий ахборот муҳитини шакллантириш бўйича тизимили ва муайян мақсадни кўзловчи фаолияти амалга оширилмоқда.

Замонавий ўқув-услубий мажмуаларни ишлаб чиқариш саноатини (муаллифлар жамоасини шакллантиришдан тортиб, ўз матбаа базасини шакллантиришгача) яратиш тадбирлари амалга оширилмоқда.

**Еттинчидан.** Давлат ва жамият таълимнинг барча турлари учун педагоглар таркибини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малақасини ошириш мазмунини ва бу ишларни ташкил қилишни тубдан янгилашни кафолатлайди.

Таълим тизимининг ахборот базасини ва уни ахборотлаштиришини шакллантиришни таъминловчи чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миљлий модели ҳамда узлуксиз таълим тизими барча элементларининг ўзаро таъсирини (шу жумладан, корхоналар ва фандан қўшимча ресурслар олиш, уларнинг салоҳиятидан фойдаланиш ва бошқаларни) таъминловчи шакл ҳамда услублар, восита ва механизмлар жорий этилмоқда.

КТММга мувофиқ таълим, фан ва ишлаб чиқаришни уйғуњлаштириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Узлуксиз таълимни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини баҳолаш мониторингти тизими жорий этилган.

**Саккизинчидан.** Жаҳон ҳамжамияти билан таълим, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасига, дарсликлар, ўкув-услубий қўлланмаларни нашр этиш ва республика ўкув муассасаларини улар билан таъминлаш, таълим тизимининг моддий-техника базасини яхшилаш жараёнига чет эл инвестицияларни жалб этиш бўйича алоқалар кучаймоқда.

Мамлакат ва чет эл ҳомийларининг ёрдами: молия ва моддий-техника таъминоти, педагогларни тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш, таълим тизимини ахборот билан таъминлаш соҳасида техник кўмаклашиш амалга оширилмоқда.

Узлуксиз таълим миљлий тизими чет эл таълим тизимлари ва халқаро ташкилотлар билан (мутахассисларнинг халқаро сафарлари: тажриба ўрганиш, ўқиш, ахборот ва инсон ресурслари алманиш асосида ва б.) ўзаро фойдали муносабатда бўлиб, бу ҳол мамлакат таълим тизимини ривожлантириш жараёнида ижобий акс этади.

Шундай қилиб, узлуксиз таълим тизимини босқичма-босқич ривожлантириш учун шароит яратишдаги давлат кафолатларини, таълим хизматлари бозорининг ва таълимнинг лозим даражадаги сифатининг давлат томонидан тартибга солинишини, давлат тузулмалари ҳамда жамоат ташкилотларининг ўсиб келаётган авлодни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш учун масъулиятини Ўзбекистон Республикасидаги таълим ислоҳотларининг ўзига хос фарқли хусусияти деб ҳисобламоқ даркор.

Кўплаб халқаро ташкилотлар, чет эл мутахассислари ва экспертилари ушбу хусусият ва фарқни таъкидлайдилар. Масалан, М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг ректори, академик В. А. Садовничий шу муносабат билан: «Биз Ўзбекистонда қилинаётган барча ишлар келажак — ўсиб келаётган авлод фойдасига «ишлиши» лозимлигининг гувохи бўлдик. Эркин фикрловчи, юқори маълумотли ва юксак профессионал ёш авлодни шакллантиришга мамлакат раҳбарияти, шахсан Ўзбекистон Президенти томонидан катта эътибор берилмоқда», — деганди.

Юқорида кўрсатилган қоидаларни тасдиқловчи айрим қонунчилик ва ташкилий-бошқарув жиҳатлар ҳамда механизмларни қайд этиб ўтамиз.

### **ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ДАВЛАТ СИЁСАТИ**

«Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга...»

**Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.**

**41 - м о д д а .** «Таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таракқиёти соҳасида устувор деб эълон қилинади.

Таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий принциплари қўйидагилардан иборат: таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги; таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлиги, умумий ўрта, шунингдек ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги; ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишини: академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқиши танлашнинг ихтиёрийлиги; таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги; давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги; таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув; билимли бўлишни ва истеъодни рағбатлантириш; таълим тизимида давлат ва жамият бошқарувини уйғулаштириш».

**Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни.**

«Давлат таълим сиёсати Ўзбекистоннинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиши асосида ва уларнинг истиқболларини ҳисобга олиб амалга оширилади.

**Бош стратегик мақсад** — эркин демократик жамият, бозор иқтисодиётiga асосланган ҳуқуқий давлат барпо этиш; Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча кишилар учун, миллати, тили ва диний ўтиқодидан қатъий назар, муносиб турмуш шароитини яратиш; қоний ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолатли амалга оширилиши.

Мазкур стратегик мақсад жамият ҳаётининг истисносиз барча соҳаларида бутун бир қатор масалаларни ҳал этишни тақозо қиласи.

**Кадрлар тайёрлаш миллий дастури**

**Таълим сиёсатини ишлаб чиқувчилар.** Таълим тизимини ривожлантириш мақсадлари ва стратегиясини шакллантирувчи давлат тузилмалари ҳамда ижтимоий гурухларга қўйидагилар киради: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамаси, таълим вазирликлари. Таълим жараёнини, тузилмасини, унинг амал қилиш ва ривожланиш қонунларини профессионал ишлаб чиқувчилар. Таълим муассасалари ўқитувчилари, раҳбарлари ва таълимни

бошқариш органлари. Хилма-хил даража ва турдаги таълим муассасалари битирувчиларининг истеъмолчилари. Фан, маданият, санъат арбоблари, жамоат ташкилотлари, жамғармалар вакиллари. Ота-оналар ва ўкувчилар.

**Таълим сиёсатининг ижрочилари.** 1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири раҳбарлигидаги КТМДни амалга ошириш республика комиссияси. 2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси (Парламенти) таълим соҳасида қонун ижодкорлиги фаолиятини ва бу соҳадаги амалдаги қонунчилик мониторингини амалга оширади. 3. Вазирлар Маҳкамаси Йиқтимоий Комплекс (таълим сектори) орқали таълим соҳасидаги ижроия ва бошқарув органлари умумий раҳбарлигини амалга оширади. 4. Таълим вазирликлари давлат таълим сиёсатини бевосита амалга оширадилар. 5. Жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ҳамда таълимни бошқариш бўйича мавжуд тузилмалар. 6. Таълим муассасалари раҳбарлари. 7. Жамоат бошқаруви органлари (васийлик ҳамда кузатув кенгашлари ва бошқалар). 8. Жамоат ташкилотлари, жамғармалар, халқаро ташкилотлар.

**Шарт-шароит хусусиятлари.** Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳаларини эркинлаштириш, жадал ахборотлаштириш, кенг миқёсли интеграция ва глобаллашув жараёнлари узлусиз таълим тизимига сўзсиз таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда таълим муассасалари, педагогларга таълим жараёнини қуриш, уни тегишли мазмун билан тўлдириш шакллари ва технологияларини танлаш борасида кенг ҳуқуқлар берилган.

Таълим хизматлари бозорини ва рақобатлашув қобилиятига эга муҳитни шакллантириш шароитида таълим муассасалари ўз нуфузини ва мақомини ошириш бўйича турли чоралар кўрмоқда. Ўқитувчи ўқув материали мазмунини, мамлакат ва сайёрамиз ҳаётидаги воқеа-ходисаларни ўз дунёқарашига, оламни ҳис этишига, шахсий қадриятларига мувофиқ талқин қилиш ҳуқуқига эга.

Масалан, Интернет тизими бўйича ахборот алмашинувини амалга ошириш мумкин, у орқали ўсиб келаётган авлод онгига таъсир кўрсатиш имконияти тобора кенгаймоқда. Аслида ахборот соҳасида глобаллашув — инсоният учун, жаҳоннинг барча минтақаларидағи кишилар учун мулокот қилиш, фан ва маданият ютуқларини ўзлаштириш имконини берувчи қулай жараёндир. Шу билан бир қаторда, бирон-бир минтақа ёки мамлакатда юзага келадиган ғоялар бутун жаҳонга тез тарқалади. Натижада инсоният муайян давлатлар ва сиёсий кучлар манфаатларига хизмат қилувчи турли ахборот манбалири тазиёкини чуқур ҳис этиб яшайди.

Мустақил фикрга, сабит эътиқодга, қатъий иродага ва дунёқарашга эга бўлмаган киши бундай шароитда баъзида ошкора, баъзида

эса яширин амалга ошириладиган ахборот ва мафкуравий тазиикә дош бера олмайди.

Интеграция ва глобаллашувнинг кенг кўламли жараёнлари жаҳоншумул жараённинг энг муҳим хусусиятларидан бири сифатида эътироф этилар экан, айни маҳалда улар салбий таъсир кўрсатишнинг қудратли воситаси ҳам эканлигини унутмаслик даркор.

Бундай аҳвол таълимнинг юқори сифатини кафолатлашни, Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва дастурининг Шахсни ривожлантириш, комил авлодни шакллантириш бўйича ғоя ва қоидаларини амалга оширишни таъминлашга мувофиқ келадими? Мазкур кафолатларни таъминлаш учун давлат ва жамият томонидан қандай чоралар кўрилмоқда?

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бу борада «таълим сифатини назорат қилиш тизимини шакллантиришни» назарда тутади (КТМД, 4.7-банд), бу тизим:

- таълимни бошқариш органларидан мустақил бўлган таълим сифатини аттестациядан ўтказиш давлат хизматини яратишни;
- мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг истиқбол талабларига жавоб берувчи давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни;
- таълим муассасалари фаолиятини, педагог кадрлар сифатини, шунингдек, таълим олувчиларнинг билимини рейтинг асосида баҳолаш тизимини жорий этишни;
- кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилишнинг давлат ва ижтимоий шаклларини ривожлантиришни;
- abituriyentlarни саралаш ва таълим муассасалари битирувчиларини якуний аттестациядан ўтказишни такомиллаштиришни ўз ичига олади.

Шахс, давлат ва жамият эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган замонавий, изчил ҳамда узлуксиз таълим ва касб-хунар дастурларини, илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш учун шароит (шу жумладан, таълимда стандартлаштириш «институти» орқали ҳам) таъминланмоқда. Таълим ва касб-хунар дастурлари асосан, ҳалқнинг бой интеллектуал, маънавий-ахлоқий меросига, умуминсоний қадриятларга, фан, техника, технология ва маданиятнинг илғор ютуқларига таяниб яратилади.

Таълим муассасалари тармогини худудларнинг географик ва демографик хусусиятларига мувофиқ ҳолда, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ҳисобга олиб ривожлантиришда шахс, жамият ва давлат манфаатлари қондирилиши лозим.

Мактабгача таълим даражасида мактаб ёшигача бўлган болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш учун шароит яратиш, мактабгача таълим муассасаларининг хилма-хил турлари ва оиласијий тарбия учун

вариатив дастурларни танлаш имкониятини таъминлаш, мактабгача таълимнинг болаларни мактабда тизимли ўқитишга самарали тайёрлашнинг барча масалалари бўйича малакали маслаҳат хизматини йўлга кўйиш кўзда тутилган.

Умумий ўрта таълимнинг янги тузилмаси ўқувчиларнинг интеллектуал ва ахлоқий салоҳиятини очишга, жумладан, ўқувчилар қобилиятига ва имкониятига мувофиқ ҳолда ўқитишга табақалаштириб ёндашишни жорий этишга йўналганликни назарда тутади.

Ўқувчиларни касбга йўналтириш ва психологияк-педагогик ташхис марказларининг вужудга келтирилган тармоги қобилиятли болалар ва истеъоддли ёшларни аниқлашга кўмаклашиши, кейинги ўқитиш йўналишини тўғри англаб танлашга ёрдам бериши, ўқувчиларнинг меҳнат ва таълим хизматлари бозорининг мунтазам ўзгариб бораётган эҳтиёжларига мослашишини таъминлаши даркор.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ҳам табақалашув ва шахс салоҳиятини намоён қилиш асосига қурилади. Масалан, академик лицейларда ўқувчиларни улар танлаган йўналиш бўйича «жадал интеллектуал ривожлантириш, чуқур, профессионал ўқитиш», билим даражасини ошириш ва ўқишни давом эттиришга ёки меҳнат фаолиятида ишга солишга йўналтирилган маҳсус профессионал кўнікмаларни шакллантириш имконияти таъминланади. Касб-хунар коллежларида таълим олувчилар фундаментал умумтаълим тайёргарлиги билан бирга, замонавий касб-корни эгаллашади ва умум касбий ҳамда маҳсус фанлар бўйича чуқур назарий билим олишади.

Икки даражали олий таълим (бакалавриат ва магистратура) олий таълим муассасалари мустақиллигини кенгайтиришни, ижтимоий бошқарувни, таълимни индивидуаллаштириш технологиялари ва воситаларини, мустақил таълим олишни, масофадан туриб ўқитиш тизимини жорий этишни, таълимда халқнинг бой маънавий ва интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий қадриялар негизида инсонпарварлик йўналишини таъминлашни назарда тутади.

Жамиятнинг ҳозирги замондаги ривожланишининг характерли хусусияти шундаки, Ўзбекистонда дунёвий фаолиятнинг барча соҳалари ислоҳ қилинмоқда. Айни маҳалда узлуксиз таълимнинг концептуал, мақсадли ва қадрият асослари Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва дастурига мувофиқ қайта кўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистонда таълим тизими оммавийлиги, таълим олищнинг ҳамма учун очиқлиги билан ажralиб туради. Давлат-жамият тизими бўлган таълим шахснинг муттасил ортиб бораётган маданий-таълим ва касбий эҳтиёжларини, жамиятнинг оммавий касблар кадрларига ҳамда иқтисодиёт, фан ва техника, маданиятнинг барча соҳалари учун мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондиришга интилади.

Ислоҳотларгача бўлган давр таълим тизимидағи вазиятнинг мурakkаблиги шу билан боғлиқки, ундаги инқироз табиатан икки ёқдама бўлганди. Биринчидан, у таълимнинг глобал инқирозининг кўринишларидан бирини намоён этганди. Иккинчидан, у бутун жамият ва давлатдаги ўзгаришлар шароитида ва уларнинг кучли таъсири остида содир бўлди. Бошқа томондан, ўтиш даврида ҳамда иқтисодигётни тубдан ислоҳ қилиш даврида таълим тизимига ижтимоий ва иқтисодий буюртмани аниқлаш қийин бўлган эди.

Бундай шароитда мамлакат таълим тизимининг энг яхши анъаналярини сақлаб қолишигина эмас, балки унга зарур сифат, мослашувчаник баҳш этиш ҳам муҳим эди. Ўзбекистоннинг, бир томондан, ҳукуқий, демократик фуқаролик жамияти, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодигёти, очиқ ахборот маконини барпо этишга интилиши, бошқа томондан, жамиятни индивидуаллаштириш таълим тизимида зиддиятни кучайтириб юбордики, бу ҳолат ислоҳотлар зарурлиги билан изоҳланади.

Ўзгариб бораётган жамият шароитида таълим тизими ислоҳ қилиш режимига мажбуран кириб боради, айни маҳалда вариативликда, демократиялашда, ялпи инновацион педагогик ҳаракатда янги хусусиятлар касб этади.

Ҳозир таълим муассасалари КТМД негизида ривожланиш стратегиясини мустақил ишлаб чиқишишмоқда ва уни амалга оширишга интилишмоқда. Бу таълим тизимини меҳнат бозори билан жисп боғлайди. Ҳозирги пайтда таълим сифати ва кадрлар тайёрлаш меҳнат бозорининг асосий маҳсулоти ҳисобланади. Товар қанча сифатли бўлса, баҳоси шунча юқори бўлади. Бинобарин, битирувчини тайёрлаш сифати қанча юқори бўлса, унга меҳнат бозорида талаб шунча катта бўлади. Бу ҳол унга юқори ҳақ тўланаидиган иш топиш ва жамиятда ҳамда аниқ иш жойида тезроқ мослашиш имконини беради.

Жамиядга иқтисодий барқарорлик ва кадрларни тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш йўли билан аҳолининг бандлиги учун шароит яратиш — давлат бандлик сиёсатининг мақсадидир. Ўзбекистонда таълим аввалги ижтимоий-иктисодий тузумдан янги турмуш тарзига, янги турмуш тарзи ва онгини шакллантиришга ўтиш кўпригини ўйнайдики, уларнинг асосий хусусиятлари милий ва умумбашарий қадрияларни, юксак маънавийликни ўзида ўйғунлаштиради.

Таълим тизимини ислоҳ қилишдан кўзланган бош мақсад — уни янада ҳаракатчан, очиқ, фуқароларнинг таълим борасидаги эҳтиёжларини қондиришга қобил, жамият ва ижтимоий-хўжалик мажмуйнинг талаб-эҳтиёжларига дарҳол жавоб бера оладиган, жаҳон касбий ҳамда таълим бозорида самарали иш олиб боришга ва рақобатлашишга қодир соҳага айлантиришdir.

Таълим тизимиning бундай ўзгаришларга муносабат билдириш механизми КТММ ва КТМДда аниқ кўрсатилган, бироқ уни батафсил ишлаб чиқиш лозим. Ўтган йилларда таълимни ва ТМни ривожлантириши режалаштириш иши демографик кўрсаткичларни, ТМ битирувчилари ва ёшларнинг хоҳиш-истаклари ҳамда эҳтиёжларини ҳисобга олмай амалга оширилган, профессионал иш эса кўпинча имконият ҳамда шарт-шароитни билмай туриб, касб-хунар таълимидан ажralган ҳолда олиб борилган (О. Козлова, Я. Радченко, Х. Рашидов).

Шунингдек:

- кадрлар тайёрлаш тизимида туб ўзгаришлар ясаш зарурати билан бу тизимдаги консерватизм ўргасида;
- таълим жараёнини интенсивлаш зарурати билан уни такомиллаштириш усуллари ўргасида;
- ёш мутахассисларнинг БКМлари билан замонавий технологик жараён, иш берувчи, мулкдор ўргасида зиддиятлар мавжуд.

Масалан, шакланаётган ЎМКҲТ тизимига ҳам айрим камчиликлар хосдир. Чунончи, боғловчи ташкилий тузилмалар, рақобатчилик, кичик мутахассислар тайёрлашнинг вариатив шакллари, таълим-касб-хунар дастурлари мазмунида, ўқув режаларида, дастурларида ҳамда тайёрлаш шаклларида зарур узвийлик ва узлуксизлик йўқ. Бу эса, табиийки, ўқувчиларнинг таълим олишга қизиқишилари пасайишига олиб келади, натижада шахснинг ижодий индивидуаллиги ривожланишига ва умуман ЎМКҲТ сифатига салбий таъсир кўрсатади (Х. Рашидов, А. Ҳожибоев).

Бугунги кунда таълим сифатига таълим муассасалари мажмуи, таълимни ташкил қилиш ва унинг мазмуни ривожланиши сифатидагина эмас, балки таълим олувчининг шахсий ривожланиши сифатида ҳам қаралади. Бу, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Конунида ва КТМДда белгиланганидек, эътиборни таълима гуманистик ёндашиш, шахсга ва умуминсоний қадриятларга, инсон хаётига, уни ривожланишта қаратищdir.

Бугунга келиб мамлакатда таълимни шакллантиришда, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига ва халқаро таълим маконига кириб боришини ҳисобга олган ҳолда, таълим мақсадлари мөхиятини ифодаловчи **тўрт тамойилни** ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) инсонпарварлаштириш — таълимни таълим олувчи шахснинг умумий ва касбий ривожланиши ҳамда ўзлигини қарор топтириши жараёни ва натижаси бозор муносабатлари шароитида унинг ижтимоий барқарорлиги ҳамда уни ҳимоялаш воситаси сифатида йўналтириш. Бунда таълим сифати, шахснинг ривожланиш даражаси ишлаб чиқариш, техника ҳамда технологиянинг ривожланиш даражасидан илдам бориши даркор;

2) демократлаштириш — жамият, давлат ҳамда ТМ ўртасидаги барча даражадаги бошқарув ходимлари ва педагоглар, педагоглар ва ўкувчилар ўртасидаги, ўкувчиларнинг ўзлари ўртасидаги муносабатни меъёрга келтириш;

3) илдам борувчи таълим. Агар инсон меҳнат ва таълим хизматлари бозорида ўзининг асосий бойлиги — малакаси билан қатнашиши ҳисобга олинса, у ҳолда таълим яқин вақтлар ичida бутунлай бошқача сифат даражасидаги мутлақо бошқа нарсага айланиши даркор. Илдам борувчи касбий ва шахсий ривожланиш тўғрисида ҳам айтиб ўтиш зарур, бунда таълим жараёнининг мазмуни ва йўлга қўйилиши таълим ва мутахассиснинг ривожланиши сифатига қўйиладиган бугунги талабдан узлуксиз олдинлаб бориши лозим, профессионал тайёргарлик жараёни эса шу талаблардан янада кўпроқ даражада олдинда бориши даркор;

4) таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлиги. Мамлакатда таълимтарбия мажмуалари бугунги кундаёқ яратилган ва ишлаб турибди, уларда мактабгача таълимдан олий ўкув юртидан кейинги таълимгача бўлган таълим-касб-хунар дастурлари рёёбга чиқарилмоқда.

Таълим — бу шахсни ўқитиш ва тарбиялаш, унинг умумий ва профессионал шаклланиши ҳамда ривожланиши жараёни ва натижаси, ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантиришидир. У БКМ ни ўзлаштириш билан бир қаторда эътиқодларни, дунёқарашни, интилишларни, қизиқишлиарни, қобилиятларни, одатларни, иродани, ҳис-туйгуларни шакллантиришни ва ҳоказоларни ўз ичига олади. (Л. В. Голиш, Р. Х. Жўраев, Ш. Қурбонов, Х. Ф. Рашидов, Ю. И. Смирнов, Э. Сейтхалилов, А. Р. Ҳожибоев ва бошқалар).

Яхши натижага эришиш учун таълим жараёнини такомиллаштириш устида иш олиб бориш, бу жараённинг кечишини кириш синовларидан бошлаб таълим муассасалари битирувчиларининг иш жойида мослашишигача бошдан оёқ кузатиш керак.

*Шундай қилиб, таълим мақсадлари шаклланди, уларга эришиш таълим сифатини оширади:*

- фуқароларни — жамиятнинг ишлаб чиқаришни ва ишлаб чиқариш муносабатларини ўзgartиришга, бошқарувда қатнашишга қодир, ўз меҳнати, корхонасининг натижаси учун, табиатни муҳофаза қилиш учун, мамлакат ва жаҳон тақдирни учун фуқаролик масъулияти ҳиссига эга бўлган ижтимоий фаол ижодкор аъзоларини миллий истиқбол гояси негизида тарбиялаш;

- фанлар асосларини, табиат, жамият, инсоннинг ривожланиш қонуниятлари ва жараёнлари тўғрисидаги билимларни, миллий ва умуминсоний тажрибани эгаллашни таъминлайдиган умумтаълим ва умуммаданий тайёргарлик;

- касбий фаолиятни ўзлаштириш, инсон қизиқишлари ва қобиляйтларига мувофиқ малака олиши учун шароит яратиш;
- ишлаб чиқаришнинг кенг умумтаълим ва касбий билим доира-сига, касбий ҳаракатчанликка эга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини қондириш. Агар қўйилган мақсадлар амалга оширилса, ўқувчилар маданий-таълим жиҳатидан кенг ривожланиш, касб-кор ва ихтисосни эгаллаш имкониятига эга бўладилар, бу эса ўқитиш ва касбий кўникмаларни ҳосил қилишда ижодий жараённи ривожлантириш имконини яратади.

Узлуксиз таълимга ўтища анъанавий таълим жараёнларининг мазмуннинг юзаки «қомусийлиги»га, ўқувчилар талаблари ёки жамият эҳтиёжи билан боғлиқ бўлмаган аҳборот ва фактологик материалларнинг кўпилигига йўналтирилганлигини бартараф этиш зарур. Ўқув-тарбия жараёнини инсониятнинг ўтмишдаги тажрибаси намуналаринигина такрорлашдан ўқувчиларнинг воқеликни ўзгартириш усуслари, мустақил ўқиш восита ва методларини, ўқий билиш маҳоратини эгаллашга йўналтириш даркор (В. С. Безрукова, Ю. К. Банский, С. Р. Волкова, Б. С. Тершунский, Р. Х. Жўраев, Л. В. Голиш ва бошқалар).

Хозирги пайтда узлуксиз таълим тизимида зарур таълим сифатининг негизи ва кафолати бўлган Давлат таълим стандартлари ва талаблари жорий этилган. Умумий ўрга таълим негизида интеграцияланган дастурлар жорий этилмоқда, ЎМКҲТ тизимида эса умумтаълим фанлари бўйича уч йил ўқитиш соҳавий интеграцияланган таълим дастурлари негизида олиб борилади. Бу ўқув материалини ўзлаштиришдагина акс этиб қолмай, бўлажак касбни эгаллашга рағбатлантиришини ҳам тажриба кўрсатмоқда. Бу ўқувчиларнинг профессионал жиҳатдан ўзини ўзи белгилашга интилиши, соҳа предметларига қизиқиши, мустақил ўқиш фаолияти самарадорлиги ошишига кўмаклашади, натижада таълим сифатини анча ошириш, касб-хунар ёки ихтисосни танлашда «ҳафсалла пир бўлишини» энг кам даражага туширишга имкон яратади. (В. П. Бесспалько, У. Е. Дуранов, М. В. Кларин, Е. Н. Князев, С. Н. Курдюмов, С. Морозов, А. Я. Найн, М. М. Поташник, Х. Ф. Рашидов, Н. М. Сарко ва бошқалар).

Таълимни бошқаришни демократлаштириш, таълимни минтақавий бошқаришни вужудга келтириш ва ривожлантириш, ТМ фаолияти стратегиясини ишлаб чиқишида, унинг тузилмаси ва мазмунини белгилашда кўпроқ мустақиллик бериш жойларда узлуксиз таълим тизимини шакллантириш хусусиятларидир. Минтақавий бошқарувда таълим сифатига катта аҳамият берилади.

Шахснинг шаклланиши, ундаги сифат ўзгаришлари факат бирон-бир (ўқув, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва ҳ.к.) фаолият жараённица рўй

беради. Бу замонавий психологик таълимотнинг асосий қоидаларидан биридир. Шахс ҳам фаолият шарти, ҳам натижасидир. Шу сабабли лойиҳалаштирилаётган таълим сифатида лойиҳалаштирилаётган фаолият турлари ва мазмуни кўзда тутилиши лозим. Таълим муассасаси жамоасининг психологик-педагогик вазифаси ўқувчилар шахсини бошқарув, шахс, социология ва психология назариялари асосида муайян мақсадни кўзлаб шакллантиришни таъминлайдиган ўқув-билиш фаолиятини лойиҳалаш зарурлигидан иборат (В. П. Бесспалько, А. А. Бодалев). Бунинг учун шахсни ривожлантиришнинг бошланғич даражасини билиш зарур. Доимий кузатиши ва психологик-педагогик тадқиқотларгина шахс шаклланганигини объектив баҳолаши мумкин.

Кўпчилик мутахассислар шахсий ёндашув — индивидуал қобилиятларни ҳисобга олишгина бўлмай, яхлит шахснинг қарор топиши усули ҳамдир, деб ҳисоблайдилар (В. П. Бесспалько, А. А. Бодалев, Р. Розан, П. Т. Фролов, Э. Г. Юдин ва бошқалар). Шунинг учун мутахассис модели, шу жумладан, касб-хунар таълими сифатига куйидаги принциплар: келажакка йўналтирилганлик, таълим ва касб-хунар тайёргарлитини кўшиб олиб бориш; мустақил билим олиш, ўзини ўзи бошқариш қобилиятини ривожлантириш асос қилиб олиниши керак.

Касбий тайёргарлик даражасини башоратлаш, унинг муваффиятли бўлиши мезонларини танлаш шахсий ва касбий фазилатларни шу асосда таркиб топтириш шарти билантина амалга ошади. Потенциал мутахассисларни ўқитишининг бошланғич босқичида — дастлабки назорат пайтида, касб-хунар эгаллагунгача бўлган даврга мўлжалланган махсус тестлар, ривожланиши ва ўқишига ундовчи тестларни яратиш йўли билан касбга йўналтириш мумкин.

Ўкув фаолияти шартларининг асосини шакллантириш тизими ҳам, унинг тўла тўпламини яратиш тизими ҳам шу жараёнга ва прогноз қилинаётган натижага йўналтирилган бўлиши лозим. Бу тизим шакллантирилган асосларга монанд бўлиши даркор. Бундай ҳолатда педагогнинг ва таълим олувчининг дикқат-эътибори ва сайд-харакати ҳар ким учун психик жараёнларнинг, қобилиятларнинг, интеллект ва ижодий фаолликнинг оптималь ривожланишини вужудга келтиришга олиб келади.

Шахснинг ўзини ўзи тўла ва теран рўёбга чиқариши ҳамда унинг шахсий салоҳияти шахснинг ўз ижодий ва ижтимоий фаолигини, мустақиллиги ва масъулиятлилигини, ўзининг билимлилиги ва касбий даражасини оширишга бўлган эҳтиёжини рафбатлантирувчи чоратадбирлар мажмууга боғлиқ бўлиб, улар ўқитиш технологиялари ва сўйсиз, таълим сифатини назорат қилиш технологияларида назарда тутилган бўлиши лозим.

**Кутилаётган натижалар.** Таълим-тарбия жараёнини шахсни ҳам эркин, ҳам масъулиятли қилиб шакллантиришга йўналтириш Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш натижаси бўлиб қолиши лозим. Бошқача айтганда, инсон жамиятимизда ўз қобилиятларини амалга ошира олишини, ранг-баранг маънавий ва моддий эҳтиёжларини қондиришини ҳам, шунингдек, жамият олдида тўла масъуллигини ҳам, унинг қонунларига риоя этиши, ижтимоий барқарорлик ва тараққиётга бутун чоралар билан кўмаклашиши лозимлигини ҳам англаши зарур.


Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, «порташ эффиқти» ёки Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг жамият ривожланишига таъсири қўйидагиларда ифодаланади:

- жамиятдаги ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсири кўрсатиш;
- шахснинг жамиятдаги ўз ўрнини аниқлаш жараёнларини жадаллаштириш;
- жамиятда эркин фикрлайдиган шахсни шакллантириш;
- жамиятнинг потенциал имкониятларини рўёбга чиқариш;
- миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунаштириш, бу ўз навбатида, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга салмоқли ҳисса бўлиб кўшилади;
- Ўзбекистонга халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаш имконини беради;
- тараққиётнинг юксак мақсадларига эришишга йўналтирилган умумхалқ иши бўлган Миллий модел миллий истиқлол гоясининг бир қисми сифатида қаралади.

Шундай қилиб, таълим сифатини бошқариш — мураккаб, кўп функцияли масаладир.

Ушбу масала бир неча даражада (умумдавлат, тармоқлараро, тармоқ, минтақа, таълим муассасаси, шахс даражасида), шунингдек, турли (ташкилий, захиравий, тузилмавий, мазмуний, кадрлар, услубий — 2-расмга қаранг) йўналишларда ҳал этилади (Р. Ш. Аҳлидинов, Ш. Курбонов, Э. Сейтхалилов).

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабарини бажариш ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш сифатини юқори даражага кўтариш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 11 мартағи 109-сонли Қарори билан давлат тест маркази таркибида Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагогик кадрлар ва таълим муассасаларини аттестациялаш бошқармаси ташкил қилинди. Бу билан кадрлар тайёрлаш сифатини, таълим муассасалари фаолияти ҳамда педагог



**2-расм. Таълим сифатининг бошқариш даражалари ва йўналишлари.**

2-расмда пунктир чизик билан ушбу китобда аксарият ҳолларда эътибор қаратилган таълим сифатини бошқариш даража ва йўналишлари белгиланган.

кадрларнинг замонавий талабларга мувофиқлигини назорат қилиш бўйича ишончли механизм таъминланади.

Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда ўз Низомига амал қиласди.

Бошқарманинг ваколати доирасига кирувчи масалалар бўйича қарорларини барча вазирликлар ва идоралар, ижроия ҳокимияти маҳаллий органлари, таълим муассасалари, идоравий бўйсуниши ва мулкчилик шаклидан қатъий назар кадрлар тайёрлаш ҳамда таълим хизмати соҳаси ташкилотлари бажаришга мажбурдирлар.

Бошқарма фаолиятидан кўзланган мақсад ўқитиш мазмуни дарajasи ҳамда сифатининг Давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлигини аниқлаш, ўкувчилар тайёргарлигини жорий ва якуний баҳолашнинг объектив тизими жорий этилишини таъминлаш, узлуксиз таълим тизими ҳамда бўйсуниши ва мулкчилик шаклидан қатъий назар таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркибини, раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказишидир.

*Бошқарманинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:*

- кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, уларнинг таълим ва касбий даражаси давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ бўлишини таъминлаш;
- педагоглар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг, шунингдек узлуксиз таълим тизими раҳбар ходимларининг аттестациясини тайёрлаш ва белгиланган тартибда ўтказиш;
- бўйсуниши ва мулкчилик шаклидан қатъий назар барча турдаги таълим муассасалари аттестациясини ташкил қилиш ва ўтказиш;
- таълим жараёни самарадорлигини ҳамда кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилишни баҳолашнинг объектив тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- профессор-ўқитувчилар таркибини ва таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш талаблари ҳамда мезонларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- таълим муассасалари рейтингини аттестация натижалари асосида аниқлаш;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли органлар ҳамда ижроия ҳокимияти маҳаллий органларининг профессор-ўқитувчилар таркибини ҳамда таълим муассасаларини аттестациялаш, кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;
- Давлат таълим стандартларини, таълим ва профессионал дастурларни экспертиза қилиш ҳамда тасдиқлашта тайёрлаш;
- қобилиятли болалар ва ёшларни аниқлашнинг психологик-педагогик услубларини, маънавий-ахлоқий тарбиянинг, болалар ва ёшлар истеъоддлари ва қобилиятларини аниқлашнинг самарали шакл ва услубларини ишлаб чиқиш;
- кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, таълим муассасаларини аттестациялаш соҳасида ривожланган демократик мамлакатлар билан халқаро ҳамкорликни йўлга қўшиш, кадрлар тайёрлаш тизимига чет эл инвестицияларини жалб этишга кўмаклашиш.

#### *Бошқарма:*

- Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш милий дастури тўғрисида»ги қонунларининг, кадрлар тайёрлаш сифати, профессор-ўқитувчилар таркиби ва таълим муассасалари аттестацияси масалалари бўйича бошқа қонун хужжатлари ҳамда меъёрий ҳужжатларнинг бажарилишини самарали назорат қилишни амалга ошириши;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳар йили профессор-ўқитувчилар таркиби ва таълим муассасаларининг давлат аттестацияси натижалари, кадрлар тайёргарлиги сифати ва савияси тўғрисида таҳдилий ҳисобот тақдим этиши;

■ кадрлар тайёрлашни назорат қилиш тизимининг хукуқий, мөъёрий ва ташкилий асосларини қайта кўриб чиқиш, шунингдек, таълим муассасалари мақомини қайта кўриб чиқиш бўйича киритиладиган таклифларни экспертиза нуқтаи назаридан ишлаб чиқишни уюштириши;

■ кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, таълим муассасалари ва таълим дастурларини аккредитация қилиш соҳасида ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун шароит яратишга кўмаклашиши шарт.

*Бошқарма мақсади ва зиммасига юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни амалга оширади:*

- профессор-ўқитувчилар таркиби ва таълим муассасаларининг давлат аттестациясини ўтказиш тартиби ва жадвалини тузади ҳамда тасдиқлаш учун тақдим этади;

- таълим муассасаларини аккредитация қилиш тўғрисидаги аризаларнинг экспертизасини амалга оширади;

- аттестация натижалари бўйича аниқланган камчиликлар ва қоида бузилишларнинг бартараф этилишини назорат қиласди;

- таълим муассасаларига камчиликларни бартараф қилиш, илгор тажрибани оммалаштириш ва жорий этиш бўйича тадбирларни шакллантирища ташкилий-услубий ёрдам кўрсатади;

- таълим муассасаларини, уларнинг бўйсуниши ва мулкчилик шаклидан қатъий назар очиш (қайта ташкил қилиш ва тутатиш) учун материаллар экспертизасини ўтказади ва хулоса тайёрлайди;

- таълимни бошқариш маҳаллий органларининг таълим муассасаларини ва педагог ходимларни аттестациялаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

- хорижий аккредитация ташкилотлари билан бевосита алоқаларни ўрнатади ва ҳамкорлик қиласди;

- илгор тажрибани ўрганади ва унинг ёйилишига кўмаклашади, қўшма таълим муассасаларини ва турли мулкчилик шаклидаги ташкилотларни, шу жумладан, чет эл инвестицияларини жалб этган ҳолда ташкил қилишда қатнашади.

Шундай қилиб, республикада таълим сифати давлат ва ижтимоий назоратининг амалий тизими шаклланмоқда ва ривожланмоқда. Бу тизим кадрларни юқори даражада тайёрлашни таъминлаш, ўқитувчи-кадрларни таңлашда ҳамда таълим хизматлари бозорини шакллантирища рақобат муҳитини яратиш имконини беради.

## II.2. ТАЪЛИМНИ СТАНДАРТЛАШТИРИШ – ЮҚОРИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ КАФОЛАТИ ВА ШАРТИ

### II.2.1. УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Конуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг босқичма-босқич амалга оширилишига кўра узлуксиз таълим тизимида чинакам ўзгаришларнинг янги истиқболлари очилмоқда. Уларнинг амалга оширилиши — ҳам янгидан юзага келган, ҳам ўтмишдан мерос бўлиб қолган муаммоларнинг ҳал этилишини талаб қилувчи мураккаб ва кўп томонлама жараён. Таълим собиқ тизими маъмурий-буйруқбозлиқ тизимидан табақалаштирилган ва демократик тизимга айланниб бормоқда.

Амалга оширилаётган ўзгаришлар жараёнида, аниқ ифодаланган ижобий ҳодисалар билан бирга салбийлари ҳам кўзга ташланмоқда. Салбий ҳодисаларга қуйидагилар киради:

- бир қатор таълим муассасалари томонидан ўқитиладиган айрим муҳим фанлар, шу жумладан, ривожланган мамлакатларда таълимнинг ўзагини, унинг асосини ташкил қилувчи фанлар бўлмаган ёки жиддий қисқарган ўкув дастурларининг қабул қилиниши;
- эрта ихтинослаштириш ва унга хос бўлган салбий оқибатларнинг бутун мажмуи;
- ўкув вазифасининг йўл кўйилиши мумкин бўлган энг кўп меъеридан (кўпинча анча) ошириш;
- сифати оддий талабларга мувофиқ келмайдиган дастурларни яратиш ва улардан фойдаланиш;
- ўкувчилар ютуқларини баҳолаш тизимини, унга муқобил тизимни яратмай ва жорий этмай туриб, бузиш;
- тўлақоноли таълим учун зарур бўлган бир қатор мажбурий фанларни (ёки уларнинг бўлимларини) ўқитишнинг қўшимча ҳақ тўланадиган таълим хизматлари соҳасига киритиш;
- ўз мазмуни, тили ва жанрига кўра педагогик функцияларни бажаришга қодир бўлмаган ўкув дарслклари ва қўлланмаларининг юзага келиши ва ҳоказолар.

Юқорида баён этилганлардан таълим сифатини пасайтириш ва миллий таълим тизими биқиқлигининг оддини олиш, уни ривожланган давлатлар тажрибаси ҳамда миллий таълим тизимини ҳисобга олган ҳолда давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш йўли билан ривожлантириш учун қулай шароит яратиш зарурлиги аён бўлади.

Сўнгти йилларда жаҳондаги кўпілаб мамлакатлар таълим тизимиға миллий таълим стандартларини яратиш тенденцияси хос бўлиб бормоқда. Қатор мамлакатларда «Таълим стандарти» номи билан аталувчи ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Уларнинг таҳлили стандартлар, уларга ёндашув мъалум дараҷада умумий бўлгани ҳолда, таълим амалиётига турли сабаблар туфайли ва турли мақсадлар билан киритиллаётгани, ҳужжатларнинг ўзи эса шакли ва мазмунига кўра бир-бидан анча фарқланишини кўрсатмоқда. Баъзи мамлакатларда стандарт деб таълим мақсадлари ва вазифаларининг кенгайтирилган таърифи қабул қилинса, бошқа мамлакатларда ўқувда эришилган ютуқларни текшириш ва баҳолаш тизими, шунингдек, ўқувчиларнинг шахсий фазилатлари диагностикаси қабул қилинади. Фарбий Европа мамлакатлари мутахассислари томонидан битирувчиларни тайёрлаш ягона малака мезонлари лойиҳаси ишлаб чиқилган. Бироқ, бу мамлакатларнинг ўқув жараёнини ташкил қилиш анъаналари мамлакатимиз таълим анъаналаридан жиддий фарқ қиласадики, бизда ўнлаб йиллар давомида мамлакатдаги барча таълим муассасалари учун умумий бўлган ўқув режалари, дастурлари ва дарсликлар таълим стандарти ролини бажариб келган. Таълим стандартлари Ўзбекистонда юзага келган воқеликни ҳамда миллий анъаналарни ҳисобга олиб яратилиши лозим.

Таълим жараёнини тартибга солиш ва исталган натижага — таълим сифатига эришиш учун уни давлат характерига ва ҳалқаро характерга эга ҳужжатлар билан тартибга солиш зарурлиги давлат таълим стандартларини жорий этиш учун жуда долзарбдир. Бундай ҳужжатлarda белгиланган нормалар ва талаблар таълим жараёнининг вазирликлар ва идоралар (ҳамда уларнинг жойлардаги органлари)дан тортиб то таълим муассасалари маъмурияти, педагоглар, ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналаргача барча иштирокчилари томонидан сўзсиз бажарилиши шарт бўлади.

Ўзбекистонда бу дараҷада кенг соҳада кўлланиладиган шундай ҳужжатлар сирасига Конституция ва қонунлар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ти Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» киради. Айни маҳалда мазкур ҳужжатлар таълим тизимида ва жараённида юзага келадиган умумий қоидалар ва муносабатларнигина тартибга солади.

Меърий ҳужжатларда белгилаб берилган талабларни амалга ошириш ва бунда таълим жараёнининг барча иштирокчилари манфаатларига риоя қилиш учун давлат **таълим стандартлари ишлаб чиқида**ни **ва жорий этилади**.

## Меъёрий хужжатлар тизимида стандарт

Таълим тизимининг амал қилиши доимо тегишли меъёрий хужжатлар билан тартибга солинади, бугунги кунда давлат таълим стандарти шундай хужжатлардан бири бўлиб қолмоқда.

Стандарт тушунчаси (инглизча *standard*дан) меъёр, намуна, ўлчов маъноларини билдиради. Стандартларнинг асосий вазифаси кишиларнинг муносабатлари ва жамият эҳтиёжларини қондирувчи муайян хусусиятларга эга бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган фаолиятини ташкил қилиш ҳамда тартибга солишдан иборат.

Стандартлаштириш (стандартларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш) амалиётни тартибга солиш, уни жамиятнинг тарихан ўзгариб бораётган эҳтиёжларига мувофиқ тизимлаштириш бўйича объектив тижҳатдан зарур фаолиятдир.

Таълим стандарти леганда давлат маълумотлилик меъёри ва истиқбол ижтимоий мақсадларини акс эттирадиган ҳамда реал шахс ва таълим тизимининг ушбу мақсадларга эришиш бўйича имкониятларини ҳисобга оладиган малака даражаси сифатида қабул қилинадиган асосий кўрсаттичлар тизими тушунилади.

Таълимни стандартлаштириш турли мамлакатларда ўқув режалири ва дастурларини ишлаб чиқиш, таълим ва малака бўйича муайян даражани белгилаш ва бошқалар воситасида амалга оширилган. Бироқ «стандарт» атамасининг ўзи таълимга нисбатан яқиндан бошлаб ишлатилмоқда. Мамлакатимизда таълимни стандартлаштиришига 1993 йилдан бошлаб киришилди (1992 йил қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 августдаги 406-сонли Қарори асосий хужжатлар бўлиб хизмат қилди).

Мазкур хужжатлар негизида Давлат таълим стандартлари тўғрисида Низом, ДТСни жорий этиш тартиби ишлаб чиқилиб, жорий этилди, ДТС объектлари, функциялари ва таркиби аниқланди, айрим таълим босқичлари битиравчиларига қўйиладиган талаблар ўрнатилди.

Айни маҳалда ДТСни ишлаб чиқиш ва жорий этишда қатор назарий, услубий, айниқса ташкилий камчиликларга йўл қўйилди. Шундай бўлса-да, ушбу иш фойдали ва зарур бўлиб чиққанини тан олиш керак. У, моҳиятан, таълимда стандартлаштириш ҳамда ДТСни амалиётга киритиш пойdevорини яратди.

Хозирги вақтда таълим тизимини тубдан таркибий ислоҳ қилиш ҳамда таълим мазмунини ва унинг турларини бошдан-оёқ қайта кўриб

чиқишда ДТСни такомиллаштириш ва жорий этиш тартибини қайта кўриб чиқиш керак.

ДТС Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ ҳамда таълим мазмунига қўйиладиган қонуннинг тегишли моддаларида, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» қоидаларида баён этилган умумий талаблар асосида ишлаб чиқилади.

ДТС «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг муайян қисми шарҳланган асосий меъёрий хужжатdir. У таълимнинг мазмуни, тузилмаси, ва даъво даражаси сингари характеристикаларини ривожлантиради ва конкретлаштиради, таълим натижаларини ўлчаш ва талқин қилиш услублари ҳамда шаклларини кўрсатади, бошқа меъёрий хужжатларни (ўкув режалари, ўкув юртларини аккредитациялаш, кадрларни аттестациялаш қоидаларини ва бошқаларни) яратиш учун асос бўлади.

ДТС воситасида талаб қилинган таълим даражаси ва сифати барқарорлиги таъминланади, уни мунтазам тиклаб бориш ва жамият ривожланиши истиқболларига жавоб берадиган даражада такомиллаштириш амалга оширилади.

Айни маҳалда ДТСни жорий этиш таълим жараёнини ўзгармас андазага бўйсундиришни билдиrmайди, аксинча, педагогик ижодиёт, мазмуннинг асосий мағзи атрофига вариатив дастурларни, ўқитишининг ранг-баранг технологияларини яратиш учун кенг имкониятлар яратади.

Таълим стандартининг демократиклиги даражаси бу тизимнинг муҳим кўрсаткичиидир. Бу даража, энг аввало, ҳокимият органлари томонидан марказлаштирилган ҳолда меъёrlастириладиган таълим билан таълим муассасалари томонидан мустақил белгиланадиган таълимнинг нисбатига кўра тавсифланади.

Шундай қилиб, давлат таълим стандартлари ўқитилаётганлар ва битирувчилар тайёргарлигининг минимал даражада зарур ва етарли бўлган даражасини; ўкув юкиннинг максимал ҳажмини; таълим мазмунига қўйиладиган талабларни ва бу талабларни кўйиш усувларини; таълим муассасалари фаолиятини ва тайёрлаш сифатини баҳолаш тартиби ва механизmlарини; стандартлар талабларини бажармайдиган шахслар ва муассасаларга нисбатан кўриладиган чораларни ва ҳоказоларни белгилаб беради.

Стандартларга кўйиладиган асосий талаблар қўйидагилардан иборат:

1. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжларини ва халқаро тажрибани таҳлил қилиш асосида таълим жараёнидан манфаатдор барча томонлар имкониятларини ҳисобга олиш.

2. Стандарт, энг аввало, пировард натижани меъёрлашга йўналтирилган бўлиши лозим.

3. Стандартларнинг таълим турлари ва босқичлари, соҳалари бўйича мувофиқлаштирилганлигига ҳамда узвийлигига риоя этилиши даркор.

4. Стандарт мазмуни ва тузилмаси функционал жиҳатдан шахси ривожлантириш нуқтаи назаридан тўлиқ бўлиши керак. Гап таълимнинг умуман ва ҳар бир турида унинг ўзига хослигига мувофиқ тўлақонли бўлиши тўғрисида бормоқда.

5. Стандартда мазмун бирликлари тавсифи уларнинг таълим мақсадлари нуқтаи назаридан яхлитлигини, тизимлилигини ва тўлиқлигини сақлаб қолиш имконини берувчи етарлилик даражасига қадар мақбулаштирилган бўлиши лозим.

6. Стандарт ўз тузилмаси ва мазмуни билан давлат, минтақа ва таълим тизими манфаатлари ҳамда ваколатларини акс эттириши лозим, улар, ўз навбатида, шахс устуворлиги, унинг майллари, қобилияти ва қизиқишлидан келиб чиқади.

7. Стандарт ўз мазмуни билан ўкув юкини меъёрга келтиришга кўмаклашиши зарур.

8. Стандартнинг мазмуни фойдаланувчиларнинг турли тоифасига йўналтирилган бўлиши керак.

9. Стандарт технологик бўлиши, инструментал текшириш имкониятларига мўлжалланган бўлиши даркор.

10. Тажриба текширувидан ўтган меъёрларгина стандартга киритилиши мумкин.

Ҳар бир объектга мўлжалланган стандартни ишлаб чиқиш учун унинг ҳозирги ҳолатини ривожланиши истиқболларини ҳисобга олган ҳолда тавсифловчи материални олдиндан тўплаш талаб этилади. Бу материал таҳлил қилиниши ва унинг асосида таълим стандартидан иборат бўлиши мумкин бўлган мезонлар белгиланиши керак.

Стандартлаштириш бўйича ишга киришилар экан:

- таълим ривожланишининг муайян босқичида ушбу таълим стандартининг зарурлигини;

- жамиятнинг ушбу таълим стандартига эҳтиёжини;

- таълим тизими ва жамиятнинг ушбу таълим стандартини жорий этишга тайёрлигини;

- таълимни ривожланитириш прогнозидан келиб чиқиб, ушбу таълим стандартини ривожланитириш истиқболли эканлигини аниқлаш лозим.

Шундай таҳлил асосида таълим тизими ва умуман, жамиятнинг мазкур таълим стандартини жорий этиш ва унга риоя қилишга тайёрлиги тўғрисида хулоса чиқарилади ҳамда стандартни яна кўриб

чиқиш ва тасдиқлаш учун жуда муҳим ҳужжат бўлган «Стандарт бўйича топшириқ» ишлаб чиқилади.

Стандартларнинг барча тоифаларини ташкилий-услубий жиҳатдан бир хилда ишлаб чиқишига эришиш, шунингдек, таълимни стандартлаштириш бўйича ишларнинг бажарилишини таҳдил этиш ва назорат қилиш учун таълим стандартларини ишлаб чиқишининг кўйидаги тартиби ёки босқичларини белгилаш зарур:

1-босқич — стандартни ишлаб чиқиши ташкил қилиш ва топшириқни тузиш;

2-босқич — стандарт лойиҳасини (биринчи таҳририни) ишлаб чиқиш ва уни мuloҳазалар учун тарқатиш;

3-босқич — мuloҳазаларни ўрганиб чиқиш, стандарт лойиҳасини ишлаб чиқиш;

4-босқич — стандарт лойиҳасини тайёрлаш, у бўйича келишиш ва уни тасдиқлашга тақдим этиш;

5-босқич — стандарт лойиҳасини кўриб чиқиш, уни тасдиқлаш ва рўйхатга олиш;

6-босқич — стандартни нашр этиш ва уни амалиётга жорий қилиш.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунида давлат ҳокимияти органлари томонидан минимал зарур маълумотлилик даражасигина меъёrlаштирилиши назарда тутилган. Ушбу меъёрдан ортиқ таълим мазмунини белгилаш эса таълим муассасалари ваколатига киради.

Стандартнинг давлат компоненти риоя этилиши Ўзбекистон педагогик маконининг бирлигини, шунингдек, шахснинг жаҳон маданияти тизимига қўшилишини таъминлайдиган меъёrlарни белгилаб беради.

Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятлар учун умумий таълим босқичлари бўйича стандартнинг миллий-минтақавий компоненти она тили ва адабиёт, тарих, география, санъат, меҳнат тайёргарлиги ва бошқа соҳалардаги ушбу минтақа ва унинг таълим муассасалари ваколатига кирувчи меъёrlарни белгилайди.

Бундан ташқари стандартларда таълим мазмунининг алоҳида таълим муассасасининг ўзига хослигини ва йўналганинг акс эттирувчи компоненти ҳажми ва меъёrlари ўрнатилади.

Таълим стандартлари мазмунининг таъсир соҳаси ва тасдиқлаши даражасига боғлиқ равишда тоифалар ва турларга бўлинади.

**Стандартлар турлари** — ўзib борувчи ва стандартлаштириш мажмуаси.

Таълимни ўзib борувчи стандартлаштириш объектга амал қилиб турганларига нисбатан оширилган меъёrlар, қоидалар, талаблар белгилашдан иборат бўладики, улар таълимнинг ривожланиш прогноз-

ларига мувофиқ кейинги даврда мақбул бўлади. Ушбу ҳолатда асосий таълим жараёнларининг ривожланишини рағбатлантириш мақсадида ўзид борувчи стандартларни жорий этишнинг табақалаштирилган муддатлари назарда туғилган бўлиши мумкин.

**Таълимни мажмуавий стандартлаштириш** манбаатдор ташкилотларнинг талабларини энг тўлиқ ва мақбул тарзда қондиришни, стандартлаштириш обьектлари тавсифига кирувчи ўзаро боғлик компонентлар кўрсаткичларини мувофиқлаштиришни ҳамда стандартларни амалга киритиш муддатларини келиширишни таъминлайди.

**Стандартлаштириш тизимида таълим сифати** — бу алоҳида фуқаро ва умуман жамият таълим жараёнида эришган, Давлат таълим стандарти доирасида аниқланадиган ютуқлари даражаси. Сифатни бошқариш — таълим хизматларининг иқтисодий самарасини кўтариш имконини берадиган, истеъмолчи талабларига жавоб бера оладиган хусусиятта эга бўлган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

**Таълим хизмати** — таълим соҳасидаги таълим мақсадларига мувофиқ фойдали самара (натижа) олишга йўналтирилган, мақсадга мувофиқ муайян фаолият.

**Таълим хизмати:**

- хизмат кўрсатувчи ва унинг истеъмолчисининг бевосита ўзаро муносабати билан;
- натижаси, хизмат кўрсатиш туталлангач, сертификат тарзида ифодаланиши мумкин бўлган хизматнинг ноашёвий характеристи билан;
- хизмат кўрсатиш ва уни истеъмол қилишнинг вақтига кўра қисман бир-бирига тўғри келиши билан;
- ўкув жараёнининг ташкил қилинишидан қатъий назар таълимнинг индивидуал йўналганлиги билан тавсифланади.

ДТСни ишлаб чиқиш асосида ётувчи *асосий принциплар қаторида* куйидагиларни қайд этиш мумкин:

1. Ижтимоий-маданий муҳит ҳолатини таҳлил қилиш; манбаатдор тарафлар эҳтиёжлари ҳамда имкониятларини ҳисобга олиш ва келишув асосида стандартни қабул қилиш.

2. Таълим мақсадлари нуқтаи назаридан яхлитликни, тизимлийликни ва функционал тўлиқликни сақлаб қолган ҳолда стандартлаштириш обьектларининг (таълим мазмуни бирликларининг ва бошқаларнинг) мураккаблигини энг кам даражага келтириш.

3. Стандартларнинг таълим босқичлари ва соҳалари бўйича мувофиқлаштирилганлиги ва узвийлиги.

4. Стандартнинг эгилувчанлиги, уни такомиллаштириш мумкинлиги.

5. Юксак технологик инструментал текшириш имкони мавжудлиги.

Ушбу принципларнинг жамулжам ҳолда ифодаланиши стандарт таълимни унинг сифатини ва самарадорлигини оширишга мўлжалланганидек, демократлаштиришнинг қурдатли воситасига айланишига имкон беради.

Таълим стандартининг амалиётта жорий этилиши:

- амалиётнинг ёш авлодни тайёрлашга бўлган талабини (ҳозирги шароитда ва истиқболда ижтимоий муносабатлар ривожланишига мувофиқ ёшларни тайёрлаш даражаси ва сифатига жамиятнинг ижтимоий буюртмаси);

- ёш авлоднинг уларга жамият томонидан қўйилаёттан талабларни идрок этишга тайёрлиги бўйича ижтимоий буюртмани тўғрилаш ва уни таълимнинг янги сифатида рўёбга чиқариш имконини яратувчи даражани;

- таҳлил қилиниши кейинчалик таълим мазмунининг ўқитиш босқичлари бўйича узвийлиги принципини амалга оширишда кўмаклашадиган мавжуд таълим мазмунини, унинг ҳажмини, миқдорий характеристикаларини оддиндан таҳлил қилишни назарда тулади.

Таълим сифатини стандартлаштириш масаласини кўриб чиқишида унинг сифат жиҳатдан янгиланиши бошланғич нуқта ҳисобланади.

Таълимнинг турли даражалилиги ва вариативлиги, очиқлиги ва муқобилилиги унинг янги сифатининг туб фарқи бўлиши даркор. Бу сифатлар ўқитишни табақалаштириш эҳтиёжидан келиб чиқадики, у узлуксиз таълим тизимини қайта қуришнинг асосий йўналиши бўлиб қолиши керак.

Таълимни табақалаштириш деганда шундай тизим тушунилади-ки, унда кўп аҳамиятли бўлган ва муттасил ўзгариб турадиган ҳаёт шароитида мослашиш имконини таъминлайдиган муайян даражада энг кам билимга эга бўлган ҳар бир ўқувчи таълимнинг ўз мойилликларига кўпроқ даражада жавоб берадиган йўналишларига устун даражада эътибор қаратиш ҳуқуқига ва кафолатли имкониятига эга бўлади. Табақалаштириш ўқитиш тизимининг барча таркибий қисмларига тааллуқли бўлиши ҳамда таълимнинг барча босқичларида намоён бўлиши лозим.

Табақалаштиришнинг икки асосий:

- ўқувчиларнинг мажбурий билимни турли даражада ўзлаштиришини тақозо этувчи *даражавий*;

- таълим мазмунига турли (табиий-математик, гуманитар ва бошқа) йўналишлар бўйича қўшилган, (ўқувчиларнинг мажбурий предметларга қўшимча равишда танлаб ўрганиш имкониятини белгилов-

чи) ўқув предметлари номенклатураси билан фарқланадиган соҳа-*вий* тури ажратилади.

Таълим мазмуни ДТСни аниқлаш учун ўқув жараёнида таълим сифатини рўёбга чиқаришда асосий ҳужжатлар бўлган ўқув режала-ри, дастурлари, дарслекларини стандартлаштириш иши бажарилиши лозим.

ДТСни илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқиш ва самарали жо-рий этиш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

1. Халқаро тажрибани, техника, технологияларнинг, фан, таъ-лимнинг ривожланганлик даражасини таҳтил қилиш.

2. Республика таълим тизимининг ДТСни қониктириш ва таъ-минлаш имкониятларини баҳолаш.

3. Узлуксиз таълим тизимининг барча босқичлари бўйича ўқити-лаётгандарнинг тайёргарлик даражасини танлаб таҳтил қилиш ва баҳолаш.

4. 1—3-бандлар билан параллел равишда таълимни стандартлаштиришнинг методологик, назарий ва ташкилий-услубий асосларини (мақсад, вазифалар, функциялар, обьектлар, компонентлар, баҳо-лаш тартиботи, тақдим қилиш механизmlарини ва ҳ. к.) ўрганиш, ДТСни ишлаб чиқишининг мавжуд йўлларини такомиллаштириш, ДТС тўғрисида Низомни яратиш ва бошқалар.

1—4-бандлар асосида қуйидагилар ишлаб чиқилади:

- ўқитилаётгандар (босқичлар бўйича ва битирувчилар)нинг би-лим ва малака даражасига қўйиладиган талаблар;
- таълим жараёнини захиралар (моддий-техника, кадрлар, мо-лия, ахборот) билан ўқув-услубий, дидактик таъминлашга қўйила-диган талаблар;
- таълим мазмунига ва дастурни тақдим қилишга қўйиладиган талаблар;
- таълим муассасаларининг тайёргарлик даражасини, тайёрлаш сифатини, фаолиятини баҳолаш мезонлари ва тартиби (механизм-лари);
- ДТСни бажармаётган шахслар ва муассасаларга нисбатан кўри-ладиган чоралар ва бунинг оқибатлари;
- ДТСни жорий этиш, қайта кўриб чиқиш ва қайта ишлаш ме-ханизмлари (муддатлари, шартлари ва ҳ. к.).

Давлат таълим стандартининг *асосий функциялари*:

- таълимдан баҳраманд бўлиш ва унинг умумийлигини таъмин-лаш;
- республикада таълим мазмуни жаҳон даражасига мувофиқ ке-лишини таъминлаш;

- таълим жараёнини турли даражаларда ҳамда турли жиҳатлардан назорат қилиш ва бошқариш;
- давлат-ижтимоий бошқаруви;
- таълимни инсонпарварлаштириш;
- таълим сифатини ошириш.

Таълимда *стандартлаштиришинг асосий обьектлари*: унинг тузилмаси ва мазмуни, ўқитиши воситалари ҳамда захиралари, ўқувчиларни тайёрлаш даражаси. Стандарт томонидан белгиланган меъёрлар ва талаблар таълимнинг асосий жиҳатлари сифатини баҳолашда намуна қилиб олинади.

Кўп марта қўлланилиши мумкин бўлган талаблар, меъёрлар, қоидалар, услублар, атамалар ва ҳ. қ. ҳам стандартлаштириш обьекти бўлиши мумкин.

Хозирги шароитда, стандартлаштириш жараёни қарор топаётган даврда қўйидагилар биринчи навбатдаги обьектлар сифатида олга сурилиши мумкин:

- таълим хизматлари;
- таълим мазмуни;
- ўқувчилар эришган ютуқлар диагностикаси;
- таълим муассасаларини аккредитациялаш, аттестациялаш;
- педагог кадрларни аттестациялаш;
- илмий тадқиқотлар ва уларнинг натижаларини таълим амалиётига жорий этиш.

Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишни бир хиллаштириш, уларни тасдиқлаш ва таълим жараёнига жорий этиш тартиби ни белгилаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (1998 йил 5 январда 5-сонли) маҳсус қарор қабул қилган бўлиб, унда «Давлат таълим стандартлари тўғрисида Низом» тасдиқланган.

*Таълим муассасаси битирувчисининг малака тавсифномаси — Давлат таълим стандартининг муҳим таркибий қисми.*

Ўзбекистон Республикасида кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизимини яратиш ҳамда ривожлантириш стратегиясида жамият ва давлатнинг рақобатбардош малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжи ни қондириш назарда тутилади. Мазкур стратегия тизимли-таркибий ёндашув асосига курилади ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг курилишига ва самарали амал қилишига кўмаклашувчи асосий тамойиллар, бош йўналишлар ва шартлар воситасида амалга оширилади.

Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш доирасида меъёрий-хукукий ва илмий-услубий характердаги бир қатор муаммолар ҳал этилмай қолмоқда.

Кун тартибидаги турган мұхым масала — *битириувчининг малака тавсифи*: унинг мазмунни (яни битириувчи қандай ҳажмдаги билим, маҳорат ва қўникмага эга бўлиши кераклиги), Давлат таълим стандарти тузилмасидаги вазифаси, ўрни ва функцияси, ишлаб чиқиш хусусиятлари ва ҳ.к. шулар жумласидан. Китобда кўриб чиқилаётган масалага ёндашувларнинг айримларинигина ёритишга ҳаракат қилинади.

Фикримизча, малака тавсифи (МТ) узлуксиз таълим тизимидағи ҳар қандай таълим муассасаси битириувчисининг маълумотлилик, профессионализм, малака даражаси тўғрисидаги ижтимоий таркиб топган тасаввурларга мос келувчи зарур асосий сифатлари ҳамда кўрсаткичларининг тавсифини, эришилган сифатларни ижтимоий-профессионал фаолиятнинг ушбу йўналишини истиқбол ривожлантириш масалаларига қаратган ҳолда ўз ичига олиши даркор.

Бунда МТга кирувчи кўрсаткичлар ва сифатлар рўйхати минимум даражага келтирилиши лозим. Битириувчининг унга тегишли малака бериш учун етарли бўлган кўрсаткичлари ва сифатларининг бундай йигиндиси *мутахассис тайёрлашнинг пировард мақсадидир*. Тайёрлашнинг пировард мақсадлари мажмуи эса:

1. Таълимнинг кўплаб оралиқ мақсадларини ишлаб чиқиши ва улар орқали кадрлар тайёрлаш мазмунини (таълимий-касбий дастурларни) ҳамда умуман жараённи бошқариш усусларини мақбуллаштириш.

2. Ўқитиши сабабини ва унинг муваффақиятли бўлишини диагностика қилишни таъминлаш — таълим олувчи тайёрлаш мақсадидини, унинг ютуқлари мезонларини ва диагностика қилиш воситаларини билиши лозим.

3. Ҳар бир ўқитувчи ўқитилаётган ўқув фанининг роли ва мақсадини, машғулотларни ўтказишнинг тегишли услубий ва ташкилий ёндашувларини билиши учун маълумотлар базасини шакллантириш.

4. Ўқитувчи, кафедралар ва умуман таълим муассасаси фаолиятини баҳолашнинг объектив методикасини яратиш.

5. Тегишли соҳа ва малакага эга мутахассисларга истиқболдаги талабни аниқлаш методикасини ишлаб чиқиш учун асос бўлиши лозим.

Мутахассислар тайёрлашнинг пировард мақсади мажмуидан катта қисми диагностика қилиниши лозимлиги мутлақо аён. Муайян битириувчи томонидан эришилган пировард мақсадлар даражасини объектив баҳолаш имконияти умуман олганда тайёрлаш жараёнини бошқариш негизини, ушбу жараённинг самарадорлигини баҳолашни ташкил қиласи. Бундан ташқари, у таълим муассасаларини аттестациялаш ва аккредитациялашга асос бўлиши лозим.

Тайёрлашнинг пировард мақсадлари битирувчининг фақат бу-гунги профессионал ва ижтимоий вазифаларни ҳал этишга умумий тайёрлигини шунчаки қайд этиши эмас, балки уни фаолиятнинг ушбу соҳасидаги истиқбол муаммоларга йўналтириши ҳам лозим.

Юксак умумий ва касбий маданиятта эга, ижтимоий ҳамда кас-бий жиҳатдан фаол ва ҳаракатчан шахсни назарда тутувчи Кадрлар тайёрлаш миллий дастури МТ замонавий талабларига мажмуавий равишда жавоб бера оладиган мутахассис тайёрлашда ижодий иш олиб боришга йўналтиради.

*Тайёрлашининг энг умумий, энг барқарор мақсадларини қамраб олув-чи МТнинг асосий таркиби — малака тавсифининг давлат компонен-тидир.*

МТнинг ушбу қисми ижтимоий буюртма, меҳнат бозорида мута-хассисларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб тузилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Давлат таълим стандартлари доирасида тасдиқданиши даркор.

МТ давлат компонентида қайд этилган мутахассис сифати — унга давлат намунасидаги дипломни топшириш, малака бериш имкониятини белгиловчи мажбурий шартдир. Бу тегишли равишда таълим муассасасида унинг идоравий бўйсуниши ва мулкчилик шаклидан қатъий назар мутахассис тайёрлаш мақсадлари, мезонлари ва шарт-ларига мажбурий талабларни қўяди.

*МТнинг мутахассисининг асосий сифатларига қўшимча бўлган, минтақага, олий таълим муассасасига, мутахассисларнинг аниқ буюртмачисига хос бўлган сифатларни ўз ичига олувчи таркибий қис-мининг аҳамияти кам эмас.* Ушбу тайёрлаш мақсадлари, қоидага кўра ҳаракатчан, мослашувчан бўлади, меҳнат бозори эҳтиёjlарига му-воғиқ етарлича тез ўзгариб туради. Олий ўқув юрти учун МТ тарки-бий қисмини илмий кенгаш тавсияси ва мутахассисларнинг аниқ буюртмачиси билан келишув бўйича олий таълим муассасасининг ректори тасдиқлайди.

МТни ишлаб чиқиши бўйича қўйилган вазифаларга жавоб берув-чи энг мақбул методологик ёндашув *тизими-фаолиятли ёндашув-дир*. У муайян соҳа мутахассисларни тайёрлаш бўйича мажмуавий пировард мақсадларнинг ҳисобга олинини таъминлайди. Муай-ян соҳа мутахассисини тайёрлаш бўйича мажмуавий пировард мақ-сад унинг бўлажак мутахассис томонидан у таълим муассасасини битирган пайтга МТда белгиланадиган даражада ўзлаштирилиши лозим бўлган фаолиятининг яхлит тизими сифатида шакланади. Бошқача айтганда, МТ мутахассисга ўз профессионал мажбуриятла-рини бажариш учун зарур бўлган кўрсаткичлар ва тавсифларни ўз ичига олиши керак. Шундай қилиб, *муайян соҳа бўйича мутахассис-*

*ни тайёрлаш ва ундан фойдаланишинг бундай яхлит тизимини асосланган ҳолда қуриш МТни вужудга келтиришининг бош вазифасидир. Айни шу нарса Давлат таълим станцентрининг асосий компонентларидан бири бўлган, олий таълим муассасаси билан ишлаб чиқариш (буюртмачи) ўртасида ўзига хос boglovchi bўtingha айланадиган МТда акс этиши лозим.*

Тайёрлашнинг пировард мақсадларини ишлаб чиқищдаги (тузишда, тавсифлашдаги) тизимли-фаолиятли ёндашувда диагностика масалаларини ҳал этишда мутахассиснинг профессионал иш олиб боришининг негизини ташкил этувчи ўзлаштириш ҳамда тақдим этиш назарда тутилади. Бунда мутахассиснинг моҳиятан тизимли бўлган профессионал фаолиятининг пировард мақсадларда белгиланган модели ўқитиладиган ранг-баранг фанлар ва курсларни бир бутун қилиб бирлаштирадики, айни шу нарса уларнинг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши сабабларини ҳамда тайёрлашнинг бир-бирига боғлиқ босқичли мақсадлари мантиқини — ўқитиш мазмунини такомиллаштиришининг асосини таъминлаб бериши лозим.

Ҳақиқий профессионал фаолиятни ушбу йўналишнинг ривожланиши истиқболлари муаммоларини ҳисобга олган ҳолда тизимли таҳлил қилиш — фаолиятнинг ижтимоий аҳамиятли турлари ҳамда умумлаштирилган вазифаларини ажратишнинг асосий услуби бўлиб, мутахассис уларни ҳал этишга тайёрланган бўлмоғи лозим.

МТни ишлаб чиқиши изчиллигини аниқ бир ихтисосликни ажратиш учун асослашдан бошлаш мақсадга мувофиқ. Ихтисосликлар рўйхатини таҳлил қилиб, ихтисосларнинг икки асосини, албатта, шартли равишда ва қатъий бўлмаган ҳолда, айтиб ўтиш мумкин:

1. Профессионал фаолият обьекти ва, кўпинча, ушбу таснифлаш аломати ичida унинг етарлича мустақил бўлган қисмлари бўйича ва кам ҳолларда, обьектнинг ривожланиш босқичлари бўйича;
2. Фаолиятнинг турли обьектларга тааллуқди бўлган (масалан, амалий математика, материалларга ишлов беришнинг кимёвий технологияси) услублари, технологиялари, инвариант алгоритмлари бўйича.

Бундай ёндашувда ихтисосликларнинг кўп қисми (масалан, металлургия саноатидаги иқтисодиёт ва бошқарув) ҳам у, ҳам бу асосга эга бўлади. Ихтисосликлар рўйхатининг ўзини обьектив равишида тартибга солиш лозимлиги аниқ-равшан, бунда турли ихтисослардаги касбий фаолият турлари ва вазифаларининг ҳал қилувчи умумийлигини аниқлаш имконини берадиган ўша тизимли-фаолиятли ёндашув асос қилиб олиниши мумкин.

Олий маълумотли кадрларни тайёрлашнинг йўналишлари ва ихтисосликларининг обьектив равишида тартибга солинганлиги Ўзбекис-

тон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан талсиқланадиган Олий таълим йўналишлари ва ихтисосликлари таснифлагичининг айнан ўзидир. Йўналишлар ва ихтисосликлар таснифлагичини ўзгаририш республиканинг тегишли соҳа ва малакага эга мутахассисларга бўлган ижтимоий-иктисодий эҳтиёжидан келиб чиқиб амалга оширилади. Бунда қўйицаги материаллар ишлаб чиқилиши ҳамда илова қилиниши лозим:

- йўналиш ёки ихтисосликнинг илмий ва амалий аҳамиятини, шунингдек, меҳнат бозорида мутахассисларга бўлган прогнозлаштирилаётган эҳтиёжни асослаш;
- йўналиш ёки ихтисосликнинг фарқли белгилари;
- янги йўналиш ёки ихтисосликнинг ривожланиш истиқбоялари;
- таълимнинг зарур ва етарли мазмунига (таълим касб-хунар дастурлари) ҳамда битирувчиларни тайёрлаш даражасига (малака тавсифи) қўйиладиган давлат талаблари лойиҳалари;
- янги йўналиш ёки ихтисосликни илмий-педагогик ва моддий-техникавий таъминлаш мавжудлигини асослаш.

МТда муайян соҳадаги олий маълумотли мутахассислар касбий фаолиятининг ижтимоий аҳамиятли турларининг асосий мажмуи ажратиб кўрсатилади. Ушбу мажмуани шакллантириш чоғида унинг тўлиқ бўлишини таъминлаш зарур.

Аниқ ихтисос бўйича МТни ишлаб чиқишида мутахассиснинг касбий фаолияти тизимидағи ижтимоий аҳамиятли турларини ажратиб кўрсатиш учун асосни тизимли таҳлил услуби билан аниқлаш даркор.

Мутахассис фаолияти турлари мажмуи ажратиб кўрсатилган асосларни ҳисобга олиб тузилади, уни жадвал тарзида бериш мумкин.

Кенг соҳа мутахассиси фаолияти турларининг ҳар бири учун умумлаштирилган вазифалар ажратиб кўрсатилган барча фаолият турлари тузилмасини тизимли таҳлил қилиш ҳамда ҳар қандай фаолият учун умумий элементлар йиғиндинсини: объектни, предметни, натижани, фаолият воситаларини, фаолият натижасининг вазифасини ажратиб кўрсатиш йўли билан, аниқ соҳа мутахассиси меҳнати хусусиятини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Мутахассислар фаолиятининг асосий вазифалари рўйхат ёки жадвал шаклида берилishi мумкин, унда аввал ажратиб кўрсатилган фаолият туридан ҳар бири учун фаолият вазифаларининг шифри ва мазмунини, вазифаларни бажариш бўйича фаолиятнинг таркиби, шунингдек, вазифалардан ҳар бири бўйича маҳоратнинг шаклланниш даражасига қўйиладиган талабларни кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Фаолият турлари ҳамда вазифалари мажмуи:

- ҳужжатли манбаларни таҳлил қилиш;

- фан ва амалиётнинг тегишли соҳалари бўйича етакчи олимлар ҳамда мутахассисларнинг эксперт баҳолари;
- тегишли тармоқдарда банд бўлган мутахассислар фаолиятининг мазмунини танлаб ўрганиб чиқиши;
- ва буларнинг натижаси сифатида, тармоқнинг ҳал этилишида ушбу ихтисос бўйича битирувчиларнинг иштироки зарур бўлган асосий истиқбол муаммоларининг илмий асосланган прогнози асосида шакллантирилади.

Юқорида санаб ўтилганлар МТнинг тегишли ихтисослар гурухлари бўйича олий таълим муассасаларининг ўқув-услубий бирлашмалари раҳбарлигидаги ишлаб чиқиладиган давлат қисмига киради. Айни маҳалда ҳар бир олий таълим муассасасига МТнинг давлат қисмига кўшимча равишда мутахассислар фаолиятининг аниқ бир олий таълим муассасасида муайян соҳа мутахассисларини тайёрлаш сифати унинг давлат даражасидан юқорилигини акс эттирадиган турлари ва вазифалари мажмuinи таърифлаб бериш имконияти яратилади.

Касбий фаолиятнинг умумлаштирилган вазифалари рўйхати мутахассислар тайёрлаш сифатини мажмуавий диагностика қилиш воситаларини, шу жумладан, мажмуа малака вазифалари тарзида яратиш учун асос бўлади.

МТдан Давлат таълим стандартларига (ДТС) ўтиш, бир қараганда анча оддийдек кўриниши мумкин. Чиндан ҳам, МТнинг ҳам, ДТСнинг ҳам негизини тайёрлашнинг ташхис қилинадиган пирвард мақсадлари: мутахассис тайёрлаш даражасига кўйиладиган талаблар ташкил қиласи. ДТС тузилмасидаги кўшимча таркибий қисм — асосий касбий таълим дастурларининг мажбурий минимуми, принциплар нуқтаи назаридан қараганда, жиддий мураккабликларини келтириб чиқармаслиги лозим.

Шу билан бирга МТ методологиясида ҳам, уларни реал тарзда ишлаб чиқишида ҳам ўқитиш мазмунини мустақил қайд этишдан қочиб бўлмайди, у умумлаштирилган аниқ вазифалар ва фаолиятнинг изчиллигига сўзсиз намоён бўлади. Бу мазмун МТ билан боғланган диагностика воситаларидан иборат бўлган мажмуа малака вазифалари тўпламида, айниқса аниқ кўринади. Мутахассиснинг тизимли фаолиятини, у мутахассис сифатида ҳал эта билиши лозим бўлган энг кам зарур вазифалар доирасини ушбу фаолиятни таъминлаши ва мутахассис этгалиши лозим бўлган таълим мазмунидан ажратиб бўлмаслиги аён.

Шундай қилиб, таълимнинг зарур даражада энг кам ва етарли мазмуни МТга билвосита киради. Демак, мутахассисга қўйиладиган фаолият билан боғлиқ талаблардан алоқанинг ҳаракатчанлигини, тушунчалар ва қоидаларнинг ўзгаришини белгиловчи асосий қоида-

лар, тушунчалар, бир турдаги ишлар ва операцияларни ажратиб кўрса-тиш ҳамда ушбу барча элементларни энг кам зарурий ҳамда етарли таълим ва касбий дастурларга мантиқан боňлаш вазифаси қолади. Бу вазиятда ўқувчига тушадиган энг кўп юк даражасини аниқлаш, гарчи бу ерда жиддий ёндашилганда ҳамма нарса унчалик осон бўлмаса ҳам, асло мураккаб бўлмаган ишщек туюлади.

Бир қараганда, ДТСни ишлаб чиқишила шу билан чекланса бўла-дигандек. Битирувчининг малака тавсифи, таълим мазмуни (таълим ва касбий дастурлар) ҳамда ўқув юкининг энг кўп ҳажми ДТСни тўла ҳажмда ташкил қиласлигини тушунамиз. Қандай даражадаги ДТС, деган бошқа савол туғилади. Бизнинг назаримизда — юқори даражадаги ДТС. Гап, энг аввало, мутахассиснинг тайёрлик (мала-ка) даражаси тўгрисида бормоқда.

Йўналиш бўйича бакалавр нима эканлигини етарли даражада диагностика қилиб белгилаб берадиган давлат таълим стандарти (ёки ДТСнинг даражада компоненти) ишлаб чиқилиб, муҳокама этилиб, меъёрни хужожат сифатида қабул қилинмас экан, олий таълим икки даражали тузилмаси умумий мақсадларининг ҳар қандай батафсил тавсифи ҳамда унинг концептуал позицияларидан чекинмасликка даъватлар кам самара беради.

Шу муносабат билан олий таълимнинг кўп даражали тузилмаси тўгрисидаги баҳс-мунозараларда доимо баён этиладиган бир тезисни муҳокама қиласмиз.

Бу тезиснинг моҳияти даставвал: «Йўналиш бўйича бакалавр... мутахассиси ёки йўқми», деган саволга бориб тақалади. Сўнг, одатда, бакалавр бирон-бир даражада мутахассис бўлиши даркорлигини исботлаш бошланади. Энг осони, бу фикрларда янгиликни қабул қиласлик, борлигини кўриб, уларни ёътиборга олмаслиkdir. Унинг ортидан таълим тизими учун мажбурий, хос бўлган сустлик, мўътадилликка интилишнигина эмас, балки:

- бирга мавжуд бўлишга олдиндан айтиб бўлмайдиган ҳолда мавзумирий аралашув бўлиши мумкинлигини, муқобил тузилмалар мувозанатини;
- Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўгрисида»ги Қонунида ҳам қайд этилган: олий ТМ битирувчиси — профессионал мутахассис, деган талқинга қадар кўп йиллик назария ва амалиётдан чекинишдаги психологик қийинчиликлар;
- тайёrlашнинг янги тузилмасига ўтишда олий таълим муассасалари маҳсус кафедраларининг жуда омонат аҳволи;
- кўп даражали тузилманинг асосий гояларини, бунда муқаррар бўлган ўқув жараёнининг мазмунини, методикасини ва ташкилий таъминланишини қайта қуриш билан, амалга оширишга қилинган

сарф-харажатларнинг жиддий иқтисодий баҳоланиши мавжуд эмас-лигини ҳам кўриш қийин.

Юқорида санаб ўтилганлар чиндан ҳам юз бериши мумкин. Бироқ бу тезисда «лозим» деган мажбурловчи сўзгина принципиал, холос. Уни «мумкин» деган сўз билан алмаштирилса, асосий зиддият бартараф этилади. Чиндан ҳам, агар талаба ихтисослик маълумотини олишни истаса, олий ўкув муассасаси бунга имкон яратишга тайёр бўлса, унга бу иш нимага зид бўлади? Бунга нима тўсқиңлик қилиши мумкин? Демак, бу муаммонинг ечими ҳам, бакалавр тайёргарлиги га қўйиладиган талаблар ҳажмини белгилаган ҳолда битирувчи учун (агар у истаса) етарли касбий тайёргарлик кўриш имконини яратадиган давлат таълим стандартига боғлиқ экан.

Шундай қилиб, МТни давлат таълим стандартининг ажралмас қисми сифатида ишлаб чиқишга масъулият билан, қатъий илмий позициялардан туриб ёндашиш, бугунги мутахассиснинг ижтимоий-касбий фаолиятинигина эмас, балки унинг истиқболдаги рақобатбардошлигини ҳам ҳисобга олиш, нафақат касбий, балки ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга фазилатларни шакллантиришни мажбурий талаблар (давлат компоненти) жумласига киритиш зарур. Малака тавсифи қадрлар тайёrlаш мазмуни, уни ташкил қилиш билан мутахассиснинг ижтимоий-профессионал фаолияти ўртасида боғловчи элементга айланиши даркор.

**Таълим сифати ва Давлат таълим стандарти.** 1993 йилдан бўён Ўзбекистон Педагогика фанлари ИТИ ҳамда Ўзбекистонда Олий ва ўрта махсус мактаблар муаммолари институти, 1998 йилдан бўён эса ЎМКХТРИ —Ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш институтида умумий ўрта ва олий таълим Давлат таълим стандартларини яратиш бўйича иш олиб борилмоқда (Д. Шодиев, Э. Сейтхалилов, Ф. Мусаев, А. Суреев, Э. З. Имомов, К. И. Рўзиев, Л. В. Петегуров, Б. Л. Фарберман, А. Файзиев, Х. Рашидов, Л. В. Голиш, С. Р. Волкова, Л. Сарко, А. Ҳожибоев ва бошқалар).

ДТС деганда, таълимнинг айрим жиҳатларига ёки бир бутун таълимга қўйиладиган энг кам ва мажбурий етарли талаблар йиғиндиси тушунилади. ДТС қўйидаги шартларни қондириши лозим:

- таълимнинг умумий тизимидан осон ажратиш мумкин бўлган педагогик асосланган муайян элементга (ўкувчи шахсига, таълим жараёни мазмунига, ўкув материалини ўзлаштириш сифатига ва ш.к.) йўналтирилган бўлиши;
- ушбу элемент сифатининг диагностик кўрсаткичлари асосида бажарилган бўлиши;
- таълим элементи воқеъ бўлишининг миқдорий мезонларига эга бўлиши;

- ажратиб кўрсатилган барча кўрсаткичлар бўйича сифатни назорат қилишнинг маълум усууларини тиклашга йўналтирилган бўлиши даркор.

Қисқа тавсифланса: *таълим стандарти* — бу ТМ битирувчиси нинг ишнинг пировард натижаси сифатида ташхис қилинадиган шахсий фазилатлари тўғрисидаги анча умумий тушунчадан иборат бўлган таълимнинг глобал мақсадларининг ташхисли тавсифи.

Ёки бошқача айтганда, ДТС:

- ўқувчилар ва битирувчилар тайёргарларгининг энг кам зарурый ва етарли даражасини;
- ўқув юкининг энг кўп ҳажмини;
- таълим мазмунига (шу жумладан, ўқув-услубий мажмуага) талаблар ва уларни қўйиш усууларини;
- ТМ фаолиятини ва кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш тартиби ва механизmlарини;
- стандартлар талабларини бажармаёттан шахслар ва муассасаларга нисбатан кўриладиган чораларни белгилайди ва ҳ. к. (Б. С. Гершунский, А. В. Гличев, Э. Днепров, М. С. Кларин, Ш. Курбонов, Х. Рашидов, Л. Перегудов, Э. Сейтхалилов, А. Ҳожибоев, Д. Шодиев).

Стандартлаштириш (стандартларни ишлаб чиқиши ва улардан фойдаланиш) амалиётни тартибга солиш, уни жамиятнинг тарихан ўзгариб бораётган эҳтиёжларига мувофиқ бир тизимга солиш бўйича объектив зарур фаолиятдир.

Таълим стандарти деганда маълумотлиликнинг давлат меъёри ҳамда истиқбол ижтимоий мақсадларни акс эттирувчи ва реал шахснинг ҳамда таълим тизимининг ушбу мақсадларга эришиш имкониятларини ҳисобга олувчи малака даражаси сифатида қабул қилинадиган асосий ўлчовлар тизими тушунилади (Ш. Курбонов, Э. Сейтхалилов, Х. Рашидов, Д. Шодиев).

Стандартлаштиришга қандай таълим элементлари асос бўлишига боғлиқ равища ҳам давлат стандартларини, ҳам уларнинг минтақавий компонентларини ишлаб чиқиши мумкин. Чунончи, ЎМКХТ (касб-хунар коллажлари)да фан бўйича ўқув дастури, ўқув режаси, дарслеклар, педагогик технология ва ҳ.к. минтақавий стандарт асоси ҳисобланади. Масалан, молия-иқтисодий йўналишдаги айрим касб-хунар коллажларида «тижорат фаолияти» фани бўйича, бошқа мавзуларни қисқартириш ҳисобига қўшимча равища 26 соатли «Божхонада ҳужжатларни расмийлаштириш» бўлими; «ЎР қонунчилик асослари» фани бўйича 6 соатли «Божхона ҳуқуқи» мавзуси; «Бухгалтерия ҳисоби асослари» фани бўйича 8 соатли «Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари» мавзуси киритилган ва ҳ.к. Бу ҳолатда минтақа доирасида ЎМКХТ сифати ўқитувчиларнинг ушбу бўлимларни

таълим-касбий дастурлар билан асослаш имконияти, сифати ва маҳоратига боғлиқ.

УТТ услубий хизмати амалий жиҳатдан ички, расмий кўрсаткичларга йўналтирилганликдан ДТСни бажаришнинг пировард ва хусусий мақсадларига эришишга йўналтирилганликка ўтиши лозим.

**ДТСга ўтиш мақсадларидан бирин — таълим сифатини кафолатлаш муаммосини ҳал этиш, таълим муассасалари битирувчиларининг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини, муҳандис-педагог ходимлар малакасини оширишни тъминлаш.** Бир сўз билан айтганда, ДТС — касбий тайёргарлик даражасига, мазмунига ҳамда сифатига, меъёрий ҳужжатларда акс эттирилган психофизиологик чеклашларга қўйилган, бажарилиши шарт бўлган энг кам талаблар йигиндишидир (Р. Беннет, В. С. Безрукова, Ш. Курбонов, Х. Рашидов, Э. Сейтхалилов, Д. Шодиев).

Масалан, касб-хунар таълимида ДТС касблар ва касб гуруҳлари бўйича, улар тузилишининг умумий услубий асосини сақлаган ҳолда ишлаб чиқилган.

ДТСнинг асосий ҳужжатлари жумласига қўйидагилар киритилади:

1. Ўзбекистонда ДТС асосий қоидалари — бу стандартлар дараҷалари (Республика ва минтақавий), малака тузилмаси, шунингдек, ДТСни ташкил қилувчи бошқа таркибий қисмларга қўйиладиган талаблар белгиланган ҳужжат.

2. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ва олий таълим касблари ҳамда ихтисосликлари таснифлагичи — бу ТМни аттестациялаш ва аккредитациялаш ўтказилишига ҳамда тегишли даражадаги таълим тўғрисида ҳужжат берилишига асос бўладиган ҳужжат. У тор соҳадаги касбларни бирлаштириш ва уларнинг сонини етарли даражадаги минимумга келтириш имконини беради, бу иш таълим муассасалари битирувчилари турли ихтисосдаги кенг соҳа касбларини эгаллашни тъминлайди. Касблар номенклатураси очиқ ва мунтазам тўлдирб борилиши мумкин.

3. Ўқув режаси модели ўқув-дастурий ҳужжатларни ДТС доирасида лойиҳалаш бўйича умумий стратегияни белгилайди, унинг асосида ишчи ўқув режалари ишлаб чиқилади, тўла ўқитиш циклини ўтгач бу режалар тузатилиши мумкин.

4. Таълим сифатини баҳолашга асос бўладиган мезонларни ўз ичига олувчи назорат тартиби.

5. ДТС ҳужжатларини кодификация қилиш тизими (Ш. Курбонов, Р. Аҳлидинов, У. Иноятов, Х. Рашидов, Э. Сейтхалилов, Д. Шодиев).

Бир қараганда, ҳар қандай стандартлаштириш ижодий, ностандарт педагогик фаолиятта зиддек туолади, бироқ бу нисбатни: ижо-

диётга — тартиб орқали деган ҳар томонлама таъриф билан белгилаш мумкин.

Стандарт шахснинг сифатли таълим олиши кафолатини, меҳнат ва таълим хизматлари бозори шароитида ижтимоий ҳимояланганлигини таъминлашга қаратилган. У Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида таълим сифатини бошқаришнинг самарали воситасига айланиб бормоқда, таълимнинг муқобилигини белгилаб бермоқда.

Бозор шароитида таълим, жумладан, касб-хунар таълими сифати муаммоси кескинлиги ҳамда ушбу тавсифни конкретлаштириш муҳимлиги муносабати билан касблар ва ихтисослик бўйича стандартларда таълим минимумини ўзлаштириш сифатига қўйиладиган таълаблар қандай акс этганлиги тўғрисида гапириш лозим (С. Волкова, Л. Голиш, Ш. Қурбонов, Р. Аҳлидинов, У. Иноятов, Х. Рашидов, Л. Сарко, Э. Сейтхалилов, А. Ҳожибоев).

Шуни таъкидлаш керакки, стандарт — бу ўз-ўзича ҳодиса эмас, балки қадрлар тайёрлаш воситалари ва услубларининг тўла йигиндисидан иборат бўлган, такомиллашув ва ижодий ривожланиш томон ҳаракатта тўскинлик қўймайдиган восита. Стандарт ижтимоий-маданий мұҳит ҳолатини, манфаатдор томонлар (умуман жамият, ТМ, ўкувчи ва иш берувчи) эҳтиёжлари ва имкониятларини ҳисобга олиши, томонлар манфаатларининг, ўз навбатида, шахс манфаатлари устуворлигидан келиб чиқиши лозим бўлган мувозанатини акс эттириши даркор.

Тадқиқотчилар ва педагог ҳодимлар, таълимнинг ҳар бир босқичи, алоҳида касб бўйича таълим мазмуни иқтисодиёта обьектив рашишда юзага келган меҳнат тақсимотини акс эттиргани боис, ягона стандарт ўрнатилиши мумкин эмаслигини тушуниб етдилар. Стандартлар ҳар бир касб бўйича умумий методологик асосни сақлаб қолган ҳолда ишлаб чиқилади.

Таълимнинг энг кам мазмуни эмас, балки стандартлаштиришнинг таълим сифатини назорат қилишга бош рол ажратиладиган бутун аппарати ҳам стандартлаштирилиши аён бўлади.

Назоратни стандартлаштириш мутахассис таълим тизимида, таснифлагичда кўрсатилган касблар ёки ихтисосликлардан бири бўйича ўқиши натижасида эришган ихтисос малакаси даражасини текширишнинг умумий меъёрлари, қоидалари, унга қўйиладиган таълабларни белгилаш жараёнига ижтимоий буюртмани бажаради.

Бу, биринчидан, Ўзбекистонда меҳнат бозори, мамлакатимиз ва чет эл ТМ мутахассислари раҳобатининг вужудга келиши билан боғлиқки, мақсад мамлакатимиз ТМ битирувчилари даражасини чет эл мутахассиси даражасига етказишдан иборат. Битирувчининг касбий маҳоратини баҳолашда обьективлик масаласи, айниқса, кескин қўйилади.

Назорат эгалланган билимлар савиясини, маҳорат ва кўнкимани ўзлаштириш даражасини аниқлаш воситаси бўлади. Бу муаммо янги бўлмай, назоратнинг умумий масалалари (коидалари, функциялари, услублари, шакллари, усуллари) қўп йиллар давомида мамлакатимиз ва чет эл олимлари (Ю. К. Бабанский, С. Р. Волкова, Б. Л. Фарберман, Э. Ш. Габай, В. В. Гузеев, В. В. Давидов, В. Ш. Мошキン ва бошқалар) асарларида кўриб чиқилган. Дастурлаштирилаётган таълим тизимида назорат масалаларига кўплаб тадқиқотчилар ўз асарларини бағишишган (В. Б. Беспалъко, М. М. Балашов, Н. М. Ржецкий, Б. Т. Сладкевич, Е. И. Тупикин, Е. В. Шевченко, Н. В. Шестаков ва бошқалар). Ўқитиш сифатининг таҳлили ва унинг ўкув жараёнида кўлланиши ҳам етарлича тадқиқ қилингган (А. С. Жеринко, И. Л. Лerner, Э. А. Красновский ва Т. Л. Коган, В. М. Полонский, В. В. Гузеев, Р. Х. Шакуров ва бошқа муаллифлар).

Ўкувчилар томонидан дастурий материал ўзлаштирилишининг боришини ва ишлаб чиқариш таълимида малака ҳамда кўнкималар орттирилишининг объектив баҳоланишигина юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга кўмаклашиши мумкин. Бутун ўқиш муддати давомида ўқувчи фаолиятини назорат қилиш орқали фақат ўз меҳнатимизни баҳолабгина қолмай, балки ўқувчиларнинг ўзлигини англашини ва мустақил билим олишини рагбатлантирамиз ҳам. «Педагогик назоратни амалга ошириш — бу ишга таъсир кўрсатиш ва уни ўзгартириш, янгилик куртакларини аниқлашди» (В. П. Беспалъко). Лекин ҳали ҳам назоратдаги асосий нарса — объектив баҳолаш. Унинг моҳияти битирувчининг малака тавсифини режали талаблар билан ўлчаш ва қиёслашдан иборатdir. Ҳозирги пайтда ДТС жорий этилиши билан ТМ ўқувчилари ва битирувчиларининг БКМни баҳолашдаги объективлик, айниқса, долзарб бўлмоқда.

#### **П.2.2. ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИ – ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БОШҚАРИШНИНГ МЕЪРИЙ АСОСИ**

Мустақил, демократик Ўзбекистон Республикасида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий ривожланишида устувор соҳа деб эълон қилингган таълимнинг такомиллаштирилиши, энг аввало, унинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришишга йўналтирилган. Бу кўплаб йўналишлар бўйича ҳал этилаётган фавқулодда **мураккаб, мажмуавий муаммодир**. Улардан бири ижтимоий ҳаётни бошқаришнинг ўзига хос шакли бўлган таълим тизимини бошқариш механизми такомиллаштириш ва қайта қуришни ўз ичига олади. Бу йўналишнинг долзарблиги, энг аввало, **ижтимоий амалиёт** эҳтиёjlаридан келиб чиқади, чунки, таълимни бошқаришнинг илмий-

назарий ва тажриба-амалий жиҳатлари унинг амал қилишининг энг илгор анъаналарини аниқлаш ва бутун чоралар билан рағбатлантиришни ҳамда жамият ҳаёт фаолиятининг янги ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иктисодий ва милий-маданий воқеилиги шароитида янада ривожлантиришни тақозо этади.

Шу муносабат билан давлат қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларининг саъй-ҳаракати ўсиб келаётган авлодларни давлат-жамоат таълим тизимида ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш жараёнининг ўз таълим-тарбия фаолиятида таълим жараёнининг узлуксизлиги ва узвийлиги тамойилига қатъий риоя қилишга даъват этилган ТМнинг барча турларида унинг демократик, гуманистик йўналтирилганлиги, таълим маконининг бирлиги, таълим мазмунининг мақбул даражаси, ушбу мазмун тақдимоти педагогик технологияларнинг оқилона тўплами таъминланадиган объектив ҳукуқий шароит ва ижтимоий-иктисодий пойдевор яратишга йўналтирилган.

Таълим амал қилишининг зарур ҳукуқий шартларини таъминловчи объектив ҳукуқий омил сифатида: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг шахснинг асосий ҳукуқларидан бири бўлган билим олиш ҳукуқи тўғрисидаги; «Таълим тўғрисида»ги қонунларининг, «Кадрлар тайёрлаш Милий дастури», мазкур қонунлар асосида чиқариладиган асосий қонунчиллик ва ҳукуқий хужжатлари қоидалари, шунингдек, ўсиб келаётган авлод шахсининг тўлақонли ривожланишини таъминлашни кўзда тутадиган умуминсоний, гуманистик, демократик идеаллар ҳамда ахлоқ воқеъ бўлади. Бунда таълим ва тарбия жараёнида бу каби ривожлантиришнинг асосий йўналиши серунум ижодий ўқув фаолиятини ва ахлоқий хатти-ҳаракатни, шунингдек, ўқувчиларни жисмоний камолга етказишни ўз ичига олади.

Таълим тизими амал қилишининг ҳукуқий шартларини бажаришга кўмаклашувчи ижтимоий-иктисодий замин:

- шахснинг ҳар бир индивиднинг таълим соҳасида ўзини-ўзи рӯёбга чиқариши учун объектив жиҳатдан зарурий ва етарли бўлган эҳтиёжий интилиши;
- давлат ўқув юртларида ҳам, хусусий ўқув юртларида ҳам давлат ва хусусий, инвестиция билан молиялаштириш ҳисобига ўқув-тарбия жараёнининг самарали олиб борилиши учун моддий-техникавий таъминотни вужудга келтириш;
- билимларнинг самарали ва мазмундор таълим-тарбиявий соҳаларидан, оқилона, илгор тамойилларга ва қонуниятларга таянадиган илгор психологик-педагогик назарияларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган механизмлар ва технологиялардан фойдаланиш.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг З-моддасида баён этилган аниқ асосий қоида-

лар негизида ишлаб чиқилған давлат сиёсати асосида халқ таълими тизимини бошқариш механизмини қайта қуришнинг ҳам ҳуқуқий шарт-шароити, ҳам ижтимоий-иктисодий замини яратилди.

Қонунда постулат даражасини олган, таълим тизими барча компонентларининг «ҳаёт фаолиятини» белгилаб берадиган тамойилларнинг бокий қимматини алоҳида таъкидлаш зарур. Чунончи, биринчи қоида (таълим ва тарбиянинг гуманистик, демократик ҳусусияти) ўқувчи шахси ва бошқарувнинг буйруқбозлик-маъмурий методларини бекор қилишни устувор йўналиш, бош субъект (аввал бўлганидек, обьект эмас) сифатида олга суради. Иккинчи қоида (уз-луксизлик, узвийлик) таълим тизими иерархиясининг «тизилиши» имкониятини шарт қилиб қўяди; қолганлар эса, бизнинг назаримизда, таълим тизимининг бошқарув фаолиятини таълим мазмунини таъкидлаш, ундан давлат таълим муассасаларига ҳам, ҳусусий таълим муассасаларига ҳам қатнайдиган ўқувчилар фойдаланиши мумкинлиги сингари ўта муҳим қисмларини рўёбга чиқариш жиҳатидан тузиш ва мазмунан тўлдиришга туб концептуал ёндашувларни асослашади.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг ушбу қоидалари алоҳида аҳамиятга эгалиги «Таълим тўғрисида»ги Қонун 7-моддасининг мазмунида алоҳида таъкидланган. Унда Ўзбекистон Республикасида жаҳон амалиёти мезонларига мувофиқ келадиган **Давлат таълим стандартларини** ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланади. Таълим даражасига ҳамда мулкчиликнинг барча шакллари учун мажбурий бўлган ўқув юклари ҳажмларига қўйиладиган асосий талабларни шулар белгилаб беради.

Шундай қилиб, давлат таълим стандартлари, қонунларга мувофиқ;

- таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини белгилаш ва амалга оширишни;
- таълимни ривожлантириш, уни моддий-техник жиҳозлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва бажарishни;
- таълим муассасаларини аттестациялаш ва аккредитациялаш тартибини, шунингдек, педагог ва илмий кадрларни аттестациялаш тартибини ўрнатишни таъминловчи тартибга солувчи функциялар билан куроллантирилади.

Бундан ташқари, таълим тизимини бошқариш соҳасидаги гуманистик, демократик тамойиллар ҳам қонуннинг таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулияти мустаҳкамланадиган қисмида қонунан тартибга солинади.

Давлат таълим стандартларининг тартибга солувчи, яъни ижтимоий-педагогик чегараловчи функциясининг юқорида санаб ўтил-

ган барча таркибий қисмлари «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг IV қисмида (25—29-моддалар) мустаҳкамланган ҳамда Давлат таълим стандартига бошқарув функциясини бериш ва уни Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини бошқариш механизмига кўшиш учун хукуқий асос бўлиб хизмат қиласди.

Энди таълимнинг қандай таркибий қисмлари ёки «объектлари» давлат таълим стандартлари билан, бинобарин, таълим сифатини бошқариш билан тартибга солинишини аниқлаш мақсадида «стандарт» ва «стандартлаштириш» тушунчаларининг маъносини, уларнинг моҳияти ҳамда таълим жараёнига татбиқан вазифасини кўриб чиқамиз.

Республикада ишлаб чиқилган, Базис ўқув режаси, алоҳида таянч таълим соҳалари бўйича стандартларни, ўқувчилар ўқишида эришган ютуқларни баҳолашнинг ва ўқитувчилар педагогик меҳнатини аттестациялашнинг ўзига хос услублари сингари қисмлардан иборат бўлган давлат таълим стандартларининг таҳлили таълим жараёнинг давлат таълим стандартлари ёрдамида бошқариладиган бош «объектларини» ажратиб олишга асос беради.

Таълим стандарти таълимнинг мазмуни, тузилиши, ушбу мазмунни намойиш қилиш даражаси, таълим натижаларини ўлчаш ҳамда талқин қилиш шакл ва усуллари сингари «объектларини» тартибга солади (бинобарин, бошқаради ҳам). Стандарт ўз моҳиятига кўра, ўқув режалари, дастурлар, ўқув юртларини аккредитациялаш, ўқитувчи кадрларни аттестациялаш сингари ва бошқа меъёрий ҳужжатларни яратиш учун асос бўлади.

Таълим мазмунининг ядроси билан аниқланадиган стандарт воситасида Республика «таълим макони»нинг бутун ҳудудида ўқув юртлари типлари ҳар хил (давлат — жамоат ва хусусий) бўлгани ҳолда таълимнинг барқарор ва умумий даражасини таъминлаш шарти бажарилади. Жамиятнинг ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда ушбу даражага кўйиладиган талабларни такомиллаштириш, ўқувчиларнинг ижтимоий таълим эҳтиёжларига боғлиқ равишда таълимнинг мазмуний қисми ҳисобига даражани ошириш имконияти берилади.

Айни маҳалда, давлат стандартини жорий этиши — таълимни демократлаштириш тамойилига риоя қилиш зарурлиги туфайли — таълим жараёнини қатъий андозага бўйсундиришни билдирамайди, аksинча, педагогик ижодиёт учун, ҳар бир таълим соҳаси бўйича мажбурий мазмун мағзи атрофида вариатив дастурларни, ўқитишининг ранг-баранг технологияларини, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни яратиш учун кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Бундан ташқари, давлат таълим стандартининг демократиклиги таълим тизимини бошқариш каби таркибий қисмини ҳам лойиҳа-

лаш имконини беради. Буни давлат ҳокимияти органлари томонидан марказлаштирилган ҳолда меъёrlаш ҳиссаси (даражаси) ва ушбу меъёrlаш мустақил кўламининг ўкув юртига, унинг мақоми (давлатники ёки хусусий эканлиги)дан қатъий назар, бериладиган ҳиссасининг нисбати билан тавсифланади ва «белгиланади».

Давлат таълим стандарти ўз мазмунида «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг таълимнинг умумдавлат (таянч асоси), минтақавий ТМ ҳамда ТМнинг компонентлари мазмуни ўртасидаги нисбат; таълимнинг давомийлиги (қонунга мувофиқ ҳам умумий, ҳам босқичлар бўйича); таянч таълим соҳалари, мажбурий ва факультатив машғулотлар учун ҳафталик юклама, ўкувчига йўл қўйилиши мумкин бўлган ҳафталик энг кўп юклама белгилайди.

Шундай қилиб, Давлат таълим стандартларини улардаги бошқарув функциялари ёрдамида жорий этиши:

- 1) ТМ турлари, минтақавий таълим моделлари хилма-хиллиги шароитида таълим маконининг умумийлиги;
- 2) ўкувчиларда:
  - а) ўкув материалининг тушунарлилигини ошириш;
  - б) ўкув юкини меъёрга келтириш;
  - в) тайёрлаш даражаси ва уни баҳолаш мезонларига қўйиладиган талабларни билиш асосида таълимни ижобий асослашни таъминлади.

Давлат таълим стандартлари ўз тузилмаси ва мазмуни билан давлат, минтақа, ТМ манфаатлари ва ваколатлари мувозанатини акс эттиради, улар эса, ўз навбатида, ўкувчи шахси, унинг майллари, қобилияти ва қизиқишларидан келиб чиқади.

Давлат таълим стандартини жорий этиш асосли бошқарув қарорларини қабул қилишга кўмаклашиб, ўкувчиларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришни бошқаришда ижобий ўзгаришлар бўлишига олиб келади.

Давлат таълим стандарти энг кам мажбурий талаблар даражасида белгилангани боис, ўқитишнинг мақсадли кўрсатмаларига ёндашувлар, ўкувчининг хукуқ ва мажбуриятларига қарашлар ўзгаради, бу эса жамулжам ҳолда талабларга мувофиқ келадиган, анча мослашувчан стандартларни, ўкув-тарбия жараёнларини бошқариш шакли ва услубларини олдиндан белгилаб беради. Бундай бошқарув энг асосий нарсани — ўкувчи стандартда режалаштирилган даражада билим ва маҳоратга қўйиладиган талабни ўзлаштириши шарт бўлган барча нарса унинг шахсий бойлигига айланисини, онгли равища ва мустақам ўзлаштирилишини таъминлаши даркор.

Ҳар бир ТМнинг бундай натижаларга эришишида Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим дастурларининг бажарилиши асосини,

ҳар бир ўқувчи эса жамият ва мамлакат олдидаги ўз ахлоқий бурчими кўра билиши зарур. Шундай қилиб, Давлат таълим стандартида баён этилган мажбурий талабларни бажариш ўқувчи (талаба)нинг мажбуриятига айланниб боради, бу эса унинг ижобий баҳоланишига имкон беради. Шу билан бирга ташкилий-бошқарув ҳаракатлари айни маҳалда шахснинг янада юқорироқ дараҷада ривожланиши учун шароит яратишга қаратилиши даркор. Бироқ, ўқувчи энг кам зарур талаблар дараҷаси билан чекланса бўладими ёки ҳаракатни давом этириши керакми, деган масалани мустақиу ҳал этиш ҳукуқига эга бўлади.

Бундай аҳвол ўқув-тарбия жараёнини бошқаришга ҳам, таълим технологиясини белгилашгага ҳам анъанавий ёндашувларни тубдан ўзгартиради. Бу ҳол ўқувчи сўзда эмас, балки амалда таълим субъектига, таълим жараёнининг етакчи иштирокчисига айланниши сабабли юз беради.

Шундай қилиб, Давлат таълим стандартининг жорий этилиши ўқувчиларга табақалаштириб ёндашиш зарурлигини тақозо этади, бу эса тегишли равищда бошқарув фаолиятига ҳам тузатиш киритади. Чунки табақалаштириш моҳияттан ё давлат таълим стандартида қайд этилган таълим талаблари дараҷасини ёки ТМ Давлат таълим стандартига нисбатан таъминлаши мумкин бўлган таълим натижаларининг янада юқори сифатини танлаш босқичида бошланади. Бу ҳолатда бошқарув функцияси ўқувчиларга мажбурий ўзлаштириш учун талаб этиладиганга қараганда кўпроқ таклиф қилиш мумкин бўлган ҳолатни таъминлашга йўналтирилган бўлиши керак.

Давлат таълим стандарти ўқув-тарбия жараёнининг барча иштирокчилари учун мажбурий тайёргарликка қўйиладиган талаблар очиқ бўлишини тақозо этади. Ўқувчилар учун ҳам мазмунан, ҳам шаклан тушунарли бўлган талқинда ифодаланган ушбу талаблар ўқувчиларга ҳам, уларнинг ота-оналарига ҳам маълум бўлиши лозим, бу ТМ педагоглар жамоасининг бошқарув билан боғлиқ хатти-ҳаракатларини муайян дараҷада енгиллаштиради. Талабларнинг очиқлигигина ўқувчиларнинг билиш фаоллигини, уларнинг ўз ўқув меҳнати натижаларидан манфаатдорлигини таъминлайди. Бу эса, ўз навбатида, таълимнинг ижобий сабабларини шакллантиришга, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятига онгли муносабатига кўмаклашади.

Давлат таълим стандартларидан фойдаланиш ва уларга хос бўлган бошқарув функцияларини бажариш таълим натижалари сифатини назорат қилиш ва баҳолашнинг мавжуд тизимини тубдан қайта қуриш имкониятини яратади.

Давлат таълим стандартларини жорий этиш ўқувчиларни тайёрлаш сифатининг ўлчагичлари тизимини ишлаб чиқишидаги волюн-

тариизмни истисно қилиш, назоратнинг объективлиги ва ахборотлигини ошириш, билим, маҳоратни баҳолашни бир хиллаштириш имконини беради. Уларнинг бари, табиийки, турли таълим муассасалари фаолиятини назорат қўлишнинг тузилиши ва мазмунига ўнлаб йиллар давомида илдиз отган эскича ёндашувларни бузади.

Бизнинг фикримизча, Давлат таълим стандартларини жорий этиш таълим тизимининг ҳар бир ТМдаги ишнинг ҳақиқий аҳволи тӯғрисида ишончли ахборот олишни таъминлайди. Олинганд ва юксак профессионал даражада тушуниб етилган ишончли ахборот жамулжам ҳолда иерархиянинг барча «пиллапояларида»: ўқитувчидан тортиб (мақбул услубларни танлаш, ўқитиш жараёнини ўз вақтида тӯғрилаб бориш, ўқитиш, тарбиялаш ҳамда ривожлантиришнинг ўринли табақалаштирилиши ва бошқалар), таълим раҳбарларигача (таълим аҳволини яхшилаш бўйича минтақавий чора-тадбирлар кўриш, ўкув режалари, дастурлари ва дарслекларига ўзгартиришлар киритиш, педагог кадрлар тайёрлаш, ҳалқ таълими ходимлари малакасини ошириш тизимида уларнинг касб маҳоратини ошириш ва бошқалар) асосли бошқарув қарорлари қабул қилиш учун шароит яратади.

Ҳалқаро талабларга мувофиқ келувчи ДТСни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, биринчидан, Ўзбекистон Республикаси ва ривожланган мамлакатларда КХТ (касб-хунар таълими)нинг тенглигини таъминлайди, бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизнинг ҳалқаро меҳнат бозорида тўсиқсиз иштирок этишини таъминлайди ва иккинчидан, таълим хизматлари сифатига қўйиладиган талабларни қатъий тартибга солиш ва таълим муассасаси ишининг самарадорлигини назорат қилиш тизимини тартибга солиш ҳисобига тайёрлаш сифатини оширади (1-схемага қаранг).

ДТСнинг мантиқи, тузилмаси, мазмуний мақсадга мувофиқлиги куйидаги принципларга асосланади:

**1. Тизимлилик.** Таълимдаги стандартлаштиришнинг ҳар қандай обьекти кичик тизимлар ва элементлардан иборат тизим сифатида ҳамда нисбатан юқори даражадаги тизимга кирувчи кичик тизим сифатида қаралиши даркор.

**2. Ўзини-ўзи ташкил қилиш.** Стандартлаштиришнинг потенциал обьекти пайдо бўлганда ЎМКХТ соҳасидаги ҳар қандай тизим (кичик тизим) унинг ўзини-ўзи ташкил этиш воситаси орқали, очиқ, чизиқли бўлмаган ва нисбатан бекарор тизим, шу жумладан, ўкувчи шахсияти модели сифатида қаралиши лозим.

**3. Мақсадга мувофиқлик.** Меъёрга келтирилиши таълим тизими ривожланишининг муайян даражасига эришиш имконини берадиган, яъни истиқболда бўлса-да, ижобий иқтисодий самара берадиган обьектларгина стандартлаштирилади.

I-схема

### Таълим тизимидағи стандартлар



**4. Мақбуллик.** Чеклов қўйилиши ТМ ва минтақалар ишида ортиқча чегаралашга олиб келмаслиги, бироқ таълим сифатининг давлат даражасини ва узвийлигини таъминлаши даркор.

**5. Узлуксизлик ва узвийлик.** Таълим тизимидағи барча меъёrlанувчи кўrsatкичлар вертикалига ҳам (таълим босқичлари ва даражалари бўйича), горизонталига ҳам ўзаро боғлиқ бўлиши даркор, бу ҳол тизимни узлуксиз таълим тармоғи сифатида ривожлантириш имконини беради. ДТС Ўзбекистон Республикаси қонунларига, қарорларига ва бошқа қонун ости хужжатларига риоя этилишини таъминлаши даркор.

**6. Ошкоралик ва очиқлик.** Таълим хизматларини бажаришда ёки уларнинг натижаларидан фойдаланишда иштирок этадиган барча ижтимоий шерикларнинг розилигига эришиш. Барча манфаатдор томонларни ахборот билан таъминлаш.

**7. Яроқлилик.** Стандартлаштириш бўйича меъёрий хужжатлар улардан сертификатлаш мақсадида фойдаланишга яроқли бўлиши даркор.

**8. Инсонпарварлаштириш.** ДТС шахснинг ўзини-ўзи касбий жиҳатдан янада ривожлантириши ва ўзини намоён қилишига, унинг ижтимоий барқарорлиги ва ижтимоий ҳимоясига йўналтирилган ҳолда яратилиши керак.

**9. Минтақалаштириш.** Стандартлаштириш таълим соҳасида нафқат давлат муаммоларининг, балки минтақавий муаммоларнинг ҳам ҳал этилишига кўмаклашиши лозим.

**10. Ўзувчанлик.** ЎМКХТ стандартлари аҳолининг билим даражасини меҳнат соҳаси эҳтиёжларидан ўзид белгилашга даъват этилган.

Давлат таълим стандартларининг асосий функциялари юқорида санаб ўтилган принциплар асосида таркиб топади ва тартибга солинади.

#### ДТС функциялари

Номи	Моҳияти ва вазифаси
Прогрессив ривожланиш функцияси	Тегишил таълим тизимини прогрессив ривожлантириш, таълимнинг янги сифати томон йўналтириш
Меърий функция	Тенглашиш лозим бўлган мўлжални ўрнатиш, семантика талабларига мувофиқ таълим жараёнининг прогноз қилинаётган натижаси сифатида
Хукуқий функция	Шахслар ва иш берувчилар учун уларнинг эҳтиёжларини стандарт томонидан белгилантган меъёрларга мувофиқ кафолатлаш: жамиятда иш жойида мослашиш имконияти; таълим олиш ва уни давом этириш ва д. к.
Ахборот функцияси	Таълим тизими очиқлигини кафолатлаш. Аниқ ихтисос бўйича таълим мазмуни даражаси тўғрисидаги ахборотдан эркин фойдаланишишини таъминлаш
Формализация функцияси	Илмий билимларни муайян шакл бўйича, аниқ, бир маънода ва таълимни стандартлаштириш мақсадига кўра акс этириш ва тақдим қилиш
Ўлчов функцияси	Стандартда таълимнинг ўзаро боғлиқ бўлган сифат ва миқдор тавсифларини (ўлчов категориясини) ўрнатиш
Қиёслаш функцияси	Таълим жараёнлари натижаларининг қиёсланувчанлигини таъминлаш
Коммуникатив функция	Мувозанатлаштирилган оптимал давлат талабларини белгилаган ҳолда ижтимоӣ шериклар, таълим соҳаси вакиллари, жамият манфаатларини бирлаштириш
Инъикоснинг айнанилиги функцияси	Таълим сифатига талабнинг воқелик эҳтиёжларига мувофиқлигини юқори даражада ишончлилик билан таъминлаш (стандарт юқори илмий-амалий савияда ишлаб чиқиши лозим)

Қуйида ЎМКХТ тармоқ ДТСга назарий-методик ёндашувлар ҳамда уларни ишлаб чиқиши мисоллари келтирилган.

ЎМКХТ тайёрлаш йўналишлари, касблар ва ихтисосликлари бўйича тармоқ стандартларини ишлаб чиқиши.

ДТСни ишлаб чиқишида қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

1. Касб ва ихтисосликларга келажакдаги эҳтиёжларни аниқлаш учун жорий тадқиқотларни ҳисобга олиш ва башоратловчи тадқиқотлар ўтказиш.

2. Минтақавий хусусиятларни ҳисобга олиш, айни маҳалда умумий тавсифлар мавжудлигини кафолатлаш.

3. ЎМКХТ ДТСни ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун масъуларни белгилаш (ДТСни ишлаб чиқувчи ва жорий этувчи жамоани жамлаш).

ЎМКХТ ДТСни ишлаб чиқишида қуйидаги эксперталар иштирок этишди:

- Ўрта маҳсус, КХТни ривожлантириш институтининг илмий ходимлари;
- ЎМКХТ тизими ТМ ўқитувчилари;
- Иш берувчилар, ишлаб чиқариш вакиллари (ижтимоий шериклар);
  - касб билан боғлиқ фанлар бўйича тадқиқот олиб борувчи эксперталар (олимлар);
  - тармоқ вазирликлари, ишлаб чиқарувчилар палатаси вакиллари ва ҳ.к. ЎМКХТ тайёрлаш йўналишлари, касб-хунар ва ихтисосликлар таснифлагичида турдош ихтисосликларни ўз ичига олган касблар мавжуд. Масалан, «Бухгалтер» касби қуйидаги ихтисосларни: бюджет ташкилоти бухгалтери, ишлаб чиқариш корхонаси бухгалтери, қишлоқ хўжалик корхоналари бухгалтери, ўрта ва кичик бизнес бухгалтерини (чунки бухгалтер корхона, ташкилот туридан қатъий назар, айни бир вазифани бажаради) ўз ичига олади. Ушбу барча ихтисослар касбий фаолияти турларининг кетма-кетлиги бир хил. Улар БКМ билан фарқланади, шунинг учун ушбу касбни ягона технологик жараён, деб тасаввур этиш мумкин.

Профессионал фаолиятнинг мазмун параметрлари тузилимасининг кўриниши қуйидагича («Бухгалтерия ҳисоби» ихтисоси мисолида).

**«Бухгалтер» ихтисоси бўйича касбий фаолият  
кўрсаткичларининг мазмуни**

Умумий талаблар (ишлаб чиқариш технологиясига мувофиқ фаолият турлари)	Махсус талаблар	Кўнинмалар	Билимлар
<ul style="list-style-type: none"> <li>■ ташкил этиш асослари ва тамойиллари. Корхоналарда бухгалтерия ҳисоби</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>■ қонун талаблари;</li> <li>■ эстетик талаблар;</li> <li>■ бухгалтерия меърий хужжатлари билан таъмин-</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>■ ҳисобга олишни ташкил қилиш;</li> <li>■ солиқ солишини қонучилик билан асос ва муайян давр бухгалтерия ҳисоби;</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>■ касб этикаси;</li> <li>■ «бухгалтерия ҳисоби» тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни;</li> </ul>


давоми

	<ul style="list-style-type: none"> <li>■ ҳисобчилик сиёсати</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>■ ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимидан фойдаланиб, ҳисобчилик сиёсатини ҳайта ҳисоблаш;</li> <li>■ корхонада молиялаштириш ва смета хужжатларини тузиш бўйича кўникмалар</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>■ бухгалтерия ҳисоби тамоилилари;</li> <li>■ иккиласми ёзув услублари;</li> <li>■ хўжалик ҳукуқи балансининг актив ва пассив ҳисоблари;</li> <li>■ тартибга солиш бўйича тавсиялар;</li> <li>■ содик солини қонунчиликни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг стандартлар бўйича бухгалтерия ҳисоби;</li> <li>■ бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш йўллари ва услублари;</li> <li>■ бухгалтерия ҳисобини автоматлаштиришнинг замонавий воситалари;</li> <li>■ ҳисобга олиш сиёсатини ишлаб чиқуш йўллари ва услублари;</li> <li>■ пул маблаглари айланниши операцияси ва уни ҳисобга олиш услублари;</li> <li>■ истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар ўргасидаги назорат ва ҳисоб;</li> <li>■ экспорт ва импорт операцияларини назорат қилиш ҳамда ҳисобга олиш ва ҳ.к.</li> </ul>
--	--	---	---

## Касб-хунар коллежи учун ўқув режаси модели

№	Фанларнинг номи	Иш ҳажми, соатларда	Умумий ҳажмдан % нисбатида
I	Умумтаълим фанлари	1940	42,5 %
II	КХТ фанлари (умум касбий ва маҳсус фанлар)	1180	25,9 %
III	КХТ педагогик кенгаши томонидан белгиланган фанлар	116	2,6 %
IV	Ўқув амалиёти	600	13 %
V	Ишлаб чиқариш амалиёти	648	14,3 %
VI	Диплом иши	76	1,7 %
	Умумий ҳажми	4560	100 %

2-схема

**Стандартлаштирилган фан дастурининг тузилиши****Намунавий ўкув режалари**

№	Фан номи	Ҳажм, соатларда
<b>I. Умумтаълим фанлари</b>		
1	Давлат тилида иш юритиш	80
2	Она тили ва адабиёт	114
3	Ўзбек (рус) тили	120
4	Чет тили	159
5	Тарих	158
6	Жамият ва шахс	33
7	Математика	200
8	Информатика	120
9	Физика	164
10	Астрономия	34
11	Кимё	80
12	Биология ва экология	80
13	Иқтисодий география	46
14	Ёшларни чақириқчача тайёрлаш	136
15	Жисмоний тарбия	170
16	Давлат ҳукуки	46
17	Маънавият асослари	34
18	Ахборот технологияси	34

давоми

19	Эстетика	34
20	Оила психологияси	41
21	Миллий истиқъол тоғаси тамойиллари	43
22	Ўзбекистон Конституцияси	34
	<b>Жами:</b>	<b>1960</b>
	<b>II. Каеб-хунар таълимни файлари</b>	
23	Ихтисосликка кириш	34
24	Иқтисодиёт асослари	114
25	Микроиктиносидёт	69
26	Статистика	69
27	Тадбиркорлар молияси	66
28	Пул муомаласи ва кредитлаш	70
29	Маркетинг асослари	34
30	Менежмент асослари	34
31	Бухгалтерия ҳисоби асослари	85
32	Солиқ солиш тизими	70
33	Молия бозори ва биржа фаолияти	70
34	Иш ўриниларини компютерлаштириши	54
35	Ҳаёт фаолияти хавфензилиги	30
36	Бухгалтерия ҳисоби	208
37	Аудит	64
38	Иқтисодий таҳдил	84
39	Таннарх калькуляцияси	36
40	Тармоқ технологияси	88
41	Бюджет тизими	88
	<b>Жами:</b>	<b>1384</b>
	<b>III. КҲҚ илмий-педагогик қенгашни томонидан белгиланган файлар</b>	
	<b>IV. Ўқув амалиёти</b>	
42	Ҳисоблаш услублари	108
43	Бухгалтерия ҳисоби	252
44	Иқтисодий таҳдил	180
	<b>Жами:</b>	<b>540</b>
	<b>V. Ишлаб чиқарни амалиёти</b>	<b>468</b>
	<b>VI. Диплом нити</b>	<b>76</b>
	<b>Ҳаммаси:</b>	<b>4560</b>

ТМ фаолиятининг натижадорлиги, умуман, у таълимнинг қандай сифатини кафолатлаши ҳамда таъминлаши билан белгиланади. Бу муайян таълим тизими ва унга мувофиқ педагогик жараён мавжуд бўлгандагина мумкин.

КҲҚдаги таълим жараёнининг аҳволи қўйидаги кўрсаткичлар:

- таълим дастурлари (ўқув режалари, ўқув дастурлари, педагогик технологиялар, таълим дастурларини бажариш шартлари) мавжудлиги ва уларнинг савияси билан;

- мұхандис-педагоглар таркибининг малака ва касб маҳорати дара-жаси билан;
- таълим жараёни иштирокчиларининг жисмоний ва маънавий со-гломлиги билан;
- ТМ ташкилий тузилиши билан;
- педагоглар жамоасидаги маънавий-психологик ва ахлоқий вази-ят билан;
- шахснинг ўз фикрини исходий ифодалаш, ўз имкониятларини ўзи рўёбга чиқариш, фикрлаш ва фаолият услубини эркин танлаш имконияти билан;
- ўкувчиликнинг умумий ўрта маълумоти даражаси билан белгила-нади.

Кўтчилик тадқиқотчилар (А. П. Беляева, Э. Ф. Зеер, А. Я. Наин, В. В. Шапкин ва бошқалар) таъкидлашича, касб-хунар таълими ўкувчилик томонидан меҳнат фаолиятининг функционал алгоритми эгал-ланишидангина иборат эмас. Гап таълим сифати кўрсаткичлари но-менклатурасини танлашда функционал саводхонлик ва ижтимоий ком-петентликни хисобга олиш тўғрисида бормоқда.

Таълим жараёнининг энг муҳим компоненти унинг ТМнинг муай-ян битирувчиси савиясида намоён бўладиган натижалариdir. Бу нати-жалар мутахассиснинг олган билимидан профессионал фаолиятда фой-даланиш, ишлаб чиқариш жараёнида бошқа кишилар билан ўзаро му-носабатда бўлиш қобилиятида ўз ифодасини топади. Лекин бунда натижа муайян норматив даражага мувофиқ бўлиши лозим. Айни шундай му-вофиқлик таълим сифатини умуман белгилashi мумкин.

Сўнти вақтларда кўзга ташланиб қолган КХТ сифати кўрсаткичла-рини таснифлашга айрим прогрессив ёндашувларни қайд этиб ўтамиз.

Касб-хунар таълими тизимида қуидагиларни таълим сифати па-метрлари тарзида кўриб чиқиш тавсия этилади:

- ўкув элементлари сони;
- фан мазмуни ва фаолиятни ўзлаштириш даражаси;
- фан мазмунини баён қилишни абстракциялаш босқичлари;
- ўзлаштирилган фаолиятни автоматлаштириш;
- фанни ўзлаштиришнинг англантлиги (В. П. Бесспалько).

Айрим олимлар ТМ ички эктиёжлари учун дидактик стандартларни кўриб чиқишни тавсия этишади. Улар КХТнинг ушбу жараённинг оралиқ ва пировард босқичларидағи сифатига нормалар, талаблар қўйишиади. Б. П. Бесспалько фикрича, дидактик стандарт битирувчи шахсининг диагностик тарзда таърифлаб берилган умумий таркибини ифодаламоғи даркор. Фикримизча, айни шу стандартлар ЎМКХТнинг ички сифат кўрсаткичлари учун асос бўлиб хизмат қила олади (В. П. Бес-спалько, В. У. Родионов).

Жамиятнинг долзарб эҳтиёжлари учун ижтимоий таълим стандартларини кўриб чиқиши тавсия этилади. Улар дидактик стандартларга асосланади ҳамда КҲҚ битирувчисининг ижтимоий билимлилигига қўйиладиган талабларни акс эттиради. Ушбу стандартлар таълим сифатининг ташки кўрсаткичлари учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Бундай ёндашувлар ЎМКҲТ тизими учун ҳам мақбул.

Сифатнинг ички кўрсаткичлари тавсифига батафсилоқ тўхтала-миз. Сифатни бошқариш умумий методологиясига мувофиқ:

- объекtnинг киришдаги сифати (бошланғич ҳолати);
- жараён сифати (оралиқ ҳолат);
- натижা сифати (белгиланган ҳолат) кўрсаткичлари кўриб чи-қилади.

Ушбу кўрсаткичлар таркибий қисмларини бошланғич ўзгартиришга татбиқан тасаввур этайлик. Улардан фойдаланиш қуладай бўлиши учун ушбу кўрсаткичларни уч гурухга: КҲҚ бошқарув ходимлари таркиби даражасидаги кўрсаткичлар; КҲҚ муҳандис-ўқитувчилар даражасидаги кўрсаткичлар ҳамда ўқувчилар даражасидаги кўрсаткичларга бўламиз.

Айрим кўрсаткичлар таркиби қўйидаги жадвалда келтирилган.

#### ЎМКҲТ ички сифат кўрсаткичлари таркиби (1-блок)

Кўрсаткичлар турлари	Кўрсаткичлар гуруҳлари		
	биринчи	иккинчи	учинчи
1-блок. ЎМКҲТ ички сифат кўрсаткичлари	1. КҲҚ бошқарув ходимлари таркибининг малакаси 2. Директор ва унинг ўринбосарларининг касбий функциялари таркиби 3. Месъёрлар: а) КҲҚнинг бошқарув ходимлари таркиби бутланганилиги; б) ўкув хоналари ускуналари; в) таълим жараёнининг жиҳозланиши; г) ўқувчилар ва педагоглар соғлигини сақлаш; д) санитария ва гигиена, ёнгинга қарши хавфсизлик; е) педагогик жараёни ташкил қилиш; ж) юридик ва ўкув-қиймут жузгожатларга риоя	1. Муҳандис-педагог ходимлар мала-каси 2. КҲҚ ходимларининг касбий функциялари таркиби 3. Нормалар: а) рўйхатдаги ходимлар билан бутлаш; б) ташқирий ва педагогик маданият; в) соҳавий, турли ларажадаги, инди-видуал иш дастурларини лойиҳалаш; г) ўқувчиларнинг касб-хунар таълимни сифатини аниқлаш учун назорат тоғирилди-лари банкини тузиш; д) педагогларга юкланган иш; е) ўқувчиларнинг нормал ўкув-касбий	1. Муайин коллежга кирайтганларнинг таянч билими нормалари 2. Ўқувчиларни касбий танлаш нормалари. Ўқувчиларнинг дарс ва дарслан ташқари вазифалари месъёрлари 3. Ўқувчиларнинг ўкув-касбий фаолияти режими месъёрлари ва бошқалар

<p>этеш ва бошқалар</p> <p>4. Бошқарув ходимлари томонидан ЎМКХТ сифатини оширишнинг прогноз қилиниши ва лойиҳаланишининг аҳволи</p> <p>5. КҲҚ ташкилий тузилмасининг аҳволи ва ЎМКХТ ҳамла КҲҚ савияси тўғрисида дастлабки ахборот</p> <p>6. Ўқувчилар касбхунар таълими сифатини тадқиқ қилиш инструментарийси ва бошқалар</p>	<p>фаолияти учун шароит яратиш ҳамда таъминлаш ва бошқалар</p>	
--	--	--

Таълим сифати кўрсаткичлари номенклатураси келтирилган рўйхат билан чекланмайди. Биз бирмунча умумлаштирилган, интеграл кўрсаткичларни келтирдик. Муайян ТМ фаолияти хусусиятидан келиб чиқиб, бундай кўрсаткичлар таркибини тўғрилаб бориш, уларнинг кейинги декомпозициясини амалга ошириш зарур.

Кўрсаткичлар номенклатурасини танлаш жараёнининг муҳим ўринларидан бири қуйидаги муайян принципларга:

- 1) мақбулликка (оптималик) – баҳоланаётган обьектнинг энг муҳим хусусиятларини акс эттирувчи сифат кўрсаткичларининг мақбул вариантини танлаб олиш зарур;
- 2) шакллантирилаётган кўрсаткичларнинг ишончлилиги ҳамда обьективлигига;
- 3) обьектнинг сифат кўрсаткичлари бир маънода талқин қилинишига;
- 4) кўрсаткичлар номенклатурасининг баҳолаш мақсадларига мувофиқлигига;
- 5) обьектнинг сифат кўрсаткичларининг унинг таянч кўрсаткичлари билан қиёсланувчанлигига ва бошқаларга риоя қилишдан иборат.

ТМ бошқарув ходимлари, муҳандис-педагог ходимлар таълим сифати параметрларининг эволюция босқичларини, уларнинг динамикасини таъминлашлари даркор. Бунга обьектнинг сифат кўрсаткичларини мунтазам кузатиб бориш ва бошқариш йўли билан эришилади. ТМда кўрсаткичлар номенклатурасини бир тизимга солиш, таснифлашни тайёрланаётган ҳар бир касб бўйича, умумтаълим, умумтехника ва амалий тайёргарлик бўйича ўхшаш тарзда амалга ошириш мумкин. Бироқ биз кўрсаткичларнинг келтирилган турларини кўриб чиқиши билан чекландик.

**ЎМКХТ ички сифат кўрсаткичлари таркиби (2-блок)**

Кўрсаткичлар турлари	Кўрсаткичлар гуруҳдари		
	бирингч	иккичи	учинчи
2-блок. «Жараён» сифат кўрсаткичлари	<p>1. КХКда таълим жараёнининг ахборот билан таъминланиш даражаси</p> <p>2. ЎМКХТ сифатига тъйсир кўрсатувчи шароит ва омилларни маъмур педагогик таҳдил қилишининг ахволи</p> <p>3. ЎМКХТ сифатини кузатиб боришнинг ахволи</p> <p>4. Муҳандис-педагог ходимларни самарали натижаларга эришиш учун умашдаражаси</p> <p>5. Ходимларнинг касбий малакасини оширишни ташкил қилишининг ахволи</p> <p>6. Ташкилий тузилмани ва таълим жараёнини бошқаришининг ахволи</p> <p>7. Инновацияларни ўзлаштиришни ташкил қилишининг ахволи</p> <p>8. Жамоада коммуникатив муносабатларни шакслантириш даражаси</p> <p>9. КХКда ўзини-ўзи бошқаришни ташкил қилишининг ахволи</p> <p>10. ТМнинг ташки мухит билан ўзаро муносабатлари даражаси ва бошқалар</p>	<p>1. Укувчиларни ЎМКХТники юкори сифат даражасига эришиш учун ижобий ундашни ташкил қилишининг ахволи</p> <p>2. Укувчиларни педагогик ташхис қилишининг ахволи</p> <p>3. Педагоглар томонидан турли педагогик технологиялар, методикаларни ишга солиши даражаси</p> <p>4. Педагоглар томонидан муайян фаолият шароитида, иосташарт вазиятларда профессионал-педагогик вазифаларнинг бажарилиши даражаси</p> <p>5. Ходимлар томонидан ўқитиши сифатининг назорат қилинishi, ўлчаниши, баҳоланиши ва таҳдил қилинишининг ахволи</p> <p>6. КХКда инновацияларни ўзлаштиришнинг ва талқиқотчилик фаолиятининг ахволи, даражаси</p> <p>7. Укувчиларнинг мустақил билим олишининг, дарсдан ташқари фаолиятининг ахволи</p> <p>8. Педагогларнинг ўзаро ва укувчилар билан муносабатлари даражаси</p> <p>9. Фаолият, фан, касб бўйича ўкув-методик иш натижаларини ўзи таҳдил қилишининг ва амалга оширилётган мустақил ишнинг талқини даражаси ва бошқалар</p>	<p>1. Укувчиларнинг ўкув-касбий фаолилиги даражаси</p> <p>2. Укувчиларнинг машгулотлар: назарий ва амалий таълим, амалёт ва ўқишидан ташкари вақғлаги ўкув-касбий фаолиятининг унумдорлиги</p> <p>3. Укувчиларнинг мустақил билим олиши, ўзини-ўзи назорат қилиши даражаси</p> <p>4. Укувчиларнинг ижтимоий фаолитни даражаси ва бошқалар</p>

### ЎМКХТ ички сифат кўрсаткичларни таркиби (3-блок)

<b>3-блок.</b> <b>«Натижা» сифат кўрсаткичлари</b>	<p><b>I. Бошқарув ходимлари ва муҳандис-педагоглар таркибининг биргаликдаги фаолияти натижалари кўрсаткичлари</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Таълим жараёнининг тегишли бўлинмаларида бошқарув ходимлари ва педагоглар фаолиятини интеграциялаш даражаси</li> <li>2. Инновацияларни ўзлаштириш даражаси</li> <li>3. Янги ахборот технологияларини ўзлаштириш даражаси</li> <li>4. Ташкилий маданият даражаси</li> <li>5. КҲКда ижтимоий-ишлаб чиқаришни ташкил қилишининг аҳволи</li> <li>6. Ўкув материалини танлаш, унинг мазмунини мослаштириш, таълим жараёни технологиясини лойиҳалаш, педагогик воситаларни танлашнинг аҳволи</li> <li>7. Таълим жараёнини илмий-услубий таъминлашнинг аҳволи</li> <li>8. Ўкувчиларни бошлангич ўзлартиришни ташхис қилиш, прогнозлаш, унинг боришини ва натижаларини таҳлил қилишининг аҳволи</li> <li>9. КҲКла касбга йўналтириш хизматининг аҳволи</li> <li>10. Бошқарув ходимлари ва педагогларнинг шахсий меҳнатини ташкил қилишининг аҳволи</li> <li>11. Ягона педагогик талабларни бажаришнинг аҳволи</li> <li>12. Бир мутахассисни тайёрлашга қилинадиган сарф-харажат</li> <li>13. Моддий-техника воситаларини ва бошқаларни фойдали тасарруф этиш коэффициенти</li> <li>14. Ўкувчилар контингентини сақлаб қолиш ва бошқалар</li> </ol> <p><b>II. Педагоглар ва ўкувчиларнинг биргаликдаги фаолияти натижалари кўрсаткичлари</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ўкувчиларнинг жисмоний ва маънавий соғломлиги</li> <li>2. КҲКла тайёрланган мутахассислар сони</li> <li>3. ЎМКХТ касб-хунар таълими стандартларини ўзлаштириш; ўкувчиларнинг ижтимоий хабардорлиги; уларнинг мустақил билим олишга тайёрлиги даражаси</li> <li>4. Ўкувчилар томонидан ички кун тартиби меъёрлари ва қоидаларига; ахлоқий ва этикавий хулқ-атвор меъёрларига риоя этилишининг аҳволи</li> <li>5. КҲКла чиқарилаётган маҳсулот миқдори ҳамда сифати ва бошқалар</li> <li>6. Касб-хунар таълими дастурлари бажарилишининг сифати ва бошқалар</li> </ol>
---	--

## II. З. КАДРЛАРНИ КАСБИЙ ТАЙЁРЛАШ СИФАТИ ВА УЛАРНИНГ РАҶОБАТБАРДОШЛИЛИГИ<sup>1</sup>

ХХ аср охирида саноати ва интеллектуал ривожланган мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий мусобақа фан, техника, технологиялар ва бунинг оқибати ўлароқ, таълим соҳасига кўчди, чунки рақобатта бардош берадиган кадрларни тайёрламай туриб, рақобатлашувга қодир иқтисодиёт ҳам бўлмайди.

Касб-хунар таълимининг иқтисодий функциялари жамиятни ривожлантиришда тобора муҳимроқ аҳамият касб этмоқда. Барча дараҷадаги рақобатбардош кадрлар тайёрлашда касб-хунар таълимининг фан ва ишлаб чиқариш билан алоқаси қанчалик кучли бўлса, унинг самарадорлиги шунчага катта бўлади. Чунончи, АҚШда олий касб-хунар таълими 1990 йилда 150 млрд доллар даромад келтиргани ҳолда, 1991 йилда бу таълимга 134 млрд доллар харажат қўлинганди.

Ривожланган мамлакатларда мутахассислар тайёрлашда шахс ва жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ҳамда маданий эҳтиёжларини қондирувчи касб-хунар таълими дастурлари ранг баранг бўлишига катта эътибор берилади. Ушбу ранг-баранглик касб-хунар таълими мослашувчан бўлишига олиб келади ва ўзгариб бораётган шароитта тез мослашишни таъминлайди.

АҚШ, Германия, Япония, Франция, Англия ва бошқа ривожланган мамлакатларда мутахассис тайёрлаши тажрибаси таълимининг энг муҳим вазифаси интеллектни ва мантикий фикрлашни машқ қилдиришдан иборатлигини кўрсатмоқда. Бу масалани ҳал этишда ўқувчиларнинг мустақил ишлашининг роли муҳим бўлиб, у мутахассис ўзининг касбий, маънавий ва маданий савиясини бутун умри давомида такомиллаштириб бориши учун жуда зарур бўлган мустақил билим олиш кўнкимасини ривожлантиради.

Ўзбекистон Республикасида касб-хунар таълими, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувоғиқ, рақобатбардош кадрларни мамлакатимизда ва чет элларда фан, техника, технология ҳамда иқтисодиётнинг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда мутаносиблик тарзида кадрларни тайёрлашни амалга оширади. Рақобатбардош мутахассисларнинг янги авлоди истиқбол масалаларни қўйиш ва ҳал қилиш қобилиятига, юқори фикрлаш маданияти ҳамда илмий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий ахборот бобида мустақил йўналиш олиш маҳоратига эга бўлиши даркор.

Замонавий мутахассис табиий-илмий ва касб-хунар билимигагина эмас, балки ўзининг **маънавияти ва маданиятини** белгиловчи гуманитар билимларга ҳам эга бўлиши даркор. Ахлоқийликдан маҳ-

<sup>1</sup> Ушбу бобда Олий ва ўрта маҳсус мактаб муаммолари институти материалларидан, К. Р. Аллаев, Л. В. Перегудов, А. У. Салимов, Б. Раҳимов, Э. З. Имомов, К. И. Рӯзиев ва бошқаларнинг тадқиқотларидан фойдаланилди.

рум мутахассис қабул қилинаётган қарорларнинг ҳақиқий оқибатлари учун ўзига ҳам, жамиятга ҳам жавоб бера олмайди. Мамлакатимиз таълим тизимининг мақсади, вазифалари, жараёни ва натижасининг туб фарқи шунда.

Юқорида таъкидланганидек, касб-хунар таълимидан кўзланган асосий мақсад *рақобатбардош кадрлар тайёрлашни таъминлаш ҳамда рақобатбардош таълим хизмати кўрсатишдан иборат*.

Ислоҳотларгача бўлган даврда, барча даражадаги кадрларни тайёрлаш сифати паст бўлганлиги оқибатида, бу мақсад тўлиқ бажарилмасди.

Республикадаги хунар-техника билим юртлари асосан иккинчи разрядли, малакаси паст ишчи кадрларни тайёрлар эди. Уларни ишлаб чиқаришда юқори малакали қилиб «етишириш» учун кўп вақт ва маблағ талаб этиларди.

Паст сифатли мутахассисларни тайёрлаш, айрим истиснолар билан олий таълимга ҳам хос эди. Бунинг сабаби кўп даражада:

- мутахассисларни оммавий чиқариш, республика иқтисодий ва ижтимоий ҳаётининг асоссиз эҳтиёжлари, бу ҳол соҳта лавозимлар номенклатураси ортишига олиб келди. Бу омил олий маълумотнинг нуфузи ва унинг сифат кўрсаткичларига қўйиладиган талаб пасайшини келтириб чиқарди;

- олий маълумотли мутахассислар меҳнати натижалари ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан қадрсизланиши. Янги техника ва технологияни яратадиган мутахассис ўзининг ижоди натижаларини рӯёбга чиқарадиганлардан кам маош оларди. Айни маҳалда юқори малакали мутахассисларнинг кўпчилиги ўрга бўғин мутахассисларига хос касбий вазифаларни бажаришарди;

- мутахассислар тайёрлаш ва улардан фойдаланишда **рақобатчилик шароити йўқлиги**, бу ҳол уларнинг таълими сифатига қўйиладиган талаблар жиддий пасайишига олиб келди.

Мазкур сабаблардан ташқари, тайёрлаш жараёнида сифатни яхшилаш кўзда тутилмаган, бир хил даражадаги қатъий чекланган олий таълим тизими ҳам мутахассислар тайёрлаш сифатининг пасайишига олиб келди. Одатда, қанча қабул қилинган бўлса, шунча мутахассис чиқариларди (озгина сараланиш бундан мустасно), тўғрироғи, шунча олий маълумот тўғрисидаги диплом бериларди. Бунда, одатда, рақобатбардош потенциал мутахассислар барча битирувчиларнинг 7—12 %дан ошмасди.

Касб-хунар таълимининг барча даражаларида шундай кадрлар тайёрлашнинг натижаси кўпчилик битирувчиларнинг сифати пастлиги ҳамда рақобаттага дош беролмаслигидан иборат бўлдики, бу мустақил

Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишида жиҳдий иқтисодий зиён етказди.

АҚШ, Германия, Япония, Франция ва бошқа ривожланган мамлакатлар тажрибаси барча даражалардаги кадрлар тайёрлаш сифати ва уларнинг рақобатбардошлигига:

- таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг жипс алоқаси;
- таълим муассасалари типларининг ва фан, техника, технология ҳамда иқтисодиётнинг энг сўнгги ютуқлари асосида ишлаб чиқилган касб-хунар таълими дастурларининг хилма-хиллиги;
- касб-хунар таълими тизимини иқтисодиётнинг устувор ҳамда даромад келтирадиган тармоғига айлантириш;
- таълим муассасаларини замонавий ўқув-услубий адабиётлар ҳамда моддий-техника базаси билан таъминлаш;
- касб-хунар таълими тизимиға юқори малакали ўқитувчилар ва мутахассисларни жалб этиш;
- таълим жараёнини компютерлаштириш ва ахборотлаштириш;
- кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш ва баҳолашнинг объектив тизимини кўллаш;
- ақл-идрокнинг ривожланиши, ўлчаниши ва баҳоланиши, қобиляйтлар ва шахсий фазилатлар муаммоси, шунингдек, касбга йўналтириш муаммоси бўйича психологик-педагогик тадқиқотларни баҳариш;
- ўқитувчиларнинг моддий ва ижтимоий жиҳатдан юқори даражада ҳимояланганлиги туфайли таъминланади.

Барча даражадаги рақобатбардош кадрлар тайёрлаш стратегияси негизида уларни тайёрлаш сифатини уч асосий босқичда таъминлашга мажмуавий ёндашув ётади.

*Биринчи босқичда* мутахассисларга бўлган эҳтиёж прогноз қилинади ва улар олдига кўйиладиган талаб белгиланади, яъни, мутахассис модели яратилади. Бунда сифатнинг ўсиб борувчи даражаси белгиланади.

*Иккинчи босқичда* мутахассисларни тайёрлаш амалга оширилади, у белгиланган сифат даражасини таъминлаши зарур.

Ниҳоят, мутахассислардан профессионал фаолиятда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган учинчи босқичда таъминланган сифат даражаси ҳам ўз устида узлуксиз ишлаш йўли билан, ҳам маҳсус таълим муассасаларида малака ошириш йўли билан оширилиши керак.

Ушбу стратегиянинг хукуқий асоси Давлат таълим стандартлари ва талаблари, меъёрий хужжатлар, низомлар ҳамда таълим муассасининг мақомини, моддий-техника базасини, молиялаштирилишини, ўқитувчилар таркибини, ўқув-илмий-ишлаб чиқариш ва бошқа фаолиятини белгиловчи бошқа хужжатлардир.

Рақобатбардош кадрларни тайёрлаш учун касб-хунар таълимида стандартлаштириш *ўсиб бориши* лозим. Унинг моҳияти амалда эришилган меъёрларга нисбатан *юқори ва сифат жиҳатдан янги талабларни* белгилашдан иборат. Ўсиб борувчи таълим стандартларида мутахассислар битириш вақтига келиб ўша пайтдаги фан, техника, технологиялар ва иқтисодиёт ютуқлари даражасига мувофиқ келишлари лозим бўлган талаблар даражаси бўлиши лозим.

Таълимдаги стандартлаштириш мажмуи ҳам бўлиши лозим.

**Биринчидан**, у касб-хунар таълими узлуксизлигини ва узвийлигини таъминлаган ҳолда, кадрлар тайёрлашнинг оддий ишчидан тортиб юқори малакали мутахассисгача ўзаро боғлиқ даражасини қамраб олиши лозим.

**Иккинчидан**, таълим стандартлари мажмуи мутахассисни шакллантиришнинг барча босқичларини ўз ичига олиб, улар ўртасида мустаҳкам ўзаро алоқани таъминлаши даркор.

**Ниҳоят, учинчидан**, Ўзбекистон Республикасининг таълим стандартлари, сифатли мутахассис тайёрлаш ва уни баҳолашга ягона ёндашувни таъминлаш учун халқаро талабларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ҳамда такомиллаштирилиши зарур. Бу рақобатбардош кадрларни тайёрлаш ва улардан фойдаланишда халқаро тажрибани ишга солиши ҳамда интеллектуал соҳада мустаҳкам ҳамкорликни ташкил қилиш имконини беради.

Юқорида келтирилган стратегия ва ривожланган мамлакатлар тажрибасига мувофиқ кадрларни тайёрлаш ва уларнинг рақобатбардошлиги сифатини оширишнинг асосий йўналишлари қўйицагилардан иборат:

1. Шахсга касбни ўз ихтиёри билан танлашда ва меҳнат бозоридаги эҳтиёжлар, имкониятлар ҳамда ижтимоий-иктисодий вазиятни ҳисобга олган ҳолда бандликнинг мақбул турини танлашда кўмаклашишни таъминловчи, шунингдек, ёшларнинг табиий қобилиятини қўллаб-қувватловчи ва тараққий этирувчи касбга йўналтириш тизимини ривожлантириш. Ҳозирги вақтда бу иш билан психологик-педагогик ташхис ва ўқувчиларни касбга йўналтириш марказлари шугулланишмоқда.

2. Тармоқ ва минтақа иқтисодиёти учун интеграциялашган таълим муассасалари доирасида рақобатбардош кадрларни тайёрлаш учун таълим, фан ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш.

3. Халқаро стандартлар негизида, фан, техника, технологиялар ва иқтисодиётнинг замонавий ютуқларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган ўсиб борувчи ва мажмуавий таълим стандартларини қўллаш.

4. Барча даражадаги мутахассисларнинг малака тавсифини меҳнат бозорининг ўсиб борувчи талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиши.

5. Таълим жараёнида энг янги педагогик, ахборот, компьютер технологиялари ва бошқалар қўлланилишини ҳисобга олган ҳолда, бир типдаги ўкув режалари ҳамда дастурларини такомиллаштириш.

6. Таълим жараёнида ўқитишининг аудиовизуал услубларини, ахборот технологияларини кенг қўллаш.

7. Барча даражадаги мутахассисларни тайёрлаш сифатини ўтчаш ҳамда баҳолаш бўйича илмий асосланган тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

8. Касб-хунар таълими муассасаларини замонавий ўкув, илмий ва услубий адабиётлар, шунингдек, моддий-техника базаси билан таъминлаш.

9. Касб-хунар таълимининг барча даражаларида ишлаб чиқариш таълими (амалий таълим)ни сарфлаш материаллари билан таъминлаш.

10. Касб-хунар таълими тизими тузилиши (янги типдаги таълим муассасалари) ва сифатини ислоҳ қилишни ҳисобга олган ҳолда ўқитувчиларни қайта тайёрлаш.

11. Таълим муассасалари фаолиятини назорат қилишнинг меъёрий асоси ва талабларини такомиллаштириш.

12. Таълим муассасаларини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш ҳамда молиялаштириш меъёrlарини саноати ва интеллектуал жиҳатдан ривожланган мамлакатлар даражасига кўтариш.

13. Республиканинг рақобатбардош кадрлари салоҳиятини турли даражадаги ишловчи ва қўли бўш мутахассислар ҳисобига тиклаш.

14. Барча даражадаги кадрларни мақсадли тайёрлашни ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш.

15. Касб-хунар таълими сифатини назорат қилишнинг ягона тизимини шаклантириш.

**Кўйидагиларни таълим сифатини бошқаришнинг умумий функциялари** сифатида кўриб чиқамиз:

1. ТМни ривожлантириш стратегиясини Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларида расман таърифланган таълим сифатининг асосий йўналишлари ҳамда мақсадларига ва тегишли меъёрий-хуқуқий хужжатларга мувофиқ белгилаш.

2. Таълим сифатини лойиҳалаш. У сифатни бошқариш жараёнига асос бўлади. Бу функция истеъмолчиларнинг малакали кадрларга бўлган талабини мунтазам ўрганиш, мутахассислар, стандартлар мо-

делини таҳлил қилиш негизида амалга оширилади. Бунинг учун таълим сифатини тавсифловчи муайян кўрсаткичларнинг шакллантирилган тизими бўлиши зарур. Барча иш сифатни ўлчаш ва баҳолашнинг миқдорий услубларига асосланган бўлиши лозим.

3. Таълим сифатини мониторинг қилиш, яъни таълим тизими-нинг амал қилиш жараёнини мунтазам кузатиш, унинг аҳволини кузатиб бориш. Бундай кузатиш натижалари таълим сифатини объектив баҳолаш ҳамда педагоглар жамоаси фаолиятининг кейинги йўналишини прогноз қилиш имконини беради.

4. Таълим сифати тизимини (сифат кафолатини) таъминлаш. Бунга бошқарув ходими томонидан ташқилий тузилмани яратиш, мажбуриятлар ва масъулиятни тақсимлаш, ўқитишининг тегишли методикаларини, технологияларини таъминлаш, моддий ва молиявий захиралардан самарали фойдаланиш, педагогик жараённи амалга ошириш сингари тадбирлар киради. Бошқарув ходимининг масъулияти ва раҳбарлик роли сифат тизимини таъминлашнинг зарурий шартидир.

Бошқарув ходимларининг сифатни шакллантириш омилларига таъсирини сифатни бошқаришнинг муҳим функционал элементларига киритиш мумкин.

**Куйида касб-хунар таълими сифатини бошқаришнинг ё давлат даражасида ёки идоралараро ва тармоқ даражасида амалга ошириладиган айрим жиҳатлари келтирилади.**

**Касб-хунар таълими сифатини кафолатлаш** — ТМ билан таълим олувчи ўртасидаги битим (келишув) асосида режалаштирилган ва эришилган натижаларни таъминлаш. Бу қабул қилинган ДТС, ISO меъёрлари, шунингдек, натижалар ва нормативларга йўналтирилган ёндашувларга (EN 450) боғлиқ.

Сифатни кафолатлаш барқарор натижаларга эришишга қаратилган сиёсатга хизмат қиласди. У таълим олувчи натижаларини баҳолаш хусусиятига таъсир кўрсатади.

Сифатни кафолатлаш таълим жараёнини шакллантирувчи сифатлар параметри негизида ётади.

Бутунги кунда сифатни кафолатлашга битирувчиларнинг малака стандарти таълабларига мувофиқдигини назорат қилишдан кўра кўпроқ баҳолаш стратегияси орқали эришилади.

Сифатни кафолатлаш ТМ ходимларини ихтисослаштириш ва юқори малакали ўқитувчилар ҳамда бошқарув ходимлари томонидан амалга ошириладиган яхлит таълим жараёни сифатини ошириш муаммосини олдинги қаторга чиқаради.

Сифатни кафолатлаш сифатни бошқаришга қўйиладиган муҳим таълабга айланади. Бироқ сифатни бошқариш оғишларни аниқлашдан кўра кўпроқ уларни бартараф этишга тааллуқлидир.

*Сифатни бошқариш мақсади* — сифатни кафолатлаш талабларини бажариш, шунингдек, таълим параметрларини ўзгартириш фойдасига халқаро ва давлат, ички ҳамда ташқи даражаларда микдорий ва сифатий баҳолашга таъсир кўрсатиш воситасида фаолият барқарорлигини ошириш.

Сифатни кафолатлашда бу соҳадаги халқаро тажриба ҳисобга олинади ҳамда миённй даражадаги таълим муассасаларини, шунингдек, давлат амалдорлари ва бошқа манфаатдор иштирокчиларни ўз фаолиятини халқаро стандартлар билан қиёслаш йўли билан баҳолашга ундаиди. У ишга жойлашиш сифатини аниқлаш, очиқ-оидинликни таъминлаш ва фаолиятнинг хилма-хил турларини қиёслаш учун муҳим. Шу боис, у айни маҳалда мақсад, жараён ҳамда натижা сифатида воқе бўлади.

Сифатни кафолатлаш талаблари таълим жараёнини ўзгартиришни юксак даражада рағбатлантиради. Сифатни кафолатлаш билимларнинг факат ўқитувчилар томонидан берилиши стратегияси ўрнига инновацион таълим соҳасидаги кашфиётлар стратегиясига афзаллик берган ҳолда таълим жараёнини қўллаб-куватлайди.

Сифатни кафолатлаш соҳасидаги ҳозирги сиёsat янги билим олиш жараёнинг асосланади, бунда ушбу жараённи белгиловчи ўқувчининг позицияси фаол бўлади. Ўқитишиш кўпроқ тадқиқотчилик фаолияти ва уни янги технологияга таянган ҳолда қўлланиш билан боғлиқ.

Сифатни кафолатлаш таълим олаётганлар, ўқитувчилар, шунингдек, таълим соҳасидаги масъул ҳокимият тузилмаларига таълимнинг конкрет натижаларини умумий ва очиқ меҳнат бозори доирасида олинган натижалар билан қиёслаш имконини беради.

Давлат томонидан тизимнинг манфаатдор иштирокчилари билан биргаликда касб-хунар таълимида сифатни кафолатлаш тизими жорий этилиши билан сифатни таъминлашнинг малака стандартлари асосида янгича марказлашувни ТМ даражасида марказлашувдан чиқиши талаблари билан кўшиб олиб борувчи тизим яратилди.

*Таълим сифатини кафолатлашни таъминлашга институционал ёндашув.* Таълим сифатини кафолатлашни таъминлашга бундай ёндашув таълим муассасининг тузилиши, ташкил этилиши ва фаолиятини такомиллаштиришга асосланган.

Ўкув режалари ва таълимга тегишли харажатларни; таълим олаётганларни баҳолаш воситалари ва сертификациялашни; ўқитувчилар, кураторларнинг мослигини баҳолашни; ускуналар ва хоналарнинг мувофиқлигини баҳолашни меъёрий хужжатлар ва стандартлар белгилаб беради.

Бутун институционал жараённи (таълим беришни режалаштиришдан тортиб уни амалга оширишгача) баҳолаш учун қатор мезон-

лар мавжуд бўлиб, конкрет таълим муассасасининг таълим хизматлари бозорига мувофиқлигини улар билан қиёслаш орқали амалга оширилади. Уларга қуидагилар киради:

- ўкув режалари, ДТСда санаб ўтилган соҳаларга ўқитиш нуқтаи назаридан;
- ўқитувчилар, маъмурий ва ёрдамчи таркибнинг юқори касб маҳорати;
- таълим жараёнининг мазмунини мувофиқлаштириш ва таълим олувчиларни корхоналарга ишлаб чиқариш амалиётига йўллаш учун ТМнинг иш берувчилар билан ўзаро муносабати;
- касб-хунар тайёргарлиги мақсадлари йўлида ускуналарнинг яроқлилигини текшириш;
- таълим олувчиларни танлаш жараёни;
- малака имтиҳонларини ўтказишни ташкил қилиш — битирувчиларни олган ихтисоси бўйича ишга жойлаштириш.

Институционал ёндашувда сифатни баҳолаш таълим бериш тугаб, битирувчи ишга жойлашгандан кейингина (ёки ишга жойлашиш имконсиз бўлса) тўла ўтказилиши мумкин. Касб-хунар таълими сифатини назорат қилиш анъанавий методлар билан, яъни эришилган натижа режалаштирилган талабларга мувофиқлигини якуний текшириш орқали амалга оширилади (бунда институционал тайёрлашда жараённи 9000 меъёрга йўналтирган ҳолда ISO стандартларидан кўпроқ фойдаланилишигина янгиликдир).

**Натижалар сифатига асосланган ёндашув.** Бизнинг давримизда ривожланган мамлакатларда сифатни кафолатлаш билим асосида ёндашув орқали амалга оширилади.

Диққат марказида таълим жараёни эмас, балки таълим олувчилар намойиш этган касб-хунар билимида ифодаланган натижаларни баҳолаш туради.

Билимни, у қаерда эгалланганидан қатъий назар, намойиш этиш мумкин. Ушбу концепциянинг моҳияти билимни баҳолаш мақсадида уни намойиш этишдадир.

Ёндашув билимни намойиш этишни ўкув дастури таркибидан ажратиб турадики, билим ушбу дастур жараёнида эгаллангандир. Ёндашув:

- индивид бирон-бир ишни бажариш ёки ишлаб чиқариш жараёнидаги реал вазиятда натижага эришиш маҳоратини намойиш этишини;
- таълим бериш исталған жойда (корхонада, ўкув юртида, жамоат ташкилотида) ўтказилишини;
- баҳолаш таълим бериладиган жой билан боғлиқ бўлмаган учинчи томондан (имтиҳон қилувчи орган) бажарилишини;

■ сертификат берувчи ташкилот ҳеч кимга афзаллик бермаган ҳолда барча томонларнинг манфаатларини тенг даражада ифодалашни назарда тутади.

Европанинг кўпчилик давлатларида иккала ёндашувдан ҳам фойдаланилади.

**Касб-хунар таълимида ISO ни қўллаш.** Сифатни кафолатлашнинг барқарор тизимини яратиш кўплаб элементларни ўз ичига олади. Farb давлатлари ISO 9000 нормаси асосидаги сифатни кафолатлашни афзал кўрадилар.

BN ISO 9000 меъёрлар серияси Европа Стандартлаштириш Кўмитаси томонидан қабул қилинган. Бу серия ISO 9000 дан ISO 9004 гача бутун жаҳонда ёйилган.

ISO стандартлари глобал истиқболда касб-хунар таълими тизими учун сифатни кафолатлашнинг ташкил этилишини белгилаб беради.

ISO стандартлари таълим хизматлари истеъмолчисининг табларини дастлабки нуқта сифатида қабул қилиб, сифатни таъминлашнинг таркибий ва процессуал ташкил қилинишини тавсифлайди.

Таклифга йўналтирилган КХТ тизимидан талабга йўналтирилган касб-хунар таълимига ўтиш муҳим роль йўнайди.

ISO ни сертификатлаш принципи шундан иборатки, сифатни кафолатлашни таъминлаш тартиби сифатни жойларда текшириш ва баҳолашга асосланган.

ISO 9000 маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни сифатини, айни вазиятда таълим хизматлари кўрсатиш сифатини кафолатлашнинг бутун дунёда қўлланиладиган стандартини белгилаб беради.

ISO 9000 меъёрларига қўшимча яна учта меъёр бор.

ISO 8402 стандартлари сифатни бошқариш атамаларининг таърифини ўз ичига олади.

ISO 10011 меъёрлари сифат аудити бўйича фаолиятта тааллукли, 10013 меъёрлари эса сифатни бошқариш натижалари тўғрисидаги ҳужжатларни ҳисобга олиш китоби тарзида тузиш бўйича бошқарув қоидаларни ўз ичига олади.

ISO 9000 стандартларига 9001 дан 9003 гача бўлган стандартлар кўшилган. 9004 меъёрига сифатни ички бошқариш тузилмаси бўйича дастуриламаллар киради.

ISO стандартларини қўллаш марказида сифатни кафолатлашни таъминлаш учун сифатни бошқаришни ривожлантириш ётади. Тартибда ISO 10013 меъёрлари асосида тузилган сифат бўйича методик қўлланмага таянилади.

9000—9004 стандартлари алоҳида олинган ҳар бир мамлакатда КХТ сифатини кафолатлашни таъминлашда ҳал қилувчи бўлиб бормоқ-

да, лекин улар иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида сифатни кафолатлаш тизимини байналмилалаштириш йўлида қўйилган алоҳида қадам ҳамдир.

Давлат касб-хунар таълимида сифатни кафолатлаш жараёнини тобора кўпроқ бошқармоқда. Буни, биринчи навбатда, таълим олувчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича қонунчилик мевъёрларини қабул қилиш билан амалга оширмоқда.

КХТни ташкил қилинда юқори сифатни таъминлаш учун қонунчилик асосидан ташқари кўпроқ бозор томонидан бошқариладиган тартибга солувчи механизмлар ишлаб турибди, масалан, DIN ISO 9000 плюс немис стандарти; сифат учун халқаро мукофотлар; таълим хизмати кўрсатувчилар фаолиятининг юқори натижалари учун минтақавий професионал бирлашмалар томонидан топшириладиган мукофотлар бор.

Сўнгги йилларда Европа мамлакатларида КХТ сифатини бошқарища Сифатни Умумий Бошқариш (TQM)нинг бозор механизмларини яратиш тамойили кўзга ташланиб қолди. Бунда мезонлар:

- таълим хизмати истеъмолчилари эҳтиёжини қондириш, КХТнинг муҳим вазифаларидан бири сифатида;
- сифатни бошқариш, мунтазам жараён сифатида;
- сифатни бошқариш, бошқарув ходимлари учун вазифа сифатида;
- сифатни назорат қилиш тизимини яратишдан иборат.

TQM мевъёрлари сифатни текширишнинг таълим хизматлари ёки КХТ турларига боғлиқ бўлмаган, бироқ умуман сифатни кафолатлашни таъминлашни ўз ичига олувчи умумий методларни таъминлашини қайд этиш муҳим.

ЕИ Комиссияси ҳамда Европа Касблар Эркин Ассоциацияси томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган EN 45013 стандартининг жорий этилиши миллий даражадаги сифатни кафолатлашни халқаро талаблар билан қиёслаш жараёнини таъминлайди ҳамда давлат ҳокимияти тузилмаларига ва ижтимоий шерикларга объектив қиёслашни амалга ошириш имконини беради.

EN 45013 стандарти, шунингдек, КХТ нодавлат шаклларини ривожлантириш, уларни аккредитациялаш, аудит қилиш ва текшириш учун асос бўлиб ҳам хизмат қиласди. ISO мевъёрлари таълим хизматлари очиқ бозорининг дастлабки шарти бўлган, КХТ миллий тизимларининг очиқ-оидинтигини, шунингдек, ЕИ аъзоси бўлган барча мамлакатларда конкрет касб ёки ихтисос бўйича сертификатларни ўзаро тан олиш учун ҳам кучайтиради.

### *Таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолаш.*

Баҳолашни таълим тизими стратегияси мувофиқлигининг, самарадорлигининг ва уни рўёбга чиқаришнинг кейинги таҳлилини мақсад қилиб қўйган жараён деб белгилаш мумкин.

Баҳолашнинг муҳимлиги у юз бераётган ўзгаришларни мониторинг қилиш, тизимнинг ҳамда унинг таркибий қисмларининг кучли ва заиф томонларини имкон қашар илк босқичда аниқлаш учун ҳамда ушбу тизимнинг самарали (самарасиз) амал қилишини, сабаблари билан бирга, тавсифлаш учун хизмат қиласиган восита эканлигидан келиб чиқади.

Муваққат кўрсатгичлар нуқтаи назаридан қарагандা, баҳолашдан мақсад — ўтган фаолиятнигина эмас, балки жорий фаолиятни ҳам баҳолаш, шунингдек, истиқбол учун тавсиялар ишлаб чиқишидир. Устига устак, баҳолаш турли вақтларда ва турли минтақаларда амал қилиб турган хилма-хил тизимлар ҳамда уларнинг таркибий қисмларини қиёслаш учун муҳим воситадир.

Баҳолаш процедураси бошқариш ҳамда режалаштиришнинг қудратли механизмидир, чунки у стратегик қарорлар қабул қилаётган шахсларга ўзлари таъниланган нарсанни ташкилий ва таълим даражаларида текширишга кўмаклашади. Баҳолаш таълим тизимининг умумий ривожланиши учун ҳаётий зарурат. Баҳолаш аудитория, алоҳида ўқувчининг фаолиятини баҳолаш доирасидан анча ташқари чиқади ва умуман бутун тизимни қамраб олади.

**Баҳолашдан мақсад** — таълим тизими ва унинг таркибий қисмлари ДТС асосида тавсифланиши мумкин бўлган кўрсаткичларнинг умумий шкаласини таъминлаш. Шу маънода баҳолаш жараёни таълим тизимларини қиёслаш ва уларнинг таркибий қисмларини вақт, минтақа ёки концептуал кўрсатгичлар бўйича баҳолаш учун зарур маълумотлар тақдим этади.

Сифатни кафолатлашнинг яна бир жиҳати таълим олувчиilar учун таълим сифатининг юқори даражасини таъминлашди. Масадан, ISO стандартлари ва таълим натижаларини баҳолашнинг ўзгариб бораётган тизимлари ёрдамида индивидуал ўқув фаолияти натижаларини сифатни кафолатлашга ургу берган ҳолда баҳолашнинг янги тизими ривожланмоқда. Таълим хизматларининг стандартларга мувофиқлигини назорат қилиш ва баҳолаш билан бирга, тайёрлаш ишини амалга ошираётган педагог ҳодимлар юқори малакали ва яхши шаклланганлигига ишонч ҳам бўлиши зарур. Бунда сифатни бошқариш фаолияти оғишларни аниқлашга қаратилганидан кўра кўпроқ шароит яратишга (стандартлардан оғишнинг олдини олишга) қаратилади. Бу стратегия TIMSS, PISA сингари ва ҳоказо янги миллий ҳамда халқаро тест тизимларини жорий этиш билан олиб борилади.

Умумий ва касб-хунар таълимида марказлаштирилган умумий тестларни яратиш билан бирга ташқи, ички ва марказлаштирилган баҳолаш тизими вужудга келади, шунингдек, таълим олувчиларнинг ўзлаштиришини назорат қилиш тизими таълим бериш тутаганидан кейин

эмас, балки таълим бериш даврида баҳолашнинг улар учун қулай бўлган доимий тартибини жорий этиш воситасида ўзгаради. Европада таълим олувчини рағбатлантирувчи, шакллантирувчи баҳолаш тизими деб аталувчи энг муваффақиятли баҳолаш тизими шотландиялик тадқиқотчилар томонидан ишлаб чиқилган. Баҳолаш тизимининг дикқат марказида «мусбат» ёки «манфий» категориялари орқали баҳоланадиган якуний тестдан ўтказишнинг пировард натижасини назорат қилиш ва баҳолаш эмас, балки таълим сифатини ошириш жараёни туради.

Мониторингга асосланган шакллантирувчи баҳолаш тизими баҳолашнинг илмий концепциясидаги, кўникмалари ва жараёнидаги, шунингдек, ўкув дастурларидағи ўзгаришларни акс эттиради ҳамда ўкув жараёнини таълимнинг ички тизимида (ички сифат) ва ундан ташқарида (ташқи сифат) такомиллаштириш учун фойдаланилди.

**Таълим сифати меъёрлари** — таълим сифатига кўйиладиган, жамият ва шахснинг муайян тузилма ва даражадаги таълим сифатига бўлган эҳтиёжларига мувофиқ келувчи, аниқланган, тан олинган ва хужжатларда қайд этилган талаблар тизимлари.

**Таълим сифати мезонлари** — таълим сифатининг ўрнатилган меъёрлар, талаблар, эталонлар, стандартларга мослиги даражасини белгиловчи кўрсаткичлар.

**Таълим сифатини баҳолаш** — хусусиятлар (йўл кўйишлар, тавсифлар, параметрлар, муносабатлар) ўзгаришининг сифатнинг эталон даражасини, меъерини қайд этувчи асос билан нисбатини ифодаловчи ўлчов.

**Таълим сифати мониторинги** — таълим сифати ҳолатини ва ўзгаришларини, уни баҳолаш ва башоратлашни кузатишга йўналтирилган мажмуавий тизим.

**Таълим сифатини таъминлаш** — таълим сифатини белгиланган меъёрлардан, талаблардан, стандартлардан паст бўлмаган даражада тутиб туриш; таълим тизимларининг ҳаётий циклида амал қилиши бўйича белгиланган мақсадларни кўзлаб таълим тизимларида амал қилиш сифатини бошқариш.

**Таълим сифатини бошқариш** — «бошқарув субъекти» томонидан таълимдаги барча объектлар ва жараёнларга нисбатан сифатнинг қарор топиши, таъминланиши, ривожланиши (яхшиланиши)ни қўллаб-кувватлаш жараёнларига таъсир кўрсатиш ҳамда улар томонидан таърифланган мақсадлар, меъёрлар, стандартларга мувофиқ тескари алоқа (назорат, баҳолаш, таҳдил)ни уюштириш.

Ижтимоий институт бўлган таълимнинг сифат ижтимоий меъёрларига мувофиқлигига муносабатини бошқариш.

Баҳолаш стандартларидан фойдаланишнинг яна бир жиҳати меъёр, бу мутахассисларни баҳолаш бўйича тайёрлашдир. Бунда бошқа

масалалар туғилади. Масалан: баҳолашнинг вазифаси нимадан иборат? Баҳолаш мақсадлари ва мазмуни бўйича ёзма битимлар мавжудми? Мақсадлар аниқ белгиланганми? Баҳолаш дастури босқичларини қандай қилиб аниқлаш мумкин? Мезонлар тўғри танланганми? Дастур пухта асосланганми? Баҳолашда ким иштирок этади? Баҳолаш жараёнини такомиллаштириш имкониятлари борми? Баҳолаш натижалари зарур даражада тўлиқ ва асосслими? Баҳолаш бўйича ҳисоботнинг «мусбат» ва «манфий» томонлари нималардан иборат? Баҳолаш натижаларидан фойдаланувчиларга ёрдам кўрсатиш режалаштирилмокдами? Баҳо таълим сифатини оширадими?

*Таълим сифати* — таълимнинг ранг-баранг эҳтиёжларга, мақсадларга, талабларга, меъёрларга (стандартларга) мувозанатли мувофиқлиги. Таълимнинг иерархик уюшган, ижтимоий аҳамиятли мухим хусусиятлари (тавсифи, ўлчовлари)нинг тизимли йигиндиси.

*Мутахассисларни тайёрлаш сифати муаммолари* — мутахассислар тайёрлашнинг (ҳам натижа, ҳам жараён сифатида) ранг-баранг эҳтиёжлар, мақсадлар, талаблар, меъёрлар, стандартларга мувозанатли мувофиқлигини (муайян маънода) таъминлаш мақсадида хилма-хил табиатта эга бўлган ҳамда тадқиқ қилинишини ва ҳал этилишини талаб этажётган мутахассислар тайёрлаш сифати соҳасидаги долзарб назарий ва амалий масалалар йигиндиси.

*Таълим сифатини тизимли тадқиқ этиш* — тадқиқот обьекти бўлиш таълим сифатини таркиблаштиришнинг зарур даражадаги чукурлигини (ижтимоий ва шахсий ривожланишининг конкрет босқичи учун) таъминловчи тадқиқот ва унинг тадқиқот предмети сифатидаги барча жиддий (таълимни самарали ташкил қилиш ва бошқариш учун) ўзаро алоқаларини ҳисобга олиш.

Кадрларни тайёрлаш ва рақобатбардошлиги сифатини ошириш йўналишлари мажмуй орасида мутахассис тайёрлаш сифатини тўғри йўналтириш, ўлчаш ва баҳолашни танлаш алоҳида ўрин тутади.

Шу мақсадда:

*биринчидан*, фан, техника, технология, ижтимоий соҳа ривожланишининг у ёки бошқа тенденцияларини таъминлаш учун мутахассисларнинг қандай сифат кўрсаткичлари энг мухим;

*иккинчидан*, мутахассис тайёрлашда ҳам, уларнинг касбий фаолияти жараёнида ҳам талаб этажётган сифат кўрсаткичларини қандай методлар билан обьектив, аниқ ва ишончли ўлчаш ҳамда баҳолаш мумкин, — деган камида икки саволга жавоб бериш зарур.

Бунда мутахассиснинг касбий сифатларини «билим», «малака» ва «кўнікма» тушунчалари билангина тасаввур қилиш етарли эмаслигини назарда тутиш зарур. Ривожланган мамлакатларда мутахассислар тайёрлаш сифатини баҳолаш мезонлари жумласига, касбий

билимлар билан бир қаторда, интеллектуал ривожланиш, шахсий хусусиятлар, қобилянятлар тавсифи ҳам киритилади. Айни шу сифатлар мутахассиснинг мамлакат ижтимоий-иктисодий тараққиётини таъминлашла ўзини намоён этишини анча кенг акс эттиради.

Тестлар юқорида келтирилган мезонлар бўйича мутахассисларни тайёрлашнинг сифаг кўрсаткичларини ўлчаш воситаларидан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин, улар билан ўлчаш натижалари рейтинг орқали баҳоланади.

Замонавий мутахассиснинг сифатини ўлчаш мезонларини танлаш ва шакллантириш учун Ўзбекистон Республикаси таълим тизимиға таълим олувчиларнинг тайёрлик сифатини баҳолаш ва назорат қилиш бўйича тегишли тартибот ва механизmlарни жорий этиш тавсия қилинади. Педагогик тестдан ўтказиш ва рейтинг-назорат шундай методлар бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида ушбу йўналища 1992 йилдан бўён муайян мақсадни кўзлаб иш олиб борилмоқда. Давлат тест маркази ташкил қилинган, у абитуриентларни ягона тест синовларидан ўтказади, ўқувчиларнинг билими сифатини баҳолаш ҳамда назорат қилишни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, таълим сифатини аниқлашнинг ишончли ва объектив механизмларини таъминлаш бўйича тадқиқот олиб боради.

Бу жиҳатдан қўйидагилар энг долзарб вазифалар ҳисобланади:

- ўлчаш ва баҳолаш методологиясининг бирлигини, бир даражадаги ҳар хил таълим муассасаларида баҳоларнинг қиёсланувчанлигини, уларни тенг даражада талқин қилишни, шунингдек, бу баҳоларнинг чет эл таълим муассасалари баҳолари билан қиёсланувчанлигини таъминловчи таълим сифати рейтинг-назорати механизмини ишлаб чиқиш;
- ўқитувчиларни тест ўтказиш ва рейтинг-назорат назарияси ҳамда амалиёти масалалари бўйича маҳсус тайёрлаш;
- таълим жараёнига рейтинг-назоратни самарали жорий этиш учун барча таълим муассасаларини тегишли компьютер мажмуаси ва дастурний таъминот билан таъминлаш;
- рейтинг-назоратга ўтиш мумкин бўлган Давлат таълим стандартларини, ўқув режаларини ва дастурларини ишлаб чиқиш.

*Абитуриентларни объектив танлаш олий таълим сифатини оширишининг таъсирчан механизми ҳамда омилидир.* Бу нафакат олий таълим сифатининг, балки узлуксиз ва узвий жараён бўлган бутун таълим тизимиning ҳам муаммосидир. Шу сабабли унга батафсил тўхтамиз.

Буюк олим Абу Райхон Беруний: «Ҳар бир авлод тўпланган тажрибани кейинги авлодга қолдиради, у эса бу тажрибани янада ривож-

лантиради ва бойитади», — деб ёзганди. Анчадан буён етилиб келаётган ва вақти-вақти билан кескинлашаётган таълим тизимиға, жумладан, олий таълим муассасаларига қабул қилишда тест ўтказиш методини жорий этиш, шунингдек, уни такомиллаштиришга ёндашиш имкониятлари тўгрисида гап айни шу нуқтаи назардан боради<sup>1</sup>.

Бу муаммо соф илмий ёки утилитар (амалий) аҳамиятта эга бўлиб-гина қолмай, муболагасиз айтиш мумкинки, бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий аҳамият ҳам касб этади ва амалда мамлакатнинг барча фуқароларига таалуклидир. Чунки ушбу соҳада иш қандай йўлга кўйилганлиги кадрлар тайёрлаш сифатида, пировард натижада эса, щахсни шакллантириш, ўсиб келаётган авлодни тарбиялашда жиддий акс этади.

Назаримизда, ҳозирги пайтда тест ўтказишни ташкил қилиш ва унинг тартибининг ўзида, айниқса, тест синовлари мазмунида (ҳам ички, ҳам ташки хусусиятларга эга) кўплас саволлар йигилиб қолганки, ушбу таълимий-ижтимоий ҳодисани такомиллаштириш учун уларни таҳдил қилиш ҳамда мақбул қарор қабул қилиш зарур.

Муаллифларнинг ушбу муаммо бўйича кўпгина позициялари, табиийки, мунозарали бўлиб, кенг равишда асосланиши ҳамда фактик маълумотлар билан тасдиқланиши даркор. Бироқ Амир Темур фаолиятининг, унинг ҳаётий позициясининг «Куч — адолатдадир» деган шиорини олий ўкув муассасаларига абитуриентларни тестдан фойдаланиб танлаш амалиётига тўлиқ равишда татбиқ этиш мумкин.

Гапни Олий таълим муассасаларига тест орқали танлаш ёшларнинг ўқишга муносабатини тубдан ўзгартириди, катта ижтимоий адолатни таъминлари ва умуман олганда, республикада таълимни ислоҳ қилиш жараёнларига, умуман кадр тайёрлашга ижобий таъсир қилди, деган умумий таъкидлашдан бошламоқ даркор.

Айнан ислоҳотларнинг кенг кўламлилиги, теранлиги, Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва дастури илмий асосланганлиги ҳамда прогноз қилинувчанлиги, уни бажариш чоралари жамиятда замонавий таълимнинг комил щахсни шакллантиришга, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга жиддий таъсир кўрсатадиган юксак қадриятларини юксак даражада тушунишни юзага келтирди.

Жамиятда ўз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлини рўёбга чиқариш билан боғлиқ стратегик ўзгаришлар Кадрлар тайёрлаш миллий модели ҳамда дастурини амалга ошириш чоралари республикада ёшлар, кадрлар буюртмачиси — давлат тузилмалари ҳамда

<sup>1</sup> Муаллифлар Ўзбекистонда тест ўтказиш методининг қарор топиши ва ривожланиши тархи бўйича материални тайёрлашла Давлат тест маркази (ДТМ)нинг расмий ахборотидан ҳамда «Аҳборотнома», «Вестник» ва «Хабарнома» журналларида чол этилган мақолалардан фойдаланишган.

ижтимоий ташкилотлар томонидан таълимга талаб бўйича Ўзбекистон тарихида ҳеч такрорланмаган бекёс вазиятни юзага келтирди.

Сўнгги йилларда абитуриентлар аризалари миқдорини кузатар эканмиз, республика фуқаролари назарида, жамиятда таълимнинг нуфузи ва аҳамияти ўзгармас даражада юқори эканлигига ишонч ҳосил қиласмиз. Олий таълим муассасаларига берилган аризалар асосида фикр юритадиган бўлсак, сўнгги етти йил ичидаги унга бўлган талаб икки баравар ортди.

Олий таълим муассасаларида ўқиш учун берилган аризалар кескин кўпайғанлиги жамият, ёшлар томонидан изчил, мақсадга йўналтирилган давлат сиёсати шакллантирган янги юксак қадриятларнинг англаниши натижасидир. Ушбу сиёсатни амалга ошириш механизмилари қаторида абитуриентларни адолатли танлашни таъминловчи, объектив тест синовлари тартибидан фойдаланиш ҳам бор.

Танлашнинг айни мазкур тартиби порахўрлик, таниш-билишчилик, «телефон ҳуқуқи» ва бошқа салбий ҳодисаларни бартараф этишини таъминлади, қабул жараёни ва натижаларининг ота-оналар, абитуриентлар, таълим соҳаси ходимларининг ўзлари томонидан идрок этилиши учун кулагай психологик иклимни яратди.

Олий таълим муассасаларига тест ёрдамида танлаш тизимининг асосий хусусиятларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Тест тизимини ишлаб чиқишига 1993 йилда киришгандик. Дастрлаб қабул қилинган икки варианти, 1995 йилдан эса уч вариантили тестдан ўтказиш, ижобий хусусиятлар билан бирга, бир қатор жиддий камчиликларга ҳам эга эканлигини ҳамма тан олганди. Улардан яққол кўриниб тургани ва сезилгани маҳфийлик талабларига жавоб бермаслиги бўлди. Тест топшириқлари банкини бошқарув тизимининг қудратли воситаларидан фойдаланмай сақлаш ишни мураккаблаштиради ҳамда варианtlарни автоматик тарзда жамғариш имкониятини тўлиқ истисно этади.

Вариантларни автоматлаштирилмаган таққослаш саволнома-дафтарлар тузиш жараёнини мураккаблаштирас ва кўп вариантили тизим бўйича тест ўтказиш имконини амалда истисно этарди. Бунда ҳар бир вариантнинг ҳам мураккаблик даражаси бўйича, ҳам ҳар бир ўкув фанининг бўлимларини қамраб олиш бўйича тенг қимматлилигига эришиш фавқулодда мураккаб ва машаққатли эди.

Айни шу камчиликни тез тутатишнинг уддасидан чиқылди, чунки у ДТМни ва унинг филиалларини техника билан юқори даражада жиҳозлаш, шунингдек, фанлар бўйича мутахассисларни кент жалб этиш билан боғлиқ эди. Бу даврда тест тизими тузилемаси янгича кўриниш касб этиш, бир неча кичик тизимларни: тест топшириқлари базаси билан ишлаш ва вариантларни чоп этиш; фанларни жорий этиш; ва-

риантларни автоматик ишлаб чиқиши; жавоб варактларини тест бўйича ишлагандан сўнг электрон ахборот алмашиш тизими бўйича белгиланган шаклларда ахборот тўплаш; тест натижаларини статистик таҳлил қилиш ва ҳоказоларни ўз ичига олганди.

Шундай қилиб, 1998 йилга келиб тест технологиясининг алоҳида бўғинлари (ўқитиладиган ихтисослар ва тиллар бўйича вариантлардан тортиб тест натижаларини ишлашгача) автоматлаштирилди.

Махсус компьютер дастурлари ДТМни автоматлаштиришнинг интеграциялашган тизими базасини яратиш имконини берди. Жумладан, ҳар бир олий таълим муассасасида мавжуд бўлган ва ДТМ билан модем орқали боғланган АБС —abitur учун тизим ва компьютер дастурлари жорий этилди.

Амалга оширилган ишлар қабул комиссиялари фаолияти ҳамдаabituriентларнинг асосий миқдорий параметрлари тўгрисида тизимли равишда ва оператив ахборот олиш имконини берди. АБС —abitur ёрдамидаabituriентлар гуруҳини бирон-бир белгисига кўра шакллантириш, раҳбарлар ва кузатувчиларни аудиториялар бўйича тақсимлаш имконияти пайдо бўлди.

Тест варактлари (abituriентлар жавоблари) ҳисоблаб чиқиш учун автоматлаштирилган тизимга келиб тушарди, унда ахборот махсус дастур бўйича, маълумотлар базаси ва очқичлар асосида кўп вариантили тизим бўйича объектив ишланарди. Бундан ташқари тест топшириклари сифат кўрсаткичларини ҳисоблаш учун махсус дастурлар ҳам ишлаб чиқилганди.

Фанни (унинг бўлимлари ва бобларини) билиш, унинг мустақиллиги мезонлари асосида вариантилар синтези тузилмаси ҳамда алгоритми ишлаб чиқилди. Ушбу тузилма негизида кўп вариантили тизим бўйича тест ўтказиш учун вариантиларни автоматик ишлаб чиқиш комплекс дастури яратилди. Бунда маълумотлар базасида ҳар бир тест топшириғи паспортлаштирилди ҳамда фанлар бўлимлари (боблари) ва тестларнинг мураккаблик даражасига мувофиқ кодланди.

Шундай қилиб, кўп вариантили тизимда юқори даражада маҳфийлик вариантиларни синтезлаш бўйича компьютер технологияси, ҳар бирabituriент учун вариантини таълим йўналиши, ўқитиш тили, шунингдек, жавоб варактларини бошдан охиригача шифрлаш ва кодлаш махсус дастурларига мувофиқ индивидуаллаштириш таъминланди.

Кўп вариантили тест тизимини амалга оширишнинг асосий компоненти ва зарур шарти ёшларнинг билим даражасини, мустақил фикрлаш қобилиятини ва интеллектуал ривожланишини объектив баҳолашни таъминлайдиган юқори сифатли тест топшириклари ҳажмий банкини яратиш эканлиги аниқ.

Олимлар, тажрибали педагоглар, малакали мутахассислар томонидан яратиладиган бундай маълумотлар базаси йилдан-йилга ортиб ва такомиллашиб борди. Масалан, 2000 йилда банкни шакллантиришда маълумотлар базасида юз мингдан зиёд тест топшириқлари бор эди. Тест топшириқларининг «Ахборотнома», «Вестник» ва «Хабарнома» журналларида эълон қилиниши (тест топшириқларининг эълон қилинишини кўпчилек мутахассислар маъкуллашмайди, бу ҳақда қўйида гапирамиз) улар кенг равишда синовдан ўтказилишига кўмаклашди.

Ўқувчиларнинг билимини баҳолашнинг аниқлиги ва объективилгини ошириш мақсадида тест топшириқлари банки қайта ишланди, янгиланиб, янги топшириқ билан тўлдириб борилди. Тест топшириқлари банкини шакллантиришда анъанага айланган «энг яхши педагогик тестлар муаллифи» танлови катта рол ўйнайди. 2002 йилда 350 дан зиёд педагог танловда қатнашди, унда талабалар ҳам, ўқувчилар ҳам иштирок этишади.

Танлаш механизмини такомиллаштиришдаги навбатдаги қадам — тест топшириқларининг эълон қилинмаган қисмидан фойдаланиш бўлиб, бу тест тизимининг фильтрлаш қобилиятини оширади. Барча вариантлар ва барча фанлар бўйича бундай топшириқларни бериш амалиётидан фойдаланилади.

ТМ битирувчиларини аввалги йиллар саволлар китоби ва жавоб варақлари асосида тестдан ўтишга тайёрлаш мақсадида машқ тарикасида тест ўтказилди. Бунинг натижасида кўплаб битирувчилар тест технологиясини ўзлаштиришди. Урганч, Бухоро, Фарғона, Тошкент ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида Тошкент алоқа электротехника институти ва «Истеъод» жамгармасининг компьютер синфлари негизида жорий этилган олисдан туриб тест ўтказиш тизими иш бошлагани ҳам ушбу масалани ҳал этишда кўмаклашди.

Масоғадан туриб тест ўтказиш тизими вариантлар ишлаб чиқиладиган ҳамда очқичлар турадиган ДТМдаги асосий сервер билан боғланган.

Вилоятлар ва олий ўқув юргларидағи компьютер синфлари бош сервер билан боғланган, унда робот-автомат компьютер дастури тест топшириқлари вариантларини ишлаб чиқади ва алоқа йўли орқали жўнатади, сўнг тест натижаларини олиб, уларга ишлов беради ва 2—3 дақиқадан сўнг ҳар бир битирувчи тест ўтказилган фанлардан олинган баллар бўйича кўчирма олади.

Амалда тест сеанси ва унинг натижаси ўқувчиларнинг таълим йўналишлари бўйича билимлари даражасини оператив баҳолаш имконини беради ҳамдаabituriyentlarга ўтган йиллардаги ўтиш балларини ҳисобга олган ҳолда ихтисос ва олий ўқув юртини танлаш имкониятини яратади.

Тест натижалари эълон қилинганидан сўнг ДТМ олий ўқув юртларига киролмаган абитуриентларга жавоб варағи, саволлар китоби билан ҳамда ҳар бир тест блоки бўйича тест топшириқларини бажаришдаги хатолар билан танишиш имкониятини бериб, улар билан катта иш олиб боради.

Юқорида баён этилганлардан кўринишича, тест жорий этилгандан бўён ўтган давр ичидаги ДТМнинг асосий эътибори тестнинг маҳфийлигини таъминлашга, тест топшириқларининг вариативлигини оширишга ва мазмунини такомиллаштиришга, бутун тест жараёнининг ташкилий тартибга келтирилишини, техника ва захиралар билан таъминлашишини яхшилашга йўналтирилди. ДТМнинг ўрта маҳсус ва олий таълим муассасаларига абитуриент танлашда тест методидан фойдаланиши тегишли босқىчда тўғри бўлган ва ўзини оқлаганди.

Бироқ, кадрлар тайёрлаш ва узлуксиз таълим тизимини Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва моделига мувофиқ ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичи *тест синовларидан фойдаланиш методологияси, методикаси ва амалиётида туб ўзгаришларни амалга ошириш уни такомиллаштиришни қатъян зарурлигини тақозо этмоқда*.

Тест технологиясидан фойдаланишда олий таълим муассасасига абитуриентларни танлаш жараёнини такомиллаштириш йўллари, бизнингча, қандай?

**Биринчидан**, тест синовларидан таълим жараёнида ўқувчилар билимики баҳолашнинг объектив мезони ва абитуриентларни танлаш методи сифатида сўзсиз фойдаланиш даркор. Бироқ, тестларнинг мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш зарурати этилди. Тест топшириқларининг бир, хилдалиги тор йўналишдалилиги савол туғдиради, уларнинг кўпти респондентларнинг хабардорлигига, хотирасига мўлжалланган. Мантиқий фикрлаш, умумий интеллектуал қобилиятлар орқали жавоб топишга эришиш бўйича топшириқлар салмоғи кўпайиши даркор.

Бундан келиб чиқадики, тест синовларини такомиллаштириш йўлларидан бири — уларнинг мазмунини тубдан қайта ишлаш, материални тақдим қилишни янги методология ва мантиқ билан тўлдириш, хотирани баҳолашга эмас, балки мустақил фикрлашга, индивидуумнинг умумтаълим тайёргарлигини баҳолашга, ўз нуқтаи назарини ифодалаш ва ҳимоя қилиш имкониятига йўналтирилганлиги ва ҳ.к.

**Иккинчидан**, абитуриентлар ҳозирги танлаш тартибида жараёнлар ва ҳодисаларга ўз қараашларини, улар борасидаги фикрларини (ёзма ёки оғзаки) изҳор этиш имкониятидан маҳрумдирлар, бу ҳол ёзма ва оғзаки нутқнинг, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш қобилиятининг, фикрларини баён қилиш кўнинмаларини шакллантириш-

нинг, мустақил ижодий фикрлашнинг ривожланишини жиддий пасайтиради.

Шунинг учун (абитуриентларни танлашнинг асосий, бироқ ягона бўлмаган мезони бўлмиш) тест синовларидан ташқари, улардан кейин *мажбурий ёзма имтиҳонни* (баён, иншо, диктант тарзида — бу муҳокама қилинадиган масала) жорий этиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Бу, бир томондан, муайян олий ўкув юргига абитуриентларни қасбий йўналтирилган ҳолда танлашни амалга ошириш, бошқа томондан эса — уларнинг тегишли билим соҳаларидағи қобилиятларни (билимлари, малакалари, кўникмаларини) тўлиқ очиш имконини яратди.

**Учинчидан**, абитуриентларни фақат тест синовлари натижалари бўйича танлашнинг чекланганлиги ва ТМ, қасб-хунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларининг «ўзлаштириш рейтинги» ҳисобга олинмаслиги умумтаълим ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими тизимида ўкувчиларни умумтаълим, яхлит тайёрлашнинг аҳамиятини пасайтиради.

Шу муносабат билан умумтаълим ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими *Давлат таълим стандартлари таалабларини бажариш тўғрисидаги масалани қўйиш қонуний бўлади*. Ўкувчиларнинг билимларини «соҳа фанлари бўйича» тақомиллаштиришга йўналтирилганлик умумий ўрта ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълимининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва моделида белгиланган ҳамда *Давлат таълим стандартлари билан қатъий тартибга солингтан «Фанлар асослари бўйича тизимли билим олиш, билимларни эгаллашга бўлган эҳтиёжни ривожлантириш, таянч ўкув, илмий ва умуммаданий билимларни, маънавий-ахлоқий фазилатларни миллий ва умуминсоний маънавий қадриятлар, меҳнат кўникмалари, ижодий фикрлаш, атроф оламга ва қасб танлашга англаб муносабатда бўлишни шакллантириш* тўғрисидаги бош мақсадли кўрсатмасини амалда сусайтиради.

Шунинг учун олий таълим муассасаларига қабул қилишда ўкувчиларнинг рейтингини ҳисобга олиш амалиётини қўллашни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бу муайян даражада ва тегишли шартларга риоя қилинганда, ўкувчилар таълим дастурларининг яхлит мазмунини ўзлаштиришини, *Давлат таълим стандарти бажарилишини таъминлаш имконини яратишини алоҳида таъкидлаймиз*.

**Тўртинчидан**, тест ўтказишни ТМ, коллеж ва лицейларга кўчириш, уларни якуний аттестация синовлари тартибига киритиш, натижалари бўйича битирувчиларга уларнинг умумтаълим рейтингини кўрсатган ҳолда сертификат бериш масаласини муҳокама қилиш мақ-

садга мувофиқ. Бу олий таълим муассасалариға қабул қилишда тест ўтказиш, уни ташкил қилиш тартибини, рейтинг мазмуни ва унинг натижаларини ҳисобга олиш истиқболини батафсил ишлаб чиқиши талаб этиши мутлақо табиийцир.

Куйидагиларни рейтингдан фойдаланиш ва уни ҳисобга олиш нинг мумкин бўлган варианти, деб ҳисоблаш мумкин. Олий таълим муассасалари маркетинг тадқиқотлари, аттестация натижалари, ўтган қабул кампанияси тажрибалари ҳамда давлат ва жамиятнинг истиқбол эҳтиёжларини ўрганиш асосида муайян олий ўкув юртига (бакалавриат ва магистратура ихтисослари йўналишлари бўйича) қабул рейтингларини эълон қиласуки, рейтинги бундан паст бўлганларнинг хужжатларини ушбу олий ўкув юртига қабул қилиш имкони бўлмай қолиши мумкин. Абитуриентлар ўзларининг (сертификатларда қайд этилган) рейтингларини ҳисобга олган ҳолда бундан буёнги таълим йўлини мақсадни кўзлаб танлайдилар ва танлашнинг қолган тартиботларини бевосита олий таълим муассасаларида ўтайдилар.

Шундай қилиб, тест синовларини такомиллаштириб ҳамда уларнинг натижаларини олий таълим муассасасига қабул қилиш учун асос деб ҳисоблаб, ТМ, касб-хунар коллежлари ёки академик лицейлар битирувчисининг ёзма (офзаки) имтиҳони ва ДТС ўзлаштирилиши натижаларининг рейтингини ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Мутахассислар томонидан абитуриентлар танлаш жараёни ва тартибини такомиллаштиришга доир ёндашувлар, уларнинг механизмлари таклиф қилиниши мумкин ва лозим.

Хусусан, юқорида келтирилган таклифлар, бундан кейин ҳам шу каби таклиф ва тавсияларнинг билдирилиши табиий ҳолдир. Мақсад, барча ҳаракатларнинг пировард натижаси ТМга энг лойиқ, билимли ва қобилиятли ёшларни танлаб олиш ҳамда шу орқали етук мутахассис, баркамол авлодни тарбиялашдан иборат бўлиши лозим.

### ІІІ БОБ. ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БОШҚАРИШ

Таъкидлантанидек, таълим сифатини бошқариш — бу кўпгина вазифаларни ўз ичига олувчи, мураккаб жараёндир . Унинг ҳал этилиши умумдавлат, тармоқлараро, тармоқ, минтақавий даражада ва таълим муассасасида, шунингдек, турли — ташкилий, тузилмавий, мазмуний, кадрлар ҳамда методик йўналишларда амалга оширилади.

Бизнинг фикримизча, таълим муассасасини ижтимоий институт сифатида, таълим жараёнини ташкилий ҳамда мазмуний **бир бутувликда** тасаввур қилган ҳолда бошқарувни такомиллаштириш таълим сифатини ошириш борасидаги илмий изланишлар ва амалий чоратадбирларни рўёбга чиқаришда кўпроқ истиқболли бўлган йўналишдир.

Таълимнинг пировард натижаси, яъни унинг сифати мазкур муаммоли йўналишларнинг ҳал этилишига кўп даражада боғлиқ бўлади. Узлуксиз таълим тизими натижадорлиги, таълим муассасаси олиб борадиган иш самарадорлиги, бинобарин, бош мақсад — таълим сифатининг юксак даражаси, баркамол шахсни шакллантириш таълим муассасаси фаолияти қандай режалаштирилганлигига, унда таълимнинг мақсад ва вазифалари қандай қўйилганлиги ҳамда ҳал этилаётганлигига, педагоглар жамоасига раҳбарлик қандай амалга оширилаётганлигига, ТМ бошқарув ходимлари ўз бошқарув вазифаларини қандай уддалашаётганлигига, бу жараёнга ижтимоий тузилмалар, ўқувчиларнинг ўзлари қай тарзда жалб этилганлигига ва шу каби бошқа жиҳатларга кўра белгиланади.

Ушбу муаммонинг долзарблиги «Таълим тўгрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларини сўзсиз бажарилиши заруратидан келиб чиқади, таълим сифатини ошириш муаммоларини ҳал этишининг кўрсатиб ўтилган йўналишлари эса:

- ДТСни доимий такомиллаштириш;
- таълим турлариаро ташкилий ва мазмуний-методик узлуксизлик ва узвийликни таъминлаш;
- таълим мазмунига миллий истиқдол ғояси тамойиллари ва қоидаларини сингдириш;
- бошқарувни демократлаштириш ва марказлашувдан чиқариш, унга давлат-ижтимоий хусусиятини бахш этиш;

— таълимни бошқариш ташкилотлари ва ТМнинг максимал ташаббускорлиги ҳамда мустақилигини ривожлантиришни таъминловчи вазифалар ва ваколатларни қайта тақсимлаш;

— таълим тизимини ва ТМни бошқариш вазифаларини янги педагогик ва ахборот технологияларидан ҳамда бошқа кўлиаб восита-лардан фойдаланиш нуқтai назаридан қайта кўриб чиқиш сингари муҳим масалалар билан бοғлиқ.

Мазкур боб таълим муассасаси даражасида ҳал этилациган таълим сифати муаммоларини кўриб чиқишга бағисланади.

### III.1. ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ҲОЗИРГИ ШАРОИТДА

Таълим муассасасини бошқарув обьекти сифатида замонавий ҳис этиш ва тушуниш номақбул чекловлардан воз кечиб, унга фақат ижтимоий институт ёки фақат таълим-тарбия муассасаси сифатида қарашни назарда тутади. Бизнинг фикримизча, таълим муассасаси, энг аввало, **юридик шахс ҳисобланади**. Демак, уни бошқарища ташкилотлар тўғрисидаги сўнгти ўн йилликларда шиддат билан ривожланаётган фан югуқларидан фойдаланиш зарур. Айни маҳалда таълим муассасаси алоҳида **ижтимоий ташкилот** ҳам саналади, демак, уни бошқарища бошқарувнинг умумий тамойилларини ушбу ўзига хослик ва хусусиятларни инобатга олган ҳолда татбик этиш зарур.

Тушунмовчиликлар ва ҷалқашликларга барҳам бериш учун «ташкилот» тушунчасининг қўйидаги маъноларини фарқлаш жуда муҳим ҳисобланади:

— ташкилот (ёки ташкилотчилик фаолияти, ташкил этиш) асосий, таянч бошқарув ишларидан бири (режалаштириш, бошқарув ходимилик қилиш, асослаш, назорат билан бир қаторда) сифатида;

— ташкилот ички тузилиш, қурилиш, мазкур ижтимоий ташкилот ичидаги ташкилий тартиб сифатида; тузилма синоними сифатида (бу маънода ташкилот кўпроқ бошқарув, шунингдек, ташкилотчилик фаолиятининг натижаси ҳисобланади);

— ташкилот ишнинг муайян ҳолда йўлга қўйилиши сифатида (масалан, таълим жараёнини ташкил қилишнинг синф-дарс тизими);

— ташкилот ижтимоий институт, муассаса, фуқаролик жамияти субъекти; қишиларни ҳамкорликда фаолият олиб бориш учун бирлаштирувчи тизим сифатида.

Биз «ташкилот» тушунчасини айнан ушбу сўнгти маънода кўриб чиқамиз.

Ижтимоий ташкилот деганда биз, бир ёки кўлиаб мақсадларга эришиш учун биргаликда ҳаракат қилаётган ва ўз (расмийлашган

ёки норасмий) ҳаракатларини муайян меъёрлар ва қоидалар асосида мувофиқлаштириб борувчи кишилар бирлашмасини тушунамиз.

Ташкilotни бундай тушунишда икки ҳолат: одамларнинг бирлашуви, гурух, ҳамжамият (ривожланишнинг юқори даражасида — жамоа) ва уларнинг муайян мақсадни кўзловчи биргаликдаги фаолияти, ҳамкорлиги диккат марказида бўлади.

Шундан келиб чиқсан ҳолда таълим ташкilotи айнан:

- кишиларнинг — катталар, болалар ва ёшларнинг ҳамжамияти;
- уларнинг биргаликдаги фаолияти ва мулоқоти тизими;
- ҳамжамият аъзоларининг яшаш, ҳаёт фаолияти муҳити сифатида кўриб чиқилади.

### III. 1.1. ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ТАШҚИ МУҲИТ ВА ИЖТИМОЙ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ

Агар ижтимоий ташкilotга ташқаридан қаралса, у бошқа ташкilotлар ва алоҳида кишилар билан ўзаро муносабатда бўлувчи муайян ижтимоий институт сифатида намоён бўладики, буни ташkilot тушунчасига таъриф берадиганда ҳисобга олиш зарур.

Шундай қилиб, ташкilotларга (аввало, яхши ишлайдиганларига) алоҳида ҳусусият, алоҳида сифатга тизимли — ўз аъзолари ҳаракатларини интеграциялаш ҳисобига ўз фаолиятида кўпроқ унумдорликка эришиш қобилиятига эга бўлиш хосdir. Бу ҳусусиятни ташкiliy самара дея аташ расм бўлган. Таъкидлаш мумкинки, ҳар бир самарали ижтимоий ташkilot шундай ташkiliy самарани таъминлашга интилиши (ва таъминлай олиши) керак ҳамда устунликнинг ушбу манбаидан тўлиқ фойдаланиш бошқарув субъектларининг табиий ва доимий ташвиши ҳисобланади.

Хозирги даврда ижтимоий ташkilotга мураккаб, мақсадга йўналтирилган тизим сифатида қараш амалда умумқабул қилинган қараш бўлиб қолди. Бунинг учун, тизим деганда бир-бирига bogliq bўlган va natiжada, уларнинг ҳеч бирига (тизимли сифатлар) алоҳида хос bўlmagan ҳусусиятлар юзага келадиган тарзда ўзаро муносабатда bўlган unsurlar йигиндиси тушунилади, деб тахмин қилишга барча асослар етарли. Бироқ бошқарув фикри тарихи бошқарув назариялари мазмунини ташkilotни сунъий ёки табиий; механизм ёки организм сифатида тушуниш билан сезиларли тарзда фарқланишини кўрсатади.

Бу бир қараганда, ташkilotlar одамлар томонидан онгли тарзда яратилиши, бошқача айтганда, қўлбola эканлиги мутлақо аён. Бошқа томондан эса, ташkilotlardagi одамларнинг ва ташkilotларнинг ўзининг хатти-ҳаракати фақат оқилона, кимнингдир томонидан ўйлаб топилган режалар ва ниятларни амалга ошириштагина йўналтирилмаган. Уларга ташkilot ҳаёт фаолиятининг ичдан ўзи-

ни-ўзи мослашининг таъсири ҳам кам эмас. Ташкилотлар ҳар доим ҳам, ҳар жиҳатдан ҳам оқилона бўлмай, ўзларини табиий, тирик обьектлар сифатида тутади.

Бундан бошқарув учун нима келиб чиқади? Жуда кўп нарса келиб чиқади: агар биз сунъий обьект билан иш кўрсак, бошқарув бобидаги ижодиётимизга эрк бериб, улар билан хоҳлаган ишни қилишимиз мумкин. Агар обьект жонли бўлиб, ички эркинлик даражаларига эга бўлса, фақат бўйсуниш эмас, балки қаршилик кўрсатишга ҳам қодир бўлса, унда биз бундай обьектнинг табиий хусусиятини ҳисобга олган ҳолда иш кўришимиз лозим. Буни тушунмаслик ижтимоий ташкилотлар бошқарувига ҳам фақат техник жараёнлар ва тузилмаларга тўғри келадиган ёндашувларни «айнан бир хил» тўлиқ татбиқ этилишига олиб келади-ки, бу методик жиҳатдан хато, амалий жиҳатдан хавфлидир.

Юқорида таъкидланганидек, инсон омили роли англанишининг ортиб бориши, бошқарувни демократлаштириш тамойили ташкилотни механизмнинг айнан ўзи, дея тушунишдан воз кечишта олиб келди; улар алоҳида мураккаб ижтимоий организм сифатида тасаввур қилина бошланди. Ташкилотнинг организмга ўхшалигининг чекланганлигини, тўлиқ эмаслигини, мажозийлигини тўлиқ англаган ҳолда шуни айтиш мумкинки, бундай тушунишда анча фойдали хоссалар мавжуд.

Агар ташкилотларни дикқат билан кузатсан, уларга ҳақиқатан ҳам мураккаб органик тизимларнинг айрим хусусиятлари хос эканлигини кўрамиз:

- ташкилотларга мураккаб «онтогенез» хос: улар вужудга келади, шаклланиш йўлини босиб ўтади, фаолият кўрсатади, такомиллашади;
- ташкилотлар мослашувчан, улар муайян даражада ташки муҳит ўзгаришиларига мослашиб олишга қодир;
- ташкилотлар индивидуалликка, алоҳида характерга, хулқ-атвор қоидаларига эга;
- ташкилотлар ўзлигини англаш хусусиятига эга (гарчи улар ўзлари ҳақида барча нарсаларни билмаса-да); улар учун ўз тарихи, ўз ўтмишига, бутунига ва келажагига муносабати жуда муҳим, улар тарихида ташкилий ҳаётида бурилиш ясаган кескин воқеаларни топиш мумкин;
- ташкилотлар ўзини-ўзи тутал қуришга, такомиллаштиришга қодир (механик тизимга булар хос эмас);
- ташкилотлар ташки бошқарувга ва шароит амрига бўйсуниши мумкин, лекин ривожланишининг асл маъбди уларнинг ўзида;
- ташкилотлар хасталанади ва соғаяди, улар омон қолиши ва ривожланиши учун жуда зарур бўлган бўхронларни бошдан кечиради.

Ижтимоий ташкилотлар тушунчасига «организмик ёндашув» бошқарув тизими курилишида механик объектдан кўра, бошқарилувчи объект табиатига мос келадиган нисбатан кенроқ имкониятларга эга.

Таълим муассасаси, умуман ҳар қандай ижтимоий ташкилот каби ташки мухит билан фаол ўзаро муносабатда бўладиган (бундай тизимлар очиқ дейилади) мураккаб яхлит бир тизимdir. Бундай турдаги моделлар тизимили тадқиқотларда жуда кенг қўлланилаши ва учтаркибий қисм: «кириш», «ўзгаришлар жараёни» ва «чиқиш»нинг ўзаро алоқасини акс эттиради. Бунда «чиқиш» деганда тизимдан ташки мухитга узатиладиган ёки яна ТМ «кириш»ига тушадиган ва унинг ҳаёт фаолияти жараёнларининг натижаси, маҳсули бўлган нарсалар тушунилади. Ўзгаришлар жараёни деганда — мазкур «чиқиш»ни юзага келтирадиган ички жараёнлар, «кириш»да эса — тизимга унинг ҳаёт фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ташқаридан ёки «чиқиш»дан келиб тушиши тушунилади.

Алоҳида таълим муассасалари маҳаллий, республика ва минтақавий таълим комплексларининг таркибий қисми ҳисобланиб, янада чуқурроқ таълим тизимига киради. ТМ бир вақтнинг ўзида бутун ижтимоий тизимнинг бир қисми ҳисобланади ва унинг ҳаёт фаолияти кўп даражада атрофдан бўладиган таъсиrlар билан изоҳланади. Бироқ ТМнинг атроф билан алоқаси бир томонлама эмас, балки икки томонламадир. Таълим муассасасида ташки мухитга нисбатан ўзининг хатти-ҳаракат йўлини танлаща музайян эркинлик объектив равишда мавжуд. Масалан, ТМ ўзини:

- мухит ва унинг талабларига жавоб беришга улгuriш учун пассив-мослашувчан;

- ташки мухит ва ижтимоий булортманинг ўзгариши тамойилларини таҳтил ва прогноз қилишга ҳаракат қилиб ва бу билан аниқ ўзгаришларга илдам муносабат билдириш учун фаол-мослашувчан тутиши;

- ва ниҳоят, ўзининг атроф-муҳитга фаол таъсиr этиши, яъни айни вақтда ҳам мослашувчан (муҳитга нисбатан) ва мослаштирувчи (муҳитни ўз эҳтиёжлари ва имкониятларига) тизим сифатида воқе бўлиши мумкин.

ТМнинг кенг ижтимоий муҳитига нималарни киритиш мумкин ва унинг таркибий қисмлари таълим тизимига қандай таъсиr кўрсатади?

Ҳар қандай ТМ жамиятдаги ижтимоий муҳитнинг, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, экологик, демографик, маданий, маънавий-мағкуравий, ижтимоий-психологик, ахлоқий, тармоқ, институционал омиллар таъсирини ўзида ҳис этади. Ушбу омилларнинг қисқача мазмунини ва уларнинг ТМга таъсирини кўриб чиқамиз.

**Жамиятдаги ижтимоий мұхит**, ижтимоий барқарорлық(ёки кес-кінжлик)нинг умумий даражаси, ақоли бандылыгы ақвони, юзага кел-ған ижтимоий түзилма ва ижтимоий қатламланиш, миший-этник муаммолар ва үзаро муносабатларнинг хусусияти ТМ фаолияти учун умумий қулай ёки нокулай вазиятни юзага келтирәди, ақоли турли ижтимоий гурухларининг таълимга бўлған эҳтиёжлари табақаланиши характерини олдиндан белгилайди (одамлар олинган билим сифати ёш фуқаронинг келажак ижтимоий мавқеини белгилашини кўпроқ тушуна бошлайди).

**Иқтисодий омиллар**, мамлакат иқтисодий, молиявий тизимининг ақвони, жамиятдаги фаровонлик орқали фуқароларнинг таълимга бўлған эҳтиёжларининг ортиши (ёки эҳтиёжнинг бўлмаслиги ва мурakkabлашувига таъсир этади, таълим соҳасини молиялаштиришга кўп ёки кам имконият яратилиши учун шарт-шароит туғдиради. Умумий иқтисодий ривожланишнинг юқори даражаси, юксак ривожланган бозор муносабатлари ТМларга хизмат кўрсатишга ва уларни таъминлашга маҳсус йўналтирилган иқтисодий секторларнинг (курилиш, саноат, таълим тизими учун юксак технологик жиҳозлар ишлаб чиқариш) ривожланишига қулай шароит яратади.

**Сиёсий омиллар**, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсий йўли, аниқ сиёсий ҳаракатлар ва вазиятлар ҳам жамиятдаги хотиржам, амалий, бунёдкор ижтимоий-сиёсий ҳолат жуда зарур бўлған ТМ фаолиятининг умумий мұхитини яратади. Ўз таълим сиёсатининг мазмуни ва уни ҳаётга татбиқ этиш характерига ҳам кўп нарса боғлиқ. Мамлакатимизда эълон қилинган ТМни сиёсатдан холи қилиш тамойили уни сиёсатга ҳаддан ташқари жалб этилишдан асрайди, бироқ ТМ ва унинг жамоасини сиёсий муаммолардан узиб қўймайди.

**Хуқуқий омиллар**, амалдаги қонунчилик хужжатлари ва меъёрлари характери ТМ ҳаёт фаолиятининг хуқуқий майдони, ушбу майдондаги «ўйин қоидаси» чегарасини белгилайди, бу фуқаролик хуқуқининг автоном субъектига нисбатан юридик шахс хуқуқини олган ТМ учун жуда зарурдир. ТМ ўз шахсий ҳаёт фаолиятини белгилашида унинг томонидан мамлакат Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, тегишли хуқуқий хужжатлар, хукумат ва таълим идоралари меъёрий хужжатлари қоидалари муқаррар ҳисобга олиниши лозим. Замонавий ТМ меҳнат, солиқ тўғрисидаги қонунчиликни, фуқаролик қонунчилигининг кўплаб бўлимларини ва бошқаларни янада эътибор билан кузатиб бориши керак.

**Ижтимоий-психологик ва ахлоқий омиллар**, ўсиб келаётган авлоднинг ривожланишида ижтимоий вазиятнинг мұхим омиллари бўлған жамиятдаги умумий ахлоқий-психологик мұхит, ақоли турли қатламларининг ҳаёт тарзи ва методи, аниқ мавжуд бўлған ахлоқий меъёрлар ва қоидалар ТМ тўғридан-тўғри таъсир этади, ундан тез ва

оқилона муносабат билдиришни, ўкувчиларга ўз эркинликларини, шахсий ғурур ҳиссини дунёга ва одамларга нисбатан ишончни, очиқликни сақлаб қолишида ва айни маҳалда, ахлоқсизлик ҳамда ваҳшийликка қарши курашишда ёрдам берадиган фаолият мөъерлари ва намуналарини, хулқ-атворни, муносабатларни, инсоний мулоқотни реал таклиф қилишни талаб этади. ТМ ўз ижтимоий масъуллиги туфайли ижтимоий психология ва ахлоқнинг салбий ҳолатлари ва тамойилларидан ўзини оқлашда фойдаланиши мумкин эмас: буларни мавжуд ҳодиса сифатида қабул қиласи, бироқ унга ҳар томонлама қарши курашга интилади.

**Экологик омиллар**, ТМни ўраб турган табиий мұхит ҳолати бўла-жак ва ҳозирги ўкувчилар ҳамда ўқитувчилар соғлигига жиддий таъсири кўрсатади. Бу, ўз ўрнида, ТМнинг профилактик ва соғломлаштириш йўналишидаги фаолиятига қўйиладиган талабни анча кучайтиради. Бундан ташқари, ТМ яшаб турган географик ва тарихий мұхит характеристерининг ўзи таълим омили сифатида жуда катта аҳамиятта эга. Бунга жавобан ТМ ўкувчиларнинг экологик таълим-тарбиясини амалга оширса, табиатни асраш фаолиятида фаол қатнашса, ўкувчиларни соғлом турмуш тарзига тайёрласа, экологик вазиятнинг яхшиланишига ҳисса қўшиши мумкин.

**Демографик омиллар**, туғилиш характери, оиласарнинг типик таркиби ҳам ТМдаги вазиятта кучли таъсир этади. Агар бу жиҳатлар ўрганилмаса, ТМ бир қанча вақтдан сўнг ўкувчилар контингентисиз қолиши ёки аксинча, ўкувчи ўринлари кескин етишмаслиги муаммосига дуч келиши мумкин.

**Маданий, маънавий-мағкуравий омиллар**, мамлакатда маданиятнинг аҳволи, аҳолининг маънавий соғломлиги ва маданий эҳтиёжлари даражаси одамларнинг таълим олишдаги фаоллиги намоён бўлиши, унинг йўналганлигини таъминлайди. Жамият маданий савияснинг пасайиши, маданий ҳаётнинг қашшоқлашуви, оммавий маданиятнинг кенг ёйилиши ТМнинг таълим билан бօғлиқ вазифасини бажаришини қийинлаштиради, жамиятнинг яхши таълимга бўлган талаби даражасини пасайтиради. Бу эса таълимий жамиятни безовта қўлмаслиги мумкин эмас. Шунинг учун ТМ, маданиятни асрорчи ва уни яратувчи ташкилот сифатида, кўпинча бундай гояга ўз кучи ва имкониятлари даражасида қарши туришга ҳаракат қиласи.

**Тармоқ омиллари**, мамлакатда ва дунёда таълим тизимининг аҳволи ва ўзгариш тамойиллари, янги гоялар, концепциялар, энг яхши таълим тажрибаси алоҳида олинган ТМга таъсир этиб, унга ўз ҳаракат йўналишини танлаш учун муайян варианtlарни таклиф қиласи. Пухта ўйланган умумдавлат, минтақавий таълим сиёсати, ТМларни камраб олган маҳаллий таълим тизимлари хатти-ҳаракатининг аниқ йўналиши мавжудлиги (ёки йўқлиги), ТМ учун зарур бўлган барча

ресурсларнинг умумий ахволи ва уларнинг келиш манбалари — булар ТМ имкониятлари ва унинг фаолиятининг чекланишини, унинг стратегиясини белгилайдиган энг муҳим омиллардир. Тармоқ доирасида таълим муассасалари ўртасида рақобат юз бериши мумкин. Бу ҳам улардан мос тарздаги муносабатни: таълим хизматлари бозоридан ўз ўрнини излашни, рақобатбардош устунликни яратишга тайёрликни талаб этади.

**Институционал омиллар**, ТМ ўз вазифаларини бажаришда ҳамкорлик қилиши мумкин бўлган ихтисослашган ижтимоий институтларнинг, ташкилотларнинг тармоқланган тури мавжудлиги ТМ муҳим кенг ижтимоий муҳитининг яна бир аҳамиятли унсуридир. ТМнинг турли институтлар билан самарацор ва ўзаро фойдали алоқаларини йўлга кўя олиш қобилияти унинг умумий салоҳиятини оширади, нуфузи, обрў-эътибори ўсишига, имижи яхшиланишига замин яратади.

Яқин ижтимоий муҳит ҳақида гап кетганда, кўпгина ТМлар учун унга қўйидагилар:

- ўкувчилар оиласи;
- жамоатчилик, маҳаллий аҳолининг фаол қатлами;
- маҳаллий маъмуриятлар ва уларнинг таълимни бошқарувчи ташкилотлари;
- мулкчиликнинг турли шаклларидағи ишлаб чиқариш тузилмалари (ҳомийлик қилиши мумкин бўлганлар, ТМ битирувчиларига иш берувчилар ва бошқалар);
- соғлиқни сақлаш муассасалари;
- бошқа таълим муассасалари;
- маданий-маърифий ташкилотлар;
- ҳукуқ-тартибот органлари;
- маҳаллий оммавий аҳборот воситалари;
- маҳаллий аҳоли томонидан тузиладиган турли ташкилотлар ва уюшмалар, турли конфессияларнинг диний жамоалари ва бошқалар киради.

ТМга яқин муҳит, кенг ижтимоий муҳитга таъсир этувчи «аҳборот узатувчи» сифатида ҳам, маҳсус таъсир этиш манбалари сифатида ҳам воқе бўлиб, унга мураккаб таъсир ўтказади. ТМ ҳам, ўз томонидан, ўз яқин муҳитидаги вазиятга ва унинг таркибий қисмларига етарли даражада сезиларли жавоб таъсири ўтказиши мумкин.

Ижтимоий муҳит ТМ фаолияти йўналишини белгилайди, ушбу фаолият учун имконият яратади, чекловлар ва таҳдидлар түғдиради. Жумладан:

- социум ТМни ижтимоий ташкилот сифатида яратади, таъсис этади, унга маълум бир мақом, ваколат, ҳукуқ ва мажбуриятлар беради, унинг фаолиятини баҳолайди;

- социум, ТМ ҳаёт фаолиятининг қандайдир умумий муҳити юзага келадиган (ушбу ҳаёт фаолияти учун кўпроқ ёки камроқ кулагай бўлган) вазият;
- ижтимоий муҳит ТМга қўйиладиган талабларни илгари суриш манбай ҳисобланади, таълимга ижтимоий буюртмани шакллантиради ва беради, ТМдан ҳар доим маълум бир натижаларни кутади;
- ижтимоий муҳит ТМнинг меъёр ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган захиралар манбай сифатида воқе бўлади;
- ТМ социумда вазифаларни бажариши учун зарур бўлган қарши агентларни ва ҳамкорларни, ўз маҳсулоти — таълим олган бити-рувчилар «истеъмолчиларини» топиши мумкин;
- ижтимоий муҳит ТМга бекарорлаштирувчи, таъсир этувчи омилларни тугдиради.

Шундай қилиб, замонавий таълим муассасаси ташқи муҳит ва ижтимоий ташкилотлар билан фаол ўзаро муносабатда бўлади, ўзида турли ташқи омиллар таъсирини ҳис этади, ҳамжамиятдаги вазиятга таъсир кўрсатади; унинг ҳаёт фаолияти учун ўқувчилар контингенти, кадрлар, дастурий-методик, ахборот, моддий-техник, молиявий, меъёрий-хукуқий таъминот зарур.

Тузилма, юқорида келтирилган жамият билан ўзаро алоқалар хусусияти, ўзаро таъсирнинг ўзига хосликлари, таълим муассасасининг ижтимоий ташкилот сифатида фаолият кўрсатиш шарт-шароитлари ўқитувчилар ва ўқувчилар корпуси сайд-ҳаракатларининг пировард натижасига — таълим сифати, ўсиб келаётган баркамол авлодни шакллантиришга жиҳдий таъсир кўрсатади.

### III.1.2. ТАЪЛИМ МУАССАСАСИННИГ ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ТУЗИЛМАСИ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИ НАТИЖАЛАРИ

ТМ фаолиятининг мазмуни таълим ҳамжамияти томонидан белгиланади. У томонидан амалга ошириладиган ва унинг ўзида кечадиган жараёнлар ҳисобига ТМ ички муҳити, ҳаёт тарзи, ташкилий маданияти яратилади, улар унинг ҳаётига сингиб кетади ва унда нимаики кечса, барчасига таъсир этади.

Таълим муассасаси — қадрият тизими, у ўз фаолиятининг аниқ йўналишининг танланишини белгиловчи, пухта ўйланган маънавий, қадрият асосларисиз мудаффақиятли ишлай олмайди.

ТМ қадриятлар тизими ёки фалсафаси ҳар бир таълим муассасаси учун энг зарур бўлган масалаларга жамоа томонидан пухта ўйланган, шу жумладан, асосан таълим сифати билан боғлиқ жавоблар мажмуудан иборат бўлиши лозим.

Замонавий таълим тажрибалари таҳдили ТМ жамоалари ўз фалсафасининг янти асосларини излашда буюк педагоглар, психолог-

лар, файласуфлар, антропологлар ва санъат намояндалари меросини ўрганишга ва ўзлаштиришга тобора тез-тез мурожаат қилаётгандикларини кўрсатмоқда, чунки ТМ санаб ўтилган саволларнинг кўпчилигига жавобни шу меросдан топиши мумкин.

ТМнинг қадриятлар тизими мазкур **таълим муассасасининг миссиясини** белгилайди. ТМ миссияси таълим ҳамжамияти аъзоларининг ижтимоий буюртма талабларини ва педагогик жамоанинг аниқ имкониятлари ҳамда эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинган умумжамоа қарори натижаси бўлиши лозим. ТМ миссиясини аниқлаш унинг тури, мақомини белгилаш демакдир, хилма-хил турлари ва варианatlари ТМнинг қабул қилинажак типик миссияга кўра бир-биридан фарқланади. ТМ ўзининг барча миссиясини ошкора эълон қиласар экан, бу билан ўзининг Буюртмачиси, Мижози, Ҳамкори бўлиши мумкин бўлғанларни таклиф қилган бўлади.

Ҳар бир ТМ қабул қилган фалсафаси ва миссияси доирасида турли натижаларга интилиши мумкин. ТМ интилишларини аниқлаштириш ТМ битирувчиси қиёфасини моделлаштиришга кўмаклашади. Битирувчи моделлари ҳаддан ташқари тавсифланган ва қатъий бўлмаслиги керак, унинг бошқа вазифаси бор, бу — таълим мақсадларни ишлаб чиқишига бирдан-бир асос — ТМ асосий кичик тизимлари ва жараёнлари қуриладиган ва конкрет таълим мақсадларини ишлаб чиқиш учун асос бўладиган умумий горизонтни белгилашдир. Агар ТМ ўқувчиларнинг бир неча турли гурухларига эга бўлса, у ҳолда уларнинг ҳар бири учун битирувчининг намунали қиёфаси лойиҳалаштирилади.

ТМ жамоаси ва бошқарув ходимиияти яқин келаjak учун унинг хаёт фаолиятининг бош асослари ва йўналишларини белгилаб олиб, умумий сиёсатни, стратегияни, сўнг эса фаолият тактикасини ишлаб чиқиши мумкин (ва зарур).

Таълим муассасаси — динамик тизим, шу боис унга **ижтимоий фаолиятининг интеграл жараёни** сифатида қараш мумкин. Бу мураккаб, бироқ, аслида ягона жараён тўрт йирик таркибий қисмдан иборат ва уларнинг ҳар бири мос ҳолда ТМнинг катта-кичик тизимлари билан боғланган. Гап таълим; инновацион; таъминот (бу ўринда биз бунга ҳамжамият ичидаган жамоани яратиш ва ривожлантириш жараёнларини ҳам киритамиз, чунки улар таълим жараёни учун шарт-шароитни яратади ва таъминлайди); бошқарув жараёнлари (кичик тизимлар) ҳақида бормоқда.

Ҳар қандай ТМ учун марказида педагоглар ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги турадиган **таълим жараёни** доимо асосий ҳисобланади. Айнан ушбу жараён ТМнинг асосий натижаларини юзага келтиради, айнан унинг манбаатлари ТМнинг ижтимоий ташкилот сифатидаги умумий қурилишини, тузилишини белгилайди. Ҳаётий фаоли-

ятнинг қолган барча жараёнлари таълим жараёни учун қулай шартшароит яратишга қаратилган.

Таълим жараёни кўлгина таркибий қисмлардан (кичик жараёнлардан) ташкил топган ва кўп даражали мураккаб тузилишта эга. Бу тузилмада қуйидагилар алоҳида ажралиб туради:

- алоҳида таълимий жараёнлар — ҳамкорликдаги аниқ бир педагоглар ва муайян ўкувчилар гурухларининг ўзаро муносабати — умумий таълим жараёни ўсиб чиқациган «хужайра»;
- алоҳида предметлар бўйича таълим жараёни;
- предметлар цикли ва билимлар соҳаси бўйича ташкил этилувчи таълим жараёни;
- синфлар бўйича ташкил этилувчи таълим жараёни;
- параллеллар бўйича ташкил этилувчи таълим жараёни;
- ТМ босқичлари бўйича ташкил этилувчи таълим жараёни;
- навбатлар бўйича ташкил этилувчи таълим жараёни (кўп навбатли ТМларда);
- хилма-хил гурухлар ва синф турлари бўйича таълим жараёни;
- турли тоифа ўкувчилар таълими ва тарбияси жараёни;
- таълимдан ташқари тарбиявий иш жараёни;
- умуман ТМдаги таълим жараёни (таълим, ривожланиш ва тарбиянинг бирлиги сифатида).

Бошқарув тизими ресурсларни, таъминот тизимостиларини бошқариш ва жамоа бошқарув ходимиликни амалга ошириш билан таълим жараёни ва мұхиттага фаол таъсир этиши мүмкін.

Таълим муассасаси факат таълим жараёнини амалга оширмайди, балки ривожланади ҳам. ТМ ривожланиши тизимнинг турли қисмларида ўзгаришларни амалга оширишни тақозо қиласди.

ТМ ривожланиши деганда аввало, йўналтирилган ва бошқарилувчи, онгли субъект ўтказишни тақозо қиласди ва таълим сифатини оширишга олиб келадиган, сифатли, режали ва мақсадли ўзгаришларни амалга ошириш тушунилади.

**Инновацион жараён, яъни янгиликлар ёки инновацияларни амалга ошириш жараёни ТМни бошқарувли ривожлантиришни амалга оширишнинг усули ва воситаси ҳисобланади. Бошқарувнинг ушбу йирик обьекти доирасида унинг янгиликларни излаш, ишлаб чиқиши, ўзлаштириш ва фойдаланиш жараёнида ўзаро муносабатда бўлган таркибий қисмларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мүмкін.**

Ҳар қандай инновацион жараён таълим тизимиға қандайдир янгиликни онгли равишда киритишни тақозо этади (бу янги форя, янги ўкув курси, янги таълим методи, ўкув жиҳозинининг янги тури, янги жараён ёки фаолият тури ва ҳ.к. бўлиши мүмкін). ТМни ривожлантириш мақсадида киритилаётган турли янги унсурларни белгилаш

учун «янгилик» (ёки унинг лотинча ўхшаши — «новация») атамасидан фойдаланилади.

Инновацион жараён ҳам таълим жараёни каби, кўп даражали мураккаб тузилишга эга бўлиши мумкин, бироқ таълим жараёнидан фарқли равища ТМ ривожланишининг умумий жараёни тузилиши барқарорлиги камрок ва у қандайдир даврда биргина янгиликни ўзлаштириш жараёнини ўз ичига олган бўлиши мумкин.

Киришилган ҳар бир янгилик маълум даврийликка эга. Янгилик очиқ, ишлаб чиқилган, тажриба-синовдан ўтган, ўзлаштирилган, са-марали фойдаланилган ва сўнгра, маънавий эскиргач, истемолдан чиқарилган бўлиши лозим. Ҳар қандай янгиликни ташкилий ва бошқарув жиҳатидан киритишни амалга ошириш тегишли дастурни яратишни, амалга оширувчилар жамоасини бошқарувни ташкил этишни белгилаб олишни тақозо этадиган **инновациоң лойиҳа сифатида ажратилиши мумкин**. Шу нуқтаи назардан қараганда, ТМ ривожланишини ўзаро боғлиқ бир қатор инновацион лойиҳаларнинг амалга оширилиши жараёни сифатида тушуниш мумкин.

Инновацион фаолият ҳам, бошқа ҳар қандай фаолият каби, ўз интилишлари ва мақсадларига (демак, уларнинг ютуқларини баҳолаш мезонларига ҳам), ушбу мақсадларга эришиш воситаларига (методлар, воситалар, технологиялар, янгиликни жорий этишни амалга оширишнинг ташкилий шаклларига), шарт-шароитларига (аввалио, ҳамжамиятда кулагай инновацион вазиятнинг мавжудлигига) ва натижаларига эга.

ТМда таъминловчи жараёnlарни шартли равища икки катта гурӯҳга: таълим ва инновацион фаолиятни таъминловчилар (концептуал, дастурий-методик, тадқиқий, кадрлар, молиявий, моддий-техник, ахборот таъминотининг кўп қисми) ва ТМ ҳаётининг умумий таъминоти билан боғлиқ жиҳатлар (инфратузилма, муҳандислик таъминоти, овқатланиш, тиббий хизмат ва ресурс таъминотининг бошқа турлари қисми)га бўлиш мумкин.

ТМнинг таъминловчи кичик тизими, таълим кичик тизими қаби мураккаб тузилмага эга ва кўлгина кичик жараёnlарни қамраб олган. Бу ТМ киришига тушадиган барча нарса унда узоқ йўлни босиб ўтиши билан боғлиқ (бошқарув илмида уни ташкилот элементининг ҳаётий цикли дея номланади), масалан:

— **ўқувчилар контингентини топиш, қабул қилиш, ташхис қилиш, синфлар ва гурӯҳлар бўйича тақсимлаш, унинг учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш, синфдан-синфга кўчишни таъминлаш, оралиқ ва якуний аттестацияни ташкил этиш ва ТМдан битиртириб чиқариш;**

— **ўқитувчилар ва тарбиячиларни ТМга таклиф этиш, ишга қабул қилиш, педагогик юқ билан таъминлаш, меҳнат шароитини яратиш,**

касбий ва шахсий ривожланишини таъминлаш, даврий аттестациядан ўтказиш ва малакасини оширишни ташкил этиш, рағбатлантиришни таъминлааб, жамоада доимий қолдириш, касби бўйича мавқега эришиш; меҳнатнинг ижодий характеристиришни таъминлаш, муносиб кўпроқ рўёбга чиқариш ва ривожлантиришда ёрдам бериш ҳамда ундан ТМ ва ўқувчилар манфаати йўлида фойдаланиш, муносиб тарзда нафақага кузатиш ва ҳ.к.;

— **моддий ресурслар**, жиҳозларни топиш, олиб келиш, ишга тушириш, улардан фойдаланишини, вақти-вақти билан таъмирлаш ва хизмат кўрсатишни, ўз вақтида ҳисобдан чиқарилишини таъминлаш;

— **дастурлар ва технологияларни** топиш, уларни олиш ва ТМнинг ўзида ишлаб чиқилишини ва тажриба-синовдан ўтказилишини таъминлаш, барча зарурий материаллар билан «жиҳозлаш», ўзлаштириш, фойдаланиш ҳамда эскиргач, янгиси билан алмаштириш.

Таълимнинг мураккаблашув жараёнлари, унинг фан-техника тараққиёти ютуқлари билан янада жинс алоқаси, унга маблағ сарфи ортиб бораётгани ТМдаги жараёнларни таъминловчи соҳалар доирасининг кенгайишига, ранг-баранглигининг кучайишига олиб келди ва олиб келади ҳам. Агар ТМ бошқарув ходимияти унга ресурсларни етказиб бериш борасида таълим бошқаруви ҳудудий тизимининг тегишли хизматларига, маҳаллий маъмуриятларга ёки бошқа ташки алоқаларга таяниши мумкин бўлса, унда ТМда ресурслар ҳаракатининг оқилиона механизмлари ва йўналишларини таъминлаш маъмурият ҳамда унинг томонидан яратиладиган ихтисослашган таъминот хизматлари вазифаси ҳисобланади.

ТМлар ўз ҳаёт йўли давомида турли ижтимоий вазиятларда турфа вазифаларни адо этибгина қолмайди, балки **ижтимоий фаолиятнинг ҳар хил режимларида** мавжуд бўлади. ТМ ҳаёт фаолияти режимлари етакчи вазифалар хусусияти ва фаолият турлари, унда кечадиган жараёнларнинг барқарорлик даражаси, эришиладиган натижалар бўйича бир-биридан фарқланади.

**ТМни яратиш** (старт, ишга солиш) режими учун, қоидага кўра, унчалик юқори бўлмаган даражадаги барқарорлик (ҳамжамият аъзолари бирга ишлашга эндиғина ўрганишмоқда, дастур ва технологиялар ҳали созланмаган, ташкилий тартибот эндиғина ўрнатилмоқда) ва муносиб юқори бўлмаган натижа (агар у узоқча чўзилмаса) хос бўлиб, бу режим учун изоҳлаш ва йўл қўйиши мумкин бўлган ҳолатдир.

Унинг ўрнига келадиган **ТМнинг қарор топиши** режими ТМ ишининг барқарорлиги, муқимлиги ортиб бориши, мустаҳкамланиши ва натижадорликнинг юксалиши билан характерланади. Бу режим да-

вомида ТМ ўзи ташкил этилишида кўзда тутилган даражада ишлай бошлайди. ТМ ушбу даражага чиқиб олгач, барқарор иш режимида ҳаёт кечира бошлайди. Унинг иши натижадорлиги эса жуда фарқ қилиши мумкин. ТМ юқори натижадорлиги ва барқарорлиги вазиятида бу режим узоқ давом этиши мумкин. Эришилаётган натижалар ТМни ва унинг Буюртмачиларини қониқтирмай кўйиши эса бошқа гап. Бунда ҳамжамият фаолият кўрсатишнинг бошқа сифат даражасига ўтиш ҳақида бош қотиришига тўғри келади.

Бу ҳолда ТМнинг ривожланиш режимига (режали сифат ўзгаришлари, инновациялар) ўтиши тўғрисида гапириш тўғри бўлар эди. Бу режим учун жамоа ҳаётида ички зўриқишининг ортиши хос: жараёнларнинг, алоқаларнинг, муносабатларнинг барқарорлиги кескин пасаяди, ноаниқликлар кучаяди, хавотирлик ва жорий этилаётган янгиликларга нисбатан қаршиликлар пайдо бўлади. Мазкур қийинчиликларни муваффақият билан енгтан тақдирдагина ТМ ўз фаолиятида янги даражага чиқиши мумкин.

Янгиликларни киритиш цикли ва ТМнинг янги сифат ҳолатига ўтиши муваффақиятли якунлангач, у яна (ўз натижадорлигининг янги бўхронигача ва инновация янгидан куртак отишигача) барқарор иш режимига қайтиши мумкин.

ТМнинг иш олиб бориши ва янгиланишга бўлган интилиши муваффақиятсизликка учраса, у таназзулга юз тутиши ҳамда таълим муассасаси сифатида тутатилиши мумкин. Табиийки, ТМ бошқарув ходимлари ўз ташкилотининг бундай ҳаётий режимга тушиб қолишига йўл кўймаслиги керак.

ТМнинг иш олиб бориши ва ривожланиши кўп ҳолларда бир вақтнинг ўзида кечади, бироқ, одатда, улардан биттаси устун бўлади, бу эса ҳаёт фаолиятининг жорий режимини белгилашда асос бўлиб хизмат қиласди.

**Таълим натижалари** якуний ва оралиқ натижаларга бўлинади. Таълим муассасаси битирувчилари таълими натижаси, яъни умуман таълим сифати пировард натижа ҳисобланади. Таълимнинг оралиқ натижаларига навбатдаги синф (курс)ни туталлаб, кейинги йилда таълим олишни давом эттириш учун ТМга келадиган ўқувчилар таълими натижалар киради. Бу натижалар нималардан иборат? Яхши натижалар ёмонидан нимаси билан фарқ қиласди?

Бу саволларга жавобнинг аҳамияти катта: ТМнинг бутун йўналтирилганилиги уларга боғлиқ. Фанда ҳам, амалиётда ҳам бу саволларга турфа хил жавоблар мавжуд бўлса-да, уларнинг орасида қониқариллари кам.

Баъзилар ТМни битирувчиларнинг таълими ва тарбияси борасида эришилган аниқ натижаларга кўра баҳолашни асосий деб ҳисоблашади (ваҳоланки, ўзлари бу натижаларни бутунлай хилма-хил дейи-

шаци). Бизнинг назаримизда, бу позицияда, ҳатто у умумқабул қилинган, ТМдан ўкув дастурлари белгиланган стандартлар даражасида ўзлаштирилишини таъминлашни талаб этадиган давлат томонидан кўллааб-қувватланса-да, кўпинча илғанавермайдиган жиддий яширинган. Гап шундаки, ТМ ва ўқитувчиларнинг ўқувчиларни «стандартта мос» тарзда «ўқитиш»га фаол интилишини уларнинг таълимга бўлган шахсий эҳтиёжлари, фаоллиги ва танлаш эркинлиги гояла-ри, ажратиш гоялари билан бирлаштириш қийин.

Бошқалар «муайян битириувчилар келиб-кетаверади, ТМ эса қолади», шунинг учун энг муҳими — ТМда бағоят хилма-хил ўқувчиларнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратиш ва шунга му-вофиқ ТМни бундай шарт-шароит мавжудлигига кўра баҳолашни муҳим деб ҳисоблашади (бундай позиция кўпинча ТМга ўз ривожланиши натижалари учун масъулиятни юклашни хоҳламаслик билан боғлиқ бўлади). Айни маҳалда бола шахсининт айнан қандай ривожланишига имконият яратиш кераклиги ҳақида бир қарорга келмай туриб, унинг ривожланишида қандай аниқ шарт-шароитлар яхши эканлиги белгиланади.

Учинчи бир тоифа таълимга шахсни ривожлантириш усули си-фатида қараб, ушбу шахсни гўёки унга хос бўлган ва унинг хатти-ҳаракатларида зоҳир бўладиган кўпгина сифатлар орқали белгилайди. Бироқ уларнинг таълим-тарбия ҳақиқатан ҳам ушбу сифатларнинг шаклланишига олиб келишга ишончлари кўп ҳолларда шу икрорга асосланади.

Бутунги кунца психология-педагогика фанлари таълимнинг меъёрдаги ва яхши натижалари ҳақидаги (муҳим бўлса-да, бола ривожланишини айнан англатмайдиган билимларни, кўникмаларни, ма-лакаларни ўзлаштириш каби жиҳатлар бундан мустасно) аниқ та-саввурларни ишлаб чиқишигани йўқ. Баҳолаш ва ўлчашга интилиш — бу энг муҳими эмас, ўлчаш осон бўлган нарсалар эса ТМ учун шахсни ривожлантириш ҳақидаги доимий «куруқ гаплар» асносида болаларга «зўрлаб ўргатиш» каби гайриинсоний, чексиз, беҳуда амалиётта айланиши мумкин.

Таълим муассасаси тиббиёт ёки соғлиқни сақлаш муассасаси эмас, балки сўзсиз, таълим муассасасидир. Бироқ, замонавий ТМ ўсиб келаётган авлоднинг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш масалалари ҳақида қайғурмаслиги ҳам мумкин эмас. Бу муаммоларга эътиборни кучайтиришга асос бўладиган бир қанча жиҳатлар мавжуд. Булар:

- *биринчидан*, ўқувчилар саломатлиги, уни сақлаш, мустаҳкамлаш инсонпарвар ташкилот бўлган ТМнинг олий қадрияти ҳисобланади;

- *иккинчидан*, бугунги шароитда биз болалар соғлигининг сезиларли тарзда умумий ёмонлашувига дуц келмоқдамиз (бу кўпгина

ёш оиласларнинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан нотўқислиги, иммунитетнинг сусайиши, ирсий бузилишлар, ёмон экологик аҳвол, ота-оналар алкоголизми ва ҳ.к. билан боғлиқ);

— учинчидан, ўқувчилар жисмоний, тана, руҳий, маънавий соғломлигининг аҳволи яхши ёки меъёрида бўлиши юксак таълим натижаларини олиш, ўқув-бисув фаолиятини самараали асослаш ҳамда ТМга ва умуман таълимга нисбатан ижобий муносабатнинг шаклланиши учун зарурий шарт-шаронг ҳисобланади;

— тўртинчидан, ўқувчилар учун ТМда таълим олиш, таклиф этилаётган жисмоний ва руҳий юкламалар, Колаверса, яшаш мұхити сифатида ТМга келиши, бу ҳақда педагоглар ва маъмурият ўйлайдими, йўқми, бундан қатъий назар, сўзсиз, Ўзбекистоннинг ёш фуқаролари саломатлигига, устига-устак уларнинг организми ва руҳиятининг асосий функционал тизимлари етилаётган бир паллада сезиларли таъсир этади ва афсуски, бу ҳамиша ҳам ижобий бўлавермайди;

— ва ниҳоят, бешинчидан, маърифий муассаса бўлмиш ТМ, анъанаға кўра, ўқувчиларга фақат маънавий эмас, балки сўнгги сайтда соғлом турмуш тарзини кенг ёйиш ҳаракати шаклини олаётган жисмоний маданиятни ўргатиш билан ҳам шугулланади ва у валеология гояларининг ривожланиши билан боғлиқ (Э. А. Сейтхалилов, Д. Д. Шарипова, М. Тоирова).

Юқорида айтишганларнинг барчаси ўқувчилар саломатлигига таълим муассасаси, унинг таълим ва таъминот тизимининг (яни, таълим сифатининг) мұхим (болалар учун ҳам, ТМ фаолиятини баҳолаш учун ҳам) йўллари сифатида қараш имконини беради.

### **III.2. ТАЪЛИМ МУАССАСАСИННИГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ**

ТМнинг мавжуд таълим салоҳиятидан фойдаланиш билан боғлиқ барча жараёнлар амал қилиш жараёнларига киради. Ушбу параграфда асосий эътибор таълимнинг юқори сифатини таъминловчи омил ва муқарар шарт-шаронг бўлган таълим-тарбия жараёнини бошқаришга қаратилган.

Таълим муассасаси бир бутун ҳолда ишлаши учун у яхши ташкил этилган бўлиши керак. Та什килий фаолият нималардан иборат, унинг аҳамияти, вазифалари қандай? Бошқарув функцияси бўлган ташкил этиш йўли билан нималарга ва қандай эришилади? ТМ ташкилий тузилмаси бошқарилувчи жараён, ТМ ўлчами ва тури, бошқарувга ёндашуви хусусиятига қанчай боғлиқ?

Ушбу параграф шу каби масалаларни кўриб чиқишга багишинланган.

### III.2.1. БОШҚАРУВ МОДЕЛЛАРИ ВА УСЛУБЛАРИ

Мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида ислодотлар кечётган мурракаб бир нацияда, таълим тизими таълим муассасаларини бошқаришни илоҳ қилишга эҳтиёж сезади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш мислий дастури» томонидан қўйилган давлат мажбуриятлари, молиялаштириш ва меъёрий-хукуқий база бошқарувнинг барча даражаларида ТМ бошқарув ходимиятидан ДТСда берилган таълим сифатини тутиб туришни талаб этади.

Таълим борасида ҳар бир давлатнинг ўз манфаатлари мавжуд. Ўзбекистоннинг манфаатлари давлат, жамият ҳамда шахс эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган давлат ва минтақавий таълим сиёсатларини ва дастурларини синтезлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунидаги айтишидича, таълим муассасалари таълим жараёнини амалга оширишда, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишида, итмий, молиявий, хўжалик ёки бошқа фаолиятда Ўзбекистон Республикаси қонунлариша ва таълим муассасаси Уставида белгиланган ваколатлар доирасида мустақиллар.

«Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 29-моддасига биноан ТМнинг ваколатларига: таълим жараёнини моддий-техник жиҳозлаш, молиялашнинг қўшимча манбаларини жалб этиш, педагог кадрларни танлаш, ишга қабул қилиш ва жойлаштириш, ўкув фанларининг методик таъминотини ташқил этиш ҳамда такомиллаштириш, иш дастурларини, ички тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш, ТМ фаолиятини бошқариш тузилмасини белгилаш киради.

Бошқарувнинг асосий гояси — юксак таълим сифатига эришиш, таълим олувчиларнинг ҳам, таълим жараёнлари субъектларининг ҳам шахсий сифатларининг, шахснинг ижодий фаолиятдаги қобилияти, истеъоди ва фаоллиги ривожланиши учун шарт-шароит яратиш. ТМ бошқаруви қўйидагилардан таркиб топади:

- кадрлар тайёрлашнинг мослашувчан тизимини яратиш;
- янги тарбиявий ва педагогик технологиялар лойиҳаларини ривожлантириш ва улар устида олиб борилаётган тажриба-синовларни кўллаб-куватлаш;
- ижодкор ёшларни, уларнинг ижтимоий ҳимояланганлигини кўллаб-куватлаш;
- педагог ходимларнинг интеллектуал банкидан, моддий ва молиявий маблағлардан самарали фойдаланиш;
- таълим жараёнда шахсни шакллантириш ва ривожлантириш;
- ахборот технологияларини татбиқ этиш.

Ҳозирги педагогик адабиётларда ТМ бошқаруви моделларини яратиш ва жорий этиш масаласига катта ўрин берилган. Бу масала кўп

тадқиқотчилар томонидан кўриб чиқилган [Р. Аҳлидинов, Р. Жўраев, У. Иноятов, Ш. Курбонов, А. Я. Найн, Ў. Нишоналиев, А. А. Орлов, М. М. Поташник, Х. Рашидов, Э. Сейтхалилов ва бошқалар].

Хар қандай тип ва таълим туридаги ТМни бошқаришни ташкил этиш фойдаланилаётган бошқарув тизими (модели)га боғлик.

*Бошқарувнинг чизиқли-марказ тузилмаси* энг кўп тарқалган. Унинг асосида чизиқдаги бошқарув ходимларининг маъмурий бўйсуниш муносабатлари ётади. Бу муносабатлар чизиқли-иерархик тузилманни юзага келтиради, унинг ҳар бир босқичида марказлар тузилади. Улар бошқарув ходимлари томонидан тасдиқланадиган ва амалга ошириш учун қўйи «қаватларга» узатиладиган қарорлар вариантиларини ишлаб чиқишиди. Ушбу бошқарув моделининг асосий камчилиги шундаки, вакъ ўтиши билан ва ҳозирги босқичда бундай марказлар таълим мақсадлари ва вазифалари кенгайиши боис, барча долзарб муаммоларни қамраб олишга интилиб, чегарасиз ўсиб бориши ёки таълим сифатини ўзидан йироқлаштириб, улардан узилиб қолиши мумкин.

ТМ бошқарувининг чизиқли-тезкор моделида бошқарув марказлари тузиш орқали кечади. Бу кафедра мудирлари ҳам, ўкув бўлимлари ҳам бўлиши мумкин. Унинг асосий қиммати мураккаблик даражаси турлича бўлган бошқарув вазифаларини тезкор тарзда ҳал этиш имконияти мавжудлигидадир. Камчилиги эса марказ аъзоларининг кўпсонлилиги ҳамда уларни назорат остига олиш имкони йўқлиги бўлиб, бу ҳолат бир маъмурнинг бошқарув вазифаларини бошқа бирига топширишга олиб келади. Бундай модельни амалга оширишда ҳар бир марказ аъзосига унинг лавозим йўриқномасини белгилаб, вазифаларини чегаралаб бериш мақсадга мувофиқ. Бироқ бундай модельда ТМнинг асосий вазифаси бўлмиш таълим жараёнининг самарадорлиги демократлаштириш, инсонпарварлаштириш ва таълим сифати нуқтаи назаридан қараб чиқилмайди [Г. Х. Попов, Г. Л. Жавадова].

Таълим муассасасини *бошқаришнинг интеграл модели* пировард маҳсулот — мутахассисга қўйиладиган талаблар асосида ишлаб чиқилган. Бундай модельнинг ишлаб чиқилиши таълим олувчи шахсни ривожлантиришга қаратилган таълим жараёнининг мажмуавий хусусияти билан белгиланади. ТМни битириб чиқадиган мутахассис интеграл мезон бўлиб хизмат қиласи. Бу касб-хунар ТМларида назарий ва ишлаб чиқариш таълимининг яқиндан алоқаси мавжудлиги билан изоҳланади. Ҳар бир таркибий қисмнинг шаклланиши айнан уларда кечади. Бундай модель бошқарувнинг бошқа моделларига нисбатан яқъол устунликка эга бўлса-да, уни энг мақбул деб ҳисоблаб бўлмайди. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, ДТС битирувчи

моделини белгиланган талаблар ҳамда меҳнат бозори эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда ишлаб чиқишни назарда тутади, битирувчи модели шунга мослаб ишлаб чиқилади. Битирувчи қаочонки иш топа билса ёки ҳеч бўлмаганда, меҳнат бозорига мослаша олса, рақобатбардош бўлади. Битирувчи олган таълим сифати: битирувчи шахснинг ривожланганлик даражаси, унинг қобилияти, касбий билим, маҳорат ва кўнкимда даражаси каби меҳнат бозори талаб этадиган жиҳатлар унинг ишга жойлашиши учун кафолат бўлиши мумкин [Т. В. Орлова].

**ТМ бошқарувининг ҳудудий-автоматлаштирилган тизими** стандартнинг минтақавий таркибий қисми етакчилигига асосланган. ТМда бундай тизимни ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш учун етарли шарт-шароит яратиш лозим, шундагина навбатдаги ҳар бир босқич аввалгисидан келиб чиқади. Ушбу тизимнинг камчилиги унда таълим сифати ҳеч бир тарзда эътиборга олинмаслигидир. Ҳаёт ботбот шуни тақозо этмоқдаки, бугун таълим муассасаси, туридан қатъий назар, таълим сифати бошқарувнинг обьекти бўлиши керак [Т. В. Орлова, В. С. Лазарев].

**Бошқарувнинг вертикал тузилмаси:** Кенгаш, директор, директор ўринbosари, бошқарув ходими ва жамоа вертикалидан иборат. Бундай модел ҳокимиятнинг марказлашуви билан марказлашувдан чиқарилиши ўргасидаги нисбатни ўзгартиради, бўлинмалар ўргасидаги алоқани кучайтиради, таълим дастурлари бошқаруви амалга оширилишини таъминлайди. Мазкур моделда директор ўринbosари, бўлинма бошқарув ходимларининг вазифалари ёзилмаган, бу эса таълим сифатини бошқариш йўқлигидан дарак беради [А. И. Давидчов].

**ТМ бошқарувининг чизиқли модели тузилмасида** бошқарувнинг асосий қисмлари: Кенгаш, директор, директор ўринbosарлари, бўлим мудирлари, маркетолог белгиланган. Бундай моделнинг асосий foяси меҳнат бозорининг ва буюртмачи талабининг, ўқув дастурларининг ва тайёрланадиган касблар рўйхатининг ўзгаришига мослашувчан тарзда муносабат билдира олишида. Мазкур моделнинг асосий камчилиги — унда таълим сифати кафолати, аҳамияти ва мониторингининг йўқлигидир [А. А. Малахов].

**ТМни хизматлар ва бўлинмаларнинг горизонтал алоқа билан ўзаро муносабати** тамоилии бўйича бошқарув модели: бўлинмалар тузилмаларга — бўлимлар, факультетларга, ўқув-илмий бирлашмалар, кафедраларга бирлаштирилган. Услубий хизмат бутунлай янги тиپда: ишни ўқув-методик хужжатларни мустақил ишлаб чиқиш, ўзгартириш бўйича барча тадқиқий-амалий ишларни (ТАИ) ўзида бирлаштирган илмий-методик лаборатория бошқаради. Бундай модел

ДТСни, фақат унинг ўқув-дастурий хужжатлар бўйича амалга ошириш имконини беради, бироқ бугунти кун таълими бўлган битирувчиларни тайёрлаш сифатини ҳисобга олмайди [М. Л. Ермошкин].

А. И. Риков касб-хунар таълими комплексларини бошқаришнинг бирмунча бошқача моделини таклиф этади. Уларга қуйидаги уч асосий хизматлар киради:

- касбга йўналтириш (психолог, тарбиячилар, маркетолог);
- касб-хунар таълими (маҳсус ва умумтаълим фанлари ўқитувчилари, лицензиялаш ва аттестация бўйича ўринбосар);
- касбий мослашув (мехнат мониторинги гуруҳи, биржа).

Айтидан, бундай моделда таълим сифатини бошқариш вазифасини директорнинг лицензиялаш ва аттестация бўйича ўринбосари хизматига бериш мўлжалланган. Бироқ бу — фақат тахмин, холос. Очиқ, ўзини-ўзи ривожлантирувчи педагогик тизим, бу — умумтаълим таълим муассасаси ва банд бўлмаган аҳоли билан боғланган, ядроси ўқув фанлариаро марказ ҳисобланган бошқарув моделидир. Бундай модел ўқувчи шахсига йўналтирилган бўлиб, унинг ижодий имкониятлари ривожланиши ва тўлиқ намоён бўлиши учун педагогик шарт-шароит яратади.

Биз бошқарув субъектининг обьектга, яъни таълим сифатига мақсадга йўналтирилган таъсири усуслари жамланмасини тушунамиз.

Услублар — бошқарув тизимининг энг ҳаракатчан элементи, улар таълим сифатини бошқаришнинг мақсад ва принципларини амалга оширишга хизмат қиласди. Педагоглар жамоасига, таълим олувчиларга ва умуман таълим жараёнига таъсирнинг турли методларини ташлаш, улардан фойдаланиш ва уларни самарали тарзда уйгунлаштириш — таълим сифатини самарали бошқаришнинг асосий шарти.

Таълим сифатини бошқаришнинг асосий методларига: маъмурий, психологик-педагогик ва молиявий методлар киради.

**Маъмурий омиллар** (ташқилий-кўрсатма берувчи) бошқарув ходими нуфузига асосланади. Улар мавжуд ўқув режалари ва дастурларини, таълим жараёнининг пухта тайёрланган графигини, ўқувчилар билимини текшириш ва уларни қайта ишлаш ва таҳлил қилишни ўз ичига олади. Агар бошқарув ходими томонидан вазифалар ва уларни бажариш йўллари ўрнатилган, ижрочилар, муддатлар ва иштартиби белгиланган бўлса, ҳар қандай ташқилий таъсир ўзини оқлайди ҳамда самарали бўлади [С. А. Конаржевский].

**Психологик-педагогик омиллар** бошқарув ходимининг қўл остидагиларни таълим сифатини бошқариш натижаларини кузатиб бориши зарурлигига ва мақсадга мувофиқлигига ишонтира олиш қобилятига асосланган.

Педагоглар жамоасини ҳамда таълим олувчиларни систематик тарзда ўқув материали ўзлаштирилишининг оралиқ натижаларидан

ҳамда маҳорат ва кўникмаларни эгаллаш даражасидаги мунтазам ҳабардор этиб бориш уларнинг келажак фаолиятдан пировард натижадан, яъни таълим сифатидан манфаатдорлигини рағбатлантиради. Ишонтириш методидан оқилона фойдаланиш ТМ жамоасида ўзаро ишонч, ҳурмат, ҳамкорлик муҳитини яратишга кўмаклашади [О. Козлова, Я. Радченко].

Таълим сифатини бошқаришнинг *иқтисодий омилларига* педагог ходимлар меҳнатини моддий рағбатлантиришнинг турли усуслари ни киритиш мумкин. Булар: таълим олувчилик эриштан мұваффақият, билим эгаллашнинг энг самарали усули ишлаб чиқылғанлиги, ишлаб чиқариш таълимида таълим олувчикарнинг меҳнати меъёrlаштирилғанлиги учун устамаларнинг табақалаштирилғанлиги. Моддий рағбатлантиришда маънавий рағбатлантириш ҳам бўлади. Педагог ўз педагогик ишида эриштан ютуқлари жамоала тан олинганидан руҳий юксалишни ҳис этади, унда янада яхши ишлашга ундовчи фидойилик пайдо бўлади [Г. Гутман, А. Шчетинин, Э. Касумова, М. Марков, Ф. Г. Поначин].

*Бошқарувнинг дастурий-мақсадли методи* асоси — бу, фаолият кўрсатишининг ва ривожланишининг самарадорлигини таъминловчи тизимли ёндашув, таълим тизимининг рақобатбардошлиги, ўзига хослиги ва устуворлиги уни бошқаришни такомиилаштириш имконини берадиган процессуаллигидир [М. М. Поташник, И. С. Ладенко, Г. Л. Тульчинский, В. С. Татьяненко]. Ушбу бошқарув усули ёрдамида зарурий таълим сифатига эришиш, бошқарувни амалга оширишнинг самарали шакл ва технологияларини излаб топиш учун шартшароитнинг шаклланиши таъминланади. Бошқарувнинг дастурий-мақсадли методи тузилиши ва мазмунини интеграциялаш асосида таълим тизими бошқарувининг прогнозли модели ишлаб чиқылган [Т. В. Орлова, В. И. Косянов, Р. Г. Кравченко, А. Г. Скрипка].

Кўпгина методларни бутун жамоага ҳам, унинг алоҳида бўлинмалари ёки ходимлари учун ҳам қўллаш мумкин. Таълим сифатини бошқариш самарадорлиги санаб ўтилган методларнинг биронтасидан доимий фойдаланишда эмас, балки уларни оқилона тарзда уйгунлаштирган ҳолда қўллашдадир.

Ихтимоий бошқарув назариясида таълим сифати мониторингига бошқарув циклининг энг аҳамиятли ва нисбатан мустақил бўлинмаси сифатида қаралади [Л. Г. Дубицкий, И. И. Жуковец, А. Зайцев, Р. А. Инне, Б. Мохов]. Мониторингнинг функцияси ва вазифалари, унинг таълим сифатига таъсири ҳақида тўртинчи бобнинг маҳсус бўлимида сўз боради.

Бу ерда эса биз, мониторингни таълим жараёнини бошқаришнинг мустақил функцияси сифатида қараш шартли хусусиятга эга эканлигини ва концептуал ҳамда операционал муносабатларда фой-

дали бўлишини таъкидламоқчимиз. Аниқ таълим жараёнида мониторинг бошқарувнинг барча функциялари ва даврлари билан яқиндан боғланган, шунинг учун ҳам унинг мұхим хусусиятлари ТМ бошқарувининг бошқа бўлинмалари билан ўзаро муносабатда тўлақонли кўриб чиқилиши мумкин [А. Г. Соколов, М. О. Тайчинов, В. А. Трапезников, А. И. Уемов].

Үёки бу таълим муассасаси турини бошқариш қонуниятидан фойдаланиш амалиётда алоҳида хусусиятга эга, негаки, обьектнинг ўзига хослигидан шу ондаёқ уни бошқариш тизимининг ўзига хослиги келиб чиқади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, менежментда бошқарувдаги қуидаги умумий хусусиятлар: мақсадга йўналганик, тизимлилк, прогноз қилиш мүмкнилиги, демократиклик, шунингдек, бошқариш мақсадида айнан бир хил бошқарув вазифаларини бажариш (режалаштириш, ташкил этиш, бошқарув ходимилик, назорат) барча турдаги ТМлар учун умумий ҳисобланади [М. Бутрин, Ю. Васильев, Л. Орлов, В. А. Трапезников].

Масалан, касб-хунар ТМларида педагогик ва ишлаб чиқариш жарайёниларини ажратиш мумкин бўлгани учун унинг фаолияти: педагогик (муҳандис-педагог ходимлар, ўкувчилар) ва ишлаб чиқариш (ишлаб чиқариш ишлари бўйича директор ўринбосари, ишлаб чиқариш таълими устаси, ўкув-ишлаб чиқариш корхонаси ходимлари, таълим олувчилар) жараёни қатнашчилари; ТМ бошқаруви ва педагоглар жамоаси аъзолари ўртасидаги муносабатлар методи билан боғлиқ ҳолда кечади.

Бошқарувнинг ҳар қандай методида биринчи ўринга, табиий ҳолда, ўзларининг таълим олишга бўлган хукуқларидан фойдаланаётган таълим олувчилар фаолияти учун шароитни таъминлаш талаби кўйилади. Бинобарин, замонавий бошқарув моделида таълим-тарбия жараёнининг барча бевосита иштирокчилари бир-бири билан узвий боғланган бўлиши керак, бу модел маҳсулотининг сифати эса — тегишли меъёрий хужожатларда белгиланган таълим мақсадидир.

Таълим муассасасини бошқариш янада мураккаброқ ижтимоий тизимларнинг бир қисми, кичик тизими ҳисобланар экан, тизимли ёндашув руҳидаги бошқарув фани тадқиқот обьекти, яъни бошқарув обьекти билан ҳам қизиқмаслиги мумкин эмас [А. Т. Куракин, Л. И. Новикова, В. С. Лазарев]. Бундай обьект назарияси — таълим ташкилоти назарияси, яъни таълимдаги бошқарув назариясидир.

Тизимларда фаолият турлари хусусиятларини уйғунлаштириш йўли билан одамларнинг мақсадга йўналганилигини ва уюшганлигини: режалаштириш — ташкил этиш — бошқарув ходимилик — назорат — шу асосда қўйилган мақсадларга эришишни таъминлаш, демакдир. Фараз қилинадики, айнан бошқарув биргаликдаги саъй-ҳаракатларни уйғунлаштиришга, бошқарилувчи тизимлар бутунлигини

сақлаш ҳамда ривожлантиришга ва бу билан таълим тизимлари шаклланиши, меъерида фаолият юритиши ва прогрессив ривожланиши муаммоларининг ечилишига асосий улуш қўшади [И. С. Ладенко, Г. Л. Тульчинский].

ТМдаги умумтаълим ва касб-хунар дастурларини такомилаштириш, шунингдек, бошқарув тузилмасини ўзгартириш билан боғлиқ ислоҳотлар ҳали ҳам таълим сифатининг сезиларли тарзда ошишига олиб келмади.

Бугун таълим сифатини бошқариш механизмининг ўзида камчиликлар кузатилмоқда. Улар:

- ТМ бошқарувига янгича ёндашувлар ва сифатли таълим жараёнини ташкил этишдаги жиддий қолоқлик;
- таълим сифатига қўйилган тадаблар ва муҳандис-педагогларнинг уни амалга оширишга тайёрлиги;
- ўқитувчиларнинг ижодий педагогик фаолият юритишга тайёрлиги ҳамда уларнинг ўз салоҳиятларини ишга солиши учун шароит йўқлиги ўртасида бир қатор қарама-қаршиликлар мавжудлиги боис ишламаяпти.

Коидага кўра, ТМни бошқариш меъерида иш юритишдан оғиши аниқлаш ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш тамойили бўйича амалга оширилади. Бошқарувнинг умумий назариясига кўра, бу қаттиқўл бошқарувдир. Фаолиятнинг жорий аҳволинигина ҳисобга оладиган бу бошқарув, моҳиятган «думидан бошқарув» дейилади. У ривожланиш механизми, янгиликлар киритилиши ва кўзда тутилган ўзгаришларни ҳисобга олмасдан, қарор қабул қиласлиқ мумкин бўлмаган ҳолатларда вазиятнинг кескинлашувига кечикиб муносабат билдиришни таъминлайди. Шу ўринда бошқарув ҳақиқатан ўз дидактик ва ишлаб чиқариш жараёнларининг, кадрлар ўзгаришининг ва моддий-техник таъминотнинг ортидан етишиб юрувчига айланади [И. С. Ладенко, Г. Л. Тульчинский].

ТМни самарали бошқариш мақсадини амалга ошира туриб, бошқарув ва истиқболни режалаштириш функцияларини ажратиш мақсадга мувофиқ эмас. ТМ салоҳиятини аниқлаш учун мавжуд ижобий ва салбий омилларни, истиқболли йўналишларни ва муваффақиятсизликларни таҳдид қилишдан фойдаланиш даркор. [И. С. Ладенко, В. С. Лазарев, Л. Максимов, М. Марков, Б. З. Мильнер, Л. И. Евенико, В. С. Раппопорт, М. Митина, А. Иньшин, Г. Л. Тульчинский].

Таҳдиддан мақсад — сифатли таълим устунлигини кучайтириш, шундай таълим олишдан манфаатдор шахсларнинг йўқотишини энг кам даражага тушириш, таълим сифатини оширишнинг янги имкониятларини яратиш.

Таърифланган мақсадлар ТМ бошқаруви соҳасида вазифаларни кўяди. Бошқарув тизими ушбу бошқарувнинг объекти «ким» ёки

«ним»лигига боғлиқ ҳолда конструкцияланади (моделлаштирилади). Мазкур тадқиқотда урғу пировард маҳсулотга — таълим сифатига берилган. Шунинг учун бошқарув обьекти таълим сифати ҳисобланади, бу эса ТМда бошқарув тузилиши ўзгаришига олиб келади.

Сўнгги йиллар амалиёти ТМда таълим жараёнини бошқаришда самарадорлик юқори эмаслигининг сабаби тизимли ёндашув хўжак-ўрсинга амалга оширилаётганинига: унинг конъюнктуравий хусусиятта эга тавсияларнинг электrik йигиндиси билан алмаштирилиши, комплекс тартибга келтирилган, мавхум, ҳатто ўйлаб тошилган шакл ва тузилмалар тизими фаолияти билан алмаштирилаётганида эканлигини кўрсатмоқда. Буларнинг ҳаммаси таълим жараёнидага ўзаро муносабатда бўлаётган субъектлар ўртасида жиддий қарама-қаршиликларни келтириб чиқаради. Фаолият мақсадлари, усуслари ва мазмуни ўртасида номуганосиблик юзага келади. Бу эса, ўз ўрница, олинганд натижка, яъни таълим сифатининг талабга жавоб бермаслигига олиб келади [Г. Х. Попов, М. М. Поташник, Д. Правдин, Ф. Роджерс, А. Соколов].

Ушбу муаммолар бир қатор ТМлар маъмурияти бошқарувнинг янги, самарали моделларини яратишга интилишига сабаб бўлди. Бугунга келиб бошқарув тузилмасида сифат бўйича директор ўринбосари, маркетинг бўйича директор ўринбосари, менежер каби ва бошқаштат лавозимлари пайдо бўлди. ТМларнинг барча тузилмалари таълим мусассасаси бошқариш обьектларидан бири бўлмиш сифатга келиб тақалмоқда.

ТМ бошқарувининг амалдаги моделлари (тизими)ни таҳлил қилиб, бир қатор камчиликларни кўрсатиш мумкин:

- бу тизимлар ўкувчи шахсига, унинг ривожланишига тўлиқ қаратилмаган;
- улар таълим сифатини ёмон назорат қиласи;
- тизимлар ўта марказлаштирилган (директор ўринбосарлари ва бўлинмалар бошқарув ходимлари даражасида мустақиллик кам);
- улар педагогик жамоа ривожланишига кам кўмаклашади, агар бу жараён ўз ҳолича кечеётган бўлса-да, муҳандис-педагог кадрларнинг кексайиши юз беради;
- улар самарали педагогик технологиялар ривожланишини таъминламайди;
- улар ТМнинг ҳам ташқи, ҳам ички мұхитидаги ўзгараётган шароитга мослаша олмайди.

Ҳозирги вақтда ТМ бошқаруви фанида тадқиқот методларининг аниқ класификацияси йўқ. Бу, энг аввало, ушбу фаннинг янгилиги билан изохланадики, унда доимо вазифаларнинг қайта англаниши ва уларни ҳал қилиш методларини қидириш жараёни кечади.

Ҳар қандай бошқа фанда бўлганидек, таълим муассасасини, таълим сифатини бошқаришда тадқиқот методларини танлаш нима тадқиқ қўйинаётганлигига (яъни, ўрганилаётган предмет) ва тадқиқот вазифаларига боғлиқ.

Таълим сифатини бошқариш борасидаги барча тадқиқотларни иккита катта гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳни баёний-тушунтирув турдаги тадқиқотлар, иккинчи гуруҳни эса — тадқиқотларнинг шакллантирувчи турлари ташкил этади.

*Биринчи гуруҳнинг асосий вазифалари мавжуд бошқарув амалиётини таҳлил этиш, бошқарув функцияларини амалга оширишнинг муваффақиятилигидаги тафовутларни тақозо қилувчи омилларни аниқлаш, шу асосда кузатилаётган ҳодисаларни изоҳлаш имконини берадиган назарий моделларни қуриш ҳамда бошқарув амалиётини ўзгартириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш билан боғлиқ.* Бу турдаги тадқиқотларнинг мантифи бошқарув фаолияти ривожланишини ўз қонуниятлари ва тамойилларига эга бўлган табиий жараён сифатида қарашни тақозо этади. Уларнинг аниқланиши билан муайян ТМда бошқарувни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш учун назарий асос яратилади. Баёний-тушунтирув тури вазифаларини ҳал этишда ижтимоий фанлар учун анъанавий бўлган кузатув, сўров, тест, ҳужжатларнинг контент-таҳлили, экспертиза, ишлов бериш, статик маълумотлар таҳлили ҳамда уларни умумлаштириш ва бошқа методлардан фойдаланилади.

*Шакллантирувчи турдаги тадқиқотлар* ўзга мантиққа эга бўлиб, баёний-тушунтирув туридан кўра бошқачароқ қурилади. Ушбу тур тадқиқотларда янги бошқарув фаолиятининг моделлари ишлаб чиқлади, сўнгра улар асосида аниқ бир ТМда бошқарув амалиёти қайтадан тузилади ва қилинган ўзгаришлар оқибатлари таҳлил этилади. Яъни, баёний-тушунтирув тадқиқоти эмпирик фактларни аниқлаш ва таҳлил этишдан назарий умумлашмалар чиқаришга (хусусийликдан умумийликка) қараб борса, шакллантирувчи тадқиқотларда ҳаракат мантиқи тескари — назарий моделлардан уларнинг бирма-бир амалга оширилишига (умумийликдан хусусийликка қараб) боради.

Даставвал ишлаб чиқилган назарий моделлар мазмун-моҳиятига кўра фаразлар ҳисобланади. Улар, агар бошқарув фаолияти моделга мос тарзда амалга оширилса, қандайдир шароитда, қандайдир оқибатлар келади, деб таҳмин қиласди. Агар олдиндан айтилган оқибатлар ҳақиқатда рўй берса, унда назарий модел воқелик билан, ҳозир мавжуд бўлган воқелик билан эмас, балки бошқарув амалиёти ўзгариши билан юзага келадиган воқелик билан айнан ўхшаш ҳисобланади. Яъни, шакллантирувчи тадқиқот мавжуд нарсани изоҳлашта эмас, балки бўлиши лозим бўлган нарсани шакллантиришта йўналтирилган.

Бундай турдаги тадқиқотнинг асосий методлари — фаолиятни лойиҳалаш ва шакллантирувчи эксперимент методлари. Шакллантирувчи тадқиқотлар масалаларини эксперимент доирасида ҳал этиш чоғида ҳам кузатув, сўров, тест, экспертиза, ишлов бериш ва статик маълумотлар таҳдили каби методлардан фойдаланиш мумкин, бироқ улар ёрдамчи рол ўйнайди.

Баёний-тушунтирув ва шакллантирувчи тадқиқотлар бир-бирини истисно қилувчи ҳисобланмайди. Бор нарсани, уни баён этувчи ва тушунтирувчи назарий моделлар янги фаолият моделини ишлаб чиқишида асос бўлиб хизмат қиласи. Айни маҳалда қандай бўлиши лозимлигини кўрсатувчи моделлар бошқарувдаги мавжуд амалиёт ҳодисаларини таҳдил қилиш ва тушунтириш воситасига айланади.

Бошқарув жараёни ҳозирги шароитда қатор хусусиятлари билан характерланади: бошқарув меҳнатининг секин-аста алоҳида элементларга, функцияларга бўлиниши, табақаланиши кечади. Бошқарувнинг ташкилий тузилиши тубдан ўзгарди. Бошқарув органларининг марказлашувдан чиқарилиши натижасида маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув органларининг роли ва улар бошқарув ходимларининг мустақилиги ортди. Бошқарув секин-аста ижтимоий давлат хусусиятини касб этиб бормоқда.

Демократлаштириш жараёнлари ривожланиши ва иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши билан барча турдаги ТМлари фаолиятида ҳам кўйлаб ўзгаришлар содир бўлди. Бугунги кунда уларнинг диққат марказига таълим олувчи шахси қўйилиши назарда тутилмоқда. Педагогик жараёни мақсади — инсонни, ижтимоий шартланган хулқ-атворнинг маълум бир тури соҳиби бўлган фуқарони шакллантириш. ТМ бутун фаолияти КТМД гоялари ва қоидаларини амалга оширишга йўналтирилади.

ТМнинг асосий вазифаси — таълим сифатининг ишлаб чиқариш, умуман жамиятнинг ҳозирги жиддий талабларига тўлиқ мос келадиган даражасини таъминлаш. Таълим жараёни асосига инсон-парварлик ва демократик тамоиллар қўйилиши лозим.

Мавжуд таълим тизимида кўп эътибор билим, кўникма ва маҳорат (БМК)ларни шакллантиришга қаратилади, бунинг таълим жараёнидаги аҳамияти кам эмас албатта, бироқ унинг ижтимоий ва касбий аҳамиятта эга бўлган масалаларни ечиш қобилияти ва бу қарорларни янги вазиятларга тезликда мослаштириш, ижтимоий мослашув маҳорати, одамлар билан муомала каби бошқа жиҳатларига эса юзаки қаралади. Шу боис, технократик парадигма доирасида инсон ривожланиши сифати тушунчаси унинг истиқболда бирон-бир ижтимоий ролни бажариш қобилиятини баҳолашга боғлиқ. Бунда баҳо инсон табиати моҳиятининг ривожи даражасига эмас, балки шахс-

нинг ижтимоийлашуви даражасига ургу беради [И. А. Зимняя, И. А. Колесникова].

Аслида тизим мақсади унинг элементлари нуқтаи назаридан белгиланувчи вазият яратишиди. Таълим тизими ўзининг иш олиб боришидан кўзланган мақсадни анъанавий тушунища, педагогик воқеелик тасаввуррида ўз элементтига бўйсунувчи биқиқ доирада қолади, элемент эса ўзи мавжуд бўлган тизимнинг интегратив сифатини бузиб, янги сифат даражасига чиқиш қобилиятига эга эмас [В. Н. Виноградов].

Замонавий ТМ иши мантиқини кўпгина педагог-олимлар уйғулашган яхлит хусусиятлардан аниқ билимлар, маҳорат, кўникма ва фаолият усуслари сари, устига-устак алоҳида йўналиш бўйича ҳараратда кўришмоқда.

Инсоннинг таълим жараёнида шаклланадиган кўплаб хусусиятлари ва сифатлари олимлар томонидан иккала муҳим сифатнинг томонлари — эҳтиёжлар ва қобилияtlар, дея англашилмоқда [К. Я. Вазина, И. А. Колесникова].

Бутун таълимнинг икки асосий функциялари — шахсни шакллантириш ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ўртасидағи чегара йўқолиб бораётганлиги тобора аён бўлиб қолмоқда [Б. С. Гершунский, О. Л. Краева].

ТМда ҳақиқий демократия бошқарувнинг мавжуд ташкилий тузилмаларини қайта қуриш шароитида ривожланиши мумкин. Бу ислоҳотлар бир мақсадни — пировард натижада уларнинг таълим фаолиятининг пировард натижаси учун маъсуллигини ошириш бошқарув фаолиятига имконият даражасида кўпроқ ходимлар ва ўқувчиларни, жамоатчиликни жалб этишни кўзлаши лозим.

Замонавий педагогик адабиётларда таълим сифатини бошқариши ривожлантиришининг қуйидаги энг муҳим йўналишларини алоҳида таъкидлаш мумкин:

- ТМни ривожлантиришга йўналтирилганликнинг кучайиши;
- бошқарувнинг мақсаддаг йўналганлиги, тизимлилиги ва мослашувчанлигининг ошганлиги;
- реактив бошқарувдан илдамловчи бошқарувга ўтиш;
- бошқарувни демократлаштириш ва бошқалар [К. М. Ушаков].

Таълим сифатини бошқариш тизими, ижтимоий бошқарувнинг умумий қоидаларига кўра, бошқарув жараёнича мажбурий элементлар билан тўгридан-тўғри ва қайтма алоқа мавжуд бўладиган биқиқ бир тизим бўлмаслиги керак. Таълим тизимида ҳозир мавжуд бўлган бошқарув аҳволи эса унда қайтма алоқанинг йўқлиги ёки унинг етарли даражада ривожланмаганлиги билан характерланади. Пировард натижада бошқарув мақбул бўлиши лозим, бошқача айтганда, бошқа-

рув сифати кўрсаткичлари фавқулодда аҳамиятга эгалигини таъминлаш зарур.

Амалиёт бошқарув фаолияти сифати кўн ҳояларда таълим олувчиликнинг ҳолатига таъсир кўрсатиш самарадорлиги, шунингдек, унинг кўрсаткичларини мунтазам бошқариб бориш билан белгиланишини кўрсатмоқда.

Илмий адабиётларда биз таълим органлари марказлашувдан чиқарилган шароитда ТМ тузилмасига, сифат бошқарувига бағишлиланган ишланмаларни учратмадик. Шу боис, ижтимоий бошқарув назарияси ва бошқарувнинг педагогик тағсилотларига дахл қиласдан, таълим сифатини бошқариш масалаларини кўриб чиқамиз.

Таълим муассасаси ичида таълим сифатини бошқариш жараёнига тааллуқли мухимроқ тушунчаларни ажратиб оламиз.

Жараён — бу бир-бирининг кетидан келадиган бирор ниманинг ривожланиш моментларининг қонуний, изчил ва узлуксиз алмашниб туриши [В. И. Михеев, М. М. Поташник, А. И. Субетто].


*Шундан, биз, таълим муассасаси даражасида таълим сифатини бошқариш жараёни дегандা, ТМ фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш мақсадида бошқарув ходимларининг ва бутун жамоанинг изчил, аниқ мақсадга йўналтирилган, қонунан зарур бўлган ўзаро боғлиқ ҳаракатлари мажмумини, талаб этиладиган таълим сифати даражасини таъминловчи шарт-шароит ва омилларни тизимили тартибга солишини тушунамиз.*

«Бошқарув» тушунчасининг қўйидаги талқинини бошланғич талқин сифатида таълаймиз — бу жараён, тизимни ташкил этиувчиларнинг интеграциясини, уларнинг бир-бири билан, ташки мухит билан ўзаро муносабатини таъминлайди, ижтимоий тизим олдида турган ва унинг амал қилиши ва ривожланиши хусусиятларини олдиндан белгилайдиган мақсадни амалга оширади, зотан, мақсад сари ҳаракат муайян дастур бўйича амалга оширилади [В. Г. Афанасьев].

Бошқарув мақсади, пировард натижада, тизимга онгли, йўналган тарзда таъсир этишда, иш олиб боришни мақбуллаштиришда ва уни энг кам куч ва маблағ сарфлаб, кўпроқ самарага эришадиган даражада ўзgartаришища намоён бўлади.

Бунинг ҳаммаси бошқарув тизими томонидан бошқарувнинг ўзаро боғлиқ функциялари мажмумини амалга оширишни назарда тутади. Булар:

- фаолият натижалари таҳлили;
- бошқарув қарорларини қабуя қилиш;
- уларнинг бажарилишини ташкил этиш;
- қабул қилинган бошқарув қарорлари бажарилиши устидан назорат;

2-расм. **Бошқарув цикли.**

— бошқарув жараёни мониторинги асосида тартибга солиш ва тузатишлар киритиш;

дастурнинг бажарилиши ва мақсадга эришилиши («тескари» та-мойили — 2-расм).

Тизимли ёндашув нуқтаи назаридан қараганда, бошқарув — бу тизимни тартибга солиш, такомиллаштириш, уни бошқарувнинг обьекти ва субъекти ўртасидаги доимий ўзаро таъсир жараёнидаги обьектив қонуниятларга биноан берилган (моделли) ҳолатта олиб келиш [А. Г. Соколов].

Юзага келган ТМ бошқарув тизимида фаолият натижалари са-марадорлиги, асосан, бошқарув ходимлари таркиби томонидан бошқарув вазифаларининг бажарилиши билан боғланган. Амалиёт кўрсатадики, бундай ёндашув таълим сифатига керакли даражада эришишни кафолатлай олмайди. Нималар ҳақида ган кетаётган бўлса, уларнинг барчаси зарур, бироқ талаб этилаётган сифат учун етарли шарт-шароит эмас.

Биз бошқарувнинг ташкилий тузилмаларидағи, таълим сифатини таъминлаш бўйича бошқарув ходимлари фаолиятидаги қонуниятларни аниқлашга, шунингдек, уни ўлчаш ва баҳолаш механизмларни ишлаб чиқишига йўналтирилган ёндашувни кўпроқ самарали деб ҳисоблаймиз.

Биз ҳар қандай назариянинг мажбурий ва зарурий хусусияти унинг кўриб чиқилаётган обьект, яъни ўрганилаётган тизимнинг туб мөҳиятига, унинг асосий хоссаларига, сабаб-оқибат алоқаларига, фаолият кўрсатиш қонуниятларига чуқур кириб бориши, деб ҳисоблаймиз.

Одатда моҳият мазмун билан тенглаштирилади, бироқ у бутун мазмунни эмас, балки фақат бош, асосий мазмунни ифодалайди. Фаисафий тушунчада моҳият тизимнинг обьектив сифатидир.

Ҳар қандай назарияда куйидагиларни алоҳида ажратиш қабул қилинган:

- дастлабки эмпирик асос (фактлар мажмуи, амалий тажриба ва синов натижалари);
- таянч назарий асос (аксиомалар, қонунлар, қонуниятлар, та-мойиллар, баёний ва тушунтирувчи эмпирик материал);
- назария мантиқи (қоидалар, далил-исботлар);

■ назариялар мазмуни (қабул қилинган мантиқ ёрдамида дастлабки назарий асослардан олинган қоидалар).

Таълим сифатини бошқариш назариясини ишлаб чиқишида биз Б. С. Гершунскийнинг «назариянинг янгилиги унга янги категория ва тамойиллар (бу ҳам мустасно эмас ва ўзича фойдали) қанчалик киритилганинигидатина эмас, балки фан томонидан англанган категория ва тамойиллар ўртасида тизим ташкил этувчи янги алоқалар ўрнатилганилигига, уларнинг мазмунан чукурлаштирилган талқини ҳамда самарали қўлланиши шароити асосланганлигига», деган гапларини инобатта оламиз. Бу ўринда «моҳият» (қонун ва қонуниятларда акс этган) ва «зарурият» (тегишли принцип ва қоидаларда акс этган) ҳамиша бир-бирига ҳамоҳант, яхлитликда намоён бўлиши керак [В. А. Кальней, С. К. Шишов, А. В. Гличев].

Таълим муассасасига келганда, таълим сифати ва уни бошқариш эволюциясининг икки босқичини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. **Амал қилиш** — тизим таркибий қисмлари ўртасицаги мавжуд муносабатларни, алоқаларни тиклаш, ўзгарувчан ички ва ташқи муҳит шароитида ТМнинг сифат хусусиятларини сақлаб қолиши;

2. **Ривожланиш** — элементларнинг ва улар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг ўзгаришини, тизимни янги сифат ҳолатига олиб келувчи янгиликларни ўзлаштириш.

Бизнинг ишимизда таълим сифатини бошқаришнинг назарий асослари бошқарувнинг умумий назарияси қоидаларига асосланади. Маҳсулот сифатини бошқариш механизмиларини тадқиқ қилинган замонавий олимлар, жумлацан, А. В. Гличев бошқарув назариясининг асосий тамойилларини айрим дастлабки ҳолатларда ҳар қандай обьектга нисбатан қўллаш мумкинлигини исботлашди. Бундай механизmlар куйидагилар:

1. Бошқарувчи обьект параметрларининг режалаштирилган дарражаси мавжудлиги. Таълим муассасалари учун у ДТС ва унинг таркибий қисмлари — ўқув режалари ва дастурлари, битирувчиларнинг малака хусусиятлари, турли меъёrlар ва бошқалар бўлиши мумкин.

2. Берилган кўрсаткичларга нисбатан обьектнинг омонатлиги. Бу таълим сифати ва унинг натижалари доим ҳаракатда бўлишини, тузилган ҳамда берилган дастурдан оғиб туришини англатади.

3. Берилган ҳолатдан оғишни аниқлаш ва ўлчаш технологияси мавжудлиги. Бошқарув ходимлари, педагоглар ва муҳандис-педагоглар ўз амалий фаолиятларида доимо таълим олувчилар томонидан таълим дастурларининг ўзлаштирилишини назорат қиладилар ва сифатини баҳолайдилар.

4. Юзага келаётган оғишларга барҳам бериш мақсадида бошқарув обьектига таъсир этиш имкониятининг мавжудлиги [А. В. Гличев].

Бошқарув жараёнида педагоглар фаолиятидаги ти尼克 хатолар аниқланади, уларнинг қасбий маҳорати ва ўқувчиларнинг билим-донлик даражаси ўзгаради, уларнинг ишига зарур тузатишлар кири-тилади, таълим олувчилар ва педагогларга ёрдам кўрсатилади.

Барча санаб ўтилган механизмлар таълим сифатини бошқариш-дек фаолият категорияси билан тўғридан-тўғри алоқадордир.

Маълумки, бошқарув — ташкил этилган тизимларнинг бошқарув объективининг самараали фаолият кўрсатиши ва ривожланишини амалга оширишга йўналтирилган бошқарув тизимининг режали фаолиятидан иборат бўлган асосий функцияларидан бири. Бу ўринда бошқарув субъекти, обьекти ҳам мураккаб тузилишга эга ва улар бир-бирига ўзаро таъсир этишини унутмаслик керак. Тизимнинг ташкил этилганлик даражаси қанчалик бўлса, бошқарув шунчалик кўп ресурсларга эга бўлиши аниқланган. Ўз ўрнида, бошқарув бу тизимнинг ташкил этилганлиги даражаси ошишига кўмаклашиши мумкин.

Кўп таъкидчилар самараадор омиллар орасидан заиф, бироқ тўғри ташкил этилган, «мураккаб тизимларга резонанс таъсир» кўрсатиганларини белгилашган [А. В. Гличев, А. И. Субетто]. Бунда «инсон — инсон» тизимидағи бошқарув турлари аниқлаштирилади ва конкретглаштирилади. Шу тариқа А. И. Субетто ўз таснифида бошқарувнинг қўйидаги тур ва методларини келтиради:

- органик бошқарув ёхуд операциялар билан бошқариш;
- оғиҳ бўйича бошқарувни англатадиган компенсацияли бошқарув (тартибга солиш);
- мослашувчан бошқарув, яъни изланиш, ташки муҳит шароитига мослашув;
- рефлексли бошқарув ёки мотивация орқали бошқарув;
- истиқболли ва жорий бошқарув;
- дастурий бошқарув, бунда бошқарув обьекти параметрлари берилган дастур бўйича ўзгарилилади;
- барқарорлаштириш — бошқарув обьекти параметрлари доимий даражада ушлаб турилади;
- кузатув, бунда бошқарув обьекти параметрлари маълум даражада эркин ўзгаради;
- ўзини-ўзи бошқариш, бунда бошқарувчи тизим ва бошқарув обьекти моҳиятан айнан бир нарса бўлади;
- вазиятларни фаол бошқариш;
- марказлашган ҳамда марказлашувдан чиқарилган бошқарув ва бошқалар.

Бошқарувга тааллуқли бирон-бир қарорни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган бошқарув модими бошқарувнинг марказий фигураси ҳисобланади. Ташки вазифаларни ички мақсадга, сўнгра бу мақсад-

ни муассаса ходимлари учун ташқи вазифага айлантириш бошқарув ходими ишининг моҳияти ҳисобланади.

Бошқарув ходими қонуниятларни аниқлаштиригач, тузијма ва жарёнларга мақсадга йўналтирилган ҳолда таъсир этиш учун бошқарувнинг тегищли тур ва методларини танлаб олади. Директор ТМда самарали бошқариш учун бошқарувнинг мослашуучан, барқарор, дастурли тартибга солиш, кузатув, ўзини ўзи бошқариш турларининг ҳамоҳанглигини таъминлаши лозим.

Умумий назарияга мувофиқ, ТМда бошқарувнинг асосий функциялари куйидагилардир:

- интеграцияловчи, яъни педагоглар ва таълим олувчиларнинг мувофиқлаштирилмаган ҳаракатларини бирлаштириш;
- тартибга солувчи, педагогик жараённи тартибга солишни назарда тутади;
- ривожлантирувчан, тизимнинг доимий илгарилаб борувчи жўшқинлигини таъминлаяди [А. В. Гличев, А. И. Субетто].

Маҳсулот яратиш жараёнини бошқариш назариясида юқори натижага эришишнинг етарли шарти сифатни бошқариш ҳисобланishi исботланган.

Сифатни бошқариш моҳиятини кўриб чиқамиз. Унинг асосида маҳсулот сифатини бошқариш назариясининг умумий мантиқи ётади. Бироқ бошқарилувчи обьектнинг айрим ўзига хосликлари бошқарувнинг бу иккала тури ўртасида қатъий параллел ўтказиш имконини бермайди.

Ишлаб чиқариш корхоналаридан фарқли ўлароқ, таълим жараёнининг натижаси — «олдиндан белгиланган параметрлардаги шахс» — ўз ривожланиши субъекти ҳисобланади. Зотан, барчага маълумки, таълим олувчиларда уларнинг қобилияти ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда (таълимда инсонпарварлик ва шахсга йўналган ёндашув тамойилининг амал қилиши мўлжалланган), фақатгина уларда мавжуд нарсаларнинг ривожлантириш мумкин (бу ўринда табиий мувофиқлик тамойили амал қиласди). Шу боис, аввало, илк ислоҳотларнинг ҳақиқий сифат даражасини аниқлаб, уни энг яхиси билан қиёслаб, улар ўртасидаги фарқни ойцилаштириш талаб этилади. Ушбу тафовугларга бошқарув ходимлари томонидан барҳам берилиши бошқарув таъсирлари моҳиятини ташкил қиласди. Албатта, бу иш педагоглар ҳамда ўкувчиларнинг фаол иштирокида амалга оширилади.

Сифат бошқаруви таълим жараёни сифати кўрсаткичларини ва таълим даражасини тартибга солиш имконини берадиган натижалар орқали бошқариш сифатида кўриб чиқиласди. Бундай бошқарувда таълим олувчининг шахси ва фаолияти хусусиятларини интеграциялаган янги моделини мўлжаллаш бошлангич ҳолат ҳисобланади. Бу

шахсий хусусиятлар ва ижтимоий-касбий фаолиятнинг объектив та-лаблари ўргасидаги мақбул нисбатнинг мувофиқлигига йўналтирил-ган иш методида намоён бўлади.

Таълим сифатини бошқаришнинг асосий хусусиятини биз шун-да кўрамизки, унинг асосида мавжуд бошқарув амалиётида қабул қилинган натижалар назоратини кучайтириш эмас, балки хатоларни такрорлашнинг олдини олиш ётади. Бошқа бир мұхим жиҳат И. Каору томонидан ажратиб кўрсатилган: «Сифат ҳар бир лойиҳа-га, ҳар бир жараёнга сингдирилган бўлиши лозим. Уни назорат йўли билан олиш мумкин эмас». Унинг ўзи сифатни бошқаришининг устуњлиги у сифатнинг ҳақиқий уйғунлигини беришида, муассаса ичи-даги каналлар ва алоқаларни очишида, одамлар онгига кириб бори-шида ва ёлғон ахборотни фош этиб, инсондаги барча энг яхши жи-ҳатларни аниқлашида эканлигини таъкидлайди.

Фикримизча, бундай бошқарувнинг устуњлиги таълим сифатини яхшилаш методологиясининг ўзида ҳам мавжуд:

- жараёнда таълим жараёнининг барча иштирокчиларининг — бошқарув ходимидан тортиб, ўқувчигача — ўзаро муносабатлари;
- тегишли бошлангич маълумотларнинг конкрет сонли кўрсат-кичларда аниқ белгилаб олиниши;
- муваффақиятсизликнинг эҳтимол тутилган сабабларини ташқиқ этиш;
- сабаб ва оқибат ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш ва бошқа-лар.

Педагогларнинг малака даражасини мунтазам ошириб бориши-ни таълим сифатини бошқаришнинг фарқли томони, деб ҳисоб-лаймиз. Бу сифатни бошқаришда барча ходимларнинг иштирок этиши — талаб этилаётган натижаларга эришишнинг мажбурий шарти эканлиги билан бөглиқ. Чунончи, Япония сифатни бошқа-риш тизимида юксак касбий маҳорат мавжуд, аниқ ташкил этил-ганликка унинг ҳал қўлиувчи позицияларидан бири сифатида қара-лади. Бунда аниқ ахборот олишга алоҳида аҳамият берилади, маҳ-сулот сифатини бошқариш эса кўп ҳолларда аниқ ахборотни бошқариш, дея аталади.

Бошқарув фаолияти, албатта, мақсадларни ифодалаш асосида амалга оширилади. Таълим сифатини бошқариш мақсади, ишлаб чиқаришдаги каби натижаларнинг идеал сифатига эришишни на-зарда тутади. Бундай мақсад мавжуд сифат стандартлари, меъёрлари асосида ифодаланади.

Пировард мақсадларга эришиш самарадорлигини дастурий-мақ-садли ёндашувни қўллаш ёрдамида таъминлаш мумкин. Дастурий-мақсадли бошқарув, бошлангич муаммолар, мақсадлар, ресурслар, муддатлар, шунингдек, муассаса бошқарув ходимлари томонидан

амалга оширилдиган ҳаракат ва операцияларни интегратив тасаввури сифатида кўриб чиқилади [И. С. Ладенко].

Аҳамияти кам бўймаган яна бир хусусият — таълим сифатини бошқариш жараёни сон ва сифатнинг узвий қўшилишидан келиб чиқади.

А. И. Субетто томонидан келтирилган бошқарув турлари таснифи бўйича, таълим сифатини бошқариш «инсон — инсон — муҳит» тизимига киритамиз. Бу ерда ҳам бошқарувчи, ҳам бошқарилувчи тизимда фаол элемент (инсон)нинг мавжудлиги фарқли белги вазифасини ўтайди. Бошқарувнинг бундай тури илмий адабиётларда органик ёки операциялар билан бошқариш, деб аталади [А. И. Субетто].

Ахборот билан таъминланганик белгисига кўра, таълим сифатини бошқариш — бу тескари алоқали, тор бошқарув. Ахборотни тўплаш услуби бўйича — унинг бошқарув жараёнида тобе, фаол йиғилиши (дуал бошқарув).

Таъсир этиш хусусияти бўйича — у бошқарув обьектига (мақсад орқали бошқариш), бошқарувчи тизим тузилишига (ўзини ўзи мослаш орқали бошқариш) таъсир этади.

Бошқариш обьекти қўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси қўйидаги кетма-кетликда берилishi мумкин: барқарорлаштириш — дастурли тартибга солиш — кузатув.

**Таълим сифатини бошқаришининг умумий функциялари сифатида биз қўйидагиларни кўриб чиқамиз:**

1. ТМни ривожлантириш стратегиясини Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш милий дастури» ҳамда тегишини меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда расман ифодаланган таълим сифати асосий йўналишлари ва мақсадларига мувофиқ ҳолда белгилаш.

2. Таълим сифатини лойиҳалаш. У сифатни бошқариш жараёни негизида ётади. Бу вазифа истеъмолчиларнинг малакали қасрларга бўлган талабларини мунтазам ўрганиш, мутахассислар моделини ва стандартларни таҳдиш қилиш асосида амалга оширилади. Бунинг учун таълим сифатини тавсифлайдиган аниқ қўрсаткичларнинг шаклланган тизими зарур. Барча иш сифатни ўлчаш ва баҳолашнинг сонли методига асосланган бўлиши керак.

3. Таълим сифати мониторинги, яъни таълим тизими фаолияти жараёнини доимий назорат қилиб бориш, унинг ҳолатини кузатиш. Бундай назорат натижалари таълим сифатини обьектив баҳолаш ва педагоглар жамоаси фаолиятининг бундан бўёнги фаолият йўналишларини аниқлаш имконини беради.

4. Таълим сифати (сифат қафолати) тизимини таъминлаш. Бунга бошқарув ходими томонидан ташкилий тузилманинг яратилиши, вазифалар ва масъулиятлар тақсимоти, ўқитишининг тегишини

методикалари, технологияларини танлаш, моддий ва молиявий манбалардан самарали фойдаланиш, педагогик жараённи амалга ошириш чора-тадбирлари киради. Сифат тизимини таъминлашнинг зарурый шарти — директорнинг масъулияти ва раҳбарлик ролидир.

Сифатни бошқаришнинг муҳим функционал элементлари сира-сига бошқарув ходимларининг ушбу сифатни шакллантирадиган омилларга таъсирини ҳам киритиш мумкин. Маҳсулот сифатини бошқариш назариясига кўра, бошқарувнинг мазкур даражасида омилларга (бу маҳсулот хусусиятини ўзгартиришта қодир аниқ куч) ҳар доим бошқарув таъсирини кўрсатиш мумкин, буни шароитга (омиллар амал қилиладиган ҳолат, муҳитга) нисбатан айтиб бўлмайди. Бироқ, шароитлар ва омиллар ўртасида ўзаро алоқа мавжуд. Шароит омиллар имкониятлари намоён бўлишига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Бошқарувнинг юқори поғонасидан насткисига ўтиш даражасига кўра, омилларнинг бир қисми сифат шаклланиши шартларига айланади. Директор ва уларнинг ўринbosарлари учун бош вазифа таълим сифатини ошириш омиллари ва шартлари уйғун ҳолда бирлашувини таъминлашдан иборат. Шуни назарда тутиш керакки, омиллар чексиз даражада кўплигини, шу боис, амалиётда бош сабабий омилларни олдиндан аниқлаштириб, улардан энг муҳимларини стандартлаштиришга мурожаат қилинади.

**Илмий адабиётларда бошқарув фаолиятининг турли жиҳатлари иккита асосий ёндашувда очиб берилади.**

**Биринчи ёндашув** — бошқарувнинг мавжуд амалиёти учун ҳам характерли бўлган функционал ёндашув. Бу ёндашувнинг бош йўналиши — бошқарувнинг асосий функциялари ва операцияларини бажариш.

**Иккинчиси тузилмавий** ёндашув бўлиб, унда бошқарув механизми муносабатлар тузилмаси орқали амалга оширилади, яъни бошқарув фаолияти бошқарув тизими таҳлилидан, унинг ташкил этилишидан, алоҳида функцияларини, тартиботлар ва операцияларни ўрганишдан келиб чиқади. Бундай ёндашувда муассаса директори ва ўринbosарлари педагоглар ҳамда таълим олувчилар фаолиятидаги «горизонтал» ва «вертикаль» алоқаларни тартибга солувчиларга айланишиди, барча жараёнларни ва таълим жараёни иштирокчиларининг бир-бирига таъсирини кузатишлари мумкин.

Маълумки, мезон обьект сифати ҳақида фикр юритиш ва баҳолаш воситаси сифатида хизмат қиласи. Таълим сифатини ташкил этиш учун **мезонларининг икки гурӯхини ажратиб оламиз**.

Мезонларнинг биринчи гурӯхи барчага маълум, у ижтимоий бошқарув назарияси томонидан ишлаб чиқилтган:

- бошқарув аппарати поғоналари сонининг минималлиги;

- ҳар бир ногонада барча зарурий функцияларнинг мавжудлиги;
- функциялар доирасининг аниқ чегараланганлиги ва алоҳида ногоналар ўргасида айнан бир ишнинг бажарилишига барҳам берилганлиги;
- кўрсатмалар, буйруқлар берувчи ҳамда қабул қилувчи манбалар сони камлиги ва бошқалар.

**Иккинчи гурӯҳ** муассаса бошқарувининг марказий-симметрик тузилмаси билан боғлиқ, бу — таълим жараёни иштирокчиларининг биргаликдаги фаолияти натижалари ўргасидаги ижобий ўзаро алоқашиборликни таъминлаш, уларнинг баҳолари маълум бир чегарада жойлашган:

- «номинал зона» — натижалар кўрсаткичлари меъёрлар ва стандартларга мос келади;
- «истиқболли зона» — натижалар кўрсаткичлари меъёр ва стандартлардан юқори;
- «супер зона» — кўрсаткичлар аҳамиятининг юқори баҳоси.

Фаолият натижаларини меъердан келиб чиқиб тавсифлайдиган кўрсаткичлар оғишини баҳолашда стандарт оғиш ўрнатилади ва баҳоланувчи обьект кўрсаткичларининг хусусий кўрсаткичлари қайси нуқташлар (эҳтимоллий 68%) оралиғида жойлашиши лозимлиги белгиланади (кўрсаткичининг стандарт меъёрларидан у ёки бу томонга 8—10 баробар стандарт оғиш тутиб турилади, айнан шу ҳолат сифат барқарорлиги кўрсаткичи ҳисобланади).

Таълим муассасаси — мураккаб коммуникатив тизим эканлигини яна бир бор таъкидламоқчимиз. Ижтимоий тизимнинг алоҳида тури бўлган ТМ, тизим сифатиша, асосий: ахборот, ташкилий, бошқарув ва коммуникатив алоқалар мавжудлиги билан характерланади. Қайтма алоқа сифати айнан уларнинг борлиги билан таъминланади ва белгиланади. Таркиби бўйича мураккаб бўлган педагоглар ва ўқувчишлар жамоаларининг бир-бирига ўзаро таъсирини ташкил қилишда тўлиқ ва обьектив ахборот олиш, унга ишлов бериш ва ундан фойдаланиш ТМнинг ташки мұхит билан уйғун мувозанатининг ҳамда унинг сифат ҳолатини сақлаб қолишининг асосий шарти сифатида намоён бўлади.

Ижтимоий бошқарув назариясида қабул қилинганидек, бошқарув унга тўпланган барча ахборотга мос келасиган ҳамда унинг обьектив эҳтиёжларини ҳисобига оладиган хатти-ҳаракат ва ҳолатни, тузилмавий ташкил топиш ҳамда ривожланиш тамойилини баҳш этишга йўналтирилган тизимлардаги ахборот борасидаги ўзаро муносабатларнинг бутун йигиндишига ўзига хос акс-садодир. У тизимнинг ахборот ўтмишигагина эмас, балки келажагига ҳам йўналган [Э. Г. Юдин].

Бошқарув фаолиятини ташкил этиш чогида, ходимлар, таълим олувчиларнинг турли тоифалари иштироки омили ҳисобга олиниши лозим, барча зарурый ахборотлар ички ташкилий каналлар ва алоқалар бўйича шунга асосан тақсимланаци. Бундай алоқани ҳар бир аниқ ҳолат ҳисобга олинган, барча таълим жараёни иштирокчилари ўртасида амалий ва ўзаро хайриҳоҳлик муҳити ҳукм сурған шароитда ўрнатиш мумкин бўлади.

Педагог-ўқитувчи, тарбиячи, бошқарув ходими, уста, ўқувчи коммуникатив тизим бўлган ТМнинг элементлари ҳисобланади. Бу элементларнинг ҳар бири маълум ахборотларнинг фойдаланувчисигина эмас, балки манбаи ҳам ҳисобланади, бу эса ТМ ахборот банкини бойитиши амалий ҳамкорлик учун муҳим.

Энди ТМни мазмуний таркибий қисм нуқтаи назаридан кўриб чиқамиз. Бу ўринда назарий, амалий ва ишлаб чиқариш таълимини, ишлаб чиқариш амалиётини, таълимдан ташқари ишларни ўз ичига олган таълим жараёни мазмуни назарда тутилмоқда. У мажмуавий ҳолда шахсни шакллантиришга йўналтирилган. Ижтимоий, умумтаълим, умумкасбий ва маҳсус фанларни ўрганиш маданият, маънавият, фан ва техника асосларини эгаллашни тақозо этади. Ишлаб чиқариш амалиётига келганда эса, ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарида, лабораторияларда, полигонларда, ўқув хўжаликларида, цехларда ва шу кабиларда таълим беришни назарда тутади. Шу ўринда таълим олувчиларга амалий маҳорат ва кўнгикмаларни эгаллашда ёрдам бериш, уларга техника ва технологиядан, ишлаб чиқариш новаторларининг бой тажрибаларидан, меҳнатни ташкил этишининг илфор шаклларидан самарали фойдаланишни ўргатиш, ёшларга ишлаб чиқариш ва ижтимоий маданиятнинг юксак элементларини сингдириш мақсади қўйилади.

Дарсдан ташқари иш шахснинг индивидуал эҳтиёжларини ва қизиқишиларини қондиришга қаратилган. Бу борада бошқарув ходими ўқув режалари ва дастурларнинг асосий таълабларини, қонуниятларини, ТМда уларни эгаллашни ташкил қилиш тамоилларини ва бунинг учун зарур шарт-шароитни билиши жуда муҳим.

Бу ҳолатда назарий, амалий ва ишлаб чиқариш таълими дарслари, муҳандис-педагог ходимлар педагогик фаолиятнинг ранг-ранг йўналишлари бўйича мутахассислар томонидан ўтказиладиган тарбиявий хусусиятга эга турли тадбирлар ТМда таълим жараёнининг элементлари сифатида намоён бўлади. Таъкидлаш керакки, ТМни бошқарувчи шахс болалар ва ўсмирларнинг ёш, индивидуал хусусиятларини яхши тушунса, педагогик раҳбарлик методлари билан таълим олувчилар мустақиллигининг диалектик бирлигини таъминласа, унинг бошқарув ходимилик самарацорлиги анча юксалади.

Бошқарув ходими учун ТМни педагогик жараён иштирокчилари фаолияти усуслари нүктаи назаридан кўриб чиқиш муҳимдир. Педагогик жамоа фаолияти янги интегратив сифат ва уни ташкил этувчи таркибий қисмлар хусусиятлари сифатидан фарқ қилувчи ўзига хос яхлит тизим сифатида қараб чиқилмоғи керак.

Юқорида таъкидланганнидек, педагогик жамоа, ўзи ҳақида асосий элементлари — одамлар, уларнинг алоқалари ва хулиқ-автор мөъёрлари бўлган мураккаб тузилмадир. Педагогик жамоа, мустақил бирлик сифатида, алоҳида педагог эга бўлган сифатлар суммасини асло билдиришмайшиган янги сифат ҳосил қиласиди. Бу бирлик учун алоҳида тизим ташкил этувчи омилилар — мақсац, педагогик жараён мазмумни, бошқарув алоқалари характеристли.

ТМнинг яхлит тизим сифатидаги асосий белгилари қўйидагилар ҳисобланади:

1. ТМ ўзини-ўзи ривожлантирувчи тизим сифатида ўз ҳаёт фаолиятини сақлаш ва фаолият соҳасини кенгайтиришга қодир.
2. ТМ очиқ тизим сифатида фаолият кўрсатади ва ташки мухит билан самарацдор алмашинув эвазига ривожланади.
3. ТМ педагоглар жамоасининг ўз эркинлиги даражасини кенгайтиришга интилиши. Бунда асосий ёътибор щахс фаоллигига қаратилади. Бу инсон ўз моҳиятига кўра субъективликка, хулиқ-авторни танлашда кенг доирага эгаиги билан боғлиқ.

Бошқарувнинг кўлгина услублари: ташкилий кўрсатма берувчи, психологияк-педагогик, иктиносидий ва бошқалар педагогик жамоа ва бошқарув таркибининг ўзаро боғлиқ фаолиятини таъминлаш усуслари сифатида намоён бўлади. Ўз ўрнида, бу услублар буйруқлар чиқариш, инструктаж ўтказиш, сұхбат, кузатув, ҳужжатларни ўрганиш ва бошқаларни ўз ичига олади. Мазкур ҳолатда бундай операциялар тизим элементларини ифодалайди.

Таълим-тарбия методлари, технологиялари ҳам педагоглар ва ўқув-чиларнинг бир-бирига ўзаро боғлиқ фаолияти воситаларидан иборат. Бу методлар орасида рағбатлантиришни ташкил этиш, мотивация, назорат кабилар алоҳида ажralиб туради. Уларнинг ҳар бири яна элементларга бўлинади. Масалан, ўқув-билиш фаолиятини ташкил этувчи методлар гурухи оғзаки, кўргазмали, амалий, репродуктив, муаммоли-қидирув ва бошқа методларни ўз ичига олади. Бошқарув ходимлари «таълим муассасаси» тизимини декомпозиция қилишни кўриб чиқар эканлар, улар билан боғлиқ ҳар бир қисм, элемент, жараёнлар ҳамда ҳодисаларнинг миқдори ва сифат хусусиятларини етарли даражада тўлиқ тасаввур этишлари керак. Бу меърий-хукуқий ҳужжатларни, муҳандис-педагог ходимлар малака характеристикаларини, дастурий талабларни, ДТС, ягона педагогик талабларнинг ўрнатилишини, педагогик жараён қонуниятлари ва

ўзига хосликларини, ўқувчилар ривожланишининг психологик-педагогик қонуниятларини мунтазам ўрганишни бијидиради.

ТМда бошқарув фаолияти сифатини ошириш учун унинг элементлар бўйича таркибини билишгина эмас, балки бошқа жиҳатларига ҳам эътибор қаратиш лозим. Бирон-бир уйгун натижага олиб келадиган элементларнинг барча алоқалари ва ўзаро таъсирларини таъминлаш эса асосий етарли шарт-шароит бўлиши мумкин.

### III. 2.2. ТУЗИЛМА ВА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Юқорида таъкидланганидек, таълим сифатини етарли даражада таъминлайдиган бирорта, ягона, энг яхши таълим муассасаси ташкилий тузилмаси мавжуд эмас. Самарадор тузилмани қуриш кўтилаб омилларни ҳисобга олишни талаб этади. Улар ичida асосийларидан бири — **таълим тизимининг характеристика**. Амалиётда ТМ таълим тизими ўзгариб, тузилмаси эса аввалги ҳолида қолиши ҳодисаси кўп учрайди. Бу четлаб ўтиш мумкин бўлган кўп қийинчиликларни муқаррар равишда юзага келтиради.

Ушбу бўлимда ТМ тузилмаси таълим тизими табақалашганлиги, вариативлиги (кўп вариантилиги) ва интегративлиги билан боғлиқлиги кўриб чиқилади. Мазкур омиллар таълим сифати бошқарувининг ўзига хос хусусияти ва таълим муассасаси бошқарувининг ўзига хосликларини кўп жиҳатдан белгилаб беради.

#### **Таълим тизимининг табақалашганлиги**

Табақаланиш бир бутуннинг турли қисмлар, шакллар ва босқич поғоналарга бўлинини англатади. Чунончи, Ўзбекистон ТМларидаги ҳар қандай таълим тизими табақаланишнинг маълум бир босқичи билан характерланади. Улар, ўқувчиларнинг ёшига мос ҳолда синфларга бўлиннишидан, ўқув предметлари мазмуни ва таълим босқичлари бўйича, масалан, умумий ўрта таълимда — бошланғич, асосий ва юқори мактабларга табақаланишдан иборат.

Таълим тизимининг табақаланиши таълим жараёнининг мураккаблиги ва ўз ўқувчиларининг таълимга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ТМ бажариши лозим бўлган вазифаларнинг турфа хиллиги сабабли юзага келади. Бажариладиган вазифалар фарқи қанча чуқур бўлса, таълим тизими шунчалик даражада табақалашиб бора-веради.

Таълим тизимининг табақаланиш даражаси чуқурлиги ҳамда кенглиги бўйича ҳар хил бўлиши мумкин. Табақаланиш чуқурлиги таълим тизимларининг ички тугаллик ва нисбатан автономликка олиб келадиган таркибий қисмлари фарқланиши даражаси билан белги-

ланади. Таркибий қисмлар ўртасидаги фарқ қанчалик катта бўлса, ТМ таълим тизимининг табақаланиши шунчалик чуқур бўлади. Масалан, табақаланишнинг юқори даражасини мажмуя типида ёки «таълим муассасаси ичида таълим муассасаси» тарзида фаолият кўрсатётган, таълимнинг хилма-хил: мактабгача, умумий, қўшимча, касб-хунаргача турлари билан шутулиданаётган таълим муассасаларида кўришимиз мумкин.

Табақаланиш кенглиги таълим жараёнининг нисбатан мустақили қисмларга бўлиниши амалга оширилалигидан асослар сони билан белгиланади. Анъанавий таълим тизимида бундай асослар иккита: ТМда бола таълим оладиган йил ва ўкув предметидир. Бироқ бундан ташқари тизим таълим турлари бўйича (асосий, қўшимча, касб-хунаргача), шакллари бўйича (кундузги, кечки, экстернат, оиласда таълим), даражаси бўйича (умумтаълим, юқори) ва ҳоказо табақаланган бўлиши мумкин. Бир ТМда табақаланиш учун асослар сонининг ортиши ўкув дастурларининг (таълим йўналишларининг) варианtlарини яратишни тақозо этади.

Таълим тизимининг табақаланиш даражаси, унинг ўзига хосликлари ва муаммолари ТМ тузилмасини яратишда ва ташкилий қарорлар қабул қилишда ҳисобга олиниши керак.

*Биринчидан*, таълим тизими, демак, педагог меҳнати турлари қанчалик чуқур табақалашган бўлса, ихтисослашган тузилмавий бўлинмаларни яратиш учун асослар шунчалик кўп бўлади. Таълим жараёнининг чуқур табақаланишида табақалашган иш турларини биргаликда олиб бориш тажрибада йўқ ва ташкил этилган бўлинмалар амалда автоном ҳисобланади. Бу улар ўртасидаги келишувлар сони ва улар ишини мувофиқлаштириш зарурияти камайишига олиб келади. Масалан, «мактаб-боғча» ўкув-тарбия мажмууда мактаб ва болалар боғчаси бўлинмаларига эга бўлиш мақсадга мувофиқ. Умумтаълим мактаб-интернатида мактаб ва интернат бўлинмалари ташкил этилади. Оммавий мактабларда эса шу асослар бўйича бошланғич ва умумий ўрта таълим бўлинмалари ҳосил бўлади.

ТМ миссиясини амалга ошириш учун муҳим бўлган барча меҳнат турлари табақаланиши бўйича тузилмавий бўлинмалар ташкил этиш оддий ечим ҳисобланади. Бироқ ТМларда «тор соҳа мутахассислари» камлиги боис, ўқитувчилар табақалашган турли ишларни бажаришни қўшиб олиб боргани учун қориштириб юборади (бир таълим соҳасида бир неча ўкув фанларидан дарс беришади, турли параллелларда дарс соатларга эга бўлишади, турли дастурларда иштирок этишади, қўшимча машгулотлар олиб боришади ва бошқалар), кўп ўқитувчилар бир вақтнинг ўзида бир нечта тузилмавий бўлинмалар таркибиага киради.

Табақалашган тизимни таркиблаштиришга яна бир ёндашув — бу ўз соҳасига яқин ишларни бажараётган ўқитувчиларни бирлаштирадиган, етарли даражада кенг ихтисослашган бўлинмаларни яратиш. Бундай тузилманинг камчилиги битта — тузилмавий бўлинмага бирлашган турли мутахассисларнинг касбий қизиқишлиарини ҳисобга олиш ва улар фаолиятини бошқариш қийинлигидан иборат. Агар «тор соҳа мутахассиси» бирорта ҳам тузилмавий бўлинмага кирмай қолган бўлса, унда бошқарув ходимилик бевосита чизикдаги бошқарув ходими томонидан амалга оширилади.

Ихтисослаштирилган тузилмавий бўлинмаларни бошқариш функционал бошқарув ходимлари (директорнинг касбгача тайёргарлик, чет тили, кўшимча таълим бўйича ўринбосарлари) томонидан амалга оширилади. Бироқ унча катта бўлмаган ва ўртacha ТМларида чизикдагилар билан бир қаторда директор ўринбосарига тенглаштирилган функционал бошқарув ходимларига эга бўлиш имконияти йўқ ва бу мақсадга мувофиқ ҳам эмас. Шунинг учун бошқарув ходими (ўкув-тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари) кўпинча бошқарув функциясини табақалаштирилган таълим жараёнларининг бир нечтасини қўшиб олиб боришга мажбур бўлади.

Катта бўлмаган ТМда тизимнинг табақаланиш даражаси қанча юқори бўлса, унда бошқарув ходимининг функциялари шунчалик мураккаб бўлади.

### **Таълим тизимининг вариативлиги**

Таълим дастурларини стандартлаштириш ўқувчиларга, бошқа ТМга ўтганда, ўқишни қийинчилкларсиз давом эттириши ва бошқа ТМ битирувчилари қаторида таълим олишлари учун имконият яратадиган ягона таълим маконини сақлаб қолишни таъминлашга қаратилган. Ўзбекистонда мамлакат ҳудудида таълим мазмуни ва натижаларига қўйилган талабларнинг ягоналигини таъминлайдиган давлат таълим стандартлари, намунавий ўкув режалари қабул қилинган. Таълим олишнинг барча шакллари учун ДТС бажарилиши мажбурийдир.

Шу билан бирга, таълим дастурларининг бир хиллиги замонавий ўқувчилар ва талabalарнинг таълимга бўлган эҳтиёжлари билан фарқ қилиши мумкин. Таълим ва тарбия жараёни ўртacha савияга келтирилади, яъни савиядаги ўқувчига мўлжалланиб қолади, шунинг учун натижалар асосан, таълим дастурининг сифатига эмас, балки болаларнинг ўз қобилиятлари ва ўқитувчининг шахсий маҳоратига боғлиқ бўлиб қолади. Бир хил бўлган тизимларда педагогик жамоа саъиҳаракати ҳар бир ўқувчи томонидан барча ўқувчилар учун ягона бўлган мажбурий натижаларнинг имкон қадар юқори даражасини эгаллашига қаратилган.

Ўтган асрнинг 90-йиларида таълимнинг вариатив тизимлари кенг тарқалди. Вариативлик — бу таълим тизими сифати бўлиб, бу тизимнинг ўқувчиларнинг таълимга бўлган эҳтиёж ва имкониятлари ўзгаришига мувофиқ танлаши учун таълим дастурлари вариантларини ёки хизматнинг алоҳида турларини яратишга ва тақдим этишга қодирлигини характерлайди.

Вариатив тизимлар ТМ таълим хизматлари истеъмолчиларини ва таълим жараёни таркибий қисмларини табақалаштириш асосида яратилади. Истеъмолчиларни табақалаштириш деганда, таълимга бўлган эҳтиёжлари ва имкониятлари билан бир-биридан фарқланадиган ўқувчилар гуруҳининг ажратилиши тушунилади. Масалан, мактаб контингенти олий ўкув юртларида ёки ЎМКХТ тизимида таълимни давом этгирешга йўналтирилганлардан, ижтимоий ва техника йўналишида ўқишини хоҳловчилардан иборат бўлиши; у миллий таркиб ҳамда она тили ва маданиятини ўрганишга бўлган эҳтиёжларга мос тарзда турлича бўлиши; ўқувчиларнинг саломатлиги аҳволи, уларнинг ва оиласининг ҳаёт тарзи бўйича фарқланиши мумкин ва ҳ.к.

Ўқувчилар тарқибининг ҳар хиллиги таълим олиш мақсадлари, мазмуни, шаклларини, болалар билан ишлаш методларини табақалаштириш заруриятини келтириб чиқаради. Табақалаштириш ўқувчиларнинг индивидуал саволларига кўпроқ мувофиқ келадиган таълим дастурларининг вариантларини яратиш имконини беради. ТМ тақдим этиши мумкин бўлган, ўз ўқувчилари манфаатларига мўлжалланган таълим дастурлари вариантлари қанчалик кўп бўлса, унинг таълим тизими вариативлиги шунчалик юқори бўлади. Бошқача айтганда, вариативлик ўқувчиларнинг ўз эҳтиёжлари ва имкониятларига мувофиқ танлаши мумкин бўлган таълим дастурлари ёки «таълим йўналиш»лари сони билан белгиланади.

Шундай қилиб, таълим муассасаси ташкилий тузилмаси таълим жараёнининг вариативлиги даражасига боғлиқ бўлади.

Вариатив таълим тизимлари ўз тузилмаларида ўқувчилар контингенти табақалашувига, уларнинг таълимга бўлган эҳтиёжлари ва имкониятларини аниқлашига ҳамда таълим хизматларининг янги турларини ишлаб чиқиш учун масъул бўлган органларга эга бўлиши керак. Ўқувчиларни табақалаштириш, гуруҳларни ва синфларни шакллантириш танлов, қабул комиссияси ва педагогик консилиумлар томонидан бажарилади.

Вариативлик ҳам янги курсларни ўқитишда, ҳам ўқувчиларнинг маълум тоифалари билан ишлашда ихтисослашувнинг ривожланишига ва охир-оқибат, ишлаётган ўқитувчиларнинг ихтисослашувини кенгайиши ёки янги мутахассисларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бунинг эвазига ТМ жамоасининг сони ортади. Масалан, доимий равишда чет тилилари, информатика, соҳалар бўйича ўқув фанлари

ўқитувчилари (коллежлар ва ОЎЮ ўқитувчилари), яъни маҳсус тайёргарлик таълаб қилинадиган курсларни ўтиш учун мутахассислар тақлиф қилиб турилади. Ҳуқуқ, иқтисодий билим асослари каби ва бошқа курслар берилган ўқитувчиларнинг вазифалари доираси кенгаради.

Вариативлик ҳамиша таълим тизими табақаланишини тақозо этади, бироқ табақаланганлик ҳар доим ҳам вариативликка олиб кела-вермайди. Оммавий мактабнинг анъанавий таълим тизими характерли мисол сифатида хизмат қилиши мумкин: у табақалашган, бироқ айни маҳалда вариатив эмас, шу боис, ушбу ҳолатда табақалашув ёрдамида меҳнат тақсимоти вазифаси битта ўкув дастури доирасида ҳал этилади. Вариатив тизим, албатта, вариативсиздан кўра кўпроқ табақалашган бўлиши керак.

Ишларни гуруҳлаштириш ҳар доим меҳнат тақсимоти, яъни таълим тизими табақалашуви мавжуд бўлган асослар бўйича амалга оширилади. Бироқ бу ўринда ҳамиша ҳам унинг вариативлиги ҳисобга олинавермаслиги мумкин. Масалан, агар мактаб бир қанча таълим босқичлари (умумтаълим, гимназия, тўлдирувчи) дастурларига эга бўлса, унда унинг тузилмавий бўлинмалари мавжуд дастурларга ёки қандайдир бошқа (ўкув фанлари ва ёш бўйича табақаланиш) ёхуд бир вақтнинг ўзида у ҳамда бу асослар бўйича ташкил этилиши мумкин. Биринчи ва сўнгги ҳолатда вариативлик ҳисобга олиниади, иккинчисида эса — фанлар соҳаси ва ўкувчилар таълим оладиган йил бўйича эса ҳисобга олинмайди. Тузилмавий бўлинмаларни вариативликни ҳисобга олган ҳолда яратиш вариантлар кучли табақалашганда, яъни улар бошқарув меҳнатининг ихтисослашувига олиб келадиган катта фарқларга эга бўлганда мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу муносабат билан таълим жараёни юқори даражада вариативлашган ва айни вақтда табақаланган ТМ ўз тузилмалари таркибида кўпгина ихтисослашган бўлинмаларига эга бўлиши мумкин. Таълим дастурларининг бир неча вариантлари бўйича ишлаётган ўқитувчилар бир вақтнинг ўзида бир қанча тузилмавий бўлинмалар таркибига кириши мумкин. Буларнинг бари тузилманинг мураккаблашувига, бошқарув органлари (коллегиал ва мансабдор шахслар) сонининг ортишига, таълим дастурларининг турли вариантлари амалга оширилиши учун жавобгар бўлган бошқарув ходимларининг пайдо бўлишига олиб келади.

Вариативликдан кўзланган мақсад, охир-оқибатда, педагогик жараённи имкон даражасида кўпроқ индивидуаллаштиришдан иборат. Шу боис, одатда, алоҳида синфлар таълим жараёнини бошқарувчи органлар (йиллик жамоалар, педагогик консилиумлар) табақалашган тизимда ҳам катта роль ўйнайди. Уларнинг вазифаси аниқ

синф ва ўкувчиларнинг индивидуал «таълим йўналишини» ишлаб чиқишдан иборат.

Вариатив тизимлар мослашувчан ҳисобланади, яъни дастурлар вариантиларининг ўзгариши ва янгиларининг яратилишига қаратилган бўлади. Бу тузилманинг ҳам шу тарзда мослашувчан бўлишини талаб этади: унинг органлари функцияси ҳар йили ўзгариши, янги тузилмавий бўлинмалар ва бошқарув органлари вужудга келиши зарур.

### **Таълим тизимининг интегративлиги**

Табақалаштирилганликнинг акси таълим тизимининг интегративлиги ҳисобланади. Агар табақалаштирилганлик — таълим тизимининг бўлиниш даражасини тавсифловчи сифат бўлса, интегративлик, аксинча, таълим тизимининг айрим элементлари ва унинг кичик тизимларининг ўзаро боғлиқлик даражасини тавсифлайдиган сифатдир.

Интеграцияга эҳтиёж табақалашув, яъни меҳнат тақсимоти оқибатида юзага келади. Тизимнинг интегративлиги унинг алоҳида тизимларида (масалан, бошлангич ва ўрта мактабда ҳамда алоҳида синфларда) таълим мақсадлари, мазмуни, шакл ва методларини муовфикаштириш, таълим соҳалари ва ўкув фанлари ўргасида, асосий ва кўшимча таълим дастурлари ўргасида алоқа ўрнатиш билан таъминланади.

Таълим тизимларида табақалаштирилганлик ва интегративлик даражаси мутаносиблиги турлича бўлиши мумкин.

Табақалаштирилганлик ва интегративлик даражасининг пастлигига умумтаълим мактабларидаги анъанавий тизимни мисол сифатида келтириш мумкин: унда жараён синфлар ва ўкув фанлари, таълим ва тарбия функциялари бўйича табақалаштирилган, бироқ тури таълим жараёнлари ўзаро заиф боғланган.

Паст даражада интеграциялашган табақалаштирилган тизим — бу, масалан, ўкувчиларнинг бошқа босқичга ўтишини таъминлайдиган («сараплаш модели») механизмга эга бўлмаган таълимнинг даражали модели вариантидир. Унинг асосий мақсадларига ўкувчилар билан ишлаш мазмуни, шакл ва услубларини табақалаштириш орқали эришилади.

Паст даражада табақалаштирилган интегратив тизимлар таълимнинг ўкув фанлариаро дастурига эга бўлган кам ўкувчили мактабларда учраши мумкин: уларда ўзига хос таълим мухити, интегративловчи педагогик жараённи юзага келтириш осон. «Боғча — бошлангич мактаб» маъмуида ҳам тизим шундай. Куннинг иккинчи ярмини болалар «оила» тамойили бўйича яратилган ёшлиларо гуруҳларда ўтка-

зади, унинг таркибига тарбиячилар, кичик ва ўрта ёшдаги болалар киради.

Ва ниҳоят, ТМда таълим жараёни юқори даражада табақалаштирилган ва интеграцияланган тизимни яратиш мумкин. Унинг ғояси жараённи индивидуаллаштириш, бироқ бунда ягона таълим муҳитини ва «таълим йўналишини» танлаш имкониятини сақлаб қолишдан иборат. Бунга таълим тизимини дастлабки табақалаштириш, масалан, даражали таълимнинг «сарапаш» моделини яратиш, сўнгра интеграцияловчи маҳсус механизмлар ёрдамида табақалаштирилган кичик тизимларни интеграциялаш; тайёрлов бўлиmlари, бошқа синфлар ўқувчиларининг таркиби бўйича табақалаштирилганлардан гурӯхларидан шакллантирилган синфлар, фанлараро дарслар ва бошқалар ҳисобига эришилади.

Бу таълим тизимларининг барчаси ТМнинг ташкилий тузилмасини яратишида турли хил ёндашувларни талаб этади.

Интегратив таълим тизимини яратишнинг асосий ғояси унинг табақалашган элементларини бирлаштиришдан иборат. ТМ учун турли даражада интеграциялашган жараёнга эга тузилмани яратишнинг асосий муаммоси меҳнатни ихтисослаштириш ва ишларни кенг кўлямли асослар бўйича гурӯхлашнинг мақбул усусларини топиш, кичик тизимларни интеграциялаш механизмларини танлашдан иборат.

Таълим жараёни унчалик даражада табақалаштирилмаган ТМда тизимларни интеграциялаш мақсадида тузилмавий бўлинмалар ихтисослашувини кенгайтиришдан фойдаланилади. Бу ишларни кенг кўлямли асослар бўйича гурӯхлаш заруратини келтириб чиқаради. Масалан, ўқитувчилар ўқув фанлариаро курсларни олиб бораётган ва бир-бирига яқин фанларни ўтаётган бўлишса, унда уларни таълим соҳалари бўйича бирлаштириш маъкул бўлади. Агар таълим-тарбия функциялари интеграциялашган бўлса (масалан, таълимнинг ижтимоийлаштируви таркибий қисми сезиларли равища кенгайган бўлса), унда таълим-тарбия жараёнини бошқаришга жавобгар бўлган бўлинмалар (бошланғич ва ўрта мактаб бўлинмалари, йиллик синфлар жамоалари)ни яратиш мақсадга мувофиқ. Ҳар бир директор ўринbosари бўйсунуvida йиллик жамоаларнинг бир қанча раҳбарлари, йиллик жамоалар раҳбарларининг ҳар бири бўйсунуvida эса синф билан ишлайдиган барча ўқитувчилар ва қўшимча таълим педагоглари бўлади.

Интеграциялашни таъминлашнинг бошқа усули маҳсус ташкилий механизмлардан фойдаланишдан иборат. Масалан, агар мактабнинг касб-хунар ва қўшимча таълим муассасалари билан ўзаро муносабати назарда тутилган бўлса, унда горизонтал мувофиқлаштирувни амалга оширадиган маҳсус кенгаш тузиш мумкин. Тизим-

нинг ўзига хослигига боғлиқ ҳолда унда интеграциялашнинг турли механизмларидан фойдаланиш мумкин.

### III.2.3. БОШҚАРУВНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ

**ТМ бошқарувига ёндашув ва унинг тузилмаси.** Тузилма таълим тизими характеристи, ТМ турлари ва ўлчамларигагина эмас, балки бошқарувга ёндашувга ҳам боғлиқ. Тузилманинг бошқарув органи таркиби ва улар ишида ўқитувчилар иштироки даражаси, ташкилотдаги муносабатларни мувофиқлаштириш усуллари, ваколатлар ва масъулиятларни аниқлаштириш каби тавсифлари ТМда бошқарувнинг қандай туридан фойдаланилаётганлигига боғлиқ.

**Авторитар бошқарувга** механик, чизиқли ва чизиқли-функционал, шу жумладан дивизионал, кучли марказлаштирилган, коллегиал органларнинг унча катта бўлмаган ваколатлари, асосан, консультатив характердагилари мос келади.

Юқорида таъкидланганидек, муассасада меҳнат тақсимоти горизонтал ва вертикал бўйича амалга оширилади. Меҳнат тақсимотини вертикал тарзда амалга ошириш, яъни тузилманинг қандай бўйсуниш даражасида қандай бошқарув қарорлари қабул қилиниши тўғрисидаги қарор муассасани бошқаришни марказлаштиришнинг муайян даражасини мустаҳкамлайди. Куйидаги марказлашув даражасини белгилайди:

- бошқарувнинг қуий даражасида қабул қилинадиган қарорлар;
- бу қарорларнинг мухимлиги;
- бўйсунувдагиларнинг иши устидан назорат қилиш миқдори ва қатъийлиги бўйича белгиланади.

Тизимни такомиллаштиришнинг чизиқли принципи ҳокимиятнинг юқорида, яъни ТМдаги таълим-тарбия жараёни бошқарувининг барча масалалари ечими учун жавобгар бўлган ТМ директори ва бошқарув ходимлари қўлида тўлиқ жамланишига йўл қўяди. Авторитар бошқарувда коллегиал органлар (ТМ кенгаши, педагогик кенгаш, методик бирлашмалари) қарорларни ишлаб чиқишида ҳеч қандай аҳамиятли рол ўйнамайди. Бошқарув ходимлари бу органлардан жамоани маъмурият қарорларидан хабардор қилишша, ўқув режаларини тасдиқлашда, ўқувчиларни синфдан-синфга кўчириш масаласини кўриб чиқишида, ўқувчилар билан фанлар бўйича дарсдан ташқари ишларни олиб боришида ва аҳамияти унча катта бўлмаган бошқа қарорларни қабул қилишда фойдаланади.

Механик тузилмага эга бўлган ташкилотларда бошқарув ходимлари ва уларга бўйсунувчиларнинг ўзаро муносабати вертикал бўйсуниш алоқалари ва уларга мос коммуникацияларга асосланади. Ҳоки-

мият ва бўйсунувчилар муносабатлари улар орқали амалга оширилади, кўрсатмалар, топшириқлар ва уларнинг бажаришиши ҳақидаги аҳборотлар узатилади. Горизонтал алоқалар норасмий мавжуд бўлади ёки аниқ режали тоншириқни бажариш учун маълум бир даврда директор томонишан расмийлаштирилади. Айниқса, функционал ва бошқарув ходимлари ишини тез-тез мувофиқлаштириб туриш зарурати юзага келади. Чизикли-функционал тузилмаларда расмийлаштирилган горизонтал алоқалар уларда ТМ ҳаётидаги муҳим вазифаларни бажаришда ваколатлар билан таъминланган, тўлақонли коллегиал органларнинг йўқлиги сабабли ривожланмаган.

Натижалар ва педагогик жараённинг талаблар, қоидалар, графиклар кўринишида берилган стандартлари, шунингдек, бевосита назорат ишларини мувофиқлаштиришнинг асосий усуслари ҳисобланади. Одатда, ходимлар ўз ишининг бажаришиши, муддати ва юқори бошқарув ходимлари олдида ҳисобот бериши мазмунига таалуқни аниқ инструкцияга эга бўлишади. Масалан, ўқитувчи иши фақатгина давлат режалари асосида чегараланмайди, балки ТМда тасдиқланган календар-мавзули режага ҳам боғлиқ бўлади. Ҳар бир ўқитувчи ўқув режаси бажарилиши тўғрисида ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосарларига кўпинча ёзма ёки ишлаб чиқилган маълум шакллар асосида ҳисобот беради. Бу ўзаро келишувни энг кам дараҷагача қисқартириш, демак, коммуникациялар сонини камайтириш, ходимлар ишида ижрочиликнинг юқори даражасига эришиш имконини беради.

Бундай турдаги бошқарув ва унга мувофиқ тузилмаларни ташлашнинг оқилюналиги бир қатор омиллар: таълим муассасанинг ҳаётий фаолияти режими, жамоатнинг етуклик даражаси, муассасанинг таълим тизими ва ҳажмининг ўзига хосликлари билан боғлиқ. Бошқарувнинг марказлашган тузилмалари даврий тақрорланадиган вазифаларни бажаришга мослаштирилган. Улар бошқарув ходимларининг билим ва тажрибаларидан фойдаланишта таянади, ходимлар фаолиятини яхши назорат қилиш ва мувофиқлаштиришни, бинобарин, муассасанинг аниқ, режага асосан ишини таъминлаш имконини беради. Бундай тизимларда меҳнатни тартибга солишнинг қатъий шакллари ходимларни таълимнинг мажбурий натижаларига эришиш бўйича ишларнинг сифатини яхшилашга чоғлайди.

Умуман олганда, марказлаштирилган тузилмаларни яхлит ҳолда кўпроқ етуклик даражаси юқори бўлмаган, жараёнларни табакқалаштириш даражаси, интеграциялаш даражаси наст, вариатив бўлмаган, оммавий таълим вазифаларини бажаришга йўналган жамоалар учун кўллаш мақсадга мувофиқдир.

**Демократик бошқарув** ТМда бошқарув тузилмалари таркибини сезиларли тарзда ўзгартиради ва авторитар тизимдагидан фарқли ра-

вишда, бугунлай бошқача алоқалар ва муносабатлар тизимини яратди. Унга кўпроқ марказлашувдан чиқарилган тузилмалар мос келади. Уларда ҳокимият бўйсунуви эҳромнинг чўққисига эмас, балки бошқарувнинг таркибига ўқитувчилар ҳам кирадиган қуий босқичларига берилади.

Бошқарувнинг демократик тури инсон ташкилотда маълум бир ишларнинг ва функцияларнинг ижроисигина эмаслигига асосланаси. У иши қандай ташкил этилганлиги, қандай шароитда меҳнат қилаётганлиги, ўз меҳнати билан ташкилотга қандай фойда келтиришига қизиқишини намоён этади. Яъни, унда ТМда ўзининг фаолияти билан боғлиқ ҳолда кечадиган жараёнларда иштирок этиш учун табиий интилиш бўлади.

90-йилларнинг бошигача ТМ фаолияти ва манбалари юқоридан қатъий чекланган ва тақсимланган ҳолда фаолият кўрсатувчи таълим муассасаси ҳисобланганни учун ТМни бошқаришни марказлашувдан чиқариш ва бошқарувга ўқитувчиларни жаіб этиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Бошқарув ходими вазифасига юқори ташкилотлар томонидан қабул қилинадиган қарорларни бајариш киради. Шу муносабат билан бошқарув ходимида ТМни бошқаришнинг кўтигина муҳим функциялари йўқ эди.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилингач, ТМ фаолияти жараёнларини режалаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш ва уларга бошқарув ходимилик қилиш вазифаларини амалга оширишда ТМ ҳуқуқлари сезиларли даражада кенгайди. Қуий босқичларга директорнинг:

- ТМ ишларининг муҳим участкаларини режалаштириш;
- қўшимча таълим, хизматлари, жумладан, пулли хизматлар турларини аниқлаш;
- ТМ ўқув режаси мазмунини аниқлаш;
- ўқув-тарбия жараёни, молиявий-хўжалик фаолияти, қабул қилинган қарорлар ижроси устидан назорат олиб бориш;
- педагогик кадрлар ишини баҳолаш ва уларни аттестациялаш;
- ўқитувчилар ва техник ходимлар меҳнатини моддий-маънавий рағбатлантириш ва бошқа ваколатларни бериш имконияти юзага келди.

Бироқ, биринчидан, санаб ўтилган вазифаларнинг ҳаммаси ҳам, ҳатто марказлашувдан кучли тарзда чиқарилган тузилмаларда ҳам қуий босқичларга берилавермайди. Иккинчидан эса, табиийки, жамоанинг барча аъзолари ҳам ТМ бошқаруви жараёнига бирдай қўшилиб кета олмайди.

Ўқитувчиларнинг таълим муассасаси иши бошқарувида иштирокининг уч хил даражасини шартли равишда ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар — бирга иштирок этиш, фаол иштирок этиш ва

шериклик қилиш. Улар бир-бирига ўзига хос иерархик тартибда бўйсунади.

Бошқарувнинг марказлашувдан чиқарилган бошқарув тузилмаларида коллегиал органлар томонидан ҳал этиладиган масалалар доирасининг кенгайиши барча ходимларнинг — бошқарув ходимларининг ҳам, ўқитувчиларнинг ҳам — ўз вазифаларини бажаришидаги мустақиллиги чекланишига олиб келади. Масалан, методик кенгашлар ва йиллик жамоалар ўқитувчиларнинг таълим мақсадлари ва методларини белгилашдаги, бошқарув ходимларининг эса соатлар тақсимотидаги хукуқларини чеклаб қўйиши мумкин. Шу боис, бошқарувнинг коллегиал хусусияти билан ходимларнинг ўз иш жойларидаги мустақиллиги ўртасидаги оқилюна мувозанатни топиш муҳим.

Марказлашувдан чиқарилган тузилмаларни яратишда ўқитувчиларнинг бошқарувдаги иштирокини асослаш муаммоси мураккаброқ саналади. Бу ўринда ташкилотдаги шахсий манфаатлар билан қандайдир тарзда боғлиқ муаммоларнинг ечимиға таъсир этиш имконияти кўп ҳолларда раббатлантирувчи сабаб вазифасини ўтайди. Чунончи, кучли асослардан бири ўкув юкини, дарс машгулотлари жадвалларини ёки ишда бандлик графигини (масалан, синф бекалари учун), таълимнинг якуний натижалари мазмунни ва уларни назорат қилиш услубларини, меҳнат жамоасида иш учун мукофотлаш усусларини мустақил белгилаш имкониятидир.

Марказлашган тизимда бошқарувнинг коллегиал органлари (пед-кенгашлар, йиллик жамоалар, методик бирлашмалари, кафедралар)га куйидаги жорий масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш хукуқи берилади:

- ТМ таркибий қисми соатларини режалаштириш;
- ўқитиладиган фанлар дастурларини аниқлаш;
- ўқитувчилар ишини баҳолаш;
- ўқитувчилар номзодини олий тоифа бериш учун тақдим қилиш;
- ўқитувчиларни тақдирлашга тақдим этиш ва бошқалар.

Куйи босқич бошқарув ходимларига куйидагилар берилади:

- ўқитувчилар ишининг индивидуал мақсадларини белгилаш;
- ТМ ишининг маълум участкаларини режалаштириш;
- ўз бўлинмалари педагогларига умумий бошқарув ходимилик қилиш;
- таълим-тарбия жараёнининг аҳволини назорат қилиш ва бошқалар.

Хатто марказлашувдан кучли тарзда чиқарилган тузилмаларда ҳам бошқарув ходими муассасани ривожлантиришнинг умумий концепцияси ва истиқболи, ходимларни қабул қилиш ва бўшатиш, бошқарув ходими ходимларни жой-жойига қўйиш, бошқа ташкилотлар билан шартномаларни имзолаш, ўқитувчилар ва бошқарув ходимлари-

ни олий тоиға бериш учун аттестациялаш, асосий иш участкалари ни, аввало, молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилиш, баҳолаш ва бошқалар бўйича қарорлар қабул қилиш хукуқини ўзида қолдиради.

Марказлашувдан чиқарилган тузилмаларнинг марказлашганила-рига нисбатан афзаликлари қўйидагилардан иборат:

- бошқарувнинг ваколатлилиги ва тезкорлигини ошириш, чунки таълим жараёни учун ким бевосита жавобгар бўлса ва унинг муаммоларини яхши билса, қарорлар қабул қилиш имкониятини ўша олади;
- ТМ бошқарув ходимларининг ўсиши ва ривожланиши учун яхши шароит яратилиши;
- қўйи бошқарув ходимлари ва ўқитувчиларнинг ташаббуслари-ни рағбатлантириш, уларда ТМ ишига даҳлдорлик ва унинг иш на-тижалари учун масъулият, пировардица, меҳнатдан қониқиши ҳисси-ни ривожлантириш.

ТМ бошқарувида ўқитувчилар иштироки тизимини яратишнинг асосий шарт-шароити педагогик жамоа етуклигининг юқори дара-жаси, унда қадрият-йўналтириш бирлигининг, демократик бошқа-рув тажрибаси бўлган ТМда намоён бўлдиган жислашув ва ҳам-жихатликнинг мавжудлиги ҳисобланади. Бундай жамоа бирдан яра-тилиб қолмайди. Жамоа етуклиги даражаси қанчалик юқори бўлса, ТМ бошқарувда шунча кўп тажрибага ва демократик анъаналарга эга бўлади, шунингдек, унда демократик тамойиллар ва ўқитувчи-ларнинг бошқарувда қатнашишига асосланган тузилмаларни яратиш мумкин бўлади. Яна шуни назарда тутиш керакки, тўғри вужудга келтирилган ташкилий тузилманинг ўзи жамоа ривожланишининг кудратли омили вазифасини ўтайди.

Бир-бири билан бошқарув жараёни, функциялари амалга ошириладиган тарзда боғланган инсоний, моддий, техник, ахборот, меъёрий-хукуқий ва бошқа таркибий қисмларнинг йигиндисини бош-қарув тизими ёки бошқарувчи тизим дея аташади. ТМ бошқарув ти-зими бошқа обьектлар бошқарув тизими билан умумий функцияларга эга бўлса-да, улардан, аввало, ҳал этиладиган масалалар ва уларни ечиш методлари билан ажralиб туради. Бу ўз навбатида, уларнинг тузилиши хусусиятини белгилайди.

Замонавий таълим муассасалари — бу катта ва мураккаб орга-низм. Унинг барча бошқарув масалаларини ҳал этиш бир кишига оғирлик қиласи. Шунинг учун ҳам бошқарувда кўплаб кишилар-нинг биргаликда ишлаши ва улар ўргасида меҳнат тақсимотини амал-га ошириш зарурати пайдо бўлади. Бундай тақсимот натижасида бошқарув тизимида мансабдор шахслар (директор, унинг ўринбо-сарлари, методик кенгашлар бошқарув ходимлари) ва бошқарув

бўлинмалари (педагогик кенгаш, методик кенгашлар, ҳар бир параллеллар бўйича ўқитувчилар кенгашлари ва бошқалар каби бошқарув органлари вужудга келади). Ҳар бир мансабдор шахсга ва бўлинмаларга бирон-бир вазифанинг бажарилиши юзасидан масъулият юкланди, улар маълум ҳукуқларга эга бўлишади ҳамда ўзаро алоқа ва муносабатлар ўрнатилади. Натижада бошқарувнинг ташкилий тузилмаси пайдо бўлади.

Тузилма сўзи қандайdir бир бутуннинг қисмлари ўргасидаги мустаҳкам алоқа ва муносабатлар йигиндисини англатади. **Бошқарувнинг ташкилий тузилмаси органлар йигиндиси бўлиб**, улар ўргасида бошқарув вазифаларининг бажарилиши юзасидан ваколатлар ҳамда масъулияtlар тақсимланган ва муитазам амалга ошириладиган алоқалар ва муносабатлар мавжуд бўлади. Бошқача айтганда, ташкилий тузилма — бу бошқарув тизимларини қисмларга ажратиш ва айни маҳалда унинг бир бутунга бирлашиш усули.

Бошқарув ишлари гурӯҳланиши ва лавозим ўринлари ҳамда органлар ўргасида ваколатлар ва масъулияtlар тақсимоти қандай амалга оширилишига боғлиқ ҳолда **бошқарув тузилмасининг ҳар хил турлари** пайдо бўлиши мумкин.

Субъектлар бошқарув жараёнида ўз вазифаларини бажарап эканлар, ахборот алмашибади. Бирлари қандайdir маълумот тайёрлайди ва у ёки бу восита (каналлар) ёрдамида узатади, иккинчи бирлари уни қабул қиласди, тушуниб олади ва қандайdir тарзда муносабат билдиради. Субъектлар ўргасида ахборот алмашинуви амалга ошириладиган жараён **коммуникация** деб аталади.

Коммуникация тушунчаси нима узатилишини ҳам, ушбу «нима»нинг қандай узатилишини ҳам ўз ичига олади. «Коммуникация — восита бўлиб, унинг ёрдамида ташкилий фаолият бир бутунга бирлашибади, десак муболага бўлмайди», — деб ҳисоблайди менежмент соҳасининг машҳур мутахассислари американлик Г. Кунц ва С. О. Доннел. Бошқарув ишининг асосий қисми коммуникацияни амалга ошириш билан боғлиқdir. ТМ бошқарув ходими ва унинг ўринbosарлари ўзларининг кўпгина функцияларини одамлар билан мулоқот орқали амалга оширишади. Педкенгаш, методик бирлашмалар мажлислари, турли хил йиғилишлар, аудитория олдида чиқишлиар — буларнинг барчаси коммуникацион жараёнлар ҳисобланади.

Коммуникацион жараёнлар кечишига сабаб бўладиган асосий элементлар қуйидагилар ҳисобланади — манба, уни олувчи, матн, канал, натижа, қайтма алоқа.

**Манба** — бу матнни яратувчи ва узатувчидир. У бир киши ёки кишилар турухи бўлиши мумкин. Манба маълумотни узата туриб, уни олувчида маълум муносабат уйғотишга интилади, яъни у **ком-**

**муникатив масалани ҳал этади.** Унинг муваффақиятли ҳал этилиши манба нимани ва қандай узатганилигига боғлиқ.

**Матн** — бу қандайдир белгилар ёрдамида кодланган мазмунли маълумот. Айнан бир хил маълумот турли белгилар ёрдамида, масалан, русча, инглизча Морзе алифбосидан фойдаланилган ҳолда узатилиши мумкин. Маълумот сўзсиз, имо-ишора, мимика, расмлар билан ва бошқалар ёрдамида ҳам узатилиши мумкин.

**Маълумот** қабул қилиниши учун матн тили оловчига тушунарли бўлиши лозим. Демак, маълумот қандай белгилар воситасида узатилишигина эмас, балки унинг оловчи томонидан тушунилиши ҳам мухим жиҳат ҳисобланади. Масалан, агар ўқитувчи ўз нутқига маъноси ўқувчиларга номаълум сўзларни қўшса, у узатаётган маълумот мазмуни ўқувчилар томонидан тушунилмайди.

**Канал** — восита бўлиб, унинг ёрдамида матн манбадан уни оловчига узатилади. Канал матн ўзгаришсиз етиб борадиган бўлиши керак. Бошқарув тизимларида ахборот каналлари кўпинча ёмон йўлга кўйилган бўлади.

**Оловчи** — бу маълумот мўлжалланган ва манба ундан маълум муносабатни кутаётган томон. Турли оловчилар айнан бир хил маълумотни ҳар хил тушуниши ёки унга турлича муносабат билдириши мумкин. Манба ўз маълумотини яратса туриб, оловчининг моҳияти ва ўзига хосликларини ҳисобга олиши керак. Агар ТМ директори ўқитувчилар ҳузурида қандайдир янги гоялар билан чиқиши керак бўлса, у ўз маълумотини ўқитувчилар уни тушуниш ва гояларига ижобий ёндашиш қобилиятига эга бўладиган тарзда тузиши зарур. Бу унинг бирга ишләётгандарни, улар ўргасидаги жиiddий фарқларни тушуниши кераклигини англатади.

**Натижа** — бу оловчининг олинган маълумотга муносабати. Муносабат манба кутаётгандай бўлиши ёки, аксинча, кутилаётганидан сезиларли тарзда фарқли бўлиши ҳам мумкин. Сўнгти ҳолатда коммуникация самарасиз ҳисобланади.

**Тескари алоқа** — бу оловчининг манба томонидан қабул қилинган ва унинг ўз кутишларига мослиги нуқтаи назаридан баҳоланган муносабати ҳақида ахборот. Таъсир нотўғри талқин қилинган чогда, ҳақиқий натижа аксинча бўлгани ҳолда, манба коммуникатив вазифани ҳал этилди, деб ҳисоблаши мумкин. Бошқарув ходими кўл остидагига топшириқни берар экан, индамай чиқиб кетганлигидан, топшириқни тушунди ва бажаришга тайёр, деган қарорга келиши мумкин. Бироқ кўп ҳолларда қўл остидагилар бошқарув ходимларини улар ўйлаганицек тушунавермайдилар.

**Кўпчилик коммуникациялар** икки томонлама ўзаро муносабат бўлиб, унда манба билан оловчининг жойлари доимо алмашиб туради.

ди. Коммуникация, ахборот алмашинувга ким киришганига боғлиқ ҳолда, уларнинг йўналиши бўйича фарқланади.

Маълумот бошқарувнинг юқори даражасидан пасткисига узатилса, демак, унда гап, **куйига тушувчи коммуникация** ҳақида боради. Унинг акси ўлароқ, ахборот пастдан юқорига ҳаракатланса, унда, **кўтари-лувчи коммуникация** ҳақида сўз боради. Бир хил даражадаги бўлин-малар ва мансабдор шахслар ўртасидаги ахборот алмашинуви **гори-зонтал коммуникация** деб аталади.

ТМ бошқарув тизимида мансабдор шахслар ва бўлинмалар бош-қа мансабдор шахслар ва бўлинмалар билан кўнглаб коммуникацион каналлар орқали боғланган. Ахборот узатувчи ушбу каналлар **йи-гиндиси коммуникация тармоғи** деб аталади. Ҳар бир бошқарув органи ўз коммуникация тармоғига эга.

Коммуникация тармоғи бошқарув тизимида қандай қурилганли-гига боғлиқ ҳолда, бошқарув масалалари самарали ҳал қўлинишига кўмаклашади ёки, аксинча, уни мураккаблаштириб юборади. Қатъ-ий бўйсуниш тартиби хукмрон бўлган тизимларда ахборотнинг куйига тушувчи ва кўтари-лувчи оқимлари етакчилик қиласи. У поғонадан поғонага тепага ёки қуйига изчил узатиб турилади. Бунда ҳар бир ҳаракатда ахборотнинг бир қисми йўқолади ёки бузилади, унинг сўнгги манзилга етиб бориш вақти чўзилади. Масалан, агар ўқитувчи ТМ директорига бевосита мурожаат қила олмаса, буни унинг ўринбосари орқали амалга ошириши керак бўлса, бунда ахборотнинг ҳара-катини сусайтирадиган ва бузилиши эҳтимолини оширадиган ора-лиқ бўғин юзага келади. Бироқ кўп ҳолларда коммуникациянинг кўп бўғинли занжирини ўрнатишнинг ижобий жиҳатлари ҳам бор, чунки бу ТМ директорига тушадиган юкнинг ва унинг коммуникация тармоғининг камайишига олиб келади.

Директорнинг бошлангич таълим бўйича ўринбосари ва умумий таълим бўйича ўринбосари масалаларни қандайдир сабабга кўра ўзаро мулоқот йўли билан эмас, балки, директор орқали ечиши яна бир нооқилона коммуникация тармоғига мисол бўла олади.

Бошқарув тизими самарали ишлаши учун вертикал ва горизон-тал коммуникацияларни оқилона қовуштириш керак. Бундай ком-муникация тармоғини яратиш — ҳар бир бошқарув ходимининг мұ-хим вазифаларидан бири.

Ташкилий коммуникациялар йўлида кўп тўсиқлар турибди-ки, бошқарув ходимлари уларга барҳам бериш учун маҳсус чора-тадбирлар кўриши талаб этилади.

Ахборот юқорига ёки қуйига узатилаётганда унинг бузилиши мум-кинлиги юқорида айтилди. Бу турли сабабларга кўра юз бериши мум-кин. Маълумотлар атайин эмас, кўпинча амалий муюмаладаги кам-чиликлар сабабли бузилиши мумкин (тинглашни, маълумот тузиш-

ни, тушунишни билмаслик ва бошқарлар). Бироқ ахборотни мақсадли тарзда бузиб ёки ўз манфаатлари йўлида тўлиқ бермаслик ҳоллари ҳам учраб туради. Масалан, қўй остидагилар юқорига фақат бошқарув ходимлари томонидан ижобий қабул қилинадиган маълумотларни бериши мумкин. Авторигар бошқарув ходимлари қўй остидагилар уларга, одатда, улар эшигишни хоҳлаган нарсалар ҳақида гина ганиришиади. Бошқарув ходимлари ўzlари учун фойдали бўлмаса, қўй остидагиларни баъзи вазиятлардан хабардор қилишни кераксиз деб ҳисоблашлари мумкин.

Ахборотнинг ҳаракатланиши йўлида коммуникация каналларига тушадиган ортиқча юк сабабли ҳам тўсиқлар пайдо бўлиши мумкин. Ҳамма нарсани ўзида жамлаган, қўй остидагиларга ваколат беришини хоҳдамайдиган ёки буни уddyалай олмайдиган бошқарув ходимлари беихтиёр ортиқча юк остида қолади ва ахборотни саралашга ёки узатилган маълумот билан танишишни орқага суришга мажбур бўлади. ТМ ташқарисида ёки ичидаги бошқарув ходимларидан қандайдир қарорлар ва ҳаракатларни талаб этадиган, олдиндан башорат қилиш қийин бўлган кўп ўзгаришлар кечачётганида ҳам шундай ахволни кузатиш мумкин. Коммуникация каналларига ортиқча юк тушишига кўпинча қониқарсиз ташкилий тузилма сабаб бўлади.

Яна бир тўсиқ — бу коммуникация каналининг йўқлигидир. Масалан, агар ТМ ҳаётига таалуқли муҳим қарорлар ишлаб чиқилишида фақат директор ва унинг ўринбосарлари иштирок этса-ю, ўқитувчиларнинг фикрлари ҳамда таклифлари уларни қизиқтирумаса (булар жамоаша хўжакўрсинга муҳокама қилинса-да), унда коммуникация канали шакланмай қолади ва бу қўй остидагилар билан бошқарув ходимлари ўртасида ажралишни келтириб чиқаради. Тадқиқотлар бундай ҳолда қўй остидагилар раҳбарият қарорларини кўпинча ўз манфаатларига зид, деб қабул қилишини кўрсатмоқда.

Коммуникация тармоқларидаги узилиш жамоадаги ижтимоий-психологик муҳитнинг ёмонлиги сабабли ҳам юзага келади. Ходимлар ўртасидаги келишмовчиликлар, улар ошкора намоён бўлмаса-да, зарур амалий мулоқотнинг йўқолишига олиб келиши мумкин.

Зарур коммуникациялар учун жиддий тўсиқлар мавжудлиги, айниқса, инновацион жараёнларни бошқаришда, ТМ бошқарувидаги самарасизликнинг энг муҳим сабабларидан биридир.

Замонавий ТМда таълим жараёни кўпгина мутахассисларнинг ҳамкорликда ишлашини ва улар ўртасида меҳнат тақсимоти бўлишини талаб этади. Ихтисослашув деганда бажарилётган иш турни ва ходимлар малакасига мос ҳолдаги меҳнат тақсимоти шакли тушунилади.

Меҳнатни ихтисослаштиришнинг зарурий хусусияти ва даражасини белгилаб олиш — ташкилий фаoliятнинг биринчи вазифаси. У

ТМ мақсадларига эришиш ва уларни алоҳида ходимлар ва гурухлар ўргасида малакаларига мос тарзда оқилона тақсимлаш учун қўлланилиши керак бўлган иш турларини белгилаб олишдан иборат. Агар ТМ ходимлари малакаси қўйилган талабларга мос келмаса, унда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, ТМга янги мутахассисларни танлаш муаммоси юзага келади.

**Меҳнат тақсимоти** икки йўналишда кечаси: горизонтал — ишни босқичлар бўйича тақсимлаш, вертикал — ишни бўйсуниш тартиби даражалари бўйича тақсимлаш. ТМда ихтисослашувнинг иккала усули ҳам мавжуд. Ўқитувчилар турли синфлар ўқувчилари билан иш олиб боришади (bosқичлар бўйича тақсимот).

Меҳнат ижрочилик ва бошқарувчиликка, яъни бўйсуниш тартиби даражалари бўйича бўлинади. Айни маҳалда ушбу меҳнат тақсимотининг ичиди ўз ихтисослашуви ҳам мавжуд. Анъанавий таълим тизимида ўқитувчилар ўргасида ўқув фанлари бўйича ихтисослашув қабул қилинганд. Бошқарув меҳнати, масалан, директорнинг бошлангич ва ўрта мактаб бўйича ўринбосарлари, методик бирлашмалари раҳбарлари меҳнати ҳам ихтисослашган.

Ихтисослашув тор ва кенг бўлиши мумкин. У бошлангич синflар ўқитувчиси фаолиятида кенгрок намоён бўлади. Айрим ўқитувчилар, масалан «бошлангич синflар жисмоний тарбия ўқитувчиси» каби маълум бир синflарда дарс беришга ихтисослашади. Бу тор ихтисослашувга мисол бўла олади.

Ихтисослашув бир қатор устуникларга эга. У меҳнат жараёнини тежамлироқ ва бошқарилувчанроқ қилиш имконини беради, касб маҳоратини ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Айни маҳалда у салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқаради. Ихтисослашув таълим-тарбия жараёнининг яхлитлигини бузади, функционализмга олиб келади, турли ихтисосларга эга ўқитувчилар меҳнатини мувофиқлаштириш заруратини келтириб чиқаради. У ўқитувчиларнинг ТМ ишларини ҳис этиш ва ижодий фаолият доирасини торайтириб, уларни фаолиятта ундашга салбий таъсир этади. Тор ихтисослашган меҳнат касбий мулокот, тажриба алмашиш ва педагогик жамоа аъзоларини ривожлантириш учун шарт-шароитни ёмонлаштиради.

Назария ва амалиётни ўрганиш асосида таълим муассасаси даражасида қўйидаги *таълим сифатини бошқариш алгоритмларини* тақлиф этиш мумкин.

1. Ўзгаришларга ички эҳтиёжни шакллантириш (фақаттана таълим эмас, балки барча турдаги хизматлар сифатини аудит қилиш; иш берувчилар, ота-оналар, битирувчилар орасида сўров ўтказиш).

2. Сифат сиёсатини ишлаб чиқиш (таълим сифати назорат вазифалари, режаси, дастурини, унинг мажмуавий тизимини шакллантириш).

3. ТМ ҳар бир йўналиши, ўқув дастури, барча фаолият тури (ўқув, тарбиявий, ишлаб чиқариш) бўйича сифат лойиҳасини ишлаб чиқариш.

4. Лойиҳани амалга ошириш — ишлаб чиқилган схема бўйича ўқув жараёнига назорат тизими таркибий қисмларини жорий этиш.

5. Бажарилган ишларни таҳлил этиш — ташхиснинг илк босқичларида якуний назоратга кўпроқ аҳамият берилади, чунки айнан унинг кўрсаткичларини тўғрилаш, ишлаб етказиш ва ўзгаргириш лозим бўлади.

6. Таълим хизматлари сифатини баҳолаш: якуний аттестация таҳлили, битирувчининг келажак таълим йўналишини ёки корхонада ишлай бошлаган дастлабки ярим йилда иш жойига мослашувини назорат қилиш, битирувчиларнинг ТМни туталмагандан сўнг бир йил ичida мослашувини кузатиш.

7. 2- ва 3- ҳолатларга қайтиш: тузатишлар киритиш йўлини ва четга суриб қўйилган масалалар, таълим мазмуни, методикаси ва технологиясини излаб топиш.

Бошқарувнинг бундай циклик жараёни бир-икки йил билан чекланмаслитини, балки маълум бир таълим турида ўқиш вақти билан тенг кечишини таъкидлаш лозим.

### **III.3. ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ВА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БОШҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТИЗИМЛИ РЕЖАЛАШТИРИШ<sup>1</sup>**

Таълим муассасаси жадал ривожланишга йўналтирилган экан, бу кўпгина хусусий ўзгаришларни тақозо этади. Ушбу барча ўзгаришлар ўзаро мувофиқлаштирилиши ва яхлит бир бутунни ташкил этиши керак, акс ҳолда уларнинг самарадорлиги пировард натижа (таълим сифати) нуқтаи назаридан бўлиши мумкин бўлган тарзда бўлмайди. ТМ ривожланишига бундай ёндашувни амалга ошириш тизимли бошқарувни талаб этади.

Тизимли ёндашув ривожланиш жараёнини ТМнинг яхлит тарзда сифат жиҳатдан бошқа ҳолатга ўтишини таъминлайдиган, ўзаро боғлиқ ўзгаришлар йиғиндиси сифатида тушунишидан келиб чиқади. Яъни у ривожланишнинг яхлитлиги гоясига асосланади. Тизимли ёндашув келажакка интилиш асносида, биз ТМни истиқболда қандай кўришни истасак, унинг шу қиёфасига эга бўлишимиз кераклигини ва шундан келиб чиқсан ҳолда, биринчидан, ТМнинг барқарор фаолият кўрсатишини бузмасдан, иккинчидан, мавжуд ҳолат-

<sup>1</sup> Мазкур бўлимнинг ташкилий-методик ва экспериментал асосини Р. Ш. Ахтидинов томонидан ушбу китоб муаллифлари бошқарув ходимилигига (Ш. Курбонов) ва илмий маслаҳатчилигига (Э. Сейтхалилов) бажарилган диссертацион тадқиқот материаллари ташкил этди.

дан исталаётганига изчил ўтишни таъминлаш мақсадида қандай ўзгаришларни, қандай кетма-кетликда амалга ошириш кераклигини белгилаб олиш зарурлигини тақозо этади. Тизимли ёндашувда киритилиши керак бўлган ҳар қандай янгиликни танлаш ТМнинг алоҳида бир қисмининг эмас, балки умуман ТМнинг иш натижалари яхшиланиши нима беради, деган позициядан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади.

Бу ўз навбатида, пиравард натижани, яъни тизимли бошқарув — бу ҳамиша натижага йўналтирилган бошқарув эканлигини аниқ тасаввур этиш зарурлигини англатади. У назорат қилинадиган (операционал-аниқланган) мақсадларнинг иерархик тузилмаларини яратишни тақозо этади. Фақат шундагина киритилган у ёки бу янгиликнинг фойдалилигини ТМнинг қандайдир бир қисми иши натижалари нуқтаи назаридан эмас, балки яхлит ТМ фаолияти позициясидан асосли баҳолаш мумкин бўлади.

Тизимли ёндашув, ривожланишнинг яхлитлиги ва мақсадга йўналтирилганлиги ғоялари билан бир қаторда, илдам бошқариш ғояларига асосланади. Бу бошқарув самарадорликни таъминлаш учун кўйилган мақсадтага эришишга хавф соладиган омилларнинг пайдо бўлишини имкон қадар олдиндан билиш, улар қандайдир салбий оқибатларни келтириб чиқаргунга қалар уларга муносабат билдириш зарурлигини назарда тутади. Қарорларни ишлаб чиқиш зарурати қанчалик барваҳт аниқланса, катта йўқотишларга йўл қўймаслик имкониятлари шунчалик кўп бўлади. Бошқача айтганда, илдам бошқариш содир бўлганга эмас, содир бўлиши мумкин бўладиганга муносабат билдиради.

Бошқарувнинг бундай турини таъминлаш учун фақат исталган пиравард натижа қиёфасигагина эмас, балки реал жараённинг бориши исталганига қанчалик мос келиши ҳақида фикр юритиш имконини берадиган оралиқ мақсадлар занжирни (назорат нуқталари)га ҳам эга бўлиш керак. Агар оралиқ мақсадлардан биронтасига эришилмаса, бу пиравард мақсадтага эришишга солинаётган таҳдид бўлиб, бошқарув ходими аввал режалаштирилган ҳаракатларга тузатиш киритиш бўйича ўз вақтида қарор қабул қилиши мумкин бўлади.

Ривожланишни бошқаришга тизимли ёндашув маҳсус воситалардан фойдаланишни — мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш эвазига амалга оширилади, шунинг учун ҳам бу ёндашувни кўпинча дастурий-мақсадли деб аташади.

ТМни ривожлантириш дастури моҳиятан инновацион жараённинг меъёрий модели бўлиб, қуйидагиларни:

- ТМнинг илк ҳолатини;
- хоҳданаётган келажак қиёфасини;
- ҳозиргидан келажакка ўтиш бўйича ҳаракат таркиби ва тузилмасини белгилайди.

Бундай моделнинг мавжудлиги бошқарув ходимига у маълум бир вақтга келиб қандай пировард натижага эришилиши лозимлигини, исталған натижага эришиш учун ким, қачон ва қандай ишни бажариши кераклигини яхши билиши борасида ишонч бахш этади. Яна бир муҳим жиҳат — дастур шарофати билан нафақат бошқарув ходими, балки биргаликдаги фаолият иштирокчилари ҳам ўзлари қандай умумий мақсаддага эришиш учун ишлаётганлигини, бу ишда уларнинг роли қандайлиги, улардан нима кутилаётганлигини ва агар, улар ўз хусусий вазифалари бажарилишини вақтида таъминлашмаса, нима рўй беришини тушунишади.

Дастурнинг бошқа яна бир муҳим жиҳати — у «ёнғин» чиққач, уни ўчириш эмас, балки унинг олдини олиш имконини беради.

Дастур ўз вазифасига жавоб бериши учун муайян сифатларга эга бўлиши керак. **Бундай сифатларнинг еттитаси:** долзарблigli, башоратлаш мумкинлиги, оқилоналиги, ҳаққонийлиги, яхлитлиги, назорат қилинчанлиги, адашишлардан таъсиранувчанлиги ажратиб кўрсатилади.

**Долзарблик** — дастурнинг ТМ келажаги учун кўпроқ аҳамиятли бўлган, ечими мажмуавий ҳолда имкон қадар кўпроқ фойдали самара бериши мумкин бўлган муаммолар ечимига қаратилганлик хусусияти.

**Башоратлаш мумкинлиги** — дастурнинг ўз мақсадлари ва режалаштираётган ҳаракатларида ТМга кўйилаётган нафақат бутунги, балки келажак талабларини ва унинг фаолияти шароитидаги ўзгаришларни, яъни дастурнинг ўзи амалга оширилдиган шарт-шароит ва ўзгарувчан талабларга мос келишга қодирлигини акс эттириш хусусияти.

**Оқилоналик** — дастурнинг ҳал этиладиган муаммолар мазкур мажмуми учун мавжуд ресурслар билан максимал фойдали натижа олиш имконини берадиган мақсадлари ва уларга эришиш усувларини белгилаш хусусияти.

**Ҳаққонийлик** — дастурнинг хоҳланган ҳолат билан мумкин бўлган ҳолат ўртасидаги, яъни режалаштирилган мақсадлар билан уларга эришиш учун зарур бўлган воситалар ўртасидаги мосликини таъминловчи хусусияти.

**Яхлитлик** — дастурнинг кўйилган мақсадларга эришиш учун зарур бўлган фаолият таркиби тўлақонлилигини, шунингдек, улар ўртасидаги алоқанинг мувофиқлигини таъминловчи хусусияти.

**Назорат қилинчанлик** — дастурнинг пировард ва оралиқ мақсадларни (кутилаётган натижани) операционал аниқлаш, яъни аниқ олинган натижалар уларнинг мақсадларига мос келишини текшириш усули мавжуд бўлган хусусияти.

**Адашишлардан таъсиранувчанлик** — дастурнинг бу хусусияти ҳақиқий ҳолатнинг дастурда кўзда тутилган ҳолатдан кўйилган мақ-

садиарга эришишда хавф тұғдиралған даражада оғишини аниқлашта қаратылған. Дастур қанчалик батырсынан бўлса, яъни ёнма-ён турвичи назорат нуқтаглари (оралиқ мақсадлар) ўртасидаги оралиқ қанча қисқа бўлса, адашишлардан таъсирланиш шунча кучли бўлади. Таъсирланиувчанлик адашган ҳозиларда қарор қабул қиласиган бошқарув ходими уни ишлаб чиқиш учун зарур вақтга эга бўлиши лозим бўлган даражада етарли бўлиши керак. Унинг устига таъсирланиувчанлик анча кучи.

Дастурда санаб ўтилган хусусиятлардан биронтасининг бўлмаслиги ҳам исталған натижга умуман олинмаслигига ёки улар кечикиброрқ олинишига ёхуд кўзда тутилганидан кўра кўпроқ ҳаражатлар эвазига кўлга киритилишига сабаб бўлиши мумкин.

ТМ ривожланиш дастурини, ҳар қандай маҳсулот билан бўлганидек, турли технологиялар бўйича ишлаб чиқиш мумкин. Пировард натижада: мазкур технология дастурни зарурий сифатлар билан олиш имконини бериши ва уни тайёрлаш учун қандай саъй-ҳаракатлар (ҳаражатлар) талаб этилиши мухим.

Бу тадбир ТМни ривожланитиришни режалаштириш асосий босқичларининг қуйидаги кетма-кетлигини назарда тутади:

- 1) ТМ ҳолатининг муаммоли таҳлили;
- 2) янги ТМ концепциясини шакллантириш;
- 3) янги ТМга ўтиш стратегиясини, асосий йўналишларини ва вазифаларини ишлаб чиқиш;
- 4) янги ТМ қурилишининг биринчи босқичи мақсадларини шакллантириш;
- 5) иш-ҳаракат режасини шакллантириш.

Дастурни ишлаб чиқишининг аниқ жараёни ушбу барча босқичларни босиб ўтиши керак, бироқ, у бир йўналишли бўлиши мумкин эмас, албатта. Дастурни ишлаб чиқувчилар аввал олинган натижаларга тузатиш киритиш асносида ўтган босқичларга қайтишга мажбур бўлацилар. Бошқача айтганда, дастурни ишлаб чиқишининг аниқ жараёни тузилмаси, унинг мантиқий тузилмасидан фарқли тарзда, итератив хусусиятга эга бўлади.

ТМни ривожланитиришни тизимли бошқаришда дастурлар ишлаб чиқиш мухим вазифа ҳисобланади. Бироқ, дастур амалга оширилиши учун ташкил қилиш, раҳбарлик ва назорат бажарилишини таъминлаш зарур.

Ривожланишни тизимли бошқариш лойиҳа ва матрица туридаги мослашувчан ташкилий тузилмаларни талаб этади. Киритилган янгилик тизимлари сифатида замонда кетма-кет ва параллел равишида амалга оширилаётган ривожланиш дастурлари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши ўз таркиби бўйича ўзгариб, ташкилий тузилмада доимий иштирок этадиган вақтингчалик гурухлар ташкил этилиши-

ни назарда тутади. Шунинг учун, чизиқли-функционал турдаги қатъий тузилмаларга таянган бошқарувдан фарқли равища, ТМнинг ривожланишини бошқариш тузилмаларида вақтингчалик бўлинмалар тузишнинг, уларнинг вазифалари ва ваколатларини аниқлашнинг, улар фаолиятини назорат қилиш функциясини тақсимлашнинг ва уларни тутатишнинг ташкилий механизмлари мавжуд бўлиши лозим.

Ривожланиши бошқариш тузилмалари бошқаришни марказлашудан чиқаришнинг янада юқори босқичини тақозо этади. Акс ҳолда бошқарув ходимиият ҳам иш олиб боришни, ҳам ривожланиши бошқарища жорий масалаларни ҳал этиш билан ўралашиб қолади. Вақт этишмаслиги сабабли у танлашга мажбур бўлади ва бу танлов, кўпроқ барқарор иш олиб боришни таъминлаш учун фойдали бўлади.

Марказлашувдан чиқаришнинг юқори даражасида ташкилий тузилмалар яхши йўлга кўйилган горизонтал мувофиқлаштириш механизмлари мавжуд бўлганчагина самарали ишлаши мумкин. Ривожланишининг мақсадли дастурларини яратища ва бажарища вақтингчалик бўлинмалар ўзаро алоқаларини ўрнатиши ва мувофиқлаштириши керак бўлади. Иш олиб бориш режимида бу алоқалар асосан барқарор бўлади ва узоқ вақт давомида пухта ишланиб, тобига келтирилади. Ривожланиш режимида ишлаш тузилмавий бўлинмаларнинг горизонтал бўйича (вертикал эмас, яъни ТМ маъмурияти орқали эмас) ўзаро тасири воситасида коммуникациянинг янги каналларини тезда йўлга кўйишни таълаб этади.

Ривожланиши тизимли бошқаришда бошқарув ходимиият функцияларини амалга ошириш ҳам муҳим хусусиятларга эга. У демократик асосларга курилсагина ҳақиқатан ҳам самарали бўлиши мумкин. Ривожланиши бошқариш ҳеч қачон кучга эмас, балки, аввалио, обрў-эътибор, ибрат ва тақдирлашга таяниши керак. Бу, ҳақиқатан ҳам, етук педагогик жамоага эга ТМдагина ривожланиши тизимли бошқаришни самарали амалга ошириш мумкинligини англатади. ТМ бошқарув ходимларининг вазифаси мақсадли дастур ишлана бошлаган илк даврдан боштаб, унинг амалга оширилишининг барча босқичларида бошқарувда кенг иштирок этишни таъминлашдан иборат. Бунинг учун иш олиб бориш режимини таъминлайдиган асосли муҳит яратилиши керак. Ҳокимиятга эга бўлган ҳолда одамни қолоқ жисмоний меҳнат қилишга мажбураш мумкин, бироқ ривожланишга, яъни ижод қилишга мажбур этиш амри маҳол.

Жамоа қанчалик етук бўлмасин, унда турли нуқтаи назарлар, позициялар ва тушунчалар мавжуд бўлиши мумкин. Шу боис, киритилган айрим янгиликлар қаршиликка учраши мумкин. Ривожланиши тизимли бошқаришда қаршиликлар алоҳида жорий этилган янгиликлар муносабати билангина эмас, балки ривожланишининг умумий кон-

цепцияси билан боғлиқ ҳолса ҳам юзага келиши мумкин. Жамоада ТМнинг исталган истиқболига қарашлар уни ўзгартирининг стратегик йўналишлари аҳамиятини баҳолаш турлича бўлиши мумкин. Шунинг учун бошқарув ходимлари қаршиликни бартараф этиш сингари ўзига хос (иш олиб бориш жараёнларини бошқаришда ечиб бўлмайдиган) масалани ечишлари зарур бўлади. Бироқ бартараф этиш «босиш»ни эмас, балки ривожланиш дастури замирида ётган ғояларни тушуниш ҳамда қабул қилишга эришишни биширади.

Ривожланишни бошқаришда бошқарув ходимлари томонидан ҳал этгилиши лозим бўлган яна бир ўзига хос масала — бу, педагогларга муаммоларни ҳал қилишнинг гуруҳий методларини ўргатиш. Ўқитувчилар педагог сифатида яхши тайёрланган бўлиши мумкин, бироқ муаммоларни аниқлаш, шунингдек, бу каби ишни биргаликда бажаришни тащкил қилиш методларини ўзлаштиргмаган бўлишлари мумкин. Яъни, улар бошқарувнинг ўнда масалаларини ҳал этишга тайёрланмаган бўлиши мумкин. Бироқ, юқорида таъкидланганидек, ривожланишни тизимли бошқаришда кўп нарса муаммоли гуруҳлар ишининг муваффақиятига боғлиқ экан, унда мос келадиган қобилиятни шакллантириш муваффақиятни таъминлашнинг зарурий шарти ҳисобланади.

Ривожланишни бошқаришда назорат функциясини амалга ошириш хусусияти шундаки, илдам бошқарув фақатгина илдам назорат орқали таъминланади. Ривожланишни тизимли бошқариш камдан-кам учрайдиган янгиликларни амалга оширишдан фарқли равишда, дастур бажарилишини назорат қилиш турли босқичлар ўртасида тақсимланган бўлиши керак, бироқ айни вақтда у дастур бўйича ишларнинг унинг ҳар бир иштирокчи учун қулай бўлган бир бутун аҳволи қиёфасини таъминлаши лозим.

### III.3.1. ТАЪЛИМ МУАССАСАСИННИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

Таълим муассасасининг муаммоларини аниқлаш ва баҳолашта йўналтирилган ҳолатни таҳтил қилиш уни ривожлантириш мақсадларини ва уларга эришиш усусларини белгилаш ўйлидаги ишқ қадам бўлиши керак. Бундай таҳтил «ТМ келажакда бугунгидан ҳам яхши ишлай олиши учун нимани ўзгартериш талаб этилади?» «Талаб этилаётган таълим сифатига эришиш учун таълим муассасасини ривожлантириш дастурини қандай тузиш керак?», каби саволларга жавоб топиши лозим.

Юқорида бу муаммо объектив мавжуд эҳтиёж билан уни қондириш имкониятлари ўртасидаги номувофиқлик сифатида белгилантан эди. Муаммони аниқлаш — бор нарса билан бўлиши керак бўлган

нарса ўртасидаги номувофиқликни топиш ва ушбу номутаносибликларга маълум бўлган усуллар билан барҳам бериб бўлмаслигини англаб етиш, демакдир.

Муаммоларни тизимли аниқлашда хоҳданаётган ва мавжуд тизимларнинг қандайдир таркибий қисмлари номувофиқлиги сифатида аниқланган барча хусусий муаммолар яхлит тузилмага боғланган бўлиб чиқади, яъни тизимнинг қисми сифатида белгиланади. Бу, ТМ ҳақиқий натижаларининг хоҳданаётганига мос эмаслиги ҳақиқий таълим жараёни характеристикасининг исталаётганига ва у, ўз на-вбатида, киришдаги мавжуд ва талаб этилаётган шарт-шароитга мос келмаслиги билан боғланади, демакдир.

**Муаммоли-йўналтирилган таҳлил** номидан келиб чиқишича, ТМнинг иш натижаларини ошириш имконини берадиган мавжуд муаммоларини аниқлаши лозим. Бу, таҳлил жараёнида қўйидаги саволларга жавоб топиш кераклигини англатади:

- ТМ боришдаги кўрсаткичларнинг нимаси қониқтирмайди?
- янада юқорироқ натижаларга эришиш имкониятларини қандай омиллар чекламоқда?
- мавжуд чекловларни олиб ташлаш учун ўқув-тарбия жараёнининг мазмуни ва технологияларида, унинг ташкил этилишида, кадрлар салоҳиятида, моддий-техник базасида ва бошқа шарт-шароитларида нималарни ўзгартириш керак?

Таҳлилга **биринчи талаб** — барча муаммолар операционал тарзда аниқланишидан иборат. Муаммони операционал тарзда ҳал этиш бу, бори билан бўлиши керак бўлгани ўртасидаги номувофиқлик даражасини баҳолаш имконини берадиган миқдорий ва сифат шкаласини бериш демакдир. Масалан, агар натижалардаги камчиликларни аниқлашда муаммо: «Битирувчиларнинг кўп қисми томонидан табиий-математик циклдаги дастурларнинг қониқарсиз ўзлаштирилганлиги» тарзида таърифланса, унда бу муаммони операционал тарзда кўйиб бўлмайди. Бу ерда фақат муаммо мавжуд бўлган соҳадаги жойи (кўрсатилган циклдаги дастурнинг ўзлаштирилиши) қайд қилинган. Унинг операционал тарзда белгиланиши учун ўқувчилар билимини у ёки бу даражага нисбат бериш имконини яратадиган, масалан, юқори — ўртача — паст ўзлаштириш даражаси шкаласи ва кўрсаткичларига эга бўлиш керак. Ўқувчиларнинг қанчаси дастурни юқори, ўртача ва паст даражада ўзлаштирганлиги маълум бўлса ва исталаётган тақсимот берилса, шунда муаммонинг қескинлиги аниқланади. Худди шу тарзда ифода этилган «педагог кадрлар малакасининг етарли эмаслиги» ҳам муаммонинг нооперационал тарзда кўйилишига мисол бўла олади. Бундай ифода педагогларнинг қанчалик қисми қониқарсиз даражада турибди ва бу нимада кўпроқ кўзга ташланади, деган саволларга жавоб бера олмайди. Агар булар аниқлан-

маган бўлса, унда муаммоларни ҳал этиш усулини тўғри танлаш ҳам мураккаб бўлади.

**Таҳлилга қўйилган иккинчи талаб.** ТМ ишининг юқори натижаларига эришиш имконини бермайдиган мавжуд чеклашларни тўлиқ аниқлашни таъминлашдан иборат. Агар чеклашлар қисмангина аниқланган бўлса, бу муаммони самарали ҳал этиш имкониятини камайтиради. Бир чеклашга барҳам бериб, бошқаларини қолдириб, қисман яхшиланишга эришиш ёки умуман уларга эриша олмаслик ҳам мумкин.

**Учинчи талаб.** Таҳлилда муаммо аҳамияти асоси баҳоланиши таъминланиши керак. Муаммолар аҳамиятига кўра тизиб чиқилиши ва улар устуворроқ ажратилиши керак. Чеклашларнинг аҳамияти уларнинг таълим натижаларига қанчалик жиҳдий таъсир этишидан келиб чиқсан ҳолда баҳоланиши лозим. Бу чекловлар ва натижалар ўргасидаги мантиқий боғлиқликлар аниқланиши кераклигини англатади.

**Тўртинчи талаб.** Таҳлил прогнозли бўлиши лозим. Бу, натижаларга янги талаблар фақат бугунги аҳвоидан эмас, балки унинг келажакдаги башорат қилинган ўзгаришидан ҳам келиб чиқсан ҳолда қўйилиши лозимлигини англатади.

Муаммоли — йўналтиришган таҳлил ўз масалаларини ҳал этиш учун «охиридан бошинга» схемаси бўйича бажарилиши лозим, яъни, ТМ фаолиятини қониқтирмайдиган жиҳатларини аниқлашдан, ўкувтарбия жараёнидаги натижаларда нуқсонлар келтириб чиқарадиган камчиликларни таҳлил қилинишини тақозо этади.

Бу схеманинг амалга оширилиши таҳлилнинг уч босқичини: натижалар таҳлили; ўкув-тарбиявий жараён таҳлили; шароит таҳлилини назарда тутади.

Таҳлилининг биринчи босқичида ТМ иши натижаларидан нима қониқтирмаслиги хусусида хulosалар чиқарилиши керак. Бу хulosалар эришилган натижалар қандай баҳоланаётганлиги ҳамда уларга қандай янги талаблар қўйилаётганлигига боғлиқ.

ТМ иши натижаларига талабларнинг пухта ўйлаб қўйилиши нафақат таҳлил, балки яхлит ривожланиш дастурини ишлаб чиқишнинг барча босқичлари учун ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга. ТМ бошқарув ходимияти томонидан келажакда исталадиган сифатда натижаларга қўйилган талаблар, айнан ўша келажакда жамият томонидан қўйиладиган объектив талабларга мувофиқ келиши зарур. Бошқача айтганда, хоҳланаётган натижалар ижтимоий буюртмадаги ўзгаришларга мос келиши лозим.

Бу ерда ижтимоий буюртма деганда, таълим муассасаси иши натижаларига (таълим сифатига) ташқаридан ошкора ёки зимдан қўйилаётган талаблар йигиндиси тушунилмоқда. Уларнинг қондирили-

ши битирудчиларнинг жамият ҳаётининг турли соҳаирига самарали сингиб кетиши учун зарурдир. Ижгиомий буюртманинг ТМ учун мажбурий бўлган таркибий қисмларидан бири давлат таълим стандартлариридир. Бироқ, бундан ташқари, ТМга турли талаблар олий таълим, ишлаб чиқариш, хукуқни муҳофаза қилиш соҳаси, оила, армия, соғлиқни сақлаш, маданият ва бошқа соҳалардан тушади. Улар бир-бирига зид бўлиши ҳам мумкин, ТМлар уларни қондиришга қодир эмас ва шунинг учун улар бу талабларнинг бир қисминигина қабул қилиши керак. Масалан, агар ТМ туманинтар таълимга йўналирилган бўлса, бунда унинг учун олий таълим ҳамда маданият соҳаларидан тушаётган талаблар устувор саналади. Агар, мактаб турли тоифадаги, шу жумладан, ривожланишиша нуқсанли болалар билан ишлашга йўналирилган бўлса, унда у битирудчиларнинг турли гурухлари учун исталган натижанинг табақалашган қиёфаси образига эга бўлиши керак.

Истағланган натижанинг қиёфаси шакллантирилгач, аниқ эришилган на-тижаларни баҳолаш зарур. Бугунги кунда таълим натижаларини ташхислашнинг стандартлаштирилган ва ишончли методлари, афсуски, жуда оз. Шунинг учун кўпгина кўрсаткичлар бўйича натижаларнинг баҳоси фақат эксперт тарзида баҳоланиши мумкин. Бироқ, юқорида таъкишланганидек, бу баҳо «етарли эмас», «қониқарли эмас» каби баёнлар билан чекланмаслиги керак. Ҳар сафар талаб этилаётган таълим сифатига номувофиқликлар даражаси, агар улар аниқланган бўлса, қайд этиб борилиши керак.

Истағлаёттан ва эришилганларни қиёслаш натижасида жиддий номувофиқликлар мавжуд бўлган бандлар ажратилиши (дастур ишлаб чиқувчилар томонидан бартараф этиш талаб этилағиган деб тан олинган) ва шу билан ҳал этишга таалуқли муаммолар йигиндиси аниқланади.

Муаммолар ечимини излаш самарали бўлиши учун эришилаётган ютуқлар нега исталаётганларига мос келмаётганлигини тушуниш керак. Бевосита натижаларга таъсир кўрсатиш мумкин эмас. Уларни фақат билвосита, яъни ўқув-тарбия жараёни мазмунини, технологияси ёки ташкил этилишини ўзгартириш орқали бошқачароқ қилиш мумкин. Шунинг учун ўқув-тарбия жараёни характеристи билан боғлиқ қандай омиллар янада юқорироқ натижага — таълим сифатига эришишни чеклаётганлигини аниқлаш керак.

Ўқув-тарбия жараёни камчиликларини аниқлаш айрим ҳолларда жуда оддий бўлади. Масалан, натижаларни таҳлил қилишда битирудчилар етарли даражада иқтисодий тайёргарликка эга бўлишмагани ва бу ўқув режасида бундай ўқув курсининг йўқлиги билан боғлиқлиги аниқланган. Шунингдек, кўзланаётган натижани сифатида қайсиридан фанни чуқур ўрганиш белгиланган бўлса-ю, ўқув режасида бу кўзда тутилмаган бўлса, бу ерда ҳам чеклаш муқаррар бўлади.

Айрим ҳолларда, масалан, бошланғич синфлар битирувчилари-нинг күпчилик қисмida таълим олишга мойиллик суст бўлганда, сабабни қидириш нисбатан мураккаб кечади. Бу ўринда таълимнинг ҳам мазмунини, ҳам технологиясини, ҳам ташкил этилганлигини чукур педагогик таҳлилдан ўтказиш керак.

Ўқув-тарбия жараёни мавжуд ҳамда йўл қўйилмиш эҳтимоли бўлган камчиликлари ўртасидаги номувофиқлик ва унинг таъсир до-ираси, таълим сифати орқали аниқланади.

Таҳлилнинг бу босқичи «чиқиш»ида икки турдаги холосага ке-лиш лозим:

- бугун амалга оширилиши керак бўлган ишлардан нималар қилинмаяпти (масалан, иқтисод, экология, оиласвий муносабатлар асосий курслари бўйича янги мазмуннинг ўзлаштирилишини таъ-минлаш талаб этилади);
- нималар қилиниши заруру, лекин амалга оширилмаяпти (маса-лан, фалон ўқув юртлари бўйича таълим мазмуни қониқтирмайди, ай-рим курслар бўйича дарс бериш методикаси уларни ўзлаштиришнинг қониқарли даражасини таъминламайди, фалон ўқув фанлари ўртасида зарурий, бироқ мавжуд бўлмаган алоқаларни ўрнатиш лозим).

Ўқув-тарбия жараёни мазмуни, технологияси ва ташкил этили-шини ўзгартириш учун унга нима тўсқинлик қилиши мумкинлиги-ни ҳам билиш керак. Масалан, раҳбариятнинг янги курсларни ки-ритиш истаги, ўқувчиларнинг ортиқча зўриқиши хавфи, тайёр ўқитув-чиларнинг йўқлиги, дастурий методик ва зарурий моддий-техника базаси бўлмаслиги кабилар билан тўқнаш келиши мумкин. «Нима-дир талаб қилинаётганидек бажарилмаслиги», сабаби ўқитувчилар-нинг бир қисми малакасининг етарли эмаслиги, бошқаларининг янги технологияларни ўзлаштиришни хоҳламаслиги, уларнинг меҳнат на-тижаларидан ва малака оширишдан манфаатдорлиги сустлиги, юки-нинг кўплиги, янги дастурлар ва методлар ҳақида кам ахборотга эга эканлиги, моддий-техник таъминотнинг етишмаслиги ёки йўқлиги ва бошқалардир.

Таълим-тарбия жараёнининг аввал аниқланган камчиликлари-нинг ҳар бири учун уларни келтириб чиқарган ва тузатилишига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган асосий омиллар рўйхати ажра-тилиши даркор.

ТМ бошқарув ходимияти, унинг бутунги ҳолатида нимадан қониқ-маслигини белгилагандан сўнг: «ТМ ни келажакда қандай кўришни хоҳлардик?», «Таълим сифатининг талаб этилаётган даражасига эри-шиш учун ишни қандай тарзда ташкил этиш керак?» каби саволлар-га жавоб бериши керак.

ТМниг белгили-рамзли шаклда (схемалар, чизмалар, матнлар ва бошқалар) тақдим этилган бу исталган ҳолати образи хоҳланаёт-

ган келажак лойиҳаси деб аталади. Лойиҳа турли даражаша тафсилотлари билан ишлаб чиқилиши мумкин. Уни ишлаб чиқиш бўйича дастлабки қадам кўйилганица у кўпроқ умумий кўринишда тавсифланган бўлиши ва хоҳианаётган келажакнинг асосий нуқгаларини акс эттириши лозим. Аввало унда янгиланган ТМ умумий гояси, унинг концепцияси берилган бўлиши керак. Бундай умумлаштирилган, ҳали батафсил ишлаб чиқилмаган лойиҳани концептуал лойиҳа дея аташади. Бу лойиҳанинг вазифаси, уни амалга ошириш ва кейинчалик тафсилотни бериш имкониятларини қишириш учун асосий йўналишни беришдан иборат. Масалан, оддий умумтаълим мактаби бошқарув ходимияти истиқбол йўналиш сифатиша уни лицей ёки ижтимоий фанлар йўналишидаги гимназияга айлантиришни белгилари мумкин. У, шунингдек, умумий йўналиш сифатида ривожланувчи таълим технологиясига ўтиш вазифасини кўйишин мумкин. У буни қатъий лойиҳа қоидалари сифатида қабуқ қилиб, куйишаги саволиарга жавоб бериши керак:

- ўқув режада қандай ўзгаришлар талаб этилади?
- таълимнинг қайси поғоналарида қандай ривожланувчи технологиялардан фойдаланилади?
- кадрлар бўйича қандай ўзгаришлар талаб этилади?
- моддий-техник базада ва бошқаларда қандай ўзгаришлар талаб этилади?

Концептуал лойиҳа барча асосий таркибий қисмларда келажакнинг умумий тавсифини ўзида сақладайди.

Концептуал лойиҳани ишлаб чиқиш натижасида янгиланган ТМнинг қўйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олган тавсифига эришиш лозим:

- ТМ тузилмаси келажакда таълим босқичлари (синфлар курслар) бўйича;
- янги ўқув режаси;
- янги ёки турланган ўқув дастурлари;
- таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш (янги ёндашувлар, гоялар, тузилмалар, усуилар алоҳида айтиб ўтилади ва ажратилади);
- таълимнинг янги мазмунини амалга оширишда қўл келациган янги технологиялар, методикалар, таълим механизмлари, ўқувчиларни тарбиялаш ва ривожлантириш каби жиҳатлар тавсифи;
- янги мазмун, тузилмалар, дарсдан, синфдан ташқари тарбиявий ишлар тавсифи.

Концептуал лойиҳага қўйиладиган асосий талаблар қўйидагилардан иборат:

- долзарблиқ, яъни келажакдаги таълим эҳтиёжларига мувофиқлик;
- реалистиклик, яъни ТМнинг мавжуд ёки кутилаётган имкониятларига мувофиқлик;

■ тизимоилик, яъни янги ТМ ташкил топадиган таркибий қисмлар тўлақонилиги ва улар ўргасидаги алоқаларнинг мувофиқлаштирилганлиги.

ТМни янгилаш ғояси асосланган бўлиши ва муаммоли-йўналтирилган таҳлил натижаларига таяниши керак. Масалан, агар мактаб раҳбарияти шу мактаб базасида гимназия ташкил этишни хоҳласаю, бироқ бунинг учун унда талабга жавоб берадиган кацрлар ҳам, бошқа шарт-шароитлар ҳам бўлмаса ва уларни қаёқдан олиш ҳам ноаниқ бўлса, унда бундай ғоя ҳақиқатдан йироқ ва у фақатгина хомхәёл бўлиб қолади.

Хоҳланаётган бўлғуси ТМ қиёфасини яратиш, аввало, ТМ таълимга бўлган эҳтиёжини қондириш учун фаолият кўрсатадиган ўкувчилар контингентини аниқлашдан бошланади. Ушбу қадам ташланиши билан ТМ «миссия»си, яъни, таълимга бўлган умумий ижтимоий буюртманинг бажарилиши лозим бўлган қисми аниқлаштирилади. Бироқ у аввалидан кўра кенгроқ таълим хизматлари мажмууни таклиф этадиган оддий умумтаълим мактаби бўладими ёки янги технологияларни ўзлаштириш эвазига нисбатан юксак таълим сифатини таъминлайдиган мактаб бўладими ёки гимназия бўладими, барибир. ТМ бошқарув ходимияти миссияни белгилашда албатта, унинг кучти ва ожиз томонларини хисобга олиши керак. Келажак сари ҳаракатда ТМнинг айнан кучли томонларидан ва аввало, унинг жамоасидан фойдаланишга таяниш лозим.

Миссия аниқлангач, муаммоли-йўналтирилган таҳлил натижаларига мурожаат қилиш ва унинг амалга оширилиши учун ҳал этилиши талаб қилинадиган муаммоларни ажратиб олиш керак.

Сўнгра, ҳар бир муаммога уни ҳал этиш ғоялари (мумкин бўлган усуслар) мажмуи таъланади ва уларнинг кўпроқ фойдалилари ҳамда амалга оширса бўладиганлари (шароит нуқтаи назаридан) сараланади. Аввало, таҳлилда аниқланган муаммолар ечимини таъминлайдиган ўкув-тарбия жараёнининг мазмуни, ташкил этилиши ва технологияларини ўзгаририш ғояларини излаш ва уларни баҳолашни амалга ошириш лозим. Мавжуд ғояларнинг барчаси ҳам маъқул бўлавермаслиги мумкин, шунинг учун уларнинг мазкур ТМ шароитида амалга оширишга яроқлиларини таъланаб олиш зарур. Булар маълум бўлган ва янги дидактик тизим ҳамда технологиялар, кимнингдир тажрибаси, ўзига хос тарбиявий тизимлар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Концептуал лойиҳани ишлаб чиқишдаги навбатдаги қадам — хусусий муаммолар ечими ғояларининг синтези. Бир муаммонинг ҳал этилиши иккинчисини келтириб чиқариши мумкин. Қанҷайдир ўкув фанини чукур ўрганишнинг жорий этилиши ёки янги фанларнинг киритилиши барча ўкув режаларини қайта кўриб чиқишни, эҳтимол, ўкув фанлариаро янги алоқаларни ўрнатишни талаб этади.

Ишлаб чиқилған концептуал лойиҳа, исталаётган келажак қиёфаси сифатида, ТМ ривожланиш дастури мақсадини ифода этади. Бироқ бу күйилганды тұғал мақсад әмас. Мақсадға ершиши бүйіч ҳаралат режаси ишлаб чиқилғач, уни тузатыш талаб қилиниши мүмкін, негаки, яқыншан күрилганды, концептуал лойиҳага киритилгандарнинг ҳаммасини ҳам амалға ошириш имкони бўлавермайди.

Тадқиқот аввалида сұхбатлашиш ва анкета сўровларини ўтказиш ёрдамида таълимни бошқариш муаммолари аниқлаб олиниши кепрек.

Бир неча ўнлаб муаммолар орасидан саралаб олинган мазкур муаммолар Ўзбекистон таълим бошқарувига кўпроқ хос бўлиши мүмкін. Улар вазирликдан торғиб, минтақавий бошқармалар, бўлимлар ва таълим муассасаларигача бирдек аҳамиятли.

Юқорида таъкидланганидек, биз таълим сифатини бошқаришнинг самарали механизми сифатида, таълим муассасалари бошқаруви муаммолари ва қийинчилекларини таҳчили қилиш ва уларнинг ечимини топишда ёрдам беришга интиламиз.

Ўзбекистон таълим тизими КТМД томонидан белгиланған ривожланишнинг ўтиш босқичида турибди. Ислоҳотлар муваффақияти тизимнинг асосий бўғини — таълим муассасасининг қандай ўзгаришига, бугун ва олис истиқболда жамият, давлат ва шахс томонидан унга кўйиладиган янги талабларни қондиришга қанчалик қодир бўлишига боғлиқ. Кўнглаб таълим бошқарув органлари ва таълим муассасалари буни англаган ҳолда, ўз истиқболларини белгилаш ва тегишли дастурлар ишлаб чиқиши учун ҳаракат қилмоқдалар.

Дастур, ўз маъносига кўра — бу, кишилар гуруҳининг биргаликдаги фаолияти норматив модели бўлиб:

- соҳа ёки муассаса ривожланиши аҳволининг дастлабки ҳолатини;
- соҳа ёки таълим муассасаси ривожланишининг келажакдаги исталаётган ҳолати қиёфасини;
- бугундан келажакка ўтиш бўйича ҳаракатлар тартиби ва тузилмасини белгилайди.

Келажакка томон ҳаракатни нотаниш жойда юришга, дастурни эса — турли гуруҳларнинг ҳаракатланиш йўналишлари ва уларнинг учрашув нуқталари белгиланган ушбу ҳудуднинг харитасига қиёслаш мүмкін. Нотаниш ҳудудда харитасиз, акси ўлароқ фақат умумий йўналишни билган ҳолда ҳаракатланилса, керакли жойга ўз вақтида келиш учун харита билан юрилгандагига қараганда анча кўп куч сарфлаш талаб этилади.

Дастурнинг бошқа яна бир аҳамияти шундан иборатки, у салбий ҳолатларнинг оқибатларини тузатиши әмас, балки, улар юзага келишининг олдини олиш имконини беради. Агар таълимни бошқариш

органлари ва таълим муассасалари мақсадни қўйибгина қолмай, балки унга эришиш учун зарур бўлган оралиқ натижаларни ҳам белгилааб олишса, улар оралиқ натижалардан биронтаси ўз вақтида бажарилмай қолганда, унга эришишда юзата келган таҳдидни аниқлаш имкониятига ҳам эга бўлишади. Оралиқ назорат нуқталари қанчалик кўп (яъни, дастур қанча батафсил) бўлса, бошқарувнинг таҳдиддан таъсиrlанувчанлиги шунчалик юқори.

Мутлақ кўпчилик таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасаларида режалаштиришдаги муаммо масаланинг аҳволини муаммоли йўналтирилган таҳлилсиз, амалда «кўр-кўрон», асосан, бошқарув ходимлари томонидан, бу ишга жамоаларни, жамоатчиликни жалб этмасдан амалга оширигаётганлигидадир. Бундай режа амалга ошмай барбод бўлади, чунки жамоа аъзолари бу ишга ундалмаган, улар уни ўзиники деб ҳисобламайди, шунинг учун режада қўйилган мақсадларга эришиб бўлмайди.

Замонавий дастур, аниқ иш режасини ишлаб чиқиш учун нима қўймоқ зарур?

Дастур ўз вазифасига жавоб бериши учун муайян сифатларга эга бўлиши керак. Таълимни бошқариш соҳасининг машҳур мутахассислари назарида, бундай сифатлар еттига — долзарблиқ, прогноз қилиш мумкинлиги, ҳаққонийлик, оқилюна иш тутиш, яхлитлик, назоратлилик, адашишлардан таъсиrlанувчанлик (улар аввалги параграфда батафсил таҳдил этилди).

Ривожланиш дастурини турли технологиялар бўйича ишлаб чиқиш мумкин.

Анъанавий технология тизимли ёнцашув методологиясига асосланган ва ўз ичига еттига тадбирни олади:

- таълим муассасаси ҳақида ахборотли маълумотнома тайёрлаш;
- таълим муассасаси ҳолатини муаммоли таҳлил қилиш;
- янги таълим муассасаси концепциясини шакллантириш;
- янги таълим муассасасига ўтиш стратегияси ва вазифаларини ишлаб чиқиш;
- янги таълим муассасасини барпо этишнинг биринчи босқичи мақсадларини аниқлаб олиш;
- ҳаракат режасини ишлаб чиқиш;
- дастурларни экспертиза қилишини ўз ичига олади.

Бу тадбирлар мазмунига, бутунги кунда кўпгина таълим муассасаларида Кадрлар тайёрлаш миllий дастурини амалга оширишда ўз ўрни ва ролини англаш кечा�ётганлигини ҳисобга олган ҳолда қисқача тўхгаламиз.

Ривожланиш дастури, аввало, таълим муассасасининг жорий ва истиқбол фаолиятини ташкил этиш учун ишчи хужжат ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси шундан иборат. Шу билан бирга дастур

расмий ҳужжат ҳам ҳисобланиб, турли органларга, ҳар хил мақсадларда: янги мақом олиш, экспериментларни қўшимча молиялаштириш, янги моддий-техника таъминоти ва бошқалар учун, шунингдек, экспертиза учун ҳам тақдим этилади.

Шунинг учун ҳам дастурни «*Таълим муассасаси тўғрисида ахборотли маълумотнома*»дан бошлиш мақсадга мувофиқ. Маълумотномада қўйидагилар ўз аксини тонгган:

- ўқувчилар сони;
- навбатлар бўйича гуруҳлар, синфлар кўрсатилган навбатлар сони;
- ўқитувчилар сони (умумий ва табақаляштирилган, малака даражалари, фахрий унвонлари, иш стажи, жинси ва бошқа характеристикалари бўйича);
- ўқитувчиларнинг ўртача ёши;
- таълим муассасасининг иш тартиби;
- моддий-техника базасининг аҳволи;
- таълим муассасасининг тарихи ва анъаналари ҳақида қисқача маълумот;
- контингент тавсифи;
- таълим муассасаси ташки мухити тавсифи;
- бошқа муассасалар билан ижодий алоқалари аҳволи;
- таълим-тарбия жараёнининг босқичлар, паралеллар, синфлар, гуруҳлар ёки ўқув фанлари цикллари бўйича сўнгги ўқув йилининг қисқача ҳисботи ва охирги йиллардаги натижалар динамикаси;
- таълим муассасасининг кучлироқ томонлари ва ёрқин ютуқлари тавсифи ва бошқалар.

Бу ерда шундан келиб чиқиш керакки, таълим муассасасининг ривожланиш мақсадларини унинг фаолиятининг муаммоли йўналтирилган таҳлилисиз аниқлаш мумкин эмас.

**Муаммоли таҳлил** — мақсадларни аниқлаш ва уларга эришиш усуслари сари қўйилган илк қадам. Таҳлил натижасида таълим муассасаси Кадрлар тайёрлаш милий дастури талабларига мувофиқ ҳолда яхши ишлаши учун нимани ўзгартириш талаб этилиши ойдин бўлиши керак. Бу саволга жавобнинг аниқлиги даражаси муаммолар ечимини излашга ўтиш учун егарли бўлиши лозим.

Маълумки, таълим муассасасини ривожлантиришнинг ҳар қандай дастури пировард натижада бир умумий муаммони ҳал этишга, яъни **таълим сифатини оширишга** қаратилган. Бироқ муаммони бундай мавхум тарзда ечиш амримаҳол, ҳар бир ҳолатда уни аниқлаштириш ва таркиблаштириш керак. Таҳлилнинг вазифаси ҳам айнан умумий муаммони аниқлаштириш ҳамда таркиблаштириш ва бу билан уни қисмлар бўйича ҳал этиш имкониятини таъминлашдан иборат.

Таҳсилнинг «бошидан охирига томон» юриши муаммоларни излашнинг пировард натижка учун аҳамиятсиз бўлган соҳасини четлаб ўтиб, кўпроқ аҳамиятли бўлганларини эътиборда қолдириш имконини беради. Бу билан таҳдил жараёни оқилоналаштирилади ва «фикрлаш тежалади». Шунинг баробарида, таҳдил давомида оқибат (натижка) ва сабаб (таълим-тарбия жараёни ва шароитдаги камчиликлар) ўртасида мантиқий алоқалар ўрнатила бошлайди.

«Нимани ўзгартириш талаб этилиши» аниқлангандан сўнг, табиий ҳолда, «Буни қандай қилиш мумкин?» деган савол пайдо бўлади, яъни талаб этилаётган ўзгаришларни амалга ошириш имконини қидириш ва баҳолаш вазифаси юзага келади.

Ҳар бир муаммо учун уни ечиш усусларини ишлаб чиқиш, улардан эса фойдалариқ ва ишонарлироқларини танлаб олиш зарур.

*Таълим муассасасини ривожлантириши йўналишлари ўзаро боғланган икки қисмдан иборат:*

- янги бошқарилувчи объект тавсифи;
- янги таълим муассасасини бошқарувчи тизим тавсифи.

Таълим муассасаси истиқболи, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, унинг олис келажагини белгилайди, бироқ ҳали фоаолият режаси ишлаб чиқилмаган бўлса, гоя қачон ҳақиқатта айланиши мумкинлиги ойдинлашмай қолаверади.

Келажакка ўтиши режасини тузишда, таълим муассасаси ўзгаргани ҳолда, айни вақтда иш олиб бориши ҳам кераклигини ҳисобга олиш лозим. Шунинг учун мавжуд таълим муассасасидан янгисига ўтишнинг оқилонароқ йўлини излаш зарур. Бу масалани ҳал этишида, янги таълим муассасасининг барча гоясини бирдан, тўла ҳажмда амалга ошириш мумкин эмаслигидан келиб чиқишга тўғри келади ва шунинг учун қандайдир оралиқ ҳолатларни, босқичларни белгилаб олиш зарур.

Гояларни амалга оширишнинг ҳар бир босқичи учун йўналишлар ва *босқичдаги ҳаракат вазифалари* белгилаб олиниши лозим. Дастурнинг ҳар бир йўналиши учун вазифа ишлаб чиқилади. Вазифани таърифлаш — дастурнинг мазкур босқичида у ёки бу иш йўналишини амалга оширишдан олиниши назарда тутиладиган аниқ натижани кўрсатиш демакдир.

**Мақсад** — бу, таълим муассасаси аниқ белгиланган вақтга келиб ҳақиқатан ҳам эришиши мумкин бўлган исталаётган (кутилаётган) натижка образининг аниқ, сифат жиҳатидан, мумкин бўлган жойда эса, ҳатто, одоб билан микдорий жиҳатдан тавсифланган қиёфаси.

Ҳар қандай мақсад беш асосий хусусиятга:

1. Мазмун тўлиқлиги, яъни натижаларнинг барча тавсифлари аниқдигига.
2. Назоратлиликка.

3. Вақт билан боғлиқ муайянликка.
4. Ҳаққонийликка (имкониятларга мувофиқликка).
5. Асосланганликка эга бўлиши керак.

Кўйилган мақсад ушбу хусусиятларга эга бўлиши учун жиҳдий таҳлилий ва прогноз ишилари керак. Мақсадни аниқлаш — демак, кутилаётган натижага эга бўлиши лозим бўлган тавсифни шундай бериш керакки, токи уларга эришилган ёки эришилмаганликни текшириш мумкин бўлсин.

Айтайлик, маълум бир мактабда аниқ ўқув йили мақсадлари шундай таърифланган:

- ўқувчилар 4-синфдан (I босқич) 5-синфга (II босқич) кўчирилаётганда ўзлаштириш Давлат таълим стандартларида белгиланган минимал даражадан 10 %дан кўпроқ юқори бўлиши керак;
- 1-синф охирига келиб ўқувчиларнинг ўқиш тезлиги 1 минутда 90 та сўздан камни ташкил этмаслиги керак ва бошқалар.

Ушбу барча фоизлар ва бошқа микдорий кўрсаткичлар қандайдир тарзда асосланган бўлиши керак, яъни уларнинг қаердан олинганлиги кўрсатилиши, бошланиш нуқталари айтилиши зарур.

Таълим муассасаси ривожланиш дастурини ишлаб чиқиша, стратегия белгилаб олингандан сўнг, хоҳланаётган келажак сари ҳараратнинг биринчи босқичи мақсадлари тавсифланиши лозим.

Хоҳланаётган натижалар прогноз қилингач, таълимнинг турли босқичларида рўй бериши мўлжалланаётган ўзгаришларнинг бирбири билан қанчалик мувофиқлашиши ва мақсадларга тузатиш киритишга зарурият бор-йўқлигини баҳолаш керак. Гап шундаки, ҳар қандай инновация, улар нимага, таълим-тарбия мазмунига, таълим-тарбия жарабёнини ташкил этиш ва методикасига таалукли бўлишидан қатъий назар, барча синфлар ва босқичларда бир вақтда жорий этилмайди. Бир янгилик 5-синфдан, бошқаси эса 7-синфдан киритилиши мумкин. Шу ўринда киритилган янгилик синфларда бундан олдинги босқичларда олинган таълим-тарбия натижалари билан боғланиш-боғланмаслиги, янги дастур бўйича ўқиганлар ва у бўйича ўқимаганларнинг юқори босқичга тенг даражада ўтиши мумкин ёки мумкин эмаслиги тўғрисида ўйлаб кўриш керак. Агар мувофиқлаштириш мумкин бўлmasa, мақсаддан возкечиш ва янгиликни нисбатан қўйироқ синфларда киритиш, ҳозирча эса, режалаштирилаётган ўзгаришлар болаларга зарар етказмаслиги учун қандайдир гурӯҳлари учун вақтинча бошқа мақсад қўйиш зарур.

Шундай қилиб, бу бўлимда икки қадамни ажратамиз.

**1-қадам.** Дастурни амалга оширишнинг биринчи босқичида хоҳланаётган ўзгаришларни таълим муассасаси фаолиятининг ҳар бир погонаси бўйича натижаларини башоратлаш.

**2-қадам.** Хоҳданаётган ўзгаришларнинг босқичлар, синфлар ва гурухлар ўртасидаги натижаларда мувофиқиашганлигини баҳолаш ва зарур бўлганда, мақсадларга тузатиш киритиш.

Бўлажак фаолият тузилиши берилган бўлим ривожланиш дастурида асосий ҳисобланади. Чунки дастур, пировард натижада, амалга оширувчи одамлар саъй-ҳаракатларини йўналитириш ва интеграциялаш воситаси сифатида хоҳданаётган натижага эришиш учун ким, қачон, қаерда ва қандай воситалар ёрдамида қандай ҳаракатлар қилишини белгиловчи моделдир.

Шу тамойилдан келиб чиқкан ҳолда, биз айнан таълим муассасасини ривожлантириш бўйича ўз ҳаракат режамизни таклиф этамиз.

Таълим муассасасини ривожлантириш бўйича ҳаракат режаси

№	Йўналиш ва вазифалар	Ҳаракатлар (тадбирлар)	Жойи	Муддатлар: бошланиши, охири	Ижрочи	Молиялаштирилиш ҳажми	Кутниаётган натижалар
	(нима)	(қандай)	(қаерда)	(қачон)	(ким)	(қанча)	(нима)

Дастур ва фаолият режаси тайёр бўлгач, уларни яна бир марта муҳокама қилиш, сўнгра мутахассисларга экспертизага жўнатиш керак.

Таникли олимлар, етакчи мутахассислар, амалиётчилар, шунингдек, илмий лабораториялар, кафедралар, илмий кенгашлар ва бошқаюлар алоҳида ҳамда жамоавий эксперталар сифатида чиқиши мумкин.

Ҳар қандай эксперталарга иккита талаб кўйилади: билимлилик ва объективлик.

Бизнинг назаримизда, эксперт хulosаси қуидаги позициялардан ташкил топиши керак:

- дастур ва ҳаракат режаси тўлиқигини баҳолаш;
- дастурнинг яхлитигини баҳолаш;
- янги ғоя ва таклифлар;
- хуласалар, таҳминлар, прогнозлар асослилигини баҳолаш;
- камчиликлар, хатолар, мулоҳазалар;
- хулоса.

Янги ТМ концепцияси унинг хоҳданаётган келажагини белгилайди, бироқ фаолият режаси ишлаб чиқилмаган экан, истак қачон ҳақиқатга айланиши ва бугунги ҳолатдан келажакка ўтиш қандай амалга оширилиши равшан бўлмайди.

Ўтиш босқичларини, ҳар бир босқичда фаолиятнинг устувор йўналишларини, уларнинг ўзаро алоқасини ва улар ўртасида ресурслар таҳсимиотини белгилайдиган янги ТМга ўтишнинг умумлашган ғояларини *дастур стратегияси* дея номлашади. Стратегия концепция сингари — умумий ғоя, бироқ концепция хоҳданаётган бўлажак ТМ ғоясини ташкил этса, стратегия — унга ўтиш ғоясидан иборат бўлади.

Стратегия нима учун керак? Агар концептуал лойиҳада кўзда тутилган турли янгиликларни бир вақтнинг ўзида киритиш мумкин бўлса-ю, бунинг учун ҳаддан зиёд катта саъй-ҳаракат талаб этилса ёки қандайдир чеклашилар мавжуд бўлса, унда «Нимани ва қандай кетма-кетликда қилиш керак?» деган савол юзага келади. Бу саволга жавоб бериш учун ўзгаришлар навбатини ва саъй-ҳаракатнинг улар ўргасида тақсимланишини аниqlаш тамойилини таърифлаш керак. Айнан шу нарса стратегия бўлади.

Стратегия янги ТМ лойиҳасининг тўлиқ амалга оширилишига ўтиш босқичлари мақсадларини ва уларга эришиш учун ҳар бир босқичда амалга ошириладиган ўзгаришларни белгилаб беради. Мактаб истиқболда барча босқичларда ривожланувчи таълим технологиясига ва ўкувчиларга ўз таълим дастурларини танлаш имконини беришга ўтмокчи, дейлик. Бироқ дастурни ишлаб чикувчиларига ўрта босқич учун ривожланувчи таълим дастурининг тўлиқ мажмуини яратиш бўйича ишлар ҳали туталланмагани ва улар икки-уч йишинан сўнгтина, юқори босқичлар учун эса улардан ҳам кечроқ юзага келиши маълум бўлгани учун, дастур стратегиясининг биринчи босқичида қўйидагилар назарда тутилмоғи мумкин:

- ривожланувчи таълим тизимиға 1—4-синфларда (бир-икки синфда) қисман ўтиш;
- 5—7-синфларда — бир қатор ўкув фанларидан вариатив дастурларни киритиш;
- 8—9-синфларда — касб-хунар колледжлари ёки академик лицейларда мақсадли тайёрлаш учун янги курслар (масалан, иқтисодиёт) ва алоҳида ўкув фанларини чуқур ўқитиши жорий этиш.

Иккинчи босқичда:

- бошланғич мактабда ривожланувчи таълим тизимиға тўлиқ ўтиш амалга оширилади;
- 5—7-синфларда — ривожланувчи таълим тизимини ўзлаштириш (шу тизим бўйича бошланғич мактабда ўқиган бир-икки синфда) ва бошқалар учун таълим дастурларини танлашда имкониятларни кенгайтириш;
- 8—9-синфларда — касбий йўналтирилганликка боғлиқ ҳолда чуқур тайёрлаш йўналишларини кенгайтириш.

Дастурнинг учинчи босқичида ривожланувчи таълим тизимининг ўрта босқичда ўзлаштирилиши туталаниши ва юқори босқичларда янги технологияларни эгаллаш бошланиши мумкин.

Ўзгаришларни амалга оширишининг стратегик фоясига мисол қилиб келтирилган юқоридаги ҳолат, турли муддатларда ва турли таълим босқичларида қилинаётган ўзгаришларнинг уйғун кечиши учун стратегия зарурлигини кўрсатади.

Стратегияни ишлаб чиқиш мавжуд ТМнинг янгисига айланиши босқичларини, сўнгра ҳар бир босқичда амалга ошириладиган фао-

лиятнинг асосий йўналишларини аниқлашдан бошланади. Аслида, дастурни ишлаб чиқишнинг бу босқичида ТМни ўзгартериш концепцияси стратегиядан жўшқин концепцияга айланади: янги ТМни «ўстириш» қиёфаси шакланади.

Дастурнинг асосий йўналишлари мавжуд ТМнинг ўзгариши янги ТМ концепциясида кўзда тутилган таркибий қисмлари (ўкув-тарбия жараёни шароити, мазмуни, технологиялари, ташкил этилиши) билан белгиланади. Масалан, бундай йўналишлар таълим мазмунини янгилаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги педагогик ва ахборот технологияларини ўзлаштириш ва бошқалардан иборат бўлиши мумкин.

**Вазифани таърифлаш** — дастурнинг мазкур босқичида фаолиятнинг у ёки бу йўналишини амалга ошириш орқали олиниши кўзда тутилган аниқ натижани кўрсатиш демакдир. Масалан, агар йўналиш таълим мазмунини янгилаш бўлса, у холда қайсиdir ўқув йилидан бошлаб юқори синф ўқувчиларининг иқтисодий тайёргарлиги дастурини киритиш, Ватан тарихи бўйича янги дастурни ўзлаштириш каби вазифалар бўлиши мумкин.

«Фаолият йўналиши» ва «вазифа» тушунчалари бир-бири билан худи белгиланган йўналищдаги ҳаракат ҳамда белгиланган вақтда етиб бориш зарур бўлган берилган манзил сари ҳаракат каби муносабатда бўлади. Дастурни ишлаб чиқувчилар ҳаракатнинг умумий стратегиясини, йўналишларини ва вазифаларини белгилай туриб, таълим-тарбия жараёни ва уни бошқариш мазмуни, унинг ташкил этилиши, технологияларига босқичма-босқич қандай ўзгаришларни киритиш масаласини ҳал этишади. Бунда улар мавжуд имкониятларни албатта ҳисобга олишлари зарур.

Мақсадлар — бу, дастурни амалга оширишдан кутилаётган (ва хоҳданаётган) натижалар. Мақсад кўп ҳолларда ҳаракат эҳтиёжи, миссияси, нияти, функцияси, вазифаси, йўналишига ўхшатилади. Бу мақсаднинг бир томони, яъни мақсад — мазмунан хоҳданаётган натижажа қиёфаси эканлиги олинганлиги боис содир бўлади. Бироқ, 5.1. бандда таъкидланганидек, мақсад — исталаётган натижанинг ҳар қандай қиёфаси эмас, балки муайян талабларни қондирадиган қиёфасидир.

**Дастур мақсади** — бу, сифат жиҳатидан, зарур ўринларда эса миқдор жиҳатидан ҳам берилган, қайд қилинган маълум бир вақтда, дастурда кўзда тутилган ўзгаришларни амалга ошириш оқибатида ҳақиқатан ҳам эришиш мумкин бўлган хоҳданаётган (кутилаётган) натижажа қиёфаси.

Ҳар бир ягона мақсад куйидаги беш асосий хусусиятга эга бўлиши лозим.

1. Мазмун тўлиқлиги, яъни натижанинг эҳтиёжларга максимал дарражада мослиги учун аҳамиятли бўлган барча хусусиятларнинг аёнлилиги.
2. Кутилаётган натижани аниқлашнинг операционаллиги (назоратлилиги).

3. Вақт бўйича муайянилиги.
4. Ҳаққонийлиги (имкониятнинг мослиги).
5. Ундовчанлиги (фаолият субъектларининг асосларга мувофиқлиги).

«Ўсиб бораётган эҳтиёжларнинг қондирилишини таъминлаш», «ижтимоий фаоликни ошириш», «таълим сифатини ошириш» каби таърифлар ёмон белгиланган мақсадларга мисол бўла олади.

Дастурда кўзда тутилган, киритиладиган ҳар бир янгилик ўзининг кутилаётган натижасига эга. Бироқ улар — оралиқ, хусусий натижалар. Киритилган барча янтиклилар йигиндиси охир-оқибатда таълим сифатида ўзгаришлар бўлишига олиб келиши керак. Шунинг учун дастур мақсадлари таълимнинг ҳар бир босқичи пировард натижаларидаги кутилаётган ўзгаришлар сифатида белгиланиши лозим.

ТМ ривожланиш дастурини ишлаб чиқища, стратегия белгилаб олингач, *келажак сари ҳаракатнинг биринчи босқичи мақсадлари* таърифланиши керак. Мақсадларни аниқлаш тадбири биринчи босқичда кўзда тутилган ўзгаришлар амалга оширилгандан сўнг ТМ чиқишидаги ва унинг ҳар бир босқичи чиқишиларидаги натижаларни прогнозлаш йўли билан амалга оширилади.

Режа — бу, улар ўртасидаги ҳаракат ва алоқалар мажмуи бўлиб, уларнинг амалга ошиши хоҳланаётган келажакка Эришиш имконини беради. Бу «боридан талаб этиладиганига» ўтишга имкон берадиган жараён моделиdir.

Режа ўз вазифасини амалга ошириш учун замон ва маконда ўзаро мувофиқлаштирилган, маблағ билан таъминланган исталаётган ўзгаришларни амалга ошириш учун зарур ва етарли бўлган барча ҳаракатни ўзида мужассамлаштириши керак. Режа тўлиқ ва ҳаққоний бўлиши лозим. У илдам бошқариш имкониятларини таъминлаш учун оралиқ натижаларни аниқлаши керак.

Туталланиш муддати бошланиши муддатидан бир ёки ундан кўпроқ йилга ортда қолган ва оралиқ натижаларни акс эттирмайдиган тадбирлар режаси, дастурни амалга оширишни самарали бошқариш имкониятларини таъминламайди. Одатда режадаги нуқсонлар дастурлар исталган натижаларга олиб келмаслигининг сабаби ҳисобланади. Анъанавий «тадбирлар режаси»нинг асосий камчиликлари шундан иборатки, улар мақсадга эришиш учун зарур бўлган тадбирларнинг олдига қўйилган аниқ (назорат қилинадиган) мақсадларига эга эмас, ҳаракат таркиби тўлақонлилигини таъминламайди ҳамда, муҳими, бу кўпинча учрайдиган ҳол, тадбирлар ўртасидаги алоқани қайд этмайди. Алоқаларсиз режа, ўзаро мувофиқлаштирилмаган ҳаракатларнинг оддий йигиндисидан иборат бўлиб қолади.

Ҳаракат режаси, ўз вазифаларини самарали бажариши учун қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- фаолият таркиби тўлақоюлилиги (у қўйилган мақсадларга эришиш учун зарур ва етарли бўлган барча ҳаракатларни мужассам этган бўлиши керак);
- яхлитлик, мувофиқлашганлик (ҳаракатлар ўртасидаги барча зарурий алоқалар ўрнатилган ҳамда мазмуни ва муддати бўйича келишилган бўлиши лозим);
- барча ресурслар бўйича мутаносиблашганлик (кадрлар, илмий-методик, моддий-техник ва энг аввало, молиявий жиҳатдан);
- назоратлилик (оралиқ мақсадларнинг операцоналлиги билан белгиланади);
- узилишлардан таъсирланувчанлик.

Таълим босқичларида янгиликлар ва ҳар бир янгиликни амалга ошириш режа-графигининг мавжудлиги дастурни амалга ошириш жараёнини унинг турли даражаларида бошқаришни самарали назорат қилиш имконини беради.

### **ПЛ.3.2. ДАСТУРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ БОШҚАРИШ**

Ишлаб чиқилган ТМнинг ривожланиш дастури, кўп ҳолларда бўлганидек, фақат эзгу ниятлар баёни бўлиб қолмаслиги учун ташкилий, бошқарув ходимилик вазифаларини амалга ошириш ва унинг бажарилишини назорат қилиб бориш зарур.

*Ривожланиш дастурини амалга оширишнинг ташкилий тузилмаси* иккита асосий услубда қурилиши мумкин.

Биринчиси: ТМда ишлаб турган бошқарув тузилмасидан фойдаланишини назарда тутади. Бу вариантда ишлаб турган тузилмавий бўлинмаларга, таълим-тарбия жараёнини таъминлаш бўйича вазифаларни бажариш баробарида, ривожланиш дастурининг турли қисмлари бажарилиши билан боғлиқ топшириқлар ҳам белгиланади. Бу вариант одатий, бироқ жиддий камчиликлари бор. Кўпчилик ТМларда мавжуд бўлган ташкилий тузилмалар ўз турига кўра чизиқли-функционал ҳисобланади. Аввал таъкидланганидек, бу турдаги тузилмалар барқарор шароитларда, горизонтал алоқалар вақт оқими билан мослаб борилса ва уларни мувофиқлаштириш билан боғлиқ катта муаммолар пайдо бўлмаса, етарли даражада яхши ишлаши мумкин. Бироқ, барқарор бўлмаган шароитларда, шунингдек, турли функционал бўлинмалар фаолиятининг мувофиқлигини таъминлаш учун янги горизонтал алоқаларни ўрнатиш керак бўлган ностандарт вазифаларни ҳал этишда чизиқли-функционал тузилмалар ёмон ишлайди. Мувофиқлаштириш функциясини бажаришда барча оғирлик юқори поғонадаги бошқарув ходимлари зиммасига тушади ва улар бўлинмаларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш масаласини ҳал этиш билан ўралашиб қолади.

Иккингчидан дастурни амалга оширишни бошқариш учун маҳсус мақсадли тузилма яратилади. У чизиқли-функционал тузилма билан параллел равишда фаолият кўрсатади, бироқ ундан фарқли ўла-рок, вақтингчалик хусусиятга эга. Дастур бўйича ишларга бошқарув ходимини директор ёки унинг ўринбосари бошқарадиган таълим мумассасасини ривожлантириш бўйича Кенгаш амалга ошириши мумкин (мақсадга мувофик). Ҳар бир кичик дастурни тегишли мақсадли бошқарув ходими (мувофиқлаштирувчи) бошқаради. У кичик дастур бўйича, агар улар бошқа кичик дастурлар ўртасидаги алоқаларга дахл қўймаса ёки кичик дастурнинг чиқиши кўрсаткичларига тузатиш киришини талаб этмаса, мустақил қарорлар қабул қиласди.

Ишнинг ижрочи масъулларини дастур бошқарувининг қуий поғона бошқарув ходимлари тақсил этади. Улар кичик дастурнинг факат ўзлари масъул бўлган қисми мазмуни бўйича қарорлар қабул қиласдилар.

ТМ ривожланиши бўйича кенгаш, мақсадли бошқарув ходими ва ижрочи масъуллар дастур бошқарувининг мақсадли тузилмасини ҳосил қиласди.

Дастурга раҳбарлик қилиш жараёнида ҳал этиладиган асосий вазифалар — ижроилар олдига мақсад қўйиш ва уларни асослашдан иборат.

Дастурнинг муваффақиятли амалга оширилиши учун унинг барча иштирокчилари қандай натижаларни, қайси муддатда олишлари лозимлигини аниқ билиши ва талаб қилинаётган натижани олиш учун улар бор кучини сафарбар этишга руҳан тайёр бўлиши керак.

Кўпинчча, бошқарув ходимлари кўл остидагиларга топшириқ берәтиб, гўёки, агар одам ТМда ишласа, демак у унинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши керакдай, расмиятчилик юзасидан қиласди. Бу, албатта, кўп марта айтилганидек, хато. Ўз қўли остидагиларга топшириқ берар экан, бошқарув ходими уларнинг:

- ўзларидан қандай натижалар куттилаётганлигини яхши тушунишига;
- бу натижаларга эришиш мумкинлигига ишонишларига;
- дастурда иштирок этаётганидан ўзлари учун ижобий натижаларни кўраётганикликларига ва уларни бўлиши мумкин бўлган салбий оқибатлардан (кўшимича асабийлашишлар, омадсизлик хавфи ва бошқалардан) кўра кўпроқ аҳамиятли дея баҳолашларига ишонч ҳосил қилиши керак.

Агар ижрочи топшириқни ўз муддатида бажара олишига иккиланса, бошқарув ходими буйруқ чиқаришга шошилмаслиги, балки унинг иккиланишини тушуниши ва ундан халос этиши керак. Бунда у ижроига ўз фикрини ўтказишга ҳаракат қиласлиги, аввало, иккиланишини келтириб чиқарган сабаблар нималар эканлигини билиши зарур. Ижрочи билан унга таклиф этилаётган топшириқни муҳо-

кама қилар экан, бошқарув ходими уни амалга ошириш учун кимдан нимани кутаётгандигини аниқлаши лозим, чунки бу алоқаларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш керак бўлди.

Дастурни муваффақиятли амалга ошириш учун *ижрочиларни* фаолиятга ундаш катта аҳамиятга эга. Ривожлантиришда иштирок этишга чорлаш дастур ишлаб чиқилаётган босқичдаёқ бошланади. Агар дастур фақат ТМ директори ва унинг ўринбосарлари томонидан ишлаб чиқиша, педагоглар бу ишга жалб этилмаса, бу билан фаолиятга ундашта қарши жиший «қадам» кўйилади. Кишининг иштирокисиз шакіллантиришган мақсадлар — унинг мақсадлари эмас. Шу боис, кейинчалик жамоанинг фаолияти сустлигига ажабланмаслик керак. Бу сусткашникни бошқарув ходимлари ўз хатти-ҳаракатлари билан юзага келтиришади.

ТМ бошқарув ходимлари кўн ҳолларда инновацион фаолиятдаги иштирок учун моддий рағбатлантиришда кам имкониятга эга бўлишади ва «моддий бўлмаган» ундовчиларни ишга солища мавжуд имкониятлардан кам фойдаланишади. Муваффақиятларни, тан олингандикни хис этиш каби кучти ундовчилардан хозирча кам фойдаланишмоқда.

Педагогларни инновацион фаолиятда иштирок этишга ундашга салбий таъсир этадиган асосий омилилардан бири — уларнинг муваффақиятга ишончсизлиги, омадсизликдан чўчиш ҳиссидир. Бунда улар олдига кўйилаётган топшириқ жиддий, бироқ қўлдан келадиган бўлиши (уларнинг буни тушуниб этиши) мухим.

Ривожланишга йўналтирилган ТМ раҳбарияти инновацион фаолиятга ундовчи қулай муҳитни яратиш масаласини алоҳида, пухта ишлаб чиқиши лозим.

Ҳар қандай бошқарув, шу жумладан, ТМни ривожлантириш дастурини амалга оширишни бошқарув ҳам муваффақиятли *назорат сифатига* кўп жиҳатдан боғлиқ. Дастур қанчалик яхши ишланган бўлса ҳам, уни бажариш вақтида янглишиш (хатолик) ҳолатлари, яъни ишнинг белгиланганидек кетишида оғишлар юзага келади. Хатоликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга барҳам бериш бўйича ечимларни ишлаб чиқиш зарур. Дастур бунинг учун керакли шарт-шаронит яратади. Бироқ дастурнинг ўзидан ташқари, назорат механизми ҳам керак. Бу механизм автоматлаштирилган ҳам, автоматлаштирилмаган ҳам бўлиши мумкин.

*Автоматлаштирилган назоратда* дастур ЭҲМ хотирасида сақланади. ЭҲМ навбатдаги назорат даврида бошланиси, давом этирилиши ёки тугалланиши керак бўлган ишларни вақти-вақти билан (масалан, ойда бир марта) танлаб олади ва мувофиқлаштирувчи орган иш ижроси учун масъулларига кичик дастурлар бўйича иш аҳволи тўғрисида маҳсус сўров бланкасини жўнатади. Маъсул ижрочилар сўров бланкасида дастурга мос равишда бажарилаётган ишларни белгилашади, ўзгаришлар содир бўлган ишлар бўйича эса уларнинг сабабларини кўрсатишади. Тўлдирилган бланкалардаги маълумотлар

компьютерга киритилади. ЭҲМ олинган маълумотларга асосан кичик дастурлар ва яхлит дастур бўйича ишнинг аҳволи тўғрисидаги маълумномани чиқаради ва у тегишли бошқарув ходимларига ҳамда ТМни ривожлантириш бўйича кенгашта юборилади. Дастурни ўзгартириш тўғрисида қабул қилинган барча қарорлар компьютерга киритилади ва масъул ижрочиларга етказилиди. Ҳар йилнинг сўнггида мақсадли бошқарув ходимлари (дастурни мувофиқлаштирувчилар) дастур бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида ҳисобот тайёрлашди ва у Кенгаш томонидан муҳокама этилади.

Автоматлаштирилган назоратни олиб бориш учун тегишли техник ва цастурий таъминот талаб этилади. Бундай таъминот бўлмаса, назорат ресурс сарфи камроқ, бироқ ташкилий жиҳатдан мураккаброқ бўлган автоматлаштирилмаган вариантда олиб борилиши мумкин.

*Автоматлаштирилмаган назоратда* дастур бўйича ишларнинг бориши масъул ижрочилар ва мақсадли бошқарув ходимлари томонидан олиб бориладиган ишчи гурӯҳлар даврий мажлислари йўли билан назорат қилинади. Бундай йиғилишлар даврийлиги ТМ директори томонидан белгиланади. Мажлисларда иштирокчилар бажарилиши учун ўзлари масъул бўлган ишлар аҳволи бўйича маъруза қилишади. Йиғилиш бошқарув ходимлари эътиборни қарататиши зарур бўлган асосий жиҳатлар қисқалик, маърузаларнинг ахборотлилиги ва келажакка қаратилганлигидир. Келажакка қаратилганлик ҳисобот берадиганлар ўз маълумотларининг кўп қисмини кейинти даврда нима қилиниши кераклиги ва бирон-бир узилишлар кутилаётганлиги ёки кутилмаётганлигини башорат қилишга бағиашлашлари лозимлигини тақозо этади. Бу билан эҳтимол тутилган хатоликларни прогноз қилиш ва уларга барҳам бериш бўйича қарорлар қабул қилиш имконини берадиган тезкор назорат таъминланади.

Йиғилиш иштирокчиларининг маърузаси қўйидагиларни ўз ичи-га олган бўлиши керак:

- ўтган вақт мобайнида қандай ишлар тугалланганлиги ва уларнинг қайсилиари ҳақиқатан ҳам уddaланганлиги ҳақида ахборот;
- ўз вақтида тугалланмаган ишларнинг бажарилиши кутилаётган муддатлари;
- ишни тезлаштириш бўйича таклифлар (қандай қарорлар ва кимдан талаб этилади);
- олиб борилаётган ишларнинг тугаш муддатини прогноз қилиш (уларнинг бажарилиши дастурда белгиланган муддатларда тугалла-ниши кутилаяптими ёки қандайдир ишлар бўйича кескин вазият юзага келдими).

Кичик дастур бошқарув ходимлари ва ишнинг масъул ижрочилари даврий назорат билан бирга, заруратга қараб, кундалик назоратни ҳам амалга ошириши мумкин.

### ІІІ.3.3. РИВОЖЛАНИШНИ БОШҚАРИШ

ТМ ички имкониятлари ва улардан фойдаланишни бошқариш сифатига боғлиқ ҳолда ўзининг таълим-тарбия бериш вазифасини озми-кўпми юқори даражада ундалаши лозим. Ҳатто, ТМ буни кўпчиликдан яхшироқ бажараётган бўлса-да, унинг бошқарув ходимлари бу билан қониқмаслиги керак. Бугун яхши бўлган нарса, эргага қониқарлига, индинга эса ёмонга айланиши мумкин.

Вақтдан орқада қолмаслик учун, ундан илгарилааб кетиш, кувиб ўтиш ҳақида гапирмаса ҳам бўлади, ТМ сифат жиҳатидан ўзгариши керак. Бу унга қандайдир янгиликлар киритилиши, яъни, инновациялар амалга оширилиши кераклигини англатади. Инновация жараёнини бошқариш бошқарув ходимларидан таълим-тарбия жараёнини бошқаришга нисбатан ўзгача билим ва маҳоратни талаб этади.

Бу бўлим ТМ ичидаги ўзгаришларни бошқариш орқали ТМнинг таълим салоҳиятини ўстириш ва бу салоҳиятдан фойдаланиш самародорлигини оширишга багишланган.

Ҳар бир ТМ ўзини ўраб турган муҳит билан чамбарчас боғлиқ, шу боис ташқи шароитлардаги ўзгаришлар унинг ҳаётига таъсир этмасдан қолмайди. Бир хил ўзгаришлар ҳозиржавоблик билан муносабат билдирилишини талаб этса, бошқаруви ТМ олдига уларга эришиш мақсац ва методларида чуқур ўзгаришлар қилиш заруратини қўяди. Майтум маънода, ТМнинг ўз атрофи билан муносабати биологик организмларнинг ўз муҳити билан муносабатларига ўхшашидир. Атрофдаги ўзгараётган шароитда омон қолиш учун организмлар эволюцияни бошдан кечириши, бу ўзгаришларга мослашиши лозим.

ТМ жамиятнинг ижтимоий буюртмасини бажаради. Бу буюртма ўзгаришсиз қолмайди. Таълим сифатига талаблар турли вақтда, турли жадалликда бўлса-да, ўзгариб туради. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётида 90-йилларда содир бўлган ўзгаришлар ТМ мақсадларини қайта англашни талаб этди, чунки унинг битирувчиларига аввалгидан кўра бошқачароқ курилган дунёда яшашга тўғри келди. Ҳуқуқий ва иқтисодий, экологик ва мағкуравий онг аҳамияти кескин ортди. Ўзбекистонда истиқомат қилаётган халқларнинг миллий ўзлигини англашнининг ўсиши ТМ дикқатини унинг битирувчиларининг миллий маданиятни ўзлаштиришига ва унга яхлит муносабатни шакллантиришга қаратиш зарурлигини щарт қилиб қўйди.

Муҳитнинг ТМ истиқболига сезиларли таъсир этадиган яна бир омили — янгиликларни ишлаб чиқиши ва тарқатиш. Бугун яхши обрўга эга бўлган, бироқ шунчаки фаолият кўрсатиб ишлаётган таълим муассасаси эргага қолоқлар сафига тушиб қолиши мумкин. Кўшни ТМнинг ривожланиши бундай ТМнинг нуфузини тушириб қўйиши, оқибатда, ундаги яхши ўқувчилар ва малакали педагоглар кетиб қолиш

ҳолатига олиб келиши мумкин. Ўзгаришлар қилишга йўналтирилган таълим муассасалари эса, пайдо бўлаётган янгиликлар эвазига ривожланиш учун имкониятлар ва рағбатларга эга бўлади.

ТМ фаолиятидаги аҳамиятли ўзгаришлар зарурияти, шунингдек, қонун чиқарувчи ёки ижро этувчи ҳокимиятлар томонидан янги меъёрий-хукуқий ҳужжатлар қабул қилиниши оқибатида ҳам юзага келлиши мумкин. 1997 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисиша»ги қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилиниши ҳам ТМларнинг мустақилигини сезиларли тарзда ошириб, улар учун сифат жиҳатидан бошқача ҳаёт шароитларини яратди. Бироқ барча ТМ ҳам берилган имкониятлардан бирдек фаол фойдаланишга қодир эмаслиги аён бўлиб қолди. Масалан, янги мактаб таянч ўкув режасининг қабул қилиниши таълим жараёни вариативлигини ошириш учун имконият яратди, бироқ ундан ҳам мактабларнинг бир қисми фойдаланиши мумкин. Вақт ўтиши билан таянч режа қайта кўриб чиқилиши муқаррар бўлган ҳолларда мактаблар яна таълим-тарбия жараёнида аҳамиятли ўзгаришлар қилиш заруратига дуч келиши мумкин. Айнан шундай ўзгаришлар Давлат таълим стандартларининг қайта кўрилишини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисиша»ги қонунида таълим муассасасининг даврий равишда аттестациядан ўтказиш кўзда тутилган. Бу вазифани амалга ошириш учун Давлат аттестация хизмати — Давлат тест маркази қошидаги Таълим сифати назорати, таълим муассасалари ва педагог кадрлар аттестацияси бошқармаси тузилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йишлоғи 59-сонли қарорига биноан ушбу хизмат таълим муассасасига таълим сифати бўйича рекламация (даъво) жўнатиши мумкин, ва бу, ТМдан ўз ишини яхшилаш бўйича дастур ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишни талаб этади.

Ташки талаблардан келиб чиқадиган ўзгаришлар, атроф-муҳитда барқарор иш олиб боришга таҳдиднинг ва ривожланиш учун янги имкониятларнинг пайдо бўлиши ТМ олдига бу ўзгаришларга оқилона муносабатда бўлиш вазифасини қўяди.

Юқорида таъкишланганидек, ўтган асрнинг 90-ийшарининг иккинчи ярмиша Ўзбекистонда ТМ фаолиятида сифат ўзгаришларини талаб этадиган шарт-шароит юзага келди. Мавжуд таълим тизими жамиятдаги кўп ижтимоий гуруҳлар ва давлат эҳтиёжларига жавоб бермай қолди.

Республика таълим маркази томонидан 1996 йилда ўтказилган социологик сўровлар маълумотларига кўра, 69,3 % ўқитувчилар «ТМ чуқур бўхронда турибди ва унда тубдан ўзгаришлар қилиш талаб этилди», деб ҳисоблашган. Шундай нуқтаи назарда туришган ота-оналар ҳам 62,7 % ни ташкил қилишган. Унинг акси ўлароқ, «Замонавий мактаб жамиятнинг таълимга бўлган эҳтиёжларини қондиради», деган фикрда бўлган ўқитувчилар (6,6 %) ва ота-оналар (9,4 %) жуда

озчиликни ташкил этишган. Сўровда иштирок этган ўқувчилар, отаоналар ва ўқитувчиларнинг жуда оз фоизигина (5—7 %) замонавий мактаб ўқувчиларга етарли билим бермоқда, деб ҳисоблашган.

Таълим маркази томонидан 1999 йиљда худди шу мазмунда ўтказилган сўров натижаларига кўра, «ТМ чукур бўхронни кечирмоқда ва уни тубдан ўзгартириш талаб этилади» деб ҳисобловчи ўқитувчилар ҳиссаси сезиларли тарзда камайиб, 39 %ни ташкил этган, «ТМ қисман ўзгартиришларга муҳгож» деганлар 22,2 %дан (1996 й.) 57,0% гача (1999 й.) ортган.

Икката сўров натижаларидағи фарқлар турли сабаблар билан изоҳланиши мумкин, бироқ энг муҳими, шубҳасиз, таълим тизимида ижобий сифат ўзгаришлари содир бўлғанлиги ҳисобланади.

Амалиётнинг кўрсатишича, ТМ ўз фаолияти муҳитиша содир бўлган ёки эндиғина содир бўлиши мумкин бўлган ўзгаришларга турлича мослашиди. Баъзилари (аксарияти) муносабат билдириш мумкин бўлмай қолган пайтда муносабат билдиришади. Улар учун бўлажак ўзгаришлар прогнозлаштирилмайди, асосан, фақат мавжуд талаблар ва шароитларга йўналтирилади. Бундай хатти-ҳаракатни реактив (ёки суст-кўникувчан) деб атасади. Бошқа ТМ ўзгаришларга рафбатни оширишга интилади ва уларга тезкор муносабат билдириди. Уларният хатти-ҳаракати моҳиятига кўра фаол, дейилади. Ҳақиқий инновацион ТМ ҳамиша ўз вақтидан илгари юради. Хатти-ҳаракатнинг фаол турини амалга ошириш учун ТМ таълим эҳтиёжларидаги ўзгаришларни ўрганиши ва прогнозлаштириши керак, унинг бошқарув ходимлари таълим ривожланишининг умумий тамойиларини тушунишлари, педагогик янгиликлар ва бошқалар пайдо бўлишини кузатиб юришлари лозим.

Бироқ ТМнинг муҳит ўзгаришларига қай тарзда фаол мослашувда ҳам сезиларли фарқлар кузатилади. Улар, биринчидан, ТМ фақат ўз ичиша бўлаётган ўзгаришларни мўлжалга олганлигига (бу ҳолда унинг хатти-ҳаракатини фаол кўникувчан дея аташ мумкин) ёки унинг ўз атроф-муҳитини ўзгартиришга интилишида (бундай хатти-ҳаракатни фаол — мослашувчан дейиш мумкин), иккинчидан, амалга оширилаётган ўзгаришлар лойиҳаларининг интеграциялашув дараҷасида намоён бўлади. Баъзи ТМда янгиликлар бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда содир бўлади. Ҳар бир инновацион лойиҳа ТМнинг қандайдир қисмини ўзгартиришга мўлжалланган ва алоҳида қисмлардаги ижобий ўзгаришлар йиғинидиси, умуман, ТМ иши натижаларидағи ижобий ўзгаришларга олиб келиши назарда тутилади. Алоҳида инновацион лойиҳаларнинг нисбатан мустақил тарзда амалга оширилиши ТМ иши натижаларида ижобий ўзгаришлар ясаши, бироқ таълимнинг турли погоналарида киритилган янгиликларнинг номувофиқлигини ҳам келтириб чиқариши мумкин. Инновацион ўзгаришларнинг бундай стратегияси қисман стратегия, деб аталиши мумкин.

Бироқ шундай ТМлар борки, уларнинг бошқарув ходимлари турли янгиликларни ўйғунлаштиришга ва уларни умумий натижага эришишга ўйналтиришга ҳаракат қилишади. Улар истиқболда таълимга талаблар қандай ўзгаришини прогнозлаштиришади, ТМнинг ўрта муддатли (2–3 йил) ёки, ҳатто, узоқ муддатли истиқдол лойиҳаларини ишлаб чиқишиди, исталаётган келажак сари ҳаракатланиш жараёнида қаерда, қачон ва нимани ўзгартериш лозимлигини белгилашади, киритилган турли янгиликлар ўртасидаги алоқалар мувофиқлигини таъминлашади. Бу ТМлар инновацион ўзгаришларнинг тизимли стратегиясини амалга оширишади.

Бошқарув ходими ТМнинг инновацион ҳатти-ҳаракати стратегиясини асосли танлаш учун унинг ҳам ички, ҳам ташқи муҳитини ҳисобга олиши керак.

Агар ТМ ташқи муҳити таълим натижаларига қўйиладиган талабларнинг ўзгариши билан ҳамоҳанг ўзгараётган бўлса, ТМлар ўртасида рақобат кескинлашиб борса, ТМнинг ўзи эса бу рақобатда етакчилик қўлмаса, яъни анча олдинга ўтиб кетмаган бўлса, у инновацион ҳатти-ҳаракатнинг фаол турини амалга оширишига тўғри келади. Бундай шароитда суст-кўникувчан тур унинг ҳолати ёмонлашувига олиб келади. У факат барқарор шароитда ёки ТМ аввал қилинган ўзгаришлар эвазига ўз тумани, шаҳридаги бошқа ТМнинг кўпчилигига нисбатан етакчи ўринга чиқиб олган бўлса амалга оширилиши мумкин.

Ҳатти-ҳаракатнинг фаол-мослашувчан турини амалга ошириш ташқи муҳитнинг турли таркибий қисмларига уларда ТМ манфаатларига мос ўзгаришларни қиласидиган даражада таъсир этишининг шундай имкониятларига эга бўлишни талаб этади. Бу, масалан, фаол жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ижро этувчи ёки вакилик органлари томонидан зарур қарорлар қабул қилинишида ташаббус кўрсатиш мақсадида олиб бориладиган иш бўлиши мумкин. Шунингдек, оиласалар, бошқа таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш, маданий-маърифий ташкилотлар, салоҳиятли ҳомийлар билан ҳамкорликда олиб бориладиган ишлар ҳам шулар сирасига киради. ТМ ўзининг фаол ҳаёт тарзи эвазига ўзи жойлашган ҳудуд, қишлоқда маданий ривожланиш марказига айлануб кетганлигига мисоллар кўп. Бироқ буни амалга ошириш учун бошқарув ходимларидан кўп куч ва мавжуд имкониятларни шунга яраша баҳолай олиш талаб этилади.

Ички ўзгаришлар стратегиясини танлаш, аввало, ТМ ривожининг эришилган даражаси, педагогик жамоанинг етуклиги ва унинг йирик инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тажрибасига эгалигига боғлиқ.

Агар ТМ етакчи ўринни банд этиб турган бўлса, унда у маълум бир давр оралиғида хусусий яхшиланишлар билан чекланиши мумкин. Хусусий ўзгаришлар стратегияси ТМ жамоаси етуклик даражада

сига етарли эришмаган, ривожланишга суст йўналтирилган ва зарур инновацион тажрибага эга бўлмаган ҳолда мақбулдир. Албагта, бошқарув ходими бундай шароитда ҳам ТМни тизимли ўзгартиришга йўналтирилган стратегияни таңлаши мумкин, бироқ у ҳаддан зиёд кўп юк ўзига тушишини тушуниши керак.

Ривожланишни бошқариш эҳтиёжни ва ривожланиш имкониятларини тушунишни, аниқ ва ҳаққоний мақсадларнинг қўйилишини, уларга эришишнинг самарали усувларини таңлашни, ривожланиш мақсадларига эришишга педагоглар жамоаси манфаатдорлигини, инновацион фаолият жараённининг ишончли назорати ва қарорларнинг ўз вақтида қабул қилинишини таъминлашга қаратилган.

Шу тариқа, ТМ ривожланишини бошқаришни унча амалга оширилаётган бошқарув фаолиятининг бир қисми сифатида белгилаш мумкин, негаки, унда янгиликларни ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш жараёнларини режалаштириш, ташкил этиш, назорат этиш ва уларга бошқарув ходимилик қилиш масалаларини ҳал этиш орқали ТМнинг таълим салоҳиятини ошириш, ундан фойдаланиш даражасини юксалтириш ва бунинг оқибати бўлмиш таълим сифатини кўтариш бўйича жамоа фаолиятининг мақсаддага йўналғанлиги ва уюшқоғлиги таъминланади. Бошқарув функциясининг юқорида келтирилган тушунчасига мос ҳолда, ТМ ривожланишини бошқарувнинг энг умумий функциялари жамоанинг инновацион фаолиятини режалаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш ва унга бошқарув ходимиликдан иборат.

Ривожланишни бошқариш ҳам, бошқа ҳар қандай фаолият каби, турли ёндашувлар асосида олиб борилиши мумкин. Биз уларни режалаштириш, ташкил этиш, бошқарув ходимилик ва назорат қилиш хусусиятини белгилайдиган қаттий қоидалар бўйича фарқлаймиз.

Фарқлашнинг биринчи аломати — ривожланишни бошқариш субъекти бўйича, яъни субъект сифатиша факат ТМ маъмурияти намоён бўладими ёки режалар ишлаб чиқища, иш жараёнини муҳокама қитища, қарорлар тайёрлашда педагоглар жамоаси кенг иштирок этадими, шунга қараб фарқланади. Биринчи ҳолатда биз бошқарувга маъмурий ёндашув ҳақида, иккинчисида эса демократик ёндашув ҳақида тўхталамиз.

Иккинчидан, биз бошқарувни жараёнга ва бошқарувга йўналтирилганлигига, натижга (мақсадли бошқарув)га йўналтирилганлигига кўра фарқлаймиз. Бошқарувнинг биринчи турида субъект қандайдир янгилик ўзлаштирилишини таъминлаган ҳолда, аниқ кутилаётган натижадан тасаввур эта олмайди. У янгиликлар пировард натижани яхшилашини тахмин қиласа-да, бироқ бу айни нималарда намоён бўлишини ва уни қандай баҳолаш мумкинлигини аниқ тасаввур эта олмайди. Унинг учун янгиликни ўзлаштириш жараённининг ўзи мухим. Бошқарувнинг бу турида янгиликлар қанчалик кўп фойдали самара бериши нуқтаи назаридан эмас, балки қандайдир бошқа асос-

лар бүйича танланади. Мақсадлы бошқарувда, аввало, исталадыган натижа аниқтанаңыз, сүнгра унга эришишни таъминлайдыган янгилик изланады ёки ишлаб чиқылады. Ҳар бир янгилик, эң алғаш болғанда, қанчалик фойдалы самара беріши нұқтаған назаридан бағытланады.

Ривожланишни бошқариш ёндешіліктердің үчинчі белгисі — бошқарувнинг интеграцияланғанлығы. Бу асосан янгиликтарни бир-бірінде бөліп тарзда үзлаштырышта йұналтирилген автоном бошқаришга ҳамда янгиликларнинг яхшит мажмуда сифатидаги йығындыситеттің амалға оширишта йұналтирилген тизимли бошқарув фарқланады. Тизимли бошқарув келажақда ТМ лойихасы ва уни амалға ошириш режаси ишлаб чиқытишини тақозо этады, ундағы кирилл тәсілдердің жаңынан қолданылады.

Ривожланишни бошқаришта ёндешіліктердің фарқлашының яна бир мүхим фарқы — алматы — қарор қабул қылышни тараба этадыган үзгаришларға муносабати тури бүйича фарқлашады. Бу алматылар бүйича бошқаришнинг иккінші деңгээлде да реактив тури фарқланады. Бошқарув самаралы бўлиши учун, имкон борича ҳақиқатан ҳам эришиш мумкин бўлган мақсадларни (натижалар) олдиндан белгиламиш, уларга чоғланниши керак, шунингдек, уларга эришишда тўсиқ бўладиган оминаларнинг пайдо бўлишини ўз вақтида олдиндан кўра билдиши ва ҳаракатлар салбий оқибатларга олиб келмасиданоқ уларга муносабат билдириши лозим. Қарор ишлаб чиқиш зарурати қанчалик барваqt аниқтанса, катта йўқотишиларга йўл қўймаслик имкониятлари шунчалик кўп бўлади. Афсуски, кўп ҳолларда қарорлар ишлаб чиқиш бошқарилувчи обьектда қаншайцир узилишлар рўй бериб бўлгач бошланади ва ҳақиқий ҳолат кўнгилдаги ишларга бўлмайди. Рўй бериб бўлганга муносабат билдириш хуусиятига эга бошқарув тури реактив деб аталади. Ундан фарқылар тарзда, илдам бошқарув узилишларга эмас, балки улардан дарак берувчи алматларга муносабат билдиради. Бу, агар, ҳаракат режаси етарли дарражада батафсил ишлаб чиқылган ва фаолият шароитидаги үзгаришлар башоратлаштирилган бўлса, мумкин бўлади.

Юқорида санаб ўтилган алматлардан келиб чиқкан ҳолда, ТМ ривожланишини бошқарувга назарий жиҳатдан мумкин бўлган куйидаги ёндешувлар матрицасини түзса бўлади:

Ривожланишни бошқариш түрлари	Мақсадсиз		Мақсадлы	
	Реактив	Илдам	Реактив	Илдам
Маъмурӣ	1.1	1.2	1.3	1.4
Тизимсиз	—	2.2	—	2.4
Партиципатив	3.1	3.2	3.3	3.4
Тизимлы	—	4.2	—	4.4

Изоҳ: катақталардаги чиңиңалар ёндешувнинг бундай варианти назарий жиҳатдан мумкин эмаслигини анылатади.

Устуналар ва қаторлар кесишган катақтарда келтирилган таснифга мувофиқ ривожланишни бошқаришга мос шифр кўрсатилган. Масалан, 1.1 шифрга тизимли жараёнга йўналтирилган (мақсадли бўлмаган) реактив бошқарув ёндашуви эмас, балки қатъий маъмурий қоидаларга асосланган ёндашув тўғри келади. Бундай ёндашувда, ТМ ривожига таалукли барча қарорлар директор ва унинг ўринбосарлари томонидан қабул қилинади, педагоглар жамоаси бошқарувда иштирок этмайди, унга фагат ижрочилик роли берилган, бошқарув директив хусусиятта эга, ҳар бир янгилик, яна қандай сифат ўзгаришлари амалга оширилишига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзлаштирилади; ТМниңг истиқболша қандай бўлиши лойиҳаси йўқ, мақсадлар мавхум, улар исталеётган натижга олингани ёки йўқлигини текшириш иложиси бўлмаган тарзда («ўкув материали ўзлаштирилишини яхшилаш...», «кўникмаларни ривожлантириш...» тарзida) қўйилади, тажриба-синов ишлари режалари ноаниқ, шунинг учун қандайдир тажрибани амалга оширишда хавф тугилганда, бу кейин, яъни аҳвол анча мушкуллашганда аниқланади.

4.4. шифр билан демократик, тизимли, мақсадли, илдам бошқариш тамойилларига таянган ривожланишни бошқаришга ёндашувлар белгиланган. Бу ёндашувда мақсадларни ва уларга эришиш режаларини ишлаб чиқишидан олдин ТМ ҳолати тизимли таҳлил қилинади, унга педагоглар жамоасининг барча аъзолари жалб этилади. ТМ муаммолари фақатгина унинг бутунги кунда қандай талабларни тўлиқ амалга оширмаётганилигидангина эмас, балки узоқ ва ўртача муддатли истиқболда таълимга қўйилиши мумкин бўлган талаблардан келиб чиқилган ҳолда белгиланади. Ривожланишнинг умумий ва хусусий мақсадлари келажак ТМ лойиҳаси, яъни, яхлит тизим кўринишида белгиланади. Бу лойиҳанинг ишлаб чиқишини ва баҳоланишида ТМ бошқарув ходимияти педагоглар жамоасининг имкон қадар кўпроқ аъзоларини кўшишга ҳаракат қиласи, муаммолар бўйича вақтингчалик гуруҳлар тузади ва жамоада унинг кент муджкамасини ташкил этади. Келажак ТМ лойиҳасини амалга оширишнинг батофсил режаси ишлаб чиқилади ва пировард натижага эришишга солинажак таҳдидларни ўз вақтида аниқлаш имконини берадиган «назорат нуқтлари» (оралиқ мақсадлар) мажмуюи шакллантирилади. Бошқарув ходимилик методи ТМ ривожланиши бўйича ишда иштирок этишга мажбурашга эмас, балки юқори асосларни амалга ошириш учун шароит яратиш йўли билан фаолликни уйғотишга йўналтирилган.

ТМ ривожланишини бошқариш ёндашишдаги фарқлар бошқариш функцияларини амалга ошириш усусларида ҳам, амалга оширилаётган функциялар таркибида ҳам намоён бўлади. Масалан, маъмурий ёндашувда ташкилий тузилмада муаммо билан шугулланадиган гуруҳларни ёки муаммоларни аниқлаш ва ечиш жараёнида ўқитувчилар иштирокининг бошқа кўринишларини шакллантириш масаласи ҳал этилмай-

ди. Тизимсиз ёндашувда келажак ТМ яхлит лойиҳасини ишлаб чиқиш, ТМ ривожлантириш дастури доирасида киритилган хусусий янгилик-ларнинг яхлит интеграциялашви масалалари ҳал этилмайди. Реактив бошқарувда келажакни прогнозлаш, ривожланиш стратегияси ва дастурини ишлаб чиқиш масаласи кун тартибига кўйилмайди. Мақсадсиз ёндашувда ҳам келажак ТМни прогнозлаш, лойиҳасини ва ривожла-нишнинг яхлит дастурини ишлаб чиқиш масаласи ечишмайди.

Бошқарувнинг ҳал этилаётган вазифалари таркиби ва уларни ҳал қилиш усуллари бир-бiri билан қандай боғланганлигини тушунган ҳолда у ёки бу ТМда қандай ёндашув амалга оширилаётганлигини аниқлаш мумкин. Бунинг учун куйидагиларни баҳолаш керак:

- педагогик жамоа ТМни ривожлантириш мақсадлари ва режа-ларига тегишли қарорларга қанчалик даражада, қай тарзда таъсир этиши мумкин; оддий ўқитувчилар юқорида ишлаб чиқилган қарор-ларни фақат «қўллаб-қувватловчи» ва ижро этувчи ролини бажара-дими ёки улар бу қарорларни ишлаб чиқиша ҳақиқатан ҳам ишти-рок этиб, унинг мазмунига таъсир кўрсата оладими?

- истиқболда ТМ фаолияти шароитида бўладиган ўзгаришлар ва уларга қўйиладиган талаблар прогнози мавжудми?

- ТМ ривожланишининг аниқ, барчага бирдек тушунарли ва на-зорат қилиш мумкин бўлган умумий мақсадлар ва ундаги киритили-ши режалаштирилган ҳар бир янгилик мақсади мавжудми; хусусий мақсадлар ўзаро, асосланган ишонч билан мувофиқлаштирилганм? уларга эришилган тақдирда умумий мақсацга ҳам эришиладими?

- ҳар бир киритиладиган янгиликни амалга оширишнинг мудда-ти ва жойи бўйича мувофиқлаштирилган, батафсил ишланган режа-си мавжудми, бу режаларда ишнинг исталган жараёнидан оғишни аниқлаш имконини берадиган, назорат қилинадиган оралиқ нати-жалар белгиланганми?

- янгиликларни ўзлаштиришнинг ҳақиқий аҳволи тўғрисида ахбо-рот тўтилаш даврий равишда амалга оширилаяптими?; бу ахборотни бошқарув ходимлари оладими?; назоратнинг даврийлиги эҳтимол ту-тилган узилишларни ўз вақтида аниқлаш учун етарли ҳисобланадими?

Биринчи саволга жавоб бошқарувга демократик ёки маъмурий ёндашув ҳақида гапириш имконини беради.

Иккинчи саволга жавоб эса тизимли ёки тизимсиз ёндашувни фар-қлаш учун керак. Башорат йўқ жойда бошқарув тизимли бўла олмайди.

Учинчи саволга жавоб бошқарув йўналишининг тизимли ёки ти-зимсиз эканлиги ҳақида тугал хulosани чиқаришга ёрдам беради. Бундан ташқари, бошқарувнинг мақсадли, мақсадсиз эканлиги ҳақида маълумот беради.

Реактив ёки тезкор бошқарувга йўналганлик хусусидаги хulosса тўртингчи саволга жавобдан келиб чиқади.

Режалаштирилган оралиқ натижалар (назорат нұқтапары) йўқ жойда илдам бошқарув бўлиши мумкин эмас. Бироқ, агар назорат механизми иш боришини назорат нұқтапары бўйича ҳақиқатан кузатаётган бўлса, улар керак бўлади.

Бешинчги саволга жавобдан мазкур тизимда илдам ёки реактив бошқарув тамоилига амал қилинаёттанилигини билиб олиш мумкин.

Бошқарувга ёндашувнинг ҳеч бирини тутал, энг яхши, деб айтиб бўлмайди. Шароитдан келиб чиққан ҳолса уларнинг кўпчилиги самарали бўлиши мумкин. Масалан, демократик бошқарув ҳар доим ҳам, маъмурий бошқарувдан-да яхшироқ натижаларга олиб келмайди. Бундан ташкари, ТМ ривожланишини режалаштиришга вақт қатъий лимитланган чоғда, маъмурий бошқарув ягона имконият бўлиб қолади. Тизимли ёндашув бошқарув ходимиаридан юқори малака ҳамда жуда кўп меҳнат талаб этади. Агар аҳвол нисбатан барқарор бўлса, реактив бошқарув илдам бошқарув эришган натижаларга ҳам эришиши мумкин.

У ёки бу ёндашувни ҳақиқий шароитни ҳисобга олган ҳолда танлаш керак. Таңлашни белгилаб берадиган асосий омиллар қабул қилинган инновацион хатти-ҳаракат стратегияси, раҳбариятнинг касбий тайёргарлиги ва ТМ жамоасининг етуклигидир.

Бироқ шунни назарда тутиш керакки, бошқарув тизимли-мақсадлига қанчалик яқин бўлса, ўз самарадорлигини таъминлаш учун шунчалик кўп имкониятларга эга бўлади.

Шундай қилиб, ТМ ривожланишини бошқариш самарали бўлиши учун таълим муассасаси қўйидагиларни таъминлаши керак:

- юзага чиқиши мумкин бўлган янгиликлардан хабардор бўлиш;
- долзарб муаммолар тўлиқ ажратилганлиги;
- умумий ва хусусий мақсадларнинг оқилона танланиши;
- мақсадлар интеграциялашганлиги;
- ривожланиш мақсадларига эришиш режалари реалистиклиги;
- ўқитувчиларнинг янгиликларни фаол ўзлаштириш ва ўз фаолиятини такомиллаштиришдан манфаатдорлиги;
- инновацион жараёнларнинг назорат қилинувчанлиги.

Самарадорлик шартларининг тўлиқ мажмунини ривожлантириш режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнига таълим муассасаси педагогик жамоасини кенг жалб этиш орқали тизимли-мақсадли бошқарувни таъминлаш мумкин.

### III.3.4. ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ЯЛПИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ

Таълим сифатини ошириш — бу ўқув ва ўқув-лаборатория жиҳозларини, кутубхона жамғармасини янгилаш, ТМнинг глобал информацион тўр —Интернетга уланиши билан туталланмайди. Буларнинг бари қўшимча молиявий манбаларни, тузилмавий ўзгариш-

ларни институционал тартибга солишини ҳамда давлат ва нодавлат таълим муассасалари ривожланишининг ҳамоҳанглигини, узлуксиз таълим тизимини бошқаришнинг ҳамда кадрлар тайёрлашнинг са-марали механизмларини жорий этиши; таълим сифатини назорат қилиш тузилмасини шакллантиришни талаб этади.

Таълим сифатини бошқаришни технологияларини қўллашнинг умумий модели қандай? Таълимни ташкил этишининг энг яхши тизимини аниқлашда синовдан ўтган, масалан, саноатдаги сифатни бошқариш методларини қандай ишга солиш мумкин? Ўқитувчилар ва талабалар ўртасидаги муомала жараёни учун сифатни бошқаришнинг маълум тамойилларини қандай қўллаш мумкин?

Хозирги вақтда тизимда, масалан, олий таълимда **сифат бошқарувининг ялпи тизими** — Total Quality Management — TQM маълум. Унинг концепциясида қуйидаги жиҳатларни алоҳида ажратиб кўрса-тиш мумкин:

1. TQM — оммавий ҳаракат. Бу олий таълим муассасасининг ҳар бир ходими юксак таълим сифатига эришишда иштирок этишини англатади.

2. Ҳар бир ходим, кафедра, ҳар бир олий ўқув юрти (ОЎЮ) ўзи-нинг ички ва ташқи «буюртмачилари ва етказиб берувчисига» эга, сифатни бошқариш «буюртмачи»ларни рақобатбардош кацрлар би-лан таъминлаш ва рақобатбардош таълим хизматларини кўрсатиш.

ОЎЮ факат бошқарув ходими кучи ва бир қанча юқори унумли меҳнат қобилиятига эга ходимлар эвазига самарали ривожланиши мумкин эмас, шунинг учун унинг ҳар бир аъзоси таълим жараёни-нинг такомиллашувига ва «буюртмачи» талабларини қондиришга жалб этилиши керак. Барча ходимлар, кафедралар, ОЎЮ бўлимлари ва барча олий ўқув юртлари иккита функцияни: ўзининг стандарт таълим жараёни билан мос келадиган иши ва бу жараённи тако-миллаштириш бўйича вазифасини бажариши керак. Анъанавий меҳ-нат тақсимоти бўйича қайсиdir ходимларнинг «конвейерда» кун-далик ишини бажариши, бошқаларнинг эса жараённи тако-миллаштириш билан шуғулланишининг истиқболи кам.

Ҳар бир битирувчи, мутахассис ва ҳар қандай хизмат самарали технологик жараённинг, кадрлар тайёрлаш сифатининг такомиллаш-ганлиги натижасидир. Ҳар бир ходимнинг ижодий имкониятлари-дан ишни жамоавий тарзда ташкил этган ҳолда самарали фойдала-ниш мумкин, бу жамоада ишлаш малакасини талаб этади.

TQMни татбиқ этишининг муваффақиятли стратегиясининг энг муҳим жиҳати бу жараёнга ректорни жалб этиш ҳисобланади. Бу-нинг учун иккита омил мавжуд. Биринчиси — бу янги технологияга қизиқиши уйғотиш (кўпинча у ОЎЮдан ташқарида: семинарлар, бошқа ректорлар билан мулоқотлар, шахсий тажриба орқали амалга

оширилиши ҳам мумкин. Иккинчи, кўпроқ аҳамиятлиси — коммунал хизмат учун тўловларнинг ошиши, таълим хизматлари бозорида рақобатнинг кучайиши, битирувчиларнинг мақсадли тақсимотининг йўқлиги, ходимларнинг манфаатдорлиги камайиши ва бошқа сабаблар боис юзага келадиган хавотирлик ва таназзуллар.

TQMни ОЎЮда татбиқ этишнинг муваффақиятли омили ректордан тортиб, талабагача — «домино» принципи бўйича ташкил этилган таълим. Ўзининг рақобатчилар, буюртмачилар, етказиб берувчиларнинг ва ўкув иили ютуқларидан ва муваффақиятсизликларидан сабоқ чиқариши керак, ОЎЮ ходимлари таълими, турли жараёнлар учун турли оралиқларда, мунтазам ва узлуксиз бўлиши лозим. Одатда, ОЎЮ учун бу — ўкув соати, куни, ҳафтаси, семестр ва ўкув йилидир.

Жараённинг ўз сифати ва унинг натижаларига талаблар ҳар доим ҳам буюртмачи учун аён эмас, шунинг учун «харидорнинг» яширин эҳтиёжларини қондиришга интилиш зарур. Бунда ОЎЮ фаолияти натижалари давлат таълим стандартларига мос келиши шарт.

Таълим жараёнини оператив тақомиллаштириш «танг жойларни» тошлиш ва улардаги камчиликларга барҳам беришга, узоқ муддатлиси эса — янги фояларни кенг тадқиқ этишга, сифат маълумотлари таҳдидига ва бошқарув ходимларининг ички туйгусига йўналган бўлиши керак.

TQM жиддий фан ҳисобланмайди. Шунингдек, TQMни татбиқ этишнинг ягона тўғри усули ҳам мавжуд эмас. У ҳар бир ОЎЮ маданияти ва ривожланиш тарихига, унда фойдаланилаётган замонавий компьютер технологиялари имкониятлари ва ривожланиш истикафларига мос келиши лозим.

АҚШ ва Франция университетларига ялпи сифат бошқаруви муаммолари уч томонлама кўриб чиқилади:

- TQMни алоҳида ўкув фани сифатида олий ўкув юртида ва ундан кейинги қадрлар тайёрлашда, шунингдек, муҳандислик йўналиши бўйича тайёрлашда (кўлгина ОЎЮ бу фанни муҳандислик мутахассислиги бўйича ўқиётган талабалар учун мажбурий сифатда киригтган) мустақил ўкув фани сифатида ўқитиш;

- TQM методи ва принципларидан фойдаланган ҳолда бошқа фанларни ўқитишни ташкил этиш;

- ОЎЮ бошқарувини TQM фоялари асосида ташкил этиш. TQM билан танишув, одатда, сифат тушунчаси эволюциясини *сифат концепциясининг тўрт йўналиши*: стандартга, кўллашга, қийматига, яширин эҳтиёжларга мувофиқлиги бўйича кўриб чиқишидан бошланади.

Таълим соҳасида сифат концепциясининг барча аломатлари очиқча ёки яширинча тарзда мавжуд бўлади.

Республика олий ўкув юргларининг кўп қисми концепциясининг биринчи талабига — асосийси, битирувчиларнинг билимлари давлат таълим стандартларига мос келишига амал қиласи. Бу йўлда иккита

камчилик бор. Булар: *биринчиси* — юқори натижага қатыйи назорат орқали эришса бўлади, деган ёлгон тасаввур, бу ўринда талабаларни ўқитаётганлар ва тайёрлаш сифатини текширувчилар ўртасида манфаатлар тўқнашуви юзага келиши тайин; *иккинчиси* — таълим бозори эҳтиёжларини менсимаслик (стандартлар харидорлар талабларига етишиб юра олмайди).

Ўзбекистон таълим бозори учун шу нарса хоски, кўпгина кадрлар истеъмолчилари мутахассислар сифатига оддий талабларни қўйишади. Улар билан олий таълим сифатининг янги қирраларига эътиборни қаратган ҳолда тушунтириш ишларини олиб бориш зарур. Республика таълим тизими, умуман олганда, «қўйматига мослик»ка таянган ҳолда, замонавий сифат концепцияси сари ишончли қадамлар қўймоқда.

Умуман олганда, ТQM тамоилилари ва методларининг таълим хизматлари соҳасига мослашуви қуйидаги фаолият турларини ажратиш имконини берди.

#### *1. Сифатни режалаштириши:*

- маҳсулот истеъмолчилари ва ОЎЮ хизматларини аниқлаш (абитуриентлар, талабалар, ўқитувчилар, ота-оналар, тадбиркорлар, корхоналар, минтақалар, жамият);
- истеъмолчилар эҳтиёжларини ойдинлаштириш;
- маҳсулот ёки хизматлар тавсифини ишлаб чиқиши;
- режаларни ижрочиларга етказиши.

#### *2. Сифат алоқаларини ўрнатиши:*

- ходимлар куч ва имкониятларини бирлаштириш учун фаолият турларини ҳаракатчанлаштириш;
- таълим жараёнини таъминлаш воситаларини ишлаб чиқиши;
- ўқитувчилар жамоасини шаклантириш;
- таълим оловчилар жамоасини шаклантириш;
- таълим жараёнини стандарт схемага мувофиқ ташкил этиши;
- сифат кўрсаткичларини ишлаб чиқиши.

#### *3. Сифатни назорат қилиши:*

- сифат кўрсаткичлари ўлчовини таъминлаш;
- сифат кўрсаткичларини таҳдил қилишини таъминлаш;
- берилган стандартларга мувофиқ равищда жараёнга тузатиш киритиши;
- стандарт жараённинг тактик ёки стратегик такомиллашуви учун ундовчи сабаб.

#### *4. Сифатни яхшилаш:*

- жараённинг узлуксиз такомиллашуви учун инфратузилманинг яратилиши;
- таълим жараёнидаги нуқсонларнинг асосий сабабларини аниқлаш;
- таълим жараёнини яхшилаш бўйича ҳар бир ташаббусни амалга ошириш учун бригадалар тузиш;

- ишчи гурухлар мотивациясини таъминлаш;
- мақсадларга эришиш устидан назорат ўрнатиш;
- ишчи гурухларнинг узлуксиз таълимини таъминлаш.

Бироқ шунни назарда тутиш керакки, жараённи тактик такомиллаштириш технологияси сифати устидан ҳаддан ташқари статистик назоратнинг кучайиши ижобий фаолият ва «ташқил этилганлик» ўртасидаги мувозанатни бузиши мумкин, шунинг учун таълим жараёнига тубдан ўзгаришлар киритиш чоғидаги ҳолатни ҳис этиш керак.

Жараён устидан статистик назорат сифат бошқаруви тизимининг **ички контури** бўлиши керак. Сифат кўрсаткичларининг стандартга мос келишига ишонч ҳосил қилиш учун уни ўлчаб туриш ва жараённи бошқариш зарур. Олий мактабнинг кўп менежерлари буни тушунмасдан, ОЎЮ ходимларига қаттиқ талабларни кўйишга интилади, натижада таълим сифатида нуқсонлар келиб чиқади. Жараёндаги ўзгаришлар вариативлиги манбаларини тушунмаслик, одатда, уни тактик кичик тизим ёмонлаштиришига олиб келади.

Таълим технологиясини оператив такомиллаштириш кичик тизими бошқарувнинг *ташқи контури* ҳисобланади. Агар жараённи стандарт тузатишлар «яроқсиз маҳсулот» чиқаришга барҳам бермаса, TQM тизимида етти босқичдан иборат реактив такомиллаштириш тартиби қўлланилади:

- 1) такомиллаштириш бўйича иш мавзусини танлаш;
  - 2) ахборотни йигиш ва таҳлил қилиш;
  - 3) учрайдиган нуқсоннинг асосий сабабини аниқлаш;
  - 4) қарорларни режалаштириш ва таълим жараёнига жорий этиш, яъни аниқланган нуқсон қайтадан юзага чиқишининг олдини олиш;
  - 5) киритилган янгиликнинг самарадорлигини баҳолаш, яъни қарорнинг исталган фойдани берганлигига кузатиш орқали ишонч ҳосил қилиш;
  - 6) киритилган янгиликка стандарт кичик жараён мақомини бериш, яъни аввал мавжуд бўлган жараённинг бир қисмини янгисига алмаштириш;
  - 7) навбатдаги муаммони ечишда аввал аниқланган нуқсонларга йўл қўймаслик мақсадида бажарилган ишни таҳлил қилиш.
- Таълим сифати соҳаси мутахассислари унинг учта таркибий қисмини ажратиб кўрсатишади:
- таълим мазмуни сифати (билим сифати, масалаларни ҳал этиш усуслари сифати);
  - таълим ва тарбия методлари сифати (билиш фаолиятининг ташқил этилиши сифати, билиш фаолияти мотивацияси, ўқув фаолияти устидан назорат, таълим фаолияти натижалари устидан назорат);
  - шахснинг маълумотлилик сифати (билим, маҳорат ва кўнкималарни эгаллаш, ахлоқий меъёрларнинг ўзлаштирилиши сифати).

Таълим жараёнини ахборотлаштириш воситалари тузилмасини баҳолаш учун шахснинг маълумотлилиги сифати кўрсаткичларини кўриб чиқамиз. ОЎЮ битирувчилари қўйидагиларни хоҳлашади (бу ҳақда ижтимоий сўровлар, ташкилот ва корхоналар бошқарув ходимлари билан бўлган сұхбатлар, таълим ривожланишининг умумий гоялари таҳтили гувоҳлик беради):

- техник, физика-математика, ижтимоий ва гуманитар фанлар соҳаси бўйича билим олишни;
- олингган билимларни амалда қўллашни уддалашни;
- муомала ва лидерлик кўникмаларига, ишчанлик кўникмаларига эга бўлиш;
- яхши иш топишни ва унга мослашиш маҳоратига эга бўлишни;
- белул ёки арzon нарҳда таълим олишни.

Ушбу эҳтиёжларга мос тарзда ОЎЮларда шахснинг таълим маълумотлилиги сифати кўрсаткичларининг қўйидаги кўп даражали схемаси қабул қилиниши мумкин:

- ўқув фанларини ўзлаштирилишини баҳолаш;
- тизимли билимдонлик даражаси (тизимни тузатиш ва яхшилашни уддалаш, фаолиятни мониторинг қилиш ва тузатиш, ижтимоий, органик ва техник тизимлар ўзаро алоқасини тушуниш);
- манбалар тақсимотида билимдонлик даражаси (вақт, пул, материаллар, макон, кадрлар тақсимотини уддалаш);
- технологик билимдонлик даражаси (жиҳоз ва асбобларни танлай билиш, техник қаров ва диагностикани амалга ошириш, аниқ масалаларни бажариш учун мос технологияни қўллай билиш);
- ахборот билан ишлашда билимдонлик даражаси (билимни асрараш ва қадрлашни, файллардан фойдаланишни, уларни ташкил этиш ва сақлашни, ахборотни изоҳлаш ва узатишни билиш);
- таянч кўникмалар баҳоси (ёзиш, ўқиши, гапириш, тинглашни билиш);
- шахс сифатини баҳолаш (шахсий масъулият, ўзини ўзи бошқариш, муомала қила олиш, қадр-қиммат, ўзини хурмат қилиш ва бошқалар);
- фикрлаш кўникмасини баҳолаш (мустақил ижодий фикрлай олиш, қарор қабул қилиш, олдиндан кўра билиш, ўқиши);
- шахслараро муомала кўникмасини баҳолаш (жамоада ишлай олиш, бошқаларга ўргата билиш, музокаралар олиб бориш, етакчилик қилиш маҳорати).

Сифатнинг ҳар бир таркибий қисми учун иккита миқдорий ўлчов — 0 дан 5 гача бўлган диапазондаги баҳолаш ва синф кўрсаткичи (рейтинг) қўлланилади. Биронта ҳам ўқув фани сифатнинг бутун кўламини қоплай олмаслиги аён. Шунинг учун ушбу ўқув моду-

лини ишлаб чиқувчи, у билан ишлашда талаба томонидан эгаиланиши мумкин бўлган сифатнинг таркибий қисмларини ва сифат кўрсаткичларини ҳисоблаш (аниқлаш) усусларини режалаштириши лозим. ТQMга ўтиш педагог — талаба муносабатларини сифат жиҳатдан ўзгартиришни талаб этади. Масалан, талаба истеъмолчи сифатида педагогдан:

- ўзига ҳурмат билан муносабатда бўлишни;
- ҳақиқаттўйлик ва ҳозиржавобликни;
- унинг ихтиёрига курс режаси ва дастурини, имтиҳон талабларини, рейтинг шкаласини тақдим этишини;
- машғулотларни мунтазам ўтишни ва қолдирганларини тўлдириб боришни;
- қуладарсни жадвали гузишини;
- имтиҳон ишлари ва уй ишларини тез қайтаришини;
- замонавий материал билан таъминлашни;
- ишга қизиқиш билан ёндашишини;
- курсни такомиллаштириш ва унинг мақсад, вазифаларини тушунишишини;
- дарсни ўз вақтида бошлаши ва тутагишини кутади.

Иккинчи томондан, ўқитувчи талабадан:

- ўзига ҳурмат билан муносабатда бўлишни;
- тартибли бажарилган ишни ўз вақтида топширишни;
- машғулотларга мунтазам қатнашишини;
- дарсларга тайёргарлик кўришни;
- машғулот давомидаги баҳсларда фаол қатнашишини;
- ўкув фанига қизиқиш намоён этишини;
- курснинг бошқа ўкув фанлари билан алоқасини англашини;
- курсни қандай яхшилаш тўғрисида маслаҳат беришини;
- ўз ишини такомиллаштиришини кутади.

Санаб ўтилган «ўқитувчи — талаба» иккӣ ёқламалик ўртасидаги ўзаро талаблар мажмуи тўлиқ амалга оширилгандагина уларнинг сифат кўрсаткичларига мос келиши ҳақида гапириш мумкин.

Сифат концепцияси, сифатни ялпи бошқаришнинг тамойил ва механизмларини таълим сифати устидан давлат ва жамоатчилик назорати тизими доирасида татбиқ этилиши кадрлар тайёрлашнинг юқори даражасини, таълим хизматлари бозорида уларни танлашда рақобатли мухитни яратиш имконини беради.

ТМда бошқарув фаолияти педагогик жараённинг бир қисми саналади, шунинг учун бутун жараёнга хос қонуниятлар унга ҳам таалуқли. Улардан энг муҳимларини ажратамиз:

1. Педагоглар жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, моддий, маънавий шароитларидан қанчалик онгли ва муваффақиятли фойдаланса, педагогик фаолият шунчалик самарали бўлади.

2. Тарбия мақсаси, жараёни ва натижаси ўртасидаги мустаҳкам алоқанинг мавжудлиги, одатда, таълим жараёнининг юқори самарадорлигига олиб келади.

3. Педагогик таъсир ва таълим олувчиликнинг фаол ҳаракати ўртасидаги алоқа ёшларнинг умумий ҳамда касбий ривожланишига имконият яратади.

4. Ташкі таъсирларнинг таълим олувчилик ички ҳаёт тарзларига муваффақиятли ўтиши бунинг учун яратилган шарт-шароит даражасига боенлик.

5. Таълим олувчиликнинг фаоллиги ва мустақилигининг ривожланиши даражаси педагогик бошқарув ходимилик методи, педагогик маҳорат шаклланганлиги даражаси билан белгиланади.

6. Педагогик талаблар умумийлиги ва ўқувчилар ривожланиши умумийлиги ўртасиша қонуний алоқа мавжуд.

7. Шахс ривожланишида белгиловчи роль жамоага тегишлидир.

8. Ёш инсон шахси нафакат таъсир кўрсатиш обьекти, балки шахсий ва ижтимоий-тариский ривожланиш субъекти ҳамдир.

9. Моддий ишлаб чиқариш ва мальнавий ҳолат ривожланиши билан янги авлоднинг ижтимоий тажрибани эгаллашиб зарурати ўртасида қонуний алоқа мавжуд.

Таълим муассасасини ички бошқаришнинг у ёки бу тамойилларини амалиётла кўллашда унинг иштирокчиларидан ҳар бир тамойилнинг ўрни ва ролини чукур билиш ва тушуниш талаб этилади. Тамойиллар — бу ТМ директори ва унинг ўринбосарлари амал қриладиган асосий талаблар, қондалар.

Қонуниятлар жамиятда ва табиатда обьектив тарзда мавжуд, аслида одамлар томонидан шакллантирилади. Тамойиллар бошқарув фаолиятида тартибга солиш вазифаларини бажаришга қаратилган.

Таълим муассасасини ички бошқаришда қуйидаги **тамойилларга** риоя қилинmasa, у тўлақонли бўлмайди:

1) илмийлик, яъни педагогика фани ва амалиёти ютуқларига, касбхунар коллежларидағи таълим жараёнига хос бўлган қонуниятларга таяниш;

2) бошқарув масалалари барча манфаатдор органлар, ишлаб чиқариш таълими усталари, ўқитувчилар, таълим олувчилик ва уларнинг отоналари иштирок этишида намоён бўладиган, оқибатда бошқарувда жамоатчилик ва давлат асослари уйгунлашувига олиб келадиган демократлаштириш;

3) таълим тизими ривожланиши тамойилларининг илмий таҳдилига, прогнозлашга, ўрганишга, иш режаларининг пишиқ-пухта ишланишига, ишлаб чиқариш ва жамиятдаги ўзгаришларга асосланган режалилик;

4) инсонпарварлик, яъни, ўқитувчилар ва таълим олувчиликнинг шахсининг ўзини намоён этиши ва ривожланиши учун кулай шароит

яратиш, билиш талабларини бажариш ва шахснинг маънавий эҳтиёжларини қондириш, шахсга ҳурматни таъминлаш;

5) воқеиликни ижодий ўзгартирисища, мустақилликда, ташаббускорликда, ўз салоҳиятини тўлиқ очишга интилишида намоён бўладиган фолијик;

6) оқилюналиқ, яъни таълим муассасасини ички бошқарув сифат кўрсаткичларининг фавқулодда аҳамиятини таъминлаш;

7) жамоа фаолияти натижаларини ўз вақтида, холисона баҳолашда, ходимларга аниқ ёрдам беришдан иборат бўлган амалийлик;

8) мұхандислик-педагогик меҳнат, таълим жараёни қонуниятларини билмасдан туриб уddaлаб бўлмайшига бошқарув фаолияти технологиясини ўзлаштиришга таянувчи билимдонлик ва ишчанлик;

9) тизими ёндашув — ТМга мураккаб динамик тизим сифатида қарашиб, асосий таркибий қисмларни ва уларнинг мухим тавсифини, қонуниятларини аниқлаш; тизим элементлари ўргасида алоқа ва ўзаро муносабатни ўрнатиш, тизимни ташкил этувчи асосий алоқаларни ажратиш, объектни ташки мухит билан ўзаро муносабатда кўриб чиқиш;

10) моҳияти фаолиятининг асосий йўналишларини тўгри танлаш, долзарб масалаларни ажратиш, объект ҳақида унинг аҳамиятли томонларини ва алоқаларини тавсифлайдиган ахборотларни танлаш ва тизимлаштиришдан иборат бўлган асосий ҳалқа. Бу тамойил аввалгиси билан мустаҳкам боғланган;

11) тескари алоқа — бошқарув тизими ОЎЮ бошқарув ходимииятинг у ёки бу ҳаракати эвазига эришилган самарадорлик ва режалаштирилган натижаларнинг бор ёки йўқлиги ҳақида ахборот олиб турган тақдирдагина самарали бошқарув имкони бўлади. Бу тамойил мословчи восита сифатида намоён бўлиб, педагогик жараён иштирокчилари фаолиятига ўз вақтида зарур тузатишлар киритиб бориш имконини беради. Тескари алоқа таълим муассасасининг ички бошқаруви мақсадлари, мазмуни, шакл ва методларини танлашга мухим таъсир кўрсатади.

Бутамойилларнинг барчаси таълим жараёнининг объектив алоқалари ва муносабатларини акс эттиради. Улар бажарилиши педагогик ходимларнинг муваффақиятли фаолиятининг зарур шарти бўлган дастлабки талаблар ҳисобланади.

Ушбу тамойиллар бирлашиб, бир бутун тасаввур ҳосил қиласиди. Бир тамойил иксинчисини шарт қилиб қўяди. Улар йигилган ҳолдагина таълим муассасаси олдига қўйилган масалаларни муваффақиятли ҳал этиш имкони юзага келади.

Таълим сифатини самарали бошқаришнинг ташкилий тузилма билан боғлиқ асосий шарт-шароитлари қўйидагилар ҳисобланади.

1. Бошқарув ходимлари таркиби таълим муассасаси ички бошқарувини амалга оширад экан, аввало, ТМ фаолиятининг тегишли дарражасини аниқлаб олиши зарур:

а) меъёрий (таълим сифатининг меъёрий, стандарт кўрсаткичларига эришиш);

б) ўзгартириувчи (таълим жараёни иштирокчилари томонидан таълим сифати кўрсаткичларининг юқори аҳамияти англаб етилишига эришиш);

2. Таълим сифатини бошқариш узлуксизлик хусусиятига эга бўлиши керак. Доимо ўкувчилар билим сифатига таъсир этувчи омиллар ўрганилади ва таҳлил этилади, ТМда кечадиган жараёнлар самарадорлигини ошириш имкониятлари қидирилади.

3. Таълим сифатини бошқариш бошқарув ходими томонидан огоҳлантирувчи ҳаракатлар кучайганда, яъни таълим сифатига салбий таъсир этувчи сабабларни олдиндан кўра билганда ва улар энг кам даражага келтирилганда ҳам самарали бўлиши мумкин. Бундай ёндашув таълим муассасаси ва таълим сифатини ички бошқаришида ўзига хос мұхим жиҳат ҳисобланади.

4. Бошқарув ходимлари, педагоглар ва ўкувчилар фаолияти натижаларини кўп мезонли баҳолашга ёндашиши лозим. Зарурий қарорларни қабул қилишда, касб-хунар таълими аҳволини ўлчаш ва баҳолашда бошқарув масалаларини турли варианtlардан, метод ва шакллардан фойдаланган ҳолда ҳал этиш. Баҳолаш мезонлари жуда хилма-хил бўлиши мумкин. Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаймизки, бошқарув ходимларининг квалиметрик билимдонлиги таълим сифати ҳақидаги ахборотнинг объективитигини таъминлайдиган асосий шартлардан биридир.

5. Малъумки, мазкур обьект бошқа бир обьектта таъсир кўрсатаётганда унинг сифати намоён бўлиш усули кейинги обьектнинг сифат ҳолатига жиддий равишда боғлиқдир. Шунинг учун, бошқарув ходимлари таълим сифатини оширишни режалаштираётганда, барча ҳатти-ҳаракатларини педагоглар ва таълим олувчилар билан келишиб олишлари керак. Сифатни бошқаришда ўзгаришларни бирбирига мослаштириш ўкувчиларнинг касбий таълими самарафорлигининг мұхим шарти ҳисобланади.

ТМ бошқарув ходимлари амал қилиши лозим бўлган яна бир қатор бошқа шартларни ҳам санаб ўтиш мумкин. Шуни таъкидлаш мұхимки, таълим муассасасини ички бошқариш тузилмаси обьектив тарзда мавжуд, яъни директорнинг уни қайта қуриш ёки ўзгартириш истагига боғлиқ эмас. У жараёнларни интеграцияловчи ва педагогик воқелик ҳодисаларининг кучли омили сифатида хизмат қиласади.

### **III.4. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ**

Илмий бошқаришда режалаштириш мұхим функция ҳисобланади. Кўпгина тадқиқотларда режалаштириш билан ташкилот мұваффақияти, пировард натижада, режалаштириш ва таълим сифати ўтрасидаги кучли ижобий алоқаларга урғу берилади.

Режалар ТМ педагоглар жамоаси фаолиятини бошқаришнинг асосий воситаси сифатида хизмат қилади. ТМ ўкув йили сўнгигида ва оралиқ босқичларда қандай натижаларга эришишни хоҳлади, бунинг учун ким, нимани, қачон қилиши керак бўлади? Бу каби саволларга режалаштириш жараёнида ҳам жавоб топилади. ТМ ўргасидаги аниқ педагогик мақсадлар ва уларга эришиш усулларидағи фарқлар, аввало, ўкув режаларида ойдинлашади.

Мазкур бўлимда таълим мақсадларини танлаш, ўкув режаларини шакллантириш, ТМ йиллик ўкув режасини, ўкув машгулотлари жадвалларини ишлаб чиқиши, ўқувчиларга ўқицда тушадиган юкни аниқлаш ва меъёрлаш, таълим муассасаси фаолиятини баҳолаш масалалари кўриб чиқилади.

### **Таълим мақсадларини режалаштириш**

**Мақсад** — субъект у ёки бу фаолиятни бажариш асносида субъект эришишга интилаётган натижажа образи. Бироқ шундай образларнинг ҳаммаси ҳам мақсад бўлавермайди. Юқорида таъкидланганишек, мақсад исталаётган натижанинг образигина эмас (бу ўринда у, ажойиб орзулар, амалга ошмайдиган лойиҳалар ва бошқаларга ўхшаб кетади), балки у, биринчидан, эришилиш вақти қайд этилган; иккинчидан, ташкилотнинг эҳтиёжлари ва имкониятларига мос бўлган; учинчидан, субъектни шу мақсадга эришишга ҳаракат қилишга ундаидиган (субъект мақсадларни расман эълон қилиб, бутунлай бошқа натижажа олишга интилиши мумкин, бу ҳолда эълон қилинган мақсад соҳта бўлади); тўртингидан, операционал аниқланган (назорат қилинадиган) натижажа образидир.

Ўзбекистоннинг замонавий таълим муассасалари учун мақсадларни аниқ қўйишнинг долзарблити шунинг учун ҳам ортиб бормоқда-ки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурита мувофиқ кент автомом хукуқларга эга бўлган ТМ қадрият ва мақсад жиҳатидан ўз мавқеини белгилаб олиш, психология-педагогика фанларининг замонавий ютуқларини акс эттирган ҳолда, шахснинг ҳақиқий ва истиқболли ижтимоий эҳтиёжларига ва имкониятларига, педагоглар жамоасининг салоҳиятига энг кўп даражада мос келадиган интилишлар ва мақсадларни танлаш муаммосига дуч келди.

Режалаштиришда, жумладан, мақсадларни режалаштиришда принципиал («натижада нима олиниши керак?») ва техник («мақсадларни қандай таърифлаш керак?») масалалар ўргасида оқилона мувозанатни топиш жуда муҳим. Инсоншунослик ва, шу жумладан, психология-педагогика ўкув фанларида «одам образи»нинг турфа хиллиги таълим мақсадлари (исталаётган натижалар) ичida қайси бири асосийлиги ҳақидағи тасаввурларнинг ҳам ранг-баранглитига олиб келади.

Кўйлаб ТМлар тажрибасининг таҳдили шуни кўрсатадики, таълимнинг асосий мақсад ва вазифалари куйидаги йўналишлар — таълим-тарбия жараёнининг умумий функциялари доирасида шакллантирилади:

- чиқиши куйидагилардир: билимлар тизими, махсус предмет билан боғлиқ маҳорат ва кўникмалар, ўқув-билиш фаолиятини, шу жумладан, мустақил билим олишни амалга ошириш маҳорати тизимидан ибораг бўлган когнитив, билиш функцияси; таълимнинг фақат билим, маҳорат ва кўникма (БКМ) деб номланадиган бундай натижаларга ҳаддан ташқари йўналтанилигини оқулона, дея тан олиш маъқул эмас ва у сўнгги йилларда инсонпарварлик нуқтаи назаридан кескин танқидга учрамоқда;
- чиқиши қуйидагилардир: шахс дунёқарашлари асосларининг, унинг қараашлари, эътиқодлари, қадрият йўналишларининг, Мен концепцияси ва умуман ўзлигини англашнинг шаклланиши; мотивация соҳаси, шахснинг йўналтанилиги, унинг хоҳишилари, интишишлари, эҳтиёjlари, манфаатларининг юзага келиши; шахс ва фаолият тажрибаларининг, хулқ-автор, мулоқот, муносабатлар, кечинмалар, танлашни, хатти-ҳаракатларни амалга ошириш тажрибаси ва бошқаларнинг бойишидан иборат бўлган қадриятли, тарбиявий фаолият;

■ идрок этища чиқиши шахснинг интеллектуал соҳасида (унинг диққатида, идрок этишида, фикрлашида, тасаввурда, нутқида), ҳиссий ва иродавий соҳасида пайдо бўлган ҳақиқий янгиликлар бўлиши лозим бўлган руҳий ривожлантариш вазифаси;

■ ижодиётни, ўқувчиларнинг креативлигини ривожлантариш функцияси;

■ болаларнинг ноқулай саломатлик ва руҳий ривожланиши профилактикаси ва имкон қадар тўғрилиб боришга, уларнинг соғлом турмуш тарзига тайёрлигини таъминлашга қаратилган соғломлаштириш функцияси.

Таълим мақсадларини кўйишида турли педагогик тизимлар ва технологиялар ўз чегараларига эгалигини ва фақат маълум натижаларга эришишни таъминлаши мумкинлигини англаш муҳим. Масалан, мазкур тизим муаллифи Я. Каменский табакалаштирилган таълимга қаттий ҳарши бўлган ва ҳаммани ҳамма нарсага ўқитиш керак (таъкидлаймизки, умумий таълим мавжуд бўлмаган шароитда бу жуда илгор ва демократик бўлган), деб ҳисоблагани ҳолда, синф-дарс тизими доирасида таълимни индивидуаллаштириш муаммосини тубдан ҳал этишга уриниш жуда мушкул.

Таълим жараёнининг мақсадлари билан унинг умумий йўналтанилиги, хусусиятилари, турлари ўртасидаги мутаносибликни тушуниш жуда муҳим. Агар ҳақиқатан ҳам амалга оширилаётган таълим тури, унга мос келадиган мазмун, таълим технологияси ва унинг ташкил

этилиши, ўқитувчилар ва ўқувчилар позицияси, аввало, билем ва маҳоратнинг маълум мажмuinинг таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилишига йўналтирилса (буни биз ҳозирги вақтда кўпгина таълим муассасаларида кузатаяпмиз), у ҳолда тарбия ва руҳий ри-вожлантиришдек жуда олижаноб ва эзгу ниятлар фақатгина куруқ гап бўлиб қолади. Масалан, агар болани ўқишга ўргатиш мақсади кўйилсаю, унинг ўз таълим фаолияти субъектига айланishiiga ҳақиқий шароит яратилмаса, унда мақсадга эришилмайди.

Шунинг учун, ТМда таълим жараёнини яхлит режалаштиришда, илгари сурилаётган мақсадларнинг, исталеётган натижаларга тегишли ўқитувчи кадрлар тайёрлаш ёрдамида эришишнинг муҳим мақсади йўналишларини ҳам, ҳақиқий йўлларини, методларини, восита ва шаклларини ҳам «тавсия этадиган» ўқув режаси ҳамда таълим ва тарбия дастурлари ёрдамида амалга ошириш мумкинлигини асослаш ва исботлаш зарур.

Ҳар бир ўқувчи (талаба) учун, унинг фаол иштирокида белгила-ниши лозим бўлган аниқ мақсадларни қўйишга анча узоқ ва эгри-бугри йўл билан борилади. Уни тўғрироқ, каммашаққатли, асосий-си — хоҳланаётган натижаларга элтувчи қилиш ТМни бошқарувчи субъектларнинг ишидир.

ТМ таълим кичик тизими фаолияти мақсадини белгилаш муайян ташки ва ижтимоий шарт-шароитларни таълаб этади. Гап биринчидан, ТМ яқин атрофидаги ижтимоий буюргани, иккинчидан, таълим на-тижаларига умуммажбурий минимал таълабларни қўядиган давлат таъ-лим стандартларини ўрганиш ва ҳисобга олиш ҳақида кетмоқда.

Ушбу ташки таълабларни таълим ҳамжамиятининг тасаввур эти-лаётган, юзага чиқишига тайёр имкониятлари билан мутаносиблаш-тириш таълим муассасаси миссияси ҳақидағи қарор қабул қилини-шига асос бўлади.

Педагогик жамоанинг, моҳиятан ички таълим стандарти ҳисоб-ланган, таълаб этилаётган таълим натижалари сифати даражаси ҳақида-ги тасаввурларини битирувчи модели (образи) сифатида қайд этиш тавсия этилади. Бу модел таълим жараёни мақсадларига ТМ миссия-сидан кўра яқин, шу билан биргаликда аниқ мақсад ҳам ҳисоблан-майди, чунки аниқ мақсадга шахс эҳтиёжлари ва имкониятларининг алоҳида ҳусусиятларини ҳисобга олиб, эришиш мумкин.

Икки босқичда ишлаб чиқиладиган битирувчи моделини таклиф қилиш мумкин:

- минимал дастур, унда мазкур ТМ ўқувчилари билимлилиги да-ражасига қўйилган умуммажбурий таълаблар акс этади;
- максимал дастур, у меъерий ҳусусиятга эга бўлмайди, бироқ, муайян ёшдаги ўқувчиларнинг максимал даражадаги таълим олиш имкониятлари ҳақидағи билимларни ҳисобга олган ҳолда ўқитувчи-

лар ва ўқувчиларни максимал даражада мумкин бўлган натижаларга эришишга чоғлади.

Битирувчи моделининг мавжудлиги таълим-тарбиянинг босқичлар ва ўкув йили бўйича натижаларига қўйилган талабларни маълум бир шаклга келтириш имконини беради, бу эса ТМнинг пухта асосланган умумий интилишлари ва унда ўкув курсларига қўйилган талаблар билан бир қаторда, аниқ таълим мақсадларини қўйиш учун шарт-шароит яратади.

Таълим мақсадларини қўйишда (ва баҳолашда) куйидаги талабларни ҳисобга олиш тавсия этилади:

1. Мақсадлар қўйишнинг бош асослари, бир томондан, мавжуд эҳтиёж ва муаммоларнинг таҳлили бўлса, иккинчи томондан, ilk имкониятлар, маблағлар, ресурслар таҳлилидир.

2. Мақсадлар долзарб, яъни кўпроқ аҳамиятга эга муаммоларга жавоб бера оладиган бўлиши керак.

3. Мақсадлар тифиз, бирор ҳаққоний бўлиши лозим. Яъни, таълим олувчилар ривожланадиган ҳудудида яқин жойлашгани маъкул.

4. Мақсадлар шунчалик даражада аниқ тавсифланиши керакки (хоҳданаётган натижа даражасини ва унинг эришиладиган муддатини белгилашни ҳам қўшган ҳолда), уларга эришмоқ мумкинлигига ишонч ҳосил қилишга имкон бўлсин.

5. Мақсадлар ундовчи, рағбатлантирувчи, чорловчи хусусиятларга эга бўлиши керак.

6. Мақсадлар ТМ таянч қадриятлари ва унинг миссиясига мувофиқ келиши лозим.

7. Биргаликдаги фаолият мақсадлари унинг барча иштирокчиларига маълум бўлмоги ва улар томонидан тушунишган, англанган тарзда қабул қилинган бўлмоги лозим. Бу жамоавий ишлаб чиқиш ва мақсадларни келишиб олиш бўйича маҳсус ишларни олиб боришни талаб этади.

8. Аниқ хусусий мақсадлар йирикроқ ва узоқ муддатли мўлжаллар ҳамда интилишларга бўйсуниши керак.

Бу талаблар умумий хусусиятга эга бўлиб, таълим жараёни мақсадларининг аниқ мазмунига даҳл қўймайди. Баҳоланки, ушбу мазмуннинг таърифи таълим мақсадларининг ҳаққонийлигини таъминлашда муҳим вазифа ҳисобланади.

Таълим муассасаларида ўқитувчиларга ва китоб мутолаасига кучли ҳурмат мавжуд. «Домла» тамойили шундан иборатки, ўқувчи дарс вақтида ўқитувчининг донолиги ва билими олдида таъзим бажо айлаб, суст иштирокчига айланади. Катталарга ҳурмат ва уларнинг гапини икки қиласлик удуми оилаларда ҳам кенг тарқалган. Айниқса, ёши улуғ оқсоқолларга алоҳида ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилади. Одамлар ўз зиммаларига масъулиятни олиш ва бошқарув ходимилик қилишдан кўра, айтилганларни бажаришади.

Бироқ, бутунги кунда ҳолат тубдан ўзгармоқда. Мустақил ва эркин фикрлайдиган, ижтимоий-сиёсий ҳаётда онгли равишида иштирок этишга қодир, мамлакати, оиласи тақдирига масъул шахсни шакллантириш — Каэрлар тайёрлаш миллий дастурининг бош устувор мақсади.

Миллий дастур унинг устуворлигини таъминлашга, бозор иқтисодиёти шароитида ишлай оладиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга, давлат таълим стандартлари талабларига муқаррар равишида мувофиқ бўлган ҳар хил тур ва мулкчилик шаклидаги таълим муассасаларини кўплаб-кувватлашта, ўқувчилар ва ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоялашни амалга оширишга, таълим муассасаларининг моддий-техник ва ўқув-методик базасини такомиллаштиришга йўналтирилган.

Таълим тизимини бошқариш ҳам санаб ўтилган тамойилларни ҳисобга олган ҳолда демократлаштириш, марказлашувдан чиқариш ҳамда инсонпарварлаштириш тамойиллари асосида ислоҳ қилинмоқда. Жумладан, молиявий-хўжалик фаолиятида ва таълим жараёнини ташкил этишда таълим муассасаларининг ҳуқуқларини кенгайтириш, мустақиллигини таъминлаш, вазифани кузатув кенгашларини таркиб топтириш орқали таълим муассасаларида жамоатчилик бошқарувининг самарали тизимини жорий этиш мўлжалланган.

Кўйилган масалаларга мувофиқ, менежерларда иккита асосий мақсад мавжуд. Биринчи мақсад — **мақсадга йўналғанлик**. У таълим муассасаси ишини, унинг асосий вазифасига содик ҳолган ҳолда олиб боришни англатади. Иккинчи мақсад — **ривожланиш**. Бизнинг таққослашларимизни давом эттирган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, бу ҳолда менежернинг вазифасига методикани янгилаш ва такомиллаштириш киради. Бу икки мақсад ўртасидаги фарқ оддий кундалик меҳнатни бажариш билан бошқарувни ислоҳ қилиш учун жавобгарлик ўртасидагидек. Каэрлар тайёрлаш миллий дастури айнан иккинчи мақсадни ривожлантиришга йўналтирилган, албатта.

**Ўқув режалари** таълим жараёнини режалаштириш ва талаб этилаётган таълим сифати даражасига эришишнинг асоси ҳисобланади.

Куйида, мисол тарикасида, Каэрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдағи 203-сонли қарорига мувофиқ умумий ўрта таълим учун ишлаб чиқилган ва тажриба-синов давомида синалган таълим жараёни мазмунини режалаштиришга оид хужжатлар келтирилади ҳамда таҳлил этилади.

**Таянч ўқув режаси** — бу хукумат томонидан тасдиқланадиган ва Давлат таълим стандартлари таркиби қисми бўлган давлат меъёрий хужжати ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси — Республикада ягона таълим ҳудудини сақлаш.

**Таянч ўқув режасининг умумий тузилиши.** Таянч режа тузилмасида республика, ҳудудий ва мактаб компонентлари алоҳида ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, давлат таълим стандартларининг республика компонентини ўрнатиш республика Ҳукуматининг, худудий компонентни ўрнатиш эса вилоятлар ваколатига киради.

Республика компоненти таълимнинг умуммаданий ва умумдавлат аҳамиятига эга ўқув курсларини ўз ичига олади.

Таянч ўқув режаси, давлат стандартининг бир қисми сифатида, куйидаги меъёрларни белгилайди:

- таълимнинг (ўқув йилларида) умумий ва ҳар бир босқич бўйича давомийлиги;
- умумий ўрта (бошлангич ва умумий ўрта) таълимнинг ҳар бир босқичидаги таянч таълим соҳалари;
- ўқувчилар танлови бўйича мажбурий машгулотлар;
- факультатив машгулотлар учун ҳафталик ўқув юкламаси;
- ўқувчининг, танлов бўйича мажбурий машгулотлар учун ажратилган ўқув соатлари қўшилган ҳолдаги максимал мажбурий ҳафталик ўқув юкламасига;
- давлат томонидан молиялаштириладиган ўқув соатларининг якуний микдори (ўқувчиларнинг мажбурий максимал ўқув юки ва факультатив машгулотлар. Индивидуал ва синфдан ташқари ишлар, ўқув гурухларининг кичик гурухларга бўлиниши).

Таянч ўқув режасида республика, минтақавий ва мактаб компонентларининг ажратилиши унинг тузилмасида инвариант ва вариатив қисмларнинг мавжуд бўлишини шарт қилиб қўяди.

Инвариант ва вариатив қисмлар тўлиқ мустақил ҳисобланмайди. Улар бир-бири билан кесишади. Натижада ҳар қандай ТМ ўқув режасида машгулотларнинг уч асосий тури ажралиб туради:

- умумий ўрта таълимнинг таянч ядроини ташкил этадиган мажбурий машгулотлар;
- ўқувчилар танлови бўйича мажбурий машгулотлар;
- факультатив машгулотлар.

Умумий ўрта таълимнинг босқичларга бўлиниш тартибига мувофиқ, таянч ўқув режаси ҳар бир босқич узвийлик тамойилига асосланган бошлангич ва умумий ўрта таълим учун таянч ўқув режасидан ташкил топади.

**Худудий ўқув режалар.** Бу режалар, мамлакат минтақаларидағи таълимни бошқариш органлари томонидан, давлат таянч ўқув режаси асосида ишлаб чиқилади ва тавсия хусусиятига эга.

Худудий компонент аҳоли турли гурухларининг таълим соҳасидаги эҳтиёjlари ҳамда манфаатларини қондиришни таъминлайди ва ўзида таълим мазмунининг ўзига хос миллий ва худудий маданийлиги (она тили ва адабиёт, тарих, минтақа географияси ва бошқалар) акс этган қисмини ўз ичига олади. Шу тарзда бир қатор таъ-

лим соҳалари ҳам республика, ҳам худудий компонентлар сифатида тақдим этилган (тарих ва ижтимоий ўкув фанлари, санъат, тупроқ, биология, жисмоний тарбия, меҳнат таълими).

**Мактаб ўкув режалари.** Ўкув режаларининг турлари. Таънч ўкув режаси меъёрларига риоя қилган ҳолда мактабларда:

— узоқ муддатга ишлаб чиқиладиган ва аниқ бир таълим муассасаси ўзига хосликларини акс эттирадиган мактаб умумий ўкув режаси;

— жорий шароит ҳисобга олиниб тузиладиган ва ҳар йили мактаб Кенгаши томонидан тасдиқланадиган, ишчи ўкув режалари тузилади.

Бугун амалда бўлган ўкув режалари тўртта тур бўйича таснифланиши мумкин: предметли, ядроси ажратилган ҳолдаги, таълим соҳалари, субъектли-даражали.

**Предметли ўкув режаси.** Режанинг бу тури кенг тарқалган. У мунтазам билимларни узатишга ва «предметда марказлашган» ўкувга, юзага келган таълим тизимини сақлашга мўлжалланган.

Ҳар бир муайян мактабнинг ўкув режасини тузиш — машаққатли ижодий иш.

Мактаб жамоаси томонидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган, маҳаллий таълимни бошқариш органлари билан келишилган ўкув режаси таълим муассасасининг асосий хужжатларидан бири ҳисобланади. Мактаб ўкув режасининг бош вазифаси — ўкувчиларнинг давлат стандартларига мувофиқ таълимнинг мажбурий минимумини олишини кафолатлаш ва уларнинг ўз салоҳиятини тўлиқ намёён этиш ҳамда қобилиятларини ривожлантириш учун имконият яратиш.

Ўкув режасини лойиҳлаштириш учун тегишли хукуқий меъёрларни, таълим хизматига берилган ижтимоий буюртма ўзаришларини, ўкувчилар ва педагоглар жамоасининг ўзига хосликлари ва манфаатларини, уларнинг ўзаро ҳамда ижтимоий буюртма хусусияти билан муносабатини таъминлашни, аниқ ТМ асосий вазифаларини (миссияси), жамоанинг ўтган йиллардаги ва жорий йилда ўкув режаси бўйича олиб борган ишлари натижаларини ва улар билан боғлиқ муаммоларни билиш муҳим саналади.

Муайян мактабнинг ишлаб чиқилган ўкув режаси, шунингдек, таънч ўкув режасининг уч қисмли асосий тузилишини сақлаб қолиши, яъни учала компонентни: республика, худудий ва мактабни ҳам киритиши керак. У юқорида санаб ўтилган барча таънч нормативларни, ўкув машгулотларининг асосий турларини акс эттириши лозим.

Муайян мактабнинг мустақил ўкув режаси барча тузилмавий компонентлар ва қисмлар, айниқса, режанинг вариатив қисмини (мактаб компонентини) мазмунан тўлдириш (аниқ изоҳлаш) орқали яратилади. У нафақат ҳар бир босқич, балки ҳар бир параллеллар бўйича, табақалаштирилган ёндашувда эса — бир неча потоклар ҳамда

синфлар турлари ва ҳатто алоҳида синфлар учун тузилган аниқ ўкув режаларининг уйғунылигидаги ўз аксими топади.

Барча тузилмавий компонентларни, қисмларни түлдириш таянч режанинг вазифасини, хусусиятини асосий характеристикасини, унинг вариантиларини түгри түшгүнишга, мактабларнинг амалдаги ўкув режалари турларининг ўзига хосликларини билишга ва тушунишга, таълим мазмуни уч компонентнинг барчаси ва икки асосий қисм (инвариант ва вариатив) бўйича ниманинг ҳисобига ўзгариши ва таркиб топиши, мажбурий таълим соҳасига ажратилган ўкув вақти ҳажмини қанчалик даражада, ниманинг ҳисобига ўзгартириш мумкинлигини англашга боғлиқ.

Ўкув режаси турли вариантиларни:

- асосий компонентлар (республика, минтақавий ва мактаб)ни түлдиришни;

- ушбу компонентларни уйғулаштиришни;

- ўкув фанлари ва ёки таълим соҳалари номенклатурасини;

- муайян ўкув фанлари (чукурлашув) ва цикллар (ихтисослил) бўйича юкламаларни;

- ўкувчиларнинг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятларига боғлиқ ҳолда уларга тушадиган умумий юқ даражаларини таъминлаш учун етарли даражада ранг-баранг ва мослашувчан бўлиши керак.

Мактаб ўкув режасини яратишда ўкувчиларнинг тайёргарлиги даражасини ҳисобга олган ҳолда, уни танлаш (қуриш) имкониятларини кўзда тутиш керак (иқтидорли болалар синфи ўкув режасидан тортиб, тўлдирувчи, тузатувчи-ривожлантирувчи таълим синфлар-никигача).

Аниқ ўкув режасини танлаш қатор ташқи ва ички омиллар билан белгиланади.

Ташқи омилларга: методик хизматлар ва бошқарув органларидан малакали консультатив ёрдам олиш, инновацион ўкув режаларини амалга ошириш имкониятлари ота-оналар тутган мавқе, уларнинг болалар таълимига муносабатини, маҳаллий ва худудий бошқарув органларининг мавқеи, таълим муассасасининг ҳаққоний автономлиги даражаси киради.

Аниқ ўкув режасини танлашдаги ички омиллар ўкувчилар таркиби, педагоглар жамоаси етуклиги, ўқитувчиларнинг малака даражаси, қабул қилинган миссия ва мактабнинг танлаган ихтисослиги, таълим мақсадлари мажмуи, амалга оширилаётган таълим жараёни натижалари, таълим жараёнини бошқариш усули, таълим жараёнини таъминлаш ресурслари борасида мактабнинг имкониятлари мавжудлигидан иборат.

Мактабнинг ишлаб чиқилган ўкув режаси қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- тўлиқлик (таълим мазмунининг мажбурий таянч компоненти-ни сақлаб қолиш, ҳудудий таълимни, ижтимоий-маданий ва бошқа эътиёжларни ҳисобга олиш);
- яхлитлик (компонентларнинг зарурлиги ва етарлилиги, улар-нинг ички ўзаро алоқаси);
- мувозанатланганлик (республика, минтақавий ва мактаб ком-понентлари ўртасидаги, фанлар цикллари ва алоҳида фанлар ўрта-сидаги, мажбурий предметлар ва танлаб ўрганиладиган фанлар ўрта-сидаги оқилона мувофиқликлар);
- босқичлар ва синфлар ўртасидаги узвийлик (ўкув йиллариаро);
- режанинг мослашувчанлиги, захира мавжудлиги, ўқувчиларнинг ортиқча зўриқиши йўқлиги;
- ресурслар билан таъминланганлик.

Мактаб ўкув режасининг таълим сифатини таъминлашдаги аҳами-яти шунчалик каттаки, унинг ишлаб чиқилиши асло хўжакўрсинга, яширинча бўлиши мумкин эмас, бу жараёнга бутун педагогик жа-моа жалб этилиши керак.

Бизнинг фикримизча, ўкув режасининг нотўғри тузилишига асо-сий сабаб педагог кадрларнинг ёки зарур малакали кадрларнинг уму-ман етишмаслиги дастурий-методик таъминотнинг ноҷорлиги син-гари (объективларидан ташқари) кўйидагилар ҳисобланади:

- ижтимоий буюртмани, ўқувчилар имкониятлари ва қизиқи-ларини билмаслик;
- кадрларни оқилона жой-жойига қўйишини, ўқитувчига юклана-диган ишни ўқувчиларнинг таълими сифатини таъминлаш нуқтаи на-заридан мақбул тарзда тақсимлашни уddyalай олмаслик; ўкув режаси-нинг стихияли, асоссиз, бошқача айтганда, билимсизларча тузилиши.

Мактаб ўкув режасини тузища камчиликлар ва хатолардан холи бўлиш учун, ўкув режаси лойиҳасини қўйидаги саволларга жавоб берадиган тарзда ички экспертизадан ўтказиш мақсадга мувофиқ:

- ўкув режасида таянч компонент қанчалик даражада сақланган;
- ўкув режасида таълимнинг ҳар бир босқичида мажбурий ҳисоб-ланган зарурий мазмун ҳажми сақланганлиги;
- ўкувчиларга юкланиши мумкин бўлган иш Таянч режадаги асо-сий ўкув фанлари талабларига мувофиқ келганлиги;
- мажбурий предметлар номенклатураси сақлаб қолинганлиги;
- мажбурий предметлар соатларининг таянч миқдори сақланган-лиги;
- ўкув режасида ҳудудий компонентдан қанчалик оқилона фой-даланилмоқда;
- мактаб компоненти соатларидан қанчалик оқилона тарзда фой-даланилмоқда ва унинг мазмуни мактабнинг типи, тури, мақсац ва вазифаларига мос келадими?

- мактаб компонентицаги соатлардан тўлиқ миқдорда фойдаланиммоқдами?
- умумий (якуний) ўкув юкламасига риоя этилаяптими (агар унди бўлмаса, нега? сунистъемолликлар мавжудми? улар нима ҳисобига юзага келмоқда)?
- ўкув режаси мазмуни таълим муассасасининг асосий мақсадларига умуман мувофиқ келадими, унинг хусусиятларини тўлиқ акс эттирадими?
- ўкув режасининг тузилиши ва мазмуни ёшларнинг яхлит дунё-қарашлари ривожланиши ва уларни бугунги кун воқелигини қабул қилиш ва эгаллашга тайёрлашга қаратилганми (экологик, хукукий, иқтисодий, психологик йўналишдаги курсларнинг киритилиши);
- ўкув режаси зарур кадрлар билан, методик, моддий-техник ва бошқача таъминланганми?

ТМда таълим жараёнини муваффақиятли ташкил этиш учун унинг яна бир босқичи — дарс жадвалини тузиш муҳим аҳамиятта эга.

Ўкув машғулотлари жадвали ишлаб чиқилган ТМ ўкув режаси асосида тузилади ҳамда ўкув куни ва ҳафтаси вақтини таркиблаштириш ҳамда ўкувчилар ва педагоглар вақтини тақсимлаш воситаси ҳисобланади.

Дарс жадвали ТМнинг асосий интилишларига, унинг юқори таълим сифатига йўналганинг асосида ташкил этилган. Ички ҳаёт тартиб-интизомининг бузилиши-нинг олдини олиш ва уни бартараф этишга, болалар ва катталар юкламасининг ҳаддан ташқари ошиб кетишига, уларнинг толиқишига, қасалланишига йўл қўймаслик, бундай ҳолатнинг олдини олиш каби чоратадбирларга мувофиқ келиши, уларнинг кўтаринки кайфиятини сақлаб туришга мўлжалланган бўлиши керак. Унда ўкувчиларнинг психофизиологик хусусиятлари, санитария-гигиена меъёrlари, шифокорлар ва руҳшуносларнинг аник бир (масалан, тузатувчи) муассасага, синфга мўлжалланган тавсиялари, маълум бир ТМда таълим жараёнининг мазмуни ва қурилишининг ўзига хосликлари, муассаса иш тартибига қўйиладиган дидактик талаблар, шунингдек, ўқитувчиларнинг манфаатлари, имкониятлари ва уларга юкланациган иш ҳажми ҳисобга олиниши керак.

Шунинг баробарида дарс жадвали мослашувчан, маълум бир синф, ўқитувчи, фан хонаси билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган турли вазиятларга тезликда муносабат билдирадиган, бутун жадвални ўзгартирасдан унга хусусий тузатишларни киритиш имконини берадиган бўлиши лозим.

Дарс жадвали «қўлда» ёки мутахассислар томонидан турли ТМ ва таълим бошқаруви органлари учун таклиф этилган ЭҲМ дастурлари ёрдамида ишлаб чиқилади.

Жадвални одатий (кўлда) тарзда тузиш бир неча босқичлардан иборат бўлади.

Даставвал, барча керакли ахборотлар йигилади, шакллар, жадваллар тайёрланади, рўйхатлар тузилади.

Сўнгра, ўқитувчиларнинг синфларда ҳамда синф хоналарининг кунлиқ ва ҳафталик бандшлиги, ўқув фанларининг синфлар бўйича тақсимоти ва бошқалар таҳлил қилинади ҳамда хатти-ҳаракат кетма-кетлиги: қандай ўқув фанидан (масалан, ўтилишига кам соат ажратилган ёки синфларнинг кичик гуруҳларга бўлинниб ўқитилиши талаб этилашдиган), қандай ўқитувчиларнинг дарс жадвалидан, масалан, аввало, гуруҳлар билан ишлайдиган: чет тиллар, информатика ва бошқа кўп соатта эга бўлмаган ўқитувчилар ёки ўриндошлардан бошлаш кераклиги аниқланади.

Ниҳоят, ҳар бир синф ва ҳафтанинг ҳар бир куни учун дарслар кетма-кетлиги ҳамда улар ўтиладиган жой кўрсатилган ҳолда ўқув машғулотлари жадвали тузилади.

Дарс жадвали тузиб бўлингач, у барча манфаатдор кишилар иштирокида муҳокама қилинади, тасдиқланади ва ўқувчилар, ўқитувчилар учун қулай жойга осиб қўйилади. Бу пировард натижада, таълим жараёнини тартибга солиш воситаси бўлиб қолади.

### **III.5. ТАЪЛИМ МУАССАСАСИННИНГ ФАОЛИЯТ ЖАРАЁНЛАРИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

Таълим муассасасидаги аҳволни билиш назорат қилиш орқали таъминланади. Ишнинг ҳақиқий аҳволи исталаётганига мос келмаётган тақдирда назорат бошқарув қарорларини чиқариш заруратини аниқлаш имконини беради. Назорат вазифаларига, шунингдек, ходимлар ишини баҳолаш учун ахборотлар базасини шакллантириш ва изяричиларни самарадор ишга ундаш ҳам киради. Ниҳоят, назорат педагогик ва бошқарув фаолиятининг энг қимматли тажрибалирини аниқлаш имконини беради.

*Назорат субъектлари* меъёрий хужжатлар асосида, шунингдек, ТМ тузилмасини яратиш чоғида аниқланади. Назорат вазифасини ким бажаришига боғлиқ ҳолда, ТМда маъмурий назорат, ўзаро назорат, педагогларнинг жамоавий назорати ҳамда ўзини ўзи назорат каби турлар алоҳида ажратиб кўрсатилади.

ТМ бошқарув ходимиияти томонидан олиб бориладиган назорат маъмурий назорат дейилади.

Қоидага кўра, ТМ директори (ректор) маъмурий-бошқарув ходимлари ишини, «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури вазифаларининг бажарилишини, санитария-гигиена шароити аҳволини, меҳнат ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини, муассаса моддий-техник базаси ва биноси сақланишини, қатъий ҳисобот талаб қилинадиган хужжатларнинг (ўқитувчиларнинг меҳнат дафтарчаси, журналлар ва ўқувчиларнинг

шахсий ҳужжатлари, молиявий ҳужжатлар ва бошқалар) юритилишини назорат қилишни кўпинча ўз зиммасида қолдиради.

ТМ директори ўринбосарлари ихтиёрида фаолиятнинг маълум жараёнлари ва уларнинг бевосита ижрочилари, шунингдек, бу жараёнларни бошқариш органлари бўлади. Улар қуидагиларни: ўқув дастурлари бажарилишини, ўқув машғулотлари тартиби ҳамда ўқувчилар давоматини, синф раҳбарлари (кураторлар) ишини, шунингдек, ҳужжатлар юритилишини (журналлар, педагоглар иш режасини ва бошқалар), методик бирлашмалар, муаммолар билан шугулланувчи гуруҳ, кутубхона ишларини ва ҳоказоларни, тарбиявий жараён аҳволини, хизмат кўрсатувчи ходимлар иши сифатини, ТМ моддий-техник базаси ҳолати ва сақланишини назорат қилади.

Директор ва унинг ўринбосарлари ўртасидаги назорат функцияларининг аниқ тақсимоти турли таълим муассасаларица жиддий фарқ қилиши мумкин.

Маъмурий назорат ходимлар ишига кучли таъсир кўрсатади, аниқ режа асосида, мунтазам олиб борилади. Бироқ, у, одатда, бир бошқарув ходимининг кўл остида турли фанлардан дарс берадиган ва хилма-хил таълим-тарбиявий фаолият олиб борадиган педагоглар бўлгани боис, ҳар соҳани етарли даражада қамраб ололмаслиги мумкин.

Педагоглар жамоаси томонидан амалга ошириладиган назорат — **жамоавий назорат** — маъмурий бошқарув сингари кескин шаклларга эга эмас, балки мавқеи бўйича тенгларнинг назорати, шунинг учун улар касбий мунозаралар, иш юзасидан исходий ҳисоботлар тарзида амалга оширилади. Педагоглар иши, коллегиал бошқарув органлари иши жараёнича педагогларнинг ўзлари томонидан баҳоланиши мумкин. Ҳамкаслар дарс ўтишнинг янги методлари киритилиши самарадорлигини баҳолаши, ўқитувчининг индивидуал ривожланиш режасининг ижросини ва унинг жамоавий тарзда қабул қилинган қарорларни бажаришдаги иштирокини текшириши мумкин. Унинг мақсади — маслаҳат, тавсия, тажрибали мутахassisлар ҳамда педагог билан умумий ишни бажараётган ҳамкасларнинг эксперт хуносалари шаклида зарурый ёрдам кўрсатиш. Жамоавий назорат педагог ишини кенг миқёсда эксперт баҳолашда, масалан, кадрлар аттестациясида, кўпроқ фойда беради.

Педагоглар ва ТМ раҳбарияти бир-биралига нисбатан ҳам назорат функциясини бажариши мумкин. Бу ҳолда ўзаро назорат ҳақида гап боради. Ўзаро назорат, айниқса, тажрибаларни оммалаштириш ва малака оширишда жуда самарали бўлади. Ҳамкасларнинг ҳар бири ўз тажрибасини ўргатгани ҳолда, унинг бошқалар томонидан қандай ўзлаштирилаётганлигини ўрганади ҳам. Ўзаро назорат тенг малакали мутахassisлар ҳамда баравар мавқега эга бошқарув ходимлари, масалан, методбирлашмалар бошлиqlари ўртасида ҳам бўлиши мумкин.

Педагог фаолиятининг ҳамкасблар томонидан назорат қилиниши ходимларга катта таъсир кўрсатиш кучига эга. Унинг натижалари педагогнинг жамоадаги мавқеига бевосита таъсир этади. Шу боис жамоавий ва ўзаро назоратни ташкил этишда назорат қилинувчи ва назорат қўлувчиларнинг индивидуал хусусиятлари, педагогларнинг бир-бирларига шахсий-ижобий ҳамда салбий муносабатлари ҳисобга олиниши керак. Акс ҳолда зиддиятгиклар кучайиб кетиши мумкин.

*Ўзини ўзи назорат* қилиш педагогнинг ишонч қозониш учун ишлашини англатади. Ишонч, педагогик фаолиятининг юқори натижалари учун рағбат сифатида, энг яхши ходимларга билдирилади. Педагог мазкур ТМда маълум давр ишлагач, ўзини ўзи назорат қилишга ўтказилиши мумкин.

Ўқитувчи томонидан мустақил тарзда ўзи эришган ютуқларни фаолиятнинг талаб этилган стандартлари ва меъёrlарига солиширган ҳолда ўзини ўзи назорат қиласди. Шунинг учун ишонч қозонган педагог ўз шахсий натижаларини баҳолаш учун аниқ ташқи талабларни билиши лозим. Ўз фаолиятини холис баҳолашга қодир ва юқори даражада мотивацияяга эга етук мутахассисларгина ўзини ўзи назорат қилиши керак.

Педагогларни ўзини ўзи назорат қилишга ўтказиш самарадорлиги маълум маънода ТМ педагоглар жамоаси етуклигига ҳам боғлиқ. Бутун жамоасининг ривожланганлик даражаси паст бўлган ТМларда айрим педагогларнинг ўзини ўзи назорат қилиш тартибида ишланиши зиддиятлар манбасига айланиши, ҳамкасблар ўргасида ажralишини келтириб чиқариши мумкин.

ТМ ишининг турли обьектлари ва иштирокчилари устидан назоратни амалга оширишда турли шакл ва методлардан фойдаланилади. Назоратнинг иккита асосий гурухини ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчисига ТМнинг таълим ва ҳаёт фаолиятининг бошқа жараёнларини текширишда фойдаланиладиган дастлабки, жорий ва якуний назорат, иккинчисига эса — ўқув-тарбия жараёни ҳолатини назорат қилишнинг маҳсус шакллари киради.

Ўқув-тарбия жараёнини назорат қилишнинг икки тури: мавзули (тематик) ва ялпи (фронтал) назорат алоҳида ажralиб туради. Уларнинг ҳар бири ўз шаклида амалга оширилади. Мавзули назорат мавзули-умумлаштирувчи, предметли-умумлаштирувчи ва хусусий шаклларга эга.

Ўқув-тарбия жараёнини назорат қилишнинг санаб ўтилган барча турлари дастлабки, жорий ва якуний назорат сифатида амалга оширилиши мумкин.

Назорат самаравали бўлиши учун қўйидаги умумий тамойилларга жавоб бериши керак:

1. Назоратнинг стратегик йўналғанлиги тамойили. Самарадор назорат ТМ умумий мақсадларини акс эттириши ва қўллаб-куватлаши керак.

2. Ишга мувофиқлик тамойили. Назорат фаолиятнинг назорат қилинаётган турига мос келиши, нимаики мұхим саналса, уларни холис үлчаши ва баҳолаши зарур.

3. Норматив тамойили. Объектив, аниқ ва құллаш учун қулай мөйерларнинг мавжудлиги самарадор назоратнинг зарурий шартларидир. Режалаштирилган вазифаларнинг бажарилиш даражасини белгилашнинг оддий ва аниқ усулини топиш зарур. Назорат инсон томонидан амалга оширилар экан, у шахсий омиллар таъсирига, сўзсиз, дуч келади. Ишнинг ҳақиқий ҳолати назорат қилувчи шахсига боғлиқ ҳолда турлича қабул қилиниши мумкин, шунинг учун, иш сифатини назорат қилишнинг аниқ ва объектив мезонларини ишлаб чиқиш зарур, токи улар назорат қилувчилар учун ҳам ишончли бўлсин.

4. Муаммоли ўринлар бўйича назорат тамойили. Самарадор назорат режанинг бажарилиши даражасини баҳолаш учун танг бўлган омилларга алоҳида эътибор қаратишни талаб этади. Одатда, бошқарув ходими барча нарсани майда-чўйдасигача назорат қилиши шарт эмас, режалар бажарилаётганлигига ишонч ҳосил қилиши зарур, холос. Бинобарин, диққат фаолиятнинг режалардан оғиши мавжудлигини аниқлаш мумкин бўлган асосий нуқталарига жамланади.

5. Мұхим оғишлар тамойили. Муайян кескинилкка эга ёки истисно қилинганлар сирасига кирувчи оғишларга диққат қаратилса, назорат самарадорлиги ошиши мумкин. Майдаларига эса аҳамият бермаслик ҳам мумкин. Бошқарув ходимлари фақат яхши ёки ёмон томонга бўлган мұхим оғишлар билан шуғулланиши керак.

6. Фаолият тамойили. Режадан оғишларга кейинчалик тузатиш киритилса, назорат ўзини ўзи оқлади.

7. Ўз вақтида назорат тамойили. Ўз вақтида назорат қилинүвчи ҳодисага айнан мос келувчи үлчаш ва баҳолашни маълум бир даврийликда ўтказищдан иборат. Энг мақбул вақт оралигининг аҳамияти асосий режа мазмуни, назорат қилиш бўйича тадбир бўлиб ўтадиган вақт, олинган натижаларни текшириш ва тарқатиш харажатларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

8. Назоратнинг оддийлиги тамойили. Оддий назорат ўзи мўлжалланган мақсадлар нуқтаи назаридан кўпроқ самарали назорат тури ҳисобланади. Энг оддий методлар кам куч талаб этади ва тежамлироқ бўлади. У назорат тизими ва уни амалга оширувчилар билан ўзаро таъсирида бўлган кишилар эҳтиёjlари ҳамда имкониятларига мувофиқ келиши керак.

9. Назоратнинг тежамкорлиги тамойили. Мақсадга эришиш учун серхаражат ва кам фойда берадиган ҳар қандай назорат ишни хато йўлга бошлайди.

Кўпгина жараёнлар, аввало, таълим натижаларини аниқлаш ва баҳолаш жуда мушкул. Бу ҳақда тўртинчи бобда батафсил гап боради.

Ходим текширувчи томонидан қўйилган талабларнинг ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қўлса, ўз ишига берилган баҳо унинг учун аҳамиятли ва жозибали бўлади. Ҳаддан зиёд юқори стандартлар забт этиб бўлмайдиган чўққи сифатида қабул қилинади, пастлари эса муваффақият ҳиссини уйғотмайди.

Текширувчи томонидан бериладиган баҳо қуйидаги ҳолатларда адолатли деб қабул қилинади:

- бир хил натижага эришган барча ходимлар баравар баҳоланса;
- ишларни баҳолашда таяниладиган стандартлар ва нормативлар етарли даражада асосланган ва объектив бўлса.

Назоратнинг адолатлилигига жамоа билан олдиндан келишилган стандартларни (талаблар нормативларини) киритиш, назорат жараёнида баҳолаш жиҳатларининг асосланганлиги ва далилланганлиги; кўл остидагиларга ўз меҳнати натижаларини ўзи таҳдил қилиши ва баҳолаши хукуқи берилиши: назорат қилинувчи шахсига нисбатан хурмат ва хайриҳоҳлик билан муносабатда бўлиш орқали эришиш мумкин.

Назорат аниқданган камчиликларни тутагиши юзасидан таклифларни таърифлаш билан ниҳояланиши керак. Улар назорат қилинувчиларнинг мавжуд имкониятларига мос келиши, унинг фаолиятидаги ҳақиқатан ҳам долзарб муаммоларнинг ечилишига ёрдам бериши ва кутилаётган натижаларга эришиш мумкинлигига ишонч ҳиссини уйғотиши жуда муҳим.

Мотивация нуқтаи назаридан қуйидагиларнинг самараси камроқ ҳисобланади: ягона ҳодиса хусусиятига эга бўлган номунтазам назорат; ялли назорат; ходимлар шахсий масъулиятдан озод бўладиган яширин назорат (у ишончсизлик аломати бўлганлиги учун алам ҳиссини уйғотади); хўжакўрсинга назорат (бунда бошқарув ходими гўёки, ўз ходимлари ютуқлари билан қизиқмаётганлигини намоён этади); назорат натижаларини ошкор этмаслик (назоратнинг салбий натижалари муҳокама қилинмаса, улар самара келтирмайди).

Назорат ходимларни самарали ишлашга ундаши учун у ўтказиляётган пайтда бошқарув ходимидан маҳсус метод ва усусларни кўллашиб талаб этилади. Агар назоратни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида қўйидагиларга амал қилинса, мотивация масаласини ҳал этиш енгил кўчади:

- назорат ходимлар хурматини қозонган киши томонидан қилинишига эришиш;
- ташкилот учун аҳамиятли бўлган ишни баҳолай туриб, унинг назорат қилинувчи учун моҳиятини таъкидлаш;
- назорат жараёнида нафақат камчиликларни, балки ютуқларни ҳам аниқлашга ҳаракат қилиш;
- натижаларни жамоа билан келишилган стандартлар бўйича баҳолаш;

- бир хил натижага эга бўлган ходимларни баравар баҳолаш;
- назорат жараёнича ходимлар шахсий фикрини қадрлаш ва уларга хайриҳоҳдик билан муносабатда бўлиш: назорат натижалари бўйича сұхбат «орани очиқ қилиб олиш»га айланиб кетмаслиги керак, у ҳар қандай вазиятда ҳам амалий ва ўзаро ҳурмат руҳида бўлиши керак;
- ўқитувчидаги ижобий руҳий қайфият ҳосил қилиш, муроқотда кераксиз ҳиссий зўриқишилар: чўчиш, хафагарчилик, асабийлашиш ва бошқалардан қочиш керак;
- янги мақсадларни ва зарурий ўзгаришларни назорат қилинуччи билан биргаликда муҳокама қилиш, ёрдамни тиқишириш эмас, балки таклиф қилиш лозим;
- қўйлостида ишловчи (расмиятчилик учун эмас) назорат хулосаларидан ҳақиқатан ҳам розилигига ва уларни қабул қилишига, аҳволни қандай ўнглаш кераклигини билишига эришиш;
- ходимларни ўз кучларига ишонишга даъват қилиш.

Таълим муассасаси педагоглар жамоаси ва педагоглар фаолиятини ҳамда ўқув-тарбия жараёнини таълим сифати нуқтаи назаридан баҳолащда қўйидаги қоидаларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Сифатни баҳолаш ўқувчилар билимини тест синовлари орқали аниқлашдангина иборат бўлмайди (гарчи бу таълим сифати кўрсатичларидан бирилигича қолса-да).
2. Таълим сифатини баҳолаш мажмуавий тарзда, таълим муассасини унинг барча фаолият йўналишларида кўриб чиқиш орқали амалга оширилади.

Намуна сифатида таълим муассасаси ривожланишининг тизимили таҳлилини батафсил кўриб чиқамиз.

**ТМ ривожланишининг тизимли таҳлили (МРТТ)** — бу, ТМ фаолияти ривожланиши ва тараққий этиши учун зарур бўлган таълими, ташкилий ва техник эҳтиёжлар ўртасидаги ўзаро алоқани амалга оширадиган ташхис механизмиdir.

МРТТ қўйидаги мақсадларни кўзда тутади.

Биринчидан, таҳлил, тўлақонли қиёслашни амалга ошириш, узоқ муддатли таълим сиёсатини белгилаш ва ривожланиш режасини тузиш учун, тизимли тарзда амалга оширилиши керак. Бунинг учун тегишли механизмдан фойдаланиш зарур. Тизимлилик, шунингдек, тадқиқотнинг пухта режалаштирилган ва барчага тушунарли бўлган тартибини англатади.

Иккинчидан, пировард мақсад ТМ фаолиятини такомиллаштириш ҳисобланади. Шунинг учун ТМ ривожланиши тизимли таҳлили шунчаки маълумотлар тўплашни англатмайди, балки ички назорат механизми ҳисобланади. Бундан ташқари, кетма-кет келадиган фаолият устувор йўналишларни белгилаш, фаолиятнинг батафсил ре-

жасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ўз ичига олади. Бу маънода МРТТ ташки маслаҳатчилар қўллаганида ўзини оқлади.

Учинчидан, МРТТ бошланғич (йирик) шарҳ механизмидан иборатдир. Кўшимча механизмлар ёрдамида батағсил таҳдил қилиш каби кейинги фаолият ҳам фойдали бўлади. «ТМ ривожланишининг тизимили таҳлилидан сўнг»ги таклифларга бағишланган рисола тайёрланади.

Тўртингчидан, МРТТ хусусий ёки тармоқ даражасига эмас, балки ТМга йўналтирилган ҳолда олиб борилади. Маълумотлар педагоглар фойдаланиши учун тўпланади ва улар таълим муассасаси даражасида таҳдил қилинади.

МРТТ замонавий бошқарувнинг концептуал назариясига, ТМ инновацион фаолиятини ўрганишга, илфор таълим муассасалари фаолиятининг ўзгаришлари ва натижаларини кузатишга асосланниб ўтказилади. Асосий тамойиллар ва таклифлар кўйидагилар ҳисобланади:

1. Таълимни тақомиллаштириш жараёни пухта режалаштирилган ва аниқ ТМдаги аниқ вазиятни билишга асосланган бўлиши лозим.
2. Таълим сиёсатини белгилаш ва ривожланиш режасини ишлаб чиқиш учун маконни давлат таълим сиёсати билан ТМнинг кундаклик таълим амалиёти ўртасида узилиш бўлган жойдан топиш мумкин.
3. ТМ фаолиятини ривожлантириш ва яхшилаш мақсади статистик маълумотлар тўтилаш билан мос тушмайди: бир вақтнинг ўзида икки ишни қилиб бўлмайди.
4. Ҳисоботни тузиш бирдан-бир мақсац эмас, ТМ фаолиятини ривожлантириш ва тақомиллаштириш жараённи ҳаракатга келтиришдир.
5. Таҳлилни ўтказиш ва кейинги қадамлар демократик тамойилларга, масалан: биргаликда қарорлар қабул қилиш, масъулиятни тақсимлаш, зиддиятли вазиятларни бартараф қилиш ва муаммоларни ҳал этиш, умумқабул қилинган меъёрлар ва қадриятлар, айнан бир хил бошқарув ходимилик қилиш ва қулай мұхитта асосланади.
6. ТМ бошқарув ходимлари, айниқса, ташки маслаҳатчилар ташабbus кўрсатишса, таълим фаолияти таҳлилини ўтказишида ҳал қилувчи омил ҳисобланади.
7. Текширувни ўтказиш ва таҳлилни тузиш амалиёти бу жараёнга жалб этилган барчага тушунарли бўлиши зарур.
8. Ташки ёрдам таҳдил жараёнининг очиқлигини таъминлаш, масалан, маълумотларни компьютер ёрдамица таҳдил қилиш ва олинган натижаларни мумкин бўлган ҳолатга ўтказиш мақсадида амалга оширилиши керак.
9. Текширувни ўтказиш қадриятларни танлаш эркинлигига таянади, дея ўйлаш хомхаёлдир, ҳар ким таълим сифати ҳақида ўз тушунчасига эга.

10. Миллий таълим сиёсати ТМга вақт, ресурслар ва маблағ ажратиб, уни (қандайдир ўзгаришлар қилишдан аввал) таҳлилий иш ўтказишни амалга оширишга рағбатлантириши керак.

ТМни тизимли ўрганишни олиб бориш механизми таълимни бошқариш, таълим инновациялари соҳасидаги илмий изланишлар натижалари ва илғор ТМлар тажрибаларини ўрганишга асосланади. Бу механизм таълим сифати билан боғлиқ беш позицияни ўз ичига олади:

1. Таълимнинг мақсадлари ва вазифалари (таълим моҳияти, ТМ фаолияти концепцияси).

2. ТМ фаолияти — дарс даражасида (дарсда ташкилий тузилма ва муҳит, ТМ бошқарув ходимиияти, ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг ўзаро муносабати, таълим жараёни).

3. Таълим жараёни мазмуни, яъни нимага ўргатишпайти (ўқув режалари ва дастурлари, дарс жадваллари).

4. Таълим шароитлари ва ресурслари (бинолар, кадрлар, ўқув материалылари).

5. Таълим натижалари (сифат, савия ва самара).

МРТТ материаллари тўлиқ тўплами қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ахборот буклети ва буюртма шакли;
- ўқитувчилар учун саволнома;
- техник ходимлар учун саволнома;
- мувофиқлаштирувчи учун қўлланма;
- бошқа (кўшимча) воситалар тўплами.

### **III.6. ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ЖАМОАСИГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШ**

Раҳбарлик қилиш – бошқарув фаолиятининг бир қисми бўлиб, унинг воситасида жамоа аъзолари ўргасида ТМ мақсадларига эришишга максимал даражада имкон яратиб берувчи муносабатни ва уларнинг ташкилий хатти-ҳаракатини шакллантириш таъминланиши лозим.

Бу бўлим жамоаларнинг қайси хусусиятлари улар иши унумлилигидаги фарқларни белгилашини, бу хусусиятлар нималарга боғлиқлигини ва бошқарув ходимлари қандай қилиб уларнинг меъёрга солинишига таъсир этиши мумкинлигини, жамоанинг потенциал имкониятларини юзага чиқариш учун улар ўзаро муносабатларини қандай қуриши кераклигини кўриб чиқишига бағишлиланган.

«Жамоа» сўзи турли кишилардан ташкил этилган гурухни англатади ва ундан кунда фойдаланилади. Бироқ бу маънода қўлланиш ҳамиша ҳам ўзини оқладими? Жамоани бошқа ҳар қандай гурухдан ажратадиган чегара қаердан ўтган?

Бу саволларга жавоб беришдан олдин малака ошириш курсига ёки илмий-амалий конференцияга йиғилган ўқитувчилар гуруҳини

тасаввур этайлик. Бир-бiri билан алоқа қилиш имкониятига эга бўлгани ҳолда, улар муайян вақт оралиғида кўпроқ ҳиссиётлар билан боғлиқ бўлган: ёқтириш, ёқтирмаслик, бефарқлик, мустақиллик, сустлик, фаоллик, бўйсуниш, хужумкорлик ва бошқа муносабатлар ўрнатиши. Одамларнинг шахслароро ўзаро муносабатлар ўрнатилган, бироқ биргаликда фаолият кўрсатиш учун умумий мақсад бўлмаган бирлашуви *тарқоқ гуруҳ* саналади. Тарқоқ турұх аъзоларида бир хил мақсадлар (масалан, қандайдир янги таълим технологиясини ўзластириш) бўлиши мумкин, бироқ умумий мақсадлар бўлмайди. Қоришина билан ундан ундирилган кристалл ўртасидаги фарқ қандай бўлса, жамоа билан бундай гуруҳлар ўртасидаги фарқ ҳам, шундай бўлади.

Бироқ, биргаликдаги фаолият мавжудлиги ҳали жамоа тузилганинги кафолатламайди. Ҳамкорликда иш олиб борганда кўп ҳолларда фақат хўжакўрсинга умумий мақсадлар бўлади, аслида эса ҳар бир ижрочи ўз шахсий мақсадларига эга бўлади ва уларга эришишга интилади. Масалан, шартнома бўйича қандайдир ишни бажаришни зиммасига олган гуруҳ аъзолари учун шировард натижага уларнинг моддий мукофот олиши воситаси бўлиши мумкин. Иш жараёнида гуруҳ аъзолари ўртасида кооператив муносабат ўрнатилади, бироқ уларнинг ҳар бири ўз мақсадларини кўзлайди. Бундай ташкил этилган, яъни эришилиши лозим бўлган натижанинг мазмуни унинг аъзолари учун фақат ўз шахсий манфаатларини рўёбга чиқаришдан иборат бўлган ишчи гуруҳни кооперациялашган гуруҳ, дея атаемиз.

**Жамоа — гуруҳнинг ривожланиши якуни, унинг юқори босқичи.** Жамоанинг асосий фарқли белгилари — ҳамкорликдаги ҳаракатнинг умумий ва ижтимоий муҳим, айни маҳалда гуруҳ аъзолари учун шахсий аҳамиятли мақсадлари мавжудлиги (шунинг учун ҳам бирлашган тарзда фаолият юритувчи гуруҳларни жамоа дейишмайди), иккинчидан, гуруҳ аъзолари ўртасидаги, уларнинг биргаликдаги фаолияти мазмуни, қадриятлари, тамойиллари, мақсадлари, вазифалари билан боғланган муносабатларнинг алоҳида тизими мавжудлиги.

Замонавий илмий тасаввурларга кўра, жамоада муносабатлар тузилиши кўп даражалидир.

Унинг *биринчи даражаси* расмий (регламентланган) муносабатларни ҳосил этади. Педагоглар жамоасида бу муносабатлар ТМ ўқувтарбия жараёнини амалга оширишга унинг аъзолари ўртасидаги меҳнат тақсимоти ҳамда уларнинг расмий вазифалари, ҳуқуқлари билан шарт қилиб қўйилган. Жамоанинг ҳар бир аъзоси бу тизим доирасида маълум бир функцияни бажара туриб, бошқа аъзолар билан ҳам тегишли гарзда ҳамкорликда ҳаракат қилиши керак. Бу босқичда ўзаро муносабатлар характеристери таълим-тарбия жараёнининг ўзига хосликлари билан ҳам, расмий низомларда, йўриқномаларда, буйруқ-

ларда ва бошқа мөъёрий хужожатларда қайд этилган маъмурӣ-ҳукуқий тартибга солиш билан изоҳланади.

Тизимнинг *иккинчи босқичини* жамоа аъзоларининг жамоа амалга ошираёттан таълим фаолиятига, бу фаолият асосини ташкил этадиган мақсадларга, вазифаларига, тамойилларга муносабати, фаолият мотивацияси, унинг ҳар бир педагог учун аҳамияти билан изоҳланади.

*Учинчи босқичда* эса, таълим жараёнининг мазмуни, унинг мақсадлари, вазифалари, ўқитувчилар жамоасида қабул қилинган тамойиллар ва қадриятлар йўналиши билан шарт қилиб қўйилган шахслараро муносабатлар берилган.

*Тўртинчи босқич* ҳамкорликдаги фаолият мазмуни белгилаб бермаслиги сабабли шахслараро муносабатлар ёқтириш, ёқтирмаслик, ҳурмат ёки ҳурматсизлик ва бошқаларни ўз ичига олади.

Шундай қилиб, педагоглар жамоаси — бу, эришиши ҳар бири учун шахсий аҳамиятга молик бўлган умумий таълим мақсадларига эга бўлган ва умумий мақсадларга эришиш имконини берадиган шахслараро муносабатлар ҳамда ўзаро муносабатлар тузилмасини амалга оширадиган, ҳамкорликда иш олиб борадиган педагоглар гуруҳи.

Кўплаб ижтимоий-психологик тадқиқотларда жамоанинг ривожланганлик дарражаси кўрсаткичи сифатида қараладиган бир қанча тавсифлари алоҳида ажратилган. Бундай тавсифларга қуйидагилар киради:

- жамоа аъзоларининг, умуман жамоа учун аҳамиятли бўлган ва мақсадга йўналтирилган биргаликдаги фаолиятнинг муҳим томонларига таалуқли бўлган объектларга муносабат бўйича баҳоси ва қарашлари мос келишида намоён бўладиган ҳамжиҳатлиги;
- жамоанинг уюшганлиги, бу унинг ноаниқ вазиятларда, аъзоларининг бирдамлиги билан фикрлар ва ташаббускорлик шакллари хилма-хиллигини мувофиқлаштириш орқали ўз барқарор тузилмасини тузишга ва уни сақлаб туришга қодирлигига намоён бўлади;
- жамоанинг фаолият мақсадлари, асослари, қадриятлар йўналиши ва нормаларининг ижтимоий қимматини акс эттирадиган йўналганлиги;
- жамоа аъзолари томонидан унинг мақсадлари, вазифалари, қадриятларининг қабул қилинишида намоён бўладиган жамоавий ўз мавқенини белгилаш;
- жамоадаги унинг ҳар бир аъзосига ҳамдард бўла олишига қодирлигига намоён бўладиган ҳис-туйғу ўхшашлиги;
- жамоа ҳамжиҳатлиги, бу унинг аъзоларини қовуштиришда ва субъектив жиҳатдан етарли бўлган қониқиши мухитида биргаликдаги ҳаракатда энг кам ҳис-туйғу ва куч-кувват сарфлаган ҳолда бирга ишлаб, имкон қадар юқори унумдорликка эришишда ифодаланадиган ўзаро муносабатларда намоён бўлади;

■ интеллектуал коммуникативлик, бу — умумий позициянни, қарашларни аниклашыңа, гүрухий қарорлар қабул қилишда ва бошқаларда үзаро хабардорлыкнинг оқилона йүйларини яратышга кодирлык.

Жамоанинг интеграл тавсифи – ривожланганлик даражаси (етуклик даражаси) – жамоанинг долзарб ва ҳақоний мақсадларни кўя билишга, умумий мақсадлар билан уйғунашган алоҳуда мақсадлар таркибини шакллантиришга, қўйилган мақсадларга имкон қадар самарали эришишни таъминлайдиган ўзаро таъсир ҳамда ўзаро муносабатлар ва усталик билан ўзгартиришга қодирлик сифатида белгиланади.

Жамоанинг ривожланганлик даражаси бошқа учта тавсиф: қадриятли-йўналганликнинг етуклиги, уюшганлик ва ҳамжиҳатликнинг функцияси ҳисобланади. Иккиласмида даражали бу тавсифлар, ўз ўрнида, жамоанинг бир қатор бирламчи тавсифлар функцияси сифатида белгиланади.

Педагогик жамоа фаолиятида мақсадларнинг уч турини ажратиб кўрсатиш мумкин;

- 1) ўз таълим мақсадлари (таълим-тарбия жараёнининг жорий мақсадлари);
  - 2) таълим-тарбия фаолиятини ривожлантириш мақсадлари;
  - 3) жамоанинг ўзини ўзи ривожлантириши мақсадлари.

Нисбаган ривожланган педагогик жамоа ўз олдига ушбу уч тур мақсадларнинг барчасини қўяди. Бундай жамоа ТМнинг (фойдаланиладиган педагогик технологиялар ва уларни тўлиқ амалга ошириш шарт-шароитлари билан белгиланациган), мавжуд таълим салоҳиятидан са-марали фойдаланишгагина эмас, балки янтикларни ўзлаштириш, педагогларнинг касбий савиясини юксалтириш, ўз тузилмасини такомиллаштириш оркали бу салоҳиятни янада кенгайтиришга ҳам қодир.

Юқори даражада ривожланган педагоглар жамоаси ўз олдига дастлабки икки тур мақсадларни, яъни таълим-тарбия фаолияти мақсадлари қаторида бу фаолиятни ривожлантириш мақсадларини ҳам кўяди. Бу мақсадларнинг ҳар бирини амалга ошириш учун ўзаро таъсир ва ўзаро муносабатларнинг ўз тизими яратиласди.

Анча кам ривожланган педагоглар жамоаси ўз олдига фақат биринчи тур мақсадларни қўяди. Бундай жамоада, гарчи, алоҳида янгиликлар ўзлаштирилиши, педагогларнинг айрим қисми ўз касбий савияларини ошириши мумкин бўлса-да, уларда иккинчи ва учинчи тур умумий мақсадлар мавжуд бўлмайди.

Жамоа ўз олдига қандай мақсадларни күйгәнлиги унинг қадриятли-йўналтирилган етуклигидан дарак беради.

Педагоглар жамоасининг қадриятли-йўналтирилган етуклиги — бу таълим-тарбия фаолиятида, бу фаолиятни ривожлантиришда ва жамоанинг ўзини ўзи ривожлантиришида юксак натижаларга эришишга унинг аъзолари барча куч-ғайратларини сарфлашгага тайёри-

ги даражасини акс эттирадиган тавсиф. Қадриятли-йўналтирилган етуклик даражаси жамоанинг уч бирламчи тавсифининг аҳамияти билан белгиланади: жорий фаолиятда ютуқларга йўналтирилганлик, ривожланишта йўналтирилганлик ва ўзини ўзи ривожлантиришга йўналтирилганлик.

**Жорий фаолиятда ютуқларга йўналтирилганлик** жамоа аъзоларининг бутун куч-тайратни ТМ таълим салоҳиятидан юқори даражада фойдаланишга сафарбар қилишга тайёрлиги билан изоҳланади.

Жорий фаолиятда ютуқларга юқори даражада йўналтирилган жамоаларда барча бор кучини сафарбар этган ҳолда ишлашга интилади. Бундай жамоаларда педагогларни фақат ўз иши натижаси эмас, балки бутун ТМ ютуқлари, унинг мавқеи ташвишлантиради. Жорий фаолиятда ютуқларга ўргача даражада йўналтирилган ТМларда педагогларни кўпроқ ўз натижалари ва ютуқлари қизиқтиради.

Бу тавсиф даражаси наст бўлганда ўқитувчиларда ҳамкаслари қанчалик берилиб ишлаётганлигига, жорий фаолиятнинг умумий натижалари қандайлигига эътибор қаратишга мойиллик бўлмайди. Кўпчилик педагоглар болаларнинг қандай ўқиётганлиги, қўлларидан келган ишни энг кўп даражада қилиш ҳақида кам қайғуришади.

**Фаолиятни ривожлантиришга йўналтирилганлик**, жамоадаги мавжуд бўлган муносабат унинг аъзоларининг таълим-тарбия фаолияти мазмунини, ташкил этилишини ва методларини такомиллаштиришдаги фаолигини рағбатлантиришга қанчалик қодирлигини кўрсатади.

Педагоглар жамоалари фаолиятини кўп йиллар давомида кузатиш жараёнида йўналтирилганлиги, уюшганлик, жисслиги, ўзини ўзи ривожлантиришга йўналтирилганлиги, бошқариш ишига қўшила олиши даражаси турлича бўлган жамоаларнинг энг аҳамиятли жиҳатларини ажратиб олдик. Улар ТМ жамоасининг ривожланиш ҳолатини баҳолаш ва истиқболини белгилаш учун асос бўлиши мумкин. Куйида кўрсатилган характеристикаларнинг даражалар бўйича таҳлили берилади.

Педагоглар ривожланишта юқори даражада йўналтирилганликда ўзлари қўллаши мумкин бўлган янгиликлардан яхши хабардор бўлишга интилишади, ТМ келажагидан кўпроқ ташвиш торғишиади, улар педагоглар кенгашларида, умумий йиғилишларда ТМ ривожи билан боғлиқ масалаларни ( rivожланиш мақсадлари, стратегияси ва режаларини) қизигин муҳокама қилишади. Бунда ҳеч ким ўз фикрини айтишдан чўчимайди, ўз танқидий чиқишлирага салбий муносабатлар бўлишидан хавотирланмайди. Устига устак педагоглар таълим-тарбия жараёнида ўзгаришлар қилиш тўғрисидаги ўз таклифлари қизиқиши билан тингланишига, агар улар долзарб бўлса, ҳаттоқи, татбиқ этиш учун анчагина саъй-ҳаракат ва таваккалчилик қилишга тўғри келса ҳам, қабул қилинишига ишонишади. Жамоада ҳар қандай фойдали янгиликни имкон қадар қўллашга тайёрлик мухити юзага келади.

Ривожланишга ўртача даражада йўналтирилган жамоалар, ТМ ҳётида алоҳида участкаларда унчалик катта бўлмаган ўзгаришлар қилишни кўзлайдиган локал ўзгаришларни амалга оширишга мойил бўлади. Бу кўп ҳолларда, айрим фанларни ўқитишнинг янги мето-дикаларини ёки дастурларини ўзлаштириш бўлиши мумкин. Бундай ўзгаришлар, одатда, синовдан ўтган бўлади, улар мустақил тарзда амалга оширилиши мумкин ва ижобий натижалар бериши кафолатланган. Бироқ, бундай жамоаларда кўп куч-ғайрат талаб қиласидиган, ТМ фаолиятининг кўп томонларига тааллукли бўлган, муваффакият келтиришига юз ишонч бўлмаган янгиликлардан бош тортилади.

Ривожланишга паст даражада йўналтирилган ТМларда кўпчилик педагогларнинг «эскича» ишлашга интилиши сезилади, ўз ишига қандайдир янгилик киритишга интилаётган педагоглар эса бу ерда жамоа қўллаб-кувватлашидан баҳраманд бўлмайди. Педагоглар кенгаши йиғилишларида амалий танқищ бутунлай бўлмайди, жамоа ишини яхшилаш бўйича гап-сўзлар кўп ҳолларда гаплигича қолаверади.

*Ўзини ўзи ривожлантиришга йўналганлик* жамоада мавжуд бўлган муносабатлар унинг аъзоларининг ўз касбий ва маданий савиясини ошириш борасидаги фаоллигини рагбатлантиришга қанчалик қодирлигини кўрсатади.

Ўзини ўзи ривожлантиришга юқори даражада йўналган жамоада касбий маҳорат ва умуммаданий савиянинг юксаклиги унинг ҳар бир аъзоси учун қадрият ҳисобланади. Жамоадаги муносабат ўз устидаги ишлашни рагбатлантиради ва аксинча, бу ишни қўймаётганлар тақдирланмайди. Ўқитувчиларни нафақат ўз маҳорати ўсиши, балки ҳамкаслари маҳоратининг ўсиши ҳам бирдек ташвишга солади. Бунга ТМ мавқеини сақлаб туришнинг муҳим шартларидан бири сифатида аҳамият берилади.

Ўзини ўзи ривожлантиришга ўртача даражада йўналтирилган жамоада педагогларнинг касбий маҳорати ўсиши ва умуммаданий савияси юксалиши бўйича гуруҳий меъёrlар унчалик қатъий эмас. Юксак даражадаги маҳоратта эришган ўқитувчининг ўз устида ишлашни давом эттириши ёки эттирмаслигига унинг ҳамкаслари бефарқ қараши мумкин. Асосан ёш ўқитувчиларга қаттиқ эътибор қаратилади.

Ўзини ўзи ривожлантиришга паст даражада йўналтирилган жамоада педагогларнинг касбий маҳорати ўсиши ва умуммаданий савияси юксалиши уларнинг ҳар бирининг ўз иши сифатида қабул қилинади: жамоа ўз аъзолари фаолиятининг бу томонлари ҳақида кам қайгуради.

Умумий мақсадларнинг қўйилиши, биринчидан, уларга эришишни кафолатламайди; иккинчидан, жамоа аъзолари ўртасидаги биргаликдаги фаолиятининг ташкил этилишига боғлиқ ҳолда мақсадларга турли куч сарфлаб, турлича вақтда эришиш мумкин. Ҳар бир ТМда педагоглар ўртасидаги муносабатлар меъёрий ҳужжатлар билан

тартибга солинган расмий тузилма мавжуд. Бироқ, бу ҳужжатлар ҳам-масини ҳам белгилаб бера олмайди. ТМ ҳаётида педагоглардан бир-тагалықдаги фаолиятини ўзлари ташкил этишини талаб қиласидиган кўплаб вазиятлар мавжуд.

**Жамоанинг ўюшганлиги** замирида унинг биргаликдаги фаолиятнинг оқилона тузилмасини шакллантиришга ва ўзгарувчан шароитда уни усталик билан қайта қуришга қодирлиги тушунилади. Бу, жамоа аъзоларининг масъулиятилигига, уларнинг ҳамжиҳатлигига ва бошқарувга жалб этилганлигига боғлиқ.

**Масъулият** жамоа аъзоларининг ўз вазифаларини бажаришта маъмуриятнинг қаттиқ назоратисиз қанчалик вижданан ёндашуви, шунингдек, уларнинг мажбуриятларига расман кирмаса-да, ўз ташаббуслари билан қандайдир янги ишни бажаришда жавобгарликни зиммага олишга тайёрлиги билан изоҳланади.

Юқори даражадаги масъулияти жамоада унинг аъзолари ўзла-рининг тўғридан-тўғри вазифаларини вижданан бажарибгина қол-май, балки, меъёридан ортиқ даражада фаоллик кўрсатишади, яъни, зарурат бўлганда ўз ташаббуслари билан янги ишга ҳисса қўшиша-ди. Бундай жамоани тавсифлайдиган муҳим жиҳат — унинг баъзи бир аъзоларининг бошқа аъзолар хатти-ҳаракати учун жавобгарли-гидир. Ўзаро жавобгарлик тамойили ТМда жамоа шаклидаги меҳ-натин ташкил этишга сингдирилган.

Ўрта даражадаги масъулияти жамоаларда унинг аъзолари ўзла-рига бириклирлган вазифаларни вижданан бажаришади, бунда маъ-муриятнинг қаттиқ назорати зарур эмас, бироқ улардан ташабbus камдан-кам чиқади.

Паст даражадаги масъулияти жамоаларда маъмурият томонидан назорат сусайтан чоғда ходимларнинг ўз вазифаларини талаб дара-жасида бажармаслиги аён бўлиб қолади.

**Жамоанинг ҳамжиҳатлиги** зарурият түғилганда жамоа ўз ҳаракат-ларини мустақил тарзда, бошқарув ходимларига мурожаат қиласдан, бир-бири билан мувофиқлаштириб олишга тайёрлигини билдиради.

Юқори даражада ҳамжиҳат жамоаларда биргаликдаги зарурий фао-лият кўп ҳолларда (агар бу объектив тарзда мумкин бўлса) бошқарув ходимларининг иштирокисиз амалга оширилади. Эҳтиёж түғилганда жа-моа аъзоларидан ёрдам олишда умуман қийинчилик юзага келмайди.

Ўрта даражада ҳамжиҳат жамоаларда, шахслараро муносабатларнинг яхшилиги эвазига, фаолиятнинг бир қисмини қийинчилик-ларсиз келишиб олишга эришилади, бироқ кўп ҳолларда бошқарув ходимлари орқали ҳаракат қилишга тўғри келади. Бундай жамоалар-да ўзаро ёрдам кўп, бироқ танлаб кўрсатилади.

Паст даражада ҳамжиҳат бўлган жамоаларда зарурий хатти-ҳара-катни келишиб олиш бошқарув ходимларига мурожаат этиш орқали амалга оширилади.

Ҳеч ким ўзига юкланмаган ишни кўрсатмасиз бажармайди. Бошқалардан ёрдам олиш мушкул. Бундай жамоаларда педагогик иш юкламани тақсимлаш, вазифаларни бир-бирига ағдариш, нокулай дарс жадвали ва бошқа сабаблар боис ТМ маъмурияти ҳал қилиши лозим бўлган зиддиятлар тез-тез юзага келиб туради.

Ҳамжиҳатлик, асосан, янгиликларни татбиқ этаётган педагоглар жамоалари учун муҳим. Агар фаолият фақат бошқарув ходими томонидан мувофиқлаштирилаётган бўлса, муваффақиятга ишонч юқори бўлмайди.

**Бошқарувга жалб этилганлик** жамоанинг муҳим хусусиятларидандир, бу — ТМ ишини ташкил этиш ва режалаштиришга оид қарорларнинг қабул қилинишига педагоглар жамоаси аъзоларининг маъмурият томонидан таъсир этиш даражаси.

Бошқарувга жалб этилганликнинг юқори даражасида жамоа ишига таалуқли қарорларнинг асосий қисмини коллегиал органлар ишлаб чиқади ва бунда жамоа аъзолари фаол иштирок этади. Маъмурият ТМ ҳаёти учун муҳим масалаларни ҳал этишда педагоглар жамоаси фикрига дикқат билан муносабатда бўлади.

Бошқарувга жалб этилганликнинг ўрта даражасида коллегиал органлар иккиласми рол ўйнайди ва педагоглар жамоаси фикри ТМ маъмурияти томонидан доим ҳам ҳисобга олинавермайди, кўп ҳолларда эътиборсиз қолади.

Бошқарувга жалб этилганликнинг паст даражасида коллегиал органлар расмиятчилик учун мавжуд бўлади ва уларга ҳеч нарса боғлиқ эмас.

**Жамоанинг жипслиги** — унинг биргаликдаги фаолият самарадорлигига салбий таъсир кўрсатадиган ички ва ташкил таъсирларга қарши тара олишга қодирлигини акс эттирадиган хусусияти. Агар ўюшганлик гурӯхнинг педагоглар ўртасидаги ўзаро муносабат фаолиятнинг омилкор тузилмасини шакллантиришга қодирлигини изоҳласа, жиплашганлик эса — бу тузилмани сақлашга қодирлиги билан тавсифланади.

Жипслик — жамоанинг барқарор фаолияти ва мавжудлигининг зарурий жиҳати: жипслик бўлмаса инқироз юз бериши муқаррар. Бу жамоанинг мақсадлар, вазифалар, гоялар умумийлигини, шунингдек, шахслараро муносабатларни англаш орқали бирлашиши ўлчови. Жипслик жамоанинг йўналтирилганлиги, қовуша олиши ва барқарорлик бирлигига имкониятлари боғлиқ бўлади.

Йўналтирилганлик бирлиги жамоа аъзолари томонидан унинг мақсадлари ва уларга эришиш борасида амалга ошириладиган усулларнинг қабул қилиниши даражасини кўрсатади. Бу ўқитувчиларнинг биргаликдаги фаолиятнинг турли жиҳатлари бўйича фикрлари, баҳоси, қарашлари ва позициясининг мос келишида, энг аввало, уларнинг ишни ташкил этиш, бу ишнинг олиб борилишидаги кес-

кинлиқдан қониқишда олинган натижанинг сифати борасидаги жамоа баҳосига розилигиде намоён бўлади. Агар жамоанинг айрим аъзолари ўз олдиларига қўйилган мақсадлар амалга ошириб бўладиган эмас, ёки «сариқ чақага арзимайди», деб ҳисобласа, бошқалари эса ўзгача фикрда бўлса, унда ҳеч қанақанги йўналишлар бирлигига, бинобарин, жамоанинг баҳамжихат ишлашига эришиб бўлмайди.

Юқори даражада қадриятли-йўналтирилган бирликка эга жамоалар бир-бирига ҳамдардлиги билангина эмас, балки, аввало, бошқа одамга ёрдамга йўналтирилган фаолиятда намоён бўладиган ҳаракатдаги күнчаклиги билан ҳам ҳарактерланади. Зотан, юксак ривожланган жамоада ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик фақат ТМ ҳёти билан чегараланмайди. Улар бўш вақтда майший турмушга ва ҳётнинг бошқа жабҳаларига ҳам таалуқли бўлади. Жамоа аъзоларининг меҳнат анъаналари уларнинг ўзаро талабчанлиги, ўзаро масъуллиги асосида шаклланади.

Қадриятли-йўналтирилган бирлик юқори даражада бўлмаган жамоаларда таълим-тарбия жараёни қандай бўлиши иш қандай ташкил этилган бўлиши кераклиги борасида кўпгина қарашлар мавжуд, бу борада ўзаро бир-бирини тушуниш деярли йўқ, нима яхшию нима ёмонлиги ҳақидаги тасаввурларда қарама-қаршиликлар мавжуд.

*Киришимлилик*, жамоа хусусияти сифатида, шахслараро мавжуд муносабатлар қанчалик даражада ажralиш ва зиддиятларнинг юзага келиши хавфини солишини акс эттиради.

Киришимлилик юқори даражада бўлган жамоаларда ҳар бир кишининг жамоа бошқарув ходимиға, жамоа аъзоларига, умуман иш шароитига нисбатан ижобий муносабати қулай маънавий-руҳий мұхитни яратади. Ривожланган жамоада у ижтимоий аҳамиятли мақсадлар ва фаолиятга ижобий муносабат асосига қурилади. Инсонпарварлик, ҳамкасбларга ғамхўрлик ва, шунинг баробарида, уларга нисбатан талабчанлик (имкон қадар юқори ишонч ва талабчанлик) — бундай жамоадаги ўзаро муносабатларнинг меъёрлари ҳисобланади.

Жамоанинг субъективизм жарлигидан ҳимояловчи ахлоқий кучи унинг аъзоларининг жамоа томонидан қабул қилинган ахлоқий меъёрлар асосида киришиши учун шароит яратади:

- агар айбор бўлса, жавобгарлиқдан бўйин товламаслик;
- айбни бирорвга тўнкамаслик;
- мываффақиятларни ўзиники қилиб олмаслик;
- умумий ютуқларда бошқаларнинг роли ва аҳамиятини ерга урмаслик;
- «объектив вазият»ни баҳона қилмаслик.

Киришимлилик ўрта даражада бўлган жамоаларда ўқитувчилар ўргасида ихтилофлар кўпроқ учрагани ҳолда, уларнинг бир қисмигина амалий ҳал этилади. Жамоа аъзолари юзага келган зиддиятларга ТМ бошқарув ходимијитини аралаштирумасдан барҳам беришга интилади.

Педагоглар жамоаси аъзоларининг киришимлилик даражаси паст бўлган таълим муассасаларида ҳар қандай сабаб билан юзага келадиган тўқнашув ёки ихтилофлар узоқ муддат давом этадиган зиддијатларга айланниб кетади, уларни ҳал этиш учун ТМ маъмурити кўп куч ва вақт сарфлашига тўғри келади. Муваффакиятсизлик рўй бергандা уларнинг ҳар бири айбни бирорвга тўнкашга тайёр, ютуққа эришилганда эса фақат ўзининг ҳиссасини таъкидлайди. Биргаликдаги фаолиятнинг бир-бирига монанд бўлмаган бундай ҳолатлари зиддијатларни келтириб чиқарувчи йирик манба ҳисобланади.

Жамоани тавсифловчи мумкин бўлган *бекарорлик* унданги ишнинг унинг аъзолари учун жозибадорлигини англаради. У ўқитувчиларнинг доимий таркибини узоқ вақт сақлаб турища ёки уларнинг сезиларсиз ҳолда секин-асталик билан ўзгариб боришида намоён бўлади. Бекарорлик, энг аввало, кадрлар қўнимсизлигига акс этади. Қўнимсизликнинг юқори даражаси — бекарорликнинг энг муҳим аломатидир. Бироқ мумкин бўлган бекарорлик доим ҳам ўзини қўнимсизлик орқали намоён этавермайди. ТМ ишидан қониқмаслик ҳамиша ҳам, масалан, борадиган жойнинг ўзи йўқлиги ёки борида ҳам шароит бундан яхши эмаслиги учун ундан кетишга олиб келавермайди, бироқ кетишга потенциал тайёрлик мавжуд, бинобарин, муносабатларга дарз кета бошлаган бўлади. Бундай шароитда педагогик фаолиятда юқори натижаларга эришишга ва, айниқса, ўқитувчиларнинг ТМни ривожлантириш ишидаги фаоллигига умид боғламаса ҳам бўлади.

### **III.6.1. БОШҚАРУВ ХОДИМИНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ ВА РАҲБАРЛИК ФУНКЦИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ САМАРАДОРЛИГИ**

Тарихий ва бизнинг кундалик тажрибамиз шуни кўрсатмоқдаки, айрим бошқарув ходимларининг иши бошқаларникига қараганда яхшироқ бўлиб чиқади. Нима туфайли шундай бўлади? Самарали ишлётган бошқарув ходими бошқалардан нимаси билан фарқ қиласди? Бу саволларнинг жавоби бошқарув назарияси ривожида катта тадрижий ўзгаришларга учради.

Илмий бошқарувнинг дастлабки назариялари асослари ўз тажрибалари ва кузатишларига таяниб, бошқарув ходими ўз фаолиятини самарали олиб бориш учун эга бўлиши керак бўлган сифатларни ажратиб кўрсатганлар.

Масалан, Ф. Тейлор идеал бошқарув ходимининг тўққиз фазилитини кўрсатган. Булар: ақл, билим, маҳсус касбий билимлар, жисмоний чаққонлик ёки куч, ҳаддан ошмаслик, гайрат, қатъият, ҳалоллик, мулоҳазакорлик ва соғлом ақл, мустаҳкам саломатлик.

А. Файоль ҳам шунга ўхшаш сифатларни ажратиб кўрсатган: саломатлик ва жисмоний куч-куvvват, ақл ва ақдий меҳнат қобилияти, қатъ-

ий ирода, фаоллик, ғайрат-шижоат, жасорат, масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёрлик, бурч ҳисси, умумманфаати ҳақида қайгуриш, умумий билимларнинг кенг доираси, ҳаракат дастурини ишлаб чиқиши ва уни ишлаб чиқишини уюштириш қобилияти, биргаликда ишлашни ташкил қила олиш маҳорати, одамларни бошқариш санъати, ҳаракатларни мувофиқиаштириш маҳорати, назорат қилиш маҳорати, умумий мавзумотлитик, касбий жиҳатдан чукурроқ билимга эга бўлиш. Юқорида санаб ўтилган фазилатларнинг иккала рўйхати ҳам маҳсус тадқиқотлар эмас, балки тажриба ва ақя маҳсулидир.

Самарали ишловчи бошқарув ходимининг фазилатлари ҳақидаги саволга илмий асосланган жавоб беришга уринишлар илк бор ўтган асрнинг 30-йилларида «хусусиятлар назарияси» деб аталувчи нуқтаи назардан амалга оширилган эди. Ушбу назарияга кўра, энг яхши бошқарув ходимлари барча учун умумий бўялган шахсий фазилатларнинг муайян йигиндисига эга бўлади. Бу қоида Ф. Тейлор ва А. Файоллининг мулоҳазалари билан мос келганини кўриш қийин эмас. Вазифа ушбу фазилатларни ажратиб кўрсатишдангина иборат, холос. Куттилган натижаларга анча зид бўялган хуносаларни келтириб чиқарган юзлаб тадқиқотлар ўtkазилди.

Мазкур адабиётларни умумлаштириб, кўп ҳолларда самарали ишловчи бошқарув ходимлари ақл-заковат, билим, масъулият, фаоллик, ишончлилик, ижтимоий ҳётда қатнашиш кабилар билан ажralиб турганлар, бироқ турли вазиятларда фазилатларни намоён қылган, деган хуносага келдик. Яна бир нарса муҳимки, инсон шахсий фазилатларнинг муайян йигиндисига эга бўялгани туфайлигина бошқарув ходими бўлиб қолмайди, яъни инсоннинг фақат бошқарув ходими сифатидағи фаолияти самарадорлиги билан боғланган шахсий сифатлар мавжуд эмас. Бирон-бир фазилатнинг мавжуд эмаслиги муваффақиятсизликка муқаррар олиб келмаганидек, ақл ҳам, қатъият ҳам, ирода ҳам, бошқа биронта фазилат ҳам муваффақият учун гаров бўла олмайди. Шу боис, бошқарув ходимларини аттестациядан ўтказишда уларнинг тавсифномасида ёзилган «жалол, ҳамиша ёрдамга тайёр, таълабчан» каби ва шунга ўхшаш татилар аттестациядан ўтаётган одамнинг шахсий фазилатлари ҳақидагина маълумот беради, лекин бундай фазилатларнинг санаб ўтилиши унинг қандай бошқарув ходими эканлиги ҳақида хуноса қилиш учун асос бўлолмайди.

Яхши бошқарув ходимининг белгиларини аниқлаш учун бўялган муваффақиятсиз уринишлар эътиборни бошқарув ходимининг шахсий фазилатларидан унинг хатти-ҳаракатларига қаратган янги ёндашувнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бошқарув ходими қандай фазилатларга эга эканлиги муҳим эмас, балки унинг ўз қўл остидагиларга нисбатан қандай иш тутиши, унинг бошқарувчилик хусусиятлари муҳимдир. Айнан шу фикр фойдалари оқ бўлиб чиқди.

Бошқарув усулига нисбатан бир неча ёндашувлар юзага келиб, бошқарув ходими фаолиятининг усули билан жамоа фаолиятининг самарадорлиги ўртасида боғлиқтлик аниқланди.

Бошқарув услуби — бошқарув ходимининг ўз олдидаги вазифаларни ҳал этиш усуллари билан белгиланадиган амалий хатти-ҳаркатнинг нисбатан барқарор тизими.

Услубнинг муҳим белгиларидан бири, бу — бошқарув ходими нинг кўл остидагиларни қарор қабул қилиш жараёнига қандай жалб қилиши. Кўл остидагиларга бериладиган эркинлик даражаси энг паст кўрсаткичдан (қатъий маъмуриятчилик) энг юқори (либерал бошқарув) гача ўзгариши мумкин. Бу ёндашув доирасида бошқарувнинг уй: авторитар, демократик ва либерал услуби ажратиб кўрсатилади.

Авторитар услубда бошқарувчи бошқарув ходими ҳамиша қарорни кўл остидагилар билан маслаҳатлашмасдан ўзи қабул қиласди, уларга ўз хукмини ўтказади ва ташаббус кўрсатиш имконини бермайди. У кўл остидагилар билан бошлиқнинг барча буйруқларини сўзсиз қабул қиласдиган муносабат бўлишини истайди. У жамоадан ажралган ва доим кўл остидагиларни ўзидан нарида тутиб туради. Унинг учун кўл остидагилар фақат ижрочилардир. Бу услуг вакиллари фаолиятида маъмурий метод: буйруқ, ҳайфсан, жазолаш, муайян имтиёзлардан маҳрум қилиш кабилалар устун туради. У ходимларни ишга йўналтиришнинг икки йўлини тан олади, холос. Бу — моддий рағбатлантириш ва маъмурий жазо.

Бошқарув ходимининг ўзини бундай тутиши асосида кўл остидагиларни иқтисодий одам сифатидаги модели ёки А модели ётади, унга кўра:

- ўргача ходим меҳнат қилишни истамайди ва имконият бўлиши билан ишлаб қочади, у иложи борича камроқ ишлаш, кўпроқ пул олишга интилади;
- ходимни меҳнат фаолиятига мажбур қилиш лозим;
- таҳдид, жазо, шунингдек, мукофот мажбурулаш воситаси бўлиши мумкин;
- ўргача одам ташаббусдан қочади, у ўзини бошқаришларини хоҳлади.

Бундай бошқарув ходими, одатда, кўл остидагилар билан лўнда тағлашади, унда буюриш оҳангига устун туради, кўл остидагиларнинг зътиrozлари, танқиди, мустақил фикрига чидамайди.

Авторитар бошқарув ходими фақат ўзига ишониб, ўқитувчиларни ТМни бошқаришда иштирок этишида егарлича билимга эга эмас, деб ҳисоблааб улар ҳатто бошқарув ходимига ёрдам бермоқчи бўлганча ҳам, ҳар қандай ёрдамни ўз раҳбарлик ҳукуқларига «дахл қилиш» деб тушуниб, уларни зътибордан соқит қиласди. Бундай бошқарув шароитида жамоанинг инцивилидат ёки гуруҳ бўлиб ўзини олиб қочишга интилувчи аъзолари орасида ҳам ўзига хос авторитар муносабатлар шаклланади.

ди. Бефарқлик, нафақат бошқарув ходимига, балки бир-бирига нисбатан ҳам ўзаро нафрат, «мехрсизлик» юзага келади. Ҳамма фақат бевосита берилгандар буйруқ билангина ишлайди ва агар бундай кўрсатмалар берилмаса ёки кечикиб берилса, ишни тўхтатиб қўяди.

Бошқарувнинг бундай методи иш тўхтаб қолишига ва жазо олмаслик имконини берадиган даражадаги иш ҳажмининггина бажарилишига олиб келади. У ходимларни бошқарув ходимининг бедодлигидан жамоавий ҳимояланиш учун норасмий гуруҳларга бирлашишга мажбур қилади. Натижада ходимларнинг хатти-ҳаракатида «ичимдагини топ» қабилидаги кайфият, тушкунлик юзага келади, иш билан алоқадор бўлмаган бошқа нарсалардан завқ олишга интилиш кучаяди.

Инсониятга авторитар бошқарув таъсирчанлигининг кўплаб мисоллари маълум. Масалан, Миср эҳромларини қуришда бу усулдан анча муваффақиятли фойдаланилган. Етарли малакага эга бўлмаган ва ўз кўл остидагиларга таъсир кўрсатишнинг яхшироқ методларидан бехабар бўлган, шунингдек, ўзи ҳақида гоят юқори фикрда бўлган ҳамда ўзининг аҳамиятини таъкидлаш учун кўл остидагиларнинг сўёзсиз итоат қилишига муҳтож бўлган бошқарув ходимлари қаттиқ авторитар усулга кўпроқ мойил бўлади. Улар, «от юрмаса, қамчилаш керак», деган қоидага амал қилиб, одамларни «ногорамга ўйнашга» мажбур қила оламан, деб ўйлайдилар.

**Демократик** (коллегиал) усулда бошқарувчи бошқарув ходими ҳам ўзи қарор қабул қилади, аммо ўз кўл остидагиларга ишонтириш йўли билан таъсир кўрсатишни маъкул кўриб, қарорларни улар билан биргаликда ишлаб чиқади. У ҳайвонга қилингандек муносабатда бўлинадиган одамлар қайсар ва ўжар бўлиб қолади, деб ҳисобладайди. Шу сабабли, бундай бошқарув ходими гуруҳ бўлиб баҳс қилишдан фойдаланиб ва кўл остидагилар қарорлар қабул қилишда фаоллик кўрсатишни рағбатлантириб, уларга ўз иродасини маъмурий усуллар ёрдамида тиқиширишдан ўзини тияди.

Демократик усул негизида ижтимоий инсон сифатидаги ходим модели ёки В модели ётади. Унга кўра:

- ходимлар асосий қисмининг меҳнат фаолиятида ташки назорат ва жазолаш билан таҳдид солиш белгиловчи бўла олмайди;
- инсон ўзи манфаатдор бўлган мақсад сари мустақил интилиши мумкин;
- инсон томонидан мақсадга эришиш йўлида сарфлаган куч-ғайратига яраша тақдирланади;
- инсон масъулиятни зиммасига олибгина қолмай, балки шунга интилади ҳам;
- ижодий фаолият тор доирадаги эмас, балки кенг доирадаги кишиларга хос бўлади.

Демократик бошқарув ходими бўлиш ўта мушкул. Биринчидан, бошқарув ходими, муайян вазиятда муайян инсонга таъсир чорасини муваффақият билан қўллаш учун психология ва бошқарув бўйича чуқур билимга эга бўлиши лозим. Иккинчидан, у юқори дараҷада барқарор эктиросга, ҳатти-ҳаракатини мослаштира олиш қобилиятiga эга бўлиши керак.

Либерал усулда иш олиб борадиган бошқарув ходими қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишни тўлалигича кўл остидагиларга ишониб топшириб, уларга тўла эркинлик бериб, ўзида фақат ваколатлий функциясини қолдиради. У ташки алоқалар билан шуғулланиб, ички ҳёт масалаларини ҳал этишини жамоага тўлиқ ишониб топшириш мумкин, деб ҳисоблайди. У бошқарув функцияларини бажаришда суст, зиддиятлардан чўчийди, одатда, жамоа томонидан тақлиф қилинган қарорларни қабул қиласи ва, ҳатто, бу қарорлар унинг шахсий қарашига мос келмаса ҳам, «оқим бўйлаб сузиш»га ҳозир бўлади.

Бу усул пойдевори сифатида кўл остидагилар қабул қилишининг куйидаги модели хизмат қиласи:

- кўпчилик кишилар меҳнатсевар бўлиб, меҳнатда юқори натижаларга ва тўла мустақилликка эришишга интиладилар;

- бошқарув ходими ўз ходимларининг тафаккури ва касбий маҳоратига тўлиқ таяниши ва уларга «ўз ишини ўзи бажаришига, ишнинг эса ўз маромида кетишига» имкон бериши лозим;

- бошқарув ходими ходимларга сифатли иш учун шароит яратиб берса кифоя.

Либерал бошқарув ходими ўз ходимлари билан яхши дўстона муносабатлар ўрнатишга интилади. Ўзаро хайриҳоҳлик муносабатлари, фамхўрлик, эътибор кўрсатиш ходимлардан ҳам шундай жавоб бўлишига олиб келади ва кўп масалалар ортиқча муаммосиз ҳал бўлади. Либерал усулнинг камчилиги — бошқарув ходимининг кўл остидагилар билан ораси жуда яқин бўлишишир. Баъзан бу оралиқ умуман бўлмайди ва бу бошқарувнинг кўпинча «бепарволик» деб аталади, чунки бошқарув ходими томонидан қўлланиладиган усуллар кўп масалаларни ҳал этишда самарасиз бўлиб чиқади. Одатда, бошқарувнинг либерал усулида кўпинча жамоа ривожланишишга интилмайди. У ўзаро низолашадиган, ҳар бири расмий бошқарув ходими ихтиёрий тарзда бериб қўйган ҳокимиятдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишишга интилувчи етакчинини илгари сурадиган норасмий гуруҳларга бўлинib кетади.

Тавсифланган бошқарув ходимиллик модели ўз турига кўра бир ўлчамили, яъни чизиқли модельшир. Иккиси ўлчамили моделлар ҳам мавжуд. Улардан кўпроқ маълум бўлгани — Р. Блейк ва Д. Моугон томонидан ишлаб чиқилган «бошқарув панжараси». Бу моделда раҳбарлик усуллари икки хил кўрсаткичга кўра фарқланади. Булар: бошқарув ходимининг

иш манғаатларини кўзлаши даражаси ва ходимларни кўзлаши даражасидир. Ушбу назария нуқтаи назаридан қараганда, ҳар қандай бошқарув ходими (шу жумладан, ТМ директори) фаолиягининг муваффақияти унинг таълим жараёнини ва педагоглар жамоаси аъзолари манғаатларини қанчалик кўзлашига боғлиқ. Моделнинг ҳар бир жиҳати 9 даражага эга ва ҳосил бўлган бу панжаранинг ҳар бир катагига бошқарув ходимиликнинг муайян усули мос келади.

Масалан, маълум бир катақка таълим жараёнида юқори натижага олишга буткул йўналтиришган ва бу натижаларни таъминлайдиган педагогларга энг кам эътибор қаратадиган «қаттиқ» усул тўғри келади. Бундай бошқарув ходими учун натижага — мақсад, ўқитувчи эса — нари борса, юқори меҳнат натижалари учун мукофотга лойик, паст натижага учун эса жазога мустаҳиқ бўлган ижрочи, мурватдир. Бундай диктаторнинг доимий тазиқидан қочишга ҳар қандай уринишни у ўз вақтининг кўп қисмини бағишлийдиган ялпи назорати билан йўқча чиқаради. Доимий асабий ҳолатда бўлган бундай бошқарув ходими ўзининг «раҳбарлик тазиқи» билан бальзи ўқитувчиларни ТМ муаммоларини ҳал қилишда қатнашишдан воз кечишга, бошқаларини эса ишдан кетишгача олиб келади.

Биринчи ўринга инсоний муносабатларни қўядиган, фаолият натижаларини эса иккинчи даражали деб биладиган усул «қаттиқ» усулнинг бутунлай тескариси бўлган усулдир. Бу усулда ўзаро ёрдамга катта аҳамият берилади, педагогларнинг эҳтиёжлари ҳисобга олинади, уларнинг муаммоларини ҳал қилишда ёрдам берилади, касбий ўсиши рагбатлантирилади. Айни пайтда фаолиятни ташкил этиш масалалари бошқалар зиммасига ағдарилиб ёки, ҳатто улар билан кам шугулланилиб, умуман «ўзибўларчилик» қилинади. Бундай бошқарув ходимининг иши худди «ўз-ўзича кетаёттандек» бўлади. ТМда яратиладиган ва қандайдир «дам олиш уйи»ни эслатадиган бундай шароит, одатда ўқитувчиларга ёқади.

«Панжара»нинг марказида ишончли бўлган ўртacha даражага таянган бошқарув усули туради. «Қаттиқ» бошқарув ходимлари ҳам, «юмшоқ» бошқарув ходимлари ҳам ҳақиқатдан ташқари иш қилимокда, деб ҳисоблайдиган бундай бошқарув ходими ўртacha ҳолатни танлаб, асосий тактик шиор сифатида «бошқалардан кам бўймаслик ва жамоада тангликни келтириб чиқармаслик»ни шиор қилиб олади.

«Панжара»нинг чап қўйи бурчагидан ҳеч нарсага — юқори натижаларга ҳам, қулай иш шароити яратишга ҳам интилмайдиган бошқарув ходимлари жой олган. Улар ишдан бўшатилишдан қутулиб қолиш имконинигина берадиган иш сифатига эришиш учун жуда кам куч сарфлайди.

Юқори ўнг бурчакша бошқарув ходимиликнинг идеал усули жойлашган. Бу -- педагогларнинг эҳтиёжларини тўла инобатта олган ҳолда

ўкув-тарбия жараёнида эришилган энг юқори натижা. Бу усулнинг энг муҳим жиҳати унинг ТМни доимий ривожлантиришга йўналтирилганлигидир. Бундай бошқарув ходими ишни ўқитувчилар ўзини намоён этиш ва ўз шахси аҳамиятини тасдиқлаш имконига эга бўладиган тарзда ташкил қилишга интилади.

Бошқарув усуllibарини юқорица кўрсатилган жиҳатлар бўйича ўтказилган кўп сонли тадқиқотлар, умуман олганда, ходимларнинг манфаатларига эътибор берадиган бошқарув ходимилик уларда юқори даражада қоникиш ҳиссини ўйғотишини кўрсатди. Бирок, бошқарув ходимининг бундай йўл тутиши ҳар доим ҳам у бошқараётган жамоанинг юқори унумли ишлашига олиб келавермайди.

Биз бошқарувнинг маълум бир усули барча вазиятларда ҳам энг самарали бўла олмаслигидан келиб чиқмоқдамиз. Раҳбарлик вазиятдан келиб чиқувчи, мослашувчан бўлиши лозим. Раҳбарликнинг вазиятдан келиб чиқувчи концепциясига кўра, бошқарув ходими жамоанинг аҳволига, у бажараётган вазифага ва фаолият шароитларига энг кўп мос келувчи усульнин танлай билиши лозим.

Яхши бошқарув ходими ходимларнинг юриш-туришига таъсир қилувчи турли хил усуllibарга эга бўлиши ва улардан ҳар бир вазиятта энг мос келувчисини танлай олиши илм ва тажрибада исботланган.

Бошқарув ходими ўз фаолияти самарали бўлиши учун:

- жамоанинг аҳволини таҳлил қилиш;
- қўл остидаги ходимларининг хулиқ-автори сабабини тушуна олиш;
- ходимларни самарали ишга ундаш, уларнинг касб маҳорати ўсишини рафбатлантириш;
- жамоада унумли меҳнат қилиш учун юқори даражада қулай муносабатларни шакллантириш;
- топшириқларни ходимлар ўзларидан нималар кутилаётганлигини англайдиган ва уни бажаришга интиладиган тарзда бериш;
- қўл остидаги ходимлар ишини самарали назорат қилиш;
- ўз ходимларини, уларнинг имкониятлари ва манфаатларини тенг баҳолаш;
- жамоадаги зиддиятларнинг олдини олиш ва ҳал қилиш;
- ходимлар билан уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва вазиятта қараб муомалада бўлишга қодир бўлиши керак.

ТМ директори ва унинг ўринbosарлари ҳақиқий маҳсулотни ўзлари эмас, балки уларнинг қўл остидагилар ишлаб чиқараётганини ва асосий вазифалари ишга қобилияти, етук жамоани шакллантириш эканлигини тушуниши керак. Бирок реал шароитда педагоглар жамоала-ри ҳар хил хусусиятларга эга бўлади.

Бошқарув ходими олдинда турган вазифаларни ҳал эта бориб, ўз жамоасининг хусусиятларини билиши ва инобатга олиши керак.

Жамоанинг ривожланиш даражаси паст бўлган шароитда тегишли вазифаларни мудаффақиятли бажаришда бошқарувнинг авторитетар усули катта имкониятларга эга. Бу ҳолатда бошқарув ходими улама вагонларни тортиши лозим бўлган локомотив ролини ўз зиммасига олади. Аммо жамоа қанчалик кўп ривожланган бўлса, у бошқарувни шунчалик демократлаштиришни, ўзини ТМ ҳаётининг субъекти сифатида кўрсатиш учун имкониятлар яратиб берилишини тараб қиласи. Бироқ шаклланиб бўлган етук жамоали ТМга янги бошқарув ходими келса ва авторитетар усулда иш юрита бошласа, бу муносабагларнинг таранглашувига олиб келади ва бошқарув ходими ё бундай жамоани издан чиқаради ва уни ўз билганича қайта шакллантиради, ёки ўз методини ўзгартиради (агар бунга қодир бўлса), ёхуд кетишга мажбур бўлади.

Бироқ жамоанинг хусусиятлари абдадий ўзгармас бўлмайди. Уни тегиши меъёр ва қадриятларни шакллантириш натижасида ўзгартириш мумкин. Хорижда ўтказилган текширувлар ходимларга маъкул бўлган шиорлар, сифат кўрсаткичлари, тартибот ва қоидаларда ифодаланувчи амалий қафриятлар юзага чиқарилган ташкилотларнинг барчаси, одатда, ўз соҳасида тез ривожланаётган ва илгор эканлигини кўрсатди.

*Жамоани ривожлантиришнинг энг самарали усули — педагогларни ТМнинг ҳаётий жараёнларига нафақат ижрочи, балки уларнинг субъектлари сифатида ҳам жалб этишадир.* Мақсадларни кўювчи ва уларга эришиш йўлиларини белгиловчи субъектдир. Шу сабабли, бошқарув ходими ўқитувчиларнинг ижодкорона ишлashinga ва уларнинг ТМни бошқаришда кенг иштирок этишига ҳар томонлама ёрдам бериши, ТМда ривожланган жамоага хос меъёр ва қадриятларни сингдиришга интилиши керак. Бундай жамоаларда бошқарув унинг обьектлари (масалан, педагоглар жамоаси аъзолари)нинг ўзи бошқарувда фаол қатнаша бошлайдиган тамойиллар асосига курилади. Бошқарув ходими тазиик кўрсатиш, ишонтириш, кўндириш, айрим шахсларнинг қаршилигини енгиш учун вақт сарфлаб ўтирамайди, чунки ходимлар қарорларни худди ўзиникидек, шахсийдек қабул қиласи. Бундай жамоаларда қарорларни ишлаб чиқиши ва қабул қилиш барча (ёки кўнчилик) томонидан амалга оширилади. Барча ўқитувчилар бир ёқадан бosh чиқариб ишлайдиган бундай педагоглар жамоалари ҳаммага маълум. Бу ерда доимий маънавий ўсишга, касб маҳоратини оширишга, илмга интилиш сезилиб туради. Бундай ТМ таълим олувчилар орасида ҳам, ота-оналар орасида ҳам обрўга эга бўлади. Уларда ўкув-тарбия жараёнининг савияси доимо юқори бўлади.

Бошқарув ходимлари ўз ходимларининг бундай ҳамжиҳат, ижодий ишлashinga қандай эришадилар?

Ташаббус ва ижодкорлик жамоанинг одатий ҳаётига айланиши учун қандай усуллардан фойдаланиш лозим?

Мазкур масалани ҳал этиш учун мотивациянинг ижтимоий-педагогик жиҳати бўлган ички мотивлар ҳақида сўз юритамиз.

**Биринчидан**, ёдда тутиш зарурки, кўпчилик одамларга ўзининг қадрли эканлиги, кераклиигини ҳис қилиш ёқади. Агар бошқарув ходими ишдаги яхши натижаларга фақат мукофотлар ва жазолар орқали бошқариш мумкин, деб ўйласа, адашади. Муваффакият қувончи ва эътироф маошнинг ошиши, пул мукофотлари ёки жазодан кўркиш кабиларга қараганда кучлироқ таъсири қиласди.

**Иккинчидан**, жамоа фаолиятининг ўзини ҳам аниқ ташкилий асосда куриш ва бунда қуидагиларни назарда тутиш лозим:

- ходимларнинг барча категориялари учун асосли малака талабларининг мавжуд бўлиши;

- функционал мажбуриятлар, вазифалар тақсимоти ва топшириқларни бажариш бўйича ваколатлар аниқ белгилаб қўйилиши;

- бажарилиши реал бўлган, тегишли материаллар, кадрлар ва вақт ресурслари билан таъминланган тадбирларнинг режалаштирилиши;

- барча кўрсаткичлар: аниқ бир тадбирни амалга ошириш, ахборот, статистик ҳисоботларни олиш, текширувларни ташкил қилиш ва шунга ўхшаш нарсалар бўйича муддатларни белгилаш;

- ишни бажариш учун зарур ахборот олиш имконияти ва бошқа соҳалар.

**Учинчидан**, қуидагиларни қоида қилиб олиш лозим:

Мехнат ахлоқини яхшилаш учун нима қилиш ва нима қилмаслик керак?

1. Тақдирлашни ўқув жараёнини ва талабалар тайёрлаш сифатини яхшилашга олиб келадиган фаолият билан бевосита боғланг.

2. Файрат-шижоати ва эришган натижалари муайян тоифага тегишли ходимлар (ўқитувчилар)нинг ўргача натижаларидан юқори бўлган кишиларга омма олдида ва сезиларли эътибор кўрсатинг.

3. Ходимларни таълим сифати ва кафедралар ходимлари фаолияти натижаларини ҳақоний баҳолаш мезонлари ҳамда кўрсаткичларини бошқарув ходимлари билан бирга ишлаб чиқишга қатнашишига йўл очинг.

4. Раҳбарият талаблари ва мукофотлашнинг мавжуд тизими ўртасида катта фарқни юзага келтирманг.

5. Таълим жараёнини яхшилаш дастурлари ишдан қониқишини оширишга қаратилгандек қилиб кўрсатманг.

6. Ҳақиқий иш бажарувчилар билан ўзининг орасидаги масофани узоқлаштирадиган бошқарув ходимлари учун алоҳида имтиёзлар яратилишига йўл қўйманг.

**Навбатдаги омил** — жамоа аъзоларини муайян вазифани бажаришга оид фаолиятни режалаштиришга жалб этиш. Агар бошқарув ходими ходимларни режалаштиришга жалб этса, иш қандай тартибда, қайси воситалар билан бажарилишини, ким нима учун жавоб беринини биргаликда ҳал этса, агар ходимларга мақсад ва вазифалар тушунарли бўлса, улар бор кучи билан ишлайди.

Айтайлик, бирон-бир масала бўйича қарор ишлаб чиқиш учун директор ўқитувчилар, ота-оналар, таълим олувчиларни жалб қилди, қарор овоз бериш йўли билан, яъни демократик усулда қабул қилинди дейлик. Бундай қарор ҳамиша ҳам тўғри бўлаверадими, деган савол туғилди. Ҳаёт бундай бўлавермаслигини кўрсатади. Маъмурият, ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар кўпинча муаммога бир хил қарамайдилар, бир вазиятни улар турлича баҳолашади. Бунинг сабаби аён: қатор масалалар бўйича етарли билимга эга бўлмаслик, ўз ҳукуқлари, ваколатлари, масъулият даражаси ҳақида аниқ тасаввурнинг мавжуд эмаслиги.

Хулоса тушунарли. Башарти биз ушбу барча одамларни қарор қабул қилишга норасмий эмас, балки ҳақиқатан ҳам жалб қиладиган бўлсак, уларни бунга ўргатиш лозим. Ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар билан уларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари, ҳар бир одамнинг масъулият даражаси бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш, тегишли меъёрий ҳужжатлар билан таништириш ва тушунтириб бериш, ҳукуқларини ҳаётда рўёбга чиқариш имкониятини кўрсатиб бериш, ўзини ўзи баҳолашга ўргатиш, зарур адабиётлар, ахборот олиш имкониятини яратиш керак.

Ишлётган ҳар қандай жамоа вакилларидан вақт омили муаммолардан биридир. Доимо кундалик ишлар «банд қилиб кўяётганлиги, ижодкорлик у ёқда турсин, асосий вазифаларни бажаришга ҳам вақт йўқлиги» ҳақида эшлишига тўғри келади. Бу сўзлар кўпинча асосли эканлигини айтиш керак. Раҳбарият бу тўғрисида жиддий ўйлаб кўриши зарур. Чарчаган, силласи қуриган, жаҳли чиқиб турган ходим ёки ўқитувчи ижод қилишга ярамайди.

Нима қилиш керак?

— Ходим (ўқитувчи)га ортиқча юқ тушганлиги учун айбдорни ўзингиздан ташқаридан қидирманг.

— Ўқитувчига вақт бериш учун қатъият билан изчил иш олиб боринг.

— Сизнинг талабларингиз, кўрсатмаларингиз ниманинг, қанча вақт сарфи ҳисобига бажарилётганини таҳлил қилинг.

— Муайян ходимнинг иш вақтини тўлиқ кўриб чиқинг, таҳлил қилинг ва унумсиз вақт сарфининг ҳаммасини аниқланг.

— Ўйлаб чиқарилиб ходим (ўқитувчи)ларнинг вақтини асоссиз равища олаётган ишлар (ортиқча чўзилиб кетувчи мажлислар, асо-

сий мажбуриятлар билан боғлиқ бўлмаган топшириқлар, кераксиз ахборотлар ва бошқалар)дан уларни ҳимоялант.

**Юқорида тилга олинган гапларни бир тизимга соламиз.**

#### **Биринчи.**

1. Моддий рағбатлантириш, тоифасини ошириш, шахсий устамалар, мукофотлар ва бошқалар.

2. Лавозимда кўтариш.

3. Маънавий қўллаб-кувватлаш: миннатдорлик билдириш, мукофотлар ва бошқалар.

4. Мажбурлов чоралари:

а) мунтазам назорат қилиш;

б) меҳнат қонунчилигига мувофиқ жазолаш.

#### **Иккингчи.**

1. Шахсий интизом.

2. Ўзини ўзи бошқариш.

3. Ўз фикрини ифода этиш.

#### **Учинчи.**

1. Ошкоралик, хабардорлик.

2. Мажбуриятларнинг аниқ, асосли тақсимланганлиги.

3. Мақсадни бутун жамоа яхши англаб этиши.

4. Режалаштиришда барчанинг иштироки.

5. Энг яхши меҳнат ҳамиша тақдирланишини тушуниш.

6. Бошқарув ходимлари томонидан ташкилий ишларнинг ва бошқарувнинг аниқ олиб борилиши ва бошқалар.

Таълимни бошқаришнинг самарадорлиги барча даражадаги бошқарув фаолиятини ва, биринчи навбатда, бошқарув ходимлари ишининг сифатини ошириш билан боғлиқ. Шу сабабли бу фаолиятни таҳдил қилиш, уни такомиллаштириш йўлларини қидириш эҳтиёжи туғилади.

Бошқарувнинг асосий масалалари консервативлиги туфайли йиллар давомида ўзгармай келмоқда, бироқ уларнинг жавоблари ўзгариб турибди. Бошқарувнинг энг муҳим масалаларидан бири: мен қандай қилиб жуда самарали ишлай оламан ва энг яхши натижаларга эришаман, деган саволга ижобий жавоб беришдир. Вақтдан тўғри фойдаланишнинг аҳамияти ҳам кам эмас.

Махсус тадқиқот давомида (Р. Аҳлидинов, 2002) халқ таълими бўлимлари ва таълим муассасалари бошқарув ходимларининг вақт бюджети ўрганилди ва бу тадқиқот уларнинг фаолият турларини диққат билан кўриб чиқиш, вақтдан доимий равищда нотўғри фойдаланишдаги барқарор тенденцияларини аниқлаш имконини берди. Тадқиқот давомида бошқарув ходимларининг бир ойлик вақт бюджети хронометражи ўтказилди. Иш вақти сарфининг фаолиятнинг ҳар хил турлари бўйича таҳлили қўйидагиларни кўрсатди:

№	Фаолият турлари	Вақтнинг ой давомидаги сарфи (%)
1.	Бўйсунувчи муассасалар фаолиятини таҳтил қилиш	13
2.	Юқори ташкилотлар ўтказадиган мажлисларда қатнашиш	12
3.	Маъмурий-хўжалик фаолияти	21
4.	Юқори органлар топшириғиги билан ҳисобот ва материаллар тайёрлаш	16
5.	Жамоат топшириқларини бажариш	10
6.	Истиқбол режалар ва лойиҳалар устида ишлаш	9
7.	Кўзда тутилмаган ишлар	19

Таҳтил жараёнида бошқарув ходимининг иш вақтидан тўғри фойдаланмаслигининг асосий сабаблари аниқланди. Улар қуйидагилардан иборат:

- ишда асосий жиҳатни ажратиб ола билмаслик, ишни ойлик, ҳафталиқ, кунлик қилиб режалаштира олмаслик;
- бошқарувнинг ҳаммасини бўйнига олишга интилиб, бир қисмини бошқаларга бермаслик. Кўп вақт оладиган майда-чўйда нарсалар билан уралашиб қолиш шундан келиб чиқади;
- ўртacha малака юқори бўлмагани ҳолда кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг пухта ўйланган, самарали тизими йўқлиги;
- ходимлар ўргасида мажбуриятларнинг ноаниқ тақсимланиши. Бошқарув ходимининг ўзига тегишли бўлмаган вазифаларни бажариши;
- бошқарув ходимининг жамоа ишини педагогик жиҳатдан пухта таҳтил ва назорат қила олмаслиги, асосий — ўкув-тарбия масаласини унубиб кўйиб маъмурий-хўжалик масалалари билан ҳаддан ташқари кўп шуғулланиш шундан келиб чиқади;
- келиб тушаётган аҳборот билан ишлаш тизимининг, ходимларнинг топшириқларни бажаришини назорат қилишнинг йўқлиги;
- иккинчи даражали мажлисларнинг кўплиги. Бошқарув ходимининг, ходимларнинг мажлислар ва бошқа йигинларга пухта тайёрланиш тажрибасининг йўқлиги.

Олинган натижалардан бошқарув ходимлари ўз шахсий фаолиятини ташкил қилишда вақтдан тўғри фойдаланиш ёрдамида эришилиши мумкин бўлган натижани қўлдан чиқармоқдалар, деган хуло-сага келиш мумкин.

Одатда, яхши режалаштирилган фаолият вақтни алоҳида режалаштирумаса ҳам амалга ошаверади, деб ўйлаймиз. Бироқ тажриба бу тасаввур ногўри эканлигини кўрсатяпти. Биз ўз вақтимизни турли тадбирлар ва пировард мақсадларга айнан фаолиятини яхши режалаштириш ёрдамида сарфлай олмаймиз, аксинча, анъанавий кун тартиблари бизни вақтдан фойдаланишдан олинадиган натижалар нуқтаи назаридан олдинги ва кўпинчча ногўри йўналишга солиб қўяди. Шу сабабли вақтни кунига-

ча аниқлик билан режалаштириш ҳақида қайгуриш табиийдир. Агар халқ таълими бўлими ёки таълим муассасаси муайян эҳтиёжлардан келиб чиқиб тайёрланган замонавий тақвимга эга бўлса, бу янада осонлашади.

Шунга мувофик равишда, шахсий фаолият режаси ва вақт бюджети асосида вақт сарфи ҳам киритилган йиллик иш режаси тузилади. Бу ҳар бир ой учун вертикал устун чизилган мўлжалланган иш тақвими бўлади.

Вақтдан фойдаланиш режаси учун бир неча амалий тавсиялар берамиз:

1. Вақтдан фойдаланиш режамизда йиллик даражада ҳам, ҳафталик даражада ҳам ҳар бир пировард мақсаддан ва унинг учун белгиланган тадбирлардан онгли равишда келиб чиқиш керак.

2. Ўзимиз учун йиллик, ойлик, ҳафта, кунларнинг иш маромини белгилаб олишимиз ва уни олдинда турган, имкони борича узокроқ муддатта мўлжалланган ҳисобот даврларида вақтдан фойдаланиш режаларини тузишда жорий этиш зарур.

3. Вақтни аниқ тақсимлаш режасини камида уч ойга мўлжаллаб тузишни мақсад қилиб қўйиш лозим. Бироқ бутун вақт бюджетини 60 %дан кўпроқ режалаштирумаслик керак. Бу ортиб қолган вақт уни билиб сарфлаш ва кўзда тутимаган тадбирлар учун керак бўлади. Агар яқин бир неча ҳафта учун вақтнинг 5—10 %игина олдиндан режалаштирилган бўлса, бу ўз вақтидан фойдаланишни бошқариш нияти жиддий бўлмаганлигини англатади. Вақтни бошқариш бошқарув ходимининг вақтдан фойдаланишни режалаштириш техникаси билангина эмас, балки унинг ўз иштиёқи билан ҳам боғлиқдир. Унга, албатта, вақтдан фойдаланишни режалаштиришнинг мақбул, аниқ техникаси зарур, чунки у кўплаб тадбирларнинг ҳаммасини хотирасида сақлаб тура олмайди.

Вақтнинг йиллик тақсимотини режалаштириш бўйича маслаҳатлар ҳафта ёки кунларни режалаштиришда ҳам ўз ифодасини топиши табиий. Ҳафталик режани тузишни ҳеч бўлмагандан олдинги ҳафта жума кунининг сўнгти соатларида бошлаш тавсия қилинади. Ҳафталик режада келгуси ҳафта учун пировард мақсадни аниқлаш ва бажарилиши лозим бўлган ишларни муҳимлигига кўра белгилаб олиш зарур. Ишни қўйицаги тартибда уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Пировард мақсадларга эришиш нуқтаи назаридан бажарилиши шарт бўлган ишлар; келгуси ҳафтада, вақт етса, бажариладиган ишлар; ҳафтада вақт ортиб қолса, бажариладиган ишлар.

2. Вақтни тақсимлаш ва ўтадиган ҳар бир соат жамоангизнинг бош вазифасига, «миссия»сига хизмат қиласидиган тарзда тўлдиришни албатта ўрганинг. Майдо-чуйда нарсаларга ўралашиб қолманг. Майдо-чуйдаларнинг кучи улар жуда кўплигига.

3. Вақтнинг тақсимотини доимий равищда кузатиб ва текшириб боринг. Ишингизнинг мазмунини, боши ва охирини муайян схема бўйича қайд қилиб боринг.

4. Чизмалар, схемалар, хроникалар, жадвалларни ўйлаб топингт, уларни яхши кўринадиган жойга илиб қўйинг ёки жилдларда сақланг, компьютер хотирасига киритиб қўйинг, асосийси — ахборотни тартибга солинг, ўзингизни назорат қилишни такомиллаштиринг. Мажлисларни камроқ ўтказинг, аммо уларнинг ҳар бирига пухта тайёрланинг.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳар бир бошқарув ходими ўзидан вақт тақсимотини бошқаришга тўғри муносабатни талаб қилиши керак. Ходимларнинг ҳам қанчалик кўп қисми ўз вақтидан тўғри фойдаланишини хоҳласа, таълим муассасаларининг олдига пировард мақсадларда қўйилган вазифалар амалга оширилишига шунчалик ишонч комил бўлиши мумкин.

### III. 6.2. БОШҚАРУВ КАДРЛАРИНИ КАСБИЙ ТАЙЁРЛАШ

Тадқиқотлар бошқарув ходимлари ва таълимни бошқариш ходимлари бошқарувчилик тайёргарлиги даражаси етарли эмаслиги уларнинг ТМ муассасаларини бошқариш фаолияти самарадорлигини ошириш талабларига зид чиқаёттанини кўрсатди. Бу муассасаларни, улардаги ўқув-тарбия жараёнларини бошқариш савияси бошқарувчиларнинг касбий тайёргарлик даражаси билан чамбарчас боғланган. Синов минтақаларидағи сұхбатлар ва сўровлар (Р. Аҳлидинов, 2002) давомида вилоят халқ таълими бошқармалари ва туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари аппарати ходимларининг педагогик бошқарувни амалга ошириш учун зарур бўлган билимларга талаб ва эҳтиёжлари ўрганилди. Сўровлар, шунингдек, бу ходимларда касбий қийинчилликларнинг юзага келиш жараёнларини аниқлаш имконини берди.

Натижада қўйидаги маълумотлар олинди.

Вилоят, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ходимларининг касбий фаолиятида дуч келадиган қийинчилликлар (сўровда иштирок эттанлардан муайян қийинчилликни кўрсанганлари, фоиз ҳисобида)

1. Ўқув йили якунларини педагогик ва диагностик таҳдиллан ўтказиш	67
2. Дарсларнинг илмий-методик савиясини аниқлаш	39
3. ТМ педагоглар жамоасининг бошқарув ходимилик фаолиятини баҳолаш	27
4. Ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини аниқлаш	71
5. Таълим муассасаси фаолиятининг аниқ мақсадларини аниқлаш	34
6. ТМ муассасасини текшириш ластурини ишлаб чиқиш	25
7. Янги тиқдаги таълим муассасаси фаолиятини баҳолаш	71
8. Ўқитувчи фаолиятини баҳолаш	24
9. Ўқувчилар билим даражасини тест ёрдамила аниқлаш. Рейтинг тизимини кўллаш	56
10. Истиқбол вазифаларни белгилаб олиш учун ахборотни ишлаш	63
11. ЭҲМлан фойдаланган ҳолда турли таҳдиллар ўтказиш	74
12. Мактаб ички назорати аҳволи ва мазмунини баҳолаш	42
13. Қабул қилинган қарорлар ва буйруқларнинг ижросини таъминлаш	57
14. Педагогика фани ютуқлари ва илгор тажрибани қўллаш самарадорлигини таҳдил қўлиш	48

Кўйида келтирилаётган тадқиқот натижалари ходимларнинг бошқарув назарияси бўйича билимларга бўлган кучли эҳтиёжини кўрсатади (% ҳисобида).

№	Бошқарув назарияси масалалари	Билимдан қониққанлар	Билимга муҳтожлар
1.	Педагогик бошқарув тамойиллари ва методлари	29	71
2.	Ишни режалаштиришининг илмий асослари	17	83
3.	Ўкув-тарбия жараёнини бошқаришга тизимли ёндашув	6	84
4.	Педагогик ахборотга қўйиладиган асосий талаблар	25	75
5.	Бошқарув жараёница назорат	47	53
6.	Таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш методикаси	61	39
7.	Бошқарув жараёнида рейтинг тизимини қўлдаш	7	83
8.	Педагогик диагностик таҳдид – бошқарув асоси	23	77
9.	Илгор педагогик тажрибани ўрганиш методлари	54	46
10.	Таълим муассасаларини давлат аттестациясидан ўтказиш ва аккредитациялаш масалалари	14	86

Бу маълумотлар таҳдили аппарат ходимларининг бошқарувчилик билимлари даражаси билан улар бошқарув фаолиятида дуч келаётган қийинчилеклар ўртасидаги тўғридан-тўғри боғлиқликни кўрсатиб турибди.

Шундай қилиб, ҳалқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари, вилоят аппаратида ишни ташкил қила олиш маҳорати ходимларнинг касбий тайёргарлик даражаси билан узлуксиз боғланган. Лавозим мажбуриятларини бажаришда юзага келадиган қийинчилекларни аниқлашни, педагогика бўйича, бошқарув назарияси масалалари бўйича билимларнинг етарли эмаслигини нафақат ходимларни курсларда тайёрлашда, балки бошқарув ходимларининг ўз аппарати билан ишлашида ҳам назарда тутмоқ лозим. Буларнинг барчаси бошқарув ходимларидан, биринчи навбатда, умумпедагогик ва бошқарув маҳоратини шакллантириш ва такомиллаштиришдан, психологик-педагогик билимларнинг янгиланишидан, бу билимларни инспекторлар ва услубчилар фаолиятида қўллашни ўрганишдан иборат бўлган педагогик бошқарувни рўёбга чиқаришни талаб этади.

Юқоридаги маълумотлардан бошқарма бошлиги ва ТХТБ мудири ўз аппаратидаги бошқарувчилик фаолиятида эътиборини ходимларни ўқитишга қаратиши лозимлиги келиб чиқадики, бу жараёнда:

- бошқарув обьекти тизимли кўра билишни ривожлантириш;
- вилоят ХТБ ва ТХТБнинг бошқариш фаолиятининг яхлит тизимини режалаштириш малакасини шакллантириш;
- норматив ва директив ҳужжатлар билан ишлаш малакасини шакллантириш, уни назорат қилиш;

- аппаратнинг, вилоят (туман) ташкилотлари, муассасалар тузилмасидаги барча бўлимлар фаолиятини мувофиқлаштира олиш ма-лакасини шакллантириш;
- ўқув-тарбия жараёни самарадорлигини таҳдил қилишни ўрга-тиш;
- ЭҲМ ёрдамида яхлит ахборот таъминоти тизимини яратиш (ах-борот тўплаш, қайта ишлаш) ма-лакасини шакллантириш;
- туман ХТБлари олдидағи ва ТМ фаолиятидаги асосий вазифа-ларни белгилаш ма-лакасини ривожлантириш;
- мактаб ички назорати мазмуни, методлари ва шаклларини бел-гилаш ма-лакасини шакллантириш ва бошқалар;
- ходимларни педагогика фанининг энг сўнгти ютуқлари, илгор тажриба билан доимий таништириб бориш;
- турли шаклдаги ТМда ўқув-тарбия жараёни мазмуни ва уни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва ўзлашти-риш лозим.

Вилоят ХТБ бошлиги ва ТХТБ мудири фаолиятида бу йўналишлар яна шунинг учун устун бўлиб қолмоқдаки, аппаратнинг кўплаб ходимлари (мамлакатнинг турли жойларида 44 %дан 67 %гача) мавжуд тайёрлов курслари ишидан қониқмаяпти, 66,7 % мустақил билим олишни ташкил этишда ёрдамга муҳтож, инспекторларнинг 72 %дан ортиқроғи тизимли равишда йўл-йўриқ олиб туришни, бевосита вилоят ХТБ аппа-ратида ва ТХТБда бошқарув ходимидан маслаҳат олишни хоҳлади.

Вилоят ХТБ ва ТХТБ раҳбарларининг бошқарув фаолиятида Пе-дагогик йўналишни кучайтириш йўлларидан бири улар томонидан дастурли-мақсадли ёндашувнинг кўлланилишидир. Мақсадли ён-дашув — бу бошқарувнинг барча таркибий қисмларини — тузилма, режалаштириш, рағбатлантириш, айнан пировард мақсадга қатъий йўналтириш ва ҳоказолар. Бунинг асоси, ўзаги комплекс-мақсадли дастурдир.

Халқ таълимининг вилоят бошқармалари ва туман бўлимлари ша-роитида дастурли-мақсадли ёндашувни иккι хил йўл билан амалга оши-ришимиз мумкин: биринчидан, халқ таълими бошқармаси ёки бўлими иш режасининг узвий қисми дастурини ишлаб чиқиша ва, иккинчи-дан, нафакат шакллантириш босқичида, балки бажариш жараёнида ҳам алоҳида хусусият касб этадиган айрим комплексли дастурларни ишлаб чиқиша. Бироқ бу вилоят ХТБ бошлиги ва ТХТБ мудирининг бошқ-арув фаолиятида дастурли-мақсадли ёндашувнинг кўлланилиши уни кўп сонли режалар ишлаб чиқишига ёки бу режаларни дастурлар билан алмаштиришга мажбур этади, деган маънони англатмайди.

Бизнингча, ХТБ ва ТХТБ даражасидаги дастурли-мақсадли ки-чик тизим:

- вазифанинг мураккаблиги ва янгилиги;

■ турли функционал гурухлар томонидан таъминланадиган кўтилаб оралиқ натижаларга боғлиқ бўлган пировард мақсад;

■ пировард мақсадга эришишнинг турли босқичларида тўғридан-тўғри ва қайтма мураккаб алоқалар мавжудлиги билан изоҳланадиган фаолият турлари учун шакллантирилади.

Бунда комплекс-мақсадли дастурлар воситасида бошқариш вилоят, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари чизикли-функционал тузилмаси бўғинларининг вилоят (туман) ташкилотлари билан ваколатлар ҳамда масъулиятни тақсимлашга асосланган ўзаро муносабатидан иборат бўлади-ки, бу вилоят (туман) таълим тизимини ривожлантириш борасидаги педагогик мақсадларга эришиш билан боғлиқ ишларни ташкилий ва функционал бошқаришни таъминлайди.

Мақсадли дастурларни бошқариш тизимининг асосий вазифасини бошлиқ (мудир) бошқарув фаолиятининг педагогик жиҳатдан йўналганилиги самараодорлигини оширишдан вилоят ХТБ ва ТХТБ даражасида дастурли-мақсадли бошқариш тизимини яратиш қуидаги масалаларни ҳал этишга қаратилган:

■ вилоят, ХТБ (ТХТБ), халқ таълими бўлимларининг барча тузилмавий бўлинмалари, халқ таълими муассасалари ишини такомиллаштириш билан машгул бўлган вилоят (туман) ташкилотларининг фаолиятини имкони борича тўлиқ ва самарали мувофиқлаштиришни таъминлаш;

■ вилоят ХТБ (ТХТБ) раҳбарини аниқ дастурни бажариш билан банд бўлган ижрочилар ишига оператив раҳбарлик қилиш ва уни мувофиқлаштириш функциясидан озод этиш ҳамда шу орқали бошқарув ходимининг бошқарувчилик фаолиятининг педагогик йўналтирилганлигини кучайтириш;

■ бошқармалар (халқ таълими бўлимлари), дастурни амалга ошириш билан машгул бўлган алоҳида ходимларнинг ўз фаолиятининг пировард натижаси учун масъулиятини ошириш;

■ бошқарувда демократик асосларни ривожлантириш, вилоят ХТБ (ТХТБ) ходимларида долзарб педагогик вазифаларни ҳал қилишта қаратилган фаолиятга эҳтиёжни, асосни шакллантирган ҳолда уларни мақсадли-дастурли бошқарувга жалб этиш.

Халқ таълими вилоят бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари даражасида тузиладиган мақсадли дастурларни, бизнинг фикримизча, қуидаги тамойиллар асосида таснифлаш мумкин:

■ мақсадлар хусусиятига кўра (ўқув-тарбиявий, тарбиявий, ўқув-методик, илмий-методик, маърифий ва ҳ. к.);

■ бажарилиш миқёсига кўра (функционал, туман ичидаги, туманлараро, вилоят ичидаги ва шу каби);

■ функциялараро алоқалар ҳажмига кўра (умумий — барча ёки аксарият функцияларни қамраб олувчи ва вилоят ХТБ бошлиғи

(ХТБ мудири) ёки унинг ўринбосари даражасида бошқарилувчи, маҳаллий — бир-икки функцияни қамраб олувчи ҳамда инспекторлар ва услубчилар даражасида бошқарилувчи);

- нисбий давомийлигига кўра (бир йил атрофидаги вақт давомида бажариладиган ёки бир неча режалаштириш даврини қамраб олувчи);
- дастурли-мақсадли бошқариш органлари таркибига кўра, вилоят (туман) мувофиқлаштирувчи-маслаҳат органларини ажратиб кўрсатган, дастур бошқарув ходими қошида мақсадли гурухлар ташкил этган ҳолда. Шу тариқа, вилоят (туман) ТМдаги ўқув-тарбия жараёнининг дастурий-мақсадли тамойилларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вилоят, ХТБ бошлиғи (ХТБ мудири) олдига қўйидаги вазифаларни қўяди:
- ТМдаги ўқув-тарбия жараёнининг аҳволи ва натижаларини ҳар томонлама ўрганиш ҳамда вилоят (туман) учун долзарб муаммоларни аниқлаш;
- педагогик жараённи мунтазам чуқур, таъсирчан ва тарбиявий таҳлилдан ўтказиб туриш;
- мақсадли дастурларнинг педагогик жиҳатдан асосланишини таъминлаш;
- мақсадга эришиш йўллари ва воситаларини аниқ назарда тутиш.

Бу вазифаларни бажариш вилоят ХТБ бошлиғи (ХТБ мудири)-дан бутун эътиборни лойихага ва фаолият натижасига, таълим ва тарбия мазмуни ва методикаси борасидаги педагогик билимдонликни муттасил ошириб боришига, педагогик психологиянинг энг сўнгти ютуқларини билишга қаратишни, ўқув-тарбия жараёнининг дастурли-мақсадли тамойиллари бажарилишини педагогик таҳлилдан ўтказиш малақасини, ТМни комплекс текширишларда, давлат аттестациясидан ўтказиш ва аккредитациялашда бошқарув ходимларининг вақти-вақти билан бевосита иштирок этишини, аппарат билан, ТМ бошқарув ходимлари билан уларнинг ўқув-тарбиявий жараёнини дастурли-мақсадли, мазмунан ва бошқарув жиҳатдан текширишга ҳар томонлама чуқур тайёргарлиги бўйича педагогик иш олиб боришни талаб қиласди. Ушбу талабларни бажариш вилоят ХТБ бошлиғи (ХТБ мудири) ишида педагогик ишлар ҳиссасининг ортишига олиб келади.

Бошқарув ходимлари фаолиятининг педагогик жиҳатдан йўналтирилганлигини кучайтиришнинг **иккинчи шарти** муаммоли семинарлар ишини амалиётга жорий қилишдан иборат. Уларнинг режа ва дастурларини ишлаб чиқиша ижодий ва муаммоли семинарлар ХТ тизими амалиётида тингловчиларнинг ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича билимларини чуқурлаштириш, уларнинг назарий, методик ва психологик-педагогик тайёргарлигини оширишда таъсирчан воситага, уларнинг изланиш, экспериментал ва тадқиқотчи-

лик ишида биринчи қадамга айланғанлиги асос қилиб олинган. Бу, бизнингча, бошқарув ходимларининг бевосита тингловчилар ҳақиқий талаблари, эҳтиёжлари, истакларини ҳисобга олган ҳолда мақсадли равишда малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш имконини беради.

Бошқарма (бўлим) бошқарув ходимининг бошқарувчилик фаолиятини яхшилашнинг учинчи **шарти** бошқарув қарорларини тайёрлаш ва амалда татбиқ қилиш жараёнини такомиллаштиришдир. Бунда вилоят ХТБ бошлиғи (ХТХБ мудири) томонидан қарор қабул қилинишини, аввало, ҳалқ таълими тизимида, унинг фаолият кўрсатиши ва тараққиётида юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш жараёнини рӯёбга чиқарувчи омил сифатида мазмун нуқтаи назаридан кўриб чиқишига ҳаракат қиласиз. Биз ушбу ҳолатда таснифлашта вилоят ХТБ (ХТХБ) таъсирининг таълим муассасасига йўналтирилганилиги тамойилини асос қилиб олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Мазмунан олиб қараганда, вилоят, ҳалқ таълими бошқармаси бошлиғи (туман бўлими мудири)нинг ташкилий-педагогик функциялари ташкилий-педагогик вазифаларни самарали ҳал этишга қаратилган. Шу боис, биз педагогик (бевосита педагогик масалаларни ечишга кўмаклашувчи) қарорлар ва ташкилий-техник қарорларни алоҳида ажратиб оламиз. Бошқарув ходими қабул қиласиган қарорлар таснифини, бу мутлақ ва тугал қоида эканлигига даъво қилмаган ҳолда, қўйицагича тарзда тасаввур этамиз.

Бошқарув қарорларининг ушбу таснифи вилоят ХТБ бошлиғи (ХТХБ мудири)нинг фаолият йўналишини, педагогик жараёнлар ва ҳодисаларга эътибори даражасини белгилаш имконини беради. Чунки ташкилий-педагогик масалаларнинг ўқув-тарбия жараёнидаги барча жабҳаларга таъсири ҳал қўлувчи аҳамият касб этади. ХТ бошқармаси бошлиғи (бўлими мудири) вазифасига давлат мақсадларини ижтимоий-педагогик мақсадларга, яъни ўз тасарруфидаги воситалар ёрдамида кўпдан-кўп педагогик масалаларни ҳал этиш йўли билан эришиши лозим бўлган пировард мақсадиарга айлантириш ҳам киради.

Ҳалқ таълими вилоят бошқармалари (туман бўлимлари) аппаратида ишни ташкил эта олиш малакаси ТМ ходимларининг касбий тайёрлиги билан узвий боғлиқ. Хизмат вазифаларини бажаришдаги қўйинчиликларни, педагогика, бошқарув назарияси масалалари бўйича билимларнинг етарли эмаслигини аниқлашни бошқарув ходимларининг тайёрлов курсларидагина эмас, балки барча поғонадаги бошқарув ходимлари фаолиятида ҳам назарда тутмоқ лозим. Буларнинг барчаси, биринчи навбатда, умумпедагогик ва бошқариш маҳорати шаклланиши ва такомиллашишига, психологик-педагогик билимларнинг янгиланишига, бу билимларни инспекторлар ва услубчилар фаолиятида қўллашга ўрганишга ёрдам берувчи педагогик раҳбарликни амалга оширишни талаб қиласиди.

Педагогик қарорлар	Ташкилий-техник қарорлар
Үқув-тарбия жараёни савиясини оширишта қаратилған қарорлар	ТМнинг моддий-хўжалик таъминотига қаратилған қарорлар
ТМни бошқаришни такомиллаштиришга таъсир этувчи қарорлар	Молия-штат интизомига риоя қилишта, пул маблаглари ва моддий бойликларнинг сақланишига таъсир этувчи қарорлар
Ўқитувчиларнинг илмий-назарий ва педагогик тайёргарлигини такомиллаштиришта қаратилған қарорлар	Меҳнат интизомининг аҳволига ва маъмурий-техник ходимлар томонидан ички тартиб-қоидаларга риоя қилинишига таъсир этувчи қарорлар
Ўқувчиларни ТМ, оила, жамоатчилик ва меҳнат жамоалари томонидан тарбиялашга кўйиладиган талабларнинг ятоналигини таъминлашта қаратилған қарорлар	Ўқувчиларнинг ҳаётни ва саломатлигини муҳофаза қилиш, санитария-гигиена талабларига риоя қилиш билан бөглиқ ишлар аҳволига таъсир этувчи қарорлар
Вилоят (туман) ташкилотлари ва муассасалари томонидан кўрсатиладиган умумий тарбиявий таъсирни мувофиқлаштиришга қаратилған қарорлар	Кадрларга оид қарорлар
Вилоят ХТБ (ХТХБ) аппарати ходимларининг касбий билимдонослигини оширишга қаратилған қарорлар	Халқ хўжалиги режаларини бажариш, халқ таълими муассасалари тармолини ривожлантиришга қаратилған қарорлар
Вилоят ХТБ (ХТХБ) ходимлари, педагоглар жамоаларнинг ижодий фаoliyatinini рағбатлантиришга қаратилған қарорлар	Ҳар хил муҳофаза қилишга қаратилған қарорлар
Ўқувчилар жамоасига педагогик таъсир кўрсатишга кўмаклашувчи қарорлар	Ҳар хил тадбирлар ўтказиш билан бөглиқ қарорлар
Раҳбарлик усули ва методларини такомиллаштиришга қаратилған қарорлар	Ўқитувчиларни мукофотлаш ёки жазолашни акс эттирувчи қарорлар

### III. 6.3. БОШҚАРУВ ХОДИМИ КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ҳокимият ва раҳбарлик лавозими самарали бошқаришнинг энг таъсирчан воситаси деган фикр ўрнашиб қолган ва анча кенг тарқалган. Бироқ, бунинг ўзи кифоя эмаслигини таъкидлаш лозим. Мурракаб ташкилот ўз вазифаларини самарали адо этиши учун бошқарувнинг ҳамма функциялари бажарилишини таъминлаш зарур. Раҳбарлик, етакчилик бутун бошқарув тизимига кириб борувчи фаолият туридир. Агар самарали раҳбарлик мавжуд бўлмаса, режалаштириш, ташкил қилиш, асослаш ва назорат қилиш функцияларини самарали бажарив бўлмайди.

Ушбу китобда бизни биринчи навбатда, **таълим муассасасининг бошқарув ходими** — айни вақтда ҳам етакчи бўлган, ҳам кўл остида гиларни самарали бошқараётган инсон қизиқтиради. Унинг мақсади — бошқаларга улар таълим муассасасининг вазифаларига мос ҳолда ишлайдиган қилиб таъсир кўрсатиш. Унда бошқарув ходимилик

кўнгиларининг етарли эмаслиги ёки мавжуд эмаслиги, унда бошқарув ходимилик лавозими билан етакчилик фазилатларининг мос эмаслиги, унинг бошқарув ва таъсир кўрсатишнинг замонавий механизmlарини менсимаслиги ёки билмаслиги оқибатида ТМда, умуман, таълим тизимида қандай муаммолар вужудга келади?

Таълим тизимида барча ходимлар учун таниш бўлган энг муҳим муаммолар қўйидагилардир:

- ижро интизомининг пастилиги;
- раҳбариятнинг жамоани самарали ишлашга йўналтиришга қобил эмаслиги;
- педагогик жамоанинг ўз раҳбариятидан норозилиги;
- бошқарув ходими билан жамоа ўртасидаги зиддият.

Мазкур муаммоларга алоқадор бир неча муҳим таърифларни келтириб ўтамиш.

Етакчилик учта таркибий қисм асосига қурилган — етакчилик, таъсир ўтказиш ва ҳокимият.

**Етакчилик** — бу алоҳида шахслар ёки гурӯҳларга, уларнинг интилишларини ташкилотнинг мақсадларига эришиш учун йўналтирган ҳолда таъсир кўрсатиш қобилияти.

Таъсир ўтказиш — бу бир шахснинг бошқа шахс хатти-ҳаракатлари, муносабати, ҳиссиёти ва шаклларини ўзгартириб юборувчи ҳар қандай хатти-ҳаракатdir. Бир шахснинг иккинчи шахсга таъсир кўрсатишига ёрдам берадиган муайян воситалар қулоқҳа пичирлаб айтилган илтимосдан тортиб ишдан ҳайдаш дагдагасигача ҳар хил бўлиши мумкин.

Бошқарув ходимлари олдиндан билса бўладиган ва нафақат foяни қабул қилинишига, балки унинг рўёбга чиқишига — ташкилот мақсадларига эришиш учун зарур бўлган ҳақиқий меҳнатга туртки бўладиган йўл билан таъсир ўтказиши керак.

**Ишонтириш йўли билан таъсир кўрсатишдан қандай қилиб самарали фойдаланиш мумкин?**

Ушбу саволга жавоб берадиган яна бир неча муҳим тавсияларни эътиборингизга ҳавола қиласиз:

1. Тингловчининг эҳтиёжларини аниқ билиб олишга ҳаракат қилинг ва шу эҳтиёжларга таянинг.
2. Суҳбатни шундай фикр билан бошлангки, у албатта тингловчининг кўнглига яқин бўлсин.
3. Чуқур ишонч ва хотиржамлик ҳиссини уйғотадиган ҳолатни яратишга ҳаракат қилинг. Ўз дўстона муносабатингизни кўрсатинг.
4. Ходимга гапини айтиб олиш имконини беринг.
5. Суҳбатингизни шундай олиб борингки, суҳбатдошингиз аввал бошданоқ сизга «ҳа» деган жавобни беришга мажбур бўлсин.

6. Шундай қилингки, ходимингиз ғоя ўзига тегишли эканини ҳис қилсин.

7. Ўзингизнинг эмас, балки тингловчиларнинг манфаатларига мослаб гапиринг. «Сиз» деган сўзнинг кўп тақрорланиши тингловчининг сиз, яъни таъсир кўрсатувчи ҳоҳлаётган, у бажариши керак бўлган нарса унинг эҳтиёжларига қай йўсинда алоқадор эканлигини тушунишига ёрдам беради.

8. Агар бир неча нуқтаи назарлар билдирилаётган бўлса, охирида гапиришга интилинг, охирида тингланган далил-исботлар аудиторияга таъсир ўтказишда кўпроқ имкониятга эга.

9. Ўз ғояларингизни кўргазмали ифодалашга интилинг, уларни жонлантиринг.

Бошқарувда мажбурлаш, тақдирлаш, анъана, харизма, онгли эътиқод ва ишонтириш ижрочига унинг эҳтиёжларига таянган ҳолда таъсир кўрсатиш учун фойдаланадиган воситалардир. Одамларни ишга ўйналириш ва олдинда турган мақсадларга эришиш учун қуйидаги саволларга жавоб берувчи бир неча шартни бажариш тавсия этилади:

Таъсир кўрсатишдан қандай қилиб самарали фойдаланиш мумкин?

1. Таяниладиган эҳтиёж фаол ва кучли бўлиши лозим.

2. Таъсир ўтказилаётган киши мазкур таъсирни у ёки бу эҳтиёжни қандайдир даражада қондириш ёки қондирмаслик манбаи, деб билиши лозим.

3. Таъсир ўтказилаётган киши ижро этиш эҳтиёжни қондириш ёки қондирмасликка олиб келиши эҳтимоли катта, деб ҳисоблаши лозим.

4. Таъсир ўтказилаётган киши ўзининг интилишлари бошқарув ходимининг ишончини оклашда катта имкониятларга эга, деб ишониши лозим.

Педагоглар жамоасида исходий ҳамкорлик муҳитига қандай қилиб эришиш мумкин? Қўл остидагилар билан бўладиган зиддиятлар ва хафагарчилардан қандай қилиб қочиш мумкин?

Аввалги бобда биз етакчилик — бу бир шахс ёки инсонлар гуруҳига, уларни мақсад йўлида ишлашга ўйналириш учун таъсир кўрсатиш қобилияти, дея қайд этган эдик. Таъкидлаб ўтганимиздек, кишиларга таъсир кўрсатиш ва уларни ўз ортидан эргаштиришнинг кўплаб воситалари мавжуд. Шу билан бирга, жаҳон менежмент амалиёти, бошқарувда муваффакиятга эришиш бошқарув ходимининг шахсий фазилатлари, унинг ўз қўл остидагиларга таъсир кўрсата олиш қобилиятигагина боғлиқ эмаслигини кўрсатмоқда. Таниқли социолог Р. Стоддилл шундай ёзади: «Инсон фақат муайян шахсий хусусиятлар йигиндисига эга бўлгани учун раҳбар бўлиб қолмайди. Бошқарув ходимининг шахсий фазилатлари тузилиши унинг қўл ости-

дагиларнинг шахсий хусусиятлари, уларнинг фаолияти ва вазифаларида мос бўлиши лозим».

Шу муносабат билан бошқарувда муваффақиятга эришишдаги энг муҳим омил бошқарув ходимилик усулидир.

Бошқариш маъносидаги **раҳбарлик усули** — бу бошқарув ходимиликнинг қўл остидагиларга нисбатан уларга таъсир кўрсатиш ва уларни муайян мақсадга эришиш учун йўналтиришга қаратилган одатий ўзини тутишидир (М. Мексон ва М. Альберт).

Тўгри бошқарув ходимилик усулини танлаш биринчи жавоб бўлади. Бошқарув ходими ходимлар ва бутун жамоа билан муносабатга киришиш орқали таълим муассасаси мақсадларига эриша борадиган усулни танлаш, бошқарувнинг демократик тамойиларидан фойдаланган ҳолда самарали меҳнатта йўналтирадиган усулни тўгри танлаш юқорида кўйилган саволларга жавоб бўлади.

Хозирги замон бошқарув амалиётининг яна бир муҳим хulosаси шуки, самарали бошқарув ходимилик вазият билан боғлиқ хусусиятга эга. Яъни, кучли етакчи бошқарув ходимилик усулини мавжуд муайян вазиятга мос ҳолда танлаши лозим. Раҳбарликнинг ҳаётнинг барча ҳолларига тўлиқ мос келадиган битта оқилона усули мавжуд эмас. Шунга кўра, замонавий етакчи вазиятни тўғри ҳис қила олиши ва унга ўз вақтида муносабат билдириши керак.

Бошқарув ходими самарадорликни ошириш учун мослашувчан бўлиб, қуйидаги воситалардан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир:

- психологияк жиҳатдан мослишка эришиш учун бўйсунувчилар гуруҳини қайта ташкил қилиш;
- кўйилган вазифаларни қайта лойиҳалаштириш ва мансаб ва колатларини қайта кўриб чиқиш;
- қўл остидагиларга ваколатлар бериш ва масъулият юклаш, шунингдек, уларни қарорлар қабул қилишга ундаш;
- зиддиятли вазиятларнинг юзага келиш эҳтимолини кузатиб бориш.

Бошқарув соҳасидаги кўпгина етакчи тадқиқотчилар раҳбарлик ва етакчиликни **санъатга** қиёслайдилар. Дарҳақиқат, замонавий бошқарув ходими «мана бу, мана бу» нарсаларни қила олиши керак, дейиш осон, лекин буларни қандай қилиш мумкин?

Начора, бу ерда биз ҳаётнинг барча ҳолларига мос келувчи дастурламал жаҳон тажрибасида мавжуд эмаслиги борасидаги ҳақиқатни яна бир бор тилга олишга мажбурмиз. Шу боис ушбу китобда биз бошқарув ходимига жаҳон тажрибасига асосланган ҳолда тавсиялар, таклифлар беришимиз, тушунтиришимиз мумкин, аммо қарор қабул қилиш ва муайян хатти-ҳаракатларни амалга ошириш унинг ўз кўлидадир. Шу боис, муайян вазиятда унинг энг муҳим маслаҳатчиси унинг юраги, қалби ва ақл-идроқи бўлиши лозим!

**Кўл остидагилар билан ўзаро муносабат** — етакчиликнинг яна бир муҳим ва нозик жиҳатики, бошқарув ходими уни йўлга кўймай туриб, ўз фаолиятида мувваффақиятга эришиши, ларзалар ва зиддијатлардан қочиб кутулиши мумкин эмас.

Шу муносабат билан, бошқарув соҳасидаги жаҳон тажрибасига таянган ҳолда, таълим муассасаси бошқарув ходимига бир неча тавсиялар бермоқчимиз.

1. Барча нарсада одил бўлишга интилинг. Сизни яхшилаб тақдирлаганингиз учун ёки жазолашингиздан кўрқиб эмас, балки униси ҳам, буниси ҳам одиллик билан берилағанилиги учун хурмат қилишади. Буюк бобомиз Амир Темур айтгандарицек, «Куч — адолатдадир!».

2. Ходимларга эътиборли бўлинг. Уларга самимий хайриҳоҳлик кўрсатинг. Уларнинг ҳар бири ҳақида, оиласи, қизиқишилари, муаммолари ҳақида имкони борича кўпроқ нарса билиб олишга ҳаракат қилинг ва буларни алоҳида сұхбатларда эслатиб туринг. Қийин да-қиқаларда уларни кўллаб-кувватлашга интилинг.

3. Бошқаларга илтифот кўрсатиб, уларда қарздорлик ҳиссини уйғотиш йўли билан ҳокимиятни кучайтириш мумкин. Айримлар кам вақт ёки куч сарфлаб бошқалар жуда қадрлайдиган шахсий илтифот кўрсатиш қобилиятига эга.

4. Кўл остингиздагилар билан мулоқот чоғида фақат ўзингиз гапирманг. Яхши тингловчи ҳам бўлинг. Бошқаларни ўзи ҳақида гапиришга рағбатлантиринг. Инсон учун ўз исмини эшитишдан кўра ёқимлироқ ва мухимроқ нарса йўқлигини ёдингида тутинг.

5. Кўпроқ жилмайинг. Сизнинг тундлигингиз атрофингиздагиларни шубҳага солади ва улардан йироқлаштиради.

6. Танқид қилишда жуда эҳтиёт бўлинг. Кўл остингиздагиларнинг кўнглини оғритманг. Танқид қилишдан олдин, унга ўз хатоларнинг ҳақида айтишдан уялманг. Одамларнинг эътиборини уларнинг хатоларига билвосита қаратинг.

7. Инсонни ҳар бир, ҳатто, энг кичик мувваффақияти учун ҳам мақташга ҳаракат қилинг. Ҳатто кўл остингиздаги ходимнинг камчиликлари ва хатоларини кўрсатиш зарур бўлган вазият вужудга келгандা ҳам, гапни мақтov ва унинг афзал томонларини самимий тан олишдан бошлашга ҳаракат қилинг.

8. Буйруқ оҳангини ҳеч ким ёқтирмаслигини ёдда тутинг. Буйруқ бериш ўрнига, савол бериш усулидан фойдаланинг. Масалан, «Мана бу ишни қилинг!» ёки «Бундай қўлманг!» сингари буйруқлар ўрнига «Мана бундай қўлсак бўладими?», «Сиз бу ҳақда нима деб ўйлайсиз?», «Сизнингча, шундай қўлсак яхши бўлмасмикан?» каби жумлалардан фойдаланишга ҳаракат қилинг.

9. Ўзингизни кўл остидагилар ўрнига кўпроқ қўйиб кўринг. Нарсаларни ходим нуқтаи назаридан кўришга урининг, уларнинг ўй ва

мулоҳазаларига ҳурмат билан қаранг. Сиз хоҳлаган ишни бажариш одамларга ёқимли бўладиган қилинг.

Бошқарув соҳасидаги кўтилаб олимлар тушкунлик ва зиддиятлар муаммолари билан шугулланмоқда. Шу ўринда уларнинг баъзи тавсияларини келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Кўрсаткичлар юқори бўлишига ва ларзалар даражаси энг паст бўлишига эришиб, ўзгаларни қандай қилиб бошқариш мумкин?

1. Ўз ходимларингизнинг қобилиятлари, эҳтиёjlари ва мойилликларини баҳоланг ва улар учун мазкур омилларга мос келувчи иш ҳажми ва турини танлашга ҳаракат қилинг. Бу вазифаларни уддалашда улар ютуққа эриша бошлаган заҳоти, агар уларнинг ўзи ҳам истаса, иш юкини оширинг.

2. Ўз ходимларингизга агар улар етарли асосга эга бўлишса, у ёки бу топшириқни бажаришдан воз кечишига рухсат беринг. Агар улар топшириқни бажариши лозим бўлса, улар топшириқни бажариши нима учун зарурлигини тушунтиринг ҳамда қўшимча топшириқларни бажаришта керак бўладиган вақт ва ресурслар бериш учун уларнинг ишидаги устувор соҳаларни белгилант.

3. Ваколатлар, масъулият ва ишлаб чиқаришдан куттилаёттанларни аниқ тавсифлаб беринг. Икки томонлама алоқа ва ходимларингизнинг ахборотларидан фойдаланинг.

4. Муайян вазиятта мос келувчи етакчилик усулидан фойдаланинг.

5. Самарали иш учун муносиб тақдирланг.

6. Ходимларингизнинг қобилиятларини ривожлантириб, улар билан қийин масалаларни мұҳокама этиб, уларга мұраббийлик қилинг.

**Йиғилишларни қандай қилиб самарали ўтказиш мумкин?** Йиғилиш ўтказиш усули ҳам бошқарув ходимининг уддабуронлигини кўрсатади. Йиғилишларнинг самаралилиги гурухнинг иш самарасини белгилайдиган омиллар билан белгиланади. Мажlisлар самардорлигини ошириш учун қуйидаги тавсияларни берамиз:

1. Йиғилишнинг аниқ кун тартибини тузинг ва йиғилиш бошланишидан олдин уни тезгина яна бир бор кўриб чиқинг.

2. Гуруҳ аъзолари орасида эркин ахборот алмашувини таъминланг. Агар гуруҳ аъзолари йиғилишда ўзларини турлича, ролига мос равищда тутса, бундай алмашувни бемалол таъминлаш мумкин.

3. Гуруҳ аъзоларининг қобилиятидан тўлиқ фойдаланинг ва уларнинг иштирокини тақдирланг. Барча гуруҳ аъзоларининг билими, тажрибаси, ахбороти ва гоялари умумий вазифани бажаришга қаратилиши лозим.

4. Гуруҳ аъзолари уялмаслиги учун ишонч мұхитини яратинг, улар қўшилмайдиган нұқтаи назар ва гояларни очиқ ва асосли изоҳлаб беринг.

5. Зиддиятларга ижобий омил сифатида қаранг ва уларни сама-  
рали бошқаришга интилинг. Биз зиддиятни бошқаришга турли ён-  
дашувларни күриб чиқамиз.

6. Йигилишни тутатар экансиз, ўтказилган муҳокамани қисқача  
хуласаланг ва қабул қилинган қарорлар доирасида амалга оширили-  
ши режалаشتрилаётган тадбирларни белгилаб олинг.

Нуқтай назарлар орасидаги фарқдан фойда чиқариш исталадиган  
гурӯҳ йигилиши фақат ҳамфирқлик юзага келмаган тақдирдагина мұ-  
ваффақиятли чиқиши мумкин. Ҳамфирқликнинг оддини олиш учун:

1. Гурӯҳ аъзоларига улар истаган ахборотни эркін маълум қили-  
ши, муҳокама қилинаётган ҳар қандай масала юзасидан хоҳлаган  
фикр ёки шубҳасини билдириши мумкинлигини тушунтииринг.

2. Гурұхнинг бир аъзосини муглақо һоңақ ишни ҳимоя құлувчи  
«ноңақ ҳимоячи» қилиб белгилант.

3. Түрли нұқтай назарлар ва танқидни ҳам, амалий шарҳларни  
тинглагандек, хотиржам әшитишга қодир бўлинг.

4. Фояларни яратиш бўйича куч-ғайратингизни уларни баҳолашдан  
ажратинг: аввал барча тақлифларни бир жойга тўплант, кейин эса, улар-  
дан ҳар бирининг ижобий ва салбий томонларини муҳокама қилинг.

5. Агар йигилишда ходимлар ҳам иштирок этаётган бўлса, аввал  
уларнинг фикрини тингланг.

Ислоҳотлар ва улкан ўзгаришлар юз берәётган бизнинг даври-  
мизда эскирган қоидалар ва қолиплар синиб бормоқда. Ўзгариш-  
ларни ҳамма ҳам қабул қила олмаётганини табиий ҳол, деб ҳисоб-  
лаш мумкин. Кўпинча ўзгаришларга тўсқинликларга дуч келишга  
тўғри келмоқда. Шу боис, бошқарув ходимида бундай тўсқиларни  
енгиб ўтишдек катта муаммо вужудга келади, чунки бу муаммони  
ҳал этмай туриб ислоҳотларни давом эттириб бўлмайди.

**Ислоҳотлар, ўзгаришлар ва янгиланишларга қаршиликни қандай  
енгиб ўтиш мумкин?** Бу муаммони ҳал қилиш учун бошқарув ходимият  
одамлар ўзгаришларни нега хоҳламаётгандикларини аниқлаб олиши  
лозим.

Бунинг кўплаб сабаблари бўлиши мумкин, аммо асосан қўйида-  
ги учта сабаб ҳосдир:

- ноаниқлик;
- йўқотиш ҳисси;
- янгиланишлар асло яхшиликка олиб келмайди, деб ишониш.

Ноаниқлик тушунчаси ҳеч қандай изоҳ талаб қилмайди. Янги-  
ликларга салбий муносабат келажак ва натижалар ноаниқ бўлишига  
олиб келади. Ўзгаришлар иш кўпайишига, бўш вақт камайишига,  
одатий маром бузилишига, шахсий мавқенинг тушишига ва бошқа-  
лар салбий оқибатларга олиб келади, деган туйғу ҳам йўқотиш ҳис-  
сига алоқадор бўлган салбий туйгуларни уйғотади.

ТМ бошқарув ходимлари, масалан, баҳолашнинг рейтинг тизимини жорий қилишда, оғзаки имтиҳонларни тест билан алмаштиришда, компьютер техникасини жорий қилишда ва бошқаларда шундай ҳолатларга дуч келишашапти. Одатда, қаршилик қандайдир агрессив, кескин кўринишда бўлмайди. Зоҳиран ҳаммаси рисоладагидек кўринади, аммо бошқарув ходими ўзгаришларни жорий қилиш катта қийинчилик билан ва жуда секин кетаётганини кўриб туради.

Янгиланишларга қаршиликни енгиш учун энг маъкул пайт, шубҳасиз, уларнинг юзага келишидан олдинги даврdir. Бошқача айтганда, бошқарув ходими қаршиликнинг олдини ола билиши лозим.

Жаҳон бошқарув тажрибасида қаршиликни камайтириш ёки бартараф этишнинг муайян усуллари ишлаб чиқилган, уларга асосланган ҳолда, қўйидаги методларни тавсия қиласиз:

1. **Тушунтириш ва ахборот берниш.** Фоялар ва тадбирларни ошкора муҳокама қилиш ходимларга ўзгаришлар қилиш зарурлигига улар ўтказилишидан олдин амин бўлишга ёрдам беради. Бу ерда ахборотни етказишининг турли усулларидан, масалан, индивидуал сұхбатлар, жамоа олдида чиқиш, изоҳловчи материаллар ва ҳ. к. фойдаланиш мумкин.

2. **Кўл остидагиларни қарор қабул қилишга жалб этиш қаршилик кўрсатиши мумкин бўлган ходимларга янгиликлар ва ўзгаришларга ўз муносабатини билдириш имконини беради.**

3. **Мослашиш учун имкон бериш ва кўллаб-кувватлаш.** Ходимларни рӯҳан кўллаб-кувватлаш, бошқарув ходимининг ҳамдардлиги, лозим бўлганда муайян муддатта дам олиш учун вақт бериш, кўшимча касбий тайёргарлик ва малака ошириш учун шароит яратиш ва ҳоказолар ходимларга ўзгараётган шарт-шароитта мослашишда ёрдам берадиган воситалардир.

4. **Кооптация.** Бу усул бошқарув ходимининг назарida ўзгаришларни қабул қила олмайдиган ёки уларга қарши чиқадигандек бўлиб кўринган шахс ёки шахслар гуруҳига у ёки бу тадбирлар ва янгиланишларга оид қарорларни қабул қилишда асосий ролни беришни назарда тутади. Масалан, улар янги ўкув режаларини ёки бошқа тадбирларни ишлаб чиқувчи комиссия таркибиға киритилиши мумкин.

5. **Янгиликларнинг маъкулланиши ва қабул қилинишини таъминлаш учун олиб бориладиган музокаралар рағбатлантиришнинг барча, моддий ва маънавий усулларини кўllaшни назарда тутади.**

6. **Мувофиқлаштириш ўзгаришларнинг аниқ тартибини тузиш, уларни босқичма-босқич амалга оширишни назарда тутади.**

7. **Мажбурлаш.** Айрим ҳолларда ушбу методдан ҳам фойдаланиш мумкин, бироқ бу нодемократик методдан қолган барча усуллар ёрдам бермаган тақдирдагина фойдаланиш мумкин.

Янгиланишларга кўрсатилаётган қаршилик билан курашишда ҳам вазиятга қараб ёндашиш зарурлигини қайд қилиш лозим. Яъни бош-

қарув ходими вазиятни аниқ баҳолаш малакасини ўзида ривожлантириши ва энг мос методни танлаши лозим, чунки ҳар бир метод ўз афзаликлари ва камчиликларига эга (жадвалга қаранг).

### Ўзгарышларга кўрсатиладиган қаршиликка муносабат тактикаси

Тактика	Тавсия қилинади	Ижобий жиҳатлар	Салбий жиҳатлар
Ахборотни ҳосил қилиш ва узатиш	Ахборотнинг мавжуд бўймаслиги ёки иоаниқ ахборот ва таҳлилга асосланган қаршиликда	Одамлар ишонтирилтаки, янгиликларга уларнинг розилигини олишга ёрдам беради.	Агар бу жараёнга қўп одам жалб этилган бўлса, кўп вақт талаб қелиши мумкин.
Ходимларни қарорлар қабул қилишига жалб этиш	Ташаббускорлар янгиликларни ишлаб чиқиши учун барча зарур ахборотга эга бўймаган ва бошқалар қаршилик Кўрсатиш учун кагта имкониятларга эга бўлган вазиятларда	Одамлар ислоҳот ўтказиши заруратини ва бунга ёрдам бериш уларнинг бурчи эканлигини англаб этишинда ёрдам беради.	Кўп вақт олиши ва хатодикларга олиб келиши мумкин.
Енгиллаштириш ва ҳўлиаб-куватлаш	Фақат ўз шахсий муаммоларидан кўрқиб қаршилик кўрсатаетган одамлар билан иш кўрган вазиятларда	Шахсий муаммоларни ҳал қилиш учун энг мақбул тактика	Кўп вақт олиши, қимматта тушиши ва, барибири, ёрдам бермаслиги мумкин.
Музокаралар	Бир киши ёки гурӯҳ янгиликлар оқибатида муқаррар зарар кўраиган ва улар қаршилик кўрсатиша кўп имкониятларга эга бўлган вазиятларда	Асосий қаршиликдан қутулиш учун нисбатан осон усул бўлиши мумкин.	Кўп ҳолларда ўта қимматта тушиши мумкин; бошқаларни ҳам музокара йўлини тутишига олиб келиши мумкин.
Кооптация	Бошқа тактика ўта қимматга тушидиган ёки умуман амалга ошириб бўймайдиган ўзига хос ҳолларда	Янгилинишларни амалга оширишда кўмак топишга ёрдам бериши мумкин (бирор, ходимларнинг қарорлар қабул қилишда иштирокчалик эмас).	Агар одамлар кооптацияни сезиб қолишиша, муаммолар туғилиши мумкин.
Манёвр қилиш	Бошқа тактикалар самарасиз ёки ўта қиммат бўладиган ҳолларда	Қаршилик муаммосини ҳал этишининг нисбатан тез таъсир қиливчи ва арzon ечими бўлиши мумкин.	Ташаббускорлар ўзига бўлган ишончдан бирмунча маҳрум бўлиши мумкин; бошқа муаммоларнинг туғилишига олиб келиши мумкин.
Мажбурлаш	Жадаллик лозим бўлган ва янгилиниш ташаббускорлари етарлича ҳокимиятга эга бўлган вазиятларда	Ҳар қандай кўринишдаги қаршиликни тезлик билан енгизиб ўтиши мумкин.	Қалтис вазият: одамларда янгилашиш ташаббускорларига нисбатан қадр ўйғотиши мумкин.

### III. 7. ПЕДАГОГ ҚАДРЛАР ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ ВА РАҒБАТЛАНТИРИШ

ТМ эришадиган натижалар ҳар бир ходим қанақа ишни ва қандай бажаришига боғлиқ. Ташкилий хатти-ҳаракатнинг кенг кўламдаги хилма-хил типларини кузатиш мумкин. Бу ТМ ҳаётида фаол қатнашишга интилиш, унинг мақсадларига эришишга имкони борича кўпроқ кўмаклашишдан то имкони борича кам иш қилишга интилишгача бўлган типлардир.

Бошқарув ходими ўз жамоасини тушуна олишигина эмас, балки жамоанинг баъзи аъзолари фаол ишлашни «хоҳлаши», баъзилари эса «хоҳламаслиги» сабабларини тушунишга қодир бўлиши, уларнинг хулқ-атвор қоидаларига қандай қилиб таъсир кўрсатишни билиши ҳам лозим. Одамларни бошқариш ҳам — санъат.

Бироқ таълим муассасаси илмий билимларга таянибгина ўз ривожида ҳақиқий юксакликка эришиши мумкин.

Ушбу бўлим ходимларнинг ташкилий хатти-ҳаракатини қандай таҳлил қилиш ва уларни таълим муассасаси манфаатлари йўлида са-марали ишлашга қандай қилиб ундаш масаласига бағишлиантган.

Ҳар бир педагог ТМга ўз манфаатларини кўзлаб келади. Унинг кутганилари қай даражада рўёбга чиқишига қараб, бирон-бир хатти-ҳаракат стратегиясини танлайди. Хатти-ҳаракат стратегияси, бу — шундай инсон фаолиятининг турли вазиятлардаги йўналиши ва мазмунини белгилаб берадиган умумий қоидалардир. «Ишни қанча қилганинг билан тутамайди» — бу билта қоида. Шунингдек, «Кучинг етмаган нарсага чиранма» ёки «Кўз — кўрқоқ, кўл — ботир» каби. Бундай қоидаларга амал қилувчи ходимнинг хатти-ҳаракатини тасаввур қилиш қийин эмас.

ТМ ходимларининг йўналишига ва ходим умумманфаат йўлида қўшишга тайёр бўлган ҳиссанинг ҳажмига кўра фарқланувчи ташкилий хатти-ҳаракатининг асосий турлари кўйидагилардир:

*Ташабускор хатти-ҳаракат типи.* Унга фаол, ижодий позиция хос. Бундай ходим ўзи ва ташкилот учун энг кўп натижага эришишга интилади. Унинг мақсад ва манфаатлари ташкилотники билан мос. У бор кучини ишга солишга тайёр туради. Масъулиятни ўз зиммасига олади. Ўзини ташкилотнинг бир қисми деб билади, умумий мақсадлар йўлида ҳатто баъзи нарсаларини курбон қилишга ҳам тайёр туради.

*Ижрочилик типи.* Бу «ўзини кўрсатавермаслик» ёки «ўзига-ўзи иш орттириш» деган тамойилдаги хатти-ҳаракатда бўлади. Бундай ходим ўзига берилган топшириқни бекаму кўст ва барча талабларга жавоб берадиган даражада бажариши мумкин. Аммо бундан ортиқ иш қилмайди. Уни рағбатлантиришлардан ғоят таъсирланади. Иш

шароитларига мослашишга интилиб, муносабатларни кескинлаштирмай, ўзини осойишта тутади. Одатда, масъулнингдан қочади. Ташкилот ундан «устун туради», у эса, шундай бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Ҳар қандай ички тартиб-қоидаларга, уларни ўзгартиришга интилмаган ҳолда бўйсунишга тайёр.

*Истеммолчилик типи.* Бу ўзини ташкилотдан аниқ ажратадиган, фақат ўзини ва ўз манфаатларини кўзлайдиган инсон хатти-ҳаракатидир. У ташкилотни ўз эҳтиёжларини қондириш воситаси сифатида қабул қиласди. Бундай шахс фақат ўзига фойда келтирадиган ишни қиласди, ўзига фойда келтирмайдиган ишдан, ҳатто бу иш жамоа учун жуда зарур бўлса ҳам, ҳар қандай йўллар билан бўлса-да, қочади. Ҳеч қачон ўз манфаатларини курбон қилмайди.

*Мавжуд эмаслик типи.* Бундай хатти-ҳаракат ташкилотдан кетишини мўлжаллаган кишига хос. Бундай ходимда аниқ янги иш жойи бўлмаса-да, у ўзини ташкилотдан ташқарида сезади, унда кетишига ички тайёрлик шаклланиб бўлган. Бундай кишилар вазиятга қараб ўзини ҳар хил тутиши мумкин: бъязилари, одат бўйича, ўзларидан таълаб қилинган нарсани бажаришда давом этса, бошқалари муддат тугашини кутиб ўтиради. Бошқарув ходими учун муҳим бўлган жиҳат шуки, бундай ходим ташкилот билан барча ички алоқаларни узиб бўлган ва ҳатто бирон нарса билан қизиқтирилган тақдирда ҳам, ортиқча саъй-ҳаракат қилмайди.

Хўш, нима учун бир хил ташкилий шароитда одамлар ўзларини ҳар хил тутадилар ва инсоннинг ташкилотдаги юриш-туриши йўналишига қандай омиллар таъсир кўрсатади?

Бошқарув хатти-ҳаракатидан олинган сабоқда эришилган энг катта мұваффақият ижрочиларнинг меҳнат унумдорлигига нафақат моддий омиллар, балки психологик ва ижтимоий омиллар ҳам таъсир этиши исботланиши бўлди. Фан вакиллари томонидан ишлаб чиқилган мотивация назариялари икки гуруҳга бўлинади: **мазмуний ва процессуал назарияга**. Мазмуний назариялар айнан қандай мотивлар инсонни ҳаракатта ундаши, хатти-ҳаракат назариялари эса — бу ундашлар қандай шаклланиши тўғрисидаги саволларга жавоб беради.

Биз инсон ўз эҳтиёжлари — унинг мавжудлиги учун зарур бўлган ва унинг фаоллиги манбаи ҳисобланадиган обьектлардаги эҳтиёжлари юзага келтирадиган ҳолатни қондириш учун ишлайди, деб ҳисоблаймиз. Бу эҳтиёжлар ўз хусусиятига кўра турлича ва долзарблик (инсоннинг айни пайтдаги меҳнат хатти-ҳаракатини йўналтирувчи эҳтиёжга айланиш) бўйича алоҳида тизим ёки тартибга эга. Эҳтиёж қондирилганч, у ўз долзарблигини йўқотади.

Ы

1. **Физиологик эҳтиёжлар** — бу тизимнинг асосида ётувчи ва инсоннинг ҳаёт кечиришини таъминлаш билан боғлиқ эҳтиёжлар (озиқ-

овқат, уй-жой, кийим-кечак ва бошқалар). Улар инсонга туғилганидан бошлаб ҳамроҳ бўлиб, биринчи навбатда қондириласди.

**2. Хавфсизлик ва барқарорликка бўлган эҳтиёж** биринчи даражадаги эҳтиёжлар қондирилишига кўра етакчи аҳамият қасб этади. Улар инсоннинг хавф-хатардан ва келажакдаги ноаниқлардан ҳимояланиш (муайян турмуш даражасини сақлаб туриш, олдиндан била олиш ва ўз ҳаётини назорат қилиш)га бўлган интилишларини ифодалайди.

**3. Мансуб бўлиш (уюшиш) эҳтиёжи** инсоннинг севимли бўлиш, атрофдагилар томонидан тан олиниш, ҳам жамиятнинг бошқа аъзолари билан доимий алоқада бўлиш истагини ифодалайди.

**4. Ижтимоий зътироф этилиш (мақомга эга бўлиш) эҳтиёжи** — бу инсон индивидуаллигининг жамият томонидан ижобий баҳоланишига, муайян ижтимоий мақомга эришишга, ўзини ҳурмат қилишта бўлган эҳтиёж.

**5. Ўзлигини намоён қилиш эҳтиёжи** — инсоннинг ўз ичкисалоҳиятини намоён қилишга, қўлидан келадиган ишни қилишга интилиши.

Юқори даражадаги эҳтиёж бошқа барча эҳтиёжлар қондирилган дагина хатти-ҳаракат сабабига айланиши мумкин. Турли даражадаги эҳтиёжлар орасида зиддият юзага келса, кўйи даражадаги эҳтиёж устун келади. Бу қоида кўп тадқиқотларда тасдиқланмади, бироқ сабаблар таснифининг ўзи (Маслоу) бугун ҳам бошқарув амалиётида кенг қўлланилиши мумкин.

Мотивациянинг мазмуний назарияси — икки омил назарияси (Ф. Херцберг) — асосида ходимларнинг меҳнат хатти-ҳаракатига таъсир кўрсатувчи икки турдаги омиллар мавжуд, деган қоида ётади. Улар:

- меҳнатнинг ташқи шароитлари билан боғлиқ омиллар;
- меҳнатнинг мазмуни билан боғлиқ омиллар.

Дастлабки омиллар инсоннинг асосий ёки физиологик эҳтиёжларини қондиришга бевосита таъсир қиласди (булар иш ҳақи, дам олиш имконияти, иш жойининг тавсифи ва ҳ.к.) ва ходимга рагбатлантирувчи таъсир кўрсатмайди, унинг фаолияти унумдорлигини оширмайди. Бироқ улар (аникроғи, уларнинг паст даражаси ёки йўқлиги) қониқмаслик учун сабаб бўлади ва мотивация омиллари кўрсатадиган таъсир самарадорлигини йўқла чиқариши мумкин.

Қониқмаслик меҳнат муҳитини бутунлай салбий кўринишга олиб келиб, унда ўз изини қолдиради. Ходим тўлов адолатсиз, бошқарув ходимият билимсиз ва фойдасиз, тартиб йўқ, жамоадаги ўзаро муносабатлар ёмон бўлиб кўринади. Буларнинг барчаси физиологик омиллар билан чамбарчас боғлиқ бўлган норозилик кайфиятининг акс-садосидир.

Ҳақиқий «мотиватор» жумласига қизиқарли иш; хизматда кўтарилиш учун яхши имкониятлар; меҳнат натижаси билан бевосита боғланган маош; ижодий фаолият; юксак масъулият ва шу кабиларни киритиш мумкин. Кучли туртки бўлган ва ташкилотдаги вазиятни тубдан ўзгартиришга қодир бўлган муваффақиятни, эътиборни хис этиш алоҳида рол ўйнайди.

Мазкур ёндашувни амалда кўллаш кўп ҳолларда ижобий таъсирга эришилаётганлигини кўрсатди. Бироқ аниқланишича, омилларни физиологик ва мотивацияловчиларга қатъий ажратиш мумкин эмас. Бир омил битта одам учун физиологик бўлиб, бошқа одам учун эса мотивацияловчи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Етакчи мотивларни билиш кўл остидагиларга нисбатан тўғри мотивацияловчи таъсирни танлашща муҳим, бироқ етарлича асос бўлолмайди. У турган муайян вазиятни, аниқроғи, юзага келган вазиятни у қандай қабул қилиши, баҳолаши, у кутган нарсалар нима эканлигини билиш ҳам зарур. Ушбу хатти-ҳаракат жиҳатларини инобатга олишга интиладиган назариялар процессуал назариялар, деб юритилади.

«Кутилган нарсалар назарияси»га кўра, инсон:

- ўз эҳтиёжлари қондирилишига олиб келадиган;
- унингча муваффақиятга эришишнинг энг юқори эҳтимолига эга бўлган ҳаракатларни амалга оширишга куч сарфлайди.

Бошқача айтганда, инсон бирор нарса қилишдан олдин эҳтимол тутилган ҳар бир натижанинг ўзи учун жозибадорлигини ва унга эришиш учун сарфланадиган файрат-шижоат даражасини баҳолайди.

Агар натижажа инсон учун қимматли бўлмаса, унга эришиш учун у ортиқча куч сарфламайди ва, аксинча, натижажа юқори аҳамиятга эга бўлса, интилиш ҳам кучли бўлади. Бинобарин, бошқарув ходими қўл остидагиларни унумли меҳнатта йўналтириш учун ходимларни ундашдаги ибтидои ажратиб олиши ва уларнинг ҳақиқий эҳтиёжлари ҳисобга олувчи рафбатлар тизимини яратиши лозим.

Инсоннинг меҳнат билан боғлиқ хатти-ҳаракати асосида унинг интилишлари ташкилот томонидан адолатли баҳоланиши (бошқа ходимлар ҳаракатига берилган баҳого қиёсан олиб қараганда) ётади. Инсонлар ўзларини бошқалар билан қандай таққослашларидан ташвишга тушишади: улар ўз ҳаракатлари натижка (ташкилот берган баҳо) билан мос келишини ва касбдошлари учун ҳам шундай нисбат билан қиёслаб, улар тенглик ёки тентсизлик ҳақида хулоса чиқарадилар ва бу хулосалар асосида ўзларининг меҳнат билан боғлиқ хатти-ҳаракатини ўзгартирадилар ёки ўзгаришсиз қолдирадилар.

Кутилган нарсалар назарияси ва адолат назариясини бирлаштириб, мотивацияни эҳтиёжлар, кутилган нарсалар ва ходимлар томо-

нидан тақдирлашнинг адолатлилигини қабул қилиш функцияси сифатида тасаввур этиб, эришилган натижалар ходим томонидан сарфланган куч-ғайрат, унинг қобилиятлари ва ўзига хос хусусиятларига, шунингдек, уларнинг меҳнат жараёнида ўз ролини ҳис қилишига боғлиқ, деган хуносага келиш мумкин. Инсон сарфлаган куч-ғайрат даражаси тақдирлаш қиммати ва сарфланган мазкур куч-ғайрат даражаси тақдирлашнинг муайян адолатли даражасига мос келади, деган ишонч қанчалик кучли бўлиши билан белгиланади.

Инсон ўз эҳтиёжларини бажарилган ишдан қониқиш ҳисси, билимлилик ва ўзини хурмат қилиш туйғуси каби ички рағбатлар, шунингдек, ташқи рағбатлар — эришилган натижалари учун мақташ, мукофотлаш, хизматда кўтариш — орқали қондиради. Қониқиш, бу — ходим учун ички ва ташқи рағбатларнинг адолатни инобатга олган ҳолдаги натижаси бўлиб, у ходим учун ҳақиқий қадрнинг ўлчовидир. Бу баҳо унинг келгусидаги вазиятларни қабул қилишида белгиловчи ўрин тутади.

Бу моделдан келиб чиқадиган энг муҳим хуносалардан бири шуки, натижадор меҳнат кўпчилик бошқарув ходимлари ўйлаганидек, қониқмасликка эмас, балки қониқишга олиб келади.

Мотивация механизмининг юқорида таърифланган моделлари ходимнинг хусусий вазиятларда ўзини тутишидан ташқари, жамоа аъзоларининг ТМ манфаатлари йўлидаги унумли меҳнатдан манфатдорлигини шакллантириш учун яратиш зарур бўлган шароитни ажратиб кўрсатиш имконини беради.

Ходимлар томонидан ташкилот мақсадларига эришиш учун сарфланадиган саъй-ҳаракат ҳажми ва йўналишини белгилаб берувчи шартлар йигиндиси *ТМниг мотивацион мухити* деб аталади.

Мотивацион мухит ходимнинг ўз меҳнати натижаларидан, агар бу натижалар умумий мақсадларга мос келса, кутилган оқибатнинг ижобий баҳоланишини таъминлаши керак. Бу натижаларни муносаб баҳолаш имконига эта бўлиш учун ҳар бир ходим натижа билан ўзи учун муҳим бўлган кутилаётган мукофот ўргасидаги алоқани кўриши лозим.

Бунинг учун қандай шароит яратилиши керак?

Биринчидан, *ТМ истаган меҳнат натижалари* иложи борича аниқлик билан қайд этилиши лозим. Ҳар бир ходим ТМ қандай натижани истаётганини билиши зарур ва бу натижа инсон эришган натижалари баҳоси ўзига маълум бўлган мезонлар бўйича адолатли, объектив эканлигига ишонч ҳосил қилиши учун операцонал тарзда аниқданиши (яъни ўлчаш мумкин бўлиши) керак.

ТМ истаётган натижаларни қайд қилиш орқали, биринчи навбатда педагогик жамоанинг фаолият йўналиши берилади-ки, бу, пировардида унинг ижтимоий-психологик тавсифига таъсир қиласи.

Мотивация нуқтаи назаридан шу нарса мұхимки, ТМ кутаётган натижалар бошқарув ходими ва унинг ўринбосарлари миясида қолиб кетмай, расмий ва ҳамма билиши мүмкін бўлган ахборот сифатида тақдим қилинсин. Бирон-бир пировард натижага эришиш эмас, балки бу фаолиятда у ёки бу шаклда иштирок этишнинг ўзи ҳам рағбатлантириладиган натижажа бўлиши мүмкін.

ТМ маъмурияти қандай қатнашув ва қандай натижалар рағбатлантиришини педагоглар билан биргаликда жуда аниқ белгилаб олиши лозим.

Булар *кутилаётган оқибатга* ҳам хос. Уларни баҳолашда зарур натижажа билан кутилаётган натижажа ўртасида алоқа борлигига, бу алоқа тасодифий эмаслигига ходимнинг ишончи комил бўлиши шарт. У, шубҳасиз, талаб қилинаётган натижага эришса, албатта ўзи истаганидек тақдирланишини аниқ билиши зарур. Бу ишонч кучли туртки бўла олиши мүмкін, айнан шу сабабли ҳам уни махсус воситалар — ички нормалар, анъаналар, расман қабул қилинган рағбатлантириш тизимлари ва ҳ. к. ёрдамида яратиш ва мустаҳкамлаш лозим.

Кутилаётган натижалар ходимлар томонидан уларнинг фойдалилиги нуқтаи назаридан ҳам баҳоланади.

Бу натижалар ходим учун етарли даражада жозибали деб баҳоланиши учун нима қилиш керак?

Энг аввало, тақдирлаш орқали рағбатлантириш билан ходимнинг долзарб эҳтиёжлари ўртасида алоқа мавжуд бўлиши, улар учун мұхим бўлган мотивларни ишга солиш керак. Бу нуқтаи назардан қараганда, куляй мотивацион мұхит яратиш анча мураккаб бўлади, чунки у мотивацияловчи таъсир йўналтираётган ҳар бир ходимнинг мотивацион тузилмасини билишни талаб қиласди.

Биз қўриб чиқмаган, натижаларнинг фойдалилигини баҳолашга таъсир кўрсатадиган сўнгти омил ишнинг мазмунидир. Жозибадор (ўзини намоён этиш имконини берадиган ижодий, қизиқарли) иш қониқиши ҳиссини ҳосил қиласди ва энг юксак мотивлар — ўзлигини намоён қилиш ва ўз шахсини ривожлантиришни ўз ичига олган ҳолда жуда кучли туртки бўла олиши мүмкін. Иш мазмунининг жозибадор эмаслиги (бир хиллик, етарсиз ёки керагидан ортиқ даражада мураккаблик, шунчаки қизиқарли эмаслик) кутилган натижалар аҳамиятини дарҳол оширади. Иш мазмуни қанчалик қизиқарсиз бўлса, иш учун тақдирлаш, шунчалик даражада аҳамиятли бўлиши керак. Бу ерда алоқадорлик тескари пропорционал бўлади.

Сарфланаётган куч-ғайратнинг умумий баҳоси натижага эришиш эҳтимолига берилган баҳога, ижрочининг ўзи (кўпроқ биламан, дея ўйлайдиган бошқарув ходими эмас) имкониятларини қанчалик баҳолашига жиддий равишда боғлиқдир. Ва бунда вазифа-

нинг қийинлиги таклиф қилинаётган ишнинг малакавий мураккаблик даражасида — унинг қанчалик қийинлитини ижрочининг ўзи тушуниб олади.

Олинаётган топшириқ ёки бажарилаётган ишнинг мураккаблик даражаси муайян ходимнинг ўз (малакавий ва психологик) ҳақидағи тасаввурига мос келиши лозим. Ўз қасбий салоҳиятини намоён этишга имкон бермайдиган ўта осон иш ҳам, инсон сифатли бажара олмайдиган ҳаддан ташқари қийин иш каби, ходим учун жозибадор бўлмайди.

Еришиш имкониятларини баҳолашга инсон ўзининг мазкур ишни бажара олиш қобилиятини қай даражада баҳолаши ҳам таъсир қиласи. Ўз имкониятларини етарли баҳоламаслик, ўзига ортиқча ишониб юбориш каби натижага эришиш имконияти ҳақида нотўғри тасаввур ҳосил қиласи.

Ишнинг мураккаблигига берилган субъектив баҳо инсоннинг ўз қобилиятини ўзи баҳолаши билан қўшилиб, унга талаб қилинаётган натижага эришиш эҳтимолини аниқ белгилаш имконини беради. Агар иш қўлидан келса, инсон ушбу натижага эришиш ундан қанча куч талаб килишига қарайди. Агар куч-ғайрат даражаси мақбул бўлса, бу мотивацияланишга ёрдам беради. Агар кўп куч талаб қилинса, бунинг ўрнини фақат жуда жозибадор, аҳамиятли оқибатларгина қоплаши мумкин.

Шундай қилиб, ижобий мотивацияни таъминловчи қуидаги шартларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Бошқарув ходими кутаётган натижалар аниқ белгиланган ва ҳар педагогга маълум бўлиши лозим.
2. Юқори натижаларга эришган ходимлар тақдирланиши барчага маълум бўлиши зарур.
3. Бу тақдирлашлар ижрочилар учун аҳамиятли бўлиши керак.
4. Педагогнинг жамоадаги мақоми ва касбдошларининг унга муносабати у қандай ишлаётганлигига боғлиқ бўлиши даркор.
5. Назорат тизими меҳнат натижаларининг объектив баҳоланишини таъминлаши ва ҳар бир педагог бунга ишонч ҳосил қилган бўлиши лозим.
6. Ҳар бир педагог эришган натижалар жамоага маълум қилиниши керак.
7. Тақдирлашлар меҳнат натижаларига мувофиқ эди ва улар тақдирлаш адолатли эканлигидан шубҳаланмаслиги даркор.
8. Бошқарув ходими кутаётган натижалар педагогларнинг имкониятларига мос бўлиши ва бунга уларнинг ҳам ишончи комил бўлиши зарур.
9. Кутилаётган натижага эришиш педагоглардан ҳаддан ташқари зўриқиши талаб қилмаслиги лозим.

10. Кутилаётган натижаларга эришиш учун етарли бўлган моддий-техник, ташкилий ва бошқа шароитлар мавжуд бўлиши ва ижрочилар ҳам бунга ишонч ҳосил қилиши керак.

Бу шартлардан биронтасининг бўлмаслиги мотивацион муҳит учун салбий омилга айланиб, мотивациянинг потенциал мумкин бўлган даражасини пасайтириб юборади.

**Тақдирлаш тизими** кўп вақтдан бўён ва ҳамма ерда мавжуд. Унинг давр синовидан ўтган асосий шакллари қуидагилардир:

- пул мукофоти;
- моддий рағбатлантириш (бунга тўловлар, имтиёзлар, совгалар ва бошқалар киради);
- алоҳида ходим ютуқларининг жамоа томонидан эътироф этилиши;
- гурӯҳ ютуқларининг жамоа томонидан эътироф этилиши;
- бошқарув ходимиятнинг шахсан эътироф этиши.

Тақдирлаш шаклини танлаш у йўналтирилган мотивлар билан чуқур боғланган. Бошқарув амалиётида энг кенг тарқалган католик, бу — пул сифатли ишга рағбатлантирувчи асосий восита, деган тасвурдир. Тадқиқотлар кўрсатишича, бу ҳамма ҳолатларда ҳам адолатли эмас ва ходимларнинг моддий аҳволи қанча юқори бўлса, пул мукофотининг ундовчи кучи шунча паст бўлади.

Рағбатлантириш тизими ундовчи куч бўлиши учун уни қандай куриш мақсадга мувофиқ? Энг аввало, бу тизим қуидаги уч асосий саволга жавоб берга олсин:

1. ТМ ўз педагогларидан нима истайди, у айнан нимани рағбатлантироқчи?
2. Педаголгар ТМдан нимани истайдилар?
3. ТМ педагогларнинг куттанига жавобан нимани ва қандай шартлар билан бера олади?

Бу тизим, йўналишига кўра, нафақат жорий ўқув-тарбия жараёнини, балки инновацион фаолиятни, шунингдек, жамоа аъзоларининг ўзини-ўзи ривожлантиришини ҳам рағбатлантириши лозим. Моҳиятан булар учта тизим бўлмоғи зарур. Уларнинг ҳар бири учун, аввало, ТМ бу соҳада айнан нимани ўзи учун исталган натижка деб билиши қайд этилиши ва бунда ушбу исталган натижалар аниқ белгилаб қўйилиши керак.

Рағбатлантириш тизими психологик механизмларни кўзда тутган ҳолда қурилиши ва, албатта, жамоанинг тузилмасини (асосий мақсадлар, ёш ва бошқалар бўйича) эътиборга олиши шарт. Бу ерда универсал мотивация механизмининг энг муҳим таркибий қисми муваффақият-муваффақиятсизлик туйғусини ҳис қилиш эканлигини назарда тутиш керак.

Муваффақият ҳисси ишга ундашни кучайтиради ва кўллаб-куватлайди, муваффақиятсизлик ҳисси бу рағбатга тўскىнлик қилади

ва радиэтади. Муваффақиятни ҳис этиш инсонни ўхшаш вазиятларда илгари муваффақиятли якунланган йўлни танлашга мажбур этадиган из қолдиради. Бунинг акси ўлароқ, муваффақиятсизликнинг олдини олиш, салбий туйгу сифатида, мақсадга эришишнинг ўзини оқламаган йўлидан воз кечишга ундаиди ва янги синовларни ишга солищни кучайтиради. Айнан шу боисдан, рағбатлантириш тизими инсонга албатта муваффақиятни ҳис қилиш имконини берадиган шаклларни ўз ичига олиши керак. Муваффақият ҳиссини туйиш инсонлар учун барча турдаги мотивацион тузилма билан зарур.

Тақдирлаш тизими кўлланилаётган воситалар нуқтаи назаридан, етарли даражада ранг-баранг бўлиши лозим. Афсуски, бюджетдан молиялаштириш педагогларни моддий рағбатлантириш имкониятларини анча чеклаб кўймоқда, шу сабабли маънавий кўллаб-кувватлашнинг педагоглар учун муҳим бўлган турли шаклларидан фаолроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Уларда юқори даражадаги мотивларга нисбатан жуда катта ундовчи куч мавжуд. Бунинг устига, ўқитувчилар, одатда, ҳурмат-эҳтиромга ва ўзини-ўзи ҳурмат қилишга катта эҳтиёж сезадиган инсонлардир, бинобарин, уларнинг хизматларини эътироф этишининг ҳеч қайси усули ортиқча эмас. Бундай шаклларни ўйлаб топиш, синааб кўриш, балки излаш ҳам зарур. Булар қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича нуфузли курслар, семинарлар ёки конференциялар ҳам, муайян ишни ижобий баҳолаган ҳолда дўстона очиқ мулоқот қилиш ҳам, таътил пайтида ижодий таътил бериш, ташаккур билдириш ҳақида бўйруқ, чиқариш ёки уни меҳнат дафтарасига ёзиш кабилар бўлиши мумкин. Шаклларнинг ранг-баранглиги ва ҳаётйилиги кучли мотивацияловчи таъсирни таъминлатди. Қуйида ўқитувчиларни рағбатлантиришнинг ТМ да фойдаланиш учун тавсия этиладиган шакллари келтирилган.

*Педагог фаолиятини рағбатлантириши шакллари:*

1. Бир ойлик маош миқдоридаги бир йўла мукофот.
2. «Халқ таълими аълочиси», «Хизмат кўрсатган ўқитувчи» ва бошқа ҳукумат мукофотларига тавсия этиш.
3. Йиғилишда, эътиборли мажлисда, методик кенгашда оммавий мақташ.
4. Саёҳатга ёки дам олиш уйига бепул йўлланма бериш.
5. Бўйруқда миннатдорчилик билдириш.
6. Қимматбаҳо совға топшириш.
7. Суратини ҳурмат тахтасига (энг яхши ўқитувчилар, ТМнинг новатор ўқитувчилари) қўйиш.
8. Дам олиш куни (отгул).
9. «Ривожланган» синфларда ишлаш.
10. Турли муаммоли конференциялар ва семинарларга юбориш.
11. Нуфузли қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига юбориш.

12. Фанлар бўйича ўнқунлик, ойликларни тайёрлашга ва ўтказиш фаолиятига жалб қилиш.
13. Методик ишга соатлар ажратиш.
14. Ижодий ишларнинг шахсий кўргазмаси.
15. Таътил пайтида ижодий таътил бериш.
16. Меҳнат таътилига қўшимча кунлар бериш.
17. Турли дараҷадаги курс иши, очик дарслар ва семинарлар ўтказиш.
18. Муайян ишни ижобий баҳолаган ҳолда очик дўстона мулодот қилиш.
19. Дарсга келгандан сўнг, мақташ.
20. Мустақиллигини ошириш (ваколатларини кенгайтириш).
21. Ўзини-ўзи назорат қилишга ўтказиш.
22. Ҳал этаётган масалаларнинг ёки юкларнинг қийинлик дараҷасини ошириш.

Рағбатлантириш тизимини шакллантираётганда бошқарув ходими, энг аввало, қўйидаги масалаларни ҳал қилиши лозим:

1. ТМ педагогларни тақдирлаш учун мўлжаллаётган натижаларни ва уларни баҳолаш мезонларини ажратиб олиш.
2. Педагогларнинг асосий эҳтиёжларини ва ТМ бу эҳтиёжларни қондириши учун уларга бера олиши мумкин бўлган барча нарсани аниқлаб, улардан педагогларнинг меҳнат фаоллигидаи долзарб мотивлар сифатида фойдаланиш.
3. Ажратиб олинган натижаларнинг ҳар бирига эришганлик учун рағбатлантириш қоидаларини аниқлаш.
4. Мукофотлаш шартларини муҳокама қилиш ва биргаликда ишлаб чиқиши орқали таклиф этилаётган рағбатлантириш тизимининг барча педагоглар томонидан қабул қилинишини таъминлаш.
5. Натижалар билан тақдирлашнинг турлари, муддатлари, ҳажми ва бошқа алоҳида шартлари ўртасидаги алоқани очиб берадиган ва ўқитувчига зарур натижага эришганда тақдирланишини таъминлайдиган ишлаб чиқилган қоидаларни рағбатлантиришнинг расмий тизими сифатида тасдиқлаш.
6. Фойдаланилаётган рағбатлантириш методларининг таъсирчанигина вақти-вақти билан таҳлил қилиб туриш ва ушбу таҳлил натижаларига кўра уларни тўғрилаб бориш.

Педагогларнинг унумли ўкув-тарбия ишлари, инновацион фаолияти ва уларнинг мустақил ривожланишини рағбатлантиришнинг пухта ўйлаб чиқилган тизимига эга бўлган бошқарув ходимигина таълим муассасасининг мақсадларига эришишда кўл остидагиларнинг фаол иштирок этишга умид боғлаши мумкин.

*Педагогик кадрларни баҳолаш* — жамоани бошқаришнинг зарур тарқибий қисми. Тадқиқотлар кўрсатишича, доимий ва тизимли ра-

вишда баҳолаш педагоглар ва ходимларнинг мотивациялаш (унумли меҳнатга ундаш)га, уларнинг касбий ўсиши ва ривожланиши ижобий таъсир этади. Бироқ, агар киши баҳолацни адолатсиз деб топса, у ўзининг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб, сарфлаётган куч-ғайратини тегишли баҳо даражасига туширишга уриниб, ўзини суст тутади ёки ташкилот билан низолашиб, ўз норозилигини ифода этади. Натижада, баҳолаш фаолият самарарадорлигини ошириш воситасидан салбий таъсир қилувчи омилга айланади.

*Кадрларни баҳолаш тизими ва унинг вазифаси.* Кадрларни баҳолаб бориш учун ахборотни тўплаш, ишлаш ва таҳлил қилиш методларини нима ва қандай баҳолашини белгиловчи, мезонлар, ким қандай функцияларни бажаришини белгиловчи баҳолашнинг ташкилий тартиби зарур.

Ўзаро боғланган бу мезонлар, методлар, тартиблар ва субъектлар йигиндиши баҳолаш тизимини ташкил қиласди. Баҳолашнинг икки хил: жорий (шакллантирувчи) ва якуний (аттестацион ёки умумий йигиндили) тури мавжуд.

Жорий баҳолаш даврий равищда бутун ўқув йили мобайнида амалга оширилади. Бу баҳолашнинг фойдаланилайдиган шакллари, одатда, педагогнинг бутун фаолиятини қамраб олмайди, балки унинг фаолиятининг алоҳида соҳаларини баҳолашга қаратилган.

Йигиндили (якуний) баҳолаш, одатда, педагог малака ва касбий фаолият сифати нуқтаи назаридан касбий талабларга қай даражада жавоб бериши ҳақида мулоҳаза қилишга қаратилган. Баҳолаш ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, педагог фаолиятининг барча томонларини қамраб оловчига мезонларнинг кенг доираси бўйича амалга оширилади.

Кадрларни баҳолаш орқали ҳал қилинадиган масалалар бошқарув ходимилик усулига жиҳдий боғлиқдир.

Маъмурий-бўйруқбозликка асосланган бошқарув ходимиликда асосий вазифа педагоглар ишидаги камчиликларни аниқлаш ва уларнинг эгаллаб турган лавозимига мувофиқлиги даражаси ҳақида хуносага келишдир. Бунда баҳолаш «жазолаш ва тақдирлаш» механизмининг таркибий қисмларидан биридир.

Демократик бошқарувда бу асосий вазифа ҳисобланмайди. Баҳолашни педагогнинг касбий ўсишига туртки бўладиган омилга айлантириш мухим. Бунинг учун бошқарув ходими баҳоланаётган педагогга қандай ёрдам зарурлигини билиши, баҳоланувчи эса:

- баҳонинг объектив эканлигига амин бўлиши;
- уни ўзи учун фойдали нарса деб қабул қилиши;
- аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун нималар қилиш лозимлигини билиши;
- камчиликларни бартараф этишни хоҳлаши;

— бошқарув ходими бу масалада ўзга ёрдам беришини билиши керак.

Кадрларни баҳолашнинг яхши ташкил қилинган тизими:

— ходимлар мотивациясига ижобий таъсир қилиш (қайтма алоқа ходимларга ўз ташкилий хатти-ҳаракатини тұғрилаш имконини беріб, мотивацияға яхши таъсир қылади);

— жамоа аъзоларини ўқитишни режалаштириш (баҳолаш ҳар бир ходимнинг малакаси билан боғлиқ камчиліктерни аниклаш үшін бартараф этиш чораларини күриш имконини беради);

— мансаб борасындағы касбий ривожланишни режалаштириш (ходимларни баҳолаш үшін индивидуал ривожлантириш режаларини тайёрлаш үшін мансабда күтаришни самарали режалаштириш имконини беради; үларнинг күчли ёки заиф-касбий сифаттарини юзага чиқаради ҳамда;

— тақдирлаш, мансабда күтариш, ишдан бўшатиш (кадрларни баҳолашнинг мунтазам ва доимий тизими бошқарув ходимига иш ҳақини ошириш, ходимларни тақдирлаш, юқори лавозимга кўта-риш ёки ишдан бўшатиш ҳақида асосли қарорлар қабул қилишда ёрдам беради) кабилар орқали бошқарув самарадорлигини оширади.

Афсуски, педагоглар ўз ТМдаги кадрларнинг баҳоланишини кўпинча адолатли ва объектив деб ҳисобламайдилар. Бу үларга касбий ривожланиш воситаси сифатида хизмат қилмайди, үларда ўзига танқидий кўз билан қарашни шакллантирмайди.

Ҳар бир мезон баҳолаш кўрсаткичидан ва унга мос шкаладан ташкил топади. Баҳолаш шкаласисиз, фақат кўрсаткичининг ўзи мезон саналмайди. Бироқ бигитта кўрсаткич турли баҳолаш шкаладарига эга бўлиши мумкин ва, моҳияттан, бу ҳар хил мезонларнинг мавжудлигини англатади.

Куйида педагог фаолиятини баҳолашнинг айрим мезонлари келтирилади.

Баҳолаш кўрсаткичлари	Кўрсаткичининг ифодаланиш даражаси				
	1	2	3	4	5
Дарс беришга тайёрлик:					
— ўқитиш методикасига эгалик;					
— фан мазмунини билиш;					
— фойдаланилайдиган таълим технологияларининг самарадорлиги;					
— ўқувчиларга аниқ талаблар қўйиш.					
Ўқувчиларга табақалаштириб ва индивидуал ғандушу.					
Ўқув масалаларини самарали ечиш.					
Ранг-баранг ўқув материалларидан фойдаланиш.					

давоми

Ўқув вақтидан фойдаланиш. Ўқувчиларни ундаи олиш. Ўқувчилар билан мулоқот қила олиш. Ўқувчиларни муайян қайтма баҳолаш муносабати билан таъминлаш.					
---	--	--	--	--	--

Масалан, ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш учун беш балли ва юз балли шкала қўлланилиши мумкин. Ўз мақсадига кўра, иккала мезон ҳам бир хил, мазмунан эса — турлича. Шу каби, педагогнинг бирор методикага эга эканлиги иккى жавобли «эга — эга эмас» деган шкалада ҳам, янада равшанроқ шкалада ҳам баҳоланиши мумкин.

Баҳолаш кўрсаткичлари бажарилаётган иш мазмунига қараб аниқланади. Уларни уч гурухга: ўқув-тарбия иши, инновацион фаолият ва педагогларнинг ўз устида ишлаши кўрсаткичларига бўлиш мумкин. Кўрсаткичларни ишлаб чиқишида ТМнинг аниқ таърифланган мақсадлари ва педагогнинг қатъий белгилаб қўйилган вазифаларидан келиб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Барча таълим муассасалари учун бир хил бўлган баҳолаш кўрсаткичлари мавжуд эмас. ТМнинг умумий йўналиши, унинг шакли ва турига қараб, педагогларга турли талаблар қўйилади. Баҳолаш кўрсаткичлари шу талаблардан келиб чиқиб тузилиши лозим.

Фаолиятнинг ҳар бир жиҳати доирасида керакли натижаларга эришиш учун шароит яратадиган касбий хатти-ҳаракат кўрсаткичлари гурухини шартли равишида ажратиб олиш мумкин.

Ўқитувчи фаолияти натижаларининг кўрсаткичларини, айниқса, қисқа давр учун, қайд этиш ёки баҳолашнинг кўп меҳнат талаб қўлмайдиган, айни пайтда объектив тўпларини топиш кўпинча мураккаб кечади.

#### Тўлиқ маълумот берувчи балли шкалага мисол

Баҳолаш кўреаткичи: педагоглар жамоаси аъзолари билан чиқишиш				
Ҳамкорликка мойиллик кўрсатмайди, зиддиятили	Ҳамкорликка оз мойиллик кўрсатади, фикрини ифодалашсан ўзинни тияди, кўзга ташланмайди	Ҳамкорлик қилишига қобил, бошқалар томонидан умуман яхши қабул қилинади, бироқ агрофлагиларнинг фикрига ва танқидига ҳаминша ҳам қўшилмайди, ўз фикрини биринчи ўринга кўяди	Ҳамкорлик қилишига интилади, бошқалар томонидан қадрлана-диган ўз фикрига эга, бошқалар фикри билан ҳисоблашади, танқидни ижобий қабул қиласди	Ҳамкорлик қилиш қобилияти аниқ ифодаланган; ўз фикрига эга ва бошқаларга ижобий таъсир ўтказиши мумкин, агрофлагилар фикри билан ҳисоблашади, танқидлан тўғри холоса чиқаради

Касбий хатти-ҳаракат кўрсаткичлари баҳоланувчи томонидан пировард мақсадларга эришиш учун бажарилиши лозим бўлган ишни,

шунингдек, унинг биргаликдаги фаолият самарадорлигига таъсир кўрсатадиган бевосита хатти-ҳаракати (масъулиятлилги, бошқарувда иштирок этиши, бошқалар билан чиқишиши ва бошқалар)ни белгилаб беради.

Кўйида педагогларнинг ўкув-тарбия фаолиятини баҳолаш учун кўрсаткичлар мажмуасидан парча келтирилади.

Мезонларни ишлаб чиқиша қўлланилаётган кўрсаткичларнинг ҳар бири ўлчанадиган, яъни баҳо шкаласига ўтказиладиган бўлиши муҳимдир. Ягона кўрсаткичлар бўлмаганидек, умумқабул қилинган баҳолаш шкалалари ҳам йўқ. Шунинг учун улар ҳар бир таълим мусассасасида маҳсус ишлаб чиқиши лозим.

### **Баҳолаш шкалаларини ишлаб чиқиш усуслари**

*Градация усули.* Бу усулда балли баҳолаш шкалаларини тузиш кўзда тутилади. Бундай шкалага оддий беш балли шкала — аъло (5) дан то қониқарсиз (2) гача — мисол бўлиши мумкин.

«Тўлиқ самара билан ишлаш» кўрсаткичини баҳолаш учун балли шкаланинг яна бир мисоли: 5 — ҳамиша; 4 — айрим истиснолар билан; 3 — асосан; 2 — кўпинча риоя этилмайди; 1 — камдан-кам.

Бироқ бундай оддий шкалалар баҳоловчи томонидан талқин қилишда кенг имкониятлар беради ва натижада, хатоликлар юзага келиши мумкин.

Баҳолаш субъективлигини камайтиришга баҳолашда шкаланинг у ёки бу қийматидан келиб чиқиш шартлари тавсифини тафсилотлари билан бериш ҳисобига эришиш мумкин.

Якуний баҳо барча кўрсаткичлар бўйича баҳоларни қўшиш йўли билан чиқарилиши мумкин.

*Мақомни тартибга солини усули.* Бу усул баҳоланаётган обьектлар ўргасида «яхшироқ-ёмонроқ», «кўпроқ-озроқ» сингари ва ҳ. к. муносабатларни ўрнатишга қаратилган. У баҳоланаётганларни алоҳида кўрсаткич бўйича тезлик билан солиштириб кўриш имконини беради. Бунинг учун карточкага баҳоланиши лозим бўлган ходимларнинг исми ёзилади ва эксперtlар карточкаларни ҳар бир тавсифнинг ифодаланиш даражаси бўйича саралашади, натижада бир текис тизилган, масалан, «дарс беришининг янги методикаларидан фойдаланиш»: 1-ўқитувчи > 2-ўқитувчи > 3-ўқитувчи қатори ҳосил бўлади ва ҳ. к. Йигма баҳо алоҳида мақомларни қўшиб чиқиш орқали ҳисобланади. Методнинг жиддий камчилиги баҳоланаётган обьектлар ўргасидаги сифат оралиғи ҳақида хулоса чиқариш имкониятининг йўқлигидир.

Бутунги кунда кадрларни баҳолаш учун ахборот тўплаш ва таҳлил қилишнинг анча кенг доирадаги методлари ишлаб чиқилган. Уларни танлаш, бир томондан, баҳолашда ҳал этиладиган вазифалар, иккинчи томондан, бевосита методларнинг имкониятлари асосида белгиланади. Ходимларни маъмурият баҳолашда маъмурият

баҳолаш методлари таълим муассасаларининг кўпчилитги учун анъанавий ҳисобланади.

Куйида амалиётда қўллаш учун синалган баҳолаш методлари тавсия этилади.

**Баҳолаш (аттестация) сұхбати** бошқарув ходимининг баҳоланаётган педагог билан учрашувини назарда тутади, бунинг оқибатида ўтган муддатдаги иш натижалари мұхокама қилинаци, бу ишга бошқарув ходими томонидан ҳам, ходимнинг ўзи томонидан ҳам баҳо берилади, келгуси йил ва истиқбол учун иш режаси тасдиқланади. Бундай сұхбат ходимнинг фаолият натижаларини ва унинг келгусидаги ривожланиш имкониятларини баҳолаш имконини берібінә қолмай, балки унга таълим олиш ва малака оширишда ёрдам бериш, унинг касбий мансабда юксалиши бўйича маслаҳат олиш, қониқарсиз иш бўлган тақдирда уни огоҳлантириш сингари қайтма алоқа воситаларини ҳам таъминлайди.

Сұхбат самарадорлигини ошириш учун бошқарув ходими:

- санани олдиндан белгилаб қўйиши ва уни ўтказиш учун етарли вақт (камида бир соат) ажратиши, бу ҳақда ўқитувчига ҳам хабар бериши;
- сұхбатни мақсадға мувофиқ келадиган жойда, учинчи шахслар, телефон күнгироқлари, шовқин ва chalgituvchi бошқа нарсалар бўлмайдиган жойда ўтказиши;
- иш натижаларини мұхокама қилишдан олдин ўқитувчи билан иш мұхитидаги сұхбатни таъминлаб берадиган алоқа ўрнатиши;
- сұхбатни ижобий жиҳатлардан бошлаши ва бутун сұхбат давомида осойишта оҳангни сақлаб туриши;
- ходим билан унинг шахсий фазилатларини эмас, балки лавозим мажбуриятларининг бажарилишини мұхокама қилиши;
- айниқса, салбий баҳо берилётганда умумий фикрлар эмас, балки аниқ далиллар асосида иш тутиши;
- ўқитувчининг фаолияти нега бошқача эмас, балки айнан шундай баҳоланганини батафсил тушунтириб бериши;
- баҳоланувчини дикқат билан тинглаши;
- ўқитувчига унинг камчиликларини бартараф этишда ёрдам беришга тайёрлиги ва буни исташини таъкидлаб ўтиши;
- муроқотни ижобий оҳантда якунлаши лозим.

Бошқарув ходими юқоридаги қоидаларга амал қилиб, сұхбатни ўзини-ўзи ривожлантиришга қаратилган ижобий муроқотга айлантириши мүмкін. У ходим ишидаги ижобий жиҳатларни таъкидлаш, унинг ўсиш истиқболларини мұхокама қилиш орқали, уни янада самаралироқ ишлашга ундейди. Ёрдамини таклиф қилиб, фаолият режасини биргаликда ишлаб чиқиб, ўз билимини такомиллаштириши учун зарур бўлган воситаларни беради.

Педагог томонидан сұхбатта қадар түлдириладиган баҳолаш (аттестация) варақаси (ёки индивидуал ривожланиш режаси) сұхбат учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Унга қўйидагилар киритилиши керак:

- сўнгти сұхбатдан бўён ўтган давр мобайнида эришилган натижалар;
- ўқитувчининг шу давр мобайнидаги ўзининг энг муҳим ютуқ ва камчиликлари ҳақидаги фикри;
- ўқишиш ва ривожланишга бўлган эҳтиёжи;
- педагогнинг ишни қандай самараали бажара олиши мумкинлиги ҳақидаги фикри;
- бошқарув ходими ўқитувчига кўрсатишни талаб қилиши мумкин бўлган аниқ ёрдамнинг кўрсатилиши.

*Кузатиш усули* — баҳолашнинг энг қадимги методларидан бири. Унинг машҳурлиги шу билан боғлиқки, педагогнинг иш фаолиятини қатъий ўлчаб бўлмайди, дарсда қатнашиш ва уни таҳлил қилиш эса унинг асосий фаолияти тўғрисида жуда муҳим маълумот беради. Кузатиш норасмий, танишувчи, режалаштирилмаган ва аксинча, расмий, баённома түлдириладиган ва баҳолаш натижалари бўйича хуносас чиқариладиган бўлиши мумкин. Кузатиш мақсадлари, дастури, баҳолаш мезонлари ва натижаларни қайд қилиш шакли қанчалик аниқ белгиланган бўлса, методнинг самарадорлиги шунчалик юқори бўлади.

Бу усулни қўллашда педагогни ташриф ҳақида олдиндан огоҳлантириб қўйиш ва уни баҳолаш мезонлари билан таништириш, ташрифдан сўнг эса, олинган натижаларни биргаликда муҳокама қилиш унинг муҳим жиҳатидир.

Кузатиш усули бир оз чегараланган, чунки у ўқитувчи ишни қандай режалаштираёттанини, ўкув материалларини баҳолаёттанини ва саралаёттанини, иш усулини танлаёттанини баҳолаш имконини бермайди.

Доиравий ёки *«360 даражали баҳолаш»*. Бу усул педагогнинг раҳбар, жамоадошлар, ота-оналар ва ўқувчилар томонидан ҳар томонлама баҳоланишига қаратилган. Бунда қўлланиладиган баҳолаш методикаси ҳар хил бўлиши мумкин (ҳамма баҳоловчилар бир хил баҳолаш варақасини тўлдирадилар, ҳар бир тоифа учун алоҳида шакл ишлаб чиқилади ва бошқалар).

*«Мақомига кўра тенглар»*нинг баҳоси (педагог педагогни баҳолаши). Қоидага кўра, бу усул ёш педагогларга нисбатан қўлланилади. Баҳоланаётган фаолиятни директор ёки унинг ўринbosаридан кўра яхшироқ биладиган тажрибали педагоглар ёш педагогнинг касбий ўсишига кучлироқ таъсир қилиши мумкин. Бу усул такомиллаштириш бўйича тавсияларга асосланган педагогнинг синфдаги ишини

кузатиш, уни таҳлил қилиш ва ҳар томонлама муҳокама қилишни ўз ичига олади. Усулнинг зарур таркибий қисмларидан бири аниқланган камчиликларнинг бартараф этилиши устидан назоратни таъминловчи такрорий кузатишдир.

Ўқув машғулотини кузатиш дастури камида қўйидаги қоидаларни ўз ичига олиши шарт:

1. Дастур талабларига ва ўқувчилар эҳтиёжларига мослик.
2. Таълим олувчиларнинг имкониятларига мослик.
3. Машғулотнинг ўқув вазифасини ҳал қилишга ажратилган вақтга мослик.
4. Дарс машғулотининг тузилиши.
5. Ўқув фаолияти босқичлари ва уларнинг вазифалари билан дарснинг ўқув вазифаси ўртасидаги боғлиқлик.
6. Дарс масаласини ҳал этиш учун дарс ишининг тўлиқ бўлиши.
7. Ўқув машғулотлари босқичларининг вақт бўйича оқилона тақсимланиши.
8. Ўқув машғулотининг мазмунни, шакллари ва методлари.
9. Қўйилган ўқув вазифасига бажариш учун танланган мазмуннинг мувофиқлиги.
10. Ўқувчилар ишининг танланган шакл ва усулларининг қўйилган вазифани бажаришдаги мақсадга мувофиқлиги.
11. Ўқув машғулоти натижалари.
12. Ўқув вазифасини ҳал этишининг режалаштирилганига нисбатан тўлиқлиги.

Усулнинг яна бир афзаллиги баҳоланувчи ва баҳоловчининг ўзаро бир-бирини бойитишидир.

*Клиник кузатиш* — шакллантирувчи йўналтирувчили усул бўлиб, ўқитувчининг синфдаги ишида юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишда анча самаралидир. Баҳолаш гуруҳли тарзда ҳам, индивидуал тартибда ҳам ўтказилади.

Усул тўла ҳажмда беш босқични ўз ичига олади:

- кузатиш (индивидуал ёки гуруҳли) бошланишидан олдин педагог билан сұхбатлашиш;
- дарсни кузатиш;
- олинган натижаларни таҳлил қилиш;
- маслаҳатлашув сұхбати;
- педагог фаолиятини такомиллаштиришни режалаштириш.

*Ўзини-ўзи баҳолаш* (ўз фаолиятини баҳолаш) педагогларга ўз фаолияти ҳақида ахборот (тажриба) тўплашга, мунтазам такомиллашишга психологик ёрдам беради. Ўзини-ўзи баҳолашни бошқа баҳолаш усуллари билан кўшиб олиб бориш уларга ишончни мустаҳкамлайди. Масалан, якуний натижажа ёки унинг таркибий қисми юзасидан ихтилофлардан қочиш учун ўзини-ўзи баҳолаш, одатда,

якуний баҳолаш (аттестация)дан бир-икки ҳафта олдин ўтказилади. Бу ўқитувчига ўз фаолиятининг энг муҳим жиҳатларига эътибор қартишгина эмас, балки унга четдан, танқидий ва объектив назар солиш имконини ҳам беради. Бунда ўзини-ўзи баҳолаш келгуси ривожланиш учун кучли турткига айланади.

*«Ўқитувчи портфели»* баҳолашнинг бъязи тизимларида дарс ва бошқа машгулотларни кузатиш жараёнида олиш имкони бўлмаган, аммо педагог фаолиятини йиғма баҳолаш учун зарур бўлган ахборотни тўплаш учун ишлатилади.

Ўқитувчи «портфели»да ўз вазифалари тавсифи, иш режалари, ўзи ишлаб чиқсан ўқув материаллари, тестлар, ўқувчиларга топшириклар, дарс ва бошқа тадбирларнинг ёзма, аудио, видео ёзувлари, отоналар мулоҳазалари ва бошқаларни тўплаб бориши ҳамда экспертиларга жорий ва якуний баҳолаш доирасида тақдим қилиши мумкин.

*Психологик усуllibar* ходимдаги муайян хусусиятларнинг мавжудлиги ва тараққий этганлик даражасини баҳолашга қаратилган тестлар, сұхбатлар, машқларни ўз ичига олади. Бунда унинг фаолият натижалари эмас, балки салоҳияти баҳоланади. Психологик методлар баҳолашнинг юқори даражадаги аниқ ва батафсил бўлишига эришишда ёрдам беради, бироқ профессионал психологларни жалб қилиш билан боғлиқ уринишларни қўллаш соҳасини чеклаб қўяди.

Ҳар қандай баҳо нима баҳоланаётганлигини ўлчашни ва уни солиштиришни кўзда тутади. Ўлчашнинг ҳеч бир усули мутлақ аниқликни таъминлай олмайди, ҳар доим хатога йўл кўйилади.

Мехнат сифати — баҳолаш жуда қийин бўлган объектлардан бири бўлиб, бунда ўлчовда жиддий хатоларга йўл кўйилиши эҳтимоли анча катта.

Объектив, аниқ ва адолатли баҳони таъминлашща хато қилаётганлар кўпинча уларни ҳатто ўzlари ҳам сезмаслиги билан боғлиқ муҳим масаладир. Шунинг учун кадрларни баҳолашща қатнашаётган ҳар бир иштирокчи хатоларнинг турлари ва уларни бартараф этиш йўлларини аниқ тасаввур қилиши лозим.

Кадрларни баҳолаш тажрибасининг таҳлили хатоларнинг жуда кўплаб манбалари борлигини кўрсатади. Булар: баҳоловчиларнинг етарли даражада билимли эмаслиги, уларнинг субъектив қоидалари, баҳоланувчининг иши ҳақидаги ахборотнинг тўлиқ эмаслиги, қўлланилаётган усуllibарнинг мукаммал эмаслиги ва бошқа кўп нарсалардир. Махсус тадқиқотлар ёрдамида энг кенг тарқалган хатоларнинг бир неча турлари аниқланган.

Биз баҳолаш шкаласидан тўлиқ фойдаланилмаслиги билан боғлиқ *уч хил хато* (қатыйлик, юмшоқлик ва ўргачалик)ни ажратиб олдик.

*Баҳолашда қатъийлик* — ҳар бир кишини у муносиб бўлган баҳодан ёки бошқа экспертилар қўйиши мумкин бўлган баҳодан паст ба-

ҳолаш тамойили. Оширилган талаб ёки баҳоланувчини унинг имкониятларидан ортиқ даражада ишлашга ундаш, уриниш, шунингдек, улар нотўри иш қилиб кўйган ҳолларда масъулиятдан қўрқиши бу турдаги хатоларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Асосан танбех бериш ва салбий баҳолашга мойиллик бир неча шаклда: анча юмшоқ — фаолиятнинг ижобий жиҳатлари ҳақида индамаслик ва салбий томонларини таъкидлаш ҳамда анча қаттиқ — ишнинг ҳар қандай натижаларига фаол салбий муносабат шаклида юзага чиқади. Бунда баҳоловчи кўпинча баҳоланувчи ҳақида ижобий тасаввурга эга бўлади, бироқ у буни намоён қиласа, дангалчилликка йўл қўйилади, кеккайишга ёки фаолият сифати пасайиб кетишига йўл қўйилади, деб ҳисоблади.

Қатъийликнинг салбий оқибатлари баҳолаш доирасининг торайишида намоён бўлади, чунки паст балли баҳолаш шкаласигина ишлатилади; бунда ҳақиқий манзарани бузиб кўрсатиш ва чиндан ҳам яхшиланиши керак бўлган фаолият соҳаларидан диққатни чалғитиш юз беради. Бундан ташқари, ошириб юборилган қатъийлик, қоидага кўра, баҳоланувчининг баҳони қабул қилмаслигига олиб келади, ўз фаолияти сабабларини ўзгартиришга ва меҳнатдан, ТМдаги тартиб-қоидалардан ва ниҳоят, баҳоловчининг ўзидан қониқмасликка олиб келади.

*Баҳолашда юмишоқлик* — баҳоланувчи муносиб бўлгандан кўра баҳони юқорилатишга интилиш бўлиб, қатор сабаблар — баҳоланувчи билан яхши муносабатларни сақлаб қолишга ҳаракат; ТМдаги ишлар аҳволини яхши қилиб кўрсатиш истаги; ушбу экспертга ўхшашиб инсонларга хайриҳоҳлик билан муносабатда бўлиш; шунчаки, ёмон хабарни, айниқса, у етказилиши керак бўлган одамларга айтишни ёқтирмаслик кабилар оқибатида юзага келиши мумкин.

Баҳоланувчининг ҳиссасини ижобий баҳолашга мойилликнинг кучли томони шундаки, у ходимда ўз кучи ва имкониятларига ишончни шакллантиради. Аммо унинг заиф томонлари ҳам бор. У инсонга юзага келган иш усуслари ва услубларини жиддий қайта кўриб чиқишининг бошланғич нуқтаси бўлиб хизмат қиладиган даражада таъсир кўрсатиш имконини бермайди.

Қатъийликда бўлганидек, юмишоқликда ҳам баҳолаш миёси тоғяди, бироқ бу юқори балларни қўллаш ҳисобига юз беради. Бунда баҳоланадиган айрим ходимлар тақдирлаш тариқасида ўз қобилияtlariga муносиб бўлмаган лавозимларга кўтарилиши мумкин, бошқаларда эса, уларга тўғри, аммо нисбатан пастроқ баҳо берадиган экспертлардан норозилик ҳисси уйгонади.

*Баҳони ўртачалаштириши (центризм)* — ҳар бир кишига баҳони паст ҳам, юқори ҳам эмас, ўртacha қўйиш тамойили, балки, экспертнинг баҳоланувчини хафа қилиб қўймасликка ҳам, жуда хайриҳоҳ

бўлиб кўринмасликка ҳам интилиши ёки баҳоланувчи ҳақида етарли ахборотнинг йўқлиги ва шу боис, «хавфли» бўлмаган ўртacha баллни мўлжаллаши билан боғлиқдир. Баҳолашда аниқ мезонлар бўлмаслиги ҳам бунга сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда ўртачалаштирилган баҳо қўйилиши шубҳалардан қочиш имконини беради.

Ушбу вариантда баҳолаш шкаласи умуман иш бермайди, шу сабабли жуда самарали ишлаётганларни ҳам, фаолиятини жиддий яхшилаши лозим бўлганларни ҳам аниқлаш имкони бўлмайди.

«Мавжудлик» эфекти — ходимни фаолиятнинг барча соҳалари бўйича бир хил даражада баҳолаш, одатда, унинг фаолияти тавсифини «тўсиб» қўяциган аниқ ифодаланган ёқимли ёки ёқимсиз шахсий ёхуд амалий фазилатларга эга эканлиги билан боғлиқ (масалан, агар ўқитувчи педагогик кенгашларда яхши чиқишилар қиласа, у яхши педагог деган тасаввур ҳосил бўлиши мумкин). Чунончи, киришимли одамлар ўзлари муносиб бўлган баҳодан кўра юқори-роқ баҳоланишлари қайд этилган. Баҳоланувчининг кучли ёки заиф томонларини аниқлашдаги хатолар салбий оқибатлардир.

Янгилик (эскирмаганлик) эфекти — ходимни баҳолашнинг бутун даври натижалари асосида эмас, балки яқинда маълум бўлган муҳим факт ва воқеалар асосида баҳолаш — инсонларнинг бир-бирини қабул қилишида ўзига яхши таниш бўлган инсонга нисбатан сўнгти қисқа давр мобайнидаги, янгироқ маълумот муҳимроқ таъсири қиласи. Масалан, ўқитувчининг дарсига яқинда ташриф бујурилгани ва бу ҳақдаги ёмон таассурот баҳолашда ҳал қилувчи рол ўйнаши мумкин. Баҳоланувчи фаолияти сўнгти баҳоланган пайтдан буён ўтган давр мобайнидаги ўзгаришларни аниқлаш имкониятининг йўқлиги ушбу усульнинг салбий оқибатидир.

Контраст эфекти — ходимни баҳолашга ундан олдинги баҳолангандар натижаларининг таъсири, баҳоланувчи сифатларининг стандартлари билан эмас, балки олдинги ходим билан солиштириш натижасида юзага келади.

Оқибатда, баҳолашда «мослашувчан» стандарт қўлланилади, шу боис, юқори баҳоланган ходимдан кейин баҳоланган ходим баҳоси пасайтирилади, паст баҳолангандан кейингисининг баҳоси эса оширилади.

Атрибуция — баҳоланувчи фаолияти натижаларини унинг шахсиятининг ижобий ёки салбий тавсифи сифатида изоҳлаш учун фойдаланилади. Хатога йўл қўйиш сабаблари, бир томондан, баҳоловчи томонидан баҳоланувчининг шахсий хусусиятларига ўта катта эътибор бериб юборилиши, иккинчи томондан, баҳоланувчи фаолияти ва унинг шароити ҳақида зарур маълумотларнинг йўқлиги кабилар хизмат қилиши мумкин.

Натижада, баҳоланувчи фаолиятига ташқи шароитларнинг таъсири камайтирилади ёки инобатта олинмайди: масалан, агар баҳоловчидан фаядланишни кимдан мавжуд бўлган билимлар билан эмас, балки куч-ғайрат кам сарфлангани билан боғласа, баҳонинг пасайтирилиши юз беради.

Аниқ, барчага маълум, келишилган ва ҳамма томонидан қабул қилинадиган баҳолашнинг қуидаги мезонларини қўлаш баҳолашдаги хатолар эҳтимолини камайтиришнинг универсал воситасидир:

- шкаладаги баҳолаш даражаларининг ҳар бир кўрсаткичи нимани ўз ичига олишининг аниқ таърифини шакллантириш ва уни ҳаммага етказиш;

- мезонларни ишлаб чиқишида баҳоланувчиларнинг иштирокини таъминлаш, бу уларнинг розилигини оширади;

- баҳолашда бир неча экспертнинг қатнашиши ва уларнинг баҳоларини қиёслаш, бу баҳонинг асосланганлиги ва объективлигини оширади;

- якуний баҳолашдан 1—2 ҳафта олдин ўша мезонлар бўйича ўзини-ўзи баҳолашни ўтказиш, бу баҳоловчиларга ишончни ортиради, баҳо ва такомиллашув юзасидан берилган тавсиялар ижобий қабул қилинишига олиб келади;

- якуний баҳолар орасида ўтказилган барча хусусий баҳоларни хужжатлаштириш.

Баҳолашда ўртачаликка интилиш, асоссиз қатъийлик ва юмшоқликка мойилликнинг олдини олиш учун баҳолашнинг ушбу модели доирасида ҳамма энг юқори ёки энг паст балл олиши мумкинми; умуман, холис баҳолаш мумкинми, деган саволларга жавоб олиш мақсадида баҳолашнинг асосий методларини таҳдил қилиш лозим.

Ўзаро муносабатни таҳдил қилиш ва ўзи кабиларга берилган баҳоларни бошқа ходимларга берилган баҳо билан солишириш «менга ўхшаш» кўринишидаги хатодан қочиш имконини беради.

«Мавжудлик» ва «Эскирмаганлик» эфектининг олдини олиш учун диққатни баҳоланувчи ўз касбий фаолиятига соя солувчи алломатларга эгами-йўқлигига қаратиш керак. Баҳоловчиларда бутун давр мобайннида олинган натижалар рўйхати бўлиши лозим. Бўлимлар бўйича баҳолашни қатъян кетма-кетликда, эътиборни фақат шу бўлимга қаратиб олиб бориш, кейин эса, рейтинг баҳосини чиқариш мақсадга мувофиқдир.

Контраст хатоларидан сакланиш учун баҳоланувчиларни рўйхатда маҳсус тартибда (энг яхшидан энг ёмонига томон ва аксинча) жойлаштираслик керак, балки бир ихтисосдаги ўқитувчиларни қаторасига баҳоламасликка интилиш лозим. Ҳаммани иложи борича тез-тез «ўтказиб» юборишга уринмай, барча аттестация қилинаётганлар мақбул вақт бўйича тенг тақсимланса яхшироқ бўлади.

Атрибуция хатоларидан сақланишга баҳоланувчи фаолияти тўғрисида талаб қилинган ва исталган (улар кўпинча бир-бираига мос бўлмайди) ахборот тўплаш ва таълим мухитининг айнан мажбуриятларни енгилроқ ёки оғирроқ қилиши мумкин бўлган омилларини ҳисобга олиш орқали эришилади. Бундай ҳисоб баҳоланувчига хос бўлмаган хусусиятларни унга хос деб эътироф этишдан сақланишга ёрдам беради.

Таълим муассасасида баҳолашни ташкил этишининг бир неча варианatlари мавжуд. Улардан энг кенг тарқалгани, анъанавийси баҳолашни лавозим бўйича энг каттасидан бошлашга («юқоридан пастга») мўлжалланган: директор методик бирлашмалар раҳбарларини, синфдан ташқари иш ташкилотчиси — синф раҳбарларини; баҳолайди. Методбирлашма раҳбарлари эса, ўз навбатида, йўналиш бўйича фан ўқитувчиларини баҳолашади.

Лавозим бўйича юқори турувчи шахс бевосита қўл остидаги ходимнинг ишини малакали тушунувчи мутахассис бўлса, баҳолашни бундай ташкил этиш муайян афзалликларга эта бўлади. Бироқ, кўпинча бошқарув ходими ўзи ўқитмайдиган фан бўйича баҳоловчи бўлиб қолади. Бундан ташқари, баҳолашнинг бундай ташкил этилиши меҳнат сифатини ва айниқса, педагогнинг касбий ўсишини рағбатлантириш учун зарур бўлган шароитни таъминламайди, чунки бундай вазиятда фаолият натижаларига ижтимоий, жамоавий муносабат эмас, балки фақат ТМ маъмуриятининг муносабати ифодаланади.

Баҳолашни ташкил қилишнинг бошқа варианти баҳоланаётган педагогларнинг турли тоифалари учун баҳолаш мезонларини ишлаб чиқувчи, баҳолашнинг ушбу мезонлари ва усусларининг педагоглар жамоаси томонидан мұхокама қилиниши ва қабул қилинишини таъминлайдиган мұваққат (мақсадли) гуруҳ тузишни кўзда тутади. Гуруҳ баҳолашнинг бутун жараёнини ўтказишни, баҳоловчиларни танлаш, тайинлаш ва тайёрлашни, зарур ҳужжатларни ишлаб чиқиши, маълумот йиғишини ташкил қиласи; баҳоланувчилар билан қайта алоқани, баҳолашнинг барча босқичларида ошкораликни ва баҳоларнинг ТМда мавжуд тақдирлаш тизими билан мувофиқлашувини таъминлайди.

Педагог кадрларни баҳолашнинг самарали тизимини тузишнинг асосий тамойиллари кўйидагилардир:

- кадрларни ўстириш (баҳолаш жараёни ва натижасида ҳар бир ўқитувчи, иши қониқарлими, яхшими ёки аъломи, бундан қатъий назар, «малака оширишши» керак, фарқ фақат такомиллашув бўйича бериладиган дастлабки индивидуал вазифа даражаси ва ҳажмиадир);

- комплекс (хизмат фаолиятининг турли босқичларидаги баҳола ёки бир босқичдаги турли мақсадга йўналтирилган баҳога бир тизимнинг ўзаро боғланган қисмлари сифатида қараш);

— баҳоланувчи шахсига ҳурмат билан муносабатда бўлиш (алоҳида шахс, унинг ҳуқуқлари, манфаатлари ва эҳтиёжлари биринчи ўринга қўйилади);

— демократиклик (баҳоланувчилар баҳолаш жараёнига — баҳолаш мезонлари ва мазмунини ишлаб чиқиши, муддатларни келишиб олиш ва натижаларни биргаликда муҳокама қилиш кабиларга у ёки бу шаклда жалб қилинадилар, оқибатда улар ушбу жараён қатнашчисига айланниб, унга нисбатан ижобий муносабат шаклланади);

— табақалаштирилганлик (кадрларни баҳолаш тизими ўқитувчиларнинг турли гуруҳлари учун мўлжалланган баҳолашнинг тизимлари йигиндиси сифатида);

— узлуксизлик (жорий ва якуний баҳодан ҳамда ТМ бошқарув ходимиятининг педагоглар иши устидан бутун давр мобайнида жорий назорат олиб боришидан таркиб топадиган баҳолашнинг узлуксиз характеристи).

#### Педагог кадрларни баҳолашни тақкил этиш ва унинг механизмлари

Нима қилинади	Ким	Қачон	Натижа
1. Баҳолаш тизимини: мезонлар, ахборот тўплаш ва таҳдил қилиш усуслари, эксперtlar таркиби бўйича таклифлар, жорий ва якуний баҳолаш муддатларини ишлаб чиқиши	Маҳсадли гуруҳ (МГ), педагоглар жамоаси	Сентябрь	Баҳолаш шкалалари, йиғиш, таҳдил қилиш ва кадрларни баҳолаш усуслари, эксперtlar рўйхати лойиҳаси, баҳолаш графиги (БГ)
2. Эксперtlar гуруҳини шакллантириш ва ўқитиши	Маъмурият, МБ, МГ	Октябрь	Эксперtlar гуруҳлари рўйхатини тасдиқлаш
3. Баҳоланувчи ўқитувчилар фаолияти ҳақида маълумот тўплаш	Маъмурият, МБ, эксперtlar	БГ бўйича	Ўқитувчилар иши ҳақида маълумот
4. Олингандан маълумотларни таҳдил қилиш ва ўқитувчиларни баҳолаш	Маъмурият, МБ, эксперtlar	БТ бўйича	Қабул қилинган мезонлар бўйича баҳолаш
5. Баҳоланувчилар билан баҳолаш натижалари юзасидан сұхбат	Маъмурият, МБ, эксперtlar	БТ бўйича	Келишилган баҳо
6. Баҳолаш натижалари бўйича мустақил ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиши	Маъмурият, МБ, ўқитувчилар	БТ бўйича	Мустақил ривожланиш дастурлари
7. Баҳолаш якунларини чиқариш	Маъмурият, МГ, эксперtlar	Йил мобайнида	Баҳолаш тизимини тўғрилаш

#### Мотивация ва назорат муаммолари

Даставвал мазкур муаммога алоқадор бир неча тушунчаларни бераби ўтамиз.

**Мотивация** — муайян шахс (алоҳида киши ёки кишилар гуруҳи)-ни муайян мақсадларга эришишга қаратилган фаолиятни рағбатлантириш жараёни.

**Тақдирлаш** — бу инсон ўзи учун қадрли деб биладиган ҳамма нарса. Бироқ инсонларда қадрли нарсалар тушунчаси ўзига хос бўлиб, ўз навбатида, таҳдирлашини ва унинг нисбий қимматини баҳолаш ҳам турличадир. Оддий бир мисол. Анча бадавлат одам бир неча соатлик самимий дўстона муносабатни кўп миқдордаги пулдан кўра қадрлироқ деб хисоблаши мумкин.

**Назорат** — бошқарувнинг энг муҳим функцияси бўлиб, юзага келаётган муаммоларни улар ўта жиддий тус олмасидан туриб аниқлаш ва ҳал этиш учун зарур. Бу муассаса олдида турган мақсадларга эришишни таъминловчи жараёндир. Назорат, шунингдек, рағбатлантириш воситаларидан бири ҳамдир. Режалаштиришни ҳам, ташкилий тузилмаларни яратишни ҳам, мотивацияни ҳам назоратдан айри ҳолда кўриш мумкин эмас, чунки уларнинг ҳаммаси бошқарув жараёнининг фундаментал қисмлари саналади.

Бошқарув ходимлари одамларни сифатли ишлашга ундаш кераклигини ҳамиша англаганлар. Бироқ, кўпчилик бунинг учун ходимни оддийгина моддий тақдирлаш кифоя, деб ўйлади. Ушбу бўлимда биз фақат пулгина инсонни янада жон куйдириб ишлашга ундаиди, деган турғун хато фикрга барҳам бериш умидидамиз, шунингдек, инсон фаолиятини мотивация қилишга доир замонавий қараашларга асос солишга ҳаракат қиласиз. Ишга энг кўп куч-гайрат сарфлашга мажбур қилувчи ҳақиқий турткilarни аниқлаш қийин ва улар ўта мураккабдир. Бироқ, бошқарув ходими мотивациянинг замонавий моделларини билиб олиб, фикрловчи ходимни ўқув даргоҳи мақсадларига қаратилган вазифаларни бажаришга жалб қилиш имкониятларини анча кенгайтириши мумкин.

Бошқарилувчи жамоага мажбураш ёки ундаш йўли билан таъсир кўрсатиш мумкин. Биринчи ҳолатда ходимлар бирор иш қилишга мажбур қилинади, иккинчисида эса, улар ўзлари манфаатдор бўлганилиги сабабли, вазифани бажаришга ўзлари тиришади.

Рағбатлантиришнинг маъноси — шунчаки вижданан ишлаш эҳтиёжини уйғотиш эмас, балки ижодий ишлаш, мақсадга тезроқ ва самаралироқ эришиш имкониятини берувчи ёндашувларни фаол излашга эҳтиёж уйғотиш ҳамдир.

Бунда қатъий ташкилий бўйсуниш зарурати ўз кучини йўқотади.

Агар ходимга ижодий ундашлар таъсир қиласаса ва бошқарув ходими уни лоақал вижданан ишлашга ҳеч қандай усуулар билан мажбур эта олмаса, нима қилиш мумкин?

Мотивация тамойиллари, шубҳасиз, мажбуров чораларини ҳам кўзда тутади. Агар ходим ёки ходимлар гуруҳи ўз функционал вазифаларини бажармаётган ёки сифатсиз бажараётган бўлса, маъмури-

ят эса, барча ижобий таъсир чораларини қўллаб бўлган бўлса, мажбурлаш чораларидан фойдаланиш зарур.

Уларни шартли равишда уч гуруҳга ажратамиз:

- интизомий жазо чоралари;
- иқтисодий воситаларни ишга солиш;
- батафсиyl йўл-йўриқ бериш ва доимий назорат қилиш.

Олий Мажлис томонидан 1995 йил 21 декабрда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига асосан, бошқарув ходими интизомий жазо чораларининг қўйидаги шаклларини қўллаш ҳукуқига эга:

1) ҳайфсан бериш;

2) ўртача ойлик иш ҳақининг 20 %дан ортиқ бўлмаган микдорда жарима солиш (муассасанинг Ички меҳнат тартиб қоидаларига мувофиқ ўртача ойлик иш ҳақининг 40% гача микдорда жарима ҳам кўзда тутилиши мумкин);

3) меҳнат шартномасини бекор қилиш.

Ходимнинг хулқ-атворини, дастлабки жазо чorasи сифатида, ходимлар жамоаси йиғилишида кўриб чиқиш мумкин.

Айрим одамларга иқтисодий жазо чоралари — агар Меҳнат битимлари ва жамоанинг Ички тартиб қоидаларига биноан меҳнат учун рағбатлантириш мавжуд бўлса, қўшимча тўловлар, устамалар ва бошقا тўловларни камайтириш ёки олиб қўйиш, мукофотлардан маҳрум қилиш кабилар етарли даражада таъсир қиласди.

Бошқарилаётган жамоа ёки унинг алоҳида аъзоларининг фаолияти устидан доимий назоратни ташкил қилиш йўли билан меҳнатни рағбатлантириш мумкин. Бу ҳолда назорат нимадан иборат бўлади? Назорат бошқарув қуроли сифатида майдонга чиқади. Унинг вазифаси бошқарув ходими кўрсатмаларининг ижросини, улар ижросининг самараодорлигини текшириш ва ҳисобга олиш, камчиликлар сабабини аниқлаш ва жамоанинг фаолиятини мувофиқлаштиришни давом эттирищдан иборат. Назорат бошқарилаёттан объект ёки жараённинг сифат ва миқдорий ҳолати ҳақида ахборот олиш усули бўлиб хизмат қиласди. Назорат ҳар бир ходимнинг умумий ишга қўшадётган ҳиссаси қанақа эканлигини кўрсатиб туради. Шу билан бирга, бошқарув ходими тизимли назорат фақат пухта ўйлаб чиқилган тақдирдагина меҳнатни рағбатлантиришни назарда тутиши лозим.

Кўпчилик мотивация воситалари орасида моддий рағбатлантиришни биринчи ўринга қўяди. «Кўпроқ тўлашса, яхшироқ ишлаймиз», дейишади улар. Моддий рағбатлантириш имкониятлари қандай?

Бу анча жиддий масала. Дарҳақиқат, ҳар бир одам малакалироқ иш муносиб равишида қадрланишига ишонч ҳосил қилиши керак. Амалда бу кўпинча ҳақиқатга тўғри келмайди. Таълимни бошқариш

органлари бунга мисол бўлиши мумкин. Халқ таълими бўлимлари ва методик кабинетларда энг маълакали ходимлар ишлаши керак ва буни ҳамма тушуниб турипти. Аммо бу ерда лавозим маошлари кам ва яхши ўқитувчилар педагогларга юкландиган ишни кўпайтириш ҳисобига кўпроқ пул ишлаб топиш мумкин бўлган мактабларда қолишини афзал кўради. Уй хўжалиги билан шуғулланиш ва кўшимча даромад олиш имконини берувчи тўлиқ бўлмаган иш куни ҳам муҳим омилдир. Оқибатда, инспектор ва методист лавозимларида кўпинча ўргача малакага эга педагоглар, иш жойини нуфузига қараб танлайдиган ва ўзининг асосий вазифасини текшириш деб биладиган тасодифий одамлар ишлайти. Бундай ходимларнинг айримлари текширувларда ақлни ишлатиш кераклигини тушунмайдилар ҳам.

Шу билан бирга, ҳамма жойда ҳам аҳвол шундай эмас ва кўпчилик бошқарув ходимлари ўз ходимларини моддий рафбатлантириш имкониятларини топа оладилар. Сўзни бундай имкониятлар меъёрий ҳужжатларда берилганинидан бошлаймиз. Масалан, «Таълим тўгрисида»ги қонунда, унинг турли моддаларида педагог ходимларни моддий рафбатлантиришга оид қоидалар белгилаб қўйилган. Мисол учун:

21-модда. Таълим муассасалари ходимларига иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади, ҳақи тўланадиган йиллик узайтирилган таътиллар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар берилади.

31-модда. Давлат таълим муассасаларини молиялаш республика ва маҳаллий бюджетлар маблағлари, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

32-модда. Таълимни ривожлантириш фондлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобицан ташкил этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодексида меҳнатни тақдирлаш масаласида шундай дейилган (180-модда): «Ходимга ишдаги муваффақият учун мукофот турлари қўлланилиши мумкин. Мукофот турлари, уларни қўллаш тартиби, афзалликлар ва имтиёзлар бериш жамоа шартномалари, ички меҳнат тартиб-қоидалари ва бошқа ички ҳужжатлар, жамоавий келишувлар, интизом ҳақидаги низом ва қоидалар билан белгиланади».

Кўриб турганимиздек, меъёрий ҳужжатлар бошқарув ходимига моддий манфаатдорлик тамойилидан фойдаланиш имконини беради. Фақат бу имкониятлардан ҳамма ҳам фойдаланмайди: бюджетдан ташқари маблағлар толиши ва тўлдириш йўлларини изламайди, мавжуд мабліғлардан самарали фойдаланмайди. Либерал бошқарув ходими, ҳамма да ёкиш учун, устамаларни умумий ишга қўшилган

хиссага қараб эмас, балки, ҳеч кимни хафа қилиб қўймаслик учун, асосан тенг тақсимлайди. Авторитар турдаги бошқарув ходими бу масалани ёлғиз ҳал қиласди ва ўз ходимларига субъектив баҳо беришда, кўпинча адашади. Биринчи ҳолатда ҳам, иккинчи ҳолатда ҳам жамоада норозилик кайфияти кучаяди.

### III. 8. ЖАМОАТ БОШҚАРУВИ ШАКЛЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

Бўлажак авлодни тайёрлаш амалиёти, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёти билан узвий боғлиқ бўлган таълим муассасаси ёш авлодни тарбиялашда ўзига ёрдам берувчи кенг миқёсдаги ҳамкорлар — ота-оналар, жамоат бирлашмалари, ишлаб чиқариш жамоалари ва бошқалар билан бевосита биргаликда ҳаракат қиласди. Айни пайтда, таълим муассасаси социум билан шунчаки алоқадор бўлибгина қолмай, балки унга бевосита таъсир ҳам қиласди, маданияти юксалишига, ахлоқи мустаҳкамланишига, маънавий-ахлоқий баркамоллашувга кўмаклашади.

Жамоат бошқарувига эҳтиёжни тушунмаслик қуидагилар билан изоҳданади:

— ТМнинг айрим бошқарув ходимлари жамият вакилларининг имкониятларига ишонишмайди ҳамда уларни болалар ва ёшлар билан жiddий ишлашга жалб қилишдан қочади;

— бошқалар, аксинча, масалан, ота-оналар қўмитаси, оталиқ ташкилотлар, алоҳида ота-оналарнинг кучига ортиқча баҳо бериб, уларга турли талаблар қўйиш билангина чекланади ва бунда уларнинг сустлиги, дангатчилиги ёки педагогик масалаларни ҳал эта олмаслигидан аччиқланади;

— кўпинча сайлаб қўйиладиган жамоат ташкилотларининг ўрни ва функционал вазифаларини буткул тушунмаслик ҳолатларига дуч келинади, бу алоқалар расмий бўлишига, баъзида эса, ўзаро асабийлашиш ва зиддиятларга олиб келади.

ТМ бошқарув ходими жамоатчилик бошқаруви органлари, масалан, васийлик кенгашини тузища ишни нимадан бошлаши керак?

— Аввало таълим муассасаси фаолият кўрсатаётган микрорайоннинг хусусиятлари билан танишиш лозим. Маъмурий бинолар, институтлар жойлашган шаҳар марказидаги микрорайон бошқа-ю, қишлоқ жойлар — бошқа. Микрорайон аҳолисининг таркиби жамоатчилик билан ишлаш мазмуни ва шаклларига ҳамда болаларнинг бўш вақтини ташкил этишга жiddий таъсир кўрсатади.

— Шунингдек, васийлик кенгашини тузиш билан боғлиқ масалаларни ҳокимият, маҳалла қўмитаси ва таълим бошқармаси маҳаллий органи билан келишиб олиш керак.

Умуман таълим тизимида ва алоҳида таълим муассасаларидағи жамоатчилик бошқаруви Ўзбекистон Республикасининг Таълим түгрисидаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

<b>«Таълим түгрисида»ти қонук</b>	<b>Кадрлар тайёрлаш Милий дастури</b>
28-модда ... Таълим муассасаларида қонун хужжатларига мувоғиқ фаолият кўрсатадиган жамоат бошқаруви органлари ташкил этилиши мумкин.	3.3.1. баңд. ... Таълимниң демократлашви — таълим ва тарбия услубларини танилаша ўқув юртлари мустақиллитетининг кенгайиши, таълимни бошқаришнинг давлат-жамият тизимига ўтиши.
	3.3.2. баңд. Таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, жамоат бошқаруви шаклларини ривожлантириш, таълим муассасаларини минтақалаштириш.
	4.6. баңд. Муассис ташкилотларнинг, маҳаллий ҳоқимият органларининг, савдо-саноат доираларининг, жамоат ташкилотларнинг, фондларнинг ва ҳомийларнинг вакилларини ўз ичига олуучи васийлик ва кузатув кенгашлари тузиш орқали таълим муассасаларининг самарали, жамоат бошқаруви тизими жорий этилади.

Бошқарувга жамоатчиликни жалб қилиш зарурати куйидагилар билан изоҳланади:

— Оила бола учун шахсий муносабатларни таъминлайдиган, жонли намуна билан тарбия берадиган асосий ва энг яхши педагогик муассасадир.

— Оиласвий тарбия иккита тенги йўқ хусусиятта эга, бу — тарбияни индивидуаллаштириш ва бола ҳиссиётларини кенг ривожлантириш. Оила бола учун ижтимоий тажриба манбаидир.

— Агар биз маънавий соғлом авлодни тарбияламоқчи бўлсак, бу масалани баҳамжиҳат: оила, таълим муассасаси, жамоатчилик бир бўлиб ечишимиз лозим.

Бугунги кунда жамоат бошқарувининг бир неча шакллари мавжуд:

- Таълим муассасаси кенгаши;
- Оға-оналар қўмитаси;
- Васийлик кенгаши;
- Кузатув кенгаши.

Таълим муассасасини бошқаришда мазкур жамоат органлари фолиятини ташкил қилиш, уларнинг функциялари, вазифалари ва иштироқининг алоҳида хусусиятларини кўриб чиқамиз.

**Таълим муассасаси кенгаши жамоатчилик коллегиал органи бўлиб, унинг вазифалари ТМнинг самарали иш олиб бориши ва ривожланнишида зарур ёрдам кўрсатиш, ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялашга давлат томонидан қўйиладиган энг муҳим талабларни бажаришдан иборат.**

Масалан, мактаб кенгаши маъмуриятга қўйидаги йўналишларда аниқ ёрдам кўрсатиши лозим:

- мактабнинг моддий таъминоти бўйича қабул қилинган қарорларни амалга ошириш, синфдан ташқари ишларни ва ўқувчиларнинг меҳнатга тайёргарлигини ташкил қилиш;
- ота-оналарни болалар тарбияси ва уларнинг саломатлигини муҳофаза қилишни, овқатланиши ва дам олишини уюштириш бўйича ҳамкорликка жалб қилиш.

Мактаб кенгашига кенг ваколатлар берилган:

- мактаб ўқув-тарбия ишларининг жорий ва истиқбол режаларини ва янги ўқув йилида кадрларни жой-жойига қўйиш масалаларини муҳокама қиласди;
- мактаб раҳбари, унинг ўринбосарлари ва бошқа ходимларнинг ҳисоботларини тинглайди;
- мактабни таъмирлаш, унинг моддий базасини мустаҳкамлаш режаларини кўриб чиқади ва тасдиқлади;
- мактаб харажатлар сметасини кўриб чиқади, сметанинг бажарилиши, маҳсус маблағларнинг сарфланиши устидан назорат олиб боради;
- синфдан ташқари тарбиявий ишларни ташкил қилишда ёрдам беради ва мактабнинг санитария ҳолати ҳамда болалар саломатлиги ва ҳётини муҳофаза қилиш ишлари устидан назорат олиб боради;
- етим болалар, бемор болалар, аҳволи оғир ва кам таъминланган оиласаларнинг фарзандларига ёрдам беради;
- оталиқ корхоналарнинг мактаб ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш ва ўқувчилар билан ўқув-тарбия ишлари олиб боришга кўмаклашишга йўналтирилган фаолияти ҳақида уларнинг вакилларининг ахборотини тинглайди ва муҳокама қиласди;
- оиласада болалар тарбияси тўғрисида ота-оналарнинг ҳисоботларини тинглайди ва зарур бўлса, давлат ва жамоат ташкилотлари олдига оиласа ёрдам бериш ёки тегишли таъсир чораларини кўриш масаласини қўяди.

Кенгаш кўшимча жамоатчилик органи ҳисобланадими ёки фаолият кўрсатётган кенгашлар, кўмиталар, комиссияларнинг ўрнини тўлиқ ёхуд қисман босадими, деган савол табиий равишда туғилади.

Кенгаш умумий бошқарув тизимига қўшилиб кетиши керак. Унинг фаолиятида учта блок-сектор бор.

**1. Педагогик жамоа.** Унинг таркибига раҳбар ўринбосарлари, ўқитувчилар, ота-оналар, жамоат ташкилотлари вакиллари гуруҳи киради. Бу сектор асосан қўйидаги вазифаларни бажаради: кадрлар масаласини кўриб чиқади, педагогик назоратни ташкил этишга ёрдам беради, зиддиятли вазиятларни муҳокама қиласди ва ҳоказо.

**2. Ота-оналар қўмитаси.** Унинг таркибига ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари киради. Ота-оналар қўмитаси вазифасини бажаради, турли комиссиялардан таркиб топади ва ТМ бошқарув ходимиятига ота-оналар ёрдамини кўрсатади.

**3. Ўқувчилар жамоаси** юқори синф ўқувчиларидан ташкил топади ва ТМда навбатчилик, тўтараклар фаолияти, меҳнат ишлари, мусобақалар, олимпиадалар каби вазифаларни бажаради.

Кенгаш тўлиқ таркибда ТМнинг энг муҳим масалаларини ҳал қиласиди. Йил мобайнида секторлар ўз йўналиши бўйича ишлайди.

Кенгаш раёсати Кенгаш раиси, ҳамраислар (секторлар бошқарув ходимлари), ТМ директори ва бошқа вакиллардан иборат бўлади. У, директор ҳузурицаги мажлисни ҳам ҳисобга олганда, ойига бир марта йигилади ва тезкор масалаларни ҳал этади.

Кенгаш педагогик кенгашни истисно этмайди, уларнинг функциялари турлича.

Болаларнинг умумий ривожланиш ва тарбияланганлик даражаси оиласидаги тарбиявий ишлар аҳволига анча боғлиқ. Агар ТМ ўқувчиларнинг ота-оналари билан зарур алоқани ўрната олмаса ва уларни бола шахсини шакллантириш бўйича биргаликдаги ишга жалб қила билмаса, таълим ва тарбияда керакли натижага эриша олмайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» асосида узлуксиз таълим тизимида амалга оширилган туб ўзгаришлар таълим муассасаларидаги давлат ва жамоат бошқарувини қўшиб олиб боришни (3-модда), талабаларни ўқитишининг тўлов-контрактли тизимини жорий қилишни ва уларнинг бюджетдан ташқари маблағлар ёрдамида ўзини-ўзи қисман молиялаштиришини рағбатлантиришни кўзда тутади.

Давлат таълим муассасалари кўплаб маъмурий ва молиявий масалаларни ҳал қилишда мустақилликка эга бўлмоқда. Бу мустақиллик келгусида таълим муассасасини бошқаришининг жамоатчилик шакли бўлган Кузатув ёки Васийлик Кенгашлари (бундан кейин Кенгаш) тузиш орқали янада кучайтирилади.

Васийлик, бу — одамларнинг истакларини сайланган вакиллар орқали ўшларга таълим-тарбия беришни қўллаб-куватлашга қаратилган низом ёки қоидаларга айлантирувчи механизmdir.

Васийлик кенгаши (ВК) таълим муассасаси томонидан таълим сиёсатини олиб бориш фаолияти режасининг тузилиши, мониторинги, назорат қилиниши ва баҳоланиши, бажарилиши ва такомиллаштирилиши учун масъулдир. Васийлик кенгаши ўз фаолиятида:

- фаолиятнинг давлат режасини маҳаллий намунага мослаштиради;

- жамиятнинг ўсиб бораётган талаблари ва қадриятлари ўртасида мувозанатни таъминлайди ва уларни маҳаллий дастурлар ҳамда хизматларнинг устувор йўналишларига мослаштиради;
- таълимнинг маҳаллий натижалари ва ишлаб чиқилган дастурлар ҳамда хизматлар учун жавоб беради;
- таълим олувчиларни дастурлар ва хизматлар билан таъминлаш учун фондлардан фойдаланиш самарадорлигини оширади;
- ТМнинг дастурлар ва кўрсатиладиган хизматлар учун масъулиятини тақсимлайди ва ўқитувчилар янада масъулият билан ишлашлари учун мослашувчан иш тизимига чиндан ҳам эгами ёки йўқдигига ишонч ҳосил қиласди.

Бир қараганда, таълим муассасаси Кенгаши, Ота-оналар қўмитаси, Васийлик кенгаши бир хил вазифани бажарадигандек кўриниади, чунки улар таълим муассасаси, ўқувчиларнинг талаб ва эҳтиёжларига оид муаммоларни биргаликда ҳал қилишдан бир хил манфаатдорларлар.

Шу билан бирга, таълим муассасаси Кенгашида:

- кенгашнинг барча аъзолари ҳам ТМ муаммоларини ҳал эта олмайди;
- кенгашнинг баъзи аъзолари кадрларни жой-жойига қўйиш ва таълим сифатини назорат қилиш масалаларини ҳал этиш ҳукуқига эга эмас, чунки уларда педагогик иш кўнимаси йўқ.

Ота-оналар қўмитасида:

- ота-оналар ТМга фарзандлари ўқиб турган вақтдагина ёрдам беришади;
- кўпчилиги педагогик иш кўнимасига эга эмас.
- Шуларнинг барчасини инобатга олсак, Васийлик кенгаши жамоат бошқарувининг анча самарали шакли эканлигини кўрамиз.
- ВК таркибида ҳомийлар, тадбиркорлар, ТМнинг хўжалик масалаларини ҳал эта оладиган ота-оналар бор.
- ВК таркибида педагогик иш кўнимасига эга бўлганлиги ва мураббийлик қилаётганлиги учун таълим сифатини ҳисобга олиш ҳукуқига эга бўлган фахрий педагоглар, ТМ ўқитувчилари бор.
- Ота-оналар фарзандлари ТМда ўқишини туталлагандан кейин ҳам васийлик функциясини бажариши мумкин.

ВКнинг фаолияти амалда қуидаги йўналишларда олиб борилади:

*Молиявий фаолияти:*

- ТМ даромадларини тўплаш, ўз ҳисобини очищ;
- тўловларни вақтида тўлаш, харажатлар ва тузиладиган бошқа битимларни расмийлаштириш;
- даромадлар ва харажатларнинг йиллик бюджетини тайёрлаш;
- молиялаштириш бўйича ҳисобот бериш;

— ТМни таъминлаш ва жиҳозлаш.

*Умумий раҳбарлик:*

— ўқувчилар давомати;

— ускуналарнинг ўзлаштирилиши;

— ТМ хавфсизлиги;

— ижтимоий сиёsat (ўқувчилар жамиятнинг муносаб аъзолари бўлиб етишиши учун уларга ҳамма зарур нарсани бериш);

— ТМнинг очилиши ва ёпилиши;

— маданий, спорт, согломлаштириш тадбирлари.

*Мураббийлик ва қўллаб-қувватлаш:*

Ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш	Ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш
— таълим жараённада	— илғор тажрибани
— тўгри хулқ-автор кўнижмаларини ҳосил қилишда	— ёш ўқитувчиларни
— сингфдан ва мактабдан ташқари фаолиятда	— ёш тарбиячини
— келажакдаги таълим ва қасбий йўналишни танлашда ва ҳ. к.	— фанларни, масалан, этика, оиласий тарбия фанларини ўқитишида

**Васийлик кенгашининг мақсади** — таълим муассасаси фаолиятининг самарали жамоат бошқарувини таъминлаш, таълим жараёнини ташкил қилиш, моддий-техник жиҳозлаш, методик ва кадрлар билан таъминлашнинг долзарб масалаларини ҳал қилиш, ёшларни қасбга йўналтириш, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш.

*Васийлик кенгашининг вазифалари:*

— Маънавий-ахлоқий тарбиянинг илғор шакл ва воситаларини жорий этиш учун шароит яратиш.

— Истеъодди болалар ва иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш.

— Таълим олувчилар ва ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоялаш.

— Таълим олувчилар ва ўқитувчиларни ҳуқуқий ҳимоялаш.

— Кўшимча таълим хизматларини ташкил этиш.

— Профессор-ўқитувчилар таркиби малакасини оширишга кўмаклашиш.

— Таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини ривожлантириш.

— Кадрларга эҳтиёжни шаклантириш.

— Таълим сифатини ошириш масалаларини ҳал этишга илмий салоҳиятни жалб қилиш.

— Моддий базани мустаҳкамлашга кўмаклашиш.

— Муассасанинг ўқув-меъёрий ҳужжатлар билан таъминланишига кўмаклашиш.

— Васийлар маблағларидан оқилона фойдаланилишини назорат қилиш.

— Ўқувчилар учун ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш.

— Ўз инвестицияларимизни ва хорижий инвестицияларни олиб кириш.

Кўйилган вазифаларни бажариш учун замонавий фикрловчи бошқарув ходимлари ва васийлик кенгаши аъзолари зарур. Улар қандай сифатларга эга бўлиши керак? Бизнинг кузатицларимиз, олимлар, мутахассислар фикрларини умумлаштириш замонавий бошқарув ходими ва ВКга жалб қилинган жамоатчилик вакиллари эга бўлиши лозим бўлган сифатларни ажратиб олиш имконини беради. Мана улардан айримларининг рўйхати: янгилик ҳисси; ташаббускорлик; сўз ва иш бирлиги; ҳалоллик; самимийлик; адолатлилик; ўзига танқидий кўз билан қарашиб; уддабуронлик; талабчанлик; вақтни қадрлай олиш; одоблилик ва бошқалар.

Бизнингча, улар яна қўйидагиларни билиши керак:

— таълим тизимининг амал қилиши ва ривожланишининг меъёрий-хукуқий асослари, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисидаги қонунларини;

— таълимни ривожлантириш ва кадрлар тайёрлаш стратегиясими, таълим сиёсати тамойилларини;

— таълим ва тарбиянинг мақсадлари, мазмуни, шакллари, усулларини, замонавий концепциялар ва технологияларни;

— таълим ва кадрлар тайёрлаш иқтисодиёти асосларини;

— бошқарувнинг назарий асослари, етакчи бошқарув концепциялари, таълим соҳасидаги бошқарувнинг ўзига хос хусусиятларини;

— таълим тизимларини таҳдил қилиш ва қуриш тамойиллари ҳамда улар фаолиятини режалаштириш усуllibарини;

— жамоага самарали бошқарув ходимилик қилиш усуllibарини.

Таълим муассасаси иши самарадорлигига эришиш учун қандай омиллар устун бўлиши керак? Улардан айримлари қўйидагилардир:

1.	Профессионал раҳбарлик	Қатъий ва мақсадга мувофиқ шерикларга ёндашув Бошқарув ходимлари профессионал бошқарали
2.	Умумий тасаввурлар ва мақсадлар	Мақсаднинг умумийлиги Ижронини изчилилиги Коллегиалик ва ҳамкорлик
3.	Таълим олиб бориладиган шароит	Тегишли мухит Қизиқарли иш шароити
4.	Ўқитиш ва ўзлаштиришга эътиборни қаратиш	Ўқув вактидан юқори даражада фойдаланиш Назарийликка эътибор Ўқувчиларнинг муваффакиятларига лиқҳатни қаратиш
5.	Таълимнинг мақсадга мувофиқ келиши	Самарали ташкил қилинганилик Кўйилган мақсаднинг равшанлиги Таркиблаштирилган машгулотлар Ўқувчилар қизиқишларига мослик
6.	Катта натижалар кутиш	Ҳамма нарсадан катта натижалар кутиш Нима кутилиши кераклиги ҳаммага аён Мураккаб интеллектуал муаммолар

даоми

7.	Ижобий мустаҳкамлаш	Фанларнинг ўқиттишига нисбатан аниқ-равшан ва аюлатли талаб қўйилиши Амалий тескари алоқа (мақтоз ва мукофотлар)
8.	Ривожланишни мониторинг қилиш	Ўкувчиларнинг ўқишини мониторинг қилиш Таълим муассасаси фаолиятини сифатли таълил қилиш
9.	Ўкувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари	Ўкувчиларнинг ўзини-ўзи баҳолаш даражасини ошириш Мажбуриятлар ҳақида қоида Ишни назорат қилиш
10.	Шериклик	Ота-оналарни ўз фарзандларини ўқиттишга жалб қилиш
11.	Ўкув жараёнини ташкил қилиш	Педагоглар жамоаси малакасини таълим муассасаси негизида ошириш, таълим муассасасининг тузилмавий ривожланиши

Кенгаш ҳар қандай таълим муассасасида: олий таълим (университет, академия, институт) да ҳам, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими (академик лицей, касб-хунар коллежи) да ҳам, мактабда ҳам тузилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» таълимни бошқариш бўйича ваколатли органлар тасдиқлаган меъёрий ҳужжатлар таълим муассасига Кенгаш тузиш ҳуқуқини беради.

Таълим муассасасининг Йилмий (Педагогик) кенгаши қарори, таълим муассасаси ва кадрлар тайёрлашдан манфаатдор корхоналар, ташкилотлар, идоралар ўргасида тузилган шартнома Кенгаш тузиш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Кенгашлар Низом асосида фаолият юритади.

Низом Кенгашнинг мақсад ва вазифаларини тавсифлайди ва таълим муассасасини бошқаришдаги тегишли мажбуриятларни маъмурӣят, жамоатчилик ташкилотлари ва Кенгаш ўргасида тақсимлайди<sup>1</sup>.

Кенгаш таълим муассасалари қошида тузилиши мумкин, у жамоатчилик асосида бошқариш учун самарали тузилма сифатида тавсия қилинмоқда. Унинг қарорлари тавсия хусусиятига эга.

Кенгашнинг сон таркиби таъсис йиғилиши томонидан ўрнатилади. Кенгаш таркибига таълим муассасаси ректори (директори), бош ҳисобчиси, муассис-муассасалар, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари, таълимни бошқаришга ваколатли органлар, ишбилармон ва профессионал доиралар, ҳомийлар, педагог ходимлар ва ўкувчилар (талабалар) жамоаси вакилларини киритиш тавсия қилинади.

Молиявий ва касбий тажриба ўргасида тўғридан-тўғри алоқанинг мавжудлиги Кенгашларнинг жуда муҳим жиҳатларидан бириди. Бу замонавий таълим муассасасини бозор иктиносиде шароитида бошқарища

<sup>1</sup> Муалифлар томонидан TACIS EDIZ 9602: Халқ таълими, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликларига Ўзбекистоннинг узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилишга кўмаклашиш бўйича TACIS EDIZ 96-02 лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилиган материаллардан фойдаланилиши.

катта аҳамият касб этади. Кенгаш таркибига ишбилармон ва профессионал доираларнинг кўпгина вакиллари киритилиши кўзда тутилган.

Кенгаш фаолиятида педагог ходимларнинг қатнашиши улар муҳитида таълим муассасасини ривожлантириш ва бошқариш жараёнига жалб этилганлик ҳиссини шакллантиради.

Педагогларнинг академик масалалар бўйича берадиган малакали маслаҳатлари, баҳоли қудрат ижтимоий қўллаб-куватлаш, таълим ва тарбия учун зарур ўкув-моддий шароит яратиш кабилар профессор-педагог ходимлар вакилларининг Кенгаш ишидаги фаолиятининг жиддий йўналиши бўлади.

Таълим муассасаси ректори (директори), бош ҳисобчисини Кенгашнинг доимий аъзоси қилиб сайлаш маҳсадга мувофиқдир, чунки улар бюджетни тайёрлаш ва молияни бошқариш, таълим сифати ва кадрлар тайёрлашга тўлиқ масъулдир. Айни пайтда расмий вакиллар маъмурий ходимлар манфаатларининг вакили бўлади.

Ота-оналар ва ўкувчиларнинг Кенгашдаги вакиллари ота-оналарнинг ўз фарзандлари борасидаги истакларини тушунишга олиб келади ва ота-оналарнинг тажрибасини янада кенгроқ доирага етказиб беради.

Таълим муассасасини бошқаришдаги кўплаб функцияларни Кенгашларга бериш кўпгина ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда қабул қўлинган. Ижроия ҳокимияти марказий ва маҳаллий органлари томонидан Кенгашларга берилган ваколатлар доираси ўз ичига бюджет учун тўлиқ масъулиятни (иш режаларини тузиш, директор (ректор)лар ва педагогларнинг мажбуриятлари мулкни тасарруф этиш, шу жумладан, қайта куриш, ўкув режасининг устувор йўналишларини аниқлаш ҳам кирадиган кенг ваколатларни) ҳам, асосан директор (ректор)га маслаҳат бериш ва уни қўллаб-куватлашдан иборат бўлган бир оз оддийроқ ваколатларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Кенгаш ишга киришар экан, шакланиб бўлгунча зиммасига камроқ функциялар ва масъулиятларни олиши, кейинчалик эса, ўз ваколатлари доирасини босқичма-босқич кенгайтириб бориши маҳсадга мувофиқдир.

Бундай ёндашув ўкув дастурларининг бузилишида, жамоадаги ёмон ижтимоий муҳитда ва молиявий манбаларнинг тугашида намоён бўлувчи, нўноклик билан бошқариш натижасида ҳаддан ташқари кўп ваколат олиш билан боғлиқ йирик хатолардан сақланиш имконини беради. Таълимни бошқариш бўйича юқори орган вазиятга аралашишига, ҳатто Кенгашни тарқатиб юборишига тўғри келган ҳоллар ҳам бўлган.

Шу боис, Кенгашни қўйида санаб ўтиладиган масалалар бўйича маслаҳат ва кўмак функцияларини бажариш учун тузишдан бошлаш кераклигини назарда тутувчи босқичма-босқич ёндашув тавсия этилади:

— Кадрлар тайёрлаш милий дастури талабларини, айниқса, таълим ва кадрлар тайёрлашнинг сифат даражасига оид қисмларини рўёбга чиқариш бўйича бажариш учун шароит яратиш;

- таълим муассасасининг моддий-техника базасини таъминлаш;
- педагогик ва тадқиқот фаолиятини рагбатлантириш;
- йўқув режаси инсонпарварлик мазмунидаги бўлишини таъминлаш учун унга ўзгартиришлар киритиш ташаббусини олға суриш;
- таълим муассасаси, тадбиркорлар ва профессионал доиралар, кенг жамоатчилик ўртасида ўзаро таъсирни таъминлаш;
- меҳнат бозори талабларига мос ҳолда касбга йўналтиришни рагбатлантириш;
- бюджетдан ташқари даромадларни шакллантириш, ривожлантириш, бошқариш ва улардан самарали фойдаланиш;
- академик ва маъмурий ходимлар ва ўкувчиларнинг бўш вақтни уюштиришдаги спорт ва маданий тадбирлардаги иштироқини рагбатлантириш.

Кенгаш аъзоларининг тавсия қилинган (дастлабки) сони ваколатлар ва амалий фаолиятга боғлиқ равища ўзгариб туриши ва таъсис йигилишида белгиланиши мумкин.

Хар қандай даражадаги бошқарувни Кенгашга беришда назарда тутиш лозим бўлган камидаги олтита мўлжал бор. Бу жараёнга жалб қилингандарнинг барчаси улар билан танишиб чиқиши, батафсил муҳокама қилиши ва қўйидагиларга амал қилиши керак.

Ректор (директор) Кенгашга ишониши, унинг тавсияларини қабул қилиш имконияти ва истагига эга бўлиши лозим.

Расмий аъзолар (ректорлар, бош ҳисобчи)дан ташқари, ўқитувчилар, талабалар ва тадбиркорлар ҳамда профессионал доиралар ва киллари орасида Кенгаш ишида унинг аъзолари хукуқи билан қатнашиш истагига ва қобилиятига эга бўлган одамлар бўлиши лозим.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ТМда олинаётган таълим сифати ёмон томонга эмас, балки яхши томонга ўзгаришига ишониши лозим.

Кенгаш Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ёки Халқ таълими вазирлиги таълим муассасасини молиявий таъминлаш ёки бошқача қўллаб-куватлашни олдинги даражада сақлаб қолишига амин бўлиши керак.

Кенгаш ишига истеъодди ўқитувчилар жалб қилинади, бу ерда дарс берадиганларда эса, таълим муассасасини бошқариш ишидаги ўзгарган тартибларга амал қўлиб, ишни давом эттириш истагини туғдиради.

Юқорида санаб ўтилган мўлжаллар билан боғлиқ равища юзага келадиган хавфни назарда тутиш керак. Бу соҳалардан бирортасида ги салбий муносабат Кенгаш ўз вазифаларини тўлиқ ҳажмда бажара олмаслигини англатади.

Кенгашни тасдиқлаш ва унинг фаолияти учун зарур бўлган тартибот ҳамда механизмлар қўйида тавсифланади. Уларни Васийлик (Кузатув) кенгаси тўғрисидаги Низомга киритиш тавсия қилинади.

1. Кенгаш Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги (28-модда), «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисидаги» (4.6.банд) қонунларига кўра, исталган таълим муассасасида тузилиши мумкин.

2. Кенгаш таълим муассасасини жамоат бошқарувининг доимий фаолият кўрсатувчи тавсия-маслаҳат органи ҳисобланади.

3. Кенгашнинг мақсади таълим муассасаси фаолиятининг жамоатчилик томонидан самарали бошқарилиши, унинг фаолиятини, моддий-техник жиҳозланишини, методик ва кадрлар билан таъминлашишини, таълим сифатини оширишни ва таълим жараёнини такомиллаштиришни ташкил қилиш каби долзарб масалаларни ҳал этишда кўмаклашишдир.

4. Кенгаш аъзолари амалдаги қонунчилик ва Низомга кўра берилган ўз ҳукуқлари ва ваколатларига мувофиқ, таълим муассасаси фаолиятида бевосита иштирок этиб, қўйидаги асосий вазифаларни бажаради:

- таълим муассасасининг Низомда белгиланган фаолиятни амалга оширишида молиявий ва интеллектуал қўллаб-куватлаш;

- ўсиб келаётган авлодни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида педагогик ва илмий фаолиятни рағбатлантириш;

- таълим муассасаси педагогик жамоасининг таълимнинг оёқча туриши, ривожланиши ва унинг инсонпарвар мазмуни бойишига олиб келадиган илфор ташабbusларига кўмаклашиш;

- таълим ва тадқиқотларга янгиликлар, жумладан, янги ахборот технологияларидан кенг фойдаланишга олиб келадиган, таълимнинг ижтимоий ҳаёт ва ишлаб чиқариш билан ўзаро алоқасини мустаҳкамлайдиган янгиликлар киритилишини рағбатлантириш;

- корхоналар, ташкилотлар, таълим ва илмий муассасаларни Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш ишига жалб қилиш.

5. Кенгашнинг функциялари:

- узлуксиз таълимни ривожлантиришга оид ҳалқаро ва миллий дастурлар доирасида таълим муассасасининг инновацион фаолиятини молиявий қўллаб-куватлашда бевосита қатнашиш;

- таълим муассасасига ўкув мақсадлари учун бинолар, зарур жиҳозлар, техника, ускуналар, асбоблар ва материаллар бериш;

- таълим муассасасининг ўкув-моддий базасини такомиллаштиришта техник кўмак бериш;

- педагогик технологиялар ва ўқитиш воситаларининг илмий-педагогик ишланмаларини нашр этишга кўмаклашиш;

- иқтидорли ўкувчиларнинг хорижда малакасини ошириш учун стипендиялар белгилаш ва молиялаштириш;

- таълим муассасаси ходимлари ва ўкувчилари манбаатлари йўлида ижтимоий дастурларни амалга оширишда иштирок этиш;

- таълим муассасасини ривожлантириш фондини тасарруф этиш.

6. Кенгаш таълим муассасасини турли йўналишдаги ва малака даражасидаги мутахассисларга эҳтиёжлар истиқболи ҳақида, ўқувчиларни эса, бандлик соҳасида айни пайтдаги аҳволи ҳақида хабар бериб, касбга йўналтириш ва меҳнат бозорини ўрганишига ёрдам беради.

Кенгаш битирувчиларга ишга жойлашишда ёрдам бериш учун иш берувчилар ва бандлик хизматлари билан алоқа ўрнатиш вазифасини ҳам ўз зиммасига олиши мумкин.

Кенгаш таълим муассасаси жамоат бирлашмалари, ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўзаро муносабатига, бўш вақтни ташкил этиш бўйича умумий тузилмаларни яратишга, шу жумладан, тўгараклар, қизиқишилари бўйича клублар, студиялар, жамоалар ва таълим муассасаси ўқувчилари ва ходимларининг мустақил иш юритувчи бирлашмалари-ни тузишга ёрдам беради.

7. Кенгаш ўз Низомидан келиб чиқадиган қарорлар қабул қилишда ва ўз фаолиятини амалга оширишда мустақилдир.

8. Кенгаш таркибига муассис ташкилот(лар), маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари, корхона ва ташкилотлар, ишбильармон доиралар, жамоат ташкилотлари ва фондлар, ҳомий ва донорларнинг вакиллари киради.

9. Кенгашнинг сон таркиби шартнома иштирокчиларининг умумий йигилиши (вакил-делегатлар йигилиши)да аниқланади.

9.1. Кенгашнинг шахсий таркибига номзодлар шартнома иштирокчиларининг умумий йигилиш (вакил-делегатлар йигилиши) томонидан белгиланиб, шу йигилиш белгилаган муддатта сайланади.

9.2. Номзодга умумий йигилиш (вакил-делегатлар йигилиши)да ҳозир бўлганларнинг ярмидан кўли овоз берса, у сайланган ҳисобланади.

10. Кенгаш раис, раис ўринбосари, масъул котиб ва Кенгаш аъзоларидан иборат таркибда шакллантирилади.

Лозим бўлганда, Кенгаш қарори билан унинг қошида Кенгаш аъзоларидан бирининг бошқарув ходимилиги остида ихтисослашган комиссиялар (секциялар, қўмиталар) тузилиши мумкин.

11. Янги сайланган Кенгаш биринчи ташкилий мажлис раисини, раис ўринбосарини, мувофиқлаштирувчи-котибни сайлайди, ихтисослашган комиссияларни шакллантиради ва уларнинг раисларини сайлайди.

Кенгаш аъзолари учдан икки қисмининг овозини тўплаган номзодлар сайланган ҳисобланади.

12. Кенгаш мажлисида унинг таркибнинг учдан икки қисми қатнашашётган бўлса, қарорлар қабул қилиш хукуқига эга бўлади. Мажлисда қатнашашётларнинг кўпчилиги Кенгаш қарорларини ёқлаб овоз берса, улар қабул қилинган ҳисобланади. Овозлар тенг келиб қолган тақдирда раиснинг овози ҳал қўлувчи ҳисобланади.

Кенгаш яширин овоз ўтказиш ҳақида қарор қабул қиласа, қарорлар очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

Кенгаш ўз қарори билан белгиланган муддатларда, аммо камида бир ойда бир марта йигилади.

#### 13. Кенгаш аъзоси:

Кенгаш ваколатига кирувчи барча масалаларни тайёрлаш ва муҳокама қилишда фаол қатнашиши;

Кенгаш топшириғига кўра алоҳида масалалар бўйича эксперг (оппонент, вакил) сифатида чиқиши шарт.

#### 14. Кенгаш аъзоси қўйидаги хукуқларга эга:

- кенгашда муҳокама қилинаётган масалалар ва қабул қилинаётган қарорлар юзасидан муқобил таклифлар билдириш;

- кенгаш томонидан тузиладиган комиссияларга сайлаш ва сайланиш;

- кенгаш комиссияларидан (секцияларидан, кўмиталаридан) бирiga бошқарув ходимилик қилиш;

- кенгаш фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш.

#### 15. Кенгашнинг хукуқдари:

- таълим муассасасини ривожлантириш жамғармасини шакллантириш ва Жамғарма маблагларидан фойдаланилишини Тафтиш комиссияси орқали назорат қилиб бориш;

- таълим муассасаси директори (ректори)ни ва бошқарув ходимиятини тайинлаш (қайта сайлаш, лавозимидан озод этиш) тўғрисида таклиф киритиш;

- таълим муассасаси фаолиятининг истиқбол ва йиллик режалари (хисоботлари)ни муҳокама қилиш ва тасдиқлашда қатнашиш;

- таълим муассасасининг тузилмавий бўлинмалари (филиаллари)-ни ва тузилмасини ташкил қилиш (тугатиш, қайта ташкил қилиш) ҳақидаги қарорларни муҳокама қилиш ва тасдиқлашда қатнашиш;

- таълим муассасаси директори (ректори) ва тузилмалари бўлимлари бошқарув ходимларининг ҳисоботларини тинглаш;

- ўқитувчилар, ходимлар, ўқувчиларни мукофотга, фахрий унвонлар, маҳсус стипендияларга тақдим этиш тўғрисида таклиф киритиш;

- илмий ишлар, ихтиро ва қашфиётларни мукофотга, фахрий унвонга тақдим этиш тўғрисида таклиф киритиш;

- аттестация, танлов ёки бошқа комиссиялар, шу жумладан, бўш ўринларга ишга олиш бўйича танлов комиссияларининг иши тўғрисидаги қарорларни муҳокама этиш ва қабул қилишда қатнашиш;

- ўқув-режалаш хужжатлари ва ўқув-методик адабиётларни экспертиздан ўтказишни уюштириш;

- ўқув-тарбия ва методик ишни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш, уларни кўриб чиқиши учун таълим муассасаси маъмурияти ва таълимни бошқариш юқори органларига киритиш;

— янти педагогик ва ахборот технологияларини экспертизадан ўтка-  
зиш ва жорий қилишини, лозим бўлгандан, синовдан ўтказиши ташкил  
қилиш;

— республикадаги ва хориждаги бошқа таълим муассасалари билан  
ўкув-тарбиявий ва методик тажриба алмашинувига кўмаклашиш.

16. Кенгаши раиси. Кенгашта Раис бошчиллик қиласди. У Кенгаш қарори  
билан сайланashi. Кенгаш аъзолари учдан икки қисмининг овозини тўтила-  
ган номзод сайланган ҳисобланади.

*Кенгаши раисининг мажбуриятлари:*

— Кенгаши ишини уошибиради, Кенгаш қарорларининг ижросини  
коллегиаллик асосида (Кенгаш қарорлари билан кўзда тутилган якка  
бошчилликдан ташқари) амалга оширади;

— Кенгаш қарорларини тасдиқлади;

— Кенгашнинг иш режасини тузишга раҳбарлик қиласди;

— Кенгаш комиссиялари (секциялари, кўмиталари)нинг ҳисоботла-  
рини тинглайди ва тасдиқлади;

— Таълим муассасасини ривожлантириш жамғармаси фаолиятига  
раҳбарлик қиласди ва Жамғарма маблағлари сарфи ҳақида Кенгаш олди-  
да ҳисоб беради.

*Кенгаши раисининг ҳуқуқлари:*

— Жамғарманинг пул ва моддий ресурсларини амалдаги қонунлар  
асосида унинг фаолиятига қилинадиган сарфлар доирасида тасарруф  
этади;

— давлат ва жамоат ташкилотларида Кенгаш номидан иш юри-тади;

— тегишли ишни бажариб бериш тўгрисида Жамғарма номидан шар-  
тномалар тузалини тасдиқлади;

— Кенгашнинг тузилиши, унинг фаолиятини ташкил қилиш, миқ-  
дорий ва шахсий тарқибига кўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўгриси-  
да таклифлар киритади.

17. Кенгашнинг умумий йигилиши.

Таълим муассасаси Кенгаши тацкилий ишининг шакли унинг аъзо-  
лари умумий йигилишидир.

Кенгаш умумий йигилишининг мутлақ ваколатларига қўйицагилар  
киради:

— Кенгаш фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш;

— Кенгашнинг жорий ва истиқбол режаларини ва уларнинг ижроси  
тўгрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш;

— Кенгаши Раисининг ҳисоботини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

— маҳсус Жамғарма тузиш ва ундан фойдаланиш тартибини белги-  
лаш;

— Кенгаш тарқибини кентайтириш ҳақида қарор қабул қилиш;

— ҳаражатлар сметасини тасдиқлаш;

— ўқувчиларга маҳсус стипендиялар белгилаш;

— таълим муассасаси Кенгаши ва Тафтиш комиссияси Раисини сайлаш.

Кенгащининг умумий йигилишица барча жамоавий ва индивидуал аъзолар ёки уларнинг вакиллари ҳал қўлувчи овоз бериш хукуки билан қатнашалир, бунда жамоавий аъзолар биттадан вакил юборадилар.

Кенгащининг умумий йигилиши, агар унда икки ёки ундан ортиқ аъзолардан вакиллик ишончномасига эга бўлган шахсларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, жами аъзоларнинг ярми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Кенгаш умумий йигилишининг ўз ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан қабул қўлган қарорлари унинг аъзолари томонидан бажарилиши мажбурийдир.

Кенгащининг умумий йигилиши ўз қарорларини баённома билан расмийлаштиради, бу баённома Кузатув Кенгаши қарорларини бажарища асосий буюрувчи ҳужжат ҳисобланади.

Кенгащининг умумий йигилиши уч ойда камида бир марта чақирилади.

Кенгаш Раиси йигилишдан камиша 10 кун олдин навбатдаги йигилиш жойи ва вақтини белгилайди, йигилиш кун тартибини тузади ва унинг лойиҳасини барча аъзоларга юборади.

Кенгащининг навбатдан ташқари йигилиши камида икки аъзонинг Раисга ёзма равишдаги ва навбатдан ташқари йигилиш кун тартиби кўрсатилган ҳолда қўлган талабига кўра ўтказилиши мумкин.

Кенгащининг йигилишда қатнаша олмайдиган аъзоси кун тартибининг ҳар бир масаласи бўйича ўз фикрини ёзма баён қилишга ҳақиди.

Овоз берицни талаб қиласидиган масалаларда йигилишда қатнаша олмаёттан аъзо ёзма овоз беради.

Умумий йигилиш иши жараёнида кун тартибига киритилган масалалар йигилишда бўлмаган Кенгаш аъзолари ёзма овоз берганидан сўнгтина қабул қилинади.

Куйидаги масалалар Кенгаш аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак:

- йиллик молиявий режани тасдиқлаш;
- кузатув кенгаши таркибига янги аъзоларни қабул қилиш;
- Кенгаш аъзолигига кириш ва ойлик бадаллари миқдорини белгилаш.

Раис Кенгащининг мутлақ ваколатларига кирувчи масалаларда овозлар тенг келиб қолганда, 2 овогза эга бўлади.

Кенгаш Раисининг мутлақ ваколатлари:

- умумий йигилишни чақириш;
- умумий йигилишларда раислик қилиш;
- йиллик режани ишлаб чиқиш ва умумий йигилишга тақдим қилиш;

— йиллик режанинг бажарилиши ҳақида ҳисобот бериш.

Кенгаш аъзосининг ўз мажбуриятини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги унинг Кенгаш аъзолигидан чиқариб юборилишига сабаб бўлади.

Кенгаш аъзолигидан чиқариш ҳақидаги қарор умумий йиғилишда қабул қилинади.

Кенгаш унинг аъзолари қарорига ёки суд ҳукмига кўра тарқатиб юборилиши мумкин.

Кенгаш ўзини-ўзи тарқатиб юборган тақдирда, унинг маҳсус жамғармани бошқариш соҳасидаги ваколати таълим муассасаси Кенгашига ўтади.

Тафтиш комиссияси тугатиш балансини тузиб, уни амалдаги қонунларга биноан, таълим муассасаси Кенгашига тақдим этади.

18. Таълим муассасасининг ўқитиш ва инновацион фаолиятида юқори сифатни таъминлаш учун Кенгаш:

— таълим муассасасини ривожлантириш Жамғармасини тузади ва уни тасарруф этади;

— Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тартибини белгилайди;

— Жамғарма маблағларининг сарфланиши ҳақидаги ҳисоботларни тасдиқлайди;

— Жамғармани тўлдириш манбалари масаласини ҳал қиласди;

— Тафтиш комиссиясини тузади.

19. Таълим муассасасини ривожлантириш Жамғарманинг молиявий манбалари:

— муассислик бадаллари;

— ташкилот ва фуқароларнинг ихтиёрий ҳадялари;

— ота-оналарнинг аниқ таълим масалалари ва ижтимоий масалаларга йўналтирилган ихтиёрий мақсадли бадаллари.

Ҳадя қўлувчилар берилган бадалнинг кўзланган мақсадга сарфланишини талаб қилиши мумкин.

Муассислар Жамғармага мулк, пул маблағлари, шахсий номулкий ҳукуқларини ва бошқа моддий ҳамда номоддий активларни ўтказиши мумкин.

20. Кенгаш Жамғарма фаолиятини молиявий назорат қилиш ҳукуқини, қоидага кўра, йил якунлари бўйича комплекс тафтиш қилиш шаклида амалга оширади.

21. Жамғарманинг молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилиш ҳукуқи Тафтиш комиссияси томонидан мустақил тафтиш орқали амалга оширилади. Кенгаш бу тафтиш натижаси асосида таълим муассасаси маъмуриятининг Кенгаш томонидан берилаётган ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги тўғрисида қарор қабул қиласди.

## IV БОБ. ТАЪЛИМ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ

### IV.1. ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ЎЛЧАШ ҲАМДА БАҲОЛАШ ШАКЛИ ВА МЕТОДЛАРИ, ИНДИКАТОРЛАРИНИ ТАНЛАШ

Педагогик фаолият ташқилотчилариға ҳар доим таълим жараёни, унинг натижаларининг хусусиятлари ва таркибий қисмларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилишга тўғри келади. Бироқ амалиёт, объектнинг айрим хусусиятларинигина ҳисобга олиш ва ўлчаш мавжудлигиги кўрсатади.

Шу боис, ТМ бошқарув кадрлари учун муайян бошқарув қарорларини қабул қилишда зарур бўлган миқдорий баҳоларни қўлга киритиш бошқарув амалиётида энг мураккаб муаммолардан бири ҳисобланади. Унинг ҳал қилиниши бошқарув ходимлари ва муҳандис-педагог ходимларда квалиметрик билимлар, яъни, объект сифатини баҳолашнинг миқдорий методларини ўрганадиган фан — квалиметрия асосларини билишни таъминлаш билан боғлиқ.

Фикримизча, таълим квалиметриясининг асосий вазифаси таълим муассасалари бошқарув ходимлари томонидан унинг сифати ҳақида муайян фикрни шакллантириш учун миқдорий баҳоларни аниқланиши ва қўлланилишида кўринади. Бундай фикр фақатгина ўзаро алоқаларни ҳисобга олишни тақозо қылувчи модал мантиққа қатъий риоя қилиниши билан амалга оширилади: объектнинг ҳақиқий ҳолати — уни ўзгартириш муқаррарлиги, бунинг учун мавжуд имкониятлар тақомиллаштирилиши лозим. Бирон-бир бу бошқарув қарорини қабул қиласар экан, бошқарув ходимлари объект ҳақида аниқланган ишончли маълумотлар юзасидан аниқ тушунчага эга бўлишлари лозим.

Ҳар қандай объект сифатини миқдорий баҳолаш маълум принципларга риоя қилиш асосида амалга оширилади. Куйидаги тамоилилар таълим сифатини баҳолаш учун энг муҳимлари ҳисобланади.

1. Объект сифатига хусусиятларнинг иерархик мажмуаси сифатида қараш.

2. Объект сифатини аниқ ифодаланган мақсад асосида тадқиқ қилиш.

3. Ўрганилаётган объект кўрсаткичларининг андозасини, таянч қийматини аниқ танлаш.

4. Ҳар бир конкрет ҳолатда объект хусусиятларининг саломғи, аҳамиятини аниқлаш.

Бугунги кунда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш квалиметрияси — фаннинг етарлича олға кетган соҳаси ҳисобланади. Таълим квалиметрияси ҳақида сўз кетганда, масалан, В. П. Беспалъ-

кониг ўқитиш сифатини стандартлаштириш маъносида назорат қилиш ва баҳолашнинг айрим жиҳатларини очиб берувчи ишлари кўпчиликка маълум. Айни вақтда аниқ ёндашувлар, таълаш технологияси, кўрсаткичлар номенклатурасининг, таълимнинг алоҳида турлари сифатини баҳолаш мезонларининг асослари, уни ўлчашнинг методик воситалари мавжуд эмас.

Сифатни миқдорий баҳолашнинг маҳсулот сифатини бошқариш назариясида қабул қилинган умумий мантифи таълим квалиметриясида ҳам унинг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда қўлланилиши мумкин:

1) тадқиқотнинг асосий мақсадлари таърифланади, ҳал қилиниши бошқарув кадрларига обьект сифати ҳақида мулоҳаза юритиш имконини берувчи вазифалар таркиби аниқланади;

2) кўйилган мақсадларга мувофиқ ҳолда сифат кўрсаткичлари номенклатураси тасдиқланади;

3) таъланган кўрсаткичларни ўлчаш ва баҳолашнинг тегишли технологияси ишлаб чиқилади;

4) олинган натижаларни обьект сифат кўрсаткичларининг таянч қиймати билан қиёслаш асосида ўрганилаётган обьект ҳолати ҳақида хulosса чиқарилади;

5) обьект сифати тадқиқоти якунлари таҳлил қилинади;

6) чиқарилган хulosалар асосида тавсиялар ишлаб чиқилади (В. П. Бесспалько).

Аmmo ТМ бошқарув ходимлари бундай ишни амалга ошириш учун таълим квалиметриясининг назарий асосларини тушуниб олишлари керак.

Энг аввало, квалиметрияни таълимга татбиқ қилса бўладиган тушунчалари аппаратини кўриб чиқамиз.

Илмий адабиётларда умумий квалиметрия тушунчалари тизимиға: хусусият, сифат, самарадорлик, мақсад, натижа, ўлчов, баҳолаш, кўрсаткич ва бошқалар киритилади.

Ушбу тушунчаларни таълим квалиметриясига ҳам тўлиқ татбиқ қилса бўлади. Бироқ уларни қўллашда таълимнинг конкрет туридаги таълим муассасасидаги ўқитиш жараёни ва унинг иштирокчиларига хос бўлган хусусиятлар назарда тутилади. Бу ерда, юқоридагилардан ташқари, педагогик усул ва метод, ўзини-ўзи аттестациялаш, аттестация, педагогик назорат ва бошқа тушунчалар ҳам қўлланиллади.

1. **Хусусият** — ҳар қандай обьектнинг фарқ қилувчи, обьектив ўзига хослиги. У маълум ҳолатларда намоён бўлади. Фойдаланиш, татбиқ қилиш шартлари билан боғлиқ ҳолда бир обьектнинг ўзи турли хусусиятларни турли даражадаги жадаллик билан намоён қилиши мумкин. Бундай ҳолда биз обьект ҳолати ҳақида мулоҳаза юритамиз. Таълим сифатини бошқаришда обьектнинг барча хусусиятлари орасидан, аввало, энг муҳимларини ажратиб оламиз.

Объект хусусиятларини икки тоифага: атрибутив ва функционалга ажратиш қабул қилинган:

*Атрибутив хусусиятларга* объектнинг маълум бир аломатини билиш натижаси сифатида қаралади. Чунончи, педагоглар ва таълим олувчилар учун булар: инсоннинг индивид сифатидаги сифатлари гуруҳи, унинг ирсий, ёш-жинсий, индивидуал-типик хусусиятларидир. Таълим жараёни иштирокчилари салоҳияти сифатини баҳолашда ушбу хусусиятлар ҳисобга олинади.

*Функционал хусусиятлар* инсон томонидан конкрет фаолият баҳарилаётгандан намоён бўлади. Бу хусусиятлар педагоглар ва таълим олувчиларни шахс ҳамда фаолият субъекти сифатида тавсифлайди. Бундай хусусиятлар таълим муассасалари ходимлари ва тарбияланувчилари амалга оширган жараёнлар сифатини баҳолаш обьекти ҳисобланади.

**2. Сифат** — мураккаб хусусият, обьект хусусиятлари кўрсаткичи. Ҳар бир обьект ўзининг маълум эҳтиёжларни қондирувчи хусусиятлари мажмуи билан тавсифланади. Чунончи, ТМ бошқарув ходимлари, ходимлар, таълим олувчилар уларнинг бошқарув, педагогик, ўқув-касбий фаолиятини бажаришлари учун зарур ва етарли бўлган хусусиятларга эга бўлишлари лозим.

Тузилмавий нарса бўлган сифат турли даражадаги хусусиятлар мажмуидан иборат. Бунда энг юқори даражада — сифат, энг куйи даражада — оддий хусусиятлар туради. Маълум бир даражадаги ҳар бир хусусият нисбатан қуий даражадаги бошқа бир қатор хусусиятларга боғлиқ бўлади.

Объектнинг сифат ҳолати доимий бўлмасдан, янги хусусиятлар пайдо бўлиши билан аста-секин ўзгариб боради. Маълумки, обьект ичидаги ўзаро таъсир бутунлай янги хусусиятлар пайдо бўлиши манбай ҳисобланади. Шунинг учун таълим сифатини бошқаришда тадқиқ қилинаётган обьектларни, конкрет шароит ва омилларни ҳисобга олган ҳолда, факатгина динамикада кўриб чиқиш лозим. Таълим сифати, унинг асосий кўрсаткичлари тўғридан-тўғри таълим жараёнига боғлиқ бўлгани учун ўзгармас нарса эмас. Аксарият тадқиқотчилар таълим асослари — бу ихтимоий тажрибани, маданиятни эгаллаш давомида ҳамда ўқув-касбий фаолият махсус ташкил қилинганда, умр бўйи шаклланувчи мураккаб сифатли таълим эканлигини таъкидлашади. Бундан ташқари, ушбу сифатга таълим олувчиларнинг индивидуал хусусиятлари таъсир кўрсатади.

Психологик-таҳлилий тадқиқотлар натижалари кўрсатишича, ушбу хусусиятлар жуда барқарор бўлиб, таълим таъсирига доим ҳам берилавермайди. Турли ёш даврларида фаолиятнинг хилма-хил турлари шахс ривожланишини бошқарувчи ва белгиловчи сифатида намоён бўлади. Киши фаолияти бир шаклининг бошқаси билан ал-

машинуви унинг янги хусусиятлар касб этиши билан боғлиқ бўлган сифат ўзгаришига олиб келади. Бунинг устига ҳар қандай фаолият, энг аввало, эҳтиёжлар, сабаблар ва унга эришиш воситалари билан белгиланади. Ушбу барча хусусиятлар объектнинг сифат даражаларини белгилашда жуда муҳимдир.

Сифат объектнинг ягоналиги, ўзига хослиги, тартибга солинганигини тақозо этишини ҳамда унинг таркибий қисмларининг қонунияти алоқаларини ифодалашини таъкидлаймиз.

**3. Миқдор** — бу «предметлар, ҳодисаларнинг ўлчанадиган хусусиятларининг ифодаланганилик даражаси, уларнинг ўлчов тавсифи» (В. Невский, П. Худоминский).

Объект сифатининг миқдорий тавсифи унинг хусусиятларини ўлчаш ўйли билан юзага келтирилади.

Миқдор ҳам икки: экстенсив ва интенсив жиҳатдан кўриб чиқлади.

*Экстенсив миқдор* — бу объектлар ва уларнинг қисмлари, хусусиятлари, алоқаларининг формал ўзаро муносабатларини ифодаловчи ташқи миқдор. ТМ учун улар маълум предмет бўйича улгурувчи ўқувчилар ўзлаштириш сони, ўқувчилар томонидан қолдирилган машгулотлар сони, педагоглар томонидан ўтказилган тадбирлар сони ва бошқалар бўлиши мумкин.

*Интенсив миқдор* сифатнинг ички миқдори ифодаси, объект хусусиятларининг ривожланганигини, жадаллиги тавсифидир. Масалан, ўқувчилар томонидан билимнинг эгалданиши даражаси, педагогларда шаклланган касбий вазифаларни ҳал қилиш усувлари, методлари таркиби.

**4. Ўлчов.** Ўрганилаётган объекти миқдорий тавсифлашда вазият ва мақсадларга боғлиқ ҳолда турлича ўлчов қўлланилади.

Фалсафий маънода ўлчов «ушбу миқдор ўзгарадиган, ўзининг муҳим хусусиятларини сақлаган ҳолда миқдорий ўзгаришлар ва муҳим бўлмаган айрим хусусиятлар туфайли турланадиган зона» (В. Невский, П. Худоминский). Сифат ўлчовини сифатга маълум сонни нисбат берувчи ўлчовнинг инъикоси, деб қараш қабул қилинган.

Сифат ўлчови синоними объектини сифат кўрсаткичи ҳисобланади.

Таълим сифатини бошқаришдаги мураккаблик шундаки, ТМдаги ҳар қандай ўлчов ва баҳолаш объекти турлича хусусиятларни намоён этади. Бир хусусиятни ўлчар эканмиз, бошқаларига эътибор бермаймиз. Бундай ҳолда бошқарув ҳодимларидан аниқ ўлчовни топиш ҳамда ўлашнинг мос метод ва воситаларидан фойдаланиш маҳорати талаб қилинади.

**5. Самарадорлик** — сифатнинг умумлашган ўлчови. Самара деганда фаолиятда кўйилгандаги мақсадга тўла ёки қисман эришиш тушишилади. Таълим сифатининг оқилона даражасига эришиш ТМ

бошқарувидаги асосий мақсадлардан бири ҳисобланади. Шу сабабли, сифатни бошқариш баъзан самарадорликни бошқариш деб айтилади.

**6. Кўрсаткичлар** — бу ушбу обьект сифатини ташкил қилувчи бир ёки бир нечта хусусиятларнинг миқдорий тавсифи.

Объектнинг сифат кўрсаткичларини танлаш муаммоси энг муҳим, миқдорий хусусиятларни аниқлашдан иборат. ТМда бундай танлашни педагогик обьект сифатини ўлчаш ва баҳолаш мақсади, унинг ўзига хос хусусиятлари, амал қилиш шартлари тақозо этади.

Функцияларнинг тизимлаштирилган таҳлили кўрсаткичлар номенклатурасини аниқлашнинг самарали методи бўлиб хизмат қилади (В. С. Безрукова). Ушбу методнинг моҳияти шундаки, даставвал обьектни ўз вазифаси бўйича қўлланишнинг турли жиҳатларини характерловчи кўплаб декомпозицион функциялар аниқланади. Сўнг турли даражадаги кичик функциялар иерархиясини белгиловчи кўп даражали функциялар тузилмаси бунёд этилади. Бунда ҳар бир функция учун асосий талабларни таърифлаш ҳамда нисбатан муҳимларини ажратиб олиш зарур. Бундай ёндашув ТМ обьекти сифат кўрсаткичлари таркибини аниқлаш учун ҳам татбиқ этилиши мумкин.

Таълим муассасасида асосий кўрсаткичларни танлашда муҳим талабга риоя қилиш керак — обьект кўрсаткичларининг таянч қийматлари номенклатураси мазкур ТМ учун оқилона бўлиши зарур.

Таълим сифатининг асосий кўрсаткичларини танлаш умумтаълим ва касб-хунар дастурлари (фанлари) нисбати билан тартибга солинадиган касблар рўйхати, ўкув муддатлари, касб-хунар дастурларини амалга ошириш шартлари, ТМга ўқишига кирувчи болалар ва ўсмирларнинг умумтаълим ҳамда меҳнат тайёргарлиги даражаси ва бошқаларга кўп жиҳатдан боғлиқ.

*Таълим сифати учун асосий кўрсаткичлар обьект сифатини ўлчаш ва баҳолаш мақсади, ТМ тури ва дастурларни амалга ошириш даражасига боғлиқ ҳолда қўйидагича бўлиши мумкин:*

- ТМ ўтган йиллар давомида эришган таълим сифат кўрсаткичлари қиймати;
- тегишли мутахассислар тайёрлаш сифати нормативларида, унга қўйиладиган талабларда, ДТСда ифодаланувчи таълим сифат кўрсаткичлари қиймати;
- ёшларни аниқ касблар бўйича касбий тайёрлаш сифатида эришлган жаҳон даражаси ва бошқалар.

Таълим сифатини бошқаришда биринчи навбатда обьект сифат кўрсаткичларининг норматив-хуқуқий хужжатлар билан тартибга солинувчи номинал қийматига қараб иш тутилади. Уларда кўрсаткичлар қиймати, албатта, мазкур обьект намоён этадиган хусусиятлар, белгилар ва бошқа характеристикалар чегарасига эга бўлади.

Бундай ҳолда таълим жараёни ташкилотчилари беғиланган ўлчов, нормативларга таянадилар.

Объект сифатининг норматив кўрсаткичлари номенклатурасини ишлаб чиқиша давлат, жамият, таълим олувчиларнинг эҳтиёжлари ҳисобга олинади. Шунинг учун таълим сифат кўрсаткичларининг кейинги таснифини қўйидагичча бериш мумкин:

1. *Ташқи кўрсаткичлар* — таълимни бошқариш органлари, муайян ТМда мутахассис тайёрлашга буюртма берганлар, ўсмирларнинг ота-оналари, умумтаълим ТМ битирувчилари ва бошқалар фойдаланиши учун шакллантирилди.

2. *Ички кўрсаткичлар* — энг аввало, бошқарув ходимлари, муҳандис-педагог ходимлар, таълим олувчилар, ТМ жамоат органлари учун мўлжалланган. Бироқ улар таълимни бошқариш маҳаллий органлари аппарати ходимлари, аттестация комиссиялари, шунингдек, таълим олувчиларнинг ота-оналари ва бошқалар учун ўрганиш ва баҳолаш предмети ҳам бўлиши мумкин.

Истемолчиларнинг ҳар бир тоифаси сифатни ўзига мувофиқ даражада баҳолаб, унга ўзга маъно беришини таъкидлаш жоиз.

*Давлат сифатга* — ёшлар таълимнинг асосий йўналишлари билан тўла қамраб олиниши (ўқишга кирувчилар ва тайёрланган мутахассислар сони); ТМ фаолияти йўналишларининг ДТС республика ва минтақавий компонентларига мослиги; ўзлаштирилаётган дастурлар босқичи сони ҳамда уларнинг касбий тугалланганлиги ва бошқалар нуқтаи назаридан қарайди.

*Буюртмачиларни*, энг аввало, битирувчи ишчи кадрларнинг конкрет ихтисослиги, касб бўйича берилган малака; битирувчиларнинг касбий вазифаларни ҳал этишга тайёрлик даражаси, шахснинг касбий сифатлари қизиқтиради.

*ТМ бошқарув ходимлари* сифатининг кўрсатиб ўтилган компонентларидан ташқари, таълим олувчиларнинг ўзлаштириши, давомати, контингентнинг сақланиши; ТМ га кирувчилар салоҳияти сифати кўрсаткичлари ва бошқалардан фойдаланиб, таълим сифатини ўрганадилар ва баҳолайдилар. Таълим муассасаси директори, энг аввало, таълим сифатининг интегратив, комплекс, умумлашган кўрсаткичлари билан шуғулланиши керак.

*Муҳандис-педагог ходимлар* қўйидаги сифат кўрсаткичларидан фойдаланадилар: тўлиқлик, ўкувчилар томонидан таълим дастурларининг чуқур ўзлаштирилиши, давомат ва ўзлаштириш; умумий ва маҳсус кўнинка ҳамда малакалар шаклланганлиги даражаси, фуқаролик позицияси шаклланганлиги; мустақил таълим олишга тайёрлик даражаси ва бошқалар. Ўқитувчилар таркиби айрим сифат кўрсаткичларидан ҳам, умумлаштирилган сифат кўрсаткичларидан ҳам фойдаланадилар.

*Таълим олувчилар таълим сифатини индивидуал умумтаълим ва касбий ривожланиши, эгалланган билимлар, фаолият усулларининг мустаҳкамлиги ва етарлилиги билан боғлайдилар.*

Таълим сифатини баҳолашга ёндашишдаги ташки фарқ ва ранг-барангликка қарамасдан, уларнинг ҳаммаси ўзаро боғланган ҳамда умумий асосга эга.

Меърий сифат кўрсаткичлари таълим сифати ҳақида фикр юритишнинг ягона асоси бўлиб хизмат қиласди. Бундай кўрсаткичлар рўйхати меърий-хукуқий ҳужжатларга киритилган (қоидалар ва нормативлар; техник тавсифлар; стандартлар; қоидалар, талаблар, буйруқлар ва ҳоказолар).

Энди таълим муассасасидаги баҳоланувчи объект ички сифат кўрсаткичларини шакллантириш механизмини кўриб чиқамиз.

Бунинг учун таълим жараёнининг асосий бўлимлари ҳамда таълим олувчиларда шакллантириладиган касбий лаёқатлар таркибини келтириб ўтамиз.

Таълим жараёни бўлимлари	Таркиби
Умумтаълим тайёргарлти	Табиат, жамият, техника тафаккур ҳақида, шахс йўналганинги унинг дунёқарашини белгилаб берувчи ва умурукув малака ҳамда кўнималарини шакллантирувчи бўлимлар мажмую.
Умумтехник ва маҳсус назарий тайёргарллик	Таъланган касбий фаолият соҳасидаги умумий меърлар, моделлар, фаолият ва муносабатлар принциплари тўғрисидаги бўлимларнинг шакллантирувчи йигиндиси.
Ишлаб чиқарни таълимни ва ишлаб чиқариш амалиёти	Фаолиятнинг аниқ мазмундаги муайян турини амалга ошириш ҳамда касбий фаолиятнинг бажарилishi жараёнида ўзаро муносабатта, алоқага киришини лаёқати; амалий кўнимка ва малакалар.

Касб-ҳунар таълими дастурларини амалга ошириш жараёнида ўқувчиларда инсоният томонидан тўплangan маданият, тажрибанинг озорқ қисмигина шакллантирилишини таъкидлаб ўтамиз. Амалиётда ўқувчиларнинг касбий тайёргарлиги кўрсаткичлари таркибини асосиз кенгайтириш ёки торайтириш ҳоллари тез-тез рўй беради.

Шу сабабли таълим муассасаси фаолиятини уйгунаштириш, республика таълим соҳаси манзарасини тартибга солиш воситаси ҳамда таълим олувчиларнинг юксак сифатга эга бўлиши кафолати тариқасида таълимни стандартлаштириш амалга оширилади.

Энг аввало, объектнинг таянч элементлари, уларнинг кўрсаткичлари ҳамда уларга қўйиладиган талаблар стандартлаштириш объекти ҳисобланади.

Таълим сифатини текшириш ва баҳолаш муаммоси хусусиятларини таҳтил қилиб, шуни қайд этиш лозимки, бу масала кўп киррали бўлиб, тадқиқотчилар томонидан турли жиҳатлардан кўриб чи-

қилган. Мамлакатимизда БКМларни текшириш ва баҳолаш вазифалари, методлари, принципларига таълим сифатини баҳолаш ва назорат қилишининг умумий ва хусусий масалаларига тааллуқли кўплаб асарлар эълон қилинган.

Ўқувчилар БКМлари сифатини баҳолашнинг маълум тизимлари педагогик назорат тизимлари доирасини кенгайтиrsa-да, уларни тўла замонавий, деб айтиш қийин. Шу билан бирга, улар универсал эмас, миқдор жиҳатдан ўлчанмаган ҳамда таълим жараёнига шахсий ёндашувни акс эттирмайди.

Билим, маҳорат ва кўникмаларни баҳолашнинг нисбатан кенг тарқалган, мослашган ва ҳамма жойда қўлланиладиган машҳур аньянавий беш балли тизими кўлами аллақачон тор бўлиб қолган. Ишга ижодий ёндашувчи ўқитувчилар унинг қолипидан чиқишга ҳаракат қиласидар. Кўплаб таълим муассасаларида беш балли тизимдан фарқ қилувчи баҳолаш усуслари қўлланилади (М. Бойцов, С. Векслер, А. Зайцев, А. И. Субетто, Н. А. Селезнева).

Уни кўпбалли, рейтинг ёки бошқача номлаш мумкин, аммо мажияти битта: билим, маҳорат ва кўникмаларни баҳолашнинг рейтинг тизими (Г. Я. Алимова, Б. Г. Ананьев, А. Анастази, К. Ангеловски) машгулотлар ўтказишнинг блок-модул шаклига асосланган ҳамда ўқувчиларнинг индивидуал фаолиятига мос келади.

Рейтинг — бу ўқув ишининг миқдорий характеристикаси ҳисобланниб, ўқувчилар барча фаолият турларини балларда (қоишага кўра, 100 тача) интеграл баҳолашдан иборат. Аслида ўқувчиларнинг кумулятив индекси (рейтинги)га асосланган, бутун таълим жараёни давомида ўрнатилган тизим тавсия этилади. Ўқувчи рейтингти қиймат даражаларининг назорат нуқталаридаги баҳолар йигинидиси билан аниқланади:

$$R = a \left( \sum_{i=1}^k n_i a_i \right) + \beta \sum_{j=1}^l (m_j b_j) + \gamma C$$

бунда:  $n_i$ ,  $a_i$  — топширикнинг мураккаблиги коэффициентлари;

$i$  — жорий назорат;

$j$  — чегара (оралиқ) назорат;

$a_i$  — жорий назорат баҳоси;

$b_j$  — оралиқ назорат баҳоси;

$k$  — жорий назоратнинг назорат нуқталари сони;

$i$  — оралиқ назоратнинг назорат нуқталари сони;

$C$  — қўшимча индивидуал топшириқлар бажарилганлиги учун кўйилган баҳолар сони.

Назорат нуқтаси — бу ўқувчилар ўзлаштирган билимларни кўрсатиши, малака тавсифига мос келувчи кўникмаларни намойиш қилиши керак бўлган ўқув машғулоти. Қайси машғулот ўзлаштирилган

билим ва қўникмалар чегараси бўлиши лозимлигини ўқитувчи ҳал қилиши лозим.

Ҳар бир модул (ўкув материалининг мантиқий тугалланган қисми)даги назорат нуқталари сони аниқланганидан сўнг энг юқори ва энг куйи рейтинг аниқланади. Қоидага кўра, энг куйи балл — 70, энг юқори балл — 100 (70 %ли минимум мезони ЎзР ЎМКХТ маркази йўриқномасига мос келади). Таълим олувчи, масалан, семестр давомида жамланган рейтингни бўйича, синов ёки имтиҳондан озод қилиниши ёки ТМда қабул қилинган ягона педагогик талабларга боғлиқ ҳолда, бошқа имтиёзларга эга бўлиши мумкин (Г. Я. Алимова, Б. Г. Ананьев, А. Анастази, К. Ангеловски). Мазкур тадқиқот доирасида тажриба-синов ўтказилаётган касб-ҳунар коллежида айrim предметлар бўйича рейтинг тизими ишлаб чиқилган.

Ишлаб чиқариш таълимида эса, таълим сифатига кўп даражали ёндашув тизими яратилган. Ушбу тизимга ТМ битирувчиларининг касбий маҳорат ва қўникмаларини, шахсий сифатлари шаклланганлиги даражасини ёритувчи малақа тавсифи талаблари асос қилиб олинган (Н. И. Макиенко, В. И. Михеев, Н. Пинина, Л. Родзевич, Р. Х. Шакуров, Н. В. Шестаков, Ю. А. Фомина).

*Ушбу сифатни текшириш* — таълимдаги муҳим бўғин, ўкув жараёнини такомиллаштиришнинг зарурий шарти. Билим ва қўникмаларни муентазам текшириш ўкувчиларда ўқишга масъулият билан ёндашиш туйғусини тарбиялайди, ўрганилган материал ўзлаштирилгани ҳақидаги маълумотнинг ишончлилигини оширади, таълим муассасасида ўкув жараёнини бошқариш имкониятларини кенгайтиради.

Таълим жараёни натижалари объектив, ишончли ва валид аниқланишига ёрдам берадиган педагогик диагностика методларидан бири БКМларни тест усулида баҳолаш ҳисобланади (Н. Н. Булинский ва бошқалар).

БКМларни тест усулида баҳолаш ўкув материалининг ўзлаштирилиши ҳақида ўз вақтида ахборот беради ҳамда ўқитувчи томонидан таълим фаолиятини тузатиб бориш, мақбуллаштириш ва такомиллаштириш учун қўлланилади. Шахс ривожланиши даражасини ҳар бир алоҳида баҳолаш ўқитувчига у ёки бу ўкув гурӯҳи имкониятларини аниқлашга ёрдам беради. Дарс ўтишнинг қайси методи дастур материалини ўзлаштиришни осонлаштириши шунга боғлиқ. Ўқитувчилар ушбу тест натижаларидан айrim таълим олувчиларга уларнинг лаёқатлари билан боғлиқ ҳолда бериладиган индивидуал юкни аниқлаш учун фойдаланадилар.

Ўтказилган тадқиқотлар ўкувчилар БКМларини назорат қилишнинг анъанавий методларини тўлдирувчи тест топшириқларини татбиқ этиш мақсадгага мувофиқлиги ва самаралилигини кўрсатди (Н. Н. Булинский, В. П. Симонов, Н. В. Шестаков).

Тест назорат топшириқлари сифатида қўлланиладиган дидактик ҳолатлар таҳлили қўйидагиларни кўрсатди:

- тест бажарилиши жараёнида қиёслаш, таққослаш каби фикрлаш операциялари муҳим ўрин эгаллайди;
- тест қўлланилганда ўқув материалини ўзлаштиришнинг элементлар бўйича даражаси, ҳар бир ўқувчининг умум ўқув ва касбий лаёқатларини ривожлантиришдаги муаммо ва камчиликларни аниқлаш имконияти туғилади;
- тест топшириқлари ўқитишининг юксак ўқув имкониятларига эга;
- мураккаблик даражаси турлича бўлган топшириқлардан тест тузиш синалаёттаниларни тайёргарлик даражаси бўйича табақалаштириш имконини беради;
- тест натижалари ўқитувчига ўз фаолиятини мунтазам тузатиб бориш имконини беради, педагогик фаолиятни жадаллаштиришда кўмаклашади.

Таълим сифатини назорат қилиш тизими тўғри ташкил этилмаса, таълим самарали бўлмайди, чунки, у ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини фаоллаштиради, таълим-тарбия жараёнини мақсадга йўналтиради, бошқарувчан қиласи, нафақат назорат қилиш, балки таълим бориш вазифасини ҳам бажаради.

Педагогик амалиётда таълим сифатини назорат қилишнинг хилма-хил усул (метод) ва турлари маълум. Уларнинг ҳар бири ўзига хос ижобий ва салбий томонларга эга, шунинг учун амалиётда назоратнинг турли усул ва методлари қўшиб олиб борилади. Олдиндан ўтказиладиган, ёрдамчи, жорий, оралиқ, якуний назорат турлари фарқланади. Амалиётда жорий ва якуний назорат бошқаларидан кўпроқ қўлланилади. Якуний назорат доимо синов ва имтиҳон кўринишида бўлади (Г. Я. Алимова, Б. Г. Ананьев, А. Анастази, К. Ангеловски, Н. Н. Булинский, В. П. Симонов, Н. Трнавский, Н. В. Шестаков). Таълим жараёни маъруза-семинар шаклида ташкил қилинганида ёрдамчи назорат жорий қилиниб, бу жараёнда асосан, биринчи даражада ўзлаштириш турига кирувчи тест топшириқларидан фойдаланилади.

Сўнгги пайтларда, ўқувчиларнинг билими сифати ўлчовининг амалдаги барча тизимларини сақлаган ҳолда, тест назорат ҳамда олинган билим тестига педагогик тестлар турларидан бири сифатида кўп эътибор қаратилмоқда.

Таълим сифатини баҳолашнинг қўйидаги методлари кенг қўлланилмоқда: кузатиш, оғзаки сўров, ёзма текшириш, дидактик тестлар, амалий иш, назорат иши ҳамда тест синови ва бошқалар (В. П. Бесспалько, Н. Витке, Ю. М. Грязнов, М. С. Колесник, Н. Я. Потапов, Р. Х. Шакуров).

**Таълим жараёни самарадорлигини эрипилгани натижага бўйича  
аниқланига иккى хил асосий ёндашувни қиёслаш (А. Л. Майоров бўйича)**

	Норма асосида тест ўтказиш	Мезон асосида тест ўтказиш
1. Тест ўтказишнинг асосий турни	Умумий тест ўтказиш	Материални билиш даражасини аниқлаши учун тест ўтказиш
2. Асосий мақсац	Этилланган билимлар савия-силаги индивидуал фарқини баҳолаш	Талаба ажратса оладиган вазифаларни тавсифлаш
3. Натижаларни ҳайта ишлаш	Индивидуал натижаларни суружнинг бошқа аъзолари натижалари билан қиёсланиш	Натижаларни аниқ белгиланган ютуғ соҳаси (эталон) билан солиштириш
4. Камров кўлами	Одатда ютуқларнинг кент соҳасини қамрайди	Одатда ўқув вазифалари чекланган тўпламига қаратилади
5. Тест режаси хусусияти	Одатда тавсифлаши жадвали қўлинилди	Тавсифлашнинг батафсиш соҳаси эътиборга олинади
6. Саволларни саралаш таркиби	Индивидуал баҳоларда энг юқори даражадаги турличаликни таъминловчи саволлар саралаб олинади. Одатда осон саволлар тестта киритилмайди	Айнан бир хил баҳолаш учун зарур бўлган барча саволлар киритилади. Савол кийинлигини ўзгартиришга уринини ёки баҳоларда кўпроқ турии хилоска эришини мақсадида истисно тариқасида осон саволларга алмаштиришга йўл қўйилмайди
7. Бажарип штандартлари	Тест болқарилishi даражаси турли вазиятига нисбатан аниқланади (20 дан 5)	Тест бажарип штандартларида мактабдан таниш бўлган балли баҳолаш тизими билан ўқувчи ўртасида, айниқса, ўқитувчи баҳони намоён қилинган билим даражасига мувофиқ кўйганини таъкидлаган, ўқувчи эса баҳони унга муносабатнинг юзага чиқиши воситаси деб ҳисоблаган ҳолларда, зиддият юзага келишига сабаб бўлади. Агар ҳисобнинг бошланиши ўқувчи билан алоқадор ва боғлиқ бўлмаса, бу абсолют баҳо шкаласи бўлади (В. В. Гузев).

Тадқиқотчилар таълим сифатини миқдорий аниқлашга ёрдам берадиган турли миқдорий ва баҳолаш шкалаларини ишлаб чиқиш ва қўллашга кўп эътибор қаратганлар. Ушбу масалаларни В. Б. Ольшанский, Б. М. Мастеров, К. М. Ушаков, Ш. А. Анонашвили, А. М. Кушнир, Д. А. Иванов, В. И. Зверева, В. А. Кальней, С. К. Шишов, М. М. Поташник, В. В. Гузев ва бошқалар кўриб чиқишган.

Ўлчамлар тўплами сифатида миқдор тўплами воқе бўлса, гап миқдорий шкала ҳақида кетаётган бўлади. Шу тариқа, миқдорий шкала баҳони сон билан ифодалашга мўлжалланган. Бу бизга мактабдан таниш бўлган балли баҳолаш тизимиdir. Кўпинча бу ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида, айниқса, ўқитувчи баҳони намоён қилинган билим даражасига мувофиқ кўйганини таъкидлаган, ўқувчи эса баҳони унга муносабатнинг юзага чиқиши воситаси деб ҳисоблаган ҳолларда, зиддият юзага келишига сабаб бўлади. Агар ҳисобнинг бошланиши ўқувчи билан алоқадор ва боғлиқ бўлмаса, бу абсолют баҳо шкаласи бўлади (В. В. Гузев).

Агар бир типдаги вазифалар тизими берган аниқ маҳорат режалаштирилаётган таълим натижаларини тақдим қилиш тили ҳисобланса, абсолют шкала оддий юзага келтирилади; ўқувчи фалон-фа-

лондан иборат топшириқларни хатосиз бажара олса — бундай баҳо, бошқача топшириқни бажарса, бошқача баҳо қўйилади. Нисбий шкала ҳам худди шу асосда бунёд этилиши мумкин: ўқувчи фалон вақт оралиғида фалон нарсани қилишни ўрганса — бундай баҳо, яна бир нарсани ўрганса — бундай баҳо қўйилади, бироқ ҳар бир ўқувчи учун бу баҳо ўзгacha бўлиши мумкин. Қиёсий шкала абсолют шкалага нисбатан инсонпарвароқ бўлса-да, болалар гуруҳига дарс бериш шароитидан келиб чиқади. Ўқитувчи қўйган баҳо жавоб берувчи на-мойиш қилган билим сифати ва даражасига мос келмаслигини, бошқа ҳолларда худди шу ўқитувчи бошқа ўқувчиларга юқори баҳо қўйи-шини кўпинча бутун синф тасдиқлади. Бу билан алоқадор низо кўпинча ўқитувчининг муносабатига ҳамда билим ва маҳоратни ба-ҳолаётгандаги маҳорати, бунда у амал қилган мезонларнинг ишонч-лилиги очиқлигига боғлиқ (В. В. Гузеев).

*Даражали шкала* — ҳар бир объектга тартиб рақами, даража, иерар-хия берилади. Рейтинг тизими даражали шкаланинг бир кўриниши. У кўлланганда баҳо анъанавий метод бўйича эмас, балки энг яхшисидан энг ёмонига қараб пасайиб борадиган умумий рўйхат тузиш йўли билан қўйилади. Рейтинг тизими бир қатор аломатларига кўра миқдорий шка-лага ўҳашаш бўлса-да, айнан ундей эмас (В. В. Гузеев).

Г. Г. Воробьев американча субъектив-рейтинг шкаласини ТМ учун мослаштириди. ТМда дарсларда таълим сифатини баҳолашнинг ушбу тизими ўқитувчи томонидан квадрат матрицалар тузилишига асосла-ниб, ўқувчилар фамилиялари алфавит тартибида вертикал ва горизон-тал бўйича ёзилади. Ўқитувчи бир хил ҳарфлар кесишиган жойга ўқув-чига, схема бўйича уни бошқа ўқувчилар билан қиёслаган ҳолда, ўзи-нинг субъектив баҳосини кўяди: Бунда: 2 — «яхшироқ», 1 — «бир хил», 3 — «ёмонроқ», дегани бўлади. Дарс якунида ўқитувчи ҳар бир қатор-даги сонларни кўшиб, натижани охирги устунга ёзади — бу рақам ўқув-чининг ушбу дарс натижаси бўйича рейтингни ҳисобланади. Чорак, яrimийиллик, йил бўйича рейтинг шу тариқа шакллантирилади.

Юқоридаги тавсифдан ушбу тизимнинг афзаллигидан кўра кам-чиликлари кўпроқ эканлиги маълум бўлади: бу тизим учун кўп миқ-дорда бланка зарур ҳамда уларни ҳар бир дарс якунида ва ҳар бир синфда тўлдириш керак. Агар синфда ўқувчилар сони кўп бўлса, бу foятда катта ишга айланади. Бунда баҳоларнинг нообъективлиги кўп марта ортади — ўқитувчи ҳозиргина тугаган дарсда ҳар бир ўқувчи-нинг фаолияти натижаларини эслаб қолиши зарур, дарҳол «ёрлик» ёпиширишга тўғри келади ва ўқитувчи бундан тезроқ ҳалос бўлиш-ни истаб қолади.

А. М. Кушнир технологиясида ҳар бир ўқувчининг шахсий сил-жишини кузатиш негизида бунёд этилган рейтинг тизими варианти баҳолаш тизимининг асоси ҳисобланади. Масалан, матнларни

кўчиришда ўқитувчи фақат: болакай ўзининг иш ҳажми рекордини ўтган дарс билан солиштирганда оширдими ёки олдинги даражада қолдими, деган фикр хавотиргага солади (А. М. Кушнир).

Муаллиф эксперт ролини бажаришни ҳамда аввалги кунга қиёсан ўзига ўзи баҳо қўйишни ўқувчининг ўзига таклиф қиласди. Бунда фарқ сезилар-сезилмас, аммо ўқувчи ўзига «+», «-» ёки ҳеч нима — «0» қўя олиши учун етарли бўлади. «Илдамлаб кетиш»ни мақсац қилиб таълим ва тарбия бериш диққатга молик, бироқ болакай қундалик ютуқнинг кетидан кувиб, муқаррар бўлган муваффақиятсизликларга, гарчи улар қисқа муддатли бўлса-да, бардош бериши қийин бўлиши мумкин.

Хозирги даврда ТМ ранг-баранглиги ҳам, ўкув дастурларининг кўп вариантилиги ҳам зарурлиги эътироф этилган. Энди ҳар хил мазмундаги ва ҳар хил курслардаги айнан бир предметга қўйилган айнан бир хил баҳо турли ўқувчилар ҳақида мутлақо ҳар хил ахборот бериши мумкин: умуммаданий мазмундаги курсда қўйилган «қониқарли» баҳо касбий ёки амалий мазмундаги курсда қўйилган шундай баҳога муқобил эмас. Бинобарин, баҳода таълим соҳаси ҳам қайдидир тарзда акс этиши керакки, бу — умуман янги вазифа (Г. Я. Алимова, С. Р. Волкова, Ў. Нишоналиев, Л. Сарко, Б. Фарберман).

В. П. Бесспалько таълим сифати, билимларни ўзлаштириш дарожаси масалаларини сифатнинг миқдорий коэффициентларини киритиш воситасида нисбатан тўлиқ ва объектив тавсифини берган.

Муаллиф касб-хунар таълимининг қатор сифат кўрсаткичларини коэффициентларда ифодаланган ҳисоблаш технологиясини таклиф қиласди. У тадқиқот вазифаларига мувофиқ ўтиказилган тажрибада мавжуд бўлган бир қатор коэффициентларнигина танлаб олган (В. П. Бесспалько, Ў. Иноятов).

Махсус тажриба жараёнида, «Бухгалтер» касби ва «Бухгалтерлик ҳисоби» ихтисоси бўйича ўқиган битирувчи учун касбий аҳамиятта эга бўлган беш ўкув элементи танлаб олинди ҳамда автоматлаштириш коэффициенти тажриба тарзида ҳисоблаб чиқилди-ки, унинг чегаралари касб-хунар коллежи битирувчисининг билими сифатини тасдиқлайди<sup>1</sup>.

Шу тариқа, «Касбий тайёргарлик сифат кўрсаткичлари» (стандарт-2)дан фойдаланиб, таълим сифатини объектив назорат қилиб, таълим муассасаси битирувчисининг тайёргарлик даражасини аниқ баҳолаш мумкин.

Билимлар тизимини назорат қилиш учун икки метод таклиф қилинади. Бу ўқувчилар билимини мақбул миқдордаги саволлар билан текшириб, нисбатан объектив баҳо қўйишга имкон берадиган эҳтимоллик ва синтезлаш методларидир. Бунда назорат саволларининг қиммати жавоблар билимларнинг бутун тизими ўзлаштирилганлигини қанчалик акс эттиранига боғлиқ ҳолда аниқланади.

<sup>1</sup> У. Иноятовнинг диссертацион талқиқоти материаллари келтирилган.

«Бухгалтер» касби бўйича 100 та саволдан иборат яқуний интеграл тест ишлаб чиқилган бўлиб, у нафақат махсус предмет бўйича, балки касбга бевосита алоқадор бўлган умумтаълим саволларни ҳам ўз ичига олган. 1999 ва 2001 йилги тест натижаларини қиёслаш касбхунар коллежида таълим самарадор олиб борилаётгани ҳақида сўзлаш хукуқини беради.

Замонавий педагогик адабиётларда текширув ва назорат топшириклари мазмунини саралашнинг бир қанча методикалари баён қилинган:

- асосий тушунча, аломатлар ва натижаларни ўз ичига олган энг муҳим материални танлаб олиш (Д. А. Иванов, Н. С. Маркарян, В. И. Михеев, Р. Х. Шакуров). Бундай «муҳим» масалаларни ўзлаштириш даражасига кўра, барча ўқув материалининг тўлиқ ўзлаштирилиши юзасидан мулоҳаза юритиш мумкин;

- энг юқори диагностик салмоққа эга, яъни энг мураккаб масалаларни ажратиб олиш (В. С. Безрукова, М. Бугрин, Н. Том). Бу методика мавзу (дастур)нинг энг мураккаб масалалари тажриба йўли билан саралаб олинишидан иборат. Агар таълим олувчи энг қийин масалаларни ҳал қила олса, у қолган саволларга ҳам жавоб бера олади;

- ўқув элементларини у ёки бу «объект» мазмунига мансублиги ҳамда ушбу элементнинг умуман мавзу ёки предметда такрорланиши маромини танлаш (Н. Том);

- билим элементларини текшириш учун жуда аҳамиятли бўлган билимни аниқлаш мақсадида ўқув материали мазмунини элементлар бўйича таҳлил қилиш. Умумий хусусият касб этувчи ҳамда ўрганилаётган жараёнлар моҳиятини, ҳодисаларнинг энг кўп миқдорини тушунишга хизмат қилувчи «қонунлар», тамойиллар, таснифлар шу тарзда ажратилади (Д. А. Иванов, Н. И. Кравцов) ва бошқалар.

Назаримизда, санаб ўтилган методикаларнинг ҳеч бири ЎМКХТ-нинг махсус циклига кирувчи предметлар мазмунининг профессионал аҳамияти ва хусусиятини тўла ҳажмда ҳисобга олмайди.

Таркибий қисмлар хусусиятларини ўлчаш йўли билан амалга оширилувчи объектнинг миқдорий муайянлигини аниқлаш, яъни квантлаш тадбири таълим сифатини бошқаришнинг муҳим босқичларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, нарса ва жараёнларнинг объектив дискретлиги миқдорий тафаккурнинг асоси ҳисобланади. Ўлчаш жараёни, энг аввали, объектни ҳар томонлама сифатли тадқиқ қилишни тақозо этади. Объектнинг сифат жиҳатдан бир хиллигининг исботи сифатнинг миқдорий тасаввурининг муҳим шарти ҳисобланади. Шунинг учун ТМ бошқарув ходимлари ўрганилаётган объект хусусиятларининг бутун мажмуи, уларнинг ўзаро алоқалари, объектнинг функционал вазифасини ажратишлари керак — тадқиқотчи «объектнинг қандай-

дир муносабат ва ҳолатидаги тўлиқ тавсифи»га эга бўлиши лозим (В. Невский, П. Худоминский).

Фалсафий нуқтаи назардан, ўлчов жараёни деганда, реаликнинг акс инъикос методи тушунилади. Квадиметрияда ўлчаш объект сифати кўрсаткичларининг абсолют қиймати белгиланиши сифатида қаралади.

Таълим муассасасида «ўлчаши»ни педагогик ҳодисалар, жараёнларни, уларнинг муносабатлари, хусусиятларини миқдорий баҳоларни татбиқ қилиш ёрдамида ўрганишнинг муҳим усули деб қараймиз.

«Назорат»ни тасвирий тушунча сифатида қабул қиласиз. Назорат ТМда ўзини-ўзи бошқариш механизми бўлиб хизмат қиласи. Унинг вазифаси тизимнинг барқарор амал қилишини таъминлаш, ТМ фаолиятининг қабул қилинган бошқарув қарорлари, меъёрий талабларга мос келишини аниқлаш, ижобий ўзгаришларга муайян туртки беришдан иборат. Ўлчаш ва баҳолаш тадбирлари муҳим назорат вазифаларини бажаради.

Квадиметрияning асосий тамоийларига мувофиқ, энг аввало, сифатни баҳолаш мақсадини аниқлаш, тегишли сифат ўлчовларини тузиш ҳамда маҳсус алгоритмлар (ўлчовлар) ёрдамида уларнинг қийматини олиш талаб қилинади. Шунинг учун сифатни ўлчашни объект хусусиятлари маконини ўлчовлар тилига кўчириш жараёни, деб тасаввур қилиш мумкин.

Таълим сифатини таълим муассасасида уни бошқариш функциясининг ўзига хос тури сифатида ўлчаш, баҳолаш таълим жараёни ташкилотчиларида тадқиқот объекти ҳақида яхлит мулоҳаза юритишни тақозо этади.

Таълим натижаларини баҳолаш педагогик амалиётда доимо энг мураккаб муаммолардан бири бўлиб келган. Бу шу билан алоқадорки, «педагогик ҳодисанинг турли томонларини ўлчаш вазифаси аниқ эмас, чунки ўкув-тарбия ишида педагогни ҳам, ўкувчини ҳам ажратиб кўрсатамизки, улар кўплаб хусусиятлари билан тавсифланниши мумкин» (А. А. Орлов). Дарҳақиқат, ходимлар ва таълим олувчилар фаолияти натижаларини ўрганишда бошқарув ходимларига кенг миёсдаги кўрсаткичлар билан тавсифланувчи ҳам индивидуал, ҳам жамоа меҳнати сифатини баҳолашга тўғри келади.

Таълим аҳволи ва унинг натижаларини ўлчаш ва баҳолашга мавжуд ёндашувлар жиддий камчиликларга эга, булар — расмиятчилик, субъективизм, оддиндан айтиб бера олмаслик, ахборот камлигидир. Асосан тасодифий, муҳим бўлмаган обьектлар, уларнинг айрим хусусиятлари баҳоланади. Айни маҳалда мутахассислар билиш ва профессионал фаолиятнинг умумий хусусиятлари, қонуниятлари ҳисобга олинадиган ва баҳоланадиган ёндашув нисбатан самарали натижаберишини таъкидлашади.

Бунинг учун ТМда ҳар қандай ўлчаш, объектни асосли таҳлил қылышдан бошланади. Бунда объект сифатини ривожланишида, шартшароитни, ўкув-касбий фаолиятнинг ва педагогик жараённинг конкрет иштирокчиларини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш мухим.

Таълим жараённинг мазмуний, операцион-процессуал, мотивацион жиҳатлар бирлиги сифатида белгиланувчи дидактик моҳиятини англаш бошқарув ходимларининг дастлабки позициясига айланиши лозим.

Таълим жараённинг ташқи хусусиятлари (эгалланган билим ҳажми, унинг мустаҳкамлиги, тизимлилиги ва бошқалар) шахсни ривожлантиришининг зарур шарти ҳисобланади. Таълим жараёни натижаларининг ички кўрсаткичлари (фикрлаш мантиги, далиллаш, изчиллик, мустақиллик ва ҳ. к.) етарли шартлар сифатида намоён бўлади.

Таълим муассасасида таълим сифатини бошқариш самарадорлиги кўпроқ бошқарув ходимлари тадқиқот объектини қанчалик аниқ танлаши ва уларнинг хусусиятларини ўлчаш умумийлигини таъминлаши билан белгиланади (В. П. Бесспалько, И. А. Колесилкова).

Ушбу вазифа таълим ташкилотчилари томонидан ўлчаш жараённига кўйиладиган талаблар ва уни амалга ошириш босқичларининг изчилилигига риоя қилинганида муваффақиятли бажарилиши мумкин.

Улардан энг муҳимларини кўриб чиқамиз.

**Биринчидан,** таълим сифатини тадқиқ қилишнинг конкрет мақсад ва вазифаларини белгилаш.

Таълим сифатини баҳолаш қўйидаги мақсадларни кўзлаб амалга оширилиши мумкин:

- кадрлар тайёрлашнинг сифат даражасини ошириш;
- таълим сифати даражаси динамикасини таҳлил қилиш;
- таълим сифатининг илк даражасини аниқлаш;
- таълимнинг берилган ҳолати кўрсаткичларини шакллантириш;
- таълимнинг оралиқ ҳолатини белгилаш;
- таълим олувчиларни босқичма-босқич аттестациялаш;
- мұхандис-педагог ходимларни аттестациялаш;
- мұхандис-педагог ходимлар фаолиятини рағбатлантириш;
- мавжуд таълим сифатини ўзимизнинг энг яхши ютуқларимиз ва жаҳон ютуқлари билан қиёслаш;
- бошқарув органлари, буюртмачилар, аттестация комиссиялари, жамоат ташкилотлари учун статистик ҳисоботлар тузиш ва бошқалар.

Ушбу рўйхатни конкрет вазият ва шароитдан келиб чиқиб, тўлдириш ёки конкретлаштириш мумкин.

**Иккинчидан,** ўлчаш ва баҳолаш асослари, методлари ва воситалярини танлаш.

Энг аввало, тадқиқот объекти сифатини баҳолаш амалга ошириладиган этalon-норматив асосни синчиклаб ўрганиш керак бўлади.

Бошқарув ходимлари конкрет қасб ва ихтисосга татбиқан турли хил мақала даражасига қўйиладиган талабларини тарификация ва аттестация тизими хужжатларини ўрганиш асосида аниқлайдилар. Билим, шахс, умумий таълим даражасига қўйиладиган талаблар ДТС, мақала тавсифи билан аниқланади.

Бундан ташқари, ТМ директори ва унинг ўринбосарлари ДТСга мос келувчи назорат тадбирларини ўтказиш тартибига қўйиладиган умумий талабларни бажаралилар. Назорат тадбирлари уч турли бўлади: кириш назорати, оралиқ назорат ва чиқиш назорати (Р. Х. Шакуров).

Педагог кадрларга қўйиладиган талаблар педагогик, муҳандис-педагогик ва муҳандислик таълими станцартлари билан белгиланади.

Таълимнинг тегишли туридаги таълим муассасалари тўғрисидаги низомларда ДТС доирасидаги таълим тизимида ўқиши тутатган шахсларни аттестациялаш кўзда тутилган. Бунда таълим муассасаларига ўзлаштиришнинг баҳолаш, уни жорий назорат қилиш шакли, тартиби, даврийлигини ва таълим олувчиларни оралиқ аттестациядан ўтказишни мустақил белгилаш имконияти берилган. ДТС таълим олиш шаклидан қатъий назар битирувчиларнинг маълумоти ва мақала даражасини обьектив баҳолашнинг асоси бўлиб хизмат қиласди. Бироқ ТМ ўз фаолиятида факат ДТСга қараб иш тутмайди. Асосий вазифа — шахс эҳтиёжларини қондириш учун зарур шароит яратиш.

Биз «маълум вакт оралигида ўзига нисбатан ҳаракатда бўлган инсон ҳисоб бошланадиган нуқта бўлган» ўлчов шкаласини тақозо этувчи нуқтан назарга тўла кўшиламиз (И. А. Колесникова). Бундай концепцияда баҳо шкаласи кўп ўлчамлига айланади ҳамда шахс ҳаёт фаолиятининг ўзига хосликлари билан боелиқ бўлади, ДТСга эса, таълим олувчининг ўз имкониятларини ўзи баҳолаши, у ёки бу изтимоий ва таълим-қасб-хунар соҳасига киришини таъминлаш учун мўлжал сифатида қараш мумкин.

Аксарият тадқиқотчилар тайёргарлик даражасини баҳолаш бирдан-бир мақсад бўлмай, кадрлар тайёрлашнинг оптималь ташкилий шакллари ва методик усусларини излаш мақсадида ўтказилади, деб ҳисоблайдилар. Ўчашиб самараадорлигини таъминлаш учун умумқабул қилинган шкалаларга эга бўлиш зарур (И. Пфанцагель).

Бир хусусиятни ўлчашда, баъзан мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб, турли ўлчов шкалаларидан фойдаланилади:

- номлар шкаласи — ўрганилаётган обьектларнинг қандайдир аломати ўхшашлиги ёки фарқли эканлигини аниқлаш имконини беради;
- тартиб ёки даража шкаласи — баҳоланаётган обьектни, унинг хусусиятларини ўзгармайдиган тартибда миқдорий тавсифлашни тартибига солишини тақозо этади;
- баҳо шкаласи — тартиб шкалалари жумласига киради, аммо ўргача арифметик катталикни ҳисоблаб чиқиш имконини бермайди;

- интерваллар шкаласи — объект ўлчамларидағи фарқни аниқлаш имконини беради;
- муносабат (нисбат)лар шкаласи — барча статистик ҳисоб-китобни амалға ошириш имконини беради.

Тадқиқ қылданыптаған омилларнинг сифат даражасига таъсири даражасини аниқлаш учун бутун бир ўлчаш **методлари тизими** қўлланади.

**Ўлчаш методлари.** Бундай методлар инструментал кузатиш турига оид бўлиб, тадқиқ қылданыптаған объект сифати ҳақида мулоҳаза юритишини тажриба ва синов йўли билан асослаш имконини беради. Таълим муассасаларидан бундай методлардан тадқиқот бошланишида, статистик ҳисоботларни тузишида, тадқиқот объективининг оралиқ ҳолатини аниқлаш ва ҳоказоларда фойдаланиш мумкин. Зарур аҳборот туридан келиб чиқиб, миқдорий баҳолашнинг сонли методлари (шкалалар, тестлар, индекслар, моделлар ва ҳ.к.); сонга оид бўлмаган миқдорий методлар (топологик, мантиций-математик, на зарий-кўн миқдорий ва бошқалар) қўлланилади. Замонавий математика, ҳисоблаш техникаси методлари кенг татбиқ этилади. Ўлчов методлари педагогик объекtlарни билишда уларнинг сифат ва миқдор диалектикасини, педагогик қонуниятларнинг эҳтимоллик хусусиятини аниқлаш имконини беради.

**Социологик методлар.** Таълим олувчиларни, педагогларни босқичма-босқич аттестациядан ўтказиш; мазкур ТМ фаолияти натижаларини бошқаларининг даражаси билан солиштириш; таълим сифатини таҳлил қилиш ва бошқалар учун социологик тадқиқотнинг эмпирик методлари (анкета сўрови, стандартлаштирилган интервью, ҳужжатлар таҳлили, панель ва йўналиши қиёсий тадқиқотлар, кузатиш ва ҳоказо) кенг қўлланилади. Оммавий тарзда ўтказилган социологик тадқиқотлар педагогик жараёндаги статистик қонуниятларни конкрет шароитдан келиб чиқиб ўрнатиш имконини беради.

**Эксперт методлари** педагогик объект ҳақида, кейинчалик омиллар бўйича таҳлил қилиб ҳамда тадқиқот объекти сифати ҳақидаги хуласаларни шакллантириб, эксперт мулоҳазаси шаклидаги жамоа фикрини олиш учун зарур тадбирлар мажмуудан иборат. Эксперт методлари формализация, мураккаблик ва қўлланниш доираси босқичлари бўйича социологик ва кибернетик методлар ўртасида оралиқ ўринни эгаллайди. Улар кибернетик тадқиқот методларига қўйиладиган талабларни (экспертиза тадбирларини алгоритмлаш, ЭҲМдан фойдаланиш имконияти ва бошқалар) кейинчалик замонавийлаштириш билан бир қатор социологик методларни ўз ичига олади. Асосий эксперт методлари сирасига индивидуал эксперт баҳолаш, морфологик эксперт методи, рейтинг — баҳолаш, ўзини-ўзи баҳолаш методи, педагогик консилиум методи ва бошқалар киради.

Ушбу методлар таълимнинг берилган ҳолати кўрсаткичларини шакллантириш; таълим олувчиларнинг маълумотлилик ва тарбия-ланганлиқ даражасини баҳолаш, муҳандис-педагог ходимларни аттестациялаш ва ҳоказолар учун Қўлланилиши мумкин. Таълим сифати экспертизасини ташкил қилиш ҳамда ўтказишда тадбирларнинг муайян тартиби ва изчиллигига риоя қилиш мухим.

#### **Учинчидан, ўлчаш сифатини таъминлаш.**

Бошланғич ўзгаришлар аҳволи ҳақида объектив ахборотга эга бўлиш бир қанча омиллар билан белгиланадиган ўлчаш тадбирларини ўтказиш сифатига тўлиқ боғлиқ.

1) Ўлчаш ва баҳолаш объектини тўғри таңлай билиш, бунда куйидагиларни ҳисобга олиш зарур:

- ўқув йилининг айни дамларида обьект сифатини баҳолаш зарурати (ўз вақтида ўтказилиши, долзарблиги);
- ўлчов кўлами (алоҳида, умумий, фаолиятнинг индивидуал ёки жамоа даражасидаги хусусиятлари);
- ўрганиш ва ўлчаш даражаси (объект хусусиятларининг ташқи кўрсаткичлари, ички кўрсаткичлари);
- ўлчаш тадбирларининг давомийлиги (қисқа муддатли, узлуксиз, мунтазам);
- ўлчаш учун зарур шароитнинг мавжудлиги (диадактик ва техник воситаларнинг аҳволи, назорат топшириқлари, тестлар банкининг сифати, бошқарув ходимият ва педагогларнинг тайёргарлиги ва ҳ.к.).

Ўлчаш ва баҳолаш объектининг тўғри таңланиши бошқарув ходимият ҳаракати мантифи таълим муассасасида таълим сифатини бошқаришнинг марказий-мутаносиб тузилмасига мос келган ҳолдаги на таъминланиши мумкин.

Ушбу тузилма моделига мувофиқ, бошқарув ходимлари, энг аввало: а) бошқарув ходимлари ва педагогларнинг ҳамда б) педагоглар ва ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолияти натижаларини тадқиқ қилишлари керак. Сўнгра ушбу обьектлар кўрсаткичлари қийматлари ўртасидаги мутаносибликни юзага келтириш зарур бўлади.

Бундай ёндашувда барча асосий алоқа ва ўзаро боғланишлар ўрганиш ва таҳлил обьектига айланади. Уларни баҳолар экан, бошқарув ходимлари, тизимнинг кейин ўлчаниши ва баҳоланиши лозим бўлган элементларининг зарур ва етарли миқдорини аниқлаш имкониятига эга бўладилар. Бунда тасодифий обьектлар, жиддий бўлмаган хусусиятлар ва тавсифлар пайдо бўлишига йўл қўйилмайди.

2) Ўлчаш ва баҳолаш натижалари обьективлик, ишончлилик ва валидлик талабларига мос келиши керак.

Ўлчаш жараёни ва натижаларига субъектив таъсир кўрсатиш энг юқори даражада истисно этилса (кўйилган баҳоларнинг обьективлиги, маълумотларни — ишлаш, ўлчаш натижаларини изоҳлаш), баҳо обьектив ҳисобланади.

Баҳонинг ишончлилиги деганда, ўлчаш натижаларининг барқарорлиги, яъни баҳолашда тасодифийлик элементларининг бўлмаслиги тушунилади (такрорий ўлчашда тахминан бир хил натижа олиниши керак).

Ўлчаш валидлиги ўлчанаётган нарса ҳақиқатан ҳам ўлчаш зарур бўлган нарса эканлигига, яъни конкрет эмпирик тадқиқотнинг ахборот қицирув моделига киришига ишонч ҳосил қилиш лозимлигини кўзда тутади.

**Тўртичидан, таълим сифатини баҳолаш мезонларини танлаш.**

Баҳоланаётган объектнинг асосий объектта нисбатан микдорий муносабат ҳамда умумлаштирилган кўрсаткичлар бўйича афзаллиги даражаси мезонларни аниқлаб олиш имконини беради. Мезон деганда жараён, объектнинг баҳолаш ёки таснифлаш амалга ошириладиган фарқли белгиси тушунилади. «Кўрсаткич», «меъёр», «мезон» тушунчаларини кўллашда кўп ҳолларда ноаниқлик ёки хатога йўл қўйилади.

Ишимизда қуйидаги талқинларга таянамиш:

**меъёр** — таълим жараёни иштирокчилари хатти-ҳаракатини, ўзаро муносабатларини йўналтиради, ишнинг афзаллиги ва йўл қўйилувчи чегараларини кўрсатиб беради. Бу директор ва педагоглар таълим сифатини ўлчаш ҳамда баҳолашда таяниши лозим бўлган шартлар тавсифидир;

**мезонлар** — объект сифатини баҳолашда ҳисобга олиниши шарт бўлган ҳолатлар. Мезонларни танлашда ўлчанадиган ҳар бир объект учун: меъёр, ўлчовлар (чегара, ўртача катталик, намоён бўлиш чеграси) белгиланишини билиш керак;

**талаб** — бажарилиши мажбурий бўлган қоидалар, шартлар;

**стандарт** — баҳоланаётган объект мос келиши ва қониқтириши шарт бўлган намуна.

ТМ бошқарув ходимлари таълим жараёни иштирокчиларининг фаолият майдонини, уларнинг эҳтимол тутилган функционал мажбуриятларини, уларнинг қобилиятлари ишга солинадиган ва эҳтиёжлари қондириладиган объектларни аниқ тасаввур қилишлари лозим. Чунончи, мұхандис-педагог ходимлар салоҳиятини уч кўламда — норматив, ўзгартирувчи ва ижодий кўламда ишга солиш мумкин.

Таълим ва қасб фаолияти ҳам бир қатор изчил босқичларда кечади. Булар: репродуктив, эвристик ва ижодий босқичлар. Бинобарин, сифатни баҳолашда тегишли мезонларни татбиқ қилиш зарур бўлади. Илмий-педагогик адабиётда мезонларни аниқлашга татбиқ қилиш мумкин бўлган бир қанча ёндашувлар ишлаб чиқилган. Фикримизча, мезонларни танлаш жиҳатлари жуда мұхим.

Баҳолаш мезонларини белгилашда ТМ нинг амал қилишини ҳам, ривожланишини ҳам ҳисобга олиши керак. Улар таълимнинг натижаларини ҳам, тузилмасини ҳам қамраб олиши лозим (В. П. Беспалько, В. А. Беликов, В. В. Евліч, А. В. Усова ва бошқалар).

Умуман, педагоглар ва таълим олувчиларнинг педагогик ҳамда ўқув-касбий фаолияти сифати уларнинг мақсадга эришиш, эҳтиёжлари қондирилиши даражаси билан белгиланади.

**Бешинчидан, баҳолаш шкаласини танлаш.**

Амалий фаолиятда таълим сифатини баҳолашнинг турли шкала-лари қўлланилади.

**Улар орасида анъанавийлари:**

- икки балли шкала — «ўтди», «ўтмади»;
- беш балли шкала («1» — жуда ёмон, «2» — ёмон, «3» — қони-қарли, «4» — яхши, «5» — аъло);

**ноанъанавийлари:**

- Халқаро бакалавриат томонидан тавсия қилинган етти балли шкала, бунда беш балли шкала яна иккита: «6» (муваффақиятли) ва «7» (аъло даражада) баҳоси билан тўлдирилади.

- В. П. Бесспалько томонидан ишлаб чиқилган 12 балли шкала («1» дан «3» гача — бўлиб олиш; «4» дан «6» гача — алгоритмик фаолият; «7» дан «9» гача — эвристик фаолият; «10» дан «12» гача — ижодий фаолият);

- В. У. Родионов таклиф қўлган 16 балли шкала: унда қуйидагилар кўзда тутилади: билимларнинг дунёқарашиб савиаси; таянч билимлар; дастурий билимлар; билиб олиш даражасидаги мавжуд маҳорат; операцион маҳорат; аналитик маҳорат; маҳоратнинг ижодий даражаси.

Санаб ўтилган шкалалардан ташқари, сифатни баҳолашнинг рейтинг тизими кенг қўлланилади.

Амалиётда тарбияланганликни ўлчаш муаммоси, унинг мустақил билим олишга тайёрлик даражаси, ижтимоий фаоллик даражаси, масъулиятилик, хулқ-атвор маданияти ва бошқа параметрларини баҳолаш бирмунча қийинчилик түғдиради. Аксарият тадқиқотчилар тарбияланганлик даражасини ўлчаш ва баҳолашни фақат юқори малакали эксперталар, педагоглар амалга оширишлари мумкин, деб ҳисоблайдилар. Бунда бошқарув ходимларидан нафақат юқори даражадаги педагогик маҳорат, балки таълим олувчиларнинг тарбияланганлик даражасини мунтазам таҳдил қила билиш маҳорати ҳам талаб қилинади (С. Р. Волкова, Л. В. Голиш ва бошқалар).

Педагогларнинг касбий фаолиятини баҳолашда ҳам турли усуллар қўлланилади.

Педагоглар таркибининг касбий фаолияти сифатини тавсифловчи параметрлар оғишини баҳолашда, меъёрдан келиб чиқиб, унинг стандарт оғиши белгиланади ҳамда баҳоланаётган объект параметрларининг айрим кўрсаткичлари қандай нуқталар орасида (эҳтимоллик 63 фоиз) жойлашиши аниқланади.

Одатда, маҳсулот сифати тадқиқ қилинаётганда қуйидаги қоидага бўйсунилади, амал қилинади: буюмнинг сифат кўрсаткичлари параметрнинг стандарт меъёридан у ёки бу томонга 8—10 карра стандарт

оғиш чегарасида бўлиши керакки, бу сифат барқарорлиги кўрсаткичи ҳисобланади.

Кўйида ушбу диапазоннинг мавжуд чегараларидан ташқарига чиқиш частотаси берилган.

Кўрсаткичлар	Диапазон			
	$m \pm 0$	$m \pm 20$	$m \pm 30$	$m \pm 40$
Диапазонга киринг частотаси, %	68,26	95,44	99,73	99,994
Чегарадан ташқарига киринг частотаси, %	31,74	4,56	0,27	0,0006

Педагог ходимларни аттестациядан ўтказиша стандарт шакл ҳисобланган «Татталик» шкаласи кенг қўлланилади. Унинг учун:  $m = 50$  ўртача катталик ва  $d = 10$  стандарт оғиш белгиланган.

Баҳоланадиган параметрлар жумласига кўйидагиларни киритамиз:

- педагогларнинг ёш таркиби;
- педагогик фаолият стажи;
- маълумот ва малака даражаси;
- педагоглар жамоасининг миқдорий таркиби;
- жамоадаги эркаклар ва аёллар қисмининг ўзаро нисбати.

Ушбу параметрларга қўйиладиган норматив талаблар тегишли хужжатларда (малака тавсифида, аттестация материалларида ва бошқаларда) баён қилинган.

Баён қилингандарни умумлаштириб, таълим сифатини баҳолаш алгоритми вариантларидан бирини оламиз. Илмий-педагогик адабиётда бундай алгоритмларнинг ҳар хил турлари мавжуд.

*Таклиф қилинаётган алгоритмни ишлаб чиқишида таълим муассасасида таълим сифатини бошқаришнинг марказий-симметрик тузилмаси асос қилиб олинган.*


### 1. ТМ ташкилий тузилмасини тадқиқ қилиш.

Таълим муассасасида таълим сифатини бошқаришнинг мавжуд тузилмаси марказий-симметрик тузилмага мос келиши аниқланади. Баҳоланаётган обьект кўрсаткичлари қиймати нормал тақсимот қонунига бўйсуниши керак.

2. Таълим жараёни иштирокчилари (бошқарув ходимият, педагоглар, таълим олувчилар)нинг ҳамкорликдаги фаолияти кўрсаткичлари қийматини ўлчаш ва баҳолаш.

Ўлчаш ва баҳолаш бошқарув ходимиятнинг ТМ интеграцион сифатини таълим жараёнининг барча иштирокчилари фаолияти натижалари ўртасидаги бояланишини таъминлаш орқали тутиб турислаётатига боғлиқ. Бу натижалар кўрсаткичларининг баҳолари маълум чегараларда бўлиши мумкин:

- «номинал зона» кўйи чегара сифатида хизмат қиласи, бунда сифат кўрсаткичлари қиймати асосан норматив талаблар чегараларидаги баҳоларга мос келади;



Нормал таҳсимотнинг эгри чизиги:

$\mu$  — нормал таҳсимотнинг ўртача қиймати (меъёр);  $\delta$  — стандарт оғиш.

- «истиқбол зона» ёки ривожланиш зонаси, бунга норматив баҳолардан ошиб борувчи кўрсаткичларни баҳолаш кириши мумкин;
- юқори чегара — «суперзона» бўлиб, унда обьект сифат кўрсаткичлари қийматининг энг юқори баҳолари жойлашади.

3. Таълим жараёни иштирокчилари ўртасидаги ўзаро алоқаларни ўлчаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш.

Бошқарув ходимларининг ТМ турли бўлинмалари «фаолияти кесишиши»ни таъминлаш, «вертикал» ва «горизонтал» алоқаларни тартибга солиш лаёқати аниқланади ва баҳоланади (И. Каору).

4. «Бошқарув ходимлари таркиби», «муҳандис — педагог ходимлар», «таълим олувчилар» даражасида сифатни тадқиқ қилиш.

Аввалги босқичлар натижаларига боғлиқ ҳолда мақсадлар шакллантирилади ҳамда таълим сифатига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш имконини берувчи баҳолаш обьектлари таркиби белгиланади.

Бу босқичларнинг барчаси тегишли методикаларни татбиқ қилишга асосланган. Булар:

- обьект сифат кўрсаткичлари таркибини шакллантириш;
- хусусият кўрсаткичларининг асос, этalon бўлувчи қийматини аниқлаш;
- кўрсаткичларнинг абсолют ва нисбий қийматларини аниқлаш;
- олинган натижаларни таҳлил қилиш ҳамда уларни тадқиқ қилиш мақсадида қиёслаш.

Миқдорий баҳоларни қўллаб ўлчаш педагогик ҳодисалар, жараёнлар, уларнинг муносабатлари, хусусиятларини ўрганишнинг муҳим усули бўлиб хизмат қиласи. Ўлчаш, таълим муассасасида таълим сифатини бошқаришнинг алоҳида тури ўлароқ, таълим жараёни ташкилотчиларида тадқиқот обьекти ҳақида яхлит фикрни шакллантиришни тақозо этади. ТМ бошқарув ходимлари ўлчаш жараёни ва унинг босқичлари-

ни изчил амалга оширишга (ўлчаш ва баҳолашнинг конкрет мақсадлари, базаси, методлари ва воситаларини танлаш, ўлчаш сифатини таъминлаш, таълим сифатини баҳолашнинг пухта мезонларини танлай олиши, баҳолар шкаласини танлаш ва ҳ.к.) қўйиладиган талабларга риоя қилинганидагина ушбу вазифа муваффақиятлироқ ҳал қилинади.

## IV.2. ТАЪЛИМ ФАОЛИЯТИ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ<sup>1</sup>

Таълим фаолиятини ўзлаштиришни назорат қилиш — муҳим дидактик муаммолардан бири. Унинг таълим жараёнидаги аҳамиятини Я. А. Каменский ва К. Д. Ушинскийлар кўрсатиб беришганди. Н. И. Пирогов, Д. И. Менделеев, Н. И. Лобачевский тадқиқотларида назорат масалалари муҳим ўрин эгаллайди. Ўтган асрнинг 30-йилларидан бошлаб назорат масалалари педагогик тадқиқотларнинг доимий предметига айланди. Ўрта ТМда ўкувчилар билимини текшириш муаммоларини Е. И. Перовский батағсил таҳсил қылган.

Ўкувчиларнинг билиш фаолиятини баҳолашга тизимли-таркибли ёндашув юзасидан тадқиқотлар 60-йилларда олиб борилган. Шу билан бирга, билимларни текшириш ҳалигача педагогиканинг назарий жиҳатдан энг кам кўриб чиқилган масаласи бўлиб қолмоқда.

*Педагогик назорат* — таълим натижаларини илмий асосланган текшириш тизими. Торрок маънода назорат билим, маҳорат ва кўникмани аниқлаш, ўлчаш, баҳолашни билдиради.

«Назорат» педагогик категориясининг турли хил талқини мавжуд. Кенг маънода «назорат» деганда, бутун таълим фаолиятини илмий асосланган текшириш, ўкув жараёни натижалари ва унинг самараодорлиги аниқлаш тизими тушунилади. Тор маънода «назорат» деганда, ўкувчиларнинг таълим олиш фаолияти натижаларини аниқлаш ва ўлчаш, шунингдек, билим, маҳорат ва кўникмаларини баҳолаш тушунилади. Ушбу тадқиқотни амалга оширища биз «таълим фаолиятини назорат қилиш» тушунчасининг охирги талқинига таяндик.

Ўкувчилар таълим фаолиятининг назорат ва сифат моделини яратишга тизимли-таркибий ва тизимли-фаолиятли ёндашувлар ушбу тадқиқотга асос қилиб олинди. Бунда биз комплекс тадқиқотнинг асосий методологик тамойилларини: тизимлилик, конструктивлик, оптималлик, амалга ошувланликни ҳисобга олдик.

Тадқиқотимизда таълим фаолиятини педагогик назорат қилиш масаласини қамраб оловчи кўплаб йўналишларнинг қўйидаги жиҳатларини:

<sup>1</sup> Ушбу бўлимнинг ташкилий-методик ва экспериментал асосини Г. Я. Алимованинг муаллифлар бошқарув ходимилиги (Ш. Курбонов) ва илмий маслаҳатчилиги (Э. Сейтхалилов) остица бажарилган диссертацион тадқиқоти материаллари ташкил қилиди.

- педагогик назорат тамойиллари ва унинг таркибий қисмлари;
- назорат жараёни субъектлари ўзаро муносабатларининг психолого-педагогик асослари;
- таълим фаолияти натижаларини баҳолашни кўриб чиқамиз.

### Педагогик назорат тамойиллари ва унинг таркибий қисмлари

*Педагогик назорат жараёни ўзига хос тамойиллар гурӯҳи: назоратнинг таълим, ўқитиши ва ривожлантириш билан алоқалари, объективлик, адолатлилик ва ошкоралик, илмийлик ва самарадорлик, тизимлилик ва ҳар томонламалик билан тартибга солинади.*

Бунда самарадорликни умумлаштирувчи тамойил деб аташ мумкин, деб ҳисоблаймиз. У назоратни мақбул тарзда ташкил қилиш масалаларини ўз ичига олади, эришилган самара билан сарфланган вақт, воситалар ўртасидаги нисбатни, назоратнинг мақсадга йўналганилигини ҳисобга олади.

Таълим фаолияти сифатини назорат қилиш конкрет педагогик тизим сифатида, қуидаги бешта таркибий қисмни (129, 132): мақсадлар, ахборотлар мазмуни, педагогик коммуникация воситалари, назорат субъектларини (назорат қилувчи ва назорат қилинувчи ёки таълим берувчи ва таълим оловучи) ўз ичига олади.

**Назорат мақсади** — давлат таълим стандартлари талаблари даражасига мос келувчи умумдавлат таълим мақсадларини, ижтимоий буюртмани босқичма-босқич трансформация қилиш натижаси бўлмиш таркибий қисм. Шу тариқа, назоратни ташкил қилишда таълим мақсадларини ҳисобга олиш ҳамда уларга мувофиқ ҳолда назорат мақсадларини конкретлаштириш зарур.

Назоратнинг асосий вазифаларидан келиб чиқилса, унинг мақсади таълим жараёнининг вақт жиҳатидан турли босқичларида билимларнинг ўзлаштирилишини аниқлаш; таълим даражаси унинг мақсадларига мувофиқлигини аниқлаш; назорат натижаларидан ўқувчилар фаолиятини бошқаришда фойдаланишдан иборат. Мақсаднинг уч таркибий қисмининг ҳаммаси «назорат мақсади»да:

- мақсадни амалга ошириш — назорат жараёнида;
- мақсадни кўя билиш — ахборот мазмунида, назорат воситаларида;
- мақсадни тасдиқлаш — таълим оловчилар фаолиятини бошқаришда мавжуд.

Тузатиш таъсирини амалга ошириш назоратнинг муҳим мақсадларидан бири ҳисобланади. Тузатиш доимо зарур, у ўқувчиларнинг индивидуал фарқларидан юзага келади. Айнан шунинг учун ҳам, ўқитиши самарали бўлиши учун доимо назорат зарур бўлади. Таълим жараёнини фақат шу асосда тўғрилаб туриш мумкин.

**Назорат қилинаётган ахборот мазмуни таълим мазмунига айланган таълим мақсадларига тўла мувофиқ келиши керак.** Таълим сифати кўп жиҳатдан таълим мақсади (нимада учун ўқитиш керак) ва таълим мазмуни (нимада ўқитиш керак)нинг асосланганлиги ва келишилганлиги даражасига боғлик.

Бунда «таълим» категорияси, ушбу тадқиқот вазифаларига мувофиқ, инсон узлуксиз таълим тизимининг қайсиdir бўғинида олган таълим натижасида эгаллаган интеллектуал ва ижтимоий ривожланиш даражаси тавсифи сифатида қаралади.

«Таълим мазмуни» (ахборот)нинг пировард натижаси кўпроқ «битеувчиларга қўйиладиган талаблар»да ифодаланади. Мамлакатимиз педагогика фани ва амалиётида «таълим мазмуни» деганда кўпроқ билим, маҳорат ва кўникмалар тизими тушуниладики, уларни эгаллаш индивиднинг ақлий ва жисмоний қобилияти ривожланишини, унда илмий дунёқараш ва ахлоқ шаклланишини, ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашни таъминлайди. Бироқ охирги ўн йилликда олиб борилган туркум тадқиқотларда бу тушунча кенгайтирилди ва чукурлаштирилди. Ҳозирги босқичда у тўрт таркибий қисмга эга тузилма сифатида талқин қилинади. Булар:

- табиат, жамият, тафаккур, техника, фаолият усуслари ҳақидаги билимлар тизими. Уларни ўзлаштириш ўқувчилар онгига дунёнинг ҳақиқий манзараси шаклланишини таъминлайди ҳамда уларни билиш ва амалий фаолиятга тўғри ёндашишга ўргатади;
- фаолиятнинг кўплаб конкрет турлари асосида ётадиган умумий интеллектуал ва амалий маҳорат ҳамда кўникмалар тизими;
- ижодий фаолият тажрибаси, унинг янги муаммолар ечимини қидиришга, воқеликни ижодий ўзгартиришга тайёрликни таъминловчи асосий хусусиятлари;
- дунёга ва бир-биринга эмоционал-қадриятли муносабат тажрибаси, яъни ёшлар эътиқоди ва манфаатлари асоси бўлган шахснинг дунёқарashi ҳамда хулқ-автори сифатлари тизими (В. П. Бесспалько, В. С. Леднев).

Шундай қилиб, таълим мазмуни бу таълим муассасасини тугатиб чиқишида эга бўлиши кутилган (зарур, мухим бўлган) натижা битеувчи учун норматив бўлиши лозим бўлган билим, маҳорат ва кўникма категорияларида ифодаланувчи ютуқлар даражаси ва таркибидир. Бу натижага нафақат маълум бир таълим турида ўқиб эришилган натижага, балки аввалги босқичларда амалга оширилган таълим, мустақил эгалланган билим ва ўзини-ўзи тарбиялаш натижаси бўлган билим, маҳорат ва кўникмалар тизими натижасидир.

**Назорат воситаси** — бу назорат жараёнини оптимальлаштиришнинг мақсадлари ва шартларига мос келувчи, назоратнинг ҳар хил турлари, шакл ва методлари орқали амалга оширилувчи хилма-хил назорат масалалари, амалий вазифаларидир.

Назорат воситалярига қўйиладиган мазкур асосий таъаблардан таълим фаолияти натижаларини объектив назорат қилиш, шунингдек, ҳар бир ўқувчини индивидуал назорат дастури билан таъминлаш зарурлиги келиб чиқади.

**Назорат субъектлари** (назорат қишуви ва назорат қилинувчи) тизимнинг ўзаро боғланган, бир-бирига ўзаро таъсир қишуви икки таркибий қисмидир. Бунинг устига, назорат қилинувчига нафақат объект сифатида, балки педагог фаолиятининг субъекти сифатига ҳам қаралади.

Ушбу позициядан қараганда, ТМда таълимнинг мақсади объект (ўқувчи)ни ўзини-ўзи ривожлантирувчи тизимга айлантиришдан иборат. Индивидуал ривожланиш учун унинг имкониятлари билан таълим фаолиятига қўйиладиган таъблар ўртасидаги қарама-қаршиликларни бартараф этишга ҳаракат қилиш зарур.

Бунда имкониятларнинг кенгайтирилиши инсон эркин ёки эркин эмаслиги, ўқувчининг таълим жараёни субъекти сифатидаги эрки реал воқеликка қанчалик мужассамлантирилганлигига боғлиқ ҳолда жиддий бузилиши мумкин. В. М. Шадриков таъкидлашича, «инсон имкониятларини рўёбга чиқариш мақсади устувор бўлиши ҳамда индивидуаллаштиришга йўналтирилган жараён ҳар бир дарсда ушбу мақсадни кўзлаб ташкил қилиниши лозим». Педагог олдида назорат жараёнини ўқувчilar билан ишчан, ҳамкорлик муносабатларини, уларнинг ўқитувчilar билан ҳамкорлик қилишга интилишини таъминлайдиган тарзда ташкил қилиш вазифаси туради.

### **Назорат жараёни субъектлари ўзаро муносабатининг психологик-педагогик асослари**

Таълим фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш ва ўтказиш масалалари тадқиқоти бўйича адабиётлар таҳлили назорат жараёнида субъект ва объектнинг самарали психологик ўзаро муносабати муаммоси жуда муҳимлигини кўрсатди. Б.Г. Ананьевнинг таъкидлашича, баҳо кишининг ҳам интеллектуал, ҳам ирода-асаб соҳасига, қисқаси, умуман шахсига таъсир кўрсатади; ақлий фаолият баҳолар таъсирида ё жадаллашади ёки сустлашади. Б.Г. Ананьевга кўра, ТМ психологик таркибий-генетик ёндашувни амалга оширади: индивидуаллик дегандা, кишининг шахс ва фаолият субъекти сифатидаги хусусиятлари бирлиги ва ўзаро алоқаси тушуниладики, унинг таркибида индивид бўлмиш инсоннинг табиий хусусиятлари амал қиласди.

Б.Г. Ананьев бир вақтнинг ўзида ҳам тарбия объекти, ҳам унинг шарти, ҳам вазифаси, ҳам пировард мақсади бўлган индивидуаллик шаклланиши жараёнининг мураккаблигини таъкидлайди. Ўқитувчи назоратни ташкил этишда назорат саволларини психологик нуқтаи назардан тўғри қўя билиши, бутун синфи бошқаришни қўлдан бермаган ҳолда, сўров ўтказа олиши керак.

Инсонпарварлаштириш тамойили шахсга ёндашув доирасида олиб борилган ишларда кўпроқ акс эттирилган. Шахсга ёндашув — бу индивидуал хусусиятларни ҳисобга олишина эмас, балки шахс шаклланиши жараёнини ўрганиш ва унга фаол таъсир кўрсатиш усули ҳам.

Шахсни тадқиқ қылган етакчи олимлардан бири Л.И. Божович шахс сифатида ривожланишини янгидан таркиб топаётгандарнинг изчил шаклланиши билан белгилаганди: «ассословчи тасаввурлар» (бир ёшгача); «Мен ўзим» формуласида амалга оширилувчи «Мен тизими» (3 ёш); ички позиция — ўзини ижтимоий мавжудот сифатида ҳис қилиш (7 ёш); ўзини узоқ мақсадларга чоғлаш (10 ёш); ўзининг «ҳаёт истиқболи»ни англаш (15—17 ёш).

Шахснинг ўзини-ўзи бошқариш сифатларини юксак ривожлантириш бошқарув ходимилик вазифаларини муваффақиятли ўзлаштириш имконини беради. Профессионал шахс қиёфасининг жуда муҳим таркибий қисмларидан бири ўзини «профессионал фаолият субъекти» сифатида ҳис қилиш, яъни ўз меҳнат турмуши устидан тўлиқ назорат ўрната олиш қобилияти шаклланганлиги бўлиши мумкинлигини Р.А. Катцель ва Д.Е. Жонсон таъкидлаб ўтишган.

Л.С. Виготский, А.Н. Леонтьев, Д.Е. Эльконин, В.В. Давидов, Н.Ф. Тализина, А.К. Маркова ва бошقا тадқиқотчиларнинг психологияк-педагогик қоидалари асосида ривожланаётган шахсий-фаолиятли ёндашув таълим фаолиятининг психологик асоси сифатида тавсия қилинади.

Таълим беришда бу ёндашув шахс сифатидаги ўқувчининг индивидуал-психологик хусусиятларини максимал ҳисобга олишни кўзда тутади. Ушбу қоидани татбиқ қилиш ўқувчига тавсия этилаётган ўқув топшириклиарнинг мазмуни ва шакли, шунингдек, у билан мулоқот хусусияти орқали амалга оширилади. Таълим фаолияти конкрет ўқувчининг билими ва маҳорати даражасидан келиб чиқиб ташкил қилинади, унинг қизиқишиларидан фаолигини тақозо этади.

Бунга ўқувчиларда нафақат билишга оид эҳтиёжни, балки хатти-ҳаракатнинг умумлаштирилган усулларини ишлаб чиқишига, бўлғуси қасбий фаолият бўйича маҳсус маҳоратни вужудга келтиришга бўлган маҳсус таълимий эҳтиёжни шакллантириш йўли билан эришилади. Шахсий-фаолиятли ёндашув таълим характеристикини эмас, балки ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро муносабати схемасини субъект-объектдан субъект-субъектга ҳам ўзгартиради.

Д.Б. Эльконин, В.В. Давидов, А.К. Маркова, И.А. Зимняя асаларида «таълим фаолияти» тушунчаси аслида фаолият мазмуни билан тўлдирилади. Айни вақтда ушбу тушунча муносабатнинг алоҳида тури — таълим субъектининг таълим предметига бутун ушбу жараён

давомидаги «мастъулият билан муносабатига» (С.Л. Рубинштейн) нисбат бериши мүмкін.

И. А. Зимняя таълим жараёни тушунчасини, уни бутун ёш даврлари, жумладан, мактаб ёшига таалтуқлы қилиб таърифлайды. Таълим фаолияти — субъектнинг ўқув ишининг умумлаштирилган усулларини ўзлаштириш ҳамда унинг таълим олувчининг ўзини-ўзи назорат қилиши ва баҳолашига айланувчи ташқи назорат ҳамда баҳо асосида ўқув вазифалари воситасида ҳал қилиши жараёнидаги ўзини-ўзи ривожлантириш бўйича фаолияти. Ўзлаштириш таълим фаолиятининг марказий бўғини ҳисобланади. Ўзлаштиришнинг асосий механизми кўчириш бўлиб, унинг ички механизми, ўз навбатида, уч йўналишда кечадиган умумлаштириш: тамойилни, дастур ва фаолият усулини умумлаштириш ҳисобланади.

Ўзлаштириш процессуал ва натижавий жиҳатларга эга. Жараён сифатида у идрок, хотира, тафаккурни ўз ичига олади, ҳис-туйғу, ирода билан шарт қилиб кўйилади. Натижа сифатида эгалланган билимлар, ҳосил қилинган кўникмалар воқе бўлади. Ўзлаштиришнинг пухталиги унинг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади. Ўзлаштиришнинг муҳим хусусияти унинг бошқарилувчанилигидир. Бошқарилувчан бўлган ўзлаштириш босқичма-босқич ташкил қилиниши мүмкін.

П. Я. Гальперин ва унинг шогирдлари томонидан ишлаб чиқилган ақлий фаолиятни босқичма-босқич шакллантириш назарияси олий психик жараёнлар (фаол ёдда сақлаш, тушунчалар, ҳисоб-китобнинг шаклланиши) кишида уч асосий босқичда кечишини кўрсатади. Аввал улар кишининг атроф олам предметлари билан кўпдан-кўп кенгайтирилган ташқи моддий фаолияти йўли билан, сўнгра кишиларнинг ҳамкорликдаги фаолияти ва уларнинг мулоқоти давомида амалга оширилади (ушбу ташқи фаолият барча психик жараёнларни боғлаб турувчи ташқи нутқ иштироқида бажарила бошланади ҳамда ўз ақлий фаолияти сифатида бажарила бошланади. Интериоризация деб аталмиш ушбу жараён шунга олиб келадики, балоғатга етган кишида аксарият маҳорат ва кўникмалар шунчалик уюшган ва автоматлашган хусусият касб этади-ки, улар ўз ичига олган операцияларни деярли таҳлил қилиб бўлмай қолади).

Ўзлаштириш жараёнини таҳлил қилишда, шунингдек, унинг турли-туманлиги, шахсга боғлиқ равишда келиб чиқиши, бутун ўқув жараёнини, таълим фаолиятининг ўзини ташкил қилишга боғлиқ эканлигини таъкидлаш жоиз. Тадқиқотчилар таълим фаолияти ташқи тузилмасининг асосий таркибий қисмларини қайд этадилар. Булар: мотивация; муайян ҳолатларда топшириқ шаклидаги ўқув маса-

лалари; ўқув фаолияти; ўзини-ўзи назорат қилишга айланувчи назорат; ўзини-ўзи баҳолашга айланувчи баҳолаш. А. К. Маркова мотивацион муҳитни кўриб чиқар экан, унинг иерархик тузилишини таъкидлайди. Булар: ўқишга эҳтиёж, ўқишишнинг маъноси, ўқиш сабаби, мақсад, ҳис-туйғу, муносабат ва қизиқиш.

Таълим фаолиятининг умумий тузилмасида назорат ва ўзини-ўзи назорат, баҳолаш ва ўзини ўзи баҳолаш фаолиятига катта эътибор берилади. Ушбу масалани тадқиқ қылганлар ўқувчининг ўзини-ўзи назорат қилиши ва ўқитувчининг баҳоси, ўзини-ўзи баҳолаш шаклланишига имкон туғдиришини ишонарли тарзда кўрсатганлар. Ушбу жараён муваффакиятли кечиши учун ўқитувчи баҳолаш мазмунини, яъни унинг усули, натижаси, ушбу вазият иштирокчилари, уларнинг муносабати ва баҳолаш шаклини ҳисобга олишлари зарур.

Таълим фаолияти билимларни эгаллаш ва эгалланган билимларни турли ҳолатларда қўллай олиш лаёқати (маҳорати)ни шакллантириш жараёни сингари ўқитишининг умумий қонуниятлари билан ҳам характерланади, бунинг натижасида индивидуал тажриба тўйланади. Бунда у турли-туман мунтазам машқлар натижасидагина самарали шакллантирилади. А.М. Новиков таъкидлаганидек, машқларнинг самарадорлиги кўплаб омиллар билан белгиланади, улар орасида: вақтни тўғри тақсимлаш, ишни бажариш қоидаларини тушуниш, бажарилган иш натижаларини билиш, маҳсулдорлик ва тиклаш (репродуктивлик)нинг оқилона нисбати бор. Ўқитиш жараёни инсон томонидан ўзлаштириладиган билимлар, шакллантириладиган кўникмалар ва ижодий маҳоратнинг прогрессив ўзгариши сифатида тавсифланади. Бу жараён ўқитиш эгри чизиги ёки машқ қилиш эгри чизиги билан аниқланади. Умуман олганда, ўқитиш жараёнида билимларнинг, маҳоратнинг умумий тузилмаси, уларнинг кўпроқ умумлашганлиги, ўюшганлиги, уларнинг бажарилиши онг томонидан камроқ назорат қилиниши йўли билан ўзгартирилади.

Ўқитиш жараёнида фаолиятнинг ўзининг ўзгариши фаолиятдаги прогрессив сифат ўзгаришларини акс эттиради, дейиш мумкин. Айнан шунинг учун ҳам шаклланаётган таълим фаолиятининг барча доираларида ҳар бир назорат ва баҳолаш фаолиятини ишлаб чиқиш доимо ўқитувчининг дикқат марказида туриши керак.

### **Таълим фаолияти натижаларини баҳолаш**

**Фаолиятли ёндашувни амалга ошира туриб ҳамда мамлакатимиз психологлари ва педагоглари ишларига таяниб, билим, маҳорат, кўникмани таълим натижалари деб ҳисоблаш зарур, ўқувчиларда фаолиятнинг муайян тури шаклланишини эса, таълим мақсади сифатида қараш керак. Мақсадни бундай ифодалаш таълимнинг ҳар бир натижаси маъносини дарҳол аниқлаб беради.**

Маҳоратнинг шаклланиши таълимнинг асосий натижаси ҳисобланади, чунки айнан маҳорат фаолият бўлар экан, ўкувчи уни эгаллаб, ўзи ҳам ривожланади, янги эътиқодга ҳам эга бўлади (ўзлаштирилган фаолият ўрганганларининг ҳақдигига унинг ўзи ишониши учун имконият яратади).

Келажакла амалга оширилиши зарур бўлган фаолият турлари спектрини ҳамма вақт ҳам олдиндан башорат қилиб бўлмайди. Шунинг учун таълим жараёнида қуидаги талабларга жавоб берадиган фаолият турлари шаклланади:

- таълим жараёнларида ушбу фаолият мақсадларининг сўзсиз англаниши ҳамда бу мақсаднинг таълим субъекти учун аҳамияти;
- таълим муассасаси шароитида ушбу фаолиятни сўзсиз амалга ошириш имкониятлари;
- ўзлаштирилаётган фаолиятнинг инсониятнинг обьектив тажрибасини ўзлаштириш воситаси сифатидаги ёки янада мураккаброқ касбий фаолият элементи сифатидаги аҳамияти.

Таълимда натижаларга эришиш иерархияси қандай? Педагоглар, методистлар, таълим ташкилотчиларининг бир қатор машҳур ёндашувларига тўхталамиз.

Ҳар қандай назоратда обьект, параметрлар (хусусиятлар, сифатлар, муносабатлар) ҳар бир параметр учун критик мезонлар аниқ белгиланиши лозим. Бундай вазиятда назоратнинг моҳияти ўкувчи таълим фаолиятининг эришилган даражаси лойиҳалаштирилганига мос келган бўлади. Узлуксиз таълим тизимини ташкил қилишга замонавий ёндашувлардан келиб чиқиб, назорат даражаси назорат қилувчи ва назорат қилинувчининг биргаликдаги фаолияти даражасини акс эттириши лозимлигини ҳисобга олиб, биз ўқитувчининг касбий билимдонлигининг таркибий қисмларини кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ деб билдиқ. Педагогнинг профессионал билимлилиги деганда нимани тушуниш керак ҳамда уни қандай баҳолаш лозим? Н.В. Кузьмина профессионал билимдонликни учга бўлади: билимлардаги профессионализм, муомаладаги профессионализм ва ўзини ўзи камолга етказищдаги профессионализм. А. К. Маркова кўрсаткичларни икки гуруҳга ажратар экан, шунга ўхшашиб йўл тутади. Бу процессуал кўрсаткичлар (ўқитувчи меҳнатининг уч хил томони: педагогик фаолият, педагогик мулоқот, шахс) ҳамда натижавий кўрсаткичлар (ўқувчиларнинг ўрганганлиги ва ўрганувчанлиги, тарбияланганлиги ва тарбияланувчанлиги).

Педагог ўқувчилар билимини назорат қиласар экан, шу жумладан, ўз меҳнати натижаларини ҳам баҳолайди. Педагог ушбу «психологик тўсиқ»ни англаб, билим, маҳорат, кўникма баҳолашда назорат обьекти бўлиши керак. Педагогнинг билим савијаси ва ўқувчилар фаолиятининг муваффақияти ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд.

Назорат жараённада шахсга ёндашувнинг ўзига хослигини англаш уни ташкил қилишнинг энг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади.

Назоратда шахсга йўналтирилган вазиятни яратишга муомала мақсадлари, воситалари, шакллари назоратнинг асосий вазифасига — ўқувчини назорат жараёнининг фаол субъектига айлантириш, унинг ўзини намоён қилиш, ўзини-ўзи такомишлаштиришга бўлган эҳтиёжларини қондиришни таъминлашга хизмат қилади.

Назоратни ташкил қилишда ўқитувчи касбий маҳоратининг бир қатор ўзига хосликлари мавжуд. Булар: таълим ахборотини ҳар бир мавзунинг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда туза билиш; ҳар бир мавзуни ўзлаштиришнинг қийинлиги даражасини ҳисобга олиш; машғулотларни алгоритмлаш; «узоқ мўлжал» билан ишлаш; нафақат предмет мантиғини, балки ҳар бир мавзуни ўзлаштиришнинг психологияк хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш; аудиториядан ташқари ишларни ташкил қилиш, таълабаларни ўз предметига қизиқтириш маҳорати.

Хозирги шароитда назорат ўзини-ўзи назорат, ўзини-ўзи тузатиш, ўзини-ўзи бошқарышни шакллантириш ва ривожлантиришнинг асоси бўлиши керак. Ўзини-ўзи баҳолаш ва ўзини-ўзи назорат қилиш жараёнлари ўқувчиларни фаоллаштириш, уларнинг таълим фаолиятига қизиқишлиарини ошириш мақсадларига хизмат қилиши лозим. Фаолиятга қизиқтириш ҳақида сўзлар эканмиз, уни ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичларига тўхталиб ўтамиш. Булар: таълим фаолияти жараёни ва натижаларини щахсий имкониятлар билан мувофиқлаштириш маҳорати, бу таълим фаолияти мотивларини конкретлаштиради; назорат топшириқларининг қийинлигини ҳамда ўзининг уларни бажаришга тайёрлиги даражасини баҳолаш маҳорати; кўйилган баҳолага ўз эътироzlари даражасини белгилай олиш маҳорати.

Бунда баҳолаш компоненти қисман таълабанинг ўқув фаолиятига кўчади. Ўзини-ўзи баҳолашда ўқувчиларда муайян ички позиция шаклланади. У янги билимлар эгалланишини рафбатлантиради, чунки фикрлаш фаолиятини фаоллаштиради. Ўқувчиларнинг баҳолаш мезонлари ўқитувчининг баҳолаш мезонларига айнан ўхшашибўлиши, бошқача айтганда, ягона бўлиши шарт. Бу назорат чора-тадбирларини тайёрлашда максимал даражадаги очиқликни билдиради: (уларни ташкил қилиш, бир шаклдаги вазифалар билан танишиш, баҳолаш мезонлари ва бошқалар бўйича).

Таълим фаолиятини назорат қилиш даражаси муаммосини кўриб чиқшига қайтамиш. Биз педагогик фаолият даражаси ҳақидаги қондадарни дастлабки қондадар сифатида қабул қилдик, чунки ўқувчи фаолияти ўқитувчи фаолиятининг кўзгудаги аксидидир. У ҳолда назорат даражаси — назорат қиливчи ва назорат қилинувчининг биргаликдаги фаолияти даражаси, кўзланган натижка ҳамда ўқитувчи томонидан олдиндан режа-

лаштирилган талаблар даражасига эришиш учун зарур бўлган ҳаракатлар тизими. Шунга мувофиқ ҳолда бўлғуси тадқиқотлар учун З. Д. Жуковская томонидан таклиф этилган фаолият даражаси тизими қабул қилинган. Бу тизимли моделлаштирувчи фаолият ҳамда назорат жараёнида уларга мос — кўйи, ўрта, ўргадан юқори, юқори, энг юксак талаблар даражаси. Талаблар мезонлари сифатида кўйида келтирилган тълим фаолиятини назорат қилиш даражалари қабул қилинган.

#### Тълим фаолиятни назорат қилиш даражалари

Ўқувчилар фаолияти даражалари	Даража мезонлари (ўқувчилар фаолияти)
Репродуктив (кўйи)	Тушунча кирита олади, таърифлай олади, таърифни, формуласи, тавсифни баён қила олади
Мослашув (ўрта)	Ўрганилган материални, қонулар маъносини, формуласларни тушунтириб бера олади, маълумотнома адабиётлардан фойдалана олади, намуна бўйича масалаларни еча олади
Локал — моделлаштирувчи билимлар (ўргадан юқори)	Илгари уйрамаган масалаларни муайян бўлим доирасида еча олади
Тизимли — моделлаштирувчи билимлар (юқори)	Бутун курс доирасидаги масалаларни еча олади
Тизимли — моделлаштирувчи фаолият (энг юқори)	Комплекс масалаларни бошқа соҳа материалларини жалб этиб, амалий характердаги масалаларни еча олади, рамзий ифодаларни эркин ишлата олади, хулосалар чиқара олади.

Келтирилган назорат даражалари назорат қилинувчи ахборотнинг аҳамиятлилиги даражаларига йўналтирилган бўлиб, бу даражалар аҳамиятлиликнинг тўрт параметри: «ички предметлилик», «предметлиликаро», «амалий аҳамиятлилик», ахборотларни ўзлаштириш қийинлиги мажмуи сифатида таърифланиши мумкин. Назорат натижалари ўқувчиларнинг жорий ўкув фаолияти натижаларини баҳолаш учун ҳам, уларнинг ўз меҳнатларини ўzlари баҳолашлари учун ҳам кўлланилиши мумкин. Айни вақтда улар ўқитувчилар меҳнатининг, уларнинг мутахассис тайёрлаш бўйича меҳнати сифатининг ўртача баҳосини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкин. Ўқитувчиларнинг профессионал билимдонлиги тузилмаси бўйича олиб борилган тадқиқотлардан ушбу мақсадда фойдаланиш мумкин.

Кўрсатиб ўтилган фаолият даражалари бирмунча бошқача: **касбий фаолият, таҳлилий-синтетик фаолият, алгоритм бўйича фаолият (мурракаб алгоритм таҳлилий-синтетик фаолият натижасида юзага келади), ижодий фаолият, деб номланиши мумкинлигини эслатиб ўтамиз.**

Машҳур педагоглар, методистлар, тълим ташкилотчилари томонидан назорат натижалари (мезонлари)ни аниқлаш ва тавсиф-

лашга кўплаб бошқа уринишлар ҳам бўлган (Н. Ф. Тализина, Б. С. Гершунский, З. В Сичевская, И. И. Кулибаба, И. Я. Лerner, В. П. Бесналько, А. М. Новиков, В. П. Симонов ва бошқалар). Кибернетик (В. П. Бесналько, Н. В. Кузьмина), психологик-кибернетик (Т. В. Кудрявцев, В. М. Вергасов), тадбирий-ахборот (В. Д. Шадриков), ижтимоий-педагогик (И. Я. Лerner, А. М. Новиков, М. И. Скаткин) ёндашувларни ҳам ажратиб кўрсатиш мумкин.

Н. В. Кузьмина фаолиятнинг беш даражасини ажратиб кўрсатади, булар — репродуктив, мослашувчан, локал моделлаштирувчи, тизимли моделлаштирувчи билимлар, тизимли моделлаштирувчи хатти-харакат. Ҳар бир янги даража олдинги даража маҳорат тузылмасини ўз ичига олади ҳамда уларни реконструкция қиласди. Муаллиф томонидан келтирилган тасниф педагогик йўналишдаги мутахассислар учун тавсия қилинган бўлса-да, барча фаолиятни алгоритмгача етказиш — хийла мураккаб ва ечилиши қийин бўлган вазифа эканлигини таъкидлаш жоиз (айниқса, педагог учун бошқа турли касб вакилларига нисбатан мураккаброқ).

Психологик-кибернетик ёндашувга Т. В. Кудрявцевнинг конструктив-техник масалаларни ҳал қилиш бўйича фаолиятни баҳолаш таснифини ҳам қўшиш мумкин. Бу — намуна бўйича фаолият; кимdir бошлаган ишни охиригача етказиш; фаолиятнинг тайёр маҳсулотини ўзгартириш; субъект учун янги, оригинал миҳсулот яратиш. Ушбу таснифда конструкциялаш бўйича фаолиятни ўзгартирсанда интеллектуал фаолият механизми билан боғлашга уринилган.

В. М. Вергасов таълим жараёни ва фаолиятни моделлаштиришни янада яқинлаштиради. Интеллект фаолияти таълимнинг турли ташкилий шаклларига боғлиқ ҳолда тасниф қилинади. В. Д. Шадриков тадбирий-ахборот ёндашуви асосида турли даражадаги таълим олувчилар фаолиятини таҳлил қилишнинг 12 босқичини ажратиб кўрсатади.

И. Я. Лerner томонидан умумий ўрта таълим учун ижтимоий-педагогик тасниф таклиф қилинган. Бунда ижтимоий тажрибани таълимнинг ахборот тизими сифатида асос қилиб олиб, қандайдир иерархик занжир тузиш тамойили ёрқин ифодаланган:

- билимларни татбиқ қилишни таъминловчи табиат, жамият, техника, инсон ва фаолият усуслари ҳақидаги билимлар;
- жамиятга аллақачон маълум бўлган интеллектуал ва амалий фаолият усусларини амалга ошириш бўйича индивидлар томонидан эгалланган тажриба;
- янги муаммолар ечимини топишга тайёрликка қаратилган ижодий фаолият тажрибаси;
- кишиларнинг оламга ва бир-бирига эмоционал-яхлит муносабати тажрибаси.

Муаллиф ижтимоий тажрибанинг ҳар бир олдинги босқичи кейингисини амалга ошириш шарти эканлигини таъкидлайди. Тавсия этилган тасниф асосида таълим жараёни ташкил қилинади. Ушбу тасниф ўрта қасб-хунар ТМда таълим жараёнини ташкил қилишда қисмангина ҳисобга олиниши мумкин, чунки (таълим, маданиятнинг умумий савияси ошиши натижаси бўлиб хизмат қиласидиган) умумий таълимдан фарқли ўлароқ, қасбий тайёргарлик мутахассисларнинг амалий маҳоратларига йўналтирилган.

В. П. Беспалько таълим жараёнини дастурий бошқариш доирасида фаолиятнинг қуйидаги тўрт даражасини ажратиб кўрсатади:

**1-даражада** объект ва ҳодисаларни идентификациялаш бўйича фаолият билан белгиланиб, у объектларни бошқа объектлар қаторидан таниб олиш, билиб олиш, фарқлай олишгагина қодирлиги билан характерланади;

**2-даражада** ўрганилаётган объект ҳақидаги ахборотни хотира ёки эслаб қолиш даражасида ўрганиб, қайта тиклаш бўйича фаолият билан характерланади;

**3-даражада** ўзлаштирилган ахборотни масалаларнинг муайян синфини ечиш учун амалий фаолиятда қўллаш маҳорати билан боғлиқ;

**4-даражада** янги ҳолатларда йўл топа олиш ҳамда фаолият учун олдин ўзлаштирилган дастурлардан тамомила фарқ қилувчи ечим ва ҳаракатларни ишлаб чиқишини (трансформация даражаси) тақозо этади.

В. П. Беспалько таълим тизимига (бошланғич таълимдан қўшимча таълимгача) тааллуқли бўлган, кўрсатилган даражада тизимини татбиқ қилишни таъкидлайди. Умумий ўрта татбиқан таълимга 1-, 2- ва қисман 3-даражани қўллаш тавсия этилади.

Агар 1- ва 2-даражада деярли фарқ қиласидигини — улар эсда қолган ахборотларни қайта тиклашга мўлжалланган ҳамда билимларни амалий татбиқ қилиш фаолиятини кўзламай, қандайдир амалий натижа, якунга эришишга мўлжалланмаганинги (жараён фаолият субъекти ичida, унинг доирасидан чиқмай қайд қилинади) ҳисобга олсак, у ҳолда даражалар тизимини асос қилиб олиб буни, ундан таълим муассасаларида фойдаланиш учун мослаштириш (трансформациялаш) зарурлигини таъкидлаш лозим.

#### IV.3. ТАЪЛИМ СИФАТИНИНГ НАЗОРАТ ВА ЎЛЧОВ ТИЗИМИ

Чет эл ва мамлакатимиз олимлари турли йилларда турли даражадаги таълим муассасаларида таълим сифатини назорат қилиш тизимлари устида ишлаганлар.

Ю. В. Риссов техникумлар ва хунар-техника билим юртлари битирувчиларининг қасбий тайёргарлигини баҳолаш масаласига мала-ка даражаси, ишда ишончлилик, қасбий йўналганлик мезонларига

асосланган комплекс ёндашувни таклиф қиласи. Ушбу метод (ёндашув) амалий жиҳатдан объектив эмас, чунки у абстракт характерга эга бўлиб, бу мезонларни миқдорий аниқлаш мумкин эмас.

А. М. Крипский ўкувчилар **БКМлари** сифатини экспериментал ҳисоблаш йўли билан комплекс баҳолаш тизимини таклиф қиласи. Бунинг учун муаллиф илгаридан маълум бўлган ёки стандартда баён қилинган қуйидаги параметрларни келтиради:


$M^1$  массиви — битирувчи томонидан таълим мусассасини битирган пайтда ҳақиқатан эгалланган билим, маҳорат ва кўникмалар,

$M^2$  массиви — иш берувчи томонидан битирувчига қўйилган талаблар,

$M^3$  массиви — малака тавсифида баён қилинган битирувчига қўйиладиган талаблар.

(а) расмни кўриб чиқамиз. Бу — битирувчилар бир қанча йил аввал эга бўлган натижа. Идеал вариантга  $M^1$  ва  $M^2$  массивлари бир-бирини максимал тўлдириши орқали эришилгани кўриниб турибди. Буни, энг аввало, шундай тушунтириш мумкинки, иш берувчи қанча кам талаб қўйса, битирувчилар унинг  $M^2$  талабларини тўла қондиришига қодир бўлади, бу эса, вақти келиб, касб-хунар таълими обрўси тушишига олиб келади.

(б) расмда — касб-хунар ТМ битирувчиларининг тайёргарлик давражасини оширишда ДТС роли акс этган. Уч массив —  $M^1$ ,  $M^2$ ,  $M^3$  бир-бирини қанча кўп тўлдириса, мутахассис тайёрлаш сифати меҳнат бозори талаблари нуқтаи назаридан ва КТ ДТСга мос ҳолда шунча юқори бўлади. Шунинг учун бир-бирини тўлдириш массиви — битирувчи сифатининг схематик тасвири, дейиш мумкин. КТ ДТСларини жорий қилиш нега бунча қийин кечайдани тушунарли. Чунки  $M^3$  массиви мавжуд эмаслиги битирувчининг малака тавсифи талабларни танлаб олишда ТМга кенг имконият беради ва буни ҳеч ким ҳеч қанақасига назорат қилмаган. Ушбу тизимда  $M^3$  массиви ДТСни таъминлаш кафолати, иш берувчини иқтисодиётдаги юксак малакали мутахассислар билан таъминлашга ундовчи сабаб (А. Ш. Крипский) бўлади.



Касб-хунар ТМ битирувчиларининг тайёргарлиги сифатини оширишда давлат стандартининг роли (А. М. Крипский бўйича).

А. Ш. Крипский таълим жараёни самарадорлиги миқдорий тавсифини ҳисоблашнинг қуидаги алгоритмини кўриб чиқади — битирувчи сифатини комплекс баҳолаш — Кт:

1. Халқ ҳўжалиги соҳалари мутахассислари учун ДТСга асосланган ҳолда намунали талаблар мажмуй ўрнатилган:  $T_i (i = 1, \dots, m)$ .

2.  $Z_{ij}$  маъносини 0 дан 100 %гача шкалада турли битирувчиларнинг иш учун зарур бўлган сифатини аниқлаш, бунда  $SZ_{ij} = 100\%$ .

Иш берувчилар орасида битирувчиларнинг касбий маълумотлилиги устуворлиги бўйича ўтказилган сўровда касбий аҳамиятли сифатларнинг қуидаги рўйхати маълум бўлди: (даражা миқдорлар ийғиндиси бўйича — ушбу ҳолатда савдо соҳаси ходимлари учун):

- иш тажрибаси;
- харидорлар билан муомалада бўлиш (товарни таклиф қилиш, товарни таърифлай олиш) маҳорати;
- ҳисоб-китоб соҳасида ишлаш кўникмаси;
- чиким-касса хужжатларини расмийлаштира олиши;
- савдо қоидалари ва «Истеъмолчилар хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунни билиш;
- компьютерда ишлаш кўникмаси;
- товарлар ассортиментини билиши;
- чет тилида сўзлаша олиш ва бошқалар.

Алоҳида олинган муассаса учун битирувчининг профессионал сифатлари аҳамияти — индивидуалдир. Бу муассасанинг соҳаси, унинг ташкил қилиниш ва товар билан таъминланиш даражасига, ихтинослиги, савдо залининг замонавий савдо-технологик ускуналар билан жиҳозлаганлигига ва бошқаларга боғлиқ. Шунинг учун бундай шкаланни фақат маълум бир, алоҳида олинган муассаса ёки бирлашма учун тузиш мумкин. Касб-хунар таълим минтақалаштириш айни шундай комплекс тизимда кўринадики, бу алоҳида предмет ёки мавзулар бўйича ишчи ўқув дастурларини тузатишга ёрдам беради (мисол юқорида кўриб ўтилди).

3. Тегишли битирувчини баҳолаш, унга малака тавсифига мувофиқ қўйиладиган талаблар —  $S_r a_{jn}$ , кўрсаткичи билан, бунда  $a = 0$  дан 10 гача.

Битирувчига қўйиладиган талабларнинг бундай қатъий миқдорий белгиланиши стандартни минтақалаштириш тамойилига жавоб бермайди, бу КТ ТМ битирувчиларига бўлган талабга таъсир кўрсатади.

4.  $K_{jn}$  — битирувчи таълим муассасасини тутатгандан кейин, унинг сифатини тақсимланган жойи бўйича комплекс баҳолаш:

$$\tilde{K}_{jn} = \sum_{i=1}^m a_{jn} Z_{ij}$$

формула бўйича ҳисобланади.

Илгари КТ ДТС мавжуд бўлмаганлиги учун бундай баҳони ҳисоблаб чиқиш мумкин бўлмаган. Аммо бугун ҳам бу тизимни объектив деб бўймайди, чунки:

А) турли давлат стандартларига онд талаблар миқдори ҳар хил. Масалан, «сотувчи» касби учун КТ ДТСда бу рақам 8 га тенг, «слесарь» касби учун — 24, «бичиқчи» учун — 14. Шу боис параметр 100 чегарасидан ташқарида бўладики, ушбу тизимда бу кўзда тутилмаган. Касб (ихтисос) бўйича ДТС минтақавий компоненти қўшимча бир қанча талаблар қўяди (божхона ҳужжатларини расмийлаштиришни билиш ва бажара олиш, маҳсулот ўрамларидаги штрих кодлар билан ишлай олиш ва ҳ.к.).

Б) сифат кўрсаткичи  $K_{jn}$  — бу вақтинча кўрсаткич, чунки у вақт ўтиши билан:

- битирувчининг меҳнат фаолияти;
- унинг малакасини ошириш;
- унинг ижодий фаоллиги;
- шахсий сифатлари;
- ижтимоий фаоллиги;
- янги шароитларга мослаша олиши ва бошқа сабабларга кўра ўзгариши мумкин.

Айнан шунинг учун ҳам битирувчи сифати комплекс баҳосини ҳар бир иш берувчи учун амалий жиҳатдан фақат алоҳида ҳисоблаш мумкин.

Таълим жараёнини ташкил қилишга янги ёндашувлар, таълим сифатига қатъий ДТС талаблари сифат назоратининг замонавий ғоялар асосида бунёд этилган комплекс тизимини яратишни талаб қиласди.

Масалан, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими сифатини баҳолаш деганда, ўқувчиларда маҳорат ва шахсий сифатларни шаклланганлик даражасини конкрет таълим мақсадлари ва сифат этalonи — ЎМКХТ ДТС билан мос ҳолда режалаштирилгани билан қиёслаш жараёни кўзда тутилади.

Таълим сифатини комплекс назорат қилиш ва баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш бўйича тадқиқотларни уч босқичда ўтказиш тавсия қилинади<sup>1</sup>.

I босқич — педагогик ва илмий-методик адабиётлар, таълимдаги назоратнинг ҳар хил тур ва методларини қўллаш бўйича илгор педагогик тажрибани ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш; педагогик жамоани малака ошириш курсларида ўқитиш, тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш.

II босқич — назорат ва тест тоғишириқларини ишлаб чиқиш, таълим сифатини назорат қилишнинг комплекс тизимини яратиш.

<sup>1</sup> Ушбу ҳолатда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими сифатини назорат қилини ва баҳолашнинг комплекс тизими мисоли кўриб чиқилган. У. Иноятовнинг диссертациян тадқиқотлари материалларидан фойдаланилган.

III босқич — педагогик эксперимент ўтказиш, илгари суринган фаразларни тасдиқлаш мақсадида олинган натижаларни умумлаштириш ва тизимга солиш.

Тадқиқот давомида турли сифат ўлчовларини: касбий билим, кўникма ва малакалар даражаси; ўкувчиларни ўкув, ишлаб чиқариш фаолиятига қизиқтириш даражаси; умумўкув малакаси ҳамда мақсадга йўналтирилганлик, таъсирчанлик, мунтазамлик, табақалаштириш, объективлик, бир маънолилик, ворислилик, тугалланганлик тамойилларига кўра вужудга келтирилган ўкувчи камолоти даражасини кўллаш мақсадга мувофиқ.

Сифат ўлчовлари тизими қуидагиларни ўз ичига олади:

1. Мотивацион тест (мотивлар динамикаси);
2. Ривожланиш тести;
3. Умумўкув малакаси тести;
4. Умумтаълим тестлари;
5. Касбгача бўлган билим ва малака тести;
6. Махсус цикл предметлари бўйича профессионал топшириқ ва тестлар (ЎМКХТ ДТС бўйича назорат);
7. Касб таълими жараёни самарадорлигининг экспериментал хисоблаб чиқилган кўрсаткичлари:
  - дастур материалини ўзлаштириш коэффициенти;
  - касбий малакани автоматлаштириш кўрсаткичи (малакали ходимлар кўникмаларига қиёсан);
  - битирувчи сифатини комплекс баҳолаш.

Ушбу асарда назоратнинг жуда хилма-хил шакл ва методларидан фойдаланилган. Педагогик тадқиқотларнинг объективлиги ҳамда ўкув вақтини тежаш мақсадида турли шаклдаги тестларга устунлик берилиди.

Сифат ўлчовлари сифатида тестларгина эмас, балки, назорат ишлари (ярим йиллик бўйича ўтказиладиган «директорлар» назорат ишлари муқаррар ҳисобланади), дастурнинг катта мавзусини ўрганиш якуни бўйича синов; амалий ва лаборатория ишлари; график диктантлар ва бошқалардан фойдаланилди.

Ўкув режасига мувофиқ назарий таълимда имтиҳон ва ишлаб чиқариш таълимида текширув ишлари ўтказилди. Назарий предметларни ўрганишда амалий ишларга катта эътибор қаратилди, ўкувчилар хужжатларни тўлдириш, товарлар ассортиментини аниқлаш, корхонада ишлаш жараёнида рўй бериши мумкин бўлган муаммоли вазиятларни ҳал қилиш кўникма ва малакаларини ҳосил қиддилар.

Касб таълими сифатининг ўлчов тизимларини аниқлаш ва уни назорат қилишнинг комплекс тизимини жорий этиш самарадорлигини исботлаш учун текширув ва назорат топшириқлари таркибини саралаш методикаси қисман қўлланилди (И. В. Богачек, С. Векслер, Н. В. Кузьмина, Л. Максимов).

Уларнинг ҳеч бири малакали кичик мутахассисларни тайёрлашда маҳсус циклдаги предметлар мазмунининг профессионал аҳамиятини ва ўзига хосликларини тўла ҳисобга олмайди, зотан:

а) маҳсус предметлар ишлаб чиқариш таълими (ишлаб чиқариш амалиёти)нинг асоси ҳисобланади, уларнинг мазмуни таркибига ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, меҳнат муҳофазаси ва ҳавфсизлик техникиси ҳақидаги билимлар киради;

б) технология ва материаллар маҳсус билимлар обьектлари ҳисобланади;

в) маҳсус туркум предметлари бир томондан ишлаб чиқариш таълими билан, бошқа томондан эса, умумтаълим туркумидаги предметлар билан чамбарчас боғланган;

г) ЎМКХТ маҳсус туркумидаги предметлар билими тавсифловчи хусусияттагина эга бўлиб қолмай, балки замонавий ишлаб чиқаришнинг технологик ва табиий жараёнларини тушунишни ҳам ўз ичига олади;

д) маҳсус предметлар меҳнат натижаларининг меҳнат қуроллари ва усулларининг оқилона уйғунлашувига боғлиқлигини яққол намоён қиласди.

ЎМКХТ сифатини ўлчашнинг қўлланилаётган тизими таълим мазмуни ўзгаришига муқаррар олиб келди. Назорат натижалари предметлар ўқув дастурларидаги «нима»ни ўзгартириш, «қандай саволлар»га, асосий тушунча ва терминларга алоҳида эътибор қаратаиш зарурлигини кўрсатди. «Ҳисоб ва ҳисобот бериш» предмети мисолида экспериментни таҳлил қилиш натижасида предмет бўйича дастурлар мазмуни қандай ўзгаргани, энг катта диагностик салмоқقا эга ўқув элементларини танлаш қандай ўтказилганлигини кўрсатиш мумкин. «Ҳисоб ва ҳисобот бериш» предмети курси 20 соатни ўз ичига олади. «Товарлар ҳисоби» мавзуси бўйича дастур ўзгаришларини кўриб чиқамиз (жадвал).

Ушбу мавзуни ўрганишда соатлар микдорининг ошиши натижасида (6—8 соат), қўшимча амалий машғулотлар давомида ўқувчилар дастлабки савдо ҳужжатларини расмийлаштириш ҳамда сотувчи томонидан расмийлаштириладиган асосий ҳужжатлардан бири ҳисобланган товар ҳисобини тузиш бўйича малака ва кўникмаларини мустаҳкамладилар. Предмет бўйича дастур ўзгариши (амалий ишларга соатлар кўпайтирилиши) методик комиссия йигилишида кўриб чиқилди ва маъқулланди. Ушбу мавзуу киритилган ўзгаришлар билан ишлаб чиқилгач, билим ва малакалар назорати амалий фаолият шаклида ўтказилди ва ажойиб натижалар олинди. Ўзлаштириш коэффициенти сезиларли равишда: 0,7 дан 0,9 гача ўсади. Ҳар бир ўқитувчи назорат натижаларини таҳлил қила туриб, янада кўпроқ сифат натижаларига эришиш учун ўз предмети дастурига ўзгартиш киритиш хуқуқига эга.

**«Ҳисоб ва ҳисобот» предмети бўйича ўқув дастурининг ўзгарниви**

Мавзу	Шундай эди	Шундай бўлди
	Соатлар миқдори	Соатлар миқдори
1. Дўконга товар келиши манбалари. Илова қилинган ҳужжатлар	2 соат	2 соат
2. Товар-моддий буюмларни олиш учун ишонч қозоги бериш тартиби	2 соат	4 соат (шундан 2 соати амалий)
3. Товарларни миқдори ва сифати бўйича қабул қилиш. Товар қабул қилишининг ўзиға хосликлари, ҳужжатларни расмийлаштириш	2 соат	4 соат (шундан 2 соати амалий)
4. Товар реализациясини ҳужжатларда расмийлаштириш	2 соат	2 соат
5. Товар камомади, уларни ҳужжатлар билан расмийлаштириш	2 соат	2 соат
6. Товарларни қайта баҳолаш	2 соат	2 соат
7. Товар ҳисботини тузиш тартиби	2 соат	6 соат (шундан 4 соати амалий)
<b>Жами:</b>	<b>14 соат</b>	<b>22 соат</b>

Эксперимент ўтказиш ва уни методик комиссия йиғилишларида таҳлил қилиш жараёнида таълим таркибинингина эмас, балки ўқув машгулотларини ўтказиш шакл ва методларини ҳам ўзгартирин заурлиги тўғрисида хуносага келинди.

КҲҚда янги педагогик технологияларни жорий қилиш борасида Ўқиши→синаш→мустаҳкамлаш→ўқув жараёнига татбиқ қилиш схемаси бўйича мунтазам иш олиб борилди.

Ўқитувчилар дарсни фаол шакл ва методлар билан олиб боришни, бу ўқувчиларнинг таълим жараёнига қизиқишларини оширгани учун эмас, балки, КҲҚнинг барча муҳандис-педагог ходимлари инновацион дарсларни ишлаб чиқиш ва ўтказиш усулларини етарли даражада профессионал ўзлаштирганликлари учун ҳам афзал кўрадилар.

Ҳар бир ўлчовни босқичма-босқичи кўриб чиқамиз ҳамда унинг кириш синовларидан бошлаб — битириш ва меҳнат фаолиятигача бўлган барча назорат босқичларида ўзгаришини таҳлил қиласиз.

Ўқувчиларнинг таълимга, ҳаётий қадриятларга қизиқишларининг ўзгариш динамикаси таълим жараёни самарадорлигининг мезонларидан бири сифатида қабул қилинган. Мотивацион тест жавоб вариантлари бир жавоб очиқ қолдирилган, саккиз савол бўлган сўров варақасидан иборат. Келтирилган жавобларнинг ҳеч бири респондентнинг муносабатини акс эттирмаса, ўзи жавоб ёзиши мумкин.

Биринчи курсда мотивация вазифаси — биринчи курс талабаси шахсий масъулиятни, «етукликни» англашида, битирувчини ушбу коллежга олиб келган сабаб ва мотивларни тушуниб олишида унга

кўмаклашиш, ўзининг жамиятдаги ўрни ҳақида мулоҳаза юритишига, ҳаётий қизиқишлари доирасини аниқлашга имкон бериш. Масалан, «Сизнинг ушбу касб-хунар колледжига ўқишига киришингиз ҳақидаги қарорни ким қабул қилди?», «Касб-хунар колледжидаги ўқиши — бу...», «Нега сиз айнан бизнинг касб-хунар коллекциизга келдингиз?» ва ҳоказо.

Жорий мотивацион тестда қуйидаги саволлар бўлади: «Ҳаётий устуворликларни тартиб бўйича жойлаштиринг: «Касб-хунар коллежини тутатгандан сўнг нима қилишни ўйлаяпсиз?» ва ҳ.к.

Оралиқ тестда фақат очиқ кўринишдаги саволлардан фойдаланилиб, ўқувчилар касб-хунар колледжидаги ўкув жараёнининг ташкил қилиниши ва барча турдаги амалиёт билан боғлиқ саволларга ўзлари қисқа жавоб берадилар. Масалан, «Ишлаб чиқариш таълимида ўтган йил билан қиёслаганда қандай янгилик пайдо бўлди ёки сизнинг муносабатингизда нима ўзгарди?», «Ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун Сизга қандай билимлар (предметлар, мавзулар бўлимлар) айниқса етишмади?», «Эгаллаганларингиз билан қониқасизми? Кела-жакда нимани режалаштирайпсиз?» ва ҳ.к.

Жавоблар таҳлили ҳаётий қизиқишлар ёшга қараб ижобий томонга ўзгарганлитини кўрсатди. Айни вақтда иккинчи курс ўқувчиларининг қизиқишлари пасайиши факти эътиборни тортади. Бу бизнинг фикримизча, йилдан йилга кучайиб борадиган контингентдаги фарқ билан изоҳланади. Кўрганимиздек, касб-хунар таълими биринчи курс гуруҳи ўқувчиларининг ҳаётий қизиқишлари доирасига кирмайди. Ўқувчилар фақатгина «ўйнаб-кулиш, дискотекага бориш, мусиқа тинглаш, табиат кўйнига, денгизга сайд қилиш, ўртоқлари билан мулоқотда бўлиш»ни хоҳлашади (мулоқот — ривожланаётган шахс психологияси билан боғлиқ ёш эҳтиёжи бўлиб, ушбу мулоқотни ижобий томонга йўналтириш керак).

Педагогнинг вазифаси: ўқувчиларнинг ҳаётий қизиқишлари доирасига таъсир кўрсатиш, улар фаолиятининг мотивацион соҳасини шакллантириш, ҳаётий қоидаларини ўзгариши. «Эртага»ни «бу-гун» қилиш кераклигини ўқувчи баъзан тушунмайди, ҳаётий қизиқишлар нима эканлигини англамайди.

Ҳаётий қизиқишлар доирасига таълим олиш — 48 фоиз, иш — 14 фоиз киради. Шу жумладан, таълимни ОЎЮ да давом эттиришини ўзига вазифа қилиб қўйганлар — 12 фоиз, КХҚда яхши ўқишини вазифа қилиб қўйганлар — 13 фоиз. «Ўқиши ўстуворликларини ошириш» нималигини уларнинг ярми тушунмайди.

Ўқувчиларда улар танлаган касбга муҳаббат уйғотиши, уларда асосий ишлари бўлган ўқишининг муҳимлигини тушунишни шакллантириш ўқитувчиларнинг асосий вазифаларидан бири.

Касб-хунар колледжига ўқишига кириш сабаблари орасида қуйидагилар келтирилган:

- а) ихтисос бўйича кўпроқ нарса билиш ва ўзлаштириш истаги (65—70 %);
- б) бошқа сабаблар. Улар орасида «орзу» (14—19 %), яхши маълумот олиш, тасодиф, «борадиган бошқа жой йўқлиги», шажарани давом эттириш, «оила анъанаси» каби сабаблар келтирилган;
- в) ота-оналар маслаҳати билан (6—10 %);
- г) дўстлар маслаҳати билан (3—7 %);
- д) ўқишига муҳаббат (7—12 %).

Шу тариқа кўринаники, асосий контингент (аникроғи, ярмидан бир оз кўпроғи) бизга «касб эгаллаш учун» тасодифан келмаган. Колган ўқувчиларга (30—43 %) улар тўғри танлаб келганликларини педагогик жамоа исботлаб бериши керак бўлади.

Ўқишига муҳаббат тўққизинчи синфда курсдан курсга ошиб борса-да, мотивация заифлиги кўринади (ўқишини фақатгина 7 фоиз ўқувчи севади). Абитуриентлар учун мотивацион тест натижалари солиштирилганда, иш 1999 йилда ўқишига кирганлар фойдасига ҳал бўлди (кўрсаткичлар фоиз ҳисобида). Ўқишига кирганлардан ҳеч ким синфдаги муносабатларда муаммога дуч келмаган, фақат биттаси (бу 1 фоиздан ҳам кам) ўқитувчилар билан ўзаро муносабатда муаммога дуч келган (илгари бундайлар абитуриентлар умумий сонининг 3 фоизини ташкил қиласр эди). Ўтган йили сўралганлардан 12 фоиз кўп респондент мактабдан касб-хунар колледжига ўтиш сабаби деб «иш ҳақида ўйлаш вақти келди» деб англаганилиги маълум бўлди. Абитуриентларнинг кўпчилиги бу қарорни мустақил қабул қилган (+7 %), ўз ўртоқларининг гапига кирган (+1 %). 78 фоиз ўқувчи КҲКга ишчи касбини эгаллаш учун келган (1998 йилдаги 70 %га нисбатан, бу +9 %).

Бизнинг вазифамиз — ушбу ўсмирларнинг ўқиши фаолиятига қизиқицашларини тиклаш, иш аҳволини ўнглаш, КҲКнинг юксак обрўсими сақлаш. Агар ўқувчидан ушбу касбни эгаллашга қизиқиш бўлмаса ёки бундан кўнгли қолса, ушбу касбни эгаллашга интилиш қуи даражада бўладики, бу ўқув машғулотларида, дарсдан ташқари тадбирларда қатнашмасликка сабаб бўлиши мумкин. Агар ўқитувчи ўз предметини ўрганишдан манфаатдорликни англата олмаса, ўқувчиларда интилишнинг пасайиши унга дастлабки икки омилни тўла ҳажмда амалга ошириш имконини бермайди. Ўқитувчи қайси босқичда ўқувчилар фаолияти такрорлаш характеристида бўлишини ҳамда у таълим методларини қачон ўзgartириб, англаш мотивациясини шакллантира бошлашини олдиндан билиши керак.

Оралиқ тестда «Қайси предметлар бўйича билимлар амалиётда сизга кўпроқ асқотди?» деган саволга юқори курс ўқувчилари шундай жавоб бердилар:

- «Халқ эҳтиёжи товарлари товаршунослиги» — 56 %;
- «Психология ва амалий муносабатлар этикаси» — 43 %;
- «Корхоналарнинг техник жиҳозланиши» — 30 %;
- «Иш технологияси» — 26 %;
- «Жисмоний тарбия» — 1 %.

«Кайси предметлар бўйича билимлар етарли эмас?» — саволига:

- «Товарлар ассортименти ва миқдори» — 34 %;
- «Чет тили» ва «ЭҲМ» — 10 %дан.

Таҳлил ўқув режасида предметларнинг ўзаро нисбатини ўзгартириш, ўқув режасининг миңтақавий компонентини ишлаб чиқиш, ўқувчиларнинг истакларини ҳисобга олиш зарурлигини кўрсатди.

Иш ўрнига мослашишни назорат қилишни мотивациялаш тестида бевосита ишлаб чиқариш вазиятлари билан алоқадор саволлар бўлади. Масалан, «Иш жойида Сизда қандай мураккабликлар юзага келди?». Жавоблар кўйидагида эди: ЭҲМ ва оргтехникани яхши билмаслик — 12 %; назария ва амалиёт орасидаги тафовут — 28 %; кутубхонада замонавий ўқув адабиётлари камлиги — 35 %; қолган 25 % ўқувчиларни ҳаммаси қониқтиради, қийинчилик сезишмаган, тайёргарлик даражаси қониқарли, ЭҲМ бўйича ўқув режасидан ташқари қўшимча курслар киритилишини таклиф қилишди. Бундай қайтма алоқа касб таълими сифатининг миңтақавий меҳнат бозори талаблари ва иш берувчилар талабига мос келишини назарда тутадики, бу фаолиятни истиқбол учун режалаштиришнинг асоси бўлиб хизмат қиласди.

Педагогик жараён яхлитлиги мотивацион ўзгаришларни узлуксиз бошқаришдан таркиб топади, натижада мотивация шаклланиб, таълим фаолиятининг мақбул шароитлари комплекси яратилади. Таълимнинг сўнгги курсларига қараб боришда маълумотлилик ва ривожланганлик мотивлари диагностикаси юқори курс ўқувчилари шахсида эҳтиёжий-эмоционал йўналиш ўзгаришлар рўй берганини кўрсатади. Шахснинг ўзлигини намоён қилиши шахснинг замонавий таълим технологияларида кўзда тутилган ижодий ва ижтимоий фаолликни, мустақиллик ва масъулиятни, ўз маълумотлилик даражасини оширишни раббатлантирувчи чора-тадбирлар комплексига боғлиқлиги муҳим бўлиб, бу эса натижада ЎМКҲТ сифати ошишига олиб келди.

Ўқувчилар шахсини ривожлантириш тести ўқувчиларнинг КҲК-да «Тижоратчи», «Менежер», «Бухгалтер» ихтисослари бўйича психологик тавсифини аниқлаш учун комплекс методика сифатида ишлаб чиқилган. Методика хотира, диққатни ўрганиш, мантиқий фикрлаш баҳоси ва айнан эса, «Оператив хотира», «Сонларни жойлаштириш», «Мюнsterберг методикаси» ва юки ҳар даражада

да бўлган ҳамда 25 дақиқа давомида диагностикалашдан иборат бошқа жами саккиз методика каби намунали методикаларни ўз ичига олади. Бу методикалар тасодифан танланган эмас. Уларнинг бари хизмат кўрсатиш соҳаси учун битириувчи моделининг умумий ва професионал шахсий сифатлари блокини тавсифлайди.

КҲҚ абитуриентлари шахси ривожланишининг тестларини таҳлил қиласиз (1999 йил августи 2000 йил августи билан қиёсланганда). Тест таҳлили мактабларнинг 9-синф битириувчилари когнитив хусусиятлари заифлашганилигидан гувоҳлик беради.

Оператив хотира, сонларни хотирлаш (ҳам кўриш, ҳам эшитиш) бир оз бўлса-да, ёмонлашган. 2000 йилти абитуриентлар диққатининг танлаш хусусияти деярли 50 % сусайган. «Касбий сифатларнинг ўртача кўрсаткичи» солиширилганда, абитуриент — 2000 да бу пасайгани сезилади.

2000 йилги битириувчида интеллектнинг бир қадар ошгани, танқидни тўғри тушуниш ва бўйсуниш, бирмунча вазминлик, интизомлилик (бир оз бўлса-да) кузатилади, бироқ ўзини-ўзи баҳолаш, мустақиллик, қизиқувчанлик пасайган.

Таълимнинг барча даврлари давомида таълим оловчилар шахси ривожланиши натижаларини қиёслаймиз. Тажриба тўла циклда ўтказилиб, уч йилни қамраган.

Таълим олиш лаёқатини баҳолаш:

- 1 — юқори;
- 2 — яхши;
- 3 — қониқарли;
- 4 — паст, таълим олиш ва қайта таълим олишда қийинчилик мавжуд.

Умумий натижага алоҳида олинган методикалар бўйича (ММ ва СЖдан ташқари) тестга жавоб берганларнинг 93 % баҳолашнинг биринчи ва иккинчи гуруҳига тегишли — «таълим олиш юқори ва яхши». Бу жуда юқори натижага бўлиб, одатда, ММ ва СЖ 50 %ни ташкил қиласиз. Аммо методикалари бўйича кўрсаткичлар — яққол қониқарсиз. Тест ўтказишнинг икки охирги — 1999 ва 2000 йиллардаги ҳолати натижаларини қиёслаймиз. Маълум бир даврдаги бир қанча параметрлар динамикасини солиширсан, яққоллик учун фақат энг яхши ва энг ёмон вариантларни оламиз.

Хулоса: Битириувчилар вакт етишмаслиги шароитида дилда тез ва тўғри ҳисоблашни ўргандилар. Тестга жалб қилинганларнинг 85 % ушбу методика бўйича 40 та мисолда 2 тадан кўп хато қилмасдан юқори натижага кўрсатганини, 22 % эса абсолют юқори натижага эришганини (биронта хатосиз) айтиш кифоя. Хотира (сонни эслаб қолиш — кўриб ва эшишиб, образларни эслаб қолиш) кўрсаткичларининг яхшиланиши шу билан боғлиқ.

**1999 ва 2000 йилги тестларининг қиёсий натижалари**

Фойдаланилган методика	Уртача мұхымлариниң қиёсіш			
	1999	2000	үзгариш	изоҳ
Оператив хотира (ОХ)	2,11	1,15	-0,96	жуда күчли яхшиланиш
Сонни күриб зслаб қолыш (КЭК)	1,97	1,41	-0,56	күчли яхшиланиш
Сонни эшитиб зслаб қолыш (ЭЭК)	2,17	1,67	-0,50	яхшиланиш
Микдорий муносабаттар (ММ)	2,47	3,59	1,12	жуда күчли ёмонлашиш
Диққатни жамлай олиш (ДЖО)	2,37	1,52	-0,85	әнг күчли яхшиланиш
Образларни зслаб қолыш (ОЭК)	2,13	1,44	-0,69	юқори яхшиланиш
Сонлар жойлашуви (СЖ)	1,97	2,81	0,84	жуда күчли ёмонлашиш
Интеллектуал бекарорлик (ИБ)	2,32	1,22	-1,10	жуда күчли яхшиланиш
Якунний бағы	2,19	1,85	-0,34	яхшиланиш

«Шартли узоқ вақт» (хар бири беш дақықадан) давомида күнт билан, диққат билан ишлашни талаб қылувчи бирданига методика — «Микдорий муносабатлар» ва «Сонлар жойлашуви» методикалари бүйича күрсаткичлар кутилмаганды пасайған. Кейинчалик ақсарият тестта жалб қилингандар «құлларидан келса-да», үзларини зўриқтиргемаган»ликлари англашилди.

Тажриба натижалари ўқишида учинчи курсга ўтишда ўқувчиларда оператив ва кўриш хотираси, образларни зслаб қолиш сингари шахсий параметрлар ривожланишининг яққол ва сезиларли жараёнини кўрсатиб берди. Буни респондентларнинг улгайиши билангина эмас, балки КҲҚ жамоасининг ўқувчилар шахсининг қасб жиҳатидан аҳамиятли сифатлари ривожланиши устида олиб борган фаолияти билан изоҳлаш мумкин.

«Касбгача малакалар» тести факатгина кириш назоратида қўлланилади ҳамда беш вариант бўйича ишланган. Абитуриентларга 10 та савол таклиф қилинади, улар харид баҳосини аниқлаш, сондан % чиқариш ҳамда метрик ўлчов тизими бўйича топшириқларни ўз ичига олади (ушбу саволлар мактаб дастурига киради). Тестнинг тўрт саволига жавоб берар экан, абитуриент берилган тўрт жавобдан битта тўғрисини танлаши керак бўлади. Масалан, «Агар бир килограмм карамель 12 сўм бўлса, 250 грамми қанча туради?», «6000 сонининг 20 % неча бўлади?», «Қаттиқ маҳсулотларга нималар киради?».


Кейинги беш саволга, ўз заковатини кўрсатган ҳолда, мустақил жавоб бериш шарт. Ушбу топшириқлар бўлгуси қасб бўйича саволларни ўз ичига олади. Масалан, «Шахримиз магазинларида қандай жиҳозлардан фойдаланилади?», «Озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркибига қандай моддалар киради?», «Маҳсулотлар калория-лиялиги қандай бирликларда ўлчанади?» ва ҳ.к. Ҳар бир тўғри жавоб учун абитуриент маълум микдордаги — 1 дан 3 гача балл олади. Барча саволларга тўғри жавоб берган абитуриент 20 балл олади.

1998 ва 2000 йилги абитуриентларни тестдан ўтказиш натижалари таҳдил қилинди.

Абитуриентларни тестдан ўтказиш натижаларини таҳдил қилиб, қўйидагича хulosа чиқариш мумкин: абитетиентлар касбий жиҳатдан ёмон йўналтирилганлар, танланган касб ҳақида ҳаммаси ҳам тасаввурга эга эмас, аксарияти умумтаълим предметлари аҳамиятини тўғри баҳолай олмайди. Мактаб битиувчилари ўз иқтидор ва имкониятларини реал баҳолай оладилар, шунинг учун касб-хунар эгаллашдан бошлаб таълим олишга интилишиади.

Умумтаълим предметлари бўйича топшириқлар ҳам ўзгаришларга учрамоқда. Кириш назорати босқичида абитетиентларни ташхислаш мақсади потенциал ўрта таълим стандартига мос келувчи биринчи курсларнинг ўкувчилари тайёргарлиги даражасини аниқлаш ҳисобланади. Комплекс назорат иши асосий умумтаълим предметлари бўйича 15 саволни ўз ичига олади. Ҳаммаси бўлиб, мураккаблик даражаси бир хил бўлган уч ўҳашаш вариант ишлаб чиқилади. Математик топшириқларда абитетиентларнинг билим ва малакалари қўйидаги мавзулар бўйича текширилади: «Рационал сонли арифметик ҳаракатлар қонунлари», «Ифодаларнинг ўзгариши», «Чизиқли ва квадрат функциялар», «Квадрат тенгламалар ва тенгсизликларни ечиш» ва ҳ.к. Масалан, « $3x - 5 < 7$  тенгсизликни ечинг»; «Илдизлари  $3$  ва  $-1$  сонлари бўлган тенгламани танланг», «Иборани давом эттиринг: ҳар қандай ромб... ҳисобланади» ва бошқалар. Физика бўйича топшириқларда: «Тўғри чизиқли ҳаракат кинематикиси», «Динамика», «Гидро ва аэростатика», «Иссикдик ҳодисалари» ва бошқалар. Масалан, «10 метр баландликка кўтарилиган 4 кг оғирликдаги жисмнинг потенциал энергиясини ҳисобланг», «Жисм 20 метр баландликдан қанча вақтда эркин тушади?» ва ҳ.к. «Рус тили» бўйича: «Сўз негизидаги ургусиз унлилар», «не ва ни нинг нутқнинг турли қисмларida ёзилиши», «Содда ва мураккаб гаплар», «Гапда боғловчили ва боғловчисиз боғланиш» ва ҳ.к. Масалан, «Ажратиб кўрсатилган сўзни нутқ қисми сифатида таҳдил қилинг», «Гап схемасини тузиб, уни синтактик таҳдил қилинг». Кимё бўйича топшириқларда кимёвий бирикмалар синфини англаш, модданинг қиёсий молекуляр оғирлигини ҳисоблаш, стехиометрик қонуниятлар масалаларини ечиш бўйича амалий малака ва бошқаларга дикқат қилинди. Масалан,  $\text{Na}_2\text{SO}_4$ ,  $\text{ClO}$ ,  $\text{H}_2\text{O}$  нинг нисбий молекуляр оғирлиги қандай?», « $\text{C}_2$  элементининг  $\text{Na}_2\text{O}_2\text{O}_2$  бирикмасидаги оксидланиши даражасини аниқланг», «Кўйида санаб ўтилган турӯхлардан қайси бири кислота оксидларига тегишли?» ва ҳ.к. Ушбу диагностика топшириқчи бажаришда абитетиентларга қўйинчилик туёдирган саволлар доирасини аниқлаш имконини беради.

Кириш назорати натижалари «Такрорлаш» мавзуси бўйича дарсларни режалаштиришга ёрдам беради. Умумтаълим соҳалари ўқитув-



**Абитуриентларнинг умумтаълим тайёргарлиги даражаси.**

чиларининг асосий вазифаси — таълим олувчилар диққатини бўлғуси касбни эгаллашда ушбу предметлар аҳамиятига доим қаратиб, уларнинг ўқишга муносабатини тубдан ўзгартириш, физика, математика, кимёга қизиқишини оширишга ўзининг бор билим, педагогик мулоқот кўнкимаси ва истеъодини сафарбар қилиш.

Ҳар йилги тест натижалари аббитуриентларнинг, мактабда кўрадиган тайёргарлиги даражаси пастлигини кўрсатди (диаграммага қаранг).

2000 йили умумтаълим назорат ишини бажарган 100 % аббитуриентдан фақатгина 42 % респондент топшириқларни бажара олган. Алоҳида предметлар бўйича натижалар қўйидагича: Физика — 8 %; Математика — 12 %; Рус тили — 30 %; Кимё — 50 %. Тажриба ўтказилган йилларда аббитуриентларнинг ўртача балли қўйидагилар атрофида бўлди: Кимё — 6 дан 7 баллгача; Физика — 4 дан 5 баллгача; Математика — 5 дан 6 баллгача; Рус тили — 6 дан 7 баллгача.

Абитуриентларнинг сўнгти йиллардаги ишларини таҳлил қилиб, қўйидаги хуросаларга келиш мумкин:

1. Умумий ўрта таълимнинг ДТС доирасидаги мактаб тайёргарлигининг сустлиги ўрта маҳсус, касб-хунар таълими дастури бўйича ўқиши давом эттиришга қизиқиши пасайтиради.

2. Умумтаълим предметларини ўзлаштираётган айрим ўқувчиларда ўқишига қизиқишининг мавжуд эмаслиги билан бир қаторда бўлғуси касб сирларини эгаллашга қизиқиш кузатилиди.

Ўқитувчилар «німа устида» ишлашлари зарурлиги, билимдаги қандай нуқсонларни йўқотиш лозимлигини тест ишлари таҳлили аниқ кўрсатиб берди.


Биринчи курсларнинг таянч билим ва малака савияси юқори эмаслигини эътиборга олиб умумтаълим предметлари бўйича назорат тизимида асосий ўрин жорий назоратга берилади. Биринчи курсда жорий назоратда ўкув вақтининг асосий қисми такрорлашга ажратила-

ди. Махсус предметлар бүйінчагина янги материал биринчи күнлардан оқынғанда оқынғанда шунинг учун жорий ва оралиқ назоратда биз умумтаълим ва махсус предметлар бүйіча 1999 ва 2000 йиллар натижаларини яқындастырып, үзлаштириш коэффициенттері — ЎК бүйіча қиёслаб күриш чиқдик.

**Биринчи курс үкүвчилар гурұхларында жорий ва оралиқ назоратда дастур материалының үзлаштириш сифаты**

Үкүв йили	Курс	Гурұх	КУ							
			киме	физика	матем.	рус. тили	Т.В.	техн. асослар	технол.	Ташк.
1999-1	Ік.	2	0,85	0,85	0,83	0,83	0,9	0,96	1	1
	1 п/г	4	0,9	0,9	1,0	0,85	0,9	0,98	1	1
		5	0,9	0,8	0,95	0,85	0,9	1	1	1
		7	0,85	0,95	0,98	0,83	0,9	1	1	1
	Ік.	2	0,85	0,9	0,85	0,85	1	1	1	1
	1 п/г	4	0,95	1	0,86	0,85	1	1	1	1
		5	0,80	0,9	0,85	0,85	1	1	1	1
		7	1	1	1	0,9	1	1	1	1
1999-2	Ік	1	0,85	0,83	0,83	0,85	1	0,9	1	1
	1 п/г	3	0,96	0,83	0,95	0,85	1	1	1	1
		6	0,83	0,8	0,85	0,86	1	1	1	1
		8	0,85	0,8	0,83	0,8	1	0,9	1	1
	Ік.	1	0,85	0,85	0,85	0,86	1	1	1	1
	2 п/г	3	1	0,85	0,96	0,9	1	1	1	1
		6	0,96	0,85	0,96	0,86	1	1	1	1
		8	0,85	0,85	0,85	0,86	1	1	1	1
2000	Ік	2	0,85	0,9	0,9	0,9	1	0,9	1	1
	1 п/г	4	0,96	0,9	0,9	0,9	1	0,95	1	1
		5	0,83	0,83	0,9	0,9	1	0,95	1	1
		7	0,9	0,86	1	0,83	1	1	1	1

Иккінчи курсда янги үкүв материалы үрганилади. Оралиқ назорат натижалари умид үйретады: асосий умумтаълим предметлары бүйіча ўртаса балл 1 баллдан ошды. Физика бүйіча ўртаса баллнинг максимал үсиши — 3 балл, әнд ками — киме бүйіча — 1 баллдан камроқ. 1999 йил бүйіча биринчи курсда умумтаълим диаг-



**1999 йилда биринчи курсларда умумтаълим диагностикаси  
уч босқичининг қиёсий натижалари.**

ностикаси уч босқичи натижалари қиёсан берилган (диаграммага қаранг).

Ўқувчилар ўзлаштириши диаграммасини таҳлил қилиб, қўйидаги хуносалар чиқариш мумкин:

1. Биринчи курс ўқувчиларига умумтаълим предметлари бўйича тайёрлов курслари зарур. Улар, бир томондан, билимдаги нуқсонларини йўқотишга ҳамда бўлғуси касб сирларини муваффақиятли эгаллаш пойдевори бўладиган малакани ўзлаштиришга ёрдам беради, бошқа томондан эса, болаларни касб-хунар анъаналари, ўқитувчиларнинг талаблари билан таништиради.

2. Бир ҳафта илгари кучи етмаган топшириқларни бажарар экан, абитуриентларда умумтаълим предметларини ўқишига қизиқиш уйғониб, ўзига ишонч ва ўқишига хоҳиш пайдо бўлади.

Якуний Давлат аттестацияси маълумотлари якуний назорат натижалари бўлиб хизмат қиласди. Қиёслаш учун ҳам умумтаълим, ҳам махсус предметлар олинди.

1998 йилда касб таълими сифатини назорат қилиш тизимини ишлаб чиқишини бошладик. Синов жараёни жуда қийин кечди. Ўқувчилар дастлабки пайтларда доимий мустақил, амалий ва назорат ишларига кўниколмадилар. Бу ҳол ўртача балл жуда паст бўлишига хизмат қилган кўринади. Олдиндан айтиб қўямизки, ўртача балл тушунчаси ҳали ҳам таълимнинг муваффақияти бўйича қиёслаш ва хуноса чиқариш предмети ҳисобланади, шунинг учун биз ҳам бу ишда мазкур иборадан фойдаланамиз. Вақт ўтиши билан, назорат тизимининг ҳар бир қисми жорий қилина борилгани сари, динамикаси ҳам турлича ўзгариб борди. Балл гоҳ ошиб, гоҳ пасайиб, гоҳида ўзгаришсиз қолди. Бу ҳар бир ўқув гуруҳидаги ўқувчиларнинг индивидуал лаёқатлари билан ҳам изоҳланади. Охирги ўлчов — умумўқув кўнижмалари даражаси жорий қилингандан сўнг якуний назорат натижалари назорат гуруҳлари натижаларидан сезиларли равиша фарқ қила бошлагани жадвалдан кўринади.

## ЎМКҲТ сифатини назорат қилишининг якуний натижалари

Йил	Гурӯҳлар	Математика	Рус тили	Физика	Кимё	Товаршунос	Тех. жиҳозлаш.
1998-1	5	3,6	3,6	3,1	3,7	3,7	3,8
1997-2	3	3,4	3,4	3,6	3,5	3,9	4,0
1999-1	2	3,7	3,4	3,6	3,8	3,7	3,8
1999-2	4	3,7	3,8	3,6	3,8	3,8	4,0
	7	3,5	3,7	3,8	3,9	4,0	4,2
2000-1	6	3,8	3,5	3,4	4,1	3,8	3,9
2000-2	8	3,8	3,5	3,8	3,9	3,9	3,9
	1	3,8	3,8	3,9	4,0	4,0	4,0

Биринчи курс ўқувчилари учун хизмат кўрсатиш соҳасига мослаштирилган «Ўқишини ўрган» умумўқув малакаси курси жорий қилиниши дарсликлар комплекти алмаштирилгандан сўнг объектив равища зарур бўлиб қолди. Ҳаммага дарслик сотиб олиш имкони бўлмаганидан ўқув машғулотларини ўтказишнинг янги шакл ва методларини ўзлаштириб ишлашга тўғри келди. Шунда биринчи курс ўқувчилари ўқитувчи айтганларини пешма-пеш конспект қила олмасликлари аён бўлди. Эшитиб асосий фикрни ажратга олмасликлари, ўқув материалини на режа бўйича, на режасиз қайта сўзлаб бера олмасликлари мъълум бўлди. Уларга буни ўргатиш керак эди. Бу малака биринчи курс ўқувчилари учун қўшимча машғулотлар асосига киритилди. Дастлабки натижаларга ҳам эришилди — ўқитувчилар мавзу бўйича материални, аввалги йиллардагидек, 12 соатда эмас, балки 7—8 соатда ўтишга улгурдилар. Шундай қилиб, ўқувчи фаолиятининг жадаллашуви маҳсус ва умумтаълим предметлари бўйича билим ва малакани мустаҳкамлаш учун қўшимча вақт ажратиш имконини бердики, бу касблар, предметлар бўйича якуний танловлар ўтказиш мумкин бўлди. Ўз навбатида, бу ўқувчиларни қўшимча билим олишда фаоллаштирилди.

Назоратнинг ҳар хил турларидаги умумўқув кўникмалари тестлари ўзгаришга учрамайди, малака эса, тестларни бажариш учун қатъий вақт чегаралари ўрнатилгани учун кўникмага айланади. Кўлланмада товаршунослик, озиқ-овқат маҳсулотлари тарихидан, кулинария, товарларни ишлаш ҳамда сотишга тайёрлаш технологияси ва бошқалар бўйича турли хил профессионал матнлар йигилган. Масалан, «Кимёнинг аҳамияти», «Сфера ва шар» — бу мавзулар кириш назорати матнлари. Оралиқ назоратда эса, «Экзотик мевалар», «Товар билан таъминлаш ва товарларни чакана савдо тармоғига келтириш шакллари» ва бошқа мавзулар пайдо бўлади. Умумўқув малакасини якуний назорат қилишда «Жамият нима дегани?», «Савдо мусассасалари учун ёнгин хавфсизлиги қоидалари» матнлари қўлланилди ва ҳ.к. Касбга йўналтирилган матнлардан фойдаланиш топшириқ

бажарилишига қизиқишни оширади, касбга қизиқишни шакллантиради ҳамда қўшимча ахборот қидиришга туртки беради.

Биринчи, иккинчи ва учинчи курс гуруҳларидағи назорат натижаларини солиштирамиз. Ўқувчилар билан «Ўқишини ўрган» дастури бўйича машғулотлар ўтказилмади, улар фақат машғулотлар пайтида ишладилар ҳамда ўқув фаолияти кўникмаларини эгалладилар.

Кириш тести натижалари ўқитувчи «Ўқишини ўрган» курси давомида «нима устида» ишлаши кераклигини аниқ кўрсатиб беради. Тегишли гуруҳларда ўтказилган кириш тести якунлари ўқувчилар «Матндан асосий фикрни ажратинг» топширигини ёмон бажармаганликларини кўрсатди, тўрт гуруҳ бўйича ўртacha — 83 %га тенг, улар қисқа конспект ва оддий конспект режасини тузади. Ўзи ҳақида қисқача холоса тузиш қийинроқ кечиб, фақат 13 % ўқувчи ушбу топшириқни бажара олди.

Ушбу гуруҳлар натижаларини қиёслаб, қуйидагича холосага келиш мумкин:

1. 80 % ўқувчилар «Асосий фикрни ажратинг, қисқа конспект тузинг» топширигини бажара олишди, бу таълимнинг I- йилидаги гуруҳлардагидан 20 % кўп.

2. 22 % ўқувчилар ўзлари ҳақида қисқача холоса туздилар.

3. 70 % ўқувчилар содда режа тузади.

Икки ҳафталик «Ўқишини ўрган» курси ўтилганидан сўнг касбхунар ўқитувчилари ўз дарсларида умумўқув малакаларини бутун ўқув йили давомида пухталаш бўйича ишни давом эттирадилар. Бунга турли кўринишдаги дарслар ва уларни ўтказиш методлари йўли билан эришилади. Масалан:

1. Дарслик, маълумотномалар билан мустақил ишлаш.

2. Баён, қисқача иншо ёзиш.

3. Математик назоратлар.

4. Амалий машғулотлар.

5. Амалий ўйинлар (олдиндан тайёргарлик кўриш учун қўшимча адабиётларни мустақил ўрганиш талаб қилинади).

6. Уй назорат ишлари (масалан, ўзи ҳақида қисқа маълумот ёзиш) ва ҳ.к. Таълим тугагач, якуний тест ўтказилади.

Гуруҳларда умумўқув малакалари бўйича ўтказилган якуний тестлар қуйидаги натижаларни берди:

1. «Асосий фикрни ажратинг» топширигини кириш тестидағи-дан кўра 10 % кўл ўқувчи бажарди.

2. Конспект схемасини 65 % ўқувчи тузди.

3. Қисқа маълумотни ўртacha деярли 35 % ўқувчи ёзди.

4. Мураккаб режани — 68 % ўқувчи тузди.

3-курс гуруҳларида барча топшириқлар бўйича натижалар 90 %га яқин бўлди. Тажрибада иштирок этмаган назорат гуруҳи бошқалар-



**КХК таълимининг турли босқичларида тажрибада иштирок этмаган назорат гурухларида умумўқув малакалари ва кўникма динамикаси:**

- 1 — асосий фикрни ажратиш; 2 — қисқа конспект; конспект схемаси;
- 3 — қисқа маълумот; 4 — содда режа; мураккаб режа.

дан кўра пастроқ умумўқув малакасини намоён қилди. Бир томондан, бу малакани ривожлантириш бўйича мунтазам машғулотлар ўтказилиши зарурлигини билдиrsa, иккинчи томондан, «ўқишини ўрган» дастурисиз ҳам ўқитувчилар дарс имкониятларидан ўқув фаолиятини жадаллаштириш ва ўқув жараёни самарадорлиги учун дарс имкониятларидан фойдаланаётганликларини билдиради. Фақатгина «Қисқа маълумот ёзинг» топшириғини барча гурухлар тенг бажарди, чунки бу аввалига «Ишдаги муносабатлар этикаси», «Савдода тижорат фаолияти» ва ҳ.к. дарсларда ўқитилади ва шундан сўнггина назорат қилинади (оралиқ ва якуний назорат).

Шундай экан: КХК да ўқиши даврида умумўқув малакаси қундаклик турмушда одат бўлган кўникмага айланади, келажакда ўқувчиларга нафақат КХК да, балки бошқа ТМда ўқишига ёрдам беради, бизга эса — ЎМКХТ сифати ва ишлаб чиқариш таълими ўқув машғулотлари ва дарслари самарадорлигини оширишда кўмаклашади.

Алоҳида олинган гуруҳда (тажрибага кирмаган гуруҳ) умумўқув малакаси динамикаси диаграммада кўрсатилган.

Тадқиқот натижалари, гурухлар натижалари бошқа барча гурухлардан бирмунча ёмонроқ бўлса-да, ўқув фаолияти кўникмалари ривожланиши самарадорлигини ёрқин кўрсатиб берди. Шу билан бирга бу ўзлаштириш коэффициенти умумўқув кўникма ва малакалари даражасига боғлиқларини кўрсатади.

Тажрибанинг кўрсатишича, ўқув машғулотлари самарадорлиги таълим олувчилар ўқув фаолиятининг умумўқув кўникмалари даражасига боғлиқ. Дарс пайтида ўқувчилар фаолияти улуши қанча кўп бўлса, ўқув материалини ўзлаштириш даражаси ва ўқув машғулоти самарадорлиги коэффициенти шунча юқори бўлади.

Ўқув жараёни самарадорлиги кўрсаткичларидан бири сифатида дастур материалини ўзлаштириш даражаси — ЎК танланган эди. Бу-

нинг учун биз ЎМКХТ стандарти бўйича 100 саволдан иборат якуний интеграл тест ишлаб чиқдик, унга ўкув режасининг барча асосий предметлари: умумтаълим ва маҳсус фанлар бўйича саволлар киритилган. Саволлар миқдори шартли равишда, натижаларни таҳлил қилиш кулагилигини кўзлаб белгиланган. ЎМКХТ дастури бўйича ўқийдиган ўртacha 100 битирувчи диагностика қилинди. 65 % саволлар ёпиқ, 35 % очиқ турда эди. Тестни бажаришга 120 дақиқа вақт берилди.

«Тижорат» мутахассислиги бўйича стандартта мос келувчи ЎМКХТ асосий предметларидан 5—7 саволни ўз ичига олган 100 саволдан иборат интеграл тест ишлаб чиқилди. ЎМКХТ стандарти бўйича ёпиқ саволлар улуши кўп бўлиб, деярли 80 % эди. Бу шу билан изоҳланадики, ЎМКХТ дастури бўйича ўқиш тугаганидан бўён икки йил ўтиб, битирувчилар уни бажаришда, ишончни оқламай қолиши мумкин. Бундай тест мунтазам равишда, йилма-йил ўtkазилди.

Ушбу тадқиқот ЎМКХТ таълимининг ҳар икки дастури бўйича ўзлаштириш коэффициенти ўсганлигини кўрсатди. Зотан, 2 ва 4-гуруҳларда 1999 йили тажриба ўтказилмаганди, улар ўқишнинг иккинчи босқичини тутатаётган маҳалга (2000 йилга) келиб тажрибага жалб қилиндилар. Шунинг учун касб таълими самарадорлиги кўрсаткич кескин пасайди.

3, 5, 7-ўкув гуруҳлари тажрибага иккинчи курсда жаіб қилинди ҳамда ЎМКХТ дастурлари бўйича амалда юқоридаги каби натижага кўрсатдилар. Аммо 2000 йили, касб таълими сифатини назорат қилишнинг комплекс тизими тўла ишлаб чиқилгач, натижалар 1,4—1,6 баравар ёки ўртacha 1,5 баравар яхшиланди.

Тажриба, КҲК да кўлланилгач, назорат тизими таълим жараёнига татбиқ этилгач, ЎМКХТ сифати 1,5 баравар ошганини кўрсатди.

Фаразлар тасдиқланиши учун таълим жараёни самарадорлиги кўрсаткичлари экспериментал равишда ҳисоблаб чиқилди.

1. КҲК ўкувчиларининг касбий кўниkmани ўзлаштириш (автоматлаштириш) даражаси кўрсаткичи ЎМКХТ ДТС учун ҳисоблаб чиқилган эди. Назарий таълим ва ишлаб чиқариш таълими — бу ЎМКХТнинг ажралмас икки томони. Ишлаб чиқариш таълими сифатини аниқлаш — бу юқори курс ўкувчисининг мустақил ишлаб чиқариш фаолиятига тайёрлигини амалда аниқлаш демакдир. Ўкувчилар томонидан ўкув-ишлаб чиқариш фаолияти бажарилиши сифати ва меҳнат унумдорлиги ишлаб чиқариш таълими сифатининг муҳим мезоний кўрсаткичлари ҳисобланади. Ёш мутахассиснинг муайян касб бўйича Давлат таълим стандарти талабларига мувоғик келиши ҳақида ушбу ишларнинг бажарилиши сифатига кўра мулоҳаза юритилади.

Тажриба учун биз топшириқ бажарилиши пайтида касбий аҳамиятли бешта кўникмани белгиладик. Иш муваффақиятли бажарилганнинг асосий ўлчовлари — ўрнатилган вақт нормативлари (худди ўша технологик операцияларни малакали кичик мутахассис бажаралиган вақт)дир. Белгиланган вақтни аниқлашда биз қуидагиларни ҳисобга олдик: технологик операциянинг тўғри бажарилиши; онгли равишда бажарилиши, илгари эгалланган малакадан оқилона фойдаланиш. Ҳамма ўкувчилар ҳам топшириқни бирдай бажара олмадилар.

ВНЦ тарозиси ишга тайёрлаш бўйича ўзлаштирилган фаолиятнинг экспериментал ҳисобланган кўрсаткичи  $K$ ; УД = 0,63 - 1,16 юк хатини расмийлаштириш бўйича — 1,64 - 2,0. Бу бир-биридан анча узоқ натижалар. Аммо бу топшириқларнинг тенг мазмунда эмаслиги ва ўкувчиларнинг нафақат ёши, балки қобилиятидаги фарқ билан ҳам изоҳланади. Тажриба маълумотлари янада кўпроқ кўникмани, масалан, 10 та кўникма таҳдил қилиш лозимлигини кўрсатди. Шунда тажриба натижаси объективроқ бўлади.

КУД ҳисоби юқори курс ўкувчилари, ВНЦ тарозисини ишга тайёрлашни истисно қилганда, «Сотувчи» касби ва «Тижоратчи» мутахассисликлари бўйича малакали ишчилардан кўра яхшироқ кўникмага эга эканлигини кўрсатди, чунки улар ўрнатилган нормативни тез бажардилар. Тажриба натижалари ишлаб чиқариш таълими устталари методик комиссиясида муҳокама қилинди.

2. Битирувчи сифатининг комплекс баҳоси битирувчиларнинг асосий қисми тақсимланадиган алоҳида корхона учун ҳисоблаб чиқилди. Ушбу кўрсаткич ҳисоби абсолют ишончлиликка даъво қила олмайди, чунки ҳисоб-китобда респондентлар сони камлиги туфайли хато кўпроқ бўлади. Конкрет иш берувчи учун КҲК битирувчининг экспериментал ҳисобланган комплекс баҳоси —  $K_{j_0} = 8,4$  методикага мос келади (А. М. Крипский).

Битирувчининг касбий-аҳамиятли сифатлари рўйхатига (битирувчи модели ва стандарт бўйича); шахснинг коммуникатив қобилияти, товар ассортиментини таниб олиш билими ва малакаси, товарни миқдори ва сифатига кўра қабул қилиш малакаси ва ҳ.к., аҳамияти бўйича даражаланган ҳаммаси бўлиб 10 та сифат киритилди.

Бироқ тажриба стандарт бўйича даража ва иш берувчилар дарожаси фарқ қилишини кўрсатди, бу ЎМКҲТ стандартларининг минтақавий компоненти ҳақида гапириш имконини беради.

КҲК да ЎМКҲТ сифатини назорат қилишнинг комплекс тизими қўлланилиши натижаси сифатида КҲК битирувчиларининг турли касб ва мутахассисликлар бўйича ишга жойлаштирилиши маълумотларини қиёслаш мумкин.


Шундай қилиб, тадқиқот натижалари касб таълими сифатини комплекс назорат қилиш тизими касб таълим мининг асосий мақсадига эришишга, меҳнат бозорига мослашишга қобил юқори малакали, маълумотли кичик мутахассисларни тайёрлаб чиқаришга доир хулосалар ясаш имконини берди.

#### IV.3.1. ТАЪЛИМ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШНИНГ КОМПЛЕКС ТИЗИМИ

КҲҚ (касб-хунар коллекти) фаолияти таҳлили шуни кўрсатдики, энг самарали таълим жараёни — бу мақсад ва натижани кўзлайдиган жараён. Эришилган натижани кутилганига қиёсан қандай баҳолаш мумкин? Бунинг учун оддий, динамик, амалий назорат тизимини яратиш керакки, у натижা учун эпизодик эмас, доимий ишласин.

Мазкур тадқиқот обьекти — ЎМКҲТ сифатини назорат қилиш нинг комплекс тизимини ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш, жорий қилиш ва таълим жараёнида фойдаланиш. Биз универсал бўлган, кадрлар тайёрлаш соҳасидан қатъий назар ҳар қандай ТМда фойдаланиш мумкин бўлган назорат тизимини яратишга уриндик.

КТ сифатини назорат қилиш тизимининг ташкилий-педагогик асослари қўйида келтирилган умумий схемани яратишдан иборат.



**Тадқиқотнинг назарий асоси тушунча аппаратида жойлашган.**

**ЎМКҲТ сифати** — шахснинг эҳтиёжлари ва манфаатлари, давлат ва жамиятнинг ДТСга мос келувчи талабларини қондиришга имкон берувчи шахснинг умуммаданий, маънавий-ахлоқий, умумтаълим ва касбий ривожланиши даражаси.

ЎМКҲТ сифатини назорат қилиш тизимини ишлаб чиқиш ва яратишнинг мақсади — КҲҚ да таълим, уни бошқариш усул ва механизми сифатини ошириш.

**Сифатни назорат қилиш тизими мазмуни.** Биз тизимни шундай лойиҳалаштиридикки, у бутун ўқув муддати давомида — ўқишига киришдан бошлаб, КҲҚ битирувчиларининг иш ўрнига мослашишигача бўлган даврда шахсни ўқитиш ва ривожлантиришнинг муваффақиятли ёки муваффақиятсиз кечишини кузатиб натижаларни таҳлил қилиб, таълимга татбиқ қилинувчи педагогик технологияларни тўғрилаб боради.

Сифат назорати технологиялари — бу таълим назоратини (касбий ва умумўқув тайёргарлиги даражасини, ривожланиш ва мотивация даражасини) ташкил қилишнинг психологик-педагогик қонуниятларга асосланган, бошқарилувчан, тақрорланувчан натижа берувчи тизими.

Тавсия этилаётган назорат тизими асосида хилма-хил назорат турларининг (дастлабки кириш, жорий, оралик, якуний) умумий ва хусусий методикалари уйгунылиги ётади.

**КҲҚ фаолиятини назорат қилишнинг қуйидаги шаклларидан фойдаланилди:**

- назарий, ишлаб чиқариш таълими дарслари, дарсдан ташқари тадбирлар таҳлили;
- ДТС, ўкув режалари ва дастурлари бажарилиши таҳлили;
- педагоглар билан улар фаолиятининг турли масалалари бўйича сұхбат ўтказиш;
- педагогларни аттестациялаш;
- предметлар (касблар)нинг ўкув-методик таъминланганинг ўрганиш ва баҳолаш;
- тарбиявий ишлар аҳволи ва ўкувчиларнинг бўш вақти таҳлили ва бошқалар.

**Турли хил назорат методлари:** кузатиш, оғзаки сўров (индивидуал, фронтал), назорат иши, мустақил иш, аралаш назорат, тўла фойдаланиладиган сўров, тест назорати, масалалар ечиш, график диктант, ижодий ишлар, муаммоли ишлаб чиқариш масалалари ва бошқалардан кўшиб фойдаланилди.

**Назорат воситалари** — таълимнинг техник воситалари, қоғозда ва компьютерда бажариладиган назорат топшириқлари, натижаларни қайта ишлаш ва ҳ.к.

**Касб таълими сифатини назорат қилишиниг комплекс тизими** — ЎМКХТ сифатини ошириш мақсадида таълим жараёнига тўла ва унинг таркибий элементларига таъсир кўрсатувчи конструкциялаштирилган, синовдан ўтказилган ва тузатилган ўлчовлар тизими.

Бу тизим ижодкор, баркамол шахсни тарбиялаш, малакали кичик мутахассисларнинг таълим даражасини оширишга йўналтирилган. Сифатни назорат қилиш тизимининг барча таркибий қисмлари бир-биридан ажralмасдир. Биргина тизимни ифодаловчи омилнинг ўзгариши муқаррар равишда бутун тизим ўзгаришига олиб келади.

Асосий дикқат таълим мазмунига қаратилиб, унинг асосида қуйидаги тамойиллар ётади:

а) Ўқитувчининг эмас, ўкувчининг эҳтиёжлари кўзда тутилади. Ўқув-дастурий хужжатларни ишлаб чиқишида педагогик жиҳатдан пухта ўйланган тизимлаштиришга, касбий жиҳатдан аҳамиятта эга билим ва малакани саралашга, ўқув жараёнининг ва ҳар бир фан-

нинг мантиғига (назария ва амалиётнинг навбат билан алмашиб келишига) катта эътибор берилди.

б) Аниқ бир таълим фанига эмас, реал муаммоларни ҳал қилишга аҳамият берилди, яъни ўқитишга фанлараро ёндашув амалга оширилди, чунки КҲКнинг барча реал муаммолари фанлараро характерга эга.

в) Ўқувчиларнинг билими йигиндиси эмас, уларнинг ўзини ривожлантириш назарда тутилди. Ўқувчиларда шахсий ва қасбий ривожланишта эҳтиёжни шакллантиришга, уларга зарур ахборотни олиш йўлини ўргатишга, ахборот оқимида ўзини қандай тутиш ҳамда профессионал савијасини тинмай ошириб бориш малакасини шакллантиришга ҳаракат қилинди.

г) Таълим жараёнининг ўқувчилар, мінтақа иқтисодиёти ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларига, академик эҳтиёжга йўналтирилганлиги. Ўқув режасида мінтақавий компонентга етакчи ўрин берилган, барча умумтаълим фанлари эса фанлараро, ихтиослашган характерга эга ва ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган.

Сифатни назорат қилиш тизими таълим ва шахснинг ривожланиш даражаси қасб бўйича ДТСга мослигини кафолатлаши зарурлигидан келиб чиқиб, биз ишни ЎМКҲТ пировард маҳсулотининг бевосита истеъмолчилари ҳисобланган иш берувчилар, таҳсил олувчилар ва педагогик жамоа ўртасидаги ҳамкорликнинг обьекти бўлмиш битирувчи моделидан бошладик.

#### Ишлаб чиқиш босқичлари схемада кўрсатилган



Схемадан кўриниб турибдикি, КҲК томонидан тадқиқ қилинган Битирувчи моделини яратиш дастлабки қадам бўлган эди. Ҳозирги пайтда ДТСнинг малака тавсифи ҳамда битирувчиларнинг ишга жойлашиш муаммоси билан боғлиқ бўлган мінтақавий меҳнат бозори талабларини таққослашга обьектив зарурат мавжуд. Шу мақсадда 100 дан зиёд иш берувчи (директорлар, ўринbosарлар, ходимлар бўйи-

ча менежерлар) ўртасида сўров ўгказилди. Анкеталардан иш берувчиларнинг КҲК битирувчиларининг касб таълими сифатига қўядиган талаблари таъниб олиниб, даражаларга бўлинди. Бу сифатлар рўйхати ДТС талаблари билан таққосланди, натижада бугунги битирувчига керак бўладиган бир қатор касбий малакалар стандартлаштирилмаганлиги маълум бўлди. Бу ДТС миңтақавий компонентининг зарурлиги ва муҳимлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Моделни ишлаб чиқиш ҳар бири иккита тор ихтисосга бўлинган иккита: шахсий ва касбий сифатлар блокида олиб борилди. Ҳар бир блокнинг асосини битирувчиларнинг алоҳида касбий ва шахсий характеристикаси бўйича иш берувчилар белгилаган умумий даражада натижалари ташкил этди.

**КҲК битирувчисининг модели** — кишининг унинг эҳтиёжларини ДТСни, миңтақавий меҳнат бозорини акс эттирувчи, унинг шахсий ва касбий ривожланиш даражасининг хаёлан тасаввур қилинган тизими. Таълим жараёнида шундай модельни ўрганиш ва амалга ошириш КҲК битирувчисига ЎМКҲТ сифатини, иш ўрнига тезда мослашиб кетишни кафолатлайди.

Бўлажак мутахассис ахлоқий ва эстетик қадриятлар тизимида умумий шахсий сифатларга эга бўлади: ҳаётда ўз мақсади мавжуд, киришимли, ўзини-ўзи таҳлил қилишга, комилликка, маънавий жиҳатдан ўсишга эҳтиёж сезади.

Бўлажак мутахассис қўйидаги шахсий касбий хусусиятларга:

1. Муваффақиятли ўқув-ишлаб чиқариш фаолияти учун зарур бўлган интеллектуал потенциалга (сонлар билан ишлаш қобилияти, гапдонлик, идрок, кенг тасаввур, яхши ривожланган хотирлаш турлари: оператив хотира, сонларни эслаб қолиш қобилияти, кўриш хотираси, эшлиш хотираси ва ҳ. к.);

2. Олдига қўйилган мақсадга эришиш йўлида қатъий иродага;

3. Малакасини муттасил ошириш, профессионал жиҳатдан ўшиш эҳтиёжига эга бўлади.

Бўлажак мутахассис ЎМКҲТ бўйича ДТС билан тартибга солинадиган ахборотлар ҳажмини билиши ва уни эгаллашга ҳаракат қилиши зарур. Иш берувчиларнинг касбий талаблари йигиндинини таҳлил қиларканмиз, биз Битирувчи моделида таълим жараёнининг натижаси сифат эмас, тайёргарлик ва ривожланиш даражаси акс этиши керак, деган хulosага келдик. Модомики, натижага эришишда мотивлаштириш даражаси мувофиқлаштирувчи рол ўйнار экан, биз блокка шахснинг ривожланиш ва шаклланиш даражаси мотивациясини киритдик.

КҲК битирувчисининг сифатларини модельлаштириш жараёни — бу Моделнинг барча блокларини назорат қилиш, таҳлил қилиш ва тўғрилашнинг тўхтовсиз жараёнидир.

Асосий муаммони ҳал қилиш: КҲҚда ЎМКҲТ сифатини назорат қилиш тизимини ишлаб чиқиц ишимизнинг кейинги босқичи бўлди. Ҳозирги пайтда КҲҚда назоратнинг мазмуни анъанавий равишда жорий, оралиқ ва якуний назорат турларини олиб боришда ифодаланаяпти. ЎМКҲТ бўйича ДТС жорий қилиниши билан бизни ЎМКҲТнинг самарадорлик механизми қизиқтириди. Бунинг учун ўқитишнинг турли босқичларидағи натижаларни солиштириш лозим эди, аммо таққослайдиган нарсанинг ўзи топилмади. Оралиқ натижалар йўқ эди. Шунинг учун сифат тизимиға жорий назорат киритилди. Кейинчалик, 2001 йилда битирувчилар картотекасининг таҳлили шуни кўрсатдики, КҲҚни битиргандан сўнг дастлабки ярим йил мобайнида битирувчиларнинг 38 % иш жойини ўзгартиришар экан. Вазиятни таҳлил қилиш ва бунинг сабабларини аниқлаш учун биз ЎМКҲТ сифатини назорат қилиш тизимиға битирувчиларнинг корхонадаги фаолиятининг биринчи йили мобайнида уларнинг иш жойига мослашиши устидан назоратни киритдик.

КҲҚда ўргатиладиган касблар бозорбоп касб ва мутахассислик ҳисобланади, шунинг учун кейинги йилларда уларга бўлган талаб кескин ошди, бу эса КҲҚда ўқишни хоҳловчи абитуриентлар сонининг ошишига олиб келди. КҲҚнинг ихтисослик дастурлари бўйича ишлаш тажрибаси таълим сифати биринчи курс талабаларининг умумтаълим фанлари бўйича билим ва малакаларининг шаклланганлик даражасига боғлиқдигини кўрсатди. Шундай қилиб, якуний назорат натижалари, сифат назорати тизимиға дастлабки назоратни киритиш керак, деган холосага келишимизга олиб келди.

Шу тариқа КҲҚдаги ЎМКҲТ сифатини назорат қилишнинг комплекс тизими назоратнинг бешта турини (босқичини) ўзида жамлайди. Булар:

- киришдаги назорат (кн);
- жорий назорат (жн, семестр мобайнида);
- оралиқ назорат (он, ҳар бир таълим даври — ярим йиллик, йиллик даврнинг охирида);
- якуний назорат (яъни, ҳар бир таълим босқичининг охиридаги якуний аттестация);
- иш жойидаги мослашув (корхонада иш бошлашнинг биринчи йилида).

Назоратнинг ҳар бир босқичи йўл-йўлакай аттестацияни, бундан ҳам муҳимроғи, якуний аттестацияни истисно қилмайди. Улар параллел равишда ўтказилиб, назарий материалларни ўзлаштириш ҳамда касбий кўнікмаларни эгаллаш даражасини тартибга солиш воситаси бўлиб хизмат қиласи. Натижаларнинг объективлигини таъминлаш, таълим вақтини тежаш, назорат жараёнининг мустақиллиги нуқтаи назаридан КҲҚда устувор метод сифатида тестли назорат

тандаб олинди. Аммо таълим сифатининг ишончлилиги ва ҳақиқийлигига турли назорат методларидан оқилюна фойдаланиш орқали эришилади. Кўплаб педагогик жамоалар тестли назоратни афзал кўришди. Лекин ишончлиликнинг кетидан қувилса, талабаларнинг шахсияти иккинчи даражали бўлиб қолади: бунда шахс ижодкорлигига, ностандарт қарорларни қабул қилишига, улар учун жавобгар бўлишига, равон гапиришни ўрганишига ва ҳ.к. ларга имкон бўлмайди. Шунинг учун турли назорат методларининг муштараклиги касб таълимнинг ишончли, тақрорланувчи, тақдосланувчи ва бошқариувчи натижасига эришиш имконини беради.

Таклиф этилаётган таълим сифатини назорат қилишнинг комплекс тизимининг принципиал фарқи шундан иборатки, унинг асосини ЎМКХТнинг муҳим жиҳатлари: мотивация жараёнлари даражаси ва ўқувчилар шахсиятининг ривожланиш даражаси, умумтаълим ва касбга оид билим, малака ва кўникмаларнинг шаклланганлиги, таълимнинг барча босқичлари — биринчи курсдан бошлаб то иш жойига мослашишгача бўлган қобилият (14-иловага қаранг) ҳақида доимо ва мунтазам маълумот йиғишни ташкил этади.

**Сифатни назорат қилиш технологияларини** ишлаб чиқиш таълим сифати гоясини амалга оширишда навбатдаги қадам бўлди. Таълим сифатини назорат қилиш технологияси деганда таълим жараённининг барча босқичларида унинг устидан назоратни ташкил этиш тизимини тушунамиз. Педагогик жамоа олдига янги вазифа — КҲК битирувчи-сининг Моделда тавсифланган сифатларини баҳолашга имкон берувчи назорат воситалари мажмуини танлаш вазифаси кўйилди.

ЎМКХТ муассасаларида йиғилган тажрибани, амалиётчи педагоглар ва олимларнинг ишларини ўрганиб, КТ сифатини ўчковчи тизимни танладик ва биринчи марта унинг тизим ҳосил қилувчи барча бешта омилларидан назоратнинг комплекс тизимида, унинг ҳар бир босқичида фойдаландик (4—12 ва 15—17- иловаларга қаранг).

**Мотивацион тест (МТ).** Тўққизта савол-фикрдан иборат тест таклиф қилинди. Ҳар бир саволга тўртта вариантда тасдиқловчи жавоб илова қилинди, охирги бешинчи вариант — «бошқа сабаблар» эса респондентларнинг вақт ўтиши билан ўзгариб борувчи дунёқараши, ҳайтий қизиқишилари доиласи ва бошқа сифатларини аниқлаш имконини беради.

**Ривожланиш тести (РТ).** Биз КҲКларга бухгалтерлик касби ва «Бюджет ташкилотлари бухгалтери», «Ўрта ва кичик корхоналар бухгалтери», «Қишлоқ хўжалик корхоналари бухгалтери» мутахасислиги бўйича ўқишига кирувчилар ва ўқиётганларнинг психологик характеристикасини аниқлашга мўлжалланган «Тадқиқотнинг комплекс методикаси»дан фойдаландик. Параметрлар КҲК битирувчисининг моделига мувофиқ белгиланди. Мазкур методика учта

асосий блок: интеллект диагностикаси (хотира ва дикқатнинг ҳар хил турларини ўрганувчи типик усулларни қамраб олади), шахснинг типологик хусусиятларини аниқлаш ҳамда шахслараро муносабатлар диагностикасидан иборат.

**Умумтаълим тести (УТ).** Умумтаълим циклиниң асосий фанлари (тил, математика, физика, кимё) бўйича интеграл тест топшириқла-ридан фойдаланилади, бунда қуйидаги талабларга риоя қилинади:

- ўкувчилар ТМда таълим олиши натижасида билиши ва ажратиб олиши лозим бўлган асосий ва муҳим масалалар киритилади;
- мураккаблиги бир хил бўлган, тўрттадан кам бўлмаган вариант ишлаб чиқилади, ҳар бир вариантдаги саволлар сони ўнтадан ошмайди ва дастур материалларини ўзлаштириш даражаси бўйича бир хил бўлади;
- предмет бўйича тестнинг мазмуни таълим стандартида белгиланган ўзлаштириш даражасига қатъий мос бўлади;
- савол, топшириқ, вазифа ва тестнинг ҳар бир вариантига жавоблар эталони тайёрланадики, бу синов ўtkазаётган кишининг шахсияти, кайфияти ва малакасидан қатъий назар, ўtkазилаётган тестнинг ҳаққонийлиги ҳақида ганириш имконини беради.

**Умумий ўкув малакаси тести (УУМТ).** Респондентларга бешта матн таклиф этилади ва тестнинг ҳар бир саволига: белгиланган саволларга жавоб беринг, конспект ёзинг, матннинг асосий саволи бўйича жавоб схемасини тузинг, асосий ва иккинчи даражали фикрларни ажратинг, деган топшириқлар берилади. Бунда танланган касб бўйича мутахассисликка оиш матнлардан фойдаланилади. Тест натижалари умумий ўкув малакасига эгалик даражасини кўрсатади.

**Касбгача бўлган билим ва малака тести (КББМТ).** Респондентларга абитуриентнинг касбий йўналиши натижаси сифатида касбий йўналтирилган ўнта саволдан иборат тест топшириғи таклиф этилади. Ушбу топшириқнинг ўзига хос жиҳати шундаки, ўнта саволнинг тўрттаси ўзлаштиришнинг иккинчи даражасига мансуб тест бўлиб, абитуриентлардан танланган касб бўйича чуқурроқ билимга эга бўлишни талаб этади. Бу ерда, шунингдек, ўз фикрини тўғри ва саводли баён қилиш қобилияти ҳам баҳоланади. Ўзлаштиришнинг биринчи даражасига кирувчи олти савол ўкувчиларнинг математик ҳисоблашлар бўйича билимларни кўллай олиш малакаси даражасини аниқлашга хизмат қиласи. Тестнинг ҳар бир саволи муайян миқдордаги баллар (даражажа) билан баҳоланади. Баллар йигиндиси бўлажак талабанинг танланган касб бўйича касбий йўналганлик даражасини акс эттиради.

Беш мезоннинг барчаси назоратнинг, битирувчининг иш жойига мослашиб босқичидан ташқари барча босқичларида кўлланилди. Таҳсил мобайнида уларнинг айримлари ўзгарди.

**КҲҚда ЎМКҲТ сифати ўлчовининг ўзгариши**

Тестлар	Кириш	Жорий	Оралиқ	Якуний	Мослашув
Мотивацион тест (МТ)	Ёпиқ турдаги	Ёпиқ турдаги	Очиқ турдаги	Очиқ турдаги	Очиқ турдаги
Умумтаълим тести (УТ)	+	+	+	+	
Касбий тест (КТ)	ДО	КБ	КБМ	КЗУН	—

КҲҚда ўқитишнинг бутун муддати мобайнида назоратнинг ҳар хил тур, шакл ва методларини қўшиб олиб бориш, ҳар бир даврнинг якунидаги эҳтимол тутилган натижалар КҲҚда назорат тизимини кўллаш схемасини акс эттиради.

Кўринадики, диагностика қилиниши лозим бўлган таълим даврига боғлиқ, равишда тестнинг ҳар хил турлари кўлланади. Яъни, умумтаълим тести баъзан кириш, айрим ҳолларда эса оралиқ, жорий ёки якуний тест хусусиятига эга бўлади. Схемада таълимнинг ҳар бир даврининг тугалланганилиги: малака (разряд), гувоҳнома ёки диплом олинганилиги кўриниб турибди. Назорат туридан келиб чиқиб, биз танлаган тестларнинг баъзилари ўзгаради. Масалан, жорий назоратдаёқ «касбгача бўлган малака» тести «касбий малака» тести билан алмаштирилади, чунки бу пайтда биринчи курс ўкувчилари дастлабки касбий малакаларни эгаллаётган бўлади. Схемадан кўриниб турибдикни, «касбгача бўлган малака» тестидан фақат кириш тести сифатида фойдаланилади.

Умумтаълим тестлари таълим даврининг давомийлигига қараб мураккаблашиб боради ва якуний синовларда ҳар бир фан бўйича йиғирма олтига саволдан иборат тестлар кўлланади. Бунда ўзлаштирилган билим ва ҳосил қилинган кўникмани баҳолашнинг рейтинг тизими кўлланади, у бажарилган ишга кўйилган баҳонинг ҳаққонийлигини акс эттиради.

Таълим якунига қараб борган сари оралиқ назоратда «Касбий билимлар» тести «Касбий билим ва малакалар» (КБМ) тест топшириғи билан алмаштирилади, кейинчалик, якуний назоратда эса «Касбий билим, кўникма ва маҳоратлари» (КБКМ) тестидан фойдаланилади. Тестлар ушбу касб бўйича стандартларга мувофиқ равишда тузилади. Дастлабки босқичларда бу аксарият ўзлаштиришнинг биринчи (репродуктив) даражасидаги тестлардир. Ўзлаштиришнинг иккинчи ва учинчи даражаларида касбий тест топшириқлари саволларининг кўплиги билан бир-биридан фарқ қиласи, яъни малакали мутахассис (таълимнинг иккинчи босқичи) ишлаб чиқариш масалаларини ҳамда касбий тафаккурни фаоллаштирувчи учинчи, ижодий даражадаги дастур материалларини ўзлаштириш топшириқларини ҳал қилишга қодир бўлади. Саволларга иш берувчиларнинг талаб-

ларига мос келувчи миңтақавий стандарт элементлари ҳам киритилди. Бу *тизимнинг изчиллигини яққол* намоён этади.

Ривожланиш тестлари (РТ) диагностиканинг турли босқичларидан деярли ўзгаришсиз қўлланади-ки, бу касбий таълим натижаларини *таққослаш*, дунёқарашнинг ўзгариш динамикасини, шахсий сифатларнинг ривожланишини *белгилаш* имконини беради.

Мотивацион тестлар (МТ) (якуний ва мослашув босқичидаги назорат) ўзгаришга учради. Мотивациянинг якуний ва мослашув тестларининг асосий вазифаси меҳнат бозорининг ЎМКХТ сифатига бўлган талаб ва эҳтиёжларини кузатиб боришидир. Бундай тестлар ишлаб чиқариш, технологик ёки дипломодди амалиётидан сўнг ўтказилади. Тест саволларига жавоблар варианти берилмайди, бу ўқувчиларга меҳнат бозорида ўз билимларига бўлган талабни ўзлари баҳолаш имконини беради. Ўтказилган анкеталар таҳчили педагоглар жамоаси учун ЎМКХТ давлат стандартларининг миңтақавий компонентларини, маҳсус цикл дастурни тўғрилаб туриш бўйича иш материалы бўлади.

Шу тариқа КҲҚда ишлаб чиқилган ва қўлланадиган сифатни назорат қилиш тизими:

- тугалланганлик;
- изчиллик;
- қиёсийлик тамоилларига асослангандир.

КҲҚда ЎМКХТ сифатини назорат қилиш бўйича топшириқларни тузища қўйидаги дидактик талабларга риоя қилинди:

- назорат савол ва топшириқларини танлашда ЎМКХТ тизимида умумтаълим ва маҳсус цикл фанлари мазмуни ҳамда ўрнининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинди. Масалан, дастлабки умумтаълим назоратида кимё, физика, математика бўйича интеграциялашган топшириқлар қўлланади. Умумўкув малакаларининг шаклланганлик даражасини аниқлаш бўйича назорат эса, маҳсус цикл фанларига оид ўкув адабиётларидан олинган матнлар асосида ўтказилади;

- назорат топшириқларини тузиш учун эмпирик маълумотларни танлашда: назарий ва ишлаб чиқариш таълимнинг ўзаро алоқаси, бошқа фанлар билан фанлараро алоқа, танлаб олинган ўкув элементларининг муфассал характеристи, даражали ёндашиш ҳисобга олинди. Масалан, биринчи курсда, жорий назоратда асосан ўзлаштиришнинг биринчи ва иккинчи даражасидаги тест топшириқлари қўллансанса, учинчи ва тўртинчи курсларда ишлаб чиқариш топшириқлари қўлланилиади. Маҳсус цикл фанлари бўйича оралиқ назоратда (стандартни амалга ошириш сифати) ечими фанлараро характеристерга эга топшириқлардан фойдаланилади;

- оралиқ график назоратда асосий тушунчалар ҳақидаги билимлар даражаси, меҳнат операцияларини билиш, ахборот оқимида тўғри

йўналиш олиш маҳорати текширилади. Танланган ўқув элементлари курснинг олдинги ва кейинги мавзуларида кўриб чиқилади, яъни фан ички морфологик характеристига эга бўлади;

- назорат топшириқлари диққатлиликни, ижодий ва интеллектуал қобилиятларни, касбий тафаккурни ривожлантириши керак. КҲҚда, методик бирлашма иш режаси бўйича, март ойида маҳсус фанлар декадаси ўтказилади. Декада режаси тузилади, унда ҳар бир ўқитувчи касбга йўналтирилган танлов ва викториналар ўтказади. Танланган касб бўйича ҳар бир курс гурӯҳлари ўртасида касбий маҳоратни намоён этувчи конкурс декаданинг якунловчи қисми ҳисобланади. Конкурс савдо корхонаси шароитига иложи борича яқинлаштирилган ҳолда, тақлидий ўйин шаклида ўтказилади. Диққатлиликни синовчи конкурс ҳам ўтказилади, бунда 10 секунд давомида 10 та нарсани қараб чиқиб, кейин улардан ўрни алмаштирилган бештасини топиш керак бўлади. Бу биринчи курслар учун ҳақиқатан ҳам қийин вазифа, аммо юқори курслар уни осонлик билан бажаришади, бунинг устига вақт қисқартирилиб, уларга 5 секунд вақт берилади;

- назорат билимлари тизимиға муаммо характеристидаги, ишлаб чиқаришга оид топшириқ ва вазифалар ҳам қиритилади, уларни ҳал қилиш ўқувчидан назорат ва ишлаб чиқариш таълимида олган билим ва малакаларини кўллашни талаб қиласи. Ишлаб чиқаришга оид масалаларни ҳал қилиш ўқувчиларда катта қизиқиш уйготади. Чунки бу касбий тафаккурни ривожлантириб, касб сирларини муваффақиятли эгаллашга ёрдам беради. Ўқишига қизиқишни рағбатлантириш мақсадида ишлаб чиқаришга оид ҳар бир масала мутахассисликка йўналтирилиб, муаммо хусусиятини касб этади. Уларнинг ечими қоида ва алгоритмларни шунчаки кўллашни талаб қилмай, ўқувчиларни масаланинг ечимини мустақил равишда излашга ундейди, бу эса мустақиллик, масъулият ва ташаббускорликка ўргатади, ижодкорликни рағбатлантиради. Юқори курсларда бундай масалалардан якуний назоратдагина эмас, балки жорий ва оралиқ назоратларда ҳам фойдаланилади.

Ишлаб чиқаришга оид кўпгина масалаларни фақат маҳсус дарсларда ва ишлаб чиқариш таълимида олинган назарий билимлар асосида ҳал қилиб бўлмайди, бунинг учун иш тажрибаси ҳам талаб этилади. Фақат назарий билимларни текшириш мумкин бўлмагани каби, маҳсус фанларда ишлаб чиқаришни фақат сўз билан тушунтириб бўлмайди.

Шу тариқа КҲҚда кўлланиладиган ишлаб чиқаришга оид масалалар ЎМКХТ ДТСнинг педагогик талабларига мос келади.

1. Ишлаб чиқариш масалаларининг аксарияти муаммоли масала бўлиши керак, токи уларни ҳал қилиш фақат назарий билимларни гина эмас, балки ташаббускорлик, ижодкорлик, мустақилликни ҳам талаб қилиб, масала ечимининг янада рационал усусларини излаш-

га ундасин. Муаммо ва масала йўқ жойда фикрлаш ҳам бўлмайди, ҳаракат воситасида ўзлаштирилган тайёр билимларни кўллашгина бўлади, холос.

2. Ишлаб чиқаришга оид масалалар политехник характерга эга бўлиши зарур, яъни уларнинг ечими фақат касбга доир билимларнига кўллашни эмас, балки умумтаълим ва маҳсус фанлар бўйича олинган билимларни ҳам ишлатишни тақозо этади. Ишлаб чиқаришга оид масалаларнинг ечими табиат қонунлари (умумтаълим фанлари — физика, кимё)дан фойдаланишга ва маҳсус фанлар бўйича билимларга асосланади.

3. Ишлаб чиқариш масалалари ўзлаштирилаётган касбнинг ўзиға хос жиҳатларини, ҳар хил ишлаб чиқариш ва технологик вазиятларни акс эттириши; иложи борича ишлаб чиқаришга оид топшириқларга яқинлаштирилган бўлиши лозим.

Амалиётга доир ишлаб чиқариш масаласи, одатда, мураккаб масала ҳисобланади ва унинг ечими турли-туман назарий билимларни, амалий қўнималарни, муайян ҳаётий тажрибани талаб қиласди.

КҲҚда абитуриентларнинг билимлилик даражасини текширувчи методика ишлаб чиқилган. Назоратнинг бу тури КҲҚда сифатни назорат қилиш тизимига кирмаган, чунки унинг элементлари киришдаги назоратга кўшилган. ТМ битирувчилари учун кириш синовлари — кириш назорати бўлиб:

- комплекс назорат иши — умумтаълим фанлари бўйича интеграциялашган тестлар;
- умумӯкув малакаларини (асосий фикрни ажратиб кўрсата олиш, конспект ёзиш, схема ва жавоблар режасини тузиш ва ҳ.к.) текшириш тести;
- ривожланиш тести (шахснинг психологик параметрлари: хотираси, дикқати, мантикий фикрлаши, киришимлилиги ва ҳ.к. ни баҳолаш);
- мотивацион тест;
- касбгача бўлган малака тести (абитуриентнинг касбга йўналганигини ва абитуриентнинг танланган касб бўйича билимларини баҳолаш)ни ўз ичига олади.

Барча топшириқларни бажариш учун 1 соат 30 дақиқа вақт ажратилади. Ушбу муддатга қатъий риоя қилинади. Қобилияти ва билими ҳамда малака даражаси ўртacha абитуриент бу тестларни 1 соату 25 дақиқада бажара олиши тажрибада аниқланган. Вазифани бажаришга киришишдан олдин психолог, абитуриентлардаги ҳаяжон ва ўз кучига ишонмаслик омилларини ҳисобга олиб, тест топширувчи гурӯҳ билан мотивацион мулоқот ўтказади. Абитуриентлар билан бирга келган ва улар каби ҳаяжонланадаётган ота-оналар ҳам аудиторияга таклиф этилади. Мазкур диагностик мотивация, бир томон-

дан, ота-оналарни тинчлантириб, боласининг муваффақиятига ишончини мустаҳкамласа, иккинчи томондан, болалардаги ҳаяжон ва дабдурустлик омилини бартараф этиб, жиддий ишга хотиржам киришишга ёрдам беради. Даастлабки назорат тажрибаси ота-оналар ва болалар билан мотивацион муроқот ўтказилмаслиги абитуриентларнинг топшириқларни, хусусан ривожланиш тестини бажариш кўрсатичлари пасайиб кетишига олиб келишини кўрсатади.

Интеграл умумтаълим тестлари рус тили, математика, физика, кимёдан топшириқларни ўз ичига олади. Топшириқлар абитуриентларнинг билим ва малакаларига қўйиладиган мажбурий талабларни ҳисобга олиб тузилган ва уларни таянч даражада аниқлаш имконини беради. Топшириқлар куч етадиган даражада қийин, яъни уларни бажаришга деярли барча абитуриентларнинг, жумладан, заиф ўзлаштирувчиларнинг ҳам қурби етади.

**Математика бўйича саволлар** куйидаги ўкув элементлари: ясси фигуранарнинг периметри ҳақиқидаги тушунчалардан фойдалана олиш; фоиз, квадрат тенглама, чизиқли тенгсизликлар ҳамда тенгламалар тизимиға оид масалаларни ҳал қилиш; бурчакларнинг градус кўрсатичларини радиалига ўтказа олиш; турли кўрсаткичли даражада хусусиятларини, қисқартма кўпайтириш формулаларини қўллай олишни текширувчи топшириқларни ўз ичига олади.

**Физика бўйича саволлар** турли иссиқлик жараёнларидаги ҳарорат миқдорини; ўтказгичнинг қаршилигини, ток кучини, кучланишни ҳисоблаш; ўтказгичнинг тўлиқ қаршилиги шароитида ток кучининг кучланишга боғлиқлиги графигини ўқий олиш; ўтказгичдан электр токи ўтаётгандан ажralиб чиқадиган иссиқлик миқдорини ҳисоблаш; Ньютоннинг иккинчи қонуни ва бошқа физик қонунларни қўллай олиш каби билим ва малака элементларини ўзлаштириш даражасини текширади.

**Кимё бўйича топшириқлар** кимёвий бирикма ва реакцияларнинг турлари ҳақиқидаги билимларнинг ўзлаштирилишини, элементларнинг масса улушкини ҳисоблай олишни, турли синфга оид кимёвий бирикмалар ўртасидаги генетик боғланиш ҳақиқидаги тушунчалар ва ҳ.к. ларни текширади.

**Тил бўйича саволлар** сўзларни тўғри ёзишга оид турли қоидаларни қўллай олиш малакасини, сўзларни таркиби бўйича таҳлил қила олишни, сўзларни морфологик таҳлил қила олиш ва гапларни синтактик таҳлил қила олишни текширувчи топшириқларни ўз ичига олади.

Умумўкув малакаси тести баҳолари абитуриентларнинг малакалари жуда паст даражада эканлигини кўрсатди. Фактлар, воқеа ва ҳодисаларни таҳлил қилиш ва баҳолаш; реферат режасини тузиш; схема ва расмларни жойлаштириш сингари малакалар эса умуман

мавжуд эмас. Шунинг учун педагоглар жамоаси икки йил мобайнида хизмат кўрсатиш соҳаси касблари бўйича умумўқув кўникмаларини шакллантиришга қаратилган «Ўқишни ўрган» номли дастурни мослаштириш ва жорий этиш устида ишлади.

**Биринчи босқич** – педагогик жамоага ўқувчилардаги умумўқув малакаларини ривожлантириш технологияларини ургатиш. Тайёргарликнинг бундай курси йигирма соатдан иборат бўлади. Дастрлабки тўрт соат – дастурнинг методик асослари ва мақсади, охирги тўрт соат эса – ушбу методикани мазкур фанни ўқитиш дастурига жорий этиш бўйича семинар. Педагоглар илк машгулотларни ўтказиши шаклларини муҳокама қилдилар, умумўқув малакаларини баҳолашга бўлган ягона талабларни ишлаб чиқдилар, ўқувчилар учун ўқув қўлланмасини нашр этиш бўйича методик материалларни тайёрладилар.

«Ўқишни ўрган» дастури бўйича олиб борилган икки йиллик ишлар таҳлили ўкув жараёнининг самарадорлиги ошганлигини кўрсатади.

- таълим олувчи муайян машгулот вақти мобайнида илгаригидан кўпроқ ҳажмдаги ўкув материалини ўзлаштиришга улгуради;
- таълим олувчилар иш вақти бюджети кўпаймаган;
- ўқитувчи таълим олувчиларнинг дарсда олган билимларини мустаҳкамлашга кетадиган вақтни тежайди;
- таълим олувчининг иш вақти бюджети аввалги даражада қолади;
- ўкув жараёнинда ўқувчиларнинг фаоллиги ортишига имкон беради;
- ўқувчилар ўргасида ички назорат ва ўзаро назорат кўникмаларини шакллантиради;
- ўқитувчига ўз эътиборини «кучли» ва «заиф»ларга бир хил тақсимлаш имконини беради;
- ўқувчиларни мотивациялашга кўмаклашади.

Мазкур Дастр икки ўкув ҳафтасига мўлжалланган, машгулотлар биринчи кундан бошланади, қандай соҳага оидлигидан (умумтаълим ёки маҳсус) қатъий назар жадвал бўйича барча фанларда қўлланади. Бундай ўқитишининг самарадорлиги бутун ўқиш даври мобайнида албатта тақрорланиб туради, умумий ўкув ва малака кўникмалари бўйича (юқори курсларда) вақти-вақти билан тест ва назорат ишлари ўтказилади, натижалари таҳлил этилиб, методик комиссия йиғилишларида муҳокама қилинади.

КҲКдаabituriyentlar учун тайёрлов курслари ташкил этилган. Уларгаabituriyentlar ўз хоҳиши бўйича, апрелдан июлгача ўзларига қулай вақтда қатнайдилар. Бутун тайёрлов курси 80 соатга, яъни тил ва адабиёт, математика, физика, кимёдан бир ой мобайнида 20 академик соатга мўлжалланган. Тайёрлов курсларининг иш даврида

тест тоғшириқиарининг ўзлаштирилиши таҳлили такрорлашнинг бундай шакли муҳимлиги ва зарурлигини кўрсатади. КҲКда тайёрлов курсини ўтаган абитуриентлар рақобатга кўпроқ бардошлидиirlар. Абитуриентларнинг тайёргарлик даражаси ва машғулотлар самародорлигини баҳолаш учун тайёрлов курсларида дастлабки назорат (биринчи машғулотда) ва чиқиш назорати (охирги машғулотда) ўтказилади. Якуний ишнинг ижобий натижаси кириш иши ҳисобига ўтади ва кириш назоратининг элементи ҳисобланади.

Алоҳида таъкидлаш жонзки, курсларда абитуриентлар қизиқиш билан шугулланишимокда. Мазкур дастур ўқувчиларда ижодий асос ривожланишига; мустақил иш билимга эришиш, кўникмага эга бўлишнинг ягона воситаси эканлигини англашга ёрдам беради. Тажрибадан кўриннишича, курсга қатнаган биринчи курс талабаларининг ўзига ишончи кучли бўлади, уларда касбга оид билимларни олиш ва кўникмаларни эгаллашга нисбатан бошланғич мотивация пайдо бўлади.

Дастлабки назорат натижаларининг таҳлили абитуриентлар диагностикасининг рейтинг бали ҳисобланади. Масалан, 2000 йили минимал рейтинг бали 30 баллни ташкил этди.

	min	max
умумтаълим тести	6	10
ривожланиши тести	6	10
умум ўқув маълакалари тести	6	10
мотивацион тест	6	10
касбгача бўлган маълака тести	6	10
жами рейтинг бали	30	50

Дастлабки назорат таҳлили ўша йили танланган абитуриентларнинг билим даражасини тавсифлайди. Албатта, КҲКга киришда рейтинг баллари шу кўринишда қатъий ўзгармай туради деб бўлмайди.

Абитуриентлар диагностикаси маълумотлари дарҳол, хужожат топшириш ва кириш имтиҳониарида қатнашиш тадбирлари доирасида қайта ишланади, чунки ҳар доим абитуриентлар сони биринчи курс талабалари сонидан кўп бўлади. Дастлабки назорат комплекс назорат системасининг бир қисми ҳисобланмайди.

Таълимнинг ilk ҳафтасида барча биринчи курс талабалари бошланғич тестдан ўтадилар. Умумтаълим тести бўйича фақат ижобий баҳоларгина журнالга кўйилади. Тайёрлов курсларида ўқиган биринчи курс талабалари нисбатан юқори балл олишади.

Дастлабки тест натижалари ilk педагогик кенгашдаёқ мұҳомама қилинади ва мазкур ўқув йилида педагоглар жамоасининг мақсад ва вазифаларини шакллантириш учун асос вазифасини ўтайди.

#### **IV. 3.2. ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ОРҚАЛИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ АМАЛГА ОШИРИШ**

Педагогик технологиялар — устувор умумтаълим ва тарбиявий-ривожланиш мақсадлари билан бирлашган мураккаб, очиқ усул ва методикалар системаси; ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишнинг ўзаро боғланган концептуал вазифаси ва мазмуни, шакл ва методларидир, бунда ҳар бир позиция бошқаларига таъсир қилиб, натижада ўқувчининг ривожланиши учун шароитларнинг муайян муштарак-лигини ҳосил қиласди.

Қандай таълим мақсадлари устувор деб тан олинниши, уларга таълим шакллари, методлари, мазмуни ва вазифалари қай даражада мос келишига боғлиқ равишда анъанавий ёки шахсга йўналган, «ахборот» ёки «ривожланувчи», самарали ёки кам самара («сифатсиз» учровчи ва узилишлар бўлиб турувчи) педагогик технологиялар шаклланади.

Шахсни камол топтиришга йўналтирилган таълимда (ҳар бир кишининг индивидуал қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълимда) интеллектуал қобилиятларни ривожлантириш устувор мақсад сифатида белгиланади.

Бунда ўқувчининг вазифаси:

1. Замонавий фан методологиясига мос интеллектуал фаолият усулларини эгаллаш.
2. Билишнинг энг янги методлари доирасида индивидуал интеллектуал қобилиятларни ривожлантириш.

3. Фикрнинг шахсий усуллари ва интеллектуал (ижтимоийлаштириш жараёнлари билан чегараланмаган) қобилиятларни ривожлантириш ҳисобланади.

Бундай ўқитиши технологиясининг мазмуни, моҳиятига кўра ўқувчининг фикр юритиш усуллари иерархиясидан иборатdir. Ушбу усулларнинг ҳар бири мазмунан у билан генетик боғланган аввалги фикр юритиш усулига қарши чиқар экан, мураккаблашиб боради, бу эса ўқувчини тушунишнинг янада юқорироқ даражасига олиб чиқади. Бу ҳар бир ўқувчи максимал даражада эришиши мумкин бўлган ютуғи сифатида ривожланиш нормалари таълим босқичларини белгилашнинг асосига қўйилтиши кераклигини кўрсатади. Уларга нисбатан ўқувчиларни таълим олдига қўйилган вазифаларни бажаришга йўналтирувчи, уларнинг «билимлари сифати»ни баҳолаш усуллари, мезон ва кўрсаткичлари ишлаб чиққалади (В. П. Бесспалько).

Шу тариқа ўқув материалида берилган илмий билимлар ўқувчиларнинг ақлий фаолиятини ташкил этиш воситаси, педагог эса унинг ҳақиқий ташкилотчиси бўлиб қолади. Бу таълим жараённада ўқитувчи ва ўқувчи функцияларини, демакки, уларнинг ўзаро муносабати шаклларини қайта англаш зарурлигини тақозо қиласди.

Ўқувчи томонидан объектив аҳамиятга эга фаолиятнинг, жумла-дан, интеллектуал фаолиятнинг ўзлаштирилиши унинг улардаги ҳара-катининг муҳим, аммо «қўшимча» натижаси ҳисобланади. Тури таҳ-лил системаларида, ҳар хил ёндашув, нуқтаи назар ва позицияларда «ҳаракат қила олиш» кўниумасининг ўзи асосий бўлиб қолади, ўқув-чилар уларни таққослаб, ўз шахсий фикрлаш усуllibарни ва ўзлари учун янгича билиш ва фикрлаш методларини ишлаб чиқадилар. Ўқувчи ўқув материалини тушунибгина, ўзлаштирибгина қолмай, балки у билан мулокотга ҳам киришади ва ушбу жараёнда билим билан ишлаш-нинг янги усуllibарни кашф қиласди (А. Бодалев, Л. Леонтьев).

Фикр-мuloҳазаларнинг ўз-ўзидан айтилиши ёки уларнинг бош-қалардан тўғридан-тўгри ўзлаштирилиши эмас, балки умуминсоний билимлар билан мулокот интеллектуал ривожланишнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Ўқитувчи бундай вазиятда фақат билим берув-чи ёки етказувчигина эмас, балки кенг маънода ўқув жараёнининг қуидаги учта реал субъектигининг:

- ўқитувчи ва билимларга нисбатан ўқувчининг;
- ўқувчи ва предметга нисбатан ўқитувчининг;
- ўқувчи ҳамда ўқитувчининг эҳтиёж ва имкониятига нисбатан ўқув материалининг биргаликдаги фаолиятининг ташкилотчиси ҳисобланади.

Уларнинг ўзаро ҳамкорлиги натижасида субъектив ва объектив воқеликка нисбатан янгича (билим олишга хизмат қиласидиган ва амалий) муносабатларни йўлга қўйишга, шунингдек, ўқувчи учун мазкур жараённи шахсий аҳамиятга эга қилишга имкон берувчи мазмун ҳосил бўлади.

Ўқитишининг конкрет методлари тизимида ўқувчининг билишга бўлган интилишини кучайтириш ҳамда ўқув материалида берилган билимларни ўргатиш (баён қилиш)ни ташкил этиш методларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Уларнинг бари педагогик парадигма-ларга нисбатан етарли даражада нейтралдир. Дарсни ташкил этишнинг турли шакллари сингари, улар ҳам ўқитувчининг алоҳида ҳукуқи ҳисобланади ва унинг иштиёқ ҳамда қобилиятига боғлиқ бўлади.

Шахсни камол топтиришга йўналитилган таълим уни кўllaшда ўқитувчига жуда катта эркинлик ва мустақиллик беради, ўз навбатида унинг зиммасига ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланиши учун яратилган шароит самарацорлиги учун катта масъулият ҳам юклайди. Ўқитувчининг таълимнинг устувор мақсадларига эришиш йўлидаги онгли профессионал хатти-ҳаракати унинг технологияси-нинг барча компонентларининг қатъий мослиги ва ўзаро алоқадор-лигини таъминлайди.

Педагогик технология — бошқарилувчи, такрорланадиган нати-жа берувчи психологияк-педагогик қонуниятларга асосланувчи таъ-

лим жараёнини ташкил этиш тизими. Яъни, педагогик технологиялар — олдинга қўйилган дидактик мақсадларга эришиш қуроли. Технология, ўкув мақсадига яхшироқ йўл билан қандай эришиш мумкин, деган саволга жавоб беради, бунда мақсадга эришиш бошқарув билан асосланиши лозим. Бу — таълим жараёнини бошқариш мақсадига эришиш воситалари ва усуллари тизими (В. Беспалко, П. Фарберман, У. Толипов).

Юқорида касб таълими сифатининг тизим ҳосил қилувчи икки омилини кўриб чиққандик. Энди учинчи омил — **педагогик технологияларни** кўриб чиқамиз. Биринчи навбатда ЎМКХТ сифатига эришиш учун самарали бошқарувни талаб қиласидан таълим жараёнининг қисмларини аниклаб оламиз.

**1. Таълим жараёнининг сифати.** Касб-хунар коллежида ўрта маҳсус, касб-хунар таълими жараёнини назорат қилишнинг турли-туман шакллари қўлланади. Булар турли мақсадларда назарий ва ишлаб чиқариш дарсларига кириш; касб ва предметлар бўйича ўкув дастурларини комплекс таъминлаш юзасидан конкурслар ўtkазиш, бунга умумтаълим ва маҳсус фанлар бўйича декадалар ўtkазиш, касб маҳорати танловлари, методик семинарлар, малака ошириш курсларини ташкил этиш ва бошқалар киради. Замонавий дарс ўтиш учун замонавий асбоб-ускуналар, жиҳозлар, намуналар, ўқитишнинг техник воситалари бўлиши талаб этилади. Яхши ташкил қилинган касб-хунар таълими жараёни ўқитувчига дастур материалларини ўзлаштиришнинг юқори сифатига эришиш имконини беради.

Таълим жараёнининг барча қатнашчилари: маъмурият ҳам, муҳандис-педагогик ходимлар ҳам, ўкувчиларнинг ўзлари ҳам мазкурояни англаб етишлари жуда муҳим. Касб-хунар таълими сифати тушунчаси жамоа бўлиб қабул қилингандагина таълим самарадорлигининг ошишини кутиш мумкин. Таълим жараёни моделлаштирилса, барча мезонлар ё аъло даражада, ёки юқори, жуда юқори даражада бўлиши керак.

Бундай қонуниятни амалга ошириш учун барча педагоглар ва тарбиячилар бирдай интилиши керак. Бу қўйидагиларни билдиради:

■ **Таълим жараёнининг юқори интенсивлиги.** Бу ўкувчиларни зўриқтириш керак, дегани эмас. Бу худди ўша 45 дақиқалик дарсда кўпроқ топшириқларни бажариш мумкинлигини билдиради, натижада ўкувчилар билан индивидуал равишда ишлаш учун имконият ва вақт пайдо бўлади. Бунда ўкув гурухининг психологик жиҳатдан ўзига хослиги ҳисобга олиниши керак.

■ **Юқори мотивация.** Таълим мотивацияси ҳамда ўкув меҳнатига, билиш фаолиятига, предметга нисбатан қизиқиш уйғотилиши касб-хунар таълими самарадорлигининг муҳим омили ҳисобланади. Мотивацияни бошқа омиллар билан муштарак ҳолда кўриб чиқиш муҳим.

■ **Фояларнинг муштараклиги.** Таълим сифати учун фақат педагоглар эмас, ўқувчиларнинг ўзлари ҳам жавобгар эканлигини таълим жараёнининг барча иштирокчилари бирдай англаб етиши жуда муҳим. Чунки бошқа ҳар қандай тенг шароитларда ҳар доим нисбатан кучлироқ ёки кучсизроқ ўқувчилар бўлади. Сифатни назорат қилиш чукур муаммо бўлиб, таълим муассасасидаги барчага дахлдордир.

■ **Юқори даражадаги таълим.** Юқори даражадаги умумтаълим малякасига эта ўқувчи мамнуният билан осон ўқийди. Шунинг учун дарсда бошқалардан кўра кўпроқ яхшироқ иш қила олиши мумкин. Ўз навбатида, материалларни ўзлаштириш даражаси ҳам, таълимни давом эттиришга бўлган интилиш ҳам юқори бўлади. Агар сифат тоғаси ТМнинг бутун тузилмасини қамраб олса, демак таълим самарадорлигига эришиш имконияти мавжуд.

2. **Ўқув режаси ва дастурлари, ўқув адабиётининг сифати.** Таълимдаги «адабиёт ва ахборот танқислиги» муаммоси ўтмишда қолиб кетди. Янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва ўқитиш воситалари пайдо бўлмоқда. Таълим жараёнининг самарадорлиги ва интенсивлиги адабиётларнинг сифатига боғлиқdir. Бу ўқитиш жараёнининг интенсивлигига сезиларли даражада таъсир қилиб, яхши натижалар беради.

3. **Ўқувчиларнинг сифати.** Шахснинг ривожланганлик даражаси таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигига сезиларли равишда таъсир кўрсатади. Шунинг учун шахсни ривожлантириш, уни тараққиётга ва ўзини-ўзи такомилга етказиш ҳамда йўналтириш муҳандис-педагог ходимлар ва ўқувчилар жамоасининг вазифасидир. Шу жиҳатдан ТМ абитуриентларининг «таълим сифати»ни, яъни ўқишига кириш учун тайёргарлигини баҳолаш ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Ўқувчилар учун бошлангич педагогик технологияларни танлаш мана шунга боғлиқdir.

4. **Бошқарув сифати.** ТМда таълим жараёнининг сифати самарадорлиги ундаги бошқарув жараёни сифатига боғлиқ. Бунда ҳар бир педагог ўз дарси доирасида менежер вазифасини бажаради. У таълим жараёнига бошқарув ходимилик қиласи, ўқувчиларнинг хатти-харакатларини бошқариб боради, уларни тарбиялайди, назорат қиласи.

Бошқарув қўйилган масалани энг қулай йўллар билан ҳал қилишда ифодаланади, у қайтма алоқага ҳам эга, яъни у таълим жараёни доимий равишда кузатиб ва тўғрилаб бормаса, мавжуд бўломайди. Шунинг учун касб-хунар таълими сифатини бошқаришнинг педагогик технологиялари:

- мақсадни қўйиш;
- таянч билимларни долзарблаштириш;
- таълимда эришилган натижаларни назорат қилиш;
- ўзлаштиришни баҳолаш вазифаларининг ҳал этилишини ўз ичи-га олади.

Мазкур ҳаракатлар алгоритмини амалга оширишда биз мақсад ва вазифаларни белгиладик, уларни ҳал қилиш учун педагогик технологиялар назариясидан фойдаланилди.

**Биринчи босқичда диагностикалашнинг стратегик вазифалари белгиланади.** Вазифаларнинг қўйилишига боғлиқ равишда унинг барча таркибий қисмлари кўриб чиқлади. Таълим жараёнини ташкил этишнинг анъанавий усулидан қочиб, унинг ривожланувчи технологииларга ўтишга имкон берувчи таълим жараёнининг бутунлай янги модели лойиҳалаштирилмоқда (В. Бесспалько).

Таълим жараёни блок-модул асосига қурилади, бу тобора ошиб бораётган ахборот ҳажми билан инсоннинг уни ўзлаштириш имконияти ўртасидаги тафовутни бартараф этиш имконини беради. Таълим жараёни амалга оширилиши ўқувчи ва педагогларга тушадиган юкни тартибга солиш имконини берадиган қонуниятларни ҳисобга олиб режалаштирилади.

1. Назарий ва ишлаб чиқариш таълимининг ҳар ҳафтада алмашиб туриши;
2. Ҳафта мобайнида назарий циклда еттитадан ортиқ фаннинг ўқитилемаслиги;
3. Бир ҳафтада ҳар бир фан олти соатдан кўп ўтилмаслиги;
4. Дастребаки соатларда умумтаълим курси фанлари ўтилиши режалаштирилади, жисмоний тарбия дарслари охирги соатларда ўтилади;
5. Дарсдан ташқари соғломлаштириш тадбирлари шанба кунлари ўтказилади;
6. Таълим жараёни олти кунлик иш ҳафтаси бўйича режалаштирилади.

Таълим жараёнининг бундай ташкил қилиниши уни осонлаштиради, ахборотларнинг онгли равишда ўзлаштирилишига, хотира ва дикқатнинг барча турларини ривожлантиришга, билимларни ҳам стандарт, ҳам ностандарт вазиятларда ишлата олиш кўникмасини шакллантиришга имкон беради. Шундан сўнг диагностиканинг барча турлари: касбий, шахсий, умумўқув, мотивацион ташхис ишлаб чиқлади ва баҳоланади.

**Иккинчи босқичда технология воситаси:** таълим сифатини назорат қилишнинг комплекс тизими белгиланади. Ташхис узлуксиз характерга эга: кириш назоратидан иш жойига мослашиш олиб борилади. У таълимнинг барча босқичларида кўлланади: биринчи курслардан тортиб, битирувчиларгача ташхис қилинади. Натижани ҳаққоний деб ҳисоблаш учун бир қатор шартларга риоя қилиниши зарур:

- гуруҳ ўқувчиларининг камида 80 % ҳозир бўлгандагина назорат ўтказилди;

- бир кунда кўпти билан иккита предметдан машгулот ўтказилди;
- график тузилаётганда ўқув режасининг турли циклларига оид умумтаълим ва маҳсус предметлар қўшиб олиб борилди;
- назорат синовлари курс бўйича бир вақтда, яъни иккинчи курсда тўртта гурух бўлса, уларнинг ҳаммасида, биринчи дарсда ўтказилди;
- гуруҳда хотиржам иш муҳитини юзага келтириш учун беш дақиқалик мотивация (ундаш, қизиқтириш) ўтказиш зарур элемент-дир;
- вақт нуқтаи назаридан назорат ишлари ўттиз дақиқадан ошмади, қолган ўн беш дақиқа бажарилган ишни текшириш ва фикрлашиб олишга кетди;
- назорат иши қўшимча машгулот ва йирик тадбирлар йўқ кунлари ўтказилди, акс ҳолда улар диққатни бўлиб, хотирани бир жойга жам қилиш имконини бермас эди;
- гуруҳ назорат ишини мазкур предметдан ушбу гуруҳга дарс ўтмайдиган ўқитувчи бошқарув ходимилигига бажарди;
- ҳар бир иш баҳоланиб, баҳолар журналга қўйилди.

Кейинги машгулотда ўқитувчи дарсни шундай режалаштиридики, дарс бошида дастур материаларининг ўзлаштирилишини таҳдил қилди, типик хатоларни тушунтириб, ўқувчиларнинг саволларига жавоб берди. Педагогик технологиялар таълим жараёни, сифат назорати, индивидуал, гуруҳ, фронтал ўқув ва ишлаб чиқариш ишларининг биргаликда, фойдали тарзда олиб борилишининг аниқ-равшан режалаштирилишини назарда тутади. Ҳар бир машгулотга (назарий ё амалий бўлишидан қатъий назар) тайёрланар экан, ҳар бир ўқитувчи ўқув материалининг ўзлаштирилиш самарадорлигини таъминлайди, танланган касбга қизиқиши кучайтиради деб ҳисоблаган дарс бериш методини ўзи мустақил танлайди.

Дарс схемаси ўтиладиган мавзуга, дарс ўтиладиган гуруҳга, ўқитувчи ўқитишининг замонавий шакл ва методларини қай даражада ўзлаштириб олганига боғлиқ. Масалан, маҳсус фанлар бўйича дарслар кичик-кичик гуруҳларда танлов-дарс, эстафета-дарс, ишлаб чиқариш вазиятлари ечимини топиш шаклида ўтказилади. Шунингдек, семинарлар-дарслар, мунозара дарслари, муаммоли вазиятларининг ечимини топиш усуllibаридан ҳам фойдаланилди. Табиий намуналарнинг сифатини аниклаш бўйича амалий ишлар чемпионат, танлов, экскурсия шаклидаги дарслар дужжатларни расмийлаштириш бўйича амалий машгулотлар ёрқин таассурот қолдирди.

Умумтаълим фанлари ўқитувчилари ҳам анъанавий, ҳам маҳсус фанлар ўқитувчилари билан биргаликда аралаш дарслар ўтадилар.

Барча ўқитувчилар классик методлардан юз ўғирмаган ҳолда дарс беришнинг фаол методларидан фойдаланишни афзал кўрадилар. Бу

ўқувчиларнинг дарс жараёнига тезроқ киришиб кетишига, янги муҳитта мослашишига, ўз ишини оқилона ташкил этишга, ўзига ўзи танқидий назар билан қарашига, қарор қабул қилишда маъсулиятни ҳис этишига имкон беради. Бу ўқувчиларга ёқади ва улар дарсни сабрсизлик билан кутадилар. Жорий аттестация натижаларининг таҳлили бундай дарснинг якуний натижасига ўқувчиларнинг қизиқиши қанчалик кучли бўлса, ўқув материалыни ўзлаштириш коэффициенти ҳам шунчалик юқори бўлишини кўрсатади.

Ўқувчилар шахсининг умумий ривожланиш даражаси диагностикаси ўз кучига ишонмаслик, тенгдошларига нисбатан ёмонрок кўринишдан кўрқиш каби психологик ҳолатлар биринчи курс талабарининг кўнчилигига хослигини кўрсатади. Бунинг кўплаб сабабларидан бири беш балли шкала бўйича анъанавий баҳолаш тизими ҳисобланади. Ўқувчиларнинг билим ва кўнкималарини баҳолаш ва назорат қилишнинг рейтинг тизимини ишлаб чиқиш ва таълим жараёнига жорий этиш мазкур муммомни ҳал қилиш имконини берди. Анъанавий баҳолаш ва рейтинг тизимини муштарак ҳолда қўллаш таълим сифатини оширади.

Касб-хунар коллежида «Бухгалтерия ҳисоби» предмети бўйича модули ўқитиши рейтинг тизимидан фойдаланишни мисол сифатида кўриб чиқамиз. Мазкур технология интенсив таълим тамоилига асосланган бўлиб, ундан фойдаланиш дастур материалларини ўзлаштириш сифатини оширади, талабаларга нисбатан табақалаштирилган ёндашувни таъминлайди, ҳар хил натижаларнинг бир хил баҳоланишига йўл кўймайди.

Дастлаб бутун курс бир нечта модулларга ажратилади. Модул — курснинг мантиқий тугалланган қисми (мавзу, бўлим) бўлиб, назорат иши билан якунланади. Биз модул сифатида шундай мавзуларни олдикки, ҳар бир мавзу ўзаро алоқадор бўлган бир нечта мантиқий қисм ва ҳисобларни ўз ичига олади. Масалан, «Пул маблағарининг ҳисоби» модули «Касса операцияларининг ҳисоби», «Пул хужжатларининг ҳисоби» сингари ўзаро алоқадор қисмлардан ташкил топади.

Ҳар бир модул материалларини ўрганишда изчиликка риоя қилинади, иш шартлари кўрсатилган технологик карта расмийлаштирилади. Назоратнинг хилма-хил: индивидуал амалий тошшириқ (масалани ечиш, ўтказмалар, ҳисоб-китоб тузиш), график диктант (эталондан фойдаланган ҳолда), ихчам иншо, мътизуза конспекти схемасини тузиш, ишлаб чиқариш вазиятларини ҳал қилиш сингари шакллари қўлланилади. Муайян предметни ўрганиш мобайнида талабалар йиққан баллар йигиндиси предмет бўйича якуний рейтинг баҳосини ташкил этади. Технологик картада ҳисобланган баллардан ташқари, якуний рейтинг баҳосида оғзаки сўровларнинг рейтинги

ҳам акс этади. У қўйидаги тарзда ҳисобланади: дарс пайтида ўртача олти кишидан вазифа сўралади. Бир гурухдаги талабаларнинг ўртача сони — 25 нафар. Вазифани сўраш эҳтимоли  $0,24$  ни ташкил этади. Битта машғулотдаги оғзаки сўров рейтинги  $0,24$  коэффициентини бир машғулотда олиш мумкин бўлган энг юқори баллга (беш балл) кўпайтириш йўли билан аниқланади:  $0,24 \times 5 = 1,2$  балл. Иккинчи курсдаги дарслар сони — 70, учинчи курсда — 68. Шундай қилиб, иккинчи курсда оғзаки сўровнинг максимал рейтинги:  $1,2 \times 70 = 84$  балл, учинчи курсда  $1,2 \times 68 = 82$  балл. Индивидуал ижодий топшириқлар, таъкидотлар учун ўқитувчи уларнинг мураккаблигига қараб алоҳида балл қўяди. Масалан, реферат учун — уч балл, масалани расшифровка қилганини учун — олти балл. Иккинчи курсда фанни ўрганиш синов билан яқунланади. Бутун иккинчи курс мобайнида талаба йигиши мумкин бўлган максимал рейтинг — 122 балл. 110 ва ундан юқори балл тўплаганлар синовдан озод қилинади. Агар иккинчи курсда йигилган баллар сони 75 дан кам бўлса, талаба синовга қўйишмайди. Синов баҳолари қўйищаги тарзда қўйилади:

- 76 дан 100 балигача — «қониқарли» баҳо;
- 101 дан 110 баллгача — «яхши» баҳо;
- 110 ва ундан юқори баллга — «аъло» баҳо.

Учинчи курсда ўқитувчи «қатъий» рейтингни кўллади, бунда имтиҳон барча учун мажбурий бўлади. Имтиҳонга кириш учун иккинчи ва учинчи курсдаги якуний рейтинг жамланади. Максимал, яъни 90 фойиздан кўп балл тўплаган талабалар имтиҳонда билетдаги битта саволга жавоб бериш хукуқига эга бўлишади. Ҳар бир ўкув модули тугаган пайтда талабалар эришган натижалар рейтинг-варақалар тузиш йўли билан уларга мунтазам равишда маълум қилиб борилади. Ўзининг шахсий рейтинг-варақасига эга бўлар экан, талаба ўз рейтингини ошириш учун фаолиятини олдиндан режалаштириши (кўшимча индивидуал топшириқни бажариши, ахборот ва реферат тайёрлаши ва ҳ.к.) мумкин. Таълим олувчиларнинг илм олишга бўлган иштиёқини кучайтириш, муваффақиятга интилиш ва мотивацияни шакллантириш мақсадида ҳар бир талабага предмет бўйича рейтинг тизими ҳақида эслатма берилади. Унда рейтингни ошириш имконияти ва таҳсил олувчининг индивидуал фаолияти натижасини баҳолаш тамойиллари ёзилган бўлади. Эслатмада рейтингнинг сон параметрлари, унинг қуий ва юқори чегараси берилади. Бундай эслатмага эга бўлган талаба ҳар доим ўзига қанча балл кераклигини ҳисоблай олади, бу эса унинг максимал миқдордаги балларни олишга интилишига хизмат қиласи.

Иккинчи курсда «Бухгалтерия ҳисоби» мутахассислиги предметини ўрганишда рейтинг балларининг технологик картада тақсимланишининг бир кўриниши қўйида акс эттирилган.

**«Бухгалтерия ҳисоби» предметини ўрганишада баллар тақсимланишининг технологик картаси**

Мавзу номи	Назорат шакли	Баллар сони	Баҳоға мос баллар сони			
			Икки	ути	тўрт	беш
2-КУРС. Бухгалтерия ҳисоби- нишнинг назарий асослари	Индивидуал амалий топшириқлар	9	0	5	7	9
	Назорат тести	6	0	2	4	6
	Лаборатория-амалий иши	9	0	5	7	9
Назорат нуқталари бўйича баллар йигинидиси Дарсларда фаол қатнашгандиги учун Мавзу бўйича жами баллари		24 5 29				
Таҳлилий ва синтетик ҳисоб	Индивидуал амалий топшириқлар	6	0	2	4	6
	Лаборатория-амалий иши	6	0	2	4	6
Назорат нуқталари бўйича баллар йигинидиси Дарсларда фаол қатнашгандиги учун Мавзу бўйича жами баллари		12 4 16				
Мехнат сарфи ва уига ҳақ тўлаш ҳисоби	Индивидуал амалий топшириқлар	6	0	2	4	6
	График диктант	5	0	3	4	5
	ЛАТ	9	0	5	7	9
	Назорат иши	10	0	8	9	10
Назорат нуқталари бўйича баллар йигинидиси Дарсларда фаол қатнашгандиги учун Мавзу бўйича жами баллари		30 8 38				
Асосий воситалар, номоддий активлар ҳисоби	Индивидуал амалий топшириқлар	6	0	2	4	6
	Назорат тести	6	0	2	4	6
Текширув нуқталари бўйича баллар йигинидиси Дарсларда фаол қатнашгандиги учун Мавзу бўйича жами баллари		12 5 17				
Пул маблағларининг ҳисоби	1-назорат тести	5	0	3	4	5
	2-назорат тести	6	0	2	4	6
	ЛАТ	6	0	2	4	6
Текширув нуқталари бўйича баллар йигинидиси Дарсларда фаол қатнашгандиги учун Мавзу бўйича жами баллари		17 5 22				
2-курсда фан бўйича олган жами баллари (яхуний рейтинг)		122				

Тадқиқотлар натижаси рейтинг тизими самаралироқ эканлигини кўрсатмоқда:

- билим янада мустаҳкамланади ҳамда таълимнинг барча босқичларида уни кузатиш мумкин;

- таълим жараёнида ўқувчилар ўртасида мусобақа мұхити ривожланишига күмаклашади;
- ҳар бир дарсга ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам янада пухта тайёрланыши керак; айниқса ўқувчи қимматли баllарни йўқотмаслик учун астойдил тайёргарлик кўриши зарур;
- тизим демократик бўлиб, ўқувчиларга қаратилган, яъни «икки» баҳо йўқ «ёрлиқ»лар ҳам ёпиширилмайди;
- педагог ўқитиш методи тўғри танланганлигига ишонч ҳосил қилиши мумкин;
- барча иштирокчилар тенг шароитда бўлади, аммо ўқувчилар қўшимча топшириқлар орқали ўз рейтингларини оширишлари мумкин ва ҳ. к.

Рейтингнинг ютуқлари билан бирга, камчиликлари ҳам мавжуд:

1. Рейтинг бир қатор коэффициентлардан ҳисоблаб чиқлади, шунинг учун унинг тўғрилигига шубҳа туғилади, яъни коэффициентлар ўртасида яқъол кўзга ташланиб турадиган ўзаро алоқалар мавжуд эмас.
2. Бу тизимдан фақат назарий таълимда, жорий назоратдагина тўлиқ фойдаланиш мумкин. КҲК ишлаб чиқариш таълими усталарининг «ижодий лабораторияси» томонидан ишлаб чиқариш дарсларида жорий назорат учун рейтинг тизимининг айrim жиҳатлари ишлаб чиқилган. 1999—2000 ўкув йилида мазкур тизим КҲКда биринчи марта эксперимент сифатида кўлланилди.
3. Пировард натижада рейтинг барибир беш балли тизимга айлантирилиб, максимал рейтингнинг 70—80 % — «қониқарли», 80—90 % — «яхши», 90 %дан кўпроғи — «аъло» баҳоланади.

Кўп ўқитувчилар таълим жараёнида таълим сифатини баҳолашнинг рейтинг ҳамда беш балли тизимидан кўшиб фойдаландилар. Рейтинг тизимининг кўлланилиши натижасида предмет бўйича баллар кўтарилди: иккинчи курсда предмет бўйича «яхши» баҳога эга тўрт ўқувчи якунда «аъло» баҳо олди. «Қониқарли» баҳога эга икки ўқувчи эса учинчи курсда имтиённи «яхши» баҳога топширди. Тажриба кўrsatiшича, ўкув жараёнида рейтинг тизимининг кўлланиши таълим сифатини оширади.

Билим ва мақаканинг мунтазам текширилиши таълим олувчиларда ўқишга масъулият билан қараш ҳиссини тарбиялайди, ўтилган материалнинг ўзлаштирилиши тўғрисидаги ахборотнинг ишончлилигини оширади, таълим сифатини бошқариш имкониятини кенгайтиради.

Учинчи босқич — олинган натижаларни қайта ишлаш ва таҳдил қилиш. Ўқитувчилар натижаларни сифат бўйича директор ўринбосарининг бевосита бошқарув ходимилиги остида қайта ишлайдилар. Ўқитувчилар жадвал тузишади, ўкув материали ўзлаштирилишининг коэффициентини ҳисоблаб чиқишиади, ўн балли тизимни анъанавий

беш бални тизимга ўтказишши ва баҳоларни журналига қўйишади. Умумтаълим фанлари циклида муаммоли ўкув дарсларининг улуши классик дарсларга нисбати 85 %га 15 %ни ташкил этади. Бу нисбат бошқа фанларда ўқитишнинг фаол шакллари фойдасига сийжиди. 65 %га 35 % бўлган максимал нисбатга «Менежмент», «Эстетика», «Тижорат фаолиятини компьютерлаштириш», «Ижтимоий фанлар асослари» синглари предметлар ўқитувчилари эришишган. Бунда муаммоли ўқитишнинг асосий вазифаси дастур материалини ўзлаштиришдагина эмас, мустақил таҳдиди мотивациясида, қабул қилинган қарор учун масъулитда, қўшимча биљимлар олишга интилишда намоён бўлади-ки, бу танданган касб бўйича ишм олишга бўлган фаолликни рабbatлантиради.

Кейинги йилларда ўқитишни индивидуаллаштириш катта аҳамият касб этмоқда. Таълим ва тарбиянинг индивидуал ҳамда жамоа шаклларидан муштарак ҳолса оқилона фойдаланиш ўқитувчининг малакасига боғлиқ.

Олинган натижаларнинг таҳдиди методика комиссияси, педагоглар кенгashi йигилишларида муҳокама қилинади.

**Тўртинчи босқич** — ислоҳотлар мазмуни, диагностика ўтказишнинг шакл ва методларини тузатиш. Билим ва малаканинг тест ўтказиш йўли билан баҳоланиши ўкув материалиларининг ўзлаштирилиши тўғрисида ўз вақтида ахборот олиш имконини беради, бундан ўқитувчилар ўқитиш фаолиятини такомиллаштириш ва камчиликларни тузатишида фойдаланишлари мумкин. Шахснинг камолот даражасини баҳолаш ҳар бир босқичда ўқитувчига у ёки бу ўкув гурӯҳининг имкониятларига қараб иш тутишга ёрдам беради. Дарс ўтишининг қайси методи дастур материалиларининг ўзлаштирилишига кўпроқ мос келиши айнан мана шунга боғлиқдир. Ўқитувчилар ривожланиш тести натижаларидан бальзи ўкувчиларга қобилиятнiga яраша индивидуал юқ белгилаш учун фойдаланадилар.

Ўтказилган тадқиқотлар анъанавий методларни тўлдирувчи тест тоғшириқларини қўйлаш мақсадга мувофиқлиги ва самарағи эканлигини кўрсатди. Тестлардан назорат тоғшириғи сифатида фойдаланилган дидактик вазиятларнинг таҳдиди:

- тестларни бажариш жараёница тақдослаш муҳим ўрин тутишини;
- тестларни қўйлашда ўкув материалининг ўзлаштирилишини, ҳар бир талабанинг умум ўкув ва касбий қобилиятлари ривожидаги муаммо ва камчиликларнинг даражасини аниқлаш имкони бўлишини;
- тест тоғшириқлари юксак ўкув потенциалига эга эканлигини;
- тестнинг мураккаблик даражаси турлича бўлган тоғшириқлардан ташкил топиши даражалар бўйича синалаётган тайёргарликни табақалаштириш имконини беришини;

■ тест натижалари ўқитувчига ўз фаолиятини мунтазам равишда тузатиб бориш, муаллимлик ишини интенсивлаштириш имконини беринини кўрсатди.

Тажрибадан таълим сифатини қайта ишлаш, таҳдил қилиш ва ўтказиш учун маъсулиятни марказлаштиришда тест назорати нисбатан энг мақбул усули ҳисобланishi маълум бўлди.

Натижалар таҳдилидан сўнг ташхислашнинг стратегик вазифаларига тузатишлар киритилади. Тузатишлардан кейин янги назорат ва текширув топшириқлари баҳоланади. Улар текширилади, қайта ишланади, таҳдил қилинади ва ҳ.к. Ўрни келганда бу циклни ҳам шарҳлаймиз. Унинг тўлиқ доираси — бир йил. Бироқ таълим сифатини назорат қилишнинг комплекс тизимини жорий қилиш технологияси биргина босқичининг мавжуд бўймаслиги ҳам бутун жамоанинг ҳаракатини йўққа чиқариши мумкин.

Тажрибадан кўринишича, таълим сифати:

- педагогларнинг касбий маҳоратига;
- ўқув-ишлаб чиқариш жараёнида педагогик технологияларга эга бўлиш даражасига;
- абитуриентларнинг касб танлаш ва психодиагностикаси натижаларига;
- таълим олувчи ва ўқитувчилар учун касб (мутахассислик) бўйича стандартларга мувофиқ равишда ишлаб чиқилган ўқув дастури ва қўлланмаларининг илмий-методик таъминланиши ва сифатига ҳар томондама боғлиқдир. Улардан биргинасининг ўзгариши ҳам бутун тизимнинг ўзгаришига олиб келади. Ўзгаришлар сифат жиҳатдан қанча ижобий бўлса, таълим муассасаси шунчалик яхши натижага эришади, битирувчининг сифати юқори бўлади.

#### IV. 3.3. ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ

Барча таълим муассасаларида баҳолаш тизими ва жараёнига тобора катта аҳамият берилмоқда. Бу бежиз эмас, негаки, баҳо ўқувчиларга, ота-оналарга, ташкилотларга, таълим тизими бошқарув ходимиятига, хукумат ва бутун жамиятга таълим натижаларини «сифат» атамасидан фойдаланган ҳолда ўзлаштириш ва самарадорлик тарзида баҳолаш имконини беради. Баҳолаш концепциясининг ўзи охирги ўн йил мобайнида сезиларли ўзгаришларга учради; у энди нафақат ўқувчилар ва улар эришган натижаларга, балки муассасаларга, ўқитувчиларга ва бутун таълим тизимига дахлдордир.

Ваколатларнинг тақсимланиши, муассасалар мустақиллигининг ошиши, бюджетнинг таълим тизимига ўз фаолияти юзасидан ҳисобот бериш бўйича қўйган таалаблари баҳолашнинг аҳамияти тобора ошишига олиб келди. Баҳолаш зарурлиги тан олинган бўлса ҳам,

уни амалга ошириш мураккаблигича қолмоқда; фақат «сон жиҳатдан» ёндашув күшинча умумий бўлиб қолаянти, айни пайтда, фақат «сифат жиҳатдан» ёндашув ҳам объектив мезонлар мавжуд эмаслигини тасдиқлайди. Шу тариқа турли тартиботларнинг уйғунлиги шароитдагина қониқарли натижаларга эришиш мумкинлиги аён бўлаяпти.

Масалан, умумий ўрта таълимнинг иккинчи босқичида ўқувчиларни баҳолаш кўпинча анъанавий, янада аниқроғи, «умумий» тинда бўлиб қолаяпти. У ютуқларни ўлчашга асосланган бўлиб, шу тариқа танлаш ва баҳолаш функциясини бажармоқда.

Бунинг устига ўқиш жараёнининг ўзига ва баҳолашга тобора кўпроқ эътибор қаратиласяпти (масалан, таълимнинг бошқа босқичларида етарли даражада кўп қўлланилмоқда). Қолаверса, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига мувофиқ, бутун ҳаракат баҳолашда фақат билимнинг ўзини эмас, балки малака кўникма ва муносабатни ҳам ҳисобга олишга йўналтирилган. Умуман олганда, баҳолашнинг яхшиланиши бир томондан, ўқитувчиларнинг баҳолаш соҳасидаги қасбий билимдонлигини мустаҳкамлаш орқали, иккинчи томондан, «мос», «ишончли» ва «бошқарилувчан» йўлни ишлаб чиқиш орқали рўёбга чиқади.

Муассаса назарда тутиладими ёки педагогми, бундан қатъий назар, баҳолаш ҳар доим фақат тор маънодаги самарадорликнинг эмас, балки сифатнинг ҳам таърифини топишни билдиради. Аммо, энг аввало, гап «Яхши мактаб қандай бўлади?» ёки «Кимни яхши педагог дейиш мумкин»лигини билиш хусусида кетмоқда.

Кейинги йилларда таълим муассасаларини бошқариш соҳасида олиб борилган тадқиқотлар шундан дарак берадики, таълим сифати, таълим жараёнининг самарадорлиги уларнинг вазифалари аниқ белгиланган, яхлит дастури бўлган, ўқувчилар кўп вақтини конкрет масалаларни ҳал қилишга бағишлийдиган, ўзаро боғланган педагогик бошқарув амалга ошириладиган, ўқитувчилар ўз малакасини мунтазам оширадиган ва ўз ўқувчиларидан кўп нарсаларни кутадиган, тартиб-интизом хукм сурган, норматив баҳолаш доимий равища амалга ошириладиган ва ниҳоят, ота-оналар ҳамда жамоатчилик билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган тақдирдагина тан олинади.

Яхши таълим муассасаси аломатлари рўйхатига: таълим-тарбия жараёнининг ташкил этилиши, маъмурий чоралар, таълим сиёсатини ишлаб чиқиш жараёни, бошқарув ходимлари таркиби (муҳити), ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, таълим жамоаси ва маҳаллий таълим бошқарув ходимлари билан алоқалар, ТМ маданияти кабиллар киритилиши мумкин.

Шу тариқа, ТМни баҳолашда ўзаро алоқадорликда кўриб чиқиладиган учта омил: ўқитувчи, таълим муассасалари, ташки ташкилотлар қатнашади.

Ҳаққоний баҳолаш объектив равишда кўнқиррали: сиёсий, иқтисодий, педагогик, техник ва ҳатто, ахлоқий муаммо бўлиб қолди.

Таълим сифатини бошқаришнинг ҳозирги назарияси ва амалийтидаги муҳим муаммо баҳолашнинг мақсад ва методикасини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Ҳозирги пайтгача баҳолаш тест ўтказиш билан бир хил деб ҳисобланар эди. Юқорида таъкидлангандек, таълим сифатини баҳолаш таълим муассасаси фаолияти йўналишларининг кенгроқ доирасини қамраб олади.

Охирги йилларда таълим муассасаларини баҳолаш доимий ташвишда бўлиб қолди. Агар ўқувчиларнинг ютуқлари асосий мезон бўлиб туолса, ҳар бир муассасани алоҳида шартларини ҳисобга олевчи бошқа кўрсаткичлар: ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари, педагогларнинг малакаси, мавжуд молиявий манбалар, ўқувчиларнинг ижтимоий муҳити, ижтимоий-иқтисодий асос ҳам ҳисобга олиниши лозим ва ҳ.к. Аниқ ўлчанадиган натижадардан ташқари, муассаса оладиган «қўшимча қиймат» тушунчаси ҳам қизиқарли мезон бўла олиши мумкин.

Умуман олганда, таълим муассасасини баҳолаш ички ўзини-ўзи баҳолаш ва ташқи баҳолашни ўз ичига олиши керак, деган фикрга кўшилиш мумкин.

Педагогларни баҳолаш ҳам ниҳоятда нозик масала ҳисобланади. Молиявий аҳвол (хизмат бўйича ҳақ тўлаш) билан боғлиқ чора сифатида у самарасиз бўлиб, кўпинча баъзан таълим муассасаси ичida кескинликни, зиддиятларни келтириб чиқаради. Ўқитишни яхшилаш ва қасбий равнаққа олиб келувчи чора сифатида у кўпроқ хайриҳоҳлик билан кўриб чиқилади. Ўқитувчилар ўз соҳасининг конкрет босқичларида ва бевосита таълим муассасасида уларнинг ихтиёрий иштирокини қамраб олевчи ҳамда ўзини-ўзи баҳолаш ва ҳамкасларни баҳолашни уйғунлаштирувчи методлар муваффақиятга олиб келувчи энг мақбул омил ҳисобланадигандек туолади. Педагогларнинг ўз баҳосига умумий муносабати «муассаса маданияти» билан тўғридан-тўғри боғлиқ эканлиги ҳам қайд этилади. Бу — иш вазияти (муҳити), иерархик нуфуз, жамоадаги шахслараро муносабатлар, ўзаро ишонч, таълим лойиҳаси ва ҳ.к.

Шу нарса тобора аниқ бўлиб бормоқдаки, таълим тизимининг таянч (ассосий) бирлиги, хусусан ўрта таълимда, синф эмас, балки таълим муассасасининг ўзи ва унинг муҳитидир. Гап турли иштирокчилар — ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ролини индивидуал («мен ва менинг ихтисосим!») тушунишдан умумий жавобгарлик ва ҳамкорликни тушунишга ўтиш тўғрисида кетмоқда. Айнан кўп профессионал «таълим жамоаси» атрофида таълим ва тайёргарлик, муассаса ичидаги биргаликдаги бошқарув амалга оширилиши керак. Шу-

нингдек, педагогик жамоа «таълим ҳамжамияти» (оиля, ҳокимият, иқтисодиёт, жамоат ташкилотлари ва ҳ.к.)ни ташкил этувчи ташқи дунё учун очиқ бўлиши лозим. Фаолият юритишнинг бундай тузилмаси ўз номига муносаб педагогик лойиҳанинг яратилишига олиб келади. Бундай ёндашув бошқача устуныликни ҳам беради: у «жамоа-нинг жамоавий ваколати» деган қизиқарли ғояни амалга киритади. Ҳар бир киши ўзининг шахсий ваколатини келтиради, лекин ундан барча ваколатларга эга бўлиш кутгилмайди.

Бундай фаолият юритиш билан боғлиқ талаблар жуда ҳам кўн: энг аввало, ҳамкорликка тааллуқли ва биз ушбу ҳисоботда келтирган барча нарсаларни ёдга олиш мумкин; бу ерда муассасадаги барча ходимларнинг бошқарувда биргаликдаги иштироки зарурлигини кўшимча қилиш лозим; шу маънода муассаса бошқарув ходимининг роли биринчи навбатдаги масала бўлиб қолади.

Тайёрлаш (таълим) масаласига келсак, унинг янги истиқболининг натижалари ҳам жуда муҳимдир. Ўзбекистонда ўқитувчиларнинг таянч тайёргарлиги соҳасиша жуда кўп ишлар амалга оширилган: талаблар даражаси оширилган, таҳсил муддати кўпайган, профессионаллашган, назария ва амалиёт яхшироқ уйғуналаштирилган, педагогик ва дидактикаликини ривожланган, илмий ишлар билан алоқа мавжуд, янги технологиялардан фойдаланилмоқда ва ҳ.к. Аммо ўзини-ўзи баҳолашга («ўзини-ўзи танқид қуловчи муаллим»), нисбий билимдонлик ва коммуникативликка, предметлараро алоқага, жамоада айирбошлаш ва ишлашга ҳали кам эътибор берилмоқда... Ваҳоланки улар ҳаётда, педагогик билимдонлик сингари, жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Таълим билан боғлиқ бўлмаган ходимларни шу жумладан, муассаса бошқарув ходимлари ёки маъмурларни тайёрлашга кўринича эътибор-сизлиқ билан қаралади. Узлуксиз таълимга келганда (гарчи, бир умр тайёрлаш ҳақида ғояга ҳамма кўшилса ҳам), у ҳам жуда кам ривожланган. Умиц боғласа бўладиган тенденциялар сифатида шуни қайд этиш лозимки, муассаса доирасида узлуксиз таълим маъкулланган, у иштирокчиларнинг реал эҳтиёжларига жавоб беради, мавжуд ваколатлардан фойдаланишга (ҳамкаслар ёрдамида тайёрлаш) ва ҳатто таълим муассасининг муҳим «бошқарув элементи» бўлишига имкон беради.

#### IV. 4. ТАЪЛИМ СИФАТИ МОНИТОРИНГИ<sup>1</sup>

Ижтимоий бошқарув назариясида мониторинг бошқарув циклидаги ғоят муҳим, нисбатан мустақил бўғинлардан бири сифатида кўриб чиқилади.

<sup>1</sup> Мазкур бўлимда ОРБ/ЮНЕСКО ТА №2947—Uzb «Таълим ислоҳотларини амалга ошириш мониторинги» лойиҳаси материаллари ва Р. Аҳлидиновнинг диссертациясидан фойдаланилган.

Амалга оширилган бошқарув, ташкилий-методик ва педагогик фаолият мониторинг доирасида аниқланади, таҳлил қилинади ва баҳоланади.

Бунда педагогик тизим фаолияти натижаларининг якуний мақсадга нечоғлик мувофиқлиги ҳақида ахборот берувчи қайтма алоқа таъминланади. Бунда асосий вазифа айнан оғиш сабаблари, йўналиши ва даражасини тўғри баҳолашдан иборат.

Бу оғишлар педагогик тизимга турли ички ва ташқи омилларнинг таъсири натижасида юзага келади. Педагогик тизимда унинг фаолият самарадорлигини пасайтирувчи сабаблар: таълим муассасасининг мақсадлари, ўқув дастурлари ва режаларидағи ўзгаришлар, таълим жараёни иштирокчиларининг мақсади билан таълим муассасаси мақсади ўргасидаги номувофиқликлар, ўқув курсларини ташкил этувчи фан тараққиётининг жуда илгарилаб кетиши, ўқитишининг янги метод ва технологияларига ўтилиши, мақсадга интилиш жараёнида педагогик ходимлар ва ўқувчилар таркибида юз берадиган жуда катта ўзгаришлар бўлиши мумкин. Шу тариқа мониторинг педагогик тизимнинг ўзидағи ички ва ташқи таъсир омилларини аниқлаш ва тартибга солиш билан боғлиқдир.

Мониторингта таълим жараёнини бошқаришнинг мустақил функцияси сифатида қараш шартли характерга эга ҳамда концептуал ва операцион муносабатларда фойдали бўлади. Реал таълим жараёнида мониторинг бошқаришнинг барча функция ва босқичлари билан чамбарчас боғлиқ бўлади, шунинг учун унинг асл моҳияти ТМдаги таълимни бошқариш жараёнининг бошқа бўғинлари билан ўзаро боғланган ҳолдагина тўлиқ кўриб чиқилиши мумкин.

Мониторингнинг бошқарувнинг бошқа функциялари билан узий алоқаси шунда намоён бўладики, бошқарувнинг ҳар бир функцияси мониторингнинг асосий жиҳати сифатида воқе бўлади, яъни мониторинг коммуникация, коррекция ва педагогик фаолиятнинг мақсадлари, ахборот прогнозлари, ҳал қилиниши, ташкил этилиши ва ижросига даҳлдордир.

Мониторингнинг, одатда, ДТСда, ўқув режаси ва дастурларида ўз аксини топадиган ва мониторингнинг бошлангич асоси ҳисобланадиган таълим мақсадлари билан алоқаси аниқ-равшан. Бошқача айтганда, мониторинг мақсад ва режаларнинг амалга оширилишини баҳолаш билан боғлиқдир. У мавжуд нарса кўзда тутилгани билан таққосланадиган ҳамма жойда ўз ўрнига эга ва мониторингнинг асосий вазифаси улар орасидаги фарқни иложи борича камайтиришдан иборат. Таълим жараёнида мониторингнинг асосий мақсадлари рўёбга чиқиши психологик-педагогик ва функционал натижаларда ўз ифодасини топади. Психологик-педагогик натижаларга билимлар, ўқув

кўникмалари, хулқ-атвор, шахснинг йўналғанлиги, унинг муносабатлари тизимидағи янгиликлар киради.

Психологик-педагогик натижаларни баҳолашнинг сифат ва миқдорий мезони муваффақиятли таълим фаолияти ва ундан кутилган натижага эришиш имконини берувчи меъёр ва эталонлар ҳисобланади. Меъёрлар мақсадлар, тизим стандартлари билан белгиланиб, ҳар қандай ўқув режаси ёки дастурининг бўлиши шарт бўлган қисми ҳисобланади.

**Меъёр (меъёрлаш)** — мониторингнинг энг зарур шартлари ва асосларидан бири, чунки фактик натижалар айнан у билан таққосланади. Таълим фаолиятида реал натижаларнинг этalon ва меъёрлар билан таққосланиши мониторингнинг компонентлари ва босқичларидан биригина ҳисобланади, ундан сўнг муфассал баҳолаш ва тўғрилаб бориш талаб этилади. Таълимда фактик натижалар билан қўйилган мақсад, стандартлар, этalon, меъёрларнинг ўзаро нисбатини аниқлаш операцияси **текшириш** деб аталади.

Баҳолаш жараёни ёки оддийтина қилиб айтганда, баҳо фактик натижага шарҳ ёки муносабатни ташкил этади. Баҳолашнинг балларда қайд этилган натижаси баҳо деб аталади.

Стандарт ва меъёрлар қанчалик аниқ берилган бўлса, яъни улар бир қатор **принципиал талабларга** қанчалик жавоб берса, мониторинг ва баҳолаш шунчалик самарали бўлади.

1. Талаблардан бири стандарт ва меъёрларнинг ўлчаш ва қўллашиб мумкинлигига таалуқлиди. Улар сифат ва миқдор жиҳатдан аниқланиши ва амалиётда қўллашга яроқли бўлиши керак. Республика компоненти қисмидаги таълим мазмунининг давлат таълим стандартлари бунга мисол бўлиши мумкин.

2. Уларнинг амалга оширилиши, ТМ ва унинг таркибий қисмлари (элементлари) имкониятлари билан мослиги иккинчи талаб ҳисобланади. Мазкур талаб берилётган стандарт ва меъёрларнинг реал бажарилиши мумкинлигини ҳисобга олиш зарурлигини кўрсатади. Меъёр ва стандартлар оширилган ёки камайтирилган бўлиши мумкин. Уларнинг оширилиши жараёnda фавқулодда танглика, узилишларга, ТМ алоҳида тузилмавий бўйинларининг умумий келишилган ишдан ташқарида қолишига олиб келади. Меъёр ва стандартларнинг оширилиши, психологик жиҳатдан, таълим жараёни иштирокчилариша безовтагалик, ўз кучига ишонмаслик, ишдан қочишига интилишни келтириб чиқаради ва ҳ.к. Стандарт ва меъёрларнинг камайтирилиши эса таълим жараёни иштирокчиларининг фаолигини йўққа чиқаради, бегамлик, ўзига бино қўйиш, бекорчиликка олиб келади. Ҳар икки ҳолатда ҳам стандартлар ва меъёрларни белгилашдаги бирёқламалик ТМ фаолияти умумий самарадорлигини бутунлай, таълим жараёни қатнашчилари фаолиятининг самарадорлигини эса, қисман пасайтиради.

3. Нормативларни яратишда уларни бажариш учун зарур бўладиган конкрет шароитларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Та什қи шароитдаги ҳар қандай жийдий ўзгариш меъёрларнинг мажбурий ўзгаришига олиб келади. Шу нуқтаи назардан, мониторинг — стандарт ва меъёрлардан четга оғишни аниқлаш жараёнигина эмас, уларни қайта кўриб чиқиш учун асос ҳамдир. Яъни мониторинг — мақсад сари йўналтирилган ҳаракатни кузатиб бориш асосигина эмас, балки мақсадни ва унга етиш йўлларини тўғрилаб бориш механизми ҳамдир.

4. Бошқарувда бутунлай ва педагогикада қисман кўплаб хатолар мониторингга ТМ томонидан белгиланган мақсад, режа ва меъёрлардаги хатоларни аниқлаш йўли сифатида эмас, балки фақат оғишларни камайтириш воситаси сифатида қаралишидан келиб чиқади.

5. Стандарт ва нормативларга риоя қилиниши мониторинг аппаратининг, яъни оғишларни аниқлаш ва уларга тегишли баҳо бериш учун жавобгар бўлган алоҳида шахс ёки жамоа органи мавжуд бўлишини тақозо этади. Мониторинг амалда ТМнинг барча тузилмавий босқичларида амалга оширилади. Ўқув нормативларига риоя қилинишини баҳолаш масъулияти биринчи навбатда ўқитувчилар зиммасига тушади, бунда бериладиган баҳонинг объективлиги муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчиларнинг ютуқ ва натижаларини баҳолашга субъектив муносабатнинг таъсирини камайтириш учун педагоглар ўзининг ҳам ўқитувчи, ҳам тарбиячи сифатидаги турли хатоларини тузатишининг усул ва механизмлари жорий қилиниши керак.

6. Нормативлар тўпланган тажриба асосига қурилиши ҳамда ТМнинг айни пайтдаги аҳволи таҳлилидан келиб чиқиши керак. ТМнинг фактик натижаларини шарҳлашда меъёрлар асос ва қалит вазифасини ўтайди. Меъёрлар уларни бажариш бўйича аввалги яхши шароит, шунингдек, хунук оқибатларга олиб келган аввалги хатолар ҳақидаги маълумотлардан келиб чиқиб белгиланади ёки қайта кўриб чиқилади. Бундай маълумотларнинг мавжуд бўлиши мониторинг жараёнида ушбу ҳолатлардан бирортасига мойилликни аниқлаш ва шунга мос ҳаракатлар тизимини ишлаб чиқиш имконини беради. ТМнинг аввалги аҳволи асосига қурилган прогноз ёки кутилаётган натижа норматив функцияни бажаради ва мониторинг элементи бўлиб қолади.

7. Ҳар хил норматив талабларнинг аҳамиятини бўрттириб кўрсатиш ва абсолютлаштиришдан қочиш талаб этилади. Меъёрлар инсон хулқининг кўлами ва алгоритмини белгилаб берса ҳам, айни пайтда хатти-ҳаракатини чеклаб, маълум бир тартибга солиб қўйиб, стереотип ва бир хилликка олиб келади. Таълим соҳасида ижодий элементларни истисно этадиган, бундай қатъий тартибга солиш ўқитувчилар учун ҳам, ўқувчилар учун ҳам ножоиздир. Бундан таш-

қари, нормативларнинг аҳамияти бўрттирилган тақдирда, якуний на-  
тижаларни кўп омилли баҳолашда диққатнинг умумий натижанинг  
ўлчаниши қийин бўлган кўрсаткичларидан осон ўлчаш мумкин бўлган  
кўрсаткичларига кўчиши юз бериши мумкин. Шундай қилиб, жи-  
ҳозларнинг сақданишига ҳаддан ташқари қатъий риоя этиш улардан  
таълим жараёнида имкон қадар тўлиқ фойдаланишга бўлган талаб-  
ларнинг пасайишига олиб келиши мумкин, бу эса, таълимнинг асо-  
сий мақсадларига зиддир.

Таълим муассасасидаги мониторингнинг типик схемаси	
Исталған вазият	Амалга оширилган вазият
Таълим стандартлари	Тахмин қилинган ўқув дастури
ТМ таълим дастури, ўқув дастурларининг мазмуни	Бажарниш мумкин бўлган ўқув дастури
Битиувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйинладиган талаблар, энг муҳим билимлар	Бажарилган ўқув дастури, ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган билимлар

Мониторинг босқичи бошқарувнинг ахборот босқичи билан ўхшашdir. Ҳар икки ҳолатда ҳам гап ахборот жараёнлари ҳақида кетмоқда. Юқорида таъкидлаганимиздек, мониторингнинг фарқли жиҳати кутилган, тахмин қилинган натижалар билан ҳақиқий натижа ўртасидаги мувофиқлик, шунингдек, мазкур мувофиқликка бе-  
рилган баҳо ҳақидаги ахборотнинг мавжудлиги ҳисобланади. Қайтма ахборот — мониторингнинг, бинобарин, ТМни бошқаришнинг яна бир зарурий элементидир. У натижага бўлган муносабат ўзгаришига ҳамда жорий, оралиқ ва якуний мақсадга эришиш йўллари қайта кўриб чиқилишига асос бўлади.

ТМда мониторинг самарадорлигини таъминлашда қайтма ахборот қондириши лозим бўлган бир қатор талаблар муҳим аҳамиятга эга. Булар мониторингнинг ҳар бир босқичи учун тўлиқлик, релевантлик, узлуксизлик, объективлик, монандлик, аниқлик, ўз вақтидалик, фойдаланиш мумкинлиги, таркиблаштирилганлик ва ўзига хосликдир. Санаб ўтилган барча талабларга, одатда, мониторингнинг асосий хусусиятлари сифатида қаралади. Мониторингнинг ҳар хил ташкилий шаклларини ҳам улар белгилашади. Бошқарув, педагогика, психология бўйича илмий адабиётларда турли асосларга кўра ажратиладиган мониторингнинг кўплаб кўринишлари кўрсатилади.

ТМга татбиқсан мониторингнинг:

- таълим мақсадининг (стратегик, тактик, оператив) кўлами;
- ўқитиш босқичлари (кириш ёки саралаш, ўқув ёки оралиқ, чиқиши ёки якуний);
- вақтга боғлиқлиги (ретроспектив, огоҳлантирувчи ёки илдамловчи, жорий);

- тартиботнинг частотаси (бир мартали, даврий, мунтазам);
- кузатиш объектини қамраб олиши (локал, таңланган, яхлит);
- ташкилий шакллари (индивидаул, гурухий, фронтал);
- объект-субъект муносабатлари шакллари (ташқи ёки ижтимоий, ўзаро назорат, ўзини-ўзи таҳлил қилиш);
- фойдаланиладиган асбоблар (стандартлаштирилган, ностанцарт, матрицали) бўйича фарқданасиган **турларини** кўрсатиш мумкин.

Мониторинг бошқарувнинг реал омилига айланиши учун ўзида муайян фаолият тизимини акс эттирган ҳолда ташкил қилиниши керак. Мониторингнинг ташкил этилиши конкрет ўқув-педагогик вазиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, мониторингнинг хилма-хил шакл, тур ва воситаларининг уйғунлигини аниқлаш ва танлаш билан боғлиқ. Шу тариқа, мониторинг қандайдир иш ёки ҳаракат усулларини сақлаб қолиш ёки қайта кўриб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун асос ҳисобланар экан, ўзи қарор қабул қилиш соҳаси бўлиб қолади.

**Мониторингнинг психологик-педагогик хусусиятларига** батағсилроқ тўхтадамиз. Бу масалада кенг маънодаги педагогик баҳолаш етакчи ўрин тутади. Охириги йилларда олимларнинг ушбу муаммога эътибори асоссиз равишда камайиб бормоқда. Кўпинча ҳатто ТМда педагогик баҳолаш зарурлигига шубҳа билан қаралаяпти.

Бундай ҳато нуқтаи назарнинг сабаби, биринчидан, ижтимоий баҳолашда, — педагогик баҳолаш унинг шаклларидан бири ҳисобланади, — ҳар қандай инсоннинг реал эҳтиёжларини ноқонуний равишда эътиборга олмаслик, иккинчидан эса, ўқувчиларнинг шахсий ривожланишининг муҳим омили ва уларнинг ўқув фаолиятини бошқариш воситаси бўлган педагогик баҳолаш ва назоратнинг аҳамиятини пасайтиришdir.

Педагогик баҳолаш иккита ғоят муҳим функцияни — нисбатни аниқлаш ва мотивацияни бажаради. Педагогик баҳолаш ўзининг биринчи функциясида у ёки бу ўқувчи ўзининг ўқув фаолиятида эришиши лозим бўлган муайян натижалар ва ютуқлар даражасининг индикатори сифатида намоён бўлади.

Педагогик баҳолашнинг мотивацион функцияси — ўқувчи шахсиятига кўрсатиладиган ундовчи таъсир билан боғлиқ бўлиб, боланинг ўзини-ўзи баҳолашида, унинг интилишларида, хулқида, ўқув иши усусларида, таълим жараёнининг барча иштирокчилари ўргасидаги муносабатлар тизимида сезиларли силжишлар бўлишига олиб келади. Бу силжишлар таъсирида психик ривожланиш суръати тезлашади ёки секинлашади, ўқувчининг интеллекти тузилишида, шахсиятида ва билиш фаолиятида сифат ўзгаришлари юз беради. Шунинг учун педагогик баҳолашга психологик-педагогик муносабатда мотивацион функция жуда муҳимдир.

Педагог ўзининг баҳолаш фаолиятини боланинг ижтимоий-психологик ривожланиши манфаатлари нуқтаи назаридан амалга ошириши фоят муҳимдир. Бунинг учун бу фаолият шунга монанд, адолатли ва объектив бўлиши керак.

Бир қатор типик субъектив қараш ва хатолар кенг тарқалган. Баҳолашдаги кўп учрайдиган субъектив хатоларга олий ҳимматлилик, нохолислик, марказга мойиллик, кескинлик, яқинлик билан боғлиқ хатолар, шунингдек, мантиқий хатолар киради.

«Олий ҳимматлилик» ёки «кўнгилчанлик» ўқитувчининг ошириб баҳо қўйишида намоён бўлади. Ўқувчиларни баҳолашдаги «олий ҳимматлилик»нинг ўтакетган шакли «фоизпарастлик» саналади.

«Марказга мойиллик» ўқитувчининг жуда юқори ёки жуда паст баҳоларни қўйишдан қочишида, масалан, «икки» ёки «беш» баҳо қўймаслигида намоён бўлади.

«Нохолислик» ўқитувчининг ўзи ижобий муносабатда бўлган ўқувчиларга яхши баҳо қўйишида ва тегишли равишда, ўзининг шахсий муносабати салбий бўлган ўқувчиларга ёмон баҳо қўйишида ифодаланади.

Субъектларнинг «кескинлиги» натижасида, ўқувчиларнинг билими, шахсияти ва хулқи худди шу жиҳатлар ўқитувчининг ўзида қай даражада эканлигига боғлиқ равишда юқори ёки паст баҳоланади. Мисол учун, пала-партиш, тартибсиз ишлайдиган ўқитувчи уюшқоқ, тартибли, ишchan ўқувчиларга юқори баҳо қўяди.

«Яқинлик» шундай ифодаланадики, ўқитувчи «икки» баҳодан сўнг бирдан «беш» баҳо қўйишга қийналади, «аълочи» ўқувчи қониқарсиз жавоб берса, юқорироқ баҳо қўйишга мойил бўлади.

«Мантиқий» хатолар ўқувчининг психологик хусусиятлари ва характеристикасига ўхшаш баҳо қўйища ифодаланади, ўқитувчига билим ва характеристика мантиқий боғлангандек туюлади. Педагогик амалиётда бундай хатолар ўқувчининг хулқига бериладиган баҳони предмети, ўқув курси учун қўйища ўз аксини топади. Предмет бўйича беришган бир хил жавоб учун тартиббузар ўқувчи билан хулқи намунали бўлган ўқувчига ҳар хил баҳо қўйиш ҳоллари амалиётда кўп учрайди.

Ўқувчиларни баҳолашнинг санаб ўтилган субъектив тенденциялари ижтимоий психологида кўпинча хато деб аталади. Мазкур талқин хато анъаналар ўқитувчилар томонидан онгсиз равишда содир этилган ҳолатлардагина тўғри ҳисобланади, деб ўйлаймиз.

Онгли равишда, атайлаб қўйилган хато баҳоларни бошқача тарзда кўриб чиқиш зарур. Атайлаб ошириб ёки пасайтириб қўйилган ҳар бир баҳодан муайян педагогик, психологик ёки ижтимоий мақсад кўзланади. Қолоқ ўқувчига оралиқ баҳонинг ошириб қўйилиши унинг ўқишига бўлган иштиёқини кўллаб-куватлаш, мазкур предметга бўлган эътиборини ошириш омили бўлиши мумкин.

Олтин медал учун ошириб қўйилган «беш» баҳо жамиятни атай-лаб алдашдан бошқа нарса эмас. Баҳонинг мутлақ объективлиги ҳар доим ҳам, энг аввало, ўқувчиларни тарбиялаш ва ўқитишга индивидуал ёндашувни таъминлаш нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ эмас. Ўқитувчиларнинг ўрнига ўқувчининг ўқишини, ақлий қобилияти ва психологик ривожланишини ҳар томонлама ва объектив баҳолашга даъво қилувчи тестлардан фойдаланишга ўтмишда бўлган ва ўзини оқламаган уринишиар бунинг тасдиғи бўла олади.

Ўқувчилар ривожланишининг психологик жараёнларини бошқаришда педагог баҳоси ҳамон етакчи рол ўйнамоқда, негаки унга хос субъективлик психологик жиҳатдан оқданган ва индивидуал йўналтирилгандир. Бироқ, юқорида таъкидланган субъектив баҳолаш анъаналарини тузатиш воситаси бўлган психологик ва дидактич тестларнинг қўлланиши ҳам истисно қилингани йўқ.

Баҳонинг бўлмаслиги ёки жуда кам миқдорда бўлиши, бир томондан, шахснинг ўзгаришига ҳамда ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги муносабатларнинг бузилишига олиб келади. Бошқа томондан эса, баҳонинг ҳаддан зиёд кўп бўлиши ва узлуксиз ташқи назорат мустақиллик, ташаббускорлик, масъулият ҳамда ўзини-ӯзи назорат қилишнинг ривожланишини тұхтатади, ўзлигини намоён қилиш ва ҳурфикарлилик өхтиёжининг чекланиши ҳамда қаттиққўллик қоник-маслик ҳиссини келтириб чиқаради.

Мониторинг муаммоси, айниқса, «ўқувчи — ўқитувчи» тизими учун жуда долзарбдир. «Ўқувчи — ўқитувчи» тизимидағи мониторинг деганда, биз ўқувчининг билимсизликдан билим томон юришини кузатиш (зарур бўлган ҳолларда эса — тузатиш) имконини берувчи узлуксиз назорат ҳаракатлари мажмусини тушунамиз.

Таълим мақсадлари билан боғлиқ ҳолда тушунтириб бериш яна-да самаралироқдир. Таълимга технологик ёндашув ўкув жараённанда юқори натижаларга эришилишини таъминлайди. Мазкур ёндашув берилган бошлангич механизмлар: ижтимоий буюртма, таълим йўналиши, таълим мақсади ва мазмунини ҳисобга олган ҳолда ўкув жараёнини режалаштиришга асосланади. Режалаштирилган ўкув жараёни қўйилган мақсадларга эришилишини кафолатлаши керак. Ўкув жараёни мониторинги назарда тутган тезкор қайтма алоқа, ўз навбатида, таълим мақсадига эришишдир.

Шунга мувофиқ равишда таълимга технологик ёндашувда:

- мақсадларнинг қўйилиши ва уларнинг максимал даражада аниқлаштирилиши, таълим мақсадларининг натижага эришиш йўлларини кўзлаб таърифланиши (ўқитувчи меҳнатининг ушбу босқичига биринчи навбатда аҳамият берилади);
- ўкув материаллари тайёрлаш ва бутун таълим жараёнини ўкув мақсадларига мувофиқ ҳолда ташкил этиш;

■ жорий натижаларни баҳолаш, қўйилган мақсадга эришиш йўлида таълимни тўғрилаб бориш;

■ натижаларни якуний баҳолаш ажратиб кўрсатилади.

Ўқув жараёнининг специфик жиҳатлари ҳали бундай умумий тарзда қараб чиқилемаяпти: мақсац ва мазмун ҳар доим жуда умумий тарзда ажратиб кўрсатилади; таълим жараёни бўйсунадиган ўқув мақсаци ҳам шундай қўйилади; ўқитиш натижалари ҳар доим баҳоланади.

Аммо, ҳатто шу ерда ҳам айнан технологик ёндашувга тегишли ўзига хос жиҳатни, унинг аввалдан белгиланган мақсад сари йўналганилиги ва шу асосда ўқув жараёнидаги хатоларни тузатиш, тезкор қайтма алоқани кузатиш мумкин.

Аниқ белгиланган мақсад сари изчијл интилиш таълим жараёнининг технологик қурилишини тушунишнинг қалити ҳисобланади. Шунинг учун энг аввал ўқитишнинг педагогик технологиялари учун асосий масала бўлмиш мақсадни қўйиш ва ўқитишни шу мақсадга йўналтиришга тўхталиб ўтамиш.

Таълимга технологик ёндашув тарафдорлари анъанавий ўқув жараёнини кескин танқид қилишди. Танқид предмети мақсадлар, аниқроғи, улардаги мужмалик ва ноаниқликлар бўлди.

Аслида ўқитувчи, унинг сиймосида эса таълим муассасаси қандай натижаларга эришишни истайди? Бир қараганда, бунинг жавоби жуда оддий кўринади. Ўқитувчи курснинг у ёки бу бўлимини ўрганар экан, ўқувчилар унинг мазмунини тушуниб ўзлаштиришига, муайян билим олиб, уни қўллашни ўрганишига эришишни мақсад қилиб қўяди. Лекин «тушуниш», «ўзлаштириш», «билиш» нима дегани? Қўйган мақсадига эришганми ёки йўқлиги ҳақида ўқитувчи фикр юритади? Мақсадга эришилган ёки эришилмаганлигини тасдиқловчи ишончли восита мавжуд бўлган тақдирдагина ўқитувчи ўз усуслари тўғрилигига, ўз меҳнати самарадорлигига ишониши мумкин, акс ҳолда у ўзининг ишида айрим хатолар мавжудлиги тўғрисида ишончли маълумотга эга бўлади. Технологик таълим тарафдорлари анъанавий мактабни танқид қилишар экан, айнан мана шу аниқ мақсадга йўналганлик идеалини назарда тутишган эди (Skinner, Mager).

Аммо ҳеч бир танқид реал ҳақиқатни, яъни ТМ, у билан бирга ўқитувчи жамиятдан ижтимоий буюртмани буткул умумий кўринишда олишини ўзгартиришга қодир эмас. Ҳатто ўқув дастурларида баён қилинган мақсадлар ҳам бир маънода тушуниб бўлмайдиган таърифлар билан ифодаланади. Бунинг тасдиғи сифатида мақсадни аниқлаштиришнинг ўзига хос зинапоясини қўйдагича тузиш мумкин: жамиятнинг умумий талабларидан — таълим тизимининг вазифаларига, улардан — мазкур ўқув муассасаси вазифаларига, сўнг — ўқув дастурлари мажмуининг умумий мақсадларига, кейин — конкрет

рет курснинг мақсадларига. Таълимни бошқариш тизими марказлаштиришмаган бир қатор мамлакатларда, хусусан Буюк Британия, АҚШ, Германияда ТМ ўзининг ўқув режасини, ўқитувчи эса ўзи дарс берадиган ўқув курсининг тузилиши ва мазмунини ўзи белгилаш хукуқига эга. Шунда ТМда ўқув режасининг мослашувчанлиги ва ўқитувчининг эркинлиги тобора ошиб бормоқда.

*Мақсадни умумий белгилашнинг технологик, тартибий томонини*, ундан сўнг уларни ўқув эпизодлари даражасигача аниқлаш, тушунтириш, деталлаштиришни кўриб чиқамиз.

Биринчи, нисбатан «юқорироқ», яъни таълим жараёнидан йироқ даражаларда мақсадлар жамият талабларининг умумий қоидалари таълим тизими вазифалари (умумлашганлик, таърифлар хусусиятига кўра уларга, одатда, ТМ томонидан манифест сифатида эълон қилингандай вазифалар ҳам қўшиллади) каби бўлади. Булар етарли даражада умумий, муайян даражада конкретлаштириш мумкин бўлган мақсадлардир. Педагогик технологияларда конкретлаштириш учун бошлангич жиҳат таълимнинг ўқувчига таъсири ҳисобланади; мазкур таъсирнинг йўналғанлиги ва натижалари тавсифи конкретлаштиришнинг асосий йўлини ташкил этади. Конкретлаштиришнинг биринчи поғонаси умумий мақсадлар кўрсатмасига таалуқли бўлади, ўқувчига жамият, таълим муассасаси ва таълим жараёни томонидан бўладиган таъсир характеристерини тушунтириб беради.

Мақсад ва вазифаларни аниқ таърифлашда қўйидаги жиҳатларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- қай тарзда таъсир қилиш ва ўқувчилар учун қандай шароит яратиш керак (яратилажак таълим шароитларининг тавсифи);
- ўқувчиларда қандай хусусият ва имкониятларни шакллантириш лозим (ўқувчилар хусусият ва имкониятларининг ички, процесуал параметрлари тавсифи);
- ўқувчилар таълим жараёнида қандай натижаларга эришишга кодир (таълим жараёни тавсифи)?

1998–2000 йиллар мобайнинда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ижроси юзасидан мониторинг ўтказиш жараёнида маҳсус комиссиялар томонидан Халқ таъими вазирлигига тақдим этилган ҳисобот материаллари асосида умумий таълимнинг мақсад ва вазифалари таҳдилидан мисол келтирамиз.

**1. Таълим шароитларининг тавсифи.** Тўққиз йиллик умумий ўрта таълимнинг мақсади болага жамият аъзоси сифатида эга бўлган ўз жисмоний, руҳий, ақлий салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқарадиган имконият ва шароит яратишдан иборат. Ушбу таъриф, ўз навбатида, ўқувчиларнинг қобилият ва имкониятларини ривожлантиришга таъсир кўрсатиши керак бўлган қатор шароитлар билан таъминлашни таълимнинг вазифаси қилиб қўяди.

**2. Ички, процессуал кўрсаткичлар** — қобилият ва имкониятлар тавсифи. Ҳар бир ўқувчида малака ва кўнишка билан бирга фикрлаш қобилиятини, шунингдек, мулоҳаза юритиш, билишдан завқ олиш, қизиқувчаник қобилиятини шакллантириш зарур. Келтирилган търиф ички қобилият ва имкониятларга тааллуқли. Бироқ, улар мазкур қобилиятларни (кутилаётган натижалар тавсифини) қай тарзда ўйчаш мумкинлигини ёки уларни шакллантириш учун нима қилиш зарурлигини (таълим шароитларининг тавсифини) кўрсатмайди.

**3. Таълим малакасининг тавсифи.** Оғзаки ва ёзма нутқда муайян коммуникатив малакани, уқиб ўқиши, арифметик ҳисоб-китоб ва катталикларни ўз ичига оловчи ҳисоблаш кўнишкаларини шакллантириш зарур. Уларга ўз тенгдошлари билан бирга яшаш, улардаги тафовутларга хурмат ва тушуниш билан муносабатда бўлиш, уларнинг туйгуларини тушуниш ва баҳам кўриш малакаси зарур бўлади. Уларга мустақил қарор қабул қила олиш, зарурий ҳолларда эса ташқи босимга бардош бера олиш малакаси керак.

Ушбу таърифлар, жуда умумий бўлишига қарамай таълим мувоффақиятини қай тарзда баҳолаш тўгрисида муайян тасаввурни беради, чунки уларнинг муаллифлари кутилган натижалар ҳақидаги тасаввурга мурожаат қилишади. Ушбу тасаввурлардан келиб чиқиб, ҳукумат ҳужжатлари асосида мақсадларни ишлаб чиқишида натижалар (коммуникатив малака, ҳисоб-китобга оид кўнишкалар, кечин-маларни таҳлил қилиш малакаси)ни баҳолаш параметрларини пишишиб, белгилаб олиш мумкин, кейин уларни мезон сифатида илгари сурса бўлади. Таърифларда таълим шароити ҳақида ҳам, ички параметрлар — қобилият ва имкониятлар ҳақида ҳам ҳеч нарса дейилмайди.

Мазкур вазиятлар технологик схемага мувофиқ мақсадларни кўйишда киришдаги параметр («жараён» тавсифининг таълим билан боғлиқ шарти, ўқувчиларнинг қобилият ва имкониятлари) ҳамда чиқишидаги параметрлар (ўзига хос таълим «маҳсулоти» бўлиши таълим натижалари тавсифи) сифатида кўриб чиқилишини изоҳлаб ўтиш жоиз. Бундай схемалаштириш бирмунча сунъий туюлиши мумкин, чунки таълим жараёни шароитлари процессуаллиги ички омиллар — болаларнинг қобилият ва имкониятларидан кам эмас? Яна ҳам нозикроқ масала — қобилият ва имкониятларга нисбатан статистик қараш, унинг ривожланиши таълим натижаларидан бири сифатида воқе бўлиши мумкин ва лозим. Шунинг учун, бизнингча, болалар қатнашган ўқув фаoliyati турларини процессуал параметрлар, деб ҳисоблаш тўғрироқ бўлар эди. Бироқ мазкур процессуал параметрлар ўқув жараёнининг ўзига тегишли бўлган, мақсадларни кўйишнинг бошқа бир даражасида пайдо бўлиши мумкин (ва пайдо бўлади ҳам).

Таълим мақсадлари таҳдилидан келтирилган мисоллардан кўри-нишича, улар даставвал (мактабга умумий тилаклар руҳида) қўйилганда, одатда, жуда умумий, ноаниқ характер касб этишади ҳамда таълим натижалари олинадиган соҳалар тавсифланиб, уларга қандайдир муайян характеристика берилади. Эришилиши мумкин бўлган таълим натижалари ҳақидаги тасаввурлар қанчалик кенг қамровли бўлса, конкретлаштириш даражаси шунча юқори бўлади.

Келтирилган таърифлардан кўринадики, вақт ўтган сайн мақсадлар қўйишида катта аниқлик сари силжиш юз бермоқда, албатта, бу ўқитувчиларнинг ҳар кунги меҳнати туфайлидир. Бу ерда таълим мақсадларининг умумий қўйилишидан келиб чиқиб ўтказиладиган, уларнинг тушунтирилиши ва қурилишини аниқлаштирадиган тадбирлар фойдалидир. Бундай аниқлаштириш жараёнича мақсаднинг асосий мазмуни ўзgartирилмайди, бироқ этишмаётган параметрлар бўйича охиригача қурилади.

Педагогик технологиялар тарафдорларининг, таълим мақсадларининг предмет мазмуни, ўқитувчи ёки ўқувчи фаолияти жараёни орқали аниқланиши таълимнинг тахмин қилинган натижалари ҳақида тўлиқ тасаввур бермайди, деган фикрига қўшилмасдан бўлмайди. Бунинг устига, мақсадни аниқлашнинг бундай усулида ўқитувчнинг иши ўзига хос маросимга айланниб кетиши мумкин. Узоқ муддатли ривожланиш мақсадларига келсак, уларга эришиш кундалик ўқув жараёни доирасидан чиқади. Шунинг учун уларнинг зарурлигини тан олган тақдирда ҳам, уларнинг ноаниқлигини, мужмалигини инкор этмаслик керак.

Педагогик технология тавсия этадиган мақсадларни қўйиш усули воситаларга бойлиги билан ажralиб туради. Уларда таълим мақсадлари ўқувчиларнинг ҳаракатларида ифодаланувчи таълим натижалари орқали таърифланади-ки, ўқитувчи ёки бошқа эксперт уларни аниқ англаш олиши мумкин.

Бироқ ушбу самаралиғоя ҳам кўплаб қийинчилкларга дуч келади. Таълим натижаларини қайси йўл билан ҳаракатлар тилига ўтказиш мумкин? Унинг бир маънолилигига қандай эришилади? Бу масалалар иккита асосий восита орқали, яъни:

- мақсадларнинг тоифаси ва изчиллик даражаси (иерархия) ажратилган аниқ тизимини белгилаш — бундай тизимлар педагогик таксономия номини олган;
- таълим мақсадларини таърифлаш учун максимал даражада аниқ, конкрет тилни яратиш йўли билан ҳал қилинади-ки, ўқитувчи унчалик аниқ бўлмаган баъзи таърифларни шу тил воситасида тушунтириб бериши мумкин.

Педагогик мақсадларни таксономия ёрдамида белгилаш усулини батафсилроқ кўриб чиқамиз. Бу усулининг кўп жиҳатлари америка-

лик олим Б. Блумнинг илмий ишларида ишлаб чиқылган. «Таксономия» тушунчасининг ўзи (грекча *taxis* — тартиб билан жойлашиш, *nomos* — қонун) биологиядан олинган. У объектларнинг шундай тизимлаштирилиши ва таснифланишини билдириади, бу уларнинг табиий алоқадорлиги асосига қурилади. Ундан категориянинг изчи жойлашувига кўра мураккаблиги ортиб борувчи (яъни, иерархия) обьектларни таърифлаш учун фойдаланилади.

Бундай педагогик мақсадлар схемасини тузиш вазифаси илк бор АҚШда ўргатга ташланган. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг коллежга кириш имтиҳонларини олувчи қўмитага кирган Б. Блум бошлиқ бир гуруҳ педагог ва психололгар педагогик мақсадларни тартибга солиш ва аниқ таърифлашнинг умумий қоиша ва усулларини ишлаб чиқиши учун кўп йиллик тажриба ўтказиши. 1956 йили «Таксономия»нинг биринчи қисми чоп этилди, унда билиш (когнитив) соҳасидаги мақсадларнинг таърифи ўз ифодасини топган эди. Мақсадларнинг бундай тизими халқаро миқёсда машҳур бўлиб кетди. Ундан ўқитиши режалаштириш ва унинг натижаларини баҳолашда фойдаланимоқда, у янги курслардаги синов текширишларида ишончли восита вазифасини ўтайди. Кейинги ўн йилликда Д. Кратволь ва бошқа олимлар томонидан «Таксономия»нинг иккинчи қисми (самара соҳасида) яратилди.

Ушбу ўринда «таксономия» ўқитувчига берадиган инструментал имкониятларга дикқатни қаратамиз. Энг аввало, у қамраб оладиган фаолият соҳалари ва уларга мос мақсадларни таърифлаб берамиз.

**1. Когнитив (билиш) соҳа(си).** Бунга ўрганилган материални эслаб қолиш ва қайта хотирга олиш мақсадидан тортиб муаммоларни ҳал қилишгача бўлган мақсадлар киради-ки, бу жараёнда мавжуд билимларни қайта ёдга олиш, илгари ўрганилган ғоялар, методлар, процедуralар (ҳаракат воситалари) билан янгича муштараклигини ҳосил қилиш зарур, янгиларини яратиш ҳам шунга киради. Эксперт баҳолари, шунингдек, Б. Блум ва унинг ҳамкаслари ўқитувчилар ўтасида ўтказган сўров маълумотларига ҳамда адабиётлар таҳдилига кўра, кундалик амалиётда, дарсликларда, дастурларда илгари сурилган кўплаб таълим мақсадлари билиш соҳасига тааллуқлиdir.

**2. Аффектив (эмоционал — қадриятли) соҳа.** Унга атрофдаги олам ҳодисаларига нисбатан оддий қабул қилиш, қизиқиш, таъсирга жавоб беришга тайёрликдан тортиб, қадрият йўналишини ва муносабатларни ўзлаштириш, уларни фаол намоён қилишгача бўлган шахсий-эмоционал муносабатларни шакллантириш мақсадлари киради. Қизиқишлар ва майлларнинг шаклланиши, у ёки бу туйғуни кечириш, муносабатларнинг шаклланиши, унинг англаниши ва фаолиятда зуҳур топиши сингари мақсадлар ушбу соҳага киради.

**3. Психомотор соҳаси.** Бунга ҳаракат (мотор), манипулятив фаолиятнинг у ёки бу турларини, асаб-мускуллар координациясини шакл-

лантириш билан боғлиқ мақсадлар киради. Ушбу соҳага таълим мақсадлари умумий йигиндинсинг кичик бир қисми таалуқидири. Ёзув ва нутқ қўникмалари, шунингдек, жисмоний тарбия, меҳнат таълими доирасида олға суриладиган мақсадлар шулар жумласидандир.

Ишончли, ҳақиқий мақсадлар системасини яратиш назарийётчиларнига қизиқтирувчи мавхум масала эмас. Мақсадларнинг аниқ, тартибга солинган иерархик таснифидан фойдаланиш педагог амалийётчилар учун қўйидаги сабабларга кўра зарурдир:

- барча ҳаракатларнинг бош мақсадга қаратилиши. Ўқитувчи таксономиядан фойдаланаар экан, мақсадларни аниқлаштириб, конкретлаштирибгина қолмай, биринчи гайдаги вазифаларни, келгусидаги ишларнинг тартиб ва истиқболини белгилай туриб, уларни тартибга ҳам солади.

- ўқитувчи ва ўқувчининг биргаликдаги ишидаги аниқлик ва ошкоралик (очиқлик). Конкрет ўқув мақсадлари ўқитувчига уларнинг умумий ишидаги ниятларни ўқувчиларга тушунтириш, муҳокама қилиш, қизиқувчи ҳар бир шахс, жумладан, ота-оналар, инспекторларнинг тушуниши учун аниқ қўлиб қўйиш имконини беради;

- таълим натижаларини баҳолаш эталонини яратиш. Фаолият натижалари орқали ифодаланган мақсадларнинг аниқ таърифига мурожаатдан нисбатан ишончлироқ ва объективроқ баҳолашга ўтилади.

Эталонни ҳар доим ҳам ўқитувчи жорий этиши мажбурий эмас. Уни болалар билан биргаликда ишлаб чиқиш ва аниқлаштириш мумкин. Тўгри, илмий ишлаб чиқишидан бошқа тизимлар сингари, таксономия ҳам маълум даражада «шафқатсизлик». Лекин бундай «шафқатсизлик» — ўқув жараёни мақсадга йўналтирилганлигининг терс томонидир. У иш олиб боришининг бир томонлами усулини гарчи бунга интилиш юз бериши мумкин бўлса-да, ўқитувчидан ҳам, ўқувчидан ҳам талаб қўлмайди.

Таксономиянинг когнитив ва аффектив мақсадларни қамраб олувчи, нисбатан кўпроқ ишланган ва умумтомонидан кўпроқ ишлатиладиган соҳаларининг асосий категорияларини кўриб чиқамиз. Тилга олинган икки соҳадаги мақсадларга эришиш имкониятини таққослаймиз. Когнитив мақсадларга дарс жараёнида ёки бир қатор дарслар мобайнида эришиш мумкин.

Нисбатан чуқурроқ ва шахсий характерга эга аффектив мақсадларни қисқа муддатли натижалар сифатида (албатта, қуи даражалар доирасидан чиқилса) сифатида тасаввур қилиб бўлмайди. Когнитив мақсадларни объективлаштириш, фаолият намунаси сифатида тасаввур этиш осонроқ. Шунинг учун педагогик диагностикада аффектив мақсадлар таксономияси қўлланилса ҳам, технологик ишланмалар бошқа типдаги мақсадлар, кўпинча когнитив мақсадларда олиб борилади.

Охирги ўн беш йил мобайнида педагогик мақсацлар таксономияси-ни ишлаб чиқиш давом этди, бир нечта: когнитив, аффектив, психомотор, операцион-фаолиятли таксономия вариантылари яратилди. Аммо бугунги кунда когнитив соҳада Б. Блум тизими кенгроқ ёйилган. Бизнинг тадқиқотимизда ҳам когнитив соҳадаги Б. Блум тизими кўпроқ қизиқиши уйғотди. Шунинг учун уни баттағсиликроқ кўриб чиқамиз.

Когнитив соҳадаги таълим мақсадлари категориялари	
Ўқув мақсадларининг асосий категориялари	Ўқув мақсадларининг умумлаштирилган типларига мисоллар
<p><b>1. Билим.</b> Бу категория ўрганилган материални эслаб қолиш ва қайта хотирлашини билдиради. Бу ерда гап мазмуннинг ҳар хил турлари ҳақида— конкрет фактдан тортиб, яхтит назарияга бориши мумкин.</p> <p>Бу категориянинг умумий жисёвни керакли маълумотларни эслаб қолилинидир.</p>	<p><b>Ўқувчи.</b> Ишлатиладиган атамаларни, муайян далилларни билади, метод ва тартиботни, асосий тушунчаларни, қоида ва принципларни билади.</p>
<p><b>2. Тушуниш.</b> Ўтилган материални бир ифода шакидан иккинчисига кўчириш, бир тиљсан бошқасига (масалан, лисоний шакидан математик шаклга) ўткизиши материални тушуниш қобилиятининг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, ўқувчи томонидан материалнинг шарҳланиши (тушунтириш, қисқача баён) ёки воқеа, ҳодисаларнинг кейинги ривожи таҳмин қилиниши (натижка ва оқибатларнинг айтиб берилishi) ҳам тушуниш даражасини кўрсатиши мумкин. Бундай ўқув натижалари материалларни шунчаки эслаб қолишдан яхшироқдир.</p>	<p><b>Ўқувчи.</b> Қоида, далил ва тамоилларни тушунади, сўз билан ифодаланган материални тушунтириб беради, схема, график, диаграммаларни шарҳлаб беради, сўз билан ифодаланган материални математик ифодага айлантиради, бўлажак воқеаларни, мавжуд маълумотлардан келиб чиқувчи оқибатларни олдиндан баҳолайди.</p>
<p><b>3. Қўллаш.</b> Бу категория ўрганилган материалдан муайян шароит ва янги вазиятларда фойдалана олиш малакасини англатади. Бунга қоида, метод, тушунча, қонун, принцип ва назарияларни қўллап киради. Ўқитининг тегишли натижалари материалга эгаликнинг тушунишдан кўра юқоригоқ даражасини талаб қилади.</p>	<p><b>Ўқувчи.</b> Тушунча ва тамоиллардан янги вазиятларда фойдаланади, қонун ва назарияларни конкрет амалиётда қўллайди, метод ва тартиботнинг тўғри қўлланишини намойиш этади.</p>

<p><b>4. Таҳлил.</b> Бу категория материални унинг тузилмаси кўриниб турадиган қишиб яққол таркибий қисмларга ажратса олиш малакасини билдиради. Бунга бутунни қисмларга бўлиш, улар ўртасидаги алоқодорликни аниқлаши, бутунни таниклиш этиш принципларини тушиуни киради. Бунда ўкув натижалари тушуниш ва қўйлашига нисбатан юксак интеллектуал даражаси билан характерланади, чунки у ўкув материалининг мазмунини ҳам, ички тузилишини ҳам билишини тақозо этади.</p>	<p><b>Ўкувчи.</b> Яширин (ноаниқ) тахминларни ажратиб кўрсатади, муҳокама мантиғидаги хато ва зониф жиҳотларни кўрали, далиллар ва оқибатлар орасидаги фарқни аниқдайди, аҳамиятли маълумотларни баҳолайди.</p>
<p><b>5. Синтез.</b> Бу категория янгиликка эга бўлган бутунни олиш учун элементларни комбинациялари малакасини белгилайди. Бундай янги нарса ахборот (маъруза, нутқ), ҳаракат режаси ёки умумлаштирилган алоқалар мажмуи (мавжуд маълумотларни тартибга солиш схемаси) бўлиши мумкин. Тегишли ўкув натижалари янги схема ва тузилмалар яратишга мойил ижодий фолиятни тақозо этади.</p>	<p><b>Ўкувчи.</b> Ихчам ижодий иншо ёзади, тажриба-синов ўтказишни таклиф қиласди, бирон-бир муаммони ҳал қилиш режасини тузип учун турли соҳаларга оид бизимлардан фойдаланади.</p>
<p><b>6. Баҳо.</b> Бу категория у ёки бу материал (тасдик, хуроса, маълумот, бадий асар) аниқ мақсад учун қандай аҳамиятга эгалигини баҳолаш малакасини билдиради. Ўкувчи муроҳазаси аник мезонларга асосланishi керак. Мезонлар ички (тузилмавий, мантиқий) ёки ташқи (белгилантган мақсадга мос) бўлиши мумкин. Мезонларни ўкувчиларнинг ўзи белгилаши ёки улар ўкувчиларга ташқаридан (масалан, ўқитувчи томонидан) берилishi мумкин. Мазкур категория аввалги барча категориялар бўйича ўкув натижаларига эришишни ҳамда аниқ белгилантган мезонларга асосланган баҳоловчи мулоҳазани назарда тутади.</p>	<p><b>Ўкувчи.</b> Ёзма матн кўринишидаги материал тузилишининг мантиқийлигини баҳолайди, хуросаларнинг мавжуд маълумотларга мослигини баҳолайди, ички мезонлардан келиб чиқиб у ёки бу фаолият натижасининг аҳамиятини баҳолайди, ташки мезонлардан келиб чиқиб у ёки бу фаолият натижасининг аҳамиятини баҳолайди.</p>

Тадқиқот жараёнида мақсадларни конкретлаштиришнинг қуидаги алгоритми синаб кўрилган ва амалда фойдаланиш учун тавсия этилган:

1. Мақсадни ёзиш.

2. Алоҳида сўз ва иборалардан фойдаланган ҳолда, мақсадга эришилтанидан дарак берувчи таълим натижаларини ифодалайдиган хомаки режа тузиш.

3. Хомаки режани сарагаш. Такрорий ва номақбул бандларни чиқариб ташлаш. Муҳим бўлиб туюлган барча тушунарсиз таърифлар учун I ва 2- бандни такрорлаш.

4. Мақсадга эришишнинг ҳар бир далили (ҳар бир ҳаракат)ни тўлиқ тавсифлаш. Бу тавсифнинг характеристини, сифатини ва энг муҳим деб ҳисобланган миқдор кўрсаткичларини ўз ичига олиши керак.

5. «Агар кимдир ушбу натижаларга эришса ва тијига олинган ишнинг ҳар бирини намойиш қиласа, у мақсадга эриша олди, дея оламанми?» деган саволни бериб, таърифларни текшириш. Ушбу саволга қониқарни жавоб бера олсангиз, мақсадлар таҳлили тугалишанади.

«Ўқитувчи — ўқувчи» тизимида таксономик ёндашувнинг педагогик мақсадларни белгилашга таъсирини кўриб чиқамиз.

1. Ўқитувчи ҳар бир ўқувчини ўқитиш бошланадиган дастур бўлими ва блокини белгилайди.

2. Кейин аниқланган бошланғич блок бўйича тест ўтказилади. Бундан кўзланган мақсад — ўқувчи аввадан қандай маълакага эгалигини, яъни қандай маълака устида ишлаш шарт эмаслигини аниқлаш (ҳар бир ўқув мақсади учун эгаликнинг талаб қилинадиган даражаси, одатда, 85 %дир).

3. Дастрлабки тест натижаларини баҳолар экан, ўқитувчи ҳар бир ўқувчи учун кўрсатма тузиб чиқади, унда ўқув фаолиятининг турлари — ўқитувчидан индивидуал маслаҳат олиш, дарслик ва бошқа босма материаллар билан ишлаш, турӯх машгулотлари кўрсатилади.

4. Ўқувчи ўқув материалини олади, ўқув мақсадлари (материал қисмлари) устида навбат билан ишлайдилар. Уларнинг ҳар бири бўйича жорий текширувдан ўтади, натижада у мақсадга эришишнинг талаб қилинган даражаси (85 %)ни намойиш қилиши керак.

5. Ўқувчи барча мақсад (қисм)ни ишлаб бўлгач, ўқув мақсадларининг (ўқув материал қисмларининг) ҳамма блоки бўйича якуний тестдан ўтади. Моҳиятига кўра, бу тест дастрлабки тестнинг бир варианти ҳисобланади ҳамда блокнинг барча ўқув мақсадларини (ўқув материал қисмларини) қамраб олади.

Бир ёки бир нечта ўқув мақсади ўзлаштирилмай қолган тақдирда ўқитишнинг тегишли қисми тақрорланади. Бўлим тўлиқ ўзлаштирилганда (мазкур якунловчи тест бўйича 85 %дан кам бўлмаган кўрсат-

кич), ўқувчи навбатдаги бўлимга ўтади ва ўқув мақсадларининг кеиниги блоки учун дастлабки тестни топширади. Ўқув тартибининг даврийлиги ўқув мақсадларининг ҳар бир блоки учун тақоррланади.

Мазкур тизимнинг юқори даражада аниқ-равшанлигини таъкидламасдан бўлмайди. Бироқ бунга ниманинг ҳисобидан эришилади? Бутун материалнинг кичик-кичик қисмларга бўлиб ташланиши бу ерда қалит вазифасини ўтайди, уларда «ахлоқий мақсадлар» икирчикиригача ифодаланган бўлади. Бунинг тескари томони — ўқув материали ўз-ўзидан майда-майдга бўлакларга бўлинганидир. Албатта, бу тизим амал қиласи ва маълум самара келтиради (чунки унинг асосида репродуктив ўзлаштиришга йўналтирилган мезоний баҳолаш ва аниқ мақсад ётади).

Дастурий ўқитишнинг ривожланиши — ўқув материалининг технологик ва бошқа бўлимларини ўрганишга мўлжалланган дидактик материалларнинг алоҳида тўплами — «ўқув пакетлари» ишлаб чиқилишига олиб келди. Тўпламга:

- ўқув материаллари ва қўлланмалар;
- ўқувчилар ишини ташкил этувчи дастуриламал (ёки кўрсатмалар тўплами);
- стандартлаштирилган назорат воситалари;
- ўқитувчининг ташкилий-маслаҳат характеристига эга бўлган озгина ёрдами билан режалаштирилган натижаларга эришишини назарда тутувчи қўшимча ва ёрдамчи ўқитиш воситалари киради.

Ўқув пакетларини қўллаш туфайли эришиладиган ташкилий мослашувчанлик уларни ҳам анъянавий, ҳам ноанъянавий шаклларга киритиш имконини беради ҳамда таълимнинг сезиларли даражада индивидуаллашишига олиб келади.

Ўқув пакетлари ўқувчиларнинг ишини изчил дидактик дастурлаштириш руҳида режалаштирилади:

- ўқув мақсадларини кўйиш;
- ахборотларни тақдим этиш;
- тест.

Ўқув пакетининг тузилиши қўйидагича:

- ўқув мақсадини қўйиш;
- ушбу ўқув пакети доирасида эришиладиган бир ёки бир нечта ўқув мақсадларини таърифлаш;
- дастлабки тестни ўтказиш (билим ва малакани текшириш);
- ўқув материаллари тўплами ва ўқувчилар ишининг инструктив рўйхати;
- ўқув ишини ташкил қилиш учун жорий ўзини-ўзи текшириш воситалари;
- якуний текшириш воситаси — мустақил ўқув иши натижаларини баҳолаш учун тест.

Кўринадики, ўқув пакети ўқув фаолиятини амалда тўлиқ дастурлаштиришга мўлжалланган. Бундай пакетлар тегишли фирмалар ёки кейинги ўқув жараёнини режалаштириш ва ишлаб чиқиш жараёнида ўқитувчининг ўзи томонидан тайёрланиши мумкин. Айтиш жоизки, пакетга кирувчи материалилар, тузилишига кўра қаттиқ тартиб асосига курилган бўлишига қарамай, жонли, ёрқин ва жозибаи бўлиши мумкин.

Кўплаб ўқитувчиларнинг тажрибасини умумлаштириш асосида тузилган ўқув пакетини ишлаб чиқишга оид қисқача дастурламални келтирамиз. Дастурламал назорат варагаси шаклида тузилган, унга ўқитувчи ўқув пакетини тайёрлаш жараёнида ҳам, уни тугатгандан сўнг ҳам мурожаат этади.

### *Ўқув фанининг мақсади*

1. Ўқув бўлимининг мақсади тушунарли берилганми?
2. Ўқув материалини ўрганиш мақсади аниқ-равшан тушунтирилганми?
3. Мақсадли баён қилиш тили тушунарли ва уни қабул қилиш осонми?
4. Мақсаднинг таърифи ўқишига ундовчи хусусиятга эгами?

### *Ўқув мақсадлари*

5. Ўқув мақсадлари таълим жиҳатидан аҳамиятга эга ҳисобланадими?
6. Ўқув мақсадлари уларга эришиш даражасини ишонарли ўлчаш (кузатиш, қаноатлантириш) мумкин бўлган тарзда шакллантирилганми?
7. Ўқув мақсадига мазкур ўқув бирлигига қисқа вақт мобайнида эришиш мумкин бўлиши учун уларнинг ҳар бири етарли даражада ихчам ҳисобланадими?
8. Ҳар бир ўқув мақсади курснинг умумий (якуний) мақсади билан мазмунан боғланганми?

### *Дастлабки ва якуний тест ўтказиш*

9. Тест билан ишлаш кўрсатмалари аниқ таърифланганми?
10. Тест саволлари мазкур бўлимда қўйилган мақсадларга доир барча топшириқларни бевосита назорат қилиш имконини берадими?
11. Ўзлаштириш эталони (мезони) ўрнатилганми?

### *Ўқув материалари ва ўқувчининг режалаштирилган фаолияти*

12. Ўқувчиларнинг ҳаракатига доир кўрсатмалар аниқ ифодаланганми?

13. Ўқув материаллари ва ўқув фаолияти турлари ўқув мақсадларига эришилишини таъминлайдими?

14. Дидақтик материалларнинг турлари ва мураккаблик даражасининг хилма-хиллигига эришилганми?

15. Режалаштирилган ўқув фаолияти турлари ўқув мақсадларига хилма-хил йўллар билан эришишни назарда тутганми?

### *Ўзини-ўзи текшириш учун тестлар*

16. Тест билан ишлашга оид кўрсатмалар аниқ ифодаланганми?

17. Текшириш саволлари ўқув материалларини ўзлаштириш ва ўқувчиларнинг олга силжишини кузатишга ёрдам берадими?

### *Кўшимча (чукурлаштирилган) ўқув иши (ўқувчиларнинг танлови бўйича)*

18. Ўқув ишлари турларининг кенг рўйхати назарда тутилганми?

19. Ўқув ишининг мазкур турлари материалларни кенгайтирилган ёки чукурлаштирилган тарзда ўрганиш имконини берадими?

20. Ўқувчиларнинг мустақил ишига доир кўрсатмалар етарли даражада аниқ ифодаланганми?

Ўқув пакети, моҳиятига кўра, мазкур ўқув материалига мос ҳолда тузилган тўлиқ ўқув циклини акс эттиради.

Сўнгги йилларда бригада-индивидуал таълим назарияси ишлаб чиқилиб, амалиётга кенг жорий этилди. Унда индивидуал таълим кичик гуруҳларда ишни ташкил этиш билан бирга олиб борилади. Бунда ўқитувчи гуруҳни танлашга шундай ҳаракат қиласади, унинг таркиби барча кўрсаткичлар бўйича имкон борича хилма-хил бўлиши: гуруҳда қизлар ҳам, ўғил болалар ҳам, яхши, ўрта ва ёмон ўзлаштирувчилар ҳам бўлиши лозим. Ўқув материаллари дастурлаштирилган бўлимларга ажратилади. Ҳар бир ўқувчи материал устида кучи етганича, ўзига хос суръатда ишлайди.

Унинг изчилилиги қўйидагича:

1. Ўқитувчи томонидан тузилган ва у ёки бу малакани эгаллашга бағишланган бўлим устида ишлашга оид тавсиялар билан танишиш.

2. Иш режалари туркуми устида ишлаш, уларнинг ҳар бири мазкур малаканинг таркибий қисми — алоҳида кўнкимларни эгаллашга бағишланган бўлади.

3. Мазкур малакалар қандай эгалланганини мустақил текшириш.

4. Якунловчи тест.

Хафта охирида ўқитувчи бригада кўрсаткичлари: «аниқ натижалар ҳисоби» (барча бригада аъзоларининг барча тестлар бўйича аниқ

жавоблари йигиндиси) ва «олға силжиш ҳисоби» (бригаданинг ҳар бир аъзоси томонидан ўрганилган ўқув бўлимларининг 10 га кўпайтирилган ўртacha ҳисоби) бўйича ҳисоб-китоб ўтказади.

Олдиндан белгиланган юқори натижага эришган бригада ҳафта якуни бўйича «Супербригада» унвонини олади. Ундан камроқ натижалар учун мос равишда «Аълочи бригада», «Яхши бригада» унвонлари берилади ва ҳ. к.

Кўплаб маҳаллий ва хорижий педагоглар (Ж. Брунер, Х. Таба, К. Крейцберг, М. Познер, Р. Аҳлидинов, Н. Файбулаев, Н. Нишоналиев, Д. Шодиев ва бошқалар) асосида умумий гоя: аввалдан белгиланган ва ўрганиш мажбурий бўлган таълим мазмуни билан ўқувчиларнинг фаолият турлари ва уларнинг мазмунини ўзгараётган ҳолат ва вазият эҳтиёжига мос равишда танлашдаги эркинлик ва мослашувчанлик ўтасидаги қарама-қаршиликни бартараф этиш гояси ётувчи тадқиқот олиб боришимоқда. Бундай таълим ўқишини фаоллаштириш, унга тадқиқот характеристини бериш, ўқувчиларга ўз «ўқув йўли»ни ташкил этиш ташаббусини бериш мақсадини қўяди.

Бир нечта турдаги асосий тасдиқ-тамойил кўринишидағи ўқитишга бўлган тадқиқотчилик ёндашувини қуидагида тахмин қилиш мумкин:

1. Предмет мазмунидаги етакчи, асосий тушунчаларни ажратиб олиш керак. Бу бутун предметни ўрганишни осонлаштиради.
2. Материални ўрганишга алоҳида фактларнинг билиш тузилмалари, схемалари билан нисбатини сингдириш лозим.
3. Тушунча ва тамойилларни ўзлаштириш жараёни кўпроқ аҳамиятга эга бўлиб, конкрет мазмундан ташқарида ҳам аҳамиятли бўлган билиш фаолияти усууларини эгалаш имконини беради.
4. Бошлангич мактабдан тортиб ўрта мактабгача, асосий тасаввур ва тушунчаларни «адолатли» ўрганишни кўллай олиш мақсадга мувофиқдир, бунда ўқишининг навбатдаги босқичида аввалгисига қайтиб иш кўрилади.
5. Ўқувчиларни тадқиқотчи, кашфиётчи ҳолатига солиш муҳимдир.

Умумий таълимга бўлган талаб ошган бир шароитда касб таълими дастурлари «Кадрлар тайёрлаш миллый дастури»га мувофиқ рашида қайта кўриб чиқилганидан сўнг, дидактикадаги изланиш йўналиши предметлар ва атрофдаги олам ҳодисалари ҳақидаги назарий қарашларни ишлаб чиқиш билан боғланди.

Таълим жараёни янги билиш йўналишларини излаш сифатида ташкил этилади. Бундай излаш жараёнида ўқиши янги маълумотларни ўзлаштириш асосидагина кечмай, балки мавжуд концепциялар ёки бошлангич билиш йўналишларини ташкил этиш ва ижодий қайта қуришни ҳам ўз ичига олади.

Янги билимларнинг шаклланиши, одатда, аввалдан мавжуд тасаввурларни ўзгаририш ёки қайта қуриш, гоҳи уларни буткул рад қилиш асносида кечади. Лекин бир қараща шундай туюлгани билан гап нотўғри тасаввурларни тўғри, «миллий»лари билан алмаштиришда эмас. Умуман олганда, замонавий таълим-тарбиянинг мақсади билимни шунчаки бериш эмас, балки уни оламни ижодий англаш воситасига айлантиришдир.

Психологик-педагогик тадқиқотлар кўрсатишича, янги билимлар аддитив йўл билан эмас, балки аввалги билимларни қайта қуриш, мос келмаган фикрларни рад қилиш, янги саволларни қўйиш, фарзларни илгари суриш орқали шаклланади.

Шу тариқа замонавий таълим жараёни учун янги билимларни шакллантиришгина эмас, балки аввалдан мавжудларини қайта қуриш ҳам мўлжал ҳисобланади, бунда ўрганилаётган мавзу бўйича дастлабки маълумотларни англашни енгиллаштириш эмас, балки мураккаблаштириш мумкин; нима бўлганда ҳам, бу қайта англашни тақозо қиласди.

Бу, ўз навбатида, ўкув мулоқотининг ҳар хил турларидан, тасаввурга, истиораларнинг ўхшашидан фойдаланишга, концепциялар, моделлар билан ишлашга ва ҳ.к. таянишдан фойдаланиб, ўкувчилярнинг билиш фаолиятини барча воситалар билан рағбатлантириш зарурати мавжудлигини билдиради. Бунинг устига, ўкувчилар мустақил фаолиятининг натижалари тўлиқсиз, концептуал жиҳатдан якунига етмаган бўлса ҳам, ўқитувчининг бу билан келишишига тўғри келади. «Тўғри тасаввурларнинг» олдиндан берилиши шунга олиб келадики, ўкувчилар ушбу тасаввурларни тажрибада қўллай олмай, улар билан ишлай олмай қолишади.

Тушунчаларни шакллантиришнинг муҳим жиҳати мазкур тушунчанинг аломатларини тушунишгина эмас, унинг бошқа тушунчалар билан алоқадорлигини англаш ҳам ҳисобланади. Қолаверса, ўкувчилярнинг маълум бир тушунча кўпилаб алоқадорликлар мажмуига тегишли эканлигини англаши билим ва тушунчаларни билишнинг бир соҳасидан бошқа бир соҳасига ўтказища уларга ёрдам беради.

Биз тафаккурни ўкувчининг олинган маълумотлар билан фаол ўзаро муносабати сифатида кўриб чиқамиз, бу билимлар дарс жараёнида шаклланади. Бироқ интеллектуал операциялар ўқитувчидан ўкувчига тўғридан-тўғри берилмайди, балки хусусий билиш тажрибасидан келиб чиқиб шаклланади. Таълим ва ўкув предметининг мазмуни тўртта асосий таълим вазифаси асосида шаклланади:

1. Билим бериш.
2. Билимни ривожлантириш.
3. Малака ва кўникмаларни шакллантириш, изланишга (бошлангич маълумотларни аниқлаш, уларни гурухлаштириш, гипотезалар-

ни илгари суриш, уларни текшириш ва бошқаларга) оид, ижтимоий ва шахслараро муносабатларга оид (муҳокамаларда қатнашиш, гурухда ишлаш ва ҳ.к.) малака ва қўнималар ҳам шунга киради.

Қадриятларга оид муносабатларнинг шаклланиши (ўзгаларнинг қадрият йўналишларини тушуниш, ижтимоий аҳамиятга молик қадриятларнинг шаклланиши).

Таълим жараёнида билимлар учта асосий даражада жамланган:

- олий — асосий етакчи тушунчалар;
- ўрта — асосий ғоя ва умумлашмалар;
- қуий — хусусият, конкрет фактлар.

Ўқитишининг ҳар бир даражасида ўша асосий, таянч тушунчаларга такроран мурожаат қилинади, улар ҳар хил мураккабликда, ҳар хил умумлаштирилган ҳолатда, мавҳумлик даражасида кечиши мумкин. Бундай иерархик ёндашув тушунчалар шаклланиш жараёни мақбул ва узлуксиз бўлишига имкон беради. Бундан ташқари, у айни бир синфнинг турли иштирокчиларига айни бир мавзуни концептуал зинапоянинг турли погоналаридан туриб ўрганиш имконини беради.

Асосийлари сифатида таълимдаги фаолиятни бир неча турга ажратиш мумкин:

1. Аниқ берилган намунани ўзлаштириш (технологик курилган репродукция);
2. Ўқув-изланиш фаолияти (янги билимларни излаш ва ишлаш, янги тажрибани ўзлаштириш);
3. Илмий-тадқиқот типидаги билиш билан боғлиқ тизимли изланиш;
4. Ўйин фаолияти (ўйинли моделлаштириш ҳам шунга киради);
5. Мунозарали (мудоқотли, коммуникатив) фаолият.

Умуман олганда, замонавий педагогикада таълимга бўлган ёндашувларнинг ривожланишида иккита асосий йўналишни ажратиб кўрсатиш мумкин.

1. Анъанавий ўқитиши берилган намуналарни ўзлаштириш, аниқ қилиб берилган эталонларга эришишни самарали ташкил этиш руҳида замонавийлаштириш. Ушбу йўналиш доирасида репродуктив ўқитишининг анъанавий масалаларига йўналтирилган ўқув жараёнини янгилаш, аниқ қайд этилган, деталма-детал баён этилган натижалари билан бирга «технологик жараён» сифатида ўқитиш ҳақидағи тасаввурларни янгилаш.

2. Ўқув жараёнига инновацион ёндашув, унда ижодий ва танқидий фикрлашни, ўқув-тадқиқот фаолияти воситалари ва тажрибасини шакллантириш, роли ва имитацион моделлаштириш асосида ўқувчиларда янги тажрибани ўзлаштириш имкониятини ривожлантириш ўқув мақсади сифатида қўйилади.

Ўқув-изланиш, тадқиқот фаолиятини ташкил этиш, ўқув-ўйин, моделлаштириш фаолиятини ташкил этиш, фаол фикр алмашув, ижодий мунозарани ташкил этиш сингари ўқитиши моделиларини ишлаб чиқиш, бу йўналиш билан боғлиқ. Юқорида баён қилинганлардан кўринадики, ўқитишининг замонавий усулларини амалга ошириш ўз-ўзидан муаммо ҳисобланувчи: «Бундай тарздаги ўқитишини муваффақиятли амалга ошириш учун ўқитувчилар қандай тайёргарликдан ўтишлари керак?» деган жуда муҳим саволни юзага чиқарди. Замонавий шароитда ўқитувчи ўқитишининг ҳам тушунтирувчи, ҳам тадқиқот методларидан фойдалана олиши керак, деган хulosा чиқариш мумкин. Ўқитувчи муаммоли асосдаги ўқув жараёнининг ташкилотчиси сифатида ўқувчиларга тайёр билим ва кўрсатмалар берувчидан ҳам кўра кўпроқ бошқарув ходими ва шерик сифатида ҳаракат қилиши лозим.

Тайёргарлик жараёнидаги ўқитувчи шундай тажрибага эга бўлиши керакки, бу унга:

- ўқувчилар дуч келадиган вазиятнинг муаммоли жиҳатини төран ҳис қилиши, синф олдига болалар учун тушунарли шаклида реал ўқув мақсадларини кўя олишида;
- мувофиқлаштирувчи ва шерик вазифасини бажаришида ёрдам беради. Муаммонинг турли жиҳатларини тадқиқ этиш жараёнидаги кўрсатма бериш усулларидан қолган ҳолда алоҳида ўқувчи ва гурухларга ёрдам беришда;
- ўқувчиларни муаммо ва уни чуқур тадқиқ этиш жараёнига қизиқтира олиш, ақлли саволлар ёрдамида ижодий фикрлашни рағбатлантиришда;
- ўқувчилар масалани мустақил ҳал қилишга интилиш жараёнida йўл қўйган хатоларга нисбатан сабрли, бағрикенг бўлишда ёрдам беради. Фақат технологик вазиятларда, ўқувчилар ўз изланишларида боши берк кўчага кириб қолган тақдирдагина ўз ёрдамини таклиф қилишда ёки уларни керакли ахборот манбаларига йўналтиришда;
- тадқиқот ўтказиш учун тадбирларни, маълумот йиғиш учун бошқа ўқувчилар ва жамоатчилик вакиллари билан учрашувларни ташкил қилишда;
- синфдаги муҳокамалар жараёнидаги ўзаро фикр алмасишига ва ишчи гурухларнинг ҳисобот беришига имконият яратишда қўл келади. Тадқиқотнинг янги йўналишларини аниқлаш ва ишни яхшилаш бўйича таклифларни, тадқиқот ишларига танқидий ёндашувни рағбатлантиришда;
- муаммога қизиқиши йўқолишининг аломатлари пайдо бўлмасидан бурун синфдаги муҳокамани, тадқиқотни ҳамда қарорларни амалиётта жорий этиш борасидаги ишларни тутатишда;

■ мотивацияни сақлаб қолған ҳолда алоҳида ўқувчиларга муаммо устида кўнгилли равишда ишни давом эттиришига рухсат беришда қўй келади.

Ўқитувчиларнинг янги дидактик технологиялардан самарали фойдаланишининг бир нечта шартларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

**Биринчиси** — (кўпроқ) дидактик имкониятлар ўқитишининг мақсад ва вазифаларига мослиги.

**Иккинчи** — (аниқроқ) ўқитувчининг ўзида тегишли типдаги гурухий ўзаро алоқада иштирок этиш бўйича касбий маҳорат шаклланганлиги.

**Учинчи** — (аниқроғи янада камроқ) ўқитувчининг ўзидағи тегишли шахсий йўналганлик. Ўқитишининг янги усусларининг эмоционал йўғрилган қизиқиш ва соғ дидактик, яъни, интеллектуал жиҳатдан қабул қилинишидан сўнг муқаррар равишда уни ўзлаштиришга ўтиш келади. Айнан шу нарса касбий-шахсий характер касб этади.

Бундай ўтишнинг иккита асосий имконияти бор.

1. Янгиликларни иш жараёнида ўзлаштириш. Ушбу ўтиш усулининг тескари томони муфассал дидактик режалаштирилган тақдирда ҳам — шахслараро муносабатларда, фикрий йўналишларда синовлар ва хатолар жараёни билан кечади.

2. Янгиликларни моделлаштириш амалиётида ўзлаштириш. Бундай ўқитишининг фақат қатъий предметта оид томонигина эмас, балки олдиндан кўриб бўлмайдиган ижтимоий-психологик томони ҳам моделлаштирилади. Бундай ўзлаштириш ўқитувчининг фикрий йўналганлигини гурухий қайта ишлаш характерини тақозо этади, ижтимоий-психологик тренинг унсурларини ўзида мужассам этади, бу жараёnda ўқитувчилар моделлаштириш ва ўзлаштириш фаолияти устида шахсий иш олиб боришга жалб қилинадилар.

Тажриба кўрсатишича, дидактик инновацияларни ўзлаштириш йўлида ўқитувчининг олдида шахсий қоидалар стереотиплари билан боғлиқ касбий-шахсий характерга эга қийинчилликлар пайдо бўлади. Уларнинг типик намоён бўлиши — авторитар тузилишдаги ишнинг одатдаги шаблонларига «қайтиш»дир.

Бошқарувнинг мавжуд кўн поғонали амалиётида ҳаракатлар аник мувофиқлаштирилмаган. «Юқори»дан (вазирлик — таълим муассасаси) келувчи норматив, инструктив ва бошқа циркуляр ҳужжатлар оқими зарурий ташкилий иш билан таъминланмаган. Шундай фактлар учрайдики, муҳим қарорлар ифодаланган ҳужжатлар вилоят ва туманлар даражасида қолиб кетиб, эгасигача етиб бормайди, бошқа ҳолларда эса, ҳужжат ижро чигигача етиб боради, аммо бир қатор сабабларга кўра, у самарали ижро этилмайди.

Кўрсатма берувчи ортиқча ахборотлар жуда кўп. Бошқарувнинг ҳар бир босқичида ахборотлар оқилона сараланмайди, яъни унинг жўнатилиши (юқорига ёки қўйига) зарур бўлган қисми танлаб олинмайди. Натижада бошқарувнинг турли бўғинчларидағи ходимлар турли каналлардан келадиган ахборот оқимига кўмисиб қолишади, аммо айни пайтда бошқарувга оид тўғри қарорлар қабул қилиниши учун зарур маълумотлар етишмаслиги кузатилади.

Ахборот таъминоти инфратузилмаси ривожланмаган, у зарур техника билан заиф таъминланган. Оқибатда ахборотнинг ҳаракатида узилишлар юз бермоқда, улар ижрочиларга кечикиб етиб бормоқда.

Таълим тизими, унинг алоҳида ходимлари фаолиятида ахборот олиш жараёни бирдан-бир мақсадга айланмоқда. Масалан, жойлардан турли масалалар бўйича ахборот сўралади, олинган жавоблар йиғма жилдга тикилади ва шу билан жараён якунланади. Мазкур маълумотларни қайта ишлаш ва олинган хуносалардан фойдаланиш бундай ходимларнинг вазифасига кирмайди. Натижада таълим муассасаларининг маъмурияти ҳеч кимга керак бўлмаган маълумотларни тузиш учун жуда кўп вақт сарфлашади.

Охиригина йилларда таълим статистикасига етарли баҳо бермаслик ҳолати кузатиласити. У лозим даражада тезлик билан янгиланмаганлиги учун статистика янгиланаётган таълим тизимидан сезиларли даражада ортда қолди.

Бошқарув ахборотининг яхлит тизими яратилиши, бизнингча, таҳлилий фаолият сифатини анча яхшилайди ва тегишли равиша, фаолиятни режалаштириш тизимига ва ижобий натижада олишга ижобий таъсир кўрсатади.

Бошқарув жараёни ахборот олиш, йигиш, қайта ишлаш ва узатиш, тегишли бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифасининг бажарилиши билан боғлиқдир. Муассаса бошқарув ходими, бир томондан бошқарилувчи обьект тўғрисида обьектив, ишончли ва тўлиқ маълумот (куйидан ахборот)га эга бўлса, иккинчи томондан зарур норматив ахборотга бирон-бир муаммо юзасидан бошқарувга оид тўғри қарор қабул қилиши мумкин. Масалан, туман ХТБ мудири конкрет бир мактаб бўйича қарор қабул қилар экан, у ҳақида тўлиқ ахборотга эга бўлиши ва айни пайтда, умумий ўрта таълим муассасасининг фаолиятини тартибга солувчи норматив хужжатлардан хабардор бўлиши зарур.

Энг аввало, шуни ёдда тутиш керакки, таълимни бошқариш органдари, кўп ҳолларда кузатилгани каби, оддий ретранслятор вазифасини бажармаслиги керак. ХТБ ходимлари юқоридан олинган бўйруқ, қарор, тадбирлар режасига жавоб тариқасида ўз бўйруқлари ва тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, уларни таълим-тарбия муассасаларига жўнатишларини рўкач қилиб, бизга эътиroz билдиришлари

мумкин. Ҳа, шундай. Аммо мазкур буйруқ ва режаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, улар моҳиятган юқоридан олинган ўша буйруқ ва режаларнинг такрори ҳисобланади, яъни ретрансляция сўзи тўлиқ ўзини оқлади.

Олинган нарсанинг барчасини аниқ мақсад йўлида қайта ишлаш (танлаш) керак. Қуйига, яъни таълим-тарбия муассасаларига фақат уларнинг фаолият кўрсатиши ва ривожланиши учун энг зарур бўлган ҳужжатлар, мазмуни ва муддати аниқ бўлган, амалий, бажарса бўладиган, ижроилар учун тушунарли бўлган энг зарур кўреатмаларни юбориш қондида тусиға кириши зарур.

Кириш ҳужжатлари билан ишлашни кўриб чиқайлик.

Ҳужжат билан ишлашнинг барча босқичлари мухимдир. Уларнинг ҳар бири алоҳида ҳисоблашишни талаб этади. Шулардан бълизиларига тўхталимииз.

Масалан, ҳужжатни таълим-тарбия муассасасига қандай етказиш мумкин? Замонавий ахборот технологиялари асрида бу масала муммосиз ҳал қилинадигандай туюлади. Бироқ, амалда бу осон эмас ва юқорида таъкидлангани каби, кўпинча ҳужжатлар эгасига етиб бормайди. Аввало, тан олиш керакки, компьютерлаштириш, ахборот тармоқлари ҳали ҳаётимизнинг барча соҳаларига кириб бормаган, бу келажакда амалга ошадиган иш. Ҳозирги найтда мавжуд имкониятларнинг барчасидан фойдаланиш лозим:

- компьютер тармоқлари орқали (улар бор жойда);
- ҳужжатнинг дискетдаги нусхаси билан таъминланган куръер орқали ва ҳ. к.
- ҳужжатни кўпайтириш ва тарқатиш (почта, чопар орқали ва ҳ. к.);
- маҳаллий (педагогик) матбуотда эълон қилиш орқали;
- ахборот (оийлик) бюллетени (тўплам) чиқариш.

Шу билан бирга, бизнингча, барча сифат кўреаткичларини ракамларда ифодалаб бўлмайди. Одамлар ҳатто рақамларда ифодаланган кўреаткичларга қараб ҳам баҳо беришади, баҳонинг объективлиги эса, рақамларнинг нечоғли ҳаққоний эканлигига боғлиқ бўлади.

Мониторинг тизимининг таҳлилида биз таълимнинг моделларида, узлуксиз таълим тизимида ва таълим муассасаларида мониторингдан фойдаланишга доир баъзи жуда мухим мисолларни келтирдик, холос. Мазкур вазиятда вазифа ҳар бир конкрет ҳодиса бўйича мақсад ва вазифаларини конкретлаштиришда, материалнинг қайта ишланиши, таҳлили, талқини ва баҳоланишига мос шакл ва воситаларини танлашдан иборат бўлади.

## ХУЛОСА

Таълим сифатини бошқариш тизимини ривожлантириш — давлат таълим сиёсатининг, Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва дастурининг (4.6 ва 4.7-бандлари) устувор йўналишларидан бири. Бундан ташқари, ушбу муаммо доимий таҳлил, такомиллаштиришга мансуб бўлиб, илмий тадқиқотларнинг мустақил, истиқболли йўналиши ҳамда фаннинг долзарб ва доимий вазифаларидандир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг иккинчи босқичини ҳеч бир муболагасиз таълимнинг юқори сифатини таъминлаш, унинг бош мақсади ва вазифаси — комил Шахсни вояга етказишни амалга ошириш чоралари ҳамда механизмларини конкретлаштириш босқичи бўлди, деб аташ мумкин.

Таълим сифатини бошқариш — мураккаб, серқирра муаммо. Бу муаммо давлат ва жамият, узлуксиз таълим тизими даражасида, минтақа даражасида ва бевосита таълим муассасаларида, шунингдек, ташкилий, таркибий, мазмуний, методик йўналишларда ҳамда педагог кадрларнинг юқори савиясини шакллантириш орқали ҳам этилади.

Таълим сифатининг давлат кафолатлари Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури», Ўзбекистон Республикасининг хукумат қарорлари, давлат таълим стандартлари асосида ва уларнинг ёрдамида таъминланади. Идоралар даражасида — бу халқ таълими, олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликлари, таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар фаолияти, таълимни бошқариш ваколатига эга органларнинг буйруқлари ҳамда йўриқнома хужжатлари ва шу кабилардир.

Таълим сифати турли шарт-шароитлар ва омиллар: захиралар ва кадрлар билан таъминлаш, шунингдек, ўқув-тарбия жараёнини тегишли даражага кўтариш ва ташкил қилиш ҳисобига тартибга солинади ҳамда кафолатланади.

Давлат ва жамият ислоҳотлар ташаббускори ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш кафолати бўлиб майдонга чиқади. Юқори таълим сифатини бошқариш ва таъминлаш миллий тизимининг принципиал хусусияти, кўплаб чет эл аналогларидан фарқли равища, айнан таълим сифати давлат кафолатларида ҳамда таълим сифати муаммосини ҳал этишда жамиятнинг иштироки муҳимдир.

Ҳозирги шароитда таълим сифатини бошқариш мустаҳкам илмий асосда қурилиши лозим. Ўтган йилларда умумий бошқарув на-

зарияси ҳар хил тиндаги ижтимоий ташкилотларни бошқариш, шу жумладан, узлуксиз таълим тизимини, таълим мусассасаларини ва таълим сифатини бошқаришни илмий таъминлашни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилингга даъват этилган кўпшаб сермаҳсул боялар билан бойитиши.

Бошқарувга турлича ёндашувлар мавжуд, лекин уларнинг ҳаммаси бирон-бир тарзда, бошқарувни ташкил қилишдаги алоҳида функция сифатида тушунишдан келиб чиқади, бу функцияниң амалга оширилиши унинг ҳёт фаолиятининг муайян мақсадга қаратилгандигини ва ташкилийлигини таъминлайди ҳамда бошқарувчи тизимлар компонентлари қурилиши ва хусусиятлари ўртасидаги, ташкил қилиш фаолиятининг ташқи ҳамда ички шартлари ва унинг натижалари ўртасидаги алоқаларни ўрганинг йўналтирилади.

Умуман, хулоса қиласиган бўлсак, таълим сифатини бошқаришнинг ҳозирги замон концепцияси жамиятни ривожлантиришнинг умумий бошқарув концепцияси билан ҳамоҳанглигини қайд этиш зарур. Бу қуйидагиларни таъкидлаш имконини беради.

**Биринчидан.** Кадрлар тайёрлаш миллӣ дастури, мақсад ва вазифаидан келиб чиқиб олға сурилган боялар ушбу китобда ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўз таесдини топди. Жумладан:

- таълим сифатини бошқаришнинг назарий асослари ишлаб чиқилди, бошқарув тизимига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган сабаблар таҳлил қилинди;
- жамиятнинг таълим хизматларига бўлган эҳтиёжи ва қизиқшини ҳисобга олиб, УТТни қонун ижодкорлиги ва ижрочилик фаолияти йўли билан амалий бошқариш жараёнларига принципиал ёндашувлар белгиланди;
- таълимдаги бошқарув фаолияти модели яратилиди;
- ижтимоий-педагогик бошқарув натижаларидан келиб чиқиб, педагоглар жамоасини комплекс ривожлантириш босқичлари ишлаб чиқилди ҳамда уларнинг асосий аломатлари кўрсатилди ва ҳ.к.

**Иккинчидан.** Амалга оширилган тадқиқотлар унда таълим сифатини бошқариш билан боелиқ барча масалалар тўлиқ қамраб олинди, деган маънони билдирамайди. Таълим тизими ва таълим сифатини бошқариш серқирра, мураккаб жараён бўлиб, унинг айрим йўналишлари мустақил тадқиқот ўтказишни таълаб қиласиди. Таълимни ва унинг сифатини бошқаришнинг илмий-методик муаммолари сиралига, жумладан, қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Таълим турлари ўртасида ҳам, ўқув фанлари ўртасида (вертикал ва горизонтал равишда) ҳам таълим мазмунининг узлуксизлигини ва узвийлигини таъминлашнинг педагогик асослари (айниқса, Давлат таълим стандартларини мунтазам такомиллаштириш).

2. Таълим сифатини бошқаришда инновацияларни жорий этиш масалалари.

3. Методик хизмат узлуксизлигини таъминлашнинг ташкилий-педагогик асослари.

4. Бошқарувни демократлаштириш ва марказлаштиришдан чиқариш, унга давлат-ижтимоий хусусият қасб эттириш; таълимни ва таълим муассасаларини бошқариш органларининг максимал ташаббускорлигини ва мустақиллигини ривожлантиришни таъминловчи функциялар ҳамда ваколатларнинг қайта тақсимланишини таъминлаш ва шу каби бошқа умумий ва хусусий масалалар.

5. Таълим сифати мониторинги: назария ва амалиёт.

**Учинчидан.** Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари талабларидан келиб чиқиб, узлуксиз таълим тизимида таълим муассасалари ва таълим жараёнини бошқаришнинг мазмuni, шакллари, услублари ва воситалари сифатини кўтариш, болалар ва ўқувчи ёшлиар онгига миллий истиқъол гоясини шакллантириш, бошқарувчи ҳамда педагогларнинг маъсулиятини ошириш асосида амалга оширилса, таълим сифатини бошқариш самарали бўлиши мумкинлигини тадқиқотларда тасдиқланди.

Ўзбекистонда ва ривожланган демократик мамлакатларда тўплangan тажрибанинг таҳдили кўплаб муаммоларнинг ўхшашлигини, уларнинг ўзаро алоқадалигини кўрсатди. Шунинг учун тадқиқот жараёнида мазкур тажрибани қиёсий таҳдия қилиш асосида таълим сифатини бошқаришнинг концептуал гоялари ҳамда уларни рўёбга чиқариш механизмлари ишлаб чиқиши.

Таълим сифатини ижтимоий-педагогик бошқарув чоғида, тизимилий, узвийлик ва узлуксизлик принципларига асосланиб бошқарилаётган обьектнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарурлиги таъкидланди. Аслида тизимли педагогик бошқарув кўйилган ва амалга оширилаётган мақсадлар орқали мавжуд муаммоларни очиш ва бартараф этиш, тегишли мақсадларга эришиш имконини беради. Таълим сифатини тизимли бошқариш жамиятнинг ижтимоий буюртмасини бажариш имконини беради.

Тадқиқот жараёнида тавсия этилган таълим сифатини ижтимоий-педагогик бошқаришнинг концептуал модели ушбу тизимнинг кўп қиррали жараёнларини ўзида гавдалантиради. Ижтимоий-педагогик бошқарувнинг мақсадлари, мазмуни, методлари ва воситалари шу асосда белгиланади ҳамда натижаларга кўра бошқаришга таяниб, ижобий натижаларга эришилади.

**Тўртингчидан.** Тадқиқот натижалари кўрсатишича, Давлат таълим стандартларининг қабул қилиниши ҳамда уларнинг босқичма-босқич жорий этилиши давлат ва жамиятнинг таълим сифатини таъ-

минлаш бўйича кўп қиррали кафолатларининг мустақили компоненти бўлиб, ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнларини бошқаришда ижобий ўзгаришлар бўлишига олиб келади, таълим муассасаларидағи ишнинг аҳволи тўғрисида реал ва ишончли ахборот олишни таъминлайди, шунингдек, асосланган бошқарув қарорлари қабул қилишда кўмаклашади.

Тадқиқот жараёнида таълим сифатининг назарий ҳамда амалий жиҳатлари, унинг мазмунни ва моҳияти, сифатни кафолатлаш, таълим самарадорлигини мунтазам мониторинг қилишни жорий этиш ва бошқа қатор масалалар очиб беришган. Жумладан, таълим сифати мониторинги таълим муассасаси ичидаги ҳам, ундан ташқарида ҳам, одатда, ваколатли давлат бошқарув органи томонидан амалга оширилади.

Умумтаълим муассасаси жамоасининг ўқув жараёнининг сифати, кафолатлари, уни бошқариш ҳамда мақбуллаштириш жараёнини назорат қилиш бўйича барча ишлари мониторинг тарзида тавсифланади. Ваколатли бошқарув органлари томонидан таълим натижаларини баҳолаш бўйича кўриладиган чоралар ташқи сифатни мониторинг қилиш, деб аталади. Мониторингнинг ушбу тури, одатда, педагоглар жамоасининг таълимни бошқариш органлари оидаги ҳисботи орқали қўлланилади.

Сифат мониторинги учун ахборот таълим муассасаси ичидаги ҳам, ундан ташқарида ҳам тўшланиб, фойдаланиши мумкин. Бунда улар тегишли раввища таълим муассасаси стратегиясини ёки бутун бир таълим сиёсатини шакллантириш учун фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришда кузатиладиган асосий тенденциялар таҳлил қилинди, «назорат» тушунчаси педагогик тизим сифатида аниқланди ҳамда таълим фаолияти сифатини назорат қилишни такомиллаштиришнинг психологик-педагогик асоси бўлган масалалар кўриб чиқилди.

Мавжуд назорат амалиётини, ТМда таълим фаолиятини назорат қилишнинг шакл ва услубларини кўриб чиқиш асосида назорат тизимини такомиллаштириш, уни Кадрлар тайёрлаш миллий дастури томонидан кўйилаётган вазифаларга мувофиқлаштириш зарурлиги тўғрисида хулоса чиқарилди.

**Бешинчидан.** Касб-хунар таълими (бошлангич, ўрта, олий) тизими бутун жаҳонда малакали мутахассисларни тайёрлашнинг асосий шаклларидан бири ва ёшларнинг умумтаълим даражасини ошириш асоси сифатида қаралади.

Хозирги босқичда касб-хунар таълими тизимидаги муассасалар олдида турган асосий муаммо — кадрлар тайёрлаш сифатини, касб-хунар меҳнати ва таълим хизматлари бозорида уларнинг рақобат-бардошлилигини таъминлашдан иборат.

Тадқиқот кўрсатишича, ТМда мавжуд ички бошқарув тизимини қайта куриш, таълим жараёни самараорлигини ошириш, кадрлар тайёрлашнинг зарурй сифатини таъминлаш йўлиридан бири бўлиб қолиши мумкин. Бундан ташқари, таълим муассасасининг кадрлар, моддий-техника, норматив-хукуқий ва ижтимоий аҳволи стратегик аҳамиятга эга.

Муаммонинг ретроспектив таҳдили мамлакатимизда касб-хунар таълими бир неча бор ўзгаришга дуч келганини кўрсатди. Уларнинг бари тарихий онлар хусусиятига мувофиқ давлат ва жамият мавжуд бўлган бирон-бир босқичда ҳал этишга тўғри келган вазифалар билан боғлиқ бўлган.

ТМ раҳбарияти ўзининг бошқарув амалиётида асосан умуман касб-хунар таълимини ривожлантиришга йўналтирилмаган интуитив ва эмпирик ёндашувлардан фойдаланган. ТМ ички бошқаруви муаммосига бошқарув қоидалари, принциплари ва назарияларини, тизимли ёндашувни, квадиметрияни қўллашни тақозо қилувчи илмий ёндашув тўлиқ амалга оширилмаганди. Бошқарув фаолияти касб-хунар таълими аҳволининг туб сабабларини аниқлашга, уни таҳдил қилишга ва баҳолашга йўналтирилмаганди.

Касб-хунар таълими тизимини тубдан қайта куриш, бошқарувнинг режали-маъмурий методларидан воз кечиш, Ўзбекистонда таълим сиёсатининг янги концепциясини қабул қилиш зарурлиги аён бўлди.

Мустақиллик қўлга киритилгач, ўз сиёсий йўлинимиз танлангач (1991 й), таълим соҳасида ҳам янги йўналишлар белгиланди. Ҳозирги замон таълимининг концептуал асослари Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қонунларида ўз ифодасини тоғсан.

Бироқ, тадқиқотларимиз натижалари кўрсатишича, ТМнинг ҳозирги бошқарув ходимлари корпуси ва мұхандис-педагоглари таркиби янги таълим парадигмасида белгиланган ғояларни амалга оширишга тўлиқ тайёр эмаслар.

Бундай ҳолатнинг асосий сабабларидан бири сифатида ТМда бошқарув фаолияти даражасининг пастлигига тўхтатайлик. Бунда бошқарув ходимлари ташкилий тузилмаларнинг мамлакатдаги янги таълим сиёсати йўналишларига мувофиқ келмайдиган эски статик шаклларидан фойдаланган ҳолда иш юритганлар. Уларнинг кўплари таълимни бошқариш органларини марказлашувдан чиқариш шароитида зарур бошқарув қарорларини мустақил қабул қилишга тайёр ҳамда қодир эмасликларини кўрсатишиди. Айни маҳалда уларга ўз ТМ кўламида кўплаб бошқарув ва педагогик масалаларни мустақил равишда ҳал қилиш борасида катта имкониятлар берилган.

Шу муносабат билан битирувчилар касбий тайёргарлигининг зарурний сифатини таъминлашда ички бошқарувнинг роли кескин ошади.

Ички бошқарувнинг таълим сифатини бошқариш йўналишидаги муаммолари касб-хунар таълими замонавий педагогикаси соҳасидаги энг кам таҳлил килинган масалаларданцир.

Шу боис ушбу китобда асосий вазифалардан бири — таълим сифатини бошқаришнинг ижтимоий-педагогик ва методик асосларининг таълим муассасаси миқёсидаги таҳдили кўриб чиқилган.

**Олтингчидан.** Ривожланиш жараёнида, таълим сифати таълим муассасаси фаолиятининг асосий натижалари тарзида кўриб чиқилиши бошлангич позицияни белгилаб беради.

Ушбу концепцияда таълимнинг лозим дарражасини таъминлаш таълим муассасаларининг гасосий мақсади сифатига қаралади. Талаб этилган таълим сифатига эришиш учун шарт-шароит ва омилларнинг уйғун бирикуви бошқарув ходимларининг етакчи вазифаси бўлиб қолади. ТМ ташқаридан белгиланган вазифаларни бажариш самарадорлигигагина эмас, балки ўз ишини ташкил қўлишнинг интегратив сифатига, юқори дарражасига эришиш самарадорлигига ҳам йўналтирилиши даркор. Фаолият принциплари, ТМнинг ички тузилмаси мустақилликни, автономликни таъминлаш механизмидир. Таълим жараёни иштирокчиларининг фаолияти пировард самарага — кадрлар тайёрлашнинг юқори сифатига эришишга йўналтирилади.

Ички бошқарувнинг функционал корреляция принципи асосида қурилган марказий-симметрик тузилмаси бунинг шарти бўлиши мумкин.

Унинг бошқа тузилмалардан афзалиги бошқарув ходимлари, педагоглар ва таълим олувчиларнинг ҳаракатчанлигига, уйғун, синхрон тарзда иш олиб боришини таъминлашга йўналтирилганлигидadir. У бошқарув ходимларига таълим сифатини реал бошқариш имкониятини яратади. Бундай бошқарув инновацион бошқарув турига тааллуқли. Сифатни бошқариш, таълим сифатини бошқаришда назорат асосий омил ҳисобланган мавжуд ички бошқарув амалиётидан фарқли равища, тизимнинг вазиятига боғлиқ бўлган шарт-шароит ва омилларни мунтазам тартибга солишини, номақбул жараёnlар ва ҳодисаларнинг олдини олишни, сабаб-оқибат алоқаларини ўрнатишни назарда тутади.

Марказий-симметрик тузилма муайян шарт-шароит мавжуд бўлганидагина яратилиши мумкин: муҳандис-педагог ходимлар, бошқарув ходимлари ва таълим олувчилар салоҳияти доимо тарқоқ бўлади, улар нормал тақсимот қонуниятга бўйсуниши даркор; таълим жараёни иштирокчиларининг таълим тузилмасидаги позицияси аниқлиги фаолият мақсадларини идрок этиш, англаш, ўзgartириш дарajasiga боғлиқ ва ҳ.к.

Ички бошқарувни илмий ташкил қилиш сифатни лойиҳалашнинг асосий босқичларини муайян мақсадни кўзлаб ва пухта ишлаб

чиқиши тақозо этади. Бунда бошқарув ходимлари малакасининг юқори савияси фаолият дастурларини сифатли лойиҳалашнинг зарур шартидир. Бошқарув ходимлари ҳамда педагогларнинг квалиметрик маданиятисиз бошқарувнинг бу тури бўлиши мумкин эмас.

Таълим жараёни иштирокчиларининг фаолияти натижалари кўрсаткичларини мунтазам такомиллаштириш яна бир муҳим шартдир. Бунинг учун ички бошқарув тизими компонентларини бирон-бир параметрик маконда тавсифлаш талаб қилинади. Сўнг уларни ўлчашнинг самарали усулини ҳамда тадқиқ этилаётган объекtnи ушбу ўлчов билан қиёслашнинг тегишли методини топиш лозим бўлади. Натижада барча параметрларни сифатни тавсифлаш имконини берувчи бир интегратив кўрсаткичга бирлаштириш тартиби аниқланади. ТМ бошқарув ходими шу тариқа мақсадларни ишнинг аҳволига монаңд равишда аниқлаш, бошқарув фаолияти мазмунини лойиҳалаш имконига эга бўлади.

Объектнинг сифат ҳолати доимий эмаслигини, у янги хусусиятлар найдо бўлишига кўра ўзгаришини бошқарув ходимлари аниқ билмоқлари даркор. Яхлит объекtda унинг ўзаро ички муносабатлари бундай хусусиятларнинг юзага келиши манбани бўлади. Шу боис объекtlар сифатини тадқиқ қилишда уларнинг мавжудлигининг конкрет шароитлари ва омилларини ҳисобга олган ҳолда, фақат динамик жараёнда қараш зарур.

**Еттиқчидан.** Таълим сифатини бошқаришни тадқиқ қилиш икки: тавсифий-тушунтирувчи ва шакллантирувчи гурухларига бўлинади. Тадқиқотларнинг бу типлари бир-бирини истисно этмайди, аксинча, тўлдиради. Бор нарсани тавсифлайдиган ва тушунтирадиган назарий моделлар янги бошқарув фаолияти моделларини ишлаб чиқишида асос бўлиб хизмат қиласиди. Айни маҳалда, қандай бўлишини кўрсатувчи моделлар бошқарувнинг мавжуд амалиётидаги ҳодисаларни таҳлил қилиш ва изоҳлаш воситасига айланади.

Таълим муассасасини ички бошқариш тизимининг бошқариладиган объекt эҳтиёжларига, имкониятларига ва хусусиятларига мувофиқлигини сақлаб туриш бошқарув ходимларидан уларни мураккаб, мақсадга интилган, ҳаракатчан тизим сифатида теран тушунишни талаб этади.

Таълимни тизим сифатида тўлиқ тавсифлаш ва тушуниш унинг асосий киришларини, ички фаолият жараёнларини ҳамда чиқишидаги натижаларини ажратиб кўрсатишни тақозо этади. ТМ ижтимоий муҳитнинг ва таълим тизимининг таркибий қисми бўлгани ҳолда, уларнинг талабларига мослашмоғи лозим. Айни маҳалда ташқи муҳитдаги вазиятга суст эмас, фаол мослашади.

Таълим тизимининг асосий киришлари — ўқувчилар бўлиб, бу тизим уларга таълим олиш ва шахсни ривожлантириш учун қулай

шароит, имконият ҳамда ТМ мұваффақияттың фаолияти учун зарур бўлган шароит яратиши даркор.

ТМнинг ички мұхити таълим жараёни, у қабул қиласан тамойиллар, вазифалар билан, унинг ташкилий маданийти билан белгиланади. Таълим, инновация, таъминог ва бошқарувнинг кичик тизимлари ТМнинг асосий кичик тизимлари сифатида ажратиб кўрсатида. Ушбу кичик тизимларнинг ҳар бирин ўзига хос киришларга, жараёнларга ва чиқишлигарга эга.

ТМ ўз фаолияти давомида тури босқичлар ҳамда режимлардан ўтади. Уларнинг энг мұхимлари барқарор ишлаш ва ривожланиш режимидир. Бошқарувда ТМнинг ҳар қандай типи ва турларига хос бўлган умумий эҳтиёжлар билан бир қаторда, ушбу эҳтиёжларда ТМнинг ўзига хослиги ҳамда турлари, ранг-баранглиги билан белгиланадиган мұхим тафовутлар ҳам бор. Таълим муассасаларини бошқариш уларнинг технологик тавсифлари ва тур хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштирилиши ҳамда амалга оширилиши зарур.

**Саккизинчидан.** ТМ бошқарув тизими — ўз табиати ва хусусиятига кўра ранг-баранг бўлган, бошқарув функцияларини бажариш жараёни амалга ошириладиган ҳамда педагоглар жамоаси фаолиятининг мақсадга йўналтирилганлиги ва уюшганлиги таъминланадиган тарзда ўзаро боғланган компонентлар йигиндисидир.

Ушбу тизимнинг функциялари икки катта гуруҳга бўлинади. Булар: ТМнинг барқарор ишлашини бошқаришни қўллаб-кувватлаш ҳамда унинг ривожланишини бошқариш гуруҳариидир. Биринчи гуруҳ функциялари бажарилиши билан мавжуд таълим салоҳиятидан фойдаланиш ҳамда ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш таъминланади.

Муайян ТМдаги бошқариш функциялари таркиби кўпгина омилларга боғлиқ. Уларнинг асосийлари: ТМ типи, таълим тизимининг ва у ҳал этадиган масалалар хусусияти, бошқарувга ёндошиш, ривожланишга йўналтирилганлик даражасидир.

Бошқарув функцияларини амалга ошириш жараёни цикли хусусиятта эга. Бошқарув масалаларини ҳал этишнинг ҳар бир цикли асосий ишлар: режалаштириш, ташкил қилиш, бошқариш, назорат ва баҳолаш, мониторингни бажаришни ўз ичига олади. Мураккаб бошқарув масалаларини ҳал этишда улар хусусий масалалар йигиндисига бўлинади. Натижада бошқарув цикларининг иерархик тузилмаси шаклланади.

Бошқарув тизими тузилишининг оқылоналиги кўплаб омилларга, энг аввало, бошқарув объекти, масалан, таълим муассасаси ҳажмига, таълим тизими хусусиятига, атроф-муҳитнинг барқарорлигига ва бошқаларга боғлиқ.

ТМ жамоасининг фаолияти, ҳар қандай биргаликдаги фаолият сингари, уюшган бўлиши лозим. Бу, ТМнинг ташкилий тузилмаси аниқланган бўлиши ва таркибий бўлинмалар ҳамда мансабдор шахсларнинг горизонтал ва вертикал бўйича ўзаро муносабатлари қоидалари белгиланган бўлиши зарур, деган маънони билдиради.

Ташкил этиш масалаларини ҳал қилиш жараёнида ТМ таркибий бўлинмалари аниқланади, улар орасида ҳамда ичидаги вазифалар тақсимланади, айрим ходимлар ва таркибий бўлинмалар ишини мувофиқлаштириш тартиби белгиланади, назоратнинг оқилона кўлами ўрнатилади.

Бошқарувнинг қандайдир энг яхши ягона ташкилий тузилмаси бўлмайди. Биргина тузилманинг ўзи, ташкини ва ички шарт-шароитдан келиб чиқиб, самарали ёки самарасиз бўлиши мумкин.

Оқилона тузилмани қуришда бир қатор омилларни ҳисобга олиш зарурки, уларнинг ўзгариши тузилманинг ҳам ўзгаришига олиб келади. ТМ тузилмасига:

- таълим тизими хусусияти — таълим жараёнининг табакалашганилиги, вариативлиги ва интегративлиги;
- ТМнинг ҳажми ва типи;
- бошқарувга ёндашиб жиддий таъсир кўрсатади.

ТМ бошқарув ходими унинг ташкилий тузилишининг бош конструкторидир. Ташкил этиш масалаларини самарали ҳал қилиш учун у таркиблаштиришнинг ранг-баранг усулиарини ҳамда уларнинг фазилатларини ва камчиликларини билиши керак. Бошқарув ходими ТМнинг ташкилий тузилмасини баҳолар экан, энг аввало, бу тузилма жамоа аъзоларининг келишиб ишлаши ҳамда уларнинг салоҳиятидан максимал фойдаланиш учун шароит яратиш-яратмаслигидан келиб чиқиш зарур.

**Тўққизинчидан.** ТМ самарали иш олиб боришида режалаштириш жуда муҳим аҳамият касб этади. «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлар қабул қилиниши билан ТМнинг ушбу вазифани бажаришдаги ваколати ҳамда масъулияти жиддий равишда кенгайди.

Давлат таълим стандарти бошқарув функциясини бажарар экан, қийин ёки мураккаб фанни ўрганишда минимал тајаблар билан чекланиш имкониятини бериб, ўқувчини қурби етмайдиган даражадаги оғир юқдан холос этади ва унга ўз қизиқишилари ҳамда майлларини рўёбга чиқариш, ўзи учун анча мақбул бўлган ривожланиш йўлини онгли ва индивидуал равишда танлаш учун шароит яратади.

ДТС ўз бошқарув функцияси билан оқилона жорий этилса, таълимни бошқаришни марказлаштиришдан чиқариш, яъни марказий, минтақавий ва маҳаллий бошқарув органлари ўртасида функциялар ҳамда ваколатларни қайта тақсимлашни амалга ошириш имкони яра-

тилади. Бу бошқарув тизими маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, мослашувчан, ранг-баранг, вариатив бўлиши лозимлиги тўғрисидаги кўрсатманинг бажарилишини таъминлайди.

Режалаштириш воситасида ТМ ўкув йили сўнггида ва оралиқ босқичларда қандай натижаларга эришмоқчи, бунинг учун ким, қаочон ва нима қилиши лозим, сингари кўп масалалар белгилаб олинади ва ҳал этилади. Ўкув режалари ТМ педагоглар жамоаси фаолиятини бошқаришнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қиласди.

Режалаштиришнинг марказий масаласи — мақсадни қўйиш, яъни таълимнинг исталаётган ва мумкин бўлган натижаларини аниқлаш. Таълимнинг аниқ мақсадлари ўқитувчилар ҳамда ўкувчилар томонидан иирик йўналишлар — таълим жараёни функциялари доирасида таърифлаб берилади.

Таълимнинг реал натижалари ўқитиш ва тарбиялаш мазмуни, технологияси, ташкил қилиниши хусусиятига кўра аниқланади. Улар таълим мақсадлари характеристига мувофиқ бўлиши лозим, акс ҳолда мақсадлар амалга ошириб бўлмайдиган, қуруқ гапдан иборат бўлиб қолади.

ДТСнинг таркибий қисми бўлган Базис ўкув режалари турли ТМда таълим жараёнларининг курилиши учун умумий норматив асос бўлиб хизмат қиласди. Базис режалар тузилмасида ўзаро боғлиқ бўлган учта: республика, минтақавий ва ТМ компонентлари ажralиб туради.

ТМ индивидуал ўкув режасини базис режаси асосида яхшилаб лойиҳалаш учун меъерий-хуқукий ҳужжатни, таълим хизматларига ижтимоий буюртмадаги ўзгаришларни, ўкувчилар, педагоглар жамоасининг хусусиятлари ва қизиқишлигини билиш; уларни ўзаро ва ижтимоий буюртма хусусиятлари билан боғлай билиш; муайян ТМнинг асосий вазифасини, жамоанинг аввалги йиллардаги ва жорий ўкув иилидаги амалдаги режа бўйича иши натижаларини ва таълим жараёнининг улар билан боғлиқ муаммоларини; ўкув режасини яратиш, экспертиза қилиш ва тўғрилаб бориш бўйича ишни ўз вақтида ва мақсадга йўналтирилган ҳолда ташкил қилишни билиши лозим.

ТМнинг ишлаб чиқилган ўкув режаси тўлиқлик, яхлитлик, мувозанатлашганлик, босқичлар ва синфлар (ўкув йиллари) ўртасидаги узвийлик ва узлусизлик талабларини қондириши, ҳақиқий ўкув ҳажмларига мувофиқ бўлиши даркор. ТМ ўкув режасидан ҳақиқий таълим жараёнига ўтиш бошқа қатор режали ҳужжатларни ҳам тайёрлашни талаб қиласди, улардан асосийси ўкув машғулотлари жадвалидир. ТМ режаларининг иерархик тузilmаси унинг амал қилиш моделидан иборатdir.

**Ўнинчидан.** Жамоага бошқарув ходимилик қилиш функциясининг бажарилиши бўйсунувчилар орасида шундай муносабатларни

шакллантириши ва уларнинг шундай ташкилий хатти-ҳаракатини таъминлаши керакки, токи улар ТМ мақсадларига эришишга, унинг ижтимоий-иктисодий, маданий-маърифий, педагогик функцияларини бажаришларига максимал даражада кўмаклашсин. Ушбу вазифани муваффақиятли бажариш учун бошқарув ходими: жамоанинг қандай фазилатлари унинг фаолияти самарадорлигини белгилашини ва бу фазилатлар қандай шаклланишини билиши зарур. Жамоанинг ривожланганлик даражаси унда қандай қадриятлар, нормалар ва қоидалар ўрнатилиши билан белгиланади.

Бошқарув ходими фаолиятининг самарадорлиги унинг шахсий фазилатларининг қандайдир йигиндисигагина эмас, балки у бошқарув ходимиликнинг ранг-баранг методларини қанчалик ўзлаштирганлигига ва улар орасидан жамоа аҳволига, ҳал этиладиган масалаларга ва фаолият шартларига кўпроқ мувофиқ келувчиларини танлаб олишга қодирлигига ҳам боғлиқдир.

Жамоа тавсифи абадул-абад берилган нарса эмас. У жамоада тегишли нормалар ҳамда қадриятларни шакллантириш воситасида ўзгариши мумкин. Бунинг учун шароит яратиш — бошқарув ходимиликнинг асосий вазифаларидан бири.

Ўзига бўйсунадиганлар фаолиятига самарали таъсир кўрсатиш учун бошқарув ходими инсон хулқ-атворининг психологик механизmlарини чуқур тушуниши даркор. Бу механизmlар гарчи ҳозирча кам ўрганилган бўлса-да, илмий тадқиқотларнинг мавжуд натижалари бошқарув ходимининг жамоа аъзоларининг ТМ манфаатлари йўлидаги қизиқишини шакллантиришига кўмаклашувчи имкониятларини жиҳдий кенгайтириши мумкин. Таълим натижаларига қўйиладиган ва ижрочилар учун қимматга эга бўлган, ҳар бир педагогга маълум бўлган муайян талабларнинг мавжудлиги — сермаҳсул ишнинг жуда муҳим шартлари. Бошқарув ходими асословчи қулай муҳитни ва қўл остидагиларнинг фаолиятини баҳолашнинг самарали тизимини яратсагина ТМ манфаатлари уларнинг ҳам манфаатига айланишига умид боғлаши мумкин.

Халқ таълими бошқармалари ва бўлимлари бошқарув ходимлари ҳамда ходимларининг бошқарувчилик тайёргарлиги даражаси етарли эмаслиги уларнинг таълим муассасаларини бошқариш бўйича фаолиятининг самарадорлигини ошириш талаби билан но-мутаносибликка киришишини тадқиқотлар кўрсатди. ТМ ўкувтарбия жараёнини бошқариш даражаси уларнинг касбий тайёргарлиги даражаси билан чамбарчас боғлиқдир. Тадқиқотда халқ таълими вилоят бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари аппарати ходимларининг педагогик бошқарув ходимиликни амалга ошириш учун зарур бўлган билимларга талаб ва эҳтиёjlари ўрганилди.

**Ўн биринчидан.** Тизимли бошқарув — инновация жараёнларини бошқаришнинг энг мураккаб тури. У бошқарув ходимларининг юқсак бошқарув маданиятини ҳамда педагоглар жамоасининг етуклигини талаб қиласи.

Тизимли бошқарувда барча асосий функциялар: режалаштириш, ташкил қилиш, бошқарув ходимилик ва назоратни рўёбга чиқариш усулалири ўз хусусиятларига эга. Тизимли бошқарувнинг унинг бошқа турларидан энг муҳим фарқлари ривожланишини режалаштириш билан боғлиқ.

Долзарблик, прогноз қилиш мумкинлиги, оқилоналий, реалистиклик, яхлитлик, назорат қилиш мумкинлиги, адашишларга нисбатан сезувчанлик талабларига жавоб берувчи мақсадли дастур тизимли бошқарув шароитида режалаштириш натижаси бўлиб қолмоги лозим.

Дастурни ишлаб чиқиш жараёни: ТМнинг аҳволини таҳлил қилиш; ТМ концепциясини яратиш; янги ТМга ўтиш стратегиясини, асосий йўналишларини ва вазифаларини аниқлаб олиш; янги ТМни вужудга келтиришнинг биринчи босқичи мақсадларини шакллантириш; ҳаракат режасини барпо этиш босқичларидан ўтади.

Ривожланишини тизимли бошқариш горизонтал мувофиқлаштиришнинг яхши йўлга кўйилган механизмлари билан лойиҳа ёки матрица типидаги мослашувчан, марказлашувдан чиқарилган ташкилий тузилмаларни талаб этади. Тизимли бошқарувда назорат олдиндан белгиловчи бўлиши даркор. У мақсадли дастурни бошқаришнинг турли даражалари ўртасида тақсимланган бўлиши керак, шу билан бирга айни маҳалда, дастур бўйича ишнинг унинг барча иштирокчилари учун тушунарли яхлит тасвирини таъминлаши лозим.

Бошқарувнинг мақсадли тузилмасини яратиш, вазифаларни аниқ қўйиш ва уларнинг ижрочилар томонидан қабул қилинишига эътибор билан муносабатда бўлиш, уларнинг назоратдан ўзиб борувчи асосларини таъминлаш — дастурни самарали бошқариш учун зарурӣ шароитдир.

ТМ ташки мұхитда юз бераётган ўзгаришлар унга нисбатан янги талабларни, унинг муқим фаолият юритишига имкониятни ва ривожланиши учун янги шароитларни юзага келтиради. ТМ ушбу ўзгаришларга ижобий муносабатда бўлишга қодир бўлиши керак.

ТМнинг инновацион хатти-ҳаракатининг фаоллик даражаси бўйича турли-туман стратегиялари бўлиши мумкин. Бундай стратегияни танлаш — бошқарув ходимининг энг муҳим ва энг мураккаб вазифаларидан бири. У англанган ҳамда асосланган бўлиши, ҳам ташки, ҳам ички шарт-шароитни, энг аввало, ТМ эришган ривожланиш даражасини, педагоглар жамоасининг етуклигини, унда йирик инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тажрибаси мавжудлигини ҳисобга олиши даркор.

Инновацион хатти-ҳаракатнинг турли стратегиялари ривожланиши бошқарышнинг амалга оширилаётган функциялари таркиби, тузилиши ва бошқарув масалаларини ҳал этиш услублари билан фарқ қиласидиган ранг-баранг тизимларини талаб қиласиди.

Стратегиядан ташқари, ривожланиши бошқариш тизими параметрларини белгиловчи бошқа омил қабул қилинган бошқарувга ёндашувдир. Бу ёндашувлар бошқарув субъектини йўналитирилганлик (жароёнга ёки натижага, ўзгаришлар автономлигига ёки уларнинг интеграциясига) характеристи бўйича, муносабат типи (реактив ёки ўзид борувчи) бўйича фарқланади. Ривожланиши бошқаришга ёндашувлардан биронтаси ҳам мутлақ энг яхшиси эмас. Мавжуд шароитларда энг юқори самараадорликни таъминлашта қодир бўлганинига танланиши даркор.

Бошқарув самараадорлиги эришилган ва мумкин бўлган унумдорлик ўртасидаги муносабат билан белгиланади. ТМнинг ривожланишини бошқариш самарали бўлиши учун ТМни бошқариш тизими муайян шартларнинг бажарилишини таъминлаши лозим. Бундай шартларнинг тўлиқ мажмуи фақат тизимли-мақсадли бошқарувда унга ТМнинг бутун педагоглар жамоасини субъект сифатида қўшгандагина яратиласди.

**Ўн иккинчидан.** Назорат ҳар қандай бошқарувнинг муҳим таркибий қисми бўлмиш қайтма алоқани таъминлайди. Назорат воситасида ТМда кечётган жараёнлар ҳақиқий аҳволининг кутилганига мувофиқдиги даражаси аниқланади, кадрларни баҳолаш ва уларни янача унумлироқ меҳнатга ундаш учун ахборот базаси тўпланади, шунингдек, кейинги педагогик ва бошқарув фаолиятида фойдаланилиши мумкин бўлган анча қимматли тажриба ҳам аниқланади.

Назорат функциясини бажарадиган субъектлар бўйича: маъмурӣ назорат, ўзаро назорат, ўқитувчиларнинг жамоа назорати, шунингдек, ўзини-ўзи назорат қилиш жараёнлари фарқланади. Шакл ва турига кўра: дастлабки, жорий, якуний, шунингдек, мавзуй (мавзуй-умумлаштирувчи, синфий-умумлаштирувчи, предметли-умумлаштирувчи, шахсий) ва фронтал назоратлар кўлланилади. Назорат натижалар назорати методларига ҳамда жараёнлар назорати методларига бўлинади.

ТМ ривожланишининг тизимли таҳлили стандарт саволномалардан фойдаланган ҳолда оқилона ишлаб чиқынган тадқиқот жараёнидир. У компютер таҳлилига ҳамда маълумотларни ишлаш, таржима қилиш ва кейинги ишлар соҳасидаги ташки қўллаб-қувватлашга боғлиқ. Шу боис бу тизим таълим соҳасидаги ўзгаришларнинг ташки «ҳаракатлантирувчилари» учун самарали воситадир.

**Ўн учинчидан.** Таълим сифатини бошқаришда обьект сифати кўрсаткичларини таниш — энг жиддий миқдорий хусусиятларни аниқлашдан иборат.

ТМ бошқарув ходимлари таълим сифати параметрларининг эволюцияси босқичларини, уларнинг ҳаракатини таъминлашлари лозим, бу иш ушбу кўрсаткичларни мунтазам кузатиш ва бошқариши талаб қилади.

Таълим сифатини ички бошқариш самарадорлиги кўп жиҳатдан ўрганиш ва таҳтил қилиш обьекти қанчалик аниқ таъланганига, унинг хусусиятларини ўлчаш бирлиги қанчалик аниқлигига боғлиқ. Бундай тартибот таълим сифатини тадқиқ қилишнинг аниқ мақсадлари, вазифаларини таърифлаш; баҳолаш базасини, ўлчаш ва баҳолаш услублари ҳамда воситаларини таъланаш; ўлчаш операциялари сифатини таъминлаш; тегишли баҳолаш мезонлари ҳамда шкаласини белгилаш асосида амалга оширилади. Буларнинг бари бошқарув ходимларига сифатли бошқарув қарорлари қабул қилиш имкониятини беради.

ТМ бошқарув ходимлари томонидан янгича ёндашувдаги бошқарув — обьектнинг муайян сифатининг алоҳида хусусиятларини тавсифловчи кўрсаткичлар ўргасидаги боғлиқликни ҳар томонлама билиш ва аниқлаш асосида бошқарув қарори қабул қилишни тақозо этадиган ички сифат бошқаруви ўзлаштирилиб, амалга оширилса, талаб этилган сифат даражасига эришиш мумкин. Бу обьектни миқдорий баҳолаш ва унинг сифатини чуқур ўрганиш имконини беради. Бунинг учун сифатни бошқариш тизимини қуриш, математик статистика, таълимни квалиметриялаш услуби орқали уларнинг сифат кўрсаттичларини ўрганиш талаб қилинади.

Функционал корреляция принципи асосида яратилган ташкилий тузилма мавжуд бўлганда таълим жараёни иштирокчиларининг фаолияти уйғун мувофиқлаштирилишига эришилади. Бу ҳолда раҳбар ТМдаги ўзгаришлар синхрон бўлишини таъминлаш, сифатнинг муайян обьектнинг таъсири ўзгарганида кейинги обьект ҳолатининг сифатига боғлиқлигини ҳисобга олиш имкониятига эга бўлади.

Бошқарув ходимлари ўз олдиларига таълим сифатини бошқариш ва таъминлашнинг энг содда усулини яратишни мақсад қилиб қўйиб, обьектив ахборот асосида сифатни бошқариш дастурини ишлаб чиқишилари зарур. Шу тариқа ташкил қилинган ички бошқарув ТМнинг иш олиб боришини ҳам, ривожланишини ҳам таъминлаш имконини беради.

**Ўн тўртингчидан.** Ёшларнинг юқори сифатли таълим олишига эришиш ишида турли даражадаги таълим дастурларининг изчилигини таъминлашнинг мақбул йўлларини излаш бўйича тадқиқотларни давом эттириш талаб қилинади.

ТМда таълим сифатини назорат қилишнинг комплекс тизими — таълим олувчи шахсини ТМда ўқишининг бутун муддати — кириш синовларидан тортиб, битирувчининг иш жойидаги мослашувигача

бўлган давр давомида табиий педагогик шароитда сифат жиҳатдан текширилган ва миқдор жиҳатдан тасдиқланган ривожланиш дараҷасидир. Бу тизим ижодкор, мустақил фикрловчи, ривожланган шахсни тарбиялашга, малакали кичик мутахассислар касб-хунар таълими даражасини оширишга йўналтирилган. Сифатни назорат қилиш тизимининг барча таркибий қисмлари бир-биридан ажралмасдир. Битта бўлса-да, тизимни таркиб топтирувчи омилнинг ўзгариши умуман бутун тизим ўзгаришига муқаррар равишда олиб келади.

**Таълим сифати** — таълим тизимидағи турли тоифа ходимлар (мутахассислар) тушуниши учун қўлланиладиган кўп маъноли атама. Ҳар бир тоифа таълим сифатини ҳар хил тушуниши табиий.

**Таълим сифати деганда** «таълим жараёнининг турли иштирокчилари таълим муассасаси томонидан кўрсатилаётган таълим хизматларидан кутганларининг қаноатлантирилиши даражаси» ёки «таълимда қўйилган мақсад ва вазифаларга эришиш даражаси» *тушунилади*, бу ушбу тушунчанинг анча кенг таърифидир.

Кўриб чиқилган таърифларнинг кўпчилигини тўлиқ деб ҳисоблаб бўлмайди, чунки улар битирувчининг касбий ва шахсий тавсифларининг барча томонларини акс эттирамайди. Муаллифлар тадқиқот жараёнида «таълим сифати» тушунчасини янада аникроқ таърифлаш учун қатор таърифларни синтез қилишга уриниб кўришди.

Тадқиқотчилар ва педагог ходимлар касб-хунар таълимида ягона стандартни ўрнатиб бўлмаслигини, чунки ҳар бир касб бўйича таълим мазмуни иқтисодиётда объектив равишида вужудга келган меҳнат тақсимотини акс эттиришини тушундилар. Таълим стандартлари умумий методологик асосни сақлаб қолган ҳолда, ҳар бир касб бўйича алоҳида ишлаб чиқилади.

Умумтаълим ва касб-хунар таълим талабларини ўз ичига олувчи республика стандарт компоненти ДТСга мос келадиган даража ва сифатда тайёрлашни таъминлайдиган билим ва малака ҳажмини белгилаб беради.

Минтақавий стандарт компоненти асосан иш берувчиларнинг эҳтиёжларини, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар талабларини қондирувчи профессионал циклни ўз ичига олади.

Таълимнинг маълум даражадагина мазмунигина эмас, балки стандартлаштиришнинг таълим сифатини назорат қилишга бош рол ажратилаётган бутун аппарати ҳам стандартлаштирилаётганлиги тушунарли бўлади.

Назоратни тизимлаштириш мутахассиснинг Таснифлагичдаги касб ёки ихтисослардан бири бўйича бошлангич ёхуд ўрта таълим тизимида ўқиши натижасида эришган малака даражасини текширишнинг умумий нормаларини, қоидаларини, унга қўйиладиган талабларни белгилаш жараёнига ижтимоий буюртмани бажаради. Бу,

биринчидан, Республикада меҳнат бозори, мамлакатимиз ва чет эл қасб-хунар мактаби мутахассисларининг рақобати билан боғлиқ бўлиб, мамлакат муассасалари битирувчиларининг савиясини чет эл мутахассисининг даражасига тенглаштириш билан боғлиқ. Битирувчининг қасб маҳоратини баҳолашда объективлик масаласи жуда кескин қўйилади.

Назорат — билим эгаллаш савиясини, маҳорат ва кўнижмаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш воситаси бўлиб майдонга чиқади. Бу муаммо янги пайдо бўлгани йўқ, назоратнинг умумий масалалари (принциплари, қоидалари, услублари, шакллари, усуллари) аввал ҳам кўп йиллар давомида кўриб чиқилган.

Ўқувчиларнинг дастурий материални ўзлаштириш ва ишлаб чиқариш таълимида маҳорат ҳамда кўнижмаларни эгаллаши жараёнини объектив баҳолашгина юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга кўмаклашиши мумкин. Ўқувчининг бутун ўқиш муддати давомидаги фаолиятини назорат қиласканмиз, ўз меҳнатимизни баҳолабгина қолмай, балки ўқувчининг ўзлигини англашини ва мустақил билим олишини рағбатлантирамиз ҳам. Лекин назоратда ҳали ҳам энг асосийси — объектив баҳолаш. Унинг моҳияти битирувчининг малака тавсифини режали талаб билан ўтлаш ҳамда қиёслашдан иборат.

**Ўн бешинчидан.** Таълим сифатини бошқаришнинг яхлит педагогик тизимининг таркибий қисми бўлган назоратнинг мавжуд ёндашувлари ҳамда услублари тадқиқотининг якуни бўйича таълим фаолиятини назорат қилишнинг ўзаро боғлиқ методик шартлари, механизmlари мажмуалари ишлаб чиқилган ва амалиётда фойдаланишга тавсия этилган. Мазкур тизимни қўллаш таълим мазмунини Кадрлар тайёрлаш миљий дастури талаблари асосида стандартлаштириш ҳамда танлаш соҳасидаги ҳозирги тенденцияларни тўлиқ ҳисобга олиш имконини беради.

Рейтинг тизими Давлат таълим стандартларининг баражарилишида назоратнинг таълим сифатига қўядиган талабларини ҳисобга олувчи ва таълим дастурининг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишининг боришини режали, тизимли, мажмуий назорат қилишни таъминловчи ўзаро боғлиқ ташкилий шакллари мажмуи билан тўлдиради.

Рейтинг тизимининг жорий этилишини таъминловчи асосий шартлар таълим фаолияти параметрларини, ўқув ахборотининг амалий йўналтирилганлигини, таълимдаги ижтимойлаштириш тамойилларини, назорат масалаларида таълим муассасаларининг мустақиллигини, ҳамкорлик педагогикаси ғояларини ҳисобга олиш, назоратнинг объектив воситаларини ишлаб чиқишидан иборат.

Таълим муассасалари бошқарув ходимларига педагоглар жамоасининг рейтинг тизимини жорий этиш билан боғлиқ фаолиятини

ташкіл этиш бүйіч атасынан берилди. Бу ишнинг муваффақиятини таъминловчи асосий шарт жамоаларда ўқитувчилар, бошқарув ходимлари, ўкувчиларнинг ўзаро муносабатларида демократик асосларни, ўзини-ўзи бошқаришни көнг миқёсда ривожлантиришдан иборат.

Таълим фаолиятининг сифатини назорат қилишни объективлаштириш муаммоларини яхлит күриб чиқиш негизида ўзаро боғлиқ ташкилий услугубий шартлар тизимидан ҳамда рейтинг тизимидан фойдаланишнинг афзаллуклари күриб чиқыды.

Бундан ташқари, тадқиқотлар натижаларига күра, күриб чиқилаётган масала бүйіч атасын предмети бұлиши мүмкін бўлган вазифалар мўлжалланди. Бу вазифалар жумласига таълимни стандартлаштириш, ўкув фанлари бүйіч атасын стандартларининг тасдиқланишида ишлаб чиқылган ёндошувларни такомиллаштириш масалалари киради. Педагог ходимлар меҳнатини рейтинг бүйіч баҳолаш, рейтинг кўрсаткачларини ҳисобга олиш ҳамда таҳлил қилиш бүйіч атаси такомиллаштириш, уни компьютер техникаси билан таъминлаш масалалари алоҳида кўриб чиқылиши лозим.

**Ўн олтинчидан.** Давлат таълим стандартлари жорий этилиши билан ТМ ўкувчилари ҳамда битирувчиларининг билими, малака ва кўнимкасини баҳолашда объективлик масалалари жуда долзарбдир. Ушбу ёндошувларда таълим сифатини ДТС орқали бошқаришнинг самарали йўллари кўрсатилган.

Мазкур тадқиқотда кенг маънодаги касб-хунар таълимининг сифатини таълим олувчи шахсини ривожлантиришнинг умумтаълим, касбий ва психофизиологик хусусиятларининг йигиндиси сифатида кўриб чиқишига ҳаракат қилинган.

ТМда таълим жараёни пировард натижалари истеъмолчиларини ташқи аудит қилиш асосида ТМ битирувчисининг таълим олувчилар ва уларнинг ота-оналари эҳтиёжларини, таълим стандартлари ҳамда меҳнат бозори талабларини қондирувчи модели ишлаб чиқилди. Ушбу модельда ёш мутахассиснинг ишчанлик ва шахсий физиатларига, унинг касбий ва умуммаданий савиясига, касбий маҳоратига қўйиладиган тадаблар узвий боғланган.

Таълим сифатини бошқаришни назорат қилиш мажмуйи тизимини бутун ўқиши давомида қўллаш схемаси ишлаб чиқилди.

Таълим сифатини назорат қилишнинг мажмуйи тизими жорий этилишини таъминлаш учун бутун жамоа — педагоглар ва ўкувчилар биргаликда умумий мақсадларни қабул қилиши учун шарт-шароитлар яратилди. Булар:

- асословчи мақсадлар;
- ТМни бошқариш моделинин такомиллаштириш;
- ўкув машгулотларини оқилона режалаштириш;

- педагогларни рағбатлантириш ҳамда экспериментни услубий ва техник жиҳатдан таъминлаш учун бюджетдан ташқари молиявий воситаларни жалб этиш.

Назорат қилишнинг мажмуйи тизими самарадорлигини экспериментал текшириш унинг барча босқичларида ижобий натижалар берди. **Жумладан:**

- касб-хунар ТМни бошқариш бўйича ишлаб чиқилган тузилма таълим сифатига замонавий педагогик технологияларни жорий этиш воситасида мунтазам ва объектив таъсир кўрсатиш имконини берди;
- жамоани умумий мақсад бирлаштиради. Булар: жамиятда фаол иш олиб боришига ҳамда замонавий меҳнат бозорига мослаштирилган юқори малакали кичик мутахассисни тайёрлаш; ўзини-ўзи назорат қилиш ҳар кимнинг асосий иш принцинига айланди;
- ТМ педагоглари таълим сифатини баҳолашнинг рейтинг ва мумтоз беш балли тизимларини оқилона уйғунлаштириш масалалари ўрганилди;
- таълим олишга ундаш кўллаб-куватланмоқда, таълим олувчи шахс ривожланмоқда, умумтаълим ва касб-хунар билимлари ҳамда маҳоратлари кўнкимаси орттирилмоқда, танланган касбга (ихтисосга) қизиқиш ошмоқда;
- назорат тизимининг барча турлари мазмуни ва изчиллиги касб-хунар таълимининг сифати таълим стандартларига мувофиқ бўлишини кафолатлашини тадқиқотлар кўрсатди;
- эксперимент натижалари мажмуйи тизим ҳар қандай таълим мусассасида қўлданилиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

**Ўн еттиничидан.** Таълим сифати ўлчовлари тизими таълим жараёни самарадорлигининг сифат ва миқдорий кўрсаткичлари йигиндисидан иборат. Сифат ўлчовларига қўйидагилар киради: шахсни таълимга жалб этиш даражаси, касб-хунар БКМлари даражаси (таълим сифатини таълим стандартлари бўйича назорат қилиш), умумтаълим маҳорати даражаси, шахс ривожланишининг умумий кўрсаткичлари, умумтаълим билимлари ва малакалари. Миқдорий кўрсаткичларга ўзлаштирилган фаолиятни автоматлаштиришнинг экспериментал тарзда ҳисоблаб чиқилган коэффициенти, битирувчини мажмуйи баҳолаш ва дастурий материални ўзлаштириш коэффициенти киради.

Таълим сифатини мажмуйи баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган методика қўйидаги босқичлардан иборат:

- ўлчовлар тизимини шакллантириш;
- сифатни диагностика қилишнинг педагогик технологиясини танлаш;
- натижалар билан ишлаш тизими;
- назорат натижалари таҳдили;

- ўқув жараёнини ва касб-хунар таълими сифатини назорат қилиш мажмуйи тизимини такомиллаштира бориш.

Тадқиқот жараёнида ушбу изланиш олдига қўйилган вазифа до-ирасига кирмаган, бироқ таълим сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлган қўйидаги қатор масалалар устида ишлаш тавсия этилади:

- муҳандис-педагоглар жамоасини, бошқарув обьекти сифатида ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш;
- таълим сифатини бошқариш ва баҳолашда республика ва минтақалар дарражасида мониторинг тизимини яратиш;
- таълим стандартларини амалга ошириш сифатини назорат қилишнинг стандартлаштирилган параметрларини ишлаб чиқиш;
- молиялаштириш ва моддий-техникавий жиҳозлаш дарражасининг таълим сифатига таъсирини тадқиқ қилиш муҳим.

Тадқиқотда таълим сифатини бошқаришнинг қатор вазифалари кўриб чиқилиб, ушбу китоб мавзуси билан боғлиқ бўлган ва келгусида илмий тадқиқотлар мазмунини ташкил этилишига таалуқли таклифлар илгари сурилади.

## ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН АДЛБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

- Каримов И. А.* Узбекистан: свой путь обновления и прогресса // Собр. соч. Т.1. С. 36–82.
- Каримов И. А.* Узбекистан — государство с великим будущим // Собр. соч. Т. 1. С. 99–133.
- Каримов И. А.* Не построй новый дом — не разрушай старого // Собр. соч. Т. 1. С. 133–139.
- Каримов И. А.* Я убежден — у Узбекистана великое будущее // Собр. соч. Т. 1. С. 139–161.
- Каримов И. А.* Интересы Родины объединяют народ // Собр. соч. Т. 1. С. 187–191.
- Каримов И. А.* Не сбиваясь, двигаться к великой цели // Собр. соч. Т. 1. С. 191–209.
- Каримов И. А.* Успех реформ — гарантия независимости // Собр. соч. Т. 1. С. 228–235.
- Каримов И. А.* Дань уважения. Речь на торжестве, посвященном открытию памятника Сахибикирану Амиру Темуру в г. Ташкенте 31 августа 1993 г. // Собр. соч. Т. 1. С. 344–346.
- Каримов И. А.* Оставим потомкам Родину свободной и благоустроенной // Собр. соч. Т. 2. С. 35–38.
- Каримов И. А.* Выступление на 48-ой сессии Генеральной Ассамблеи ООН // Собр. соч. Т. 2. С. 45–56.
- Каримов И. А.* Интересы Родины и благо народа — превыше всего // Собр. соч. Т. 2. С. 56–69.
- Каримов И. А.* Назначение науки — служить расцвету // Собр. соч. Т. 2. С. 74–81.
- Каримов И. А.* Наши высшая цель — экономическая независимость // Собр. соч. Т. 2. С. 81–90.
- Каримов И. А.* Поднимем выше потенциал и престиж Родины // Собр. соч. Т. 2. С. 126–141.
- Каримов И. А.* Экономические реформы: ответственный этап // Собр. соч. Т. 2. С. 174–201.
- Каримов И. А.* Наш путь — путь независимой государственности и прогресса // Собр. соч. Т. 2. С. 210–232.
- Каримов И. А.* Единство прошлого и будущего // Собр. соч. Т. 2. С. 232–241.
- Каримов И. А.* Интересы народа — основа и цель всей работы // Собр. соч. Т. 2. С. 244–247.
- Каримов И. А.* Наука должна служить прогрессу страны // Собр. соч. Т. 2. С. 248–264.

- Каримов И. А.* Независимость — это большая ответственность // Собр. соч. Т. 2. С. 314—318.
- Каримов И. А.* Вечно жив дух Улугбека // Собр. соч. Т. 2. С. 319—322.
- Каримов И. А.* Узбекистан на новой ступени реформ // Собр. соч. Т. 2. С. 361—364.
- Каримов И. А.* Смысл реформ — изменить к лучшему жизнь людей // Собр. соч. Т. 2. С. 373—378.
- Каримов И. А.* Основные принципы общественно-политического и экономического развития Узбекистана // Собр. соч. Т. 3. С. 3—48.
- Каримов И. А.* Путь Узбекистана — интеграция в мировое сообщество // Собр. соч. Т. 3. С. 54—63.
- Каримов И. А.* Родина священа для каждого // Собр. соч. Т. 3. С. 68—78.
- Каримов И. А.* Пусть всегда будет чистым небо над мирной страной // Собр. соч. Т. 3. С. 79—81.
- Каримов И. А.* Узбекистан с уверенностью смотрит в будущее // Собр. соч. Т. 3. С. 101—106.
- Каримов И. А.* Мы смотрим в будущее с уверенностью // Собр. соч. Т. 3. С. 134—144.
- Каримов И. А.* Важный шаг на пути духовного единства // Собр. соч. Т. 3. С. 150—154.
- Каримов И. А.* «Манас» — это древняя и бессмертная энциклопедия кыргызов // Собр. соч. Т. 3. С. 155—158.
- Каримов И. А.* Узбекистан по пути углубления экономических реформ // Собр. соч. Т. 3. С. 164—348.
- Каримов И. А.* Мы и дальше будем идти по пути строительства и созидания // Собр. соч. Т. 4. С. 3—15.
- Каримов И. А.* Нашей Родине жить в веках // Собр. соч. Т. 4. С. 16—19.
- Каримов И. А.* За укрепление безопасности и сотрудничества в регионе // Собр. соч. Т. 4. С. 31—38.
- Каримов И. А.* Высококвалифицированные специалисты — стимул прогресса // Собр. соч. Т. 4. С. 39—56.
- Каримов И. А.* От региональной безопасности к безопасности глобальной // Собр. соч. Т. 4. С. 57—60.
- Каримов И. А.* Наша цель — мир, стабильность, сотрудничество // Собр. соч. Т. 4. С. 61—85.
- Каримов И. А.* Великое государство не построить без расцвета науки // Собр. соч. Т. 4. С. 86—92.
- Каримов И. А.* Могучие крылья прогресса // Собр. соч. Т. 4. С. 118—132.
- Каримов И. А.* Разумно использовать возможности независимости // Собр. соч. Т. 4. С. 133—150.
- Каримов И. А.* Путь созидания — основа скорейшего процветания Родины // Собр. соч. Т. 4. С. 154—182.
- Каримов И. А.* Мы убеждены в правильности избранного пути // Собр. соч. Т. 4. С. 198—242.
- Каримов И. А.* Путь нашего народа — это путь независимости, свободы и глубоких реформ // Собр. соч. Т. 4. С. 266—296.
- Каримов И. А.* Народ Узбекистана не свернет с избранного пути // Собр. соч. Т. 4. С. 301—317.
- Каримов И. А.* Без прошлого нет будущего, без сотрудничества нет прогресса // Собр. соч. Т. 4. С. 329—337.

- Каримов И. А.* Жизнь подтверждает верность избранного нами пути // Собр. соч. Т. 5. С. 62–70.
- Каримов И. А.* Узбекистан на пути экономического подъема // Собр. соч. Т. 5. С. 77–99.
- Каримов И. А.* Великое будущее — это высокая духовность народа // Собр. соч. Т. 5. С. 139–144.
- Каримов И. А.* Мы верим в наши силы и возможности // Собр. соч. Т. 5. С. 150–159.
- Каримов И. А.* Пока народ жив, имя Амира Темура вечно // Собр. соч. Т. 5. С. 160–164.
- Каримов И. А.* Земля, взрастившая Сахибкирана // Собр. соч. Т. 5. С. 169–172.
- Каримов И. А.* Амир Темур — наша гордость // Собр. соч. Т. 5. С. 175–185.
- Каримов И. А.* Наш долг — честно жить, трудиться // Собр. соч. Т. 5. С. 186–195.
- Каримов И. А.* 1997 год должен стать годом благосостояния человека // Собр. соч. Т. 5. С. 217–221.
- Каримов И. А.* Стремление к новому — гарантия прогресса // Собр. соч. Т. 5. С. 290–311.
- Каримов И. А.* Обществу демократии — высокую правовую культуру // Собр. соч. Т. 6. С. 23–28.
- Каримов И. А.* Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса // Собр. соч. Т. 6. С. 29–244.
- Каримов И. А.* Современные кадры — важный фактор прогресса // Собр. соч. Т. 6. С. 245–250.
- Каримов И. А.* Новое мышление — требование времени // Собр. соч. Т. 6. С. 251–268.
- Каримов И. А.* Главная цель — экономический прогресс // Собр. соч. Т. 6. С. 268–287.
- Каримов И. А.* Экономика и духовность неразделимы // Собр. соч. Т. 6. С. 295–298.
- Каримов И. А.* Независимость — священное благо // Собр. соч. Т. 6. С. 229–301.
- Каримов И. А.* Гармонично развитое поколение — основа прогресса Узбекистана // Собр. соч. Т. 6. С. 305–327
- Каримов И. А.* За безопасность и устойчивое развитие // Собр. соч. Т. 6. С. 334–342.
- Каримов И. А.* Реформы меняют жизнь, а жизнь — мышление людей // Собр. соч. Т. 6. С. 343–349.
- Каримов И. А.* Узбекистан — не айсберг, чтобы дрейфовать // Собр. соч. Т. 6. С. 363–372.
- Каримов И. А.* Наши идеалы и цели —озвучны // Собр. соч. Т. 6. С. 373–377.
- Каримов И. А.* Благополучие семьи — благоденствие народа // Собр. соч. Т. 6. С. 378–385.
- Каримов И. А.* Достижение устойчивого прогресса — приоритетная задача // Собр. соч. Т. 7. С. 3–33.
- Каримов И. А.* Выступление на одиннадцатой сессии Олий Мажлиса Республики Узбекистан первого созыва // Собр. соч. Т. 7. С. 34–55.

- Каримов И. А. Народ ждет от нас практических дел // Собр. соч. Т. 7. С. 62—76.
- Каримов И. А. Идеология — это объединяющий флаг нации, общества, государства // Собр. соч. Т. 7. С. 82—100.
- Каримов И. А. Благосостояние народа — критерий нашей деятельности // Собр. соч. Т. 7. С. 106—127.
- Каримов И. А. Без исторической памяти нет будущего // Собр. соч. Т. 7. С. 128—151.
- Каримов И. А. Сплоченность народа — залог мира и прогресса // Собр. соч. Т. 7. С. 152—165.
- Каримов И. А. Выступление на церемонии открытия памятного комплекса Имама Аль-Бухари // Собр. соч. Т. 7. С. 179—183.
- Каримов И. А. Выступление на открытии памятника Ахмаду Аль-Фаргони // Собр. соч. Т. 7. С. 184—188.
- Каримов И. А. Выступление на заключительном заседании 155-й сессии Исполнительного совета ЮНЕСКО // Собр. соч. Т. 7. С. 189—201.
- Каримов И. А. Выступление на церемонии вручения медали ЮНЕСКО Президенту Республики Узбекистан // Собр. соч. Т. 202—203.
- Каримов И. А. Справедливость, интересы Родины и народа — превыше всего // Собр. соч. Т. 7. С. 204—217.
- Каримов И. А. Высокая нравственность — основа прогресса общества // Собр. соч. Т. 7. С. 218—230.
- Каримов И. А. Справедливость должна быть основой нашей деятельности // Собр. соч. Т. 7. С. 231—241.
- Каримов И. А. Жизненный источник приоритета закона и справедливости // Собр. соч. Т. 7. С. 242—250.
- Каримов И. А. Наши дети должны быть лучше, умнее, мудрее и, конечно, счастливее нас // Собр. соч. Т. 7. С. 267—283.
- Каримов И. А. Свое будущее мы строим своими руками // Собр. соч. Т. 7. С. 284—302.
- Каримов И. А. Будущее дано только бесстрашным людям // Собр. соч. Т. 7. С. 303—323.
- Каримов И. А. Никто не свернет нас с избранного пути // Собр. соч. Т. 7. С. 324—326.
- Каримов И. А. Сила народа — в единстве // Собр. соч. Т. 7. С. 327—341.
- Каримов И. А. Узбекистан, устремленный в XXI век // Собр. соч. Т. 7. С. 342—373.
- Каримов И. А. Испытание нашей воли и убежденности // Собр. соч. Т. 8. С. 3—16.
- Каримов И. А. Мир и стабильность — основа прогресса нашего региона // Собр. соч. Т. 8. С. 31—37.
- Каримов И. А. Свобода Родины — великое счастье // Собр. соч. Т. 8. С. 58—66.
- Каримов И. А. Выступление на торжественной церемонии, посвященной 800-летнему юбилею Джалилiddина Мангуберды // Собр. соч. Т. 8. С. 71—76.
- Каримов И. А. Выступление на торжественной церемонии, посвященной 1000-летию дастана «Алпомыш» // Собр. соч. Т. 8. С. 77—82.
- Каримов И. А. Здоровое поколение — будущее нашей страны // Собр. соч. Т. 8. С. 87—99.
- Каримов И. А. Я считаю себя сыном не только узбекского, но и каракалпакского народа // Собр. соч. Т. 8. С. 100—111.

- Каримов И. А.* В сердце и душе Джизакского народа // Собр. соч. Т. 8. С. 112—126.
- Каримов И. А.* Доверие народа — высшее счастье // Собр. соч. Т. 8. С. 127—139.
- Каримов И. А.* Наша цель — процветание Родины, дальнейшее повышение благосостояния народа // Собр. соч. Т. 8. С. 140—151.
- Каримов И. А.* Высшая цель — создание великого будущего нашей Родины // Собр. соч. Т. 8. С. 152—164.
- Каримов И. А.* Наша цель — независимость и процветание Родины, свобода и благополучие народа // Собр. соч. Т. 8. С. 322—340.
- Каримов И. А.* Поиск, инициатива и предпримчивость — веление времени // Собр. соч. Т. 8. С. 391—409.
- Каримов И. А.* Высший долг — работать и жить на одном дыхании с народом // Собр. соч. Т. 8. С. 429—448.
- Каримов И. А.* Национальная идеология — для нас источник духовно-нравственной силы в строительстве государства и общества // Собр. соч. Т. 8. С. 449—461.
- Каримов И. А.* Идеология национальной независимости — убеждение народа и вера в великое будущее // Собр. соч. Т. 8. С. 476—495.
- Каримов И. А.* Путь к процветанию — эффективное использование всех возможностей // Собр. соч. Т. 9. С. 42—65.
- Каримов И. А.* Наш дом — нам его беречь // Собр. соч. Т. 9. С. 66—92.
- Каримов И. А.* Речь на торжествах, посвященных 910-летию со дня рождения Бурхониддина Маргинони // Собр. соч. Т. 9. С. 107—115.
- Каримов И. А.* Речь на торжествах, посвященных 1130-летию Имама Мотуриди // Собр. соч. Т. 9. С. 116—125.
- Каримов И. А.* Пусть «Камолот» станет настоящей опорой и поддержкой молодежи // Собр. соч. Т. 9. С. 170—200.
- Каримов И. А.* За процветание Родины каждый из нас в ответе // Собр. соч. Т. 9. С. 206—242.
- Каримов И. А.* Выступление в Московском государственном университете // Собр. соч. Т. 9. С. 247—263.
- Каримов И. А.* Первым выпускникам магистратуры академических лицеев и профессиональных колледжей // Собр. соч. Т. 9. С. 336—338.
- Каримов И. А.* Работникам печати и средств массовой информации // Собр. соч. Т. 9. С. 351—355.
- Каримов И. А.* Выступление на торжественном заседании, посвященном 10-летию Конституции Республики Узбекистан // Народное слово. 2002. 6 декабря.

## II. МЕЙЁРИЙ-ХУКУКИЙ ВА ИНСТРУКТИВ ҲУЖЖАТЛАР

Конституция Республики Узбекистан		8.12.92
О дополнительных льготах учителям всех типов школ, воспитателям детских домов, повышении заработной платы учителям старших классов	№ 93	13.11.1990
Об упорядочении условий оплаты труда работников народного образования	№ 490	29.09.1994
О внесении изменений и дополнений в Государственную программу по реализации Закона «О государственном языке УзССР»	№ 311	10.09.1996

Об утверждении положений об учебных заведениях профессионального образования	№ 439	11.12.1996
Об улучшении музыкального образования, деятельности учебных заведений культуры и искусства в Республике Узбекистан «Умид» по поддержке обучения одаренной молодежи за границей	№ ПФ	31.12.1996
Об организации Фонда Президента Республики Узбекистан «Умид» по поддержке обучения одаренной молодежи за границей	№ ПФ - 1694	07.01.1997
Об организационных мерах по созданию Фонда Президента Республики Узбекистан «Умид» по поддержке обучения одаренной молодежи за границей	№ 22	13.01.1997
Об итогах социально-экономического развития в 1996 году и приоритетах углубления экономических реформ в 1997 году	№ 116	28.02.1997
О разработке Национальной программы по подготовке кадров	№ 99-ф	10.03.1997
О дополнительных мерах по улучшению материальных условий жизни учителей и учащихся	№ 409	20.08.1997
Закон Республики Узбекистан «Об образовании»	№ 464-І	29.08.1997
О порядке введения в действие Закона Республики Узбекистан «Об образовании»	№ 465	29.08.1997
Закон Республики Узбекистан «О Национальной программе по подготовке кадров»		29.08.1997
О коренном реформировании системы образования и подготовки кадров, воспитании совершенного поколения	№ ПФ-1869	06.10.1997
О мерах по реализации проекта Азиатского банка развития «Совершенствование системы издания учебников и учебной литературы для общеобразовательных школ»	№ 442-ф	29.10.1997
Об организации деятельности Республиканского Фонда «Устоз»	№ 576	30.12.1997
О совершенствовании обеспечения системы непрерывного образования учебниками и учебной литературой	№ 4	05.01.1998
О разработке и введении государственных образовательных стандартов для системы непрерывного образования	№ 5	05.01.1998
О мерах по ускорению формирования рынка образовательных услуг и маркетинга в сфере подготовки кадров	№ 48	28.01.1998
О проведении аттестации руководящих работников органов местного управления, министерств и системы непрерывного образования Республики Узбекистан	№ 65-ф	17.02.1998
Об организации и управлении деятельностью академических лицесов и профессиональных колледжей	№ 77	24.02.1998
О создании в составе Государственного центра тестирования Управления по контролю за качеством подготовки кадров, аттестации педагогических кадров и образовательных учреждений	№ 109	11.03.1998
О мерах по реализации проекта «Совершенствование системы издания учебников и учебной литературы для общеобразовательных школ»	№ 187	04.05.1998

Об организации общего среднего образования в Республике Узбекистан	№ 203	13.05.1998
О мерах по организации среднего специального, профессионального образования в Республике Узбекистан	№ 204	13.05.1998
Об обеспечении учащихся школ современными учебниками и учебной литературой	№ 213-ф	13.05.1998
О направлении в США преподавателей базовых вузов и профессиональных образовательных учреждений	№ 238-ф	26.05.1998
О направлении на учебу в США по линии АКСЕЛС группы учащихся из Узбекистана	№ 291-ф	22.06.1998
Об осуществлении организованного приема и качественного отбора молодежи в высшие и средние специальные, профессиональные учебные заведения РУз в 1998/99 учебном году	№ 320-ф	04.07.1998
Об отборе учащихся в средние специальные, профессиональные учебные учреждения	№ 321-ф	04.07.1998
О праздновании всенародного праздника — Дня учителя и наставника	№ 343-ф	16.07.1998
О совершенствовании деятельности Института истории Академии наук Республики Узбекистан	№ 315	27.07.1998
О направлении одаренной молодежи на 1998/99 учебный год в зарубежные вузы и перспективных специалистов для прохождения стажировки в зарубежных странах	№ 356-ф	27.07.1998
О внедрении образовательных оздоровительных программ по формированию здорового поколения	№ 427-ф	10.09.1998
О Программе развития и финансирования материально-технической базы академических лицеев и профессиональных колледжей на 1999—2005 годы	№ 406	23.09.1998
О мерах по совершенствованию подготовки кадров для внешнеполитических и внешнеэкономических служб Республики Узбекистан	№ 417	02.10.1998
О решении организационных вопросов, связанных с поддержкой обучающейся за пределами страны молодежи	№ Ф	18.11.1998
О совершенствовании системы подготовки и переподготовки журналистских кадров	№ 88	26.02.1999
О введении в учебные программы образовательных учреждений изучение материалов XIV сессии Олий Мажлиса Республики Узбекистан	№ 184	20.04.1999
Об организации деятельности Ташкентского исламского университета	№ 224	06.05.1999
О мерах по реализации основных положений, содержащихся в докладе Президента Республики Узбекистан на XIV сессии Олий Мажлиса	№ 296	10.06.1999
О подготовке и реализации проекта «Развитие среднего специального, профессионального образования» с участием АБР	№ 269-ф	12.06.1999
О направлении на учебу в США учащихся старших классов школ Узбекистана	№ 278-ф	17.06.1999

О мерах по созданию и развитию сети негосударственных детских дошкольных учреждений	№ 313	24.06.1999
О подготовке квалифицированных кадров для сферы туризма в Узбекистане	№ ПФ-2332	30.06.1999
О мерах по совершенствованию системы подготовки кадров в области туризма в Республике Узбекистан	№ 324	02.07.1999
О приеме в учреждения среднего специального, профессионального образования	№ 321-Ф	07.07.1999
Об утверждении положений по приему в образовательные учреждения Республики Узбекистан	№ 342	12.07.1999
О дополнительных мерах по эффективному использованию учебных помещений общеобразовательных школ	№ 352	19.07.1999
О повышении заработной платы профессорско-преподавательскому составу высших учебных заведений	№ ПФ-2341	20.07.1999
Об обеспечении качественного приема академических лицей и профессиональных колледжей, вводимых в 1999 году	№ Ф	06.08.1999
Об утверждении государственных образовательных стандартов общего среднего образования	№ 390	16.08.1999
О присвоении Ташкентскому государственному университету статуса «Национального университета Узбекистана»	№ ПФ-2532	28.01.2000
Об организации обучения представителей Республики Узбекистан в Японии	№ 33	01.02.2000
О мерах по реализации проекта «Развитие среднего специального, профессионального образования»	№ 82	07.03.2000
Об утверждении обновленного состава Республиканской комиссии по осуществлению Национальной программы по подготовке кадров	№ ПФ-2570	03.04.2000
О дополнительных мерах по стимулированию деятельности профессорско-преподавательского состава и студентов Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека	№ 196	19.05.2000
О создании Координационной комиссии Республики Узбекистан по пересмотру и созданию новых учебных программ, учебников и учебных пособий	№ 208	29.05.2000
О направлении на учебу в США учащихся старших классов школ Узбекистана	№ 343-Ф	16.06.2000
Об обмене учебниками для средних общеобразовательных школ странами Средней Азии	№ 388-Ф	04.07.2000
О проведении государственной аттестации ректоров ВУЗов	№ 325	16.08.2000
О дополнительных мерах по стимулированию труда работников академических лицей и профессиональных колледжей	№ 327	21.08.2000
О совершенствовании деятельности комиссий по делам несовершеннолетних	№ 360	21.09.2000
О создании хозрасчетных служб по эксплуатации зданий и инженерных сооружений академических лицей и профессиональных колледжей	№ 381	02.10.2000

Об утверждении Государственных образовательных стандартов среднего специального, профессионального образования	№ 400	16.10.2000
О дополнительных мерах по развитию материально-технической базы профессиональных колледжей	№ 465	29.11.2000
Протокол заседания Республиканской комиссии по реализации Национальной программы по подготовке кадров		26.12.2000
Об организации изучения Конституции Республики Узбекистан	№ Ф-1322	04.01.2001
О создании и внедрении в систему образования Республики учебных программ по предмету «Идея национальной независимости: основные понятия и принципы»	№ Ф-1331	18.01.2001
Протокол заседания Республиканской комиссии по реализации Национальной программы по подготовке кадров		14.03.2001
О порядке подготовки и реализации проектов с участием международных финансовых и экономических организаций	№ 169-ф	30.03.2001
Протокол заседания Республиканской координационной комиссии по пересмотру и созданию новых учебных программ, учебников и учебных пособий	№ 07-11-47	31.03.2001
Протокол заседания Государственной комиссии по подготовке, координации и контролю реализации проекта «Совершенствование системы издания учебников и учебных пособий для общеобразовательных школ»	№ 07-10-48	31.03.2001
Протокол расширенного заседания Республиканской комиссии по реализации Национальной программы по подготовке кадров	№ 07-19-49	31.03.2001
О мерах по совершенствованию организации подготовки высококвалифицированных специалистов для горнometаллургической промышленности	№ ПФ-2829	12.04.2001
Протокол расширенного заседания Республиканской комиссии по реализации Национальной программы по подготовке кадров		20.04.2001
Протокол заседания Государственной комиссии по подготовке, координации и контролю реализации проекта «Совершенствование системы издания учебников и учебных пособий для общеобразовательных школ», а также пересмотру и созданию новых учебных программ, учебников и учебных пособий	№ 07-1-87	19.05.2001
О мерах по организации разработки Программы развития компьютерных и информационных технологий на 2001 – 2005 годы, обеспечения широкого доступа к международным информационным системам «Интернет»	№ 230	23.05.2001
О мерах по совершенствованию структуры среднего специального, профессионального образования	№ 253	12.06.2001
О присвоении ученых степеней или ученых званий победителям конкурсов «Автор лучшего учебника и учебного пособия года»	№ 290	06.07.2001

О предоставлении образовательных кредитов для обучения в высших учебных заведениях на платно-контрактной основе	№ 318	26.07.2001
О мерах по дальнейшему развитию материально-технической базы академических лицеев и профессиональных колледжей	№ 338	14.08.2001
О создании нового поколения учебников и учебной литературы для системы среднего специального, профессионального образования	№ 341	16.08.2001
Об утверждении Государственных образовательных стандартов высшего образования	№ 343	16.08.2001
О создании группы по мониторингу образовательных реформ	№ 504-Ф	07.09.2001
Протокол расширенного заседания Республиканской комиссии по реализации Национальной программы по подготовке кадров	№ 07-16-163	21.09.2001
Протокол расширенного заседания Государственной комиссии по подготовке, координации и контролю реализации проекта «Совершенствование системы издания учебников и учебных пособий для общеобразовательных школ», а также пересмотру и созданию новых учебных программ, учебников и учебных пособий	№ 07-12-162	21.09.2001
О мерах по совершенствованию системы подготовки педагогических кадров для средних специальных, профессиональных образовательных учреждений	№ 400	04.10.2001
Протокол расширенного заседания Республиканской комиссии по реализации Национальной программы по подготовке кадров		28.12.2001
Об организации Международного Вестминстерского университета в городе Ташкенте	№ 22	16.01.2002
Протокол расширенного заседания Республиканской комиссии по реализации Национальной программы по подготовке кадров	№ 07-1-35	05.02.2002
О дальнейшем развитии компьютеризации и внедрении информационно-коммуникационных технологий	№ ПФ-3080	30.05.2002
О мерах по дальнейшему развитию компьютеризации и внедрению информационно-коммуникационных технологий		06.06.2002
О создании Фонда развития детского спорта Узбекистана	№ УР	24.10.2002
О Государственной общенациональной программе развития школьного образования на 2004—2009 гг.	№ УР	05.2004

### III. Адабнётлар

- Аванесов В. С.* Научные проблемы тестового контроля знаний. М.: ИЦПКПС, 1994. С. 135.
- Аванесов В. С.* Основы научной организации педагогического контроля в высшей школе. М.: ИЦПКПС, 1989. С. 167.
- Аванесов В. С.* Вопросы объективизации оценки результатов обучения. М.: НИИВШ, 1976. С. 66.
- Аванесов В. С.* Научные проблемы тестового контроля знаний. М., 1994. С. 135.
- Аванесов В. С.* Содержание теста: теоретический анализ. М., Химия в школе, 1994, №2.
- Адаме В., Мидлтон Д., Зайдераан А.* Доклад Всемирного банка о политике в области профессионального образования // Перспективы, 1993, № 2. С. 8—24.
- Айвазян С. А., Енюков И. С., Мешалкин Л. Д.* Прикладная статистика. Исследование зависимостей. М.: Финансы и статистика, 1985. С. 487.
- Айзенк Г. Дж.* Узнай свой собственный коэффициент интеллекта. Н. Новгород, 1994. С. 170.
- Азизходжаева Н. Н.* Педагогические технологии и педагогическое мастерство. — Ташкент: Молия, 2002.
- Акмираев Р. Х., Волкова С. Р.* Рейтинговая система оценки знаний в учебных заведениях ССПО — Ташкент, ИРССПО, 1999. С. 7.
- Актуальные проблемы управления.* М.; Знание, 1972. С. 283.
- Акофф Р., Ймери Ф.* О целеустремленных системах / Пер. с англ. М.: Советское радио, 1974. С. 272.
- Александров Г. Н.* О системно-структурном подходе к познавательной деятельности обучаемых // Вопросы педагогики высшей школы и частных методик УАИ — Уфа, 1979. Вып. 3-е. С. 3—20.
- Алексеева Л. П., Шаблыгина Н. С.* Преподавательские кадры, состояние и проблемы профессиональной компетентности. М.: 1994 С. 44. // Содержание, формы и методы обучения в высшей школе: Обз. информ. / НИИВО; Вып. 2.
- Алимова Г. Я.* Дидактические основы использования перспективных педагогических технологий контроля знаний школьников на современном этапе. Дисс. канд. пед.наук. Т.: 2001. С. 168.
- Алферов С. Ю.* Непрерывное образование: Опыт развитых стран // Сов. педагогика, 1990, №8. С. 131—136.
- Алферов Ю. С., Курдюмова И. М., Писареева Л. И.* Оценка и аттестация кадров образования за рубежом. Под ред. Алферева и В.С.Лазарева. — М., 1997.
- Аманашвили Ш. А.* Обучение, оценка, отметка. М.: Знание, 1980. С. 96.
- Ананьев Б. Г.* Человек как предмет познания. Л.; Изд-во ЛГУ, 1968. С. 336.
- Ананьев Б. Г.* Психология педагогической оценки // Избранные психологические труды: в 2 т. М.: 1980 Т. 2. С. 128—267.
- Ананьев Б. Г.* Человек как предмет познания. — Л.: 1969. С. 248.
- Анастази А.* Психологическое тестирование. В 2 т. — Пер. с англ. М.: Педагогика, 1982. Т. 1. С. 316, С. 35—36, С. 97—126; Т. 2. С. 298, С. 36—70.
- Ангеловски К.* Учителя и инновации. Пер. с макед. М., 1991.
- Ангеловски К.* Учителя и инновации: Книга для учителя. М.: Просвещение, 1991, С. 159.
- Анисимов Н. Ф., Байденко В. И., Коломенская А. Л., Семушкина Л. Г.* Среднее профессиональное образование в России: период реформ. М.: НМД ОТО, 1995. С. 112.

- Аннамуратова С. К.* Художественно-эстетическое воспитание школьников Узбекистана. — Т.: Фан, 1991. С. 370.
- Анссофф И.* Стратегическое управление. М., 1989.
- Архангельский С.Н.* Лекции по научной организации учебного процесса в высшей школе. М.: Высшая школа, 1981. С. 397.
- Афанасьев В. Г.* Человек в управлении обществом. М.: Наука, 1991.
- Афанасьев В. Г.* Общество, системность, познание и управление. М.: Политиздат, 1982. С. 432.
- Афанасьев В. Г.* Системность и общество. М.: Политиздат, 1980. С. 368.
- Афанасьева Т. П., Елисеева И.А., Немова Н.В.* Аттестация педагогических и руководящих кадров образования. М., 1996.
- Ахлидинов Р. Ш., Олдройд Д., Ходжаев А., Насырова Ф., Камилова М.* Управление образованием в Узбекистане: проблемы, поиск, решения. — Ташкент: ЕС — ТАСИС, 1999.
- Ахмедова А.* Истина рождается в споре: Об управлении системой образования. // Учитель Узбекистана, 1990. 24 ноября.
- Ачилов М. А.* Нравственное формирование будущего учителя. Т., Укитувчи, 1978.
- Бабанский Ю. К.* Оптимизация учебно-воспитательного процесса. М., 1982, Просвещение. С. 192.
- Бабанский Ю. К.* и др. Педагогика / Учебное пособие. М.: Просвещение, 1985. С. 479.
- Бабанский Ю. К.* Оптимизация учебно-воспитательного процесса. М.: Просвещение, 1982. С. 192.
- Байденко В. И.* Диверсификация среднего профессионального образования. М.: 1995. С. 44. // Проблемы среднего профессионального образования: Обз. информ. / НИИВО; Вып. 2.
- Бал Г. А.* Теория учебных задач. М.: Педагогика, 1990. С. 184.
- Батышева С. Я., Шапоринского С. А.* Основы профессиональной педагогики М.; Высшая школа, 1977. С. 504.
- Байденко В. И.* Образовательный стандарт: опыт системного исследования. — Новгород: НовГУ им. Ярослава Мудрого, 1999.
- Байденко В. И.* Стандарты в непрерывном образовании: концептуальные, теоретические и методические проблемы. М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 1999.
- Безрукова В. С., Карнова Г. А.* Инновационная готовность директора ПТУ // Педагогический процесс и экономика технических лицеев: Сб. статей, ч.1. Свердл. обл. отд. пед. общ.-ва РФ, 1992. С. 14.
- Безрукова В. С.* Педагогика профессионально-технического образования; Текст лекций. Свердловск: Свердл. инж. пед. ин-т, 1990, С. 20.
- Бекренев А., Михелькевич В.* Интегрированная система многоуровневого высшего технического образования // Высшее образование в России, 1995. № 2. С. 111—121.
- Белкин А. С.* Ситуация успеха. Как ее создать. М.: Просвещение, 1991 С. 176.
- Беляева А. П.* Дидактические принципы профессиональной подготовки в профтехучилищах. М.: 1991 С. 205.
- Бенвенисте Г.* Овладение политикой планирования. М. 1995.
- Беннет Р.* Пути децентрализации государственного управления // Проблемы теории и практики управления. 1992, № 1. С. 3.
- Березняк Е. С.* Руководство современной школой. М. 1988.
- Березняк К.* Руководство современной школой. М.: Просвещение. 1983. С. 208.

- Беспалько В. Н.* Педагогика и прогрессивные технологии обучения. М.: Высшая школа, 1995. С. 298.
- Беспалько В. Н.* О критериях качества подготовки специалиста // Вестник высшей школы, 1988. № 1. С. 3—8.
- Беспалько В. Н.* Педагогика и прогрессивные технологии обучения. М.: ИРПО, 1996. С. 336.
- Беспалько В. Н.* Слагаемые педагогической технологии. М.: Педагогика, 1989. С. 168.
- Беспалько В. Н.* Теоретические основы стандартизации образования // Педагогическое обеспечение государственного стандарта образования. М.: ИРПО, 1994. С. 3—42.
- Беспалько В. Н., Татур Ю. Г.* Системно-методическое обеспечение учебно-воспитательного процесса подготовки специалистов. М.: Высшая школа, 1988. С. 144.
- Бешелев С. Д., Гурвич Ф. Г.* Математико-статистические методы экспертных оценок. М.: Статистика, 1980. С. 263.
- Блауберг И. В., Садовский В. Н., Юдин Э. Г.* Системный подход: предпосылки, проблемы, трудности. М.: Знание. 1969. С. 48.
- Блауберг И. В., Юдин Э. Г.* Становление и сущность системного подхода. М.: Наука, 1973. С. 270.
- Благачек И.* В основе — системный подход // Профессионально-техническое образование, 1977, № 9. С. 21—22.
- Боно де Э.* Рождение новой идеи: о нешаблонном мышлении. Пер. с англ. М. 1976.
- Борисов А.* Не управлять, сотрудничать. Управление народным образованием // Учитель Узбекистана, 1991, 6—12 июня.
- Брайан С.* Общество и образование. Пер. с англ. М. Прогресс, 1989.
- Бредлик У.* Менеджмент в организациях. М., 1997.
- Булгаков А. А.* Профессионально-техническое образование в СССР на современном этапе. М.: Высшая школа, 1977. С. 311.
- Булынский Н. Н.* Самоаттестация профессионально-технического учебного заведения; Метод. реком. Челябинск: МО РФ Челяб. филиал НПО, 1992. С. 37.
- Булынский Н. Н.* Внедрение педагогических тестов в систему управления качеством профессионального образования учащихся ПУ; Метод. пос. Челябинск: ГУ ПТО Адм. Челяб. обл. 1995.
- Бургин М.* Инновации и новизна в педагогике // Советская педагогика, 1989, № 12. С. 38.
- Бурлачук Л. Ф., Морозов С. М.* Словарь-справочник по психологической диагностике, Киев, 1989, Наукова думка, С. 200.
- Вазина К. Я., Петров Ю. Н., Белиловский В. Д.* Педагогический менеджмент, М.: Педагогика, 1991. С. 268.
- Васильев Ю., Орлов Л.* Совершенствование системы внутриучилищного управления // Народное образование, 1984, № 7. С. 73—78.
- Васильев Ю. В.* Педагогическое управление в школе: Методология, теория, практика. М., Педагогика, 1990.
- Векслер С.* Важнейший критерий оценки деятельности учителей и учащихся // Народное образование, 1976, № 9. С. 81.
- Вербицкий А. А.* Концепция знаково-контекстного обучения в вузе // Вопросы психологии, 1987. № 5 С. 31—39.
- Вербицкий А. А.* Самостоятельная работа студентов: проблемы и опыт // Высшее образование в России, 1995. № 2. С. 137—146.
- Вертгеймер М.* Продуктивное мышление. М., Прогресс, 1987. С. 336.

- Витке Н.* Вопросы управления // Проблемы теории и практики управления, 1991, № 4. С. 115–119.
- Виханский О. С., Наумов А. И.* Менеджмент: человек, стратегия, организация, процесс. М., 1995.
- Власенков А. И.* Перспективная оценка и ее стимулирующее значение // Советская педагогика, 1973, № 3. С. 22–29.
- Возрастная и педагогическая психология: Тексты. М.: МГУ, 1992. С. 272.
- Вооглайд Ю.* О структуре инновационного процесса. /В кн. «Проблемы управленческих нововведений и хозяйственного экспериментирования». — Таллин, 1978.
- Вудлок М., Френсис Д.* Раскрепощенный менеджер. М., 1991.
- Выготский Л. С.* Избранные психологические исследования. М.; АПН РСФСР, 1956. С. 519.
- Выготский Л. С.* Педагогическая психология // Под ред. В. В. Давыдова. — М.: Педагогика, 1991. С. 480.
- Гайбулаев Н. Р.* Практические занятия как средство повышения эффективности обучения математике: Пособ. для учит. Т.: Укитувчи, 1979. С. 243.
- Гайбулаев Н. Р.* Практическая направленность учебно-воспитательного процесса. Т.: Укитувчи, 1882. С. 122.
- Галаган А. Н., Полянская Г. И.* Система образования в США. М., НИИВШ, 1998. С. 52.
- Гальперин П. Я.* Психология мышления и учение о поэтапном формировании умственных действий. М.: Наука, 1966. С. 138.
- Гареев В. М., Куликов С. И., Дурко Е. М.* Принципы модульного обучения // Вестник высшей школы, 1987, № 8. С. 30–33.
- Гарунов М. Г., Семушкина Л. Г., Фокин Ю. Г., Чернышев А. П.* Этюды дидактики высшей школы: монография //Под общ. ред. А. П. Чернышева. М.: НИИВО, 1994. С. 136.
- Гвишиани Д. М.* Организация и управление. М.; Наука, 1972. С. 535.
- Гвишиани Д. М.* Диалектика, системность, глобальное моделирование // Вопросы философии, 1983, № 5. С. 127.
- Гвишиани Д. М., Лапина Н. И.* Краткий словарь по социологии / Под общ. М.; Политиздат, 1989. С. 479.
- Гершунский Б. С.* О научном статусе и прогностической функции педагогической теории // Советская педагогика, 1984, № 10. С. 67.
- Гершунский Б. С.* Россия: образование и будущее // Кризис образования в России на пороге XXI века. — Челябинск, 1993, С. 240.
- Гершунский Б. С.* Философия образования для XXI века. М.: 2002. С 509.
- Гессен С.И.* Основы педагогики. Введение в прикладную философию / Отв. ред. и сост. П.В.Алексеев, М.; Школа-Пресс, 1995. С.127.
- Гласс Д., Стенли Д.* Статистические методы в педагогике и психологии— М.: Наука. 1976. С. 470.
- Гличев А. В.* Очерки по экономике и организации управления качеством продукции // Стандарты и качество, 1994, № 12. С. 21.
- Гличев А. В.* Современное представление о механизме управления качеством продукции // Стандарты и качество. 1995, № 4. С. 45.
- Горбунова Н. В.* Внутришкольное управление: теория и опыт педагогических и управленческих инноваций. М. 1995.
- Грабарь М. И., Краснянская К. А.* Применение математической статистики в педагогических исследованиях. Непараметрические методы. М.: Педагогика, 1977. С. 134.

- Грановская Р. М.* Элементы практической деятельности психологии. ЛГУ, Ленинград, 1984. С. 392.
- Гринштун И. Б.* Введение в психологию. М.: 1994. С. 147.
- Громкова М. Т.* Технология образовательных процессов. М.: 1992. С. 106.
- Грязнов Ю. М.* Планирование деятельности училища и отчетности: Биб-ка руковод. профтехучилища. М.: Высшая школа, 1984. С. 80.
- Гулямитдинов С. З., Переходов Л. В.* Научно-методические основы обеспечения качества и конкурентоспособности кадров // Тальим муваммолари, 1998, №3.
- Гутман Г., Щетинин А.* Нерыночный сектор в системе рыночных отношений // Проблемы теории и практики управления. 1992, № 1. С. 7.
- Гутник С. П., Сосенке В. Е., Гугман В. Д.* Расчеты по технологии органического синтеза. М.: Химия, 1988. С. 272.
- Гутник С. П., Кадоркина Г. Л., Сосенке В. Е.* Примеры и задачи по технологии органического синтеза. — М.: Химия, 1984. С. 192.
- Давлетшин М. Г.* Қобилият ва унинг диагностикаси. Т.: Үқитувчи, 1979.—133 б.
- Давыдов В. В.* Проблемы развивающего обучения. М. Педагогика, 1986.
- Данько А. Л.* Формирование аналитико-диагностических основ методического управления. Ташкент., 1992.
- Джусраев Р. Х.* Теория и практика интенсификации профессиональной подготовки учащихся профтехколледжей. Т.: Фан, 1992. С. 259.
- Джуринский А. Н.* Зарубежная школа: Современное состояние и тенденции развития. М. Просвещение, 1993.
- Днепров Э. Д.* Четвёртая школьная реформа. М., Интерпракс, 1994.
- Днепров Э. Д.* Школьная реформа между «вчера» и «завтра». М. 1996.
- Додонов Б. М.* Управление мотивацией познавательной деятельности студентов на основе рейтинговой системы // Тезисы докладов участников школы-семинара «Научные проблемы тестового контроля знаний» 14—18.03.94 / Под ред. В. С. Авансова, Д. В. Люсина, М. Б. Чельшковой. М.: ИЦПКПС, 1994. С. 32—35.
- Донцов А. И.* Психология коллектива. М., 1984.
- Дружинин В. И.* Психологическая диагностика способностей, Саратов, 1990, СГУ, Ч. 1. С. 140.
- Дружинин В. И.* Психологическая диагностика способностей, Саратов, 1990, СГУ, Ч. 2. С. 160.
- Дубицкий Л. Г.* Компьютерная квалиметрия — ключ к управлению качеством жизни // Стандарты и качество, 1994, № 1. С. 37.
- Дулепова Н. В., Бельченко Л. А.* Система непрерывного контроля знаний студентов на основе индивидуального кумулятивного индекса (ИКИ) и модульной структуры курса /Тезисы докладов научно-практической конференции. — Барнаул, 1992. С. 3—5.
- Дуранов У. Е.* Проблемы профессиональной направленности молодежи. Челябинск: ЧелГУ, 1991. С. 109.
- Ефремов П.* Фронтальное инспектирование // Профессионально-техническое образование. 1975. № 7. С. 18—19.
- Жабинец И. М.* Директор профтехучилища — организатор и руководитель учебно-воспитательного процесса: Биб-ка руковод. профтехучилища.: Высшая школа, 1984. С. 80.
- Жан-Клад Эшер.* Новые информационные технологии в образовании: экономический аспект. М., Перспективы: вопросы образования, № 4, 1988.
- Жариков Е. С.* Вступающему в должность. М., «Знание», 1995.

**Жуковец И. И.** Использование внутриучилищного контроля для повышения качества учебно-воспитательного процесса в образовательных учреждениях профтехобразования: Метод, реком. М.: Госпрофобр, ЦУМК, 1975. С. 21.

**Жуковская З. Д.** Методологические основы и технологии разработки и функционирования комплексной системы контроля качества подготовки специалистов в вузе. Диссертация на соискание ученой степени доктора пед. наук. С.-П.; 1994. С. 420.

**Журавлева В. И.** Введение в научное исследование по педагогике; Уч. пос. для пед. ин-тов / Под М.: Педагогика, 1988. С. 264.

**Загвязинский В. И.** Методология и методика дидактического исследования. М.; Педагогика, 1982. С. 160.

**Загвязинский В. И.** Педагогическое творчество учителя. М., 1987.

**Загвязинский В. И.** Педагогическое предвидение. М., 1987.

**Загвязинский В. И., Гильманов С. А.** Творчество в управлении школой. М., 1992.

**Зайцев А.** Внутриучилищный контроль учебного процесса // Профессионально-техническое образование, 1971, № 8. С. 10–12.

**Занков Л. В.** Дидактика и жизнь. М: Просвещение, 1968. С. 175.

**Зеер Э.Ф., Глуханюк Н.С.** Аттестация руководителей: теория и практика. Екатеринбург: Изд-во УралГППУ, 1994. С. 3–30.

**Зеленев Л. А.** Структура педагогической деятельности // Философско-социологические вопросы совершенствования народного образования: Сб. научных трудов. Горький, 1983. С. 157.

**Зигерт В., Ланг Л.** Руководитель без конфликтов. М., 1990.

**Зимина П. В., Кондакова М. И., Соцеротова Н. И.** Вопросы внутришкольного управления в свете реформы общеобразовательной и профессиональной школы. М.: НИИОП АПН СССР, вып. 2 (12), 1985. С. 48.

**Зимняя И. А.** Элементарный курс педагогической психологии. М.: ИЦПКПС, 1992. С. 111.

**Зорина Л. Я.** Программа-учебник-учитель. М., Знание. 1989. С. 80.

**Зубарева О. В., Манжос Н. П., Паринова Г. К.** Психология и педагогика в вопросах и ответах. Саратов, 1995 С. 138.

**Зырянова С. А.** Некоторые направления демократизации управленческой деятельности РайОНО. Алма-Ата, 1990.

**Идея национальной независимости: основные понятия и принципы.** Т.: Узбекистан, 2001. С. 76.

**Измайлов А. Э.** Народная педагогика: педагогические воззрения народов Средней Азии и Казахстана. М., 1991.

**Ильина Т. А.** Педагогика. М.: Просвещение, 1984. С. 495.

**Ильина Т. А.** Тестовая методика проверки знаний и программируемое обучение // Советская педагогика, 1967, № 2. С. 122–125.

**Ильясов И. И.** Структура процесса обучения. Изд-во МГУ, М., 1986. С. 200.

**Ингенкамп К.** Педагогическая диагностика. М.: Педагогика, 1991. С. 240.

**Ингенкамп К.** Педагогическая диагностика./ Перевод с нем. М., 1991.

**Инне Р. А.** Совершенствование фронтального инспектирования. Автореф. дисс. канд.пед.наук, Вильнюс, 1981. С. 22.

**Инновационное обучение: стратегия и практика.** М., 1994. С.15.

**Йўлдошев Ж. F.** Хорижда таълим. Т., Шарқ, 1996.

**Йўлдошев Ж. F.** Ўзбекистон Республикаси таълими – тараққиёт йўлида. – Т. Ўқитувчи, 1994.

- Йўлдошев Ж. Е.* Таълимимиз истиқтоли йўлида. Т. Шарқ, 1996.
- Кабушкин Н. И.* Основы менеджмента. Минск, 1996.
- Кагерманьян В. С., Гарунов М. Г., Маркова Н. А.* Технология обучения в системе научно-технического образования. М.: 1995 С. 52. // Содержание, формы и методы обучения в высшей школе: Обз. ин-форм./НИИВО Вып. 3.
- Казакевич Н. М.* Стандарты профессионального образования зарубежных стран. М.: ИРПО, 1993. С. 43.
- Калошина И. П.* Структура и механизмы творческой деятельности. М. МГУ, 1983. С. 168.
- Калугэ Л. де, Маркс Э., Петри М.* Развитие школы: модели и измерения. Калуга, 1993. С. 240.
- Кальметов Б.* Образовательный комплекс Узбекистана в условиях формирования рыночных отношений: обзор. Т., 1993.
- Кан-Калик В. А.* Учителю о педагогическом общении: Книга для учителя. М.: Просвещение, 1987. С. 190.
- Каору И.* Японские методы управления качеством. Сокр. пер с англ. М.: Экономика, 1988. С. 215.
- Каракулов К. Д.* Научно-педагогические основы управления общеобразовательной школой Казахстане. Автореферат дисс. д-ра педнаук. Т. 1992.
- Карпов А. В.* Психологический анализ деятельности и проблема психических процессов // Проблемы психологического анализа трудовой деятельности. Ярославль, 1986. С. 10–27.
- Карпов В. В., Катханов М. И., Свиридова Н. Г., Погосхни В. И.* Инвариантная модель интенсивной технологии при многоступенчатой подготовке в вузе. М.: ИЦПКПС, 1992. С. 142.
- Карпова Г. Ф., Михайлычева Е. А.* Методика изучения личности учащихся ПТУ. М.: Высшая школа, 1989. С. 126.
- Карташов П. И.* Внедрение рекомендаций педагогической науки в практику: организационно-управленческий аспект. М. 1984.
- Касандрова О. Н., Лебедев В. В.* Обработка результатов наблюдений. Казань, 1978. С. 120.
- Касимов Р. Я., Зинченко В. А., Грандберг Н. И.* Рейтинговый контроль // Высшее образование в России, 1994, № 2. С. 83–92.
- Касимов Р. Я., Сафонов А. Ф., Лукьянов Б. В. и др.* Рейтинговая автоматизированная система управления обучением студентов. Ч. 2. Методическая документация. М.: 1995. С. 56. // Новые технологии в образовании: Обз. инф-форм. / ННИВО. Вып. 3.
- Каспржак А. Г., Левит М. В.* Базисный учебный план и российское образование в эпоху перемен. М. 1994.
- Касумова Э.* Контроль и руководство деятельностью школы // Народное образование, 1981, № 7. С. 21–25.
- Катханов М. Н., Карпов В. В.* Методика разработки и внедрения системы рейтинг-контроля умений и знаний студентов. М.: ИЦПКПС, 1991. С. 49.
- Кедров Б. М., Смирнов П. В., Юдин Б. Г.* Взаимодействие общественных, естественных и технических наук. М.: Наука, 1984. С. 320.
- Кларин В. М.* Система учебных целей // Народное образование, 1990, № 8. С. 88–89.
- Кларин М. В.* Педагогическая технология в учебном процессе. М., Знание, 1989. С. 80.

- Кларин М. В.* Инновационные модели учебного процесса в современной зарубежной педагогике. Дисс. докт.пед.наук. М.: 1994. С. 346.
- Кларин Н. В.* Инновационные модели обучения в зарубежных педагогических классах. М., 1994.
- Князев Е. Н., Курдюмов С. И.* Синергетика как средство интеграции естественнонаучного и гуманитарного образования // Высшее образование в России, 1994, № 4. С. 33.
- Коджаспирова Г. М.* Педагогика в таблицах и схемах. М.: МГОПИ, 1993. С. 94.
- Козелецкий Ю.* Психологическая теория решений. М., Прогресс, 1979, С. 503.
- Козлова О., Радченко Я.* Эффективность управленческой деятельности// Политическое самообразование, 1976, № 6. С. 18—27.
- Козловой С. В.* Теория управления производством, М.: Экономика, 1983. С. 423.
- Колесник М.С., Потапов Н.Я.* Контроль и инспектирование учебного процесса в учебных заведениях профессионально-технического образования, М.: Профтехиздат, 1962. С. 119.
- Коломиц Б. К.* Комплексная оценка и аттестация преподавателей учебных заведений. Концептуальные положения. М.: 1991. С. 42.
- Коменский Я. А.* Избранные педагогические сочинения: В 2 т. // Под ред. А. И. Пискунова. М.: Педагогика, Т. 2. 1982. С. 29.
- Кон И. С.* Ребёнок и общество./Историко-этнографическая перспектива/ М. Наука, 1988.
- Конаржевский С. А.* Что нужно знать директору школы о системах и системном подходе. Челябинск: ЧГПИ, 1986. С. 135.
- Конаржевский С. А.* О путях совершенствования управления школой. Магнитогорск: МГПИ, 1975. С. 115.
- Конаржевский Ю. А.* Педагогический анализ учебно-воспитательного процесса и управление школой. М., Педагогика, 1986. С. 144.
- Конаржевский Ю. А.* О некоторых проблемах управления школой // Советская педагогика, 1985, № 2. С. 50—53.
- Конаржевский Ю. А.* Внутришкольный менеджмент.: НМО «Творческая педагогика», 1993. С. 140.
- Конаржевский Ю. А., Татьянченко В. С.* Методические рекомендации по инспектированию внутришкольного управления. Челябинск: ЧГПИ, 1982. С. 109.
- Конаржевский Ю. А.* Внутришкольный менеджмент. 1992.
- Конаржевский Ю. А., Баймаковский В. С.* Пути совершенствования управления школой. Челябинск: Южно-Уральск. кн.изд-во, 1972. С. 115.
- Кондаков М.* Проблемы внутришкольного руководства и контроля // Народное образование, 1980, № 10. С. 103—111.
- Кондаков М. И.* Теоретические основы школоведения. М., 1982.
- Кондаков Н. И.* Логический словарь-справочник. М.: Наука, 1975. С. 720.
- Кондакова М. К.* Образование в современном мире: состояние и тенденции развития М.: Педагогика, 1986. С. 248.
- Контроль качества знаний учащихся профессиональных образовательных учреждений с использованием заданий тестового типа. Сборник методических материалов / Под ред. Е. И. Тупикина. Серпухов, 1995. С. 76.

- Коренев Ю. М., Синачев В. А.* Опыт создания и применения системы рейтинга // ЖВХО, 1990, № 3. С. 323—327.
- Корнилова Т. И.* Профессионализм и психология // Высшее образование в России. 1995. № 3. С. 81—90.
- Королев Ф. Ф.* Системный подход к возможности его применения в педагогических исследованиях // Сов. Пед., 1970, № 9, С. 103—115.
- Косынов В. И.* Системный подход как средство совершенствования анализа урока. Автореф. дисс. канд. пед. наук. Челябинск, 1987. С. 20.
- Коханович Л. И., Рябев Л. П.* Гуманизм — нравственная основа формирования личности студента. М.: 1993. С. 28. // Система воспитания в высшей школе: Обз. информ. НИИВО. Вып. 7.
- Кравцов Н. И.* Содержание методической работы в системе профессионально-технического образования. М.: Высшая школа, 1974. С. 268.
- Краевский В. В.* Проблемы научного обоснования обучения // Методологический анализ. М.: Педагогика, 1977. С. 246.
- Красовский Ю.* Формирование руководителя нового типа // Проблемы теории и практики управления, 1992, № 6. С. 120.
- Крепкий М. И., Полисар Э. Л.* Разработка и применение тестов успешности усвоения. М.: ИРПО, 1996. С. 84.
- Крепкий М. И., Чекулаев М. А.* Система контроля качества подготовки студентов, обеспечивающая требования государственных стандартов. М.: НМЦ СПО, 1994. С. 133.
- Кричевский В. И.* Совершенствование управленческих знаний как фактор повышения эффективности работы директора общеобразовательной школы. Дисс. канд. пед. наук. Л., 1980. С. 262.
- Кричевский В. Ю.* Управление школьным коллективом. Л., 1985.
- Кудинов А.* Образование: гибкая система. Зарубежный опыт. Позиция, 1993, № 1. С. 36—39.
- Кузьмин В. Л.* Место системного подхода в современном научном познании и марксистской методологии // Вопросы философии, 1980. № 1. С. 55—73; № 2. С. 46—58.
- Кузьмина Н. В.* Профессиональная деятельность преподавателя и мастера производственного обучения профтехучилища. М.: 1989 С. 167.
- Кузьмина Н. В.* Методы системного педагогического исследования. Л.: ЛГУ, 1980. С. 216.
- Кузьмина Н. В.* Среднее специальное учебное заведение как авторская школа // Специалист, 1993, № 8. С. 29.
- Кулагин Б. В.* Основы профессиональной психоdiagностики. Л., Медицина, 1984, С. 214.
- Кунц Г., О'Доннел С.* Управление: системный и ситуационный анализ управленческих функций. Т. 1. М., 1981.
- Куписевич Ч.* Основы общей дидактики. Пер. спольск., М., 1986, Высшая школа. С. 368.
- Куракин А. Т., Новикова Л. И.* О системном подходе в исследовании проблем воспитания // Советская педагогика, 1970, № 10. С. 96—106.
- Куранов М.* Научно-методические основы национального воспитания в общеобразовательных средних школах Узбекистана. — автореф. дисс. док. пед.-наук, Т.: 1998. С. 40.

*Курбанов Ш.* Развитие информационного пространства системы непрерывного образования (Методическая разработка). Ташкент, ТГИВ, 1998, 3,35 п.л.

*Курбанов Ш.* Совершенствование управления образованием и маркетинг в системе подготовки кадров. Ташкент, ТГИВ, 1998, 2,25 п.л.

*Курбанов Ш.* Олий касб-хунар таълими тузилмасида таълим стандартлари. Таълим муаммолари, илмий-услубий ютуқлар ва илғор тажрибалар, 1998, 3–6 б.

*Курбанов Ш.* Жамиятни эркинлаштириш ва таълимнинг янги қадриятлари. Ўкув кўлланма. Тошкент, Ўзбекистон, 1999, 2,15 п.л.

*Курбанов Ш.* Жамиятни эркинлаштириш ва шахсни ривожлантириш. Тошкент, ТошДУ, 1999, 3,25 п.л.

*Курбанов Ш.* Интеграция профессионального образования с наукой и производством. Методическая разработка. Ташкент, ТЭИС, 1999, 2,1 п.л.

*Курбанов Ш.* Совершенствование воспитательной и просветительной деятельности, повышение духовно-нравственного потенциала подрастающих поколений. Методическая разработка. Ташкент, ТЭИС, 1999, 1,85 п.л.

*Курбанов Ш., Сейтхалилов Э.* О разработке государственных образовательных стандартов в системе непрерывного образования. Таълим ва тарбия, № 3–4, 1997. С. 52–60.

*Курбанов Ш., Сейтхалилов Э.* Стандартизация профессионального образования в свете положений Национальной программы по подготовке кадров. Матер. Научн.-практ. конф. «Проблемы учебно-метод. обесп. стандартов проф. образ.», Ташкент-Анлижан, 1997. С. 32–35.

*Курбанов Ш., Сейтхалилов Э.* Кадрлар тайёрлаш миллий модели: XXI асрни кўзлаб. Халқ таълими, № 4, 1998. – 21–30 б.

*Курбанов Ш., Сейтхалилов Э.* Подготовка кадров новой формации — приоритет развития страны. Современные технологии образования в высшей школе. Бишкек, 1998. С. 119–124.

*Курбанов Ш., Сейтхалилов Э.* Национальная модель подготовки кадров. Ж. Преподавание языка и литературы, Ташкент, 1998, № 4. С. 4–14.

*Курбанов Ш., Сайдов Х., Аҳлиддинов Р.* Аждодлар орзуси. Халқ таълими, № 6, 98. – 5–18 б.

*Курбанов Ш., Сайдов Х., Аҳлиддинов Р.* Мустақиллик — орзуладар рӯёби. Халқ таълими № 1, 99. – 46–73 б.

*Курбанов Ш., Сайдов Х., Аҳлиддинов Р.* Орзуга эришмок йўли. Баркамол авлод ёхуд «Портглаш эффекти» нима. Халқ таълими, № 2–3, 99. 3–58 б.

*Курбанов Ш., Сейтхалилов Э.* Кадрлар тайёрлаш миллий дастури: таълимдаги инновациялар. Халқ таълими, 6, 1999. – 15–17 б.

*Курбанов Ш., Сейтхалилов Э.* Непрерывное образование в Национальной модели по подготовке кадров. Ташкент, Маърифат, 1999, 8,5 п.л.

*Курбанов Ш., Сейтхалилов Э.* Национальная модель по подготовке кадров: влияние на развитие общества. Ташкент, Акад. гос. и общ. строит., 1999, 6,0 п.л.

*Курбанов Ш., Сейтхалилов Э.* Кадрлар тайёрлаш дастури: педагогик илмий тадқиқот муаммолари ва йўналишлари. Тошкент, ФАН, 1999, 9,5 п.л.

*Курбанов Ш., Сайдов Х., Аҳлиддинов Р.* Баркамол авлод орзуси. Тошкент, Шарқ, 1999, 11,5 п.л.

*Курбанов Ш., Сейтхалилов Э.* Влияние Национальной программы по подготовке кадров на развитие общества и формирование личности. Учебное пособие. Ташкент, 1999, 4,25 п.л.

*Курбанов Ш., Сейтхалилов Э. А., Федорова А. Б.* Развитие системы образования Узбекистана за годы независимости — 1990—1999 годы (дошкольное, общее среднее образование). Статистика. Анализ. МинВУЗ, МНО, Ташкент, 1999. 11,0 п.л.

*Курбанов Ш., Сайдов Х., Аҳлиддинов Р.* Баркамол авлод орзуси. 2-чи тўлдирилган нашри. Тошкент, Ўз. энциклопедияси, 2000, 14,5 б.т.

*Курбанов Ш., Сейтхалилов Э.* Национальная программа по подготовке кадров — основа достижения стратегической цели. М.: ГОЭТАР Медицина, 2000. 137 С.

*Курбанов Ш., Сейтхалилов Э.* Национальная модель и программа по подготовке кадров — результат и достижение независимости Узбекистана. Ташкент, Шарқ, 2001. С. 655.

*Курбанов Ш., Сейтхалилов Э. ва бошқ.* Миллӣ истиқдол ғоясини шакллантириша ташкилий-услубий ёндашувлар. Тошкент, Университет, 2002. — 279 б.

*Курбанов Ш., Сейтхалилов Э. и др.* Формирование принципов идеи национальной независимости в сознании детей и учащейся молодежи. Ташкент, Университет, 2002. С. 288.

*Курбанов Ш., Сейтхалилов Э.* Управление качеством образования. Ташкент, Шарқ, 2004.— 598 С.

*Куриленко Т.М.* Управление школой. Задачи и деловые игры. Минск. Народная светла, 1988.

*Кучеренко С. М., Ламм А. П.* Психолого-педагогические способы оценивания учащихся. М.: 1991. С. 40.

*Кыверялг A. A.* Методы исследований в профессиональной педагогике. Таллин: Валгус, 1980. С. 334.

*Лаврентьев Г. В., Лаврентьева Н. Б.* Слагаемые технологии модульного обучения. Барнаул: Изд-во Алтайского гос. университета, 1994. С. 108.

*Ладенко И. С.* Интеллектуальные системы в целевом управлении. Новосибирск, 1987. С. 198.

*Ладенко И. С., Тульчинский Г. Л.* Логика целевого управления. Новосибирск: СО. «Наука», 1988. С. 8.

*Лазарев В. С.* Управление образованием на пороге новой эпохи // Педагогика, 1995, № 5. С. 12.

*Лазарев В. С. Авнаасьева Т. П., Елисеева И. А., Пуденко Т. И.* Руководство педагогическим коллективом: модели и методы. М., 1995.

*Лазарев В. С., Поташник М. М.* Как разработать программу развития школы. М., 1993.

*Ланда Л. Н.* Алгоритмизация в обучении. М.: Просвещение, 1966. С. 523.

*Левицкий М. Л., Нечаев Н. Н.* Измерения в учебно-воспитательной деятельности // Советская педагогика, 1990, № 8. С. 12—11.

*Леденева Т. М., Каплинский А. И., Руссман И. Б.* Технология оценки качества вузовской подготовки специалистов. Воронеж, 1992. С. 51.

*Леднев В. С.* Содержание образования. М.: Высшая школа, 1989. С. 360.

*Леднев В. С.* Содержание образования: сущность, структура, перспективы. М.: Высшая школа, 1991. С. 224.

*Лекторский В. А., Садовский В. Н.* О принципах исследования систем // Вопросы философии, 1960, № 8. С. 67—79.

- Леонов И. Г. Основы повышения качества. М.: Высш.шк., 1983. С. 25.
- Леонтьев А. Н. Деятельность. Сознание. Личность. М.: 1977. С. 304.
- Лернер И. Я. Качество знаний учащихся. Какими они должны быть? М.: Знание, 1978. С. 47.
- Лернер И. Я. Развивающее обучение с дидактических позиций // Педагогика, 1996, № 2. С. 7–11.
- Лихачев Б. Т. Педагогика. Учебное пособие. М.: Прометей, 1992. С. 528.
- Лобанов А. И., Вахмитцева Г. П., Шевченко Ф. Н. и др. Совершенствование методов самостоятельной и индивидуальной работы студентов. — Благовещенск, 1995. С. 29.
- Лук А. Н. Психология творчества. М.: Изд-во Наука, 1978. С. 128.
- Люйметс Х. Й. и др. На пути к новой школе. М.: Педагогика, 1988.
- Магзумов П. Т. Проверка и оценка качества знаний и умений учащихся по трудовой подготовке. Т.: УзНИИПН, 1990. С. 42.
- Макиенко Н. И. Педагогический процесс в училищах профессионально-технического образования/Под ред. М.Г. Коваленко. Минск: Вышшая школа, 1977. С. 256.
- Максимов Л. Повышать эффективность руководства ПТУ // Народное образование, 1979. № 8. С. 24–27.
- Максимова В. Н. Межпредметные связи в процессе обучения. М.: Просвещение, 1988. С. 192.
- Малькова З. А. Теоретико-методологические проблемы педагогики // Советская педагогика, 1982, № 3. С. 58.
- Маркарян Н. С. Вопросы системного исследования общества. М.: Знание, 1972. С. 65.
- Марков М. Теория социального управление. София, 1975. С. 447.
- Маркова Л. К. Психологический анализ профессиональной компетентности учителя // Советская педагогика, 1990. № 8. С. 82–88.
- Махмутов М. И., Михайлова З. Е. От идеи до внедрения. Казань, 1997.
- Мельников В. М., Ямпольский Л. Т. Введение в экспериментальную психологию личности. М.: Просвещение, 1985. С. 319.
- Мескон М. Х., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента. М., 1992.
- Методологические проблемы современной педагогической науки и практики Межвуз. сб. науч.тр./ ЧГПИ. Челябинск, 1988. С. 24.
- Мильнер Б. З., Евенко Л. И., Рапопорт В. С. Системный подход и организация управления. М.: Экономика, 1983, С. 224.
- Мирқосимов М. Ўзбек мутафаккирлари бошқариш ҳақида. Т., 1997.
- Мирқосимов М. Мактабни бошқаришнинг назарий ва педагогик асослари. Т.: Ўқитувчи, 1995.
- Миркин Б. Г. Моделирование многомерной социально-экономической информации/Математическое моделирование в социологии/Новосибирск. 1977.
- Митина И., Инышин А. Знать научные основы управление училищем // Профессионально-техническое образование, 1979, № 11.
- Михеев В. И. Моделирование и методы теории измерений в педагогике. М.: 1987. С. 200.
- Монден Я. «Тоета»: методы эффективного управления. М.: Экономика. 1989. С. 24.
- Моносзон Э. Н. Методологические основы развития педагогической науки на современном этапе // Советская педагогика, 1992, № 3. С. 76.

- Морозов С.* Профессиональная школа сегодня и завтра // Народное образование, 1994, № 5. С. 52–57.
- Мохов Б.* Совершенствовать стиль руководства // Профессионально-техническое образование, 1984, № 1. С. 2–4.
- Мусурмонова О.* Ўқитувчиларнинг маънавий маданиятини шакллантириш. Т.: Фан, 1998. – 112 б.
- Мусурмонова О.* Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 192 б.
- Мышко С. А.* Тестирование как психолого-педагогическое средство оценки академических способностей в системе образования США. М.: НИИВШ, 1980. С. 52.
- Найн А. Я.* Управление профессиональной подготовкой рабочей молодежи. М.: Педагогика, 1991. С. 136.
- Найн А. Я.* Психолого-педагогические методы управления трудовым коллективом в условиях рынка. Учебно-методическое пособие., Челябинск, облиУУ, 1993.
- Научная организация педагогического контроля в высшей школе. Научно-исследовательская лаборатория проблем многоступенчатого образования Харьковского автомобильно-дорожного института. Харьков, 1991.
- Научное управление обществом. М.: Мысль, 1978, вып. 12. С. 295.
- Невский В., Худоминский П.* «Критерии оценки» и школьная инспекция // Учительская газета. 1980. С. 14.
- Нечаев В. Я.* Социология образования М.: Изд-во МГУ, 1992. С. 200.
- Нечаев Н. Н.* Концепция непрерывного образования // Специалист, 1996. № 4. С. 2–3.
- Нишаналиев У. Н.* Формирование личности учителя трудового обучения: проблемы и перспективы. Т.: Фан, 1990. С. 85.
- Нишонова С.* Маънавият дарслари. Т.: Ўқитувчи, 1994. – 320 б.
- Новиков А. М.* Английский колледж. М. 1995. С. 32.
- Новиков А. М.* Научно-экспериментальная работа в образовательном учреждении. М.: АПО, 1996. С. 130.
- Новиков А. М.* Профтехшкола: стратегия развития. М.: Ровесник, 1991. С. 68.
- Новиков А. М.* Процесс и методы формирования трудовых умений. М.: Высшая школа, 1986. С. 286.
- Новое педагогическое мышление / Под ред. А. В. Петровского, М.: Педагогика, 1989. С. 280.
- Новые технологии обучения на ФПКП: теория, опыт, проблемы. В 2 кн. М.: ИЦПКПС, 1991. Кн. 2. С. 50.
- Обозов Н. Н.* Межличностные отношения. Л., 1979.
- Образование в современном мире: Сб. статей / Под ред. М. И. Кондакова. М.: Педагогика, 1986. С. 245.
- Обучение и развитие / Под ред. Л. В. Занкова. М.: Педагогика, 1975. С. 245.
- Общая теория статистики / Под ред. А. А. Спирина и О. Э. Башиной. М.: Финансы и статистика, 1996. С. 296.
- Образование: будущее России и человечества // Стандарты и качество, 1994, № 5. С. 53.
- О системном подходе в исследовании проблемы. Коллектив и личность Обз. инф., вып. VII. М.: НИИ общей пед-ки АПН СССР, 1977. С. 12–23.
- Ожегов С. И., Шведова Н. Ю.* Толковый словарь русского языка. М.: АЗЪ, 1995. С. 411.

- Оконь В. Введение в общую дидактику. Пер с польск. М., 1990.
- Организационно-деятельностные игры в народном образовании. // Сб. научн. труда. М.: АПН, 1990.
- Орлов А. А. Организация и управление. М.: Наука, 1968. С. 220.
- Орлов А. А. Опыт исследования затруднений в управленческой деятельности директора школы // Сов. педагогика, 1982, № 10. С. 66–69.
- Основы менеджмента и маркетинга. Под редакцией Седегова Р.С. Минск, 1995.
- Основы педагогики и психологии высшей школы / Под ред. А. В. Петровского. М.: Высшая школа, 1986. С. 303.
- Основные направления деятельности // Специалист, 1993, № 1. С. 3.
- Основы педагогического мастерства, под ред. И. А. Зязюна. М.: Просвещение, 1989. С. 302.
- Очилов М., Очилова Н. Мактаб бошқарув ходимикинг ўқитувчилар билан муомала одоби. «Ўқитувчи одоби», Т.: Ўқитувчи. 1997. 119–120 б.
- Олдройд Д., Ахлидинов Р.Ш., Ходжаев А., Жиянходжаев К. Методика решения проблем управления образованием. — Ташкент: ЕС — ТАСИС, 1999.
- Паначин Ф. Г. Органы просвещения и вопросы руководства и управления // Народное образование, 1990, № 1. С. 6–11.
- Пахомкин Б. И., Василовский В. В., Дроздов Ю. А. и др. Исследование и разработка технологии обучения на основе системы РИТМ. Таганрог, 1995. С. 94.
- Педагогика. /Под ред. П.И.Пидкастого. 2-е изд., М.: Просвещение, 1996.
- Педагогика. Учебное пособие. М., Российское педагогическое агентство, 1996.
- Педагогический поиск: Сб. / Составитель И. Н. Баженова. М.: Педагогика, 1989. С. 560.
- Петровский А. В. Личность. Деятельность. Коллектив. М., 1982.
- Перегудов Л. В. Модель современного преподавателя и ее обеспечение // Тайлим мұаммолари, 1999. № 1–2.
- Перегудов Л. В. О планировании, организации и учебно-методическом обеспечении рейтинговой системы контроля знаний, умений и навыков студентов // Тайлим мұаммолари, 1998. № 5.
- Перегудов Л. В. Основы интеграции образования, науки и производства // Тайлим мұаммолари, 1998. № 4.
- Перегудов Л. В., Сайдов М. Х. Менеджмент и экономика высшего образования. Т.: Молия, 2001.
- Петровский А. В. Вопросы истории и теории психологии: Избранные труды. 1984.
- Пикельная В. С. Теоретические основы управления/школоведческий аспект/. Методическое пособие. М.: Высшая школа, 1990.
- Писарева Л. И. Тенденция развития современной школы ФРГ. Педагогика, 1991. № 2. С. 133–139.
- Пискунова А. И., Воробьева Г. В. Теория и практика педагогического эксперимента М.: Педагогика, 1979. С. 208.
- Платонова К. К. Краткий словарь системы психологических понятий. М.: Высшая школа, 1981. С. 176.
- Платонова К. К. Проблемы способностей. М., 1972, Наука. С. 312.
- Плафонов К. Что такое системный подход и системное качество // Профессионально-техническое образование. 1978. № 12. С. 52–54.
- Плотников В. В., Вязовец Н. В. Психофизиологические аспекты вузовского обучения. М.: НИИВШ, 1986. С. 40.

- Подготовка техников в новых экономических условиях / Под ред. С.Я. Батышева, Б.С. Гершунского, Л.Г. Семушиной. М.: ИРПО, 1993. С. 375.
- Подиновский В. В., Погни В. Д. Парето-оптимальные решения многокритериальных задач. М.: Наука, 1982. С. 386.
- Полонский В. М. Оценка знаний школьников. М.: Знание, 1981. Серия «Педагогика и психология». № 4, С. 29—47.
- Полонский В. М. Оценка качества научно-педагогических исследований. М.: Педагогика, 1987. С. 144.
- Поль Херст. Применение микроСистем в управлении образованием. М. Перспективы: вопросы образования, № 4. 1988.
- Поляков С. Д. В поисках педагогической инноватики. М.: 1993. С. 64.
- Попов Г. Х. Эффективное управление. М.: Экономика, 1976. С. 143.
- Попов Е. И. Система РИТМ: принципы, организация, методическое содержание // Высшее образование в России, 1993. № 4. С. 47—50.
- Попова П. В. Методические основы научного познания / М.: Высшая школа, 1972. С. 272.
- Портнов М. Л. Азбука школьного управления. М.: Педагогика, 1991.
- Посталюк П. Ю. Творческий стиль деятельности. Педагогический аспект. Изд. Казанского университета, 1989. С. 204.
- Поташник М. М., Вульфов Б. Э. Педагогические ситуации. М.: Педагогика, 1983. С. 144.
- Поташник М. М. Управление развитием образовательного учреждения // Советская педагогика, 1995, № 2. С. 20.
- Поташник М. М. Оптимизация управления школой. М., 1991.
- Поташник М. М. Демократизация управления школой: М., 1991.
- Поташник М. М. и др. Управление инновационными процессами в образовании. М., 1994.
- Поташник М. М., Лазарев В. С. Управление развитием школы. М., 1995.
- Поташник М. М. Качество образования: проблемы и технология управления. М., 2002. С. 350.
- Правдин Д. Показатели и критерии эффективности управленческого труда / / Вопросы экономики, 1975, № 12. С. 116—126.
- Практическое руководство по методу отбора одаренных детей в лицей и гимназии. Таш. Обл. ПК, Ташкент, 1994. С. 28.
- Пригожин А. И. Нововведения: стимулы и препятствия. М. 1989.
- Проблемы управления народным образованием и исследования его эффективности. /Межвуз.сб.научн.трудов. Т., 1994.
- Психодиагностика, теория и практика / Под ред. Н. Ф. Талызиной. М.: Прогресс, 1986. С. 203.
- Психологическая теория коллектива. М., 1979.
- Психологические измерения / Под ред. Л. Д. Мешалкина. М.: Мир, 1967. С. 196.
- Психология развивающейся личности, под ред. А. В. Петровского, М.: Педагогика, 1987. С. 240.
- Психология, словарь, под ред. А. В. Петровского и М. Г. Ярошевского, М.: Политиздат, 1990. С. 494.
- Пути перестройки управления народным образованием: социально-экономический аспект. М.: АПН, 1990.
- Ражабов С. Р. Педагогика фани тараққиётнинг баъзи масалалари. Т.: Ўқитувчи, 1977.

- Разумовский В. Г.* Методология и методы педагогики. М.: Советская педагогика. 1989, № 11. С. 44.
- Ребус Б. М.* Психологические основы управления школой. Учебн. пособие для организаторов народного образования. Ставрополь: СГПИ, 1990.
- Рейтинг в учебном процессе вуза (Опыт, проблемы, рекомендации) / Под ред. А. И. Барсукова. М., 1992. С. 142.
- Роберт Янг, Переходов Л. В., Зинурова Р. Г.* Рекомендации по самоаттестации образовательных учреждений. Ташкент: ЕС — ТАСИС, 1999.
- Роджерс Ф.* Преуспевающий руководитель // Кадры, 1992, № 7. С. 12.
- Роджерс Ф.* Человек, фирма, маркетинг. М.: Прогресс, 1990. С. 229.
- Родзевич Л.* Инспектирование производственного обучения // Профессионально-техническое образование, 1967, № 7. С. 22—23.
- Розан Р.* Открыть личность в педагогике // Учительская газета. 1985. № 18.
- Рубинштейн С. Л.* Причины и пути развития психологии. М.: Педагогика. 1957. С. 137.
- Савельев А. Я.* Технологии обучения и их роль в реформе высшего образования // Тезисы докладов на Всероссийском совещании ректоров вузов. М. 1994. С. 3—9.
- Сайдахмедов Н.* Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси. Т.: Республика Тайлим маркази, 1999. — 55 б.
- Саймон Б.* Общество и образование. М.: Прогресс, 1989. С. 200.
- Салимова К. И.* Критика педагогами Англии концепций образования и воспитания // Советская педагогика. 1978. I. С. 135—143.
- Салимова К. И.* Педагогика за рубежом: история и современность. М.: Пропагандист, 1988. С. 224.
- Самойленко П. И., Сергеев А. В., Атаманчук П. С.* Объективизация контроля результатов обучения физике // Специалист, 1994. № 2. С. 26—29.
- Санталайнен Т и др.* Управление по результатам / Пер с финск. Общ.ред. и предисл. Я.А. Лейманна. М.: Прогресс. 1993. С. 215.
- Сафаров Н.* Прогрессивные илени и опыт народной педагогики Узбекистана, Автореф.дис. на соиск.учен.степ.д-ра пед. наук. Алма-Ата, 1993. С. 25.
- Сафо О.* Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари — Т.: Ўқитувчи, 1995. — 208 б.
- Северцев В. А.* Оценке знаний — объективность // Вестник высшей школы, 1982. № 2. С. 3—9.
- Седова Н.* Консервативна ли школа? К разработке модели управления школьной системой. Народное образование, 1991, № 12. С. 59—63.
- Семушина Л. Г.* Стандарты уровней профессионального образования, их значение для разработки содержания подготовки. М., 1993. С. 28. // Проблемы непрерывного образования: Обз. информ. / НИИВО; Вып. 1.
- Семушина Л. Г., Зосимовский Л. В., Байденко В. И. и др.* Гибкие образовательные структуры в системе среднего профессионального образования. М., 1995. С. 44. //Проблемы среднего профессионального образования. Обз. информ., НИИВО; Вып. 1.
- Семушина Л. Г., Ступникова Л. П.* Формирование аналитических и проектировочных умений у учащихся средних специальных учебных заведений. М.: 1994. С. 32. //Проблемы средней специальной школы: Обз. информ. / НИИВО, Вып. 2.
- Сенченко И. Т.* Подготовка и повышение квалификации кадров на производстве. М.: Педагогика, 1982. С. 136.

- Сенченко И. Т.* Повышение квалификации рабочих на производстве. М.: Педагогика, 1989. С. 109.
- Симонов В. П.* Директору школы об управлении учебно-воспитательным процессом. М.: Педагогика, 1988. С. 160.
- Симонов В. П.* Пути преодоления формализма в оценке знаний учащихся // Среднее специальное образование, 1983. №2. С. 18–21.
- Симонов В. П.* Качество образования: что в основе? как его определить? // Стандарты и качество. 1994, № 2. С. 55.
- Синкх Р.* Образование в условиях меняющегося мира // Перспективы, 1993. № 1. С. 7.
- Скаткин М. Н., Краевский В. В.* Содержание общего среднего образования. Проблемы и перспективы. М.: Знание, 1981. С. 96.
- Скаткин М. Н.* Методология и методика педагогических исследований. М.: Педагогика, 1986. С. 152.
- Сок Г. Б., Горлов Б. Б.* Психолого-педагогические аспекты оценки деятельности преподавателей. Учебное пособие. Новосибирск: изд. Новосибирского электротехнического института. С. 115.
- Собкин В. С., Писарский П. С.* Социокультурный анализ образовательной ситуации в мегаполисе. М., 1992.
- Соболев С. К.* Рейтинговая система контроля и оценки знаний студентов. М.: МВТУ им. Н. Баумана, 1989. С. 27.
- Современные формы и методы контроля знаний студентов на разных этапах обучения и при аккредитации вузов / Тезисы докладов на конференции-семинаре, Москва, 5–9.06.95. М.: Исследов. центр МГТА. 1995. С. 144.
- Соколов А. Г.* Теория и практика управления средним профтехучилищем. М.: Высшая школа, 1988. С. 4.
- Соколов А. Г.* Управление деятельностью среднего профтехучилища. М.: Высшая школа, 1983. С. 167.
- Соколов А. Г.* Управление психологическим климатом педагогического коллектива профтехучилища. Л.: Госпрофобр СССР, ВНИИ профобразования, 1984. С. 29.
- Соколов В. М.* Стандарты в управлении качеством образования. М.: ИПКПС, 1993. С. 95.
- Сотченко Ю., Голованов Ю.* Как определять эффективность труда в сфере управления // М.: 1974, № 9. С. 73–79.
- Спиркин А. Г.* Основы философии: Уч. пос. для вузов М.; Политиздат. 1988. С. 266.
- Стандарты педагогического образования и оценка его качества в Узбекистане и зарубежом. Сб. научн. сообщений. М., 1994.
- Стандарты профессионального образования зарубежных стран. М.; ИПО РФ. 1992. С. 7.
- Степанов В. Р.* Методика определения профессионального уровня преподавателя. Чебоксары, 1994. С. 12.
- Стоуне Э.* Психопедагогика, психологическая теория и практика обучения. М.: Педагогика, 1984. С. 472.
- Стрэзикозин В. Н.* Руководство учебным процессом в школе. М.: Просвещение, 1972. С. 271.
- Субетто А. И.* Введение в квалиметрию высшей школы, Уч. пособие. В 4 кн. М.: ИЦПКПС, 1991. Кн. 1. С. 94, Кн. 2. С. 120.
- Субетто А. И.* Качество — это достоинство // Стандарты и качество, 1993, № 9. С. 24.

*Субетто А. И., Селезневой Н. А. Квадиметрия человека и образования: Методология и практика.* Сб. науч. ст. Ч. I-IV/ М.: Исслед. центр проблем качества подготовки специалистов, 1994. С. 140.

*Суд над системой образования: стратегия на будущее / Под ред. У.Л. Джонсона.* М.: Педагогика, 1991. С. 264.

*Сунцов Н. С. Управление общеобразовательной школой.* М.: Педагогика, 1982. С. 144.

*Сухомлинский В. А. Сердце отдаю детям.* Киев: Рад. Шк, 1969. С. 247.

*Тайчинов М. О научных основах управления ПТУ // Профессионально-техническое образование.* 1973, № 6. С. 25.

*Талызина Н. Ф. Теоретические основы контроля в учебном процессе.* М.: Знание, 1983. С. 3—37.

*Талызина Н. Ф. Управление процессом усвоения знаний (психологические аспекты).* М.: МГУ, 1984. С. 313.

*Татьянченко В. С. Системный подход как средство повышения уровня внутришкольного планирования.* Автореф, дисс. канд. пед. наук. Алма-Ата. 1977. С. 22.

*Таунсенд Р. Секреты управления // Кадры, 1992, № 6. С. 44.*

*Тимо Санталиайнен и др. Управление по результатам.* М.: Прогресс, 1993.

*Титович С. П. Организационно-правовые и финансово-экономические аспекты управления образованием в ФРГ.* М. № 7. С. 129—134.

*Тожиев И. Ўзини ўзи тарбиялаш.* Т.: Ўзбекистон, 1982. — 35 б.

*Том Н. Роль профессионального организатора в инновациях // Проблемы теории и практики управления, 1993, № 5. С. 57—61.*

*Томилов В. Формирование организационной культуры экономических систем // Проблемы теории и практики управления.* 1995. № 1. С. 69.

*Травин В. В., Дятлов В. А. Основы кадрового менеджмента.* М. 1995.

*Трайнев В. А., Костин А. Л. Методы анкетирования и тестирования.* М.: 1990. С. 34.

*Третьяков П. И. Об управлении школьным образованием.* М. 1991. С. 49—52.

*Третьяков П. И. Новая модель управления; Московский вариант/опыт decentralизации управления образованием/.* — Народное образование, 1991, № 7. С. 20—24.

*Третьяков П. И. Управление сферой образования в крупном городе.* Педагогика, 1990, № 6. С. 41—45.

*Туленов Ж., Гофуров З. Фалсафа.* Т.: Ўқитувчи, 1997. — 380 б.

*Туленов Ж., Юсупов К., Гофуров З. Истиқолол ва тараққиёт мағқураси: мақсад ва йўналишлари.* — Т.: Ўзбекистон, 1993. — 47 б.

*Турдикулов Э. А. Экологическое образование и воспитание учащихся в процессе изучения естественных дисциплин.* Т.: Ўқитувчи, 1991. С. 190.

*Турсунов И. Ю. Организационно-педагогические основы совершенствования подготовки учительских кадров.* Т. Ўқитувчи, 1989.

*Тюнин В. А. Дидактические принципы проверки и оценки знаний.* Томск: Унта, 1989. С. 201.

*Үемов А. И. Системный подход и общая теория систем.* М.: Мысль, 1978. С. 272.

*Управление народным образованием в районе (городе): опыт, проблемы, перспективы.* М.: АПН, 1990.

*Управление персоналом организации.* Под ред. А.Я. Кибанова. М. 1997.

*Управление и системный анализ в экономике.* М.: Экономика. 1976. С. 238.

Управление развитием школы. Под ред. М.М. Поташкина и В.С. Лазарева. М. 1995.

Управленические нововведения в США: проблема внедрения. Под ред. Ю. А. Ушанова. М. 1986.

Урванцева Г. А. Опыт организации тестового контроля знаний студентов по биохимии в рамках рейтинговой технологий // Тезисы докладов участников школы-семинара «Научные проблемы тестового контроля знаний» 14—18.03.94. / Под ред. В. С. Аванесова, М.: ИЦПКПС, 1994. С. 59—60.

Устымюк Ю. А. Роль химии в НТР и подготовке кадров // Вестник высшей школы, 1988. № 12. С. 11—20.

Учебно-воспитательный процесс и проблемы управления. Метод рекомендаций. /Под ред. В.Ф.Кривошеева. М.: Прометей, 1990.

Ушаков К. М. Управление школьной организацией: Биб-ка ж. «Директор школы», 1995, вып.1.

Ушинский К. Д. Избранные педагогические сочинения. В 2 т. М.: Педагогика, 1974. Т. 1 С. 584. Т. 2. С. 440.

Ўзбек педагогикаси антологияси. Т.: Ўқитувчи, 1995.

Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар. Т., Фан, 1996.

Файзулина С. З. Становление и развитие системы эстетического воспитания школьников Узбекистана. — Ўқитувчи, 1987. С. 150.

Фағмер Р. Энциклопедия современного управления. Т.1., М., 1992.

Фарберман Б. Л. Методика разработки и применение педагогических тестов. Т., 1995. С. 115.

Фарберман Б. Л. Составление педагогических тестов. Ташкент: ТАДИ, 1993, С. 80.

Фарберман Б. Л., Асомов Д.К. «Педагогик тестлар ва талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг системаси»: Республика ўқув-услуб идораси. Тошкент, 1995, —102 б.

Фаткин Л. Менеджмент и управленческая культура // Проблемы теории и практики управления, 1992, № 3. С. 98.

Федоров В. А., Колегова Е. Д. Технология оценки качества образовательной и педагогической деятельности как средство управления вузом. Екатеринбург, 1995. С. 47.

Федоров М. И. Рейтинговая система и качество подготовки специалистов строительной специальности по физике в вузе // Тезисы докладов участников школы-семинара «Научные проблемы тестового контроля знаний» 14—18.03.94. / Под ред. В. С. Аванесова, М.: ИЦПКПС, 1994. С. 89—91.

Фефелов В. С. с соавт. Современный школьный рейтинг (психолого-педагогические основы). Т., 1998. С. 41.

Филипп Генов. Психология управления. М.: Прогресс, 1982.

Философско-педагогические проблемы образования / Под ред. В. В. Давыдова. М.: Педагогика, 1981. С. 176.

Философский энциклопедический словарь. М.: СЭ, 1993. С. 839.

Фонды комплексных контрольных заданий по специальностям высшего образования / Методические рекомендации по разработке. Под общ. редакцией В. Беспалько и П. А. Селезневой. М.: ИЦПКПС, 1989. С. 89.

Франева Л. К. Организационные структуры. Методы диагностики. С. Пб. 1993.

Франц Хофман. Мудрость воспитания. Педагогика. /Очерки развития педагогической теории/Пер. с нем. М.: Педагогика, 1979.

- Френсис Д., Вудлок М. Раскрепощенный менеджер/Пер. с англ. М.: Дело, 1991. С. 320.
- Фридман Л. М. Педагогический опыт глазами психолога. М.: Просвещение, 1987. С. 224.
- Фридман Л. М., Кулагина И. Ю. Психологический справочник учителя. М.: Просвещение, 1991. С. 288.
- Фридман Л. М. Наглядность и моделирование в обучении. М.: Просвещение, 1984.
- Фролов П. Т. Системный подход в воспитании и обучении школьников. Воронеж: Изд-во ВГУ, 1979. С. 191.
- Хайтун С. Д. Проблемы количественного анализа науки, М.: Наука, 1989. С. 280.
- Хансен А. Л. Современная начальная школа в Америке. Начальная школа, 1991, № 12. С. 74—76.
- Хачатуров С. Организация производственных систем // Проблемы теории и практики управления, 1993, № 4. С. 57.
- Хеккаузен Х. Мотивация и деятельность: В 2 т. Пер. с нем. М.: Просвещение, 1986. № 1. С. 407.
- Хен Д. Школа будущего: От принципов к планированию и созданию. Система образования в Израиле на пороге XXI века. — Информатика и образование. 1996, № 2. С. 97—120.
- Хованов Н. В. Математические основы теории шкал измерений качества. Л.: ЛГУ, 1982. С. 185.
- Ховард Д. Школа завтрашнего дня. М., 1993.
- Хомерики С. Г., Поташник М. М., Лоренсов А. В. Развитие школы как инновационный процесс; Метод.пос. для руковод. образоват. учреждений. М.: Новая школа, 1994. С. 32.
- Хошимов К. ва бошқ. Педагогика тарихи Т.: Ўқитувчи, 1986.
- Худойбердиев И. Ислом, шахс ва миллий психология. Т.: Ўзбекистон, 1994. — 70 б.
- Худоминский П. В. Управление современной общеобразовательной школой. М., 1995.
- Цельнер К. Что такое «модель Гарцбурга» // Проблемы теории и практики управления, 1992. № 1. С. 77.
- Чареев Э. Т. Система трудового воспитания учащихся. Т.: Ўқитувчи, 1982. С. 112.
- Чернов Е. Д. К выбору объективного показателя качества подготовки студентов по профилирующим дисциплинам // Оценка и управление качеством подготовки специалистов как фактор интенсификации учебного процесса. Тезисы докладов научно-методической межвузовской конференции 20—21 октября 1988. Гомель: БелНИЖТ, 1988. С. 29—30.
- Шадиев Д. Ш. Мысленный эксперимент в преподавании физики. Т.: Фан, 1984. С. 128.
- Шодиев Н. Ш. Подготовка студентов к работе по профориентации сельских школьников. Т.: Ўқитувчи, 1979. С. 280.
- Шадриков В. Д. Философия образования и образовательные политики. М.: ИЦПКПС, 1993. С. 180.
- Шакуров Р.Х. Пути совершенствования деятельности директора среднего профтехучилища по руководству педагогическим коллективом; Метод. реком. Казань: АПН СССР, 1984. С. 56.

- Шакуров Р. Х.* Социально-психологические проблемы совершенствования управления профтехучилищем. М.: Педагогика, 1984. С. 90.
- Шакуров Р. Х.* Функция управления инженерно-педагогическим коллективом профтехучилища // Советская педагогика, 1978, № 3. С. 93–99.
- Шакуров Р. Х.* Реализация Госстандарта: роль психологического фактора // Специалист, 1995. № 4. С. 20.
- Шакуров Р. Х.* Социально-психологические основы управления: руководитель и педагогический коллектив. М., 1990.
- Шакуров С. Х.* Социально-психологические проблемы руководства педагогическим коллективом. М., 1992.
- Шалаев И. Ю.* Программно-целевой подход в управлении педагогическим коллективом общеобразовательной школы. Барнаул. М.: Барнаульск., Моск. ГПИ. 1987. С. 21.
- Шамблес К., Белл Д.* Прикоснитесь к будущему: Компьютерное оснащение американской начальной школы. Информатика и образование. 1996, № 2. С. 126–129.
- Шамова Т. И.* Исследовательский подход в управлении школой // Советская педагогика, 1984. № 9. С. 42–47.
- Шапкин В. В.* Аттестация и государственная аккредитация учреждений профессионального образования. Метод, реком. С.-Петербург: УМЦ Комитета по образованию, 1994. С. 67.
- Шардакова М. Н.* Мышление школьника. М.: Учпедгиз. 1963. С. 256.
- Шаталов В. Ф.* Кула и как исчезли тройки: Из опыта работы школ города Донецка. М.: Педагогика, 1979. С. 136.
- Шатуновский В. Л.* Самостоятельная работа студентов // Вестник высшей школы, 1987, № 6. С. 47.
- Шварцман К. А.* Философия и воспитание. М., 1989.
- Шевцов В. Е.* Французская школа готовится к 2000 году. Педагогика, 1992, № 1. С. 106–110.
- Шекшия О. В.* Управление персоналом современной организации. М., 1996.
- Шептулин А. Л.* Диалектический метод познания. М.: Политиздат, 1983. С. 320.
- Шестаков Н. В., Колесник М. Г.* Организация и методика инспектирования профессионально-технического образования. М.: Высшая школа, 1980. С. 175.
- Шестаков Н. В., Фомин Ю. А.* Контроль — основа совершенствования учебно-воспитательного процесса в средних ПТУ. М.: Высшая школа, 1977. С. 15.
- Шилов В. Д., Андрющенко Р. С.* Митинговая система оценки достижений студентов в учебном процессе // Квалиметрия человека и образования, Методология и практика / Под ред. А. И. Субетто и Н. А. Селезневой. М.: 1993. С. 31–37.
- Шкляр А. Х.* Непрерывное профессиональное образование в интегративных структурах профессиональной школы (теория и практика). Мин.: Нмцентр, 1995. С. 136.
- Школа будущего: инновационные модели образования. Санкт-Петербург, 1995.
- Школа на рубеже веков: проблемы, результаты, ожидания. — Т.: ТашГПИ им. Низами, 1995.
- Школьные реформы в развитых странах Запада./Под ред. З. А. Мальковой, В. С. Митиной. М.: НИИ теории и истории педагогики, 1992.

- Шольц К. Организационная культура: между иллюзией и реальностью // Пройдены теории и практики управления, 1995, № 3. С. 111.
- Шубин Н. А. Внутриучилищный контроль! Пос. для руковод. школ. М.: Просвещение, 1977. С. 240.
- Шукшунов В. Е., Взятышев В. Ф., Савельев А. Я., Романкова Л. И. Инновационное образование (парадигма, принципы реализации, структура научного обеспечения) // Высшее образование в России, 1994, № 2. С. 13–28.
- Шукшунов В. Е., Взятышев В. Ф., Романкова Л. И. Инновационное образование: идеи, принципы, модели. М.: МАН ВШ, 1996.
- Шапов А., Тихомирова Н., Ершиков С., Лобова Т. Тестовый контроль в системе рейтинга // Высшее образование в России, 1995, № 3. С. 100–102.
- Щедровицкий Г. П. Новшества и инновации // Учительская газета, 1995. С. 22–23.
- Щедровицкий Г. П. Проблемы методологии системного исследования. М.: Знание, 1964. С. 63.
- Шукрина Г. М. Активизация познавательной деятельности учащихся в учебном процессе. М., Просвещение, 1979. С. 160.
- Шуркова Н. Е., Питюков В. Ю., Савченко А. П., Осинова Е. А. Новые технологии воспитательного процесса. М.: Новая школа, 1994. С. 112.
- Экзамены: мнение студентов // Вестник высшей школы. 1987, № 2. С. 34–36.
- Экономическое и социальное планирование в профессионально-техническом образовательном учреждении. М.: Высшая школа, 1980. С. 87.
- Эрдниев Н. М., Эрдниев Б. Н. Укрупнение дидактических единиц в обучении математике. М.: Просвещение, 1986. С 255.
- Эсаулов А. Ф. Активизация учебно-познавательной деятельности студентов. М.: Высшая школа, 1982. С. 223.
- Юдин Э. Г. Системный подход и принцип деятельности. М.: Наука, 1978. С. 392.
- Юдин Э. Г. Методологическая природа системного подхода // Системные исследования. М.: Наука, 1973. С. 38–51.
- Юлдашев Ж. Г. На пути к рассвету народного образования Узбекистана. Т. 1997, 38 С.
- Юлдашев Х. К. Организация и проведение выпускных и переводных экзаменов по физической культуре в общеобразовательных школах. Т.: Ўқитувчи, 1989. С. 126.
- Юрьевская И. О руководстве учебным процессом в средних ПТУ // Профессионально-техническое образование, 1974, № 1. С. 13–14.
- Юсупов Ф. М. Стимулирование педагогической деятельности: Методическое руководство. Казань, 1994.
- Юсуфбекова Н. Р. О педагогической инноватике // Советская педагогика, 1991, № 11, С. 21.
- Юсуфбекова Н. Р. Общие основы педагогической инноватики: опыт разработки теории инновационных процессов в образовании. М., 1991.
- Юцявичене Л. А. Принципы модульного обучения // Советская педагогика, 1990, № 1. С. 55–59.
- Юцявичене П. А. Теория и практика модульного обучения. Каунас: Швiesa, 1989. С. 272.

- Яковлева Н. М., Сохор А. М.* Методика и техника урока в школе, М.: Просвещение, 1985. С. 208.
- Якокка Л.* Карьера менеджера / Пер. с англ. М.: Прогресс, 1991. С. 304.
- Ямбург Е. А.* Эта «скучная» наука управления. М.: АИП ЦИТП, 1992. С. 61.
- Яновский А. М.* О системе управления качеством продукции // Стандарты и качество. 1993, № 7. С. 37.
- Albrecht D., Ziderman A.* Student loans: An effective instrument for cost recovery in higher education // The World Bank Research Observer 1993 — vol. 8 — №1.
- Katzell R. A., Jhonson D. E.* Work motivation: theory and practice // American psychologist, 1990 — Vol. 45, № 2. — p. 144-153.
- Kotter, Jhon P., and James L. Heskett.* Corporate Culture and Performance. New York: Free Press, 1992.
- Lord F. M.* Application of item response theory to practical. Testing problems. Hillsdale N-J. Lawrence Erlbaum Ass., Publ. 1980. 266p.
- Carlson S.* Private financing of higher education in Latin America and the Caribbean // The World Bank Latin America and the Caribbean Technical Department Regional Studies Program Report 18-1992.
- Magnusson D.* Test theory. — Reading., Mass., Addison — Wesley, 1967 — 270 p.
- Philip Kotler.* Marketing Management, the ed. Englewood cliffs, N.J.: Prentice — Hall, 1984.
- Rasch G.* Probabilistic models for some intelligence and attainment tests. With a foreword and afterword by B. D. Wright. — Chicago, Eondon, 1980199p.
- Tan J., Hogue M.* Recovering the cost of public higher education in Latin America and the Csrribbean // World Bank Education and Training Department Discussion Paper -1985.
- Albrecht D., Ziderman A.* Student loans: An effective instrument for cost recovery in higher education // The World Bank Research Observer 1993 — vol. 8 — №1.
- Carlson S.* Private financing of higher education in Latin America and the Caribbean // The World Bank Latin America and the Caribbean Technical Department Regional Studies Program Report 18-1992.
- Kotter, Jhon P., and James L. Heskett.* Corporate Culture and Performance. New York: Free Press, 1992.
- Philip Kotler.* Marketing Management, the ed. Englewood cliffs, N.J.: Prentice — Hall, 1984.
- Tan J., Hogue M.* Recovering the cost of public higher education in Latin America and the Csrribbean // World Bank Education and Training Department Discussion Paper -1985.
- Tan J., Psacharopoulos P.* Financing education in developin countries. // World Bank — 1986.

*Шавкат Эргашевич КУРБОНОВ,  
Эдем Азизович СЕЙТХАЛИЛОВ*

## **ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БОШҚАРИШ**

«Турон-Иқбол», — 2006

Муҳаррир *Ш. Мансуров*

Мусаҳидлар: *М. Акрамова, С. Абдунашибева*

Техн. муҳаррир *Г. Смирнова*

Рассом *Ж. Гурова*

Компьютерда тайёрловчи *А. Юлдашева*

Босишига 31.10.06 руҳсат этилди. Офсет босма. Қоғоз бичими 60×90<sup>1/16</sup>.  
Шартли босма т. 37.0. Нашр т. 38.2. Адади 3000. Буюртма № 180.

«Аттаргін» МЧЖ босмахонасида саҳифаланди ва босилди.  
Тошкент, Ҳ. Бойқаро, 41.



